

LE

m 7/20

Dup

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

Uzbekiston Kommunisti

БУ СОНДА ЎҚИЙСИЗ:

Қайта қуриш принциплари негизида жипслашиш

●

Иқтисодиётни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш

●

Диалектик тафаккурни излаб

●

Экология муаммолари ва регионал хўжалик ҳисоби

●

Партия тарихига доир тадқиқотлар илмий методологик негизда бўлсин

●

Ривожланаётган мамлакатлар: зиддиятлар, муаммолар

6. 1990

tml

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 6
ИЮНЬ
1990 йил

1921 йил февралидан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

Инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни партия ўзининг асосий мақсади деб билади.

КПСС МКнинг партия XXVIII съездига
Ҳаракат дастуридан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ҲОЗИР ЭНГ МУҲИМИ — ҚАЙТА ҚУРИШ ПРИНЦИПЛАРИ НЕГИЗИДА ЖИПСЛАШИШДИР

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ арафаси мамлакатдаги социал-иқтисодий ва сиёсий вазият ғоят мураккаб ва ғайриоддийдир. Биз ўз тараққиётимизда машаққатли, бурилиш даврини бошдан кечирмоқдамиз.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг мураккаблиги энг аввало жамиятимизнинг оғир иқтисодий ва социал таназзулини бошидан кечираётганлигидадир. Бинобарин, истиқболдаги ёруғ кунлар аранг кўзга илинмоқда.

Сиёсий вазиятнинг ғайриоддийлиги шундан иборатки, жамиятимиз собитқадамлик билан демократия, эркинлик, фикрлар хилма-хиллиги, кўп партиялиликнинг кенг йўлига чиқиб бормоқда. Партиянинг ўзи ҳам чуқур ўзгаришлар палласига қадам қўйди. Ҳокимият функцияларини Советларга топшириш муносабати билан жамият ҳаётида КПССнинг роли, унинг ишининг мазмуни ва методлари, бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро алоқаларининг характери ўзгармоқда. Партия ички муносабатлари ҳар томонлама демократиялашиб бормоқда.

Ҳозирги кунда бутун мамлакатда, партия ташкилотлари, меҳнат коллективларида, оммавий ахборот воситаларида съездолди мунозаралари кенг авж олиб, унга Марказий Комитет тайёрлаган партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва унинг янги Устави асос қилиб олинган. Авторитар-бюрократик системадан алоқани қатъиян узиш, социалистик йўлни танлаган инсонпарвар, демократик жамиятни, самарали бошқариладиган бозор иқтисодиётини, ҳуқуқий давлатни, совет федерациясини тубдан янгилашни, халққа муносиб турмуш шароитларини яратиб беришни сабот билан кўзлаш, «совуқ уруш»га чек қўйиш ва ресурсларни мамлакат бахт-саодатига қаратишга киришиш имконини берувчи янги ташқи сиёсат — булар КПСС МК Ҳаракат дастури лойиҳасининг асосий қоидалари бўлиб, қўйилган мақсадларга эришиш учун партия билан халқни жипслаштиришнинг мустаҳкам негизи бўлмиш инқилобий қайта қуришнинг чуқур сиёсий, иқтисодий ва социал мазмунини ифодалайди.

Съезд олдидан бўлаётган кенг ва эркин мунозара давомида баъзан бирбирини истисно этувчи ғоят ранг-баранг фикр-мулоҳазалар кўзга ташланмоқда, фикрлар, қарашлар, ёндашувлар ва ҳатто концепцияларнинг жуда хилма-хиллиги кўриниб турибди. Буларнинг барини тушунса ва изоҳласа бўлади. Ижтимоий-сиёсий соҳадаги танглиқдан, иқтисодиётдаги таназзул ҳолатлардан, миллатлараро негиздаги тўхтамай давом этаётган низолардан, миллатчилик экстремизми, ажратувчилик тенденцияларидан, жиноятчиликнинг жиддий равишда кучайиб бораётганлигидан, интизом ва тартибнинг анча бўшашиб кетганлигидан ташвишга тушган кишилар партия Ҳаракат дастури ва янги Устави лойиҳаларини кескин танқид қилмоқдалар. Ўз тузатишлари, қўшимчалари, аниқлашларини таклиф этмоқдалар, партия ва халқ ҳаётининг асосий муаммолари бўйича муқобил вариантларни киритмоқдалар.

Бошқа бир нарса — авж олиб кетган мунозара ва баҳсларда кўпинча хилма-хил қарашларга нисбатан ғоят тоқатсизлик ўзини кўрсатаётганлиги кўнгилни хижил қилмоқда ва ташвишга солмоқда. Ўртоқларча мунозара кўпинча «бир-

бирини янчиб ташловчи шафқатсиз жанг»га айланмоқда. Мунозарада ҳар қанақанги воситаларни ҳам ишга солавериш айниқса шунда яққол кўринмоқдаки, мухолифлар бир-бирларига «душман образи»ни — қайта қуриш, тараққиёт, демократия, она юрт ва ҳоказолар душмани образини яратувчи кескин ва аёвсиз (кўпинча асоссиз тарзда) сиёсий ва маънавий жиҳатдан салбий таърифлар берадилар. Уларнинг ҳар бири кўп ҳолларда у ёки бу далилни ўз фойдасини кўзлаб талқин этади. Биз ўз фикримиздан фарқ қилувчи фикрларга қулоқ солавермаймиз, уларга ҳаммавақт ҳам ҳурмат назари билан қарайвермаймиз. Мунозарада жазавага берилиб энг оддий одоб нормалари кўпинча бузилиб тургани, бир-бирини айбдор қилишлар, бир-бирига нисбатан қўполлик ва одобсизлик, партияга, мамлакат ҳукуматига, бошқа давлат муассасалари ва мансабдор шахсларга нисбатан дағаллик ва одобсизликлар яққол кўзга ташланиб турибди.

Фош қилишга уринишлар, сиёсий мухолифнинг нуқтаи назари ғаразгўйлик эканлигига, унинг ҳалол эмаслигига шаъма қилишлар, бир-бирини узиб олишга уринишлар анча кенг қулоч ёйди. Фақат мен ҳақман, деб одоб ҳақида гап сотиш, ҳеч нарсадан тап тортмай ва дағаллик билан ҳар қандай бошқача фикрни рад этиш ва уни қоралаш таомил тусига кирди. Ички сиёсатдаги мухолифлик тафаккури, ўтмишга нигилистик муносабат ва ўз бурчларини бажаришдаги масъулиятсизлик одат бўлиб қолди деса бўлади.

Муайян шахсларнинг партияни у танлаган стратегик йўлдан четга буриш, мабодо бунинг иложи бўлмаса, — партиянинг парчаланиб кетишига йўл очиб беришга уринишлари каби ҳақиқатдан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бундай ишлар ҳам «ўнг»дан, ҳам «сўл»дан туриб қилинмоқда. Бир хил кишилар қайта қуришни жамият ва партиянинг «либерал-буржуача айниши» деб билиб, уни инкор этадилар. Бошқалари антисоциалистик кучларга қўшилиб, Октябрь инқилобини фожиали хато деб эълон қиладилар, аслида капитализмни қайта тиклашга даъват этадилар. Миллатчилик, шовинистик кайфиятлар ва ажратувчиликка интилишлар жиддий хавф бўлиб қолди. Ана шуларнинг бари, равшанки, муайян даражада партияда ҳам акс этмоқда.

Кўп коммунистлар ҳаққоний равишда бизда консерватизм, эски мафкуравий андозалар, тафаккур ва ҳаракат догматизми, кишилар билан мулоқот қила билмаслик, уларнинг фикрини эшитмаслик ва тушунмаслик, улар билан тил топишга интилмаслик ҳали мустаҳкам сақланиб турган анча-мунча партиявий структуралар мавжуд демоқдалар. Ана шуларнинг бари партияга катта зиён келтиради, унинг омма орасидаги обрў-эътибори ва нуфузини пасайтиради. Ҳозирги кунда жамият тараққиётининг замонавий тенденцияларини, амалда чинакам демократияни, ошкораликни, кишига энг кўп эътибор беришни барқарор этишга бўлган жуда тез ортиб бораётган эҳтиёжни, кишиларга социалистик йўлга мос жозибадор ғояни бера билмасликни ҳисобга олмаслик — сиёсий ҳаёт йўлидан четга чиқиб қолиш демакдир.

Жамиятимизда ҳокимият ва ҳақиқатнинг якка соҳиби бўлиш ҳуқуқи жиддий тарзда барбод этилган, фикрлар ранг-баранглиги аллақачон реал фактга айланган, энди айланиб бораётган бир шароитда шу нарса мутлақо равшанки, агар Коммунистик партия ўз сиёсатида меҳнаткаш омма кўпчилиги англаган нарсани ифода эта олмаса, агар у кишилар билан ҳалол, тўғридан-тўғри ва ҳурмат билан гаплаша олмаса, улар билан тенг ҳуқуқли мулоқот олиб бора билмаса, чинакам авангард сиёсий кучга айланиш учун унда ҳеч қандай умид-имкон қолмайди. Модомики, партия аҳолининг барча социал табақалари учун, мамлакатнинг барча миллат ва элатлари учун баб-баравар жозибадор бўлган сиёсатни тавсия қилмас экан, унинг жиддий сиёсий кучга айланишга имкони қолмайди.

Шу боисдан кўп коммунистлар, партия комитетлари ҳозирги вақтда ўзларига-ўзлари: партиянинг ҳоли нима кечади, демак, ҳар биримиз қандай аҳволга тушамиз? Биз партиянинг тақдирини ҳал этишда қандай позицияни ишғол қилишимиз керак? Кўп партиявийлик вужудга келаётган шароитда ҳам КПСС жамият ва мамлакатнинг етакчи ва жипслаштирувчи кучи бўлиб қолмоғи учун қандай иш тутиш, қандай сиёсат юргизиш керак? деган саволларни бермоқдалар.

Биз ўз олдимизга бундай саволлардан қанчасини қўймайлик ва уларга жавоб беришга қанчалик уринмайлик, барибир, ҳар биримиз ўзимизни энг асосий нарсадан — ҳаётимизнинг барча соҳаларини қайта қуришдан, унинг тақдиридан

ўзимизни пана қила олмаймиз. Партия ҳақидаги, унинг келажаги ҳақидаги масалани бундан ажратиб бўлмайди. Бунда ҳамма нарса бир-бири билан алоқадор ва бир-бирига боғлиқдир. Мамлакатдаги туб ислоҳотларни давом эттириш ва мантиқий ниҳоясига етказиш — партияни янгилаш билан, партиядаги қайта қуриш — жамиятдаги ислоҳотлар билан боғлиқ. Қайта қуриш жамиятимизда ҳар бир коммунистга, ҳар бир инсонга ўз эътиқодидан қайтмаслик ва тарихда иштирок этиш имкониятини беради. Унинг халоскорлик аҳамияти ҳам ана шунда, бутун мамлакат учун, ниҳоят, ўз қудратли потенциалини рўёбга чиқариш буюк имконияти ҳам ана шундадир.

Бинобарин, ҳозирги пайтда ҳар қандай мунозара, айниқса турмушимизнинг ҳаётий муҳим муаммоларини ўз ичига оладиган мунозара ғоят аниқ таянч нуқтаи назарига ва аниқ мақсадига эга бўлмоғи керак. Шубҳасизки, ҳақиқат баҳслашувларда юзага келади, лекин уларнинг ҳар қандайи ҳам мақбул бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар бири ҳам умидбахш, соғлом истиқбол ваъда қилавермайди.

Хўш, КПСС жамиятимиз ривожининг қандай истиқболини таклиф қилмоқда? Бу истиқбол юқорида тилга олинган партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида таърифлаб берилган, унда Марказий Комитет узоқ баҳслар давомида фикрлари ҳисобга олинган маҳаллий партия ташкилотлари билан биргаликдаги катта коллектив иши оқибатида совет жамиятининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маданий тараққиёти қандай бўлишини ўзи қандай идрок этишини кўрсатиб берган. Унда КПСС қатъий равишда нималардан воз кечиши ва принцип жиҳатдан унга нималар мақбул эмаслиги аниқ белгиланган, ижтимоий жараённи тубдан қайта қуришнинг асосий мақсадлари ва конкрет вазифаларига, янгиланиб бораётган социалистик йўлдаги жамиятда партиянинг ўзининг роли ва вазифаларига батафсил таъриф берилган.

Ҳозирги кунда ўз мавқеини принципиал белгилаб олиш зарур, чунки реаллик шундан иборатки, биз партияни у танлаган йўлдан четга буриб юборишга уринишларга, унинг бўлиниб кетиши хавфига дуч келдик. Бир томондан, партия ва жамиятдаги съездолди мунозаралари кўрсатиб турганидек, консерватив оқим ташкил топди, бу оқим қайта қуриш жараёнининг чуқурлашувидан қўрқаётганлиги ёки тўғридан-тўғри орқага қайтишга, Сталин замонидаёқ юзага келган ва кейинги ўн йилликларда кам ўзгарган ҳаёт формаларига қайтишга чақираётганлиги яққол кўринмоқда. Бундай орқага қайтиш ҳалокатли бўлур эди, мамлакатни қайта тикланиш ҳар қандай имкониятидан маҳрум қилган, уни қотиб қолишга мажбур этган бўлур эди. Бундай вазиятнинг эски тартибларнинг муқаррар белгилари: репрессиялар, адолатсизлик, сон-саноқсиз қурбонлар, қашшоқлик ҳолатини сақлаб қолиш билан албатта бирга бўлиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Иккинчи томондан, жамиятга социалистик принциплардан воз кечишни, аслини олганда 1917 йил Октябрдан кейин босиб ўтилган бутун йўлни хато деб тан олишни таклиф қилмоқдалар. Бу бизнинг тарихий тажрибамизнинг муҳим ижобий қисми бўлмиш социал ғалабаларни хавф остига қўйиш, ижтимоий тараққиётнинг бош йўлидан четга чиқиш демакдир. Зеро, XXI аср бўсағасида кўпгина социалистик ғоялар ва қадриятлар бутун инсоният ҳаётининг нормасига аллақачон айланган ва тобора кўпроқ айланмоқда. Шундай экан, бизнинг ижобий тажрибамиз бўлмаганида ҳозирги замон цивилизацияси, эндиликда ҳамма тан олганидек, бутунлай бошқача бўлур эди.

Бу, шунингдек совет кишилари кекса авлодларининг хотирасига хиёнат қилиш бўлур эдики, улар, ўз фожиали қисматларидаги барча фалокатларга қарамай, энг оғир шароитларда мамлакатни патриархал структуралардан ва ялпи саводсизликдан олиб чиқа олдилар, бутун дунёга хўжалик ҳаётини планли ташкил этишнинг биринчи тажрибасини кўрсатиб бердилар, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциални яратдилар, Ватан урушининг даҳшатли машаққатлари юкини ўз елкаларида кўтариб бордилар ва ғалаба қилдилар, Европа халқларига озодлик келтирдилар.

У позицияга ҳам, бу позицияга ҳам қўшилиб бўлмаслиги равшан. Уларнинг ҳар иккови ҳам бемаъни бўлиб, боши берк кўчага олиб киради. Аммо янгича сиёсий тафаккурда, дунёни янгича тушунишда, социализмнинг янги концепцияси ғоясида мужассамланган социалистик қайта қуриш худди ана шу боши берк

кўчадан чиқиб олиш йўлини кўрсатиб беради, бизни соғлом фикрлашга қайтаради, бемаъни фикрлардан қатъиян воз кечишга рағбатлантиради.

КПСС МҚ Ҳаракат дастури лойиҳасида таърифланган социализм янги концепциясининг энг принципиал қоидаларидан бири башарият цивилизациясининг бундан олдинги тараққиёти тўплаган бутун бойликни албатта эгаллаган тақдирдагина янги тузумни барқарор этиш мумкинлигини аниқ тушуниб олишдан иборатдир. Ана шу меросни ўзлаштиргандан, уни ўз социал-иқтисодий ва сиёсий тузилмаларига қўшгандан кейингина социализм янги ижтимоий система сифатида қарор топиши мумкин.

Аммо ана шу оддий ва кўриниб турган ҳақиқатни, афсуски, биз катта қийинчилик билан тушунмоқдамиз. Бизнинг ҳозирги турмушимизнинг энг нохуш белгиларидан бири шундан иборатки, биз аллақачонлар бошқа мамлакатларда сийқаси чиққан ҳақиқатларни эндигина очмоқдамиз.

КПСС МҚ Ҳаракат дастурининг лойиҳаси социализм иқтисодий системасининг характеристикасини социализмнинг ҳозирги концепцияси марказига қўяди. Бу мулк ва хўжалик юритишнинг хилма-хил формаларини, уларнинг эркин рақобат қилишини, ҳар бир ходим ва коллективнинг ўз куч-ҳаракатини энг оқилона усулда татбиқ этиш ҳуқуқини, иқтисодиётни планли тартибга солишнинг ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашнинг методлари билан тўлдириладиган бозор механизми мавжуд бўлишини ўз ичига олади.

Социалистик экономика, бир томондан, юксак самарадор, фан-техника янгиликларини қабул этишга шай, истеъмолчи манфаатларини кўзлаган бўлиши, иккинчи томондан эса — ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштирилишининг ҳар қандай шаклларини истисно этиши лозим. Ҳаракат дастурининг лойиҳаси худди ана шуни кўп асрлик табиий танлаш жараёнида ҳосил қилинган умумиқтисодий шаклларни иқтисодий ҳаётни ташкил этишнинг социалистик жамиятга хос принциплари билан қўшиб олиб бориш деб билади.

Социализм маҳаллий, ёки муниципиал бошқаришдан тортиб то умумдавлат функцияларини амалга оширишгача ривожланган ва ҳамма соҳаларни қамраб олувчи ўз-ўзини бошқариш системасини шакллантиришни тақозо этади. Ўз-ўзини бошқариш принципини тўла-тўкис рўёбга чиқаришгача етказилган демократиягина сиёсий ҳаётни йўлга қўйишнинг социализмга мос асосларини яратишга қодирдир.

Ҳуқуқий давлатни яратмасдан туриб, қонуннинг устунлигисиз социализм бўлиши мумкин эмас. Бу мақсадга олиб борадиган йўл мураккаб ва узоқ йўлдир. Аммо биз энг аввало турмушни янги қонунлар қабул қилиш ёрдамида ўзгартиришдек хомхаёллардан холи бўлиб олишимиз лозим. Ҳуқуқий давлат — бу граждданлик жамиятининг фақат бир қисмигина. Бинобарин, бизнинг кундалик ҳаётимиз, бизнинг тасаввурларимиз ва хулқ-атвор мотивларимиз чатишиб кетган бутун ижтимоий муносабатлар жамини реал тарзда ўзгартириш билан муваффақиятга эришилади.

Цивилизацияли давлатда энг яхши сиёсат — бу аввало қонунларга қатъиян риоя қилишдир. Биз, афсуски, қонунлар ўз-ўзича амал қилавермаслигини, уларнинг нормалари кишилар фаолияти орқали турмушга оширлишини кўпинча унутиб қўямиз. Бир қадар демократик кайфиятда бўлган бизларнинг — аҳоли бир қисмининг хаёлида эса қонунга чуқур ҳурмат билан қараш йўқ. Қолаверса, шахсан бизга ёқмайдиган тафаккур тарзи билан қонун истисно қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракатлар ўртасида етарлича тафовут ҳам йўқ. Биз жиноий эмас, балки йўл қўйиб бўлмайдиган фикр тақиқланишига ўрганиб қолганмиз.

Ҳуқуқий жамиятда эркин бўлган фикр билан мамлакат Конституциясига мувофиқ тартибга солиб туриладиган ҳаракатлар ўртасида аниқ чегара ўтказилади. Эркинлик билан ҳамма нарсага йўл қўяверишн — булар сира ҳам бир-бирига сиғишмайдиган нарсалардир. Шу боисдан агар биз эркинликни амалда ҳамма нарсага йўл қўявериш деб татбиқ этсак, биз ана шу эркинлик устидан ҳукм чиқарган бўламиз, чунки биронта ҳам жамиятда ҳамма нарсага йўл қўявериш бениҳоя узоқ давом этавериши мумкин эмас.

Демократиянинг бошқа жиҳати ҳам бор. Митингларни бошқариш қуролига айлантириш билан мамлакат ҳаётига раҳбарлик қилиб бўлмайди. Ҳозир биз дастлабки кезларданоқ демократияни обрўсизлантирмаслигимиз ғоят муҳимдир,

бунда шуни ҳисобга олмоқ лозимки, демократия гражданларни фақат ҳокимиятдангина ҳимоя қилмайди, балки ҳокимиятни ҳам оломон ичидан янграган, ҳатто юзлаб гражданларнинг оғзидан чиққан ҳар қандай қичқириқлардан ҳимоя қилади.

Қисқаси, гражданлар жамиятининг барча тузилмаларини, ижтимоий ва маънавий муносабатлар, шахслараро мулоқотлар, оилавий тузилиш бутун системасини қайта ясаш ва шакллантириш борасида ҳали жуда катта иш қилишимиз лозим бўлади. Бизнинг тафаккуримиз мантиқида, омма психологиясида кўп нарса ўзгариши керак. Буни қайта қуриш олдида турган вазифалардан энг мураккаби деса бўлади. Биз ҳаётни яхши томонга ўзгартиришни жуда-жуда хоҳлаймиз. Лекин бунинг учун бизнинг ўзимиз бошқача бўлиб олишимиз лозим чоғи.

Ниҳоят, биз миллатлараро муносабатлар кескинлашувининг қаттиқ тугунини ечишимиз, янги федерацияни барпо этишимиз, янги иттифоқ шартномасини тузишимиз лозим бўлади. Бунда муҳими, — суверен давлатлар сифатида иттифоқдош республикаларнинг юридик ва сиёсий тенг ҳуқуқлилигини мустаҳкамлашдир. Янги шартнома республикалар ўз ҳуқуқларининг бир қисмини (мамлакатни мудофаа қилиш, ягона молия системаси ва ҳоказолар бериб қўйишлари мумкин бўлган Иттифоқ компетенцияси билан, ниҳоят, ўз ерининг хўжайини бўлиб қолиши лозим бўлган республикалар компетенцияси ўртасида аниқ чегара ўтказиши лозим.

Республиканинг мустақиллиги учта асосий негизга — иқтисодий, сиёсий ва маънавий негизга мустаҳкам таяниши лозим.

Иқтисодий негиз — республикаларнинг ташқи дунё билан ҳар қандай алоқа қила олиши, хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали бевосита савдо олиб бориши демакдир. Сиёсий негиз — ўз территориясидаги суверенитет, республика раҳбар органларининг биринчи навбатда ўз халқига ва унинг парламентига ҳисоб бериб туришидир. Ва, ниҳоят, маънавий жиҳати — республикада яшайдиган барча миллатлар ва элатларни ҳар тарафлама ривожлантириш, уларнинг миллий ва диний ҳуқуқларини гарантиялаш, ҳар бир республиканинг давлат тилини сўзсиз ривожлантирган ҳолда барча тилларни, шу жумладан, миллатлараро алоқа тили бўлмиш рус тилини ривожлантиришдир.

Ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида КПСС МКнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида аниқ ва равшан қилиб айтилган. Бизнинг жамиятимизда социалистик қайта қуришга оқилона альтернатива йўқ, деган нуқтаи назар аниқ ифодаланган. Фақат угина бизни оғир таназзул палласидан реал тараққиёт йўлига олиб чиқиши мумкин. Бизда социалистик йўлнинг оқилона альтернативаси йўқ. Социализм ижтимоий тузилиш идеали сифатида, ҳаётбахш илҳомлантирувчи ғоя сифатида ўз маъносини йўқотмаганлиги, ҳозирги замон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир. У инсонни озодликка чиқаришда жуда катта роль ўйнади, унинг фалсафаси ва ҳаётий позициялари башарият онгини ва маданиятини бойитди.

Социализмнинг моҳияти ва мазмуни ўзи илгариги социал-иқтисодий формациялардан мерос қилиб олган мавжуд гуманистик, ишлаб чиқариш ва социал цивилизация қадриятларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришдангина иборат бўлмасдан, балки биринчи навбатда ижтимоий ҳаётни социаллаштиришни ривожлантира бориб, ҳар қандай ҳуқуқсизликка, адолатсизликка чек қўйиш, чуқур маънога эга янги-янги ташаббуслар билан чиқиш, бошқа жамият яратмаган ва эга бўла олмайдиган маънавий, ахлоқий, социал ва иқтисодий ҳаётдаги қадриятларни яратишдан ҳам иборатдир. Акс ҳолда, «социализм» тушунчасининг ўзи маъносини йўқотиб, инсоний ўлчовга тўғри келмай қолади.

КПСС МКнинг Ҳаракат дастури лойиҳасини ҳам «ўнг»дан, ҳам «сўл»дан танқид қилувчилар унинг принципиал қоидаларига қилган ҳужумларида эътиборни кўпроқ социализмнинг гўё умумий концептуал характерга эга эканлигига қаратадилар. Аммо бу унинг нуқсони эмас, балки, аксинча, фазилатидир. Умумий концепция — бу ҳозирги кунимизнинг ғоят амалий, эҳтиёжларидан узоқ, қандайдир назарий мавҳумликдир, деб билувчилар жиддий хато қиладилар деб ўйлаймиз. Ҳаммага маълум қилинган концепция энг аввало омманинг онгига таъсир қилиши, ундаги ўнлаб йиллар мобайнида ҳокимиятнинг тоталитар системаси кучайтириб келган ақидаларни бартараф этиши лозим. Биз, ақидапарастлик

фақат «партиявий-бюрократик аппарат»га хосдир, деб ўйлаб, соддадиллик билан хато қиламиз. Оммавий онг ҳам ақидаларга шунчалик мойилдир.

КПСС МК Ҳаракат дастури лойиҳасининг бошқа дастурлардан, масалан, «Демократик ҳаракат дастури»дан шубҳасиз афзаллиги шундан иборатки, у бизнинг бутун Иттифоқимиз учун партия **бунёдкор** сиёсатининг фақат асосий стратегик йўналишларинигина ғоят лўнда қилиб таърифлайди. Бундай ёндашув мутлақо тўғри деб ўйлаймиз. У иттифоқдош республикалар компартияларининг мустақил ривожланишидаги ҳозирги тенденцияларга тўла-тўкис мосдир, уларнинг суверенитетини бўғмайди, чеклаб қўймайди, балки, аксинча, уларга КПССнинг умумий стратегик йўлини ўз республикаларининг ўзига хос шароитларини кўзда тутиб мустақил конкретлаштириш, у ёки бу иттифоқдош республика компартиясининг хусусиятлари, ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишда кенг имкониятлар беради.

Айни вақтда, агар мисол учун яна «Демократик ҳаракат дастури» олинадиган бўлса, унда аслида партиянинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишга амалий ҳисса қўшишга бирон-бир жиддий уриниш борлигини кўрмаймиз. Унда ҳозирги вақтда жамиятимизни тўлқинлантириб турган принципиал масалаларга жавоблар, иқтисодиёт соҳасида, социал соҳада, миллатлараро муносабатларда, ташқи сиёсат фаолиятида аниқ позициялар йўқ. Ўтмишга ва ҳозирги кунга кескин баҳо бериш, дастлабки қарашда гўё қайта қуришни янада чуқурлаштиришга интилиш тақозо этгандек кўринадиган дабдабали шиорлар ниқоби остида партиямизни фракциялар ва гуруҳлар тўла эркинлиги ҳукм сурувчи қандайдир шаклсиз уюшмага айлантириш, яъни амалда уни барбод этиш ниятлари яширинган.

Аслини олганда ажратувчилик тенденциялари, партияга федералистик структурани тиқиштиришга, коммунистларни миллий белгиларига қараб пароканда қилишга уринишлар ҳам ана шундай оқибатларга олиб келади.

Биз миллийлик билан миллатчиликнинг бир-биридан аниқ фарқ қилиниши тарафдоримиз. Миллийликка биз ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, ўз тили, анъаналари, турмуш уклади, тарихий хотирасини — яъни инсон миллий ўзлиги ҳиссиётини сақлаб қолишга имкон берадиган ҳамма нарсани сақлашга қонуний, ҳуқуқий интилишини киритамиз. Миллатчиликни эса биз ўз миллатининг устунлигини таъминлашга интилиш, унинг манфаатларини бошқа халқлар манфаатларини ҳисобга олмасдан ёки ҳатто уларни камситиш эвазига қондириш деб биламиз. Равшанки, бир хил миллатларнинг миллатчилиги бошқаларнинг миллатчилигини юзага келтириши мумкин холос. Бунинг оқибатида қутулиб бўлмайдиган душманлик гирдоби пайдо бўлади. Миллатчиликнинг ҳар қандай кўриниши ҳам даҳшатлидир. Миллатчилик — тинкани қуритувчи, кўзни кўр қилувчи, бузғунчи туйғудир.

Миллатчилик ўзини истаганича ватанпарварлик деб эълон қилиши мумкин. Лекин у ўз моҳиятига кўра, ўз тараққиётининг табиий қонунларига кўра барибир аста-секин фашизмга айлана боради. Ўзининг барча оқибатларига кўра энг оддий фашизм бўлиб қолаверади.

Албатта, янгиланиш идеологиясини мунозаралар жараёнида турли-турли нуқтаи назарларини, ёндашувларни дадил қиёслашсиз, ҳар бир бунёдкор ғояга эҳтиёткор муносабатда бўлмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди. Худди ана шундай негиздагина КПССнинг ўз XXVIII съездига ягона, кучли ва жипслашган ҳолда келишидан самимий манфаатдор бўлган соғлом кучларнинг партия ва жамиятда жипслашуви мумкин.

Аммо айни чоқда, мутлақо равшанки, партия бунда ғоявий иккиланишларга ва ғоявий бефарқликка муросасоз бўлишга йўл қўя олмайди. Шу боисдан съезд очилишигача қолган кунларда КПСС МК лойиҳаси билан бошқа муқобил ҳаракат дастурлари, шу жумладан «Демократик ҳаракат дастури» ўртасида уларнинг бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар йўқлигидан иборат масаланинг принципиал моҳиятини барча коммунистларга ва партиясизларга тушунтиришни қунт билан давом эттириш муҳимдир. Биз КПСС ва барча халқлар қабул қилган жамиятимизни қайта қуриш йўлига оид тадбирларни биргаликда рўёбга чиқаришимиз лозим. Коммунистлар ва партиясизларнинг демократик интилишларидан фойдаланиб, сиёсатда обрў қозонишга интилаётган айрим лидерларнинг ўзига

хос ғаразли мақсадлари — бу бошқа гап. Дарвоке, улар бу мақсадларини яширмайдилар ҳам. Бу хилдаги кишиларга бошқача муносабатда бўлиш лозим, албатта. Ана шунинг учун ҳам КПСС МҚ Ҳаракат дастури ва унинг янги Устави лойиҳаларини тушунтириш ва муҳокама қилиш борасидаги бутун ишни олиб борганда турли ҳаракат дастурлари ва оқимлар тарафдорларининг позицияларини аниқлашга, айниқса чалғитиб қўйилган, жамиятда содир бўлаётган жараёнларни тушуна олмаган иккиланувчи партия аъзоларига жуда алоҳида-алоҳида тарзда ёндашмоқ зарур.

КПСС МҚнинг «Принципиал негизда жипслашиш учун» деган очиқ хатида ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил айтилган. Партия Марказий Қомитети бу хатда янгиланиш идеологиясини, социалистик қайта қуриш йўлини ифодалаб, кенг, эркин, бунёдкор мунозараларга қаршилик кўрсатиш у ёқда турсин, балки, аксинча, партияда ишчанлик ва очиқ-ошкора тарзда фикр алмашувни янгидан кучайтиради. Шу боисдан ҳозирги вақтда, КПСС XXVIII съезди арафасида жуда кўп нарса партия комитетларига, партия ташкилотларига боғлиқ. Хатнинг маъноси ва мазмунини кенг ва чуқур тушунтириб бериш, муҳими эса — партияда бўлиниб кетишга йўл қўймаслик, коммунистлар ва партиясизларни инқилобий қайта қуриш принциплари негизида жипслаштириш талаб этилади.

Кишиларни «радикаллар» ва «консерваторлар»га бўлиб юбориш садоқатли иттифоқчиларни ўзидан узоқлаштириш ёки яккалаб қўйиш ва бу билан ҳақиқатан ҳам партияни парчалаб ташлаш мумкинлиги ҳақида чуқур ўйлаб кўрмоқ лозим. Бундай бўлиб юбориш нималарга олиб келиши ва кимнинг фойдасига хизмат қилиши мумкин?

Қайта қурувчи кучларни жипслаштириш, бирлаштириш асосан шунинг учун ҳам зарурки, бирликнинг бўлмаслиги ва табиий иттифоқчиларнинг бир-бирини қўлдан тойдириши жамиятимизни қайта қуришнинг, демократиялашнинг, янгилашнинг ҳақиқий душманлари учун ғоят қулай шароит яратиб беради. Бундай душманлар борлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Манифестлар эълон қилинмоқда, ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Аслини олганда мамлакат раҳбарларига нафақат «сўл»дан, балки «ўнг»дан ҳам ҳужум қилинмоқда.

Ўйлаймизки, тактик мулоҳазалар борасидаги ихтилофлар, ҳатто жиддий ихтилофлар — ажралиб олиш учун баҳона эмас ва жипслашув учун тўсиқ эмас. Жипслашиш учун бирдан-бир мумкин бўлган принципиал негиз — улкан ғояга, катта мақсадга берилганликдир. Қайта қуриш мақсадлари ва ғояларидан кўра муҳимроқ нарса бўлиши мумкинми?! Фақат ана шундай негизда бирлашишгина омилкор сиёсий партияни қайта яратиши мумкин. Фақат шундай партия кўп партиялилик шароитида ҳам аслини олганда расмият нуқтаи назаридан эмас, балки чинакам етакчилик ва жипслаштирувчилик ролини сақлаб қолади. Ўзи учун ана шундай ролни таъминлабгина, яъни ҳақиқатда ҳам бутун халқ мададидан баҳраманд бўлган ҳолда барча соғлом ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва партиялар билан иттифоқ бўлиб кенг демократик асосда партия жамиятимизни янгилаш стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин. Бошқача эмас, балки фақат ана шундай бўлган ҳолда, ичдан чинакамига уюшган ҳолда партия сиёсий хилма-хиллик шароитида муқаррар суратда юзага келадиган салбий кучлар ҳаракатини заифлаштира ва йўқ қила олади.

Партия XXVIII съездига саноқли кунлар қолди. Воқеаларга ғоят бой ва тез ўзгариб турган давр ва олдимиздаги қайта қуришнинг ғоят мураккаб муаммолари, образли қилиб айтганда, сиёсий арқоннинг икки учини бундан буён ҳам икки томонга тортавериш имконини берадики, бу бизнинг ижтимоий-иқтисодий тугунимизнинг тобора қаттиқ боғланишига олиб келади. Жамиятдаги барча соғлом кишиларнинг жипслашуви, партия сафларининг қайта қуриш принциплари негизидаги бирлигигина ана шу тугунни муваффақият билан ечиши мумкин. Шу боисдан биз қайта қуриш мақсадларини, инсонпарвар, демократик жамият идеалларини, социализм идеалларини юксак қадрловчи барча кишиларнинг мустаҳкам бирлиги тарафдоримиз. Биз КПСС XXVIII съезди янгиланиш ва бунёдкорлик съезди бўлиши, партиянинг янги кучлар ва янги қувват-шижоатлар ҳосил қилиши тарафдоримиз.

бирини янчиб ташловчи шафқатсиз жанг»га айланмоқда. Мунозарада ҳар қанақанги воситаларни ҳам ишга солавериш айниқса шунда яққол кўринмоқдаки, мухолифлар бир-бирларига «душман образи»ни — қайта қуриш, тараққиёт, демократия, она юрт ва ҳоказолар душмани образини яратувчи кескин ва аёвсиз (кўпинча асоссиз тарзда) сиёсий ва маънавий жиҳатдан салбий таърифлар берадилар. Уларнинг ҳар бири кўп ҳолларда у ёки бу далилни ўз фойдасини кўзлаб талқин этади. Биз ўз фикримиздан фарқ қилувчи фикрларга қулоқ солавермаймиз, уларга ҳаммавақт ҳам ҳурмат назари билан қарайвермаймиз. Мунозарада жазавага берилиб энг оддий одоб нормалари кўпинча бузилиб тургани, бир-бирини айбдор қилишлар, бир-бирига нисбатан қўполлик ва одобсизлик, партияга, мамлакат ҳукуматига, бошқа давлат муассасалари ва мансабдор шахсларга нисбатан дағаллик ва одобсизликлар яққол кўзга ташланиб турибди.

Фош қилишга уринишлар, сиёсий мухолифнинг нуқтаи назари ғаразгўйлик эканлигига, унинг ҳалол эмаслигига шаъма қилишлар, бир-бирини узиб олишга уринишлар анча кенг кулоч ёйди. Фақат мен ҳақман, деб одоб ҳақида гап сотиш, ҳеч нарсадан тап тортмай ва дағаллик билан ҳар қандай бошқача фикрни рад этиш ва уни қоралаш таомил тусига кирди. Ички сиёсатдаги мухолифлик тафаккури, ўтмишга нигилистик муносабат ва ўз бурчларини бажаришдаги масъулиятсизлик одат бўлиб қолди деса бўлади.

Муайян шахсларнинг партияни у танлаган стратегик йўлдан четга буриш, мабодо бунинг иложи бўлмаса, — партиянинг парчаланиб кетишига йўл очиб беришга уринишлари каби ҳақиқатдан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бундай ишлар ҳам «ўнг»дан, ҳам «сўл»дан туриб қилинмоқда. Бир хил кишилар қайта қуришни жамият ва партиянинг «либерал-буржуача айниши» деб билиб, уни инкор этадилар. Бошқалари антисоциалистик кучларга қўшилиб, Октябрь инқилобини фожиали хато деб эълон қиладилар, аслида капитализмни қайта тиклашга даъват этадилар. Миллатчилик, шовинистик кайфиятлар ва ажратувчиликка интилишлар жиддий хавф бўлиб қолди. Ана шуларнинг бари, равшанки, муайян даражада партияда ҳам акс этмоқда.

Кўп коммунистлар ҳаққоний равишда бизда консерватизм, эски мафкуравий андозалар, тафаккур ва ҳаракат догматизми, кишилар билан мулоқот қила билмаслик, уларнинг фикрини эшитмаслик ва тушунмаслик, улар билан тил топишга интилмаслик ҳали мустаҳкам сақланиб турган анча-мунча партиявий структуралар мавжуд демоқдалар. Ана шуларнинг бари партияга катта зиён келтиради, унинг омма орасидаги обрў-эътибори ва нуфузини пасайтиради. Ҳозирги кунда жамият тараққиётининг замонавий тенденцияларини, амалда чинакам демократияни, ошкораликни, кишига энг кўп эътибор беришни барқарор этишга бўлган жуда тез ортиб бораётган эҳтиёжни, кишиларга социалистик йўлга мос жозибадор ғояни бера билмасликни ҳисобга олмаслик — сиёсий ҳаёт йўлидан четга чиқиб қолиш демакдир.

Жамиятимизда ҳокимият ва ҳақиқатнинг якка соҳиби бўлиш ҳуқуқи жиддий тарзда барбод этилган, фикрлар ранг-баранглиги аллақачон реал фактга айланган, энди айланиб бораётган бир шароитда шу нарса мутлақо равшанки, агар Коммунистик партия ўз сиёсатида меҳнаткаш омма кўпчилиги англаган нарсани ифода эта олмаса, агар у кишилар билан ҳалол, тўғридан-тўғри ва ҳурмат билан гаплаша олмаса, улар билан тенг ҳуқуқли мулоқот олиб бора билмаса, чинакам авангард сиёсий кучга айланиш учун унда ҳеч қандай умид-имкон қолмайди. Модомики, партия аҳолининг барча социал табақалари учун, мамлакатнинг барча миллат ва элатлари учун баб-баравар жозибадор бўлган сиёсатни тавсия қилмас экан, унинг жиддий сиёсий кучга айланишга имкони қолмайди.

Шу боисдан кўп коммунистлар, партия комитетлари ҳозирги вақтда ўзларига-ўзлари: партиянинг ҳоли нима кечади, демак, ҳар биримиз қандай аҳволга тушамиз? Биз партиянинг тақдирини ҳал этишда қандай позицияни ишғол қилишимиз керак? Кўп партиявийлик вужудга келаётган шароитда ҳам КПСС жамият ва мамлакатнинг етакчи ва жипслаштирувчи кучи бўлиб қолмоғи учун қандай иш тутиш, қандай сиёсат юргизиш керак? деган саволларни бермоқдалар.

Биз ўз олдимизга бундай саволлардан қанчасини қўймайлик ва уларга жавоб беришга қанчалик уринмайлик, барибир, ҳар биримиз ўзимизни энг асосий нарсадан — ҳаётимизнинг барча соҳаларини қайта қуришдан, унинг тақдиридан

ўзимизни пана қила олмаймиз. Партия ҳақидаги, унинг келажаги ҳақидаги масалани бундан ажратиб бўлмайди. Бунда ҳамма нарса бир-бири билан алоқадор ва бир-бирига боғлиқдир. Мамлакатдаги туб ислоҳотларни давом эттириш ва мантиқий ниҳоясига етказиш — партияни янгилаш билан, партиядаги қайта қуриш — жамиятдаги ислоҳотлар билан боғлиқ. Қайта қуриш жамиятимизда ҳар бир коммунистга, ҳар бир инсонга ўз эътиқодидан қайтмаслик ва тарихда иштирок этиш имкониятини беради. Унинг халоскорлик аҳамияти ҳам ана шунда, бутун мамлакат учун, ниҳоят, ўз қудратли потенциалини рўёбга чиқариш буюк имконияти ҳам ана шундадир.

Бинобарин, ҳозирги пайтда ҳар қандай мунозара, айниқса турмушимизнинг ҳаётий муҳим муаммоларини ўз ичига оладиган мунозара ғоят аниқ таянч нуқтаи назарига ва аниқ мақсадига эга бўлмоғи керак. Шубҳасизки, ҳақиқат баҳслашувларда юзага келади, лекин уларнинг ҳар қандайи ҳам мақбул бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар бири ҳам умидбахш, соғлом истиқбол ваъда қилавермайди.

Хўш, КПСС жамиятимиз ривожининг қандай истиқболини таклиф қилмоқда? Бу истиқбол юқорида тилга олинган партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида таърифлаб берилган, унда Марказий Комитет узоқ баҳслар давомида фикрлари ҳисобга олинган маҳаллий партия ташкилотлари билан биргаликдаги катта коллектив иши оқибатида совет жамиятининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маданий тараққиёти қандай бўлишини ўзи қандай идрок этишини кўрсатиб берган. Унда КПСС қатъий равишда нималардан воз кечиши ва принцип жиҳатдан унга нималар мақбул эмаслиги аниқ белгиланган, ижтимоий жараённи тубдан қайта қуришнинг асосий мақсадлари ва конкрет вазифаларига, янгиланиб бораётган социалистик йўлдаги жамиятда партиянинг ўзининг роли ва вазифаларига батафсил таъриф берилган.

Ҳозирги кунда ўз мавқеини принципиал белгилаб олиш зарур, чунки реаллик шундан иборатки, биз партияни у танлаган йўлдан четга буриб юборишга уринишларга, унинг бўлиниб кетиши хавфига дуч келдик. Бир томондан, партия ва жамиятдаги съездолди мунозаралари кўрсатиб турганидек, консерватив оқим ташкил топди, бу оқим қайта қуриш жараёнининг чуқурлашувидан қўрқаётганлиги ёки тўғридан-тўғри орқага қайтишга, Сталин замонидаёқ юзага келган ва кейинги ўн йилликларда кам ўзгарган ҳаёт формаларига қайтишга чақираётганлиги яққол кўринмоқда. Бундай орқага қайтиш ҳалокатли бўлур эди, мамлакатни қайта тикланиш ҳар қандай имкониятидан маҳрум қилган, уни қотиб қолишга мажбур этган бўлур эди. Бундай вазиятнинг эски тартибларнинг муқаррар белгилари: репрессиялар, адолатсизлик, сон-саноқсиз қурбонлар, қашшоқлик ҳолатини саклаб қолиш билан албатта бирга бўлиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Иккинчи томондан, жамиятга социалистик принциплардан воз кечишни, аслини олганда 1917 йил Октябрдан кейин босиб ўтилган бутун йўлни хато деб тан олишни таклиф қилмоқдалар. Бу бизнинг тарихий тажрибамизнинг муҳим ижобий қисми бўлмиш социал ғалабаларни хавф остига қўйиш, ижтимоий тараққиётнинг бош йўлидан четга чиқиш демакдир. Зеро, XXI аср бўсағасида кўпгина социалистик ғоялар ва қадриятлар бутун инсоният ҳаётининг нормасига аллақачон айланган ва тобора кўпроқ айланмоқда. Шундай экан, бизнинг ижобий тажрибамиз бўлмаганида ҳозирги замон цивилизацияси, эндиликда ҳамма тан олганидек, бутунлай бошқача бўлур эди.

Бу, шунингдек совет кишилари кекса авлодларининг хотирасига хиёнат қилиш бўлур эдики, улар, ўз фожиали қисматларидаги барча фалокатларга қарамай, энг оғир шароитларда мамлакатни патриархал структуралардан ва ялпи саводсизликдан олиб чиқа олдилар, бутун дунёга хўжалик ҳаётини планли ташкил этишнинг биринчи тажрибасини кўрсатиб бердилар, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциални яратдилар, Ватан урушининг даҳшатли машаққатлари юкини ўз елкаларида кўтариб бордилар ва ғалаба қилдилар, Европа халқларига озодлик келтирдилар.

У позицияга ҳам, бу позицияга ҳам қўшилиб бўлмаслиги равшан. Уларнинг ҳар иккови ҳам бемаъни бўлиб, боши берк кўчага олиб киради. Аммо янгича сиёсий тафаккурда, дунёни янгича тушунишда, социализмнинг янги концепцияси ғоясида мужассамланган социалистик қайта қуриш худди ана шу боши берк

кўчадан чикиб олиш йўлини кўрсатиб беради, бизни соғлом фикрлашга қайтаради, бемаъни фикрлардан қатъиян воз кечишга рағбатлантиради.

КПСС МК Ҳаракат дастури лойиҳасида таърифланган социализм янги концепциясининг энг принципиал қоидаларидан бири башарият цивилизациясининг бундан олдинги тараққиёти тўплаган бутун бойликни албатта эгаллаган тақдирдагина янги тузумни барқарор этиш мумкинлигини аниқ тушуниб олишдан иборатдир. Ана шу меросни ўзлаштиргандан, уни ўз социал-иқтисодий ва сиёсий тузилмаларига қўшгандан кейингина социализм янги ижтимоий система сифатида қарор топиши мумкин.

Аммо ана шу оддий ва кўриниб турган ҳақиқатни, афсуски, биз катта қийинчилик билан тушунмоқдамиз. Бизнинг ҳозирги турмушимизнинг энг нохуш белгиларидан бири шундан иборатки, биз аллақачонлар бошқа мамлакатларда сийқаси чиққан ҳақиқатларни эндигина очмоқдамиз.

КПСС МК Ҳаракат дастурининг лойиҳаси социализм иқтисодий системасининг характеристикасини социализмнинг ҳозирги концепцияси марказига қўяди. Бу мулк ва хўжалик юритишнинг хилма-хил формаларини, уларнинг эркин рақобат қилишини, ҳар бир ходим ва коллективнинг ўз куч-ҳаракатини энг оқилона усулда татбиқ этиш ҳуқуқини, иқтисодиётни планли тартибга солишнинг ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашнинг методлари билан тўлдириладиган бозор механизми мавжуд бўлишини ўз ичига олади.

Социалистик экономика, бир томондан, юксак самарадор, фан-техника янгиликларини қабул этишга шай, истеъмолчи манфаатларини кўзлаган бўлиши, иккинчи томондан эса — ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштирилишининг ҳар қандай шаклларини истисно этиши лозим. Ҳаракат дастурининг лойиҳаси худди ана шуни кўп асрлик табиий танлаш жараёнида ҳосил қилинган умумиқтисодий шаклларни иқтисодий ҳаётни ташкил этишнинг социалистик жамиятга хос принциплари билан қўшиб олиб бориш деб билади.

Социализм маҳаллий, ёки муниципиал бошқаришдан тортиб то умумдавлат функцияларини амалга оширишгача ривожланган ва ҳамма соҳаларни қамраб олувчи ўз-ўзини бошқариш системасини шакллантиришни тақозо этади. Ўз-ўзини бошқариш принципини тўла-тўкис рўёбга чиқаришгача етказилган демократиягина сиёсий ҳаётни йўлга қўйишнинг социализмга мос асосларини яратишга қодирдир.

Ҳуқуқий давлатни яратмасдан туриб, қонуннинг устунлигисиз социализм бўлиши мумкин эмас. Бу мақсадга олиб борадиган йўл мураккаб ва узоқ йўлдир. Аммо биз энг аввало турмушни янги қонунлар қабул қилиш ёрдамида ўзгартиришдек хомхаёллардан холи бўлиб олишимиз лозим. Ҳуқуқий давлат — бу граждалик жамиятининг фақат бир қисмигина. Бинобарин, бизнинг кундалик ҳаётимиз, бизнинг тасаввурларимиз ва хулқ-атвор мотивларимиз чатишиб кетган бутун ижтимоий муносабатлар жамини реал тарзда ўзгартириш билан муваффақиятга эришилади.

Цивилизацияли давлатда энг яхши сиёсат — бу аввало қонунларга қатъиян риоя қилишдир. Биз, афсуски, қонунлар ўз-ўзича амал қилавермаслигини, уларнинг нормалари кишилар фаолияти орқали турмушга оширлишини кўпинча унутиб қўямиз. Бир қадар демократик кайфиятда бўлган бизларнинг — аҳоли бир қисмининг хаёлида эса қонунга чуқур ҳурмат билан қараш йўқ. Қолаверса, шахсан бизга ёқмайдиган тафаккур тарзи билан қонун истисно қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракатлар ўртасида етарлича тафовут ҳам йўқ. Биз жиноий эмас, балки йўл қўйиб бўлмайдиган фикр тақиқланишига ўрганиб қолганмиз.

Ҳуқуқий жамиятда эркин бўлган фикр билан мамлакат Конституциясига мувофиқ тартибга солиб туриладиган ҳаракатлар ўртасида аниқ чегара ўтказилади. Эркинлик билан ҳамма нарсага йўл қўявериш — булар сира ҳам бир-бирига сиғишмайдиган нарсалардир. Шу боисдан агар биз эркинликни амалда ҳамма нарсага йўл қўявериш деб татбиқ этсак, биз ана шу эркинлик устидан ҳукм чиқарган бўламиз, чунки биронта ҳам жамиятда ҳамма нарсага йўл қўявериш бениҳоя узоқ давом этавериши мумкин эмас.

Демократиянинг бошқа жиҳати ҳам бор. Митингларни бошқариш қуролига айлантириш билан мамлакат ҳаётига раҳбарлик қилиб бўлмайди. Ҳозир биз дастлабки кезларданоқ демократияни обрўсизлантирмаслигимиз ғоят муҳимдир,

бунда шуни ҳисобга олмоқ лозимки, демократия гражданларни фақат ҳокимиятдангина ҳимоя қилмайди, балки ҳокимиятни ҳам оломон ичидан янграган, ҳатто юзлаб гражданларнинг оғзидан чиққан ҳар қандай қичқириқлардан ҳимоя қилади.

. Қисқаси, гражданлар жамиятининг барча тузилмаларини, ижтимоий ва маънавий муносабатлар, шахслараро мулоқотлар, оилавий тузилиш бутун системасини қайта ясаш ва шакллантириш борасида ҳали жуда катта иш қилишимиз лозим бўлади. Бизнинг тафаккуримиз мантиқида, омма психологиясида кўп нарса ўзгариши керак. Буни қайта қуриш олдида турган вазифалардан энг мураккаби деса бўлади. Биз ҳаётни яхши томонга ўзгартиришни жуда-жуда хоҳлаймиз. Лекин бунинг учун бизнинг ўзимиз бошқача бўлиб олишимиз лозим чоғи.

Ниҳоят, биз миллатлараро муносабатлар кескинлашувининг қаттиқ тугунини ечишимиз, янги федерацияни барпо этишимиз, янги иттифоқ шартномасини тузишимиз лозим бўлади. Бунда муҳими, — суверен давлатлар сифатида иттифоқдош республикаларнинг юридик ва сиёсий тенг ҳуқуқлилигини мустаҳкамлашдир. Янги шартнома республикалар ўз ҳуқуқларининг бир қисмини (мамлакатни мудофаа қилиш, ягона молия системаси ва ҳоказолар бериб қўйишлари мумкин бўлган Иттифоқ компетенцияси билан, ниҳоят, ўз ерининг хўжайини бўлиб қолиши лозим бўлган республикалар компетенцияси ўртасида аниқ чегара ўтказиши лозим.

Республиканинг мустақиллиги учта асосий негизга — иқтисодий, сиёсий ва маънавий негизга мустаҳкам таяниши лозим.

Иқтисодий негиз — республикаларнинг ташқи дунё билан ҳар қандай алоқа қила олиши, хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали бевосита савдо олиб бориши демакдир. Сиёсий негиз — ўз территориясидаги суверенитет, республика раҳбар органларининг биринчи навбатда ўз халқига ва унинг парламентига ҳисоб бериб туришидир. Ва, ниҳоят, маънавий жиҳати — республикада яшайдиган барча миллатлар ва элатларни ҳар тарафлама ривожлантириш, уларнинг миллий ва диний ҳуқуқларини гарантиялаш, ҳар бир республиканинг давлат тилини сўзсиз ривожлантирган ҳолда барча тилларни, шу жумладан, миллатлараро алоқа тили бўлмиш рус тилини ривожлантиришдир.

Ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида КПСС МҚнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида аниқ ва равшан қилиб айтилган. Бизнинг жамиятимизда социалистик қайта қуришга оқилона альтернатива йўқ, деган нуқтаи назар аниқ ифодаланган. Фақат угина бизни оғир таназзул палласидан реал тараққиёт йўлига олиб чиқиши мумкин. Бизда социалистик йўлнинг оқилона альтернативаси йўқ. Социализм ижтимоий тузилиш идеали сифатида, ҳаётбахш илҳомлантирувчи ғоя сифатида ўз маъносини йўқотмаганлиги, ҳозирги замон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир. У инсонни озодликка чиқаришда жуда катта роль ўйнади, унинг фалсафаси ва ҳаётий позициялари башарият онгини ва маданиятини бойитди.

Социализмнинг моҳияти ва мазмуни ўзи илгариги социал-иқтисодий формациялардан мерос қилиб олган мавжуд гуманистик, ишлаб чиқариш ва социал цивилизация қадриятларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришдангина иборат бўлмасдан, балки биринчи навбатда ижтимоий ҳаётни социаллаштиришни ривожлантира бориб, ҳар қандай ҳуқуқсизликка, адолатсизликка чек қўйиш, чуқур маънога эга янги-янги ташаббуслар билан чиқиш, бошқа жамият яратмаган ва эга бўла олмайдиган маънавий, ахлоқий, социал ва иқтисодий ҳаётдаги қадриятларни яратишдан ҳам иборатдир. Акс ҳолда, «социализм» тушунчасининг ўзи маъносини йўқотиб, инсоний ўлчовга тўғри келмай қолади.

КПСС МҚнинг Ҳаракат дастури лойиҳасини ҳам «ўнг»дан, ҳам «сўл»дан танқид қилувчилар унинг принципиал қоидаларига қилган ҳужумларида эътиборни кўпроқ социализмнинг гўё умумий концептуал характерга эга эканлигига қаратадилар. Аммо бу унинг нуқсони эмас, балки, аксинча, фазилатидир. Умумий концепция — бу ҳозирги кунимизнинг ғоят амалий, эҳтиёжларидан узоқ, қандайдир назарий мавҳумликдир, деб билувчилар жиддий хато қиладилар деб ўйлаймиз. Ҳаммага маълум қилинган концепция энг аввало омманинг онгига таъсир қилиши, ундаги ўнлаб йиллар мобайнида ҳокимиятнинг тоталитар системаси кучайтириб келган ақидаларни бартараф этиши лозим. Биз, ақидапарастлик

фақат «партиявий-бюрократик аппарат»га хосдир, деб ўйлаб, соддадиллик билан хато қиламиз. Оммавий онг ҳам ақидаларга шунчалик мойилдир.

КПСС МК Ҳаракат дастури лойиҳасининг бошқа дастурлардан, масалан, «Демократик ҳаракат дастури»дан шубҳасиз афзаллиги шундан иборатки, у бизнинг бутун Иттифоқимиз учун партия **бунёдкор** сиёсатининг фақат асосий стратегик йўналишларинигина ғоят лўнда қилиб таърифлайди. Бундай ёндашув мутлақо тўғри деб ўйлаймиз. У иттифоқдош республикалар компартияларининг мустақил ривожланишидаги ҳозирги тенденцияларга тўла-тўкис мосдир, уларнинг суверенитетини бўғмайди, чеклаб қўймайди, балки, аксинча, уларга КПССнинг умумий стратегик йўлини ўз республикаларининг ўзига хос шароитларини кўзда тутиб мустақил конкретлаштириш, у ёки бу иттифоқдош республика компартиясининг хусусиятлари, ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишда кенг имкониятлар беради.

Айни вақтда, агар мисол учун яна «Демократик ҳаракат дастури» олинадиган бўлса, унда аслида партиянинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишга амалий ҳисса қўшишга бирон-бир жиддий уриниш борлигини кўрмаймиз. Унда ҳозирги вақтда жамиятимизни тўлқинлантириб турган принципиал масалаларга жавоблар, иқтисодиёт соҳасида, социал соҳада, миллатлараро муносабатларда, ташқи сиёсат фаолиятида аниқ позициялар йўқ. Ўтмишга ва ҳозирги кунга кескин баҳо бериш, дастлабки қарашда гўё қайта қурншни янада чуқурлаштиришга интилиш тақозо этгандек кўринадиган дабдабали шиорлар ниқоби остида партиямизни фракциялар ва гуруҳлар тўла эркинлиги ҳукм сурувчи қандайдир шаклсиз уюшмага айлантириш, яъни амалда уни барбод этиш ниятлари яширинган.

Аслини олганда ажратувчилик тенденциялари, партияга федералистик структурани тиқиштиришга, коммунистларни миллий белгиларига қараб пароканда қилишга уринишлар ҳам ана шундай оқибатларга олиб келади.

Биз миллийлик билан миллатчиликнинг бир-биридан аниқ фарқ қилиниши тарафдоримиз. Миллийликка биз ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, ўз тили, анъаналари, турмуш уклади, тарихий хотирасини — яъни инсон миллий ўзлиги ҳиссиётини сақлаб қолишга имкон берадиган ҳамма нарсани сақлашга қонуний, ҳуқуқий интилишини киритамиз. Миллатчиликни эса биз ўз миллатининг устунлигини таъминлашга интилиш, унинг манфаатларини бошқа халқлар манфаатларини ҳисобга олмасдан ёки ҳатто уларни камситиш эвазига қондириш деб биламиз. Равшанки, бир хил миллатларнинг миллатчилиги бошқаларнинг миллатчилигини юзага келтириши мумкин холос. Бунинг оқибатида қутулиб бўлмайдиган душманлик гирдоби пайдо бўлади. Миллатчиликнинг ҳар қандай кўриниши ҳам даҳшатлидир. Миллатчилик — тинкани қуритувчи, кўзни кўр қилувчи, бузғунчи туйғудир.

Миллатчилик ўзини истаганича ватанпарварлик деб эълон қилиши мумкин. Лекин у ўз моҳиятига кўра, ўз тараққиётининг табиий қонунларига кўра барибир аста-секин фашизмга айлана боради. Ўзининг барча оқибатларига кўра энг оддий фашизм бўлиб қолаверади.

Албатта, янгиланиш идеологиясини мунозаралар жараёнида турли-турли нуқтаи назарларини, ёндашувларни дадил қиёслашсиз, ҳар бир бунёдкор ғояга эҳтиёткор муносабатда бўлмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди. Худди ана шундай негиздагина КПССнинг ўз XXVIII съездига ягона, кучли ва жипслашган ҳолда келишидан самимий манфаатдор бўлган соғлом кучларнинг партия ва жамиятда жипслашуви мумкин.

Аммо айни чоқда, мутлақо равшанки, партия бунда ғоявий иккиланишларга ва ғоявий бефарқликка муросасоз бўлишга йўл қўя олмайди. Шу боисдан съезд очилишигача қолган кунларда КПСС МК лойиҳаси билан бошқа муқобил ҳаракат дастурлари, шу жумладан «Демократик ҳаракат дастури» ўртасида уларнинг бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар йўқлигидан иборат масаланинг принципиал моҳиятини барча коммунистларга ва партиясизларга тушунтиришни қунт билан давом эттириш муҳимдир. Биз КПСС ва барча халқлар қабул қилган жамиятимизни қайта қуриш йўлига оид тадбирларни биргаликда рўёбга чиқаришимиз лозим. Коммунистлар ва партиясизларнинг демократик интилишларидан фойдаланиб, сиёсатда обрў қозонишга интилаётган айрим лидерларнинг ўзига

хос ғаразли мақсадлари — бу бошқа гап. Дарвоқе, улар бу мақсадларини яширмайдилар ҳам. Бу хилдаги кишиларга бошқача муносабатда бўлиш лозим, албатта. Ана шунинг учун ҳам КПСС МҚ Ҳаракат дастури ва унинг янги Устави лойиҳаларини тушунтириш ва муҳокама қилиш борасидаги бутун ишни олиб борганда турли ҳаракат дастурлари ва оқимлар тарафдорларининг позицияларини аниқлашга, айниқса чалғитиб қўйилган, жамиятда содир бўлаётган жараёнларни тушуна олмаган иккиланувчи партия аъзоларига жуда алоҳида-алоҳида тарзда ёндашмоқ зарур.

КПСС МҚнинг «Принципиал негизда жипслашиш учун» деган очиқ хатида ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил айтилган. Партия Марказий Комитети бу хатда янгиланиш идеологиясини, социалистик қайта қуриш йўлини ифодалаб, кенг, эркин, бунёдкор мунозараларга қаршилик кўрсатиш у ёқда турсин, балки, аксинча, партияда ишчанлик ва очиқ-ошкора тарзда фикр алмашувни янгидан кучайтиради. Шу боисдан ҳозирги вақтда, КПСС XXVIII съезди арафасида жуда кўп нарса партия комитетларига, партия ташкилотларига боғлиқ. Хатнинг маъноси ва мазмунини кенг ва чуқур тушунтириб бериш, муҳими эса — партияда бўлиниб кетишга йўл қўймаслик, коммунистлар ва партиясизларни инқилобий қайта қуриш принциплари негизида жипслаштириш талаб этилади.

Кишиларни «радикаллар» ва «консерваторлар»га бўлиб юбориш садоқатли иттифоқчиларни ўзидан узоқлаштириш ёки яккалаб қўйиш ва бу билан ҳақиқатан ҳам партияни парчалаб ташлаш мумкинлиги ҳақида чуқур ўйлаб кўрмоқ лозим. Бундай бўлиб юбориш нималарга олиб келиши ва кимнинг фойдасига хизмат қилиши мумкин?

Қайта қурувчи кучларни жипслаштириш, бирлаштириш асосан шунинг учун ҳам зарурки, бирликнинг бўлмаслиги ва табиий иттифоқчиларнинг бир-бирини ҳолдан тойдириши жамиятимизни қайта қуришнинг, демократиялашнинг, янгилашнинг ҳақиқий душманлари учун ғоят қулай шароит яратиб беради. Бундай душманлар борлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Манифестлар эълон қилинмоқда, ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Аслини олганда мамлакат раҳбарларига нафақат «сўл»дан, балки «ўнг»дан ҳам ҳужум қилинмоқда.

Ўйлаймизки, тактик мулоҳазалар борасидаги ихтилофлар, ҳатто жиддий ихтилофлар — ажралиб олиш учун баҳона эмас ва жипслашув учун тўсиқ эмас. Жипслашиш учун бирдан-бир мумкин бўлган принципиал негиз — улкан ғояга, катта мақсадга берилганликдир. Қайта қуриш мақсадлари ва ғояларидан кўра муҳимроқ нарса бўлиши мумкинми?! Фақат ана шундай негизда бирлашишгина омилкор сиёсий партияни қайта яратиши мумкин. Фақат шундай партия кўп партиялилик шароитида ҳам аслини олганда расмият нуқтаи назаридан эмас, балки чинакам етакчилик ва жипслаштирувчилик ролини сақлаб қолади. Ўзи учун ана шундай ролни таъминлабгина, яъни ҳақиқатда ҳам бутун халқ мададидан баҳраманд бўлган ҳолда барча соғлом ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва партиялар билан иттифоқ бўлиб кенг демократик асосда партия жамиятимизни янгилаш стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин. Бошқача эмас, балки фақат ана шундай бўлган ҳолда, ичдан чинакамига уюшган ҳолда партия сиёсий хилма-хиллик шароитида муқаррар суратда юзага келадиган салбий кучлар ҳаракатини заифлаштира ва йўқ қила олади.

Партия XXVIII съездига саноқли кунлар қолди. Воқеаларга ғоят бой ва тез ўзгариб турган давр ва олдимиздаги қайта қуришнинг ғоят мураккаб муаммолари, образли қилиб айтганда, сиёсий арқоннинг икки учини бундан буён ҳам икки томонга тортавериш имконини берадики, бу бизнинг ижтимоий-иқтисодий тугунимизнинг тобора қаттиқ боғланишига олиб келади. Жамиятдаги барча соғлом кишиларнинг жипслашуви, партия сафларининг қайта қуриш принциплари негизидаги бирлигигина ана шу тугунни муваффақият билан ечиши мумкин. Шу боисдан биз қайта қуриш мақсадларини, инсонпарвар, демократик жамият идеалларини, социализм идеалларини юксак қадрловчи барча кишиларнинг мустаҳкам бирлиги тарафдоримиз. Биз КПСС XXVIII съезди янгиланиш ва бунёдкорлик съезди бўлиши, партиянинг янги кучлар ва янги қувват-шижоатлар ҳосил қилиши тарафдоримиз.

Н. ТЎХЛИЕВ

ИҚТИСОДИЁТНИ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИГА ЎТКАЗИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

Иқтисодий ривожланишнинг икки типи: экстенсив ва интенсив ривожланишлар мавжуд. Маълумки, «маълум вақт ўтиши билан такрор ишлаб чиқариш воқе бўлади, шу билан бирга, агар бу такрор ишлаб чиқаришни ижтимоий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, кенгайган масштабдаги такрор ишлаб чиқариш воқе бўлади: агар ишлаб чиқариш соҳаси кенгайтирилса, экстенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш воқе бўлади; агар яна ҳам кўпроқ натижа берадиган ишлаб чиқариш воситалари қўлланиладиган бўлса, интенсив суратда «кенгайган такрор ишлаб чиқариш бўлади» (К. Маркс. Капитал. II том. Т., Ўздавнашр, 1958, 185-бет). Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида интенсивлаш ишланаётган ернинг *миқдорини* кўпайтириш йўли билан эмас, балки ерни ишлаш *сифатини* яхшилаш йўли билан, илгаридан ишланиб келган миқдордаги ерга солинадиган капитал миқдорини ошириш йўли билан амалга оширилади.

Интенсивлаш — ижтимоий ишлаб чиқариш натижадорлигини ошириш мақсадида нафақат ишлаб чиқаришнинг янада самарали воситаларини қўлланиш, балки янада мукаммал технология ва янада малакали меҳнатдан фойдаланиш ҳам эканлигини таъкидлаш муҳимдир. Бинобарин, интенсивлаш бу ишлаб чиқариш сарфларини шунчаки кўпайтириш эмас, балки қўшимча миқдорда маҳсулот олишни таъминлайдиган кўпайтиришдир.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив шаклидан интенсив шаклига ўтиш заруратини нафақат ресурсларнинг чеклангани, балки жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ҳолати ҳам тақозо этмоқда. Иқтисодий жиҳатдан илғор давлатларда экстенсив ривожланиш аллақачон ҳукмрон усул эмас, балки хусусий усул бўлиб қолмоқда. В. И. Ленин таъкидлаганидек, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда экстенсив типдан интенсив типга ўтиш — «тасодифий, маҳаллий, онда-сонда юз берадиган ҳодиса эмас, балки барча цивилизацияли мамлакатлар учун *умумий* бўлган ҳодисадир» (Тўла асарлар тўплами, 27-том, 193-бет).

Афсуски, мамлакатимизда, хусусан Ўзбекистон ССРда, иқтисодиётни ривожлантиришнинг экстенсив омили ҳали ҳам устунлик қилмоқда, бу кўп жиҳатдан унинг ҳозирги аҳволи билан изоҳланади. Сир эмаски, миллий даромад ўсишининг суръатлари бўйича Ўзбекистон шунга монанд умумиттифоқ кўрсаткичидан анча орқада қолмоқда. Бунинг устига ушбу тенденция демографик вазият таъсири остида тобора кучайиб бормоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига миллий даромад ўсишини таъминлашдек ғоят муҳим стратегик вазифа бажарилмаяпти. Республика моддий ишлаб чиқариши соҳасида ходимлар миқдори қисқармаяпти, бир қатор тармоқларда эса кўпаймоқда. Миллий даромад ўсиши суръатларининг паст бўлиши эса, ўз навбатида ялпи ижтимоий маҳсулотни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг имкониятларини, бинобарин, кишилар фаровонлигини оширишни ҳам чеклайди.

ТЎХЛИЕВ Нурислом, иқтисод фанлари доктори, Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакциясининг бош муҳаррири.

1988 йили Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги барча тармоқлари асосий ишлаб чиқарувчи фондларининг ўсиши 1980 йилга қиёслаганда 61 фоизни, ялпи ижтимоий маҳсулот ва ҳосил қилинган миллий даромад эса — тегишли равишда 29 ва 26 фоизни ташкил этди. Республика халқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш фондлари тилга олинган давр ичида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигидан 2 баравардан кўп ўсганлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Капитал маблағларнинг кўп сонли объектларга сочилиб кетиши кенг ёйилди. Янги ишлаб чиқариш воситаларини барпо этишга кетадиган сарфлар кўпинча кутилган иқтисодий самарани бермаяпти. Буларнинг ҳаммаси инвестиция сиёсати республикада ёрқин ифодаланган экстенсив характер касб этганини кўрсатмоқда.

Самарали ишлаб чиқариш воситаларини концентрациялаш йўли орқали иқтисодиётни ривожлантиришнинг натижадорлигини ошириш нафақат жорий эҳтиёжларни қондириш (ўрин тўлдириш, истеъмол фондларини шакллантириш) учун, балки тобора кўп миқёсларда ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун жамғариш мақсадларида ҳам зарур. Агар шундай қилинмаса, демак интенсивлаш эмас, балки норационал қўшимча маблағлар, хўжалик юритишнинг чиқимли йўли юзага келади.

Меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича — бу эса ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий мезонларидан биридир — Ўзбекистон ССР мамлакатда энг қолоқлар қаторида туради. 60-йиллар ўртасидан бошлаб бу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари муттасил пасайди. Унинг ўртача ўсиши 1956—1970 йилларда 4,2 фоизни, 1971—1975 йилларда —3,8, 1976—1980 йилларда —2,7, 1981—1985 йилларда —0,7 фоизни ташкил этди, 1986—1988 йилларда эса ўсиш ўрнига 0,6 фоиз пасайиш бўлди. 1986—1988 йиллардагина меҳнат унумдорлигининг пасайиши ҳисобига республикада бир ярим миллиард сўмликдан кўпроқ миллий даромад олинмади, ҳосил қилинган миллий даромаднинг меҳнат сарфи эса умуман мамлакат бўйича кўрсаткичдан 1,5 баравар юқори бўлди.

Ўзбекистон саноатида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг ўртача йиллик суръатлари ўн биринчи беш йилликда атиги 1,5 фоизни ташкил этди, бу эса 1971—1975 йиллардагига қараганда уч баравар камдир. Ўн иккинчи беш йилликнинг уч йили ичида қараб чиқилаётган кўрсаткич 6,2 фоиз ошди, лекин бу рақам план топшириғидан (10,8 фоиз) анча камдир. Қишлоқ хўжалигида ана шу давр ичида меҳнат унумдорлигининг ўсиши (ижтимоий ишлаб чиқаришда) 8,6 фоизни ташкил этди (пландаги 10,2 фоиз ўрнига).

Келтирилган маълумотлар Ўзбекистонда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив типи яшовчанлигини тасдиқлайди. Лекин на экстенсивлаш, на интенсивлаш соф кўринишда бўлади. Улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ ва алоқадордир. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манфаатини кўзлаб уларни оқилона қўшиб олиб бора билиш керак. Бугунги кунда бир томондан ресурсларнинг, айниқса ер-сув ресурсларининг чекланганлиги, бошқа томондан — илмий-техника ва интеллектуал потенциалнинг ўсганлиги шароитида республика иқтисодиётининг бундан буён асосан экстенсив асосда ривожланиши фойдасиз бўлиб бормоқда. Нима учун кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типидан янада кўламли фойдаланишга ўтиш бунчалик чўзилиб кетди?

Фан-техника тараққиётини суст рағбатлантириш бунинг асосий сабабларидан биридир. Бундай тараққиёт Ўзбекистон ССР саноатида меҳнат унумдорлигининг атиги 35—40 фоизини таъминлайди, ҳолбуки, бир қатор иттифоқдош республикаларда у камида 70 фоиздир. Ўзбекистон саноат корхоналарининг ярми ҳар йили умуман янги техника ва технологияни татбиқ этмайди. Илмий тадқиқотлар, илмий-техника ишланмалари ишлаб чиқаришнинг суст манфаатдорлиги шароитида олиб борилянти, уларнинг натижаларини жорий этиш иши ҳам кўнгилдагидай эмас.

Бунинг сабаби шундаки, фаннинг истиқболли йўналишларини ривожлантиришда иштирок этиш ишлаб чиқарувчилар учун иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас. Бунинг устига республикада ягона илмий-техникавий сиёсат, жорий этилаётган ишланмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашнинг илмий асосланган методикалари мавжуд эмас. Илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш иши эса қандай аҳволда? 1988 йили республика Фанлар академиясининг ана шу мақсад учун мўлжалланган фондига 306 минг сўм ўтказилди, бу эса амалдаги иқтисодий самаранинг атиги 0,2 фоизини ташкил этади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив типидан интенсив типига ўтиш асоссиз равишда чўзиб юборилаётгани Ўзбекистон агросаноат комплексида айниқса яққол кўзга ташланади. Бу комплекснинг ҳолати бутун халқ хўжалик комплексининг ривожланишига белгиловчи деб бўлмасада, лекин жиддий таъсир кўрсатмоқда. Юзага келган вазиятни қараб чиқайлик.

Аввалги йигирма йил ичида республикада сув хўжалик қурилиши кенг миқёсда амалга оширилди ва янги ерлар интенсив равишда ўзлаштирилди. Натижада 1980—1988 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистоннинг экин майдонлари 355 минг гектарга кенгайди ва умуман олганда 4,3 миллион гектардан ошиб кетди. Шу вақт ичида республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 23,2 миллиард сўм, шу жумладан сув хўжалиги қурилишига 8,6 миллиард сўм (37 фоиз) капитал маблағ ажратилди. Ерларни ўзлаштириш ҳажмларини кўпайтириш пойгасида капитал маблағларнинг асосий қисми —80—90 фоизи янги қурилишга, ғоят оз қисми эса эскидан суғорилиб келинаётган экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини ушлаб туриш ва яхшилашга йўналтирилган эди.

1-жадвал

Ўрта Осиё регионида агросаноат комплексида қишлоқ хўжалик ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, 1987 йилда

Республикалар кўрсаткич	Ўзбекистон ССР	Тожикистон ССР	Киргизистон ССР	Туркманистон ССР
Суғориладиган ерлар майдони, минг гектар	4160	675	1028	1224
Аҳоли жон бошига мавжуд бўлган суғорма ер, гектар	0,22	0,14	0,25	0,36
Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, млн. сўм	10049	2345	2797	2429
Бир гектар суғорма гектар ялпи маҳсулотининг қиймати, сўм	2336	2856	2416	1914
Маблағ бир сўмига фонд самарадорлиги, сўм	0,80	0,98	0,82	1,27
Бир гектар суғорма гектардан олинадиган фойда, сўм	249	349	276	442
Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш, млн. куб метр	44400	11400	8800	16740
Сарфланган сувнинг 1000 куб метрига олинган фойда, сўм	24	30	40	30

1-жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ялпи кўрсаткичлар (суғориладиган майдон, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг қиймати, сувдан фойдаланиш) бўйича Ўрта Осиё регионида етакчи ўринни ва ресурс потенциалидан фойдаланиш самарадорлиги (бир гектар ердан олинадиган фойда, фонд самарадорлиги, сарфланган сувнинг 1000 куб метри ҳисобига фойда) бўйича охирги ўринни ишғол этади. Сув хўжалиги қурилишига ва янги ерларни ўзлаштиришга берилиб кетиш ишлаб чиқариш фондларини кескин ўстиришга олиб келди — Ўзбекистон ССРда 1 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига фонд билан таъминланганлик 1980—1988 йилларда деярли икки баравар ошди. Лекин шу вақт ичида фонд самарадорлиги ҳам икки баравар камайди. Республикамизда қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар юз гектаридан (пул билан ифодалаганда) Украинага қараганда ўртача уч баравар кам, Белоруссиядан — қарийб тўрт, Молдавиядан — беш баравар кам маҳсулот олинмоқда. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматининг пасайиши, менимча, шунингдек қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантиришдан далолат беради.

Узоқ йиллар мобайнида асосий эътибор ерларнинг сифат ҳолатини яхшилаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга эмас, балки янги қурилишлар ва қўшимча ишлаб чиқариш воситаларини жалб этишга қаратилгани туфайли экинзорлар аҳволи кескин ёмонлашди. «Ишлаб чиқариш майдонлари»ни бекиёс кенгайтириш, ер бойликларидан фойдаланишдаги маданиятнинг ниҳоятда пастлиги қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказди. Ерлар ботқоқлашди, шўр босди, қишлоқ хўжалик оборотидан тушиб қолди.

Буларнинг ҳаммасида пахта яккаҳокимлиги катта роль ўйнади. 1980—1988 йиллардагина пахта далалари 12 фоиздан кўпроққа оширилди. Хорижда эса пахтачилик аллақачондан бери интенсив йўлда самарали ривожлантириляпти. Чунончи, 1940 йилдан бошлаб дунёда пахтазорлар 10 фоиз қисқарганига қарамай ялпи пахта етиштириш икки баравар кўпайган. Ўзбекистонда эса пахтачилик энг охирги вақтгача экстенсив ривожланишга қатъий асосланиб келди: агар ҳосил қилинадиган пахта толасининг миқдори 1970—1988 йиллар орасида бизда 1 миллион 580 минг тоннадан 1 миллион 732 минг тоннага (9,6 фоизга) кўпайган бўлса, пахтазорлар майдони эса шу вақт ичида 1 миллион 709,2 минг гектардан 2 миллион 16,7 минг гектарга (18 фоиздан кўпроққа) етди.

Чорвачиликда ҳам шундай тенденцияларни кўриш мумкин. АҚШда қорамолнинг бош сони 1960—1987 йилларда атиги 1,5 фоиз, СССРда — қарийб 60, шу жумладан Ўзбекистонда 85 фоиз ошган. Бу ерда энг катта кўрсаткич озуқанинг энг кўп сарфланишидан ҳам, тармоқда меҳнат ресурслари ҳаддан ташқариш шишириб юборилганидан ҳам далолат беради. Республикамиз колхозларида 1988 йили ёш қорамол вазн орттириши ва қорамолни бўрдоқига боқишнинг ҳар бир тоннаси таннархи 1981—1985 йиллардагидан ўртача 10,6 фоиз, чўчқалар бўйича —4,1, қўйлар бўйича —13,5, сут бўйича —9,7 фоиз юқори бўлганлиги бежиз эмас. Агар америкалик фермерлар ўз ҳамюртларининг маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмай, ортиқчасини экспорт қилсалар, бизда эса озиқ-овқат муаммоси ҳамон кескин бўлиб турибди.

Ҳолбуки сув ресурсларининг тақчиллиги туфайли Ўзбекистон ССРда экин майдонларини кенгайтириш имкониятлари чекланган. Аҳоли кўпаймоқда, республиканинг ҳар бир аҳолиси ҳисобига экин майдони ўлчами эса қисқармоқда. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ўстиришни фақат интенсивлаш ҳисобига, яъни ер майдони бирлигидан маҳсулот чиқишини кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириш ҳисобига таъминлаш мумкин.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Ўзбекистон мавжуд сув ресурсларининг миқдор ва сифат жиҳатидан тугаши даврига кирди. Сирдарёнинг имкониятлари аллақачон бутунлай тугаган, Амударёни эса, прогнозга қараганда, яқин келажакда ана шундай қисмат кутмоқда. Бунинг устига республика дарёлари ишлаб чиқариш-маиший тармоқ оқовалари, ювишдан сўнг суғориладиган ерлар ва дренаж системаларининг химикатлар билан заҳарланган ташламалари билан ифлосланмоқда. Натижада республиканинг асосий сув томирлари — Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёлар ичимлик сув билан таъминлашда амалда яроқсиз бўлиб қолди. Бу жиҳатдан Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Сурхондарё, Бухоро областлари айниқса ёмон аҳволда, бу ерларда 1,2 миллиондан кўпроқ аҳоли ГОСТга жавоб бермайдиган сувни ичишга мажбур. Орол денгизи сув режимининг бузилиши, сатҳининг фалокатли даражада пасайиши ва 2,2 миллион гектардан ортиқ шўрхок майдоннинг қуриши Оролбўйи табиий-иқлим шароитига ҳалокатли таъсир кўрсатади. Бу ерда юзага келган аҳвол ердан кўп йиллар давомида экстенсив фойдаланишнинг бевосита оқибатидир.

Энди, аҳволни яхшилаш учун, инвестиция сиёсатини кескин ўзгартириш — қишлоқ хўжалигида капитал маблағларнинг 70—80 фоизини сувни тежовчи тадбирларни ўтказиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтириш мўлжалланган. Бу нарса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишга, регионда экологик вазиятни яхшилашга, Орол денгизи ҳалокатининг олдини олишга имкон беради.

Шубҳасиз, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив типидан интенсив типига ўтиш меҳнат ресурсларидан фойдаланишга анча таъсир кўрсатади. Зеро, интенсивлаш пировард натижада халқ хўжалигининг асосий тармоқларида иш жойлари қисқаришига олиб келади. Буни республикамиздаги кескин муаммо — иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш билан қандай қўшиб олиб бориш мумкин? Ўзбекистон аҳолиси ва унинг меҳнат ресурслари ўсишининг суръатлари юксак ҳамда барқарор бўлиб, Иттифоқдаги ўртача суръатдан қарийб уч баравар кўплиги, иш жойларини барпо этишда жиддий орқада қолиш ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳолининг мутлақ миқдори йилдан-йилга кўпайишига олиб келди. Чунончи, 1976—1988 йилларда Ўзбекистоннинг меҳнатга

Г. РЕУКА

АВВАЛГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТАЖРИБАСИДАН

1965 ЙИЛГИ ИСЛОҲОТ мамлакатимизда саноатга раҳбарлик қилишнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларига ўтишда биринчи қадам бўлди. Шундан кейин то ҳозирги қайта қуриш бошланган 1985 йилга қадар хўжалик юритиш механизми қисман такомиллаштирилиб келинди. Ҳар йили давлат қарорлари қабул қилинди ва иқтисодий экспериментлар ўтказиб турилди, бироқ улар сезиларли натижалар бермади. Қурилган тадбирларга қарамай, хўжалик механизмида корхоналар манфаатларининг ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилашнинг объектив эҳтиёжлари ҳамда фан-техника революцияси талаблари билан мос келмаслиги, хўжасизлик, истеъмолчиларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларига ишлаб чиқарувчиларнинг лоқайдлиги тобора барқарор тус ола бошлади.

Туб хўжалик ислоҳоти ўтказиш зарурлиги аён бўлиб қолгач, КПСС XXVII съезди унинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Лекин аввалги ислоҳотлар тажрибасини ҳисобга олмай туриб бу йўлдан муваффақиятли силжиб бўладими? Афсуски, менимча, бизда шу нарса етишмайди. Ахир ҳозирги иқтисодий ислоҳотнинг дастлабки йиллари давомида (1987—1989 йиллар) 60—70-йиллардаги ислоҳотларни амалга оширишда қилинган хатоларга йўл қўйилди. Масалан, 1965 йилги ислоҳот жараёнида саноат корхоналарини планлаштиришнинг янги методларига ва иқтисодий рағбатлантиришга ўтишда корхоналарнинг бир қадар иқтисодий мустақиллиги сари биринчи қадам қўйилган эди. Бу корхоналарда уч фонд: ишлаб чиқаришни ривожлантириш, социал-маданий тадбирлар ва моддий рағбатлантириш фондлари жорий этилиши билан боғлиқ эди. Уларни яратиш учун министрликлар корхоналар фойдасининг муайян улушини ажрата бошладилар. Дарҳол шундай бир тенденция кўзга ташланди, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зарар келтирган ҳолда унинг катта бир қисми моддий рағбатлантириш фондига ажратила бошланди. Кейинроқ корхона фойдасини кўпайтириш мақсадида нарх-наво сунъий равишда оширилиб, шу йўл билан моддий рағбатлантириш фонди яна ҳам кўпайтира бошланди.

Раҳбар органлар бунга жавобан 1968—1969 йилларда корхоналарда иқтисодий, техникавий ва социал ривожлантириш комплекс планларини жорий этдилар. Шулар ёрдамида, яъни маблағларни юқорида кўрсатиб ўтилган фондларга маъмурий йўл билан мутаносиб тарзда тақсимланишига ва энг муҳими, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, техника тараққиётига ажратиладиган улушнинг кўпайтирилишига эришилмоқчи бўлинди. Бу чора, гарчи катта наф бермаган бўлса-да, лекин ҳар ҳолда моддий рағбатлантириш фонди асоссиз кўпайиб кетишининг бир қадар олдини олди. Шунингдек, корхоналарга тушадиган маблағлар миқдори ҳам қисқарди, яъни уларнинг мустақиллигидан бир қадам орқага қайтилди.

Шунга қарамай, 1987 йилдан бошлаб корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ва

РЕУКА Геннадий Александрович, тарих фанлари номзоди, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунуни ҳузуридаги Ижтимоий фанлар муаллимлари малакасини ошириш институтининг XX аср сиёсий тарихи кафедрасининг доценти.

ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтганида нарх-навонинг сунъий тарзда оширилиши ҳамда олинган фойданинг моддий рағбатлантириш фондига ўтиб кетишининг олдини олишнинг самарали тадбирлари яна ишлаб чиқилмади. Натижа шунга яраша бўлди. М. С. Горбачев 1989 йил 21 сентябрда КПСС МКда партиянинг сайлаб қўйиладиган марказий органлари таркибига кирган бир тўда ишчи ва колхозчилар билан бўлган учрашувда шу хусусда гапирди: «Баъзи бировлар корхона тўғрисидаги қонунни ўзларининг тор худбинлик мақсадларига буриб юбордилар. Баъзи бировлар даромадларни ва иш ҳақини ҳатто ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига тезроқ кўпайтиришни хоҳлашади».

Зотан 1987 йилда ана шу қонун қабул қилинар экан, агар корхоналарга 60-йиллардагидек андаккина эмас, балки тўлароқ мустақиллик берилса, улар ўз даромадларини тўғри тақсимлай оладилар, деб умид қилинган эди. Бироқ давлат буюртмаси деярли юз фоиз бўлган бир шароитда ўзини ўзи пул билан таъминлашни асло тўла мустақиллик деб бўлмайди, саноат корхоналарининг яккаҳокимлиги ва деярлик ҳар қандай маҳсулотнинг тақчиллиги шароитида эса ишлаб чиқариш коллективлари ривожланиш истиқболлари ҳақида умуман қайғурмайдилар. Бинобарин, ҳозирги вазият 1965 йилги ислоҳот қабул қилинганидан кейинги вазиятга шу томони билан ўхшайди, фақат бу гал у яна ҳам мураккаброқ оқибатларга олиб келди.

Ахир ҳозир раҳбар партия ва давлат органлари саноат корхоналарини мустақил деб ўйлаб фан-техника тараққиётига эътиборни сусайтириб қўйдилар. Партия, давлат ва хўжалик органлари вазифаларини чегаралаб олиш тўғрисидаги қарор ҳам шунга йўл очиб берди, партия комитетлари буни ижро қилиш ниятида иқтисодий сиёсатни амалга оширишдан четлашиб қолдилар. Бу ҳол фан-техника тараққиёти жадаллашувига кўнгилдагидек таъсир кўрсатмади. М. С. Горбачев 1989 йил 28 сентябрда Украина Компартияси МК пленумида сўзлаган нутқида амалий ишга ёндашувни ўзгартириш зарур, деб бежиз айтмади: «Кўп кишилар фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, машина-ускуналарни янгилашга, буюмларнинг сифатини яхшилаб, пишиқлиги ва пухталигини оширишга, маҳсулот бирлиги учун меҳнат, энергия ва материаллар сарфини камайтиришга, қаттиқ технология интизоми, иқтисод қилиш ва тежамкорлик, меҳнат унумдорлигини ўстириш режимини ўтказишга тааллуқли чораларни амалга оширишга доир кураш ва конкрет ишни бўшаштириб юбордилар, қисқа қилиб айтганда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эътиборни бўшаштириб юбордилар. Бу ишни ўнглаб олиш керак. Бу тадбирларсиз оғир вазиятдан чиқиш, қийин иқтисодиётдаги танг ҳолатни бартараф этиш қийин».

Ишлаб чиқаришни, фан-техника тараққиёти ривожини бошқаришнинг сусайиш тенденцияси Ўзбекистонда ҳам юз берди. 1988 йилда корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий қайта қуроллантириш учун ажратилган маблағлар республикада фақат 88 фоиз ўзлаштирилди, натижада салкам 100 миллион сўмлик маҳсулот кам олинди. Кейинги, 1989 йилнинг 9 ойи ичида шу мақсадлар учун давлат капитал маблағлари 1988 йилнинг шу давридагига нисбатан 9 фоиз кам фойдаланилди. Янги техника тадбирларини жорий этишга сарфланган бир сўм ҳисобига олинган йиллик иқтисодий наф муттасил камайиб борди (масалан, Самарқанд областида — 1981 йилдаги 1,04 сўмдан 1988 йилда 0,31 сўмгача).

Фан-техника тараққиётининг асосий кўрсаткичлари бўйича планлар муттасил бажарилмайди. Ўзбекистонда 1988 йилда ихтиролар қўлланишидан кўрилган иқтисодий наф 1985 йилда эришилган даражага нисбатан атиги 63 фоизни ташкил қилди. Ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришдек иқтисодий воситалар ва стимуллардан ғоятда қониқарсиз фойдаланилмоқда: ўн иккинчи беш йилликда ҳар йили ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан 30 фоиздан кўпроғи фойдаланилмай қолди. Устига-устак амалга оширилаётган ихтиролар даражаси паст,— уларнинг 60 фоизигача қурилмалар ва объектларнинг иккинчи даражали характеристикалари ва параметрларини яхшилаш учунгина йўлланади.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, 60-йилларнинг охирида корхоналарнинг социал-иқтисодий ривожланиши комплекс планлари қабул қилиниши умуман олганда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун юксак натижалар бермади. Лекин уларни тузишга юзаки, расмиятчилик билан эмас, балки иқтисодий

лаёқатли аҳолиси ўсишида ҳар 1000 кишидан атиги 680 нафари, шу жумладан шаҳарларда — 850, қишлоқларда 471 киши иш ва ўқиш жойлари билан таъминланган эди. Шундай қилиб, ўсишнинг қарийб учдан бир қисми ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига жалб этилмаган.

Бундай вазиятда иқтисодиётда экстенсив йўлдан воз кечиш мумкинми? Менимча, бунга жавоб битта: ривожланишнинг интенсив йўлига ўтиш — ягона тўғри ва энг кам чиқимли йўлдир. У ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришга ходимларнинг борган сари кўп миқдорини жалб этиш билан эмас, балки, аксинча, уни камайтириш билан, лекин айни вақтда ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг маданий-техника савиясини ошириш, уларнинг маънавий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш билан характерланадики, бу ҳам республика учун катта аҳамиятга эга.

Интенсивлаш шароитида меҳнат ресурслари ва иш жойларининг балансланганлигини таъминлаш учун бир қатор иқтисодий жиҳатдан асосланган ташкилий тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Республика раҳбарияти «Иш билан бандлик» комплекс программасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир қарор қабул қилди, унда 1990 йилда 300 минг, ўн учинчи беш йилликда эса салкам 1,5 миллион кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Унинг доирасида сермеҳнат, лекин энергия ва сувни кам талаб қилувчи ишлаб чиқаришларни (аввало шаҳар типидаги посёлкаларда, қишлоқ жойларда) ривожлантириш ҳисобига иш жойлари барпо этишни жадаллаштириш лозим бўлади. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида қолишга мажбур бўлган аҳоли қатламларини социал ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш хусусидаги масала ҳам қўйилди.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг тармоқ структураси жиддий ўзгартиришларга муҳтож. Хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган йўл қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати, шунингдек машинасозлик корхоналарини бунёд этиш ёки кенгайтиришни талаб этади. Ҳолбуки кейинги ўн йилда республикада юқорида тилга олинган сермеҳнат тармоқлар ўрнига фондталаб тармоқлар — химия, нефть-химия, ёқилғи тармоқлари жадал ривожланди. Саноат ишлаб чиқаришида, масалан, машинасозликнинг салмоғи атиги 19,6 фоизга тенг.

Ўзбекистон индустрияси аввалгидек асосан ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хом ашёни дастлабки қайта ишлашга йўналган, улар кейин республикадан ташқаридаги шерик корхоналарга юборилади. Халқ истеъмоли тайёр молларининг салмоғи саноат маҳсулоти умумий ҳажмида 25 фоизни ташкил этади, ваҳоланки, бошқа регионларда у 40 фоиздан кам эмас. Ўзбекистон ССРда аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромаднинг мамлакатдаги ўртача даражадан қарийб 2 баравар пастлиги кўп жиҳатдан шу билан изоҳланади. Бизда нафақат пахтадан, балки жун, пилладан ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни мақсадга мувофиқ деб биламан.

Кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш интенсивлаш шароитида кишиларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишда жиддий роль ўйнаши мумкин. 1989 йилда Ўзбекистон ССРда бу соҳаларда тахминан 200 минг киши банд бўлди. Агар Болтиқбўйи, Кавказорти республикалари ва Молдавияда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар 1000 ишловчига кооперативда ишлайдиган 7—15 киши тўғри келса, Ўзбекистонда эса 3 киши тўғри келади. Ана шундай ҳисоб-китоб қилинганда республикамизда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан Болтиқбўйига қараганда 2,7 баравар кам киши машғул. Хуллас, ишга жойлаштириш учун резервлар бу ерда оз эмас.

Ўзбекистон Компартияси МК, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг 1989 йил 15 августда қабул қилинган томорқалар ўлчамини кўпайтириш хусусидаги қарорига мувофиқ амалга оширилаётган чоралар ҳақида ҳам гапириш керак. Меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга қаратилган бу чоралар иш билан бандлик муаммосини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу нарса айниқса кўп болали оналарга тааллуқли. Зеро, уларнинг кўплари ихтисосга эга эмаслиги ёки ишда узоқ вақт танаффус қилганлиги натижасида амалда ўз малакаларини йўқотганлиги туфайли уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш осон

бўлмайди. Шу сабабли уларнинг томорқадаги меҳнатини ижтимоий фойдали меҳнатга тенглаштириш республикамизда иш билан банд бўлмаганлар миқдорини жиддий камайтириш демакдир.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо, туризмни фаол ривожлантириш ҳам меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тезроқ таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Бир неча бор танқид қилинган иқтисодиётни планлаштириш ва бошқариш системасининг такомиллашмаганлиги, марказий планлаштирувчи органларнинг территориал ривожланиш муаммоларини ҳал этишга такрор ишлаб чиқаришнинг маҳаллий ўзига хослигини ҳисобга олмасдан туриб ёндашуви натижасида республикада қайта қуришгача бўлган тенденциялар ҳамон сақланиб қолмоқда. Бунга, шубҳасиз, перспективали территориал-тармоқ интенсив ривожланишининг илмий асосланган концепцияси йўқлиги ҳам таъсир кўрсатмоқда.

СССР халқ депутатлари иккинчи Съезди томонидан қабул қилинган иқтисодиётни соғломлаштириш ҳукумат программаси халқ хўжалигининг социал йўналишига жуда катта эътибор берганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ССРга келсак, 1990 йилда «А» группаси маҳсулотини 0,6 фоиз, «Б» группаси маҳсулотини эса 7,6 фоиз кўпайтириш мўлжалланган. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 1,1 миллиард сўмлик, ёки 10 фоиз кўпайиши керак.

Бундай силжишларга янги инвестиция сиёсати асос қилиб олинади. Республикада 1990 йили ишлаб чиқариш қурилишига давлат ажратадиган марказлаштирилган капитал маблағлар беш йиллик план учун қилинган ҳисоботларга қиёслаганда 27 миллиард сўмлик камаяди. Шу билан бир вақтда уларнинг социал соҳадаги ҳажми 5 миллиард сўмлик кўпаяди. Агросаноат комплексига йўлланадиган капитал маблағлар 1989 йилги планга қиёслаганда 5,8 миллиард сўмлик (10 фоиз) ошади.

Кўриб ўтилган структура ўзгаришлари, шубҳасиз, Ўзбекистонда ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш жараёнларига тузатишлар киритади, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан рационал фойдаланишга, бинобарин, иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосан интенсив типига тезроқ ўтишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, кишилар ҳаётида, уларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондиришда ижобий ўзгаришларга тезроқ эришишга кўмаклашади.

Г. РЕУКА

АВВАЛГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТАЖРИБАСИДАН

1965 ЙИЛГИ ИСЛОҲОТ мамлакатимизда саноатга раҳбарлик қилишнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларига ўтишда биринчи қадам бўлди. Шундан кейин то ҳозирги қайта қуриш бошланган 1985 йилга қадар хўжалик юритиш механизми қисман такомиллаштирилиб келинди. Ҳар йили давлат қарорлари қабул қилинди ва иқтисодий экспериментлар ўтказиб турилди, бироқ улар сезиларли натижалар бермади. Қўрилган тадбирларга қарамай, хўжалик механизмида корхоналар манфаатларининг ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилашнинг объектив эҳтиёжлари ҳамда фан-техника революцияси талаблари билан мос келмаслиги, хўжасизлик, истеъмолчиларнинг кундалик талаб ва эхтиёжларига ишлаб чиқарувчиларнинг лоқайдлиги тобора барқарор тус ола бошлади.

Туб хўжалик ислоҳоти ўтказиш зарурлиги аён бўлиб қолгач, КПСС XXVII съезди унинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Лекин аввалги ислоҳотлар тажрибасини ҳисобга олмай туриб бу йўлдан муваффақиятли силжиб бўладими? Афсуски, менимча, бизда шу нарса етишмайди. Ахир ҳозирги иқтисодий ислоҳотнинг дастлабки йиллари давомида (1987—1989 йиллар) 60—70-йиллардаги ислоҳотларни амалга оширишда қилинган хатоларга йўл қўйилди. Масалан, 1965 йилги ислоҳот жараёнида саноат корхоналарини планлаштиришнинг янги методларига ва иқтисодий рағбатлантиришга ўтишда корхоналарнинг бир қадар иқтисодий мустақиллиги сари биринчи қадам қўйилган эди. Бу корхоналарда уч фонд: ишлаб чиқаришни ривожлантириш, социал-маданий тадбирлар ва моддий рағбатлантириш фондлари жорий этилиши билан боғлиқ эди. Уларни яратиш учун министрликлар корхоналар фойдасининг муайян улушини ажрата бошладилар. Дарҳол шундай бир тенденция кўзга ташланди, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зарар келтирган ҳолда унинг катта бир қисми моддий рағбатлантириш фондига ажратила бошланди. Кейинроқ корхона фойдасини кўпайтириш мақсадида нарх-наво сунъий равишда оширилиб, шу йўл билан моддий рағбатлантириш фонди яна ҳам кўпайтира бошланди.

Раҳбар органлар бунга жавобан 1968—1969 йилларда корхоналарда иқтисодий, техникавий ва социал ривожлантириш комплекс планларини жорий этдилар. Шулар ёрдамида, яъни маблағларни юқорида кўрсатиб ўтилган фондларга маъмурий йўл билан мутаносиб тарзда тақсимланишига ва энг муҳими, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, техника тараққиётига ажратиладиган улушнинг кўпайтирилишига эришилмоқчи бўлинди. Бу чора, гарчи катта наф бермаган бўлса-да, лекин ҳар ҳолда моддий рағбатлантириш фонди асоссиз кўпайиб кетишининг бир қадар олдини олди. Шунингдек, корхоналарга тушадиган маблағлар миқдори ҳам қисқарди, яъни уларнинг мустақиллигидан бир қадам орқага қайтилди.

Шунга қарамай, 1987 йилдан бошлаб корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ва

РЕУКА Геннадий Александрович, тарих фанлари номзоди, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунуни ҳузуридаги Ижтимоий фанлар муаллимлари малакасини ошириш институтининг XX аср сиёсий тарихи кафедрасининг доценти.

ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтганида нарх-навонинг сунъий тарзда оширилиши ҳамда олинган фойданинг моддий рағбатлантириш фондига ўтиб кетишининг олдини олишнинг самарали тадбирлари яна ишлаб чиқилмади. Натижа шунга яраша бўлди. М. С. Горбачев 1989 йил 21 сентябрда КПСС МКда партиянинг сайлаб қўйиладиган марказий органлари таркибига кирган бир тўда ишчи ва колхозчилар билан бўлган учрашувда шу хусусда гапирди: «Баъзи бировлар корхона тўғрисидаги қонунни ўзларининг тор худбинлик мақсадларига буриб юбордилар. Баъзи бировлар даромадларни ва иш ҳақини ҳатто ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига тезроқ кўпайтиришни хоҳлашади».

Зотан 1987 йилда ана шу қонун қабул қилинар экан, агар корхоналарга 60-йиллардагидек андаккина эмас, балки тўлароқ мустақиллик берилса, улар ўз даромадларини тўғри тақсимлай оладилар, деб умид қилинган эди. Бироқ давлат буюртмаси деярли юз фоиз бўлган бир шароитда ўзини ўзи пул билан таъминлашни асло тўла мустақиллик деб бўлмайди, саноат корхоналарининг яккаҳокимлиги ва деярлик ҳар қандай маҳсулотнинг танқчиллиги шароитида эса ишлаб чиқариш коллективлари ривожланиш истиқболлари ҳақида умуман қайғурмайдилар. Бинобарин, ҳозирги вазият 1965 йилги ислоҳот қабул қилинганидан кейинги вазиятга шу томони билан ўхшайди, фақат бу гал у яна ҳам мураккаброқ оқибатларга олиб келди.

Ахир ҳозир раҳбар партия ва давлат органлари саноат корхоналарини мустақил деб ўйлаб фан-техника тараққиётига эътиборни сусайтириб қўйдилар. Партия, давлат ва хўжалик органлари вазифаларини чегаралаб олиш тўғрисидаги қарор ҳам шунга йўл очиб берди, партия комитетлари буни ижро қилиш ниятида иқтисодий сиёсатни амалга оширишдан четлашиб қолдилар. Бу ҳол фан-техника тараққиёти жадаллашувига кўнгилдагидек таъсир кўрсатмади. М. С. Горбачев 1989 йил 28 сентябрда Украина Компартияси МК пленумида сўзлаган нутқида амалий ишга ёндашувни ўзгартириш зарур, деб бежиз айтмади: «Кўп кишилар фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, машина-ускуналарни янгилашга, буюмларнинг сифатини яхшилаб, пишиқлиги ва пухталигини оширишга, маҳсулот бирлиги учун меҳнат, энергия ва материаллар сарфини камайтиришга, қаттиқ технология интизоми, иқтисод қилиш ва тежамкорлик, меҳнат унумдорлигини ўстириш режимини ўтказишга таaллуқли чораларни амалга оширишга доир кураш ва конкрет ишни бўшаштириб юбордилар, қисқа қилиб айтганда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эътиборни бўшаштириб юбордилар. Бу ишни ўнглаб олиш керак. Бу тадбирларсиз оғир вазиятдан чиқиш, қийин иқтисодиётдаги танг ҳолатни бартараф этиш қийин».

Ишлаб чиқаришни, фан-техника тараққиёти ривожини бошқаришнинг сусайиш тенденцияси Ўзбекистонда ҳам юз берди. 1988 йилда корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий қайта қуроллантириш учун ажратилган маблағлар республикада фақат 88 фоиз ўзлаштирилди, натижада салкам 100 миллион сўмлик маҳсулот кам олинди. Кейинги, 1989 йилнинг 9 ойи ичида шу мақсадлар учун давлат капитал маблағлари 1988 йилнинг шу давридагига нисбатан 9 фоиз кам фойдаланилди. Янги техника тадбирларини жорий этишга сарфланган бир сўм ҳисобига олинган йиллик иқтисодий наф муттасил камайиб борди (масалан, Самарқанд областида — 1981 йилдаги 1,04 сўмдан 1988 йилда 0,31 сўмгача).

Фан-техника тараққиётининг асосий кўрсаткичлари бўйича планлар муттасил бажарилмайди. Ўзбекистонда 1988 йилда ихтиролар қўлланишидан қўрилган иқтисодий наф 1985 йилда эришилган даражага нисбатан атиги 63 фоизни ташкил қилди. Ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришдек иқтисодий воситалар ва стимуллардан ғоятда қониқарсиз фойдаланилмоқда: ўн иккинчи беш йилликда ҳар йили ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан 30 фоиздан кўпроғи фойдаланилмай қолди. Устига-устак амалга оширилаётган ихтиролар даражаси паст,— уларнинг 60 фоизигача қурилмалар ва объектларнинг иккинчи даражали характеристикалари ва параметрларини яхшилаш учунгина йўлланади.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, 60-йилларнинг охирида корхоналарнинг социал-иқтисодий ривожланиши комплекс планлари қабул қилиниши умуман олганда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун юксак натижалар бермади. Лекин уларни тузишга юзаки, расмиятчилик билан эмас, балки иқтисодий

жиҳатдан пухта ўйлаб ёндашилган жойларда дуруст кўрсаткичларга эришилди. «Ташкенткабель» заводини мисол қилиб келтириш мумкин. 1970 йилда, мазкур комплекс план ишлаб чиқилганидан кейин орадан бир йил ўтгач, завод партия ташкилоти уни лозимича назорат қилиб бориши керак деган хулосага келди. Жумладан, инженер-техник ходимлар оперативлигига баҳо бериш мезони ишлаб чиқилиб, уни шартли равишда жавобгарлик коэффициенти деб аташди. Бу планнинг фан-техника тараққиётига доир қарорларнинг асосий ижрочиларига иқтисодий боғлиқ бўлишини таъминлади. Бинобарин, моддий рағбатлантириш фонди маблағлари ходимларнинг конкрет ишига қараб тақсимланадиган бўлди. Шуларнинг бари 1971 йилдаёқ комплекс планнинг бажарилган тадбирлари миқдорини 97 фоизгача кўтариш имконини берди. Қисқа муддат ичида кабель буюмларнинг 15 янги тури ишлаб чиқилди, завод маҳсулотининг салкам 20 фоизи жаҳоннинг энг яхши намуналарига, қолган 80 фоизи эса ўртача жаҳон даражасига мувофиқ деб топилди.

Ўша вақтда қўлга киритилган муваффақиятлар, шубҳасиз, «Ташкенткабель»да хўжалик ҳисоби муносабатлари жорий этилгани билан боғлиқдир. Хўжалик ҳисоби муносабатлари 1977 йилнинг мартига келиб завод бошқармасининг ишлаб чиқариш участкалари, хизматлари ва бўлинмаларигача етказилди. Жавобгарлик коэффициентининг қўлланиши тўққизинчи беш йиллик мобайнида инженер ва техниклар сонини 24 фоиз қисқартириш ва иш ҳақи фондини 208,3 минг сўм тежаш имконини берди. Иш вақтида техникавий қайта қуроллантириш ва эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш натижасида ишлаб чиқариш қувватлари 85 фоиз ўсди. Жами 156 та янги техника ускунаси жорий этилди. Заводнинг илмий муассасалар билан ўзаро муносабатлари ҳам юксак даражада бўлди. У республика ва мамлакатдаги 18 нафар илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари билан ижодий алоқада бўлди. Натижада «Ташкенткабель» давлат план топшириқларини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича доимо бажариб келаётган корхоналар қаторига қўшилди. 1977 йилда унинг Давлат сифат белгисига сазовор маҳсулоти салмоғи 40 фоизни ташкил қилдики, бу 1970 йилдагига нисбатан 4 баравар ортиқдир.

Иқтисодий ислоҳотнинг фан-техника тараққиёти билан қўшилуви Тошкент агрегат заводида яна ҳам салмоқли бўлди. Бу корхонада нафақат маҳсулот сифатини ошириш бўйича (1977 йилда маҳсулотнинг 71 фоизи Давлат сифат белгиси билан чиқарилди), балки ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича ҳам юксак кўрсаткичларга эришилди. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси 1970 йилдаги 74 фоиздан 1976 йилда 89 фоизга кўтарилди. Ўзбекистон Компартияси МК 1977 йил 20 июнда «Тошкент агрегат заводи партия ташкилотининг коллективни қўл меҳнати ҳиссасини қисқартириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга сафарбар қилиш борасидаги иш тажрибаси тўғрисида» қарор қабул қилгани бежиз эмас.

Хўш, корхона шундай ижобий силжишларга қандай эришди, нималар ёрдам берди? Муҳими шундаки, бу ерда 60-йилларнинг охиридаёқ, иқтисодий методларга таяниб, маҳсулотни бенуқсон тайёрлашнинг Саратов системасини жорий этишди. 1977 йилда заводнинг 1560 нафар ходими шу система асосида ишлаб, маҳсулотнинг 98 фоизи биринчи тақдимдаёқ топширилди.

Социалистик мусобақа янги шаклининг жорий этилгани ҳам ўз ролини ўйнади, у ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида сифат кўрсаткичларига эришишга қаратилган эди. Мусобақа конкурс характерида бўлиб, инженер-техник ходимларнинг кўпчилик қисмига ёйилди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, заводда моддий рағбатлантиришлар билан бирга янги техника бўйича ҳамма томондан қабул қилинган планни жорий этиш системаси заводда планнинг энг мураккаб бандлари бажарилишини ўз зиммасига олган ижодий бригадаларнинг мусобақаси билан мустаҳкамланди. Улар ишининг якунларига кўра ҳар кварталда тегишли пул мукофотлари билан олтита совринли ўринлар белгиланди. Дурустгина рағбатлантириб турилган беллашув яхши натижалар берди. 1980 йилда маҳсулотнинг 80 фоизи Давлат сифат белгиси билан чиқарилди, технология жараёнлари узлуксизлиги кўрсаткичи бўйича 0,75 ни ташкил этди, 5 йил ичида меҳнат унумдорлиги 23 фоиз ўсди, ишлаб чиқаришни

механизациялаш масалалари билан шуғулланган ижодий бригадалар сони 60 тага етди, уларга 300 га яқин киши кирган.

70-йилларнинг бошида ана шундай ижодий фаоллик Ўзбекистондаги бир қатор бошқа корхоналарга ҳам хос бўлди. Масалан, Тошкентдаги лак-бўёқ ва авиация заводлари шулар жумласидандир, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондидан талайгина суммани (йилига бир миллион сўмдан зиёд) янги техникага доир планни бажаришга сарфлашди.

Илғор заводларнинг 60—70-йиллардаги иқтисодий ислоҳотлар негизида эришган муваффақиятлари уларнинг ишида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Афсуски, ана шу ўзгаришларни мустаҳкамлаб қолиш учун шарт-шароитлар бўлмади. Чунончи, «Ташкенткабель»да 1978 йилга келиб маҳсулот сифатининг тўрт карра яхшилангани хўжалик фаолияти натижаларини баҳолашнинг ўз кучини йўқотмаган ялпи системасига зид келиб қолди. Шунда кабель буюмлари чидамлилигини ошириш ҳисобига халқ хўжалигининг уларга бўлган эҳтиёжи 5,5 минг километрга қисқариб, 200 тонна полихлорвинил, шунча миқдорда полиэтилен ва бошқа материаллар тежалди. Бироқ мамлакат учун шак-шубҳасиз фойдали бўлган бу иш корхона коллективи манфаати зиддига айланди: чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг камайиши маънавий ва моддий стимуллар сусаювига ва бунинг оқибати ўлароқ илғор корхона ишида таназзулга олиб келди.

60—70-йиллардаги иқтисодий ислоҳотларнинг, менинг назаримда, ана шу муҳим муаммоси чуқур ўрганилмаганлиги сабабли у ҳозирги қайта қуриш шароитида ҳам кўнгилсиз оқибатларга олиб келмоқда. Ахир меҳнат ҳақи фондини ҳосил қилиш аввалгича «ялпи маҳсулот»га боғлиқ қилиб қўйилмоқдаки, бу ҳол корхоналар фойдаси ва даромадларининг асоссиз равишда ўсишига сабаб бўлмоқда. Фан-техника тараққиёти билан шуғулланишни хоҳламасликнинг боиси шунда деб ҳисоблайман.

Ялпи кўрсаткичлар — ушбу ҳодисанинг бирдан-бир сабаби эмас, албатта. 60—70-йиллардаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида бошқа, муҳим ва ҳозир ҳам сақланиб келаётган ҳоллар бор. Бу биринчи навбатда яккаҳокимликдир. Масалан, «Ташсельмаш» 70-йилларда 15 та илмий-тадқиқот институтлари билан, Олмалиқдаги кон-металлургия комбинати эса — 50 та илмий муассасалар билан алоқа қилиб келган, бу уларнинг фан-техника тараққиёти соҳасидаги фаолияти кўлами қандай бўлганидан дарак беради. Бу ўринда яккаҳокимлик нимада кўринади? У умумиттифоқ аҳамиятига эга корхона —«Таштекстильмаш»да яққол намоён бўлди. Саккизинчи ва тўққизинчи беш йилликлар давомида унинг планларига ишлар доимо истеъмолчи-тўқимачилик саноати талабларини ҳисобга олмасдан киритиб келинган. 1966—1972 йилларда яроқсизлиги сабабли саноат синовидан ўтган ва кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилган машиналарнинг 10 та янги нусхасини ишлаб чиқаришга киришилмади. 800 минг сўмдан зиёд пул ҳавога совурилди. Аминманки, «Таштекстильмаш» монополист бўлмаганида, у тўқимачиларнинг эҳтиёжларига катта эътибор билан қараган бўлар эди.

Афсуски, бундай аҳвол шу кунгача сақланиб қолмоқда. Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси «Узхлопкопром»да хом ашёни қабул қилиб олишда технология интизоми бузилишига йўл қўйилаётгани, унинг кондицион вазни ва нави пасайтирилаётганининг сабаби шу эмасмикин? Шу йўл билан хом ашё етказиб берувчилар ҳисобига, хом ашёни сақлаш ва тозалаш жараёнидаги катта талафотларга қарамай, ўзларининг «юксак кўрсаткичлари» учун «замин» яратилади. Масалан, 1988 йилда нормадан ортиқча чиқитлар 85,6 минг тоннани ташкил қилди, толанинг ярмидан сал кўпроғигина давлат стандартига мос бўлди, 2693 та рекламация тушди.

Бундай яккаҳокимлик вазиятида техникани такомиллаштиришга қизиқиш сусаяди. Шу сабабли пахта тайёрлаш пунктлари ва пахта тозалаш заводлари ҳалигача аниқ ишловчи тез ўлчайдиган асбоблар ва қурилмалар билан жиҳозланмаган, «Хлопкопром» бирлашмасида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси устидаги иш ниҳоясига етказилмаган, ҳолбуки бунга ҳозирдаёқ талай маблағлар сарфлаб қўйилган.

Кўриниб турибдики, 60—70-йиллардаги иқтисодий ислоҳотлар шароитида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлида талайгина жиддий тўсиқлар

турарди. Бироқ уларни бартараф этишга улар билан шуғулланган камдан-кам илғор корхоналаргина ҳаракат қилишди. Корхоналарнинг аксарияти эса фан-техника ютуқларини эътиборга олишмади. Нима учун шундай бўлганини аниқлаш муҳим эмасми? Юқорида келтирилган мисоллардан аниқ кўринадики, фан-техника тараққиёти вазифаларини ижобий ҳал қилиш унинг моҳирона рағбатлантирилишига боғлиқ. Масалан, 1989 йил октябрида «Ташэлектромаш» заводи коллективи тармоқда биринчи бўлиб сифатни давлат қабулисиз ўзи назорат қилиб боришга ўтди. Завод СССРда ҳам, хорижда ҳам талаб катта бўлган ТДМ-503 пайвандлаш трансформаторлари чиқаради. Улар шу соҳада етакчи бўлган ГФР, Швеция, АҚШ, Япония фирмалари буюмларидан қолишмайди. Заводда ҳамма нарса биринчи тақдимдаёқ қабул қилинадиган маҳсулот чиқаришга қаратилган. Бинобарин, бунда 70-йилларнинг охирида бошланган модернизациялаш (янгилаш) узлуксиз давом этаётгани муҳим роль ўйнади. Техника андак эскирдими — уни замонавий талабларга жавоб берадиган янги техника билан алмаштиришади. 1988 йилда 700 минг сўмлик, 1989 йилда эса бундан уч карра кўп асбоб-ускуна ўрнатишди. Киевдаги Е. О. Патон номли электр пайвандлаш институти ҳамда Ленинграддаги электр пайвандлаш ускуналари Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти каби илмий муассасалар билан алоқа қилиш бунда ҳал қилувчи омил бўлди.

Бироқ завод коллективи илғор иш услубини ташкил этган асосий нарса, менинг назаримда, 60—70-йиллардаги ислоҳотларни амалга ошириш вақтида синаб кўрилган принципларнинг виждонан қўлланилишидир. Бу ерда меҳнатни баҳолашнинг баллик системаси жорий этилдики, бунда асосий эътибор сифатга қаратилади. Бригада 4,5 ва ундан юқори баҳо олса иш ҳақининг 40 фоизи ҳажмида мукофот олади. Бордию баллар кам бўлса, қўшимча ҳақ то нолгача пасайиб боради. Бу, кўрганимиздек, 70-йилларда «Ташкенткабель»да қўлланилган жавобгарлик коэффициентига жуда ўхшайди.

Афсуски, сифатни рағбатлантириш ва фан-техника тараққиёти системаси, 60—70-йилларда бўлганидек, фақат айрим илғор корхоналардагина амал қилмоқда. Бу туб иқтисодий ислоҳот ҳали чинакамига авж олмаганини кўрсатади. Чунончи, ҳатто Тошкент областида саноатда меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 1988 йил охирида бригадаларнинг фақат 45 фоизигача етказилган. Бригадаларнинг ярмидан ками иш ҳақини меҳнатда иштироки коэффициентига қараб тақсимлаган. Ваҳоланки, заводларнинг меҳнат коллективлари кенгашлари хўжалик юритишнинг маъмурий механизмидан айни шу коэффициент ёрдамида халос бўлишлари ва иш ҳақини бевосита меҳнат натижаларига боғлиқ қилиб қўйишлари мумкин.

Кўпгина корхоналар маҳсулоти сифатининг пастлиги ҳам ташвишлантиради, бу фан-техника тараққиётига бўлган муносабат билан бевосита боғлиқдир. Чунончи, 1989 йилда Тошкент агрегат заводида ҳар тўрт буюмдан бири давлат стандартига мувофиқ бўлмаган, жами 112 минг сўмлик 2494 маҳсулот сифатсиз чиқарилгани аниқланган (бунинг атиги 7 минг сўми айбдорлардан ундириб олинган). Тошкент тўқимачилик комбинати, «Миконд» заводида, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам аҳвол шу.

Фан-техника тараққиётини рағбатлантиришни ҳозирги иқтисодий ислоҳот бошланишига қадар албатта жорий этиш керак эди. Бироқ шундай бўлмади. Министрликлар ва идоралар корхоналар тўловлари миқдорини белгилашда субъективизмдан ҳали ҳам воз кечишгани йўқ, бюджетга ажратмалар якка нормативларини белгилаш практикаси эса бараварлаштириш принципини сақлаб қолмоқда. Бу аҳволни яна ҳам мураккаблаштирмоқда. Ана шу тартибларни мумкин қадар тезроқ бартараф этиш ва корхоналарга давлат томонидан солиқ солинишининг ягона системасини ўрнатиш лозим. Ривожланган капиталистик мамлакатларда қудратли бозор мавжуд бўлгани холда фан-техника тараққиёти давлат солиқ системаси билан рағбатлантирилиши бежиз эмас, ахир. Бизда эса 1987 йилда қабул қилинган Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун социалистик бозор бўлмагани ҳолда корхоналарни олаётган фойдаларини фан-техника тараққиёти учун фойдаланишни назорат қилишдан озод этди. Бу хато фақат 1989 йил августида, СССР Олий Совети ушбу қонунга бир қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритганда тузатилди.

Бугунги кунда давлатнинг саноат корхоналари билан ўзаро муносабатларида сифат жиҳатдан янги қадам қўйилмоқда — таъсир қилишнинг буйруқбозлик-маъмурий усулларидан иқтисодий бошқариш воситаларига ўтилмоқда. Давлат техникавий қайта қуроллантиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, маҳсулот сифатини яхшилашга кўпроқ маблағ сарфлаётган корхоналарга анча-мунча имтиёзлар беради. Агар меҳнат коллективида истеъмолчилик кайфияти устун келса, техникани ривожлантиришга зарар етказиб иш ҳақини асоссиз равишда оширишга уринилса солиқ санкцияси системаси ўз-ўзидан амал қила бошлайди.

Бу системани 1991 йилда жорий этиш кўзда тутилган. Ҳозирча, масалан, Ўзбекистонда сифати юқори категорияли бўлган маҳсулотнинг фақат 28 фоизи баҳосига рағбатлантирувчи қўшимча қўшилади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, агар шу категориядаги қолган маҳсулотга энг кам (5 фоиз миқдорида) қўшимча қўшганда 51 миллион сўмга эга бўлиш мумкин. Демак, ишлаб чиқаришни, фан ва техникани ривожлантириш, корхона ва бирлашмалар моддий рағбатлантириш фондларининг миқдорлари ҳам шунча суммага кўпаяди. Бу, шубҳасизки, кўп корхоналарнинг яхшироқ ишлашига ёрдам берган бўлур эди.

Шуни таъкидлаш мумкинки, 1987 йилдаёқ, Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун қабул қилинган пайтда, Москвадаги бошқариш муаммолари институтида солиқ солишнинг ишлаб чиқилган механизми мавжуд бўлиб, унга солиқ шкалалари системаси асос қилиб олинган эди. Конкрет шкалани танлаш маҳсулотнинг самарадорлигига боғлиқ: у қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқарувчи учун шунчалик «имтиёзли» шкала белгиланади. Ана шу механизмдан фойдаланганда ишлаб чиқарувчига, ҳатто монополистга ҳам харажатларни ва, муҳими, шартномадаги баҳони камайтириш фойдалидир, чунки бунда унинг фойдаси кўпаяди. Афсуски, аввалги, шу жумладан 60—70-йиллардаги иқтисодий ислоҳотлар тажрибасини чуқур ўрганишга асосланган тавсиялар ўша пайтда қабул қилинмаган.

Албатта, мамлакатимизда фан-техника тараққиётини фаоллаштиришнинг ҳамма муаммоларини муваффақиятли ҳал этмоқ учун кенг кўламдаги тадбирлар комплексини амалга ошириш лозим. Мулкчилик тўғрисида қабул қилинган қонундан ташқари, нарх белгилашнинг ислоҳ қилиниши, социалистик бозор барпо этилиши, корхоналар тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш шу тадбирлар жумласидандир. Аввалги иқтисодий ислоҳотлар тажрибасини мукаммал ўрганиш ҳам муҳим ўрин тутиши лозим.

В. ПРОСКУРИН

МЕҲНАТГА МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ҲАР ҚАНДАЙ ЖАМИЯТДА меҳнат фаолияти ўз негизида кишини ушбу фаолиятга чорловчи муайян манфаатлар, мотив ва стимулларга эгадир. Улар жамулжам ҳолда ходимларнинг шахсий манфаатдорлигида ифодаланадики, унингсиз мамлакатда қайта қуришнинг асосий вазифаларини амалда ҳал этиб бўлмайди. Кўпгина халқ депутатлари СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари сессияларида кўпинча меҳнат коллективлари аъзоларида унумли ишлаш учун чинакам манфаатдорлик йўқлигини таъкидлашлари бежиз эмас.

Хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитида меҳнатга муносабатни шакллантириш муаммоси бошқача маъно касб эта бошлади. Биз корхоналарни ижарага ўтказиш зарурлиги ҳақида сўзлаймиз, аммо бу жараён сустлик билан амалга оширилмоқда. Кооперация тўғрисида қонун (тузатишлар билан) қабул қиламиз, у эса тегишлича ривожлантирилмаган. Кўп йиллардан бери махсулот сифатини яхшилаш муҳим эканлиги хусусида сўзлаймиз (ҳатто «самарадорлик ва сифат беш йиллиги» бўлиб ўтди), амалда аҳолининг барча қатламлари ундан норози, шунинг учун ҳам ортиқча пул тўласа ҳам импорт молларни харид қилишга уринишади. Кишиларни ҳамма ерда тежашга чақирамиз («иқтисодиёт тежамкор бўлиши керак» деган «ҳикматли» ибора маълум), лекин унга бўлган алоҳида интилишни кўрмаяпмиз. Ҳатто аксинча бўляпти, хом ашё, материаллар, электр энергияси қанча кўп сарфланса, корхоналар учун ўз маҳсулотларининг нархини ошириш, ходимларнинг иш ҳақини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигига доир планларни бажариш ва ҳоказоларга имконият шунча юқори бўлади.

Биз сўзда эмас, балки чиндан ҳам инсонга, унинг шахсий манфаатларига эътиборимизни қаратган, уларни жамоат эҳтиёжларига мувофиқ ҳолга келтирган тақдирдагина яхшилик сари реал силжишлар юз бериши мумкин. СССР халқ депутатларининг I ва II Съездлари кейинги ўн йилликлар ичида мамлакатимизда ходимларни ишлаб чиқариш воситаларидан очиқдан-очиқ бегоналаштириш юз берганлигини, уларнинг самарали ва сифатли меҳнатдан манфаатдорлиги пасайганлигини очиқ-равшан кўрсатиб берди. Булар мамлакатимиз ва республика ривожланишининг социал-иқтисодий натижаларида салбий акс этмай қолмас эди. 1980 йилдан бошлаб Ўзбекистонда, масалан, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар пасайишининг барқарор тенденцияси кўзга ташланяпти. Иттифоқ кўрсаткичлари билан қиёслаганда улар 1980 йил 67 фоизни, 1985 йилда 64 ва 1987 йил 61 фоизни ташкил этди.

Ходимларнинг ҳам жонли, ҳам моддийлаштирилган меҳнатни тежашни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишидан шахсан манфаатдорлигини шакллантирувчи омилларни аниқлаш, рационал ҳисобга олиш ва улардан социалистик хўжалик юритиш амалиётида фойдаланиш воситаси орқали аҳоли реал даромадларининг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратилиши мумкин. Идоравий (моҳиятан олганда монопол) манфаатларнинг устунлиги жамият ҳаётий

ПРОСКУРИН Владимир Кириллович, иқтисод фанлари номзоди, Тошкент халқ хўжалиги институти меҳнат иқтисодиёти ва социологияси кафедрасининг доценти.

фаолиятининг турли томонларига шахсий манфаат таъсир кўрсатиши соҳасини анча торайтирди, кишиларнинг ўз ишига нисбатан тегишли (бир қатор ҳолларда салбий) муносабатини юзага келтирди. Шу билан бирга аҳолининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан асосан миқдор кўрсаткичларини ўстиришга йўналтирилган меҳнатни рағбатлантиришнинг шу кунги системаси (моҳиятан олганда ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш) ходимнинг юксак унумли меҳнатдан манфаатдор бўлишига ҳозирча жиддий таъсир кўрсатмаяпти.

Меҳнатга муносабатни шакллантирувчи омиллар орасида у юз берадиган шарт-шароит алоҳида ўрин тутади. Унга қуйидагилар киради: ҳақ тўлаш даражаси; корхона томонидан тақдим этиладиган социал имтиёзлар (маданий-маиший, мактабгача тарбия муассасалари ва ҳоказо); меҳнат ва дам олиш тартиби; иш жойигача бўлган масофа ва транспорт воситалари; иш жойининг санитария-гигиена ва эстетик ҳолати ҳамда унинг хавфсизлиги; меҳнат мазмунли бўлиши ва кўплаб бошқа талаблар.

Катта аҳамияти хусусида В. И. Ленин гапирган шахсий моддий манфаат, уни рўёбга чиқариш даражасига боғлиқ равишда, ходимни ўз фаолиятига турлича муносабатда бўлишга йўллайди. Социологик тадқиқотлар меҳнатдан қониқмасликнинг асосий сабабларидан бири сифатида иш ҳақи пастлиги эканини аниқлаб берди. Ҳақиқатан, бизда у моллар ва хизмат кўрсатиш нархининг даражаси билан деярли боғланмаган (бу билан дунёдаги ривожланган мамлакатлардан фарқ қилади). Агар турли хил антистимуллар таъсирида нархлар муттасил ошаётган бўлса, меҳнаткашлар кўп категорияларининг иш ҳақи эса ўз оилаларининг эҳтиёжларини таъминлашга имкон бермаган ҳолда жуда суст ўсмоқда. Ҳеч бўлмаганда ҳаётий неъматларнинг муайян минимумини қўлга киритишга интилиш ҳам шундан келиб чиқадики, бу эса социализм даврида «унинг оқилона эҳтиёжларини доимо ўсиб борувчи миқдорларда қондириш» (К. М а р к с и Ф. Э н г е л ь с. Соч., т. 19, с. 113) таъминланиши керак бўлган инсон моҳиятига зид келмайди.

Социализмнинг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципи меҳнатга янгича муносабатни шакллантиришга ва кишиларнинг ундан шахсан манфаатдорлигини рағбатлантиришга доир давлат сиёсатининг негизида ётиши керак. Чунончи, шахсан манфаатдорликни маълум даражада озиқ-овқат маҳсулотларининг жон бошига истеъмолини кўпайтириш ҳисобига аниқлаш мумкин. Ўзбекистон учун бу муаммо ҳозиргача ўткир бўлиб келмоқда. Агар умуман мамлакат бўйича 1988 йилда ҳар бир кишига ўртача 65 килограммдан гўшт тўғри келган бўлса, республикамизда эса 30 килограмм тўғри келди, балиқ ва балиқ маҳсулотлари — тегишли равишда 17,5 ва 4,7 килограммдан, сут ва сут маҳсулотлари — 351 ва 201 килограммдан, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 100 ва 97 килограммдан, мева ва резавор мевалар — 52 ва 32 килограммдан тўғри келди. Аҳоли жон бошига рационал истеъмол қилиш нормалари эса қуйидагича: гўшт ва гўшт маҳсулотлари — 78 килограмм, балиқ ва балиқ маҳсулотлари — 18,2 килограмм, сут ва сут маҳсулотлари — 405 килограмм, сабзавот ва полиз маҳсулотлари — 130 килограмм, мева ва резавор мевалар — 91 килограмм.

Социал инфраструктуранинг ҳолати ҳам ходимларнинг ўз меҳнатига муносабатига таъсир кўрсатяпти. Гарчи у билан меҳнатдан шахсий манфаатдорлик ўртасидаги бевосита алоқани сезиш анча мушкул бўлсада, лекин унинг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларининг тушиб кетиши, меҳнат интизомини бузишлар, кадрлар қўнимсизлигининг юқорилиги, шунингдек мамлакат бир қатор регионларидаги иш ташлашлар — булар кўпинча социал соҳа қолоқлигининг оқибатидир.

Меҳнатга муносабатни шакллантиришга аҳолига кўрсатиладиган барча социал хизмат кўрсатишларнинг ривожланганлик даражаси таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли «Бутун ҳокимият Советларга!» шиори ҳаётга татбиқ этилаётган қайта қуришнинг ҳозирги босқичида иқтисодий сиёсатни ўтказиш чоғида буни ҳисобга олиш муҳимдир. Маҳаллий Советлар яхши моддий базага эга бўлса, социал инфраструктура тармоқлари анча муваффақиятлироқ ривожланиши мумкин. Бунинг учун улар территориясида жойлашган корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар олаётган фойданинг муайян фоизини ҳокимият органлари бюджетига ўтказишлари керак. Ўшанда территориал даражада аҳолига турли

хизматлар кўрсатилиши учун шарт-шароит, бўш вактни окилона уюштириш ва ўтказиш учун моддий негизлар яратиш, экологик муаммоларни ҳал этиш енгилрок кечарди. Айни вактда бу регионал хўжалик хисобига ўтишда олға караб кўйилган кадам бўлади.

Меҳнатга муносабат муайян даражада бўш вакт бюджетининг микдорий ва сифат жиҳатларига, унинг дам олишга, малакани ошириш, жамоат ишини бажариш ва шу сингариларга сарфланадиган кисмига боғлик бўлади. В. И. Ленин таъкидлаганидек, ишчи «дам олиш, билим олиш, инсон, оила аъзоси ва гражданн сифатида ўз хукукларидан фойдаланиши учун унинг вакти бўлиши керак» (Тўла асарлар тўплами, 2-том, 343-бет). Менимча, Ўзбекистонда бўш вактни шакллантириш ва ундан рационал фойдаланишга кам эътибор берилмокда. Иш кунларида у саноат ишчи ва хизматчиларда: эркакларда ўртача 3 соату 57 минутни, хотин-кизларда 2 соату 18 минутни, колхозчиларда тегишли равишда 3 соату 01 минут ва 2 соату 17 минутни; дам олиш кунларида эса эркак ишчи ва хизматчиларда — 8 соату 28 минутни, хотин-киз ишчиларда эса 6 соату 38 минутни ташкил этади (колхозчиларда тегишли равишда — 5 соату 41 минут ва 4 соату 43 минутни).

Социал инфраструктурани ривожлантириш пировард натижада бўш вактнинг анчагина кўпайишига олиб келади. Микдорий ўзгаришлар бўш вакт бюджетини сифат жиҳатидан такомиллаштиришни объектив жиҳатдан зарур килиб кўяди. Маданият, болалар тарбияси, гуманитар ва социал жиҳатдан мустакил билим олиш масалаларига кўпрок эътибор бериш имконияти пайдо бўлади, бу эса меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Социал-психологик иклимда ифодаланувчи ва ходимлар ўртасидаги нафакат горизонтал, балки вертикал бўйлаб ҳам муносабатлар даражасини характерловчи меҳнат коллективларидаги шахслараро расмий ҳамда норасмий алокалар ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Кишиларнинг хайрихоҳлик, хушмуомалалик, боодоблик, бир-бирини тушуниш, демократизм сингари хислатлари ходимларнинг меҳнатдан чинакам манфаатдорлигини шакллантиришга имкон беради.

Айтайлик, ишлаб чикариш коллективидаги шахслараро алокалар ўзига, биринчидан, моддий неъматларни бевосита ишлаб чикарувчилар, яъни ишчилар ўртасидаги, иккинчидан, раҳбарлар билан ижрочилар ўртасидаги муносабатларни камраб олади. Шу сабабли ходимларнинг шахсан манфаатдорликни рағбатлантиришда раҳбарлик килиш услуби, бошликнинг коллективда ижодий, демократик муҳитни кўллаб-кувватлай олиш маҳорати, кўл остидагиларнинг ўз мулоҳазалари, фикрларини (шу жумладан танкидий мазмундаги) очик айтиш, ишлаб чикаришни бошкаришда, жамоатчилик ишида иштирок эта олиш имконияти ғоят муҳим роль ўйнайди.

Социал адолатга риоя килиш — меҳнатга муносабат шаклланиши ҳамда шахсан манфаатдорлик ўсишининг жиддий омилидир. Кайта куриш бу муаммони олдинги каторга сурди. Ишловчиларнинг анчагина кисми ҳалигача ишлаб чикариш ва турмушда социал адолатнинг очикдан-очик бузилишларига дуч келмокда. Ахир, ўз кадр-кимматини ҳис этишга интилиш инсонга хосдир. Унинг учун корхона, район, шаҳар, республиканинг социал-иктисодий ҳаётига таъсир кўрсатиш хукукидан кай даражада фойдаланаётганининг аҳамияти бор. Шу сабабли раҳбарнинг вазифаси ўзларига бирор бир нарса боғлик бўлган шахс сифатида ҳис эта олишлари, уларнинг ижодий потенциалини очиб бериш мумкин бўлиши учун кўл остидаги ходимларга шарт-шароит яратиб беришдир. Ана шунда улар ҳам раҳбарнинг ҳурматини жойига кўяди.

Кўпчилик социал адолат принципининг бузилиши таксимот муносабатларининг такомиллашмаганлигида деб билади. Амалиётда маълумоти нисбатан паст бўлган киши малакасиз ёки кам малакали меҳнати учун кўпинча электрончи инженер, иктисодчи, врач, агроном маошига тенг микдорда (баъзан эса бундан ҳам кўпрок) иш ҳаки олади. Автобус, такси ҳайдовчиси одатда корхона раҳбари ёки конструкторлик бюроси инженерига караганда юкорирок иш ҳаки олади. Биз бунга кўникиб колганмиз ва уни нонормал ҳол деб ҳисобламаймиз. Шу билан бирга тан олиш керакки, ҳак тўлашдаги бундай кинғайишлар билим олишга интилишни рағбатлантирмайди, фан-техника тараккиётини тормозлайди, ёш мутахассисларни инженерлик лавозимларида ишлашга руҳлантирмайди.

Шахсий ва ижтимоий манфаатлар нуктаи назаридан олганда юксак про-

фессионализмни талаб этувчи ишга паст расценкалар бўйича ҳақ тўлаш адолатдан эмас. Лекин шу билан бирга ижара пудратига ўтаркан, ҳосил қилинган маҳсулотнинг сўмларда белгиланган ҳажмини (бинобарин, план «бажарилиши»ни ҳам) унга белгиланган нарх ўсиши ҳисобига «қойиллатаётган» корхоналарда меҳнатга юқори даражада ҳақ тўлаш ўзини оқламайди. СССР Олий Советининг иккинчи сессиясида (1989 йил) давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига меҳнаткашлар тўғрисида бундай «ғамхўрлик» қилишга барҳам берувчи тузатишлар киритилгани бежиз эмас.

Нафақат меҳнат учун, балки унинг муайян идораларга мансублиги учун тақдим этиладиган социал неъматларнинг кишиларга бир хилда тақсимланмаслиги ҳам ишдан кўнгилни совутади. Турли «махсус имтиёзлар» мавжудлигининг ўзиёқ ходимларда шахсан манфаатдорлик шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундай аҳволдан қутулиш йўлини текисчиликдан эмас, балки меҳнатга унинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлашнинг ролини оширишдан излаш керак. Сўмнинг ўзи бунда, қандай корхонада ишлаб топилганидан қатъи назар, бир хилда харид қийматига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш меҳнатга муносабатни шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Чунончи, хом ашё ва материалларни етказиб бериш яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида муқаррар меҳнат интизоми бузилади, штурмчилик пайдо бўлади, вақт беҳудага ўтказилади. Бу эса ходимларни асабийлаштиради, уларда самарали ишлаш хоҳишини сўндиради, ички ишлаб чиқариш ва социал-психологик алоқаларни путурдан кетказади. Илғор мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш соҳасидаги тажрибаси айтилган фикрни тасдиқламоқда. Масалан, Японияда машинасозлик фирмаларининг йиғув цехларига комплексловчи деталлар, одатда, йиғишдан бир-икки соат олдин келтирилади, натижада қимматга тушувчи омборхоналар қуриш керак бўлмайди, нафақат пул, балки вақт ҳам тежалади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда бориши ишловчиларни интизомга ўргатади, уларда самарали ишлашдан манфаатдорликни ҳосил этишга объектив тарзда кўмаклашади, у ёки бу операциянинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳар бир ишловчининг масъулиятини оширади.

Кишиларнинг меҳнатдан манфаатдорлиги маълум даражада уларни асосий фаолиятдан чалғитиш туфайли пасаяди. Қишлоққа оталиқ ёрдами туфайли иш вақтининг қарийб ярми исроф бўлади. У кўринишдан фойдали бўлиб туюлсада, аслида шаҳар корхоналарида ишловчилар меҳнатининг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳол кишиларнинг ижодий фаоллиги пасайишида, уларда қишлоқ хўжалик ишларида бўлиб қайтгач меҳнатга мослашиш вақти кўпайишида, маҳсулот сифати ёмонлашуви ва ҳоказоларда намоён бўлади. Республикамизда пахтакорлар меҳнатини рағбатлантириш жиддий тарзда яхшиланган 1989 йилдан бошлаб аҳвол ўзгарди. Бир қатор областлардаги кўпгина хўжаликлар шаҳарликлар ёрдамидан умуман воз кечишди.

Ҳозирги вақтда инвестиция сиёсатининг ўзгариши кўзга ташлана бошлади, у борган сари кўпроқ социал соҳага эътибор бера бошлади. Чунончи, 1985 йилга қиёслаганда Ўзбекистонда ноишлаб чиқариш аҳамиятидаги объектлар қурилишига капитал маблағлар ажратиш 1988 йилда 30 фоиз ўсди. Бу эса ишловчиларнинг шахсий манфаатлари ва эҳтиёжлари билан, бинобарин, меҳнатга янгича муносабат шаклланиши жараёнлари билан чамбарчас боғланган соҳани устун ривожлантириш йўли тутилганидан далолат беради.

Шу билан бирга 1988 йилда қишлоқ хўжалигига йўлланган капитал маблағлар 1985 йилга қиёслаганда камайди. Чунончи, колхозларда тракторлар миқдори ўртача 2 фоиз, пахта териш машиналари 13 фоиз ва дон комбайнлари 12 фоиз, юк автомобиллари 13 фоиз ва чорва бош сони 2,1 фоиз камайган. Буларнинг ҳаммаси хўжаликлардаги меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатди.

Колхозчилар меҳнатига ойига ўртача ҳақ тўлаш нисбий ўсишига (6,5 фоиз) қарамай, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 3,4 фоиз, фойда — 17,7 фоиз камайган. Бир вақтнинг ўзида совхозларда шу давр ичида ўртача ойлик иш ҳақи 2,8 фоиз, ялпи маҳсулот 8,1 фоиз, фойда эса қарийб 3 баравар ўсган (245 миллион сўмдан 708 миллион сўмга етган).

Афсуски, ҳатто қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ижобий жиҳатлари, унинг очиқ-ойдин номатлуб томонларини: республикада асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг реал даромадлари ва жон бошига истеъмоли озлигини бекита олмайди.

У ёки бу касб ҳақида юзага келган тасаввур, унинг аҳоли ўртасидаги машҳурлиги ходимнинг меҳнатга муносабати шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Касб нуфузини кўтариш мақсадида меҳнаткашларда ўз ишидан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш керак. Ўйлашимча, корхонанинг рамз-тимсолларига эътибор ажратиш, унинг эмблемаси тасвирланган коржомани жорий қилишнинг нафақат эстетик, психологик, балки иқтисодий маъноси ҳам бор, зотан бошқалардан ажралиб туришга интилувчи ёшлар учун бунинг аҳамияти айниқса катта. Бу нарса пировард натижада ходимларнинг иқтисодий кўрсаткичлар ўсишидан муайян манфаатдор бўлиш эҳтиёжини шакллантиради.

Меҳнатдан қониқишга, айтайлик, нафақат ерга, ишлаб чиқариш воситаларига соҳиблик, балки ўз меҳнати натижаларини тасарруф қилиш ҳуқуқининг қайтарилиши (айниқса қишлоқ жойларида) катта таъсир кўрсатиши мумкин. Муваффақиятли амалга оширилган тақдирда ижара, кооперация, ер тўғрисидаги қонунлар ана шу соҳиблик туйғусини, эҳтимол, шакллантира олар. Масалан, ерга меросхўрлик қонуни кучга киритилгач, атроф муҳитни ҳурмат қилиш туйғуси ҳам пайдо бўлади. Экологик муаммолар яхшироқ ҳал қилина бошлайди, чунки ҳақиқий соҳиб ўз ерини пестицид ва нитратлар билан тўлдириб ташламайди. Кишиларда жамоат мулкига соҳибларча муносабатни ҳосил қилиш мушкуллигини инкор этиб бўлмайди. Колхоз далаларида кимнингдир аммиак селитра солинган қопларни «унутиб» қолдирганлигини кўп марта кўрганман. Шахсий томорқада бундай қилишмаса керак.

Меҳнатга муносабат, ундан манфаатдорлик бир-бири билан чамбарчас боғланган кўпгина омиллар таъсирида шаклланади. Шу сабабли ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг қўшиб олиб борилиши — социалистик ишлаб чиқаришни бошқаришнинг энг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. Хўжалик механизмини қайта қуриш бунинг учун қулай шарт-шароит яратади. Биз ундан муваффақиятли фойдалана олишимиз кўпгина сабабларга боғлиқ. Бир нарса равшан: агар ҳар бир кишининг ўз билимлари, тажрибаси, ижодий фаоллигини меҳнатда қўллашдан шахсан манфаатдорлигини рағбатлантирмасак, қайта қуриш ўз самарасини бермайди.

А. ГОЛОВАНОВ

ПАРТИЯВИЙ ИШДАГИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

РАҲБАРЛИКНИНГ илмий асосларини мустаҳкамлаш, шу жумладан воқеликни ўрганишнинг социологик методларидан муайян мақсадни кўзлаб фойдаланиш, партия комитетлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини тўлароқ ҳисобга олиш қайта қуришнинг новаторларча вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим шартидир. Бу методларни эгаллаш ҳаётнинг томир уришини доимо сезиб туриш, партиявий ишни тўғри планлаштириш, тўпланган тажрибани таққослаш имконини беради. Бу хилдаги тадқиқотлар анча аниқ, пишиқ, текшириб кўрилган қарорлар қабул қилишга ёрдам беради, субъективизм йўлини тўсади. Амалий ишнинг янги шакл ва методларини тасдиқлашда, янги социал ҳодисалар ва ижтимоий тараққиёт тенденцияларини идрок этиш, партия ички турмушини янгилашда ҳам бундай тадқиқотларнинг роли катта.

Марксизм-ленинизм классиклари воқеликни ўрганишни социологик методларидан фойдаланишнинг ажойиб намуналарини кўрсатганлар. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг тарихий хизмати шундаки, улар илмий социологияни яратдилар. Улар жамият тарихини биринчи марта материалистик нуқтаи назардан тушунтириб бердилар, унинг ривожланиш қонунларини кашф этдилар. В. И. Ленин социологияда материализм ғоясининг ўзиёқ гениал ғоя деб ёзган эди: у гипотеза сифатида пайдо бўлиб, «биринчи марта социологияни фан даражасига кўтарди» (Тўла асарлар тўплами, 1-том, 146-бет).

В. И. Ленин социология фанининг кейинги ривожига жуда катта ҳисса қўшди. У социология доирасини анча кенгайтирди, унинг социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этишдаги ролини белгилаб берди. В. И. Ленин социологик тадқиқотларни партия, давлат ва жамоат ташкилотлари амалий иши учун зарур бир восита деб биларди. Владимир Ильич партия қурилишининг турли муаммоларини ўрганишда, Коммунистик партиянинг социал жараёнларини сиёсий жиҳатдан бошқариб бориш борасидаги фаолиятида социологик тадқиқотларни қўлланишга алоҳида эътибор берарди. У тажрибани таҳлил қилмай, фактларни ўрганмай, «(мингларча «умумий ходимлардан») ўн-йигирматасининг фикрларини билмай, уларнинг таассуротларини ва хулосаларини статистиканинг объектив маълумотларига солиштирмасдан...» (ТАТ, 42-том, 336-бет) партиявий иш билан шуғулланиб бўлмайди, деб ҳисобларди.

20 ва 30-йилларнинг бошларида социология интенсив ривожланди. Бу даврда методология, тадқиқот методикаси, социалистик қурилиш тажрибасини умумлаштириш масалалари фаол ҳал этиларди, чет эл социологларининг иш тажрибаси ўрганилар ва танқидий идрок этиларди.

Афсуски, социологиянинг тўлақонли ривожланиш босқичи узоққа бормади. Сталинча авторитар режим мустаҳкамланиши билан социологияга шубҳа билан қарайдиган бўлишди, у ижтимоий фанларнинг охирига суриб қўйилди. Социологик тадқиқотлар тобора кам ўтказиладиган бўлди, уларнинг натижалари эса кенг

ГОЛОВАНОВ Александр Александрович, Тошкент олий партия мактаби партия, совет ва идеология иши тажрибасини умумлаштириш лабораторияси мудири, тарих фанлари доктори.

халқ оммасидан яширин тутиларди. Бу фанга «буржуача», «ўрмаловчи эмпиризм» амал қилувчи, «сонга сажда қилувчи» фан деган ёрлиқларни кўпроқ ёпиштирадиган бўлишди.

КПСС XX съездидан кейин, Хрушчевнинг «илиқ ҳавоси» шароитида унинг аҳволи бирмунча яхшиланди. Социологларга социал ривожланиш планлари билан шуғулланишга, кадрлар қўнимсизлиги сабабларини аниқлашга, турмуш тарзини тасвирлашга рухсат беришди. Лекин, ўшанда ҳам уларнинг олдига: жамиятнинг «танг» социал муаммоларининг туб сабабларини тилга олмаслик шарт қилиб қўйилганди, бундай муаммолар тобора четга суриб қўйилар, улар социал-иқтисодий соҳалардаги сохта ютуқлар тўғрисидаги дабдабали нутқлар соясида қолиб кетарди.

Социологиянинг реал ҳаётдан узилиб қолиши Брежнев раҳбарлик қилган даврда, турғунлик йилларида айниқса яққол намоён бўлди. КПСС XXIII—XXVI съездларининг амалий масалаларни ҳал этишда социологик тадқиқотлар ролини ошириш зарурлиги ҳақидаги тавсияларига қарамай, бу фанни тиклаш ташаббускорлари қувғинга учради, тадқиқотлар доираси анча чеклаб қўйилди.

Бундай сиёсатнинг қўлланиши бежиз эмасди, албатта. Қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар ҳамма жойда авж олган, сўз бошқа, иш бошқа бўлиб қолган бир шароитда социология ўша вақтдаги жамиятимизнинг асл аҳволини ва унинг йўлбошчиларининг риёкорлигини ойнадагидай аниқ-равшан кўрсатиб бериши мумкин эди. Бюрократия ва тоталитаризм ҳаёт ҳақиқатига ҳамда ўша ҳақиқатни очиб ташловчи фанга бутунлай тескаридир. КПСС МҚнинг социализм тақдирида туб бурилиш ясаган 1985 йил апрель Пленумидан кейингина социология фанига муносабат ўзгара бошлади. Янгиланиш практикаси бу фан маълумотларидан ҳар замонда, узуқ-юлуқ фойдаланишдан улар билан иқтисодий, идеологик ва партиявий раҳбарлик бир мақсадни кўзлаб таъминлашга қатъий ўтишни талаб қилди.

КПСС МҚнинг «Совет жамиятининг туб социал муаммоларини ҳал этишда марксча-ленинча социологиянинг ролини ошириш тўғрисида»ги (1988 йил июнь) қарори социологик тадқиқотларни янада кенг авж олдириш, социологияни ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини бошқариш механизмига киритиш учун анча туртки бўлди. Мазкур қарорда бу фанни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илмий ишланмаларнинг назарий, методологик савиясини жиддий ошириш ва ижтимоий жараёнларни бошқариш, уларни прогнозлаш, демократиялаш ва ошкораликни чуқурлаштиришда ўша ишланмалардан фойдаланишни тубдан яхшилаш вазифаси қўйилганди.

Ҳозирги вақтда мамлакатда партия комитетларининг жамоатчилик фикрини ўрганиш, социологик тадқиқотларни ташкил этишнинг муайян системаси қарор топган. Улар биринчи навбатда СССР Фанлар академияси Социология институти бошқараётган илмий муассасалар ёрдамида амалга оширилади. ВЦСПС ва СССР Меҳнат давлат комитети қошида Бутуниттифоқ маркази ишга тушди. Совет социологик ассоциациясида «Партиявий иш социологияси» Марказий илмий тадқиқот секцияси ташкил этилди, унга партия комитетлари қошидаги тегишли хизматларга зарур ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилган. КПСС МҚ қошидаги Ижтимоий фанлар академияси, идораларга бўйсунувчи институтлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари, олий ўқув юртларининг социологик хизматлари ҳамда лабораториялари бу йўналишда хилма-хил илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар.

Партиявий иш муаммолари бўйича социологик тадқиқотлар олиб бориш борасида Ўзбекистонда ҳам муайян тажриба тўпланган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасида, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида социологик хизматлар ва лабораториялар ташкил этилган. Тошкент олий партия мактабида социологик лаборатория ташкил этиш планлаштирилмоқда.

Кўпгина партия комитетларида жамоатчилик фикрини ўрганишга эътибор кучаймоқда. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район (Тошкент шаҳри) партия комитети ходимларидан бирма-бир сўраб чиқиш шуни кўрсатдики, уларнинг 57,1 фоизи партия органларининг жамоатчилик фикрини ўрганиш, прогнозлаш ва шакллантиришни ташкил этиш партиявий таъсирни кучайтиришнинг реал йўли деб ҳисобламоқдалар.

Айрим партия комитетлари ҳозирдаёқ бу ишни фаол олиб бормоқдалар.

Масалан, Хоразм область партия ташкилотида кейинги вактда 40 мингдан ортик кишига анкета таркатиб, жавоб олинди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар партия комитети ажойиб тажриба тўплаган. Бу ерда раҳбар кадрларни сиёсий аттестациядан ўтказиш жараёнида социологик воситалардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Чунончи, шахсга кўпчиликнинг баҳо бериши анкета ёрдамида амалга оширилиб, унга 20 йўналиш бўйича тузилган саволлар киритилган. Раҳбарга аттестациядан ўтаётган одамга нисбатан турли лавозимга оид статусга эга бўлган кишилардан иборат экспертлар баҳо беришади.

Кишига ташқаридан берилган характеристикага оид маълумотдан ташқари унинг ўзига анкета бериб, маълумот олиш усулидан ҳам фойдаланилади. Саволларга берилган жавобларни таҳлил этиш ўша синовдан ўтаётган одамнинг ўз хислатларини қандай баҳолашини билиш имконини беради.

Меҳнат коллективларидаги норасмий етакчилар доирасини аниқлаш учун социологик тадқиқотлардан кенг фойдаланиладики, бу раҳбар кадрлар резервига муносиб номзодларни танлаш имконини беради.

Пленумлар, мажлислар, активлар йиғилишларини тайёрлаш жараёнида социологик тадқиқотлар ўтказиш кейинги вақтда одат тусига кирди. Ўзбекистон Компартияси Пахтакор район комитети пленуми олдидан ўтказилган тайёргарлик ишлари бунга мисол бўла олади, унда район партия комитети бюросининг қайта қуришга раҳбарлик қилишга доир ҳисоботи тингланди. Иқтисодий таҳлил жойлардаги ишлар аҳволини ўрганиш билан бирга меҳнат коллективларида анкеталар ҳам тарқатилди. «Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни ўрганамиз» деб ёзиб қўйилган махсус яшчиклар ўрнатилди. Социологик тадқиқотлар «технологияси» билан бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ва активни таништириш мақсадида улар билан кенгаш ўтказилди.

Олинган материаллар таҳлили шуни кўрсатдики, анкета тарқатилганларнинг 31 фоизи бошланғич партия ташкилотларининг меҳнат коллективларидаги ролини юксак баҳолайди, 25,5 фоизи эса, коммунистлар анча серғайрат бўлиб қолишди, йиғилиб қолган муаммоларни дадилроқ ҳал қилишяпти деб кўрсатиб ўтишди, 26 фоизи қайта қуриш шароитидаги ишни қониқарсиз деб топишди, 11,8 фоизи бошланғич партия ташкилотларининг коллективлардаги таъсири ва обрў-эътибори ҳозирча етарли даражада эмас, деб ҳисоблашади. Шундай хулоса чиқарилди — қайта қуриш жараёнларини фаоллаштириш учун одамлар психологиясининг ўзини тубдан ўзгартириш, пассивликни, сусткашликни, меҳнат коллективи кўпгина аъзоларининг эскича ишлаш истагини бартараф этиш керак бўлади. Шу билан бирга район раҳбарлари шаънига ҳам жиддий танқидий фикр-мулоҳазалар айтилди. Шуни айтиш кифояки, сўраб чиқилганларнинг салкам 20 фоизи уларнинг демократия ва ошкоралик шароитида янгича ишлаёлмаётганини кўрсатиб ўтишди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларни район партия комитети эътиборга олди. Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш ва район раҳбар бўғинлари иш услубини янгилаш программасини ишлаб чиқишда ўша маълумотлардан фойдаланилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Андижон областининг Москва район партия комитетида кадрлар резервини тайёрлаш муаммолари бўйича чуқур социологик тадқиқотлар ўтказилди. Сурхондарё областида сиёсий-оммавий ишларни ташкил этиш ва раҳбарликнинг сиёсий методларига ўтиш муаммоларини ўрганиш фикр-мулоҳазалар учун бой материал берди. Самарқанд области партия комитетлари район ва шаҳарларнинг социал ривожланиш программасини муҳокама қилганларида социологик таҳлил воситаларидан кенг фойдаланилди.

Тажриба шуни кўрсатадики, бундай тадқиқотлар партиявий иш самарадорлигининг ўсишига ёрдам беради. Пленумлар, мажлисларни тайёрлаш характери ўзгаряпти. Кадрларни танлаш яхшиланяпти. Идеологик тадбирлар савияси ортяпти. Партия ички демократияси ривожланяпти.

Лекин шунга қарамай, жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этиш, партия комитетлари ўтказаётган социологик тадбирлар практикаси ҳали ҳам қайта қуриш талабларига жавоб бермайди. Бу иш ҳамон доимий тусда эмас, муайян мақсадга қаратилганича йўқ. Кўпинча тадқиқот хулосалари, таклиф ва

тавсиялар илмий жиҳатдан етарлича асосланган бўлмайди. Улардан кўпинча Ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш учун эмас, доклад ёки хабардаги бирон-бир қоидани шарҳлаш учун фойдаланилади. Баъзан бунинг акси ҳам бўлади, яъни социологик ўрганиш натижаларига ҳамма нуқсон ва камчиликларни бартараф этадиган бир восита деб қаралади. Шуниси ачинарлики, кўпгина партия ходимлари социологик тадқиқотларнинг назарияси ва амалиёти асосларини ўзлаштирмаганлар, улар баъзида етарли даражада тайёрланган программаларсиз ўтказилади, эмпиризмга хос камчилик бор, принципиал характердаги чуқур умумлашмалар даражасига кўтарилмайди. Маълумотларни тўплаш, уларни ишлаб чиқиш ва таҳлил этишда жиддий хатоларга йўл қўйилади.

Партия комитетлари қошида ташкил этилган жамоатчилик фикрини ўрганиш кенгашлари партиявий ишда социологик тадқиқотларни ташкил этишда кўп жиҳатдан ёрдам бериши мумкин. Бундай Кенгашлар Москва, Ленинград, Грузияда, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари ва регионларида фаол ишлаяпти. Улар жамоатчилик асосида ишлаб, илмий-методик, консультатив органлар ҳисобланади, ана шу Кенгашлар ишни планлаштириш, бюрода, пленумда, илмий-амалий конференцияларда масалаларни қўйиш, корхона, муассаса ва ташкилотлар партия комитетларининг қарорларини қабул қилишда фойдаланишлари учун партия комитетларининг барча бўлимларини зарур маълумотлар билан таъминлаб туришади.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари қошидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш Кенгашлари меҳнаткашларнинг район, шаҳарнинг социал ривожланишига оид энг муҳим масалалар, иқтисодиёт, сиёсат ва идеология муаммоларига доир фикр-мулоҳазаларини тадқиқ этмоқдалар. Уларнинг вазифалари доирасига шунингдек қуйидагилар ҳам киради: доимий иш кўрувчи проблемали секциялар ва тадқиқотчилик группаларни яратиш йўли билан жамоатчилик фикрини ҳар томонлама ўрганишга партия активининг кенг қатламлари, олимлар ва мутахассисларни жалб этиш; социал жараёнларни бошқаришда, хўжалик фаолиятига илмий раҳбарлик даражасини оширишда партия ташкилотларига ёрдам беришга қодир бўлган тавсияларни социологик тадқиқот материалларини таҳлил этиш ва баҳолаш асосида ишлаб чиқиш; жамоатчилик учун катта қизиқиш уйғотувчи муаммоларни яхши ўрганиш ва тушунишда партия комитетларига имкон берувчи методик материалларни тайёрлаш; район ёки бутун регионда меҳнат коллективларининг социал-иқтисодий ривожланишини перспектив ва жорий планлаштиришда партия активи ҳамда аппаратига ёрдам бериш; ғоявий-сиёсий ишни перспектив планлаштириш учун идеологик шарт-шароитни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Кенгашлар партия комитетлари, халқ депутатлари Советларининг қарорлари, шунингдек меҳнаткашлар хатлари билан танишиш; жамоатчилик фикрини тадқиқ этиш билан боғлиқ талаблар билан турли корхона ва ташкилотларга мурожаат қилиш; бундай тадбирларни ўтказишга партия, совет, касаба союз ва комсомол фаолларини жалб этиш ҳуқуқига эга. Бир қатор область, шаҳар, район партия комитетларида бу ишларнинг бари штатдан ташқари социологик тадқиқот бўлими орқали амалга оширилади. У тадқиқотчилик ишини юқорида айтиб ўтилган Кенгаш комиссиялари ёки секциялари орқали амалга оширади, комиссия ва секциялар бевосита меҳнат коллективларининг ўзида ва район аҳолиси ўртасида жамоатчилик фикрини ўрганишади, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишади. Кенгаш ўз ишини план асосида ташкил этиб, у партия органи мўлжаллаган тадбирларни ҳисобга олади ва уни бюро тасдиқлайди.

Тўғри, амалиёт кўрсатганидек, жамоатчилик асосида ишлайдиган ҳамма Кенгаш ва социологик бўлимлар ҳам самарали ишламоқда деб бўлмайди. Уларнинг асосий камчилиги — партия комитетларининг кам жалб қилиниши ва ишидаги тасодифийлик. Ҳаёт эса бу ишни муайян мақсадни кўзлаб изчил ташкил этишни талаб қилмоқда.

Ўйлаймизки, ҳар бир йирик партия комитети қошида социологик тадқиқотларнинг штатли бўлими ёки секторини ташкил этиш имкониятини шу бугунданоқ излаш тўғри бўлур эди. Бу бўлинмани бошқача ном билан атаса ҳам бўлади. Масалан, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўлими (сектори) дейиш мумкин. Бу билан моҳият ўзгармайди. Иш ҳақи фонди муаммо бўлиб турибди. Лекин аслида

буни ҳам ҳал қилса бўлади. Хоҳиш бўлса штатда бир неча ўрин учун ҳамиша имконият топилади. Лекин бундай бўлинмага зарурат жуда катта. Зеро, аҳоли барча қатламларининг фикрини доимо ўрганиб бормасдан, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотнинг қандай бораётганини, жўшқин маънавий ҳаёт жараёнларини ўз вақтида илмий идрок этмасдан туриб мураккаб структурага эга бўлган жамиятни сиёсий методлар билан умуман бошқариб бўлмайди. Биз мана шу ҳақиқатни қанчалик тез тушуниб етсак, партия органлари иш услубини қайта қуриш шу қадар яхшироқ, самаралироқ бўлади.

Айни бир вақтда партия комитетлари штатларига профессионал социологларни янада кенг жалб этиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Социологик тузилмаларнинг моддий-техник ва ахборот базасини мустаҳкамлаш программасини асослаб берилса, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг умумпартиявий системасини бошқариш механизмини ва ахборотнинг доимий манбалари рўйхатини аниқлаб берилса яхши бўларди.

Партия ходимлари кенг оммасига социологик таҳлил методларини ўргатиш бугунги кунда масъулиятли вазифадир. Кейинги вақтда Тошкент олий партия мактабида ўқув программасига социология курси киритилди. Лекин у чекланган. Қолаверса, бу курсни тинглаш имкониятига эга бўлган партия ходимлари сони жудаям кам. Бизнингча, Тошкент давлат университети (ҳозир бу ерда фалсафа-иктисод факультетида социология бўлими очилган) ёки Тошкент олий партия мактаби қошида бу фан бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ана шунда партия, совет органлари, идеология муассасалари ходимлари социология фани асосларини эгаллашлари, амалий ўйинларда иштирок этишлари, анкеталарни тузишлари мумкин бўларди.

Курслар билан бирга бир ёки икки ҳафталик социологик семинарлар ўтказиш мумкин бўларди. Социологиянинг муҳим масалаларига бағишланган илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ташкил этиш бугунги кун талабидир. Социологик маданиятни оширишда радио билан телевидение ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиши мумкин. «Социологга ёрдам» кутубхоначасини нашр этиш, ҳозирги мавжуд социологик методик адабиётни, айниқса «Социологнинг асосий китоби»ни рус ва ўзбек тилларида қайта нашр этиш фойдали бўларди.

Социологик таълимнинг шакл ва методлари чексиздир. Улар, шубҳасизки, амалий иш давомида бойиб боради. Лекин бунинг учун туртки зарур. Энг муҳими, Ўзбекистон Компартияси МК, республиканинг партия комитетлари идеологик ишнинг бу асосий жабҳасини назорат остига олишлари керак. Ана шундагина социологик тадқиқотлар қайта қуришнинг энг муҳим воситаси, жамиятни янгилаш ва Коммунистик партия авангардлик ролини мустаҳкамлашнинг долзарб вазифаларини ҳал этишнинг ўткир қуроли бўлиши мумкин.

ДИАЛЕКТИК ТАФАККУРНИ ИЗЛАБ

Мунозарага таклиф

В. ПОПОВ

Маълумки, кишилар йўқотган нарсани ёки қўлларида бўлмаган, лекин эга бўлишни истайдиган нарсани излайдилар. Кунлардан бирида, жиддий бир илмий мунозарада бошқа ҳамкасбларим, табииётшунос олимлар, партия ходимлари, идеологлар, депутатлар, хўжалик раҳбарлари сингари, файласуф сифатида менга ҳам чинакам диалектик тафаккур очиқдан-очиқ етишмаслигига тўқнаш келдим. Нимага шундай экан деб ўйлай бошладим. Қийин саволлар домига тушиб қолдим. Буни журналхонлар билан баҳам кўриш истаги туғилди менда.

«ЭРКИН ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ИДЕАЛИНИ АСРАБ ҚОЛАЙЛИК»

Кўпгина файласуфлар, улар билан мулоқотдан менга аёнки, мамлакатимизнинг ўтмиши ва ҳозирги куни хусусида ғоятда куйиб-пишадилар. Гарчи жамиятнинг кенг қамровли кризиси шароитида улар ўзларининг салмоқдор сўзларини айтишлари жоиз бўлсада, лекин файласуфлар ҳақиқий мунозарага киришишга нимагадир юрак бетламаяптилар. Зотан, кўплар куйидагича саволларни бераётганини яхши биламан: биз қандай жамиятни бунёд этдик? Аслида қандай жамиятни барпо этиш керак? Нима учун авваллари бошланган қайта қуриш ва ислоҳотлар онг-идрокка етиб келмаган эди? Ҳозирги қайта қуришда биз ўзимизни реал англаяпмизми? Нимага Ғарбий Европа бирлашмоқда, биз эса йўқ? Ота-боболар хаётидаги «қора кам-кертик» ва аллақандай бўм-бўшлик очиб ташланган чоғда ёшлар ижтимоий идеалсиз қанчалик узоқ муддат яшаши мумкин? Нимага жиноятчилик шу қадар ўсдики, бутун жамият довдираб қолди? Ҳокимиятга нисбатан йўқолган хурматни қандай қилиб тиклаш мумкин? Партиянинг истиқболи қандай?.. Саволларни яна давом эттириш мумкин. Албатта, бу муаммолар фалсафага эмас, кўпроқ политологияга (сиёсатшуносликка) дахлдор, деб эътироз билдиришлари мумкин. Эҳтимол, шундайдир. Лекин, биринчидан, биз политологияни фан сифатида тан олмадик, уни ривожлантирмадик, оқибатда у бизда бошланғич ҳолатда қолиб келмоқда. Ва, иккинчидан, ушбу саволларга жавоб излашда аввало фалсафа берадиган методологик негизни қандай қилиб четлаб ўтса бўлади? Ниҳоят, шундай саволлар борки, уларга аввало файласуфлар жавоб бериши керак. Ижтимоий фанларнинг ўзини қайта қуриш ва биринчи навбатда уларни методологик жиҳатдан янгилаш муаммосининг ўзи бир олам. Бошқа бир савол айни шундан келиб чиқмаяптимикин: социализмнинг ҳозирги концепциясини ишлаб чиқишдаги кризис методология кризисининг оқибати эмасми?

Наҳотки, файласуфлар, барча жамиятшунослар учун: нимага мамлакатга янги раҳбарият келиши билан биз ижтимоий фанларга доир дарсликларни бошқатдан ёзаяпмиз, фанни «ўзгартиряпмиз», деган савол машаққатли бўлмаса? Ижтимоий фанларимизда чинакам илм мавжуд эдими? Нимага ижтимоий онг узоқ йиллар давомида «Қисқа курс» асоратида бўлиб келди ҳамда илиш, исиш, сталинизмни қоралаш ва жамиятни бошқаришни ислоҳ қилишларга қарамай ундан тамомила халос бўла олмаяпти?

Асосий сабаблардан бири сиёсат ва фаннинг ўзаро ҳамкорлиги, сиёсатчи ва олимларнинг ўзаро муносабатлари механизмига боғлиқлиги равшан. Гап шундаки, ҳокимиятнинг монархик-абсолютистик ёки буйруқбозлик-бюрократик системаси ўзида объектив равишда субъективизм, волюнтаризм ва коммунистик кеккайишни, бинобарин, ҳақиқий фанга нисбатан чинакам эҳтиёж йўқлигини ҳам ифодалайди. Бундай социал тартибда: кимда ҳокимият бўлса, ҳақиқат учун ҳуқуқ ҳам унда деган принцип пинҳона тарзда устунлик қилади. Илм-фандан эса бундай ҳолда, «ҳақиқат» соҳибига хуш келадиган жиҳатлар-

ПОПОВ Владимир Дмитриевич, профессор, фалсафа фанлари доктори.

гина олинади. Фан ва олимларнинг бундай шароитда гангиб қолиши, сиёсий конформизм, авторитар-илмий бутпарастлик, уруғ-аймоқ монополизми қобиғидаги сийқаликка учраши тайин, ақидапарастлик ва дидактизмнинг муқаррарлиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

Қайта қуриш ҳақиқатга, сиёсат ва фаннинг ўзаро ҳаракати механизмини демократиялашга бўлган ўткир эҳтиёжни юзага келтирди. Бугунги кунда, ватанимизда илгари ҳам бўлганидек; «эркин тадқиқ қилиш идеалини асраб қолиш» (М. Е. Салтиков-Шчедрин) вазифаси олдимизда турибди. Айни қайта қуриш бунинг учун шарт-шароит яратиб беради. Кўп олимлар уларга «ҳақиқатсиз яшаш номус» (А. Платонов) эканлигини ўткир англаб етдилар. Шу сабабли, эҳтимол кечикиб бўлса ҳам, ҳар ҳолда савол бериб кўрамиз: жамият қайта қурилиши ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий фанлар қайта қурилмаслиги мумкинми? Улар ўзларича, ижтимоий ривожланиш контекстидан, унинг объектив таҳлилидан холи тарзда ривожлана оладиларми, бўлмаса бу қандай илм-фан бўлади? Жамиятни бошқаришнинг буйруқбозлик-бюрократик системаси чуқур илдиз отди, у ўзига монанд маънавийлик типини, бинобарин, мувофиқ келувчи илмий, ижтимоий тафаккур, мафкура ва ижтимоий психология типини ҳам шакллантирди. Албатта, халқларимиз маънавий дунёсининг бутун хилма-хиллиги ушбу феноменлар билан тугалланмайди. Лекин бир андозага келтирилган мафкуравий «йўл» бор эдики, ижтимоий фанлар ҳам унинг контекстида ривожланди. Агар жамиятимизнинг янги ва энг янги тарихига мурожаат қилар эканмиз, «Қисқа курс» дан бошлаб, эҳтимол ундан ҳам олдинроқ буйруқбозлик-монархик система диалектик, методологик тафаккурни деформациялаганлигини эътироф этиш лозим бўлади чоғи.

Бугунги кунда вазифа ижтимоий фанлар ўқитилишини шунчаки қайта қуришдан эмас, балки уларни чуқур, яъни методологик ва дунёқараш жиҳатидан янгилашдан иборатдир. Бинобарин, аввало фалсафий янгилаш лозим бўлмоқда. Лекин, бугунги кунда бизга қандай фалсафа зарур, деган савол кундаланг бўлади.

Маълумки, марксча-ленинча фалсафанинг марказида диалектика туради. У жамиятшунослигимизнинг методологик негизи ҳамдир. *Шу сабабли, агар ижтимоий фанларни методологик жиҳатдан қайта қуриш вазифасининг қўйилиши тўғри бўлса, бинобарин, у аввало диалектикага тааллуқлидир.* Лекин агар диалектика «табиатнинг ҳаракати ва ривожланишининг, кишилик жамияти ва тафаккурининг умумий қонунлари тўғрисидаги фан»[1] бўлса, диалектикани қайта қуриш мумкинмикан деган табиий савол пайдо бўлади. Унинг қонунларини бекор қилиш ёки алмаштириш мумкинми? Фалсафий тафаккурнинг азоб-уқубатлари айни шу ердан бошланади.

АГАР КИМДИР ЯНГИ МЕТОДОЛОГИЯНИ ТАКЛИФ ҚИЛСА-ЧИ?

Балки, бугун марксизм-ленинизмни қайта қуриш ёки, бундан аълоси, уни бекор қилиш ёки алмаштириш керакдир? Нашрларимиз саҳифаларида марксизм эскирди деб тез-тез танқид қилина бошлади, гўё у ўз умрини яшаб бўлган эмиш. Лекин Брайтондаги (Англия) охирги Жаҳон файласуфлар конгрессида (1988 йил) бўлганимда марксизм Ғарбнинг кўпгина мамлакатларида яшаётгани ва ривожланаётганига яна бир бор шахсан ишонч ҳосил қилдим. Унинг методологиясидан (гарчи марксистик деб кўпинча ошкора айтилмаса) дунёдаги кўпгина файласуфлар томонидан фойдаланилади, лекин бунда у йўналишлардан бири сифатида, жаҳон маданиятининг мулки сифатида жаҳон ижтимоий фикри контекстида қараб чиқилади. Ўйлашимча, биз ҳам марксизмни қандайдир фалсафий, дунёқараш абсолютига, абадий ҳақиқатга айлантириб юбормаслигимиз керак. Акс ҳолда биз марксизмга ҳам, ўзимизга ҳам зарар келтирамиз. Бугунги кунда, менинг назаримда, марксизмга танқидий-позитив ёндашиш талаб қилинади. Мен ҳатто шундай деган бўлардим: марксизмни баҳолашга марксча ёндашиш зарур. Бу борада биз дунёдаги марксистик тафаккурдан анча орқада қолиб кетганмиз.

«Марксизмнинг инқирози» хусусидаги мунозара Ғарб марксистлари орасида тахминан ўн-ўн беш йил аввал бошландики, бунда ҳам биз (агар шу йўлдан боришимиз керак бўлса), М. Н. Грецкийнинг таърифи бўйича «изоляционизм» комплексини олишдан бошқа ярамай, марксизмни баҳолашда ўшанча муддат (балки, бундан ҳам кўпроқ) орқада қолдик.[2] А. Грамши, Л. Альтюсер, Делла Вольпе, Н. Пулантзас, Л. Жеймонат, Э. Хобсбаум, М. Корнфорт, Л. Сэв, А. Тозель ва бошқа Ғарб марксистларининг асарлари, айниқса «аналитик марксизм» вакилларининг (Ж. Коэн, Ж. Ремер, Ж. Элстер, А. Вуд ва бошқалар) ижоди кенг эътироф этилди. Ҳозирча биз цитатабозликда мусобақалашиб, гўё бу билан марксизмнинг ҳимоячилари эканлигимизни намойиш қилганимизда ғарблик марксистлар уни объектив баҳолаш ва ривожлантиришда кўп жиҳатдан олға қараб илдамлаб кетдилар. Улар орасидан чиқиб, марксизмни ё бекор қилиш ёки алмаштиришга ёхуд «дафн этишга» уринганлар олдида ягона муаммо турди — шунга монанд методологик масалалар мажмуини топиш лозим эди. Марксизм, биламизки, бўш жойда, нуқул инкор этишда эмас,

---

[1] Маркс К., Энгельс Ф. Соч., т. 20. с. 145.
[2] Қаралсин: Грецкий М. Н. Мы и марксисты Запада. — «Вопросы философии», 1989, № 7.

балки ўз салафларининг гояларини ривожлантиришда улғайди. Инкор этиш ҳам бўлган, лекин бунда позитив нуктаи назар таклиф қилинган.

Афсуски, тафаккуримиз анъанасида маятник принципи кўзга ташланади: бир чеккадан иккинчи чеккага тебраниш, тўғрироғи иргишни кўрамиз. Биз ҳеч қандай монанд нарсани таклиф этмасдан туриб, қандайдир зудлик билан бекор қилиш, алмаштириш, ташлаб юборишни ўрганиб олдик. Биз Соловьев, Бердяев, Флоренский, Федоров, Шпет ва кўплаб бошқалар мисолида ватан фалсафий фикрини ана шундай тарзда «бекор қилдик». Фақат эндигина кенг совет жамоатчилиги «Вопросы философии»га илова қилинаётган «Ватан фалсафий фикри тарихидан» серияси туфайли ўз ватандошларининг ғайриоддий асарларидан огоҳ бўлмоқда. Марксизм қаршисида сажда қилиш орқасида биз Герцен, Писарев, Чернишевский, Добролюбовларни унутиб қўйдик. Эҳтимол, замондошларимизнинг фалсафий асарларини ҳам кейинроқ баҳолармиз?

Марксизмни ҳозирги нуктаи назардан, жаҳон ва ватан тарихий амалиёти нуктаи назаридан туриб баҳоларканмиз, марксизмнинг ўз даври учун тўғри бўлган хусусий хулосалари ҳақиқатан ҳам эскирганлигини тан олиш керак. Уларга ёпишиб олишнинг ҳам ҳожати йўқ. Лекин методологиячи? Албатта, бизда ва хорижда бир талай қизиқарли асарлар ва таниқли файласуф олимлар пайдо бўлди. Кучли, лекин ҳар ҳолда методологик жиҳатдан тор фалсафий оқимлар мавжуд. Ким бунга рози бўлмаса, тескарисини исботлаб берсин. Менинг тасаввуримда, ҳозирча марксизм методологиясини умуман ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Лекин у билан чегараланиб қолиш ҳам керак эмас. Ғарблик файласуфлар ўртасида маълум таърифлар пайдо бўлганлиги бежиз эмас: «марксизмнинг инқирози» ҳақида эмас, балки «марксизмдаги инқироз» (Э. Хобсбаум), «яхши тушунилмаган» марксизм (Г. Фурт) хусусида ва «марксизмнинг инқирози»ни марксизмнинг ўз фойдасига йўллаш зарурлиги (Л. Альтюсер) ҳақида сўз юритиш лозим. Бинобарин, сўз марксизмни дунёдаги бошқа фалсафий мактаблар билан ва аввало ўз мамлакатидаги мероси билан ўзаро нисбатда ривожлантириш тўғрисида бормоқда. Социал-демократиянинг баъзи назариётчилари аслини олганда марксизм билан бирлашиб кетдилар ва унинг асосида, гарчи бунда ҳар гал марксизмга нисбатан ўзларининг меҳр-муҳаббатларини айтиб турмасаларда, янги назариялар ишлаб чиқдилар. Биз эса, чиндан ҳам «ўз» марксизмимиз ортига биқиниб узоқ вақт азият чекиб келдик. Қайта қуриш марксизмга янгича ёндашишни, бошқача муносабатни, уни янгича талқин қилишни талаб этди. Эҳтимол, ижтимоий фикр ҳозир классик механикаси негизида квант механикаси ҳамда механиканинг бошқа янги йўналишлари ривож топган табииёт билан бўлганидек, ривожланишнинг айни шу босқичида тургандир. Лекин классик фан ҳали оёқдан қолган эмас. Маълумки, ҳар қандай назарияда кризисли вазият кўпинча унинг ривожланишида сифатли сакрашнинг даракчиси бўлиб чиқади. Агар биз ҳақиқатан ҳам классик фандан ноклассик ҳозирги фанга ўтиш амалга оширилаётган тўртинчи жаҳоншумул инқилобга гувоҳ бўлаётган эканмиз [1] бунда маркcча-ленинча таълимот ўзгармай қолиши мумкинми? Равшанки, йўқ. Лекин у бутунлай улоқтирилиши мумкинми? Бу нарса социал билишнинг объектив мантиқига зид бўлар эди. Бунинг иложи қаерда? Кўринишича, ушбу таълимотни ривожлантиришда. Лекин уни қандай қилиб ривожлантириш керак? Айни шу нарса биз учун энг мураккаб масаладир. Эҳтимол олдинига классик назария сифатида марксизмга муносабатни аниқлаб олиш керакдир.

Ўйлашимча, умуман марксизмнинг эмас, балки уни СССРда қўллаш ва ривожлантиришнинг инқирози тўғрисида сўз юритишимиз керак. Агар ижтимоий турмушга муносабат масаласида ижтимоий тафаккурга муносабат асосий масала бўлса, ижтимоий онгга киритилган тафаккур системаси сифатида марксизмнинг ҳар бир мамлакатдаги турмушга қандай дахлдорлиги бор? Бизни эса у мамлакатимизнинг ривожланишини қанчалик айнан тасвирлагани қизиқтиради. Дунёда кенг танилган, бугунги кунда у билан танишиш бахтига биз ҳам муяссар бўлган файласуф Ортега-и-Гассет «Омма қўзғолони»да шундай деб ёзган эди: «Москва Европада европа ишлари ва муаммоларига татбиқан яратилган Европа ғояларининг юпқа пардаси — марксизм билан тўсилган. Бу парда ичидаги халқ нафақат этник жиҳатдан, балки, янада энг муҳими, ёши жиҳатидан ҳам — бу халқ ҳали бузилмаган, навқирон — Европадан фарқ қилади. Агар марксизм ҳеч қандай индустрияси бўлмаган Россияда ғалаба қозонса, бу нарса фақат марксизмда учраши мумкин бўлган ғоят буюк ғайритабиийлик бўлган бўлур эди». [2] Ана шу «ғоят буюк ғайритабиийлик» юз бердими? Ниҳоятда бошни қотирадиган савол. Лекин унга жавобни, эҳтимол, юз берди ё юз бермади принципи асосида эмас, балки нимададир амалга ошди, нимададир амалга ошмади принципи асосида қидириш керакдир. Маълумки, Ленин ҳамма нарсада ҳам Марксга қўшила бермаган, унинг таълимотини Россияга, унинг тарихий аҳволининг ўзига хос хусусиятларига татбиқан кўриб чиққан. Шу сабабли муайян даражада марксизм Россияда

---

[1] Степин В. С. Научное познание и ценности техногенной цивилизации. «Вопросы философии», 1989, № 10, с. 15

[2] «Вопросы философии», 1989, № 4, с. 131.

социализмнинг ленинча босқичида «юз берди», дейиш тўғри бўлади, кейинроқ эса марксизм ҳам деформацияланди, чунки жамият, унинг идеаллари ва кадриятлари деформацияланди.

Энди марксизм, Ортега Россияни қўшмайдиган, фақат Европага мос таълимот эканлиги хусусида. Бу саволга ҳам бир хил жавоб бериш мушкул. Методологик қиймати борасида марксизм анчагина даражада, менинг тасаввуримда, универсал бўлиб, уни шу сабабли фақат Европага хос феномен деб бўлмайди. Лекин ушбу методологияни Европа мамлакатларининг ижтимоий амалиётини таҳлил қилишга қўллашга асосланган хулосаларга келсак, бунда Ортега ҳақли кўринади. Тарихий тажрибани, социал жараённинг объекти ва субъекти хусусиятларини, жамият ва халқнинг теран анъаналарини, унинг маданият даражасини ҳисобга олиш борасида эса унинг фикрларига қўшилмаслик мумкин эмас. Ўйлашимча, биз марксизмни ўзимиз изоҳлашни амалга оширишимиз керак эди (XX аср бошларидаги мутафаккирларимиз мунозараларини эслайлик), лекин кейинчалик (марксизмни рўкач қилиб) ялпи бараварлаштириш ва ўртачалаштириш, мисол учун, қишлоқ, хутор, овулда бир хилда хўжалик юритиш методлари ва «социалистик турмуш»ни тиқиштириш бошланиб кетди. Мамлакатимиз халқларининг социал характерида ўзига хослик борми? Россия нима дегани? Бугунда ҳам кўпларнинг меҳрибон ва ақлли «подшо»ни, «темир қўл»ни қўмсаши шу сабабли эмасмикин? Сталин ана шу анъанадан «моҳирона» фойдаланмадими? Бу анъана бугунги кунда ҳам демократияни ривожлантиришга халақит бермасмикан? Мулоҳаза юритиш учун етарли асос бор, тўғри эмасми?

Бердяевни эсга олайлик, у Россия — Ғарб эмас, лекин Шарқ ҳам эмас деб таъкидлаган эди. У «буюк Шарқу Ғарбдир».[1] С. С. Аверинцев Русь маънавиятининг илдизлари Византияга бориб тақалади, «рус анъанавий психологияси мотиви» бўйича Худо ва Шоҳ халқ онгида айниятлаштириладиган[2], ҳокимият намунаси — қатъий марказлаштирилган давлат, «ҳукмдор шахси» прагматик йўсинда давлатнинг улуғворлигига мувофиқ келувчи «христиан монархияси» бўлган минг йиллик анъана ўша ердан бошланган деб ҳисоблайди.

Қуллик психологияси халқимизнинг бошқа бир анъанаси сифатида тилга олинади. Бу нарса мавжудми ёки аслида бизда йўқми ва бўлганми— ҳозир ёзувчилар, олимлар, публицистлар шу ҳақда баҳслашмоқдалар. Қуллик психологияси бўлган ва мавжуд ҳам. Лекин эркесеварлик, шиддатли бўйин товлаш, исёнкорлик ва демократияга интилиш (ислоҳотлар ва учта революцияни унутмайлик) ҳам бўлган ва мавжуд. Пугачёв-чи? Декабристлар-чи? Дон казакларининг эркесеварлиги-чи? Лекин хилма-хиллик ортида анъаналаримизни тешиб ўтадиган қандайдир «мих»ни, тафаккур психологиясида андозаларни кўриш яна муҳим деб ҳисобланмоқда.

Баъзи олимлар Европадан деярли 100 йил орқада қолганмиз дейишади, баъзилар эса абадий орқада қолдик деб ҳисоблашади. Бошқалар эса мамлакатимизда ҳозир ҳам токапиталистик муносабатлар сақланиб қолмоқда деб исботлайдилар. Буларнинг ҳаммаси баҳс-мунозаралар соҳасига тааллуқли. Барибир методология, баҳо бериш мезонлари муҳимдир.

Кўпинча худа-беҳуда бўладиган илмий исботлашнинг асосий усули классиклардан олинган цитаталар бўлиб, улар кўпинча К. Маркс билан Ф. Энгельс яшаган тарихий воқеликнинг хусусий фактини таҳлил қилишга тааллуқли бўлади. Бизда, кўринишича, Ғарбда «яхши тушунилмаган» марксизмнинг инқирози деб аталган нарса юз берган. Менинг шахсий фикрим қуйидагича: биз (албатта, ҳамма эмас) аста-секин ортодоксал сохта марксизм нуқтаи назарига тушиб қолдик. Булгаковнинг «Итюрак» асарида айни шу кирра ғоят аниқ кўрсатилган: «Нима учун калишларимизни қулфлаб юришимиз, бу етмагандек ўғирлаб кетишмасин деб, соқчи ҳам қўйишимиз керак?— деб дарғазаб бўлади профессор Преображенский.— Нима учун кираверишдаги зинага тўшалган гиламни йиғиб олишди? Е, Маркс зинага гилам ёзишни тақиқлаб қўйганми? Карл Маркснинг бирон китобида Пречистенкадаги Калабуховлар уйининг 2-подъездини тахталар билан қоқиб ташлаб, ичкарига орқа эшикдан айланиб кирилсин, деган жойи борми?[3] Бунга ўхшаш саволларни давом эттириш мумкин. Айтайлик, айни саксонинчи йилларда коммунизм барпо этилишини бизга наҳотки марксизм кўрсатган бўлса? Наҳотки марксизм-ленинизм классиклари «ривожланган социализм» босқичини олдиндан башорат қилган бўлсалар? Биздаги турғунлик ва кризис учун наҳотки марксизм айбдор бўлса? Маркснинг қайси асарида социализм охири йўқ тақчиллик, карточкалар, талонлар ва навбатлардан иборат бўлади деб айтилган? Балки, биздаги мафиялар ҳаракати ҳам марксизмга боғлиқдир?

Ҳар қандай ҳаётий таълимотни амалда синаб кўрмоқ керак. Айни шунда ғоят мураккаб масалага келиб тўхтаб қоламиз: ҳозир биз Ғарб ўзи учун жуда кўп фойдали нарсаларни олган марксизмни ўзимизга «сингдириш» учун психологик жиҳатдан тайёрмизми? Кимлардир максизмга нисбатан номатлуб йўл-йўриқларни шакллантириш учун ҳаддан

---

[1] Қаралсин: «Глобус», 1988, № 47, с. 30.
[2] «Новый мир», 1988, № 7, 9.
[3] «Ешлик», 1989, № 12, 46-бет.

зиёд ҳаракат қилмадилармикин? Агар саволни бундай қўйсак: балки, марксизмни унинг бутун тўликлиги ва методологик аҳамиятга моликлигини рўёбга чикариш ҳамда баҳолаш учун бизда етарлича материал, зарур социал шароит бўлмагандир ҳам? Эҳтимол, фақат қайта қуриш марксизм-ленинизмни чиндан ўрганиш учун шарт-шароит яратар. Уни янгича тафаккур, жаҳон жамоатчилик фикри ривожланиши контекстида ва албатта, ватан фалсафий фикри тарихининг контекстида ўрганиш керак. Менимча, классикларни нукул инкор этишда эмас, балки уларнинг негизида, уларнинг асарларига диалектик баҳо бериш негизида XX асрнинг янги классиклари пайдо бўлади. Агар Маркс буюк Гегелнинг фалсафасидан фойдаланмаган бўлса, у буюк Маркс бўла олармиди? Агар Ленин марксизмни бўсағасиданоқ рад этганда, ундан фойдаланмаган, унинг баъзи қоидаларини янги шарт-шароит чиғиригидан ўтказиб танқидий баҳоламаган, уни ривожлантирмаганда нима бўлар эди? Бошқа томондан олсак, агар Сталин марксизм-ленинизм номидан риёкорлик қилмаганда-чи? Қисқаси, муаммо шу тарзда туради. Ҳатто буюк таълимотни ҳам ё эзгуликка, ёки зарарга айлантириш, ёхуд умуман ёнидан ўтиб кетиш мумкин. Шу сабабли, менинг фикримча, биз назарияда ҳам, амалиётда ҳам марксизм-ленинизмдаги барча қимматли нарсалардан, эҳтимол ҳали фойдаланишга ҳам муваффақ бўлинмаган нарсаларидан, аввало унинг методологиясидан фойдаланишимиз керак. Зеро, бугунги марксизм фақат Маркс, Энгельс, Ленин асарларидангина иборат эмас. У классикларнинг издошлари томонидан бойитилган бутун бир фалсафий йўналишдир.

Марксизм-ленинизм методологияси бугунги кунда ҳам аввало тарихий воқелик таҳлилининг диалектик-материалистик методидир. **Конкрет-тарихий, онтологик** (яъни моҳият, мавжуд ҳодисанинг табиати, унинг субстанцияси, туғилиши ҳақидаги масалаларни ҳал қилувчи), **гносеологик** (яъни нима, қандай қилиб ва қандай шаклда акс этади, билинади деган саволларга жавоб берувчи), **социологик** (гносеологик-социологик, яъни ким, қандай субъект билади, асосийси — ҳаракат қилади) ва бошқа ёндашувлар унинг қирраларидир.[1] Уларнинг ҳар бири мустақил методологик аҳамиятга эга. Лекин ҳақиқат сари йўл фақат уларнинг бирлиги, системалилиги орқали ўтади, акс ҳолда хулосаларнинг бир томонлама ва ҳатто хато бўлиши муқаррардир.

ИККИЛАМЧИ — ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ДЕГАНИ ЭМАС

Фалсафанинг энг муқаддас — асосий масаласини: тафаккурнинг борлиққа, онгнинг материяга муносабати масаласини олиб кўрайлик. Ҳар бир саводли киши материя бирламчи, онг иккиламчи эканини билади. Ҳар бир материалист ҳам марксизмнинг ана шу асосий қоидасини шак-шубҳасиз, аниқ нарса деб қабул этади. Лекин материя билан онгнинг ўзаро муносабати уни қараб чиқишнинг фақат онтологик ва гносеологик жиҳатларидагина ана шундайдир. Улар бирламчи, белгиловчи, лекин айни янада умумий ёндашув — диалектик-материалистик ёндашувнинг жиҳатларидир. Жамият ва шахс ривожланишининг айниқса бурилиш, революцион босқичларида динамик ривожланадиган тарихий воқелик таҳлилида ҳам қўлланувчи социологик, функционал жиҳатларда борлиқ ва тафаккур, материя ва онг, объектив ҳолатлар ва онгли, субъектив фаолиятнинг ўзаро нисбати қонуний равишда тескари алоқа ҳамда бошқа тенг ҳуқуқли ўзаро нисбатга эга бўлади. Асосийси — уларнинг кўз ўнгимизда ҳаётдан ажралиб қолган қандайдир клише шаклида намоён бўлган қотиб қолган ҳолатини эмас, балки бирлиги, ўзаро боғлиқлигини (тўппа-тўғри ва тескари томонга) қараб чиқиш керак. Биз ижтимоий турмуш ижтимоий онгни белгилайди ёхуд ижтимоий онг ижтимоий турмушни акс эттиради деб тинимсиз такрорлайвериб, **марксизм классикларининг қоидаларини бир ёқлама тасаввур қилишдан нарига ўтмадик.** Тўғри! Онтологик, гносеологик жиҳатдан олганда ана шундай. Лекин диалектика учун, ушбу муаммони тўлиқ тасаввур этиш учун бу нарса етарли эмас. Биз Маркс ва Энгельснинг фикрларини охиригача ўқимаймиз, улар эса диалектик бўлганликлари учун бу ерда нуқта қўйишлари мумкин эмас эди. Улар «муайян онгга муайян кишилар ва муайян ҳолатлар мувофиқ келади»[2] деб ёзганлар. Яъни турмуш онгга таъсир қилганидек, онг ҳам турмушни белгилаши, унга таъсир кўрсатиши аён бўладиган социологик, функционал ёндашишни эътибордан соқит қилмаслик керак. Турмушни қайта қуриш айнан олганда онгни, психологияни қайта қуришга тақалиб қолган, айниқса психологияни қайта қуриш янгиланишнинг деярли белгиловчи омилига айланган жамиятнинг ҳозирги ҳолати бунга исбот эмасми?

Умуман олганда, фалсафа асосий масаласининг бир томонлама тушунилиши ижтимоий амалиётимиз учун беозоргина бўлиб чиқдими? Фалсафа ва файласуфлар ҳаётдан анча узоқлашиб қолган деган фикрга кўпчилик кўниккан. «Ишбилармон доиралар»да

---

[1] Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаралсин: О й з е р м а н Т. И. Главные философские направления. М., «Мысль», 1984; У л е д о в А. К. Духовная жизнь общества. М., «Мысль», 1985 и др.
[2] М а р к с К. и Э н г е л ь с Ф. Соч., т. 3. с. 239.

таркалган «Фалсафа сўкиш етар, иш билан шуғулланиш керак» деган таънани эсга олайлик. Гўё дунёкарашимиз ижтимоий ҳаётимизга ҳеч ҳам таъсир кўрсатмайдигандек. Материянинг, турмушнинг бирламчилиги ҳамда тафаккур ва онгнинг иккиламчилигини бир томонлама, моҳиятига кўра метафизик тушуниш бизнинг кишиларни механик экономизмнинг ёрдамчи мурватига айлантириб қўймадимикин? Агар онг иккиламчи бўлса, унда инсон ҳам (онгнинг ягона ҳомили сифатида) иккиламчилиги хусусидаги мантиқ очикданочик ёки пинҳона тарзда ана шундан келиб чиқмадимикин? Моддий ишлаб чиқаришнинг маънавий ишлаб чиқариш (у ахир «ижтимоий ишлаб чиқариш» тушунчасига кирмас эди) устидан устунлиги ана шундан эмасмикин? Истеъмол (яъни инсон) учун эмас, балки ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш ва оқибатда ишлаб чиқариш ўзининг ғоят орқада қолишидек сиёсий ва иқтисодий анъана асосий масаладан «мантиқан» ҳосил бўлмас эдими? Бу ҳол материя билан онгнинг узилиб қолишидан, маънавиятсизликдан келиб чиқмадимикин? Ва, ниҳоят, социал (яъни инсонга оид) соҳанинг ҳамда маънавий соҳанинг (таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳоказо) ривожланишидаги қолдиқ принципининг илдизлари айни шу ердан ўсиб чиқмаётибдимикин? Социализм — аввало моддий ва маънавий жиҳатлар уйғунлигидирки, дарвоке, моддий муваффақиятлари ғоят ривожланган тақдирда ҳам капитализм бунга эриша олмайди. Наҳотки шундай эмас?

ЖАМИЯТ — ШАХСНИНГ РИВОЖЛАНИШИДИР

Шу муносабат билан кўпгина файласуф ва социологлар томонидан тез-тез келтириладиган марксизмнинг: инсон моҳияти пировард натижада барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир деган бошқа қоидасини ҳам эслатиб ўтиш ўринли бўлади. Албатта! Лекин келтириб ўтишгинами? Бу қоида бошланғич белгиловчи, бирламчи қоида сифатида қабул қилинади. Назаримда, бунда жамият ва инсон, шахс ўзаро ҳамкорлигининг социологик, функционал жиҳати ифодаланган. Ўйлашимча, бошқача алоқадорлик бошланғич, онтологик, бирламчи ва белгиловчи жиҳатдир: ижтимоий муносабатлар ривожланаётган инсон моҳиятига монанд ҳолда яратилади ва ривожланадими? Ҳар қалай мен К. Маркснинг «1844 йилги иқтисодий-фалсафий қўлёзмалар»ини ана шундай талқин қиламан. Лекин ватандошимиз файласуф Владимир Соловьев шахс билан жамиятнинг ўзаро алоқадорлигини янада диалектик, лўнда ва ишонтирарли ифодалаб берган. Унингча, «жамият тўлдирилган ёки кенгайтирилган шахсдир, шахс эса — ихчам ёки бир ерга жамланган жамиятдир».[1]

Агар бизни бошқа файласуфимиз — Н. А. Бердяевнинг фалсафий асарларидан маҳрум қилмаганларида эди, эҳтимол, у билан баҳслашиб, ўзимизнинг марксизмни ноаниқ шарҳлашдан ёки унга кўр-кўрона сажда қилишдан сақлаган бўлардик. Бердяев шундай дейишга журъат этган эди: «К. Маркс ўзининг материалистик социализмда инсонпарварликни инсонни узил-кесил инкор этишга, инсонни зарурат тақозо этган сўнгги асоратга, уни моддий маҳсулот ишлаб чиқарувчи кучларнинг қуролига айлантиришга олиб борди».[2] Бу мисраларнинг муаллифи билан у макрсизмни қанчалик аниқ баҳолаганлиги хусусида баҳслашиш мумкин. Лекин у бизнинг инсонпарварлигимиз ҳолатини, яъни инсонпарварликка зидликни, инсонни инкор этишмизни баҳолашда башорат қилиш даражасида аниқ бўлганлиги,— менимча, шак-шубҳасиздир. Кишилик цивилизацияси тажрибасидан шундай хулоса келиб чиқмайдими: **инсон моҳиятига монанд қилиб барпо этилган ижтимоий муносабатлар ривожлана бориб, инсоннинг социал моҳиятини, ёки аниқроғи — шахснинг моҳиятини белгилайди.** Шубҳасиз, ижтимоий тузумни ташкил этишга ана шундай ёндашувдагина ўз-ўзини тартибга солувчи ижтимоий организмга эришиш ҳақида, реал инсонпарварлик, тафаккур эркинлиги ва демократия жамияти ҳақида сўзлаш мумкин.

Афсуски, фақат бугунга келибгина инсонни табиий ва социал жиҳатларнинг бирлиги сифатида тушунишга яқинлашаяпмиз. Лекин ҳали яқиндагина ўз тадқиқотларида ана шундай қоидани изҳор этган файласуфлар ўз ҳамкасблари томонидан аёвсиз бадном этиларди. Табиий ҳолатни бунчалик ғайритабиий узиш, инсонни ягона бир бутун нарса сифатида «туташмайдиган қисмларга» бўлиш қаердан келиб чиқди? Бунда диалектика қаерда? Фан қаерда? Фан у ёкда турсин. Соғлом ақл-идрок даражасида кўплар бугунги кунда инсон моҳиятига бундай қарашни бартараф этиш ҳеч бўлмаганда экологик инқироз оқибатларини (инсон табиатнинг ҳукмдори эмас, балки бир бўлаги) ҳамда фалокат характеридаги бошқа инсонга қарши хавфларнинг оқибатларини тушуниш учун тамомила бошқача имкониятлар очаётганини аллақачон тушуниб етдилар. Асосийси, бизлар **кишиларнинг ижтимоий ҳаёти ўзининг қийинчиликлари ва зиддиятлари, қонунлари ва қонуниятлари бўлган табиий-тарихий жараён эканлигидек** сўнмас ҳақиқатни англаб етишимиз учун ғоят кенг имконият очилмоқда.

Бугунги кунда Швейцария, Швеция, Финляндия ва бошқа мамлакатларнинг капита-

---

[1] Соловьев В. С. Соч. в 2-х т. М., «Мысль», 1988, т. 1, с. 286.
[2] Бердяев Н. А. Философия свободы. Смысл творчества. 1989, с. 322.

лизми инсон моҳиятига кўпроқ яқинлиги, улар катта даражада «ҳолатларни инсонийлаштира»[1] олганликлари, инсон томонидан соҳибликнинг табиий-социал хусусиятларини намоён этилиши учун шарт-шароит яратганлиги (биз ҳозир ана шунинг учун курашмоқдамиз) хусусида фикр тобора кўпроқ изҳор этила бошланди. Уларда ривожланишнинг табиий-тарихий жараёни бораётган, ижтимоий муносабатлар инсон турмушининг, кишиларнинг ривожланаётган эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш ўлчовлари ва мезонлари асосида қурилаётган эмиш. Бунда анча-мунча ҳақиқат бор. Зеро, марксизмга кўра феодализм зиддиятларидан капитализм, капитализм зиддиятларидан социализм куртаклари етишиб чиқди. Шундай экан, айтайлик, Швецияда социализмнинг хусусиятлари намоён бўлиши мумкинлигида ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Фақат, келинглар, ушбу муаммога ҳам ўзимиз, ўз тафаккуримиз орқали қарайлик, тафаккуримиз қанчалик диалектик ёхуд аввалгидек «тебранма»лигини ўз-ўзини танқид руҳида баҳолайлик. Яқин-яқингача капитализм шаънига нуқул танқид ёғдирилларди, энди эса деярли муҳаббатга яқин фақат ҳамдусано ўқиляпти. Бу эса назариямизда нимага олиб келади? Инсоний муносабатлар концепциясининг «синфий» танқиди ўрнига биз «қовун тушира бошладик», моҳиятан олганда инсоншунослик фанлари бутун бир туркуми ривожланишини тўхтатиб қўйдик. Бундан фалсафанинг ўзи ҳам, айникса фалсафий антропология (инсон ҳақидаги фалсафий таълимот) азият чекди. Ёки Н. А. Бердяевнинг гуманистик антропологиясини олайлик. Агар биз танқид қила, ўзимиз учун фойда олишга интила бориб, инсоний қиёфага эга бўлган социализм хусусидаги ўз концепциямизни ишлаб чиқиб, уни рўёбга чиқарганимиздачи? Ўйлашимча, бугунги кунда экзистенциализм, турмуш фалсафаси, феноменология ва бошқа фалсафий оқимларга ҳам ўзгача қарашимиз керак. Инсон ҳақидаги фанларни янада ривожлантиришда марксизмни жаҳон ижтимоий фикри билан интеграциялаштирмасдан туриб бирор иш қилиш мумкин эмас. Мен учун **бугунги кунда партиявийлик ҳам — аввало инсонийликдир**. Инсон моҳияти билан социализм моҳияти амалда бир-биридан ажралмас бўлиши муҳим. Инсон муаммосига янгича ёндашувларни ишлаб чиқишда яқиндагина ташкил этилган Инсон ҳақидаги фанларнинг фанлараро маркази, СССР ФА Инсон институти ва «Человек» журналига катта умид боғланмоқда. Шундай қилиб, эҳтимол бой берилган нарсалар ўрнини тўлдирармиз, инсоний муносабатларнинг қачонлардир ёт деб рад этилган ўз ватан концепциямизни ишлаб чиқиб, рўёбга чиқарармиз.

Ғарб мамлакатларида рўёбга чиқарилган, ҳозир, ақл киргач, баъзилар меҳри товланиб, бошқалар эса ҳасад туйғуси билан қараётган бошқа концепцияларни ҳам (истеъмол жамияти, индустриал ва постиндустриал жамият ва ҳоказоларни) «бўсағада» турибоқ рад этганмиз. Ҳозир цивилизациялашган мамлакатлар информацион жамият барпо этиш концепциясини рўёбга чиқариш вазифасини қўймоқдалар. Кўриб турибмизки, у амалда рўёбга чиқарилмоқда. Бундай концепция бошқа функциялар билан бир қаторда энг яқин ижтимоий идеал аҳамиятини ҳам касб этади. Кишилар ўз моҳиятларига кўра доим идеалга муҳтож бўлиб келадилар. Унинг мавжуд бўлмаслиги, деб исботлашади психологлар, кишилар ҳаётида хилма-хил кескин ўзгаришларга сабаб бўлади, зеро инсон ижтимоий идеалда ўз ҳаётининг мазмунини кўради. Идеал чиппакка чиқдими — яшашнинг маъноси қолмайди. Бизлар ҳам концепцияларни (масалан, «ривожланган социализм» ҳақида) бунёд этдик, лекин улар идеал бўлиб хизмат қилдими? Ҳозир эса уларнинг хомхаёллигини тушундик, идеалдан маҳрум бўлдик ва унинг ҳосилидан баҳраманд бўляпмиз (жиноятчилик ўсиши ва ҳоказолар кўринишида).

Шу сабабли социализм концепциясини ишлаб чиқиш — жамиятшуносларимизнинг муқаддас вазифасидир. Лекин бу — осон иш эмас. Лекин, эҳтимол, оддий ва ҳамма учун тушунарли бўлган, айтайлик, цивилизацияли жамият ёки соғлом ақл-идрок жамиятини (яққол-равшан тентакликлар қилмаслик учун) қуриш ғоясини илгари сурармиз. Концепция эса аввало методологияга, қайта қурилаётган жамият биноси учун пухта фалсафий пойдевор қуришга бориб тақалади. Бунда ҳам яна файласуфларнинг шаклланган фалсафий тафаккурга позитив-танқидий муносабатда бўлиши лозимлигига, марксча-ленинча диалектикани ўзлаштириш ва қўллаш эҳтиёжига дуч келамиз.

ФАҚАТ КУРАШМИ ЁКИ КОНСЕНСУСНИНГ (КЕЛИШУВНИНГ) ИЛОЖИ БОРМИ?

Бизнинг ватанимизда амалга оширилганидек материализмнинг идеализм билан кураши реал нимага олиб келди? Оммавий, колаверса ихтисослаштирилган онг даражасида андоза ўзлаштирилди: материализм — яхши, идеализм эса — ёмон. Осонгина кўриш мумкинки, ушбу андоза фалсафанинг асосий масаласидан келиб чиқади. Лекин агар материализм билан идеализм иккита қарама-қаршилик бўлса, қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва кураши қонуни бўйича улар ўртасида бирлик бўлиши мумкинми? Агар кураш бўлмаса, ривожланиш бўлиши мумкинми? Материализм билан идеализмнинг муросасиз қарама-

[1] Маркс К. и Энгельс. Ф. Соч., т. 2, с. 146.

қаршиликларга ажралиши материя ва онг ўзаро боғланадиган фалсафанинг асосий масаласини диалектик талқин қилишга зид келмайдими? Фалсафий фикрнинг бутун тарихи унинг ривожланиши кўп жиҳатдан турли мактаблар, оқимлар, йўналишлар ва айниқса материализм билан идеализм тарафдорлари ўртасидаги рақобатга боғлиқлигини исботламоқда. Марксизм-ленинизм бундан улғайиб бўлди. Ватан фалсафий фикри ана шу оқимлар ўзанида шаклландики, кенг жамоатчилик бу ҳақда узоқ йиллар давомида ҳеч нарса билмай келди.

Идеализмни фалсафий йўналиш сифатида улоқтириб, уни ўз хотирамиздан сунъий равишда суғуриб ташладик, фақат материализм принципида туришдек эзгу истак билан уни қоралаб келдик. Шубҳасиз, айни шу сабабли «идеалист» ёрлиғини ёпиштириб, кўпгина улуғ рус файласуфларининг номини ўчириб юбордик. Натижада материализм совет фалсафасида авторитар бўлмасада, лекин ҳар ҳолда якка ҳокимиятни эгаллаб олди ҳамда ўзининг улуғвор танҳолигини, ўз рақиби — идеализмсиз, яъни ўзининг қарама-қаршиликсиз бўлишини таъминлади. Шубҳасиз, бундай ёндашув жамиятни бошқаришнинг авторитар-буйруқбозлик системасига қўл келарди. У ҳам ўзига керак бўлган фалсафанинг ривожланиши учун барча шароитни барпо этди. Ҳа, материализм қарор топди, ривожланди. Лекин қандай материализм, қай йўсинда? Бу қанчага тушди? Биз нимага эришдик? Деформацияланган, ғовлаб кетган, механистик материализмнинг яккабошчи ҳукмронлигига эришдик. Фан билан амалиёт ривожланишининг объектив мантиқи — ҳақиқатан ҳам ўжар нарсадир. Фандаги монополия ишлаб чиқаришдагидан қолишмайдиган тарзда хавфлидир. Назариядаги бекарорликлар, паст-баландликлар ва чалкашишлар, дунёқарашда четга оғишлар, ҳатто янглишишлар ана шундан келиб чиқади. Биз узоқ вақт яшаб келган ва ҳозир қайта қуришга уринаётган жамиятнинг аҳволини қанчалик кўп таҳлил қилсак, бизда ғоявий-назарий соҳада, айниқса идеологияда айни идеализмнинг амр-фармойиши қарор топганлиги хусусида исёнкорона руҳдаги хулосага келамиз. Қайта қуриш биз узоқ йиллар мобайнида кўп жиҳатдан иллюзияли, ёлғон онг асоратида бўлганимизни (идеологияни айни шундай деб белгилаган марксизм классикларини бу ўринда эсга олмай бўлмайди) ҳамда ҳаётни унга мослаштиришга уринганимизни очиб ташлади. Хўш, бундан нима чиқди?

Шу сабабли идеология анча вақт жонсиз схемалар, постулатлар, шиорлар кўринишида яшаб келди ва ривожланди. Унинг марксизм классиклари тан олмаган идеализмдан қандай фарқи бор? Амалиёт тилида бу нарса сўз билан ишнинг тафовутини англатади. Илмий тилда — назария (кўпинча сохта) билан амалиёт ўртасидаги узилишни.

Ижтимоий амалиётда, айниқса иқтисодиётда вульгар материализм устунлик қилганки, унда ҳамма нарса жамият моддий («материя» ва «моддий ишлаб чиқариш» сўзларидан) кўшимтасининг бирламчилигига бориб тақалган. Унга технократизм, қоришиқлик ва мағзи олиб ташланган диалектика киритилган эди. Буларнинг ҳаммаси марксизм байроғи остида амалга оширилдию, лекин кўпинча чинакам марксизмдан асар йўқ эди. Агар К. Маркснинг «Капитал»ида реал ишлаб чиқариш товар-пул муносабатларининг, мавжуд инсоний муносабатларнинг, ҳаётий жиҳатдан етилган зиддиятларнинг таҳлили берилган бўлса, сиёсий иқтисодга доир дарсликларимиз, монографияларда муқаррарлик, мавҳум ишлаб чиқариш муносабатлари ва мавҳум инсон устун турган, исталган нарса ҳақиқий воқелик деб кўрсатилган (айтайлик, социализмнинг асосий иқтисодий қонунини олиш мумкин) схематик моделлар буйруқбозлик иқтисодиёти манфаатларига бўйсундирилган. Албатта, реалистик асарлар ҳам бўлган, лекин улар кўпинча иқтисодий «курс»га кирмай қолган ва, агар нашр этилган тақдирда улар расмий жиҳатдан кўрмасликка олинган.

Материализм билан идеализм ўртасида реал алоқа бор эдими? Шубҳасиз, бўлган, айтайлик, ғоялар ҳаётга қандай татбиқ этилганлиги (энг яхши вариант), ҳаёт идеаллаштирилган схемалар, моделлар, концепцияларга қанчалик мослаштирилганлиги кўринишида. Натижада униси ҳам, буниси ҳам ортиқча зўриққан. Тақиқларга қарамай уларнинг объектив равишда «туташуви» ҳам зўриққан. Лекин бундай «туташув» ғоят дарзли бўлиб, олимлар ва оддий кишилар тақдирида қалб жароҳатларига олиб келган. Қонуний равишда диалектик бирлик талаб қилинарди, зеро ижтимоий ҳаёт — моддий ва идеал жиҳатларнинг қотишмаси, объектив жиҳатнинг узлуксиз равишда субъектив жиҳатга ўтиши ва аксинча ҳолдир (В. И. Лениннинг «Фалсафа дафтарлари»ни эсга олайлик).

Ҳаётни ўрганишга ёндашувларни ва ҳаётнинг ўзини қориштириб юбориш ҳам, узиб ташлаш ҳам мумкин эмас. Бунда, табиийки, нимани ўрганиш ва қандай ўрганиш борасидаги масалалар узвий ўзаро боғлиқдир, лекин ўзига хос. Эҳтимол, биз фалсафада янги интегратив ёндашувни кашф этиш бўсағасида тургандирмиз? Эҳтимол, у марксизмдан, ленинизмдан ҳам келиб чиқувчи ҳамда, айтайлик, рус, совет фалсафасини эътиборга олувчи қандайдир янги ёки энг янги («ноклассикдан кейинги») ҳаёт фалсафасига ўхшаган нарса бўлар ёхуд Гуссерлнинг онг «интенционаллиги»ни ўз ичига олган Ортеганинг «витализми» ёки Фейерабенднинг методологияси, Хайдеггер, Сартр экзистенциализми ва ҳоказолар бўлиб чиқар. Хуллас, фаол тадқиқ қилишлар зарур.

ҚАНДАЙ АМАЛИЕТ ҚАНДАЙ ҲАҚИҚАТНИНГ МЕЗОНИ?

Умуман жамиятшунослигимиз учун яна бир, бошни қотирадиган, фалсафий саволга янада аниқроқ жавоб топиш боқий аҳамиятга эгадир. Маълумки, амалиёт — ҳақиқатнинг мезонидир. Уни умумфалсафий кўринишда шубҳа остига олмасдан, шундай савол берамиз: ҳар ҳолда қандай амалиёт мезон ва қандай ҳақиқатнинг мезонидир? Турғунлик амалиёти ҳақиқатнинг мезонимидир? Ҳа, пировард натижада айнан амалиёт, унинг баҳоси биз қаерга ва нимага келганимизни тушунишга имкон берди. **Лекин ҳар бир конкрет тарихий паллада ушбу амалиёт ҳақиқат мезони эканлигини қандай тушуниш мумкин, наҳотки ушбу мезон кўзимизни ҳақиқатга очиши учун ўн йилликлар керак бўлса?** Эҳтимол, илмий ташкил этилган амалиёт ҳар бир конкрет тарихий паллада ҳақиқатни илмий тушуниш мезонидир,[1] буёғига спираль бўйлаб давом этар: амалиётга баҳо бериш — тузатишлар киритиш ва яна баҳо бериш ёки бошқа йўл ҳам борми? Балки, фақат бўлғуси амалиёт ҳозирги ҳақиқатнинг мезонидир? Лекин ушбу мезонни қўллашда ҳақиқат билан амалиётнинг ўзаро алоқаси қанчалик табиий равишда диалектик? Эҳтимол, бу ерда релятивизм кўпроқдир? Агар шундай бўлса, унда «чегаралар» борми?

В. И. Ленин ҳақиқатнинг мезони сифатидаги амалиёт хусусида марксча қоидани ҳимоя қилиб ва ривожлантира бориб, шундай деб таъкидлаган: «Агар практикамиз тасдиқлаб берадиган нарса ягона, сўнгги, объектив ҳақиқат бўлса, у вақтда шунга биноан, бу ҳақиқатга борадиган ягона йўл материализм нуқтаи назарида турган илм-фан йўлидир, деб эътироф қилиш лозим бўлади».[2] Шу билан бирга В. И. Ленин олдинроқ хулоса чиқаради ки, «практика критерийси моҳият эътибори билан ҳеч бир вақт инсоннинг қандай бўлмасин бирон тасаввурини *тўлиқ суратда* тасдиқлаб ёки рад қилиб бера олмайди. Бу критерий ҳам,— деб давом этади у,— инсон билимларининг «абсолют»га айланиб кетишига имкон бермайдиган даражада «номуайян» бўлиши билан бирга, идеализм ва агностицизмнинг барча турларига қарши шафқатсиз кураш олиб борарлик даражада муайяндир»[3] Демак, критерий (мезон)нинг ўзи диалектик бўлиб, айнан қўлланишни талаб қилади. Агар ҳақиқат нисбий ва мутлақ бўлса, ушбу ҳақиқатнинг мезони сифатида амалиёт ҳам нисбий (мезон «номуайян») ва мутлақ (мезон муайян) бўлади. Ленин Маркс билан Энгельснинг диалектикаси «релятивизмни шубҳасиз ўз ичига олади» деб ҳисоблаган, яъни у «барча билимларимизнинг нисбийлигини эътироф қилади, аммо эътироф қилганда объектив ҳақиқатни инкор қилиш маъносида эмас, балки билимларимизнинг бу ҳақиқатга яқинлашиш чегаралари тарихан шартли эканлиги маъносида эътироф қилади».[4] Қўлланилаётган мезоннинг тарихан шартлилиги масаласи, яъни статик ва мутлақ бўла олмайдиган ижтимоий амалиётнинг тарихийлиги масаласи юзага келади.

Бинобарин, амалиёт кўп қиррали, кўп қатламли эканини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқат ҳам, эҳтимол, кўплаб қирраларга эгадир? Уларни қандай қилиб аниқлаш, билиш мумкин? Бунда ижтимоий ҳодисаларнинг ягона моҳияти турли ва хилма-хил шаклларда намоён бўлиши мумкинлиги борасидаги анъанавий қараш кифоя қиладими? Моҳиятнинг ўзи ўзгармасми? У ўзгармас ва бир хил тушуниладиган бўлиши мумкинми? Шундай экан, моҳиятни ҳақиқатнинг нисбийлиги маъносида тушунишга қандай муносабатда бўлиш керак? Айтайлик, бугунги кунда социализмнинг моҳияти турлича тушуниляпти, демак, плюрализмни онтологик ва гносеологик маънода эътироф этиш муаммоси юзага келади. Ёки биз моҳият битта — мутлақ ҳақиқат шаклида ва барча иш уни чинакам билишдан, унга яқинлашишдан иборат деган нуқтаи назарда қоламизми? Лекин бунда биз билиш жараёни ва натижаларини субъектлаштириш муаммосидан, унинг ҳар бир билишувчи субъектнинг моҳиятини тушуниш ҳуқуқидан воз кечмаймиз. Лекин шундай экан, долзарб масалаларни ҳал этиш учун қандайдир умумий келишувга қандай келса бўлади?

Шу муносабат билан «плюрализм» категориясини диалектик тушуниш масаласи ўртага қўйилади. Ҳатто субъектив диалектика нуқтаи назаридан олганда шундай савол туғилади: қандай категория янгилик: «монизм» ёки қандайдир бошқаси, айтайлик, «бирлик»,[5] «қарашлар умумийлиги», «келишув»ми? Фикрлар, сиёсий ҳаракатлар ғоят хилма-

---

[1] Қаралсин: «Вопросы философии», 1987, № 10 с. 112.

[2] Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 18-том 162—163-бетлар.

[3] Ўша жойда, 162—163-бетлар

[4] Ўша жойда, 155-бет.

[5] Чунончи, Н. И. Бухарин «Маркс таълимоти ва унинг тарихий аҳамияти» асарида шундай дейди: ...«сўз хилма-хилликни билмайдиган ва унинг учун барча бир хил бўлган билишдаги беъмани монизм хусусида эмас ва бирликни билмайдиган плюрализм хусусида эмас, балки хилма-хилликдаги реал бирликка ва бирликдаги хилма-хилликка айнан монанд бўлган диалектик ва материалистик монизм хусусида бормоқдаки, унинг барча зиддиятлари, шакллари, портлашлари ва катаклизмлари, бир шаклдан бошқаларига ўтишлари ривожланишнинг улуғвор ва умумий тарихий жараёнига айнан монанддир». (Бухарин Н. И. Избр. труды. История и организация науки и техники. Л. «Наука», 1988, с. 157).

хиллиги шароитида келишувга, консенсусга эришиш муҳимлиги бугунги кунда равшан бўлиб қолди. Бинобарин, якдиллик, қарашлар, ҳаракатлар бирлиги тамомила истисно этилмайдими?

Хўжалик юритишнинг шакллари хилма-хиллигига келсак уларда умумий негиз, умумий пойдевор йўқми, ахир? Ҳозир мулкчилик муаммосини қандай ҳал қилиш керак? Хилма-хилликнинг бирлиги принципи билан чегараланиш етарлими? Зеро, бунда бирлик, шубҳасиз, айни моҳиятни ифодалаши керак. Бугунги кунда давлат мулки билан умумхалқ мулки бир хил нарса эмаслиги равшан бўлиб қолди. Бундан ташқари, яна коллектив, кооператив, артель, шахсий мулклар, шунингдек жамоат ташкилотларининг мулки бор. Хусусий мулк атрофидаги зиддиятли мунозара авж олиб кетди. Фалсафий жиҳатдан олганда бу муаммо шундан иборатки, социализмда фақат қандайдир битта моҳият борми ёки улар иккита ва ундан ортиқми? Менинг тасаввуримда, социалистикликнинг асосий мезонларини излаш мана қаерларга олиб борар экан.

Қуйидаги саволга жавоб бериш қийин, лекин зарур: социализмда мулкчилик муносабатларининг асосий моҳиятли белгиси мавжудми, агар бор бўлса, у нимада ифодаланади? Эҳтимол, у осон аниқланар, балки юзада ётгандир, яъни — халқчил, коллективистик характерда, намоён бўлиш шакллари — бир талай (ассоциациялар, концернлар, кооперативлар, ижарачи коллективлар, оилалар, алоҳида гражданлар) бўлиб, якунда эса — умумхалқ муносабатларидан иборатдир? Лекин ўшанда намоён бўлиш механизми масаласи юзага чиқади, яъни **қандай** намоён бўлади? Нима учун, масалан, ҳозир кўп совет кишилари кооперативларга салбий муносабатда бўлмоқда? Ғоя ўз ўрнида рўёбга чиқарилмаяптими, рўёбга чиқаришнинг зарур механизми ишга солинмадими? Ёки муаммо чуқуррокми — ўз намоён бўлишининг бошқача даражасига моҳиятли белгилар сифатида умумхалқ, коллектив тарзда «ўтиш»дадир? Давлат корхоналаричи? Агар давлат мулки умумхалқ мулкига айнан бўлмаса, унинг моҳиятига жавоб бермаса бунда ана шу моҳиятли белги «қандай ишлаб кетади?» Ана шу масалаларни назарий жиҳатдан ёритмай туриб, бундан буён ҳам ижтимоий амалиётни қайта қуриш қийин бўлади.

ДИАЛЕКТИКАГА ТАЛАБ

Объектив ва субъектив диалектиканинг жамиятга татбиқан ўзаро нисбати масаласи ҳам ғоятда муҳим ва машаққатлидир. Бизда табииёт, диалектик мантиқ, билиш назариясининг фалсафий муаммоларига доир фундаментал асарлар оз эмас: гарчи ҳозир бир қанча янги саволлар ҳам пайдо бўлаётган бўлсада, бунда мувофиқ келиш, объектив ва субъектив диалектикага айнан монандлиги даражаси анчагина юқоридир.

Социал фалсафа, социал билиш диалектикаси ҳамда ижтимоий ҳаёт диалектикасига келсак, мувофиқлик, уларнинг айнан монандлиги масаласи ҳозир ғоят ноаниқдир. Унинг ечими яна фан билан сиёсатнинг ўзаро нисбатига, уларнинг ўтмишдаги ўзаро алоқаси механизмига бориб тақалади. Сиёсатда объектив диалектика, социал фалсафада ижтимоий ҳаёт диалектикасининг инъикоси зарур эдими? Очиғини айтамиз: сиёсат соҳасида бундай социал буюртма бўлмаган, агар буни олимлар амалга оширган бўлса, ёхуд субъективларча, танлаб олиб амалга оширганлар, ёки умуман амалга оширмаганлар. Жамиятга керак бўлган нарса сиёсатчиларга даркор бўлмаган. Мисол учун, социализмдаги зиддиятлар масаласи қанчалик қийинчилик ва машаққатлар билан қўйилганлигини эслайлик: Сиёсатчилар ё ўзларини йирик файласуфлар деб ҳисоблашган ва бошқалар хусусида фикр юритишда эркин бўлганлар, ёки фалсафани жонсиз фан деб ҳисоблаганлар ва шу сабабли унинг хизматларига эҳтиёж сезмаганлар. Умуман олганда эса бошқарувчилар қатламида фалсафага нисбатан коммунистик димоғдорлик яшаб келган ва ҳозир ҳам яшовчан бўлиб, унга В. И. Ленин кескин қарши чиққан эди. Омма онгида эса тушунарсиз ва жонсиз, мавҳум фан сифатида фалсафадан ётсираш мавжуд. Аслини олганда ҳам, реалистик таҳлилга талаб йўқлиги шароитида файласуфлар категориялар таҳлилига, бунинг оқибати сифатида — тушунчалар, дефинициялар билан «ўйнаш»га, мавҳум мантиқий схемаларни, моделларни қуришга киришиб кетганлар, ҳаёт эса гўё ўз-ўзича, фалсафий мушоҳада қилинмасдан ривожланган. Социал фалсафамиз борган сари кўпроқ догматиклашган ва кўринишича, бошқалардан кўпроқ даражада кризисни ўз бошидан кечирмоқда.

Ижтимоий онг назариясини кўпгина тадқиқотларда баён этилган социал билишнинг квинтэссенцияси сифатида олиб қурайлик, биз айни ижтимоий турмушдан ажралиб қолган, онг шаклларининг санаб ўтилиши билан биргаликдаги мустаҳкам мавҳум постулатларни кўрамизки, бу ерда ҳозирданоқ бир талай долзарб муаммолар ва зиддиятлар тўпланиб қолган. Гарчи жамиятда экологик, иқтисодий, тарихий онгнинг таҳлилига эҳтиёж шаклланганлиги яққол кўриниб турган бўлсада, лекин уларга ҳатто санаб чиқиш даражасида йўл қўйилмаган, ижтимоий онгнинг структураси тўғрисидаги «марксча» тасаввурларга жойлашмаган. Кўпинча далил-исбот битта эди: онгнинг бундай шаклларини марксизм классиклари ажратиб кўрсатмаганлар дейишарди, гарчи бу гап ҳақиқатга тўғри келмаса ҳам.

Ижтимоий онг у ёқда турсин, **диалектика қонунлари аста-секин мавҳум постулатларга айланиб борди. Ҳаётнинг ўзи, турмуш диалектик эмас, балки тафаккур қонунлари, билиш мантиқигина диалектикдир** деб даъво қилинди. Албатта, булар ҳам мустақил аҳамиятга молик, лекин ахир гносеологик жиҳатдан олганда (онтологик жиҳатни гапириш у ёқда турсин) биринчи ўринга: нима акс этади? — деган савол қўйилади, кейин эса: қандай акс этади ва қандай шаклда деб сўралади. Зотан ҳар қандай фанда, маълумки, унинг объекти кўп жиҳатдан уни билишнинг субъектив мантиқини белгилайди.

Кейинги пайтда жамиятшунослигимизда марказий муаммога — ижтимоий ривожланиш қонунларини тадқиқ қилиш методологиясига бўлган эътибор сезиларли равишда сусайди. Шу нарса ташвишга соладики, парламентдаги жўшқин баҳсларда, олимларнинг бутуниттифоқ ва регионал конференциялардаги мунозараларида, сиёсий раҳбарларнинг нутқларида, кризис сабабларини ва ундан чиқиш йўлларини излашда ижтимоий ривожланиш қонунлари, ҳатто кўпроқ ҳис этиладиган ҳамда идрок қилинадиган иқтисодий қонунлар муаммолари номига тилга олинмоқда ёхуд умуман четлаб ўтилмоқда. Қонунларнинг объектив амал қилиши (намоён бўлиши) механизмларининг бирлиги ва ўзига хослиги ҳақидаги ғоя ва улардан онгли фойдаланиш (масалан, Г. Е. Глезерманнинг машҳур асарида ифодаланган) ўз вақтида зарур даражада ривож топмади.

Шу маънода олганда диалектика қонунлари янада истиқболлидир (гарчи улар ҳам ривожланишга муҳтож бўлсаларда), зеро улар янада умумийроқ методологик характерга эгадирлар. Агар диалектикани иқтисодиёт устига методологик жиҳатдан аниқ «жойлашга» муваффақ бўлинганда эди, биз ҳозир анча-мунча ишончлироқ назарий пойдеворга эга бўлган бўлардик. Пировардида фалсафий негизга тааллуқли бўлган яна бир муаммо хусусида сўз юритмоқчиман. Сўз ижтимоий фанлар табиий табақаланишининг янада чуқурлашиб бораётган жараёни билан бир қаторда уларни интеграциялаш хусусида бормоқда. Агар яхлит организм сифатида жамиятни тадқиқ қилишга ўткир эҳтиёж мавжуд бўлса, тегишли назарий ёндашув зарурлиги ана шундан юзага келади. Бизда ҳар бир фан чегараларини аниқ белгилаб қўйилган ўз «яйлови»да «ўтлайди», ундан бир қадам ҳам четга чиқиб бўлмайди. Натижада ҳатто ишлаб чиқилаётган бўлсада, «туташувчи» муаммолар, гоҳо уларнинг муаллифлари ўзларига нисбатан бепарво, «ҳеч кимга тегишли бўлмаган» муносабатни ҳис этадилар. Асосийси, жамият ҳаётининг кўпгина муҳим жиҳатлари суст тадқиқ этилганича қолмоқда (масалан, ўзининг яхлит ҳолида инсон муаммоси). Ўқитишда эса бир хил мавзулар, масалалар такрорланади, бошқа мавзулар, масалалар эса бўшлиқда қолади. Ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқот ишлари ўқитиш ишидан ажралиб қолган, бу эса бир вақтнинг ўзида ҳам фундаментал, ҳам амалий тадқиқотларни ривожлантиришга, догматизм ва схоластикага барҳам беришга имкон яратмайди. **Нима учун шаҳар, область, ўлка, республикада тарқоқ ҳолдаги кафедралар ва илмий-тадқиқот институтлари бўлимлари базасида партия ва совет органларининг социал буюртмаси бўйича ишловчи ижтимоий (жамиятшунослик) тадқиқотларнинг Бирлашган марказини тузиш мумкин эмас?** Наҳотки, айтайлик, фақат иқтисодчиларга таяниб, юристлар, социологлар, психологлар ва бошқа фанлар вакилларидан ажралган ҳолда регионал хўжалик ҳисобини малакали ишлаб чиқиш ва жорий этиш мумкин бўлса? Албатта, мумкин эмас. Шу сабабли, социал билимни табақалаштириш ва интеграциялаш жараёнларининг диалектик бирлигини ҳисобга олган ҳолда фанни ташкил этишнинг янада мослашувчан шаклларини ривожлантириш вазифаси ўртага қўйилмоқда.

(КПСС МК журнали «ДИАЛОГ»нинг 1990 йилги 1-сони).

Г. САХАРОВ, А. ЧАЙКО

РЕГИОНАЛ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

ҚАЙТА ҚУРИШ жараёнида социал ва иктисодий соҳаларда амалга оширилаётган чуқур ўзгартишларнинг моҳияти иқтисодиётни инсон сари буришдан, унга меҳнат ва турмушда муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир. Албатта, ҳаётнинг барча соҳаларида бир лаҳзада ўзгаришлар бўлишини кутиш мумкин эмас, лекин ғоят қисқа муддатларда энг ўткир муаммоларни ҳал этиш учун бутун куч-ғайратни шошилинч сафарбар этиш керак. Ҳозирги кунда табиатни муҳофаза қилиш ана шундай муаммолардан биридир. Регионал хўжалик ҳисобига ўтиш шароитида бу муаммонинг ҳал этилишини социал-иқтисодий, табиий-иқлимий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, тармоқ ва территориал ривожлантиришни оқилона қўшиб олиб бориш масалаларини чуқур тадқиқ қилишдан ажратиб бўлмайди.

Сир эмаски, мамлакатда ташвишли, баъзи жойларда кризисли экологик вазият юзага келди, уни соғломлаштиришга доир иш эса ҳозирча қониқарсиз олиб борилянти. Аслида инсон назоратидан четга чиқиб кетган Орол денгизи районидаги вазиятни эслатиб ўтиш кифоядир.

Социализм шароитида иқтисодиёт социал мақсадларга хизмат қилиши кераклиги КПСС ва давлатимиз ҳужжатларида қайд этилган. Лекин, ҳаёт кўрсатаётганидек, у доимо ҳам амалиётда рўёбга чиқарилмаяпти. Бугунги кунда шу нарса очиқ-ойдин бўлиб қолдики, ижтимоий ишлаб чиқаришимизга негиз бўлган план кўрсаткичлари системаси жамият ва индивидуум ривожланиши мақсадларига, инсон ва табиатнинг бирга оқилона мавжуд бўлиши принципларига унчалик жавоб бермас экан. Узоқ йиллар мобайнида устун мавқеда турган, аввало ижтимоий ишлаб чиқаришнинг табиатга, бинобарин, кишиларнинг ҳаёт фаолиятига ҳам бўлган таъсирини ҳисобга олмасдан туриб уни ўстиришга йўналтирилган бир ёқлама технократик ёндашув ғоят жиддий салбий оқибатларга олиб келди.

Мамлакатдаги экологик вазиятнинг кескинлашганлиги сабабли табиатни сақлаб қолиш, экологик жиҳатдан хавфсиз ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, табиий ресурсларни ўзлаштиришга доир барча план ҳамда ишланмаларни жамоатчилик, маҳаллий Советлар назорати остига олиш учун халқ ҳаракати кучайиб бормоқда. Реал аҳвол шундайки, асосан ижобий бўлган бу ҳаракат айрим пайтларда, шу жумладан, миллатлараро муносабатлар соҳасига ўтаркан, кескин, ҳатто ҳаддан ошиқ шакллар касб этиши мумкин. Партия ва совет ходимлари, социолог ва иқтисодчилар бунга тайёрми? Афсуски, ҳаёт ҳозирча кўпинча салбий жавоб бермоқда.

Экологик муаммоларни ҳал қилишдаги муваффақиятлар нафақат иқтисодий, балки сиёсий, ҳуқуқий структуралар ҳолатига ҳам боғлиқдир. В. И. Ленин, маълумки, сўнгги мақолаларида социалистик давлатда халқлар ўртасидаги муносабатларнинг демократик ташкилоти сифатида совет республикалари иттифоқининг

САХАРОВ Геннадий Владимирович, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгашининг катта илмий ходими.
ЧАЙКО Альберт Давидович, иқтисод фанлари номзоди, Уфа қишлоқ хўжалик институти сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти.

федератив тузилиши принципини ёқлаб чиққан эди. Бу принципдан чекиниш маъмуриятчилик-буйруқбозлик бошқарувнинг зўравонлигига олиб келдики, регионлар бугунги кунда бундай ҳол билан келишишни истамаяптилар. «Марказ» билан «регионлар» ўртасидаги ўзаро муносабатларни қайта қуриш хусусидаги мунозара давомида В. И. Лениннинг «Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир» мақоласида баён этилган «Совет социалистик республикалари иттифоқи фақат ҳарбий ва дипломатик жиҳатдангина сақланиб қолиши мумкинлиги (ТАТ, 45-том, 405-бет) хусусидаги фикри келтирилади.

Назаримизда, ҳозирги шарт-шароитни ҳисобга олиб бу икки соҳага космик тадқиқотларни, энергетика ва информатикани ривожлантириш ва, албатта, глобал экология муаммоларини қўшиш лозим. Қолган масалаларни регионал хўжалик ҳисоби ёрдамида территориал даражада ҳал қилиш мумкин бўларди. Лекин унга ўтиш муайян қийинчиликлар билан боғлиқ. Зеро, мамлакатда ягона халқ хўжалик комплекси шаклланган бўлиб, барча республикаларнинг хом ашё ва ёқилғига, машина ва асбоб-ускуналарга, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжлари унинг доирасида қондирилмоқда. Совет иқтисодиётида ҳамма нарса шу қадар чирмашиб, ўзаро боғланиб кетганки, битта-иккита корхона тўхтаб қолгудек бўлса, бу нарса кўп жойларда ишлаб чиқариш маромининг бузилишига сабаб бўлади, бутун халқ хўжалигига жуда катта зарар келтиради.

Территориал хўжалик ҳисобини жорий этиш масаласини ҳал қилаётганда буни ҳисобга олмаса бўлмайди. Бунда умумий қонунчилик негизлари зарур, зеро у ягона ҳисоб-китоблар системасига таяниши, барча республикалар учун тенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериши керак.

Ҳозирги, кўп жиҳатдан идоравий нарх белгилаш ҳолида у ёки бу территориянинг миллий даромадини белгилашнинг ягона методикаси, уларнинг умумиттифоқ бюджетига қўшадиган ҳиссасининг қиймат ифодасидаги баҳоланиши мавжуд эмаслиги ҳам регионал хўжалик ҳисобига ўтишни қийинлаштиради. Республика ва регионлар социал-иқтисодий ривожланишининг янги моделини ишлаб чиқишга доир таклифларда жиддий тафовутлар кўзга ташланиши бежиз эмас. Жумладан, Болтиқбўйи вакилларининг фикрича, ер, ер ости бойликлари, ички ва территориал сувлар, денгизнинг қирғоққа яқин қисми, ўрмонлар ва атмосферани, давлат маблағлари ҳисобига қўлга киритилган ва яратилган ҳамда иттифоқдош республика территориясида жойлашган барча мол-мулкни иттифоқдош республиканинг давлат мулки деб ҳисоблаш керак. Корхоналар, ташкилот ва хўжаликлар, банкларни, транспорт ва энергетика тармоқлари (системалари), давлат муассасалари ва инфраструктура объектларини, ишлаб чиқариш воситаларида, лойиҳалаш-конструкторлик документацияси ва бошқа қийматларда буюмга айлантирилган молиявий ресурсларни, давлат маблағлари ҳисобига барпо этилган бошқа ишлаб чиқариш объектларини иттифоқдош республиканинг давлат мулки деб тан олиш таклиф қилинмоқда.

Масаланинг бундай қўйилишини тўғри эмас деб ҳисоблаймиз. Афсуски, бизда у ёки бу республиканинг иқтисодиётига сарфланган капитал маблағларга доир статистика маълумотлари эълон қилинмаган. Лекин, мисол учун, штаби Ригада жойлашган Шимоли-Ғарбий балиқчилик флотини барпо этиш учун бутун ССР Иттифоқининг анчагина молиявий ва моддий ресурслари сарфланганлиги уларсиз ҳам равшан кўриниб турибди.

Регионал хўжалик ҳисобининг шундай концепцияси зарурки, у марказнинг ҳам, республикаларнинг ҳам манфаатларини таъминлай олсин, барча республикалар учун тенг шарт-шароит ва имкониятларни кўзда тутсин.

Бу нарса марказ билан регион биргаликда ҳал этадиган муаммолардан бири — атроф муҳитни муҳофаза қилиш иши учун ҳам принципиал муҳим аҳамиятга эга. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессиясида (1988 йил 29 ноябрь) қилган докладида М. С. Горбачев таъкидлаганидек, «республикалар тегишли масалаларни ўз территорияларида мустақил ҳал этишга ҳақли ҳам, мажбур ҳам. Лекин бу соҳа иттифоқ органларининг ҳам бошқарув предмети бўлмаслиги умуман олганда мумкин эмас. Лекин ҳозирги вақтда экологик муаммолар нафақат айрим мамлакатлар, балки қитъалар ва ҳатто умуман дунё миқёсида комплекс ҳал этишни талаб этаётган экан, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас».

Экологик нохушлик ўсиб боришининг асосий сабабларидан бири инсоннинг норационал хўжалик фаолияти ҳисобланади. Мамлакатимизда бу нарса аввало кўпгина тармоқ ва корхоналарни ривожлантириш ҳамда жойлаштиришдаги хатоликлар, қурилишдаги гигантпарастлик, марказнинг амр-фармойиши билан боғлиқдир. Давлат ҳокимияти аппарати билан хўжаликни бошқаришнинг чирмашиб кетиши ишлаб чиқариш мақсадларини деформациялашга, табиий ресурсларга нисбатан нуқул истеъмолчилик муносабатларининг кучайишига, инсонга ва унинг яшаш муҳитига бўлган эътиборнинг сусайишига олиб келди. Табиатга ҳалокатли таъсирни чекловчи ёки йўқотувчи таъсирчан иқтисодий ва сиёсий воситаларнинг йўқлиги бунга имкон яратиб берди.

Идоравий алоҳидалик, марказнинг амр-фармойиши ва маҳаллий ҳокимият органларининг амалдаги ожизлиги шароитида саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва жойлаштирилиши билан бир вақтда табиий муҳитда канцерогенлар, заҳар ва бошқа зарарли моддалар ошиб борди, қайта фойдаланилмайдиган ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳажми ўсди, геологик ва иқлим шарт-шароити, сув ва ҳаво ҳавзаларида регенерация жараёнлари, радиация фони бузилди. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг бутун-бутун турлари йўқолиб кетганлиги, кислотали ёмғирлар, заҳарланган ҳаво, экиладиган ерларнинг ботқоқланиши, шўр босиши, чўлга айланиши, эрозияси, сув ҳавзаларининг қуриши — ана шу ишларнинг аччиқ меваларидир. Воситалардан фойдаланишнинг йўл қўйиладиган даражасини (шу жумладан қайта янгиланмайдиган табиий ресурсларни) ҳисобга олмасдан туриб моддий неъматлар ишлаб чиқаришни миқдор жиҳатидан мунтазам ўстириш, янги территорияларни хўжалик юритиш учун ўзлаштираверищ сиёсати инсон кўпайишининг ўзига ҳам жиддий хавф сола бошлади.

Экологик қонунларни назар-писанд қилмасликнинг санаб ўтилган оқибатлари табиатга етказилган зарарни тугатишга доир иш олиб боришни тақозо этади, бу эса, ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг кимматлашувига, атроф муҳит шароити ва кишилар соғлиғини тиклаш учун қўшимча харажатлар қилишга олиб келади. Бунда давлатимизга, ижтимоий тузумимизга қандай маънавий зарар етказилади? Яқин вақтгача ҳукм сурган бошқарувнинг маъмуриятчилик-бюрократик методлари табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишни таъминламаганлиги сир эмас. Экологик фалокатларнинг айбдорларига нисбатан либерализм, тор идоравий манфаатларнинг сиқуви, атроф муҳит ҳолати устидан қаттиқ давлат назоратининг йўқлиги, унга етказиладиган зарарни белгилаш методикасининг такомиллашмаганлиги табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга, экологик кризис ва фалокатларнинг олдини олишга жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Зарарли таъсирга учраган объектларнинг тўлиқ тикланишини таъминлайдиган миқдорда етказилган социал-иқтисодий зарарни қоплаш учун юридик кафолатларнинг йўқлиги корхоналар, хусусий шахслар ва маъмурий органларни назорат қилиш ҳамда уларнинг масъулият сезиши мавжуд системасининг жиддий камчилиги ҳисобланади. Бузилишлар айбдорлари томонидан тўланадиган оз миқдордаги маблағлар бюджетга эгаси кўрсатилмаган ҳолда келиб тушади ҳамда ушбу оқибатларни тугатишга йўлланмайди. Бундан ташқари, хўжалик юритишнинг юзага келган амалиёти, иқтисодий самарадорликнинг такомиллашмаган кўрсаткичлари, корхоналар ва аҳоли томонидан фойдаланиладиган табиий ресурсларнинг арзонлиги (ҳатто бепуллиги), табиатни муҳофаза қилиш нормаларига риоя қилиш борасида бирор-бир жиддий шартнома мажбуриятларининг йўқлиги жамиятимизни муқаррар равишда экологик кризислар ва фалокатларга яқинлаштиради.

Табиатдан фойдаланиш масалаларидаги билимсизлик хавф туғдирмоқда. Мисол учун, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида пестицид ва нитратлардан фойдаланишни олиб кўрайлик. Мамлакатимизда қўлланиш учун рухсат этилган 350 турдаги пестициддан атиги 56 таси амалда назорат қилинмоқда. Ахир, хлорорганик бирикмалар ўнлаб йиллар давомида парчаланиб кетмайди, уларнинг баъзилари инсон организмининг ғоят муҳим системаларига, шу жумладан руҳиятига жуда салбий таъсир кўрсатади, балиқларнинг

гала-гала бўлиб яшаш хулк-атворини ўзгартиради, истеъмол маҳсулотларини яроқсиз аҳволга солади ва ҳоказо.

Ҳолбуки, дунёда табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини самарали ҳал этиш тажрибаси мавжуд. Англия, Франция, ГФР, Швеция, АҚШ, Япония сингари саноати ривожланган мамлакатларда технологияларни ўзгартириш, атроф муҳит ҳолати учун назоратни кучайтириш ва уни ифлослантирганлик учун қаттиқ жазо чораларини қўллаш, экологик янгилаш сиёсатини ўтказиш йўли орқали бу нарса амалга оширилади. Аллақачон «ўлик кўллар»га киритиб қўйилган Америкадаги Эри ва Онтарио кўлларининг жонлантирилиши бундай сиёсатнинг самарабахшлигига ёрқин далолатдир. Уларнинг соҳилларида жойлашган корхоналар табиатни сақлаб қолиш мақсадида кам чиқитли, ресурс тежовчи технологияларга ўтишди. Швецияда ана шу мақсадда қоғозни оқартиришни тўхтатиш хусусида қарор қабул қилинди. Кўпгина мамлакатларда саноат эҳтиёжлари учун чучуклаштирилган денгиз сувидан фойдаланилмоқда, тупроққа минимал ишлов беришга ўтилмоқда, ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларини, минерал ўғитларни қўлланиш ҳажми қисқармоқда, сувни тежовчи ускуналар ўрнатилмоқда, табиат ресурсларидан фойдаланганлик учун юқори нархлар ва унга етказилган зарар учун шундай даражада жарима жазолари жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда экологик муаммоларни қандай чоралар билан тубдан, тезда ҳал этиш мумкин? Аввало атроф муҳитни назорат қилишга бўлган муносабатни ўзгартириш зарур. У тегишли ташкилотларнинг чегараланган доирадаги ходимлари томонидан эмас, балки аҳолининг кенг қатламлари томонидан амалга оширилиши керак. Бунга мактаб ўқувчиларини жалб этиш керак, зеро бу уларнинг экологик фалсафа ва ахлоқини ўзлаштиришларигагина эмас, шунингдек уларда граждан фаоллигини тарбиялашга ҳам ёрдам беради.

Принципиал ўзаро назорат билан боғланган биосфера ҳолатини оммавий тарзда узоқ муддатли мунтазам кузатишларгина экологик жараёнларни регионал ва умумдавлат даражасида бошқарувда жиддий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Атроф муҳит кўнгилдагидек эканлиги даражаси энг муҳим биологик муҳитлар — сув, ҳаво, тупроқ ифлосланганлигини аниқлаш имконини берадиган портатив асбоблар ёрдамида, шунингдек ўсимликлар ривожланишини ва ҳайвонлар хулқ-атворини об-ҳаво ва иқлим шароитини кузатишлар воситасида баҳоланиши керак. Буларнинг ҳаммаси ЭҲМда ахборотга ишлов беришнинг турли методикаларидан фойдаланиш билан биргаликда экологик нохушлик зоналарини тезликда аниқлаш ҳамда уларнинг айбдорларидан зарарни тўла ундириб олган ҳолда у ёки бу бузилишларни жадаллик билан чеклаш ҳамда нейтраллаш имконини беради. Бу чораларни регионал ҳокимият органлари — халқ депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари амалга ошириши керак.

Айрим ходимлар, корхона ва ташкилотларнинг ҳам, бутун-бутун регионлар, республикаларнинг ҳам ўзаро муносабатларини қамраб оладиган хўжалик ҳисоби шароитида бошқарувнинг сиёсий ва иқтисодий методларини оптимал тарзда қўшиб олиб бориш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу методлар узоқ вақт бир-бирига қарама-қарши қўйиб келинди. Социалистик жамиятда бошқарувнинг сиёсий методлари бирор-бир мақсадга эришишда етакчи роль ўйнаши кераклиги, социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун асосий нарса — тегишли жамоат фикрини яратиш, ижтимоий онгга таъсир кўрсатиш эканлиги хусусидаги фикр ҳукм суриб келди. Лекин бундай ёндашувнинг хомхаёллигини, ижтимоий воқелик, иқтисодий қонунлар устун мавқеда бўлиб, инсонга таъсир кўрсатишнинг сиёсий ва иқтисодий методларини қарама-қарши қўйиш оқилона эмаслигини ҳаёт тобора ишонч билан тасдиқламоқда. Уларни қўшиб олиб боришни ўрганиш лозим.

Экологик бузишлар, кризис ва фалокатларга қарши курашнинг энг таъсирчан методлари қайсилар?

Сиёсий методлар орасида — пропаганда, агитация, тушунтириш, ишонтириш, ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқи бўлган бирор-бир ваколатни берган ҳолда жамоат ташкилотларини тузиш, махсус рамз-тимсоллар ва ноиқтисодий характердаги жазо чораларидан (хусусан, маъмурий лавозимларни эгаллашни чеклаш) фойдаланиш ва ҳоказолар бор.

Экологик муаммоларни ҳал этишнинг ҳозир қўлланилаётган иқтисодий ме-

тодлари ўртасида жарима жазолари, ишлаб чиқариш жараёнларини вақтинча тўхтатиб қўйиш ва баъзи бошқа чоралар бор. Афсуски, улар, одатда, жазолаш характерида бўлиб, бузилишлар олдини олишга эмас, балки улар юз бергач тугатишгагина қаратилган.

КПСС МК ва СССР Министрлар Совети томонидан табиатни муҳофаза қилиш ишини тубдан қайта қуриш хусусида 1988 йил январда қабул қилинган қарорга мувофиқ мамлакатнинг барча регионларида ишлаб чиқариш устидан давлат экологик назорати органлари ташкил этилиши керак. Бизнингча, бу муҳим чорани ишлаб чиқаришнинг ресурс тежовчи, кам чиқитли, экологик жиҳатдан соф технологияларини иқтисодий рағбатлантириш, истеъмол хусусиятларини йўқотганидан сўнг истеъмол предметлари ва чиқиндилардан экологик жиҳатдан самарали фойдаланишни тақдирлаш билан тўлдириш лозим. Жазолаш характеридаги чоралар билан бирга, бу чоралар ҳам персоналлаштиришнинг юксак даражасига эга бўлиши ҳамда умуман корхонага эмас, балки конкрет айбдорларга нисбатан қўлланиши керак.

Маҳсулотга, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва ресурсларга бўлган улгуржи ва чакана нархларни тартибга солиш, экологик нормаларга риоя қилиш ҳамда регионда экологик вазиятни яхшилашга доир тадбирлар ўтказилишини тақдирлаш, кишилар ва ишлаб чиқаришни рационал жойлаштиришни ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг самарали иқтисодий методларига киритиш мумкин.

Ерлар ва сув ресурсларини химиялаштириш ҳосилалари билан ифлослантиришни пасайтириш, истиқболда эса бутунлай олдини олиш учун ҳам қишлоқ хўжалиги кам чиқитли ва чиқитсиз технологик жараёнларга ўтишни ҳисобга олган ҳолда ривожланиши керак. Бунда қуйидагилар асосий йўналишлар ҳисобланади:

— қишлоқ хўжалик экинларини зарарли организмлардан интеграциялаиган ҳимоя қилишни кенг қўллаш (ҳозир у экин майдонларини 12 фоизида қўлланиляпти, агар уни 50—70 фоиз экин майдонига тарқатсак, иқтисодий самара 40—50 миллион сўмни ташкил этади, маҳсулот етиштириш ҳажми 20—25 фоиз кўпаяди);

— деҳқончилик маданиятини умуман ошириш, бу эса ҳозирги даражага қиёслаганда йилига 70 минг тоннадан кўпроқ минерал ўғит ва химиялаштириш ҳосилалари қолдиқларини ювиб ташлаш ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш имконини беради;

— кам заҳарли, атроф муҳитда тез парчаланувчи пестицидлардан фойдаланиш.

Ўрта Осиё территориясидаги атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи саноат корхоналари, одатда, аҳоли зич жойлашган воҳаларда жойлашган. Бунинг устига кўпинча бир республикадаги ҳавога чиққан зарарли чиқиндилар бошқа республикадаги атмосфера сифатига таъсир кўрсатади. Мисол тариқасида Ўзбекистон ССР Сурхондарё областининг Сариосиё райони билан боғлиқ драматик воқеани келтириш мумкин. Унинг яқинида (Тожикистон ССР Турсунзода шаҳрида) қурилган алюминий заводи 5 йил давомида атмосфера ҳавосини фтор оқиндилари билан ифлослаб келдики, унинг концентрацияси йўл қўйиладиган нормадан 6—8 баравар ошиб кетди. Сариосиёнинг фони ўз ифлосланиши билан қўшилиб, бу ҳол у ерда номатлуб социал-иқтисодий оқибатларга олиб келди — аҳолининг касалланиши ошиб кетди, меҳнат унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги пасайди. Ниҳоят, қабул қилинган чоралар атмосфера ҳавосидаги фтор миқдорининг концентрациясини пасайтириш имконини берди. Агар бу ҳақда авваллроқ ўйланганда, қанчадан-қанча экологик, социал ва иқтисодий оқибатларга йўл қўймаслик мумкин эди!

Регионнинг экологик муаммоларини ҳал этишда партия ва совет органларидан алоҳида эътибор талаб қилинади. Улар юксак гражданлик, принципиаллик, кишилар тақдири учун масъулиятни намоён этиб, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, уни ҳар қандай экологик бузилишларга қарши катъиян курашишга, ишлаб чиқариш ва маиший маданият даражасини оширишга йўналтиришлари керак бўлади. Бу мақсадларда сиёсий таъсир кўрсатиш методларидан, оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш зарур.

Мамлакатдаги бошқа республикалар сингари Ўзбекистон ССР ҳам иқтисо-

дий мустакилликка, ўз-ўзини бошкариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишга тайёргарлик кўряпти. Бундай ўтиш концепциясини ишлаб чикишда экологик масалалар мажмуини ҳам эътибор билан караб чикиш зарур. Шундай мажмуа лойиҳасини муҳокама килишни таклиф этамиз:

АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ

1. Ўзбекистон ССР ўз гражданларига санитария-гигиена нормативларига жавоб берувчи сифатли табиий муҳит ҳукукини гарантиялайди. Аҳоли соғлиғининг аҳволи ва атроф табиий муҳитнинг сифати Ўзбекистон ССР халк хўжалигини бошкариш даражасининг асосий мезонлари сирасига киради.

2. Ўзбекистон ССР табиий ресурслари мулк ҳукуки сифатида унинг барча гражданларига тегишли ҳамда муайян кийматга эга. У корхоналар, кишлок хўжалик ташкилотлари ва кооперативларга ижарага берилади. Улардан фойдаланганлик учун ҳак Ўзбекистон ССР Давлат банкига «Атроф муҳитни муҳофаза килиш ва табиатдан рационал фойдаланиш» шахсий счётига келиб тушади. Бу маблағлар улар келиб тушган жойдаги атроф табиий муҳитни муҳофаза килишга йўналтирилади. Маҳаллий ўз-ўзини бошкариш органлари томонидан улардан рационал фойдаланиш таъминланади.

3. Атроф табиий муҳитни муҳофаза килиш ва табиатдан рационал фойдаланишнинг барча масалалари бўйича территориал бошкарув органларининг идоравий бошкарув органларидан устунлиги ўрнатилади. Республика табиатни муҳофаза килиш комитети компетенциясига Ўзбекистон ССРда атроф табиий муҳитни муҳофаза килишнинг асосий максадлари, стратегия ва концепциясини ишлаб чикиш киради.

4. Рўёбга чикарилиши атроф табиий муҳит сифатига салбий таъсир кўрсатадиган иттифок лойиҳаларига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика лойиҳаларига эса маҳаллий ўз-ўзини бошкариш органлари «вето» кўйиш ҳукукига эгадир.

5. Республика табиатни муҳофаза килиш комитети айрим зарарли ингредиентларга регионал экологик стандартлар (ПДК) ўрнатиш (ихтисослаштирилган медицина ташкилотлари билан биргаликда) ва ишлаб чикариш соҳасидан уларнинг бажарилишини талаб килиш ҳукукига эга.

6. Халк депутатлари Советлари ўз территорияларида атроф табиий муҳит сифати учун масъулдир. Бунга эришиш учун улар иктисодий, маъмурий ва юридик жазо чоралари кўриш, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва бузганлик учун табиатни муҳофаза килиш маҳаллий органлари билан ҳамкорликда тўлов жорий этиш ҳукукига эга.

7. Атроф муҳитни муҳофаза килиш соҳасидаги районлараро вазифалар табиатни муҳофаза килишнинг ишлаб чикилган регионал комплекс программалари базасида область даражасида (областлараро вазифалар — республика даражасида) ҳал этилади.

Мамлакат социалистик товар хўжалигига ўтишга, иктисодиётимизга кўп укладлилик, мосланувчанлик, фан-техника тараккиётини кабул килиш ва экологик хавфсизлик сингари зарур сифатлар беришга даъват этилган чораларга ғоят эҳтиёж сезмокда. Олдинда жуда катта иш турибди, шу жумладан, инсон ва табиат муносабатларини уйғунлаштиришга доир ишлар кўп. М. С. Горбачев атроф муҳитни ҳимоя килиш ва омон колиш максадида ривожлантириш бўйича Москвада ўтказилган глобал анжуман катнашчиларига мурожаатида таъкидлаганидек, «бу ерда ҳамма нарсага — конун чикарувчи ва ижро этиш органларига, фан ва таълимга, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларга, шахсий ташаббусга ўрин бор».

М. ҚОДИРОВ

ТЕАТР САНЪАТИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ

ҚПСС XXVII СЪЕЗДИ қайта қуриш концепциясини илгари суриб, совет жамиятининг янги, туб бурилиш даврини бошлаб берди. Шундан сўнгги йиллар ичида ҳаёт қайта қуришнинг объектив зарурatлигини, ошкоралик ва демократия халқ кўп йиллаб орзиқиб кутган сиёсат эканини тасдиқлади. Қайта қуриш — бу аввало ҳаётга, меҳнатга, курраи заминга муносабатни тубдан ўзгартириш демакдир.

Санъатда ошкоралик ва демократия бу ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, томошабинни ҳалол, диёнатли ва фаол бўлиш руҳида тарбия қилиш демакдир. Лекин ҳақиқат — мавҳум эмас, конкрет тушунчадир. Ҳақиқат халқнинг ишларида ва жамият тараққиётининг зиддиятларида, қаҳрамонлик ва оддий меҳнат кунларида, ғалабаларда ва муваффақиятсизликларда, яъни ҳаётнинг ўзида, унинг кўп қирралигида, драматизми ва улуғворлигида намоён бўлади.

Сир эмас, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида оғизда ҳаётни тўғри акс эттириш керак дейилар эдию, бироқ амалда ҳаётни тўғри акс эттирган драматург, театр балога қоларди. Ҳақиқатгўй асарнинг саҳнага ва томошабинга етиб бориши учун жуда кўп тўсиқларни енгиб ўтишига тўғри келарди. Ҳаётдаги камчиликларни, раҳбар ходимларнинг хатти-ҳаракатидаги нуқсонларни кўрсатиш, порахўрлик ва амалпарастликни ҳажв қилиш республиканинг обрўйини тўкиш деб баҳоланар эди. Ҳатто ҳаётимизда бундай катта камчиликлар йўқ, типик эмас, социалистик жамият учун характерли эмас дегувчилар ҳам бўлди. Бу ўринда Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари». А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», Уйғуннинг «Парвоз», Р. Бобожоннинг «Тоға-жиянлар» асарлари нақадар кескин мунозараларга сабаб бўлганлиги, улардаги танқиднинг бирмунча силлиқлаштирилганлигини эслаб ўтиш кифоя. Бундай муносабат драматургларимиз ижодига таъсир қилмасдан қолмади. Улар ижтимоий мавзулардан чўчиб қолдилар, муҳим замонавий мавзуларни кашф этиш ва ҳаётий зиддиятларни акс эттириш ўрнига майда-чуйда оилавий-маиший масалаларни ёритишга берилиб кетдилар. Саҳналарни тўй ҳангомалари, қайнона-келин можаролари, маҳалла-куйдаги машмашалар, ҳар хил саргузаштлар, хуллас, фельетонбоп воқеалар эгаллаб келди. Ўн йиллар давомида завод директори, колхоз раиси, райком секретари, поликлиника бош врачи, агроном ва бошқа раҳбар лавозимидаги кишилар кўпчилик асарларнинг бош қаҳрамони бўлди. Марказини оддий кишилар образлари ишғол этган пьесалар эса бармоқ билан санарли экан: «Тошболта ошиқ» (эски-туски йиғувчи Тошболта), «Олтин девор» (қоровул Мўмин), «Қиёмат қарз» (чўпон Сулаймон ота), «Келинлар қўзғалони» (кекса она Фармонбиби). Тошболтани, Мўминни, Сулаймон отани, Фармонбибини томошабинлар астойдил севиб қолишди, бу асарлар кенг шуҳрат топди. Бунда, албатта, драматурглар Ҳамид

ҚОДИРОВ Муҳсин Халилович, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг театр ва хореография сектори мудири, санъатшунослик доктори.

Ғулом, Уйғун, Ўлмас Умарбеков, Саид Аҳмад, актёрлар Сойиб Хўжаев, Ғани Аъзамов, Шукур Бурҳонов, Зайнаб Садриева, режиссёрлар Раззоқ Ҳамроев, Тошхўжа Хўжаев, Баҳодир Йўлдошев ва Рустам Ҳамидовларнинг хизмати катта. Аммо энг асосий сабаб шуки, бу пьеса қаҳрамонлари содда, ҳалол, виждонли, меҳнаткаш, саховатли камтар кишилардир. Аксар томошабинлар бундай қаҳрамонларда ўзларини, ўз-ҳаётларини кўрадилар.

Нега бундай образлар драматургиямизда камайиб кетди? Чунки кўп йиллар социализм омманинг ижоди экани, жамиятнинг тараққиёти биринчи галда инсон омили, унинг фаоллиги, ташаббускорлигига боғлиқлиги унутилган, раҳбарларнинг ролига ортиқча баҳо бериб, баъзан улар идеаллаштириб юборилган эди.

Маданий жараёнга буйруқбозлик-маъмурий йўл билан раҳбарлик қилиш драматургияга ҳам, театрларга ҳам жуда катта зарар келтирди. Бошида театр коллективлари дадил асарлар учун драматурглар билан елкама-елка туриб курашган бўлсалар, бора-бора келишувчилик позициясига ўтиб, танқидий руҳдаги асарларни четлаб ўта бошладилар. Драматургияда пайдо бўлган жиддий асарлар ҳадеганда саҳнага йўл топавермади. Чунончи, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Арра», «Мени айтди деманг», «Сочқи» каби йирик ижтимоий масалаларни ёритувчи сатирик комедиялари шу кунгача Тошкент театрлари эътиборини жалб қилгани йўқ. Унинг «Зўлдир» сатирик комедияси ва «Чакана савдо» памфлети аввало вилоятлардаги театрларда қўйилди, сўнг Муқимий номидаги ва «Ёш гвардия» театрларида саҳналаштирилди. Яқинда Ҳамза театрида А. Иброҳимовнинг «Пуч» комедияси премьераси бўлиб ўтди.

Драматургиямиз ҳаётдан орқада, театрларимиз эса нафақат ҳаётдан, балки драматургиядан ҳам орқада қолди. Сал кечикиб бўлса-да республикамизда фалсафий сатирик поэма, трагикомедия, мелодрамалар яратилди. Булар Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», Муҳаммад Хайруллаевнинг «Кетар жафоси» ва «Биллурдаги доғ», Машраб Бобоевнинг «Бизнинг ҳовли» пьесаларидир. «Жаннатга йўл» ўн йилча навбат кутиб турди. Уни қанча режиссёрлар қўлга олди, қўймоқчи бўлди, бироқ журъат қилолмади. Чунки пьеса мажозий услубда ёзилган бўлиб, унда жамиятимизнинг долзарб маънавий муаммолари кўтарилганди. Бурноғи йил у Қарши театрида қўйилди. Тўғри, М. Хайруллаев ва М. Бобоевнинг асарлари бир неча вилоят театрларида қўйилди, бироқ улар ўзининг тегишли саҳнавий талқинини топмади. Режиссёр ва актёрлар кўпинча драма, комедия ва трагедия жанрларининг яқинлашуви ва уларнинг воситалари қоришувидан ҳосил бўлаётган, ҳаёт ҳодисалари баъзан ривоятлар, хаёлот, мажоз ёрдамида акс эттирилаётган асарларни тушуниш, талқин этишда ожизлик қилдилар. Бизнингча, Ҳамза номидаги академик драма театрида М. Хайруллаевнинг «Кетар жафоси» трагикомедияси устида бошланган иш ниҳоясига етмаган экан, бунинг асосий сабаби саҳналаштирувчиларнинг асар жанрини тушуниб етмаганлиги ва унга мос ижро услуби топа олмаганлигидир.

Турғунлик йилларида санъаткорлар орасида ҳам бурч ҳисси хира тортди. Ҳолбуки, бурч инсонни инсон, санъаткорни санъаткор қиладиган маънавий пойдеворлардан биридир. Артист кўпроқ ўзини ўйлайдиган бўлиб қолди, кўпроқ пул топса, тезроқ шуҳрат тожини кийса. Интизомсизлик, лоқайдлик, шуҳратпарастлик, юзаки ижод қилиш, хушомадгўйлик, ҳақиқатдан чўчиш одат тусига кирди. Албатта виждонан ишлаганлар, томошабинлар олдидаги бурчини яхши англаганлар ҳам бор эди. Аммо ундайларга оғир бўлди. Дарров кўз олдимизга буюк санъаткор Шукур Бурҳонов келади. У ҳеч қачон виждонига қарши иш қилмади, енгил шуҳрат изидан қувмади, хушомад қилмади. Саҳнада ҳам, кинода ҳам кўнгли тўлган ролда чиқди. Кам ўйнади, бироқ соз ўйнади. Яратган ҳар бир образи қалбининг бир парчасини олиб кетди. Томошабин Шукур Бурҳоновнинг Эдип (Софокл, «Шоҳ Эдип») ва Сулаймон отасини (Ў. Умарбеков, «Қиёмат қарз») юзинчи марта кўрганида ҳам ларзага келди. Чунки у ҳар сафар қаҳрамон қиёфасида қайта туғилар, жигари хун бўлиб ўйнар эди. Буни қарангки, мана шундай буюк санъаткор СССР Давлат мукофотига сазовор бўлмади. Ҳолбуки, у яратган Брут, Улуғбек, Ваня тоға, Эдип образлари бир неча бор мукофотга тавсия этилганди.

Кўпгина саҳна ижодкорлари шуҳратпарастлик дардига мубтало бўлдилар. Халққа сидқидилдан хизмат қилишни эмас, кўпроқ ўзларини ўйлайдиган бўлиб қолишди. Гўё санъат халқ учун эмас, санъаткор учун яратилгандай. Янги асар танлаш, тайёрлашда режиссёр, ижрочилар аввало ўз манфаатини кўзлайди. Ҳали-ҳалигача мутахассисларга кўрсатиб, олқиш олишга мўлжалланган асарлар бошқа, халққа кўрсатиладиган асарлар бошқа. Юбилейлар, байрамларга атаб қўйиладиганлари 3—4 марта кўрсатилиб кейин саҳнадан тушиб кетарди. Томошабинга эса асосан комедиялар, кулгили саҳналар ва интермедиялардан тузилган аломат концертлар, олди-қочди мелодрамалар кўрсатилди. Яъни, театр спектакллари икки тоифага бўлинди: шуҳрат келтирадигани алоҳида, «нон» топадигани алоҳида.

Санъатчилар нуқул мақтовга, ҳамду санога ўрганиб қолишди. Гўё танқидчининг вазифаси ижодни таҳлил қилиш эмас, балки режиссерни, актерларни кўкларга кўтариб мақташдан иборатдай. Жиндай танқид қилган одам балога қолади. Қатор санъаткорлар, ижодий коллективлар танқиддан ташқари зонага айландилар. Улар шу қадар кеккайиб кетдиларки, натижада оёқларининг остини кўрмайдиган бўлиб қолдилар. Тўғри, танқид қанд эмас, аччиқ дори, уни ютиш қийин. Ҳамон санъаткорни дилини оғритмасдан, шакар сепиб танқид қилиш керак деган фикр юради. Афсуски, биз танқидчилар узоқ вақт шакаргуфторлик қилдик, камчиликлар ҳақида сезилар-сезилмас гапирдик.

Қайта қуриш шарофати билан республикамиз иқтисодий ҳаёти ва мафкура соҳасида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг рўй-рост очиб ташланиши санъаткорларимизга журъат бағишлади. Саҳналарда бирин-кетин даврларимизнинг муҳим ижтимоий масалаларини кўтариб чиқувчи, порахўрлик, амалпарастлик, кўзбўямачилик, юлғичлик каби иллатларни аямай фош этувчи турли жанрлардаги асарлар пайдо бўлди. Биргина Ҳамза номидаги академик драма театрида Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди», «Ў. Умарбековнинг «Курорт», У. Назаровнинг «Ойна» пьесаларининг саҳналаштирилиши шундан далолат беради. Гулистон ва Жиззах театрларида Ҳамид Ғуломнинг «Бир миллион можароси», Туроб Тўланинг «Қабул куни» номли асарлари қўйилди, Ш. Бошбековнинг антиқа шаклли «Темир хотин» пьесасида ўзбек қишлоғининг ҳаёти ҳаққонийлик ва маҳорат билан ёритилади. Муҳими шундаки, бу спектаклларда ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати ёритилди, иллатлар, нохуш ҳодисалар фош этилди, ижтимоий адолат учун курашган виждонли кишилар образлари яратилди.

Бошқача айтганда, драматургия ва театрда давр муаммоларини, ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш икки йўналишда борди. Бир гуруҳ асарларда қўшиб ёзиш, порахўрлик, юлғичлик, мансабпарастлик, хушомадгўйлик фош этилди. Иккинчи тоифа асарларда эса ҳаётдаги катта ўпирилишлар, маънавий қадриятларнинг барбод бўлиши, халққа, элу юртга хиёнат қилиш, адолатсизликлар таҳлил қилинди, бу қабоҳатларнинг илдизлари, сабаблари очиб ташланди.

Ҳ. Ғуломнинг «Бир миллион можароси» («Ўпқон») пьесаси 1986 йилда Фарғона театрида қўйилди. Воқеалар район партия комитетида бўлиб ўтади, марказида — биринчи котиб Ниёз Намозов. Драматург уни ҳам ижтимоий, ҳам шахсий планда амалпараст, кўзбўямачи, лавозимини шахсий мақсадлари йўлида истаганча суиистеъмол қилувчи виждонсиз бир кимса сифатида гавдалантиради. Бу билан атрофдагилар ҳам фирибгарликда, юлғичликда, виждонсизликда раҳбаридан қолишмайди: давлатдан бир миллион ўмаришни табиий бир ҳол деб билишади. Райкомнинг иккинчи котиби Ойниса Азаматовагина улар орасида оқ қарғадай ажралиб туради. У ҳалол инсон, кўзбўямачи, юлғичларга қарши дадил курашади.

Аслида материал сатирик комедия жанрини тақозо этарди. Лекин, афсуски, драматург драма жанрини танлаган. Агар драма талаби билан ёндашадиган бўлсак, пьесада ниҳоясига етмаган ёки мантиқсиз ўринлар кўзга ташланади. Айтайлик Намозов кетма-кет нохуш хабарларни эшитиб бир кечада сочлари оқариб, ҳассага таяниб қолади. Бунга ишониш қийин. Бундай одамнинг нозик туйғуларга қодир бўлиши шубҳали. Райижроком раиси Бердиев образи хусусида

ҳам шуни айтиш мумкин. У ўзини осиб қўяди. Яъни пьесада жараён эмас, натижа берилади.

Т. Тўланинг «Қабул куни» драмаси ҳам давр чақириғига ҳозиржавоблик билан ёзилган. Драматург ўз жанри ва услубига содиқ, яъни ўзининг «Қизбулоқ» ва «Қари қиз» пьесалари йўлидан бориб, «Қабул куни»ни поэтик драма сифатида ёзади. Унда ижтимоий иллатлар шунчаки қайд этилмайди, балки улар кишиларнинг ички кечинмалари, фожиалари орқали умумлаштирилади. Пьесага ҳаётий воқеалар, конкрет шахслар биографияси асос қилиб олинган, бироқ драматург фактлар даражасида қолмасдан, улардан юқорига, бадиий поэтик умумлашма поғонасига кўтарилади.

Пьеса марказида Мазоҳид Мамажонов образи туради. У қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда жонбозлик кўрсатган, кейинчалик ҳам қатор раҳбарлик лавозимларида ишлаб обрў-эътибор қозонган киши. Аммо у амалга миниш ва кўтарилишда ҳамиша ҳам ҳалол йўлдан юрмаган. Мамажонов шахсиятпарастлик чўққисига минган бир пайтда замон ўзгариб, жамиятни соғломлаштириш, ижтимоий адолатни ўрнатиш учун кураш бошланди. Уни обкомнинг янги котиби ўз қабулига таклиф этади. Мамажонов бундан талвасага тушиб, беихтиёр босиб ўтган йўлига назар ташлайди. Драматург уни ҳам раҳбар, ҳам инсон сифатида кўрсатади. Маълум бўлишича, у ўзидан истеъдодлироқ дўсти Инсон Каримовга туҳмат қилиб қаматтирган ва «халқ душмани» сифатида оттирган, виждонини овутиш учун унинг ўғлига ёрдам берган ва Қимсан исмини Абоқулга айлантириб ўзига югурдак қилиб олган экан.

Драма шахсиятпарастликнинг инқирози, виждон азоби сифатида жаранглайди. Пьесанинг «Қабул куни» дейилишида ҳам тўғри, ҳам кўчма-фалсафий маъно бор. Ҳар кимга ҳам ўз умрини сарҳисоб қиладиган кун албатта келади. Қайтар дунё бу: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бир кун қайтади. Драманинг фалсафаси шу.

Афсуски, «Қабул куни» ўзининг муносиб саҳнавий талқинини топганича йўқ. Саҳналаштириш жараёнида воқеалар ва образлар мантиқи анча кучайган, ортиқча тафсилотлар олиб ташланган бўларди.

Қайта қуришнинг ҳал қилувчи амалий даври бошланди. Энди ҳар бир совет кишиси енгларини шимариб ишга киришмоғи керак. Қайта қуриш кўп жиҳатдан онгни ўзгартириш билан боғлиқ. Яъни меҳнатга, ҳаётга, маданиятга муносабатни ўзгартириш керак. Бинобарин, мафкура соҳасида ишлайдиганларнинг масъулиятлари ўн чандон ортади. Санъат ҳам кўпроқ онгга ҳис-туйғулар орқали таъсир кўрсатувчи ўзига хос мафкурадир.

Хўш, театр санъатида қандай ўзгаришлар юз бермоқда? Аввало шуки, театрларга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи берилди. Энди асар танлашдан тортиб янги спектаклни қабул қилишгача театрнинг ўзи, бадиий совет ҳал қилади. Ижодий изланишлар кучайди. Ўзбекистонда ўтаётган театр фестиваллари шундан далолат беради. Ижодий коллективларда изланишлар репертуар, саҳна талқини, актёрлик санъати соҳаларида кўзга ташланди, долзарб мавзуларда қизиқарли асарлар вужудга келди, Тошкент, Самарқанд, Қарши, Андижон, Наманганда янги студиялар иш бошлади, бир қатор режиссёр ва актерлар ўз истеъдодларини илк бор намойиш этдилар. Шунга хурсандманки, гарчи маҳаллий театрлар ноқулай шароитларда ишласа-да (баъзи театрларнинг бинолари, моддий базаси йўқ даражада, ижодий раҳбарлар етишмайди, овозли актерлар тақчил, хор билан балет аянчли аҳволда), бироқ бадиий савияда уларга етай-етай деб қолган. Танқидчилар, томошабинлар томонидан М. Горький номидаги Фарғона область ўзбек музикали драма ва комедия театрининг «Темир хотин» спектакли 1988 йилнинг энг яхши саҳна асари деб топилиши шундан гувоҳлик беради. Энг муҳими, театрлар бирбиридан фарқ қилиб, ўз йўналиши, ижро услубига эга бўлиб бормоқдаки, бу хайрли фаолиятнинг ибтидосидир.

...Кўп йиллар социалистик реализмни тор тушуниш ҳукм суриб келди. Ҳаётни формал акс эттирувчи, бадиий бўш, лекин мавзуси, ғояси маъқул асарлар қабул қилинди-ю, ҳаётий кўринишлардан сал юқорига кўтарилувчи, мажоз, тимсол, романтика каби услубий изланишлар социалистик реализмдан чекиниш сифатида

қараб келинди. Қ. С. Станиславский системаси — бу саҳнадаги социалистик реализм, дейишди. Ҳолбуки, Станиславскийнинг ижодий методи саҳна реализми доирасидаги методологик системалардан бири, холос. Нуқул психологик ва сиёсий театр, кечинма санъати тан олинди. Шартлилик ва бадиҳагўйликка таянувчи, миллий классик поэзия, халқ ижодиёти, масхарабоз ва қизиқчилар санъати анъаналари воситаларидан фойдаланувчи коллектив ва ижодкорлар рад этилди. Натижада кўп йиллар услуб ва жанрда изланишлар барҳам топди. Сўнгги йилларда жумҳуриятимиз театр санъатида, унинг барча турлари ва хилларида бир неча услуб кўзга ташланиб қолди. Бу қувончли ҳодисадир.

Театрларимиз шу кунларда маиший-ҳаётий, публицистик-сиёсий, мажозий-фалсафий, халқчил-томошавий каби услубий йўналишларда ижод қилмоқда. Тўғри, уларнинг даражаси турлича. Маиший-ҳаётий йўналиш шаклланган бўлса, мажозий-фалсафий йўналиш энди-энди юзага кела бошлаган. Муқимий номидаги музикали театрнинг «Сўнмас аланга» (Ю. Марцинкявичюснинг «Прометей» драмаси, М. Бафоев музикаси), «Илҳом» театр студиясининг «Қломадеус» (М. Вайль сценарийси), «Дард» театр-студиясининг «Эвкус» (П. Шеффер пьесаси) спектакллари шу мажозий-фалсафий йўналишни белгилайди.

Услубий йўналишлар тенг ҳуқуқли, реализмга баробар дахлдор, ҳар бири яшашга ҳақлидир, уларни бир-бирига қарши қўйиб бўлмайди. Буни шунинг учун ҳам таъкидлаяпманки, баъзилар мажозий-фалсафий йўналишни энг илғор услуб деб билишиб ҳамма театрларни шу йўлдан боришга даъват этишади. Менимча, бу тўғри эмас. Саҳна асарлари қанча ранг-баранг бўлса, шунча яхши, зеро томошабин танлай олади. Шахсан менга, айниқса халқчил-томошавий йўналиш истиқболли туюлади. Чунки ўзбек халқи асрлар давомида ўшандай томошаларга ўрганиб келган, саҳнада ҳам шуни кўргиси, эҳтиросини томоша жараёнидаёқ изҳор этгиси, воқеаларга аралашгиси, баҳолагиси келади. Афсуски, узоқ йиллар ҳам артистлар, ҳам томошабинлар ўз эҳтиросларини тизгинлаб келдилар. Залда «браво» деб ижрочини шарафласа бўларди-ю, бироқ «барака топ», «отангга раҳмат», «тасанно» деб бўлмасди, уят саналарди. Ижрочилар режиссер чизиғидан чиқиши, ҳолатига ярашиқ ўзидан сўз ёки ҳаракат қўшиши мумкин эмасди. Режиссер формага нисбат бердими, тамом, формалист, ҳаётни айнан акс эттирдими, натуралист ҳисобланарди. Халқ ўйинлари ва томошаларидан фойдаланиш қатағон қилинган эди. Шу боис спектаклларимиз афандининг товуғидай пати юлинган бўларди. Натижада йил сайин томошабин театрдан совиб борди. Дор ўйин, цирк программаларини, улардаги масхарабоз ва клоунларнинг чиқишларини, стадион, майдон ва отчопарлардаги томошаларни, полвонлар кураши, аскиячи ва қизиқчиларнинг тортишувларини мирикиб томоша қилди. Зийрак режиссерлар буни ўз вақтида англаб, халққа яқин, унга манзур бўла оладиган мавзу ва саҳнавий талқин излаб топишга киришдилар. Шулардан бири Баҳодир Йўлдошевдир. У ўзининг «Келинлар қўзғолони» (Ҳамза театри), «Майсаранинг иши» (Ёш гвардия) спектакллари билан халқчил-томошавий услубнинг жозиба кучини, бекиёс катта имкониятларга эга эканлигини исботлади. Огаҳий номидаги Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг Тошкентда кўрсатилган шу йўналишдаги «Афанди ва Азроил» (озарбайжон драматурги Ш. Алиев комедияси, Ш. Бошбеков таржимаси) спектакли кўпларда яхши таассурот қолдирди.

Театр ва томошабин — энг долзарб муаммолардан биридир. Очиғини айтганда, биз томошабинларнинг бадиий тарбияси билан кўпдан бери ёлчитиб шуғулланмадик. Томошабин диди ва майлларини ҳам биламиз дея олмаймиз. Бинобарин, унинг кўнглига қандай йўл топишни билолмай қолдик. Томошабинлар билан энг аввало театрлар, уларнинг раҳбарлари, бадиий кенгашлари шуғулланиши лозим. Бир вақтлар Ҳамза театри томошабинлар учун ҳатто газета ҳам чиқараркан. Йирик асарларга бағишланган рангли-суратли маромномалар нашр этиларкан. Мураккаб асарлар кенг тарғиб этиларкан. Кекса ўртоқлар «Ҳамлет» спектакли қандай тарғиб қилинганлигини — радио, матбуотда чиқишларни, томошабинлар билан учрашувларни, театр фойесида ўтказилган кўргазмаларни ма-

роқланиб эслайдилар. Эндиликда буларнинг ҳаммаси унутилган. Баъзида спектаклнинг жўнгина программасини топиш амри маҳол.

Эътироф этиш керак, бир-икки театрда томошабинни жалб қилиш чоралари кўрилмоқда. Масалан, «Ёш гвардия» театрида. Аввало театр спектаклларининг янги мавзулари ва қизиқарли саҳнавий талқинлари билан томошабинни ўзига қаратмоқда. Бундан ташқари, қаҳрамон она, уруш ва меҳнат ветеранлари билан, ёшлар билан театрнинг ўзида учрашувлар ўтказилмоқда, ўқув юртлари, меҳнат коллективларида театр ва унинг артистлари ҳисобот бермоқда. Бу — яхши ташаббус, бошқа театрлар ҳам ўрнак олса арзийди.

Театр томошабин манфаатини кўзлаши керак. Ахир, ҳашаматли бинолар ҳам, уларда иш олиб борувчи ижодий коллективлар ҳам томошабинга хизмат қилиши керак-ку. У театрга кирганда, бахри-дили очилсин, кўзлари қувонсин, бадиий-эстетик лаззат олсин, ҳордиқ чиқарсин. Лекин кўпинча мана шу оддийгина ҳақиқатни унутиб қўямиз. Асар танлаш, театрнинг янги репертуарини тузишда, саҳнавий изланишларда, мавжуд спектаклларни кўрсатишда аввало томошабиннинг бадиий эҳтиёжларини, дидини ҳисобга олиш зарурлигини фақат оғиздагини эътироф этишади. Амалда эса бош режиссер ва етакчи актерларнинг шахсий интилишлари бўйича асар танланади, репертуар тузилади; пул топишни ўйлаб нуқул енгил-елпи маиший мавзудаги спектакллар ўйналади, концертлар кўрсатилади. Онги, диди хийлагина ўсган томошабин бундай арзон-гаров спектаклларни, тумтароқ концертларни кўрмайди. Натижада театр бинолари ойлаб ҳувиллаб ётади, коллектив ғалтак устида кун кечиради. Тўғри, томошабинлар ҳам маданий савияси, диди жиҳатдан ҳар хил бўлади. Санъатнинг қадрига етадиган, билимдон, илғор томошабинга таяниб иш кўрган коллективларгина ютади. Бу — бир. Иккинчидан, томошабин деганда, боғча боласидан тортиб мўйсафидгача тушунилади. Демак томошабинларнинг саҳнавий тарбиясини болалар боғчасидан бошлаш керак. Бинобарин, асар танлашдан бошлаб спектаклни кўрсатишгача бўлган жараёнда томошабинларнинг ёш даражаларини ҳисобга олиш керак.

Назаримда, томошабинлар билан уч йўналишда иш олиб бориш лозим: уларга саҳна асарларининг қандай таъсир қилаётганлигини, бадиий дидини ўрганиш; саҳна асарларини аҳоли орасида тарғиб қилиш; бадиий эстетик дид-фаросатни тарбиялаш, томошабинларни ғоявий-бадиий жиҳатдан анча мураккаб бўлган асарларни тушунишга тайёрлаш.

Томошабин саҳнада ўз ҳаётининг инъикосини кўришни, ўзини қийнаётган мураккаб саволларга жавоб топишни истайдилар. Шу нуқтаи назардан драматург Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» пьесаси ҳамманинг эътиборини тортди. Асар М. Горький номидаги Фарғона вилоят ўзбек театрида, Тошкентдаги сатира театрида саҳналаштирилди. Фарғона театрининг спектакли Ўзбекистон театрлари фестивалида биринчи ўринни олиб, Фрунзе шаҳрида ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон театрлари регионал кўригида ҳам биринчи совринни эгаллади. Бунга сабаб аввало пьеса мавзуининг муҳимлиги, унинг антиқа бир шаклда маҳорат билан тасвирланиши, режиссер Олимжон Салимов бошлиқ театр коллективининг пьесага мос ечим, ижро услуби топа олганлигидир. Драматург жиддий комедия деб атаган «Темир хотин»да ўзбек деҳқонининг фожиали ҳаёти ҳаққоний тасвирланади. Драматург бор ҳақиқатни гражданлик туйғуси билан дадил очиб ташлайди. Узоқ йиллар пахтага сажда қилиш, план кетидан қувиш, буйруқбозлик, кўзбўямачилик, порахўрлик, дабдабабозлик деҳқоннинг тинкасини қуритган, ҳаётини заҳарлаган, иродасини буккан, уни лоқайд, кам ҳафсала қилиб қўйган. Бу фикрни ёзувчи тракторчи Қўчқорнинг оилавий ҳаётида акс эттиради. Қўчқор боякиш икки марта Тошкентга борганини, ҳурмат тахтасида сурати осиғлигини айтиб, ўзини овутиб юради. Ҳаёти эса яхши эмас: эрта-ю кеч тер тўкиб ишласада, рўзғори абгор. У аламини ичкиликдан олади. Тоқати тоқ бўлган хотини Қумри болаларини олиб онасиникига кетиб қолади. Мана шундай бир аснода чиройли қиз қиёфасидаги ўзи яратган биороботни далада синаб кўриш учун ёш кашфиётчи Олимжон келиб қолади. Қўчқор темир қизга маҳлиё бўлади ва шунга боғлиқ ҳолда талайгина кулгили ҳодисалар юз беради. Лекин кулги кўз ёши билан тута-

шиб кетади. Драматург Қўчқорнинг ўзини яна инсон сифатида сезиши, ўз тақдирини ўйлаб кўриши учун пьесага биороботни ва у билан боғлиқ саҳналарни киритади.

Агар сатира театри спектакли (режиссер Н. Отабоев) Қўчқор билан боғлиқ воқеалар трагикомедик планда кўрсатилиб, асосий эътибор эзилган, хўрланган, ҳуқуқсиз қишлоқ аёли тақдирига қаратилган бўлса, Фарғона театри пьесанинг ижтимоий йўналишини янада кучайтирган: мана маст Қўчқор байроқча кўтариб, чақириқларни тантанали такрорлаб уйига кетяпти, мана сув қоғоз ёпиниб олган аёллар ва норасида болалар далага дори сепаётган самолётга қараб, «яна ўйнайлик» деб қўшиқ айтишар экан, юракларимиз эзилиб кетади.

Фарғона спектаклида ҳам Аломат ва у билан боғлиқ саҳналар мароқли ва кулгили чиққан. Артистлар Ш. Узоқова ва Р. Ҳайдаровалар темир хотиннинг электроника йўли билан бир-бирига зид бўлган ҳолатларини маҳорат билан кўрсатишган. Қумри (М. Абдураҳимова) — меҳрибон, болажон аёл. Олимжон (Ғ. Собиров) паришон, ўз ишига берилган киши. Аммо бунда асосий юк Қўчқор образи, демакки, актер М. Юсупов зиммасига тушган. Актер образга бамисоли сингиб кетган дейсиз. У наинки сўз билан, айни чоқда кўз қараши, юз ифодалари, имоишоралари билан ҳам Қўчқорнинг фожиасини кўрсата олган. Айниқса, сўзга катта эътибор беради. Хуллас, томошабин уни соддалиги, тўғри сўзлиги, истараси иссиқлиги, болажонлиги учун севиб қолади, унинг адолат учун кураш бошлашига ишонгиси келади.

Муайян ютуқлар бор, албатта. Аммо, умуман олганда, аҳвол қониқарли эмас. 1989 йили барча театрлар янги системага, яъни ўз-ўзини қоплаш, идора қилишга ўтиши керак эди. Бироқ республикамиздаги кўпгина театрлар бунга тайёр эмас экан. Негаки, янги система ижодий коллективлардан барча ижодий, иқтисодий, ташкилий масалаларни мустақил ҳал қилишни талаб этади.

Кўпчилик театрлар белгиланган ислоҳот йўлидан бормаётирлар. Вилоятлардаги театрларнинг куни ғалтак устида ўтмоқда, дабдабали бинолар ҳувиллаб ётибди, жиддий ижод қилиш йўқ, томошабинларга енгил-елпи асарлар тавсия қилинмоқда, ўз йўналишларига мувофиқ ишламаяптилар. Амалда барча область музикали драма театрлари драма театрларига айланиб қолди. Ҳатто бу жанрда маёқ бўлиб қолган Андижон, Фарғона ва Хоразм театрлари ҳам кейинги йилларда ўз анъаналарини унутиб қўйишди. Изланиш ва тажрибалар асосан драма жанридагина кўзга ташланмоқда, музикали асарлар эса хўжакўрсинга саҳналаштирилмоқда ёки одатдагидек драматик пьесалар музикали драма шаклига мослаштирилмоқда.

Аксар пойтахт театрларининг ишини ҳам қониқарли деб айтиш қийин. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театридан ўзбек томошабини батамом узоқлашди, негаки миллий опералар йўқ. Ҳамза театри турғунликдан чиқолмаяпти, ҳамон олдинги сафга чиқиб олган бир гуруҳ артистларга хизмат қилиш билан банд, ижодий изланиш йўқ даражада. Отахон театрни мана шу тушкунликдан олиб чиқиб кета оладиган битта ваЛломат режиссер топилмаяпти. Сатира театри шу вақтгача ўз йўли, ўз-ўрнини топиб олганича йўқ, биноси бўлмаганидан дарбадар ҳаёт кечирмоқда. Йўлдош Охунбобоев номидаги яккаю-ягона ёш томошабинлар театри ҳамон вайрона бинода чор-ночор кун кўрмоқда. «Ёш гвардия» театрининг аҳволи бирмунча яхши: «Майсаранинг иши» спектакли билан Москва, Олмаота, Фрунзе, Душанбе шаҳарларини айланиб чиқди, Германия Демократик Республикасига бориб келди, Англияда ўтган Ўзбекистон маданияти кунларида ўзининг махсус тайёрлаган «Шарқ алломалари» композицияси билан қатнашди — ҳамма ерда томошабинлар олқишига, мутахассисларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди. Аммо барибир бунда ҳам аҳвол кўнгилдагидай эмас. Ҳамза театридан 24 киши ўтгач, «Ёш гвардия» труппаси ҳам сон, ҳам ёш жиҳатдан катталашди. Б. Йўлдошев уларни иш билан таъминлаш учун беихтиёр ҳар хил асарларни саҳналаштиришга мажбур бўляпти. Натижада театр вазифалари билан унинг ижодий кучи ўртасида номутаносиблик юзага келди. Эҳтимол «Ёш

гвардия»ни иккинчи драма театри қилиб унга Маннон Уйғур номини бериш маъқул бўлар.

Театрларни тармоқ ва жанрлар бўйича қайта тузиш энг муҳим ва энг оғир вазифалардан биридир. Чунончи, Фарғона водийсида 4 та бир-бирига ўхшайдиган музикали-драматик театр мавжуд, лекин драма театри, ёш томошабинлар театри йўқ. Қўқон театри ҳозирги мавқеида музикали комедия ва драма театри бўлиб қолаверса-ю, Фарғона театри драма жанрида ихтисослаштирилса бўлмасмикин? Чунки Қўқон театрининг янги биноси бор, у яхши созанда ва овозли артистлар билан кучайтирилса, бутун водий аҳолисига хизмат қилаверарди. Андижон ёки Наманган театрларидан бирини ёш томошабинлар театрига айлантиришнинг иложи йўқмикин?

Бизнингча, ҳар бир зонага биттадан намунали музикали-драматик театр кифоя. Қўқон, Бухоро ва Урганч театрлари шунга тўғри келади. Қолган баъзи театрларни драма театрига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Каттақўрғон ва Гулистон театрлари заминида эса болалар ва ёшларга мўлжалланган ижодий уюшмалар тузилса, айни муддао бўларди.

Бундай таклифлар энди бўлаётгани йўқ. Бу тўғрида беш йилдан буён гапирилади, «Ўзбекистонда театр тараққиётининг асосий йўналишлари ва театр ишини қайта қуриш» номли ҳужжатда ҳам бу масала алоҳида қайд этилди. Аммо таклифлар амалга ошмаяпти, ҳар гал «маҳаллийчилик» кайфиятидаги кишилар қаршилигига дуч келяпти. Фарғона вилоятида, Самарқанд шаҳрида шундай бўлди. Самарқандда опера ва балет театри биноси бузилиб, кўчада қолган Ҳамид Олимжон номидаги драма театри билан қўшиб юборилиб, турли жанрлар бўйича фаолият кўрсатувчи катта уюшма тузиш ҳаракатидан натижа чиқмади. Давлат нафақасига ўрганиб қолган опера ва балет театрининг артистлари ўз ҳаловатларини бузишни истамадилар.

Аммо бундай ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас. Йиғилиб қолган ижодий, ташкилий муаммоларни ўз ўрнида, ўз микёсида дадил ҳал қилиш зарур. Авваламбор театрларни халқ депутатлари шаҳар, район ва вилоят Советлари ихтиёрига топшириш керак. Сўнгра ўртамиёналикдан тезроқ қутулиб, томошабинларни хурсанд қила оладиган баркамол ранг-баранг саҳна асарлари яратишга ўтиш керак.

Э. СИДДИҚОВ

ТРАНСПОРТ ҚОМПЛЕҚСИДА ФАН БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ

ҲОЗИРГИ ПАЙТДА Ўзбекистон транспортида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бу ерда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминламаяпти. Бунинг устига илмий тадқиқотлар билан уларнинг натижаларини татбиқ этиш ўртасидаги узилиш ўсиб бормоқда. Масалан, ўн иккинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида, бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, Ўзбекистон транспорт комплексидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига кетган умумий сарф-харажатлар тахминан 1,3 баравар ошди, илмий самара эса бор-йўғи 6,9 фоизни ташкил этди.

Бу нарса кўп жиҳатдан илмий-техника, структуравий ва инвестиция сиёсатининг ва, албатта, хўжалик механизмининг такомиллашмагани билан боғлиқдир. Тармоқ фанининг транспортдаги фаолияти таҳлили илмий ва тажриба-конструкторлик ишларининг умумий ҳажмида техникавий тадқиқотларнинг ҳиссаси ҳали ғоят оз эканлигини кўрсатмоқда. Инвестиция сиёсатидаги нуқсонлар туфайли мавжуд транспорт воситалари, машина ва ускуналар паркини янгилаш коэффициенти узоқ вақт мобайнида 0,7—0,8 фоиз даражасида қолиб келди.

Тажриба ва экспериментал участкалар, синаш базалари асоссиз равишда заиф бўлиб келган транспорт ишлаб чиқаришининг структураси фан ва техника ютуқларини моддийлаштиришга жиддий тарзда тўсқинлик қилмоқда. Бунинг оқибатида янги техника ва технологияни ўзлаштириш муддатлари жиддий тарзда чўзилмоқда, бу эса етарлича рағбатлантирмаслик, фаннинг конструкторлик ишидан, конструкторлик ишининг эса бевосита транспорт ишлаб чиқаришидан ажралиб қолганлиги билан чуқурлашмоқда. Транспорт тармоқларининг кўпчилигида, масалан, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари (ИИБ) каби фан билан ишлаб чиқаришни бирлаштирувчи прогрессив шаклларнинг йўқлиги, шунингдек, транспорт турли хилларини техникавий жиҳатдан ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини комплекс тадқиқ қилишни ташкил этишга ёрдам бериши мумкин бўлган ягона тармоқлараро илмий марказнинг мавжуд эмаслиги ҳам салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас.

Қайта қуриш шароитида транспортда фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялашга доир йирик тадбирлар зарур. Бунинг устига уларнинг негизига меҳнат ва моддий ресурсларни қўшимча жалб этиш эмас, балки ривожланишнинг интенсив йўлига ўтиш қўйилиши керак. Бу жиҳатдан олганда транспорт комплексида ҳам фундаментал ва амалий тадқиқотлар, ҳам тажриба-конструкторлик ишлари босқичларида «ғоя—ишланма—синаш—жорий этиш» цикли занжирини бутунлай қамраб олувчи илмий-техника ишланмаларини интенсивлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Агар биринчи босқичда — фундаментал тадқиқотларда — транспортнинг ривожланиши қонуниятлари тўғрисида янги билимлар қўлга киритилса, иккинчи босқичда — ғоялар янги технологияларга, конструкцияларга, ишлаб

СИДДИҚОВ Эргаш Сиддиқович, иқтисод фанлари доктори, Тошкент олий партия мактаби «СССР иқтисодиёти» кафедраси раҳбарининг ўринбосари.

чиқариш ва бошқарув методларига айланадиган амалий тадқиқотларда уларнинг амалий фойдаси намоён бўлади.

Учинчи босқичда — тажриба-конструкторлик ишларида — янги техниканинг бош намуналари яратилади ва улар амалиётда синаб кўрилади, ускуналарнинг янги турларини, ишлаб чиқариш методлари ва материалларни технологик, инженерлик жиҳатидан «қиёмига етказиш» амалга оширилади. Бошқача айтганда, бу ерда янги техниканинг ишлаб чиқаришга татбиқ этишга тайёргарлиги даражаси аниқланади.

Хўжалик юритишнинг янги механизмида фан билан ишлаб чиқаришнинг транспортда интеграциялашуви иктисодий маневрлар, аввало илмий маҳсулот ҳаракатини маблағ билан таъминлаш, янги намуналарни яратиш, синаш ва амалда ўзлаштириш жараёнида технологик айланишлар билан боғлиқдир. Маълумки, давлат маблағлари фундаментал тадқиқотларга ва мақсадли аҳамиятга эга бўлган ишланмаларга ажратилиб, амалий тадқиқотлар соҳаси эса хўжалик ҳисобидаги муносабатларга қўшилади. Бундай шароитда транспорт комплексида илмий-техника тадқиқотларини интенсив ривожланиш йўлига изчил ўтказишни таъминлаш нафақат мавжуд илмий потенциалдан ғоят тўлиқ фойдаланишни, балки илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бошқаришнинг ягона органини барпо этиш ҳисобига уларни тубдан яхшилашни ҳам талаб этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон транспорт комплексининг илмий потенциалини 10 илмий-тадқиқот бўлинмаси, шу жумладан тармоқ институтлари ва олий ўқув юртлари (уларнинг иш ҳажми 4 миллион сўмдан ортиқ), 14 лойиҳалаш-конструкторлик бўлинмаси ва ташкилоти (иш ҳажми 18,5 миллион сўмдан иборат), «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда бир қатор тажриба-экспериментал базалари шакллантирмоқда. Лекин республикада уларнинг фаолиятини планлаштириш ва бошқаришни координациялаштириш бўйича ягона орган йўқ. Менимча, бир қатор чоралар кўрилганига қарамай, кейинги йилларда транспорт ишининг самарадорлиги пасайишига мойиллик кўзга ташланиши сабаби ҳам айни шунда. Зеро, идоравий тарқоқлик натижасида республиканинг транспорт тармоқлари асосан «ўз» хизматларини бажаришга йўналган. Илмий тадқиқотлар ҳам ана шу йўлга йўналтирилмоқда. Ҳолбуки, транспорт конвейери иштирокчилари, унинг бўлинмалари ўртасида ўзаро алоқаларнинг объектив равишда мураккаблашуви самарадор планли ечимлар қабул қилиш мақсадида ишлаб чиқариш программаларини илмий ишланмалар билан пухта мувофиқлаштиришни талаб этади.

Илмий потенциалнинг юксак самарадорлигига халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш қувватлари илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик, технологик ва тажриба-экспериментал бўлинмалар билан балансланган тармоқларида эришилишини амалиёт кўрсатмоқда. Хуллас, транспорт учун ҳам илмий-техника комплексининг у ёки бу шакллари мақсадга мувофиқлигини белгилашда бутун тармоқда илмий бўлинмалар мавжудлигидан, шунингдек коллективларни энг юксак пировард натижаларга эришишга йўлловчи илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасидаги барқарор алоқалар борлигидан келиб чиқиш керак.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, транспорт профилидаги (шу жумладан турли министрлик ва идоралар таркибига кирган) илмий ва лойиҳалаш ташкилотлари ишининг самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш мақсадида улар ихтисослашувини чуқурлаштириш, кооперациялашни кучайтириш, уларнинг ички структурасини такомиллаштириш, цех ва бўлимларнинг техника базасини мустаҳкамлаш зарур. Транспорт профилидаги илмий-техника бўлинмаларининг, маъмурий жиҳатдан қаерга бўйсунишидан қатъи назар, уларнинг энг муҳим бошқарув функцияларини, менимча, республика даражасида коллективлар уюшмасини ташкил этиш принципи асосида координациялаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ана шундай шарт-шароитдагина транспортга раҳбарлик қилиш органлари ягона техника сиёсати юритиш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг зарур суръатларини таъминлаш имкониятига эга бўладилар. Зотан, ҳатто «Узавтотранстехника» дек йирик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бугунги кунда фанни бошқаришда бир қатор функцияларни бажара олмайди, чунки кўпгина мураккаб илмий муаммоларни комплекс ривожлантиришга мойиллик илмий-тадқи-

қот ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларини янада юксак, тармоқлараро даражасида бошқаришни тақозо этмоқда.

Бошқаришнинг шундай шакли лозимки, у тадқиқотчилар, лойиҳачилар, конструкторлар ва ишлаб чиқарувчилар ижодий куч-ҳаракатларининг бирлигини таъминласин. Шу муносабат билан К. Маркснинг қуйидаги хулосасини эслаш ўринли бўлар эди: «Қаерда ва қандай тежаш кераклигини, мавжуд кашфиётлардан қандай фойдаланиш ва назария талабларига риоя қилиш, уни ишлаб чиқариш процессида қўлланиб, амалий қийинчиликларни бартараф қилишга тўғри келишини ва ҳоказоларни комбинациялашган ишчининг тажрибасигина очиб ва кўрсатиб беради...» (К. Маркс. Капитал, учинчи том, 113-бет, «Ўзбекистон», 1972).

Фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялашнинг янги ташкилий шакллари изланмоқда. Баъзи натижаларга ҳам эришилди. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатда тармоқлараро илмий-техника комплекслари (ТИТК) пайдо бўлди, улар меҳнатни кооперациялашнинг биқиқ циклини ҳосил қилувчи корхоналар билан бир қаторда илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларини, шунингдек тажриба-экспериментал ишлаб чиқаришларни бирлаштиради. Ҳозирданоқ фан-техника тараққиётининг энг актуал йўналишлари бўйича 20 дан ортиқ ТИТК ишлаб турибди.

Ўзбекистоннинг транспорт комплексида фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялаш ташкилий шаклларини такомиллаштиришнинг йўллари қандай бўлади? Хусусан, ўз таркибига бош ташкилот сифатида «Узавтотранстехника» ИИБни; Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига ва Автомобиль йўллари министрлигига қарашли олий ўқув юртларининг илмий-тадқиқот бўлинмалари, лойиҳалаш-конструкторлик ва технологик ташкилотларни, тажриба-экспериментал базаларни; Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, Ўрта Осиё кемачилик идораси ҳамда транспорт билан боғлиқ бошқа министрлик ва идораларни, кадрлар тайёрлаш марказини (малака ошириш курслари, техника курслари, техникумлар, ўқув комбинатларини); ТИТКни бошқаришни таъминлашнинг техникавий воситаларини (АСБ, ЭҲМ) оладиган тармоқлараро илмий-техника марказини (ТИТМ) барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, ТИТМ таркибига шартли иш ҳажми йилига салкам 35 миллион сўм, ходимлари умумий миқдори эса 6 минг киши бўлган тахминан 25 та турли муассаса ва ташкилотлар киритилиши мумкин.

ТИТМни шакллантириш негизига ўзаро ёрдамлашиш ва фойда олиш учун ихтиёрий тарзда бирлашган коллективлар уюшмаси принципи қўйилиши керак. Албатта, у интенсив асосда, транспорт муаммолари билан шуғулланадиган тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг мавжуд илмий кучлари ва маблағларини қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширилиши лозим. Масаланинг бундай қўйилишида лойиҳалаш-конструкторлик ва бошқа ташкилотлар миқдорини уларни концентрациялаш ҳамда турли лойиҳалар бўйича ишланмаларни такрорлаш йўлига ғов солиш ҳисобига қисқартириш мумкин бўлар эди. Менимча, асосий ютуқ илмий кучлар ва маблағларни ягона раҳбарликка жамлаш, транспортда техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларида уларни ихтисослаштиришни таъминлаш, «тадқиқот — ишлаб чиқариш» цикли турли босқичлари ўртасидаги узилишни тугатиш мумкин бўлишидир.

Ҳозирги транспортни ривожлантириш мантиқи ТИТМ ташкилий структурасини истиқболли тармоқлараро илмий программаларни ҳал этишга бўйсундиришга объектив эҳтиёжни шартлайди. Бинобарин, сўз юритилаётган ТИТМни шакллантиришда комплекс мақсадли программаларга раҳбарлик қилиш органлари ҳақида ўйлаш керак. У ёки бу программа доирасида барча ижрочилар ва қўшимча ижрочиларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бошқаришнинг муваққат ихтисослашган органларини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Транспорт комплекси ТИТМини ташкил этишнинг комплекс, программавий характерда бўлиши КПСС МК ва СССР Министрлар Совети томонидан 1986 йилда қабул қилинган «Тармоқлараро илмий-техника комплексларини барпо этиш ва

уларнинг фаолиятини таъминлашга доир чоралар тўғрисида»ги қарорда таърифланган вазифаларга жавоб берган бўлур эди. Бундай ТИТМ вазифаси, биринчидан, янги авлодларга мансуб техника, технология ва материалларни яратиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар ўтказилиши ҳамда координация қилинишини таъминлашдан, тажриба намуналарини тайёрлаб, уларни серияли ишлаб чиқаришга етказишдан; иккинчидан, жаҳон даражасидан қолишмайдиган истиқболли илмий-техника ишланмаларига йўллашдан; учинчидан, транспорт комплексида фан ва техникани ривожлантиришга доир таклифларни республиканинг давлат беш йиллик планлари лойиҳаларига тақдим этишдан иборат.

ТИТМ барпо этилиши хўжалик юритишнинг янги шароитида тармоқларнинг ўз ичида транспорт корхоналарининг куч-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари бўйича улар бажарадиган тадқиқотларни тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни координациялашни амалга ошириш, шунингдек тажриба намуналарини тайёрлаш ва уларни серияли ишлаб чиқаришга етказиш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси, хусусан, транспорт оқимининг мукаммал ташкил этилишини бошқариш мумкин бўлишини кўзлаган ҳолда ташиш жараёнининг яхлит технологик системасини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга имкон яратиб берган бўларди.

Шундай қилиб, ТИТМларни ташкил этиш, бир томондан, республика транспорт комплекси барча илмий кучларининг куч-ҳаракатини прогрессив технологик ташиш жараёнларини, техниканинг янги турларини ишлаб чиқишга, ремонт ишлаб чиқаришини механизациялаш ва автоматлаштиришга, ҳисоблаш техникасини жорий этишга жамлаш; бошқа томондан — кўпгина идоралараро тўсиқларни олиб ташлаш, олимлар, конструкторлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг кенг доираси куч-ҳаракатини бирлаштириш ҳамда Ўзбекистон транспорти иқтисодиётини ривожлантиришнинг бош йўналишларида илмий-техникавий муваффақиятни таъминлаш имконини беради.

Ҳозирча эса фан билан ишлаб чиқаришнинг интеграцион алоқалари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида энг кўп миқёсда кўзга ташланади. Ҳозирги вақтда мамлакат халқ хўжалигида уларнинг миқдори салкам 500 тага етади. Фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялашнинг ана шу муҳим ташкилий йўналиши Ўзбекистон транспорт комплексида фақат Автомобиль транспорти министрлиги қошидаги «Узавтотранстехника» ИИБда ўз мужассамини топган. Менимча, бунга ўхшаш ИИБлар Ўрта Осиё темир йўли бошқармасида ҳам, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасида ҳам, Ўрта Осиё кемачилиги идорасида ҳам зарур, улар ўз тармоқларида фан-техника тараққиётининг чинакам марказларига айланиши мумкин.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялаш завод фанини шакллантириш билан бирга боради. Транспорт корхоналарига татбиқан олганда, бу уларда энди илмий-техника ва лойиҳалаш-конструкторлик бўлинмалари ҳамда муваққат илмий коллективлар барпо этиш ҳисобига ўзларининг илмий-тадқиқот, тажриба-экспериментал базаларини биринчи навбатда ривожлантиришни таъминлаш; илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва технологик ташкилотлар билан бевосита барқарор алоқаларни йўлга қўйиш; тадқиқотлар ва ишланмаларни бажариш учун Фанлар академияси илмий муассасалари, илмий-техника, ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятлари, шунингдек қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, бошқа муассаса ва ташкилотлар билан хўжалик ҳисоби асосида шартномалар тузиш имконияти мавжудлигини англатади. Буларнинг ҳаммаси тадқиқот ва ишланмаларнинг юксак даражасига эришиш, транспорт хизмати сифатига истиқболли талабларни рўёбга чиқариш, шунингдек прогрессив базавий ва принципиал янги технологик ташиш жараёнларига ҳамда уларни амалиётда муваффақиятли жорий этиш учун шарт-шароит барпо этишга эришишга имкон бериши керак.

Транспорт комплексида фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялашнинг тилга олинган шаклларининг ҳаммаси халқ хўжалигида пировард самарага йўлланганлиги уларнинг муҳим спецификаси ҳисобланади. Партия органлари томонидан бундай прогрессив шаклларни ривожлантиришга катта аҳамият берилаётгани ҳам тўла қонунийдир. Хусусан, Ўзбекистон Компартияси Тошкент обко-

ми қошида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан ҳамкорликда илмий марказ барпо этилганлиги шундан дарак беради. Унинг фаолияти йўналишларидан бири, мисол учун, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлиб қолди. Бу марказда Тошкент ва Тошкент области автотранспорти томонидан ҳаво ҳавзасини ифлослантирилишини камайтиришга доир тадбирларни ҳам ўз ичига олган, регионда биринчи бўлиб «Экология» мақсадли комплекс илмий-техника плани ишлаб чиқилди. Ана шу мақсадларда дизелларнинг ишлатиб бўлинган газлари тутунини ўлчовчи асбоб ишлаб чиқиш кўзда тутилган ва автомобилларнинг заҳарли ҳавосини энг кам даражага келтирган ҳолда бошқариш бўйича тавсиялар берилди.

Республикамизнинг бошқа областларида ҳам бундай илмий марказларнинг ташкил этилиши яхши самаралар келтириши мумкин. Ёхуд республиканинг иқтисодий районлари доирасида уларни йириклаштирган ҳолда ташкил этиш мумкин. Бу эса ҳар бир иқтисодий районда турли илмий-техника муаммоларини, шу жумладан транспортдаги муаммоларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж шартловчи ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги билан боғлиқдир.

Партия комитетлари қошида ишлаб чиқариш новаторлари, олимлар, инженер-техник ходимлардан тузилган фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи жамоатчилик кенгашлари тармоқ комиссияларининг фаолияти фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялашни ривожлантиришга партиявий эътиборнинг бошқа бир шаклидир. Бу кенгашлар кейинги вақтда илмий, партия ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузишга алоҳида аҳамият бермоқда. Республика транспорт комплексида бундай шартномаларнинг кенг ёйилиши унинг илмий потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини анча ошира олишига ишончим комил. Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги фан-техника тараққиётига кўмаклашиш кенгашининг шаҳар ижроқоми идоралараро координацион инженерлик комплексини барпо этишга доир ташаббуси ҳам кенг ёйишга арзийди, бундай комплекс транспорт муаммоларини ҳал этишга фаол таъсир кўрсатиши мумкин.

Транспорт комплекси коллективларидаги бошланғич партия ташкилотларининг роли хусусида ҳам сўзламоқчиман. Улар коммунистлар орқали фан-техника тараққиёти соҳасида КПСС сиёсатини изчиллик билан турмушга оширишлари керак.

Ўзбекистон транспорт комплексида фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялаш масалалари, менимча, Совет ҳокимияти органлари томонидан ҳам катта эътибор берилишига арзийди. Зотан, нафақат халқ хўжалигининг натижалари, балки кишиларнинг кайфиятлари, бинобарин, қайта қуришнинг муваффақияти ҳам транспортнинг ҳолатига жиддий равишда боғлиқдир.

П. КИМ

ПАРТИЯ ТАРИХИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК НЕГИЗДА БЎЛСИН

«Олий мақсадсиз социалистик тараққиётга эришиб бўлмайди. Одамлар ўз тарихини унутса ёки менсимай қўйса, олий мақсад ўз навбатида амалий заминдан маҳрум бўлади».

(КПСС МКнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастуридан).

Ижтимоий фанлар, аввало тарих фани, ўз бошидан кризисли вазиятни кечирмоқда. Бунга, биринчидан, олимлар кенг хабардор бўлган ўқувчиларнинг ошган эҳтиёж ва қизиқишларини қондира олмаётганлиги, иккинчидан, уларни тарихий тадқиқотларда материалларни бериш ва умумлаштиришнинг илмий-назарий даражаси, қонунлаштирилган методлари қаноатлантирмаётганлиги сабаб бўлмоқда. Бундай аҳволнинг юзага келишига аввало шахсга сиғиниш даврида, волюнтаризм, субъективизм ва турғунлик йилларида ижтимоий жараёнларни билишнинг марксча-ленинча методологияси бузилганлиги сабаб бўлган эди. Ўзбекистон Компартияси тарихини ёритишда ўзбек халқи маданий меросининг таркибий қисми бўлган, ўз мазмунига кўра ноёб манбалар узоқ вақт эътибордан четда қолиб келган эди.

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг материалистик дунёқараши ва диалектик методологияси ижодий руҳига садоқатни тасдиқлаб, унга амал қилиб, мафкуравий занжирларни, ақидапарастликни ҳамда бошқача фикрлар ва ғояларга тоқат қилмасликни қатъиян улоқтириб ташлаш муҳимдир. Партия фаолиятини ўргана ва ижодий мушоҳада қила бориб, тарихчилар жамият социал-иқтисодий ривожланиши программасини муваффақиятли бажаришни мафкуравий таъминлашнинг таъсирчан шакл ва методларини ишлаб чиқишга, ўтмишни тадқиқ этиш ва ҳозирги пайтни мушоҳада қилиш вазифаларини узвий бирлаштиришга эришишга даъват этилганлар.

Н. Н. Маслов, И. Д. Ковальченко, А. П. Пронштейн ва бошқа олимлар партия тарихи фанининг методологик муаммолари доирасини белгилаб чиққанлар. Менинг назаримда, уни М. А. Варшавчик ва Л. М. Спирин анча аниқ таърифлашган: «Тарих фанининг методологияси — илмий билимларнинг махсус соҳаси, тарихий билишнинг диалектик-материалистик назарияси, тарихий тадқиқот принцип ва методларининг мажмуидир. Партия тарихи фанининг методологияси — КПСС пайдо бўлиши, ривожланиши ва революцион-ўзгартирувчилик фаолияти қонуниятларининг диалектик-материалистик назарияси, партия тарихи жараёнини тадқиқ қилиш принцип ва методларининг мажмуи унинг узвий таркибий қисмидир».

Партия ҳаёти ва фаолиятида зоҳир бўлган номатлуб тенденциялар Ўзбекистонда партия тарихи фанининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатганини ғоятда таассуф билан қайд этишга тўғри келади. Шу билан бирга аввалги йил-

---

КИМ Петр Геронович, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг сектор мудири, тарих фанлари доктори.

ларда яратилган тадқиқотлар маданий қурилишда муайян роль ўйнади. Уларнинг кўпчилигида юз берган жараёнлар бутун партия учун хос бўлган муштарак қонуниятлар асосида ёритилган. КПСС отрядларидан бири сифатида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ташкил топиши ва фаолияти масалалари ана шу нуқтаи назардан туриб тадқиқ этилган.

Совет жамияти ривожланишининг ҳозирги, бурилиш босқичида партия тарихчилар олдига аввало тадқиқотлар сифатини, методологик савияси ва самарадорлигини ошириш вазифаларини қўймоқда. Чинакам прогрессив ҳодисалар билан бир қаторда салбий ҳодисаларни чуқур илмий таҳлил қилиш — республика Компартиясининг мураккаб, машаққатли, олға қараб борган йўлини очиб беришнинг, тарих сабоқларидан тўғри хулосалар чиқаришнинг муҳим шартидир. КПССда ҳамиша жўшқин кучлар бўлди ва иш олиб борди, худди шунинг учун ҳам у сталинчилик ва турғунлик ҳолатини бартараф эта олди, революцион бурилишга бошчилик қилди ва бу билан ўзининг етакчилик ролини бажариш қобилиятини яна бир бор исботлади.

Партия тарихига доир тадқиқотларда илмий воситалар мажмуи сифатида методология қандай жорий қилинаётганини қараб чиқайлик.

Диалектиканинг моҳияти ҳамда ўзаги бўлмиш қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни ижтимоий жараённи билишда жуда катта роль ўйнайди. У табиат ва жамиятда ҳаракат қилиш ва ривожланишнинг сабаби, интилиши, манбаини очиб беради. В. И. Ленин шундай деб ёзган эди: «Дунёнинг барча процессларини уларнинг «*ўз ҳаракатида*», уларнинг ички сабаб натижасида содир бўладиган тараққиётида, уларнинг жонли ҳаётида билиш уларни қарама-қаршиликлар бирлиги сифатида билиш демакдир» (Тўла асарлар тўплами, 29-том, 339-бет).

Коммунистик партиянинг ана шу қонунга асосланган фаолияти аввало партия тарихи манбаларида ўз ифодасини топган. Яқин вақтгача тадқиқотлар асосан Ўзбекистон партия ташкилотларидан олинган манбалар негизида, бошқа группалардаги манбалар билан ўзаро боғламасдан туриб ўтказилган эди. Масалан, партия қурилиши масалаларини ўрганишда, одатда, сўл эсерлар, буюк давлат шовинистлари, миллий оғмачилар, жадидлар, ёш бухороликлар, ёш хиваликлар ва бошқаларнинг ҳужжатлари чуқур таҳлил қилинмас эди. Бундай аҳвол Туркистон, Бухоро, Хоразм Компартиялари ва Ўзбекистон Компартиясининг тарихини бир томонлама ёритишга олиб келди. Бу нарса буюк давлат шовинизми ва маҳаллий миллий оғмачиликка, В. И. Ленин ва партия МК томонидан рад этилган маданиймиллий автономия ғоясини амалга оширишга ҳаракат қилган бир гуруҳ раҳбар партия ва совет ходимларига қарши олиб борилган курашга ҳам тааллуқлидир.

«18»лар» гуруҳи концепциясига фақат Ўзбекистон Компартияси съездларининг ҳужжатлари нуқтаи назаридан баҳо бериш методологик жиҳатдан нотўғридир. Объектив бўлишлик Мунавварқори Абдурашидов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Ромиз, Боту, Чўлпонлар характеристикасини, уларнинг асарларини ўрганишни тақозо этади.

Шундай қилиб, Коммунистик партиянинг ҳужжатларидаги зиддиятларни аниқлаш ҳамда улардаги ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини таҳлил этишга тадқиқотнинг методологик негизи сифатида қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунини қўлламасдан туриб эришиб бўлмайди. Индустриялаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш мобайнида намоён бўлган салбий оқибатлар ривожланишнинг капиталистик босқичидан ўтмаган республикада шаклланган ўзига хос шарт-шароитни эътиборга олмаслик натижасида ҳам юзага келган эди.

Маданий қурилишни амалга ошириш: мактаб ва мадрасаларни қайта ташкил этиш, тил сиёсатини амалга ошириш, ўзбек ёзувини араб графикасидан лотин алифбосига ўтказиш, динни давлатдан ва мактабни диндан ажратиш, партия ва совет органларининг диндорларга муносабатини шакллантириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлган зиддиятли жараёнларни ижодий қайта мушоҳада қилиш, илмий изоҳлаш зарур.

Ўтмишда сталинчилик келтириб чиқарган, социалистик қоидалар оёқ ости қилинишининг оқибати бўлган ҳамда партия билан халқнинг ўз мамлакати ва бутун инсоният тараққиётига реал ҳиссаси тимсоли бўлган нарсаларни бирбиридан аниқ фарқ қилиш принципиал жиҳатдан муҳимдир. Тарихчиларнинг

муҳим вазифаларидан бири — Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳаёти ва фаолиятидаги зиддиятли жараёнларни характерловчи яширин, потенциал маълумотларни аниқлашдир.

Микдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиши қонуни партия қурилиши вазифаларини амалга оширишнинг назарий негизидир. У партия сафларини ўстириш ва таркибини тартибга солишга доир статистик ва фактик материални (партиявий рўйхатга олиш, партия сафларини тозалаш, партия билетларини алмаштириш) таҳлил қилиш ҳамда умумлаштиришда зарур. Қурилган тадбирлар ғоят хилма-хил бўлсада, доим ҳам партияни ғоявийташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга ҳамда партия ички турмушининг принцип ва методларини такомиллаштиришга хизмат қилмаган.

В. И. Ленин ёзган эди: «Модомики ҳамма нарса ривожланар экан, демак, ҳамма нарса биридан бошқасига ўтади, чунки ривожланиш, маълумки, оддий, энг умумий ва абадий *ўсиш, кўпайиш* (respective) камайиш (ets) эмас — модомики шундай экан, ... эволюцияни *аниқроқ* қилиб ҳамма нарсанинг пайдо бўлиши ва йўқолиши, бир-бирига ўтиши деб тушуниш керак» (ТАТ, 29-том, 241—242-бетлар).

Туркистон ва Ўзбекистон Коммунистик партиялари ҳаёти ҳамда фаолиятида ушбу қонун баъзан бузилганки, бу ҳол тегишли ҳужжатларда ўз аксини топган. Партия сафлари таркибини жадал кўпайтиришга интилиш якка тартибдаги қабул, синчиклаб танлаш борасида Устав қоидасини бузишга олиб келди ва сифат жиҳатидан яхшиланишга имкон яратмади. Чунончи, кейинчалик партия билетларини алмаштириш ўтказилган ҳолда рўйхатга олиш якунлари бўйича 1922 йили аъзоларнинг 42 фоизи ТКП сафларидан чиқарилди. 1934 йили Ўзбекистон Компартиясида ўтказилган партия ҳужжатларини текшириш давомида унда анчагина миқдорда саводсизлар ва диндорлар борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Компартияси XVIII—XXI съездларининг тайёрланган пахта хомашёси тўғрисидаги материалларини миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиши қонуни воситасида таҳлил қилиш муҳимдир. Маълумки, 70-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг бошларига доир статистика ҳисоботи ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ҳақиқий аҳволни акс эттирмаган. Юз минглаб тонналарни қўшиб ёзиш билан бир қаторда «далаларни тозалаш», «охирги кўсаккача териб олиш» кампаниялари ўтказилган.

Инкорни инкор қонунининг методологик аҳамияти беқиёсдир. В. И. Ленин унинг асосий мазмунини белгилар экан, ёзган эди: «Диалектика учун қуруқдан-қуруқ инкор, бекордан-бекор инкор, *спектик* инкор, ...характерли эмас ва муҳим эмас,— диалектика, шубҳасиз, ўзида инкор элементига эга ва у диалектиканинг энг муҳим элементи ҳисобланади,— йўқ, диалектика учун алоқадорликнинг моменти сифатидаги, тараққиётнинг моменти сифатидаги инкор, ижобийни сақлаб қолиш йўли билан бўладиган... инкор характерлидир» (ТАТ, 29-том, 217-бет).

Ўзбекистон Компартиясининг фаолиятида, умуман КПСС фаолиятида бўлганидек, ушбу қонунни бузиб талқин этишга йўл қўйилган, бу нарса шахсга сиғиниш даврида таниқли партия, давлат, ҳарбий арбобларни йўқ қилишда намоён бўлган эди. Улар орасида А. Икромов, Ф. Хўжаев, Н. Тўрақулов, Т. Рисқулов, А. Исломов, Р. Исломов, Д. И. Манжара, И. Ортиқов, Қ. Шарипов ва бошқалар бор. Бундай ҳодиса метафизик инкор бўлиб, диалектик инкорга алоқадор эмас.

Репрессия қилинган арбобларнинг асарлари унутилди, 40—60-йилларнинг партия тарихига доир адабиётларида улар ўз аксини топмади. Тўғри, 70—80-йилларда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевнинг асарлари нашр этилди, Рустам Исломов, Акбар Исломов, Д. И. Манжара ва бошқалар ҳақида мақолалар пайдо бўлди. Лекин ҳозир ҳам партия тарихчиларининг тафаккурида сусткашлик ҳали кучли. Материалларни излаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш методикасини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

Умумпартиявий ва маҳаллий диалектика КПСС фаолияти назарий-методологик негизининг ажралмас қисмини ташкил этади. У, аввало, турли даражадаги манбаларнинг ўзаро алоқадорлигига бориб тақалади. В. И. Ленин ёзган эди: «Предметни ҳақиқатан билиш учун унинг ҳамма томонларини, ҳамма алоқаларини ва «воситаланишларини» бирга олиб текширмоқ керак. Биз бунга ҳеч қачон

тўла-тўкис эриша олмаймиз, лекин ҳар томонлама ўрганиш талаби бизни хатолардан ва ўликлик ҳолатидан сақлаб қолади» (ТАТ, 42-том, 343-бет).

КПСС ва унинг маҳаллий ташкилотларининг ҳужжатларини комплекс ўрганиш методикаси тадқиқотчиларга Ўрта Осиё регионидаги ер-сув ислоҳоти, Ҳужум, пахта мустақиллиги учун кураш сингари характер ва мазмун жиҳатидан мураккаб жараёнларни амалга оширишда маҳаллий партия ташкилотларининг ташкилотчилик ролини чуқурроқ ёритиш ва илмий изоҳлаш имконини беради.

Партия тарихи фанининг методологик муаммоларини қараб чиқарканмиз, илмий тадқиқотларда асосий марксча-ленинча принциплар қўлланишига тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Тарихийлик принципи — улар ичида энг муҳими. Ижтимоий ҳодисаларни ривожланиш ва ўзаро боғлиқликда ўрганиш билан бир қаторда у тарихнинг конкрет тарихий тажрибаси нуқтаи назаридан олганда уларни таҳлил этишни ҳам ўз ичига олади.

В. И. Ленин ўтмиш тажрибасидан шундайлигича нусха кўчиришга қатъиян қарши чиқиб, шундай деб ҳисоблаган эди: «вазифаларимизни фақат программа принципларидангина эмас, балки ҳаракатнинг *илгари* босиб ўтган йўли ва босқичларидан келтириб чиқариш керак. Фақат шундай таҳлилгина диалектик материалист учун шарт бўлган ҳақиқатан тарихий таҳлил бўла олади» (ТАТ, 13-том, 357-бет).

Владимир Ильич ижтимоий муаммоларни илмий ҳал этишни тарихийлик билан чамбарчас боғлаган эди. И. Ф. Армандга йўллаган мактубида у шундай деб ёзган эди: «Марксизмнинг бутун мазмуни, унинг бутун системаси ҳар бир қоидани фақат (α) тарихий нуқтаи назардан; (β) фақат бошқа қоидалар билан боғлаб; (γ) фақат тарихнинг конкрет тажрибаси билан боғлаб текширишни талаб қилади» (ТАТ, 49-том, 381-бет).

Коммунистик партия ўзининг амалий фаолиятида тарихий тажрибанинг ва назарий умумлашмалар даражасига кўтарилган сиёсий вазиятнинг конкрет таҳлилига асосланади. Партия ташкилотлари тарихийлик принципи нуқтаи назаридан туриб, ҳужжатларни (партия съездидан тортиб бошланғич партия ташкилотларигача) шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатадилар, бу эса уларда ўтмиш, ҳозир ва келажакнинг диалектик алоқаси, бирлиги ва давомийлигини ифодалашнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.

В. И. Ленин тарихни материалистик тушунишга асосланиб, ижтимоий ривожланиш назарияси ва уни билишнинг илмий методини бойитди. Партиявийлик принципига оғишмай амал қилиб, у «ҳар қандай ахлоқий, диний, сиёсий, ижтимоий иборалар, баёнот, ваъдалар заминида маълум синфларнинг *манфаатлари* борлигини пайқаб оладиган» бўлиш зарурлигини уқтирган эди (ТАТ, 23-том, 52—53-бетлар). Ленинча тушунишда бу нарса тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг синфий илдизлари ва синфий моҳиятини аниқлашни, шунингдек уларга баҳо беришни англатади.

Тарихий манба ўз мазмунига кўра доимо жамиятнинг муайян синфлари, социал қатламлари ёки гуруҳларининг манфаатларини ифодалайди, зеро барча воқеа ва ҳодисаларнинг илдизи уларнинг моддий манфаатларига бориб тақалади. Партия ташкилотларининг ҳужжатларини қараб чиқишда уларнинг нафақат фактик воқеавий, балки мавкуравий томонини ҳам холисона ҳисобга олиш керак.

Манбашунослик тарих фани методологиясининг муҳим таркибий қисмидир. Уларда ифодаланган факт, воқеа ва ҳодисаларга холис баҳо бериш, партия тарихига доир тадқиқотларни оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан манбалар таҳлилининг илмий даражасига боғлиқ. Менимча, ижтимоий фанлар методологияси соҳасидаги охирги ютуқлардан фойдаланиб, куч-ҳаракатни манбалар базасини кенгайтириш ҳамда уни чуқур ўрганишга жамлаш зарур. В. И. Ленин фактик материални комплекс ўрганишни олдинги ўринга қўйиб, шундай ёзган эди: «Бунинг ҳақиқатан пойдевор бўлиши учун бўлак-бўлак фактларни эмас, балки текшириладиган масалага оид фактларнинг *ҳеч бир истисносиз бутун мажмуини* олиш зарур, чунки, бошқача бўлганида, фактлар ўз билганича сайлаб ёки териб олинган, тарихий ҳодисаларни бир бутун ҳамда объектив алоқада ва ўзаро муносабатда текшириш ўрнига, эҳтимол, бирон-бир ифлос ишни оқлаш учун, «субъектив» бир уйдирма тақдим қилинаётир, деган шубҳа туғилади

ва бу шубҳа тамоман қонуний шубҳадир. Шундай бўлиб туради-ку, ахир... кўринганидан кўра кўпроқ бўлади» (ТАТ, 30-том, 405-бет).

Олимлар ихтиёрида манбаларнинг қандай комплекси мавжуд? Ўзбекистон ва республика Компартияси тарихи масалалари турли даражада ўз аксини топган асосий гуруҳларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатини келтирамиз: В. И. Ленин асарлари; КПСС ҳужжатлари (съездлар, пленумлар материаллари, МҚ қарорлари, статистика материаллари); КПСС МҚ ваколатли органлари (Туркkомиссия, РКП (б) МҚ Туркбюроси; РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси) ҳужжатлари; Туркистон, Бухоро, Хоразм ва Ўзбекистон Компартиялари ҳужжатлари (съездлар материаллари, пленумлар, конференциялар қарорлари, бюро протоколлари, МК структуравий бўлинмалари ҳужжатлари, ёзишмалар); Совет ҳокимияти органлари (ТАССР, ХХСР, БХСР ХКС, Халқ Комиссарликлари, Вазирлар кенгаши ва вазирликлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва идоралари) ҳужжатлари; ТАССР, БХСР, ХХСР, Ўзбекистон ССР касаба союзлари ҳужжатлари; тилга олинган республикалар комсомол ташкилотлари ҳужжатлари; Туркистон, Бухоро, Хоразм ва Ўзбекистоннинг вақтли матбуоти; кино-фоно-фотоматериаллар; Коммунистик партия ва совет давлати таниқли арбобларининг, шу жумладан репрессия қилинган арбобларнинг асарлари; маҳаллий партия ташкилотлари материаллари; маҳаллий Совет ва жамоат ташкилотлари материаллари; Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва социализм қуриш иштирокчиларининг эсдаликлари; ТКП, ХКП, БКП ва Ўзбекистон Компартиясига доир, республика чегарасидан ташқаридаги материаллар.

Ҳаммага маълумки, Ўзбекистон ва республика Компартиясининг тарихини ҳаққоний ва объектив ёритишни тадқиқотларнинг методологик негизи ҳамда манбавий базаси сифатида В. И. Лениннинг ғоявий меросидан чуқур илмий фойдаланишдан ажратиб бўлмайди. Унинг асарлари партия, совет ва жамоат ташкилотлари ташкил топиши ҳамда ривожланишининг қонуний шартланганлигини тўғри тушуниш ва мушоҳада қилиш имконини беради.

Тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, В. И. Лениннинг 200 дан ортиқ асарида Туркистон, Бухоро, Хоразм ва Қозоғистон халқлари ҳамда Компартияларига оид маълумотлар бевосита ёки билвосита мавжуддир. Улар демократик централизм принципларининг ленинча талқинини, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ўзига хос шароитида миллий сиёсатни, партия ва совет қурилишини амалга оширишдаги умумий қонуниятлар ҳамда ўзига хос хусусиятлар тўғрисидаги таълимотни очиб беради.

В. И. Лениннинг асарлари асосан Туркистон Компартиясининг 1918—1924 йиллардаги тарихини характерлашда ишлатилаётганини катта таассуф билан қайд этишга тўғри келади. Миқдорий жиҳатдан олганда улар йигирматадан ошмайди. Шуниси характерлики, айрим қоидалар илмий таҳлилсиз бир нашрдан бошқасига ўтказилмоқда, бу қоидалар асосан «Ишчилар синфи ва миллий масала», «Миллий масала юзасидан тезислар», «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида», «Социалистик революция ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» асарлари, «Тошкентда бўлаётган Туркистон ўлкаси Советлар съездига, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советига, Иброҳимовга ва Клевлеевга, 1918 йил 22 апрель», «Ф. И. Колесовга телеграмма, 1918 йил 17 июль» телеграммалари ва бошқа асарлардан олинади.

В. И. Лениннинг Туркистон, Бухоро, Хоразм ва Қозоғистон Компартиялари ва меҳнаткашларининг муаммоларига дахлдор бўлган асарлари аксарияти илмий муомалага киритилмаган. Ҳолбуки, улар кейинги даврдаги партия тарихини ўрганиш учун ҳам бебаҳо манбадир. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қайта қуриш шароитида тарих фани олдида юзага келган вазифаларни фактлар, ҳодисалар, воқеаларга ленинча баҳо бериш асосидагина ечиш мумкин.

Партия съездларининг ҳужжатлари Ўзбекистон ва республика Компартияси тарихини ўрганишга доир манбаларнинг ғоят муҳим гуруҳини ташкил этади. Буни шу нарса тақозо этадики, В. И. Ленин янги типдаги партиянинг ташкилий структурасини ишлаб чиқаётганида, унинг олий органи сифатида съездни, яъни «барча тўла ҳуқуқли ташкилотлардан сайланганлар йиғини»ни (ТАТ, 11-том, 186-бет) белгилаган эди.

В. И. Ленин коммунистларнинг сиёсий ўз-ўзини англашини шакллантириш-

да партия съездлари материалларининг аҳамиятини белгилаб, ёзган эди: «Партиянинг ҳар бир аъзоси агар ўз партиясининг ишларида онгли равишда иштирок қилмоқни истаса, партиямизнинг съездини яхшилаб ўрганмоғи керак,— албатта ўрганмоғи керак, чунки бир талай хом материаллардан иборат бўлган материалларни ўқиб чиқишнинг ўзи съезддаги манзарани тасвирлаб бера олмайди. Фақат яхшилаб ва мустақил ўргангандагина нутқларнинг қисқа конспектларини, музокараларнинг қуруқ хулосаларини, майда (кўринишда майда) масалалар устида бўлган майда тўқинишларни бир бутун қилиб бирлаштиришга, ҳар бир атоқли нотиқнинг сиймосини партия аъзоларининг кўз ўнгида яққол қилиб гавдалантиришга, партия съездидаги ҳар бир делегатлар группасининг сиёсий қиёфасини аниқлашга эришмоқ мумкин (ва эришиш керак). Бу сатрларни ёзаётган киши, ҳеч бўлмаганда партия съездининг протоколларини кенг ва мустақил ўрганишни бошлаб юборишга сабабчи бўла олса, ўз меҳнатини бекор кетмаган деб ҳисоблар эди» (ТАТ, 8-том, 216-бет).

Съездларнинг материаллари қимматли, бир қатор ҳолларда эса ноёб маълумотлар ҳамда партия, совет ва жамоат ташкилотларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини тўғри мушоҳада қилиш имконини беради.

Маҳаллий партия ташкилотлари делегатларининг партия съездлари ишида иштирок этиши улар учун ўзига хос сиёсий мактаб бўлган. Таҳлил ривожланишнинг турли босқичларида КПССнинг стратегияси ва тактикасини белгилаган директив ҳужжатларни ишлаб чиқишда улар қўшган ҳисса тўғрисида ахборот олиш имконини беради.

Партия X—XXVII съездлари мажлисларининг протоколлари далолат беришича, муҳокама қилинган масалалар бўйича музокараларда Туркистон ва Ўзбекистон Компартияларидан қуйидагилар сўзга чиқишган: Х. Бурнашев, Г. И. Сафаров (РКП(б) X съезди), Т. Рисқулов (РКП(б) XII съезди), Я. Рудзутак (РКП(б) XIII съезди), А. Икромов (ВКП(б) XIV—XVII съездлари), У. Юсупов (ВКП(б) XVIII—XIX съездлари), Н. А. Муҳиддинов (КПСС XX съезди), С. Камолов (КПСС XXI съезди), Ш. Рашидов (КПСС XXII—XXVI съездлари) И. Б. Усмонхўжаев (КПСС XXVII съезди).

Бу чиқишларда республика иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантириш борасида кўрилаётган тадбирлар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Туркистон Компартияси делегатларининг партия X ва XII съездларида миллий масалага доир резолюциялар ишлаб чиқилиши бобидаги фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. Партия XXV—XXVII съездлари резолюциялари матнларининг Ўзбекистон Компартиясига дахлдор қисмлари билан ана шу Компартия делегатларининг чиқишларида бевосита алоқадорлик мавжуд. Бу нарса айниқса пахта тайёрлашнинг планлаштириладиган миқдори нореал характеристикаси ва уни етиштиришнинг бўрттирилган якунларида кўзга ташланади.

Илмий аҳамиятга моликлигига қарамай, бу матнлардан илмий тадқиқотларда жуда қониқарсиз фойдаланилмоқда. Бундай унча нормал бўлмаган вазият бир қатор ҳоллар билан изоҳланади. Умумпартия съездларида сўзга чиққанлардан Г. И. Сафаров, Т. Рисқулов, Н. Тўрақулов, Я. Рудзутак, А. Икромов Сталин шахсига сиғиниш даврида репрессия қилинган, бу «халқ душманлари»нинг нутқ ва асарлари тақиқланган эди.

У. Юсупов, Н. А. Муҳиддинов, С. Камолов, Ш. Рашидов, И. Б. Усмонхўжаевлар объектив ва субъектив сабабларга кўра сиёсий саҳнадан тушдилар. Бир вақтнинг ўзида олимлар уларнинг КПСС съездларидаги нутқлари матнидан фойдаланмай қўйдиларки, бу нарса умуман олганда тарих фанининг ривожланишида салбий акс этди.

Ўзбекистон Компартияси съездларининг материаллари ғоят муҳим манба ҳисобланади. Улар партия ташкилотларининг тарихий бурилиш даврларида характер жиҳатидан мураккаб ва мазмунан инқилобий жараёнларни амалга оширишдаги ролини очиб беради. Мавжуд тажрибанинг илмий таҳлили ва уни янги илмий даражада умумлаштириш республика олимларига жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Яқин вақтгача партия съездларининг ҳужжатларидан асосан норматив манбалар сифатида фойдаланиб келинган. Тарихчилар камчиликлар, хатолар, нуқ-

сонларга олиб келган субъектив сабабларни, ҳолларни ҳам аниқлаб чиқмаганлар.

Тарих фанида ўн йилликлар мобайнида Ўзбекистон Компартияси съездларидаги нутқларнинг, айниқса унинг биринчи секретарлари ва ҳукумат раҳбарлари чиқишларининг матнларини ўрганишга конъюнктуравий ёндашиш шаклланди, бу арбобларнинг актив сиёсий фаолияти тугаши билан уларнинг чиқишлари нодиалектик тарзда инкор этилади. Бунда тарихчилар қуйидаги ҳолларни эътиборга олмайдилар. Биринчидан, докладларнинг аксарияти коллектив ижод якуни бўлиб, Ўзбекистон Компартияси МК бюроси мажлисларида қараб чиқилган ва тасдиқланган. Иккинчидан, уларда коллектив ижод ҳужжатлари сифатида субъектив аҳборот билан бир қаторда объектив ахборот ҳам мавжудки, уни тайёрлашнинг турли босқичларида бундай ахборотнинг ишончлилиги текширилган. Бинобарин, республика Компартияси МК биринчи секретарлари В. И. Иванов, А. Икромов, У. Юсупов, А. Э. Ниёзов, Н. А. Муҳиддинов, С. Қамолов ва айниқса Ш. Р. Рашидов, И. Б. Усмонхўжаевларнинг чиқишлари манбашунослик нуқтаи назаридан туриб синчиклаб таҳлил қилиниши керак.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодиётини ривожлантиришдаги, айниқса пахтачиликдаги ютуқларини асоссиз равишда инкор этиш тенденцияси пайдо бўлди. Йиллик ҳисоботларга қўшиб ёзилган тонналарга урғу берилиб, ана шу йилларда меҳнаткашларнинг меҳнати ва тер тўкиши билан етиштирилган ўн миллионлаб тонна пахта эътибордан соқит қилинмоқда. Ўзбекистон Советлари, МИК, Олий Совет сессиялари, комсомол ва касаба союзлари съездларининг ҳужжатли материалларидан фойдаланишда шунга ўхшаш амалиёт юзага келган. Шу муносабат билан КПСС МК февраль (1990 йил) Пленумининг қоидаси ғоят актуал бўлиб янграмоқда: «Ўтмишни кўкларга кўтариб мақташ, тарихимизнинг фожиали жиҳатлари тўғрисидаги тўла ва аччиқ ҳақиқатни билишни истамаслик ҳам, тарихий меросимиздаги чинакамига буюк ва қимматли бўлган ҳамма нарсаларни йўққа чиқариш йўлидаги уринишлар ҳам бир хилда хатарлидир».

Араб ёзувида битилган манбаларни комплекс ўрганишнинг долзарб зарурати юзага келди. Булар, аввало, ёш бухороликлар, ёш хиваликлар партияларининг ҳужжатлари, Бухоро компартияси, Хоразм компартияси съездлари, пленумлари, конференциялари, бюролари, туман ва вилоят ташкилотлари секретариатининг ҳужжатлари. Бутун Бухоро, Бутун Хоразм қурултойлари, Вазирлар кенгаши ва вазирликлар, туман ва вилоят ижрокомлари, бошланғич партия ташкилотларининг ҳужжатлари, вақтли матбуот («Инқилоб қуёши» — Хоразм компартияси органи, «Бухоро ахбори», «Озод Бухоро», «Қутулиш» — БКП МК органлари, «Иштирокиюн» — Туркистон Компартияси МК органи).

Манбаларнинг тилга олинган комплекси асосий қисми тил тўсиғи туфайли илмий муомаладан ташқарида қолмоқда. Бу эса Туркистон Бухоро, Хоразм компартиялари, ТАССР, БХСР ва ХХСР халқлари тарихига оид воқеа ва ҳодисаларга объектив баҳо бериш билан боғлиқ бўлган кўпгина саволларга асосли жавоблар бериш имконини бермайди.

Шуни таъкидлаш кераки, партия тарихига доир тадқиқотларда В. И. Ленин асарлари ва партия съездлари ҳужжатларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келган аҳвол Совет ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ҳужжатларига, вақтли матбуот, мемуар адабиёти ҳамда манбаларнинг бошқа гуруҳларига ҳам хосдир.

Материалистик диалектика қонунларининг асосий қоидаларини ҳисобга олиш партия тарихига доир манбаларни чуқурроқ мушоҳада қилиш, уларнинг информатив самарадорлигини ошириш, тадқиқотчилар назарига тушмаган маълумотларни аниқлаш ва илгари ўрганилмаган масалаларни ёритиш имконини беради. Партиявийлик ва тарихийликнинг дунёқараш характерига эга бўлган илмий принциплари манбалар комплекслари пайдо бўлиши жараёнининг ўзида давомийлик бўлишини, уларни чамбарчас ўзаро боғлиқликда ўрганишни, улар мазмунининг синфий йўналганлигини белгилашни тақозо этади. Партиянинг ўтган йўлни қайта мушоҳада қилиш, шунингдек КПСС тарихий тажрибасига баҳо беришда янги даражага чиқиш зарурлиги хусусидаги талаби манбаларнинг бутун комплексини чуқур ўрганишни талаб қилади.

«УЙ-ЖОЙ—2000» ПРОГРАММАСИНИ ҲАЛ ЭТА БОРИБ

МАМЛАКАТДАГИ партия, совет, касаба союз органларига тушаётган кўп миқдордаги хатлар, шунингдек турли социологик хизматлар томонидан аҳолидан оммавий сўраб чиқишлар уй-жой муаммоси бугунги кунда жамиятимиз олдида турган энг ўткир муаммолардан бири эканлигидан далолат бермоқда. «Биз бениҳоя муҳим вазифани ҳал этишга — амалда 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки якка тартибдаги уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этишга киришдик, — дейилди КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида. — Бунинг учун 35 миллионтадан кўпроқ квартира ва уй қуриш кераклиги маълум. Гарчи уй-жой қурилишидаги вазият яхши томонга ўзгара бошлаган бўлса-да, бу муаммо ҳамон жуда кескин бўлиб турибди, одамлар йиллар давомида квартира берилишини кутмоқдалар».

«Уй-жой—200» программаси ҳаётга татбиқ этиляпти. Лекин қай тарзда? 1989 йилда мамлакатда умумий майдони 128,1 миллион квадрат метр бўлган 2,2 миллионта квартира қурилди. Уй-жой ва социал-маданий соҳанинг бошқа объектларини қуришга 1988 йилдагига қараганда 6 фоиз кўп капитал маблағ сарфланди. Лекин ҳозирги беш йиллик мобайнида биринчи бор мамлакат бўйича умуман уй-жой қуриб битказиш плани бажарилмади — 1988 йилдагига қараганда 4,3 миллион квадрат метр кам уй-жой фойдаланишга топширилди. Ўзбекистонда давлат маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган уй-жойларни қуриб битказиш плани ҳам бажарилмаган, 1988 йилга қиёслаганда бундай уй-жойлар 9 фоиз кам қурилган.

Мамлакат бинокорлик комплекси олдида кишиларнинг шунчаки уй-жойга эмас, балки сифатли уй-жойга бўлган жуда катта эҳтиёжларини қондиришдек ғоят улкан вазифа турибди. Уни ҳал этишнинг эълон қилинган муддатигача — 2000 йилгача — унчалик кўп вақт қолгани йўқ. Шу сабабли бинокорлик комплексининг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш ва унда илғор иш методларини жорий этишни жуда ҳам жадаллаштириш керак. Тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш қурилиш индустриясини интенсив ривожланиш йўлига олиб чиқади ва қурилаётган объектларни бизга ҳозир жуда ҳам етишмаётган енгил, пухта ва арзон материаллар билан яқин вақтдаёқ таъминлаш имконини беради, деб ҳисобловчи мутахассисларнинг фикрларига қўшиламан. Шунингдек қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг янги, у ёки бу шароит учун ғоят мақбул бўлган шаклларини, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш учун хом ашёнинг янги манбаларини излашга катта эҳтиёж етилди.

Албатта, бу масалаларнинг ҳаммаси қатъиян илмий негизда ҳал қилиниши керак. Агар биз КПСС XXVII съезди томонидан қўйилган вазифани бажармоқчи — бинокорлик ишлаб чиқаришини янада индустриялашни изчиллик билан давом эттириб, уни заводда тайёрланган элементлардан фойдаланиб объектларни тиклашнинг ягона жараёнига айлантирмоқчи, қурилишларга инженерлик ва технологик ускуналарни йириклаштирилган блоклар тарзида комплекс ҳолда етказиб беришга ўтмоқчи бўлсак, бинокорлик ва монтаж ишларини комплекс механизациялашни таъминловчи прогрессив технологияни, машина ва механизмлар системаларини яратиш ҳамда татбиқ этишни бутун чоралар билан жадаллаштириш керак бўлади. Мана шундай негиздагина уй-жой муаммосини муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Лекин аввалдан мавжуд бўлган уйсозлик комбинатларига, ғишт заводларига, енгил металл конструкциялари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам эътиборни сусайтирмаслик керак. Зеро, мавжуд маълумотларга қараганда, девор панеллари, тўсиқлар, балкалар ва йирик панелли уйсозлик учун зарур бошқа деталларни ишлаб чиқаришга доир қувватларнинг бешдан бир қисми бугунги кунда амалда ишлатилмаяпти, бунинг натижасида мамлакат ҳар йили ўн минглаб квартирани кам олмоқда.

Бинокорларни бошқа тармоқлардаги шериклар тез-тез чув туширмоқда. Лоақал мана бу фактни олайлик: ўн иккинчи беш йиллик бошланганидан бери саноат бинокорлардан 250 минг ванна қарздор бўлиб қолган. Демак, чорак миллионта квартирада ўз вақтида уй тўйлари ўтказилмаган. Чўян ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимиз дунёда биринчи ўринни қўлдан бермай турган пайтда шундай бўлмоқда.

Аҳвол шундай экан, «Уй-жой—2000» про-

граммасини бажариш мумкинлиги масаласи ҳақли равишда майдонга чиқади. У сиёсий характерга эга. Модомики, КПСС ва давлатимизнинг олий раҳбарияти халққа уй-жой муаммосини 2000 йилгача бартараф этиш ваъдасини берган экан, уни ҳаётга татбиқ этиш учун энг кўп куч ва маблағ йўналтирилиши керак. Партияга, Совет ҳокимиятига ишончни қайтаришдек мақсад бунга арзийди. Унга эришиш йўлида каттакичик ишларга бир хилда эътибор бериш лозим.

Жумладан, қайта қуриш ғоясини амалда рўёбга чиқараётган уддабурон, иқтисодий фикрловчи раҳбарлар туфайли пайдо бўлган ғишт заводларини реконструкциялаш тажрибаси катта эътиборга лойиқдир. Улардан бири — Тошкентдаги 8-ғишт заводининг директори М. Исоқов ҳақида «Правда Востока» газетасининг 1989 йил 21 ноябрь сонида ҳикоя қилинди. Бундай кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибасини эса кенг тарғиб қилиш керак.

Ўзбекистон ўз территориясининг амалда ҳамма қисмида пишиқ ғишт тайёрлаш учун бой хом ашё манбаларига эгалиги билан ажралиб туради. Уни ишлаб чиқаришга нима халақит бермоқда? Биринчидан, фикримча, хўжалик ва совет органларининг ўз индустриал базасини барпо этишдан манфаатдор эмаслиги. Иккинчидан, 25—30 йилдан бери ишлатилаётган ускуналарни алмаштириб бўлмаслиги. Учинчидан, мавжуд ускуналардан унумсиз фойдаланилаётгани.

Тилга олинган сабабларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғланган. Эски ускуналарни алмаштиришга келсак, уларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилмаслиги сабабли, кўринишича, янги ускуналарни Финляндия, Япония, ГДР ва бошқа мамлакатлардан мумкин қадар тезроқ сотиб олиш мақсадга мувофиқ бўларди. Буни нафақат валюта орқали, маълумки, у етишмаяпти, балки айирбошлаш асосида ҳам амалга оширса бўлади. Зеро, Андижон областининг Ленинск пахта тозалаш заводида пахта толаси ҳисобидан Япониядан ўзлари учун техника сотиб олишга муваффақ бўлдилар-ку.

«Уй-жой—2000» программасини бажариш учун масъул бўлган айрим раҳбарларнинг пассивлиги ва узоқни кўра билмаслиги таассуфли ҳолдир. Уни бажариш учун маблағларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да топиш керак. Бир қатор уйсозлик комбинатларини реконструкциялаш ва қурилишини тугаллашни ҳам алоҳида назорат остига олиш лозим. Бунда, менимча, халқ ва тарих олдидаги масъулиятни кўзда тутиб, қатъий муддатлар (энг кўпи билан 1,5 йил) ва конкрет ижрочилар белгиланиши керак бўлади.

Нима учун, масалан, Черкасск областининг йирик панелли уйсозлик учун юксак самарали, тежамкор ускуналар янги турларини барпо этишга доир тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш мумкин эмас? У ерда маҳаллий машинасозлик заводлари ҳамда Украина ССР Давлат қурилиш комитети Бинокорлик ишлаб чиқариши илмий-тадқиқот институти ва Днепропетровск лойиҳалаш институти лойиҳалаш-конструкторлик бюроларининг коллективлари томонидан бир йиллик қуввати 40 минг квадрат метр бўлган уйсозлик комбинати (УК) лойиҳалаштирилган, қурилган ва фойдаланишга топширилган. Кўпгина УКларда ишлаб турган қурилмалар билан қиёслаганда 2—2,5 баравар тежамли ва самарадор бўлган янги оригинал конструкциядаги механизациялаштирилган линия УКнинг негизи ҳисобланади. Республикамизга ана шундай линияларни етказиб бериш шартномасини тузиш ҳақида ўйласа арзийди.

Енгиллаштирилган янги конструкция ва материаллардан жадал бунёд этиладиган коттежлар қурилиши алоҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, монолит уйсозлик ва газосиликат блоклар қўлланиши яхши истиқболга эга. Литва, Озарбайжон, Грузия ва Ўзбекистондаги монолит уйсозлик тажрибасининг кўрсатишича, уй-жой ва бошқа объектларнинг, айниқса кам қаватли биноларнинг 1 квадрат метри қиймати бу усулдан фойдаланилганда панел вариантига қараганда 20 фоиз арзонга тушади. Қолаверса, нафақат қурилиш муддатлари, балки ишлаб чиқариш базасини барпо этиш чиқимлари (40 фоиз), металл сарфи (20 фоиз), энергетика ресурслари сарфи (30 фоиз) ҳам қисқаради.

Бинокорлик ишлаб чиқаришини ташкил этишга бундай ёндашишда амалда ҳар қандай объектни бунёд этишни индустриал методларга ўтказиш мумкин. Бунда асосий шарт қуйидагича: ихтисослаштирилган бўлинмалар кўп карра айланувчи инвентарь асбоб-ускуналари, бетон ва арматура тайёрлаш учун ҳаракатчан қурилмалар, механизациялаш воситалари ва асбоблар комплектлари билан таъминланиши керак.

Капитал қурилиш индустриал базаси қониқарли ҳолатда эмаслиги натижасида ана шу муҳим тармоқда меҳнат унумдорлигининг даражаси амалда юксалмаяпти. Оқибатда кўпгина объектларни бунёд этиш муддатлари норматив муддатлардан анча ошиб кетмоқда, бу эса, ўз навбатида, моддий ишлаб чиқариш тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш, бинобарин, умуман фан-техника тараққиёти суръатларини пасайтирмоқда. Шундай қилиб, қурилишни индустриялаш тармоқ муаммосидан халқ хўжалиги муаммосига айланмоқда. Бинобарин, унга ёндашув ҳам шунга мувофиқ бўлмоғи керак.

Қурилишни индустриялашнинг моҳияти заводда тайёрланган конструкция ва элементлардан бино ҳамда иншоотларни механизациялаштирилган ҳолда барпо этиш ме-

тодидан фойдаланишни кенгайтиришдан иборат. Иктисодчилар бинокорлик материаллари саноати ва турдош тармокларни ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағлар ўрни 5—6 йил ичида копланишини хисоблаб чикишди. Бинобарин, агар республикамизда капитал маблағларнинг бир кисмини УКларни, ғишт заводлари ва хоказоларни ривожлантириш ва реконструкциялашга, яъни курилиш индустриясига кайтадан йўналтирсак, ютукка эга бўламиз, у дарров бўлмасада, барибир, истикболда Ўзбекистоннинг миллий даромадига салмокли кўшимча бўлиб колади. Шу сабабли, менимча, демографик ва бошка махаллий хусусиятларни хисобга олиб, республикада капитал курилиш комплекс планини кайта кўриб чикиш керак. Олимларнинг хисоб-китоблари кўрсатишича, курилишни янада индустриялашни таъминлаш, технология операцияларини курилиш майдончасидан завод шароитига аста-секин ўтказиш учун бинокорликнинг ишлаб чикариш базасини ривожлантириш суръатлари курилиш-монтаж ишлари хажми ўсишининг суръатларидан камида 1,3 баравар, мавжуд мутаносибсизликларни хисобга олганда эса — 1,4 баравар илдам бориши лозим.

Ўн иккинчи ва ўн учинчи беш йилликларда курилишнинг ишлаб чикариш базасини ривожлантиришга кетадиган капитал маблағларга бўлган эхтиёж билан бинокорлик ташкилотлари хамда корхоналарининг ўз маблағларидан фойдаланиш имкониятлари ўртасидаги узилиш 35—40 фоизни ташкил этади. Капитал курилишнинг планлари балансланганлиги зарур шарт-шароити кисман марказлаштирилган тарзда маблағ билан таъминлашдан иборатлиги ана шундан келиб чикади. Маблағлар асосан юкори самарадор курилиш конструкциялари, деталлари ва материалларини ишлаб чикаришга доир янги кувватларни барпо этишга, курилиш ишлаб чикариш базасининг колоклигини тугатишга йўналтирилиши керак.

Энг янги технология ва материаллар илмфаннинг юксак даражада жалб этилиши билан фарк этиб туради. Шу сабабли курилишнинг илмий базасини ўзгартириш, унга сифат жихатидан янги киёфа бахш этиш уларни кенг ёйишнинг энг мухим шартидир. Сир эмаски, унинг бошланиш потенциали (хам илмий-тадкикот, хам тажриба-конструкторлик ишланмалари нуктаи назаридан олганда) энг якин вакт ичидаёк мамлакатни фан-техника тараккиётининг барча асосий йўналишлари бўйича илғор марраларга олиб чикиш учун етарли эмас. Шу сабабли, кўринишича, асосий, хозирги пайт учун долзарб холатга эътиборни жамлаш максадга мувофик бўларди. Республикамизда бу, назаримда, курилиш учун янги композицион материалларни излаш, курилиш техникасининг энг яхши ватан ва жахон ютуклари заминида махаллий шароитга жавоб берувчи ўз намуналарини яратишдан иборат.

Бинокорлик материаллари саноати ва курилиш индустриясидаги фан-техника тараккиёти курилишни индустриялашни янада чукурлаштиришга йўналтирилиши керак. Хусусан, пўлат конструкцияларини заводда тайёрлаш даражасини уларни кўлланишнинг умумий хажмида 85—90 фоизга етказиш лозим. Лекин асосийси — курилишни янада индустриялаш вазифаларини хал этишга, унинг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва ташкил этишни такомиллаштиришга комплекс, системали ёндашиш талаб килинади. «Фан — лойихалаш — курилиш — кувватларни ўзлаштириш» занжиридаги бирорта халка бўшаштирилмаслиги керак.

«Уй-жой—2000» программасини бажара бориб, 1988 йилда шахарлар ва кишлок жойларда якка тартибдаги уй-жой курилишини ривожлантиришга доир карорлар кабул килинди. Куйидаги маълумотлар уларнинг республикамизда амалда кандай бажарилаётганидан далолат беради: агар 1988 йилда ахоли томонидан курилган уй-жойнинг хиссаси умуман курилган уй-жойларнинг 53 фоизини ташкил этган бўлса, 1989 йилдаёк у 59 фоизга етди. Уй-жой курувчиларни бинокорлик материаллари билан таъминлашда кийинчиликлар бўлмаганида эди, бу хисса янада кўпрок бўлар эди. Бу хам курилиш индустрияси базасини кенгайтириш ва янгилаш зарурлигидан далолат бермокда. Унинг якка тартибда уй-жой курувчилар учун бинокорлик махсулотлари ишлаб чикаришни кўпайтиришдаги имкониятларини кайта кўриб чикиш лозим.

Уй-жой кризисини бартараф этиш бугунги кунда жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Уни уддалагач, уй-жой курилишида янги сифатга ўтиш — квартиралар, якка тартибдаги уй ва хоказоларнинг шинамлигини яхшилаш керак бўлади.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг Пленумида 1990 йил 5 февралда «КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Харакат дастури лойихаси тўғрисида» килган докладида «инсон ва унинг бахт-саодати бундан буён ва абадулабад партия сиёсатининг марказига куйилишини, социалистик йўлдан килинадиган харакатнинг муваффакиятлари аввало шу мезон билан ўлчанишини» уктириб ўтди. «Уй-жой—2000» программасининг ахамияти шу муносабат билан янада ошади, бинобарин, уни бажаришга дахлдор бўлган кишиларнинг хам масъулияти кучаяди.

А. ГРИШИН,

Тошкент олий партия мактабининг тингловчиси.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ КЛАССИКЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛИШИ

ҚАЙТА ҚУРИШ кундалик ҳаётимизга сингиб кетди, унинг бир қисмига айланди. У жамиятнинг барча табақаларини ҳаракатга келтирди, уларнинг фаоллигини оширди. Шу билан бирга шундай фактлар маълум бўлдики, улар тўғрисида биз илгарилари ўйлаб кўрмаганмиз. Кўп йиллар давомида маънавий имкониятларимиз муайян андозалар, догматик тасаввурлар тушовида сиқилиб келдики, бу аҳолининг сиёсий маданияти даражасига жиддий зарар етказмаслиги, ижтимоий онгнинг маълум даражада айнишига олиб келмаслиги мумкин эмасди. Афсуски, кўпгина муаллифлар чуқур илдиз отган ақидалар таъсиридан ҳали ҳам кутула олмаяптилар, ижтимоий ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларини ёритишда тарихийлик принципларидан кўпинча воз кечмоқдалар, марксча-ленинча диалектиканинг мустаҳкам пойдеворига суянмайдилар, ҳолбуки у ҳаётни бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан, ривожланиш ҳамда ўзгаришда ўрганишни талаб қилади.

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини ҳам, шунингдек уларнинг мухолифларининг ҳам асарларини ўқиб-ўрганиш догматик тасаввурлардан марксча-ленинча методологияга ўтишнинг мумкин бўлган бирдан-бир йўлидир. Шунда ҳам асарларга берилган шарҳларни эмас, балки асарларнинг ўзини ўқиб-ўрганиш керак. Бугунги кунда оммавий китобхонга номаълум ва унутилган муаллифларнинг ғоялари, ўткир ва оригинал фикр-мулоҳазалари оқими ёғилди. Уларни марксча-ленинча диалектик ёндашув асосидагина тушуниш, тўғри баҳолаш мумкин. Шунинг учун ҳам классиклар асарларини миллий тилларда нашр этиш ва тарқатиш сиёсий тафаккурни шакллантириш учун жуда катта аҳамиятга эга.

Коммунистик партия Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ бу масалаларга катта эътибор берди. В. И. Ленин 1919 йилдаёқ Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутун Россия съездида қилган докладида, «ҳар бир мамлакат ичида халқ тушунадиган тилда коммунистик пропаганда юргизиш тўғрисида жон куйдириш» зарурлиги ҳақида гапириб, шундай деб таъкидлаган эди: «... Вазифа... чинакам коммунистик таълимотни ҳар бир халқ тилига таржима қилишдан... иборатдир» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 386-бет). Шуни ҳисобга олиб РКП(б) XIII съезди К. Маркс ва Ф. Энгельснинг тўла асарлар тўпламини рус тилида тезда нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди, шунингдек В. И. Ленинннинг тўла асарлар тўплами ва Ленин кутубхонасини тайёрлаб, СССРда яшовчи барча халқлар тилларида босиб чиқаришни таклиф қилди.

Бу кўрсатмалар Ўзбекистон партия ташкилотининг марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиш, нашр этиш ва тарқатиш борасидаги фаолиятига асос қилиб олинди. «Иштирокиюн» («Коммунист») газетаси уларни тарғиб қилишда кашшоф бўлди. У В. И. Ленинннинг қатор мақолалари, докладлари ва нутқларини босиб чиқарди. Бундан ташқари Ленин асарлари четдаги матбуотда ҳам босилиб турди. Газеталарда эълон қилингани туфайли улар биринчи марта ўлканинг энг чекка жойларигача ҳам етиб борди. Қизил бурчакларда, клубларда газеталарни овоз чиқариб ўқиш сабабли Ленин сўзлари саводсиз деҳқонга ҳам етиб борди, мураккаб, зиддиятли вазиятни тушунишда унга ёрдам берди.

Гражданлар урушининг оғир йилларида Ўрта Осиё халқлари тарихида биринчи «Туркгосиздат» китоб нашриёти барпо этилди. Мамлакат марказидан босмахона асбоб-ускуналари, қоғоз юборилди. Нашриёт барча харажатларининг ярмини РСФСР ҳукумати маблағ билан таъминлаб турди. Бу нашриётнинг барпо этилиши миллий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида китобларни кўпроқ чиқаришга ёрдам берди. Ҳозирги Ўзбекистон территориясида китоб нашр этиш 1919 йилдаги 33 номдан 1924 йилда 193 номгача кўпайди.

Марксизм-ленинизм классиклари асарлари нашр этилган китоблар орасида катта ўрин тутарди. Чунончи, В. И. Ленинннинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Колчакни енгиш муносабати билан ишчи ва деҳқонларга хат», «Ёшлар союзларининг вазифалари» ва бошқа асарлари ўзбек тилида алоҳида китобча ҳолида чоп этилди.

Ўзбекистон ССР ташкил топган вақтдан бошлаб К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини таржима қилиш ва нашр этиш иши анча мунтазам ва планли равишда олиб борилди. 1924 йилнинг охирида барпо этилган Ўзбекистон давлат нашриёти бунга анча ёрдам берди. Марксизм-ленинизм классикларининг асарларини Москвадаги СССР халқлари Марказий нашриёти ҳам чоп этарди.

Бундай адабиётларни нашр этиш қатор

қийинчиликлар билан боғлиқ эди — полиграфия базаси заиф эди, қоғоз етишмасди, сиёсий терминлар луғати йўқ эди. Лекин энг асосий қийинчилик шунда эдики, юқори малакали таржимонлар, икки тилни ҳам яхши биладиган, социализмнинг назарий ва ташкилий масалаларини чуқур тушунадиган одамлар йўқ эди. Шунга қарамай ўқувчилар талабини қондириш учун ҳар хил имкониятлар қидириб топиларди. Ишга асосан ёзувчилар, журналистлар орасидан энг яхши ижодий кучлар, шунингдек Москвадаги СССР халқлари Марказий нашриётидан таржимонлар жалб этиларди. Натижада уч йил ичида В. И. Лениннинг 12 асари, ҳар қайсиси 4—5 минг нусхада босилиб чиқди. Биринчи таржимонлар орасида Л. Алимий, А. Нажиб, М. Ҳошимова ва бошқалар бор эди. Лекин марксистик адабиётни таржима қилиш ва нашр этиш суръати ҳамон унга бўлган тобора ошиб бораётган талабдан орқада эди.

1926—1928 йилларда партия маорифи системаси таркиб топди. Партия ва совет ташкилотларида ишлаш учун туб ерли миллат кишиларидан кадрлар тайёрлаш бўйича қатор курслар очилди. Таълим олаётганлар учун К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари керак эди. Ўзбекистон К(б)П нинг III съезди (1927 йил ноябрь) марксизм-ленинизм классикларининг асосий асарлари йўқлигини таъкидлаб, республика Компартияси МКга В. И. Ленин асарларини аста-секин ўзбекчага таржима қилиш планини тузиб чиқишни топширди.

1928 йилда Ўзбекистон К(б)П МК қошида махсус комиссия тузилди, унинг ташаббуси билан 28 китобдан иборат уч туркумда Ленин кутубхонаси босилиб чиқди. Улар орасида — «Давлат ва революция», «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали», «Маркс ва марксизм тўғрисида», «Кооперация тўғрисида» ва бошқа асарлар бор. Бу нашрларнинг умумий ҳажми салкам 240 босма табоқни ташкил этди.

Биринчи даражали вазифа сиёсий китобдан кенг ўқувчилар оммасини баҳраманд қилиш эди. Шу мақсадда Ленин асарлари ва тарғибот-ташвиқот адабиётининг баҳоси 50—75 фоизга пасайтирилди. Бунда республика давлат бюджетидан олинган дотация 74 минг сўмни ташкил этди. 1928—1929 йиллар давомида Ленин кутубхонасига киритилган китобларнинг деярли ҳаммаси босилиб чиқди. Таржима ва таҳрир қилишда Н. Саидов, М. Ҳасанов, Қ. Сорокин, А. Хонсуворов ва бошқалар иштирок этишди.

1931 йилнинг мартида Ўзбекистон К(б)П МК В. И. Лениннинг ўзбек тилида олти томдан иборат танланган асарларини нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди, бунда унга кирадиган айрим асарларни зудлик билан нашр этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. 1931—1933 йилларда ҳаммаси бўлиб марксизм-ленинизм классикларининг 19 номдаги асари таржима қилиниб, чоп этилди. Улар орасида К. Маркснинг «Франциядаги синфий кураш», В. И. Лениннинг «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи», «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» ва бошқа асарлар бор. Лекин олти томлик, афсуски, нашр этилмади.

1932 йилда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси «Маркс, Энгельс, Ленин асарларини маҳаллий тилларда нашр этиш тўғрисида»ги қарорида идеология ишининг бу энг муҳим соҳасидаги қолоқлик сабабларини таҳлил қилиб, таржимонлар савиясининг пастлигини, республикалар нашриётларининг заифлигини, партия органлари етарлича назорат қилмаётганлигини таъкидлади. К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг асосий асарларини ўзбек, туркман, тожик ва қирғиз тилларида нашр этишни таъминлаш учун кўрилган конкрет тадбирларни амалга ошириш мақсадида таҳрир комиссияси тузилди. Унинг таркибига Ўрта Осиё республикаларининг таниқли партия ва совет раҳбарлари — К. Я. Бауман, А. Икромов, Ф. Хўжаев, Д. Манжара ва бошқалар кирди.

Қарор бу республикаларда таржима ва нашр ишини кенг авж олдиришда муҳим роль ўйнади. Ўзбекистонда таржима ва таҳрир масалалари юзасидан кенгаш ҳамда семинарлар ўтказилди. Айрим таржимон ва муҳаррирлар маслаҳатлашгани Москвага, ВКП(б) МК қошидаги Маркс — Энгельс — Ленин институтига командировка қилинарди. Бундан ташқари коммунистлардан бир гуруҳи Ленинграддаги А. С. Енукидзе номли Шарқ институти қошидаги таржимон ва муҳаррирлар курсига юборилди, Тошкент марксизм-ленинизм институти қошида икки йиллик курслар ташкил этилди.

Буларнинг ҳаммаси ижобий натижалар берарди. 40-йилларнинг бошига келиб К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ўзбек тилида босилиб чиққан асарларининг умумий тиражи 303 мингни, В. И. Ленин асарлари 1 миллион 673 минг нусхани ташкил этди.

Лекин шуни ҳам айтиш кераккки, шахсга сиғиниш йилларида В. И. Ленин асарлари, айниқса унинг қарашлари Сталин фикрларининг йўналишига тўғри келмайдиган асарлари нашр этилмасди, бошқалари қисқартириб ёки сталинча шарҳлар билан бемаънилаштирилиб ва жонсизлантириб чиқариларди. Айни бир вақтда Сталиннинг нашр этилган асарлари сони аста-секин К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг босилиб чиққан асарлари умумий сонидан ошиб кета бошлади, тиражи бўйича эса икки баравардан зиёд ортиб кетди. 1955 йилда эълон қилинган жадвал бу ҳақда яққол тасаввур беради.

И. В. Сталин биографияси оммавий тиражларда босиларди, уни ўрганиш сиёсий маориф системасида мажбурий эди. Совет кишиларининг бутун бир авлоди социализм-

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин, И. В. Сталин асарларининг 1917—1954 йилларда мамлакатимизда нашр этилиши

	Китоблар сони	Тираж, минг нусхада	Неча тилда нашр этилган
Маркс — Энгельс	1786	65861	66
В. И. Ленин	6573	279098	81
И. В. Сталин	9843	706221	101
Ленин — Сталин (тўпламлар)	264	11833	29

ни сталинча кўриш руҳида алданиб келинди.

Худди шундай жараён таржима соҳасида ҳам юз берди. Масалан, 1938 йилда В. И. Ленин асарлари 10 номда, умумий тиражи 185,4 минг нусхада, И. В. Сталин асарлари тегишли равишда 13 номда ва 762,2 минг нусхада босилиб чиқди. «ВКП(б) тарихи қисқа курси» 100 минг нусхада босилди, унда партиямиз тарихи Сталин таҳририда баён этилган бўлиб, ижтимоий фанлар ривожига жиддий зарар етказди.

Асосий эътибор Сталин асарларини нашр этишга қаратилиши партиянинг идеология ишига зарар етказмаслиги мумкин эмасди. Марксизм-ленинизм классиклари асарларини чуқур ўрганиш цитаталар келтириш билан алмашиндики, бу уларнинг обрўсидан жамият ривожининг сталинча концепциясини тасдиқлаш учун номақбул мақсадларда фойдаланилди.

Шундай қилиб, шахсга сиғиниш даврида Сталин асарлари ва у билан боғлиқ ташвиқий-тарғибий адабиёт биринчи ўринга чиқиб қолди. К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари муайян мақсадга қаратилган афсоналаштириш, қонун-қоида объектига айланиб, уни талқин қилиш фақат «халқлар доҳийси»нинг ҳуқуқи бўлиб қолганди.

Бугун бизга кўпинча қуруқ расмиятчилик, насиҳатгўйлик, одамлар билан ҳақиқат тилида гаплаша олмаслик халақит беради. Ҳам мафкура, ҳам миллатлараро муносабатларга оид кўпгина муаммолар ленинча позициядан туриб қараб чиқишни талаб этади.

Жамиятимизнинг сиёсий маданиятини кўтариш кескин бўлиб турган ҳозирги шароитда марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиш ва ўзбек тилида нашр этиш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Вазифа маркcча тафаккур хазинасидан ҳар бир кишини баҳраманд этиш, ўшанда ҳам юзаки шарҳлаш йўлидан бормасдан, балки унинг ривожини, воқеликнинг конкрет шароитларига мувофиқ ўзгариб боришини кўрсатиб беришдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси МК қошидаги Партия тарихи институтининг марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиш сектори В. И. Лениннинг тўла асарлар тўпламини, К. Маркс, Ф. Энгельснинг айрим асарларини тайёрлади ва нашр этди. Кейинги икки йил ичида «К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин дин тўғрисида», В. И. Лениннинг сўнгги асарлари чоп этилди. «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съездлар, конференциялар ва МК пленумларининг резолюциялари ва қарорлари» кўп томлик тўплами нашри ниҳоясига етказилди.

Маълумки, таржималарда аниқлик, муаллиф услубини сақлаб қолиш тилининг тушунарли бўлиши жуда катта аҳамиятга эга, терминология масаласи ҳам жуда муҳим. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, афсуски, юқорида тилга олинган асарларнинг ҳаммасининг таржимасини мукаммал деб бўлмайди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Г. В. Плехановнинг танланган асарларини, Н. Бухарин, А. Риков, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси, республика комсомоли арбобларининг асарларини ўзбек тилида кўришни истардик.

В. И. Ленин туғилган кунига 120 йил тўлган даврда Владимир Ильичнинг назарий меросини тарғиб қилишни фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир, зеро биз социализмни ленинчасига тушунишга қайтяпмиз. Ҳаётимиздаги долзарб муаммолар муносабати билан В. И. Ленин асарларини вақтли матбуотда эълон қилиб боришдек яхши анъана қайтадан тикланса маъқул бўларди.

Э. ЖАББОРОВА,

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунунининг чет эл гражданлари учун тайёрлов факультети ижтимоий фанлар кафедрасининг ўқитувчиси.

А. БОНДАРЕНКО

«АЗИЗ, ТАЛАНТЛИ ВА ҚИММАТЛИ...»

РКП(б) МК Туркистон бюроси раиси Г. Я. Сокольников, қиёфасига чизгилар

1939 ЙИЛ КУЗИДА Верхне-Уральск сиёсий маҳбуслар изоляторида Москвадан маҳбусларнинг бири номига келган пулни олишмай қўйишди. Шу йўл билан Григорий Яковлевич Бриллиант (Сокольников) дунёдан ўтганлигини унинг қариндошлари ва яқинларига маълум қилишди. У 1936 йил июлида қамоққа олинишидан аввал СССР Ўрмон саноати халқ комиссарининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлар эди.

Совет ҳокимиятининг 19 йили мобайнида ана шу ажойиб ва серқирра истеъдод соҳиби партиянинг иродаси билан кўп касбларда ишлади. Ҳамма вақт ҳам энг юксак лавозимларни ишғол қилиб келди. Шулардан баъзи бирларинигина келтирамиз. Журналист сифатида Сокольников партиянинг Марказий органи «Правда» газетасининг редактори, экономист сифатида — Давлат банки идорасининг раиси, СССР Молия халқ комиссари ва СССР Госплани раисининг ўринбосари, дипломат сифатида — Буюк Британияда мухтор вакил ҳамда ташқи ишлар халқ комиссарининг биринчи ўринбосари, ҳарбий сиёсий ходим сифатида — бир неча армиялар ва фронтлар Революцион ҳарбий кенгаши аъзоси, саркарда сифатида — армия қўмондони ва фронт қўмондони, партия ходими сифатида — биринчи составдаги МК Сиёсий бюросининг аъзоси бўлган эди. Владимир Ильич Ленин Григорий Яковлевичга: «Азиз, талантли ва қимматли ўрток Сокольников...» (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 484-бет) деб берган мазмундор характеристика ана шу салмоқли рўйхатни якунлагандек бўлади.

Ҳозирги кунда, Сталин сиёсий изолятори авахталарида у бевақт ҳалок бўлганидан кейин 50 йил ўтгач, большевик Сокольников хотирасини ардоқлаб тилга олсак арзийди. Ушбу мақола гражданлар урушининг энг сўнгги фронтида М. В. Фрунзенинг вориси бўлиб қолган улкан партия ва ҳарбий арбоб ҳақида ҳикоя қилиб беришга уринишдир.

Туркистонга!

1920 йилнинг жазирама август куни поезд Тошкентга яқинлашиб келарди. Кўп кунлик йўл азобидан ҳориган йўловчилар вагонлар деразасидан деҳқонларнинг тутзорлар орасидаги пахса уйларини, бекатлардаги кичик бозор тусини олган майдончаларда ранго-ранг шарқона кийимларда юрган, салла ўраган эркаклар ва паранжи ёпинган аёлларни, европаликлар учун нотаниш Қўқон араваларни, эшак арава ва ҳатто туяга қўшилган араваларни зўр қизиқиш билан томоша қилишарди.

Вагонларнинг биридаги купеда тўрт нафар ёшлар бор эди. Ҳаммалари ҳарбий кийимда, қуроллари ҳам бор эди. Марказий Комитет ва шахсан В. И. Ленин йўллаган тажрибали, революцион курашда ва гражданлар уруши фронтларида синалган ҳарбий ва партия ходимлари РКП(б) МКнинг эндигина ташкил этилган

БОНДАРЕНКО Андрей Васильевич, подполковник, «Фрунзевец» газетаси муҳаррирининг ўринбосари.

Туркистон бюроси раиси — армия этиги ва оқ «Туркистон» гимнастёркасини кийиб олган қора сочли, қотма Григорий Яковлевич Сокольников бошчилигида Тошкентга келишаётган эди. Туркбюро раисининг ўзи йўлда келаётиб 32 ёшга тўлган эди. Купедаги шериклари ВЧҚнинг Туркистондаги фавқулодда вакили 34 яшар Екаб Петерс, Туркистон республикасидаги Рабкриннинг янги халқ комиссари, 26 яшар серғайрат Лазарь Қаганович ҳамда Сокольниковнинг В. И. Ленин «оловли» жўшқин эҳтироси учун суюб «Жоржик», «Софочка» ёки «Самоварчик» деб атаган Швейцария муҳожирлигидаги 29 яшар ўртоғи журналист Георгий Сафаровлар эди. Улар орасида Туркбюронинг фақат бир аъзоси — Афғонистондаги 38 ёшли мухтор вакил, Туркистон ва Ўрта Осиё бўйича ташқи ишлар халқ комиссарлиги вакили қилиб тайинланган Яков Захарович Сурицгина йўқ эди. Бир гуруҳ масъул партия ходимлари Ўрта Осиёга жўнаб кетганлиги ҳақида 1920 йил 18 августда «Правда» хабар қилган эди.

Ленин йўллаган кишилар Туркистонга қизғин кезларда етиб келишди. Верныйдаги аксилинқилобий исён бостирилганига атиги бир ой бўлган эди, Фарғона водийсида босмачи галалари билан қонли жанглар давом этарди. Бухоро амирлигида халқ революцияси авж олганди. РКП(б) МҚ Туркистон бюроси Туркистон большевикларига, шунингдек қўшни Хоразм ва Бухоро Компартияларига ёрдам бериш учун Тошкентга юборилган эди.

Ёш бўлишига қарамай, ўша вақтдаёқ Григорий Яковлевич партиянинг энг йирик арбобларидан бири эди. Бу келишган, камгап йигитни чўққи соқолу, мўйлови ёшидан катта қилиб кўрсатмас эди. У бешта Европа тилида бемалол гаплашарди. У ёш умри давомида 15 йиллик партия иши стажига эга бўлиб, деярли 2 йил чор авахтасида ётди, саккиз йил сиёсий муҳожирликда бўлди, фронтларда чиниқди.

Г. Я. Сокольниковни кутиб олган М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев бу ўртоқлар уларнинг ўрнида ишлаш учун Москвадан келганликларини билишарди. 5 июлдаёқ партия Марказий Комитети М. В. Фрунзе Ғарбий фронтга, В. В. Куйбишев эса Самарада ишлаш учун чақирилиб олинаётганлигини телеграмма билан хабар қилган эди. Аммо Бухородаги воқеалар муносабати билан Туркистондан кетишга ёлғиз Г. И. Бокийга жавоб беришга қарор қилинган эди: Ф. Э. Дзержинский уни ВЧҚ коллегиясига чақирилиб олинишини талаб қилган эди. Ўша пайтда, йўл-йўлакай Г. Я. Сокольниковга ҳикоя қилиб беришганларидек, Чоржўй ревкоми Бухоро амирлигининг қўзғолон кўтарган меҳнаткашлари номидан ёрдам сўраб Туркистон республикаси раҳбариятига ва Туркфронт революцион ҳарбий кенгашига мурожаат қилган эди.

Григорий Яковлевич бу масалани РКП(б) МҚ Туркбюросининг Турккомиссия ва Туркфронт Революцион ҳарбий кенгаши билан биргаликда ўтказган биринчи мажлисидаёқ қўйган эди ва амир истибдодига қарши Бухоро меҳнаткашларининг революцион курашида уларга ёрдам беришга қарор қилинган эди. Сокольников Фрунзе, Куйбишев билан ва фронт Революцион ҳарбий кенгашининг бошқа аъзолари — К. В. Поздеев, Ю. И. Иброҳимов, А. А. Блумберг билан биргаликда ўтказилажак ҳарбий операциянинг таъминланиши ва амалга оширилишини батафсил ўйлаб чиқишди.

Бу режа ғоят жасурона бўлиб, ажойиб бир тарзда амалга оширилди. Туркистон фронти кам сонли қизил полклари ихтиёрида ўн мингдан камроқ аскар бор эди. Амир армиясида маҳаллий бой-феодаллар отрядлари билан биргаликда тўрт баравар кўп куч — 43 минг яхши қуролланган сарбозлар ва элнавкарлар бор эди. Аммо бу устунликдан Фрунзе билан Сокольников чўчишмади. Саноқли кунлар ичида кўҳна Бухорога бир неча томондан ҳужум тайёрланган эди.

Операцияга раҳбарлик қилиш учун МҚ Туркбюроси қароридан кейин уч кун ўтгач Самарқандга, фронт бирлашган қўшинлар группаси дала штабига М. В. Фрунзе етиб келди ҳамда қўзғолон кўтарганларга ёрдам беришга чиқиш ҳақида буйруқ берди. Фронт қўмондонига Сокольников ҳам қўшилди, зеро у бундай қизғин пайтда Тошкентда қола олмас эди. Тажрибали, жангларда чиниққан командирлар И. П. Белов, Э. Ф. Кужало, М. Н. Никитин, Е. М. Швецов бошчилигидаги дивизиялар, бригадалар ва полклар Эски Бухорога ҳужумга отландилар.

Бухоро операцияси атиги беш кеча-кундуз давом этди. 31 август тунидаёқ амир Саид Олимхон ўз пойтахтидан Душанбага кочди, 2 сентябрь куни Эски

Бухоро қалъаси ишғол қилинди. Бу ҳақда Туркфронт қўмондони телеграмма билан дарҳол В. И. Ленинга хабар қилди. Григорий Яковлевичнинг таклифига биноан Бухорода РСФСРнинг Бухоро халқ ҳукумати ҳузуридаги мухтор вакили ва РКП(б) МҚ ҳамда Коминтерн вакили сифатида Турккомиссия раиси ўринбосари ва Туркфронт Ҳарбий революцион кенгаши аъзоси В. В. Қуйбишев қолган эди. Бухорога фронт Революцион ҳарбий кенгашининг бошқа аъзоси Юсуф Иброҳимов ҳам ҳарбий нозир қилиб жўнатилган эди. Сокольников эса Тошкентга қайтди.

Фрунзенинг ворисн

Ўша даврда Совет Россиясининг Ғарбида вазият ғоят оғирлашган эди, у ерда оқ поляклар билан уруш ҳали тугамаганди, Қримдан Донбассга эса генерал-лейтенант Петр Врангелнинг оқ полклари хужум қилиб туришган эди. Ленин илтимоси билан М. В. Фрунзе Москвага чақириб олинди. Жўнаб кетиш олдидан 10 сентябрда у Туркфронт штабида ишларни ва фронт қўмондонлигини Сокольниковга топширди. Шу тариқа РКП(б) МҚ Туркбюро раиси ва БМИҚ Турккомиссияси раиси айни чоқда Туркфронт қўмондони бўлиб қолди.

Григорий Яковлевич партия, давлат ва ҳарбий ишларга кўмилиб кетган эди. 1921 йил мартига қадар Ленин юборган вакил кечаю кундуз ўртоқлари билан биргаликда Туркистон, Бухоро ва Хоразмда инқилоб ғалабаларини ҳимоя қилиш ва Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш билан шуғулланди.

Ўша 1920 йил сентябрида Сокольников бошида қандай улкан ташвишлар бор эди? Энг аввало — амир қулатилганидан кейин Бухоро республикасида Совет ҳокимиятини ташкил этишга ёрдам бериш керак эди. 14 сентябрда Эски Бухорода республика олий қонун чиқариш органи — Бутун Бухоро ревкоми ва революцион Бухоро ҳукумати — Халқ Комиссарлари Совети состави тузилди. Григорий Яковлевич биринчилар қаторида Бутун Бухоро ревкоми раиси Абдулқодир Муҳиддиновни ва Халқ нозирлари советининг раиси Файзулла Хўжаевни ана шу олий давлат лавозимларига сайланганликлари билан муборакбод қилди. У 1926 йил 6 октябрида бўлиб ўтган биринчи Бутунбухоро қурултойини тайёрлашда ҳам иштирок этдики, бу қурултой Бухоро Халқ Совети Республикаси барпо этилганлигини эълон қилди.

Туркистон фронти қўшинлари қўмондони сифатида Г. Я. Сокольников аксилинқилобга қарши қуролли курашга раҳбарлик қилишдан бир кун ҳам четда турмади. Ўша кезларда босмачилар галалари ҳамда собиқ маҳаллий ҳокимлар — Бухоро амири Саид Олимхон ва Хива ҳокими Жунаидхон қўшинлари қолдиқлари Туркистон, Хоразм ва Бухоро республикаларининг Совет ҳокимияти учун реал хавф солардилар. Умуман олганда асосан Фарғона водийсида, Шарқий Бухоро ва Хивада тўпланган йигирма мингдан ортиқ қуролланган кишилар революция душмани эди.

Григорий Яковлевичнинг ғайрат-шижоатига, унинг ўз сафдошлари ва ёрдамчиларининг биргаликдаги машаққатли меҳнатини ташкил эта билиш қобилиятига қойил қолмай бўлмайди. Уни Тошкентда кўп жойларда кўриш мумкин эди. Аммо Зирабулоқ кўчасидаги икки қаватли 16-уйда, собиқ «Национал» меҳмонхонасида, яъни Туркфронт Революцион ҳарбий кенгаши жойлашган бинода ҳамда РКП(б) МҚ Туркбюроси ва Туркфронт ишлари бўйича БМИҚ ва РСФСР ХҚС Комиссияси бўлимлари жойлашган Қўйлиқ проспектидаги собиқ давлат палатасининг оқ тошдан ишланган биносида кўпроқ бўлар эди. Жуда кўп кишилар маълумот бериш ва топшириқлар олиш учун шу ерга келиб туришарди, Ленин вакили бепоён ўлканинг ҳамма бурчаклари билан минглаб ришталар орқали боғланган бўлиб, кескин муаммоларни аниқ билар, уларни ҳал этиш йўлларини топишга уринарди.

Фрунзе жўнаб кетгандан кейин икки кун ўтар-ўтмас, Сокольников Москвалик бошқа ўртоқлари билан биргаликда Туркистон Коммунистик партияси V съездининг ишида қатнашди. Съезд беш кун мобайнида ҳозирги аҳвол ва партиянинг Туркистондаги вазифалари ҳақидаги масалаларни муҳокама қилди. Делегатлар олдида асосий докладни Г. Я. Сокольников қилди. Съезд Қизил Армия қисмларида сиёсий тарбияни ва армия коммунистлари орасидаги ишни кучайтириш тад-

бирларини белгилаб чикди. Шундан кейин Тошкентда бўлиб ўтган Туркреспублика Советларининг IX съездида босмачиларга қарши курашни зарбдор вазифа деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Туркфронт қўшинларида демобилизацияни тўхтатиб қўйишди. Сокольников Революцион ҳарбий кенгаш аъзолари ҳамда унинг тавсияси билан Павел Иванович Кушнер (Книшев) бошчилик қилаётган фронт сиёсий бошқармаси ходимлари билан биргаликда қўшинлар ичида сиёсий ишни кучайтириш борасида зарур чора-тадбирлар кўрди. Ҳарбий қисмларда сиёсий состав кучайтирилди, партия активини жойлаштириш яхшиланди. Туркфронт Революцион ҳарбий кенгашининг бошқа аъзолари ҳам янги қўмондон билан биргаликда қўшинлар жанговар тайёргарлигини ошириш борасида катта иш қилдилар. Дарвоқе, Григорий Яковлевичнинг ташаббуси билан 1920 йил кузида Революцион ҳарбий кенгаш составига биринчи марта Туркистон Республикаси раҳбарлари — Туркистон Компартияси МК раиси Назир Тўрақулов ва республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси Исидор Евстигнеевич Любимов, шунингдек фронт қўмондонининг ўринбосари, 1-армия қўмондони Григорий Васильевич Зиновьев киритилдилар.

Фарғонада босмачилар ғоят катта ташвиш туғдирарди. Шу боисдан 24 сентябрда тарқатиб юборилган Самарқанд-Бухоро-Чоржўй қўшинлар группаси ўрнига 2-Туркистон ўқчилар ва 3-Туркистон отлиқлар дивизиялари негизида Фарғона қўшинлари армия группаси тузилдики, собиқ рус армиясининг штабс капитани, ниҳоятда довюрак, жанговар жасоратлари учун тўртта Георгий кресги билан мукофотланган Дмитрий Ефимович Коновалов унинг қўмондони бўлди. Сокольников босмачи галаларига қарши курашни ташкил этмоқ учун Тошкентдан Фарғонага жўнаб кетди.

Фронт қўмондонлиги илгаригидек қўшинларнинг чекланган миқдорига эга эди. Ҳамма вақт резервлар билан маневр қилишга тўғри келар эди. 1-алоҳида Туркистон отлиқлар бригадасининг собиқ командири Яков Мелькумовнинг хотирлашича, қўшинлар жойини ўзгартиришни жуда ҳам қисқартиш учун улар янгидан тўпланадиган жойларга фронт қўмондони одатда фақат штабларнигина жўнатар эди, Бу штабларга мазкур районларда жойлашган қўшинлар бериб қўйилар эди. Шундай қилиб, қўшилмалар составц тез-тез ўзгариб турарди, полкларнинг нумерацияси ҳам ўзгарарди, аммо бу билан оперативликка ҳамда маблағларни кўплаб тежашга эришиларди. Бундан ташқари, қисмлар нумерацияларининг ўзгариши душманни чалғитарди.

Сентябрда Я. Мелькумов бригада штаби билан биргаликда фронт Революцион ҳарбий кенгаши буйруғига биноан Андижонга — 3-Туркистон отлиқлар двизияси командири Л. Тимофеев ихтиёрига жўнатилди. Фарғона водийсига Еттисувдан 3-Туркистон ўқчиларининг И. Ф. Блажевич дивизияси жўнатилди. Г. Я Сокольников бу ерга фронтнинг энг жанговар қисмларини тўплади. Туркреспублика Советларининг IX съезди юборган Туркистон МИК раиси Абдулла Раҳимбоев ва Туркбюро аъзоси, фронт алоҳида бўлимининг бошлиғи Яков Петерс билан бирга Григорий Яковлевич Эски Андижон мачитидаги митингларда чиқиб сўзлади, Қўқон, Наманган, Скобелевда бўлди. Босмачиларга қарши қатъий кураш эълон қилинишини ҳамда Туркистонда, жумладан, Фарғонада ички сиёсатнинг ўзгартирилиши ҳақидаги баёнотни ҳамма ерда маъқуллаб кутиб олишди.

Ака-ука Гранатлар Энциклопедик луғатининг 41-томида эълон қилинган «Таржимаи ҳол»да Григорий Яковлевич Фарғона водийсидаги ўз фаолияти хусусида жуда қисқача эслаб ўтади: «Фарғонада босмачиларга қарши ҳарбий операцияларда яқиндан иштирок этдим, бу операциялар энг йирик қўрбошилардан бири Холхўжанинг батамом мағлубияти билан тугади. Каторгада бўлган собиқ жиноятчи, дароз ва бақувват каллакесар Холхўжа ўз отряди билан бирга Хитой чегараси томон тоққа кочди, аммо тор сўқмоқ йўлда қор уюми тагида қолиб ҳалок бўлди, аммо босмачилар тарқатган афсоналарга кўра Холхўжани осмондан учиб келган фариштталар ўлимдан сақлаб қолган эмиш, лекин унинг ғойиб бўлиши узил-кесил эди».

Григорий Яковлевич октябрь-ноябрь ойларида босмачиларнинг, айниқса Холхўжа ва қўрбоши Муиддин галаларининг бедодлигига қарши энг қатъий чоралар кўрди. Темир йўл бўйлаб зирҳли поездлар бетўхтов қатнаб турди. Қўрғонтепа, Гурунчмозор, Қорасувдаги горнизонлар кучайтирилди. Сокольников темир йўл

ёқаларида полклар ва батальонлар командирлари ва комиссарлари бошлиқ пикетлар (ҳар 3—5 километрда қўзғалмас постлар) ташкил қилди. Кечалари суворийлар отрядлари патруллик қилишар эди.

1920 йил охирига келиб Фарғона области босмачилардан деярли батамом тозаланган эди. Озод қилинган районлар аҳолиси тинч меҳнатга қайтди. Туркистонлик жангчилар эса фронт қўмондони Г. Я. Сокольников бошчилигида босмачиларга қарши курашда асосий кучни Шарқий Бухоро территориясига ташладилар, бу ерга Бухоро республикаси ҳукуматининг илтимоси билан умумий қўмондони В. М. Ионов бўлган 1-Туркистон отлиқлар дивизияси ва 8-Туркистон ўқчилар полки составида махсус тузилган экспедицион корпус жўнатилган эди.

Ҳисор деб аталган бу операция (чунки унинг мақсади Шарқий Бухоро территориясидаги босмачиларнинг асосий таянч нуқтаси — Ҳисор қалъасини забт этиш эди) Г. Я. Сокольников томонидан анча узоқ вақт ва пухта ишлаб чиқилган эди. Январь ойи давомида корпус қисмлари қўшимча тайёргарликдан ўтдилар ҳамда Бойсун, Китоб ва Дербент районида жамландилар. Ана шу ердан улар 15 февралда Сурхондарё водийси бўйлаб Денов томон юришди, кучларнинг бир қисми эса босмачилар чекиниши эҳтимол тутилган йўлни тўсиш учун Сангардон довонига жўнади.

Тожикистон тоғларида ҳаво тез-тез ўзгариб турарди, йўлларда юриб бўлмасди. Орқадаги кучларнинг кечикиши туфайли қизил аскарлар кўпинча оч қолишарди, безгак авжида эди. Аммо туркистонликларнинг жанговарлик жасоратини ҳеч қандай қийинчиликлар бука олмади. 16 февралда Я. Мелькумовнинг отлиқлар бригадаси Денов қалъасини қўлга киритди. 19 февралда Қоратоғ бўсағаларида Фарғонадан қочган Кўршермат қўрбоши галалари бешафқат жангда тор-мор келтирилди ва асирга олинди... Ҳисор йўли очилди. 20 февралда қалъанинг пахса деворлари ёнига М. Рогановнинг 2-отлиқлар полки етиб келди. Отлиқлар динамит билан дарвозани портлатиб Ҳисор қалъасига кирдилар, бу ерда бир неча соат мобайнида босмачилар билан қирғин давом этди.

21 февраль тонг пайтида қизил полклар Душанба шаҳрига жангларсиз кириб бордилар. Бу шаҳар ҳозир Совет Тожикистонининг пойтахти, ўша пайтда эса собиқ Бухоро амири Саид Олимхоннинг резиденцияси эди. Душанба қалъаси устида қизил байроқ ҳилпиради. Ҳисор операцияси олдига қўйилган вазифалар бажарилди.

Контрреволюцияга қарши курашда Туркфронт қўшинлари эришган муваффақиятлар Г. Я. Сокольников раҳбарлиги остида РКП(б) МҚ Туркбюроси ҳамда БМИҚ ва РСФСР ХКС Турккомиссияси ёрдамида Ўрта Осиё республикалари компартиялари ва ҳукуматлари ўтказиб келган дадил ва пухта иқтисодий ҳамда миллий сиёсат туфайли мумкин бўлган эди.

Ўз сафдошлари Г. И. Сафаров, Л. М. Қаганович, Я. Х. Петерс, Я. З. Суриц билан биргаликда Григорий Яковлевич қисқа муддат ичида бир қатор йирик иқтисодий ислоҳотлар ва сиёсий тадбирларни амалга оширдики, улар Туркистонда босмачилар ҳаракатини заифлаштирди. Чунончи, пул ислоҳоти ўтказилди ва «туркбонлар» деб аталувчи Туркистон пули йўқ қилинди. Марказий Россияга қараганда аввалроқ озиқ-овқат развёрсткаси озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилди, ялпи натурал меҳнат мажбурияти бекор қилинди, бозорларга бемалол моллар олиб келишга ва улар билан савдо қилишга ижозат берилди, яъни аслида ўша пайтда мамлакатда ҳукмрон бўлган ҳарбий коммунизмдан В. И. Ленин кейинчалик «янги иқтисодий сиёсат» деб атаган нарсага ўтилди.

Г. Я. Сокольников Фарғонада пахтачиликни тиклаш, қишлоқ камбағалларини «Қўшчи» союзига уюштириш борасида ҳам тадбирлар кўрди. Унинг ташаббуси билан Совет ҳокимиятига нисбатан ўз сиёсий хайрихоҳлигини билдирган қамоқда ётган муллалар озод қилинди.

Аммо Григорий Яковлевичнинг обрў ўзбек, қирғиз, туркман ходимларини масъулиятли давлат ишларига жалб этиш миллий сиёсатга қўшилган айниқса салмоқли ҳисса бўлди. Улар орасида Назир Тўрақулов, Абдулло Раҳимбоев, Файзулла Хўжаев, Қайғисиз Отабоев каби атоқли арбоблар бор эди. Маҳаллий миллий кадрлардан 1920 йил наябридан эътиборан Г. Я. Сокольников ташаббуси билан раҳбар ҳарбий ишларда фаол фойдаланди.

Бошқарув органларининг ўша пайтларда «рус» шаҳарлари деб аталган жойлардан «тузем» шаҳар ва кварталлари деб аталган жойларга кўчирилиши Совет Туркистонида ўтказилган миллий сиёсатнинг одилона характерини тасдиқлайди. Еттисувда Советлар Г. Я. Сокольников ва Г. И. Сафаров тавсиясига биноан кўчиб келган руслар томонидан ўзбошимчалик билан тортиб олинган ерларни қирғизларга қайтариб беришди.

Г. Я. Сокольников Туркистон фронтига ярим йилдан сал кўпроқ вақт қўмондонлик қилди. 1921 йил бошида у оғир бетоб бўлиб қолди. Бу ҳаддан ташқари кўп ишлаганлигининг асорати эди. Григорий Яковлевич даволаниш учун Москвага, сўнгра эса чет элга — Германияга юборилди.

Дўстлар ва душманлар

Г. Я. Сокольников ғоят билимдон ва жозибали инсон эди. Ташқи кўринишидан у одамови, камгап кўринсада, атрофидаги кишилар билан унчалик опоқ-чапоқ бўлмаса ҳам унинг дўстлари кўп эди.

Билмадим, темир йўл врачининг ўғли Гриша Бриллиантнинг Полтава яқинидаги Ромна шаҳарида ўртоқлари қолганмикан, зеро у 1888 йил 15 августда шу шаҳарда туғилди. Оила Украинада узоқ яшамади. Лекин Москвада, унинг отаси — коллеж ассесори, медицина доктори Яков Бриллиант кўчиб келган, Григорий ўсган, ўқиган, 17 ёшида большевиклар ташкилотига кирган ана шу шаҳарда у асл дўстлар топди. Улар орасида энг яқини гимназиядаги синфдоши Николай Бухарин бўлиб, у кейинчалик, Ленин сўзлари билан айтганда, «партия чинакам суйган киши», партиянинг ҳамма эътироф этган раҳбарларидан бири бўлиб қолган эди. 1905 йилда 5-Москва классик гимназиясидан икки дўст Москвада ёшлар яширин социал-демократик ташкилотининг асосчилари ва раҳбарлари бўлдилар.

Ана шу давр ҳақида Борис Пастернак билан Илья Эренбург эсдаликларидан кўп мароқли нарсаларни билиш мумкин. Улар ҳам Григорийнинг гимназиядаги ўртоқлари бўлиб, уни ғоят билимдонлиги ва букилмас иродаси, зukkoлиги, садоқатлилиги учун қадрлашарди. И. Г. Эренбург кўп вақтлар ўтгандан кейин, Сокольников ўша пайтлардаёқ менга «стратег» бўлиб кўринганди, жиддий ва қатъий эди, камгап, шахматни яхши ўйнарди, деб ёзганди.

Москвадаги подполье ишида РСДРП Сокольников райкоми аъзоси, большевиклар жанговар дружиналари штаби Москва Ҳарбий-техника бюросининг актив иштирокчиси университет студенти Григорий Бриллиант партиявий «Сокольников» деган лақабни олган эди. У 1907 йил кузида қамоққа олинди. Шундан кейин Бутирск турмасида ётди, суд бўлди, Сибирга бир умрга бадарға қилинди. Шу ерда Красноярск кўчирув қамоғида 1909 йилда Григорий Сокольников «Серго» лақабли ёш грузин большевиги — Григорий Оржоникидзе билан танишди, у ҳам Сокольниковнинг яқин ва содиқ дўсти бўлиб қолди. Сокольниковнинг рафиқаси Галина Иосифовна Серебякова шундай деб хотирлайди: «Гаря билан Серго самимий дўст эдилар... Бутун умри давомида Гаря фақат Оржоникидзе билан сенлашиб гаплашарди. У ҳамма сафдошларини исми ва отасининг исми билан чақирарди, бетакаллуфликка сира тоқат қилолмас эди» (Известия, 1989, 31 январь).

Сокольников большевик Г. Л. Школвский билан бирга Ангарадаги бадарға қилинган жойдан хорижга — Туркияга қочади, у ердан Парижга ўтади. Бу ерда Григорий Яковлевич 1909 йил кузида Владимир Ильич Ленин билан танишди. Сокольниковни В. И. Ленин ва Н. К. Крупскаянинг яқин дўстлари қаторига киритиш жуда ҳам тўғри бўлмас-у, лекин шу нарса шубҳасизки, Ильич билан Надежда Константиновна уни жуда қадрлашарди.

Владимир Ильичнинг топшириғига биноан ўртоқ «Виктор», ёки «Викторенок» — муҳожирликда Григорийни шундай деб аташар эди, — «Пролетарий» ишчилар клубига мудирлик қилди. Тенгдошларидан бирининг гувоҳлик беришича «Ленин Г. Я. Сокольниковга жуда яхши муносабатда эди, уни йўқотишни истамас ва у билан тез-тез суҳбатлашиб турарди» (Мордкович И. Д. Парижские впечатления. — В кн: Старый большевик. Сб. № (14), М., 1933, с. 133).

Муҳожирликда Григорий Яковлевич большевик Мирон Шейнфинкель (Владимиров) билан яқин бўлиб қолди, кейинчалик у билан кўп марта бирга ишлаш-

ди, В. И. Ленининг аҳди билан уларнинг иккови СССР Молия халқ комиссарлиги коллегиясининг аъзоси бўлишди.

Бошқа большевиклар каби Григорий Яковлевич ҳам муҳожирлик йилларида кўп ўқиди: Париж университетининг юридик факультетини ва ҳатто Сорбонна қошидаги юридик фанлар доктарати курсини тугатди. Шу ерда, Лонжюмода, Ленин ташкил қилган партия мактабида у яна ўз дўсти Г. Қ. Оржоникидзе билан учрашди. Сокольников кўзга кўринган партия публицисти бўлиб қолди. Биринчи жаҳон уруши вақтида у бетараф Швейцарияга, Женевага кўчиб ўтди, у ерда француз социалисти, шоир ва журналист Анри Гильбо билан биргаликда интернационал социалистик группага асос солди, «Янги Интернационал» журналини нашр қилди.

Г. Я. Сокольников Швейцария социалистик партиясида ишлади, Швейцария интернационалисти Фриц Платтен билан яқин бўлиб қолди, Платтен В. И. Ленин ва бошқа большевикларнинг 1917 йилда Россияга жўнашини ташкил қилган эди, ўшандан бир йил кейин эса Ильичга дастлабки суиқасд пайтида ўз танаси билан уни тўсиб қолган эди, Ленин, Зиновьев, Сафаров, Цхакая ва бошқа большевиклар билан биргаликда пломбаланган вагонда Германия орқали Россияга Г. Я. Сокольников ҳам етиб келди.

Григорий Яковлевич Петроградан Москвага қайтди, у ерда Н. И. Бухарин билан партия Москва комитети составига сайланди, партия VI съездида эса — И. В. Сталин билан биргаликда — РСДРП(б) МҚ составига ва «Правда» ҳаммуҳаррирлигига сайланди. Ленин билан биргаликда қуролли чиқиш учун овоз берди, Октябрь революциясини ўтказиш даврида сайланган МҚ Сиёсий бюросининг аъзоси эди.

Марксизм-ленинизм институти учун «Октябрь тўнтариши иштирокчисининг анкетаси»да у бундай деб ёзган эди: «Қўзғолон арафасида Смольнийда Владимир Ильич билан бирга тунадик. Тунни хоналардан бирида, чамаси, МИҚ нашриёти банд қилган хонада ўтказдик. Унда ҳеч қандай мебель йўқ эди. Гезеталар уюми қалашиб ётар эди. Биз уч киши тунадик. Аммо учинчи киши ким эканлигини эслай олмайман. Биз газета тахламлари устига ёнбошладик, газеталар билан ёпиндик — шу тариқа бир неча соат мизғиб олдик...» (ЦПА ИМЛ, ф. 70, об. 4, д. 385, л. 73). Г. Я. Сокольников партия МҚ аъзолари Я. М. Свердлов ва А. С. Бубнов билан биргаликда қўзғолон давомида вокзаллар ва постларни кузатиб турди; революцион қўшилмаларнинг ана шу жойларни ишғол этишига раҳбарлик қилди.

Революция тугагандан кейин, Григорий Яковлевич Германия билан тинч музокаралар олиб бориш учун Брестга юборилди. У совет делегациясининг бошлиғи сифатида 1918 йил мартида машҳур Брест сулҳ шартномасини имзоладики, бу шартнома Ленининг Сулҳ ҳақидаги декрети турмушда амалга оширилишини ҳамда Совет Россиясининг биринчи жаҳон урушидан чиқишини англатар эди.

Г. Я. Сокольников хусусий банкларни национализация қилиш лойиҳасини илгари сурди ва уни амалга оширди. У гражданлар уруши бошлангандан кейин партия МҚнинг бошқа аъзолари каби ҳарбий ишга — Шимолий Уралдаги 2-Армия Революцион ҳарбий кенгаши аъзолигига ўтказилди. Кекса большевик С. И. Гусев билан биргаликда (у ҳам кейинчалик Туркфронт Революцион ҳарбий кенгашининг аъзоси бўлган эди) Г. Я. Сокольников у ерда партизанчиликка чек қўйди ҳамда революцион Россия учун ғоят зарур бўлган Ижевск ва Боткинск қуролсозлик заводларини ишғол қилишни ташкил этди. 1918 йил охиридан эътиборан Григорий Яковлевич Жанубий фронт, республика бош фронти Революцион ҳарбий кенгашининг аъзоси ва айни бир вақтда 9-армиянинг сиёсий комиссари бўлиб ишлади.

У Новочеркасск остоналарида Краснов оқ казакларини тор-мор қилишни, Шимолий Донбасснинг озод этилишини таъминлади.

1919 йил мартида РКП(б) VIII съездида Г. Я. Сокольников МҚ топшириғига биноан ҳарбий аҳвол ва партиянинг ҳарбий сиёсати ҳақида доклад қилдики, унда Ленин платформаси акс этган эди. У Республика Революцион ҳарбий кенгаши Сиёсий бўлимини барпо этиш ғоясини илгари сурди. Бу бўлим кейинчалик Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флотининг Бош сиёсий бошқармаси бўлиб қолди.

Григорий Яковлевич гражданлар урушининг оловли йилларида фронтда ва фронт орқасида қанчадан-қанча яхши, содиқ дўстлар орттирганлигини айтиш

кийин. У Донда оқ казаклар исёни бостирилиши жараёнида қизил казаклар орасида машҳур бўлган дивизия бошлиғи Ф. Мироновнинг Жанубий фронтга қайтишида асосий ташаббускор бўлдики, Миронов кейинчалик 2-отлиқ армиянинг қўмондони бўлиб қолди, уни Ленин «Сокольников билан тутинган» деб атади.

Шундан кейин Григорий Яковлевич 8-армия Революцион ҳарбий кенгашига юборилди. Волчанск остонасида у қўмондонликни қабул қилиб олди ва кейинчалик Воронеждан то Новороссийскка қадар жанговар йўлни босиб ўтдики, Новороссийскда Деникин қўшинлари Қора денгизга улоқтириб ташланган эди. Республика Революцион ҳарбий кенгашининг 1920 йил 12 апрелдаги 150-сонли буйруғи билан командарм-8 Сокольников Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Кейинчалик армия тарқатиб юборилди. Унинг Қизил Байроқ орденли командарми эса Москвага, «Правда»га қайтди. 1920 йил августидан эътиборан у Туркистонда бўлди.

* * *

Г. Я. Сокольников соғайиб Германиядан қайтгандан кейин 1921 йил 26 сентябрда В. И. Ленин уни қабул қилди. Юқорида қайд қилинганидек, уни Молия халқ комиссарлиги коллегиясининг аъзоси қилиб тайинлашди, лекин унинг партия МҚ Туркбюросининг раиси бўлиб қолиши ва зарур бўлганида Туркистонга бориб туриши шарт қилиб қўйилди. Тахминан НЭП авж олган, Ленин барча муваффақиятларимизни молиявий сиёсатдаги муваффақиятлар белгилайди, деб эълон қилган пайтларда Г. Я. Сокольниковнинг РСФСР молия халқ комиссари этиб тайинланиши фактининг ўзи мароқлидир.

1922 йил 20 ноябрида Григорий Яковлевич сўнгги марта оғир бетоб бўлиб ётган Ленин қабулига киришга муяссар бўлди. Улар бир ярим соатдан кўпроқ гаплашишди: республика молиясининг аҳволи, Давлат банкининг иши, сўмнинг курси ҳақида суҳбатлашишди. Орадан бир кун ўтгач БМИҚ Президиуми 34 яшар Г. Я. Сокольниковни РСФСР молия халқ комиссари қилиб тасдиқлади. 1923 йилда Совет Иттифоқи ташкил топганидан кейин у биринчи СССР молия халқ комиссари бўлди.

Григорий Яковлевич ўз таржимаи ҳолида ёзганидек, у амалда мамлакатдаги банк ва молия ишларини ташкил этиш билан шуғулландики, бу иш ҳарбий коммунизм пайтида тугатилган эди. Унинг ташаббуси билан Госстрах ва давлат меҳнат омонат кассалари барпо этилди, молия ислоҳоти ўтказилди ва машҳур «олтин банкнотлар» — «червонлар», яъни бирдан-бир эркин муомалада бўладиган совет валюталари чиқарилди. Марказий Комитетнинг совет республикаларини ССР Иттифоқида бирлаштиришга тайёргарлик кўриш бўйича комиссияда ишлади.

Партия ички мунозараларида Г. Я. Сокольников МҚдаги озчиликни қувватлади, Сталиннинг ҳокимиятни қонунга хилоф равишда тортиб олишига қарши чиқди. Бу шунга олиб келдики, 1926 йилдан кейин Григорий Яковлевич ҳукуматдаги юқори лавозимлардан бирин-кетин бўшатилиб дипломатия ишига жўнатилди. Бир гуруҳ атоқли большевиклар — Ю. Пятаков, К. Радек, Л. Серебряков ва бошқалар билан бирга у 1936 йил ёзида тўқиб чиқарилган айбнома асосида қамоққа олинди ҳамда 1937 йил январида параллел антисовет троцкийчилар маркази бўйича машъум ва машҳур процессда қораланди. Уни ёзишмалар ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда 10 йил қамоққа ҳукм қилишди...

Григорий Яковлевич ҳаётининг сўнгги йилларида унинг дўстлари яна кўпайди. Улар орасида кимларни кўрмайсиз! У ўз оиласи билан яшаган Грановский кўчасидаги, сўнгра эса Арбат яқинидаги Қарманицкий тор кўчадаги уйда эски қадрдон ўртоқлари Николай Бухарин ва Серго Орджоникидзе, Михаил Тухачевский ва Михаил Фрунзе, Файзулла Хўжаев тез-тез бўлиб туришар эди. Ёзувчилардан Исаак Бабель, Борис Пильняк, шоир Борис Пастернак, ёш композитор Дмитрий Шостокович, ҳайкалтарош Вера Мухиналар бу ерга келиб туришар ва яшашар эди. Унинг революцион ишдаги сафдошлари Авель Енукидзе, Алексей Сванидзе, Андрей Бубнов дўстларининг уйига келиб туришарди... Г. Я. Сокольников Владимир Ильичнинг ўлимидан кейин Надежда Константиновна Крупская билан яхши муносабатларини давом эттирди, Г. Зиновьев, Л. Каменев, М. Лашевич ва бошқа кўзга кўринган большевиклар қатори Надежда Константиновна билан «янги оппозиция»да қатнашди.

Аммо Григорий Яковлевичнинг душман ва ғанимлари ҳам оз эмасди. Ла-

зарь Каганович улардан бири эди. Ҳа, 1920 йил августида Г. Я. Сокольников билан бирга Тошкентга юборилган ва Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари И. В. Сталиннинг топшириғига биноан Туркистон ишчи-деҳқон инспекциясига бошчилик қилган, Тошкент шаҳар Советининг раиси бўлган ўша Каганович.

Ички маданияти, билими паст бўлган Каганович зиёли Сокольниковга ҳасад қилар эди. Бунинг устига униинг Григорий Яковлевичга эскидан қасди ҳам бўлиб, бундан Сталин ўз манфаатлари йўлида фойдаланди. Дарвоқе, Сталин Г. Я. Сокольниковга ўзини яқин олиб қулоғига қуйиди: «у (Каганович) сендан 19-йил учун ўч оляпти, ўшанда Горькийдайдинг, у ерда у меньшевиклар билан биргаликда тил бириктириб ҳокимлик қиларди» (Известия, 1989, 31 январь).

Тошкентда киевлик собиқ этикдўз Каганович Сорбоннани битириб чиққан, иқтисод фанлари доктори, бунинг устига бевосита бошлиғи Сокольниковга бўлган нафратини янада зўр бериб яширди. Аммо Москвада, Сталин Кагановични ўзига яқинлаштириб олганида жаҳонга номи кетган олимга очиқчасига ғанимлик қила бошлади. Айниқса Г. Я. Сокольников унинг хўжайини ва ҳомийсига бир неча бор қарши чиққандан кейин бу адоват янада кучайди. Лазарь Каганович бошқа далиллар тополмагач, Григорий Яковлевични «билармон» деб атади. Москвада 1934 йил январида бўлган партия конференциясида ВКП(б) Москва Комитетининг биринчи секретари, МК Сиёсий бюроси аъзоси бўлиб олган Каганович «оддий колхозчи аёл сиёсий жиҳатдан «олим» Сокольниковдан саводлироқ» деди ҳақоратомуз бир оҳангда (қаралсин: IV Московская областная и III городская конференция ВКП(б). Стенографический отчет. М. 1934, с. 192).

Каганович пайт пойлаб ўзи Г. Я. Сокольниковни «чақиб олиш»га уринибгина қолмай, бошқаларни ҳам унга қарши гиж-гижларди. Масалан, МК Сиёсий бюроси аъзосининг қўлида СССР ўрмончилик саноати халқ комиссари, революция ва гражданлар уруши йилларида кўзга кўринган большевик ва армия сиёсий ходими бўлган Семен Семенович Лобов шундай қурол бўлиб қолган эди. (Дарвоқе, С. С. Лобов ҳам «халқ душмани» сифатида отиб ташланган эди).

Каганович ғаламислик билан шуғулланар экан, чамаси, кўринишдан вазмин ва босиқ туюлган Г. Я. Сокольниковнинг аслида қизиққон, нозик, жўшқин табиатини ҳисобга олар эди. Бир куни унинг «мушкетёрлик» жўшқинлиги 1919 йил мартида партия VIII съездининг минбарида сира кутилмаганда ўзини кўрсатди: у ёлғончиликда айбланганлиги учун ўрнидан ирғиб туриб, кекса большевик Н. Осинский (Оболенский)га тарсаки тортиб юборди.

— Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаганман ва ёлғон гапирмайман, деб бақирди Г. Я. Сокольников. Ана шу енгиллиги учун у деярли уч йил МК составидан чиқариб қўйилган эди.

Уни 20 йилдан ортиқ билган ва ана шу йиллар давомида ҳамиша Григорий Яковлевични ўз дўсти деб атаган киши — Иосиф Сталин Г. Я. Сокольниковнинг ҳақиқий душмани бўлиб қолди. Сталин билан Сокольников. Уларнинг фамилиялари кўп партия ҳужжатларида кўпинча ёнма-ён турарди, лекин бунинг сабаби бу фамилияларнинг бир ҳарфдан бошланганлигида эмас эди. Сокольников билан Сталин узоқ вақт «Правда»нинг ҳаммуҳаррирлари, биринчи составдаги МК Сиёсий бюроси аъзолари бўлдилар. Улар гражданлар урушининг Жанубий фронтида бир Революцион ҳарбий кенгашда ишладилар... Сталин ҳатто уни оқ полякларни савалаш учун жануби-ғарбий фронтга ўз ёнига келишини сўради. Аммо ёнларида Ленин бўлганлиги учун улар аҳил ва яқин эдилар.

Доҳий ўлимидан кейин Г. Я. Сокольников қонуний тарзда Сталин диктаторлигига нисбатан оппозицияда бўлди. Партия XIV съездида Григорий Яковлевич ўз нутқида янги бош секретарни сайлаш зарурлиги ҳақида гапирди:

— Ленин Сиёсий бюро раиси ҳам, бош секретарь ҳам бўлган эмас, лекин шунга қарамай ўрток Ленин партиямизда ҳал қилувчи сиёсий сўзни айтар эди... Шу боисдан айтмоқчиман: модомики, ўрток Сталин ана шундай ишончни ўрток Ленин каби қозонмоқчи экан, майли у бу ишончни қўлга киритсин... Бу бизга, ҳаммамизга керак, бу бутун партияга керак (XIV съезд ВКП(б). 19—31 декабря 1925 г. Стенографический отчет. М. — Л., 1926, с. 336).

Бундай нутқи учун Сталин уни кечирмади. Сталин бир кун аввал Ленин васиятини тилга олмаслигини сўраб, Г. Я. Сокольниковни: «ҳали пушаймон бўласан» деб огоҳлантирди. Кейинчалик у ўз сўзининг устидан чиқди. У ҳатто

Г. Я. Сокольниковнинг Н. И. Бухарин билан дўстлигидан фойдаланди, мақсади иғво ва фиски-фасодлар билан икковларини ҳам обрўсизлантириш ва ҳалок этиш эди. Г. И. Серебрякова хотирлашича, Бухарин 1936 йил охиридаёқ Сталиннинг яширин ниятларини олдиндан пайқаб Сокольниковга шундай деган эди:

— Мана, кўрасан, Григорий, икки йил ўтар-ўтмас Коба бизни отиб ташлайди...

Лекин хиёнатчи ва қасоскор Сталин бу спектаклни чўзди. У қамоққа олишидан (буни мўлжаллаб қўйганди) бир оз аввал, 1936 йил ёзида Григорий Яковлевични дачасига таклиф қилди, у ерда Сокольников шаънига «менинг эски жанговар дўстим, Октябрь революциясининг ижодкорларидан бири» деб қадаҳ ҳам кўтарди (Вопросы истории, 1988, № 12 с. 85).

Лондонда муҳожирларнинг «Вожрождение» газетасида «Сталин билан Сокольников» деган мақоланинг эълон қилиниши Сталиннинг ўч олиши сабабларидан бири бўлди. Мақолада улар бир-бирига қарама-қарши қўйилган, Сокольников шаънига ҳамду санолар ўқилган эди. Эҳтимол, Сталинга маълум бўлган мақола Григорий Яковлевич қисматини белгилаб бергандирки, у шу заҳотиёқ Англиядан чақириб олинди ва ярим йил ишдан бўшатиб қўйилди.

Шундан кейин бир неча ишларга тайинланди, ҳатто Москва яқинидаги Баковкада унга давлат дачаси берилди, яхши шароит яратилди. Сўнгра — қамалиш, Бутирск тергов қамоғи, азоблашлар, майнавозчиликдан иборат ноҳақ судлов...

Фақат Г. Я. Сокольников эмас, балки унинг бутун оиласи ҳам азоб-уқубат чекди. Унинг биринчи хотинидан қолган ўғли ҳалок бўлди, рассом В. Н. Дени дўстона, самимий «мағрур молия халқ комиссари» деб атаган инсоннинг бутун қариндош-уруғлари лагерларга ташланди. Унинг рафиқаси Галина Иосифовна Серебрякова билан 7 яшар қизи Зоря Леонидовна (ҳозир у тарих фанлари доктори) қамоқдан-қамоққа, лагердан-лагерга кўчиб юришди. 2 яшар мурғак Леночка Сокольникова онасиз қолиб ўн йилларча сургунда бўлди. Гелиана Григорьевна ҳам тақдир тақозоси билан Ўрта Осиёга келиб қолди. У ўз ҳаётида жуда кўп меҳрибон, мурувватли кишиларни учратди. Тошкентда у Низомий номли педагогика институтини тамомлади. Ҳозир эса Гелиана Григорьевна Тартикова-Сокольникова Москвада яшаб, меҳнат қилмоқда. Ўз отаси хотирасини тиклаш учун дўстлари билан биргаликда қўлидан келган ҳамма ишни қилмоқда.

Г. ХИДОЯТОВ

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР: ҚИЙИНЧИЛИКЛАР, ЗИДДИЯТЛАР, МУАММОЛАР

ФАН-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ дунёни ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига олиб келди. Социал-иқтисодий, сиёсий соҳаларда ҳам ўзгаришлар юз берди. Капитализмнинг эски системаси ўз ўрнини негизини жаҳон иқтисодиётини интеграциялаш ташкил этувчи янги системага бўшатиб берди. Халқаро чегаралар трансмиллий корпорациялар ва ташкилотлар томонидан бузиб юборилди, улар жаҳон савдосининг 90 фоизини назорат қилиб турибди. Бутун система уч марказдан — Токио, Лондон ва Нью-Йоркдан компьютерлар шохобчаси орқали координация қилинади, уни Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки воситасида иқтисодий жиҳатдан энг йирик еттита давлат бошқаряпти.

Ривожланаётган давлатлар гегемонликнинг янги жаҳон системасига дуч келишди, у уларнинг табиий ва меҳнат ресурсларини янада қаттиқроқ эксплуатация қилишни мўлжалламоқда. 50—60-йилларда қўлга киритилган сиёсий мустақиллик хавф остида қолди. Уларнинг қарзлари тез ортиб бормоқда, аҳоли сонининг ўсиши ишлаб чиқаришдан орқада қоляпти, халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетяпти, валюта ставкалари билан манипуляция қилаётган молия ташкилотларининг халқаро пул бозорида қўллари баланд келаётганлиги, энг йирик банкларнинг протекционизми туфайли молиявий аҳвол ёмонлашаяпти. Фан-техника революцияси ютуқлари туфайли такомиллашган ҳозирги замон капиталистик системаси мустамлакачилик қуллигига қараганда янада босқинчироқ ва шафқатсизроқ. Бу системанинг зўравонлигига қандай қарши туриш мумкин? Етти улкан давлатнинг ўз сиёсатларини ўзаро мувофиқлаштириб, биргалашиб иш кўраётган бу иерархиясига қарши қандай курашиш мумкин?

Ривожланаётган мамлакатлар бўйнигача қарзга ботган — қарзнинг умумий суммаси 1 триллион 300 миллиард долларни ташкил этади. Бу иқтисодиётни экспортга йўналтиришга мажбур этадики, бу уларни капиталистик бозорга, кредиторларга янада қаттиқроқ боғлаб қўяди. Янги материаллар ва энергия манбаларини яратиш экспорт қилинадиган товарлар баҳосининг кескин пасайиб кетишига олиб келди, бунинг натижасида фақат Африка мамлакатларигина 1987 йилда 19 миллиард доллардан маҳрум бўлдилар. Трансмиллий компаниялар томонидан мажбуран қабул қилинган асоратли битим ва шартлар исканжасида қолган Осиё ва Африканинг кўпгина давлатлари 15—20 фоизга етадиган талончилик қарз устамаларини тўлашга мажбур бўлмоқдалар.

Аҳвол бошқа бир қатор ҳолатлар билан янада оғирлашмоқда. Жумладан, Жанубий Африка республикасида (ЖАР) апартеид режимининг ҳукмронлик қилиши озчиликни ташкил этувчи оқ танлиларга кўпчиликни ташкил этувчи қора танлиларни эзишга ва уларга яшашнинг энг таҳқирли шарт-шароитларини мажбуран қабул қилдиришга имкон беряпти. Тўғри, кейинги вақтда бу мамлакат ҳукмдорлари унинг ирқчилик ва апартеид қўрғони сифатида кўпдан бери қарор топган қатъий тасаввурдан қутулишга уринишмоқда, лекин режимни ташқи

ХИДОЯТОВ Гога Аброрович, тарих фанлари доктори, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети янги ва энг янги тарих кафедрасининг профессори, Осиё ва Африка халқлари билан бирдамлик Ўзбекистон республика комитети раисининг ўринбосари.

-жиҳатдан «либераллаштириш» борасида кўрилган тадбир-чоралар жуда камлик қиляпти. ЖАР Африкадаги ёш давлатларнинг, биринчи навбатда «фронт яқинидаги» деб аталган қўшни давлатларнинг ички ишларига фаол аралашмоқда. УНИТА гуруҳи Анголадаги урушни тўхтатиш тўғрисидаги битимни муттасил бузиб келяпти. ЖАРнинг УНИТА билан алоқаси борлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас.

Регионал тўқнашувлар ҳам ривожланаётган мамлакатлар аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. 1987 йилда «учинчи дунё» давлатларида ана шундай тўқнашувлардан 35 та юз берди. Ҳарбий операцияларда 5,5 миллион киши қатнашди, қурол-яроғ сотиб олишга 35 миллиард доллар сарфланди. Эрон билан Ироқнинг миллий иқтисодиётига улар ўртасидаги уруш жуда катта зарар етказди. Ҳам у, ҳам бу томондан салкам бир миллион киши ҳалок бўлди ва жароҳатланди. Сепаратчиларнинг ҳаракатлари, миллий адоват, диний тўқнашувлар туфайли юз бераётган ҳарбий низолар, кескин вазиятлар сиёсий, социал ва иқтисодий жараёнларнинг нормал ривожланишига тўсқинлик қиляпти, ижтимоий тараққиётни секинлаштиряпти.

Яқин Шарқ муаммоларининг ҳал этилмаганлиги Фаластиннинг араб аҳолиси учун фожиага айланди, гражданлар уруши, Исроил тажовузи, конфессионал зиддиятлар туфайли хонавайрон бўлган Ливандаги вазиятга фалокатли таъсир кўрсатди. Ливандаги низо тобора оғирлашаётган сурункали касалликка айланди, унга ҳар хил илакишган, шу жумладан ташқи манфаатлар ҳам аралашди.

Қўрилаётган тадбир-чораларга қарамай, тахминан 40 та собиқ мустамлака ва ярим мустамлакалар ўз кучлари билан оддий такрор ишлаб чиқаришни ҳам таъминлай олмайди, улардан салкам ярми (асосан Африка қитъасидагилар) доимий озиқ-овқат ёрдамига муҳтож. Африка-Осиё мамлакатларининг кўпчилигида дарахтларнинг энг қимматли турларини кесиб ташлаш, сув ҳавзаларининг ифлосланиши, тупроқ ва ўсимликларнинг заҳарли химикатлар билан заҳарланиши, зарарли, баъзида инсонни ўлимга олиб борадиган чиқиндилар ташланишининг назорат қилинмаслиги натижасида экологик аҳвол кескин ёмонлашиб кетди. Буларнинг ҳаммаси — ғарб корпорацияларининг худбинлиги ва таловчилигининг натижасидир. Муттасил овқатга тўймаслик, оммавий заҳарланишлар, даҳшатли касалликлар эпидемияси жуда кўпгина ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси учун абадий йўлдош бўлиб қолди.

Маълумки, ижтимоий тараққиёт қонунларини эътиборга олмаслик жиддий деформацияларга олиб келади. Социал тараққиёт ўзича муқобил ва кўп вариантлидир. Унга фақат барқарор тенденцияларгина эмас, шунингдек тасодифий, ўзгарувчан омиллар ҳам хос. Шунинг учун ҳам уни олдиндан кўра билиш қийин. Капитализм ва социализмнинг ривожланиши, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар, Шарқда социалистик ориентациянинг ўзига хос шаклларини жорий этиш воситасида капиталистик босқични «четлаб ўтиш» имкониятлари билан боғлиқ ўтмишдаги кўпгина хатолар ҳам шундан келиб чиққан.

Кўпгина ривожланаётган давлатлар, шу жумладан капитализмга муқобил ривожланиш йўлига амал қилмоқчи бўлган давлатлар олдида турган муаммоларни ҳал этиш барча миллий-ватанпарвар кучларнинг биргаликдаги куч-ғайратини, курашнинг ижтимоий ва сиёсий базасини кенгайтиришни талаб этади. Тажриба шундан далолат берадики, биргина «сўлчилар», улар қанчалик жонбозлик кўрсатмасинлар, барибир мустамлакачилик ўтмишининг оғир юкидан қутулишнинг уддасидан чиқолмаяптилар.

Собиқ мустамлакаларнинг иқтисодий қолоқлигини тугатиш йўллари ҳақидаги илгариги тасаввурлар кўп жиҳатдан асоссиз бўлиб чиқди. Жумладан, қолоқликни тугатишнинг бир методи сифатида жадал индустрлаштиришга умид боғлаш барбод бўлди — бу ҳатто нисбатан йирик иқтисодий ва кишилар потенциалига эга бўлган мамлакатлар учун бажариб бўлмайдиган вазифа бўлиб чиқди. Масалан, ялпи миллий маҳсулотнинг анча қисмини индустриал секторни ривожлантиришга йўналтирган ёш давлатлар жуда катта қийинчиликларга дуч келдилар. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги, социал соҳа хароб бўлди, янгидан барпо этилган кўпгина саноат корхоналари ўз қувватларининг атиги бир қисмидан фойдаланишиб, аслида зарар келтирадиган корхоналарга айланиб қолди.

Ишлаб чиқариш воситаларини кенг кўламда давлат тасарруфига ўтказиш хўжаликни юритишнинг чиқимдор механизмини шакллантиришга олиб келади,

тақчилликни туғдиради, одамларни ўз меҳнати пировард натижаларидан манфаатдорликдан маҳрум этади, бу эса ўз навбатида ишёқмаслик, масъулиятсизликни келтириб чиқаради. Бунинг устига бюрократларнинг бутун бир армияси пайдо бўладики, улардан тажрибамиз кўрсатиб турганидек, қутулиш осон бўлмайди.

Конкрет реаллик қотиб қолган догмаларни ишончли тарзда улоқтириб ташлаяпти. «Учинчи дунё» мамлакатларида табақаланиш юз берди. Янги индустриал мамлакатлар — Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапурларнинг мавжудлиги шубҳасиз факт бўлиб қолди. Малайзия, Таиланд ҳам уларга жуда яқин бориб қолди, иккинчи ва ҳатто учинчи эшелон пайдо бўлишининг ҳамма аломатлари мавжуд. Бу давлатлар шу қадар тез ривожланяптики, масалан, Индонезия шу йилиёқ дунёдаги индустриал давлатларга тенглашиб олмоқчи. 1989 йилда бу ерда саноат маҳсулотининг ортиши 13 фоизни ташкил этди — бу кейинги 20 йил ичидаги рекорд ютуқдир. Айни бир вақтда у ерда камбағаллар камаймоқда. Иқтисодчиларнинг ҳисобига қараганда, ҳозир Индонезия аҳолисининг ўнтасидан атиги иккитаси камбағалликда яшаяпти, ҳолбуки 1976 йилда улар тўрттага тенг эди.

Собиқ мустамлака ва ярим мустамлакаларни индустрлаштириш кўп ҳолларда давлат сектори доирасида амалга ошириляпти, лекин миллий хусусий корхоналар, бунда фаол иштирок этишяпти, кўпинча трансмиллий компаниялар ёрдам беришяпти, одатда у бу мамлакатларнинг жаҳон капиталистик системаси ва капиталистик меҳнат тақсимотига тўла ёки қисман интеграцияланиши шароитида амалга ошириляпти. Бу чуқур зиддиятли жараёндир. Бир томондан, у ривожланаётган мамлакатлар меҳнаткашларини шафқатсиз эксплуатация қилишга, уларнинг табиий бойликларини ваҳшийларча талашга, уларнинг территорияларида экологияни бузувчи энг «ифлос» ишлаб чиқаришни жойлаштиришга, Африка ва Осиёдаги ёш давлатларнинг жаҳон капиталистик хўжалик системасида ҳуқуқда тенгсизлигини мустаҳкамлашга олиб келади; бу ерда ўйин қоидасини монополиядан ортиқча фойда олишга интилувчи йирик трансмиллий компаниялар ва банклар мажбуран қабул қилдиради. Бошқа томондан, мазкур жараён ички ресурсларни сафарбар этиш, иқтисодий рағбатлантиришнинг қаттиқ, лекин таъсирчан методларини ишга солиш, хўжаликни самарали юритиш учун ниҳоятда зарур бўлган индувидуал ташаббус ва омилкорлик уйғониши билан боғлиқдир.

Бунинг натижасида яқиндагина қолоқ бўлган, эзилган халқлар янги ҳаётга қадам қўймоқдалар, уларда ишонч пайдо бўлмоқда, цивилизациянинг бугунги ютуқлари меваларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Бинобарин, собиқ мустамлака ёки ярим мустамлакаларнинг ўз қолоқликларини бартараф этиш имкониятига эга эканликлари — бир афсона, хомхаёл эмас, балки бу мақсадга олиб борадиган йўл нечоғлик мураккаб ва оғир бўлмасин, реалликдир.

Лекин бу ҳол марксча-ленинча таълимотга қанчалик мос келади? Афсуски, биз унинг қатор қоидаларини яқин ўтмишда нотўғри талқин этганмиз, асосий концепцияларни догматик тарзда қабул қилганмиз. Шу муносабат билан В. И. Ленин асарларини янги кўз билан, янгича тафаккур нуқтаи назаридан туриб ўқиб чиқиш, социал ҳодисаларни, ленинча тадқиқ этиш диалектикасини идрок этиш муҳимдир.

Владимир Ильич 1911 йил 3 январда А. М. Горькийга ёзган хатида «демократик капитализм» иборасидан фойдаланиб, тушунтирган эдики, капитализмнинг гуркираб ривожланиши шароитида ишчилар синфи шунчаки капитализмга қарши эмас, балки унга янада маданийлашган шакллар бахш этиш учун курашади. «Капитализмда ҳам капитализм бор, — деб ёзган эди В. И. Ленин. — Қорагуруҳчи-октябрист капитализм ва *народниклик* капитализми (батамом «реалистик, демократик, актив» капитализм) бор» (Тўла асарлар тўплами, 48-том, 16-бет). «Рус революцияси, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин ўша хатида, — ва Осиёдаги революция = октябрист капитални сиқиб чиқариш ва унинг ўрнига демократик капитал ўрнатиш учун курашдир» (ў ш а ж о й д а, 17-бет).

Бу қоидаларнинг маъноси равшан: пролетариат капитализмни фош қилади, унинг мустамлакачилик сиёсатига, халқаро босқинчиликка қаршилик кўрсатади, лекин унинг ривожланишини тўхтатмайди, балки тезлаштиради, хўжаликни юритишнинг янада маданиятли, техника жиҳатидан анча юқори усулларини, бошқаришнинг янада демократиялирок шаклларини қўллашга мажбур этади. У уни

сиқиб боради ва реакцион октябрист капитализмни демократик капитализмга айлантиришга интилади.

Лекин тараққиёт иқтисодиёт билан чекланиб қолмайди. Жамият тараққиёти нуқтаи назаридан олганда ривожланишнинг тарихий-маданий, ижтимоий-маданий жиҳатлари ҳам муҳим. Ўз вақтида биз Африка-Осиё йўлининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги масалани қўйишни умуман қатъий инкор этган эдик. Шарқ мамлакатлари ўзига хос этник-социал колорит, миллий хусусиятлар, қадимий анъаналар билан ажралиб туришини мана эндигина тушуна бошладик. Бунда синфий асос доимо ҳам аниқ ажратиб кўрсатилмаган ва меҳнаткашлар томонидан англаб етилмаган, у миллий, уруғчилик, қавм-қариндошлик, диний ва бошқа жиҳатлар билан чатишиб кетган. Анъаналар ва анъанавий тартиботлар жуда катта таъсир кўрсатади. Бу жиҳатдан Эрон тажрибаси ибратлидир. Бир томондан, мамлакатни Ғарб тарзида тезда модернизациялаш шоҳ амалга оширган ер ислоҳоти жараёнида қишлоқдан деҳқонларнинг кетиб қолиши, замонавий саноат ривожланган сайин ҳунарманд ва косиблар бир қисмининг хонавайрон бўлиши ҳисобига турли шаҳар ва бюрократик қатламларнинг ўсишига олиб келди; иккинчи томондан — мамлакатга Ғарбдан, биринчи навбатда Америкадан паст савиядаги маданиятнинг кириб келиши халқ оммасининг норозилигини кучайтирди, бундай маданият ўрнашиши миллий ўзига хослик, анъаналар, ахлоқ ва маънавиятнинг сиқиб чиқарила боришига олиб келди. Бундан руҳонийлар фойдаланишди, диний фундаменталистлар ҳокимиятни осонгина қўлга олишди.

Шубҳасиз шундай хулоса чиқарса бўлади: жамият ривожланишининг ҳар қандай йўлидаги тараққиётни Осиё ва Африка аҳолиси ҳаётининг турли соҳаларида сақланиб қолган анъанавий тартиботлар ва қадриятлардан ажратиб бўлмайди.

Бу мамлакатларнинг жамоат ва сиёсий арбоблари Осиё ва Африка мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши программасини таклиф этдилар. Унда қуйидагилар кўзда тутилган: саноат ва қишлоқ хўжалигида миллий сармоянинг улушини ошириш; иқтисодий планлаштиришда регионал ёндашишдан фойдаланиш; умумий манфаатлар йўлида битимни ишлаб чиқиш масаласи бўйича «улкан етти давлат» билан мунозаралар олиб бориш учун қарздор мамлакатларнинг бирлашган фронтини барпо этиш; регионал низоларни ҳал этиш; тўла қуролсизланишга эришиш йўлидаги уринишларни қўллаб-қувватлаш, ўз территорияларида ҳарбий саноатни зўрлаб барпо этишларга қарши қатъий кураш; ривожланган давлатлар ялпи миллий даромадининг муайян фоизини «учинчи дунё» мамлакатлари учун ажратиш, янги, анча адолатли халқаро иқтисодий тартибни ўрнатиш.

* * *

Озодликка чиққан мамлакатларнинг кўпгина муаммоларини умуман фақат жаҳон ҳамжамиятининг куч-ғайрати билангина ҳал этиш мумкин. Булар очлик, қолоқлик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари. Шунинг учун ҳам, бир томондан, империализм ва мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклига (АҚШнинг Панамага тажовузи) қарши принципиал кураш олиб бориш, иккинчи томондан, прогрессив кучларга ҳеч қандай фойдаси тегмайдиган самарасиз конфронтацияга умид боғламаслик муҳим. Аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, кенг кўламдаги, шу жумладан трансмиллий корпорациялар томонидан бериладиган ёрдамсиз кўпгина озодликка чиққан мамлакатлар ҳеч нима қилолмайди. Акс ҳолда улар ўз тараққиётининг энг кичик, камтарона лойиҳаларини ҳам хавф остида қолдирадилар.

Қуролсизланишнинг кенг кўламдаги программасини амалда рўёбга чиқариш туфайли катта имкониятлар очилмоқда, бунинг натижасида буюк давлатлар бўшаб қолган маблағларнинг бир қисмини ривожланаётган мамлакатларга ёрдам фондига ўтказишлари мумкин бўларди. Лекин масалани шу тарзда қўйиш учун ривожланаётган мамлакатлар қуролланиш пойгасини тўхтатишлари, регионал низоларда қатнашишдан воз кечишлари керак.

Озодликка чиққан мамлакатлар тақдири уларнинг Совет Иттифоқи билан иқтисодий алоқасининг даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугун бу мамлакатлар Шарқ билан Ғарб алоқаларининг яхшиланиши, мабодо имериализм ўша мамлакатлардан биронтасига тажовуз қилгудек бўлса, СССРнинг четдан туриб кузатувчи позициясини эгаллашига олиб келмасмикин деб чўчимоқда. Совет қўшин-

ларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши — бу Совет Иттифоқи Осиёдан чиқиб кетади ва ривожланаётган мамлакатлар тақдири билан камроқ қизиқади деган маънони англатмайдими?

Бу хилдаги шубҳалар асоссиздир. Осиё ва Африка — бу халқаро сиёсат учун бир карвонсарой эмас. Дунё иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган бир бутун системага тобора кўпроқ айланиб бормоқда. Жаҳон сиёсати системаси ана шу муносабатларга асосланади, ҳеч ким уларни субъектив фикр-мулоҳазаларга таяниб ўзгартира олмайди. Шу билан бирга СССРнинг Осиёда алоҳида ўзига хос манфаатлари бор. Унинг аҳолисининг деярли ярми Осиё китъасида яшайди, чегараларимизнинг 3/4 қисми шу ердан ўтади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, мамлакатдаги кўпгина миллатлар Осиёдаги қўшни халқлар билан қариндош-уруғчилик ришталари билан боғланган.

Ташқи муносабатларни қайта қуриш ва мафкурадан халос қилиш шароитида давлатимиз инсониятнинг умумий консенсусини қарор топтиришни, яъни халқларнинг умумий манфаатларини ҳисобга оладиган ва умуминсоний маънавий қадриятларни ҳамма нарсадан устун қўядиган метод ҳамда воситаларни қидиришни ўз халқаро сиёсатининг асоси деб билади.

М. С. Горбачёв 1988 йил декабрида БМТ да сўзлаган нутқида халқаро муносабатларни қайта қуриш программасини илгари сурди. Унда жаҳон муаммоларини янгича идрок этиш ва уларни ҳал қилишда янгича фикрлаш конкрет шаклда баён этилди. Бу программани жаҳон афкор оммаси маъқуллади. Совет ва ХХР раҳбарларининг 1989 йил май ойидаги Эрон президенти Рафсанжаний ва Индонезия президенти Сухарто билан, ўша йилнинг июнь ва сентябрь ойларидаги учрашувларида янги ёндашувлар ўз ифодасини топди.

Мафкуравий фикр-мулоҳазалар бўйича алоқалар кейинги 25—30 йил ичида тамоман тўхтатиб қўйилган мамлакатлар раҳбарлари билан учрашиш фактининг ўзи Совет давлатининг ташқи сиёсатида янги принципларнинг тантана қилганлигини англатади. Имзоланган сиёсий ҳужжатлар уларнинг аслида турмушга оширилиши бўлди. Бу ҳужжатларнинг ҳаммасида уларнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва иқтисодий қудратидан қатъи назар, давлатлар ўртасида тенг ва адолатли иқтисодий муносабатлар ўрнатиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ривожланаётган мамлакатлар жамоатчилиги СССРдаги қайта қуриш жуда муҳим халқаро муаммоларни ҳал этиш мақсадида куч-ҳаракатни бирлаштириш учун катта имкониятлар беради деган ишончга келмоқда. У жаҳоннинг иқтисодий тараққиёти ва меҳнат тақсимотида янги муқобилликни илгари суриб, халқлар ўртасида тенг, ўзаро фойдали ва адолатли муносабатларни қарор топтирмоқда.

Бунга мамлакатимиз регионлари ва республикаларининг хўжалик ҳисобига ва хўжалик мустақиллигига ўтиши ёрдам беради. Қўшни Осиё давлатлари билан мустақил халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш келгусида регионал бирлашмалар ёки иқтисодий гуруҳларни барпо этишга олиб келиши мумкинки, бу нарса иқтисодий ва маданий соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорлиқ қилиш механизмини қарор топтиришга имкон берарди. Жумладан, умумий бозорни ташкил этиш билан эркин савдонинг Ўрта Шарқ зонасини барпо этиш ниҳоятда истиқболли иш деб ўйлаймиз, унга Ўзбекистон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Покистон ва Шимолий Ҳиндистон кириши мумкин бўларди. Ҳозирги мавжуд икки трасса — Кушка — Ҳирот — Қандаҳор ва Термиз—Саланг—Кобул—Жалолобод—Пешовар трассалари улар ўртасидаги барқарор савдо алоқаларини таъминлаши мумкин. 1989 йилнинг июнида Машҳад—Сарахс—Тажан темир йўлини қуриш тўғрисида Эрон ҳукумати билан битимга имзо чекилди. Бу, аслини олганда бўлажак Ўрта Шарқ иқтисодий бозори учун тайёр инфраструктурадир.

Буюк ипак йўлини қайта тиклаш катта аҳамиятга эга бўларди. У Хитой шаҳри Ланчжоудан то Ўрта денгиз портлари Сур (Тир) ва Сайдага қадар чўзилиб, икки минг йилдан ортиқ вақт ишлади ҳамда Осиё мамлакатларининг иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнади. Бу йўлнинг тикланиши уни жуда катта эркин иқтисодий зонанинг асосига айлантирардики, бундан ХХР (Синьцзян), Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Эрон, Сурия, Ироқ ва Ливия фойдаланган бўларди. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро орқали Фарғонадан Хивагача бўлган йўл участкасида — йўл бўйида туристик комплекс: меҳмонхоналар, кемпинглар, карвонсаройлар барпо этиш капитал оқиб келишини таъ-

минлайди, ёшлар ўртасида ишсизлар муаммосини ҳал этишга, ноишлаб чиқариш тармоқларининг ўсишига ёрдам беради.

Ҳозирча мазкур муаммо билан ЮНЕСКО, Англия, Франция, ГФР, Япония шуғулланяпти. Шундай савол туғилади: жуда катта фойда келтирадиган ишда нима учун совет ташкилотлари сусткашлик қиляпти? Унинг қанчалик фойдали бўлишини хорижий давлатлар тажрибаси кўрсатиб турибди. Жумладан, Испания чет эл туризмидан ҳар йили 17 миллиард доллар соф фойда олади, бу унинг бутун экспортининг 30 фоизини ташкил этади. Интурист эса 1989 йилда ҳаммаси бўлиб 560 миллион доллар фойда олди. Иқтисодиётнинг бу тармоғига ёндашув ҳам ҳар хил бўляпти. Испанияда туристларга хизмат қиладиган меҳмонхоналарда 6 миллион ўрин бор, бизда эса улар — атиги 60 мингта.

Шак-шубҳа йўқки, Буюк ипак йўлини тиклаш программасини амалга оширишда чет эл фирмалари иштирок этишади. Улар учун бу — тижорат-реклама иши, кўп фойда олиш усули, биз учун эса — ҳам тарихни билиш, ҳам мамлакатимиздаги миллион-миллион гражданларнинг манфаатларига дахлдор бўлган масала, ҳам кадрларни тайёрлаш, ҳам Ўрта Осиё республикаларининг маданий ривожланишидир. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Буюк ипак йўли комплексининг Ўзбекистон территориясидан ўтадиган қисмидан фойдаланишдан тушадиган соф фойда дастлаб 100 миллион долларни ташкил этади, кейин, бора-бора 1 миллиард долларга етади. Кейинчалик маршрутни Афғонистон, ХХР ва Эрон территориялари бўйлаб давом эттирса бўларди.

Истиқболда қилинадиган мана шундай ишлар муносабати билан Тошкентда «Буюк ипак йўли» уюшмасини барпо этиш масаласи қўйиляпти, у маршрут трассасини актив қидириш билан шуғулланган, тадқиқот ишларини ташкил этган, маблағ қидириб топган, альбом ва тасвирий материалларни нашр этган, кўргазмалар уюштирган бўларди. У туристик комплексдан фойдаланиш ишини таъминловчи акционерлик жамиятининг коллектив аъзоларидан бири бўлиши мумкин.

* * *

Инсоният тақдири Африка-Осиё мамлакатлари ва халқларининг жаҳон ҳамжамиятида қандай ўринни эгаллашларига, мустамлакачилик давридан қолган қолоқликни қанчалик тез бартараф эта олишларига, уларнинг кишилик жамиятининг умуммоддий ва маънавий тараққиётига қўшадиган ҳиссасининг нечоғлик самарали бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Осиё ва Африка мамлакатларига ўз мустақиллигини саклаб қолишларида, иқтисодий ва социал ривожланишда муваффақият билан олдинга силжиш ишларида ёрдам бериш барча илғор давлатларнинг бурчидир.

САНОАТ ИШЧИЛАРИ МИЛЛИЙ ҚАДРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

ЎН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ҳал этилмай йиғилиб қолган муаммолар Ўзбекистонда ўткир ва зиддиятли социал-иқтисодий ва демографик вазиятни вужудга келтирди. Халқ хўжалигининг тармоқ структурасига ҳатто оддий назар ташлашнинг ўзи ҳам республика иқтисодиёти бир ёқлама кенгайиб кетганлигини дарҳол ошкор қилади. Аҳвол шундай бўлиб қолгандики, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги билан бир қаторда унда ўз махсулоти билан асосан аграр секторни таъминлайдиган тармоқлар устунлик қилиб келди; саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 60 фоизи хом ашё ва ярим фабрикатларга тўғри келарди. Регион саноатининг номукаммаллиги туб ерли аҳолининг социал структурасига, унинг саноатнинг анъанавий тармоқларида жамланишига таъсир қилди ҳамда фан-техника тараққиётини белгилайдиган ва республиканинг хўжалик ҳисобига ўтишини таъминлайдиган тармоқларда уларнинг ниҳоятда камчил бўлишига олиб келди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда шаклланиб келаётган иқтисодий ва структуравий сиёсат ўз асосига кўра индустриялаш жараёнлари, хусусан қишлоқ хўжалигида интенсивлашга ва ана шу заминда саноат ишчилар синфи миллий отрядларини ривожлантиришга таянади. Республиканинг нафақат ҳозирги куни, балки келажаги ҳам шундай сиёсат билан боғлиқдир. Ана шу нарса тақриз қилинаётган асарнинг * илмий-назарий ва амалий қимматини белгилаб берган.

Муаллиф, бой фактик материалга ҳамда социологик тадқиқотлар натижаларига таяниб, халқ хўжалигида туб ерли аҳоли меҳнат ресурслари тақсимланиши ва жойжойига қўйилишига таъсир кўрсатувчи тенденцияларнинг сабаб-оқибат алоқадорлигини таҳлил этишга уринган. У республикадаги социал-иқтисодий ва демографик вазиятни таърифлар экан, ушбу муаммо фақат иқтисодий ва социал соҳаларда туб ўзгартишлар амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолда эмас, балки ишчилар синфи ўзи ривожидаги, меҳнат ресурслари потенциалидан фойдаланишдаги салбий тенденциялар туфайли ҳам вужудга келди ва кескинлашиб кетди, деб уқтиради (6-бетга қаралсин).

Асарда муаммоларнинг бутун комплекси ичидан фақат индустриал ишчилар синфи миллий отряди шаклланишида республикада вужудга келган вазиятни ҳамда туб ерли аҳолининг саноатда бандлик даражасини яна ҳам яққол акс эттирадиган жиҳати кўриб чиқилади. Бундай ёндашув, бизнинг назаримизда, муаллифга социалистик мулк, фан-техника тараққиёти, меҳнат ресурслари сифати ҳамда ишлаб чиқарувчи кучлар, урбанизация ва миграция каби фундаментал ва кўламдор масалаларни ўз тадқиқоти марказига қўйиш имконини берган. Бунинг тўғрилиги шу билан ҳам боғлиқки, айни шу ҳодисалар пировард натижада инсон омили фаоллашувини, кишилар психологияси ва турмуш тарзидаги сифат ўзгаришларини, уларнинг территориал, тармоқлар ва социал жиҳатдан аралашувини, янги кадриятлар ишлаб чиқилишини, касбий йўналишни таъминловчи реал кучдир.

Муаллиф илмий социализм асосчилари илгари сурган қоидаларни янгидан кўриб чиққандай ва мушоҳада қилгандай бўлиб, Ф. Энгельснинг саноат ишчилари «ўз қизиқишлари ва принципларига, ўз дунёқарашига эга бўлган мустақил синфни ташкил этади... бутун миллат ва унинг келгусида ривожланишига қобиллиги ана шу синфга асосланади» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. т. 2, с. 463), деган фикрининг актуаллигини исботлаб беради. Бугунги кунда республикада туб ерли аҳоли миллий ўзлигини англаши юксалаётган ва иқтисодий мустақилликка ўтиш йўллари ишлаб чиқилаётган бир пайтда ана шу қоида нафақат назарий, балки амалий, сиёсий ва давлат аҳамиятига ҳам моликдир.

* А. К. Таксанов. **Перестройка и некоторые проблемы развития национальных кадров индустриального рабочего класса.** Ташкент. «Фан» 1989. 116 с.

Ҳозирда Ўзбекистонда жадал ўсиб бораётган меҳнат ресурслари билан халқ хўжалигининг индустриал секторида қўшимча иш жойлари барпо қилишдаги қолоқлик ўртасида, янгиланаётган ишлаб чиқаришнинг кадрларга бўлган талаби ошиб бораётгани билан етиштирилаётган иш кучи сифатининг пастлиги ўртасидаги зиддият кўзга ташланмоқда. Кўриб чиқилаётган тадқиқотда ҳаққоний равишда, «туб ерли аҳоли индустриал ишлаб чиқаришларга руҳан, техникавий, касбий жиҳатдан тайёрланмаган», масала саноатга чекланган бир тўдани эмас, балки унинг кенг қатламларини жалб этишдан, аҳолининг умумий маданиятини тубдан ўзгартиришдан, унинг социал жиҳатдан қоришиб кетиши, ишчилар ва оилавий сулолалар вужудга келиши потенциал имкониятлари ва ҳоказолардан иборат, деб таъкидланади (14-бетга қаралсин).

Меҳнат ресурслари касбий тайёргарлигининг йўқлиги улар муайян қисмининг технология жараёнлари паст даражада индустриялашган ишлаб чиқаришларда, айни шу қишлоқ хўжалигида ишга жойлашувга мажбур қиладики, бу соҳада иш жойларининг учдан икки қисми ҳозирча на касбий, на малакавий тайёргарликни талаб этади.

Меҳнат ресурслари сифатининг етарли даражада эмаслиги, муаллиф фикрича, меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳаракатчанлиги пастлигининг сабабларидан биридир. Чунончи, аҳолининг бир ердан бошқа ерга кўчадиган тўдаси умумий миқдорининг атиги 26,7 фоизи «қишлоқ-шаҳар» оқимига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқи ўзбек доимий истиқомат жойида иш ва ўз меҳнатини татбиқ қиладиган соҳа бўлмагани ҳолда ҳам кам ҳаракатчанлиги билан фарқ қилади ҳамда шаҳар ва қишлоқ регионларида меҳнат коллективларини вужудга келтиришда суст қатнашади, холбуки бу регионлардаги саноат корхоналарида бўш иш жойлари ҳамиша бўлади.

А. Қ. Таксанов индустрия ишчилар синфи таркибида туб ерли аҳоли вакилларига доир маълумотларни келтирган. Чунончи, 1986 йилда саноатда ўзбек ишчилар улуши 45,7 фоизни ташкил қилгани ҳолда химия ва нефть-химия тармоқларида — жами 25 фоиз, машинасозликда — 25,2, рангли металлургияда — 31,3, кўмир тармоғида — 30,1 фоиз бўлган. Муаллиф фикрича, ана шу тармоқлар туб ерли аҳоли ишлайдиган одатий соҳалар эмас ва, табиийки, уларнинг эътиборини кўпроқ саноат ишлаб чиқаришининг анъанавий соҳалари жалб этади, масалан, енгил саноат — 67,7 фоиз, озиқовкат — 59, ёғочга ишлов бериш саноати — 47,8 фоиз (28-бетга қаралсин).

Шу билан бирга китобда таъкидланадики, туб ерли аҳолининг нафақат қайта ишловчи, балки кўпроқ фанга асосланган ишлаб чиқаришларда ҳам улуши ошиб бориши меҳнат ресурсларининг маданий-техникавий савиясини ўстирган бўлур эди. Шунинг учун ҳам келгусида Ўзбекистонда аввало сермеҳнат ва прогрессив электрон, асбобсозлик, радиотехника ва шуларга ўхшаш тармоқларни фаол ривожлантириш лозим.

Ана шу фикрни тасдиқламоқ учун А. Қ. Таксанов индустриал ишчилар синфи миллий отрядининг шаклланишида фан-техника тараққиётининг ролини тадқиқ этади. Республикада турғунлик даврида туб ерли аҳоли вакилларининг индустриал ишлаб чиқаришдан систематик тарзда ва муайян мақсадни кўзлаб бегоналаштирилуви уларнинг саноатга, шу жумладан анъанавий тармоқларга келишига салбий таъсир қиладики, бунга биринчи галда иқтисодиётнинг пахтачиликка мослаштирилганлиги сабаб бўлди.

Бундан ташқари, туб ерли аҳолининг тармоқлардан тармоққа, жумладан деҳқончиликдан индустрияга суст ўтишининг сабаби шундаки, саноатнинг ўзи унинг шу соҳани танлаши учун шароит яратмайди. Чунончи, республикадаги 1500 корхонадан 500 таси реконструкциялаш ва техникавий қайта қуроллантиришга муҳтождир. Муаллиф меҳнат ва иш жойларининг фонд билан етарлича таъминланмаганлиги, эскириб қолган машина-ускуналар миқдорининг анчалиги, технологияларнинг қолоқлиги ишловчилар жисмоний нагрузкасини кўпайтирди, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам индустрияда малакасиз қўл меҳнатининг улуши хусусан ёрдамчи бўлинмаларда ҳануз анча юқори бўлиб қолмоқда. Табиийки, бу ҳол аксарият қисми ўрта маълумотли бўлган ёшларни жалб этмайди. Бошқа томондан олганда эса туб ерли миллат вакилларининг кўпчилиги касбий ва малакавий тайёргарлиги пастлиги туфайли ёрдамчи ишлаб чиқаришларга жойлашадилар.

А. Қ. Таксанов бундай аҳволга сабаб республика ҳунар-техника таълими системаси саноат учун малакали ишчи кадрлар тайёрлашга дуруст йўналтирилмаганлигида, деб билади, улар бу билим юртларини битириб чиқувчилар умумий сонининг атиги 19,5 фоизини ташкил қилади. Шу сабабли ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг кўпгина раҳбарлари ишдан кетиб қолаётган малакали иш кучлари ўрнини тўлдиришда асосий эътиборни туб ерли аҳоли вакилларидан ходимлар тайёрлашга эмас, балки мамлакатнинг индустриал регионларидан кўчиб келадиганларга қаратишади.

Муаллиф мулкчиликнинг ривожланиши ва индустриал ишчилар синфи миллий отряди шаклланиши каби масалаларга анчагина эътибор берган. Мамлакатда ижтимоий муносабатлар тубдан ўзгараётган, республикалар иқтисодий мустақилликка ўтаётган ҳозирги пайтда ушбу муаммонинг таҳлил қилиниши алоҳида қизиқиш туғдиради. Жумладан, А. Қ. Таксанов мулкнинг коопе-

ратив шакллари ривожланишининг социал оқибатларини кўриб чиққан, уларда социал адолат принципини амалга ошириш жараёнларини жадаллаштириш, кооператив тузилмалар аъзоларида ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш туйғуси ҳосил бўлиши имкониятларини кўради. Бунёд этилган кооперативлар таркиби ва структурасининг таҳлили, деб таъкидланади китобда, кооператив мулкининг янги шакли нафақат иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг анчагина қисмини меҳнат фаолиятига жалб этиш, балки индустриал ишчилар синфи янги қатламини ривожлантириш учун социал базани кенгайтириш имконини ҳам беради (57-бетга қаралсин).

Ўзаро боғлиқ бу икки вазифани амалга ошириш хусусида муаллиф аниқ позицияда туради. Бунинг биринчиси — республикада майда ва ўртача саноат корхоналарини устун даражада ривожлантириш. Айни шу корхоналар ҳатто олис қишлоқларда ҳам индустриал меҳнат коллективларини муайян мақсадни кўзлаб шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Иккинчи вазифа аҳоли орасида ўзбеклар салмоғи 60—70 фоизга етадиган қишлоқ территорияларида урбанизация жараёнларини кучайтиришдан, кичик ва ўртача шаҳарларда янги саноат потенциалини жойлаштиришдан иборат.

Якунловчи бўлимда А. К. Таксанов асосий эътиборни меҳнат ресурсларини сифат жаҳатдан тубдан ўзгартириш ва индустриал ишчи янги типини шакллантириш билан боғлиқ масалаларга қаратади. Унинг фикрича, ана шу жараёнларга, биринчидан, саноат корхоналарини техникавий қайта қуроллантириш, иккинчидан, кадрлар тайёрлаш системасини сифат жиҳатдан янги негизда қайта қуриш ҳамда улар малакасини ошириш фаол таъсир қилади. Жумладан, ҳозирда республика ишлаб чиқарувчи кучларига шунчаки ишчи қўллар эмас, балки тез янгиланиб бораётган моддий-техника воситаларига касбий ва психологик жиҳатдан тайёр, ўзининг интеллектуал потенциалидан самаралироқ фойдалана оладиган меҳнат ресурслари керак.

Китобда меҳнатга ярокли аҳоли ортиқча бўлган зоналардан меҳнат ресурсларини ташкилий равишда қайта тақсимлашга алоҳида эътибор берилган. Муаллиф аҳолини кўчириш сиёсатидаги илгариги ижобий ва салбий жиҳатларни ёритар экан, Ўзбекистоннинг табиий ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ шу хилдаги йирик тадбирларни бундан буён амалга ошириш имкониятларини тадқиқ этади. Бизнинг назаримизда, муаллифнинг шунчаки иш кучини, бўш ишчи қўлларини эмас, балки касбий тайёргарлиги бор кадрларни кўчиришни ўз ичига оладиган регион ичидаги миграция программасини амалга ошириш тўғрисидаги; кўчириш жойларида меҳнатга лаёқатли аҳоли ортиқча бўлган регионларнинг реал имкониятлари заминида индустриал ишчиларни шакллантиришни режалаштириш ва прогнозлаш муаммоларини ҳал этиш; у ёки бу ихтисосга эга энг малакали ишчиларнинг эҳтиёжларини ижтимоий ишлаб чиқариш тармоқларидаги мавжуд иш жойларини ҳисобга олган ҳолда қондириш; территориялар ва тармоқлар бўйича қайта тақсимлаш билан бир вақтда меҳнат ресурсларини касбий ва социал жиҳатдан аралаштирув билан ҳал этиш ҳамда кўчирилган аҳолининг моддий, маданий-маиший, касбий шароитларини янада яхшилаш, уларнинг турмуш тарзини такомиллаштириш тўғрисидаги мулоҳазалари (87-бетга қаралсин) шу маънода муайян қизиқиш туғдиради.

Муаллиф индустриал ишлаб чиқаришларда янги иш жойлари яратиш учун заминни кенгайтиришнинг бошқа шаклларини ҳам кўздан кечиради. Булар — корхоналарнинг кўп сменалик иш режимига ўтиши, касаначилик меҳнатини ривожлантиришдир.

Китобда кўриб чиқилган муаммо кўп планлидир. А. К. Таксанов ҳамма масалаларни эмас, балки уларнинг бир қисминигина тадқиқ қилган. Бунда улардан бир қисми шунчаки айтиб ўтилган. Жумладан, ишлаб чиқариш коллективларидаги миллатлараро муносабатлар, туб ерли аҳолини индустриал тармоқларга оқиб келишини тўсиб турадиган асосий принциплар, ижтимоий онгни, миллий ва социал психологияни, турмуш тарзини ҳамда туб ерли аҳоли кўпчилик қисмининг индустриал меҳнатга муносабатини қайтадан йўналтириш билан боғлиқ масалалар ва бошқалар ҳали чуқур ва ҳар тарафлама ўрганилиши керак. Тақриз қилинаётган асар аввало шу жиҳатдан қимматлики, у регионимиз учун энг актуал бўлган саноат ишчилари миллий кадрларини шакллантириш муаммоси муҳокамасини бошлаб беради.

Ҳ. ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси.

А. НУРИЛЛАЕВ,
тарих фанлари доктори.

ИЛК ҚАЛДИРҒОЧ

Бир китобчани ўқиш чоғидаги мулоҳазалар*

ШУНДАЙ ФАНЛАР БОРКИ, бизнинг жамиятда уларнинг «омади келмаган». Улардан бири социологиядир. Унга нисбатан салбий муносабатда бўлишнинг илдизлари совет жамияти тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари — сталинизм ва турғунлик йилларига бориб тақалади.

Бунинг биринчи изоҳи «жуда оддий»: бизда жамиятни синчиклаб ўрганадиган ва барча саволларга жавоб берадиган бирданбир фан тарихий материализм мавжуд бўлиб у марксча-ленинча фалсафанинг таркибий қисмидир. Шунинг учун, биз гўё, жамият тўғрисидаги ҳеч қандай бошқа фанга муҳтож эмасмиз. Иккинчи изоҳ «янада оддий»: социология — буржуазия фани. Меҳнаткашлар оммасининг, улар билан бирга жамиятшунос олимларнинг ҳам эътиборларини марксизм-ленинизмдан — ишчилар синфининг музаффар таълимотидан чалғитиш тараққийпарвар ақл эгаларини замонамизнинг энг асосий муаммоларидан, капитализмдан социализмга инқилобий йўл билан ўтиш масалаларидан четга тортиш учун айни шу буржуазия социологияни яратган.

Социологиянинг бундай талқин этилишини фалсафа, диалектик ва тарихий материализм, жамиятшунослик дарсликлари, энциклопедиялар, луғатлар, қўлланмалар ва маълумотномаларнинг исталганидан топишингиз мумкин. Бахтимизга, бизда бу фанга бошқача нуқтаи назардан қараб, уни социализм назарияси ва амалиётининг ниҳоятда керакли, зарур қисми деб ҳисоблайдиган жамиятшунос олимлар бўлган ва ҳозир ҳам бор. Улар қаторига, энг аввало Т. Заславская, И. Бестужев-Лада, Г. Бирдаров, А. Здравомислов, В. Ядов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мана ўттиз йилча бўлибдики, совет социологлари аввалига қўрқа-писа, журъатсизлик билан, кейинчалик эса тобора сабот билан фан тақдирини ҳал қилувчи расмий муассасаларнинг эшикларини тақиллата бошладилар ва социологияга ҳам эътибор берилишига даъват қилмоқдалар. Нимасини яширамиз, «фанга ҳокимлик қилувчилар» сўровчиларга кибр-ҳаво билан қарар эдилар: хайрихоҳлик билдириш ўрнига зўрға тоқат қилардилар. Шунинг учун ҳозирги аҳволни: социология мавжуддек кўринсада, лекин... у ривожланиши учун ҳеч нарсани аямаса бўладиган фанлар қаторига кирмаслигини тушунса бўлади.

Социология ўз моҳиятига кўра инқилобий фан эканлиги учун хуш кўрилмасди. Унинг натижалари ва хулосалари кишиларни ўйлашга, раҳбарлар, бошқарувнинг таъсирчанлиги, давлат ва жамоат системасидаги у ёки бу бўғиннинг кераклиги ёки нокераклиги тўғрисида ўз фикрини изҳор этишга мажбур қилади. У шунинг учун ҳам оммабоп ки, жавоблар аноним шаклда берилади, жавоб қилувчи киши тегишли саволларга тааллуқли «ҳа» ёки «йўқ» сўзларининг тагини фақат чизиб қўяди, бу билан унинг шахсини аниқлаш имкони берилмайди.

«Олтинчи» сезги ва аппаратчилик ҳиссиёти фан соҳасидаги бюрократга: социология бу — қандайдир портловчи, бетараф бўлмаган, ўзида номаълум ниманидир мужассамлаштирган нарса эканлигини айтиб турарди. Шунинг учун у фан соҳасида худди ўз отамерос мулкидагидек хўжайинлик қилувчилар томонидан салбий муносабат кўрсатилишига маҳкум этилган эди. Бунга мисол излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми 1964 йилдаёқ СССР Фанлар академияси Президиумининг Москва, Донецк, Свердловск, Новосибирск ва Тошкентда социологик тадқиқотлар таянч марказларини ташкил этиш ҳақидаги, уларнинг вазифалари, структураси, маблағ билан таъминланиши ва бошқа масалалар тўғрисидаги қарорини олган эди. Бунга хурсанд бўлиб, ишни бошлаб юбораверишь керакдай эди. Йўқ, ундай бўлмади. Республика Академиясининг ижтимоий фанларни бошқарувчи раҳбарлари қарорни эътиборсиз ташлаб қўйишни маъқул кўрдилар. Мана чорак асрдан ошдики, социология Ўзбекистонда аранг кун кўрмоқда. Тўғри, 60-йилларнинг иккинчи ярмидаёқ Фалсафа ва ҳуқуқ институтида социология сектори ташкил этилган эди. Лекин манфаатдорлик ва эътиборнинг йўқлиги, кадрларнинг бўшлиги ва сони камлиги ўз ишини қилди, шунинг учун ҳам кенг кўламли социологик иш ҳақида гапиришга ўрин йўқ. Ваҳоланки, у республика, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси раҳбарларининг жиддий ва муттасил кўмаклари ва мададларига муҳтож, ўгай бўлиб қолмаслиги керак.

Социология лавозимга тиш-тирноғи билан ёпишиб олган, энг аввало имтиёзларни ўйловчи, иш манфаати учун хизмат қилишни эмас, балки мансабни қадрлайдиган кишиларнинг ҳақиқий «обрўйи»ни кўрсатувчи фандир. Турғунлик йилларида «Ўзбекистон Компартияси МКнинг ҳозирги биринчи секретари ҳақида Сизнинг фикрингиз қандай?» деган саволга сўралганларнинг анча қисми салбий жавоб қайтариши мумкинлигини тасаввур қилиб кўринг. Ахир бу МК

* Э. И. Долкарт. **Социология, социология, социология...** Ташкент, «Узбекистан», 1989, 88 с.

биринчи секретарининг обрўйини «тўкиш»дан, у оркали эса умуман партиянинг жамиятдаги мавкеига «путур етказиш»дан бошка нарса эмас-ку. Ёки социологлар бошка — «Шаҳарликларни ҳар йили пахта йиғим-терими ва бошка кишлоқ хўжалик ишларига сафарбар қилишни Сиз тўғри деб ҳисоблайсизми?» деган саволни қўйдилар, деб тасаввур килайлик. Ушбу социологик тадкикотнинг якуни кандай бўлишини тасаввур килиш кийин эмас. Унинг якунлари эълон килингандан кейин эса айрим раҳбарларнинг меҳнаткашлар олдида жавоб беришлари мушкуллашар эди, албатта. Шунинг учун улар турли баҳоналар билан социологларни амалий ишдан узокрокда тутиб туришни маъкул кўрардилар. Лекин социология оддий саволларга ҳам жавоб бериши мумкин. Масалан, «Нима учун завод (фабрика, муассаса ва ҳоказо) имизни ташлаб кетишга карор килдингиз?» Уй-жой; болалар боғчасининг йўқлиги; иш ҳакининг пастлиги; транспортдаги нокулайликлар; ёмон социал муҳит туфайлими? каби саволларга. Бундай анкета-саволномалари, аслида, ҳар бир кадрлар бўлимида бўлиши керак. Лекин янада жиддийрок саволлар қўйиш мумкин (масалан, «Ўзбекистонда ишчилар синфининг миллий кадрлари салмоғи нега ошмаётганини нима билан изоҳлайсиз?»).

Социология ижтимоий жараёнларни теран таҳлил этишга хизмат қилади, кишилар кайфиятидаги янги тенденциялар, нозик фаркларни ўз вактида илғаб олишга ёрдам беради, зарур кадамлар қўйишга, керакли ўзгартишлар, аниқликлар киритишга, тузатишларни амалга оширишга кўмаклашади. У кайси раҳбар ўз мансабини ташлаб кетиши, кайсинисига бундан буён ҳам юксак лавозимни ишонавериш мумкинлиги ва бошка саволларга ниҳоятда аник жавоб беради. Ана шу маънода социология ўзининг бутун моҳияти билан догматизм, котиб колганлик, иш юритишнинг маъмурий-буйрукбозлик усуллари, катта ва кичик ҳажмдаги «шахсга сиғинадиган»ларни яратиш учун уринишларга зарба беради.

Қайта куриш билан социология ўзаро боғликдир. Инкилобий ўзгаришлардан кўркадиганлар бу фандан хайикадилар. Қайта куриш демократия ва ошкораликка асосланади, улар, ўз навбатида, социология маълумотларига таянмай туриб, мавжуд бўла олмайдилар.

Биз социологик тадкикотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш усуллари ва йўлларини ишлаб чикишда ривожланган капиталистик мамлакатлардан жуда оркада колганмиз. Афсус билан шуни кайд этиш керакки, улар ўз ютукларига кўп жиҳатдан социология фани тавсияларидан моҳирона фойдаланганликлари туфайли эришдилар. Капиталистик дунё раҳбарлари ўз фаолиятларини унинг маълумотлари билан такқослайдилар, уларни синчиклаб ўрганадилар, сиёсий конъюнктурага боғлик ҳолда программалар, нутклар, чикишлар, мурожаатномаларга тезкорлик билан аниқлик киритадилар. Ғарб сиёсатчилари, иктисодиёт ва маданият бўйича етакчи мутахассисларнинг тезкорлиги, эпчиллиги ва охир-окибатда амалий фаолиятларининг самарадорлиги айни шунга асосланган. Бизнинг сиёсий арбобларимиз бу борада Ғарбдаги ўз ҳамкасбларидан оркада колаётганликларини таассуф билан кайд этишга тўғри келади. Масалан, СССР халк депутатлари сайлови социологик жиҳатдан куролланмаганлик нималарга олиб келиши мумкинлигини ёркин намойиш килди. Ўзларининг бенуксон эканликларига «ишонч» ҳамда сайловчиларнинг кайфиятларини билмаслик сайловда айрим партия ва совет ходимларига панд берди.

Шу муносабат билан бир вокеани эсламасликнинг иложи йўк. Бир куни республикамизга ГФРдан социологлар келишди. Делегация раҳбари профессор Рената Майнц хоним билан суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, у мансабдор шахснинг... жамоат транспортидаги хатти-ҳаракатини ўрганиш билан шуғулланар экан. Бу муаммони у кўп йиллар мобайнида тадкик килар экан, илмий маколалари, китоблари эълон килинган, ҳукуматга тавсияномалари такдим этилган бўлиб, улар раҳбарлик учун сиёсий курашнинг турли жабҳаларини кўриб чикишда ҳисобга олинар экан. Унинг бу сўзлари биз, совет файласуфларини лол колдирди: бу арзимас нарсани ҳурматли профессорнинг илмий изланишлари учун мавзу деб ҳисобланиши биз учун тушунарли эмас эди. Лекин ўзимизча эса, буржуа давлати олимларнинг билим ва кучларини мана нималарга сарфлайди, уларни замонамизнинг оламшумул муаммоларини чукур ўрганишдан мана кандай килиб чалғитади, деб ўйлаган эдик (бу суҳбат КПСС XXVI съездидан бир оз кейин бўлиб ўтган эди). Бунинг сабаби эса маълум: бизда мансабдор шахс жамоат транспортида юриши негадир одат тусига кирмаган.

Фақат вакт ўтиши билан социологиянинг тавсияларидан моҳирона фойдаланиш туфайли етакчи капиталистик мамлакатлар XX асрнинг охирги чорагида ўзларини ўнглаб олишга, кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал килиш учун жамиятнинг ички имкониятларини топишга ва ундан фойдаланишга муваффак бўлганларини тушуна бошладик. Меҳнаткашлар — мамлакатимиздаги ишчилар, деҳконлар ва зиёлилар калб кўрларининг анчагина кисмини ёмон отлик бўлган аппарат билан курашга сарфлаётганини кўраётганимизда Р. Майнц хонимнинг мавзуини беихтиёр эслаймиз. Бу борада ғарблик ҳамкасбларимиздан ўрганса бўлади.

«Социология, социология, социология...» китобчаси билан танишаётганда мана шун-

дай фикрлар хаёлга келади. Ушбу мулоҳазаларимизни «Илк қалдирғоч» деб аташимизнинг боиси шундаки, билишимизча, бу иш республикада илк қалдирғоч ҳисобланади. Унда социология қандай фан эканлиги китобхонга оммабоп қилиб тушунтириб берилади. Китобча тошкентлик социолог — фалсафа фанлари номзоди Э. И. Долкарт томонидан ёзилган. Муаллиф баён қилишда ҳикматли сўзлар, мақоллар, ўткир ўхшатмаларга бой шарқча усулдан фойдаланган. Шунинг учун китобхонлар кўз ўнгида зерикарли, эснок уйғотадиган матн эмас, балки социология оламига мароқли саёҳат намоён бўлади. Мавзуни очиб беришнинг бундай усули, афтидан, ўзини оқлайди, чунки биз социология асослари билан эндигина танишаяпмиз. Бу айникса бизнинг республикага тааллуқлидир; бизда социология эндигина оёққа турмоқда, у билан шуғулланаётган олимларни эса бармоқ билан санаса бўлади: А. Қ. Валиев, А. Қ. Қаххоров, А. С. Чамкин. Аслини олганда бизда республика муаммолари бўйича битта ҳам ҳақиқий социологик асар ҳалигача эълон қилинмаган.

Бу ерда китобчанинг бутун мазмунини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ. Кичик тақриз асосида якун чиқариш ва бир фикрга келиш ўрнига уни қўлга қалам олиб ўзингиз ўқиб чиққанингиз маъқул. Унда социология сарчашмалари, унинг предмети, вазифалари, объекти ва функциялари, социологик тадқиқотни танлаш техникаси, унинг мақсади, фараз ва мантиқи, маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш методикаси ва техникаси, ахборотни ишлаб чиқишнинг илмий асослари ва бошқалар ҳақида гап боришини назарда тутиш кифоя. Буларнинг ҳаммаси қизиқарли баён қилинган, ҳаммаси ҳақида билимдонлик билан, очиғини айтганда, маҳорат билан ҳикоя қилинган.

Ёлғиз қалдирғоч баҳор келтирмайди, дейдилар. Лекин уни кўришлари билан оқ баҳор келгани аён бўлади. Шунинг учун ҳам социологлар, жамиятшунослар, бизнинг назаримизда, Э. И. Долкартнинг китобчаси билан қизиқиб танишиб чиқадилар. Унда камчиликлар борми? Синчиклаб ўқилса, албатта, хатоларни ҳам топиш мумкин. Лекин тўнғич гўдакни авайлайдилар. Уни танқид елвизагидан асрайдилар. У кучга тўлгандан кейин эса камчиликлари ва нуқсонлари ҳақида гапиришимиз мумкин.

Қ. ХОНАЗАРОВ,

фалсафа фанлари доктори,
Тошкент олий партия мактаби
марксча-ленинча фалсафа кафедрасининг
профессори.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.
Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01, 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул котиб — 32-58-03, 33-60-42; масъул котиб ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: илмий социализм назарияси ва амалиёти — 32-58-65; тарих ва халқаро ҳаёт — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иқтисодий проблемалар 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; хатлар, ахборотлар, танқид ва библиография — 32-58-70

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 7.05.1990 йил. Босишга рухсат этилди 24.05.1990 й. Формати $70 \times 108^1/_{16}$. Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар 8,6. Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 33559 (ўзбек тилида — 22309; рус тилида — 11250). Буюртма № 3257. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ISSN 0134—2193 «Ўзбекистон коммунисти» 6, 1—96.

Вр

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

Бу сонда ўқийсиз:

Социализм ўтмишда ва келажакда

●

Регионда хўжалик ҳисоби: уни рўёбга чиқариш йўллари

●

Партия қайта қуриш шароитида

●

Миллий муносабатлар сиёсий жараён сифатида

●

Интернационалистни қандай тарбияламоқ лозим?

●

Кино ва замон

●

Абдурауф Фитрат: портретига чизгилар

7. 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 7
ИЮЛЬ
1990 йил

1921 йил февралидан чиқа бошлаган

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Биз — партия сафларини принципиал негизда жипслаштириш тарафдоримиз, қайта қуриш мақсадларини, инсонпарвар, демократик социализмнинг олий мақсадларини қадрлайдиган барча кишиларнинг мустаҳкам бирлиги тарафдоримиз.

Биз — КПСС XXVIII съезди янгиланиш ва бунёдкорлик съезди, партия янги куч ва шижоат оладиган съезд бўлиши тарафдоримиз.

КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига йўллаган «Принципиал негизда жипслашиш учун» деган очиқ хатидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1990 йил 28 май куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XX пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига тайёргарлик ва уни ўтказиш масалалари тўғрисида ахборот берди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларидан бўладжак съезднинг асосий ҳужжатларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Компартиясининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига таклифларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи комиссия тузди.

Кун тартибидаги барча масалаларни муҳокама қилиш юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси Т. А. Ешимбетова, Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев, Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Х. Ҳамидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Қашқадарё вилоятининг Китоб районидаги Навоий номли совхоз директори К. Ашуров, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси В. И. Таранторова, Ўзбекистон ССР Олий Совети транспорт ва алоқа доимий комиссиясининг раиси Ғ. З. Заҳриддинов, Самарқанд вилоятининг Нурота районидаги «Қизилча» совхози директори М. Нурбоев, Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи секретари Р. Худойберганова, Фарғона вилоят ижроия комитети ижтимоий таъминот бўлимининг мудири У. Бегматов, Жиззах вилоятидаги Пахтакор район партия комитетининг биринчи секретари Б. Тожиев, Тошкент давлат дорилфунуни кафедра мудири Л. Қаюмов, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ҳайъатининг раиси Б. Қориева, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан ўз ишини тугаллади.

А. ВОЛКОВ, Ю. КРАСИН

СОЦИАЛИЗМ ЎТМИШДА ВА КЕЛАЖАКДА: ЎШАНИНГ ЎЗИ БЎЛАДИМИ ЁКИ БОШҚАЧА?

1989—1990 йиллар кутилмаган ва катта ўзгаришлар йиллари сифатида тарихга киради. Шарқий Европада авторитар-бюрократик режимларнинг забт этиб бўлмайдигандек туюлган мустаҳкам қалъалари ҳайрон қоларли даражада тезлик билан қулади. Қатор мамлакатларда социализмни янгилаш шиорлари кишиларнинг кўз ўнгида ўзгача шиорлар билан алмашинди, уларда «социализм» сўзи манфий белги билан ишлатиладиган бўлиб қолди. «Социализм — энди ҳеч қачон керакмас!». «Социализм эмас, балки озодлик!», «Ҳеч қанақа социалистик экспериментларнинг кераги йўқ!» — Шарқий Европа мамлакатларидаги ўнг ва центристик кучлар ана шундай шиорларни кўтариб чиқиб, коммунистлар билан социалистлардан сайловчиларнинг овозларини тортиб олмоқдалар. Бу нима ўзи? Социализм ғояларининг ҳалокатими? Ёки ўзларини социалистик деб атаётган демократияга қарши режимларга нисбатан вақт-вақти билан бўлиб турадиган «касалликми?»

Содир бўлаётган воқеаларни англаб олишда ақл-идрок эҳтирослардан устун келиши лозим. Акс ҳолда саросимага тушиб қолиш ҳеч гап эмас, ҳолбуки ўз нутқларида жамиятимизда ва бошқа мамлакатларда социализмнинг негизлари емирилаётганлиги хусусида ташвишланиб гапираётган социализмнинг баъзи ҳимоячилари билан худди шундай бўлди. Хўш, қайси негизлар емириляпти? Бизга бундай дейишмоқда: иқтисодиёт «капиталлаштирилмоқда», хусусий мулкчиликни «жорий этишмоқчи», «капиталистик ишлаб чиқаришни қайта тиклашмоқчи», «партия... иқтисодиётдан четлашмоқда»; фақат норасмийларгина эмас, балки коммунист депутатлар ҳам олий ҳокимият вакилларини танқид қила бошладилар. Ҳатто халқаро муносабатларнинг синфий характерини инкор қилишгача келишиб олишган эмиш.

Шу хилдаги нутқларни эшитганингдан кейин чиндан ҳам ташвишга тушиб қоласан. Социализмнинг келажаги учун эмас, балки тарих майдонидан тушиб қолаётган ўтмишдаги социализм ҳимоячиларининг айтаётган сўзлари ва хатти-ҳаракатларининг келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлари учун ташвишга тушасан. Уларнинг оғзидан мана бундай даъватлар эшитилмоқда: социализм негизларига тажовуз қилаётганларга қатъий зарба бериш, партияни тозалаш, унинг аъзоларини сиёсий аттестация қилиш... Аммо масала шундаки, нималарни ана шу «негизлар» деб ҳисоблаш керак. Буни ким белгилайди? «Сиёсий аттестацияни» ким ўтказади ва қандай мезонларга таяниб партияни тозалаш лозим?

Ҳозирги кунда социализм нима, нималар социалистик ва нималар носоциалистик, деган савол янгидан ва жуда ҳам кескин бўлиб турибди, бинобарин, бундай савол берилаётгани бежиз эмас, асло. Бу ҳақда жуда кўп ёзилди. Аммо шуни аниқ-равшан айтиш керакки, бу саволга ҳамма ҳам қўшилиши мумкин бўлган жавоб топиб бўлмайди. Унга дарров жавоб бериш ҳам мумкин бўлмаса керак. Афтидан, биз амалий прагматизм даврини бошдан кечиришимизга тўғри келади-

А. ВОЛКОВ, тарих фанлари доктори; Ю. КРАСИН, фалсафа фанлари доктори, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар институти ректори.

ки, ҳозирча етарли даражада тажриба орттирилмаганлиги сабабли назарий фикр мавҳум таърифларнинг аниқ-равшан бўлишига муваффақ бўла олмайди. Аммо у ўзининг серташвиш ишини ҳам тўхтата олмайди. Биз қайта қуришни қандай қилиб ва қайси томонга йўналтиришимиз, унинг ривожланишини қандай мезон билан ўлчашимиз кераклигини муҳокама қилмоғимиз, кенг кўламда келишиб олмоғимиз лозим.

Жамият ҳеч қаерга бориши мумкин эмас. Айниқса у афсоналарнинг хомхаёллигига ишонч ҳосил қилган тақдирда эса, уларга асосланиб яшай олмайди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси эртанги кун социализмига, инсонпарвар, демократик социализмга даъват этади. Бу социализм ўтмишдагисидан нимаси билан фарқ қиладию, нимаси билан жозибали — ана шуни билиб олиш лозим. Бундан ташқари, у амалда бўладиган социализмми, «ривожланган социализм»га ўхшаб навбатдаги заиф чизилган сурат эмасми? Қисқасини айтганда, қайта қуриш тажрибасини шунчаки тушунтирибгина қолмасдан, балки унинг йўлини ёритишга қодир бўлган социализмнинг ҳозирги замон концепцияси пойдеворини яратишга қаттиқ эҳтиёж сезилмоқда. Ҳозирги вақтда партияда ва жамиятда бошланиб кетган фикр-мулоҳазаларни қуйида давом эттирамиз.

I

Аввало мана шундай савол келиб чиқади: нима учун энди айни социализм бўлиши керак? Эҳтимол, тарихий тажрибадан хулоса чиқариб, Маркс ўзининг салафлари — утопик социалистлар сингари, илк капитализмнинг ҳалокатли зиддиятларини бўрттириб кўрсатиб, экспроприаторларни экспроприация қилиш ҳақидаги революцион хулоса чиқаришда хаёлпарастлик қилган, бунга ҳали вақт бор эди, деб тан олиш керакдир? Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам бундан юз йилдан кўпроқ муқаддам пайдо бўлган ва ҳозирча одамларга кутилган қувонч ва бахт-саодатни ато этмаган утопиялардан воз кечиш вақти келгандир?

Эҳтимол, ўтган аср ўрталарида буржуа либерализмидан ажралиб чиққан социализм XX асрнинг охирларига келиб яна ўз қозиғини топиши керакдир? Америкалик сиёсатдон Ф. Фукуяма «Тарихнинг заволими?» деган мақоласида ажойиб тарзда содда баён қилиб берилган ана шу нуқтаи назар Ғарбда кенг тарқалди. Фақат шу ердагина бўлса эди...

Масаланинг моҳиятини тушуниб олиш учун иккита саволга илмий жиҳатдан жавоб бериб ўтиш лозим бўлади.

Биринчиси. Социализм ғояси объектив суратда детерминизмга нечоғли асосланган? Либерализм доирасида ҳал этиш мумкин бўлмаган, бошқа бир ижтимоий системага ўтилишини талаб этадиган зиддиятлар мавжудми? Башарти мавжуд бўлмаса, социализмга ҳам объектив зарурат йўқ. Ёки буни бошқача қилиб мана бундай таърифлаш ҳам мумкин: социализм ижтимоий муаммоларни ва зиддиятларни капитализмга нисбатан муваффақиятлироқ ҳал этишга ҳамда инсоннинг камол топиши учун кенгроқ имконият яратиб беришга қодирми? Башарти қодир бўлмаса, социализмнинг ҳақиқатан ҳам кераги йўқ ва бундай социализм бўлиши мумкин эмас.

Иккинчиси. Оммани шунчалик узоқ вақт жалб қилиб ва ҳаяжонга солиб, уларни қаҳрамонона ишларга ундаб келган социалистик ғоя аввал бошданоқ инсонпарвар ва демократикдир. Марксизм асосчилари социализм ва коммунизмни инсонга муносиб, меҳнатдан бегоналашишга барҳам бера ва шахснинг эркин ривожланишини таъминлай оладиган тузум сифатида тасаввур қилган эдилар. Шундай экан, нима сабабдан энди социализмга, ана шу тушунчанинг ўзига инсонпарварлик ва демократик мазмунни «қайтаришга» тўғри келмоқда? Бунда ғоянинг ўзида бирон нуқсонга йўл қўйилмаганмикин? Ёки уни ҳаётга татбиқ этиш учун чиндан ҳам вақт келмадимикан? Эҳтимол, биз ғоянинг танглигини эмас, балки уни рўёбга чиқаришнинг тарихан чекланган усулларини бошдан кечираётгандирмиз?

Ҳозирги вақтда марксча назария учун социализмнинг яхлит концепциясини баён қилишга, уни янгича тасаввур этишга интилиш хосдир. Ана шу ижтимоий тузумга хос бўлган фазилатларни таърифлаш билан биз унинг умумий таърифини

топишга, унинг моҳиятини қисқа ва лўнда таърифлаб ўтишга уриниб кўрамиз. Фикримизча, бунинг учун социализм таърифидан унинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ муайян босқичларни ифода этувчи ва шу сабабли тарихан ўткинчи ҳисобланган хусусиятларни чиқариб ташлаш лозим бўлади. «Социализм» терминининг аввал бошдаги маъносига мурожаат этилса ҳам чакки бўлмасди. Назаримизда, бу терминни биринчи марта француз социалисти Пьер Леру қўллаган бўлиб, унга «шахсиятпарастликка» тамомила қарама-қарши бўлиб тушадиган, яъни ижтимоий ҳаётни ташкил этишда коллективчилик асоси билан бир хил мазмун берган эди.

Социализм буржуа либерализмининг чуқур зиддиятлари заминида ўсиб етишди; буржуа либерализми эса шахс эркинлигини эълон қилиб, амалда бўлса илк капиталистик жамиятнинг ижтимоий тенгсизлиги ва синфий антагонизмлари томон юз ўгирди. Шахснинг ҳақиқий эркинлиги жамиятнинг барча аъзоларини озодликка чиқаришни талаб қилиши аён бўлиб қолди. Социализмнинг нуқтаи назари — эркин кишилар ҳамжамиятида шахснинг эркинлиги ёки, марксизм классиклари ёзганларидек, «ҳар бир кишининг эркин ривожланиши барчанинг эркин ривожланиши шартидир». Социалистик ғояларнинг моҳияти ҳам шу билан боғлиқ.

У ҳар бир тарихий босқичда аниқ реаллик билан тўқнаш келади ва, табиийки, ижтимоий фикр, биз қулдорлик тузумини одамни ишлаб чиқариш воситаси деб қараши ёки капитализмни меҳнат билан капиталнинг бир-бирига қарама-қаршилиги орқали билганимиз каби, социализмни аниқ-равшан таърифлашга интилади. Маданий тараққиётнинг ҳамма ютуқларини ўзига қабул қилиб олган ва уларни эркин коллективчилик муносабатлари даражасига кўтарган инсонпарвар, демократик тузум сифатида социализмга бериладиган таъриф шу нуқтаи назардан қараганда етарли эмасдек туюлади. Янги ижтимоий формациянинг differentia specifica (ўзига хос фарқини) топиш йўлида изланиш бошланади. Маркс бу ишни илк капитализм шароитлари учун амалга ошириб, хусусий капиталистик мулкни ижтимоий социалистик мулкка амалда қарама-қарши қўйди. Ҳозир социализм ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни мустаҳкам моддий негизга қўйишга ҳаракат қилаётган иқтисодчилар фақат капиталистик жамият дебгина гапириш мумкин бўлган жамият билан социализмнинг иқтисодий тузуми ўртасидаги чегарани фарқлай олмаётган кўринадилар. У ерда ҳам, бу ерда ҳам «аралаш иқтисодиёт» бордек.

Социализм «ўз ғоясига кўра», аниқроғи эса, ўзининг дунёга келиш моҳияти жиҳатидан яхшироқ жамият бўлганлигидан инсонпарвар, демократик, инсонга қаратилган жамият бўлмоғи керак, деган фикрларга қўшилмай бўлмайди. Аммо ҳозирги шароитда бу жамият иқтисодий жиҳатдан нечоғли мумкин ва зарур эканлигини аниқлаб олиш анчайин муҳимдир. Янги ижтимоий тузумнинг асосий хусусиятлари фақат иқтисодий муносабатларнинг характери билангина белгиланиши мумкин.

Марксизм асосчилари социализмнинг объектив зарурлигини аввало моддий ишлаб чиқаришнинг, ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиётидан келиб чиқиб асослаган эдилар. Хўш, бунда нималар ўз тасдиғини топди, ҳозир ҳам ўз кучида қолиб келмоқда, нималар ўзгарди-ю, нималар қайта фикр-мулоҳаза қилиб кўришга муҳтож?

Биз Марксда далиллашнинг икки йўли мавжудлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Бири шундан иборатки, капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви ишлаб чиқаришнинг шу даражада умумлаштирилишига олиб келадики, бунда ишлаб чиқарувчиларнинг яккалиги йўқолади, демак одамлар ўртасида фаолият олиб боришда воситачилик қилувчи товар-пул муносабатларига зарурат қолмайди. Иқтисодиётни ягона, марказлашган бошқариш мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлиб қолади, уни оқилона ташкил қилиш мумкин бўлади. Ишлаб чиқаришнинг бундай умумлаштирилиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг капиталистик «қобиғини» «ёриб чиқади» (*қаралсин: К. Маркс и Ф. Энгельс.* Соч.,т., 23, стр. 773). Марксча таҳлил қилишнинг иккинчи йўли асосий ишлаб чикарувчи куч ҳисобланган одамнинг камолоти билан боғлиқ. Ишлаб чиқарувчи кучлар орасида тобора ўзини кўрсата бориб, ишлаб чиқариш субъекти ўзининг кўп томонлама ривожланиши давомида меҳнатдан бегоналашувга барҳам беришга, ишлаб чиқаришнинг ҳамма воситалари ва шарт-шароитларини эгаллашга эҳтиёж ҳосил қила боради. Инсоннинг камол топиб бориши ўзининг қўл-оёғини боғлаб турган ишлаб чиқа-

риш ва ижтимоий муносабатлар шаклларини муқаррар равишда емира боради. «Меҳнат сиёсий иқтисоди», меҳнат ва мулкчиликнинг бирдайлигига, меҳнат жараёнида эркин ишлаб чиқарувчиларнинг иттифоқига асосланган янги ижтимоий формациянинг вужудга келиши мантиқи шу билан боғлиқдир. Марксдаги таҳлил этишнинг ана шу икки йўли таркибан бир-бирига боғланиб, айтиш мумкинки, қўшилиб кетади. Ҳозирги шароитда уларни ўзгарган шаклда янада аниқроқ кўриб чиқиш мақсадида уларни алоҳида-алоҳида олиб қараш фойдалидир.

Ишлаб чиқаришни умумлаштиришнинг истиқболи ҳақида ҳамда қиймат муносабатлари муқаррар равишда барҳам топадиган, меҳнат эса бевосита ижтимоий меҳнатга айланадиган чегаралар ҳақида сўз юритар экан, Маркс бу юз бериши мумкин бўлган шарт-шароитларни кўрсатиб ўтади. Энг асосийси шуки, ижтимоий бойликнинг яратилиши иш вақтига, сарфланган меҳнатниг миқдорига, уларга нисбатан қиёс қилиб бўлмайдиган даражада унумдорлик қувватига (фан, техника ва ҳоказо) эга бўлган ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларига қараганда камроқ боғлиқ бўлиб қолади. Ана ўшанда фаолият ҳамма турларининг «уйғун тарзда бирикиши» бунёдкорликнинг белгиловчи омили бўладики, бунда ишлаб чиқариш жараёни ўз характерига кўра табиий жараёнга яқинлашади ва инсон ишлаб чиқариш жараёнининг бош омили бўлиш ўрнига, уни кузатиб ва бошқариб турувчига айланади (*қаралсин: К. Маркс и Ф. Энгельс.* Соч., т. 46, ч. II, стр. 212—213.).

Бу йўналиш ҳозир тасдиқланаяптими? Умуман ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши жараёнига нисбатан олганда тамомила тасдиқланаяпти. Аммо ишлаб чиқаришни умумлаштиришнинг ўзи фақат капиталнинг кўпроқ тўпланиши ва марказлашиши йўналишидагина унчалик ҳам бир хилда ривожланмайди. У марказлашган системадан марказлашмаган системага ўтилиши, мулкчилик муносабатларининг мураккаблашуви, майда ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши, ҳатто унинг индивидуаллаштирилиши билан бирга қўшилиб кетади.

Ривожланган капитализмнинг мураккаб жамиятларида ишлаб чиқаришнинг умумлаштирилиши социализмга эга бўлиш учун национализация қилишнинг ўзи кифоя қиладиган қандайдир бир хил мулкни вужудга келтиришга олиб бормайди, асло. Яхши мувофиқлаштирилган, ўзаро боғланган, ижтимоий бошқариш мумкин бўлган яхлит системани ташкил қилувчи турли хил ва зиддиятли иқтисодий муносабатлар инфраструктураси таркиб топади. У келиб чиқиши жиҳатидан ҳар турли бўлганлиги сабабли бевосита ижтимоий меҳнатнинг натура шаклидаги унинг базаси бўлиб хизмат қила олмайди, балки бошқариб туриладиган бозор муносабатлари доирасида товар-пул негизида амал қилади. Бу системанинг умумлаштирилганлиги унинг тобора кўпроқ бир хиллик касб этишида эмас, балки унинг турли хил бўғинлари айрим ҳолда эмас, балки ўзаро узвий боғлиқ ҳолда амал қилишида ифодаланади.

Бундай ишлаб чиқариш системаси классик капитализм доирасидан аста-секин чиқа бориб, ижтимоий бошқариладиган иқтисодиёт хусусиятлари ҳамда йўналишларини келтириб чиқаради.

Технологик революция шароитида бошқа бир йўналиш — ишлаб чиқаришда инсон ролининг ошиб бориши, унинг шунчаки ижрочидан ижодий субъектга айланиши, оқибатда эса — иқтисодий муносабатлар системасидаги тутган ўрнининг ўзгариб бориши тенденцияси зўр куч билан намоён бўлади. Инсоннинг ишлаб чиқариш жараёнидан бегоналашишига барҳам бериш, фаолиятнинг пировард натижаларидан унинг манфаатдорлиги, унинг ўз меҳнатининг ҳамма шароитларига таъсир ўтказиш, ишлаб чиқаришда ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаш эҳтиёжини ҳисобга олиш муаммоси фақат инсонпарварлик нуқтаи назаридангина эмас, балки иқтисодий маънода олганда ҳам нечоғли долзарб муаммо бўлиб қолганлигини ҳам социалистик, шунингдек ҳам капиталистик мамлакатларнинг тажрибасида кўриб ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Фан ва техниканинг ривожланиши, янги технологияларнинг жорий қилиниши инсонни ишлаб чиқариш жараёнига мажбурий тарзда қўшишни ғайритабиий қилиб қўяди. Мазкур тенденциянинг ифодаланишини фаннинг турли соҳалари бўйича тадқиқотчилар-иқтисодчилар, социологлар, социал психологларнинг чиқарган хулосалари билан тасдиқлаш мумкин бўлурди. У социализм ғоясининг амалга оширилиши тенденциясидан иборат, чунки унинг моҳиятини белгиловчи аломат аввaламбор меҳнат-

нинг озод қилиниши, «ўзига ишлаш» учун имконият вужудга келиши билан боғлиқ (*қаралсин: В. И. Ленин.* Тўла асарлар тўплами, 35-том, 216-бет).

Бу принцип амалга оширилмади, унинг шакли хунук тарзда бузилди. Аммо биз қайта қуриш давомида шахта ва заводлар, колхозлар коллективларининг ва майда корхона эгалари, кооперативлар ва ижарачилар, аслини олганда барча меҳнаткашларнинг хўжаликни мустақил юритишга, соҳибкорликка, ўзини ўзи бошқаришга интилаётганликларини сезмаяпмизми, ахир?

Маркс ўз даврида таъкидлаган эдики, «капитал *ишлаб чиқарувчи кучларни чеки йўқ даражада ошириш* тенденциясига эга бўлиб, *шу билан бирга энг асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланган* инсоннинг ўзини бир ёқлама қилиб, маълум миқдор билан чеклаб қўяди» (*К. Маркс и Ф. Энгельс.* Соч., т. 46, ч. I, стр. 403). Аммо, эҳтимол, ҳозирги шароитда бундай эмасдир? Эҳтимол, меҳнат субъектининг ривожланиши билан ана шу меҳнатнинг сиёсий-иқтисодий шакли ўртасидаги зиддиятни капитализм доирасида ҳал қилиш мумкин бўлар? Ахир илгарилари хавфли бўлиб туюлган бошқа кўпгина зиддиятлар ҳал қилиниб келинган-ку... Хориждаги баъзи тадқиқотчилар, эндиликда бўлса ўзимиздаги тадқиқотчилар ҳам, буни қилиш мумкин деб ҳисобламоқдалар. Юксак малакали ижодий иш билан капиталистик фирмаларда банд бўлган ҳозирги замон ходими, дейишмоқда улар, ўзини эксплуатация қилинаётган, бегоналашиб қолган деб ҳис қилмайди. У қандай бўлмасин ишлаб чиқаришни бошқаришга таъсир ўтказади, фойдада қатнашиши, ўз корхонаси акцияларининг эгаси бўлиши мумкин. Унинг меҳнатига яхши ҳақ тўланади, касаба уюшмаси томонидан ҳам, давлат томонидан ҳам ҳимоя қилинади, жамиятда тутган ўрни нуфузга эга. Баъзан ҳатто шундай даъво ҳам қилишадики, меҳнат бозорини ташкил қилишнинг ривожланган системаси шароитида меҳнат натижалари ҳозир шундай тақсимланадики, бунда иш берувчи билан иш олувчи эзувчи ва эзилувчи сифатида эмас, балки тенг ҳуқуқли шериклар сифатида иш кўрадилар бир томоннинг қўшимча қийматни ўзлаштириши шубҳа остига олинади, чунки жамғарма ҳар иккала томоннинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилади.

Афтидан, шу нарсани эътироф қилиш керак бўладики, бу йўналишда ўзгаришлар бўляпти, ҳолбуки уларнинг олға жилиш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини, меҳнаткашларнинг турли тоифаларини қамраб олиш кўламини турлича баҳолаш мумкин. Буниси энди юқори малакали ходимларга кўпроқ тааллуқли. Ҳатто «меҳнат — капитал» зиддиятини энг асосий деб ҳисобламаётган, у ижтимоий муносабатларда илгариги ролини ўйнамай қўйганини тан олаётган кимсалар ҳам бу зиддиятни бутунлай инкор этишга кўпроқ мойил бўлмаётирлар. Айтайлик, швед социал-демократлари баъзи бир ҳаваскор совет публицистларидан фарқ қилиб ўзларининг кўп нарсаларга эришган жамиятини социалистик жамият деб атамаяптилар. Белгиланган тенденция билан ҳозирги реаллик — асло бир хил тушунча эмас. Уларнинг аралаштириб юборилиши кўп марталаб назарий ва амалий соҳаларда жиддий хатоликларни келтириб чиқарган. Аммо энг асосийси бошқа ёқда: башарти капитализм, ҳатто узоқ муддат давом этган ривожланиш жараёнида ҳам «меҳнат — капитал» зиддиятини ҳақиқатан ҳам ҳал этгудек бўлса, у ўзини танимай, яъни капитализм бўлмай қолади, чунки бу зиддият — унинг ажралмас белгисидир.

Асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланган инсоннинг ривожланиши билан бошқа бир тенденция — ижтимоий кафолатлар ҳамда жамиятнинг барча аъзоларини, шу жумладан тўлақонли меҳнат қилишга қурби келмайдиган энг заиф кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ташкилотларини ва шаклларини вужудга келтириш ҳамда такомиллаштириб бориш тенденцияси ҳам бевосита боғлиқдир. Капиталистик мамлакатларда бу тенденция капиталнинг амал қилиши ва жамғарилиши мантиқи билан асло боғланган эмас, тўғрироғи унга зид келади. Аммо, бундан ташқари, капиталистик жамият тараққиёти мантиқи ҳам борки, бу ижтимоий жиҳатдан бир хил эмас ва унда бир-бирига қарама-қарши кучлар мавжуд. Уларнинг кураши ҳамда ўзаро биргалашиб ҳаракат қилиши таъсири остида давлат ва гражданлик жамияти ташкилотлари ташкил топади, улар фақат бир синф манфаатларини кўзлабгина иш олиб бормайди. Бунда ҳам, агар лозим бўлса, капиталистик жамиятларнинг социализм томон эволюциясига социалистик, коллективчилик қадриятларининг таъсир ўтказаётганини кўришимиз мумкин.

Биз узоқ вақт мобайнида капитализмнинг ривожланиш, жиддий сифат ўзгаришлари қилиш имкониятларига етарлича баҳо бермай келдик. Масалага ана шундай бир ёқлама ёндашишимиз билан биз капиталистик тузум замирида, Лениннинг таъбири билан айтганда, социализм «элементлари» вужудга келишини пайқамадик ҳам. «...Капитализмнинг баъзи асосий хусусиятлари, — деб ёзган эди Ленин, — ўзининг аксига айлана бошлади» (ТАТ, 27-том, 441-бет). Ишлаб чиқарувчи кучларда шитоб билан ўзгариш юз бераётган, капиталнинг амал қилишига, ишлаб чиқариш ва тақсимотга тобора кўпроқ даражада ижтимоий таъсир ўтказилаётган, демократия ривожланаётган, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида интернационаллашув юз бераётган ҳозирги вақтда бу айниқса айни ҳақиқатдир. Юқорида таъкидлаб ўтилган тенденциялар билан биргаликда олганда бу бизнинг социализм йўлидан илгарилаб бориш ҳақидаги тасаввурларимизга мувофиқ келади.

Аммо шу ўринда жуда ҳам ноқулай туюладиган қуйидаги саволлар туғилади: шундай экан, бизда қандай ҳол рўй берди ўзи? Бизнинг жамиятимиз ривожланган капитализм бағрида дунёга келадиган жамиятдан нимаси билан фарқ қилади? Эҳтимол, бизда ҳали социализмнинг ўзи йўқдир, фақат унинг остонасида турган бўлсак-чи? Эҳтимол, капиталистик жамиятларнинг юқорида таъкидлаб ўтилган ҳамма тенденциялари ва эволюциялари социализм сари боришни эмас, балки жамият ташкилотининг қандайдир мутлақо ўзга, аллақандай бошқа, жаҳон ҳамжамиятининг янги цивилизациялашган даражага ўтиши эҳтиёжлари билан тақозо қилинадиган типига ўтишни англатар? Бизнинг формацияларнинг алмашинуви ҳақидаги шу вақтгача онгимизда ўрнашиб қолган тасаввурларимиз ана шу ўзгаришларни ва улар келтириб чиқарган янги реалликларни тасвирлаш учун, эҳтимол, ҳаддан ташқари қўпол ва-дангаллик бўлиб туюлар? Бироқ ана шу мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтишдан аввал мақола бошида қўйилган социалистик ғоя билан реалликнинг нисбати ҳақидаги иккинчи савол устида тўхталиб ўтамиз.

II

Социализмдан олдинги ижтимоий формацияларнинг ҳаммаси стихияли тарзда вужудга келган. Гарчи бу ғоялар, манфаатлар, эҳтирослар кураши ичида юз берган бўлса-да, умуман ҳеч бир жамият, жумладан капитализм ҳам, қандайдир идеал лойиҳага асосан қурилган эмас. Социализм тушунчаси даставвал одамларнинг онгида туғилган. У адолатсизликка қарши норозиликдан, инсоннинг ўз ақл-идрокининг ўзгартирувчанлик кучига, унинг ижтимоий ҳаётни оқилона ва адолатли тарзда қуришни таъмин эта олиш қобилиятига бўлган ишончидан келиб чиққан идеал сифатида пайдо бўлди. Илмий социализм унинг утопик вариантларидан фарқли равишда илк капитализм давридаги ижтимоий тараққиётнинг амалда мавжуд тенденциялари билан «боғланган» эди. У капиталистик ишлаб чиқариш усулидаги ўткир низонинг ифодаланиши сифатида ҳамда ўзи келтириб чиқарадиган меҳнат билан капитал ўртасидаги синфий антагонизм туфайли дунёга келди. Аммо ана шундай ҳолда ҳам социалистик идеал онг соҳасида шакллана бориб, воқеликдан илгарилаб кетди, муқаррар суратда ундан узилиб чиқди ва хаёлот кучи билан чекланган тарихий тажрибани бойитиб борди. Умуман олганда социалистик ғоя тарихи, Т. Майер «Коммунист»нинг 1990 йилги 3-сонида босилган мақоласида яхши таърифлаб берганидек, муқобил намуналар ва уларни муайян воқеликда амалга ошириш усуллари теварагидаги кураш тарихидан иборат бўлди. Онгли суратда танлаб олиш учун имконият туғилди. Шу ўринда ақалли асримиз бошидаги турли хил фикрлар тўқнашувини ёки янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса — 1917—1919 йиллардаги тарихнинг айрилиш жойида ишчилар ҳаракатида, ёинки Россияда социализмни, классик идеални амалга ошириш учун мамлакатга унчалик ярашиб тушмаган социализмни «жорий қилиш» ёки «қуриш» ҳақидаги мунозаралар вақтидаги тўқнашувларни эсга олайлик.

Социализмнинг аввал бошлаб мияда (бунга асос бор, албатта), сўнгра эса ҳақиқатда вужудга келишининг ўзида ғояларнинг жозиба кучи ҳам, қўполроқ қилиб айтганда, унинг лаънати ҳам мужассам эди. Тирикчилик ташвишларининг оғир юкидан, «ҳаётнинг мудҳиш ярамасликларидан» халос бўлган ғоя жуда

ажабтовур кўринар, одамларни ўзига ром қиларди. У одамларга қандайдир соф ва оқилона, адолатли ва ҳамма истаган нарсани ваъда қиларди. Аммо келажакка йўл олган, ҳали синаб кўрилмаган ана шу идеал гоҳида тамоман дунёвий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ўзини изоҳлаб берувчи қилиб кўрсатган кимсаларнинг таъсирига жуда берилувчан бўлиб чиқди. Бундай идеални ўзи истаган ҳар қандай куйга солиш мумкин. Марксни ҳам, Ленинни ҳам бузиб талқин қилган Сталиннинг «марксизм-ленинизм»и идеалнинг воқеликдан ажралиб қолиб, тамомила бемаъни нарсага айланиб қолишига олиб келди: социализм ўзига хос «мутлақ ғоя» сифатида, замондан ташқарида ва макондан ташқарида гавдаланди. Ҳақиқий воқеликни идеал деб, уни аслида қандай бўлса, шундай ҳолича олиб қарамай, қандай ҳолда кўришни истаса, шундай ҳолида олиб қараб, тарих устидан зўравонлик қилишди. Гегель «тарихнинг шўри-ғавғоси» деб атаган кимсалардан ҳаёт қасос олди: «фидойилар»нинг хатти-ҳаракатлари тескари натижаларга олиб келди. Энди мафкуравий воситаларни ишга солиб афсоналар тўқиб чиқаришгина қолган эди. «Тарихнинг шўри-ғавғоси» сталинизм ва турғунлик даври қалтис ўйинининг фожиаси билан тугади.

Биз ўз тарихимиздан тегишли сабоқ чиқариб олиб, социализмнинг қандайдир абадий идеал ҳисобланган модели бўлиши мумкин эмаслигини тушуниб олиш даражасига етдик. Социалистик қадриятлар системаси мавжуд, у тарихан тўғри ва ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида ижтимоий муносабатларнинг етуклик даражаси ҳамда орттирилган тарихий тажриба билан белгиланадиган ўзининг аниқ мазмунига эга бўлиб бормоқда.

Социализм ғоя сифатида доимий суратда ўзгаришларга дучор бўлиб туради ва амалиёт билан бирга ривожланиб боради. Маркснинг таъбири билан айтганда, бу амалда мажбур қилинадиган ҳолат ҳам, у мослашиши керак бўлган идеал ҳам бўлмай, балки бугунги ҳолатни рад этувчи амалий тарихий ҳаракатдир (*қаралсин: К. Маркс и Ф. Энгельс.* Соч., т. 23, стр. 34).

Э. Бернштейннинг «ҳаракат — ҳамма нарса, пировард мақсад — ҳеч нима» деган машҳур формуласига қарши қанчадан-қанча мафкуравий ўқлар отилмади дейсиз. Муаллифнинг ўзи эътироз билдирганлигига ҳам қарамасдан, буни социализмдан воз кечиш, деб талқин қилинди. Ҳолбуки мазкур формула социалистик идеални ҳақиқий воқеликдан ажратиб қўйиш уринишлар бўлаётганлигидан огоҳлантирган эди. Агар назария, деган эди Э. Бернштейн, ишчилар ҳаракатининг оқибатини таърифлаб, сўнгра унинг принципиал йўналишлари ва характерини белгилаб бергудек бўлса, бундай ҳолда у «муқаррар равишда хаёлпарастлик билан тугаши ва бир кунмас, бир кун ҳаракатнинг ҳақиқатан ҳам назарий ва амалий жиҳатдан муваффақият қозонишига халақит бериши ва қийинчилик туғдириши эҳтимолдан холи эмас» (*Э. Бернштейн.* Условия возможности социализма и задачи социал-демократии. С—Пб. 1906, ст. 219).

Биз социал-демократияни оппортунизм билан тенглаштириб қўйиб, идеал ва реаллик нисбати, назария ва амалиёт, сиёсий мақсадлар ва уларга эришиш воситалари билан боғлиқ масалалар юзасидан у билан амалий мулоқотда бўлишдан воз кечиш билан ўзимизни қашшоқлаштириб қўймадикмикан?

Л. Блюмнинг «социализм — ўз замонасининг хўжайини» деган мулоҳазаси устида, афтидан, ўйлаб кўриш ва «социализм қурилишига» ҳатто бунинг учун моддий ва ижтимоий шарт-шароитлар ҳали мавжуд бўлмаган ривожланаётган мамлакатларда ҳам тўғридан-тўғри идеалистик ёндашувлар аниқ намоён бўлаётганини танқидий баҳолаш лозим бўлади.

Ҳар қалай биз ҳозирги шароит учун энг яхши ва мақбул бўлган, идеал билан реалликнинг бирикишига олиб борадиган ижтимоий тузумни излашда давом этмоқдамиз. Идеализмдан ва хаёлий лойиҳалардан халос бўлишнинг кафолоти социалистик идеалдан воз кечишда эмас, балки унинг амалиёт билан доимий равишда ўзаро муносабатда бўлишида, конкрет шароитдан келиб чиқиб ва оммавий социалистик ҳаракатнинг етуклик даражасига мувофиқ ҳолда унга доимий равишда тузатишлар киритиб боришдадир.

Шундай қилиш яхшими ёки ёмонми, энди бунинг аҳамияти йўқ. Бу муқаррар бир ҳолдир. Биз «андозасозликдан» воз кечолмаймиз. Ижтимоий жараёнларнинг табиий ривожланишини бўғмасликка даъват этувчи мана-ман деган прагматистлар унга жалб қилинган. Ҳозиргина шунга даъват этиб турган ҳар қандай прог-

матик ҳам шу оннинг ўзида, айтайлик, хусусий мулкчиликни ҳал этишни ва иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасига давлатнинг аралашувини тақиқлаб қўйишни талаб эта бошлаши, яъни кўзда тутилган ўзгаришларнинг асосий жиҳатларини фикран аниқлаб бериши мумкин.

Бироқ жамият тараққиётини андозалашга иккита турли хил нуқтаи назар борлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Баъзилар социалистик жамият моделини «йўл охирида» етишиладиган ижтимоий тузум лойиҳаси тарзида тасаввур қиладилар. Бошқа бировлар эса принципиал жиҳатдан ҳали синаб кўрилмаган идеал модел шаклини олиши мумкин бўлмаган, балки муайян зиддиятлар ва муаммоларни ҳал этиш учун фақат йўл-йўриққина берадиган ва конкрет шароитлар таъсирида ўзи ҳам ўзгариб борадиган социалистик зиддиятлар мажмуидан келиб чиқадилар. Масалага бу тарзда ёндашилганда жамики «социализм хусусиятлари» (ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги, хўжаликни планли асосда ташкил қилиш, партиянинг раҳбарлик роли ва ҳоказо) бутунлай маъносини йўқотади. Бу ўринда «модель» тушунчаси умуман олганда унчалик тўғри келмайди. Афтидан, бошқа бир — «парадигма» тушунчаси, яъни социалистик назария ва сиёсатнинг умумий фикрлаш доираси таомилга айланганлиги тасодифий ҳол бўлмаса керак.

Бу кейинги тушунча ҳозирги замон социал-демократиясига хосдир. ГСДП ўзининг Бад-Годесбергда ўтказилган конгресси билан мазкур тушунчани асослашга айниқса сезиларли ҳисса қўшди. Кейинги вақтларда социализм назарияси ва амалиёти қайта мушоҳада қилиниши жараёнида кўпинча, шу жумладан КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида ҳам, партиямизни социал-демократиялашдан ҳадиксираб гапирилмоқда. Бунда нимани назарда тутиляптию ва нега энди бундан биз чўчишимиз керак, унчалик англашиларли эмас. Ҳозир социалистик ҳаракатларни ривожлантириш йўлларини қидириб топиш учун кенг тажриба алмашиш ва мулоқот қилиш вақти. Социал-демократиянинг назарий ва амалий тажрибасини синчиклаб ўрганиб, воқелигимизга мўлжаллаб кўриб, ундан фойдаланишнинг ҳеч қандай уятли жойи йўқ. Бизга ҳам социализмни кўп ёқламали тарихий жараён, амалий ҳаракат сифатида, ҳамиша жонли, кутилмаган, олдиндан ўйланмаган ўзгаришларни бошдан кечирган, вақтинчалик орқага кетиш ва эгри-бугри йўлдан бориш пешонасига битилган жамият сифатида чинакамига ижодий англаб олиш учун имконият яратадиган ўз «Бад-Годесбергимиз» бўлиши керак, деб ҳисоблаётганларнинг фикрига қўшилишга биз мойилмиз. Бундай идрок этиш эса назариётчилар ва сиёсатдонлардан доимий эътибор беришни, янгича фикрлаш ва дадил қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Социализмнинг ҳозирги замон намунаси, шак-шубҳасиз, турли-туман йўллар, мўлжаллар, изланилаётган йўналишлар орасидан маъқулини танлаб олиш натижаси бўлади. Ҳозирги кунда бунинг кўпгина муқобиллари кўзга яққол ташланмоқда. Бинобарин, бунда бошқа-бошқа томонга олиб борадиган иккита йўналишнинг ҳар иккаласидан боришга ундайдиган эклектик (бир-бирига зид) қарорларсиз иш битмайди. «Планли бозор» иқтисодиёти тушунчаси, бизнингча, юқорида айтилган фикрларга мисол бўла олади. Аслини олганда бозорнинг ташкил топишини аввал бошданоқ нархлар баланси, ресурслар, талаб ва таклиф нуқтаи назаридан ҳисоб-китоб қилиб чиқилган план лойиҳасига киритиб қўйиш (гўё воқелик устидан зўравонлик ишлатиш сабоқлари бўлмагандек) тавсия этилмоқда. Фақат товарларни жамғариш (қаердан олинади?), сўмни барқарорлаштириш (қандай қилиб?) орқалигина мазкур лойиҳани иқтисодиётга «жорий этиш» мумкин бўлар эмиш. Бу хилдаги эклектикадан ҳеч қандай яхшилик чиқмайди. Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, олди-кетини ўйлаб, аммо зудлик билан бозор муносабатларининг жорий қилиниши аниқ-равшан ва тушунарли бўлмоғи керак.

Тўғри, бозор бошқариб туриладиган бўлиши керак, албатта. Бироқ, бозор муносабатларини, барча мамлакатларда қилинаётганидек, амалда ишлаб турган бозор негизида бошқариш мумкин ва лозим, ҳарбийлар машқ ўтказаётганларида қум тўлдирилган яшикдан фойдаланганлари сингари, бўш заминга таянмаслик керак, албатта. Аввалига кичик корхоналарга янада кенгроқ ҳуқуқлар берилса (айтайлик, хизмат кўрсатиш соҳасида), бунда бошқа гап, ахир аҳоли бозорга руҳан тайёрланган бўлиши керак-ку. Қисқаси, янги велосипед ихтиро қилишнинг хожати йўқ: кўпгина мамлакатларда бозор муносабатларини йўлга қўйиш соҳасида тажриба орттирилган. Авваламбор ўзимиз ўтирмоқчи бўлган «курсини»

пухталик билан танлашимиз зарур. Қаттиқ туриб марказлаштириш билан эркин соҳибкорликни, планлаштириш билан бозор муносабатларини билар-билмас қўшиб олиб бориш йўлидаги уринишлар нима билан тугаганини биз ўтган ислоҳотлардан яхши биламизку, ахир.

Бошқа муқобилларни танлашда ҳам худди шундай ҳеч бир иккиланмаслик керак бўлади. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотга ўзи хўжайинлик қилиш эркинлиги ёки идоралар ўзбошимчалик билан белгилаган ҳажмда маҳсулотнинг давлат томонидан тортиб олиниши; меҳнаткашлар даромадларининг уларнинг омилкорлиги, ихтирочилиги, серғайратлигига қараб табақалаштирилиши ёки текис тақсимланиши керакми? Жамоатчилик мунозараларида аниқ-равшан қилиб берилаётган ана шундай ва бошқа шу хилдаги саволларга аниқ жавоб бериш социализм учун энг муҳим нарсани белгилаб берадики, бу: инсон ҳақиқатан ҳам ўзи учун ишлайдими, у ортида уни хусусий мулк сифатида фойдаланувчи аниқ одамлар турган давлатга ишлаб берадими *(К. Маркс)*, ёхуд, ниҳоят, ҳақиқатан ҳам текисчилик принциплари ҳукм суриб келаётганлиги сабабли бизда меҳнаткашларга нисбатан имтиёзлардан фойдаланиб келган ва келаётган ялқовлар учун ишлаб берадими, деган саволга жавоб топишдан иборат. Шу ўринда Маркснинг «Фалсафа қашшоқлиги» деган асарини эсламасдан бўлмайди. Асарда «ялқовлик жамияти»нинг дунёга келиши мумкинлиги жуда аниқ қилиб айтилган. Шу билан боғлиқ бўлган эксплуатация қилишнинг ўзига хос хиллари ва усуллари — хусусий мулкчиликка асосланган эксплуатация ваҳимасига қараганда ҳам биз учун энг реал хавфдир. Биринчидан, бизда у ҳозирча мутлақо ривож топмаган ва баъзи соҳаларда биз унинг йўқлигидан ҳатто қийналяпмиз. Иккинчидан, давлатнинг ихтиёрида мулкнинг ҳамма шаклларига таъсир кўрсатувчи талайгина иқтисодий воситалар бор. Учинчидан, уларнинг устидан жамоат назорати олиб бориш механизмлари аллақачон топилган бўлиб, демократик йўл билан бошқариладиган ҳуқуқий давлатларда муваффақиятли амал қилмоқда.

Турган гап, танлаш имкониятлари ҳамма вақт ҳаётдаги мавжуд шароитлар туфайли чекланган бўлади. Аммо бир нарса шубҳасиз: биз ҳам мамлакатда, ҳам жаҳонда юз бераётган жараёнларни нечоғли чуқур тушуниб етиб, реалистларча баҳолай билсак, бу имкониятлар шу қадар кўпроқ, танлаш эса шу қадар муваффақиятлироқ бўлади. Социализмнинг ҳозирги замон намунаси ҳақида ва ҳатто ундан ҳам торроқ маънода — биздаги қайта қуриш давомида муқобил танлаш хусусида сўз борганда, мамлакатнинг тараққиётини жаҳондаги жараёнлардан айрим ҳолда олиб қарамаслик керак. Бундай қилиш шунинг учун ҳам мумкин эмаски, жаҳон миқёсида ўзаро боғлиқлик борлиги ўз-ўзидан аён, кўпгина муаммолар эса умумбашарий муаммоларга айланиб қолди. Жаҳон ҳамжамиятида қандайдир жараён кечмоқдаки, бу унинг моҳиятини, содир бўлиш шаклларини, ижтимоий тараққиёт йўналишларини обдан тушуниб олишга мажбур этади. Хусусан, бу икки ижтимоий системанинг келажаги нуқтаи назаридан олганда ғоятда муҳим масаладир.

III

«*Дунёнинг* катта кўламда *бўлиниб кетганлиги* ҳозирги вақтда жаҳон тарихининг асосий фактидир» — Н. И. Бухариннинг 30-йилларнинг бошларида босилиб чиққан «Этюдлар» номли китоби шундай сўзлар билан очилади *(Н. Бухарин.* Этюды. М.— Л., 1932, стр. 9). Муаллиф ўз фикрини ривожлантира бориб ёзган эдики, жаҳон хўжалигининг «бир-бирини истисно этувчи» капиталистик ва социалистик секторларга бўлинганлиги айни вақтда сиёсатнинг иккига бўлиниши, синфларнинг қутбларга ажралиши, фақат «*ишлаб чиқариш усулининг*»гина эмас, балки «*тасаввурлар усулининг*» ҳам иккига бўлиниши, жаҳон маданиятининг иккига бўлиниши, дунёқарашлар антагонизми, одамлар турли типининг таркиб топиши, «*бири ҳалокатга маҳкум этилган*» икки дунё ўртасидаги кураш демакдир *(ўша жойда,* 13, 16-бетлар). Дунё тўғрисида шу хилдаги тасаввур ҳукмрон эди.

Қарама-қарши туришнинг сиёсий маданияти илк капитализм давридаги ижтимоий ўзаро муносабатларга сингиб кетган эди. Синфий ҳамда империалистик давлатлар ўртасида зиддиятларни ғоят даражада кескинлаштириб юборган монополистик капитализмга ўтилиши билан у қўшимча стимулларга эга бўлди. Ана

шу социал-маданий заминда социализм билан капитализмни бир-бирига карама-карши турган икки кутб, ўзига хос «дунё» ва «антидунё» сифатида бир-бирига карама-карши кўювчи дунёкараш пайдо бўлди. Тарихий ворислик негизларининг емирилиши бунинг бевосита натижаси бўлди. Инкилоб омочи эксплуататорлик муносабатлари системасини чукур ҳайдар экан, цивилизациянинг бутун тарихи ютуклари ҳисобланган, айтиш мумкинки, ҳозирги жамиятларнинг умумий цивилизациялашган негизини ташкил этган ижтимоий структуралар ва кадриятларнинг энг теран катламларигача етиб борди. Бу гап товар-пул муносабатларига, ҳукукий давлатга, маданият ва санъатга тааллуклидир. Ленин даврида большевикларнинг интеллектуал сара кисми нигилистик радикализм хавфини пайкаган ва бир кадар унга каршилик килган ҳам. Сталинизм, аксинча, жўн радикал кайфиятлар негизида илдиз отди, уларни ривожлантирди, социализмнинг умумий цивилизациялашган пойдеворини бузди ва бу билан унинг инсонпарварлик моҳиятига путур етказди.

Шунга карамай ҳозирги жамиятнинг умумий цивилизациялашган базасининг катламлари социалистик революция формация ўзгаришларини амалга ошириши натижасида тугатилган иктисодий, ижтимоий ва сиёсий структураларга нисбатан анча кудратлирокдир. Бундан ташкари, эндиликда шу нарса аник-равшан бўлиб колдики, ҳозирги даврнинг мазмуни факат формация ўзгаришларидангина иборат эмас, асло. Улар цивилизация тараккиётидаги сифат ўзгаришлари билан бир шароитда ва маҳкам боғлик ҳолда юз бермокдаки, уларнинг теранлигини ва окибатларини биз эндигина англай бошладик. Ҳар ҳолда, шу нарса аник-равшанки, мазкур ўзгаришлар бутун жаҳон ҳамжамиятини илгаригига караганда тамомила бошкача асосларда тубдан кайта куриш заруратини келтириб чикармокда. Бу эса инсониятнинг социал-синфий ва миллий-давлатчилик белгиларига кўра бўлинишига карамай, мамлакатларнинг турли хил учта гуруҳи: социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар мавжудлигига карамай, унинг омон колиши ва тараккий килиши эҳтиёжига айланиб колмокда.

Оламшумул муаммоларнинг кескинлашиши ва чукур ўзгаришлар килина бошланганлиги натижасида шу кунгача давом этиб келаётган бир-бирига карама-карши туришга барҳам берувчи сиёсий маданият аста-секин шаклланиб бормокда. Бу синфлар, миллатлар, давлатларнинг ўзаро муносабатларида келишишдан иборат сиёсий маданиятдир. Бу маданият бир-бирига карши курашни асло бартараф килмайди, чунки бунинг учун замин — синфлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳали сакланиб колади. Аммо бир-бирига карши кураш эса бошкача тарзда юз беради, бошкача шаклларда намоён бўлади. Биринчидан, бирдамликка эришиш учун курашда намоён бўлади, чунки унга карши турувчи ва каршилик килувчи кучлар мавжуд. Иккинчидан, бирдамлик доирасида унга кирган турли платформалар ўртасида авж оладиган курашда намоён бўлади.

Шу нуктаи назардан олганда ижтимоий системаларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги масалани ҳам яна обдан ўйлаб кўриш лозим. Марксча назария тинч-тотув яшашга синфий курашнинг ўзига хос шакли сифатида таъриф беришдан воз кечиб мутлако тўғри килди. Аммо биз «ким кимни» деган формулани саклаб колиб, системаларнинг тинч беллашуви, тинч мусобакаси ҳакида сўз юритишда давом этмокдамиз. Яъни илгари бўлгани каби, мавжуд вазиятни шундай тасаввур киламизки, гарчи тинч воситалар билан бўлса ҳам, ижтимоий системалардан бири ғолиб чикиши керак. Ўтмишдан олинган ана шу формулага бизнинг давримизда амал килиш тўғри бўладими?

Ҳозирги вактда биз социалистик ёки капиталистик деб атаётган мамлакатлар XXI асрга кай тарзда кадам кўйишини ҳеч кимса билмайди. Биз бу мамлакатлар асримиз зиддиятларини ҳамда карама-карши фикрларини келтириб чикарган индустриализм танглиги домига тортилганини кузатиб турибмиз. Бирок ҳозирнинг ўзида бошкача тараккиёт, янги типдаги цивилизация шакллари ва имкониятлари кўзга ташланиб колмокдаки, бу ишлаб чикаришда ижтимоий фаолиятнинг илгаригига нисбатан бошкача кечишига, одамлар ва халклар ўртасидаги бошкача муносабатларга асосланади. Оламшумул жараён сифатида ривожланиб бораётган, ўзгариб турувчи цивилизациялашган негизда вужудга келаётган социализм янги ижтимоий тузум ғоясининг ўзини ҳам бойитмокда. Биз одамни ўз халкининг, миллатининг бир бўлаги сифатида, уларнинг хусусиятларини ҳамда

ижтимоий муносабатларининг мажмуини ўзида мужассам қилган одам сифатидагина эмас, балки ўтиб бораётган цивилизация дучор бўлган тангликка барҳам бера ва учинчи минг йиллик цивилизациясини ярата оладиган «оламшумул одам» сифатида ҳам англайдиган бўлганимизда, бизнинг социализм ҳақидаги тушунчамиз янада бойийди. Илгариги «тўзғиган одам» типларининг ҳаммаси *«оламшумул-тарихий,* эмпирик универсал одам» билан алмашинуви жараёни, эҳтимол, айни шу кунларда кечаётгандир (*К. Маркс и Ф. Энгельс.* Соч., т. 3, стр. 34). Эҳтимол, бу цивилизация миқёси билан формация миқёсидаги ўзгаришларнинг қўшилиб кетишидан иборат бўлса ажаб эмас.

Социалистик давлатларнинг бир гуруҳи шундай тангликни бошидан кечирмоқдаки, буни баъзи бировлар «социализмнинг интиҳоси» деб баҳоламоқдалар. Аммо жаҳон жараёни бўлган социализм ёйилмасидан аллақандай бир жойда тўпланиб қолмайди ва қандайдир бир қолипда бўлган шаклда гавдаланмайди. Ҳозир юз бераётган жараёнлар нима билан тугайди, буни айтиш қийин. Асосли тадқиқотлар зарур. Аммо шу нарса мутлақо аёнки, бу ҳозирги реалликларга таъриф бериш учун янгича тушунча ва тасаввурлар зарурлигидан иборат. Шундай экан, социализмни ўрганувчи марксча назариянинг номига аниқлик киритиш лозим бўлмасмикин? Маркс билан Энгельс «илмий социализм» ҳақида сўз юритганларида улар ўз қарашларини утопик қарашларга қарама-қарши қўйган эдилар. Улар берган таърифнинг моҳияти шундан иборат эдики, социализм тарихни материалистик тушуниш заминига қўйилгандир. Кейинчалик «илмий» деган тушунча социализм ҳақидаги марксча назарияни бошқа социалистик оқимлар назарияси ва амалиётидан ажратиб турувчи тўсиққа айланди. Бу билан марксча социалистик тафаккурга нечоғли катта зарар етказилганлигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки бунинг ортида ҳақиқатни билишда танҳоликка бўлган даъво яширилгандир. Бошқаларнинг тажрибасига ҳурмат билан қараш, турли хил ижтимоий кучлар билан ўзаро ҳамжиҳат бўлиб иш кўриш жараёнида уларнинг тажрибасини ўз дунёқараш системасига сингдира билиш — янгича фикрлашнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланадики, бунга эришмай туриб ҳозирги бир бутун ва зиддиятли дунёда социалистик мақсадларга эришиш ҳақида ўйлашнинг ҳам кераги йўқ.

80-йиллар амалиёти шуни кўрсатдики, технологик революция оқибатлари теварагида қадриятлар икки системаси ўртасида кескин кураш авж олиб бормоқда. Улардан бири — янги либерал система корхона эгалиги фаолиятининг тўла эркинлик олишига ҳаракат қилиб, иқтисодий самарадорликка асосий умид боғламоқда. Янги либералча йўл технологик революциянинг объектив талабларига жавоб беради ва шу сабабли ҳам унинг тарафдорларига муваффақият келтирди. Аммо бу муваффақиятга меҳнаткашларнинг социал ғалабаларидан қисман воз кечиш, аҳолининг қашшоқ ва мазлум қатламлари ҳуқуқларини камситиш эвазига эришилди. Янги либерал системага қадриятларнинг бошқа бир системаси қарши турибди. У иқтисодий самарадорлик билан ижтимоий адолатни таркибан ўз ичига олган демократик муқобиллик йўлини тутмоқда.

Ҳозир «бизда ҳам», шунингдек «уларда ҳам» социал тараққиётнинг янги йўлларини излаш айни шу йўлдан бормоқда. Сирасини айтганда, бу қандай шаклларда ва қандай усуллар ёрдамида юз бераётганлиги, қандай ибора ва тушунчаларда ифода этилаётганлиги асосий эмас-ку, ахир. Энг асосийси шундаки, тарихий даврнинг янги палласида ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётнинг, энг аввало инсон камолотининг қиёс қилиб бўлмайдиган янада юқорироқ даражасида ана шу ҳамма тафовутлардан қатъи назар, ҳамма жойда, табиийки, «иш берувчи» билан «иш олувчи» ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, меҳнат билан мулкнинг янгидан бир хиллигига эришиш, эксплуатация ва бегоналашишнинг ҳар қандай шаклларини тугатиш ҳақидаги масала кун тартибида туради. Демократия ва инсонпарварликнинг ана шу янги даражасига эришиш инсоният учун социалистик йўлда бахт-саодат излаган хаёлпарастлар ва олимлар ғояларининг амалда рўёбга чиқарилишидан иборат бўлурди.

«Келажак социализми» деган янги журнал нашр қилишга киришган ташаббускор гуруҳнинг манифестида илгари сурилган нуқтаи назар биз учун жозибали. Мазкур журналнинг биринчи сони М. Горбачев ва В. Брандтнинг мақолалари билан очилади. Бир оз эркинроқ тарзда баён қилганда манифестнинг тутган

позициясини қуйидагича ифодалаш мумкин. Маркс ва ўтмишдаги бошқа назариётчиларнинг социализми ўз замонаси реалликларини ифода этган. Ҳозир ўзгача реалликлар юзага келди. Модомики меҳнат ўзгача бўлиб қолган, ишчилар синфи ўзгариб бораётган ва бошқа янада нуфузли ижтимоий кучлар пайдо бўлган экан, биз социализм ғояларидан муқаррар воз кечмоғимиз керакми? Ҳужжат муаллифлари бу саволга: йўқ, деб жавоб берадилар. Фақат: янгича шароитларда социализм ўзининг асосий қадриятларини сақлаб қолган ҳолда қандай қиёфа касб этади, эртанги кунга эстафетани элтувчи ана шу «бошқа социализм» қандай бўлади? — шуни жиддийроқ тушуниб олиш керак.

Энди «тарихнинг интиҳоси» ҳақида қилинган кароматларга қайтиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Улар баъзи олимларимизнинг бугунги кунда социализм кириб қолган «боши берк кўча» ҳақида тушкунликка тушган ҳолда ортга қайтишдан бошқа илож қолмади, деб айтган фикрлари билан ҳамоҳанг бўлиб кетади. Нюаниқ талқин қилинган «боши берк кўча» образи сохта рецепт яратади. Ортга қаерга қайтилади? Революциядан олдинги Россиягами? Капитализмгами? Хўш, ундай бўлса, қаерга: ўша илгариги ривожланмаган жамиятгами, ёки бўлмаса ҳозир кўп соҳалар бўйича биздан илгарилаб кетган жамиятгами? Бундай фикрлар социализмни ўтмишда қандай бўлса, шундай ҳолича догматик тарзда тушунишга асосланади. Йўқ асло, ортимизда истиқбол бўлиши мумкин эмас, оламшумул даражада юз бераётган янги жараёнларга назар ташлаган муҳимроқ. Инсониятнинг янги тажрибасидан социализмнинг янги концепцияси дунёга келади, у, ишончимиз комилки, XXI асрнинг ижтимоий фикри ва ижтимоий ҳаракатларидан муносиб ўрин олади.

(КПСС МК журнали «КОММУНИСТ»нинг 1990 йилги 7-сони).

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Редакция Совет федерацияси янгиланаётган шароитда мамлакат регионлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш муаммоларини муҳокама қилишни давом эттиради.

Ш. ЗАЙНИДДИНОВ

РЕГИОНДА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ: УНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

ҲОЗИРГИ КУНДА мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳволни тубдан ўзгартириш ҳамда халқнинг турмуш даражасини ошириш учун халқ хўжалигини бошқаришнинг бутун системасини тубдан қайта қуриш зарурлиги тобора равшан бўлиб бормоқда, чунки буйруқбозлик-маъмурий методларнинг устун бўлиши регионлар иқтисодий ўсишининг ва потенциал имкониятларининг жами мураккаб омиллари бир-бирига самарали таъсир кўрсатишини таъминламайди.

Иқтисод фани миллий биқиқликнинг истиқболсиз эканлигини ва халқларнинг хўжалик борасидаги яқинлашиши афзалликларини исботлади. Аммо халқлар чиндан ҳам бирлашишлари учун улар фақат умумий хўжаликкагина эмас, балки умумий иқтисодий манфаатларга ҳам эга бўлишлари керак. Зеро турли республикалар хўжаликларини турлича йўллар билан бир бутун қилиб бирлаштириш мумкин. Шундай ҳам бўлиши мумкинки, марказнинг умумхалқ нуқтаи назаридан ҳатто мақбул бўлган қарорлари олдига жойларда кўпдан-кўп турли йўналишдаги манфаатлар тўсиқлар қўйишади.

Капитализм шароитида яқинлашув табиий алмашиш заминида кечади. Жаҳон бозори, зарур нарсани сотиб олиш ва ишлаб чиқарилганини сотиш эркинлиги бирлаштирувчи бўлиб майдонга чиқади.

Бизнинг республикаларимизнинг хўжаликлари эса бозор ўрнига ялпи бир-бирига қарамлик муносабатларини ягона фармойишчи ёки тақсимловчи йўлга солиб турадиган системада бирлашган эдилар. Бунда қарамлик иқтисодий жиҳатдан энига эмас, балки бошқарув жиҳатдан бўйига ёйилиб боради. Бунинг натижасида сенинг маҳсулотингни оладиган ёки таъминотни рўёбга чиқарадиган хўжаликдаги шерикни ҳурмат қилиш ўрнига иқтисодий ҳокимиятнинг иттифоқ марказларидан муттасил ранжиш юзага келди. Алалхусус, марказдан туриб бошқариш сифати йилдан-йилга ёмонлашиб борди. Ҳеч нарса сотилмайдиган ва сотиб олинмайдиган бундай хўжалик системасида тор ихтисослашган, ярим натурал ва ҳатто натурал ишлаб чиқаришларнинг ғоят мураккаб даражада чатишиб кетиши юзага келдики, булар бир-бирларига қарам бўлиб, бунинг натижасида жуда кўп ноқулайликларга дуч келардилар.

Иқтисодиётимизни соғломлаштириш манфаатлари унинг регионал бошқариш органлариникидан кўра кўпроқ регион территориясида жойлашган корхоналарнинг мустақиллигига асосланишини талаб этади. Мазкур корхоналар ишлаб топган маблағларининг бир қисмини регион эҳтиёжлари учун берадилар, бунда солиқлар тарзида бериш афзал кўрилади. Бу принцип республикаларга ҳам татбиқ этилиши мумкин. Аммо мустақилликдан асосан социал вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланадиган бошқа ҳар қандай регионлардан фарқли ўлароқ давлат

ЗАЙНИДДИНОВ Шавкат Нуриддинович, иқтисод фанлари доктори, Тошкент халқ хўжалиги институти «Социалистик иқтисодиётни бошқариш ва хўжалик механизми» кафедрасининг мудири.

тузилмалари бўлган республикалар республика, иттифоқ бозорлари ва ташқи бозорларда корхоналар фаолиятини йўлга солиб турувчи жуда кўп иқтисодий тартибга солувчиларга эга бўлишлари керак.

Бизнинг мамлакатимиз учун иқтисодий ўзаро муносабатларнинг энг самарали системасини излаш оқимида регионал хўжалик ҳисоби ғояси пайдо бўлди. Уни муҳокама қилишга Ўзбекистон олимлари ҳам бош қўшдиларки, буни, жумладан, «Ўзбекистон коммунисти» журнали эълон қилган материаллар кўрсатиб турибди. Чунончи, иқтисод фанлари доктори Қ. Н. Попадюк, агар корхоналар хўжалик ҳисобида иқтисодий муносабатлар устун турса, республика хўжалик ҳисобида эса иқтисодий ва сиёсий, миллий ва социал муносабатлар чамбарчас қўшилиб кетади («Ўзбекистон коммунисти», 1989, № 12, 12-бет), деган фикрни билдирди. Мен бунга қўшила олмайман. Корхона (бирлашма) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бирламчи бўғини сифатида ҳозирги шароитда муносабатларнинг барча турларини ўзига сингдириб олади — акс ҳолда унинг самарали ишлаши мумкин эмас. Ўнлаб йиллар мобайнида мамлакатимизда, ишлаб чиқариш муносабатлари системаси бирламчи бўғинда бевосита тарзда ишга солинди, деб айтиб келинди. Бироқ амалда улар бюрократик аппаратнинг зўравонлиги туфайли бевосита ишлаб чиқарувчилардан ташқарида амалга оширилди. Шу боисдан ҳозир, корхоналар ва республикаларнинг чинакам хўжалик ҳисоби ҳақида сўз бораётган бир пайтда ишлаб чиқариш муносабатларининг барча элементлари ҳар икки даражада баббаравар кўриб чиқилиши лозим. Иқтисод фанлари доктори М. Ш. Шарифхўжаевнинг «социалистик экономиканинг асосий бўғинидаги хўжалик ҳисоби муносабатлари бутун системаси билан боғлиқ бўлмаган республика хўжалик ҳисоби тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас» деган хулосаси («Ўзбекистон коммунисти», 1989, № 5, 30-бет) тўғри кўринади.

Регионал хўжалик ҳисобига ўтиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш унинг концепциясини ишлаб чиқишни талаб қилади. Бунинг актуаллиги мамлакат бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўраётганлиги муносабати билан ошиб бормоқда. Шу маънода иқтисод фанлари доктори В. А. Осмининнинг «Ривожланишнинг янги модели: план, бозор, регион» мақоласида («Ўзбекистон коммунисти», 1990, № 2) бир қанча қизиқарли қоидалар бор. Мақолада бозор иқтисодиёти билан регионларнинг иқтисодий мустақиллиги ўртасидаги узилмас алоқа асослаб берилган. Тўғри, мақола муаллифининг «ҳозир бизнинг республикамиз шу дамгача юзага келган иқтисодиёт барча структураларини бир вақтнинг ўзида ва юксак даражада ривожлантиришга қодир эмас» деган даъвосига (22-бет) қўшилиш қийин. Шубҳасизки, Ўзбекистон иқтисодиётининг структураси ва унинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги роли қайта кўриб чиқилмоғи лозим. Менинг назаримда, бунинг учун барча шарт-шароитлар бор. Муҳими — экономикани буйруқбозлик-тақсимлаш асосидаги бошқарувни батамом йўқотиш ҳамда тартибга солиб туриладиган бозор муносабатларига ўтишдир.

Яқинда қабул қилинган СССРда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисидаги Қонун муносабати билан регион хўжалик ҳисобининг модели ва концепцияси ҳақидаги мунозара янгидан кескинлашади. Энг аввало шуни таъкидлашни муҳим деб биламанки, регион хўжалик ҳисобига бир зумда ўтиш мумкин, деб ўйлаш соддадилликдир. Бу осон иш эмас. У кўпдан-кўп муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Энг аввало, назаримда, хўжаликлараро алоқани муайян системага солиш, регион иқтисодиётини баланслаштириш, унинг барча ишлаб чиқариш бўғинларини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш, хом ашё ресурсларини қайта ишлаш учун база яратиш лозим бўлади. Даромадлар ва харажатларни иттифоқ ва республикалар бюджетлари ўртасида қайта тақсимлаш масаласини ҳал этиш ғоят муҳим бўлиб, ҳар бир территориянинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги шунга жуда ҳам боғлиқ. Лекин энг асосийси — ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни амалга ошириш учун маблағ ишлаб топиш ҳақида бош қотириш керак бўлади. Ана шу мақсадда халқ хўжалигида прогрессив структуравий ўзгаришлар қилиш, бошқарувга кетадиган харажатларни оқилона даражага келтириш, табиий ресурслар учун тўловлар, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва ҳоказолар ҳисобидан даромад олишнинг турли манбаларидан фойдаланишда республикага мустақиллик берилишига эришмоқ лозим.

Маълумки, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришга тармоқ нуқтаи назаридан ёндашишнинг устунлиги, регион манфаатларини тўлиқ ҳисобга олмаслик бир қатор республикаларда уларнинг ишлаб чиқариш структураларида баланснинг бузилишига, ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазиятнинг кескинлашувига олиб келди. Чунончи, ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг қарийб 80 фоизи хом ашё материаллари ва ярим фабрикатлар чиқарувчи тармоқларга тўғри келади.

Регионал хўжалик ҳисоби принципларидан кенг фойдаланишни ҳозирги кунда қуруқ мақсад эмас, балки турмушнинг талаби деб биламан. Худди шунинг учун ҳам унга ўтишда юзага келадиган зиддиятларга алоҳида эътибор бермоқ ҳамда уларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини изламоқ лозим.

Мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги аҳволига регионал муаммолар нуқтаи назаридан қараганда кўпдан-кўп нохуш ҳолатларни пайқаш мумкинки, уларни халқ хўжалигини бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик методлари вужудга келтирган. Улар халқларимиз дўстлигига ҳам жиддий зарба берди. Ақалли «Ким кимни боқмоқда?» деган мавзудаги мунозарани олиб кўрайлик. Дарвоқе, унда қатнашган кўп иқтисодчилар обивателлардан унчалик фарқ қилмадилар. Ваҳоланки, масала осон эмас — мамлакат жами ижтимоий маҳсулотини яратиш ва ундан фойдаланишда территориялар иштирокининг миқёсларини белгилашда жиддий қийинчиликлар мавжуд. Бинобарин, асосий қийинчиликлар орасида, менимча, баҳо белгилашнинг холис шарт-шароити йўқлиги, территорияда реал тарзда фойдаланилаётган истеъмол фондини белгилаб олишдир.

Яна бир қийинчилик — территориялар учун ўз табиий ресурсларидан фойдаланишдан бирон бир наф (маҳаллий бюджетга тушумлар) йўқ. Буни жуда кўп пахта, рангли металлар, газ етказиб берувчи ва айни чоқда социал инфраструктурада ғоят орқада қолиб кетган Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқсизлиги Ўзбекистонда ерларнинг ишдан чиқиб қолишига, пахтачилик фойдасини кўзлаб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг анъанавий кўп турларини йўқотиб юборишга, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келди.

Буларнинг бари шундан далолат берадики, бизнинг республикамизга хом ашё етказиб берувчи деб қарашга қатъиян барҳам бериш пайти келди. Аммо, республикалар кучли бўлса, марказ ҳам кучли бўлишини эсда тутиб, шуни унутмаслик керакки, яхши ишлайдиган коллективлар бўлмаса, кучли марказ ҳам, кучли республикалар ҳам бўлмайди. Ана шулар муносабати билан регионал хўжалик ҳисобининг янги иқтисодий ва ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқаётган кишилар олдида назарий ва амалий жиҳатдан мураккаб вазифалар турибди.

СССР халқ депутатлари II Съездининг «Иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳот босқичлари ва ўн учинчи беш йиллик планни ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар тўғрисида»ги қарорида 1991 йилдан эътиборан иттифоқдош республикаларни регионал хўжалик ҳисобига ўтказиш кўзда тутилган. Бироқ иқтисодиётга маҳкамавий ёндашувни сақлаб қолиш министрликларга ўз хоҳиш-иродасини регионларга мажбуран ўтказиш, регионларни ўз бюджетини тасарруф этиш борасидаги сўнгги имкониятлардан маҳрум этиш имкониятини беради. Ана шу жиҳатдан олганда СССРда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик умумий асослари тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинишини кутламоқ лозим.

Маҳаллий ҳокимият органларининг қўлини ўз регионини иқтисодиётини бошқариш билан боғлаб қўймаслик учун давлат буюртмаларини шакллантиришга ҳам принципиал янгича ёндашиш керак. Уларни умумиттифоқ, республика ва маҳаллий буюртмаларга аниқ бўлиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Биринчиси умумиттифоқ программасини рўёбга чиқариш ва умумиттифоқ даражасида тақсимланадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича топшириқларнигина ўз ичига олиши керак.

Ҳар бир регионнинг иқтисодиётида хўжалик тузилмаларининг учта асосий типи: давлат корхоналари, кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар мавжуд. Уларнинг кичик бўлинмалари бир хил эмас (ижара асосидаги ва хўжалик корхоналари, колхозлар, пудратчи оилавий фермалар, матлубот кооперацияси). Уларнинг бари ўз фаолиятининг мақсад ва

методлари жиҳатдан ҳам, стимуллари ва манфаатлари структураси жиҳатдан ҳам бир-бирларидан жуда фарқ қиладилар. Шу боисдан уларнинг маҳаллий бошқарув органлари билан ўзаро муносабатлари механизми ҳамда ҳар бирининг регион умумий «қозони»га қўшадиган ҳиссаси ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас. Бу нарса маъмурий-территориал тузилмаларга ҳам тааллуқлидир — Ўзбекистонда мавжуд бўлган автоном республиканинг ва областлардан ҳар бирининг умум республика қозонига қўшадиган ҳиссаси ҳар хил.

Вазият маҳаллий, область, республика ва иттифоқ бюджетларига оптимал норматив ажратмалар (солиқлар) системасини ишлаб чиқишни талаб этади. Аммо бу нарса ўз-ўзидан барча регионал муаммоларни ҳал қилиб беради деб ўйлаш керак эмас. Зеро, шунга уриниб кўрилган эди ҳам, лекин бундай уриниш корхоналарда бўш маблағлар йўқлиги туфайли муваффақиятсиз чиққан эди. Агар ҳозирги кунда ҳам корхоналарнинг бутун маҳсулоти давлат буюртмасига киритиладиган бўлса, маҳаллий ҳокимият органлари яна иттифоқ идораларига қўлни кўксига қўйиб боришга, уларнинг, илгарилари бўлганидек, корхоналар ишлаб топган маблағларнинг бир қисмини ажратиб беришларини илтимос қилишга яна мажбур бўладилар. Бинобарин, мамлакат иқтисодиётига қўшган ҳиссаларига қараб эмас, балки у ёки бу идоранинг хоҳиш-иродасига қараб фондларни территориялар бўйича марказий тартибда тақсимлаш системаси қайта тикланиши мумкин. Регионлар ҳақиқатан ҳам иқтисодий жиҳатдан жонланишлари учун уларнинг ихтиёрига, менимча, қурилиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни, савдо, хизматлар соҳаси, қишлоқ хўжалигини топшириб қўйиш лозим.

Қатъий давлат буюртмаси шартлари асосида ишлайдиган иттифоқ тасарруфидаги корхоналар, анча катта эркинликка эга ижарачи коллективлар ва ҳаракатчан кооператив формалар — регионал иқтисодиётнинг ранго-ранг манзарасини ана шулар ташкил этади. Айни чоқда бошқарувнинг иқтисодий методлари роли кескин равишда ошади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ва тақсимлашни ривожлантириш айни бир чоқда иқтисодий чеклашларни, бюджет, солиқ, кредит орқали таъсир кўрсатиш ва рағбатлантириш воситаларини ишлаб чиқишни талаб этади. Булар — республиканинг устун соҳалари ҳисобга олинган ҳолда табақалаштирилган солиқлар ставкалари, солиқ имтиёзлари ва вақтинча характерга эга бўлган чеклаб қўйишлар, республика давлат буюртмаси, маълум мақсадга мўлжалланган субсидиялар, регионал кредит сиёсати, валюталарни сотиш, республика корхоналари зиммасига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг муайян миқдорини маҳаллий бозорда сотиш мажбуриятини юклайдиган лимитлар, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг норматив шартлари, ер, сув учун тўланадиган ҳақ ва меҳнат ресурслари, экологик нормативлардир.

Чинакам регионал хўжалик ҳисоби асосидаги бошқарув доирасида территория иқтисодиётини бошқариш қийинлашади. Қишлоқ райони ёки республиками, бари бир, ҳар регион учун ўз иқтисодий сиёсатини шакллантиришнинг функционал механизми ишлаб чиқилиши лозим. Бундай шароитда раҳбарларга ўз фаолиятини олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларига, жамоатчилик фикрига асосланган ҳолда олиб боришга тўғри келади.

Республика хўжалик ҳисобини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш умумий концепциясидан қандайдир алоҳида, унга қарам бўлмаган нарса деб билмаслик керак. Хусусан, маҳаллий бошқарув органларининг структураси, улар ва корхоналар ўртасидаги муносабатлар тўғридан-тўғри иқтисодий ислоҳотнинг самарадорлигига боғлиқ. Мабодо марказлаштиришдан қочиш ва маҳаллий ҳокимият функцияларини янгилаш билан баб-баравар корхоналарнинг чинакам мустақиллиги барқарор этилмаса ва идораларнинг даъво-ю талаблари камайтирилмаса, иқтисодиётнинг янада кўпроқ бюрократлашуви содир бўлади, баланссизлик ортади, қайта тақсимлайвериш тенденциялари кучаяди.

Қишлоқ хўжалигидаги ижара ва пудрат муносабатларини ва саноатда янги хўжалик юритиш формаларини жорий этмасдан, кооперацияни ривожлантирмасдан туриб, менимча, регионларнинг реал хўжалик ҳисобини тасаввур этиб бўлмайди. Акс ҳолда, буйруқбозликка одатланган идоралар ўртасида фойдани (ёки, тўғрироғи, кўриладиган зарарларни) янгидан бўлишга қайтамиз. Маълумки, яқингача иқтисодиётимизда ҳукмрон бўлиб келган марказнинг (тармоқ принципи бўйича) маъмуриятчилик қилиши назоратнинг жуда катта системасига муҳтож

эди. Бошкача бўлиши ҳам мумкин эмас эди — зеро марказдан туриб шу кадар улкан мамлакатнинг битта ҳам колдирмай ҳамма корхоналарини назорат килиб ва тартибга солиб туришга тўғри келар эди.

Шу боисдан регионал хўжалик ҳисоби туб иктисодий ислоҳотнинг зарур элементи бўлиб, ваколатлар ва масъулиятни анча куйи, регионал даражага топшириб кўйган ҳолда назорат килишнинг янги форма ва методлари системасидан бошка нарса эмас. Унинг ана шу яккол кўриниб турган моҳиятини консерватив кучлар нотўғри идрок этмокдалар. Улар буни алдаш, территорияларнинг ҳукукларини камситиш деб билмокдалар, мавжуд структуранинг ҳар кандай ўзгаришини социализм негизларининг емирилиши деб билувчи шахслар ҳам худди шундай деб ўйлайдилар.

Регионал ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш территориялар иктисодиётини ва уларнинг ягона халк хўжалик комплексига реал бирлашувини мустаҳкамлашга хизмат килиши лозим. Ушбу ҳолда хўжалик ҳисобини марказнинг министрлик бюрократлари ҳокимиятини маҳаллий амалдорлар ҳокимияти билан алмаштириш деб, корхоналарнинг кўпчилигини расмий тарзда иттифок министрликларига бўйсунишдан республика министрликларига ўтказиш деб тушунмасликдан иборат нуктаи назарга кўшиламан. Гап территорияларни чинакам иктисодий мустакиллик билан, хўжалик ва маъмурий (маҳаллий ва марказий) субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб туриш ҳукуки билан таъминлаш ҳакида боради. Маъмурий бошкарув ўрнини молиявий, кредит ва бошка иктисодий бошкарув воситалари олмоғи керак, ҳар бир регионда иктисодий программани танлаш ҳукуки пайдо бўлади. Бунда нимаики давлат учун фойдали бўлса, ҳар бир регион учун фойдали бўлиши керак ва бунинг аксича.

Хўжалик юритишнинг янги шароитларида реал иктисодий алокалар карор топади. Муайян территория, бутун жамият учун ҳакикатан ҳам керакли бўлган тармоклар ривожланади ҳамда ана шу негизда ихтисослашув содир бўлади, ҳакикий, норасмий хўжалик алокалари юзага келади. Ана шундай негиздагина сўзда эмас, балки амалда ишлаб чикаришни умумлаштириш мумкин бўлади. Бу эса — регионал ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг асосий муаммоси, барча назарий ихтилофларнинг манбаларидир.

Регионал комплекс СССР халк хўжалиги таркибидаги кичик системадир. Регионал хўжалик ҳисоби принциплари иттифок ички меҳнат таксимоти ва интеграциясини бир вактнинг ўзида чукурлаштириш шароитида рўёбга чикарилиши керак. Республикаларда ижтимоий ва иктисодий сиёсатни амалга ошириш пайтида ушбу регион манфаатларини бошка регионлар манфаатлари билан, давлат максадлари билан боғлаш йўли ўтказиб борилиши, халк хўжалиги нуктаи назаридан оптимал бўлган воситалар ва ресурсларни излаш керак ва, шубҳасизки, стратегик масалалар марказлаштирилган тартибда ҳал килинмоғи лозим.

Регионал хўжалик ҳисоби, юкорида кайд килиб ўтилганидек, формал эмас, балки ҳакикий ишлаб чикариш алокаларини вужудга келтиради. У жорий этилганда ишлаб чикаришнинг янги структуралари, тармоклараро комплекслар шакллана бошлайди, бинобарин, уларнинг окилона ташкил этилишини таъминламок муҳимдир.

Ишлаб чикариш ва уни бошкариш структурасини такомиллаштириш — регионал хўжалик ҳисобига ёндашувнинг реал йўлларидан биридир. Мисол учун, пахтани олиб кўрайлик. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ана шу жуда кимматли экинни етиштиришни бошкаришда канчадан-канча ўзгаришлар килинмади дейсиз! Уни тубдан такомиллаштириш пайти келди. Менинг фикримча, пахтанинг чинакам «хўжайини» бўлиши учун махсус орган — Республика пахта комплекси бош бошкармасини барпо этиш максадга мувофикдирки, у чигит экишдан тортиб то пахта толасини кайта ишлашга кадар хўжалик раҳбарлигини амалга оширган бўлур эди. Пахта комплексининг устунлигини ҳамда унда банд бўлган кишилар моддий манфаатдорлиги зарурлигини ҳисобга олиб, назаримда, ушбу органга пахта нархларини тартибга солиб туриш имкониятини бериб кўйиш фойдали бўлур эди.

Республика микёсида иктисодий ривожланиш жараёнларини бошкаришни ҳамда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларини рўёбга чикаришни индустриал, агросаноат ва ҳоказо йирик-йирик халк хўжалик комплекслари дара-

жасида жамлаш мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий хўжалик Советлар ижроқомлари ихтиёрида бўлади, унинг таркибига совхозлар, колхозлар, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Аммо регионал хўжалик ҳисобини хўжалик юритувчи субъектлар билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар йиғиндисидан иборат қилиб қўймаслик керак. Бу, шубҳасиз, территорияни бошқаришнинг ҳал қилувчи иқтисодий воситасидир. Шундай бўлсада, регионни ривожлантиришда стимуллар ва манфаатлар системаси нимадан ташкил топишини унутмаслик керак. Биринчидан, бу ҳар қандай регионал вазифаларни ҳал қилиш пайтида устун бўлиши лозим бўлган аҳоли манфаатларидир. Иккинчидан, бу марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг манфаатларидир.

Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари манфаатларининг ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқамиз. Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар марказий министрлик маблағларига қурилган. Бироқ улар маҳаллий табиат ресурсларидан, социал ва ишлаб чиқариш инфраструктурасидан, иш кучидан фойдаланадилар. Бундай корхоналар регионга ҳам фойда (агар улар маҳаллий аҳолини илғор ишлаб чиқаришларда банд этсалар, экологик зарарсиз бўлсалар, фойдадан маҳаллий бюджетга катта маблағлар ажратсалар), ҳам зарар (агар теварак муҳитни булғатсалар, ўзлари билан бирга паст малакали иш кучини олиб келсалар, маҳаллий хазинага кам улуш қўшсалар) келтиришлари мумкин. Марказий органлар корхоналарни асосан қурилишга камроқ маблағ сарфлаш, инфраструктура ва иш кучи хусусида муаммоларга дуч келмаслик нуқтаи назаридан туриб жойлаштирганлар. Бунда регионнинг манфаатлари ҳисобга олинсада, жуда кам даражада ҳисобга олинган. Бунинг оқибатида марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида муайян антагонизм юзага келди. Иттифоққа бўйсунувчи корхоналарни барпо этиш масалаларини маҳаллий ҳокимият билан келишиб олиш ишлаб чиқаришни экологиялаштиришни кучайтиришга ҳамда уларнинг территорияда жойлашувини оптималлаштиришга кўмаклашади. Маҳаллий ҳокимият ўз бюджетини тўлдиришнинг реал имкониятига эга бўлгач, марказнинг корхоналарни жойлаштириш хусусидаги қарорларига жуда вазминлик билан ёндашишга мажбур бўлади. Агар регион учун фойдали бўлса ва унинг иқтисодий қувватини оширса, хўш, айтайлик, нима учун илғор технология олиб келадиган корхонанинг барпо этилишига тўсқинлик қилиш керак экан? Бошқа жиҳатдан олганда корхоналарни тегишли иш кучи, ресурслар бўлмаган, инфраструктуранинг қуввати етишмаётган ерларда жойлаштиришдан бош тортиш мақбул бўлади.

Аҳолининг ўз регионини ривожлантиришдан манфаатдорлигини ошириш, кишиларни фаол иқтисодий ишга жалб этиш кескин муаммодир. Айрим республикаларда ушбу масалани асосан ўз молиявий системасини барпо этишдан иборат деб билишади, бундай қилиш эса объектив равишда совет иқтисодиётининг парчаланиб кетишига олиб келади. Аммо акцияларни сотиш каби иқтисодий самарали йўл ҳам бор. Баъзи бир корхоналар акциялар чиқармоқдалар ҳам. Тўғри, акциялар эркин тарзда сотилмайди, балки асосан корхонанинг ходимлари ўртасида тарқатилади. Шундай экан бу ҳатто принцип жиҳатдан акция эмас, балки жамғариш фондидан муайян ҳисса олиш учун кўпроқ ички ҳисоб-китоб чекларидир.

Ана шу жараёнларни фаоллаштириш тадбирларини кўзда тутмоқ мақсадга мувофиқдир. Агар корхоналар ходимлари шахсий пулларини ўз корхонасига топшириб, фойданинг бир қисмини оладиган бўлсалар, бу иқтисодиётимизнинг олға томон катта одим ташлашига кўмаклашади. Агар шу билан бир қаторда корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайиб борса, ижара принциплари мустаҳкамланса, бу йўналишдаги ҳаракатни тезлаштириш мумкин бўлади.

Регионларнинг жаҳон бозорига чиқиши осон масала эмас. Уни ҳал этишда шошқалоқлик қилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай мисоллар бор. Республиканинг тақдири ҳақидаги мунозаранинг баъзи иштирокчилари унинг жаҳон бозорига чиқишининг ўзи ҳамма кулфатлардан халос этади, деган нотўғри тушунчага таянадилар. Жаҳон бозори — ўзаро муносабатларнинг жуда мураккаб системасидир. Маркс фикрича, ташқи иқтисодий муносабат — бу миллий муносабатга кўчирилган муносабатдир. Шу боисдан даставвал бозор ички

иқтисодиётини, сўнгра — ўзаро фойдали шерикчиликни реал таъминлайдиган ташқи бозор муносабатини барпо этиш зарур.

Бугунги кунда қўшма корхоналар барпо этишни, республиканинг халқаро ҳамкорлик бошқа шаклларида иштирок этишини ҳар тарафлама рағбатлантириш керак. Регионлар маҳаллий ташқи савдо ташкилотларининг фойдалари ҳамда корхоналар ажратадиган маблағлар ҳисобидан ташкил топадиган ўз валюта фондига эга бўлишлари лозим. Бунда энг ривожланган регионлар валюта жиҳатдан ўзини ўзи қоплашга ўтишга интилишлари зарур.

Территориянинг молиявий системаси регионал хўжалик механизмини барпо этиш тадбирларини амалга ошириш давомида юзага келади. Регион бюджети, шунингдек Давлат банкининг регион бўлими унинг маркази бўлиб қолмоғи лозим. Бу ҳол энг аввало регионнинг бюджет жараёнига иттифоқ органлари томонидан аралашувдан воз кечишни, молиявий-бюджет ва кредит планлаштирилишини қайта қуришни, маҳаллий ҳокимиятнинг нарх-наво, солиқлар, пул муомаласини, даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлигини назорат қилиб туришини тақозо этади.

Янги молиявий системани шакллантириш хўжалик юритишнинг кооператив, ижара ва бошқа янги формалари қарор топиши билан, ташқи иқтисодий ва тижорат банкларининг барпо этилиши билан бирга бориши керак. Равшанки, уларнинг фаолияти территорияда энг аввало унинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда маҳаллий иқтисодий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришда турли хил салбий ҳолатлар юзага келиб туради. Ҳозир кооператив секторни бошқаришдаги мавжуд қийинчиликлар бунга мисол бўлиши мумкин. Кооператив ва давлат-кооператив банкларининг ташкил топиши билан Давлат банки регион бўлимининг роли ортиб боради. Агар мамлакатда кредит банкини ислоҳ қилишда кечикиладиган бўлса, унда, менинг фикримча, бу жараённи назорат остидан чиқариб юбориш мумкин. Ҳозирча эса маҳаллий органлар мавжуд воситалар ёрдамида унга таъсир кўрсатишлари керак. Шуни айтиб қўяқолайки, нақд пуллар чиқариш бўйича бутун эмиссион фаолият асосан марказий Давлат банки қўлида қолиши керак.

Республикаларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши миллий муносабатларга жиддий таъсир кўрсатадиган баъзи бир иқтисодий жараёнларни тартибга солиб туриш имконини беради. Биринчидан, у ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг республикалараро оқимларини тартибга солишга хизмат қилади. Иккинчидан, республикалар ўз бюджетларини реал тарзда шакллантириб, конкрет соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришлари мумкин. Бундан ташқари, республикаларнинг ўз иқтисодиётини бошқаришдаги тенг ҳуқуқлари аҳолининг иш билан бандлиги шарт-шароитларини иш кучи билан иш жойларининг баланслилигини таъминлайдиган қилиб шакллантиришларига имкон беради. Мамлакат халқ хўжалигини бошқаришнинг мавжуд системаси республикаларнинг миллий хусусиятларини, уларнинг анъаналарини, социал-психологик ва тарихий омилларини яхши ҳисобга олмаган. Регионал хўжалик ҳисоби принципларини турмушга ошириш пайтида булар ҳал қилувчи омиллар бўлиб қолиши керакки, бу СССР халқларига бир-бирларини марказлаштирилган маблағларни тақсимлаш учун курашда ўз рақиблари деб эмас, балки ишдаги шериклари деб билишларига кўмаклашади.

Учинчидан, ўз хўжалигини бошқаришда, ўз бюджет-молия системасини шакллантиришда республикалар ҳуқуқларининг кенгайтирилиши миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ихтисослаштиришни қайта кўриб чиқиш имконини беради. Зеро ҳар бир халқда ўз меҳнат кўникмаларини бирон бир муайян соҳада энг самарали тарзда қўлланишни тақозо этувчи ўз хусусиятлари бор. Республикаларда қонунчилик ҳам ана шунга мувофиқ тарзда бир-биридан фарқ қилиши керак.

Регионнинг янги хўжалик механизмини яратиш — узоққа чўзиладиган ва мураккаб жараёндир. У мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш амалга оширила борган сайин олға босаверади. Регион кўламида ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш принципларининг жорий этилиши босқичма-босқич содир бўлади.

Биринчи босқичда давлат корхоналарининг ташкилий структуравий тубдан

ўзгартирилиши (ижара пудратига, хўжалик ҳисобининг нормативсиз моделига ўтиш) ва кооператив корхоналарни барпо этиш, яъни умумий шаклда мустақил иқтисодий субъектларни барпо этиш амалга ошиши керак. Шу билан баб-баравар маҳаллий ҳокимият органларининг роли кучайиб борадики, улар табақалаштирилган солиқ сиёсати, зарур бўлиб қолган тақдирда маблағ билан таъминлаш ва кредит беришнинг имтиёзли режимини таъминлаш, регионал негизда улгуржи савдони ташкил этиш, нарх-навони тартибга солиб туриш, регионал буюртмаларни шакллантириш каби ва бошқа кўп муҳим воситаларга эга бўлиб қоладилар. Бу давр истеъмол талаби тармоқларини республикага бўйсундиришни, маҳаллий саноатни, қишлоқ хўжалиги ва кооператив секторни ривожлантиришни кўзда тутади.

Иккинчи босқичда хилма-хил ассоциациялар, уюшмалар, қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш-истеъмол, акционерлик жамиятлари, консорциумлар, банклар ташкил топиши кўзда тутилади. Бирлаштирувчилик тенденциялари, чамаси, тармоқ принципи бўйича ҳам, регионал принцип бўйича ҳам амал қилади. Матлубот кооперацияси, истеъмолчилик акциялари системаси, ҳиссадорлик ширкатлари, ўзаро кредитлаш жамиятлари ва ҳоказолар ривож топади.

Учинчи босқич молия-кредит системасини тартибга солишни талаб қилади. Умумиттифоқ ва республика бюджетлари даромадларини шакллантиришдаги ўзгартиришларсиз республикаларни хўжалик ҳисобига ўтказишни тасаввур этиб бўлмайдики, уларнинг негизини республикаларнинг норматив улушлар асосида ишлаб чиқарилган миллий даромаддан ва соф маҳсулотдан тегишли ажратмалари ташкил этиши лозим. Ташқи иқтисодий банклар ва тижорат банклари системаси қарор топади.

Давлат мулкини тубдан ўзгартириш, уни давлат-бюрократик мулкдан меҳнаткашларнинг ўзлари демократик асосда бошқарадиган мулкка айлантириш — республиканинг хўжалик ҳисобига ўтишининг энг муҳим шартидир. Эндиликда СССРда фақат бутун давлатгина эмас, балки унинг турли бўғинлари — турли даражалардаги республикалар ва регионлар ҳам умумхалқ мулкининг субъекти деб тан олинмоқда. Шундай принцип қарор топмоқдаки, унга мувофиқ равишда республика ва маҳаллий ҳокимият органлари ўз территорияларида мулкни бошқарадилар, аммо хўжалик ҳисоби негизидаги мустақил корхоналар ва бирлашмаларнинг мулкини тасарруф этмайдилар.

Мулкни бундай талқин этиш республиканинг иқтисодий мустақиллигини ва хўжалик ҳисобини назарий асослашга имкон беради. Ер, сув, ўрмонлар, бошқа табиат бойликлари шу территорияда яшовчи халқнинг — бутун асрий илдизлари айнан ана шу ер, ана шу яйловлар, водийлар, дарёлар ва кўлларга бориб тақаладиган халқнинг мулки бўлиб қолиши керак. Иттифоқдош республика территориясида жойлашган барча корхоналар ва бирлашмалар ҳам республика Олий Совети тасдиқлаганидан кейин ва СССР Олий Советининг розилиги билан унинг мулки ҳисобланади.

Республика хўжалик ҳисобига ўтиши билан мулкнинг структурасининг ўзи хам ўзгариши керак. У бундай бўлиши мумкин: умумиттифоқ мулки, иттифоқдош ва автоном республикалар мулки, коллектив, индивидуал ва аралаш мулк. Яна территориал мулк ҳам бўлиши мумкин. Шуни таъкидламоқ муҳимки, Иттифоқ билан республика ўртасидаги мулкчилик муносабатлари ихтиёрийлик ва ўзаро фойдали негизларда ташкил топиши лозим.

Нарх белгилашни ислоҳ қилиш каби ўткир масалага ҳам тўхталмай илож йўқ. Хўш, бугунги кунда нарх-навони ким белгилаши ва назорат қилиши керак? Ўйлаймизки, нарх белгилаш ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги бевосита бозор-шартнома муносабатларига кўчирилиб, ана шу жараёнга кенг кўламда бутун халқ жалб этилиши лозим.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг янги принципларига ўтилаётган ҳозирги вақтда иқтисодиёт ва сиёсат соҳасида компромисслар бўлмаслиги мумкин эмас. Оралиқ хўжалик, маъмурий структуралар бўлиши муқаррар. Бинобарин, менинг назаримда, ҳозирнинг ўзидаёқ ривожланишнинг ҳамма учун идеал схемасини излашнинг ҳожати йўқ — ҳаракат давомида кутилмаган қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Э. АКРАМОВ, Д. АКРАМОВА

ОБОРОТ СОЛИҒИ ВА РЕГИОНАЛ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ

Сўз бошлашдан олдин «Ўзбекистон коммунисти» журналида регионал хўжалик ҳисоби масалаларига бағишланган материаллар эълон қилинганлигини қутламоқчимиз. Уларда бир талай принципиал, асосли хулосалар, мулоҳаза ва конкрет тавсиялар мавжуд. Лекин бу муаммо шу қадар мураккаб ва кўп қирралики, уни илмий тадқиқ қилишни давом эттиришни ҳамда бу ишни кенгайтиришни объектив зарур ҳол деб ҳисоблаймиз.

Регионал хўжалик ҳисоби, назаримизда, нафақат айрим регионларнинг, балки мамлакат бутун ягона халқ хўжалиги комплексининг жадал тарзда самарали ривожланишига, ана шу негизда — кейинги вақтда жуда кескинлашган миллатлараро муаммоларни ҳал этишга ҳам имкон яратиши керак. Шу муносабат билан иқтисод фанлари доктори В. А. Осмининнинг: «бугунги кунда жуда кўп сўзланаётган территориал хўжалик ҳисоби миллатлараро муносабатларнинг янада такомиллашуви учун иқтисодий негиз бўлиши мумкин эмас» («Ўзбекистон коммунисти», 1989, № 4, 37-бет), деган фикрига қўшила олмаймиз.

Миллатлараро муаммоларни ҳал қилиш, шубҳасиз, халқ хўжалигини ривожлантиришни бошқариш методларини такомиллаштиришдан ташқари, бошқа иқтисодий, сиёсий, социал, ташкилий ва мафкуравий чораларнинг яхлит комплексини қабул қилишни талаб этади. Лекин миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг ғоят муҳим иқтисодий негизи сифатида регионал хўжалик ҳисобининг ролини инкор этиш, бизнингча, тўғри эмас. Аксинча, регионал хўжалик ҳисоби миллатлараро муносабатларни адолатли ҳал этиш ва мамлакатимиз халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашнинг стимули бўлишига ишончимиз комил.

Регионал хўжалик ҳисоби назариясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда жорий этишда иттифоқдош республиканинг ҳосил қилинган ва ишлатилган миллий даромадининг ўзаро нисбати ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг ана шу энг муҳим сифат кўрсаткичларини белгилаш методикаси хусусидаги масалани ҳал қилиш муҳим аҳамиятга моликдир. Иқтисод фанлари доктори Қ. Н. Попадюкнинг «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1989 йилги 12-сонида эълон қилинган мақоласи ана шу масалага бағишланган. Унинг принципиал қоидаларини умуман олганда маъқуллаб ва қувватлаб, қониқиш билан шу нарсани таъкидлаймизки, Қ. Н. Попадюк ўзининг республика «ишлаб чиқаргандан кўра кўпроқ истеъмол қилади, шу сабабли ҳам давлат дотациясидан фойдаланмоқда» деган аввалги даъволаридан воз кечган ҳамда Ўзбекистон ССРда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни юз берди ва республиканинг ўз миллий даромади унинг бюджетига давлат дотациясининг манбаидир деган хулосага келган (17-бет).

Ҳосил қилинган ва ишлатилган миллий даромаднинг ўзаро нисбати муаммо-

---

АКРАМОВ Эргаш Акрамович, иқтисод фанлари доктори, Тошкент олий партия мактаби «СССР иқтисодиёти» кафедрасининг раҳбари; АКРАМОВА Дина Васильевна, иқтисод фанлари номзоди, Тошкент халқ хўжалиги институти нарх белгилаш кафедрасининг доценти.

си иттифоқдош республика фаолиятининг натижадорлиги хусусида сўз юритиш имконини берадиган регион хўжалик ҳисоби мазмунини белгиловчи туб муаммолардан бири бўлса ажаб эмас. Шу сабабли бугунги кунда у ўзига олимларнинг ғоятда жиддий эътиборини талаб этмоқда. Лекин унинг баъзи жиҳатларини қараб чиқишдан олдин терминология масаласига тўхтаб ўтишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги вақтда иттифоқдош республиканинг **ҳосил қилинган** (ёки яратилган) ва **ишлатилган** (ёки истеъмол қилинган) миллий даромади ҳақида сўзлаш одат бўлган. Биринчи атама ҳозирги тушуниш ва ҳисоблашда у ёки бу иттифоқдош республикада амалда ҳосил қилинган эмас, балки **реализация қилинган** миллий даромадни англатади. Бизнингча, ҳосил қилинган ва ишлатилган миллий даромад ўртасидаги ўзаро нисбатни белгилашдаги қарама-қаршиликлар сабаби ҳам шунда.

Регионал хўжалик ҳисоби нуқтаи назаридан олганда ҳозирги пайтда қилинаётганидек реализация қилинмаган ва ишлатилмаган миллий даромаднинг эмас, балки иттифоқдош республика территориясида **ҳақиқатан** ҳосил қилинган ва унинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилган миллий даромаднинг ўзаро нисбати ҳақида сўзлаш лозим. Чунки ҳозирги тушуниш ва ҳисоблашда реализация қилинган ва ишлатилган миллий даромад ўртасидаги ўзаро нисбат иттифоқдош республика территориясидаги такрор ишлаб чиқариш жараёни натижаларини акс эттирмайди ва регион ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг характеристикаси бўла олмайди.

Иттифоқдош республиканинг ишлатилган миллий даромади миқдорларини белгилашда муаммолар йўқ. Ҳосил қилинган миллий даромадга келсак, ҳозиргача уни ҳисоблашнинг ҳар томонлама асосланган методикаси мавжуд эмас. Гап шундаки, шаклланган ижтимоий меҳнат тақсимотига мувофиқ баъзи иттифоқдош республикалар асосан хом ашё ресурсларини, бошқалари эса пировард маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Нарх белгилашнинг мавжуд системаси шароитида биринчи тоифадаги республикаларда (Ўзбекистон ССР ҳам уларга киради) соф маҳсулот шаклида намоён бўладиган янгидан бунёд этилган қиймат **охирига қадар реализация қилинмайди** — у пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган иттифоқдош республикаларда реализация қилинади.

У ёки бу республика чиндан ҳосил қилган миллий даромаднинг миқдорини қандай аниқлаш мумкин? Қ. Н. Попадюк жорий реализация нархларидан эмас, балки қийматга яқин нархлардан фойдаланиб, бу масалани Ўзбекистон ССРга татбиқан ҳал этади. Шундай тарзда ҳисоблаб чиқилган республикамизнинг 1987 йилда ҳосил қилинган миллий даромади ишлатилган, Госкомстат амалдаги нархларда белгилаган миллий даромаддан 5 миллиард 490 миллион сўмлик, яъни 25 фоиз кўпроқ бўлиб чиқди.

Бундай методиканинг муайян асослилигини инкор этмаган ҳолда Қ. Н. Попадюк амалга оширган ҳисоб-китобларнинг маълум даражада шартлилигини кўрсатиш керак, улар иттифоқдош республикаларда ҳосил қилинган миллий даромаднинг редукцияланган меҳнат сарфларига мутаносиблигидан келиб чиқади. Ушбу ёндашув миллий даромад фақат жонли меҳнат ёрдамида яратилишини ва тармоқлар ҳамда регионлар бўйича ҳосил қилинган миллий даромаднинг негизи бўлмиш қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг нормаси бир хил бўлишини тақозо этади.

Бу ўринда қўшимча қиймат қўйилган капиталнинг барча қисмларида бир вақтда юзага келади ва гарчи уни капиталнинг ўзгарувчи қисми яратсада, лекин фақат ишлаб чиқариш шароитидаги меҳнат учун зарур бўлган бошқа қисмлар ҳам авансланган ҳолдагина шундай бўлади, деб таъкидлаган Қ. Маркснинг назарий хулосаларига нисбатан муайян зиддият мавжуд. Бундан келиб чиқадики, миллий даромадни яратиш нафақат жонли меҳнат сарфларига, балки асосий ишлаб чиқариш фондларининг қуролланиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, қўшимча маҳсулот яратиш нормаси ишлаб чиқариш турли тармоқлари ва регионларда турлича бўлиши кераклигини англатади.

Манбаи ушбу республиканинг қўшимча маҳсулоти бўлмиш оборот солиғининг Давлат бюджетидаги реализациясини ҳисобга олиш ҳақиқатан хом ашё ресурсларини ишлаб чиқариш устун турувчи иттифоқдош республикада яратил-

ган миллий даромадни аниқлашнинг вариантларидан биридир. Маълумки, иттифоқдош республиканинг миллий даромади олдинига оборот солиғини ҳисобга олмасдан белгиланади ва унинг моддий ишлаб чиқариши тармоқлари ходимларига иш ҳақи тўлаш фонди билан фойда шаклидаги соф даромад суммасидан иборат бўлади. Сўнгра оборот солиғининг марказлаштирилган умумий суммаси иттифоқдош республикалар ўртасида тақсимланади. Бунда уни ҳисоблашнинг икки методидан: оборот солиғи солинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жойи бўйича ва оборот солиғи солинадиган маҳсулотларни реализация қилиш жойи бўйича ҳисоблашдан фойдаланилади.

Кўриниб турибдики, оборот солиғини аниқлаш ўзининг объектив негизидан — ижтимоий ишлаб чиқариш ихтисосланиши хом ашё йўналишида бўлган регионларда яратилган қўшимча маҳсулотдан ажралиб қолади. Табиийки, ана шу методлар базасида ҳисоблаб чиқилган Ўзбекистон ССРнинг ҳосил қилинган миллий даромади ҳажми аслига тўғри келмайди, чунки у жиддий равишда камайтирилган. Шундай бўлсада ана шу ҳисоб-китоблар республикамиз давлат дотациясидалиги хусусидаги даъволарга асос бўлиб хизмат қилди, унинг миқдори 1986 йилда 829 миллион, сўмни, 1987 йилда 1 миллиард 787 миллион, 1988 йилда 1 миллиард 884 миллион, 1989 йилда 1 миллиард 960 миллион сўмни (республика давлат бюджети даромадларининг 20 фоиздан кўпроғини) ташкил этди. Бу ҳақдаги расмий хабарлар Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар (улар ҳам дотацияда) «ўз имкониятига қараб яшамайди, чунки улар сарф-харажатларининг ўсиши тобора кўпроқ даражада иттифоқ бюджети чегирмалари ҳисобига қопланмоқда» деган ноҳақ фикрни юзага келтирган.

Қандай қилиб энг кўп миқдорда пахта, ипак, полиз экинлари, мева ва сабзавот етиштирувчи, 100 дан ортиқ саноат тармоғи, шу жумладан асл, нодир металларни ундиришдек ноёб, умумиттифоқ аҳамиятига эга бир қатор тармоқлар ишлаётган ва ниҳоят, қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотининг кўпгина турлари кенг миқёсда муваффақият билан экспорт қилинаётган республика дотация оладиган бўлиб қолди? Ўйлашимизча, бу саволга жавоб республика томонидан ҳақиқатан ҳосил қилинадиган миллий даромадни белгилаш муаммоси билан бевосита боғланган.

Дарвоқе, агар республикаларга СССР Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган барча сумма илгари дотация деб аталган бўлса, 1990 йилдан бошлаб маблағлар субвенция ва компенсация кўринишида ажратилмоқда, «СССРнинг 1990 йилги давлат бюджети тўғрисида»ги СССР Қонунининг 8-моддасида шундай дейилади: «Иттифоқ бюджетидан аҳолининг социал таъминланиш шароитини баравварлаштириш, шунингдек амалдаги нархлар системаси шароитида уларнинг регионлар ўртасида бир текисда тақсимланмаслиги муносабати билан даромадларни компенсациялаш учун жами 8 миллиард 581 миллион 332 минг сўмлик маблағ иттифоқдош республикалар давлат бюджетларига субвенция тарзида ажратилсин, шу жумладан, Ўзбекистон ССРга — 3 миллиард 122 миллион 166 минг сўм, Қозоғистон ССРга — 3 миллиард 392 миллион 828 минг сўм, Қирғизистон ССРга — 555 миллион 453 минг сўм, Тожикистон ССРга — 405 миллион 784 минг сўм, Туркманистон ССРга — 705 миллион 101 минг сўм».

Бизнингча, «дотация» атамасини «субвенция» билан алмаштириш дотация олиш муаммосини йўқ қилмайди, зеро субвенция маҳаллий ҳокимият органларига давлат томонидан пул нафақаси ажратилишини англатади, у (нафақа) дотациядан фарқ қилиб, муайян тадбирни маблағ билан таъминлашга йўналтирилади ва унинг мақсадли фойдаланилиши бузилган тақдирда қайтариб олинади.

«СССРнинг 1990 йилдаги давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуннинг ўзида ҳам шундай деб таъкидланган:

«Иттифоқ бюджетидан Арманистон ССР давлат бюджетига зилзиладан зарар кўрган агросаноат комплекси объектларидаги тузатиш-тиклаш ишларини бажариш учун 100 минг сўм миқдорида субвенция ажратилсин.

Субвенция қатъиян мақсадли тарзда ишлатилиши белгилаб қўйилсин».

Шуни таъкидлаш керакки, регионларда барпо этилган даромадларни компенсациялаш зарурлигини расман эътироф этиш сари муайян қадам қўйилди, лекин соф ва умуман миллий даромадни ҳосил қилинган жойи бўйича ҳисобга олиш муаммоси ҳалигача ҳал қилинмай келмоқда. Чунончи, республикамизга мамлакат

Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган суммада субвенция билан компенсация қўшиб юборилган, ҳолбуки улар алоҳида кўрсатилиши керак эди. Зеро, мисол учун, Ўзбекистон ССР нафақат компенсацияга, балки субвенцияга ҳам даъвогар бўлиши мумкин. Фикримизча, Орол денгизи муаммоси билан боғлиқ барча харажатлар субвенция ҳисобига амалга оширилиши керак, зеро унинг ҳавзасидаги экологик кулфатни бартараф этиш — бутун мамлакатнинг иши. Агар Ўзбекистонга ажратилган суммадан Орол эҳтиёжлари учун субвенцияни олиб ташласак, қолган қисми республиканинг мамлакат миллий даромадини яратишдаги ҳиссасини компенсациялаш учун очиқдан-очиқ етарли бўлмайди.

Бинобарин, кўриб чиқилаётган муаммо кун тартибидан олинмайди ва илмий изланишлар давом эттирилишини талаб қилади. Оборот солиғи солинадиган маҳсулотлар нархида реализация қилинадиган соф даромадни яратишга муҳим ҳисса қўшаётган Ўзбекистон ССРга татбиқан олганда, ҳосил қилинган миллий даромадни янада асосли, ушбу солиқни тўла ҳисобга олган ҳолда белгилаш зарур.

Ҳозирги вақтда умуман мамлакат ижтимоий ишлаб чиқаришида ва унинг регионларида яратилган, моддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимлар қўшимча меҳнати харажатларининг натижаси бўлмиш қўшимча маҳсулот нарх белгилашнинг амалдаги системаси бўйича икки шаклда — фойда ва оборот солиғи сифатида реализация қилинмоқда. Бунинг устига фойда шаклида — моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида (зарар кўриб ишловчи 15 фоиз корхоналарни истисно қилганда), оборот солиғи шаклида эса — асосан (85 фоиздан кўпроқ) енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотининг нархларида. Соф даромаднинг қолган қисми эса оғир индустрия ва таъминот ташкилотлари маҳсулотининг нархларида реализация қилинади. Бунинг сабаби шундаки, қишлоқ хўжалиги ва ундирувчи саноат бир қатор тармоқларининг маҳсулотларига нарх, одатда, қийматдан паст қилиб белгиланган, бу маҳсулотдан ишланиб, оборот солиғи солинадиган маҳсулотлар эса соф маҳсулот яратишда қишлоқ хўжалиги ва ундирувчи саноатнинг бир қатор тармоқларининг ҳиссаси реализация қилинадиган тармоқларнинг ўзида яратилади.

Реализация қилинган оборот солиғини уни яратувчилар — пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳамда регионлар — хом ашё етказувчилар ўртасида тақсимлашнинг объектив зарурати етилганлиги яққол кўриниб турибди. Бу масала иқтисодий адабиётларимизда анчадан бери муҳокама қилинмоқда. Лекин илгарилари у иттифоқдош республика ижтимоий ишлаб чиқаришининг самарадорлигига баҳо бериш билан боғланар эди. Ўзбекистон ССРга татбиқан олганда — қўриқ ерларни суғориш ва қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштиришга сарфланган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш билан боғланар эди.

Биз 1966 йилдаёқ қишлоқ хўжалиги ва пахта етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашда иштирок этувчи бошқа ишлаб чиқариш тармоқларининг материалларини тадқиқ қилиш асосида қуйидаги таклифни илгари сурган эдик: ирригация ва ерларни мелиорациялашга сарфланган капитал маблағларнинг самарадорлигини баҳолашда пахтани саноатда қайта ишлаш маҳсулотларида реализация қилинган оборот солиғининг учдан бир қисмини пахтачилик ходимларининг хизмати деб ҳисоблаш керак. Пахтадан эса, маълумки, 200 дан ортиқ турдаги маҳсулот — ип газлама, кийим-кечак, пахта мойи, совун ва ҳоказолар ишлаб чиқарилади.

Ҳар бир тонна пахтани саноатда қайта ишлаб олинган маҳсулотларни реализация қилишдан давлат бюджетига 1500—2600 сўмлик оборот солиғи келиб тушиши иқтисодчилар томонидан ҳисоблаб чиқилган. Бу ҳисоб-китоблар 60-йиллар бошларигача амалда бўлган чакана нархларга асосланган. Ўтган давр ичида халқ истеъмоли молларининг чакана нархлари, улар билан бирга пахтани саноатда қайта ишлаб олинган маҳсулотларни реализация қилишдан давлат бюджетига тушадиган оборот солиғи суммаси ҳам анча ўсди.

1972 йили СССР Госплани билан келишилган, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги тасдиқлаган «Ерларни суғориш ва захини қочириш ҳамда яйловларга сув чиқаришга сарфланган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича инструкция (методика)» қабул қилинди. Бу йўриқнома ҳозиргача амал қилмоқда. Унда **ҳар бир тонна** турли қишлоқ хўжалик маҳсуотларини саноат йўли билан қайта ишлаб олинган маҳсулотни реализация

қилишдан бюджетга тушадиган ҳамда мелиорацияланган ерлардаги **қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эффектига киритилувчи** оборот солиғи миқдори белгиланган ва капитал маблағлар самарадорлигини баҳолашда ҳисобга олиш учун тавсия қилинган. Яъни дон экинлари бўйича ўртача (шолисиз) — 17 сўм, шоли — 36, кунгабоқар — 71, қанд лавлаги (саноатбоп) — 74, ўртача толали навлар пахтаси — 410, ингичка толали нав пахтаси — 600, зиғир толаси — 45, уруғлик зиғир — долгунец — 5, картошка — 12, узум — 116, мева — 10, тамаки — 2047, чой — 191 ва жун — 1955 сўм.

Ана шу солиштирма кўрсаткичлар ва Ўзбекистонда пахта, дон, шоли, картошка, узум, мева, тамаки ва жун тайёрлаш ҳажмларидан келиб чиқиб, ижтимоий ишлаб чиқариш натижаси бўлмиш оборот солиғи суммасини ҳисоблаб чиқдик. 1988 йилда у 2,5 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди, шундан 2 миллиард 253 миллион сўми пахта ҳиссасига тўғри келади. Республикада етиштирилган пахтанинг атиги 8 фоизча қисми шу ерда қайта ишланаётган экан, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги маълумотларига қараганда, мамлакат давлат бюджетига тушадиган оборот солиғининг умумий суммасидан бевосита республикага атиги 200 миллион сўми тўғри келмоқда.

Агар ҳар бир тонна пахта учун давлат бюджетига 1500—2500 сўмлик оборот солиғи келиб тушиши ва бу солиқнинг учдан бир қисмини Ўзбекистон ижтимоий ишлаб чиқаришининг натижаси деб ҳисоблаш кераклиги хусусидаги тавсиямиздан келиб чиқсак, қуйидаги нарса ҳосил бўлади: 1989 йилги 5 миллион 292,4 минг тонналик пахта ҳосили 7 миллиард 938,4 миллион — 13 миллиард 231 миллион сўмлик оборот солиғи умумий суммасини таъминлайди, бунда Ўзбекистон ССР ҳиссаси 2 миллиард 646 миллион — 4 миллиард 410 миллион сўмни ташкил этади. 1960—1988 йилларда пахтани саноат йўли билан ишлаб олинган маҳсулотларнинг чакана нархлари ошганлигини ва Ўзбекистон пахтасининг тахминан учдан бир қисми жаҳон нархларида экспортга кетишини ҳисобга олсак, республикамизнинг соф даромад яратишдаги ҳиссаси янада кўпроқ бўлар эди.

Ҳисоб-китоб фақат пахта бўйича қилинди, агар у республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва ундирувчи саноатининг бошқа маҳсулотлари бўйича қилинганда эди, реализация қилинган оборот солиғида Ўзбекистоннинг ҳиссаси анча ошган бўларди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ш. Р. Мирсаидов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида қилган докладида таъкидлаганидек, «жуда камайтириб қилинган ҳисоб-китобларга қараганда, бу — ҳозирги республика бюджети даромадлари умумий суммасининг қарийб учдан икки қисмини ташкил этган бўлар эди».

Шундай қилиб, оборот солиғини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқатан ҳосил қилинган миллий даромадни аниқлаш регионал хўжалик ҳисобига, янгиланган Совет федерацияси тартибида республиканинг иқтисодий мустақиллигига ўтишнинг муҳим шартидир. Шу билан бирга биз потенциал жиҳатдан бадавлатмиз деб хотиржамланиш тўғри бўлмайди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги аввало юксак унумли, қизғин меҳнатнинг натижаси эканлигини унутмаслик керак.

Р. КАРИМОВ

КООПЕРАТИВЛАР ВА ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ: РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҚОБИЛ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Мулкчилик муносабатларини қайтадан кўриб чиқиш — мамлакатда амалга оширилаётган революцион қайта қуришнинг, жамиятимизни сифат жиҳатидан янгилашнинг ўзагидир. Бунда асосий муддао меҳнаткашларни житмоий мулкдан ва ўз меҳнатининг натижаларидан бегоналаштиришга барҳам беришдан иборат бўлиб, бусиз ишлаб чиқаришнинг зарур ўсишига эришиб бўлмайди. Меҳнаткашларнинг ўз-ўзини бошқаришини қарор топтириш, хўжалик юритишнинг барча даражаларида уларни мулкчилик субъектларига айлантириш бу мақсадга эришиш йўлидир.

Социалистик жамиятда мулкчиликнинг турли шакллари бирга мавжуд бўлиши ва ўзаро ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу аввало ишлаб чиқаришнинг мақсадли йўналганлигини, унинг натижаларидан фойдаланишни, жамиятимизнинг социал структурасини белгиловчи ижтимоий мулкдир. У билан бир қаторда мулкнинг кооператив, муниципиал, коммунал, индивидуал (шахсий) ва бошқа турлари мавжуд.

Маълумки, бизда мулкчиликнинг кооператив ва якка тартибдаги меҳнат сингари шакллари турли хил тўсиқларни енга бориб, қийинчиликлар, синов ва хатолар методи орқали ривожланиб бормоқда. Ушбу мақола негизида айни уларнинг аҳволи ва истиқболлари хусусидаги мулоҳазалар ётади.

Кооперация ва якка тартибдаги-оилавий ишлаб чиқариш фаолиятининг дастлабки йиллари хўжалик юритишнинг ана шу шаклларини янада ривожлантиришга комплекс ҳолда, пухта планлаштириб ёндашиш зарурлиги хусусида хулоса чиқариш имконини беряпти. Зеро, ҳозирча мамлакатда нормал бозор муҳити — капитал, ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи бозорлари — мавжуд эмас, ўз социал-иқтисодий табиатига кўра товар хўжалиги бўлган кооператив-шахсий сектор ўзининг корчалонлик имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда унга жамият юклаётган вазифаларни самарали ҳал этиш учун қодир эмас.

Сақланиб қолаётган, муҳитида кооперативлар ва якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар фаолият кўрсатаётган маъмурий-буйруқбозлик структуралари уларни хўжалик юритишнинг мавжуд шарт-шароитига «норасмий» механизмлар ёрдамида мослашишга мажбур этмоқда. Хом ашё, материаллар, асбоблар, ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминлаш муаммосини давлат муассасалари орқали ҳал этишнинг амалда мумкин эмаслиги кооперация ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришга, бу соҳага виждонли, ташаббускор меҳнаткашлар кенг оммасини жалб этишга тўсқинлик қиляпти.

Якка тартибдаги ва кооператив ишлаб чиқарувчиларни моддий-техникавий таъминлашнинг кафолатлари мавжуд эмаслиги юзага келтирган салбий ҳодисалар сирасида хом ашё, материаллар, асбоблар олишнинг шубҳали, баъзан эса очиқдан-очиқ ғайриқонуний методлари ҳам кўзга ташланади. Кооперативлар

КАРИМОВ Раҳмон Каримович. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иқтисодиёт институти «Социализм сиёсий иқтисодиёти муаммолари» бўлимининг мудири вазифасини бажарувчи, иқтисод фанлари номзоди.

атрофида ғаразли жиноятчилик (ўғирликлар, поралар, тамагирлик ва ҳоказолар) ривожланмоқда. Давлат томонидан кредитлар берилишидек муҳим стимул ҳам иш бермаяпти. Олинган маблағларни сарфлаш учун ҳеч нарса йўқ. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг анчагина қисмини кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятига жуда ҳам ёқинқирамай муносабатда бўлишга олиб келмоқда, бу хил фаолиятнинг обрўсини тўкмоқда.

Ўзбекистонда юқорида санаб ўтилган нарсаларнинг барига хўжалик юритиш кичик шаклларининг, агар ҳамма нарсани ўз номи билан айтадиган бўлсак,— болалар меҳнатини эксплуатация қилишдан фойдаланишдек ўзига хос хусусияти ҳам қўшилмоқда. Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган регионимизда меҳнат бозорини легаллаштириш ана шу аҳволдан чиқишнинг ягона чораси бўлиши мумкин. Хуллас, анкета сўровлари натижаларининг кўрсатишича, сўраб чиқилган «индивидуал»ларнинг 60 фоизи ёлланма меҳнатдан фойдаланишни хоҳлайди. Бу масалани тезроқ ҳал этиш керак, деб ҳисоблайман. Зеро, бозор муносабатларига ўтилиши меҳнат ресурслари бир қисмининг халқ хўжалиги ижтимоий соҳасидан бундан буён муқаррар бўшатиб олиниши билан бирга юз беради. Менинг ҳисоб-китобимга қараганда, ўн учинчи беш йилликда ҳозир Ўзбекистонда иш билан банд бўлмаган 1 миллион кишига яна 1,5 миллион киши келиб қўшилади.

Реал воқелик шундайки, республикада иш билан банд бўлмаган аҳолини кооперативларни ривожлантириш ҳисобига ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш уюшқоқсизлик билан ва ғоят суст суръатларда олиб борилмоқда. Район ва шаҳар ҳокимияти органлари ўзларига қарашли территорияда қандай халқ истеъмоли моллари ва хизматлар кўпроқ талаб этилаётганини яхши билишмайди ҳамда тегишли кооперативларни барпо этишда етарлича ташаббус кўрсатмаётирлар.

Юқорида тилга олинган хўжалик юритиш шаклларининг социал-иқтисодий хусусиятларига жавоб берувчи таъсирчан иқтисодий ва ҳуқуқий регуляторлар системаси ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Ҳозирги кундаги мавжуд хўжалик-ҳуқуқий воситаларнинг самарадорлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Маҳаллий Советлар, одатда, янги кооперативларни рўйхатга олиш ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти (ЯТМФ) учун рухсатнома бериш билан чекланиб, майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг пассив ҳисобчилари ролини ўйнамоқдалар. Агар Советлар маълум жой учун зарур товарлар ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш мақсадида ушбу фаолият соҳасини танлашга таъсир кўрсатмоқчи бўлсалар, бу таъсир одатда кооператорлар ва якка тартибдаги ишлаб чиқарувчиларнинг қонуний ғазабланишига сабаб бўлувчи тазйиқ ва тақиқлашнинг маъмурий чораларига олиб келади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг республика территориясида кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг баъзи турларини тақиқлаш ҳақидаги 1989 йил 20 сентябрдаги маълум Фармони бу фаолиятни бошқаришнинг иқтисодий чоралари йўқлиги туфайли юзага келган. Лекин у мақбул натижа берадими? Зеро, бундай қонун ҳужжатлари майда ишлаб чиқарувчиларнинг ташаббусини бўғибгина қолмай, психологик беқарорлик, эртанги кунга ишончсизлик муҳитини ҳам яратадики, бу нарса улар фаолиятининг социал-иқтисодий самарадорлигига муқаррар таъсир кўрсатади.

Кичик иқтисодиётни бошқаришнинг энг маҳсулдор йўли — солиқ солишни такомиллаштиришдир, деган нуқтаи назарга қўшиламан. Ҳеч бўлмаганда бу воситалардан ЯТМФга нисбатан фойдаланилиши амалиётини олиб кўрайлик. Ўзбекистоннинг барча областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкентда ушбу соҳада солиқ солиш шакллари хусусидаги масала альтернативали тарзда ҳал қилинган: ё якка тартибдаги ишлаб чиқарувчи патент олади ва даромадларнинг кейин назорат қилиб борилишидан озод этилади, ёки у регистрация гувоҳномасини олиб, кварталдаги хўжалик фаолиятининг якунлари бўйича прогрессив солиқ тўлайди.

Мантиқан фикрлаганда солиқ солишнинг рағбатлантирувчи шакли сифатида патент республикада жуда ҳам эҳтиёж сезилаётган фаолият турлари учун белгиланган деб фараз қилиш мумкин бўлур эди. Лекин бошқа мезон — даромадлар устидан маъмурий назорат самарадорлиги ишга тушиб кетди. Йўриқномаларда агар хизматлар кўрсатиш ёки товар реализацияси якка тартибдаги меҳнат билан банд кишининг кўчиши билан боғлиқ бўлса ва унинг даромадларини назорат қилиш мушкуллашса, патент сотиш кераклиги кўзда тутилган. Ўз маҳсулотини

айни ишлаб чиқариладиган жойда реализация қилувчи якка тартибдаги меҳнатчилар учун эса анъанавий, даромадга қараб солиқ солиш кўзда тутилган.

Амалиётда эса бундай қатъий чегаралаш ЯТМФнинг ривожланишини тўхтатувчи омил ролини ўйнамоқда. Якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар учун патент олиш фойдали ва қулай деган кенг тарқалган фикрга зид ўлароқ, уларнинг кўпчилиги солиқ солинишининг анъанавий шаклларини афзал кўрадилар. Чунончи, ўтказилган социологик тадқиқот мобайнида «Агар сиз солиқ солиш шаклларидан бирини мустақил танлаш ҳуқуқига эга бўлганингизда, қайси бирини афзал кўрардингиз?» деган саволга жавоб берган 1286 нафар якка тартибдаги ишлаб чиқарувчидан 542 нафари (42,1 фоиз) даромад солиғини танлаган. Бундай танлашнинг қуйидаги сабаблари айтилган: патент ҳақи ҳаддан ташқари катта (252 киши). ЯТМФдан доимий даромад олишга ишонч йўқ (181), якка тартибдаги ишлаб чиқариш билан доимий тарзда шуғулланмайман (182). Патентни афзал кўрувчиларни (744 киши) солиқ солиш бу шаклининг оддийлиги (507), майда-чуйда нарсалар устидан молиявий назорат йўқлиги (237) ўзига жалб этган. Бу маълумотлар солиқ солишнинг кўрилган шаклларини ҳар бири якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар учун ўзининг жозиба хусусиятларига эга эканлиги хусусида хулоса чиқариш имконини беради. Лекин рағбатлантиришнинг тилга олинган шакллардан биронтасини мустақил танлаш ҳуқуқини беришдек чораси ишлатилмай қолмоқда. Республикамизда бу имтиёздан фақат пенсионерлар ва уй бекалари, шунда ҳам ғоят тор доирадаги машғулотлар бўйича фойдалана олишлари мумкин.

Бундан ташқари, мавжуд солиқ қоидаларига кўра, якка тартибдаги меҳнат билан асосий фаолият сифатида шуғулланувчилардан ҳам, пенсионерлар, студентлар, уй бекаларидан, шунингдек давлат ва колхоз корхоналаридаги ишдан бўш вақтда шуғулланувчилардан ҳам солиқлар бир хил миқдорда ундирилади, патент ҳақи ҳам бир хил. Бу, шубҳасиз, социал адолат принципига зид келади, чунки ЯТМФга кўпроқ вақт ажратиш имкониятига эга бўлганлар учун унинг даромадлилиги жиддий равишда юқоридир.

Наҳотки, патент ҳақининг миқдори якка тартибдаги меҳнат билан машғул бўлган оила аъзоларининг сонига боғлиқ ҳолда табақалаштиришга муҳтож бўлмаса? Республикада бу муаммони ечишга уриниб кўрилган, лекин уни муваффақиятли чиққан деб тан олиб бўлмайди. Биринчидан, оила аъзоларининг хўжалик фаолиятини амалга оширишдаги иштироки учун патент қийматига устамалар Ўзбекистоннинг барча областларида ҳам ўрнатилган деб бўлмайди — улар Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм областларида мавжуд эмас. Иккинчидан, устамалар миқдори иқтисодий ва социал жиҳатдан асосланган эмас, республика территориясида унинг миқдори хилма-хил эканлиги шуни кўрсатиб турибди — у Самарқанд ва Сурхондарё областларида 10 фоизга, Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Сирдарё, Тошкент областлари ва Тошкент шаҳрида 15, Андижон ва Наманган областларида 20 фоизга тенг.

Лекин гап устамалар миқдори ҳар бир областнинг ўзига хос социал-иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олиш имконини берувчи ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланган эмаслигидагина эмас. Таҳлилнинг кўрсатишича, гарчи якка тартибдаги ишлаб чиқарувчиларнинг анчагина қисми ўз оиласининг кам деганда 1—2 аъзоси кўмагидан фаол фойдаланиши маълум бўлса-да, сотиб олинган ҳар 100 патентдан фақат 8—9 тасида устамалар мавжуд. Патент билан ишловчи шахсларнинг улар фаолиятида қўшимча иш кучлари иштирок этиши фактларини яширишга уринишлари тушунарли — улар ортиқча сарф-харажат қилишни истамайдилар. Маҳаллий ҳокимият органларининг бундай назорат қилмаслиги эса каттагина маблағ буюджетга келиб тушмаслигига олиб келади.

Лекин агар патентларни реализация қилишда шахсий-оилавий хўжаликда машғул бўлганларнинг реал миқдорини етарлича назорат қилмаслик ишлаб чиқарувчиларга камроқ солиқ солинишига олиб келса, регистрация гувоҳномалари бўйича ишловчи шахслардан даромад солиғини ундиришда аксинча ҳолни кўрамиз. Шахсий-оилавий хўжалик доирасидаги даромад оиланинг бир неча аъзоси куч-ҳаракати билан бунёд этилиши фактини эътиборга олмаслик шунга олиб келадики, прогрессив солиқ солиш механизми орқали янгидан яратилган

қийматнинг анчагина қисми чиқариб ташланади ва ушбу хўжаликларга ортиқча солиқ солинади.

Агар якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар регистрация гувоҳномалари бўйича ишлаб, амалдаги даромадларидан даромад солиғи тўлаганда эди, патент ҳақи маҳаллий бюджетга тўланиши мумкин бўлган суммадан кўпинча анча кам бўлиши ҳам эътиборни ўзига жалб этади. Бу ҳам солиқ солишнинг турли тартибларида ишлаётган якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар бир хил аҳволда эмасликларидан далолат беради. Қолаверса, улар яшайдиган жой ҳам катта аҳамиятга эга. Патент ҳақининг ягона, илмий асосланган ҳисоб-китоб методикаси йўқлиги сабабли унинг қиймати республика областларида бир-биридан жиддий фарқ қилади. Чунончи, бу фарқ миллий ширинликларни тайёрлашда 670 фоизга, соат тузатиш хизматини кўрсатишда 375 фоизга тенг (Самарқанд областида 400 сўм ва Андижон областида 1500 сўм).

Патент қиймати, шубҳасиз, жиддий иқтисодий ва социал асослаб беришга муҳтож. Патентларни қўлланиш соҳалари хусусидаги масала ҳам зудлик билан ҳал қилиниши керак. Патент сотиб олинадиган ЯТМФ турлари рўйхатини ўрганиш барча областларда у зарур синчковлик билан ишлаб чиқилмаслиги хусусида хулоса чиқариш имконини беради. Эҳтимол, тажрибанинг йўқлиги ўз таъсирини кўрсатгандир. Лекин факт фактлигича қолади: бир қатор ҳолларда бир ном остида турли даражада даромад келтирувчи касб-ҳунарлар келтирилган. Чунончи, областларнинг кўпчилигида кийим тикиш бўйича патентлар унинг конкрет турларини (пальто, куртка, кўйлак, костюм, болалар ёки катталар кийими ва ҳоказо) ҳисобга олмасдан туриб берилмоқда. Ахир, улар ҳар бирининг рентабеллиги ҳар хил-ку. ЯТМФнинг турли даромад келтирувчи турларини битта ном остида бирлаштириш шунга олиб келадики, патент қиймати бундан келиб чиқувчи барча оқибатлар билан биргаликда ғоятда тахминий бўлиб қолади.

Регистрация гувоҳномалари бўйича ишловчи якка тартибдаги ишлаб чиқарувчиларга прогрессив даромад солиғи солиш шкаласи ҳам иқтисодий ва социал жиҳатдан асосланган эмас. Улар халқ хўжалигининг давлат ва кооператив секторларида банд бўлганларга қараганда анчагина қаттиқроқ солиқ шароитига солиб қўйилган. Агар корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари, кооператорлар ставка бўйича 13 фоиздан (даромад 100 сўмдан ошган тақдирда) солиқ тўласалар, якка тартибдаги меҳнат билан банд бўлган кишилар учун у 65 фоизга етади. Солиқларнинг бундай исканжасидан қутулиш хоҳиши, хусусан, сохта кооперативлар барпо этилишини рағбатлантиради.

Тилга олинган барча оғишлар бозор типидаги планли-бошқарилувчи иқтисодиётга ўтиш жараёнида тўғриланиши керак. У СССР халқ депутатлари II Съездида қабул қилинган ҳукумат программасига мувофиқ амалга оширилади. Анчагина узоқ давр муқаррарлигини англаш қийин эмас, унинг мобайнида мамлакат бутун халқ хўжалиги доирасида эквивалентли-бозор муносабатлари учун шарт-шароит яратилади. Бу даврда ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашнинг мавжуд механизмини сақлаб қолган ҳолда кооператив-якка тартибдаги хўжалик юритишнинг фаолият кўрсатиши жамиятимизда хўжалик юритишнинг бозор формаларини қарор топтиришга ёрдам бериши керак.

Шу муносабат билан кооператив-якка тартибдаги секторни чекланган гарантияли таъминлашни жорий этиш зарур кўринади. Хусусан, марказлаштирилган ҳолда етказиладиган хом ашё, материаллар, ёқилғи ва ускуналар билан товар сотиш ҳамда хизмат кўрсатишни давлат нархлари ҳамда тарифларидан оширмаган ҳолда сотишга рози бўлувчи ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи сотишга ўхшаш тартибда чакана нархларда таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда кооперативлар ва шахсий оилавий хўжаликлар ўзлари учун зарур ишлаб чиқариш воситаларини кимошди системаси орқали харид қилиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Бундай тартиб кооперация ва якка тартибдаги ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий бошқариш органлари билан алоқа қилиш функцияларини зиммасига оладиган, уларга сақланиб қолган директивали планлаштириш шароитига расман мослашишда ёрдам берадиган ўтиш структуралари яратилишини тақозо этади. Менимча, тилга олинган структуралардан фойдаланиш, бир томондан, корчалонликнинг кичик шаклларини иқтисодиётда ҳаракат қилувчи асосий меха-

низмларга боғлаш, бошқа томондан эса,— улар учун хўжалик маневрининг муайян эркинлигини таъминлаш имконини беради. Кооперация ва ЯТМФ моддий-техника таъминоти муаммоларининг муваққат чора сифатида бундай тарзда ҳал қилиниши (СССРда ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдоси системаси жорий қилингунча), назаримда, ижобий натижалар бериши мумкин бўлур эди.

Хўжалик юритишнинг кооператив-якка тартибдаги шаклларини қарор топтириш ва уларни хуфия иқтисодиёт соҳасидан олиб чиқиш мақсадида уларни муқобил негизда янада ривожлантиришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Бундаги прогнозли баҳолар хўжалик механизмини тубдан қайта қуришнинг ижобий тенденцияларига ва ўз ихтиёрларидаги территориядаги ишлаб чиқаришни иқтисодий бошқаришда халқ депутатлари Советларининг ролини оширишга таяниши керак.

Советлар меҳнаткашларнинг ваколатли намояндалари сифатида борган сари кўпроқ даражада сиёсий жиҳатдангина эмас, балки халқ хўжалигини бошқариш системасида энг муҳим бўғинлардан бирини эгаллашга даъват этилган фаол хўжалик юритувчи субъектлар сифатида ҳам қараб чиқилмоқда. Уларнинг қўлида хўжалик юритишнинг янги кичик ва ўрта шаклларини рағбатлантириш ҳамда назорат қилишга доир функцияларнинг тўпланиши ҳам улар иқтисодий роли реал жиҳатдан қайта баҳоланаётганидан далолат беради. Муайян жой аҳолисининг эҳтиёжларини ғоятда тўлиқ ва жамланган ҳолда ифодалашга қодир халқ депутатлари Советлари маҳаллий бозорни тақчил товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, моддий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва улардан тежамли фойдаланиш, кишиларнинг рационал бандлигини таъминлаш, маҳаллий хўжаликда рақобатли негизларни шакллантириш мақсадида кооперация ва ЯТМФни ривожлантиришга ёрдам беришга даъват этилган.

Туб иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш давомида Советлар майда ва ўрта товар ишлаб чиқарувчиларни шунчаки ҳисобга олиш, янги кооперативларни рўйхатга олиш ва ЯТМФ учун рухсатномалар беришдан якка тартибдаги-кооператив ҳаракатни фаол бошқаришга ўтиши керак бўлади. Бу нарса кооперативлар ва якка тартибда ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий ва маъмурий воситалар ёрдамида аҳоли учун керакли йўналишга йўллаш учун зарур. Агар хўжалик юритишнинг бу шаклларини ривожлантиришни ўзибўларчиликка ташлаб қўйсак, бошқариб турмасак, ғоятда нохуш оқибатлар пайдо бўлиши мумкин. Кооперация ва ЯТМФ соҳасини стихияли кенгайтириш, тажрибанинг кўрсатишича, уларнинг самарадорлигига ҳамда уларга ва хўжаликни иқтисодий жиҳатдан эркин юритиш ғоясининг ўзига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Республикамизда кооператив ва шахсий секторлар фаолиятининг асосий тенденциялари кўп жиҳатдан уларни ривожлантиришга доир халқ депутатлари Советлари қабул қиладиган концепцияга боғлиқ бўлади. Хўжалик юритиш ана шу икки шаклининг социалистик иқтисодиётдаги ўрни ва ролини баҳолашда иқтисод фанида ҳам, жамоат онгида ҳам турли ёндашувлар шаклланганлигини ҳисобга олиб, иккита муқобил концепция яратилди. Бунга қуйидаги сабаблар ундади: биринчидан, республика социал-иқтисодий комплексининг ривожланиши кўп вариантли, шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари халқ манфаатлари, ички ва ташқи омилларнинг бутун хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда танлашда муайян эркинликка эга бўлишлари керак; иккинчидан, муқобил концепцияларнинг мавжудлиги прогнозларни ишлаб чиқиш демократик тартибининг реал базаси ҳисобланади. Вариантларни қиёслаш, уларни жамоат фикри тарозисида тортиб кўриш оптимал қарорлар сари йўл очиб беради.

Биринчи концепция — **«иқтисодиётнинг ёрдамчи сектори»** — қуйидаги умумназарий қоидаларга таянади.

1. Социализм иқтисодиёти аввало ишлаб чиқариш воситаларига бўлган ижтимоий эгаликка асосланади. Социалистик жамият моддий-техника базасининг негизини халқ хўжалиги турли соҳаларидаги замонавий юқори унумдор техника ва илғор технология билан жиҳозланган йирик корхоналар ташкил этади. Бу корхоналарда биринчи навбатда фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари рўёбга чиқарилади, ишлаб чиқариш аппарати такомиллаштирилади, иш кучининг малакаси ўсади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ССР социал-иқтисодий

ривожланишининг истиқболлари асосан йирик ва ўрта корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқдир.

2. Республика халқ хўжалиги комплекси доирасида муайян ўринни кооператив ва якка тартибдаги мулкчиликка асосланган майда корхоналар ҳамда хўжаликлар эгаллаши керак. Ана шу иқтисодий шаклларга эҳтиёж ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг ушбу босқичда халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини етарлича қондиришга имкон бермайдиган даражаси билан шартланган. Кооперация ва ЯТМФнинг социалистик характери уларни республика хўжалигини бошқаришнинг мавжуд системасига киритиш ва давлат сектори билан баҳамжиҳат алоқада бўлиши билан таъминланади.

3. Йирик ишлаб чиқаришнинг афзалликлари шахсий-оилавий ва кооператив корхоналарни ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлашга жалб этишни мақсадга номувофиқ қилиб қўяди. Илм-фанни талаб қилувчи ва техника жиҳатидан мураккаб тармоқлар асосан қўл меҳнати ва оз даражада механизациялашган меҳнатга асосланувчи шахсий-кооператив сектор доирасида самарали ривожлана олмайди. Хўжалик юритиш кичик шаклларининг истиқболи маиший ва социал-маданий хизмат кўрсатиш, маданий-хўжалик молларини ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик билан боғланган. Кооперация ва ЯТМФ дан фойдаланиш давлат секторида тайёрланиши аввалдан самарасизлиги кўриниб турган истеъмол предметларини яратишдагина иқтисодий жиҳатдан асосланган.

4. Кооперация ва ЯТМФни ривожлантириш аҳолининг меҳнатдаги фаоллигини, шу жумладан, бирон-бир сабабга кўра йирик ишлаб чиқариш режимида ишлай олмайдиган тоифадаги кишилар (пенсионерлар, ўқитувчилар, ёш болали аёллар ҳамда меҳнат қилиш қобилияти чекланган бошқа тоифадагилар) ҳисобига ошириш зарурлиги билан боғланган. Майда хўжалик юритишнинг турли шакллари аҳолининг ана шу гуруҳлари меҳнати учун энг кўп даражада тўғри келади, чунки бу ерда, йирик ишлаб чиқаришдан фарқ қилиб, тўлиқ бўлмаган иш куни давомида ва қулай вақтда, уй шароитида ишлаш мумкин. Кооператив-шахсий сектор иккиламчи бандлик даражасини — асосий иш вақтида бўш пайтдаги қўшимча иш даражасини ҳам ошириш имконини беради.

5. Кооператив ва шахсий хўжаликларни ривожлантиришнинг иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқлигини барча турдаги моддий ва молиявий ресурсларни сарфлашда қатъиян тежаш зарурлиги шартлаган. Каттагина капитал маблағларга эҳтиёж сезмайдиган ва одатда чекланган маҳаллий энергия ва хом ашё манбалари, шунингдек йирик ишлаб чиқариш чиқиндилари билан кифояланувчи хўжалик юритишнинг кичик шакллари мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак.

6. Кооперация ва ЯТМФни кенг миқёсда ривожлантиришдаги объектив чеклашларни иқтисодиёт ана шу сектори фаолиятининг ички қонуниятлари юзага келтиради. Майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг назоратдан холи ўсиши муқаррар равишда бозордаги бошбошдоқликка, нарх-наво ўсишига, кооператорлар ва шахсий хўжаликда машғул бўлган кишилар томонидан даромаднинг социал адолатдан йироқ тарзда олинишига олиб келади. Шу муносабат билан, менимча, меҳнат ва моддий ресурсларнинг давлат сектори билан кооператив-шахсий сектор ўртасида қайта тақсимланишининг кейинги сектор фойдасига бўлиши норационалдир. Хўжалик юритишнинг кичик шакллари томонидан фаолият, нарх белгилаш, маҳсулотни реализация қилиш ва ҳоказо соҳаларни танлашда уларни давлат корхоналарига қараганда анча қулай ҳолатга чиқариб қўювчи кенг иқтисодий эркинликлардан фойдаланиш ҳам шунчалик ўзини оқламайди. Кооперативлар ва якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар томонидан муҳим иқтисодий ечимларнинг қабул қилиниши майда товар хўжалигини территория аҳолисининг манфаатларига йўлловчи маҳаллий ҳокимият органларининг назорати остида амалга оширилиши керак.

Муқобил концепция кооперация ва ЯТМФни **кўп секторли иқтисодиётнинг бир қисми** сифатида қараб чиқади. Унинг асосий принциплари қуйидагилар:

— мулкчилик муносабатларини қўшганда шаклланган социал-иқтисодий муносабатлар системасини реал қайта қуриш;

— кооперация ва ЯТМФни қўшганда хўжалик юритиш хилма-хил шаклла-

рининг социал-иқтисодий тенг ҳуқуқлилик ва мусобақалашиш базасида узвий ўзаро ҳамкорлиги;

— давлат сектори томонидан кооператив негиз ва принципларнинг бу секторнинг чинакам умумхалқ хўжалигига айланиши асосий йўналишларидан бири сифатида кенг ўзлаштирилиши;

— ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг турли соҳаларида кооперация ва ЯТМФнинг ривожлантирилиши;

— ҳар бир кишининг табақалаштирилган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида барча аҳолини аста-секин кооперациялаштиришнинг турли шакллари билан қамраб олиш.

Кооперация ва ЯТМФ социал-иқтисодий самарадорлигининг юксак бўлиши ҳозирги ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив қонунияти билан шартланганки, бу қонуният йирик, ўрта ва майда корхоналар оптимал бирикувида бўлишидан иборатдир. Ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш кенгайиши билан нафақат йирик корхоналар, балки замонавий техника ва технология билан жиҳозланган майда корхоналар ҳам самарадор бўлиб боради.

Тарихий тажриба кичик шаклларни ривожлантириш давлат сектори базасида самарадор бўлмаслигидан далолат беради, зеро майда корхоналар ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг характери билан зид келиб қолади. Хўжаликни рационал юритиш учун зарур стимуллар системасини таъминловчи кооператив ва шахсий мулкчилик шакллари майда корхоналар учун энг самарали шакллардир.

Кооперация ва ЯТМФни янада ривожлантиришнинг муқобил концепциялари ана шундай. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам, уларнинг истиқболини белгилаш чоғида ана шу негизда бир қатор энг муҳим иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал қилиш мумкинлигини эътибордан соқит қилмаслик керак. Шу жумладан:

— йирик ишлаб чиқаришни ярим тайёр маҳсулотлар, деталлар, узеллар, маҳсулотлар, технология жараёни айрим босқичлари, ремонт ишлари билан таъминлаш;

— катта капитал маблағлар сарфламасдан кўпгина истеъмол моллари тайёрлаш ва хизмат кўрсатишни анчагина кенгайтириш, бозор талабининг ўзгаришига эпчил муносабатда бўлиш;

. йирик ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлмаган иш кучи резервларини (пенсионер, ўқувчи, уй бекаси, ногирон кишиларни) ишлаб чиқаришга жалб этиш;

— ишлаб чиқаришни интенсивлаш юксалиши муносабати билан иш кучининг йирик корхоналардан бўшатиб олинадиган қисмини ишга жойлаштириш;

— айрим шахслар ва кооперативларга ижарага топшириш йўли орқали давлатни норентабел ва зарар кўраётган корхоналардан халос этиш;

— аҳолининг илгари нуқул шахсий истеъмол учун ишлатилган моддий ва молиявий воситалари ҳамда маблағларининг бир қисмини ишлаб чиқаришга киритиш;

— йирик корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш шарт-шароитига «киришимсиз» айрим гражданларнинг ноёб қобилиятлари, билим ва меҳнат кўникмаларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш;

— «хуфия иқтисодиёт»га позитив альтернативани қарши қўйиш, унинг бозордаги танҳо ҳукмронлигига барҳам бериш;

— ишлаб чиқаришга илмий-техника ишланмалари жорий этилишини жадаллаштириш, янги илмий ғоялар пайдо бўлишига ва улардан халқ хўжалигида амалий фойдаланилишига кўмаклашиш;

— истеъмолчиларнинг манфаатларини улар ўз-ўзини ҳимоя қилиши учун, ишлаб чиқаришнинг ягона самарадор назоратчиси ва бошқарувчиси функциясини рўёбга чиқариш учун уларни жипслаштириш.

Туб иқтисодий ислоҳотни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол предметлари бозорининг қарор топиши, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан фақат иқтисодий бошқарув воситаларининг ишлатилиши асосидагина кооперация ва ЯТМФни самарали ривожлантириш, уларни салбий тенденциялардан халос қилиш мумкин. В. И. Ленин орзу қилганидек, ҳозирги кооператорларимизнинг маданиятли кооператорларга айланиши чинакам инсонпарвар, демократик жамият барпо этишнинг муҳим шартидир.

ПАРТИЯ
ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА

«Ўзбекистон коммунисти» журнали редакцияси КПСС XXVIII съезди арафасида республиканинг бир қатор партия ходимларига мурожаат этиб, қуйидаги саволларга жавоб беришларини илтимос қилди:

1. Сизнинг фикрингизча, қайта қуришнинг танг бир даврида жамиятни демократиялаш, ошкоралик, туб сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўлида бутунлай янгилашнинг ташаббускори бўлган КПСС нима учун кескин танқид ўти остида қолди? Шундай танқид учун жиддий асослар борми?

2. Жамиятимизда кўп партиялиликка йўл очиб берадиган бир қатор қарорлар бўлганига қарамай бу масала атрофидаги мунозара тўхтамаяпти. Сизнинг ушбу муаммога доир нуқтаи назарингиз қандай?

3. Бугунги кунда кўпгина партия комитетлари ва ташкилотларининг фаолияти ҳозир жамиятнинг сиёсий авангарди олдига қўйилаётган талабларга, афсуски, ҳаммавақт ҳам мос эмаслигининг, қолаверса — ҳаётда юз бераётган қайта қуриш жараёнларидан жиддий орқада қолаётганлиги, баъзан уларга ижобий таъсир кўрсатишдан ожизлик қилаётганининг туб сабаблари, сизнингча, нимада? Кўпгина партия комитетлари ва ташкилотларининг ҳаётимизнинг анчагина соҳаларида социалистик тарзда янгиланишни амалга оширишдаги ношудлиги нима учун жудаям чўзилиб кетяпти? Сизнинг фикрингизча, коммунистларнинг чуқур илдиз отган сийқа қолипларни қатъиян парчалаб ташлашдан чўчиётганлари кўпинча қандай конкрет ҳолатларда намоён бўлмоқда?

4. Федерациямизни тубдан қайта қуриш жараёнининг сўнгги вақтларда авж олиши, уни реал сиёсий ва иқтисодий мазмун билан тўлдириш янгича ёндашувларни, жумладан, республика партия органларининг ўз ташкилотлари масалаларини ҳал этишда, партия комитетлари структурасини белгилашда ўзига хос миллий эҳтиёжларни ва коммунистлар фаолиятининг шарт-шароитларини акс эттирадиган сиёсий қарорлар, ҳаракат дастурларини қабул қилишдаги мустақиллигини кенгайтириш бобида амалий қадамлар қўйишни талаб этади. Сизнинг фикрингизча, шу муносабат билан республика партия ташкилотимиз ишида қандай муаммолар вужудга келади? Сизнинг нуқтаи назарингизча, Ўзбекистон Компартиясининг мустақиллигини ошириш учун нималар қилиш лозим? У конкрет нималарда ифодаланиши керак?

5. Баъзи коммунистларнинг партиядаги қайта қуриш имкониятларига кўпинча вазмин муносабатда бўлишлари уларнинг партия аппарати ролига салбий баҳо беришлари билан боғлиқдир. Лекин агар вазиятга сергак қаралса, партия комитетлари прогрессив, профессионал аппаратсиз ишлай олмайди. Сайланиб қўйиладиган партия органи билан унинг аппаратининг ўзаро ҳамкорлиги механизми, партия муҳитидаги ўзаро муносабатларнинг шакллари, Сизнинг назарингизда, қандай бўлиши керак?

6. Эркин партия етакчиларисиз, уддабурон, серғайрат, назарий ва методологик жиҳатдан тайёргарлик кўрган, янги, қайта қуриш формациясининг одамларни ўз кетидан эргаштиришга қодир бўлган обрўли раҳбарларисиз жамиятни инқилобий тарзда янгилаб бўлмайди. Сиёсий раҳбарлик санъати ижтимоий тафаккурнинг прогрессив оқимларини юзага чиқаришдан, янгича ғояларга таянишдан, уларни моҳирона ривожлантириш ва конкрет ҳаракатларнинг пухта программасига айлантиришдан иборат. Партия кадрларимизнинг анчагина қисми

Сизга амалда партия етакчилари бўлиш ўрнига фақат сиёсий раҳбариятга тақлид қилаётгандай, ўзларини партия раҳбари сифатида сақлаб қолиш ҳуқуқи учун курашаётгандек бўлиб кўринмаяптиларми? Замонавий партия раҳбарининг ҳақиқий сиймосини Сиз конкрет қандай тасаввур қиласиз?

7. КПСС Программаси билан Устави давримиз талабларига жавоб бериши учун Сизнинг фикрингизча уларга қандай конкрет ўзгартиришлар киритиш лозим?

* * *

Журналнинг ушбу сонида қўйилган саволларга Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон обкомининг биринчи секретари Соғиндиқ Даулетиёрович НИЕТУЛЛАЕВ жавоб беради.

1. Аввало шуни таъкидламоқчиманки, 1985 йилнинг апрелида қайта қуришни эълон қилган ва унга бошчилик қилаётган айни КПСС жамиятда демократиялаш ва ошкоралик қарор топишига оғишмай эришди, бунинг шарофати билан партиянинг ўзини ҳам танқид қилиш мумкин бўлиб қолди.

Қайта қуришни биз революция деб атаётганимиз бежиз эмас. Дарҳақиқат, тинч характердаги кўламдор, социал революция бормоқда. Шу билан бирга у зиддиятларсиз, қийинчиликларсиз, эскилик билан янгиликнинг ўзаро курашисиз кечиши мумкин эмас. Бугунги кунда партия, умуман бутун жамият ниҳоятда кескин сиёсий, иқтисодий, психологик қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Вужудга келган вазиятнинг илдизлари тўғридан-тўғри ҳозирги тарихий пайтнинг характери билан боғлиқдирки, бунда аввалги буйруқбозлик-маъмуриятчилик тартиблари ҳамда уларга мос бўлган сиёсий структуралар барбод этилмоқда, замон талабларига жавоб берадиган янги тартиблар эса эндигина таркиб топмоқда.

Бинобарин, партияга ҳужумлар тинмаётганининг асосий сабаби, менимча, шундаки, ўнларча йиллар мобайнида мамлакатда реал ҳокимият КПССнинг, унинг барча даражалардаги органлари қўлида бўлди. Бундай аҳвол жамиятнинг сиёсий структураси, раҳбарлар ҳамда барча даражалардаги аппаратнинг руҳиятига сингиб кетган эди. Қарор топган тасаввурлар, одатлар ва анъаналардан воз кечиш, турган гапки, вақт ва кўп куч-ғайрат талаб қилади.

Ҳозир партия ўзига хос бўлмаган маъмурий, хўжалик вазифаларидан холи бўлиб куч-ғайратини қайта қуриш сиёсатини чуқурлаштиришга жамламоқда, ана шу сиёсат нафақат халқ томонидан қабул қилиниши, балки фаол қўллаб-қувватланиши, изчиллик билан турмушга оширилиши учун курашмоқда.

Партиянинг янгиланиши билан жамиятнинг янгиланиши ўзаро боғлиқдир. КПСС ўзини поклаш жараёнида ўз ғоявий ва ахлоқий хислатларини қайта тиклаб боради. Бироқ партия, жамиятнинг унга нисбатан ортиб бораётган талабчанлигини табиий бир ҳол деб қабул қилар, адолатли танқиддан хулоса чиқарар экан, уни бадном этишни, у билан халқ орасига рахна солиш йўлидаги уринишларни катъиян рад этади.

2. Бу саволга СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди қарорларида қисман жавоб берилди, партиянинг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларида аксини топди.

Халқ депутатлари Съезди СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддаларига ўзгартишлар киритар экан, жамиятимизни янада демократиялаш заруриятидан келиб чиқди. Коммунистик партия, кўп партиявийликка йўл очиб бериб, бу билан ҳокимиятга яккаҳокимликдан воз кечди, социалистик жамиятни янгилаш тарафдорларининг ҳаммаси билан ҳамкорлик қилишга ва сиёсий мулоқотга тайёр эканини катъий айтди. Бундан буён КПСС сайловларда ҳокимиятнинг раҳбар органларини тузишга ҳамда ҳамма даражалардаги бошқарувга мандат олиш учун сайловчилар овозини олиб, демократик жараёнда идора қилувчи партия мавкеини сақлаб қолиш учун курашмоғи лозим. Сирасини айтганда, Қорақалпоғистон АССРнинг яқинда сайланган халқ депутатларининг 83 фоизи КПСС аъзоларидир, автоном республика маҳаллий Советлари депутатлари орасида улар 50 фоиздан кўпроқдир. Келгусида ҳам депутатлик мандатлари учун кураш партиянинг асосий вазифаларидан бири бўлади. Шунга татбиқан КПСС Устави лойиҳасига тегишли янгиликлар киритилдики, улар партиявий иш методлари ва уни ташкил этиш шаклларини анча ўзгартиш имконини беради.

Бошқача айтганда, партияни аввалдан белгиланган бурчини ўташга — жамиятнинг авангард сиёсий кучи бўлишига эришиш, унга перспектив ривожланиш йўлини ишлаб чиқиш ва таклиф этиш, давлат ва ижтимоий структураларида коммунистлар орқали уларни рўёбга чиқариш тўғрисида сўз бормоқда.

Партиянинг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларида жамият иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилиш шароитида партиянинг роли ва вазифаларини янгича характерлайдиган асосий қоидалар таърифлаб берилган. Улар партия ва жамиятдаги съездолди мунозаралар учун замин бўлди, бинобарин, асосий партиявий ҳужжатлар шулар негизида ишлаб чиқилади.

3. Кейинги вақтларда партиядаги қайта қуриш жамиятда содир бўлаётган жараёнлардан анча орқада қолмоқда, деган гапларни тез-тез эшитишга тўғри келмоқда. Бу шу билан боғлиқки, кишилар ҳозирги шароитда партиянинг ўрни ва роли тўғрисидаги масалани қизғин муҳокама қилар эканлар, қайта қуришнинг муваффақият қозонишига, жамиятнинг янгиланиши, турмушнинг яхшиланишига бўлган умидларини КПССнинг сиёсати ва амалий фаолияти билан боғлайдилар. Ўйлаймизки, ижтимоий онгда юз берган партия комитетлари ва ташкилотлари, барча коммунистлар ишига нисбатан ўткир танқидий муносабат томон жиддий бурилиш ҳам шу билан изоҳланади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш keракки, узоқ вақт давомида жамиятни маъмурий-буйруқбозлик системаси шароитида бошқарган партия ҳамма нарсадан юқори туриб келди, давлат, хўжалик, мафкуравий ҳаётнинг ҳамма жараёнларини назорат қилиб турди, қандай ҳаракат қилиш тўғрисида йўл-йўриқлар бериб келди. Бу тарзда раҳбарлик қилиш маълум маънода енгил ва осон эди. Бироқ партия фаолиятидаги асосий нарса — унинг жамиятдаги сиёсий авангардлик роли, омма билан жонли алоқа қилиш бой берилди. Партия комитетлари, унинг аппарати қарор ва кўрсатмалар кучига суянишга одатланиб қолдилар, шу билан бирга кишилар билан мулоқотда бўлишни, уларнинг ишончини қозонишни, ишонтириш ва далил-исботлар орқали уларни эргаштиришни унутиб қўйдилар.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида, яъни сиёсий ислоҳот ғоялар, ишланмалар ва режалар соҳасидан амалиётга айланаётган, давлат ҳокимияти амалда бутунлай Советлар қўлига топширилаётган бир пайтда партия комитетлари, ташкилотлари ва кадрлар фаолиятида ҳамма нарса кўнгилдагидай деб бўлмайди. Ҳозирги ғоятда мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда, фикрлар чувалашиб кетган, кишиларнинг сиёсий фаоллиги ўсаётган, ижтимоий ташаббус жўш ураётган, ташкилотлар фаолияти гуркираб ривожланаётган, янги ҳаракатлар вужудга келаётган бир пайтда улардан баъзилари, менинг назаримда, саросимага тушмоқдалар. Омма орасида фаол ишлаш ўрнига улар ҳамон фаолиятнинг эскича шакллари ва методларига ёпишиб олганлар, ҳамма масалалар бўйича «юқоридан» кўрсатмалар берилишини кутмоқдалар. Равшанки, кадрларни руҳан қайта қуриш муаммоси шундан иборат, лекин ҳамма ҳам бунга давр талаб қилганидек тезда эришавермайди.

Масаланинг бошқа бир томони шундан иборатки, ҳозир, ўтиш даврида, Советлар ҳокимиятни тўлиқ ҳолда ўз қўлларига олишга ҳали тайёр эмаслар, шу сабабли партия комитетларига гоҳо ҳамма учун одатий бўлган эски схема асосида иш кўришга тўғри келмоқда.

Бу гаплар партия комитетлари ва ташкилотларининг ўз фаолиятини қайта қуришдаги сусткашлигини асло оқламайди, албатта, бунинг учун улар адолатли танқид қилинмоқда. Чунончи, Ленинобод райони партия ташкилоти ҳисобот-сайлов коференциясида райкомнинг биринчи секретари И. Аминов шаънига танқидий фикрлар айтилди: у оддий коммунистлар билан кам учрашади, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари билан маслаҳатлашмайди, хўжалик масалаларини ҳал этишни ўз зиммасига олишга ҳаракат қилади, яъни аслида эскича услубда ишлаяпти дейишди. Бюронинг бошқа аъзоларида ҳам шунга ўхшаш камчиликлар борлиги қайд этилди. Ўз мазмунига кўра муҳим бўлган бу танқид айни вақтда юз бераётган ўзгаришлардан дарак беради — ахир яқин ўтмишда ҳам партия комитети секретарлари ва бюро аъзоларини ҳеч ҳам танқид қилиб бўлмасди-да. Нима бўлганда ҳам партия ташкилотларида партия органлари, кадрлар иши услуби ва методларини янгилашга, такомиллаштиришга халақит

берадиган жамики нарсаларни тезроқ бартараф этишга қаратилган ўртоқларча талабчанлик вазияти тобора қарор топмоқда.

4. КПССнинг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларида иттифоқдош республикалар компартияларнинг янги мақомини мустаҳкамлайдиган ва уларга реал мустақилликни таъминлайдиган нормалар мавжуд — чунончи, улар ўз программалари ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқишлари мумкин, ташкилий, кадр, нашриёт ва молиявий-хўжалик масалаларини шуларга мувофиқ ҳал этадилар, ўз республикалари ривожининг ҳамма соҳаларида сиёсий йўлни ўтказадилар. Устав лойиҳасида, шунингдек, КПСС МК Президиуми ва комиссиясининг иттифоқдош республикалар компартияларига тааллуқли принципиал қарорлари уларнинг мухтор вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши кераклиги, МК қабул қилган қарорга рози бўлмаган тақдирда иттифоқдош республика компартияси жанжалли масалаларни муҳокама қилиш учун КПСС МК Пленуми чақирилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги ҳам кўзда тутилган.

Партия XXVIII съездида КПССнинг Ҳаракат дастури ва Устави тасдиқланганидан кейин улар партиявий қонун кучига киради. Шунинг учун Ўзбекистон Компартиясига фурсатни қўлдан бермай ҳозирданоқ КПСС Программаси ва Устави доираларида, лекин республиканинг социал-иқтисодий спецификасини ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга оладиган ўзининг программавий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқишга киришиши керак бўлади.

5. Айтиш керакки, партия аппаратининг ролига коммунистлардан кўра экстремизмни ўзига хос тарзда легаллаштирмоқ учун митинг ва намойишлардан фойдаланиб, уларда қайта қуришни «партия-давлат аппаратининг мавжуд тартибини сақлаб қолиш стратегияси» деб эълон қиладиган шиорлар ва структурани пароканда қилувчи чақириқларни тобора тез-тез кўтариб чиқаётганлар салбий баҳо бермоқдалар. Ва айни вақтда «аппарат» билан курашда «мансаб» орттирган кишилар ҳозир унинг ёрдамида ҳокимиятни қўлга олиш учун ўз аппаратларини барпо этишга очиқдан-очиқ ҳаракат қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, партия комитетлари ўз аппаратисиз ишлай олмайдилар. Ҳозир у миқдор, сифат таркиби ва энг асосийси, функцияларига кўра қандай бўлиши кераклиги — бу бошқа масала.

1988 йилда КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларига мувофиқ партия комитетлари аппарати структурасида ўзгаришлар юз берди, бўлимлар қайта ташкил этилди, улардан баъзи бирлари, яъни хўжалик органларини такрорлайдиганлари тугатилди. Парткомлар ҳузурида сайланиб қўйиладиган органларнинг аъзоларидан иборат комиссиялар тузилди. Бир қарашда гўё ҳамма нарса давр талабларига мувофиқ қилинган-у, лекин қайта ташкил этиш партия комитетлари иши самарадорлигини анча оширгани у қадар кўзга ташланмаётир.

Шу боисдан, янги вазифаларни, жамиятда партиянинг роли ва ўрнини ҳисобга олган ҳолда, сайланиб қўйиладиган органнинг аппарат устидан устунлигини таъминлаш учун яна анча иш қилиш зарурлиги маълум бўлди. Ана шу мақсадда биз область партия комитети аппарати ходимлари миқдорини тахминан учдан бирга қисқартиришга қарор қилдик, XXXI область партия конференциясида эса — назорат-тафтиш, мафкура, ташкилий-партиявий ва ҳуқуқий иш масалалари бўйича, социал-иқтисодий тараққиёт муаммолари бўйича комиссиялар туздик, уларнинг ҳар бирида сайланиб қўйиладиган органлар аъзоларидан маош олиб ишлайдиган 2 — 3 нафардан ходим бор.

Бундай шароитда аппарат ўз имкониятлари ва универсаллигига кўра ноёб механизм бўлади. Шунга яраша маълумоти, билимдонлиги, маданияти, ахлоқи, демократлилиги нуқтаи назаридан унинг ходимларига қўйиладиган талаблар ошиб боради.

Сайланиб қўйиладиган орган билан аппаратнинг ўзаро муносабатларига келганда, менинг назаримда, аппаратга партия комитетлари бюроси ва комиссиялар ҳузуридаги ижроия органи роли ажратилиши керак. Шу муносабат билан унинг ходимлари вазифалари ҳам ўзгарадики, уларга асосан консультантлар (маслаҳатчилар) бўлишга, кўпроқ таҳлилий, тахминий чамалаш иши билан шуғулланишга тўғри келади.

Яна бир масалани таъкидлашни истардим. Аппаратнинг қисқартириладиган ходимлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Зеро уларнинг аксарияти

ўз вақтида партия даъвати билан партиявий ишга келган ҳалол кишилар, билимдон мутахассислардир. Шунинг учун уларнинг тажрибасидан бошқа жабҳаларда — совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотларида янада самаралироқ фойдаланиш керак.

6. Партия кадрларининг ҳаммаси тўғрисида гапирмоқчи эмасман, лекин Қорақалпоғистон область партия ташкилотида ишлаётган давримда орттирган тажрибам, кузатишлар ва таассуротларимдан келиб чиқиб ўз фикримни билдирмоқчиман.

Қайта қуриш йилларида автоном республикамизда ҳамма райкомларнинг, Нукус шаҳар ва область партия комитетларининг секретарлари алмашди. Янги партия раҳбарлари сиёсий методларни эгаллашга интилмоқдалар, турмушимизда демократиялаш, ошкораликни, қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда коллегиалчиликни қарор топтиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Тўғри, уларнинг қўшаётган ҳиссалари бир хил эмас. Қимдир бунинг уддасидан чиқяпти, бошқа бировники дарров кўнгилдагидай бўлмаяпти.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, партия ходимлари бир қисмининг раҳбарликнинг сиёсий методларини секинлик билан ўзлаштираётганининг объектив сабаблари бор. Биринчидан, бизнинг ҳаммамиз, айтиш жоизки, ўз давримизнинг фарзандларимиз, қайта қуришгача бўлган даврда ҳам яшаганмиз, ўқиганмиз, ишлаганмиз. Иккинчидан, партия, совет ва хўжалик органлари вазифаларини чегаралаб олиш вазифаси гарчанд КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясидаёқ ўртага қўйилган бўлсада, аслида уни амалга ошириш, бинобарин, раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмурий системасини емириш фақат яқиндагина, мамлакатда сиёсийислоҳотнинг иккинчи босқичини бошлаб берган КПСС МҚ февраль ва март (1990 йил) Пленумлари, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди, республикалар маҳаллий ва Олий Советларига сайловлардан кейин реал негизга эга бўла бошлади. Учинчидан, бутун жамият сингари партия ҳам ҳозир ўтиш даврини бошдан кечирмоқда, у ҳокимият вазифаларини Советларга ҳали тўла ва батамом топширганича йўқ. Бунинг сабабларидан бири партия органларининг ҳокимиятдан воз кечишни истамаётганликлари эмас, балки кўпроқ, мен юқорида айтиб ўтганимдек, Советларнинг уни ўз зиммасига олишга тайёр эмаслигидадир. Лекин барибир ишнинг сиёсий методларини эгаллашдаги сусткашликни оқлаб бўлмайди.

Амалда партия етакчиси бўлиш нима экани ҳамда партия кадрлари бир қисмининг партия раҳбарлари сифатида сақланиб қолиш ҳуқуқи учун кураши қанчалик асосли ва ўринли эканлиги масаласига келсак, шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳаёт ҳақиқатини ҳисобга олиб қайта қурилмасдан партия етакчиси бўлиб қолиш мумкин эмас. Бинобарин, агар кураш ана шу йўналишда борса, уни қўллаб-қувватлаш керак, деб ҳисоблайман. Башарти гап бир амаллаб «эгардан тушмаслик», нима қилиб бўлса ҳам ўзининг раҳбарлик лавозимида қолиш муддатини чўзиш тўғрисида борса, ўйлайманки, бундай партия ходимлари узоқ ишлаёлмайдилар. Негаки эндиликда бу масала — у ёки бу партия ташкилотига ким бошчилик қилиши масаласи юқоридаги «раҳбарларга» эмас, кўпроқ партия оммасининг хоҳишига боғлиқдир.

Шу нарсани таъкидлашни истардимки, ҳозир ҳар қандай даражадаги сиёсий раҳбар учун «бошчилик» психологиясидан, алмаштириб бўлмайдиган, хато қилмайдиган киши тушунчасидан бутунлай воз кечиш принципиал муҳимдир. Сиёсий раҳбар қайта қуриш шароитида назоратчи ва ташкилотчи, стратег ва тактик, педагог ва психолог, идеолог ва нотиқ бўлиши лозим. Омманинг сиёсатга аралашуви, фикрлар хилма-хиллиги шароитида у қатъий ғоявий эътиқодли бўлиши, вазиятни, одамларни чуқур билиши, мунозаралар, мулоқотга, битишув, муроса йўлларини излашга ҳамиша шай бўлиши зарур. Бунинг учун эса хилма-хил билимлар, муайян кўникмалар ва ҳатто истеъдод ҳам керак.

Ўйлайманки, раҳбарликка даъвогар ва ўзини раҳбарман деб ҳисоблайдиган одамлар «мансаб» ва «бурч» тушунчалари шунчаки ҳамоҳанг сўзлар эмас, балки чуқур ботиний ўзаро алоқадор сўзлар эканини доимо эсда тутишлари керак. Чунки, кимга кўп ишонилса, ундан шунча кўп талаб қилинади, дейишади-ку. Шу сабабли масъулият туйғуси, юксак ахлоқий фазилатлар, оддийлик, камтаринлик

ва беғаразлик раҳбарга бошқалардан кўра кўпроқ хос бўлиши керак. Фақат шундагина у одамларга етакчилик қила олади.

Охирги бир гап. Ҳар бир партия ходимининг асосий хислатларидан бири, менинг фикримча, сиёсий жангчи бўлиш, партия йўлини ҳаётда ўтказа олиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишда матонат ва принципиаллик кўрсатишдир. Бу унинг профессионал бурчи бўлиб, мамлакатда вужудга келаётган кўп партиялилик ва шу муносабат билан ҳокимият учун бўладиган муқаррар кураш шароитида у тобора биринчи ўринга чиқмоқда.

7. Фақат айрим, менинг фикримча, энг муҳим бўлган жиҳатларгагина тўхталаман.

Автоном тузилмалар сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг яратилаётган механизми, шунингдек уларнинг иқтисодий, социал соҳасига раҳбарлик қилишнинг умумий принципларини тартибга солиб туриш улар партия ташкилотлари ва комитетлари мақомини белгилаб олишни ҳам тақозо этади. Ана шу боисдан маҳаллий масалаларни ҳал этишда автоном республикалар партия комитетларининг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш зарурлиги партия ҳужжатларида акс этиши керак эди. Шунингдек уларга партия марказий органларига ҳамда иттифоқдош республикалар Компартиялари МҚ таркибига ўз вакилларини киритиш нормасини белгилаш ҳамда уларни тўғридан-тўғри делегат қилиш ҳуқуқини ҳам бериш керак.

Устав лойиҳасида, бошланғич партия ташкилоти йиғилишининг КПСС аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарори узил-кесилдир, деб ёзиб қўйилган. Бизнинг область партия ташкилотимизда бошланғич партия ташкилотларининг 60 фоиздан кўпроғи таркибида КПСС аъзолари 15 кишидан кам. Бундай шароитда таклиф этилаётган янги қоида партия сафларининг стихияли тарзда, шунда ҳам тасодифий кишилар ҳисобига ўсишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бундай ҳуқуқни, менимча, 50 ва ундан ортиқ коммунистлари бўлган партия ташкилотларига бериш лозим. Одатда маош олиб ишлайдиган секретарлар сайланадиган партия ташкилотларида (улар бизда асосан колхоз ва совхозларда) партияга кирувчиларни танлашда хатога йўл қўйиш камроқдир. Менинг фикримча, район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг КПССга қабул қилишга доир қарорларини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Журналхонларимизнинг фикрлари, таклифлари, мулоҳазалари

МЕН ПАРТИЯ СЪЕЗДИДАН НИМАЛАРНИ ҚУТАЯПМАН?

Москвада партия XXVIII съезди очилмоқда. Орзиқиб кутилган воқеа! Мен ва менинг ўртоқларим, ҳойнаҳой, мамлакат коммунистларининг кўпчилиги сингари, у жамиятимизни қайта қуриш ва янгилашда ўзгариш ясашига шубҳа қилмаймиз.

Шахсан мен съезддан нималарни кутаяпман? У ўзининг энг асосий ҳужжатларида КПСС бутун фаолиятининг пировард мақсадларини, яъни коммунистик истиқболни янада аниқ аниқлаб беради деган умиддаман. Бу масалада қандайдир «дипломатия» керакми? Ўйлайманки, йўқ. Бизнинг мақсадимиз — коммунизм эканлиги ҳақида аниқ айтишимиз зарур. Шу муносабат билан КПСС Устави I параграфининг 1-бандида «Партия қарорларини бажариш, коммунистик ғояларни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш, қонунийликка ва ижтимоий ахлоқ нормаларига оғишмай риоя этиш намунасини» (шу параграфнинг 3-бандидан) кўрсатувчи СССР граждани («ҳар бир» деган сўзни тушириб қолдирган ҳолда) партия аъзоси бўла олади деб ёзиб қўйиш керак.

Маълумки, илгариги уставларда коммунистларни рағбатлантириш ҳақида ҳеч нима дейилмаганди, жазолаш чораларининг бутун бир «гулдастаси» ишлаб чиқилган эди. Инсон ҳақида ғамхўрликчи? Шаҳар партия ташкилотимизда 7 минг коммунист бор, улардан фақат 18 кишигина «КПСС сафида 50 йил бўлгани учун» нишонига эга, уни ҳам кўпчилиги тантанали вазиятда эмас, балки уйларида олишган, чунки касал бўлганликлари ва ёшлари ўтиб қолганлиги учун юролмайдилар. Шунинг учун иккита: кумуш — «КПСС сафида 25 йил бўлгани учун» ва олтин — «КПСС сафида 50 йил бўлгани учун» нишонлари таъсис этилиши керак деб ҳисоблайман. Уларни қимматбаҳо металлардан ясаш шарт эмас, энг муҳими одамларга эътибор беришда.

Назаримда, суд томонидан жавобгарликка тортиладиган жиноят қилишда айбдор деб топилган партия аъзосини КПССдан чиқарилиши масаласида (I параграфнинг 5-моддаси) ҳам кўпроқ одамгарчилик қилиш керак. Агар эҳтиётсизлик қилиб ёки фалакнинг гардиши билан, айтайлик, автотранспорт ҳодисаси оқибатида хатога йўл қўйилгани ҳисобга олинадиган бўлса қаттиққўллик қилишнинг ҳожати бормикин? «Суд томонидан айбдор деб топилган КПСС аъзосининг партия сафида қолиши масаласи албатта бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилиши керак» деган таъриф киритилиши маъқул эмасмикин? Зеро бошланғич партия ташкилоти бошқаларга қараганда коммунистни яхшироқ билади ва у партия сафида қолиш-қолмаслигини объектив ҳал қила олади.

КПСС Уставининг III параграфида, умуман партия ҳужжатларида «фикрлар плюрализми», «фракция», «фракцион кураш» тушунчаларига тўла аниқлик киритилиши керак, чунки кўпчилик коммунистлар уларнинг фарқини аниқлаёлмай қийналяптилар, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда кераксиз кескинлик вужудга келади.

Кўп партиялилик шароитида СССР Қуролли Кучлари, ДХҚ ва шуларга ўхшаш тузилмаларда сиёсий таъсир ўтказиш масаласида ҳам аниқлик йўқ. Тилга олинган ташкилотларда турли партия аъзолари ўз манфаатлари учун курашиб ушбу структураларни ичидан кучсизлантирмасмикинлар? Армиянинг жанговар-

лиги ва давлат сирларини сақлаш режимига путур етказмасмикинлар? Бу борада ё сиёсий партиялар фаолиятини чеклаб қўйиш лозим, ёки шундай ҳуқуқий механизм яратилиши керакки, у юқоридаги структураларни давлат хавфсизлиги учун зарар келтирувчи ҳар қандай тазйиқлардан мустаҳкам ҳимоя қилсин.

Партиянинг мулки ва пул маблағлари умумпартия бойлиги деган тезисни қўллаб-қувватлайман. Энг муҳими, бу қоида ҳаётда реал ифодасини топсин, бунинг учун эса шунга монанд қоидалар, кўрсатмалар мажмуи ишлаб чиқилиши керакки, улар КПССнинг оддий аъзолари учун партияга тегишли заллар, кутубхоналардан фойдаланиш, унинг санаторийлари ва дам олиш уйларида дам олиш имкониятини яратсин, зеро ҳозир улардан оддий ва энг фаол коммунистлар фойдаланаётганлари йўқ.

Мен Устав лойиҳасидан коммунист партия манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиши кераклиги ҳақидаги қоидани ҳам топа олмадим. Турмушнинг васвасалари кўп бўлади, шунинг учун инсон қандайдир моддий манфаатлар йўлида ғоявий принципларидан воз кечмайди деб бўлмайди. Партияга эса вақтинчалик одамлар эмас, балки унга содиқ кишилар керак ва бу унинг фаолиятини йўлга солувчи асосий ҳужжатда акс эттирилиши лозим.

Мен, КПСС съезди шундай қарорлар ишлаб чиқадики, улар партия бир жойда турмаётганлигидан, ўзини қайта қураётганлигидан, ўз фаолиятига янги, прогрессив жиҳатлар киритаётганлигидан, демак яшаётганлигидан далолат беради, деган умиддаман.

А. ЧЕРКАШЕНКО,

**Ўзбекистон Компартияси
Қарши шаҳар партия комитети
ташкилий бўлимининг инструктори.**

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ СОЦИАЛ ПОЙДЕВОРИ

Агар КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ҳужжатларида ҳуқуқий социалистик давлат тўғрисидаги концепция биринчи марта иқтисодий ислоҳот нуқтаи назаридан қараб чиқилган бўлса, КПСС МК Ҳаракат дастури лойиҳасида энди у анча кенг ижтимоий-тарихий контекстга олиб чиқилади ва ўзини ўзи бошқарувчи жамиятни шакллантирувчи жараён билан уйғун бирликда, қайта қуришнинг улкан мақсадлари билан боғлиқ ҳолда янгиланиш муваффақиятининг энг муҳим шарти сифатида намоён бўлади.

Кейинги беш йил сабоқлари шу фактни аниқ-равшан кўрсатдики, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий устқурмасини тубдан ўзгартиришга даъват этилган ҳуқуқий давлатни яратиш фақат туб давлат-ҳуқуқий ислоҳотларини ўтказишнинг ўзи билангина чегаралана олмайди, балки сифат жиҳатдан яна янги ижтимоий пойдеворни ҳам назарда тутадики, у фақат социалистик гражданлар жамияти бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий давлат билан граждан жамияти қандай қилиб ўзаро муносабатда бўлиши мумкин? Ҳар иккала компонент мазмунини аввалдан аниқламай туриб бу масалани тушуниб бўлмайди. «Ҳуқуқий давлат» тушунчаси сўнгги йиллар илмий адабиётида етарли даражада бир хил таърифлаб берилган. Бу шундай давлатки, унда халқ иродасини ифодалашга асосланган демократик ҳуқуқ амал қилади, қонуннинг устунлиги, қонун олдида ҳокимият тузилмаларининг ҳам, гражданларнинг ҳам тенглиги, уларнинг ўзаро масъулияти ва бошқалар таъминланди. Пар-

тия ҳужжатларида ҳам «ҳуқуқий давлат» тушунчасига айни шундай, умумжаҳон тасаввурлари ва мезонларига монанд маъно берилган.

«Граждан жамияти» категориясига келсак, айниқса унинг социалистик варианти бизнинг жамиятшунослигимизда етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Энг янги материалларда бу термин тез-тез ишлатилади, лекин унинг мазмуни, одатда, конкретлаштирилмайди.

Жаҳон цивилизациясининг тажрибаси шуни кўрсатадики, граждан жамияти ижтимоий тузилмалар системаси, биринчидан, давлатдан мустақил, иккинчидан, жамият тараққиётининг объектив қонунларига мос ҳаракат қилувчи системалар томонидан ташкил этилади. Бу мустақиллик, албатта, нисбийдир, чунки давлат, ўз табиатига кўра жамият ҳаётига фаол аралашиши, унинг нормал, ўзбошимчалик ва тасодифлардан холи ҳолда яшашига кафолот бериши керак. Бироқ — буни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак — давлатнинг граждан жамияти ҳаётига аралашиш чегаралари ва даражаси айни шу жамият томонидан қатъий белгилаб қўйилган. Ва айни мана шу бандда граждан жамияти ҳуқуқий давлат билан туташади. Зеро, давлатнинг жамиятга нисбатан ҳокимлик функцияларини юридик жиҳатдан фақат давлат қонунлари орқалигина чегаралаб қўйиш мумкин. Модомики қонун жамият манфаатлари ва талабларини ифода этар экан, давлат ҳам ҳуқуқий, жамият эса гражданлик сифатларини касб этади.

Граждан жамияти, демак унинг аъзоларининг эркин хатти-ҳаракатларига келсак, унинг доираларини объектив шарт-шароитлар, ижтимоий тузум характери белгилаб беради. Жумладан, токапиталистик тузумгача граждан жамияти ривожлана олмаслиги ҳам шу факт билан изоҳланади. Чунки, бундай тузумлар ноиқтисодий зўравонлик, мажбурий меҳнатга асосланган бўладики, бу ўз навбатида, давлат ҳокимиятининг ишлаб чиқариш соҳасига, аслини олганда **чекланмаган ҳолда** аралашувини назарда тутади. Эркин иш юритишга асосланган, хусусий мулкчилик ва озод иш кучини эксплуатация қилиш шароитидаги капитализм даврида эса, аксинча, граждан жамияти феномени юзага келади ва қонуний тус олади. Бу XVII — XIX асрлардаги сиёсий давлат билан граждан жамиятини бўлишнинг буржуа-либерал ва демократик концепцияларида ўз ифодасини топган (Д. Локк, Ж.-Ж. Руссо, И. Кант, И. Бентам ва бошқалар). Улар ўртасидаги барча фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фарқларга қарамай, бир нарсада якдиллар — давлат ҳокимиятини жамият томонидан чеклаб қўйиш зарурлигини эътироф этадилар.

«Граждан жамияти» категориясини Гегель ўзининг «Ҳуқуқ фалсафаси» (1821 йил) асарида жуда чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиққан. Бу тушунча билан у индивидуал ва ижтимоий талаб-эҳтиёжларнинг кенг мажмуини, иқтисодий, мулк, меҳнат муносабатлари соҳасини ифодалайдики, у шу билан бирга, «ҳамманинг барчадан ҳар томонлама қарамлиги чатишиб кетган соҳа ҳамдир...» (Соч. т. VII, М. — Л. 1934, с. 223).

Гегель давлат билан граждан жамияти ўртасидаги имманент (ички) боғлиқликни ўтмишдошлари ва замондошларига нисбатан анча чуқур тушунди. Унинг фикрича, қонунлар давлатнинг гуллаб-яшнашига олиб келади ва озод мулк унинг барқ уришининг асосий шартидир (ў ш а ж о й д а, 237 — 238, 247 — 248-бетлар). Ҳукмронлиги бир неча ўн йиллар давом этган ва меҳнаткашларни ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштирган, ишлаб чиқариш кучларининг ривожида турғунликка олиб келган давлат мулкчилиги монополиясини демонтаж қилишга киришган ҳозирги қайта қуришда буюк немис файласуфининг бу фикрлари алоҳида бир замонавийлик касб этади, келажак учун сабоқдек янграйди. Гегель қоидаларини материалистик руҳда ўқиш назарий томондан долзарбдир, негаки, улар социалистик ҳуқуқий давлат ва граждан жамиятини шакллантириш муаммоларини чуқур ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Бу ерда шуни эслатиш ўринлики, ўз вақтида Гегелнинг ҳуқуқий фалсафасини чуқур ўрганиш ва илмий руҳда танқид қилиш К. Маркс учун жамият ва унинг ривожланиши ҳақида материалистик дунёқарашни ишлаб чиқишда таянч нуқта бўлиб хизмат қилди. Сиёсий давлат билан граждан жамияти ўртасидаги ўзаро нисбатга Гегель берган идеалистик талқинни рад этишар экан, шу билан бирга, илмий социализм асосчилари ўз асарларида «граждан жамияти» категориясининг унинг томонидан қилинган ички структуравий таҳлилини шубҳа остига олмайди-

лар. Аксинча, Қ. Маркс айни шу категория мазмунидан унинг моҳиятини — «ишлаб чиқариш муносабатлари» деган фундаментал тушунчани ажратиб кўрсатди (қаралсин: Қ. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. т. 3, с. 35). Агар, кейинчалик Маркс билан Энгельс «граждан жамияти» терминидан воз кечган бўлсалар ҳам, бу ушбу категориянинг илмий инқирозга учраганидан далолат бермайди. Сабаби бошқа томонда: «иқтисодий базис» ҳамда «граждан жамияти» тушунчаларини ноаниқ равишда бир нарса деб тушунишдан қочишда, чунки кейинги термин «ўзининг этимологик маъносига кўра фақат биргина ишлаб чиқариш муносабатларини англатмайди» (Ойзерман Т. И. Формирование философии марксизма. М., 1986. с. 340 — 341).

Илмий социализм классиклари томонидан тарихий-материалистик дунёқарашни ишлаб чиқиш жараёнида давлат билан граждан жамияти ўртасидаги ўзаро нисбат муаммоси юзасидан Гегелнинг назарий меросидан фойдаланишлари В. И. Лениннинг: «Оқил идеализм оқил материализмга нодон материализмга нисбатан яқинроқдир» (Тўла асарлар тўплами, 29-том, 263-бет) деган сўзларига ёрқин мисол бўла олади.

Бу ўринда классик меросга мурожаат қилишимиз шунинг учун ҳам ўринлики, ушбу муаммони илмий тадқиқ қилиш борасида қайта қуришгача бўлган вақтда, образли қилиб айтганда, даврлар ўртасида узилиш рўй берган эди. НЭП (янги иқтисодий сиёсат) йилларида кўзга ташланиб қолган граждан жамиятининг дастлабки куртакларини Ленин вафотидан сўнг авторитар-бюрократик система ҳукмронлиги йўқ қилиб ташлади. Ҳозир, социализм янгиланиши даврида у яна тикланмоқда, шунда ҳам у умуминсоний қадриятлар ва инсонпарвар, демократик социализм идеалларининг қўшилиши асосида тикланмоқда.

Асл ҳуқуқий давлат фақат граждан жамиятининг мустаҳкам ижтимоий пойдеворигагина асосланиши мумкин. Унинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа энг аввало мулкчилик структурасидаги эҳтиёж ва манфаатларни ўзаро қондириш билан боғлиқ мустаҳкам структураларнинг йўқлиги муқаррар равишда ҳуқуқни тартибга солувчи органлар фаолиятининг самарадорлигига путур етказади, ижтимоий-сиёсий беқарорлик манбаи бўлади, авторитар кайфият ва тенденциялар уйғотади. Бугун бу мавҳум абстракциялар эмас, балки халқимиз бошидан кечираётган қайта қуришнинг инқирозли, ўтиш даври кунларидир. Шунинг учун граждан жамиятини тузиш ҳам истиқболдаги, ҳам бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Тарихда сира кўрилмаган ўта марказлаштирилган, тоталитар системадан инсонпарвар, демократик социализмга ўтиш даврида «социалистик граждан жамияти» категорияси мамлакатни янгилаш йўлида муҳим ижтимоий-сиёсий ориентир бўлиб хизмат қилади.

Бу жиҳатдан таниқли совет социологи В. Ядовнинг фикри диққатга сазовордир. У ҳозир жамиятимизда қабул қилинган ижтимоий структурадан (ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларга бўлиш) янада мураккаброқ ижтимоий структура ривожланишини башорат қилади. Унинг прогнози мулкчилик шаклларининг кўпайишига ва шунинг оқибатида ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабат белгиларининг табақаланишига: меҳнатнинг мураккаблиги ва масъуллигига қараб ходимларнинг дифференциялашуви ва қутблашувига олиб келувчи меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлишига; меҳнат коллективлари, ижтимоий-территориал ташкилотларнинг автономлашувини асослаб берувчи хўжалик ҳисоби муносабатларига, иқтисодий мустақилликка асосланган. Юқорида тилга олинган ижтимоий-иқтисодий тенденциялар ва халқ ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий структуралари шаклланиши жараёнини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотчи «мамлакат граждан жамияти қарор топадиган ва жадал ривожланадиган босқичга кирмоқда» (Поиск, 1990, № 9, с. 4) деган хулосага келади.

Партиянинг ҳокимиятга бўлган яккаҳокимликдан воз кечиш ҳақидаги қарорининг амалга оширилиши бунга шубҳасиз кўмаклашади. Демократик руҳда сайланган ҳокимият органлари ўзларининг қонуний жойларини эгаллаётган янги шароитда партия, образли қилиб айтганда, партиявий-давлат структурасидан «ажралиши» ва граждан жамиятининг кўп партияли системаси доирасида иш кўриши керак бўлади.

Бундай жамиятни тузишда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида СССР Конституциясига киритилган янги:

«СССРнинг иқтисодий системаси совет гражданларининг мулкчилиги, коллектив ва давлат мулкчилиги асосида ривожланади.

Давлат мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш учун зарур шароит яратади ва уларнинг тенг ҳимоя қилинишини таъминлайди» (10-модда) деган қоидалар фундаментал аҳамиятга эга.

Ушбу конституцион нормалар ҳамда мулкчилик, ер, ижара ҳақидаги СССР Қонунлари ва давлат ҳокимиятининг олий органи қабул қилган ёки ишлаб чиқаётган бошқа ҳужжатлар мамлакатимизда ташкил топаётган социалистик граждан жамияти ижтимоий-иқтисодий моделининг норматив асоси бўлади.

Уни ташкил этишни инсондаги маънавий, ахлоқий негизларни мустаҳкамлашдан ажратиб бўлмайди. Бундай жамият умум манфаатларига қаратилган, самарали меҳнатни рағбатлантиради, халқнинг ҳалол яшаш, виждонан ишлашга бўлган истагига мос келади. Бу порахўр, экстремист шахсларга, тартибсизлик ва зўравонликни авж олдиришга уринаётганларга, граждан жамияти ва ҳуқуқий давлатда бизга ўрин қолмайди деб ҳисоблаётганларга, турган гапки, маъқул бўлмаяпти.

Мамлакатда юзага келган ҳозирги фавқулодда шароитда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди жамиятдаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан муҳим қадам қўйибгина қолмай, шунингдек уни демократлаштириш ва ҳуқуқий давлат тузиш борасида ҳам янги тадбирларни амалга оширди. Бошқарувнинг янги шакли — СССР Президенти лавозимини таъсис этиш билан Съезд учта мустақил ҳокимият: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд фаолиятини координация қилувчи тузилма яратди.

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш, — деб таъкидланади КПСС МҚ Ҳаракат дастурида — нисбатан узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бу жараёнда давлат органларининг тегишли структураси, демократик анъаналар вужудга келади, сиёсий маданият ривожланади. Шу билан бирга социалистик граждан жамияти қарор топишига объектив ёрдам берувчи иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллар: жамият ҳаётини тотал давлатлаштиришдан воз кечиш; инсонни ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, яшаш ва меҳнат қилиш учун мақбул шароит яратиш, социал адолат, сиёсий эркинликни таъминлаш; гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари гарантиясини тезда ташкил этиш вазифаси; бошқариладиган бозор иқтисодиётини, мулкчиликнинг турли шаклларини яратиш, бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг иқтисодий асоси сифатида мулкчиликнинг тенг соғлом рақобати; ўзини ўзи бошқариш, демократия, сиёсий плюрализм, ижтимоий жараёнларни тобора кўпроқ даражада иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар билан тартибга солиш; миллатидан қатъи назар ҳар бир гражданнинг ҳуқуқларига бутун мамлакат ҳудудида қатъий риоя қилиш каби масалалар таҳлил этилган.

Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий давлат билан социалистик граждан жамияти тузиш жараёнларининг узвий боғлиқлиги ҳақида мантиқий хулоса чиқаришга асос бўла олади. Афсуски, бундай хулоса, шунингдек «граждан жамияти» тушунчаси лойиҳада йўқ.

«Социалистик ғоя ва революцион қайта қуриш» мақоласида М. С. Горбачев қуйидагиларни таъкидлайди: «Социализмни янгилаш **сиёсий жиҳатдан** гражданлар жамияти ва ҳуқуқий давлат омилларини вужудга келтириш йўллари билан чинакам халқ ҳокимиятини таъминлашга олиб келади». Ушбу назарий-сиёсий қоида ўзининг муҳимлиги ва долзарблиги туфайли асосий партиявий ҳужжатларда ўз аксини топиши керак деб ҳисоблайман.

Л. БАЛИН,

юридик фанлар номзоди,
А. Қодирий номидаги Тошкент давлат
маданият институтининг доценти.

ЁШЛАР МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА МУСОҲАБА

Гарчи ВЛКСМ XXI съезди ёшларга тааллуқли бир қатор кескин муаммоларни ҳал этишга ёндашишни ишлаб чиқишга маълум даражада аниқлик киритган бўлса ҳам, лекин узил-кесил бир фикр айтишга ҳали анча бор. Бу шартмикин? Зеро изланиш, иккиланиш, «ҳаммасини ўзгартириш»га интилиш, яхши томонга ўзгартириш, ҳамма жойда ва ҳамма нарсада ташаббус кўрсатиш айниқса ёшларга хос хислатлар-у. Ҳар бир одам тўлақонли, мазмунли ҳаёт кечиришни, шахс сифатида кўринишни истайди. Ёшлар ҳар қандай жамиятда эртанги куннинг потенциалидир. Шунинг учун табиийки, комсомол съезди тугаши билан йигит ва қизларнинг қайта қуришда қатнашиш йўллари тўғрисидаги баҳси тўхтагани йўқ. Бу Ленинград олий партия мактаби тингловчиларига ҳам тааллуқлидир. Бу ерда ВЛКСМ съездидан анча илгари шу мавзуда бошланган ва туркманистонлик ҳамюртларнинг адабий-сиёсий клуби томонидан ташкил этилган мусоҳаба ҳозиргача давом этмоқда, зеро, ўшанда кўтарилган масалалар бугун ҳам долзарблигича қолмоқда. Бунинг устига улар фақат Туркманистоннинг ўзи учунгина эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа регионлари учун ҳам долзарбдир. Мусоҳабада Ўзбекистон ва Тожикистондан, Смоленск ва Ленинграддан, Коми АССРдан келган тингловчилар ҳам қатнашишгани бежиз эмас.

Маълумки, ВЛКСМ XXI съезди ўз декларациясида инсон эркин ривожланиши учун шароит яратишни, мамлакат ёшларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни, демократик инсонпарвар социализм жамиятини шакллантиришга, мамлакатнинг ҳақиқий федератив ҳуқуқий давлат ҳолатига ўтишига ёрдам беришни комсомолнинг асосий мақсади деб эълон қилди. Ижодий ривожланувчи марксистик назарияни ВЛКСМдаги бирликнинг ғоявий асоси эканлигини, умуминсоний қадриятлар устунлигини, ҳозирги замон социалистик тафаккур ютуқларини эътироф қилар экан, ёшлар уюшмаси қаттиқ ички иттифоқ структураларини кескин бартараф этишни, бюрократизмни тугатишни, эркин мунозара юритиш ва ташкилот доирасида ҳаракат дастурларини жорий этишни, кўпчилик ва камчилик ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб қилиб чиқмоқда.

Лекин иш олиб боришнинг ушбу асосий принциплари ва йўналишларини конкрет вазиятни ҳисобга олган ҳолда синчиклаб ва чуқур ўрганиш талаб этилади. Масалан, туркманистонлик ҳамюртлар бошлашган мусоҳаба давомида энг аввало регионларнинг муаммоларини аниқлаш ва уларни жойлардаги вазиятга қараб ҳал этиш вазифаси қўйилди. Тўғри, умуман бу муаммолар — социал, иқтисодий, маданий-маиший муаммолар умумий, лекин уларга ёндашув ҳар хил бўлиши керак. Агар жумладан, Туркманистон ҳақида гапириладиган бўлса, шу республикалик тингловчилар таъкидлашларича гарчи, вазият ўта кескин бўлсада, ёшларни иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ишларини, иқтисодий шароитни яхшилаш ва бошқа масалалар зудлик билан аралашишни талаб қилган бўлсада, яқин вақтгача бу ерда ҳатто комсомолни қайта қуриш концепцияси ҳам йўқ эди.

Ўзбекистон ССРдаги Қарши шаҳрилик тингловчи Б. Сатторов партия ва комсомол ташкилотлари раҳбарлари ўртасида янгича ўзаро муносабатлар зарурлиги масаласини кўтарди. Бу ВЛКСМ XXI съездида айтилганидек, патернализм руҳида эмас, балки ҳамкорлик, биргаликда ҳаракат қилиш, шерикчилик тарзида бўлиши керак. Баъзан эса партия органи вакилининг комсомол етакчисига қилган биргина қўнғироғи масалани ҳал этарди. Шунинг учун ҳам бир қатор салбий жиҳатларнинг партиядан комсомолга ўтганига ажабланмаса бўлади. Комсомол аппаратига одамлар кўпинча чуқур ғоявий эътиқод туфайли эмас, балки қариндошлик алоқалари, таниш-билишчилик ва бошқалар орқали ўтганликлари ҳам мана шундай иллатлардандир. Ёшларни мажбурий равишда гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа, айтайлик гоҳ БАМга, гоҳ Афғонистонга ташлашлар ҳам уларга ёмон таъсир қилди.

Б. Сатторовнинг турли авлодлар ҳамкорлиги ҳақидаги фикрини смоленсклик комсомол ходими С. Афанасьев кўп жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Лекин, район

ва қуйи бўғин партия ва комсомол раҳбарлари ўртасидаги тенг ўзаро муносабатлар ҳақида гапиришга ҳали эрта деб ҳисоблайди у. Бундай ўзаро муносабатлар учун ҳали курашиш керак. Қай тарзда? Энг аввало иш билан, конкрет муаммоларни ҳал қилиш орқали. Яқин вақтгача С. Афанасьев бош бўлган Смоленскнинг ВЛКСМ Заднепровский райкоми бу борада баъзи тажрибага эга. Бу, масалан, улуш қўшиш асосида ўз кучлари билан уй-жой қуришдир. Энг муҳими квартираларни кимга беришни комсомолларнинг ўзлари ҳал қилишади. Биргаликда бажариладиган бошқа иш — Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар ҳокини қайта дафн этишдир.

С. Афанасьев комсомол обрўсининг тушиб кетганлиги билан боғлиқ оғир масалага кўп эътибор берди. Унинг фикрича, бунинг асосий сабаби уюшмага ёшларнинг энг илғор қисми эмас, амалда ҳамма кирганлигидадир. Бошқа бало шундаки, комсомол кучи етмайдиган ишларга қўл урарди. Инқироздан чиқиш йўли — ёшлар ташкилотларининг ўзини ўзи тозалашида.

Ўзбекистоннинг Сирдарё областидан партия ходими Ф. Норматов бу мулоҳазаларнинг ҳаммасига ҳам қўшилгани йўқ. Комсомолнинг вазифаси барча ёшларни — ўз сафидан ўтказган ҳолда — тарбиялашдан иборат, деб ҳисоблайди у. Ёшларнинг барча қатламлари манфаатлари ҳисобга олинмаганлиги учун ҳам уюшманинг обрў-эътибори тушиб кетди. Ахир, ташкилотга кирар экан, ҳар бир киши унда фақат аъзолик бадалини тўлашнигина эмас, балки кўнглига яқин бирор нарсани топишни истайди.

Ёшларнинг хилма-хил манфаатларига бир хилда ёндашишни Коми АССРдаги Ухта шаҳар партия комитетининг инструктори Г. Борозинец ялпичилик деб атади.

Тожикистонлик партия ходими А. Муҳаммадиев комсомолдаги ҳозирги муаммоларнинг сабаби ёшлар ташкилоти фаолиятига расмиятчиликнинг чуқур сингиб кетганлигида деб билади. Асосий нарса — ёшларнинг манфаатларини қандай қилиб яхшироқ ҳимоя этиш ҳақида ҳеч ким қайғурмайди. Кўпчиликда комсомолдан чиқиш истаги пайдо бўлганлигининг сабаби ҳам мана шунда.

Ҳозир жипслашиш зарур, лекин у шундай бўлиши кераккки, ҳар бир кишининг сўзига қулоқ солишсин, ҳатто умум томонидан қабул қилинган фикрга қарши бўлган мулоҳаза ҳам ҳисобга олинсин. А. Муҳаммадиев ёшлар ташкилотини хўжалик ташкилотига айлантирмаслик кераклигини таъкидлади. Ҳар ҳолда унинг энг муҳим вазифаси — катта авлод ўрнига келадиган ёш инсонни руҳий, маънавий тарбиялашдан иборат.

Олий партия мактабида бўлиб ўтган мунозара ёшлар ва уларнинг раҳбарларини ташвишга солаётган бошқа муҳим масалаларни ҳам кўрсатди. Масалан, бугун байналмилалчини қандай тарбиялаш керак. Бу масала анча мураккаблашиб кетгани равшан, лекин уни ҳал қилиш зарур. Ленинград олий партия мактабининг ўқитувчиси Л. Михайлов бу борадаги асосий йўл — ёшларни мамлакатимизнинг кўп миллатли маданиятидан баҳраманд қилишда, деб ҳисоблайди. Қийинчилик алоқаларни қандай йўлга қўйишди. Буни биринчи навбатда ёшларнинг ўзлари амалга оширишлари керак, зеро улар тезроқ тил топишади, алоқа ўрната олишади. Лекин бир нарса равшан: Туркманистон, Эстония, Ўзбекистон комсомоли муаммоларига бир хил нуқтаи назардан қараш мумкин эмас, ҳар бир республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Меҳнат мавзуи ҳам тилга олинди, албатта. Кўпчилик шундай деб ҳисоблайди: ўз ҳаётларини ўзлари яхшилашлари учун, иқтисодиётдаги, ижтимоий соҳадаги ва бошқа тармоқлардаги инқирозли ҳодисаларни бартараф этишда жамиятга ёрдам бериш учун ёшлар янада енг шимариб ишлашлари керак. Бунинг учун эса ўзларига тез-тез мисоли четдан назар солишлари ва ўзларига ўзлари: «Биз киммиз? Қандай ишлаяпмиз? Жамиятимиз қанақа ўзи?» деган саволларни бериб туришлари даркор.

Ёшлар муаммолари тўғрисида турли жумҳуриятлар вакиллари ўртасида давом этаётган мусоҳаба мана шунга хизмат қилмоқда.

З. МАДАЛИЕВА,

Ленинград олий партия мактабининг тингловчиси.

И. ФОЗИЛХЎЖАЕВА

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР СИЁСИЙ ЖАРАЁН СИФАТИДА

Миллий муносабатларга оид назариямизда узоқ келажакда миллатлар ва элатлар умумий маданиятга, тилга ва ҳоказоларга эга бўлган бир миллатга қўшилиши ҳақидаги тасаввур анча вақт ҳукмронлик қилиб келди. Бундай назарий йўл-йўриқ СССР халқларининг миллий хусусиятларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди, бу нарса муайян даражада миллий муносабатларнинг деформацияланишига олиб келди. Жамиятимизда ҳозир рўй бераётган ўзгаришлар бу муаммоларнинг жиддийлигини намоён қилиб, уларга янгича ёндашувларни излашга мажбур этди.

Мазкур муаммолар суст ишлаб чиқилганлигининг сабабларидан бири шуки, уларга кўпинча ақидага айланган идеология — бирдан-бир тўғри таълимот нуктаи назаридангина назар ташланар эди. Идеологик «йўриқлар»нинг чекланганлиги миллий масалани ўрганиш майдонини торайтирибгина қолмай, аслида уни бир томонлама талқин қилишга, миллатлар ва элатлар ривожланишининг кўп вариантли бўлишини «истисно этишга» олиб келди. Шу тарзда, муаммонинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари етарли даражада ҳисобга олинмаслиги оқибатида биз жиддий сиёсий тадқиқотларсиз қолдик. Шу сабабли мамлакатимизда миллий муносабатларни сиёсий жараён сифатида таҳлил қилиш айниқса долзарб тус олди.

Миллий муносабатлар, бир томондан, амалдаги муайян сиёсий система доирасида турли миллатларга мансуб кишилар сиёсий фаолиятининг жами, иккинчи томондан эса, муайян нормативли процедуралардир. Бу ҳар иккала жиҳат бир-бирига яқин, лекин айни бир хил эмас. Норматив тартибга солиш ҳуқуқий ва ғайриҳуқуқий воситалар (одатлар, анъаналар) ёрдамида амалга оширилади. Бунинг устига ҳуқуқий воситалар устун роль ўйнайдики, бунда Конституция асосий ўринни эгаллайди. Миллий муносабатлар Конституция асосида, қонун ва қонунсифат актлар воситасида ҳуқуқий тартибга солиб турилади.

Ҳуқуқий тартибга солишда Совет давлати шароитида социал шартли хосса сифатида намоён бўладиган миллий-давлат суверенитетига алоҳида эътибор берилади. Суверенитет муайян миллий бирликни характерловчи белгилар жамидан иборат бўлиб, унинг территориал, иқтисодий, маданий ва тил хусусиятларини акс эттиради. Миллий суверенитетни тан олиш мантиқан у ёки бу миллатга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини беришни тақозо этадики, бу нарса унинг юридик формаси, сиёсий-ҳуқуқий эквивалентидир. СССРда қабул қилинган барча Конституциялар миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи билан социалистик федерализмнинг узвий бирлигини ва бир-бирини тақозо этишини акс эттиради. Масалан, 1924 йилги Конституция пролетар интернационализми, демократик централизм, тенг ҳуқуқли миллатларнинг ихтиёрий ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами асосида Совет иттифоқ давлати тузилганлигини қонун асосида расмийлаштирди. У иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқий мақомларини феде-

ФОЗИЛХЎЖАЕВА Истора Қодировна, юридик фанлар номзоди, Тошкент олий партия мактабининг катта ўқитувчиси.

рация субъектлари сифатида мустаҳкамлади, совет федерализмида иттифоқ ва республика негизларининг ўзаро нисбатини белгилади.

Аммо В. И. Ленинннинг мустақил совет республикаларининг давлат суверенитети ҳақидаги ғоялари 1924 йилги Конституцияда тўла акс этмади. Хусусан, 3-моддада бундай дейилган эди: «Иттифокдош республиканинг суверенитети ушбу Конституцияда кўрсатилган доиралардагина ва Иттифоқ компетенциясига киритилган предметлар бўйичагина чекланган». Бундай талқин 1936 йилги СССР Конституциясида ҳам ўзгармай қолди (14, 15-моддалар). Суверенитетни чеклаш, кўринишича, бошқа барча халқлар рус халқи бошчилигида қўшилиб кетадиган давлатни тарихан қисқа муддат ичида яратиш хусусида Сталин ва унинг атрофидаги кишилар стратегиясининг таркибий қисми эди.

Миллий муносабатлар муаммоларининг конституцион ҳал этилишида «потенциал суверенитет» тўғрисидаги сталинча концепция ўз аксини топган эди. Концепцияда республикалар ССР Иттифоқига кирганида «мустақиллик элементлари»нигина сақлаб қолиши ғояси ўтказилган эди. Аслида эса бу модель қатъий марказлаштиришдан иборат эди. Иттифокдош республикаларнинг чекланган суверенитети тўғрисидаги концепциянинг қонун билан мустаҳкамланиши давлат қурилиши практикасида амалда уларнинг ҳуқуқларини камситишга олиб келди.

Ҳозирги замон шароитида жамиятни ўзгартиришда Конституциянинг роли беқиёс даражада ошди. Миллий давлат тузилиши ҳақидаги тушунча бойиб, ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг ҳуқуқий формаларини, миллий давлатнинг конституцион мақомини акс эттирмоқда.

Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масалаларининг Конституцияда ҳал этилиши миллий жараён сифатида миллий муносабатлар ривожланишининг муҳим мезони бўлди. Бу эса аввало давлат қурилиши, маданият, урф-одатлар соҳасида миллий эҳтиёжлар ва талабларни энг кўп даражада қондириш имкониятидир. Аммо бирор миллат миллий давлат ёки маъмурий тузилишнинг муайян шаклига эга бўлган тақдирдагина ана шу миллат учун ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи реалликка айланади. Ҳозирги кунда СССРда яшовчи кўпгина халқлар бунга эга эмаслар. Шу муносабат билан таъкидлаб ўтиш керакки, миллий муносабатларни уйғунлаштириш, ҳар бир миллат ва миллий гуруҳнинг ўзига хос манфаатларини қондириш, миллатлараро муомалада ўзаро ҳурматни ва социалистик интернационализмни қарор топтириш мақсадида СССР Олий Совети 1990 йил май ойида «Ўз миллий давлат тузилмасидан ташқарида яшаётган ёки СССР территориясида бундай тузилмаларга эга бўлмаган СССР гражданларининг эркин миллий ривожланиши тўғрисида» Қонун қабул қилди.

Ҳозир амалда бўлган қонунлар ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикалар ўртасида таркиб топаётган иқтисодий-сиёсий ва бошқа муносабатларнинг асосий қисмини бир-бири билан боғламоқда. Шу билан бирга бу нарса кўп жиҳатдан тартибга ва системага солинмаган. Турли норматив-ҳуқуқий актларда акс эттирилган ва СССР давлат тузилишига оид бўлган айрим қоидалар умумий, баъзан эса ҳатто мавҳум характерга эгадирки, бу нарса уларни амалга оширишни қийинлаштиради. Бошқалари эса тамомила эскирган бўлиб, улар қайта кўриб чиқилиши зарур. Федерация билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги муносабатларнинг муайян қисми умуман тартибга солинмаган ҳолича қолиб келмоқда.

Шу сабабли конституцион-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш зарурки, улар федерацияни тузиш, унинг амал қилиши, уни ўзгартириш ёки бартараф этиш хусусида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туриши керак. Унда федерациянинг субъекти ким эканлиги, у қандай талабларга жавоб бериши, унинг компетенцияси қандай эканлиги, вужудга келадиган мунозараларни ҳал этиш тартиби баён қилиниши керак. Масалан, сўнгги пайтларгача иттифоқдош республикаларнинг СССР таркибидан эркин чиқиши хусусидаги Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ уни амалга оширишнинг бирор процедураси билан таъминланмаган эди. СССР Олий Советининг учинчи сессиясида 1990 йил апрелидагина «Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Шуни айтиш керакки, мазкур Қонун республикаларни Совет федерациясидан чиқишга рағбатлантиришни мақсад қилиб қўймайди.

Маълумки, В. И. Ленин тамомила янги типдаги федерация зарурлигини

асослаб, унинг субъектлари ўз суверенитетини сақлаб қолади, деб қайд этган эди. «Биз *эркин* суратда бирлашишни истаймиз — деб ёзган эди у Октябрь революциясидан илгариёқ,— ва шунинг учун биз ажралиш эркинлигини эътироф қилишимиз керак (ажралиш эркинлиги бўлмаса, бирлашишни эркин бирлашиш деб айтиш мумкин эмас)» (Тўла асарлар тўплами, 34-том, 447-бет). СССРни тузиш ҳақидаги Шартномада ҳам, 1924 йилги СССР Конституциясида ҳам иттифоқдош республикаларнинг СССРдан чиқиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган эдики, бу нарса федерациямиз тузилиши ихтиёрийлигининг кафолатларидан бири бўлиб қолди. Шу билан бирга В. И. Ленин иттифоқдан чиқиш билан бундай тадбирнинг мақсадга мувофиқлигини бир-биридан аниқ фарқлаган, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг бутун мазмунини миллатларнинг ажралиб чиқишидангина иборат қилиб қўймаган эди.

Республиканинг СССР таркибидан чиқиш механизми тўғрисидаги қонунни Совет федерациясини янгилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган юридик воситаларнинг бутун комплексидан ажратган ҳолда қабул қилиб бўлмайди. Уларнинг мажмуигина бирлашиш ихтиёрийлигинигина эмас, балки республикаларнинг СССР таркибида туриш ихтиёрийлигини, шунингдек республикаларнинг ҳам, умуман иттифоқнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиш учун реал кафолот яратиш имкониятини беради.

Мазкур қонуннинг вазифаларидан бири — республиканинг СССР таркибидан чиқиш ҳақидаги қарорига рози бўлмаган аҳоли муайян қисмининг социал ҳимояланишидир. Унда гап ўнларча эмас, балки юз мингларча совет гражданлари ҳақида боради. Масалан, Эстониянинг ўзида ҳозир мамлакатнинг бошқа регионларидан келган салкам 600 минг киши яшайди. Шу сабабли ажралиб чиқмоқчи бўлган республика СССР территориясига кўчиб ўтишни афзал кўрган кишиларнинг уй-жой ва бошқа социал-маиший муаммоларини ҳал этиш мажбуриятидан холи бўлолмайди.

Қонун шунингдек республиканинг Иттифоқдан чиқиш ҳақидаги қарорини қабул қилиш процедурасини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу эса мазкур масала юзасидан халқ иродасини эркин ва онгли равишда амалга ошириш имконини беради, бу билан ана шу ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, сиёсий авантюрачиларнинг алдамчилик қилиш имкониятига барҳам беради. Қонун федерациямизнинг шартнома принципларига асосланади ҳамда Иттифоқ ва республикаларнинг ўзаро масъулиятини кучайтиришга ёрдам бериши керак. Айни вақтда унда республика шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун Иттифоқ уни ўз таркибидан чиқариш ҳақида қарор қабул қилиши мумкинлиги кўзда тутилади.

Кўп миллатли давлат фаолиятига мослашувчанлик ва самарадорлик бағишлаш учун ҳуқуқнинг шундай нормаларини ҳам ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўладики, улар ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикалар ўзаро муносабатларининг бир шаклидан иккинчисига ўтиш усулларини тартибга солиб турсин. Айрим умумиттифоқ актларини иттифоқдош республикалар тан олмаслигидан иборат ҳуқуқ ҳақидаги масалани аниқ белгилаш, умумиттифоқ ва республика қонунлари қайси ҳолларда устун бўлишини қатъий ва аниқ мустаҳкамлаш керак.

Тажриба шундан далолат берадики, федерация субъектлари — иттифоқдош республикалар, штатлар, вилоятлар ёки кантонлар деб аталишидан қатъи назар — чиқарадиган қонунларга нисбатан федератив қонунларнинг устунлиги ҳамма жойда тан олинган. Бу принцип федерацияни сақлаш ва нормал ривожлантириш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, ГФРнинг асосий қонунида (31-модда) таъкидланадики, «федерал ҳуқуқ вилоят ҳуқуқидан устунликка эга». Швейцария Конституциясининг 6-моддасида айтилишича, кантонлар ўз конституциялари учун гарантия «талаб қилиши зарур бўлган» иттифоқ бу конституцияларда иттифоқ конституцияси қоидаларига зид қоидалар бўлмаган тақдирдагина ана шундай кафолот бериши мумкин. Бошқа буржуазия ва ғайрибуржуазия федерациялари конституцияларида ҳам шунга ўхшаш қоидалар бор. Бошқача қилиб айтганда, бу принцип назариядагина эмас, балки амалиётда ҳам ўзини бир неча бор ва тўла-тўкис оқлади.

Реал мазмунга эга бўлган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи миллий давлат тузилмалари мавжуд тўртта типининг сифат жиҳатидан нотенглигини ҳам муайян даражада баравварлаштирган бўлур эди. Масалан, амалдаги

қонунларда совет республикаларини иттифоқдош ва автоном республикаларга ажратишнинг аниқ мезонлари йўқ. Уларнинг фарқини бошқа давлатлар билан чегарадошми ёки чегарадош эмасликларидан иборат деб ҳисоблаш унча тўғри бўлмаса керак. Чунки дунёда бошқа давлатлар ичида яшаётган мамлакатлар ҳам бор.

Ҳозирги замон шароитида миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, совет федерализми, маданий-миллий автономия, республика суверенитети сингари тушунчаларга оид кўпгина назарий қоидаларни реал мазмун билан тўлдириш зарурати етилди. Миллатлараро муносабатларга оид (иқтисодий, социал-маданий характердаги) муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал этиш кўп томонлама олиб борилиши керак. Амалиёт шуни кўрсатдики, миллий масала ўз мазмуни ва йўналиши жиҳатидан умуминсоний манфаатларга бориб тақалади. Хусусан, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги ва шу муносабат билан саноатнинг бир томонлама ривожланиши натижасида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида келиб чиққан жиддий бузилишлар экономикада чуқур номутаносибликларни келтириб чиқариш билан бир вақтда оғир социал, экологик ва бошқа салбий оқибатларга олиб келди, одамларнинг соғлиғи ва ҳатто ҳаёти учун хавф келтириб чиқарди.

Одамлар бирлигининг миллий-этник характеристикасига ўз мазмунидан маҳрум бўлган иккинчи даражали ва фақат социал-иқтисодий шароитлардан келиб чиқадиган омил деб қараш тенденциясини бартараф этиш зарур. Миллий ўзлигини англаш миллий-этник жипслашувда ҳал қилувчи роль ўйнайди; бунда халқ ривожланишидаги замонлар ва авлодлар алоқаси ҳам, инсоннинг ўз Ватанига табиий садоқати ҳам намоён бўлади.

СССР Олий Совети сессиясида 1990 йил 2 апрелда қабул қилинган «Гражданлар миллий тенг ҳуқуқлилигига тажовуз қилганлик ва ССР Иттифоқи территорияси бирлигини зўрлик билан бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги СССР Қонуни ҳозирги жиддий вазиятда миллий тенг ҳуқуқлиликнинг ишончли кафолоти бўлди. Унинг моҳияти шундаки, миллий ёки ирқий адоватни, можароларни ёки менсимасликни келтириб чиқарувчи фаолият учун, миллий, ирқий, диний асосда зўравонлик қилганлик учун; ССР Иттифоқи территорияси бирлигини, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар территорияларининг бирлигини зўравонлик билан бузганлик учун айрим гражданлар ҳам, сиёсий партиялар ҳам жиддий жавобгарликка тортилади. Ушбу қонун қабул қилиниши билан турли экстремист, миллатчи ва нифоқчи ташкилотларнинг инсонпарварликка, демократияга қарши фаолияти йўлига қатъий ғов солинди.

Миллий муносабатлар муҳокама қилинаётганида уларни тартибга солиш механизмининг мураккаблигини ҳисобга олиш керак. Бу соҳада чуқур назарий ишланмалар, янги ёндашувлар, дадил амалий ечимлар, миллий хусусиятларни ҳар томонлама ҳисобга олиш зарур. Аммо Конституциянинг ҳамда бошқа ҳуқуқий ва норматив актларнинг сиёсий жараён сифатида миллий муносабатларга ва уни шакллантиришга таъсири у ёки бу ҳуқуқий нормаларни белгилаш билан чекланмайди. Улар ҳар қанча батафсил ишлаб чиқилмасин, улар ёрдамида нормалар ишлаб чиқилаётган пайтда мавжуд бўлган ва шундан кейин вужудга келиши мумкин бўлган сиёсий ҳаётдаги барча ҳодисаларни тўла қамраб олишнинг имконияти йўқ. Бинобарин, у ёки бу норма ҳамиша бир хил тарзда татбиқ этилиши натижасида муайян даражада барқарор анъаналар вужудга келади. (Масалан, Конституциянинг иттифоқдош республика вакилларини СССР Олий Совети Раисининг ўринбосарлари қилиб сайлаш ҳақидаги 118-моддаси қўлланилиши натижасида ҳамиша республика Олий Советларининг раислари шу лавозимга сайланмоқдалар).

Бу ҳуқуқий «анъаналар» ҳуқуқий характерга қараганда кўпроқ сиёсий характерга эга бўлиб, айни вақтда сиёсий жараён сифатида миллий муносабатларга муайян таъсир кўрсатди. Ҳуқуқий масалаларни тартибга солиш билан чамбарчас боғланган анъаналар билан бир қаторда уни тўлдирувчи анъаналар ҳам бор. Конституция ва қонунларнинг бу анъаналарга таъсири кўпинча муайян доираларни белгилаш билан чекланади: улар Конституцияни ва қонунларни бузмасликлари керак.

Социалистик конституцияларнинг синфий моҳиятидан ташқари яна бир ўзига хос хусусияти (буржуа мамлакатларининг кўпчилик конституциялари билан қиёслаганда — уларнинг сиёсий системадаги кўплаб муассасалар томонидан тартибга солиниб турилишидир. Бу ерда конституция йўли билан аралашув соҳаси кенгроқ бўлиб, умуман тартибга солишнинг ўзи юқори даражадаги бирлик билан ажралиб туради.

Сиёсий жараён сифатида миллий муносабатлар Конституцияни реал амалга ошириш усули сифатида ҳам намоён бўлади ва бунинг оқибатида конституцион қоидалар реаллиги ва самарадорлигининг мезони бўлиши мумкин. Мазкур жараённи ўрганиш Конституция қай тариқа амал қилишини муайян даражада аниқ тасаввур этиш имконини берадики, бу нарса ўз навбатида конституцион тартибга солиш самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш имконини яратади.

Сиёсий жараён сифатида миллий муносабатларни тадқиқ қилиш уни турлари ва босқичлари бўйича асосли тарзда структуралашни талаб қилади. Биринчи навбатда уларнинг қайси бири конституцион йўл билан тартибга солинганлигини, бу нарса қай тариқа амалга оширилганини, у қанчалик самарали ва тўла амалга оширилганлигини, яъни конституцион тартибга солишга муҳтож бўлган жараёнлар бор-йўқлигини аниқлаш зарур. Масалан, мамлакатнинг миллий-сиёсий структураси ҳозирги пайтда шу қадар мураккаблашганки, у бошқа барча қулай вазиятлар бўлгани ҳолда этник кескинликни келтириб чиқариши мумкин. Совет федерацияси қарор топаётган пайтда «халқлар турмаси» тўғрисидаги тезиснинг мутлақлаштирилиши сиёсий практика учун зарарли бўлиб чиқди, чунки бу нарса бир қатор регионларда кўп миллатли давлатга нисбатан юқорироқ даражадаги этник-маданий бирликлар шаклланишини таъминлаган миллий муносабатларнинг ана шу жиҳатларини холисона татбиқ этишга йўл қўймади. Сиёсий тажрибани пухта ўйлаб танлаб олиш ўрнига «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» принципи амал қила бошлади; территориал-маъмурий структурага низо элементлари сингиб кетди. (Кавказортида, Шимолий Кавказда, Ўрта Осиёда чегараланиш мажбурий тарзда ва шу сабабли ёки тарихий анъаналарга, ёки ўша пайтда таркиб топган этник-демографик шароитларга ёхуд ҳар иккала ҳолатга онгли ҳолда зид тарзда ўтказилган эди).

Структурани ана шундай тузиш жараёнида халқлар сони қисқарибгина қолмай, балки улар сунъий равишда тўртта категорияга бўлиндики, булар федерация ичидаги давлатнинг муайян даражасидан: 15 та иттифоқдош ва 20 автоном республика, 8 та автоном область, 10 автоном округдан иборат бўлиб қолди. Шу тарзда, этносларнинг ярмидан кўпроғи (мамлакатда 100 дан ортиқ миллат ва элат бор) федерация ички давлатчилигидан маҳрум бўлиб қолишдики, бу нарса хусусан ўз вакилларини СССР Олий Советининг Миллатлар Советига юбориш ҳуқуқида ўз аксини топмоқда. Шунинг ўзиёқ халқлар юридик нотенглигини ва уларнинг ҳуқуқлари конституцион тарзда тартибга солинмаганлигини яққол кўрсатади.

Сиёсий жараён сифатида миллий муносабатларни бошқариш — яна бир муҳим муаммодир. Марказда ва жойлардаги ҳозирги бошқаришнинг ташкилий структураси шароитида миллатлар ва элатларнинг ҳаётий манфаатларига тааллуқли кўпгина масалалар турли министрликлар, идоралар ва территориал органлар ўртасида бамисоли парчаланиб кетиши оқибатида улар бир-биридан ажратилган ва қисмларга бўлинган тарзда кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Шу сабабли миллий тараққиётни давлат даражасида бошқаришни тубдан яхшилаш мақсадида миллий масалалар бўйича иттифоқ-республика комитети тузилди. Унинг вазифаси, биринчидан, миллий давлат тузилишини такомиллаштириш, миллий автономия ҳуқуқий мақомини ошириш, Сталин зўравонлиги даврида репрессия қилинган халқларнинг ҳуқуқларини қайта тиклаш, кам сонли халқларнинг, шунингдек ўз миллий давлат тузилмаларига эга бўлмаган ёки ана шундай тузилмалардан ташқарида яшаётган халқларнинг миллий ўзига хослигини ва маданиятини ҳимоя қилиш ва ривожлантиришдан; иккинчидан, ҳар бир миллат ва элат тараққиёти учун қулай ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратишдан иборат. Миллий масалалар комитети, шунингдек миллий муносабатлар соҳасидаги ишларнинг аҳволини ўрганиш, вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни

олдиндан белгилаш маркази ҳам бўлиб, бу нарса миллий сиёсат соҳасида илмий ечимларни амалда жорий этишда кўмаклашади.

Шуни айтиш керакки, 1917 йил ноябрида бошқа халқ комиссарликлари билан бир қаторда Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳам иш олиб борар эди. Унинг асосий вазифаси республикалар ва областларни тузиш, сўнгра эса уларни ССР Иттифоқига бирлаштиришга тайёрлашдан иборат эди. Бу комиссарлик миллий давлат тузилиши соҳасидаги ишлар билан бир қаторда байналмилал тарбияга, миллий кадрларни ўқитишга, миллий маданиятлар, тилларни ривожлантиришга катта эътибор берар эди. Аммо у 1923 йилда Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг қарори билан тугатилди. Бизнинг фикримизча, янги тузилган Комитет мазкур комиссарлик ишидаги ҳамма қимматли жиҳатларни ўзига олиши, шунингдек миллатлараро муносабатларни тартибга солиш соҳасида чет эл ҳукуматларининг тажрибасидан фойдаланиши керак.

Давлатимиз тарихи шундан яққол далолат берадики, миллий муносабатларнинг юксак маданияти, байналмилал хулқ-атвор одоби унинг сиёсий негизларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу эса миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда одоб сақлашни, миллий хусусиятлар, анъаналар, турмуш тарзига ҳурмат билан қарашни тақозо этади. Регионал ўз-ўзини бошқаришга ўтишни ҳуқуқий таъминлаш пайтида шуни ҳисобга олиш керак. Ҳар бир регионда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт маънавий тараққиёт билан, халқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиш билан, миллий кўпчиликнинггина эмас, миллий камчиликнинг ҳам манфаатларига риоя қилиш билан қўшиб олиб борилиши лозим. Чунки миллий туйғу — ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, тили, анъаналари, турмуш тарзи, тарихий хотирасини сақлаб қолишга ҳақли интилишидир. Буларсиз инсон миллий ҳис-туйғудан маҳрум бўлиб қолади.

Кўп миллатли давлат шароитида ҳар бир халқ нимани афзал кўришни — жўшқин иқтисодий ўсишни ва бир андазадаги истеъмолними, турмушнинг экологик соф шароитлари ҳисобига аҳоли соғлиғини яхшилашними, ёки анъанавий турмуш услубини сақлаб қолишними устун қўйиш масаласини ҳал этиш ҳуқуқига эга. Халқларнинг социал тараққиёти учун иқтисодий ўсишнинг ўзигина эмас, балки бунга нималар ҳисобига ва қандай мақсадлар йўлида эришилиши ҳам муҳимдир. Шу сабабли миллий давлат тузилмаларининг иқтисодий ечимларни миллий-маданий ечимларга бўйсундириш ҳуқуқини тан олиш керак. Миллий маданиятга фаолиятнинг принципиал янги турлари жорий этилишининг чекланиши, турмуш тарзининг этник бирлик учун аҳамиятли жиҳатлари сақлаб қолиниши ҳам кўп миллатли давлатда сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи хусусиятларидан бири бўлиб қолиши зарур.

Р. ҚАЗАҚОВА

ҲОЗИРГИ КУНДА ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТНИ ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАМОҚ ЛОЗИМ?

СТУДЕНТЛАРНИ БАЙНАЛМИЛАЛ РУҲДА ТАРБИЯЛАШ... Ана шу сўзларни ёздим-у, дафъатан хаёлга чўмиб ўйлаб қолдим. Яқин-яқинларгача бундай сўзларни ҳеч бир иккиланмай бемалол ишлата берардик. Энди бўлса, анча мушкулроқ бўлиб қолди. «Байналмилал» сўзи илгарилари студентлар учун оддий тушунчага айланиб қолган бўлса, эндиликда улар бу сўзни эшитганларида истеҳзо билан кулиб қўя қоладилар, гоҳо энсалари қотиб, гоҳо қизишиб сизни саволга тутадилар.

Хўп, яхши, дейишади улар, 60-йилларда Канада, Бельгия, Буюк Британия, Францияда этник зиддиятлар ниҳоятда кескинлашгани бизга маълум. Аммо у ерда капитализм-ку! Ҳа, бу сўз ҳамма вақт машъум сўз сифатида мияда маҳкам ўрнашиб қолган. «Капитализм» дейилдими, бас, уни бошқа тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Капитализм — маданияти бузуқ, наркомания, жабр-зулм, ижтимоий ва миллий тенгсизлик жамияти. Бизда эса ҳаммаси бунинг акси. Қолаверса, байналмилаллик мавжуд. Эндичи, Тоғли Қорабоғ, Қозоғистон, Фарғона водийси, Душанбеда, Ўшда миллатлараро адоват келиб чиққан, тубан эҳтирослар жунбушга келган, қатор республикаларда миллатчилик, ажралиб чиқиш кайфиятлари ҳукм суриб турган ҳозирги пайтда бу ҳақда нима дейиш мумкин? Буларнинг барчаси америка мафкурачиси, социалистик дунё масалалари бўйича мутахассис ҳисобланган Збигнев Бзежинскийнинг: «Советлар ўз миллий муносабатлари муаммосини назорат қила олмадилар. Уларнинг системаси ҳалокатли танглик ҳолатида турибди. Бу ҳозир дунёда содир бўлаётган энг жиддий жараёндир» деган аянчли хулоса чиқаришига бир баҳона бўлди.

Бинобарин, жамиятшуносларнинг биринчи галдаги вазифаси Бзежинскийнинг бу нуқтаи назари бир ёқлама эканлигини исботлаб беришдан эмас, балки юз бераётган воқеаларнинг сабабларини ўзлари обдан тушуниб олишларидан иборат.

Байналмилал тарбия ҳақида ҳозир баъзи бировлар сўз очмасликни ўзларига эп билмоқдалар. Аммо бундай тарбия мутлақо зарур, айниқса ҳозир бу ҳар қачонгидан кўра кўпроқ керак. Фақат шуниси борки, ҳозирги кунда уни бошқача йўл билан, жуда ҳам юқори илмий савияда амалга ошириш лозим. Тўғри, олий ўқув юртининг тарбиявий вазифалари макон ва вақт бобида чекланган: ундан олдин ва кейинчалик у билан бирга инсонни оила ҳамда унинг турмуш тарзи, жамоат ташкилотлари, у яшаб турган муҳит, бутун ижтимоий тузум системаси, унинг маънавий қадриятлари тарбиялайди ва ҳоказо. Шундай бўлсада олий ўқув юрти ўзига ажратилган бир неча йил давомида ҳали жисмонан ва маънан камолга етмаган ўсмирни юксак малакали мутахассис, мустақил фикрловчи инсон ва зиёли қилиб етиштиришдан иборат бирдан-бир, муқаррар ва ўзига хос вазифани зўр маҳорат билан адо этмоғи лозим.

Бошқача қилиб айтганда, олий ўқув юртининг тарбиявий иши, башарти у инсоннинг умумий маданиятини оширишга қаратилган ва бу вазифа, ҳеч бўлмаганда, ёш мутахассисни тайёрлаш билан баробар бўлган тақдирдагина, муваффақиятга эришади. Тўғри, ҳозирги кунда «умумий маданиятни ошириш» деган ибора сийқаси чиққан маънисиз бир андозага айланиб қолган, шу боисдан ҳам онгимизда ҳеч қанақа из қолдирмайди ва биронта ҳам маънили фикр уйғотмайди. Эҳтимол, айни шунинг ўзи башарти аниқроқ ифода қилинадиган бўлса: студентнинг ақлий маданияти, ҳис-туйғу маданияти, мулоқот ва хулқ-атвор маданияти, юксак даражада виждонлилиги мукаммал бўлишига эришилса, янада салмоқ-

---

КАЗАКОВА Раиса Борисовна, фалсафа фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти фалсафа ва социализм назарияси кафедрасининг доценти.

лироқ ва ёрқинроқ жаранглаши мумкин. Бу жиҳатларнинг ҳаммаси қандай муҳим бўлса, худди шундай мураккаб ҳамдир.

Олий ўқув юрти ўқитувчиси ёш инсонга таъсир ўтказиш учун ўз вазифасига муносиб одам: билимдон ва истеъдодли олим фазилатларини ўзида мужассамлаштириши, сўз устаси ва салоҳиятли зиёкор бўлиши лозим. Башарти ўқитувчи ана шу фазилатларга эга бўлмас экан, демак бундай одам ўз ўрнида эмас, деяверинг.

Шундай қилиб, олий ўқув юртида байналмилал руҳда тарбиялаш умумий маданиятни таркиб топтиришнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Аммо махсус йўналтириб турилган байналмилал тарбия ҳам зарур. Хўш, бундай тарбия қандай бўлиши керак?

Ахир, биз, айтайлик, эстетик тарбия ҳақида сўз юритар эканмиз, бунда табиат инсонга ато этган гўзалликни ҳис этишни такомиллаштиришни назарда тутамиз; башарти жисмоний тарбия хусусида сўз борса, демак бу баданни уйғун тарзда тарбиялашни, унинг чиройли ва соғлом бўлишини англатади. Ақлни, баданни, туйғуни тарбиялаш — ўз-ўзидан тушунарли бир ҳол бўлиб, бунда қандайдир ҳақиқий нарсага таянса бўлади. Байналмилалчиликчи? Хўш, байналмилал руҳда тарбиялаш деганда, ўзи нимани тарбияламоқчимиз? Табиат бу ишда асос қилиб олиш мумкин бўлган бирон бир воқеликни, ақалли бирон бир туйғуни инъом этмаган.

Байналмилаллик озми-кўпми даражада шаклланган ҳолда даставвал **ижтимоий ҳаёт ҳодисаси сифатида** капитализм даврида пайдо бўлди (бу иборанинг ўзи ҳам ўша даврда келиб чиққан). Кейинчалик у турли хил тусга кирди, кенг маънога эга бўла борди: буржуазия синфи амалга оширган ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришдан пролетар интернационализмига, ундан эса коммунистик ва ишчилар ҳаракати интернационализмига, ва ниҳоят, интернационализмнинг ҳозирги босқичига келиб етдики, уни сифат жиҳатдан янги, кенг қамровли ҳодиса сифатида идрок қилиш ва яратиш зарур.

Кўриниб турибдики, байналмилаллик зарурат орқасида инсоният жамияти олға қараб ривожланишининг маълум босқичида вужудга келади ва у тараққий этган сари кенгайиб, чуқур илдиз отиб, фаолиятнинг ҳамма соҳаларига кириб боради, халқлар турмуш тарзининг зарурий хусусиятига айланади. Ҳозирги кунда байналмилаллик ҳаётнинг асосий соҳаларида, у ёки бу мақсадга эришишнинг миллий шакллари хилма-хиллиги шароитида моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришда бутун инсониятнинг биргаликдаги ҳаракати сифатида намоён бўлмоқда. Бинобарин, байналмилал руҳда тарбиялаш вазифаси ҳам ижтимоий қонуниятларда, кишиларнинг фаолияти, маданияти, эҳтиёжлари, мақсадлари ва ҳис-туйғуларида **умуминсоний** мазмунни энг асосий, боғловчи бўғин қилиб олишдан иборат.

Бу мақсадга, биринчидан, турмушда ва биргаликдаги иш, биргаликда ижод қилиш жараёнида бевосита мулоқотда бўлиш орқали эришилади. Студентлик ҳаёти бунинг учун жуда хилма-хил имкониятлар яратадики, олий ўқув юртлари буни назардан қочирмасликлари керак. Ётоқхонада яшаш ҳам, қурилиш отрядлари ҳам, практика ўтиш ҳам, илмий ишларни биргаликда тайёрлаш ҳам, ижодий уюшмаларга аъзолик ҳам, турли хил кечалар уюштиришда қатнашиш ҳам шулар сирасига киради. Буларнинг барчаси дўстона муносабатлар, хайрихоҳлик, миллий мансублигидан қатъи назар, бир-бирига яқинликни келтириб чиқаради, бунда қарашлар, манфаатлар, қизиқишлар муштараклиги ҳам аҳамиятга эга.

Иккинчидан, аниқ мақсадга йўналтирилган назарий билим ҳам изланувчан ёш ақл эгаларининг байналмилал тарбияси учун зарур воситадир. Бунда умуминсоний қадриятларнинг афзаллиги ғоясини ҳозирги замонга хос фикр юритиш билан бирга гоҳо худди математик теорема сингари исботлаб беришга тўғри келади ва буни яхшиси студентлар билан биргаликда қилиш керак. Қаерда қилиш керак дейсизми — бунинг учун имконият катта. Институтимиз ўқитувчилари, айниқса жамиятшунослар бевосита дарсхоналарда ўтилаётган машғулотларда назарий масалаларга эътиборни жалб этишга ҳаракат қиладилар. Партия ва комсомол бюролари, кафедралар, ветеранлар кенгаши ва касаба союз комитети, кутубхона, студентларнинг ўзлари ҳам бунда ташаббус кўрсатмоқдалар. Шунинг натижасида институтда байналмилал руҳда тарбиялаш бўйича доимий ишловчи комиссия тузилган, «Халқлар дўстлиги» халқ университети лекциялар, семинарлар, кечалар уюштирмоқда, ўткир масалалар кўтариладиган давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Долзарб муаммоларни муҳокама қилиш учун очиқ партия йиғилишлари ҳам тез-тез ўтказиладиган бўлиб қолди. Масалан, «Норасмий уюшмаларнинг ёшларга таъсири ва институт студентлари орасида байналмилалликни тарғиб қилиш соҳасида коммунистларнинг вазифалари тўғрисида» деган кун тартиби билан партия йиғилиши ўтказилди. Қуйида студентлар ёзган бир неча рефератларнинг мавзуини келтириб ўтмоқчиман: «Карл Маркс — буюк байналмилалчи», «Абдураҳмон Жомийнинг инсонпарварлик шеърияти — жаҳон маданияти бойлиги». «Алишер Навоийнинг ўлмас асарларида дўстлик, қардошлик, донолик, маърифат ғоялари».

Асосий нарса — ўтказилган тадбирларнинг миқдори эмас: уларни жуда кўплаб ўтказиш мумкин. Бунда энг муҳими, бу тадбирлар сунъий бўлмаслиги, уларда барчани қизиқтираётган масалалар, гоҳо ҳатто оғир масалалар ҳам ошкора ва ишонарли қилиб

қўйилиши керак. Қўйилган саволларга кутилгандек жавоб берилиши ва жуда мукаммал бўлмаганда ҳам сидқидилдан, билимдонлик билан жавоб қайтарилиши, берилган жавоблар янада кўпроқ изланишга ундайдиган бўлиши лозим.

Бу ерда мен у ёки бу саволни ким — студент ўқитувчига ёки ўқитувчи студентга айни дарсхонада, танаффус пайтида, ётоқхонада, конференцияда ёки йиғилишда бердими ёки бошқа жойдами — буни аниқ келтириб ўтиш вазифасини ўз олдимга қўймоқчи эмасман. Фақат ўзим танлаган тартиб бўйича кейинги икки-уч йил ичида эсимда қолган ва менга энг муҳим бўлиб туюлган савол-жавоблардан айримларини келтириб ўтмоқчиман.

Миллийлик ген даражасида борми! Бу саволга, менингча, лўнда қилиб, йўқ, деб жавоб бериш мумкин. Тил, маданият, руҳий хусусият бирлиги, яъни бир миллатни иккинчи бир миллатдан ажратиб турувчи ҳамма белгилар соф ижтимоий ҳосила, инсон моҳиятини ташкил этувчи ижтимоий ахборот эса, маълумки, генларда битилмаган. Ирқлар масаласига келганда — бошқа гап. Турли ирқларнинг белгилари морфологик-физиологик, биологик ҳисобланади, демак, генларда ифодаланади. Гўдакнинг баданида албатта ўз ота-онасиникига ўхшашлик бўлади, аммо тасодиф бўлиб, у дунёга келгандан кейин ўз ота-онаси тарбиясида бўлмай, бошқа миллат кишилари томонидан тарбия қилинса, бу ҳолда у ўз ота-онасининг эмас, балки тарбиячиларининг тили, маданияти, турмуш тарзини қабул қилади, яъни ижтимоий ахборот ижтимоий муҳит томонидан сақланади ва қайта ишланади. Демак, этник гуруҳлар, халқлар, миллатлар бирлиги «қонига қараб» қандайдир «ген даражаси»даги хусусиятлар туфайли вужудга келган эмас.

Бундай ҳолда **ирқлар ва этник гуруҳлар қандай юзага келган!** Улар бундан юз минг йиллар муқаддам питекантроплар ва неандерталлар Ернинг ҳамма территорияси бўйлаб ёйилиши билан бир вақтда вужудга кела бошлаганлар ва уларнинг географик шароитларга мослашуви натижасидир. Бу жараён ақлли одамнинг вужудга келиши даврида ҳам давом этган. Шу билан бир вақтда худди шу хронологик доирада алоҳида одамлар қабилалари даражасида тил ва шевалар вужудга келиб, ривожлана борган, маданият ва турмуш хусусиятлари таркиб топган.

Цивилизация бўсағасида (уруғчилик тузуми емирилиб, синфлар ва давлатлар ташкил топа бошлаган даврга келиб) қабилалар ягона халқ бўлиб қўшилдилар, унга фақат илгариги қабилаларнинг аъзоларигина эмас, балки шу билан бирга ўзга қабилаларнинг аъзолари ҳам кирдилар. Масалан, греклар, римликлар ва германларда шундай бўлди. Ана шу босқичдаёқ (янги эранинг биринчи асрларида) Рим империясининг бўйсундириши натижасида тиллар ва халқлар аралашиб кетган. Шундан кейин, Ф. Энгельснинг таъбири билан айтганда, «ҳамма миллий тафовутлар йўқолди, галлар ҳам, иберлар ҳам, лигурлар ҳам, нориклар ҳам энди қолмади — уларнинг ҳаммаси римликларга айланди» (К. Маркс, Ф. Энгельс. Соч., т. 21, с. 146). Рим империясининг герман ғолиблари ҳам V асрдан бошлаб тиллар ва халқларнинг аралашиб кетишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шарқда ҳам шундай бўлди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, истилолар, шунингдек давлат тузумига олиб келган ички жараёнлар натижасида қабилалар ва тиллар аралашиб кетди, янги этник тузилмалар ташкил топди.

Миллий хусусиятлар, маданият, тил руслар, ўзбеклар ва мамлакатимиздаги бошқа халқларда ҳам азалдан мавжуд бўлмаган. Чунончи, қадимги дунё олимларининг солномалари ва шаҳодат беришларига асосланиб шу нарса аниқланганки, бир замонлар Осиёдан келган ва Дунайда ўрнашиб қолган славянлар қабилалари аллақандай кучли душман, аниқроғи римликлар томонидан у ердан суриб чиқарилган ва VII асрда шимоли-шарқ томонга кетган. IX асрдан бошлаб улар ягона халқ бўлиб бирлаша бошлаб, Киев Русини барпо қилганлар. Аммо рус халқининг этник вужудга келиши жараёни шу билан тугамайди. Бу жараён тарихини таниқли рус тарихчиси С. М. Соловьевнинг қуйидаги хулосаси билан якунлашни истардик: «...Умуман биз авлод-аждодларимизда миллий муросасизлик бўлганини асло кўрмаймиз: немис, лях, татар, бурят рус жамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган...» (С. М. Соловьев. Сочинения., т. 1. История России с древнейших времен. кн. 1. М., 1988. с. 119). Ҳар қандай халқнинг бундай хусусиятга эгалиги унинг улуғворлигинигина англатиши мумкин.

Ўзбек халқининг этник ташкил топиш жараёни ҳам худди шундай мураккаб кечган. Бу ерда ана шу жараён тарихини баён қилишнинг имконияти ҳам, бунинг зарурати ҳам йўқ. Унинг айрим босқичларинигина эсга олиб ўтишнинг ўзи кифоя. Улар: «Ўзбекистон ССР тарихи» (Тошкент, 1971), «Ўзбекистон» — «Совет Иттифоқи» номли 22 томлик илмий-оммабоп нашрнинг томларидан бири (М., 1967), «Ўзбекистон ССР» номли энциклопедик бир томлик китобда (Тошкент, 1984) қайд этилган.

Эрамиздан аввалги II—I минг йилликларда ҳозирги Ўзбекистон территориясида бақтрияликлар, суғдлар, хоразмликлар, марғиёналиклар, шунингдек сакларнинг учта қабила гуруҳи яшаган бўлиб, улар этник келиб чиқиши ва маданияти жиҳатидан скифларга яқин бўлганлар. Эрамиздан аввалги VI—IV асрлардан бошлаб Ўрта Осиёнинг қатор вилоятларини форслар ўзларига тобе қилганлар. Сўнгра у Александр Македонский томонидан босиб олинган ва шундан бирмунча кейин унинг каттагина қисмида мустақил Грек-Бақтрия

давлати ҳамда у билан бир вақтда Парфия подшоҳлиги вужудга келди. Шу даврда Ўрта Осиё халқлари шимолда — туркий кўчманчи-чорвадорлар, жанубда — эроний ўтроқ деҳқонлар билан алоқада бўлганлар.

Эрамиздан аввалги I аср охиридан эрамизнинг IV асри ўрталарига қадар Ўрта Осиё Кушонлар қулдорлик подшоҳлиги таркибига кирган (у Сўғдиёна, Бақтрияни, сўнгра эса Парфия билан Хоразмни ўзига бирлаштирган), унинг қулаши оқибатида бу ерга кўчманчи гунн қабилалари бостириб келиб, қудратли Эфталитлар давлатини тузган. Аммо у ҳам инқирозга юз тутган, унинг ўрнига Турк хоқонлиги келиб, турк жамиятининг феодаллашуви ҳамда урушлар туфайли бирмунча узоқ муддат ҳукмронлик қилган. Турк қабилаларининг бир қисми хоқонликдан ажралиб чиқиб, Сўғдиёна, Бухоро, Тохаристон, Хуросон, Фарғона ва Шошнинг маҳаллий аҳолисига келиб қўшилган.

VII—VIII асрларда Ўрта Осиёни араблар ўзларига бўйсундирганлар. Улар ўзлариникидан юқори турган маҳаллий маданиятдан ҳадиксираб, уни яксон қилдилар. XI асрнинг буюк олими хоразмлик Абу Райҳон Беруний «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар» деган китобида Қутайба ва бошқа араб ҳукмдорлари маҳаллий дин, санъат, адабиёт намояндаларини, олимларни ўлдирдилар, уларнинг асарларини гулханда ёқдилар, бу ўлкада араблар истилосидан анча бурун мавжуд бўлган ҳужжатлар ва ёзма ёдгорликларни йўқ қилиб юбордилар, деб куюниб ёзган эди.

Ўрта Осиё халқлари этногенезининг шундан кейинги жараёнига шимол томондан келган туркий қабилаларнинг босқини катта таъсир ўтказди. Бу икки босқичдан иборат бўлди: Ўрта Осиёни XIII аср бошларида Чингизхон ва XV аср охири — XVI аср бошида Шайбонийхон босиб олди. Шайбонийхон олиб келган турк қабилаларидан бирига Ўзбекхон йўлбошчилик қилган. Агар қабилалар ва халқлар кўпинча ўз йўлбошчиларининг номини қабул қилганлар, деган фикрга қўшиладиган бўлсак, чамаси, ана шу ҳолда ҳам худди шундай бўлиб чиқади: дастлаб Ўзбекхоннинг номини у бошлиқ бўлган қабила олган, сўнгра Шайбонийхон билан бирга келган барча қабилалар шу ном билан юритила бошлаган, анча кейинроқ эса республикамиз территориясида яшовчи халқларнинг ҳаммаси ўзини ўзбеклар деб атай бошлаган.

«Совет Иттифоқи» деган нашрда («Ўзбекистон» томи) ўзбек халқи кўпдан-кўп қабилалардан ташкил топган, бу қабилалар хўжалик фаолияти, маданияти ва турмушига, шевасига кўра XIX асрнинг охирларига қадар бир-бирларидан жуда ҳам фарқ қилганлар, деб ёзилган. Бутун аҳоли ўтроқ-деҳқончилик ва ярим кўчманчи туркий қабилаларга бўлинган, улардан XX аср бошларигача қарлуқлар, барлослар, калтатойлар, мусабозорилар сақланиб қолган. Улар аста-секин ўтроқ аҳоли, асосан эроний аҳоли билан таркибан қўшилиб кетган. Аммо бу жараён жуда секинлик билан борган. Ҳарқалай, 1926 йилги аҳоли рўйхати ўтказилган вақтда Фарғона водийсида ва Тошкент воҳасида яшаб турган аҳолидан 32784 киши ўзини ўзбекларга қарама-қарши қўйиб — қипчоқлар, 50078 киши — қурамалар, 2155 киши — турклар деб атаган. Аммо 1939 йилги аҳоли рўйхати вақтида уларнинг ҳаммаси ўзларини ўзбеклар деб ҳисоблаганлар. Тафовутлар иккинчи ўринга сурилиб, миллий бирлик туйғуси биринчи ўринда турди (қаранг: «Совет Иттифоқи», 22-«Ўзбекистон» томи. М., 1967, 65—78-бетлар).

Шундай қилиб, инсоният тарихини ўрганувчи фанлардан шу нарса яққол кўриниб турибдики, биз, ерда яшовчилар ҳаммамиз ягона илдиздан унганмиз, ягона бирламчи ватанимиз бўлган, ҳаммамиз ундан келаб чиққанмиз ва Ер юзи бўйлаб ёйилиб кетганмиз. Аммо турли хил шароитларда яшовчи, тарқоқ ҳолда бўлган қабилалар аста-секин тили, турмуши, морфологик-физиологик хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларидан ажралиб кета бошлаганлар. Уруғ-қабилачилик тузумининг емирилиши ва цивилизация даврига, давлат тузумига ўтилгунига қадар инсоният этник жиҳатдан ривожланишининг якунлари ана шундай.

Инсониятнинг бошланғич даврида тубдан ягона бўлганлиги ҳақидаги бундай билимлар студентлар келгусида тарихий жараённи тушуниб олишлари учун бошланғич билимлар сифатида улар онгидан жой олиши керак. Бу жараён эса, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, цивилизация тонгидаёқ этник биқиқликни емириш ва вақт ўтиши билан эса — байналмилаллик йўлидан борди.

Ҳозирги кунда ва келажакда байналмилаллик муаммолари студентларда кўпроқ қизиқиш уйғотиши табиий. Уларнинг кўпгина саволлари айни шу хусусда бўлди.

Миллатларнинг келажаги қандай! Улар қўшилиб кетиши мумкинми! Иккинчи саволни кўпроқ фамилияси ўзбекча бўлиб, исми русча бўлган студентлар бермоқдалар. Миллатлараро никоҳдан бўлган болалар орасида бундай студентлар жуда кўп.

Бу хилдаги саволларга дарров жавоб бериш қийин, албатта. Бошарти жавоб беришнинг иложи бўлмаса, синалган диалектик усулни қўлланиш: ҳодисаларнинг пайдо бўлишини — аввал у қандай бўлган эди, энди қандай аҳволда-ю келгусида қандай бўлади (бу ўринда «ҳодиса» деганда, миллатлараро, байналмилал муносабатларни тушунмоқ керак), — ана шуларни биргаликда таҳлил қилиб чиқишни студентларга таклиф этиш ҳам мумкин.

Биз ўтмиш хусусида муҳокама юритдик. Энди объектив қонунларга асосланган ҳолда у қандай бўлишини аниқлашга уриниб кўрамиз. Эҳтимол, бу унинг ҳозирги аҳволига бошқача назар билан қарашимизга ёрдам берар?

Шундай қилиб, миллатлар ва халқларнинг этник келажаги ҳақида. Савол берилди, жавоб излаймиз. Сўзни башарти у халқлар ҳамда миллатларни ташкил қилувчи одамларнинг жисман яшашда давом этишига бўлган шак-шубҳасиз ишончни ўзида ифода этмаганида, ҳар қандай маъносини йўқотиши мумкинлигидан бошлай қолайлик. Бошқача қилиб айтганда, келажакда турли халқлар ўртасида у ёки бу хилдаги муносабатлар юзага келишидан аввал, жуда кам деганда умуман ана шу келажакнинг ўзига эга бўлиш, бинобарин, Ер сайёрасида омон қолиш учун шарт-шароит сақланиши зарур. Модомики ақл-идрок инсонгагина хос бўлса, у энергетик ва экологик ҳалокатларни, урушлар ва ўзаро қон тўкишлар орқасида бир-бирини қириб юборишни истисно этувчи турмуш тарзини барқарор қилиши керак. Яшаш учун яроқли муҳитни сақлаш — бу инсон ҳаётининг энг биринчи муқаррар шарти ҳисобланади. **Айрим халқларнинг ўзи буни амалга оширишга ожизлик қилади, бутун инсониятнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлашигина** бунга ёрдам бериши мумкин, чунки на ҳаво, на сув, на инсон эҳтироси чегара билади.

Сўнгра. Вақт ўтиши билан моддий эҳтиёжлар ортиб, мисли кўрилмаган даражада ўзгариб боради (масалан, ўтган асрларда яшаган одамлар телевизор, телефон сингариларга бу қадар катта эҳтиёж бўлишини хаёлларига ҳам келтирмаганлар-ку ахир!). Эҳтиёжларни қондириш усуллари ҳам муқаррар равишда ўзгариб боради, бунга сабаб анъанавий табиий ресурслар аста-секин тугаб бормоқда. Буларнинг барчаси **билимларнинг** мислсиз даражада янада юксак даражага эришувини талаб этади. Инсоният ҳозирнинг ўзида шундай босқичга етиб келдики, бунда у фаннинг иштирокисиз олға ҳаракат қила олмайди. Фан эса ўз моҳият эътиборила сайёра миқёсидаги ҳодиса бўлиб, территориал чегаралар, миллий, сиёсий, диний фарқлар унинг учун ётдир. Ҳар қандай чекланишлар унинг учун ҳалокатлидир.

Ўтмишда ва ҳозирда чинакам улуғ кишилар бутун инсониятга мансуб бўлганлар. Аммо фан яна бир ғоятда муҳим ишни бажаради: фан қатнашчилари унинг теварагида маҳкам жипслашадилар, улар учун фан асосий қадриятга айланади.

Шак-шубҳасиз, келгусида сайёрамизда иқтисодий ҳаёт ҳам умуминсоний тус олиши лозим. Табиий шароитларнинг хилма-хиллиги, маҳсулот сифатига нисбатан талаб муттасил ошиб бораётганлиги, илмий бошқариш ва энг янги технология негизида меҳнат унумдорлигининг ошиши — буларнинг барчаси халқаро меҳнат тақсимотини ва шу билан бир вақтда бутун иқтисодий ҳаётнинг муштараклигини муқаррар қилиб қўяди.

Ниҳоят, ахлоқни ва унинг асосий кўринишларидан бири — севгини ёки одамга гўзаллик, эзгулик, меҳр-шафқат бағишловчи тан ва қалб ҳолатини ҳам назардан қочириб бўлмайдики, булар инсониятни маънавий бузилиш ва ҳалокатдан асровчи негизлардир. Ер атрофидаги ҳаво бўшлиғи, онг-билим каби, у ҳам чегара билмайди.

Инсоният ё завол топади, ёки барча ахлоқий асосларнинг сарасоси бўлмиш севгига етишади, у ёки бу миллатнинг «ген фондини сақлаш» йўлидаги бизнинг заиф уринишларимиз эса унинг учун аҳамиятсиз, кулгили, ақлсиз, бемаъни ишдир. Қудратли оқимни тўхтатиб қоламан деб, унинг йўлига тўғаноқ бўлиш нечоғли фойдасиз ва ақлсизлик бўлгани каби, бу йўлдан бориш ҳам худди шундай бефойда ва ақлсизликдир. Севгининг ўз қонунлари бор, бинобарин, у фақат ана шу қонунлар асосида амал қилади.

Инсониятнинг **табиий** ўсиш истиқболи шундоқ кўринмоқда. Афтидан, мутафаккирлар инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ана шу объектив қонунларни назарда тутган ҳолда **узоқ келажакда** миллатларнинг қўшилиб кетишини башорат қилган бўлсалар керак. «Социализмнинг мақсади, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — инсониятнинг майда давлатларга бўлинишини ва миллатларнинг ҳар қандай айримлигини йўқ қилишгина эмас, миллатларни бир-бирига яқинлаштиришгина эмас, балки уларни қўшиш ҳамдир» (Тўла асарлар тўплами, 27-том, 296-бет).

Бугунги француз, эстон, рус, ўзбек, украин бу ҳақда нечоғли афсусланмасин, бундай истиқболни ўзидан нечоғли нари ҳайдамасин, шундай келажак албатта келади. Хўш, ҳозирги кунда қадимий инклар, ацтеклар, майялар, франклар, чудинлар, древлянлар, кривичлар, бақтрияликлар, сўғдлар ва бошқа кўпдан-кўп халқлар қаерга кетди? Фақат уларнинг тарихи, қадимий маданияти мавжуд ва ҳамиша сақланиб, инсониятнинг абадий бойлиги бўлиб қолади. Бу халқларнинг ўзлари эса ўз тиллари билан барҳам топдилар, авлодларга қоришиб кетдилар. Бу ҳақда оҳ-воҳ қилиш ва кўз ёши тўкишнинг фойдаси йўқ, чунки диалектика, маълумки, ҳеч бир нарсанинг ва ҳеч бир кимсанинг амри билан ривожланишдан тўхтамайди, унинг учун абадий ҳаракатда ва ўзгаришда бўлишдан кўра муқаддас нарса йўқ.

Бизнинг узоқ келажакдаги авлодларимизнинг маданияти биз ҳозирги кунда яратган ва асрлар оша яшашга муносиб бўлган энг яхши жиҳатларни ўзига қабул қилиб олиши ҳақидаги фикргина биз, XX аср кишиларига таскин бериши мумкин, аммо бунинг тафсилотлари қандай бўлади — ким ҳам билади, дейсиз?

Модомики миллатларнинг қўшилиб кетиши эҳтимол тутилган истиқбол шунчалик олис экан, ҳозир умуман бу ҳақда сўз юритишга ҳожат борми ва унинг ҳозирги вақтдаги миллий муносабатларнинг аҳволи билан ақалли бирон бир алоқадорлиги борми? Студентларнинг навбатдаги саволи ана шундай.

Менинг назаримда, биз ўзимизнинг ҳозирги кундаги ишларимиз андозасини оқилона тарзда ва келажак билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлаб чиқмоғимиз керак.

Ҳозир энг муҳими — бутун дунё аҳамиятига эга бўлган жараёнларни, миллатларнинг қўшилиб кетиши узоқ давом этган эволюция орқали, фақат тараққиёт қонунлари билан, одамларнинг ўзларига сезилмаган ҳолда бошқариладиган буюмларнинг табиий ҳаракати натижасида содир бўлишини англаб олишдан иборат. Ана шу оқимда миллатлараро муносабатлар тобора такомиллашиб боради. Шундай вақт келадики, ўшанда менинг миллий мансублигим менга мутлақо ҳеч қанақа афзалликлар бермайдиган бўлади, аммо ҳеч қандай камситишларга ҳам олиб келмайди, аслида бу бирон кимсани қизиқтирмайди ҳам. Туб маънога эга бўлган асосий инсоний фазилатлар муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, ҳозирги кундаги миллий муносабатларни уларнинг келажакдаги ҳолати билан қай тарзда боғласа бўлади? Менинг назаримда, бизнинг мамлакатимиз учун энг мақбул ва оқилона йўл, умумий тарзда олганда, қуйидагича бўлиши мумкин. Биринчидан, давлатимиз тарихи давомида унинг территориясида миллатлар ва халқларнинг (сталинизм йилларида репрессия қилинганлардан ташқари) ўрнашиб қолганлиги билан боғлиқ мавжуд вазиятни қабул қилиш зарур, акс ҳолда, ҳамдўстлик эмас, балки ўзаро адоват бўлган тақдирда, бу нарса жуда чуқур илдиз отиши, ҳатто гоминоидларгача бориб тақалиши, оқибат натижада бизлар, ҳаммамиз Ернинг экватор минтақасидан келиб чиққан бўлиб қолишимиз ҳам мумкин. Иккинчидан, бутун билан унинг бўлаклари ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш учун ҳар ёқлама кўмаклашиш, бунда ана шу бутун фақат миқдорий жиҳатдангина бўлакдан катта бўлмай, балки янги, бўлак эга бўлмаган хусусиятларга эгалигини эътиборга олиш кераккки, фалсафада буни интегратив хусусиятлар деб юритилади: бутуннинг унинг бўлаклардан устунлиги ҳам худди ана шунда. Учинчидан, маънавий жиҳатдан бойиш, замонларни бир-бирига боғлаш учун ўз тарихи ва маданиятини тиклаш ва бунда орқага қараб юрмай, олдинга қараб интилиш, бошқача қилиб айтганда, маънавий бунёдкорликка интилиш керак.

Тил энг мураккаб вазиятлардан бири бўлиб қолмоқда, чунки одамлар бу муаммони мутлақ ҳал қилишга интиладилар. Мутлақ ижтимоий адолат бўлмаганлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги сингари, ҳозирги босқичда тилларни қўлланишда ҳам бу тарзда мутлақ ҳал қилиш мумкин эмас. Ижтимоий ҳаракатлар фақат нисбий, ҳозирги кун учун мумкин бўлган адолатга эришишгагина қодирдир.

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленуми ана шу ҳақиқий имкониятларни, тарихан таркиб топган вазиятни ҳисобга олган ҳолда миллатлараро муносабатларни, шу жумладан тил сиёсати соҳасида ҳам ривожлантиришнинг асосий программасини ишлаб чиқди. Пленум байналмилаллик — миллийлик ҳуқуқини инкор этиш эмас, балки аксинча халқларнинг миллий манфаатларига кўпроқ эътибор бериш ва шу билан бир вақтда умумбашарий қадриятларни ҳисобга олиш, бутун дунёда тобора авж олиб бораётган интеграция тенденцияларини ҳисобга олишдан иборат эканлигига асосланган ҳолда иш кўриш зарурлигини таъкидлади. Байналмилаллик ташқаридан, четдан тиқиштирилган нарса бўлмай, ҳар бир киши учун англанган эҳтиёжга айланишига эришиш муҳим.

Умумбашарий манфаатларни ҳимоя қилиш мавриди миллийликни мутлақлаштиришни истисно қилади ва миллий масалани, шу жумладан тил муаммосини ҳал этишнинг нисбийлик мавридини ўз ичига олади. Муқаррар нисбийлик эса мутлақлаштиришга интилаётган кишиларда қаноатланмаслик кайфиятини туғдирадики, бу нарса экстремистлар томонидан янада авж олдирилади, кўпиртирилади ва ана шу заминда миллатчилик тусини олади. Бинобарин, байналмилал тарбиянинг бутун моҳияти, унинг бутун мураккаблиги, бутун дунёда бўлгани каби, кўп миллатли мамлакатда ҳам ҳозирги вақтда ҳар бир миллат фақат бошқа халқлар билан кўп томонлама алоқа боғлаш орқалигина соғлом ҳаёт кечириши мумкинлигини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бунда Ф. Энгельснинг, тенглар ўртасидагина байналмилал ҳамкорлик бўлиши мумкин, деган сўзини унутмаслик керак.

Тенгликка эришиш — ҳозирги вақтда бу миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш соҳасидаги энг асосий вазифа ҳамда етишиш мумкин бўлган юксак даражадаги адолатдир. Аммо айнан ўхшашлик ёки нусха кўчиришлик маъносидаги тенглик эмас, балки шерикликда тенг шароит яратадиган, тенг эркинлик берадиган, маънавий ривожланиш учун тенг имконият яратадиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий тенглик бўлмоғи лозим.

Ҳамиша ва ҳамма ерда ҳам шундай шароит мавжудми? Иқтисодчиларнинг берган маълумотларига кўра Ўзбекистон бундай шароитга эга эмас. Қайта қуриш жараёнида бир ёқламаликка, республика халқ хўжалигининг асосан хом ашё йўналишида ривожланишига, ишлаб чиқарувчи кучлар структураси ва ҳажмидаги номутаносибликка барҳам берилади.

Тил соҳасидаги вазият хусусида шуни айтиш кераккки, ўз моҳияти эътиборила у бир-

мунча мураккаб, нозик муаммо бўлиб, кўпдан-кўп белгиларга эга ва шу боисдан ҳам бунда барчани беистисно баравар қондира оладиган мунтазам, бир хил, мутлақ ечим бўлиши мумкин эмас.

Тилларни қўлланишда юксак адолат ҳар бир киши учун ва жамият учун имкониятлари (иқтисодий имкониятлари, тил ўқитиш савияси, одамларнинг лингвистик қобилиятлари, уларнинг ёши ва ҳоказолар), шунингдек вужудга келган вазият ҳамда мақсадга мувофиқлик жиҳатидан кўп даражада **чекланган**. Бу она тилидан бошқа у ёки бу тил жамиятнинг иқтисодий ва маданий соҳаларда ривожланишига нечоғли ёрдам бериши, у ҳар бир киши учун муомала ҳамда ўз эҳтиёжларини, айниқса маънавий эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида нечоғли зарурлиги билан белгиланади. Айтиб ўтилган ана шу объектив мавжуд омиллар амал қилган тақдирдагина одам тилни ўрганиши мумкин. Аммо бу омиллар фақат объектив тарзда вужудга келиши ва амал қилиши керак. Башарти зарурий вазият махсус равишда вужудга келтириладиган бўлса, буни энди мажбур қилиш деб тушунилади.

Тил ўрганишга даъват этувчи яна бир омил бор — у ҳам бўлса ўзинг бирга яшаётган халқни ҳурмат қилишдир. Аммо бу омилга унчалик катта умид боғлаб бўлмайди. Ўз моҳияти эътиборила тил этник категория эмас, бинобарин, бу омил кундалик турмушимиз даражасидагина натижа бериши мумкин холос, аммо ундан нарига ўтмайди.

Республикамизнинг мақсади эса СССР доирасида қолиш билан бир вақтда унинг территориясида истиқомат қилувчи барча кишилар ҳамкорликда яшашининг энг мақбул йўлларини қидириб топишдан иборат. Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги Қонуни ана шу мақсадга мувофиқ келади. Ундаги 30 та модданинг ҳаммаси давлат тили бўлган ўзбек тили билан миллатлараро тил ҳисобланган рус тилининг, «шароит мавжуд бўлган тақдирда» эса — бошқа тилларнинг ҳам тенг ҳуқуқли асосда амал қилиши ва эркин ривожлантирилишидан далолат беради.

Айни шу нарса англанган зарурият сифатида тушуниб етиш мумкин бўлган эркинлик қиррасининг ўзгинаси бўлиб, бир-бирини ҳурмат қилишни, ўзаро сабр-тоқатли бўлишни, бир-бирига қулоқ сола билиш ва бир-бирини англаш, тил бобида юзага келган ҳақиқий аҳволни ҳисобга ола билиш истаги ва қобилиятини ўз ичига олади. Ана шу аниқ тушунилган эркинлик ва адолатнинг бош принципи ихтиёрийлик бўлиши керак. Миллатидан қатъи назар, ҳар бир киши бировнинг тазйиқисиз, ўзи мустақил равишда ўзи учун у ёки бу тилни ўрганиш ва қўлланишнинг зарур даражасини белгилаб олиши керак. Бу ҳақда ҳеч кимга уқтириб ўтиришнинг кераги йўқ, эҳтиросларга берилишнинг ҳам ҳожати йўқ. Акс ҳолда студентларнинг таажжуб билан ва гоҳо норозилик оҳангида юз марталаб берган мана бу саволлари яна такрорланаверади: ўз она қирғиз тилини мустаҳкамлаш, қирғизларга қирғиз тилини ўргатиш йўлида қизғин кураш олиб бораётган Чингиз Айтматов нима учун ўз қизини олий маълумот олиш учун Фрунзедаги миллий группага эмас, балки Англияга юборди? Демак, унинг учун тилга садоқат эмас, балки ўзининг қизини билимнинг юқорироқ даражаси, жаҳон маданиятидан баҳраманд қилиш муҳимроқ экан-да. Ёки бўлмаса, ўз она тили хазинасини қандай қилиб бўлмасин «оддийроқ» одамлар сақлаб қолишлари муқаррар экан-да. Ахир улар ҳам бундан «баҳраманд бўлиш»ни истаяптилар-ку! Одамлар нимани исташини ўзлари ҳал қилишлари учун имконият бериш керак. Модомики, холисона олиб қараганда тил инсон олдида маънавий ва бошқа оламни бойитиши учун истиқбол уфқларини очиб берар экан, ҳеч қандай мажбур этувчи қонунларнинг ҳожати бўлмайди.

Ниҳоят, студентларни, ҳатто бошқаларни ҳам ташвишлантираётган охирги савол: **ҳозирги вақтда «совет халқи» атамасини қўлланиш тўғрими!**

Бизда «ягона совет халқи» борми ўзи? Бу масала хусусида аслида манфаатдорлиги йўқ, совет кишиси, совет олими бўлмаган учинчи бир кишига мурожаат этишни истардим. В. О. Ключевский «халқ» тушунчасига қуйидагича таъриф беради: «Халқ — бу фақат биргаликда яшаб қолмай, балки шу билан бирга биргаликда ҳаракат қилувчи, тили муштарак ва тақдири муштарак бўлган аҳолидир» (Сочинения в 9 томах, т. 1, М., «Мысль», 1987, с. 120).

Хўш, ягона совет халқи бўлишимиз учун бизга нима етишмаяпти ўзи? Умумий тилми? Аммо миллатлараро муомала тили бор-ку. Шундай бўлса-да, башарти асосли далиллар бўлса, бу хусусда баҳслашиш ҳам мумкин.

УЙҒУРЛАР ЎТМИШДА ВА ҲОЗИР

ҚАЙТА ҚУРИШ жараёнида жавоб топиш лозим бўлган кўпгина саволлар орасида ўз давлат тузилмаларидан ташқарида яшаётган ёки уларга эга бўлмаган миллатлар тақдирига дахлдор масалалар ҳам бор. Совет уйғурлари масаласи ҳам шулар жумласидандир.

Уйғурлар — туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг энг қадимийларидандир. Бир замонлар уйғурларнинг ўз давлати, ўз ёзуви, ривожланган маданияти бўлган. Бироқ вақти келиб, улар ҳатто ўзларининг қадимий миллий номларидан ҳам маҳрум бўлдилар.

...Октябрдан кейинги дастлабки йилларда Туркистон Компартияси МҚ ҳамда Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг органи бўлган «Известия» газетасининг саҳифаларини варақлаётиб, унинг 1921 йилги 31 март сонида қизиқарли бир ахборотга кўзим тушди: «25 мартда партиясиз мусулмон аёлларнинг конференцияси тугади. Делегатларнинг таркиби қуйидагича: татар аёллар — 49, қирғизлар — 54, ўзбеклар — 32, тожиклар — 25, форслар — 11, маҳаллий яҳудийлар — 8, туркманлар — 8, кавказли мусулмон аёллар — 5, чалақозоқлар — 5, таранчи — 1, сарт қолмиқ — 1, қашқарлик — 1, қозоқ-қирғиз — 1, осетин — 1 нафар». «Таранчи» ва «қашқарлик» сўзларига эътибор беринг-а. Бир вақтлар муштарик «уйғур» деб аталган ягона халқ гўё бир-биридан мустақил «мавжуд бўлган» — «қашқарликлар» (маълум шаҳар номи билан аталиб) ва «таранчи» (яъни «зироатчи») деб сунъий равишда иккига ажратиб қўйилди. Ҳатто 1926 йилги СССР аҳолисини рўйхатга олиш натижалари тўғрисидаги статистика ҳисоботида: мамлакатда уйғурлар 42 минг, таранчилар — 53 минг, қашқарликлар — 13 минг, деган маълумотни ўқиш мумкин эди.

Ҳолбуки, бошқа манбалар (жумладан Ўзбекистон Компартияси МҚ ҳузуридаги партия тарихи институти архивларида сақланаётган манбалар) нинг шаҳодат беришича Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон республикаси ҳудудида 600 мингга яқин уйғурлар яшаган. 1979 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра СССРда уларнинг миқдори атиги 210 мингни ташкил қилган. Яна бу «маданий инқилоб» йилларида Хитойдан кўчиб келган неча ўн минг кишини қўшиб ҳисоблаганда.

Табиийки, шундай бир савол туғилади: 70 йил мобайнида 300 мингдан зиёд уйғурлар қаерга «ғойиб» бўлди? Бунга жавоб беришга уриниб кўраман.

Ҳозирги Ўзбекистон территориясида уйғурлар қадим замонлардан бери яшаб келадилар. Уларнинг миқдори асосан ўн мингларча кабиладошлар ҳисобига ортиб борди, улар ўтган асрларда тақдир тақозоси билан Шарқий Туркистон (Хитой)дан кўчиб келишган.

Уйғурлар, аввало уларнинг илғор зиёлилари, Улуғ Октябрь социалистик революциясини қизғин кутиб олишди, ўлкадаги бошқа халқлар билан биргаликда уни ҳимоя қилишди, революцион ташкилотлар тузишди. 1919 йилда Верний шаҳрида (ҳозирги Олмаота) шундай ташкилотлардан бири Туркистоннинг турли районларида тарқоқ ҳолда иш кўраётган уйғурларнинг революцион ҳаракатини бирлаштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Ўлка партия ташкилоти бунга катта эътибор берди. Чунончи, Туркистон Компартияси МҚ қарори билан ТКП МҚ миллатлар бюроси ҳузурида Олтишаҳар — Жунғория инқилобий уюшмасини ташкил қилиш бўйича Марказий ташкилий бюро тузилди. 1921 йил 2 майда ташкилий бюро коммунистик фракция тузди, унга оташин уйғур инқилобчиси, 1918 йилдан буён РКП(б) аъзоси Абдулла Рўзибоқиев бошчилик қилди. У 30-йилларда Сталин лагерларида ҳалок бўлди.

Коммунистик фракция Олтишаҳар — Жунғория ишчилари I қурултойини чақириш юзасидан тайёргарлик ишларини амалга оширди, у 1921 йил 3 июнда Тошкентда очилди. Қурултой ўз таркибига кўра байналмилал эди: 90 киши — таранчи ва қашқарлик, 10 киши — дунган, 3 хитой, 2 қирғиз, 2 татар, 1 турк эди. Кун тартибининг биринчи масаласи — «Халқаро масала ва

Хитойдаги аҳвол» тўғрисида Туркистон Компартияси МҚ секретари Акмал Икромов маъруза қилди. Қурултой шунингдек Марказий ташкилий бюронинг уйғур меҳнаткашлари инқилобий уюшмасини тузишга доир ҳисоботини тинглади, бу масала бўйича А. Рўзибоқиев маъруза қилди.

Халқнинг қандай аталиши масаласи шу қадар мураккаб эканки, бунинг атрофида мунозара бошланиб кетди. Унинг истилочилар томонидан ўрнатилган кўп асрлик тарқоқлиги ҳали ҳануз сезилиб турарди. Қашқарликлар гуруҳидан бўлган баъзи делегатлар қашқарликлар билан таранчилар бошқа-бошқа миллатлар деган фикрга ёпишиб олишди. Абдулла Рўзибоқиев ва унинг тарафдорлари мухолифларни бу аксинча эканлигига аранг ишонтиришди. Ниҳоят, узоқ давом этган баҳслардан кейин қурултой «уйғур» деган қадимий номни тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу чинакам тарихий қарор уйғур миллати ва унинг маданияти тикланишини бошлаб берди. Олтишаҳар — Жунғория ишчилар ташкилоти таъсис этилди, у «Уйғур» инқилобий уюшмаси номини олди, шунингдек «Камбағаллар овози» номли газета чиқарила бошлади, у совет уйғурлари миллий маданиятини шакллантириш ва оёққа туришида катта роль ўйнади. А. Рўзибоқиев уюшма раҳбари ва газета муҳаррири бўлди.

Инқилобий уюшма уйғурлар яшайдиган жойларда фаолиятини кенгайтириб юборди. Унинг ташаббуси билан уйғур ёшлари Тошкент, Боку, Қозон, Москва, Петроград, Олмаотага ўқишга юборилди. Еттисув, Тошкент, Андижон, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Бухоро, Ўшда уюшманинг бўлимлари тузилди. Туркистон Компартияси МҚ ўзининг область ва уезд комитетларига қуйидагича кўрсатма берди: «Олтишаҳар ва Жунғориядаги уйғурларнинг ниҳоятда эзилганлиги ҳамда тарқоқ ҳолда яшаётганлигини ҳисобга олиб, улар бирлаштирилсин ва уюштирилсин, уларга синфий онг сингдирилсин, коммунистик партия теварагига жипслаштирилсин».

Уйғурлар инқилобий уюшмаси узоқ яшамади: Туркистон Компартияси МҚ ҳузурида 1922 йил апрелда ТКП МҚ секретариатининг қарори билан тузилган уйғур коммунистик секцияси унинг ишини давом эттирди. Унинг бўлимлари Тошкент, Фарғона, Сирдарё областларида, Самарқанд, Ўшда ҳам пайдо бўлди. Коммунистик секция партия Программаси ва Уставини уйғур тилига таржима қилиш, алифбо китоби, дарсликлар нашр этиш, уйғур инқилобий ҳаракати тарихини ёзиш учун материаллар тўплаш билан шуғулланди. А. Рўзибоқиевнинг тақдимномасига мувофиқ РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси 1923 йилда «Уйғур халқи орасидаги иш плани»ни тасдиқлади, ана шу планга мувофиқ Уйғур коммунистлари ўлка бюроси ҳузурида «Билим» секцияси, Ўзбекистон давлат нашриёти ҳузурида эса — уйғур редакцияси барпо қилинди. Уйғур мактаблари она тилида дастлабки алифбо китобига, дарсликларга эга бўлишди. 1924 йилда биринчи уйғур алманахи «Или уйғурлари тарихи», жасур уйғур шоираси Розугум ҳақида қисса чоп этилди. Ўша 20-йилларда уйғур комсомоли ташкил этилди.

1927 йил октябрда Ўзбекистон Компартияси МҚда пропаганда ва агитация бўлими ҳузурида уйғур комсекцияси ташкилий бюроси тузилади. Марказий Комитет уйғур тилида «Қутулиш» номли янги газета таъсис этиш ва унинг биринчи сонини Улуғ Октябрнинг ўн йиллигига чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. «Қутулиш» уйғур миллий маданиятини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнади. Уни нашр этиш 30-йилларнинг охирида тўхтатиб қўйилди. 40-йилларнинг биринчи ярмида Тошкентда уйғур тилида «Шарқ ҳақиқати» журнали ташкил этилди (араб ёзуви асосида). Шу номдаги нашриёт эса ўз фаолияти даврида юзларча номда уйғур тилида бадиий ва сиёсий китоблар чоп этди.

30-йилларда Совет Шарқининг уйғурлар яшаган республикаларининг кўпчилигида миллий мактаблар очилди. Бироқ 1937—1939 йилларда уйғур зиёлилари репрессия қилинди. Агар сталинчилик йиллари гирдобида мамлакатдаги халқларнинг кўпчилигида миллий маданият негизлари ҳар ҳолда сақланиб қолган бўлса, уйғурларники йўқ қилиб юборилди. Устига-устак халқнинг сони жуда ҳам камайиб кетди, бу унинг миллат сифатида йўқ бўлиб кетиш хавфини туғдирди.

1979 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра Ўзбекистонда атиги 35762 уйғур яшайди. Бунинг сабаби нима? Ахир, фақат Андижон областининг ўзида 12 мингдан зиёд киши яшайди. Фарғона водийсига, ўша Андижон областига борсангиз, сиз ўзбек тилида гаплашаётган ёш-у кексаларни учратасиз, улар паспортига кўра — ўзбек, лекин ўзларини нима учундир уйғур аташади. Бунинг асосий сабаби, турғунлик йилларида ҳам ўтказиб келинган сталинча «миллатларнинг қўшилиб кетиши ва равнақи» сиёсатида деб ўйлаймиз. Халқнинг жуда кўпчилиги ўз тақдиридан, фарзандларининг келажагидан чўчиб, агар таъбир жоиз бўлса, туғишган миллатини тарк этган. Бунга ҳаётнинг ўзи мажбур қилган: ахир уйғурларнинг миллий маданияти, шу жумладан, унинг мактаб, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, миллий кадрлар тайёрлаш каби жиҳатлари бутунлай йўқ қилинди. Ана шу сиёсатнинг бевосита натижаси сифатида уйғур халқи аста-секин миллий мансублик билан биргаликда миллий ўзлигини ва энг муҳими — тилини йўқота бошлади. 1979 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра

СССРда рўйхатдан ўтган 173 минг уйғурдан атиги 86,1 фоизи уйғурчани она тили деб атаган. Ўзбекистон бўйича бундай маълумотлар умуман йўқ. Лекин, дадил айтиш мумкинки, бу ерда уйғурларнинг мутлақ кўпчилиги она тилини билмасди.

Тошкентда республика уйғур маданияти жамиятининг тузилиши халқнинг миллий маданияти, тили, анъаналари ва урф-одатларини тиклашга ёрдам беради, уйғурларнинг миллат сифатида йўқ бўлиб кетиш жараёнини тўхтатади, тақдир тақозоси билан ўз масканини тарк этганларга ўз миллати бағрига қайтишига кўмаклашади деб ўйлаймиз. Поймол бўлган адолатни тиклаш учун уйғурларнинг ўзидан куч-ғайрат талаб қилинади. Лекин ҳамма нарса уларнинг ўзигагина боғлиқ эмас.

Таъсис конференциясида қабул қилинган жамият программаси матбуот органлари барпо этишни, радиоэшиттиришлар ва телепрограммалар ташкил этишни кўзда тутади. Уйғур тилида китоб нашр этишни тиклаш имконияти кўриб чиқилмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида уйғур адабиёти кенгаши ишлаб турибди, афсуски, у уйғур ёзувчилари асарларини чоп этиш учун базага эга эмас. Уйғур рассомлари, композиторларининг бутун бир гуруҳи, юздан зиёд олимлар самарали ишламоқда. Шундай қилиб, илмий, бадиий ва сиёсий китоблар ҳамда журнал чоп этиш учун ижодкор ходимлар бор.

Ҳозир вужудга келган шароитда энг нозик муаммо — мактабда уйғур болаларини она тилида ўқитишни ташкил этиш, уйғур адабиёти ва тарихини ўрганишни йўлга қўйиш, ниҳоят шундай мактабларни битириб чиқувчиларнинг тақдири масаласи бўлса керак. Республика Халқ таълими министрлиги ва жойлардаги унинг органлари хайриҳоҳ бўлмасалар бу жиддий масалани ҳал этиш қийин бўлади. Бизни шу нарса кувонтирадики, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни Шарқ факультети қошида уйғур филологияси ва тарихи кафедраси очилди. Бундай ўқув бўлинмаси уйғурлар маънавий ҳаётининг муҳим ва фойдали маркази бўлиб қолади. Шу билан бирга биз яқин келажакда студентлар ва мутахассислар — уйғуршуносларни хорижий мамлакатлар билан, биринчи галда ХХРнинг Циньзян-Уйғур автоном райони билан алмашиниш зарурлигини истисно этмаймиз.

Уйғур маданияти республика жамияти программасида Тошкентда миллий музикали драма театр ташкил этиш вазифаси бор. Ўз вақтида Андижонда шундай театр ишлаганлиги маълум. Бироқ Сталин бошқаруви йилларида уйғур театр санъатининг ана шу ягона маркази ҳам тугатилган эди. Уни қайтадан тиклаш кимгадир халақит беради деб ўйламаймиз. Уйғур ва ўзбек санъатининг қардошлиги Ўзбекистонда уйғур театрини тиклаш ва ривожлантириш учун баракали замин бўлган бўлур эди. Хусусан 1990 йилнинг февралида муҳим воқеа содир бўлди: Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан Тошкентда «Наврўз» номи билан аталадиган янги миллатлараро театр барпо этилади.

Яна бир муаммо бор, у нафақат уйғур аҳолиси манфаатларига дахлдор. Бир вақтлар ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, татарлар, уйғурлар ва туркий тилда сўзлашувчи бошқа халқлар араб графикасида нашр этиладиган даврий матбуотни, адабиётни бемалол ўқий олар эдилар. Маълумки, урушдан аввалги даврдаёқ Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ёзуви лотинчадан кириллицага ўтказилди, бунинг натижасида, образли қилиб айтганда, бу халқлар ўзларининг миллий «тил ҳужраларига» тарқаб кетишди ва уларнинг ҳар бири янги ёзувдан ўзига мослаб фойдалана бошлади. Бир қатор ҳарфларнинг ўзига хослиги, бир-бирига яқин тилларнинг келишмаганлиги улар орасига тўсиқлар қўйдики, у эндиликда, айтайлик, ўзбекка қозоқ адабиётини, қозоққа эса ўзбек адабиётини аслиятида бемалол ўқиш ва тушунишга халақит берадиган бўлди. Туркий тилда сўзлашувчи барча халқларнинг кўп асрлик анъанаси ва алоқаси бузилди, бундан уйғурлар ҳам азият чекди. Гап шундаки, Қозоғистонда улар ўзларининг янги ёзувларига қозоқ тилини асос қилиб олдилар, Ўзбекистондаги уйғурлар эса ўзбек ёзувидан фойдаланмоқдалар. Натижада республикамизда яшаётган уйғур аҳолисининг кўпчилиги Олмаотада унинг она тилида чоп этилаётган китобларни ўқишга қийналади ёки ўқий олмайди. Ўрта Осиёдаги ва Қозоғистондаги туркий тилда сўзлашувчи халқлар вакилларининг уларнинг кириллица асосидаги ёзувини бир хиллаштириш фурсати етмадимикан?

Уйғурлар алоҳида бўлиб яшашни, ўзлари учун алоҳида имтиёзлар бўлишини истамайдилар. Лекин улар тенглар орасида тенг бўлишни хоҳлайдилар. Шу боисдан уйғурлар миллий маданиятлар камситилишининг ҳар қандай шаклларини қатъиян қоралашни эълон қилган ҳамда СССРдаги барча халқлар эркин ривожланишини таъминлашни ўз вазифаси деб билган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан тўла бирдамдирлар.

Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистондаги уйғур маданияти республика жамиятининг раиси.

КИНО ВА ЗАМОН

Филология фанлари доктори Ҳамидулла АКБАРОВ редакциянинг илтимосига кўра СССР халқ артисти Ўзбекистон Кинематографистлар союзининг биринчи секретари Малик ҚАЮМОВ билан суҳбатлашди.

Ўзбек киносининг бугунги аҳволи, улкан кинематография хўжалигини қайта қуриш ва ижодий союзимиз фаолияти билан боғлиқ масалалар менда республика Кинематографистлар союзининг биринчи секретари билан учрашиб, суҳбатлашиш истагини туғдирди. Лекин, кутганимиздек, суҳбат давомида Ўзбекистон экран санъатининг кўп бошқа муаммолари, унинг мамлакатимиз миллий кинематографист отрядлари билан алоқалари тилга олинди.

Ҳ. Акбаров — Суҳбатимиз учун шундай мавзуни таклиф этаман: кинематографни қайта қуриш. СССР Кинематографистлар союзи пленуми тасдиқлаган Низомга мувофиқ киностудиялар кинофабрикаларга айлантирилиб, техника уларнинг ихтиёрида бўлади, мустақил ижодий бирлашмалар ундан шартнома асосида фойдаланадиган бўлишади. Кўпгина ташкилий масалалар ҳал қилинган, бу бирлашмаларнинг раҳбарлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришга кириша бошлаган ҳозирги кунда мени бир нарса ташвишга солади: аслида шундай бўляптики, ижодий ходим айни бир вақтда коммерсантга айланиб қоляпти. У ўз картинасининг прокатдаги тақдири, яъни бошқача қилиб айтганда унинг иқтисодий муваффақияти тўғрисида доимо ўйлаши, қайғуриши керак. Бу — СЎМ санъаткорнинг эстетик позицияларига доим ҳам маъқул келавермайдиган «ўз» шарт-шароитларини мажбуран ўтказа бошлайди деган сўз. Ҳолбуки, ҳаммага маълумки, совет ва жаҳон кинематографининг ҳамма шоҳ асарларини ҳам томошабинлар аудиторияси дарров қабул қилган ва тушунган эмас. Шу муносабат билан бир савол туғилади: ижодий ёшлар хўжалик ҳисоби шароитида қандай қилиб эксперимент қилиб кўради? Ўйлашимча, хўжалик ҳисобининг санъатда жорий этилиши билан экспериментларнинг куни битиши мумкин. Шундай фильмлар суратга олинадики, улар, ўзларининг у ёки бу сифатлари, жиҳатлари билан мелодрама, саргузашт жанри, шаҳватпарастлик ишқибозларининг диққат-эътиборини тортади. Ҳа, айтмоқчи, кейинги вақтларда худди шундай ленталар кўпроқ пайдо бўляпти.

М. Қаюмов — Ўтган йили жуда кўп музокаралардан кейин республика ҳукуматидан студия учун салкам 1 миллион сўм олишга муваффақ бўлдик. Бу маблағ эксперимент қилишни истаган, ўз кучини турли жанрларда синаб кўрмоқчи бўлган ёшлар учун мўлжалланган. Бинобарин, эксперимент тариқасида ишланган фильмларга аслини олганда ҳукуматнинг ўзи маблағ ажратади. Биз, бу ленталар ўзига сарфланган харажатларни қоплайди, деб умид қилмаймиз. Биз бу ўринда бошқа мақсадни кўзда тутяпмиз: бу фильмлар истеъдодларни, кимнинг нимага қодирлигини билиш, аниқлаш учун керак. Мана шундай «қаламини синаб кўрганидан» кейин, ўзини яхши жиҳатдан кўрсата олган ёш кинематографистларга тўла метражли ленталар постановкасини ишониб топширса бўлади.

Лекин хўжалик ҳисоби шароитида киностудия доимо дотация ҳисобига яшаши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Кинематографистлар союзига ёш кучларни жалб этиш, ижодий коллективларнинг эртанги куни тўғрисида доимо ўйлашга тўғри келади. Маълумки, энди кинопрокатчи ташкилотларнинг экранга чиқадиган фильмларнинг ҳаммасини сотиб олиши шарт эмас. Бутуниттифоқ «Кинорынок»

бирлашмаси (унинг киномахсулотларини баҳолаш мезонлари анча юқори бўлиб, ленталарнинг ҳаммаси ҳам бошқа студиялар фильмлари билан рақобат қилолмайдилар) киноленталаримизни совет ва чет эл прокатчиларига тавсия этади. Шундай қилиб, ижодий бирлашмалар молиявий муаммоларининг ҳал этилиши фильмнинг кино бозорида муваффақиятли сотилишига боғлиқ бўлиб қолади. Битта рақамни эслатиб ўтмоқчиман: бадиий картина, агар уни камида 18 миллион киши кўрган тақдирдагина ўз харажатини қоплаши мумкин. «Ўзбекфильм» киностудиясининг бугунги кунда энг кўп овоза бўлган фильмларидан бири — «Келинлар қўзғолони» картинасини атиги 4 миллион киши томоша қилди. Шу студиянинг энг яхши ленталаридан бири — «Тоҳир ва Зуҳра»ни 11 миллион кино ишқивозлари кўришди. Бунинг боиси шундаки, афишага бу «Ромео ва Жульетта» нинг ўзбекча варианти» деб ёзиб қўйилганди. «Алишер Навоий» фильми дунёнинг кўпгина экранларида намойиш этилди. Бизда эса уни жами 9 миллион киши кўрди. «Алибобо ва қирқ қароқчи» саргузашт фильмини энг кўп томошабин — 25 миллиондан ортиқ киши кўрди. Прокатчилар «26-отилмасин», «Севги афсонаси», «Фарғоналик беш ўғлон», «Еттинчи ўқ» фильмларидан мамнун бўлишди. Бошқа картиналарга томошабинлар ихлосининг кўрсаткичи анча паст. Шунинг учун ҳам фақат ўзбек тилида фильм яратиш керак деган талаб менга унчалик тушунарли бўлмаяпти. Қани, кўрамиз, М. Абзаловнинг ўзбек тилида яратган «Майсаранинг иши» картинасига қанча томошабин тушар экан. Менимча, картина ўзбекча ҳам, тожикча ҳам эмас, улар байналмилал бўлиши керак.

Ҳ. А. — Ана ўша байналмилал мазмун миллий шаклда ифода этилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, миллий характерни, миллий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини томошабинга етказиб бера оладиган воситаларни топиш ва улардан моҳирона фойдалана билиш керак. Зеро фильм қаҳрамонлари ўша муҳит маҳсулидир. Бу ерда гап фақат ўзбек тилида гапира олиш (бунинг муҳимлигини ҳам инкор этмайман) устида эмас, балки анъаналар, урф-одатлар, маданият, оилавий турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда фикр юрита олиш хусусида кетяпти.

М. Қ. — Ўзбекистон кинокартиналари ўзимизнинг республикамиздан кўра РСФСР, Қозоғистонда кўпроқ машҳур. Агар биз фақат ўзбек тилида фильм яратиб, уни ўзбек тилида намойиш этадиган бўлсак, томошабинларни йўқотиб қўямиз. Мана, биз ҳозир «Искра» кинотеатри базасида «Халқлар дўстлиги» кинотеатрини барпо этдик. Бу ерда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон фильмларини намойиш этишга қарор қилинди. Умид қиламизки, бу ерга бу республикалар киносанъатининг чинакам мухлислари тўпланишади. Бундан ташқари, ҳар бир фильм прокати 3 миллиондан 6 миллионгача томошабинни тўплаши керак. Бу хўжалик ҳисоби шароитида жуда муҳимдир.

Ҳ. А. — Сиз, миллионлар, янгидан, қайтадан барпо этилган бирлашмаларга фойда бўлиб тушадиган миллионлар ҳақида бот-бот гапиряпсиз. Лекин, менинг назаримда, хўжалик ҳисоби чинакам санъатни барбод қилиши, ижодга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Фикримни исботлаш учун бир мисол келтираман. Биз ҳаммамиз ўша «Тоҳир ва Зуҳра» фильми билан ҳамиша фахрланамиз. Бу ерда энг муҳими кинопрокат архивидаги қоғозда қайд этилган «миллион томошабинлар» эмас, балки талантли, ёрқин, ғоятда миллий кино асарининг яратилиши фактидир. Ишончим комилки, Наби Ғаниев билан унинг сафдошлари картина устида ишлаётганларида фойда, томошабинлар сони ва бошқалар тўғрисида ўйламаган бўлса керак. Мен, танқидчи учун энг муҳими шуки, чинакам кино асари яратилди, унда Ўзбекистон киносанъаткорларининг юксак маданияти намоён бўлди, фильмда миллий характерлар, ўзига хос шарқий бир муҳит, афсонада ҳикоя қилинган фожиали воқеалар экранда ўзи ифодасини топди.

М. Қ. — Сизни эшитиб туриб, чет эл киноси, унинг фильм ишлаб чиқариш тажрибаси ҳақида ўйлаяпман. Масалан, Италияда айрим продюсерлар кенг томошабинларга мўлжалланган ленталар оқимини тўхтатмагани ҳолда, атоқли режиссерлар билан кино асарлари яратиш тўғрисида музокара олиб борадилар. Бу кейинги асарлар даромад келтирмайди—буюртмачилар буни яхши билишади. Лекин улар обрў-эътиборни, кинонинг санъат асари сифатидаги ролини ўйлаб шундай қиладилар. Фойдани эса ўткир сюжетли, шаҳвоният элементлари бўлган ленталардан олишади. Балки, ўша тажрибани ўрганиш, ундан баъзи бир нарсаларни олиш керакдир. Тўғри, мен Ғарбга эргашиб шаҳватпарастликни тарғиб

этувчи фильмлар яратиш керак демоқчи эмасман, балки режиссерлар кучидан оқилона фойдаланиш тўғрисида гапиряпман.

Ҳаммамизга маълумки, Али Ҳамроев москвалик, италиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда Темур ва унинг даври ҳақида жуда катта эпик полотно яратишга тайёргарлик кўрмоқда. Ишончим комилки, бу тарихий лентани бир неча юз миллионлаб томошабинлар кўради. Биз А. Ҳамроевга ўхшаган санъаткорлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ўйлашимиз керак. Уларни аниқлаш, топиш, дадил айтишим мумкинки, улардан омилкорлик билан фойдаланиш керак. «Ўзбекфильм»да тузилган «Бешинчи студия» ҳам шу мақсадга хизмат қилади, у давлат бюджетидан дотация олиб туради; бинобарин, унинг коллективи мавзуни, жанрни, бадиий шаклни эркин танлай олади. Ёш режиссерлар бу ерда ўзларини анча эркин сезишади, кинобозор, кинопрокат уларга «таҳлика» солмайди. «Бешинчи студия»нинг узлуксиз ишлашини таъминлаш Кинематографистлар союзининг вазифасидир.

Ҳ. А. — Ўзбек киносининг эртанги куни ҳақидаги ташвишингизга мен ҳам қўшиламан. Эсимда, ВГИКда Ўзбекистондан борган актёрлар учун курс очиш, улар ўз уйларига қайтиб келганларидан кейин уларни ишга жойлаштириш, уй-жой масаласини ҳал этиш учун жуда кўп иш қилгансиз.

Лекин, сиз, республикамиз Кинематографистлари союзининг биринчи котиби билан суҳбатлашар эканман, баъзи бир танқидий фикр-мулоҳазаларимни айтмасдан ўтолмайман. Улар Союз фаолиятига боғлиқ. Биринчи навбатда, назаримда, у амалга ошираётган тадбирларнинг ижодий ва назарий савияси юқори бўлишини таъминлаш керак. Кинематография ривожининг бурилиш даврида юз бераётган ҳамма нарсаларни чуқур идрок этиш керак. Масалан, киномиз тарихини ҳаққоний акс эттиришга эришиш, илгарилари қораланган фильмларни аниқлаб олиш керак. Бунинг учун, менимча, Союзга киномизнинг кечаги ва бугунги кунини, унинг муаммоларини биладиган киношунос, кинотанқидчи керак. Ҳолбуки, Союз штатида танқидчи учун жой топилмади...

Мен яна бир нечта масалаларни келтирмоқчиманки, Кинематографистлар союзи улар хусусида ўзининг жиддий фикрини айтиши керак. «Ленфильм» студияси ўз хоҳиши билан ўзбек киносининг шоҳ асари — «Тоҳир ва Зуҳра»ни русчага таржима қилди, бунда фильмда қатнашувчи шахсларнинг диалоглари бузилибгина қолмай, шунингдек айрим эпизодлар умуман тушиб қолган. Ўзбек киносининг кашшофларидан бири, сталинча репрессиянинг дастлабки қурбонларидан бири Худойберган Девонов яшаган уйни, 1937 йилда, турғунлик даврида эмас, демократия ва адолат принциплари тикланаётган бизнинг кунларда бузиб ташлашди. Ўзбек киносининг асосчиси, «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддин саргузаштлари», «Фарғона қизи»нинг ижодкори Наби Ғаниевнинг уйини музей қилиш мумкин эди, ҳолбуки у кўз ўнгимизда хонавайрон бўляпти. Союз эса бу нарсаларга бефарқ қарамоқда.

Яна бир мисол. Кунларнинг бирида мендан янги фильм намойиш қилиниши олдидан Тошкент кино уйида маъруза қилишимни сўрашди. Мен рози бўлмадим: ахир, қандай қилиб бир кечада 20-йиллар ҳақида ҳикоя қилувчи фильм тўғрисида киношунос маърузасини тинглаш ва янги картинани кўриш мумкин?

М. Қ. — Дарҳақиқат, Союзнинг штат жадвалига киношунос лавозимини киритиш тўғрисида ўйлаб кўриш лозимдир. Лекин бошқа фикрларингизга мен қўшилмайман. Бунинг сабаби бор. Х. Девонов уйини сақлаб қолиш зарурлиги хусусида ижроия комитетга уч марта мурожаат қилдим. Н. Ғаниев уйи тўғрисида тегишли идораларга икки марта расмий хат жўнатдим. Лекин ҳозирча булардан ҳеч қандай натижа чиққани йўқ, энди, бунга биз айбдор эмасмиз. Эски ўзбек фильмларини кўрсатиш масаласига келсак, буни муҳокама қилиб ўтиришга ҳожат йўқ: биз ўшандай сеансларни ташкил этамиз.

Ҳ. А. — Агар киномиз тарихини кўпроқ одамлар билсин, 60—40 йил аввал яратилган фильмларни кўпроқ томошабин кўрсин, десангиз, бундай сеансларни кинотеатрларда ташкил этиш керак. Лекин ўшанда ҳам бундай кечаларни ўтказиш формалари тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

М. Қ. — Абонементлар сотамиз, фильмларни ретроспектив намойиш этиш циклини ташкил этамиз. «Халқлар дўстлиги» кинотеатримиздан ҳам фойдаланамиз.

Ҳ. А. — Кинематографистлар союзининг область партия комитети, шаҳар ижроия комитетига ёзган хатлари хусусида шуни айтишим кераккки, қоғоз воситасида иш кўриш, бу, менимча, эски усулдир. Буйруқбозлик-маъмурий система таъсир этишнинг айни шундай тадбирларини назарда тутарди. Балки, бу масалаларни жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш маъқул бўлар?

Ахир, телевидение, радио, журналлар, газеталар бор. Кинематографда, унинг атрофида нималар бўлаётганини жамоатчилик билиши керак. Кўпгина ижодий, ташкилий масалалар, шу жумладан Союз фаолияти ҳозир тор доирада ҳал этилиши мумкин эмас. Буни ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак. Сиз республика бўйлаб кўп юрасиз, одамлар билан суҳбатлашасиз.

М. Қ. — Афсуски, «Искра» кинотеатрини қайта қуришда жамоатчилик бизга ёрдам беролмади — бунга Союз тўрт ой вақт сарф қилди. Ўша кинотеатрнинг ўзида кичкина зал бор. Биз ўша ерда ҳужжатли фильмларни кўрсатиш учун кўп ҳаракат қилдик, уриндик, фойдаси бўлмади: у ерга видеосалон жойлашиб олди. У ҳам даромадлироқ, ҳам кучлироқ чиқиб қолди. Жамоатчилик, Союз — ҳаммамиз бир бўлиб, ўша коммерция корхонасига бас келолмадик. Ҳа, бунга ажабланмаса бўлади — видеосалонлар миллионлаб даромад қилади.

Ҳ. А. — Янги сиёсий тафаккур ўзининг конкрет амалга ошиши учун ишнинг янги шаклларини талаб қилади. Союз «деворларини» сал суришнинг, кенгайтиришнинг вақти етди, муҳокамани кенгроқ аудиторияга олиб чиқиш керак. Ҳар йили кичкина залга тўпланиб олиб, гапирганимиз гапирган... Кинематографистлар кино ҳақида гапиришади. Ўзлари учун гапиришади. Нега энди шу мунозарани саройларда, клубларда, энг муҳими, томошабинлар иштирокида ўтказмаслик керак? Айтайлик, Фарғона водийсига бориш керак, картиналарни ҳам олиб бориш керак. Уларни томошабинларга кўрсатиш лозим. Ана ундан кейин фақат конкрет фильмлар ҳақидагина эмас, шунингдек кинематографнинг бугунги аҳволи тўғрисида ҳам гаплашса бўлади.

М. Қ. — Кинофонд бундай кўрсатувларни ташкил этади. Биз шунингдек суратга олувчи группаларнинг республикамиз областлари, районларига мунтазам бориб туришини планлаштиряпмиз. Биз фақат ўзбек фильмларини эмас, шунингдек қўшниларимизнинг энг яхши ленталарини ҳам кўрсатмоқчимиз.

Ҳ. А. — Кинематография ҳаёти «доираси»га областларни ҳам тортганларингизни табрикламоқ керак. Дабдабали учрашувлар, фестиваллар (республикада улар жуда кўп ўтказиларди) ўрнига томошабинларга хилма-хил программани таклиф этмоқ ва уларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларига имкон бермоқ керак, ишонаманки, бу ташаббус яна давом этади. Лекин барибир, мен, правлениенинг аъзоси сифатида Союзнинг ҳозирги фаолиятидан кўнглим тўлмаяпти, чунки у асосий эътиборни ташкилий, хўжалик масалаларни ҳал этишга қаратяпти. Ахир, ижодий муаммоларни муҳокама қилиш ижодий Союзнинг асосий вазифаси эмасми? Фильмларимизнинг қаҳрамонлари кимлар? Ҳозирги ҳужжатли киномизда қандай эътиборга лойиқ нарсалар пайдо бўлди? У 20—30 ва кейинги йилларда қандай ўрин тутди? Ҳужжатли ва бадиий кинонинг ўзаро бирбирига таъсири қандай? Ўзбек киносида миллийлик ва байналмилаллик муаммолари-чи... Балким, Союз, ҳар ҳолда, ижодий, назарий муаммолар билан яқиндан шуғулланар? Кинотеатрларни очиш, кўрсатувларни ташкил этиш — бундай тадбирлар билан қандайдир техник группа шуғулланиши керак эмасми? Ахир, Союзнинг бутун фаолиятини фақат ташкилий ва хўжалик ишларидан иборат қилиб қўйиш керак эмас-ку.

М. Қ. — Яқин кунларда ўзбек киносида миллий муаммога бағишланган пленум ўтказиш ниятимиз бор. Сиз бизларни ижодий масалалар билан шуғулланмаяпсизлар, деяпсиз. Ҳолбуки, мени ҳатто студиянинг бадиий фильмлар ижодий бирлашмасининг раиси қилиб тайинлашди. Биз тематик планларимизни кўриб чиқяпмиз; региондаги тўрт республика кинематографистларининг мувофиқлаштирувчи маркази ташкил этилди; йиллик якунловчи конференцияларни ўтказишдан воз кечдик; шу йилнинг февраль ойида Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ёш кинематографистларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Хўш, булар Союзнинг ижодий ишлари эмасми? Лекин, афсуски, ташкилий, хўжалик масалалари билан ҳам шуғулланишга тўғри келяпти.

Ҳ. А. — Малик Қаюмович, менинг назаримда, бизнинг, ижодий ходимларнинг

концептуал жиҳатдан ҳар томонлама чуқур, пухта ўйланган, идрок этилган ҳаракат дастуримиз бўлиши керак. Ҳолбуки, Союзнинг ҳатто устави ҳам йўқ!

М. Қ. — Устав тайёр. Яқинда конференцияда уни кўриб чиқамиз. Унинг устида одамларнинг катта бир гуруҳи ишлади. Аниқроғи — 20 одам. Биз шунингдек бошқа республикалар Союзларининг уставлари, СССР Кинематографистлар союзи устави билан танишиб чиқдик ва ўшалар асосида ўзимизникини тайёрладик.

Ҳ. А. — Агар етти-саккиз устав асос қилиб олинган бўлса, менда шундай бир хавотирлик туғилади: бизнинг уставимизда Ўзбекистоннинг ўзига хос томонлари, Ўрта Осиё регионидаги кинематография ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинармикин? Мен бу ўринда ижодий киноуюшмаларнинг кинобозор билан алоқасини ҳам (ахир, ўзбек фильмлари республикамизда ҳали унчалик муваффақият қозонмаяпти), кинематография республика комитетининг йўқлигини ҳам (у юқоридан берилган кўрсатма билан дабдурустдан йўқ қилинди), ижодий кадрларни тайёрлаш муаммосини ҳам (нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё регионы ҳам шу вақтгача ўз кинематография олий ўқув юртига эга эмас) ва ҳоказоларни назарда тутяпман.

М. Қ. — Бунчалик ноумид бўлмаслик керак. Биз ҳамкасбларимизнинг уставларидаги энг қимматли нарсаларнинг ҳаммасидан уставимиз лойиҳасида фойдаландик. Масалан, грузин кинематографистлари ўз уставларида кекса кино ходимларига моддий ёрдам бериш зарурлигини қайд этишибди. Улар ҳатто суммасини ҳам кўрсатишибди — 1000 сўмгача. Эстониялик ҳамкасбларимиз ўз уставини тузишда, бизнинг назаримизда, қисман миллатчиликка йўл қўйишган. Бу бизга маъқул бўлмади.

Ҳ. А. — Нимага хавфсираяпганимни тушунтириб бермоқчиман. Республикаларда, айниқса бизда, Ўзбекистонда, менинг назаримда, иқтисодиётни, мафкуравий ишни қайта қуришда маҳаллий жойларнинг ўзига хос хусусиятлари, халқлар анъаналари, ҳозирги оғир социал-сиёсий аҳвол ҳисобга олинмаяпти. Мана, масалан, кинематография хўжалигини қайта қуриш қолипини олиб кўрайлик. Ахир, у ҳамма республикаларда ҳеч қандай ўзгаришсиз жорий этиляпти-ку. Бу мутлақо нотўғри. Айтайлик, «Мосфильм»га тўғри келган нарса «Қирғизфильм» ёки «Ўзбекфильм»га тўғри келмаслиги мумкин. Бошқа бир мисол: кимнингдир қайсарлиги туфайли кинематография билан маданиятни бошқаришни қўшиб юборишдек нотўғри қадам қўйилди. Бу ҳодиса юз берган ўша кезларда, республика газетасида мен, Ўзбекистонда Госкинони ақалли шунинг учун ҳам сақлаб қолиш керакки, бу ерда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро кинофестиваллари мунтазам ўтказилиб турилади, деб ёзгандим. Кино ишлаб чиқаришни бошқаришни алоҳида тармоқ сифатида қолдириш кераклиги тўғрисида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Лекин ҳеч ким қулоқ солмади.

М. Қ. — Кинематографистлар союзи бу муаммо билан шуғулланаяпти. Ишончим комилки, республика Кинематография давлат комитети қайтадан тикланади.

Ҳ. А. — Энди сизга, кинопублицист сифатида мурожаат қилмоқчиман, ҳужжатли кинематографиянинг кечаги ва бугунги куни ҳақидаги фикрингизни билмоқчиман. Ахир, сиз совет экран санъатининг туғилишини ўз кўзингиз билан кўрибгина қолмай, балки унда бевосита иштирок этгансиз, мана 60 йилдан буён унга хизмат қилиб келяпсиз.

20-йилларда, масалан, кинохроника ҳаққонийлиги билан томошабинларни жалб этарди: улар экранда заводларда, фабрикаларда, пахта далаларида ўзлари билан ёнма-ён меҳнат қилган одамларни кўришарди. 30-йилларда ҳаётни безаб кўрсатиш бошланди. Эсимда, монография ёзганимда, архивда ишлаганимда «Совкино»нинг сизга йўллаган хатлари матнлари билан танишгандим. Шундан атиги бир жумла келтираман: «Нима учун қаҳрамонларингиз — дала меҳнатчилари бу қадар пала-партиш кийинишган...» Циркулярларда «озода» кийинишган пахтакорларни, жуда аниқ, пухта ишлаётган қишлоқ хўжалик техникасини қандай қилиб суратга олиш тўғрисида кўрсатмалар берилганди. Яхшиямки, айрим ҳолларда сиз бу «доно» маслаҳатларга қулоқ солмагансиз. Кейинги йилларда ҳужжатли ва бадиий кино ўртасида ўзига хос бир «чегара» пайдо бўлди. Ҳужжатли

кинода ҳаётни безаб кўрсатиш давом этди, бадиий кинода эса долзарб муаммолар қўйила бошлади. Ўша улкан, заҳматли йўлнинг босқичларини ўзингиз бугун қандай баҳолайсиз?

М. Қ. — 30-йилларгача биз истаган нарсамизни суратга олардик. Кейинчалик қандайдир, ақлга сиғмайдиган нарсалар юз берди: ҳамма нарса назорат қилинар, бир неча марталаб текширилларди. Ўзаро шубҳаланишларнинг ташвишли даври бошланди. Эсимда, биз А. Булинский билан оч қолганларни суратга олдик — бу 1933 йилда бўлганди. Кечқурун эса бизларни Тошкентнинг Киров кўчасига чақиришди. ГПУ (Бош сиёсий бошқарма, ҳозир бу идора Давлат хавфсизлик комитети деб аталади) ўша ерда жойлашганди. Бу кўча ҳаммани даҳшатга соларди. Эрталабгача сўроқ қилишарди. Ана ўшанда операторлар учун тақиқланган объектларни айтишди. Биз ўз ихтиёримиз, эркимиз билан натура, қаҳрамон танлай олмасдик. Уларни бизга айтишарди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида, бизлар, ижодий ходимлар кинематография министрлигига бутунлай боғлиқ эдик, нимани қаерда, қандай суратга олиш тўғрисида кўрсатма беришарди. Ўшанда мен Сталиннинг портрети ёки бюстисиз кичкина бир сюжетни суратга олишга уриниб кўрдим. Бутун хавф-хатарни елкамга олиб, долзарб, ўткир муаммоларга мурожаат қилганимда мени, сен эҳтиётсизлик қиляпсан, бир балога гирифтор бўласан, деб огоҳлантиришган. Мана, масалан, Хоразмдаги каналнн тозалаш воқеасини суратга олганимда шундай бўлганди. Бу ахир машаққатли меҳнат-ку — ҳар йили кетмон-у, белкуракда каналнн чакалакзор, балчиқ, ёввойи ўтлардан тозалашнинг ўзи бўладими. Тайёрлаш пунктларида — пахтани қабул қилишни суратга олганимда ҳам шундай бўлганди: транспортерлар, умуман ҳеч қандай техника йўқ эди, деҳқонлар пахта солинган зил-замбил қанорларни ўзлари ташишарди. Тўқимачилик комбинатини суратга олганимда, унинг раҳбарлари съёмка объектларини чегаралашимни, меҳнат жараёнини кўрсатмасликни талаб қилишганди. Лекин барибир мен ўша давр учун ғайриоддий туюлган кадрларни суратга олиб, кейин монтаж қилганман. Лекин уларни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади — қирқиб ташлашга, картинани қайтадан монтаж қилишга мажбур этишди мени.

Ислоҳотчи Хрушчев бошқарган даврда бир оз енгил нафас олдик. Мен «Баҳордан баҳоргача» фильмини яратдим, унда Мирзачўл ерларини ўзлаштиришдаги машаққатларни кўрсатдим. Тожихон Шодиева тўғрисида фильм яратиб, унда репрессиядан жабр кўрган шахс ҳаётини кўрсатдим.

Орадан кўп ўтмай Брежнев даври бошланди. Дабдабабозлик, хўжакўрсинчилик ҳаёт нормаси бўлиб қолганди. Шунга қарамай, ўша даврда ҳам яхшигина лентaларни яратдик. «Директорнинг бир куни», «Икки исм — бир умр», «Ўзбекистонимизга келинг», «Вьетнам — менинг ватаним», «Олтин Бенгалия» фильмларини бир эсланг-а. Ҳозир энди буларнинг ҳаммасини йўққа чиқармоқчи бўлишяпти, ҳаммаси сохта дейишяпти. Ҳолбуки, кино замон билан, ундаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлангандир.

Ҳозир ҳужжатли кинода нашавандларни, фоҳишаларни, арақхўрларни суратга олиш расм бўлиб бўлиб қолди. Менимча бунга чек қўйиш керак. Жамиятдаги ярамас нарсаларни кўрсатишни бас қилайлик. Қайта қуриш, ошкоралик қанақа бўлиши кераклигини кўрсатайлик. Масалан, мен экранда ерни деҳқонларга қандай тақсимлаб берилаётганини, унинг бизнинг кунларда ернинг асл эгаси бўла олишини кўрсатган бўлардим.

Яна бир муҳим мавзуни айтиб ўтмоқчиман: ҳозир ҳамма нарса — иқтисодиётни кўтариш ҳам, социалистик тузумни янада мустаҳкамлаш ҳам миллатлараро муносабатларга оид муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ. Ўйлайманки, бу борада кинематограф ҳам кўп иш қилиши мумкин. Мамлакатимизда яшаётган халқлар дўстлигининг сарчашмаларини кўрсатиш, адоват уруғи сочаётганларни аёвсиз фош этиш керак. «Халқлар отаси»нинг хоҳиш-иродаси билан қрим татарлари, месхетилик турклар, совет немислари туғилиб ўсган жойларидан чиқариб юборилди. Ана ўшанда Ўзбекистон уларни қабул қилиб олди. Ана шу дўстлик билан фахрланадиган, унинг қадрига етадиган одамгина экрандан ана шу дўстлик ҳақида гапириши мумкин.

Л. БЕЗМОЗДИН, З. ФЕОДОРИДИ, С. АЛЕКСАНДРОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИЗАЙННИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ДИЗАЙН ЭСТЕТИК фаолиятга оид алоҳида соҳа бўлиб, инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда бўлган ва руҳан унга маъқул келадиган муҳит яратишдан иборат.

СССРда дизайн 20-йилларнинг бошида вужудга кела бошлаган. Ўша даврда революцион кайфиятдаги ёш рассомлар «рассомлик дастгоҳидан машинагача» бўлган йўлни тезроқ босиб ўтишга даъват этадилар. Уларнинг «ҳаётбахш» санъат яратиш йўлидаги даъватлари инсоннинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларига хизмат қилиш руҳи билан суғорилган бўлиб, «санъат — ишлаб чиқаришга» деган ҳаракат тусини олди. Ўша йиллари мебель, кийим-кечак, уй-рўзғор ашёларининг энг қулай, ҳали одатланилмаган шаклларини таклиф этганлар ҳам шу рассомлар бўлди. Аммо саноат истеъмолчи учун революциядан олдинги турмуш ва унинг ўзига хос томонларини эслатиб турувчи ўз умрини яшаб бўлган буюмларга муқобил сифатида яна шу «янги» буюмларни тайёрлаб беришга ҳали қодир эмасди. 20-йиллардаги саноат соҳасида иш кўрувчи ёш рассомларнинг романтикларга хос шижоати (ўша пайтда «дизайнер» ибораси ҳали таомилга кирмаганди) бизнинг бадиий ва моддий маданиятимиз тарихига абадий шонли саҳифа бўлиб кирди.

30-йилларда совет дизайни назарияси ва амалиётининг психотехника, конкрет социология, инженерлик психологияси (кейинроқ эса генетика, кибернетика ва бошқалар) каби қисмати аянчли бўлди — уларнинг барчаси жамиятимизга ёт бўлган буржуа маданияти «маҳсули» деб топилди. Дизайнерларнинг новаторона ишламалари эсдан чиқарилди, уларнинг муаллифлари эса ғарб авангардизмининг сўл тақлидчилари деб эълон қилинди. Фақат рассомсиз иш битмайдиган ишлаб чиқариш соҳаларидагина (автомобилсозлик, мебель, кийим-кечак, идиш-товоқ ишлаб чиқариш) техникавий санъат учқунлари милтиллаб кўрина бошлади.

50-йилларнинг охирларидан бошлаб дизайн қайта дунёга келди. Уруш туфайли вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаш вазифалари, саноат маҳсулотининг жаҳон бозорига чиқиши ва унинг рақобатга бардош беришини таъминлаш, ички бозорда эса — маҳсулот сифатини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш зарурлиги шуни тақозо қилди. Бу партия XX ва XXII съездларининг тароватли эпкини мамлакат узра эса бошлаган, ижтимоий фикр ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида 20-йилларнинг бебаҳо тажрибасига мурожаат этган йиллар эди.

«Декоративное искусство СССР» деган махсус журнал нашр қилина бошлаганлиги (1958 йил) ва Бутуниттифоқ техникавий эстетика илмий-тадқиқот институти (1962 йил) ҳамда мамлакатнинг турли жойларида унинг кўпгина филиаллари ташкил қилинганлиги бу йўлда қўйилган дастлабки қадамлар бўлди. Қорхоналар ва лойиҳалаш ташкилотларида бадиий лойиҳалаш бюро ва гуруҳлари ташкил

[1] БЕЗМОЗДИН Леонид Наумович, фалсафа фанлари доктори, Беруний номли Тошкент политехника институти «Этика, эстетика ва дизайн» кафедрасининг профессори; ФЕОДОРИДИ Зоя Пантелеевна, Ўзбекистон дизайнерлар уюшмаси правлениесининг раиси; АЛЕКСАНДРОВА Светлана Васильевна, фалсафа фанлари номзоди, Рус тили ва адабиёти республика педагогика институти фалсафа кафедрасининг катта ўқитувчиси.

топа бошлади. Ҳозир дизайн соҳасида 15 мингдан зиёд мутахассис меҳнат қилмоқда. Бир неча олий ўқув юрти ва 5 та техникум бадиий рассомлар ҳамда ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаб чиқармоқда. Халқ хўжалигимиз миқёсларидан келиб чиқадиган бўлсак, бу етарли эмас, албатта.

Турғунлик йиллари асоратлари дизайнга оғир таъсир қилди. Корхоналар ишининг самарадорлигига баҳо беришга ялпи ёндашув, меҳнаткашларнинг ижтимоий талаб-эҳтиёжларига менсимай қараш, «самарадорлик ва сифатни» оширишга даъватлар, иқтисодий муносабатларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, хўжалик ҳисобининг йўқлиги, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига ўз сўзини ўтказиши — хуллас калом, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тўсқинлик механизми келтириб чиқарган турли хил тартибсизликлар дизайннинг ривожланишига имкон бермади. Албатта, совет дизайнерлари одатдан ташқари андозаларни тавсия қилдилар, хорижий мамлакатлардаги ўз ҳамкасблари билан ижодий алоқалар ўрнатдилар, халқаро конгресслар, симпозиумларда қатнашдилар, кўргазмалар ташкил қилдилар, дизайн назарияси ва методологиясини ишлаб чиқиш билан шуғулландилар, саноат маҳсулотининг эстетик хусусиятларига баҳо бериш методикасини такомиллаштирдилар ва ҳоказо. Аммо кўп ишлар беҳуда бўлиб чиқди: саноат маҳсулотлари умуман олганда яхшиланмади, уларнинг рақобат қилиш қобилияти камайди. Маҳкамалар дизайнерлар хизматидан фойдаланишда унчалик рўйхуш бермадилар — тайёр технология бўйича ишлаш осонроқ ва беташвишроқ эди-да. Истеъмолчилик талабининг пасайиб кетиши ишлаб чиқарувчиларни кўпам ташвишга солмас, «чиқимдор механизм» ўз «қудратини» кўрсатмоқда эди. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан икки йил аввал техника олий ўқув юртларининг ўқув планларидан дизайн асослари курси чиқариб ташланганди, ҳолбуки шунга қадар кўп йиллар давомида у бўлғуси инженерлар томонидан ўрганиб келинган эди.

Дизайнерларнинг муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилинмас эди. Ҳатто мамлакатдан анча олис ерларда тан олинган халқаро тоифадаги усталар, халқаро конкурслар қатнашчилари ва лауреатлари ҳам бизда мутахассислар тор доирасигагина маълум. Бошқа томондан, дизайнерлар ишламаларининг маълум қилинмаслиги — ижтимоий жиҳатдан хато ва иқтисодий жиҳатдан фойдасиздир. СССР дизайнерлари уюшмасининг таъсис съездида қилинган докладда қуйидаги факт келтирилди: «Волга» автомобили янги моделининг дизайнери ким бўлганлиги номаълум, аммо айни шу дизайнер(лар)нинг иши ёмон бўлганлиги туфайли мазкур машина ўзининг ташқи кўриниши жиҳатидан (бу ерда унинг техник хусусиятлари ҳақида гапириб ўтирмаймиз) ҳозирнинг ўзида... 15 йилга эскирди ва танлаш имконияти етарли даражада бўлган ташқи бозорда уни бирон кимса харид қилиши амри маҳол. Янги «Волга» «дизайни» туфайли етказилган маънавий ва моддий зарарни ҳисоблаб чиқиш мушкул иш. Ахир дизайнга муаллифлик — фақат шарафли ишгина эмас, балки масъулият ҳамдир. У касбнинг обрўсини ошириши, усталарнинг эътиборини ўзлари учун ҳамон одатга айланиб қолган чет эл ижодий ғояларини ўзлаштиришдан ўзлариникини ишлаб чиқишга қаратиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда, бизнинг назаримизда, ножўя анъана вужудга келди — юртимиз дизайни даражаси ва йўналишини ғарбдаги намуналарга қиёслайдиган бўлиб қолишди. Унга эргашар эканмиз, биз ўз саноатимизни социалистик ишлаб чиқаришнинг ютуқлари рамзи бўлиб қоладиган «ўз қиёфасига» эга қила олмаймиз. Қарор топган анъаналардан воз кечиш — ниҳоятда мураккаб вазифа, албатта. Зотан хорижда дизайн аллақачон кўпгина социал-иқтисодий масалаларни ҳал этиш воситасига айланган. Кўпгина ривожланган капиталистик мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳатто саноат фирмаларига дизайнерларни жалб этиш учун пул маблағлари ҳам ажратмоқдалар. Одатда уларнинг иши номаълум бўлиб қолмайди, қонун билан ҳимояланган. Масалан, сифат даражаси юқори бўлган буюмда дизайнернинг номи кўрсатилади.

Чет эл тажрибасини ўрганишнинг эса биз учун уятли жойи йўқ. Совет дизайнерларининг моддий аҳволи ҳамон қониқарсиз аҳволда қолиб келмоқда, уларнинг меҳнатига жуда кам ҳақ тўланади, у бошқа барча бадиий касб эгалариникидан ҳам кам; уларнинг турли хил, дизайн билан боғлиқ бўлмаган безаш ишларини бажаришга жалб қилиниши ҳам ижод қилишларига халал беради. Ишлаб чиқа-

ришда дизайнернинг статуси ҳанузгача белгилаб қўйилмаган. Бу соҳада ана шу касбдаги кадрларнинг қўнимсизлиги катта эканлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Аммо бугунги кунда дизайнерларнинг келажакка умидворлик билан боқишлари учун асос бор. Кейинги йилларда ишлаб чиқилган кўпгина комплекс тадбирлар (маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайтирилиши, машинасозлик ва энергетика программалари), шунингдек ташқи савдонинг активлашуви дизайн билан бевосита алоқадор бўлиб, фақат унинг иштироки орқалигина ҳал этилиши мумкин. Корхоналарнинг хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплашга ўтиши, социалистик рақобатчилик қилиш соҳаларининг кенгайиши ҳам техникавий бадиий ижодиётнинг ривожланишига кучли омил бағишлайди. Назаримизда, хўжалик раҳбарлари дизайнерларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун ўзаро беллашадиган вақт узоқ эмас. Уларнинг касби хурматга сазовор, нуфузли ва тегишли суратда моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириладиган касблардан бўлиб қолади. 1987 йилда СССР дизайнерлари уюшмаси ташкил қилинганлиги совет дизайни ривожланишига янгидан куч бағишлайди.

Бутун мамлакатда дизайнга хос бўлган қийинчиликларгина эмас, балки регионнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ҳам Ўзбекистонда дизайннинг ҳозирги аҳволига таъсир этмоқда. Республика дизайнерлари ҳам талай ютуқларга эришганлар, албатта. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳалаш-конструкторлик бюросида ишлаб чиқариш муҳитини нафосатли қилиш учун ажойиб лойиҳалар яратилди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Давлат махсус бадиий-технологик бюроси (ҳозир Маҳаллий саноат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси) ўзи яратган буюмлар намуналарига бир неча муаллифлик гувоҳномалари олди. Пахта тозалаш ускуналари бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг бир гуруҳ ходимлари ўз ишламаларида инженерлик-техникавий ва техникавий-эстетик усулларнинг таркибан бир-бирига қўшилиб кетишига эришдилар. Бутуниттифоқ трансформаторсозлик институти Чирчиқ бўлимининг рассом-конструкторлари маиший электр асбоблар бўйича бажарган дизайнерлик ечимлари қизиқиш уйғотади.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг махсус конструкторлик бюроси ҳамда пахтачилик учун машиналар бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси дизайнерларининг ишламалари маҳсулот сифатини оширишга комплекс ёндашилаётганига мисол бўла олади. Олдинги намуналарда трактор кабинаси ва пахта териш машинасини бошқариш пости ҳозирги давр техникавий-эстетик ҳамда эргономик (иш қобилиятини аниқлаш) талабларига жавоб бермас эди. Шовқин, тебраниш, чангитиб юбориш, дастак ва тепкилардан фойдаланиш ноқулайлиги, кўриш масофаси қаноатланарли эмаслиги натижасида механик-ҳайдовчи тезда чарчаб қолар, иш унумдорлиги пасаярди. Трактор заводи дизайнерлари пахтачилик ва асосан Ўрта Осиё шароитида ишлатиладиган ўзиюрар энергетика воситалари учун тракторнинг янги намуналарини ишлаб чиқдилар. Улар киритган таклифлар нуқул услубга доир бўлмай, балки амалий ва ишлаб чиқариш-техникавий вазифалардан келиб чиққан. Қатор элементлар янгиланди, жумладан бир шаклга солинган кабина яратилди. У турли хил қишлоқ хўжалик машиналарига, масалан, пахта териш, ўрим ва бошқа машиналарга ўрнатиш учун ярокли мустақил узел тарзида бажарилди. Унда талай техникавий қурилмалар кўзда тутилган бўлиб, улар қишлоқ механизаторининг ишлаши учун қулай шароит яратиш имконини бериб, ҳавони янгилаш, тебранишни камайтириш, товуш ютиш, қуёшдан пана қилиш қурилмаларидан иборат. Конструктор-рассомлар кабинадан теварак-атроф яхши кўринишининг ҳам ғамини едилар. Бошқариш органлари инсоннинг физиологик-анатомик хусусиятларига кўпроқ мослаштирилган бўлиб, уни жисмоний ва руҳан тез толиқиб қолишдан халос қилади.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бир неча йилдан буён дизайнерлар хизматидан фойдаланиб келинмоқда. Асосий маҳсулот ва халқ истеъмол молларини бадиий-конструкторлик жиҳатдан ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш цехлари, завод кўчалари, болалар боғчалари, ошхоналар, маиший бинолар муҳитини дид билан ташкил қилиш уларнинг вазифаси ҳисобла-

нади. Бу ерда дизайнер бирлашманинг бутун амалий қиёфасини шакллантиришда фаол қатнашади.

«Совпластитал» қўшма совет-италия корхонаси фаолиятида кўп жиҳатдан дизайнерлар туфайли каттагина ютуқларга эришилди. У чиқарган буюмларнинг товар қиёфаси (кўриниши) жаҳон даражасининг юксак талабларига жавоб беради. Уларга харидорларнинг эҳтиёжи катта.

Ўзбекистон ССР Госагропромига қарашли «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Марказий конструкторлик-технология бюросининг техника эстетикаси бўлими 1979 йилдан буён ишлайди. Бу ерда машиналар, қурилмалар, технология линияларининг 20 дан зиёд бадиий-конструкторлик ишламалари амалга оширилди, маҳсулот учун фирма товар белгилари яратилмоқда. Мазкур ишламалардан баъзилари муаллифлик гувоҳномалари олган, СССР ХХЮК медаллари билан тақдирланган.

Модали кийим-кечак ва пойабзалларнинг лойиҳасини тузиш Ўзбекистон дизайнида сезиларли ўрин эгаллайди. Республикада бир неча Модалар уйлари, махсус дизайнерлар (модельерлар) уюшмалари бўлиб, улар саноатнинг тегишли тармоқлари учун бир қанча намуналар яратдилар. Аммо Модалар уйларининг ижодий ходимлари қилаётган меҳнатлари кўп ҳолларда кутилган натижа бермаётганлигидан мутлақо ҳақли равишда шикоят қилмоқдалар. Модали кийим жорий қилишнинг гоҳо икки йилга чўзиладиган мураккаб йўлини ўтиб, шундай ўзгаришларга дучор бўладики, потокдан чиқаётган асосий маҳсулот айрим жиҳатлари билангина лойиҳаланган намунани эслатади. Бунда тайёрловчилар объектив сабабларни кўрсатадилар (зарур хом ашё, пардозлаш материаллари, ёрдамчи ашёлар йўқлиги ва ҳоказо).

Дизайнерлик ижодиётининг ўзига хос марказлари ҳисобланган Модалар уйларининг ишини тубдан қайта қуриш ва халқ хўжалигининг қатор тармоқлари билан мувофиқлаштириш керак бўлади. Муайян вазиятларни, турмуш тарзини, талабнинг ўзгариб бораётганлигини таҳлил қилиш андоза ясашда асос бўлмоғи лозим. Ўрмон саноати кенг суратда ишлаб чиқараётган кийимлар фақат истеъмолчилар муайян гуруҳларининг талабини ва у билан боғлиқ бўлган функционал жараёнларнигина эмас, балки регионнинг иқлим шароитини, халқнинг ранглар билан боғлиқ маданиятини, эстетик дидининг миллий ўзига хослигини ҳам ҳисобга олиши керак.

Модалар уйларига катта мустақиллик берилиши, улар тегишли идоранинг, кўпинча унча яхши билмайдиган маҳкаманинг розилигини олиб ўтирмай мавсумни ва вазиятни ҳисобга олган ҳолда ўз андозаларини яратиш ҳуқуқига эга қилинишлари лозим. Улар саноат билан бевосита шартнома муносабатлари ўрнатиш ҳуқуқини олишлари, амалда хўжалик иқтисодиёти даражасига кўтарилишлари керак.

Республика Модалар уйларининг (қолаверса, бошқа дизайн ташкилотларининг ҳам) тажрибаси турли соҳа дизайнерларининг кучини бирлаштириш учун ягона Дизайн маркази ташкил қилиш, уларни саноат билан фаол муносабат олиб бора оладиган тегишли ижодий бўлимларга уюштириш, маҳсулот хили бўйича аниқ сиёсатни белгилаб олиш, жаҳон цивилизацияси, шу жумладан ўзбек халқининг бадиий ва техникавий маданияти ютуқларини ўзлаштириш асосида инсонга муносиб буюмлар муҳитини яратишни қатъиян зарур қилиб қўймоқда.

Республикада дизайн ривожлана бошлаган йигирма йиллик муддат давомида шундай илмий-амалий ва методик марказ ташкил қилиш йўлидаги уринишлар муваффақиятли бўлмади. Бутуниттифоқ техника эстетикаси илмий тадқиқот институти ана шу институтнинг Тошкентда регионал филиалини очиш таклифи билан бир қатор республика идораларининг раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилди. Аммо ҳар сафар мавжуд «объектив» қийинчиликларни рўкач қилишиб, бизга унинг кераги йўқ, деб жавоб қилишди. Ҳозир шундай марказни ташкил қилиш мутлақо реал дейиш мумкин. Ўзбекистон дизайнерлари уюшмаси тузилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1987 йилда қарор қабул қилди, унда хўжалик ҳисобидаги «Дизайн-проект» республика ташкилотини тузиш ва республика дизайнига бутун илмий-методик раҳбарликни унинг ихтиёрига бериш кўзда тутилган.

Дизайнерлар уюшмаси ҳузурида Дизайн фонди амал қилиб, у бир қанча

дизайн студияларини — хўжалик ҳисобидаги ижодий ташкилотларни бирлаштириши, республикадаги барча дизайнерларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиши керак. Уюшма олдида истеъдодли кишиларни топиш ва дизайнерлар тайёрлашдан иборат масъулиятли вазифа турибди. Тошкентда бунинг учун зарур база — театр-рассомлик институтининг бадиий факультети, политехника институтининг архитектура факультети, тўқимачилик институтининг кийим-кечак лойиҳалаш бўлими, Беньков номли рассомлик билим юртининг амалий санъат бўлими бор.

Афсуски, республикада олий ва ўрта махсус ўқув юртларида дизайнерлар тайёрлаш иши деярли олиб борилмаяпти. Ёш Уюшма, афтидан, шу соҳага ўз эътиборини қаратиши лозим бўлади. Бу борада ҳозирнинг ўзида умидли қадамлар қўйилди. Тошкент театр-рассомлик институти бир гуруҳ дизайнерлар (ҳозирча жуда оз сонли) тайёрлашга киришди, политехника институтида «Бадиий лойиҳалаш асослари» курси қайта тикланди, аммо бу соҳадаги имкониятлардан (архитектура факультетини назарда тутяпмиз) ҳали етарлича фойдаланилмаяпти.

Уюшма учун ёш истеъдодларни топиш муаммоси ғоятда муҳим. Шу муносабат билан 1981 йилдан эътиборан шаҳар ёш техниклар станцияси ҳузурида мустақил «Автодизайнер» ижодий лабораторияси ишлаётганлигини, унда 200 киши астойдил меҳнат қилганини эслатиб ўтиш жоиз. Уларнинг ишламалари аста-секин кенг танила борди: ёш муаллифлар конкурслар ва кўрикларда совринлар, СССР ва Ўзбекистон ССР ХХЮК медалларини олдилар. Бу ерда яратилган веломобиллар, микромопедлар Тошкент — Москва пойгасида қатнашган. Бундан ташқари, ёш ҳаваскор дизайнерлар транспорт воситалари учун эргономик талабларга жавоб берадиган суянчиқли ўриндиқлар яратдилар, ногиронлар учун мўъжаз автомобиллар, мотороллёр, шаҳар таксиси, автобуслар, кичик ҳажмли пахта териш машинасининг ажойиб моделини ва бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқдилар. Аммо маориф соҳасидаги амалдорларга унинг натижалари ёш ҳаваскорлар уюшмаси учун жуда ҳам ғайритабиий бўлиб кўринди ва улар мазкур лабораторияни тугатиш учун кучларини аямадилар.

Хайрият, республика дизайнерлар уюшмаси паноҳида у ёшлар ҳамда ўсмирларнинг хўжалик ҳисобидаги «Автодизайн» клуби номи билан яна ҳаётга йўлланма олди. Бу ерда модуль принципини қўлланиш асосида бир-бирига мослаб яхлит ҳолда қурилган, велосипед, самокат, конькига айлантирса бўладиган болалар роллери яратилди. Унинг қисмларидан фойдаланиб яна 40 га яқин турли хил буюмлар ясаш мумкин. Дизайнерлар уюшмаси «Автодизайн» клубининг иштирокида доимий иш кўрувчи «Халқ истеъмол моллари дизайни назарияси ва амалиёти» курсларининг амалий машғулотларини ўтказишни мўлжалламоқда.

Афсуски, Госстрой, Госагропром, Ўзбекбирлашув, Госстандарт, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурида дизайн хизмати ҳанузгача ташкил этилмаган. Хизмат кўрсатиш соҳасида дизайн масаласи кескин бўлиб турибди, ҳолбуки бу ерда у қулай маънавий-руҳий муҳит яратиш, хизмат кўрсатувчи ходимлар билан мижозлар ўртасида эҳтиросларга берилмасликка ёрдамлашиш воситаси бўлиши керак. Савдо соҳасида дизайндан яхши фойдаланилмаётир. Моллар билан савдо қилинадиган жойларда безаш ишларини асосан реклама ўз қўлига олган, аммо у ниҳоятда ёмон бажарилган, кўпинча дидли ва талаб даражасида бўлмайди. Республикада ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг аксариятини жойлаш сифати ҳамиша ҳам ҳозирги талаблар даражасида деб бўлмайди.

Енгил ва маҳаллий саноат маҳсулоти эстетикасини текширувдан ўтказиш иши кўнгилдагидек эмас. Эскизлар, лойиҳалар, намуналар эстетик мазмуни, бадиий ва техникавий сифати, амалда мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлигига қарамай, молларнинг аксарият қисми фақат техникавий-иқтисодий жиҳатдангина баҳоланади, уларнинг озгина қисмигина (кўпроқ қўлда ясалган буюмлар — кашта, керамика, гилам ва ҳоказо) бадиий-эстетик текширувдан ўтказилади.

Енгил саноат министрлиги бадиий-техникавий кенгашлари молларнинг эстетик даражасини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар — ишлатилган хом ашё сифати, ижронинг бенуқсонлиги, буюмнинг эстетик қимматига шак-шубҳасиз таъсир этадиган конструктив, технологик томонлари эътиборга олинади. Аммо булар — бавосита таъсирдир. Эстетиклик бевосита ана шу жиҳатлар билан боғлиқ бўлган тақдирда бир-бирига зид фикр туғилади: харидорларнинг фикри билан эксперт-

ларнинг талаблари бир-бирига мувофиқ келмай қолади. Стандартларга мувофиқ ишланган буюмларни истеъмолчи кўп ҳолларда рад этади. Шу тариқа эстетик жиҳатдан баҳолаш учун қўлланилаётган талабнинг мазмуни ва даражаси саноатни кўркам ва замонавий буюмлар ишлаб чиқаришга ҳамиша ҳам ундайвермайди.

Юқорида тилга олиб ўтилган бадиий-техникавий кенгашларда эстетик баҳолаш ўрнини кўп ҳолларда талабнинг борлиги, корхонанинг ишлаб чиқариш билан таъминланганлиги, хом ашё характери, чиқиндилардан фойдаланиш, буюмнинг физикавий-химиявий тузилиши сингари бир қанча қўшимча кўрсаткичлар олади. Шундай таассурот туғиладики, ишлаб чиқариш учун тавсия қилинган буюмлар авваламбор ишлаб чиқаришнинг ўз манфаатларини қондириши керак. Истеъмолчиларнинг талаби бунда аҳоли учун зарур буюмларни ишлаб чиқаришга рағбатлантирувчи роль ўйнамайди, балки буюмларнинг эстетик қимматидан қатъи назар, ишлаб чиқарувчини уларни кўпроқ ишлаб чиқаришга ундайди. Бадиий кенгашларда шундай принцип ҳукмрон: талаб борми — демак кўркам. Ҳолбуки масалани ўзгача тахлитда қўйиш керак: агар буюм кўркам эмас экан — демак унинг функциялари ҳам номукаммал, шунинг учун уни ё замонга мослаб қайта ишлаш ёки ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш лозим бўлади. Фақат шундай қилингандагина истеъмолчининг ҳақиқий манфаатларини ҳисобга олиш ва талабни рағбатлантириш мумкин.

Буюмнинг фойдали хоссаларини, унинг социал жиҳатдан амал қилиши шароитларини ҳисобга олган ҳолда саноат маҳсулотларини баҳолаш методикасини такомиллаштириб боришни ҳаёт қатъиян талаб этмоқда. Текшириш ўтказишга оид методик тавсиялар саноат буюмлари, ҳунармандчилик ва қўлда тайёрланган буюмларни эстетик жиҳатдан баҳолашга табақалаштирилган тарзда ёндашилишини таъминламоғи, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг регионал шароитларини, миллий дид хусусиятларини ҳисобга олмоғи лозим.

Республикада дизайн хизматини ташкил қилиш хусусида биз юқорида баҳоли қудрат тилга олиб ўтган юксак талабларни қўйиш бугунги кунда шунинг учун ҳам мумкин бўлдики, у ташкил топишнинг гўдаклик давридан ўтди, бинобарин, қайта қуриш шароитлари унинг олдида янада ривожланиш учун истиқбол очмоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда дизайн яқин вақтлар ичида ўз қолоқлигига барҳам беради, деб умид қиламиз.

ИНСОН ОМИЛИ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

ҚАЙТА ҚУРИШ инсоннинг кундалик моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини қондириш вазифасини биринчи ўринга чиқарди. Бу вазифани ҳал этиш учун ходимларнинг самарали, мумкин қадар кўпроқ наф келтириб ишлашдан шахсий манфаатдорлигини ошириш ва шу асосда одамларнинг турмуш даражасини юксалтиришнинг муҳим воситаси сифатида ижтимоий меҳнат унумдорлигини кўтариш зарур. В. И. Лениннинг меҳнат унумдорлиги охир-оқибатда янги ижтимоий тузум ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий нарсадир деган гаплари маталга айланганлиги бежиз эмас.

Мамлакатимизда муайян сабабларга кўра меҳнат унумдорлиги юксак даражага эришгани йўқ. Бугунги кунда барча капиталистик давлатларда иш билан банд ҳар бир одам ҳисобига саноатда 2—3 марта, қишлоқ хўжалигида эса 5—6 марта кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлмоқдалар. Яқин-яқинларгача яхши ривожланмаган деб ҳисоблаб келинган Бразилия, Кувайт, Жанубий Корея, Сингапур, Таиланд ва бошқа мамлакатлар кейинги йилларда бизни қувиб ўта бошлади. Ошкоралик туфайли ана шу мамлакатларда ижтимоий муаммолар биздагига нисбатан муваффақиятлироқ ҳал этилаётганлиги, уларнинг аҳолиси ижтимоий жиҳатдан яхшироқ муҳофазаланганлиги, соғлиқни сақлаш, таълим, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш сифати, бўш вақтни ўтказиш учун яратилган шароит биздагидан анчагина яхши эканлиги маълум бўлиб қолди.

Бунда асосий сир капиталистик система меҳнат унумдорлигини оширишнинг самарали омилларини яратганидадир. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг бизнинг шароитимиздаги мавжуд барча резервларини қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш ниҳоятда муҳимлигини исботлашга ҳожат бўлмаса керак.

Бу борадаги муҳим қадам мамлакатнинг бутун халқ хўжалигини техника билан тубдан қайта жиҳозлашдан иборат бўлиб, кейинги вақтларда халқ депутатлари Съездлари ва СССР Олий Совети сессияларида бу ҳақда жуда кўп ва асосли гапирилди. Республикамизда ана шу соҳадаги ишлар кўлами ҳақида 25—30 йилдан бери ишлатиб келинаётган ускуналар улуши енгил саноатда 15—30 фоизни, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришда 18—19 фоизни, умумий машинасозлик ускуналари орасида эса 30—35 фоизни ташкил этаётганлигига қараб хулоса чиқариш мумкин. Шак-шубҳасиз, бундай ускуналарни тезроқ янгилаш керак. Аммо ходимларда янги техника ва технологияни ишлатишга рағбат бўлмаса, улардан самарали фойдаланишга ички эҳтиёж сезмасалар, жамоат ва коллектив манфаатлари уларнинг шахсий манфаатларига мумкин қадар яқинлашмаса на янги техника, на янги технология кутилган самара беради.

Одамларнинг меҳнат фаоллигига қаттиқ таъсир этадиган омиллар орасида бевосита моддий неъматлар яратувчига соҳиблик ҳуқуқи қайтарилганлиги муҳим ўрин тутади. Бунга мамлакатимизда ижара, кооперация, ер, мулкчилик тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши туфайли эришилди. Афсуски, ижрочи ҳокимият заифлиги туфайли бу қонунларнинг амалга ошиши қийин кечяпти. Ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида СССР халқ депутатларининг учинчи Съезди, маълумки, мамлакат Президентини сайлади. Башарти юқоридаги қонунлар тўла куч билан амал қила бошласа, бу ходимларнинг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилашдан манфаатдорлигини оширади. Зеро, одам ишлаб чиқаришнинг соҳиби ҳуқуқига эга бўлгач, шу ишлаб чиқаришдаги ашё ва ускуналарга бошқачароқ муносабатда бўлади. Бунда ходим меҳнатини оралиқ натижаларга эмас, асосан пировард натижаларга боғлиқ қилиб қўйишнинг аҳамияти каттадир.

Бундан ташқари меҳнат коллективи ўз маҳсулотининг бир қисмини ўзи реализация қилиш ва олинган фойдани ўз эҳтиёжлари учун ишлатиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. 1989 йили мамлакат айрим корхоналари

ишчиларининг иш ташлаши уларнинг ана шундай мустақилликка интилишини кўрсатди. Назаримизда, бундай ҳуқуқни саноат корхоналари ходимларига ҳам, қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларига ҳам **давлат маҳсулот етказиб бериш топшириқлари ва шартнома мажбуриятларини бажарганлари**дан кейингина бериш керак.

Мамлакатда иқтисодий тараққиёт ўн йиллар мобайнида шундай олиб борилдики, натижада хўжалик механизми меҳнат коллективларининг шартнома мажбуриятларини бажаришига деярли таъсир этмай қўйди. Қайта қуришнинг дастлабки йиллари ҳам қувончли ўзгаришлар келтирмади. Бунинг устига ялпи кўрсаткич ортидан қувиб, бошқа барча иқтисодий кўрсаткичлар, шу жумладан меҳнат унумдорлигини ошириш орқароққа сурилиб қолди. Натижада меҳнат унумдорлиги республикамизда пасайиб бормоқда. Айни чоғда маҳсулот етказиб бериш юзасидан бир қанча шартнома мажбуриятлари ҳам бажарилмаяпти. Чунончи, 1989 йилда Ўзбекистон саноати бундай шартномаларни 99 фоиз уддалай олди, холос. Бу кўрсаткич бажарилишини таъминламаган бирлашма ва корхоналарнинг 15 фоизи истеъмолчиларга 205 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермади.

Республикамизда натурал ҳисобда маҳсулот ишлаб чиқаришдаги аҳвол қандай? Баъзи бир статистика маълумотларини келтириб ўтамиз. 1989 йилда 1988 йилга нисбатан электр двигателлар ишлаб чиқариш 8 фоиз, қишлоқ хўжалик машиналари 22, пахта териш машиналари 26 ва экскаваторлар ишлаб чиқариш 50 фоиз камайди.

Шартнома мажбуриятларини бажара олмаган корхоналарнинг кўплиги, натурал ҳисобда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш амалда камайганлиги оқибатида истеъмолчига тобора кўпроқ миқдорда маҳсулот етиб бормаётир. Мамлакатимизда кўпгина маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни монополияга айлантиришнинг юксак даражадалиги эътиборга олинса, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги нақадар катта иқтисодий зарар келтиришини англаш қийин эмас.

Ишлаб чиқариш соҳиби ҳуқуқи тикланиши билан ходимларда энг аввало миқдор (ялпи) кўрсаткичларни бажариш учун эмас, балки шартнома мажбуриятларига риоя этиш учун масъулият туйғуси қарор топишига ишончимиз комил. Бунда манфаатдорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бажарилаётган ишларнинг таннархини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш йўлларини излашга ундайди. Уларнинг ҳаммаси шартнома мажбуриятлари вақтида ва сифатли қилиб адо этииши натижасида янада тузукроқ даромад олиш имкониятига бўйсундирилади.

Ишлаб чиқаришдаги инсон омили касбкор ва малака кўникмалари қанчалик ривож топганлигида намоён бўлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон шароитида туб ерли аҳоли орасидан малакали кадрларни самарали тайёрлаш вазифаси алоҳида аҳамиятга молик. Маълумки, бугунги кунда республикада халқ хўжалигида банд бўлмаган бир миллиондан ортиқ меҳнатга лаёқатли одам бор. Айни вақтда бир қанча саноат корхоналарида, транспортда, қурилишда, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида минг-минглаб ишчи ўринлар бўш ётибди. Бундай аҳволнинг асосий сабаблари шундаки, бейиш одамларда зарур касб-кор бўйича билим ва кўникма йўқ, айниқса қишлоқларда ишчи кадрлар тайёрлаш системаси мукаммал эмас. Ўзбекистон ССРнинг ҳозирги раҳбарлари тутган йўл — халқ хўжалигидаги структура ўзгаришлари йўли ҳам бу ишни тубдан яхшилаш зарурлигини тақозо этмоқда. Ана шу йўлнинг асосий йўналишларидан бири — республикада пахта хом ашёсини қайта ишлашни кенгайтириш бўлиб, бунда четга кўпроқ хом ашёни эмас, тайёр маҳсулотни чиқариш кўзда тутилади. Мазкур вазифани ҳал этиш енгил саноатда, ижтимоий инфраструктура тармоқларида, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти жабҳасида янги ишчи ўринларини вужудга келтириш билан боғлиқдир. Янги ишга туширилаётган қувватлар кейинчалик бекор туриб қолмаслиги учун уларда ишлайдиган одамларни тайёрлаш тадориги олдиндан кўриб қўйилиши лозим.

Ходимлар меҳнат шароитидан қанчалик қониқиш ҳосил қилса ижтимоий меҳнат унумдорлигига инсон омилининг таъсири шунчалик кучлироқ бўлади. Бордию одамнинг меҳнат шароитидан кўнгли тўлмаса, бу нарса маҳсулот ишлаб чиқаришга салбий таъсир этади. Ишчи ўринларининг санитария-гигиена ҳолати (шовқин даражаси, тебраниш, ёритиш ва ҳ. к.), меҳнатга ҳақ тўлаш, квартира, санаторийга йўлланма олиш имконияти ва бошқа ижтимоий шароитлар, техника ҳамда технология сифати, ишчи ўринларини ташкил этиш ва бошқа кўпгина омиллар бунда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда иссиқ иқлим хусусиятларини ҳам инобатга олишга тўғри келади. Атроф муҳит муҳофазаси муаммосига бу нарса чамбарчас боғлиқдир. Иттифоқ ва республика министрликлари якка ўзлари айтгани айтган қабилидаги ҳукмронлик қилган йилларда миқдор кўрсаткичлари кетидан қувиш натижасида, шунингдек ошкоралик бўлмагани учун кўпгина корхоналар мазкур масалага етарлича эътибор бермадилар. Эндиликда, айтайлик, саноат чиқиндилари билан ифлосланишдан тозалаш учун анча-мунча капитал маблағ талаб этилмоқда. Бунда маблағни тежаш номатлуб эканлигини англаб оладиган фурсат келди. Зотан, атроф муҳитнинг ифлосла-

ши кишилар соғлигига салбий таъсир этар экан, ижтимоий меҳнат унумдорлигига ҳам таъсир этиши турган гап эди. Афсуски, Ўзбекистон ССРда табиат муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир тадбирларга давлат капитал маблағлари ажратиш ўн биринчи беш йилликда ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 3,5 миллион сўм камайди, ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида эса у ўнинчи беш йиллик даражасига аранг етди.

Республикамизда, хусусан Қорақалпоғистон АССРда диспансер ҳисобида муттасил турадиган аҳоли анчагина эканлиги, вақтинча иш қобилиятини йўқотиш сабабли иш вақти кўплаб беҳуда кетаётганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитетининг хабар қилишича, 1989 йилда меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиш туфайли иш вақтининг беҳуда кетиши 1988 йилга нисбатан бирмунча кўпайган. Меҳнат шароитини кечиктирмай, изчиллик билан яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза этиш юзасидан самарали тадбирлар ишлаб чиқиб амалга ошириш нақадар муҳим эканлиги шундоқ яққол кўриниб турибди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш иш вақти йўқотилишини камайтиришнинг муҳим омилидир. В. И. Ленининг «Пул ҳисобини пухта ва ҳалол олиб бор, тежаб-тергаб хўжалик юрит, дангасалик қилма, ўғирлик қилма, меҳнат интизомига қаттиқ риоя қил» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 196-бет) деган ўгити қайта қуриш кучайиб боргани сайин янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Иш ташлашлар, митингбозлик ва намойишлар, миллатлараро низо ва можаролар, ишлаб чиқариш раҳбарларини сайлаш баъзан ўзини оқламаётгани ва бошқа ҳодисалар, таассуфки, меҳнат интизоми пасайиб кетишига, бинобарин, иш вақтининг анча йўқотилишига сабаб бўлмоқда.

Барча ишлаб чиқариш бўғинлари ишида уйғунлик бўлиши меҳнат интизомини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Меҳнат ва ишлаб чиқариш яхши ташкил этилса, ҳайбаракаллачилик, иш вақтидан ташқари ишлаш бўлмайди, иш жойлари яхши жиҳозланиб, барча ходимлар ҳаракатида батартибликка эришилади. Башарти меҳнат тақсимоти ва кооперацияси, уни нормалаштириш, меҳнат ва дам олиш тартиби муттасил такомиллашиб борса, одатда интизом ҳам яхшиланади, одамларнинг ўз ишига қизиқиши ортади.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги муайян маънода кадрлар барқарорлиги даражасига ҳам боғлиқдир. Меҳнат коллективи таркиби қанчалик барқарор бўлса, иш вақти шунчалик кам йўқолади.

Шубҳа йўқки, кадрлар барқарорлиги нисбий бўлиши мумкин, чунки ижтимоий-демографик сабабларга кўра, фан-техника тараққиёти таъсирида, ишлаб чиқариш структурасининг муқаррар ўзгариши, меҳнат шароити ўзгариб туриши, ходимнинг шахс сифатида камол топиши натижасида ходимлар жойи ҳамиша алмашиниб туради. Аммо кадрлар барқарорлигини мустаҳкамлашга жуда жиддий қаралган, бунда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий йўналишдаги турли жиҳатлар ҳисобга олинадиган жойларда одатда ишлаб чиқариш натижалари анча юқори бўлади.

Айни чоқда асосан ўз меҳнатининг у ёки бу жиҳатларидан қониқмаганликни рўкач қилиб одамларнинг яхши ташкил этилмаган, кўпинча ўз-ўзидан рўй берадиган тарздаги бир иш жойидан иккинчисига кўчиш ҳоллари оз эмас. Статистика маълумотларига қараганда, республикамизда ишчи кадрларнинг қўнимсизлиги саноатда қайта қуриш йилларида амалда ўзгармади ва 15—16 фоиз даражасида (мамлакат бўйича 12,5 фоиз) сақланиб қолмоқда. Бунинг боиси нима? Республикада кадрлар қўнимсизлигини камайтириш юзасидан ҳеч қандай иш қилинмаяпти дейиш нотўғри бўлур эди. Ўзбекистоннинг барча шаҳарларида аҳолини ишга жойлаштириш бўлимлари ишлаб турибди, касбга йўналтириш марказлари очилган, ишга ташкилий тарзда ёллаш системаси йўлга қўйилган.

Лекин булар етарли эмас. Меҳнатнинг ижтимоий жиҳатларига, уни рағбатлантириш, шароитини яхшилашга эътибор қилиш кадрлар қўнимсизлигига қарши курашда энг катта самара беради. Ишлаб чиқаришнинг ана шу жиҳатига иккинчи даражали нарса деб қаралишига қатъиян барҳам бериш керак.

Ходимнинг ижодий имкониятларидан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш ҳам ижтимоий меҳнат унумдорлигини жиддий оширишга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Жамиятимизда ҳар хил мулк шакллари мавжудлигининг расмий тарзда эътироф этилиши ва 1990 йилда қонун йўли билан расмийлаштирилиши ҳар бир одамга меҳнат фаолияти соҳасини танлаш ҳуқуқини беради. Бу пировард натижада бутун жамият миқёсида меҳнат унумдорлиги ошишида ўз аксини топади. Ижтимоий талаб-эҳтиёжларни қондиришга қаратилган омилкорлик фаолиятини ўстиришга ҳар тарафлама кўмаклашиш бу жараённи тезлаштириши мумкин.

Корхоналарнинг тўла равишда ёки унинг бўғинлари алоҳида-алоҳида йўсинда ижарага ўтиши чоғида шу маънода ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунда ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари билан кўпроқ боғлиқ бўлган моддий рағбатлантириш яхшиланишидан ташқари меҳнат фаолияти учун нисбатан эркинлик ва ижодий асос юзага келадики, булар меҳнат аҳлининг ўзи мавжуд барча резервларни қидириб топиши ва улардан самарали фойдаланиши, маҳсулотларнинг тур ва сифатини,

турдош корхоналар, истеъмолчиларни ўзи аниқлашига туртки беради. Буларнинг ҳаммаси ходимнинг ишлаб чиқаришнинг омилкор соҳиби сифатида шаклланишига ёрдам беради.

Шахсий мулк ижтимоий-иқтисодий аҳамиятининг эътироф этилиши, назаримизда, одамларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантиришда муҳим роль ўйнаши керак. Хусусан, яқинда қабул қилинган қарорда таъкидланадики, маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш ҳамда хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларидаги устахона ҳамда бошқа кичик корхона, тураржой ва хўжалик бинолари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё, материаллар ҳамда хўжаликни мустақил тарзда юритиш учун зарур бошқа ашёлар меҳнат хўжалигини биргаликда юритаётган оила аъзолари ва бошқа шахсларнинг мулки сифатида улар ихтиёрида бўлиши мумкин. Бу қоида, шаксубҳасиз, одамларнинг омилкорлик фаолиятини жонлантиришга хизмат қилади.

Баъзи бир омилкор, уддабурон кишилар хусусий корхонада ишни йўлга қўйиб юборадилар, бошқалар эса шахсий ёрдамчи хўжаликларидан мумкин қадар кўпроқ даромад олишга зўр берадилар деб тахмин қилиш мумкин. Нима бўлганда ҳам иш қонун доирасида борса, бундан жамиятга фойда келади. Республикамизга келганда шуни айтиш керакки, юқорида зикр этилган омилкорлик фаолиятининг жонланиши одамларнинг иш билан банд бўлиши муаммосини қисман ҳал этишга ёрдам беради. Қолаверса иқтисодий жиҳатдан ривожланган бошқа мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бу ҳол маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кучайишига олиб келади, охир-оқибатда бу нарса ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ошишига, таннарх камайиши ҳамда маҳсулот сифати яхшиланишига таъсир этади. Энг муҳими эса **одамларда пулни ишлатишгагина эмас, балки уни ишлаб топишга** ҳам қизиқиш ортади.

СССРда мулкчилик тўғрисидаги қонунда аниқ қилиб айтилганки, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидан фойдаланиш ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувини ва кишини киши томонидан эксплуатация қилинишини истисно этиши керак. Шундай қилиб, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши фақат социализмга хос иқтисодий ва ташкилий омиллар эвазига юз беради.

Мазкур масалани муфассал ёритдик демоқчи эмасмизу, аммо инсон омилининг кўп қиррали хусусиятларини ишга солиш ва ходимларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдорлигини мумкин қадар ошириш билангина меҳнат унумдорлигини жиддий тарзда ўстириш мумкин деб таъкидламоқчимиз.

А. ТЎХТАМИШЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисодиёт институтининг аспиранти.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА БЮДЖЕТГА ДОИР ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ принциплари ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларига борган сайин кўпроқ сингиб бормоқда. Шу муносабат билан бир талай масалалар юзага келяпти. Хусусан, олий ўқув юртлари фаолиятига хўжалик ҳисобини татбиқ этиш механизмини ҳаммага ҳам тушунарли деб бўлмайди. Буни тушунтиришга уриниб кўрамиз.

Техника ихтисослигидаги олий ўқув юртларига келсак, уларда хўжалик ҳисоби принципларини жорий этишнинг шарт-шароити мавжуд, зотан улар томонидан тайёрланадиган мутахассисларнинг «истеъмолчилари» — ана шу мақсадлар учун тасарруфида анчагина пул фондлари бўлган корхоналардир. Педагогика олий ўқув юртларида эса аҳвол қандай? Зеро, улар республика бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадилар, улар «маҳсулоти» «истеъмолчилари» — мактабларнинг ўзлари ҳам бюджет асосида маблағ билан таъминланмоқда. Бунинг устига ўқитувчиларни тайёрлаш сарф харажати йилдан-йилга кескин ошиб бормоқда. Вазиятни иккита олий ўқув юрти — Сирдарё ва Жиззах педагогика институтлари мисолида қараб чиқамиз (1-жадвалга қаралсин).

Жадвалдан кўриниб турибдики, Сирдарё педагогика институтида ҳам, Жиззах педагогика институтида ҳам кейинги уч йилда ўқитувчиларни тайёрлашга доир жорий сарф-харажатлар 1987 йилги барча сарфхаражатларнинг қарийб ярмига тенг ҳажмда кўпайган.

1-жадвал

1987—1989 йилларда ўқитувчиларни тайёрлашга кетган сарф-харажатлар*

Институтлар	Кўрсаткичлар	Йиллар			1987 йилга қиёслаганда 1989 йилдаги ўсиш фоиз ҳисобида)
		1987	1988	1989 (план)	
Сирдарё	Смета бўйича харажатлар (минг сўм)	2105,9	2957,9	3127,8	148
	Студентларнинг ўртача йиллик миқдори	3606	4023	4493	125
	Бир студент учун харажатлар (сўм)	585	731	694	118
Жиззах	Смета бўйича харажатлар (минг сўм)	1515,1	2098,7	2275,5	151
	Студентларнинг ўртача йиллик миқдори	3712	4047	4027	109
	Бир студент учун харажатлар (сўм)	406	518	567	140

* Маълумотлар сарф-харажатлар сметасининг ижроси ҳамда олий ўқув юртлари тармоғи, штатлари ва контингентлари планининг тегишли йилларда бажарилишига доир ҳисоботлардан олинган.

Бундай суръатларда ҳеч қандай барқарор бюджет уларни маблағ билан таъминлашнинг уддасидан чиқа олмаслигини тушуниш қийин эмас. Зотан, тилга олинган сарф-харажатлардан ташқари, олий ўқув юртларининг ўқув корпуслари, ётоқхона ва бошқа объектларини бунёд этиш учун ҳам бир талай капитал маблағлар керак бўлади.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш харажатларининг ошиб кетиши бир қатор омилларга боғлиқ. Студентлар миқдорининг ўсиши асосий омиллардан биридир. Бунинг устига муайян миқдорда ўқитувчиларни тайёрлашнинг мақсадга мувофиқлиги хусусидаги масала ипидан-игнасигача ўрганилмаган. Олий ўқув юртлари ўқитувчилари иш ҳақининг ҳамда студент ва аспирантлар стипендияларининг оширилиши олий ўқув юртлари сарф-харажатлари ўсишининг яна бир жиддий омилидир. Ҳозирданоқ, мисол учун, дуруст ўқиётган студентларнинг ҳаммасига стипендия тўлашга, шунингдек бировларнинг уйларида истиқомат қилишга мажбур бўлувчи студентларга яшаш ҳақининг бир қисмини тўлашга қарор қилинди.

Шундай савол туғилади: модомики олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш сарф-харажатларининг кўпайиши республика иқтисодиёти ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ўсишидан анча олдинда бораётган экан, унда бундай мутахассисларни тайёрлаш учун қўшимча маблағни қаердан олиш керак? Бунга, менимча, шундай жавоб бериш мумкин: бюджетга доир хўжалик ҳисоби сингари чиқимларга қарши иқтисодий механизмдан фойдаланиш лозим. Сўз бюджетга асосланган муассасалар (шу жумладан олий ўқув юртлари) хўжалигини мутахассислар тайёрлаш тўғрисидаги хўжалик шартномалари асосида юритиш методи хусусида бормоқда.

Бугунги кунда маълумки, ўқитувчи кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юрти бюджет (республика бюджети) орқали маблағ билан таъминланмоқда. Ажратиладиган маблағлар миқдори студентларни қабул қилишга боғлиқ, чунки сарф-харажатларнинг кўпгина бандлари уларнинг йиллик миқдори, ўқитувчилар учун эса — ҳисоб-китоб миқдори сақланиши билан боғланган. Бундай вазиятда тарбиялаб чиқарилаётган мутахассисларнинг барчасига эҳтиёж мавжудми деган савол берилмайди. Мактабларнинг ҳам маҳаллий бюджетга боғлиқлиги ва ўқитувчиларни ўзлари пул сарфламай олишлари туфайли улар ҳам ўқитувчиларни тайёрлашга ажратиладиган маблағларни тежашдан ва улардан рационал фойдаланишдан манфаатдор эмаслар.

Оқибатда мутахассисларни тайёрлашда чиқимларимиз ошиб бормоқда, лекин ҳақиқий эҳтиёж ҳисобга олинмаяпти. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Иқтисодиётдаги ҳозирги кризисли вазиятда ишлаб чиқариш соҳаси муассасалари билан бюджет муносабатларини тубдан қайта қуриш зарур.

Бу хусусдаги таклифларимни юқорида тилга олинган педагогика институтлари мисолида изоҳламоқчиман. Область халқ таълими бошқармалари (ОХТБ) областларнинг конкрет фанлар бўйича ўқитувчи кадрларга бўлган қўшимча эҳтиёжларини аниқ

ҳисоблаб чиқишлари ва педагогик олий ўқув юртларига буюртма беришлари керак. Республика Халқ таълими министрлигининг ўқув планида фанлар бўйича белгиланган педагогика ставкалар (соатлар) нормалари бундай эҳтиёжни аниқлашнинг негизи бўлади. ОХТБ олий ўқув юртлари билан уларнинг талабларини белгиланган нормадан келиб чиқиб, ҳар бир битирувчини тайёрлаш учун қанча ҳақ тўлашни кўрсатган ҳолда (ҳозир у 3 минг сўмга тенг) ишга қабул қилиш тўғрисида шартномани имзолашлари керак.

Олий ўқув юртларида эса бир мутахассисни тайёрлашга кетадиган сарф-харажатлар ҳар йили мажбурий тартибда ҳисоблаб чиқилиши (ўртача йиллик харажатлар тайёрлаш шакллари бўйича ўқитиш муддатига кўпайтирилади) ва буюртмачиларга (бизнинг мисолда — Сирдарё ва Жиззах ОХТБларига) маълум қилиниши лозим.

Мавжуд маълумотларнинг кўрсатишича, иккала педагогика институти 1990 йилда ОХТБ ҳисоблаб чиққан қўшимча эҳтиёжга қараганда 976 нафар ўқитувчини кўпроқ тайёрлашни планлаштирган (2-жадвалга қаралсин). Агар ортиқча ўқитувчилар бошқа институтлар, шу жумладан Тошкент олий ўқув юртлари ҳам тайёрлаётган муайян предметлар ўқитувчилари ҳиссасига тўғри келаётганини ҳисобга олсак, шундай қонуний савол туғилади: олий ўқув юртлари чиқимларини қисқартиришнинг манбаи ана шу ерда эмасмикин? Ҳозирча эса олий ўқув юртларининг раҳбарияти эски (юқорида тилга олинган) ёндашувларга асосланган ҳолда ўқитувчиларни оширилган миқдорда тайёрлаш зарурлигини исботлашга ҳаракат қилмоқда. Улардан воз кечишга бюджетга асосланган хўжалик ҳисоби ёрдамга келади, бунда олий ўқув юртлари билан мактаблар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ўзгаради. Олий ўқув юртлари учун бюджет кредитларини тақсимлашни Халқ таълими министрлиги ўрнига Сирдарё ва Жиззах область ижрокомларининг ОХТБлари ихтиёрига бериш керак. Бу маблағларнинг манбаи область бюджетлари бўла қолсин. Ҳукумат белгилаган нормадан келиб чиққан ҳолда ўқитувчиларни тайёрлаш сарф-харажатлари улар зиммасига юкланади. Бунда область ижрокомларининг бюджет ҳуқуқлари кенгайтирилади ва областларни регионал хўжалик ҳисобига ўтказиш учун шарт-шароит тайёрланади.

2-жадвал

1990 йилда ўқитувчи кадрларга бўлган қўшимча эҳтиёжнинг қопланиши

Фанлар	ОХТБ ҳисоб-китобларига қараганда қўшимча эҳтиёж	Иккала олий ўқув юрти плани бўйича эҳтиёжни қоплаш	Ортиқча (+) Етишмайди (—)
Жами	807	1783	+976
шу жумладан:			
ўзбек тили ва адабиёти	54	287	+233
рус тили ва адабиёти	99	368	+269
математика	73	217	+144
физика	3	36	+33
география	18	—	—18
тарих	30	80	+50
химия	20	—	—20
биология	30	33	+3
жисмоний тарбия	28	72	+44
меҳнат	61	233	+172
педагогика ва бошланғич таълим	132	452	+320
чизмачилик	7	—	—7
музика, ашула	14	—	—14
бошланғич ҳарбий тайёргарлик	30	—	—30
чет тили	46	—	—46
мактабгача муассаса тарбиячилари	125	—	—125
логопедлар	17	—	—17
куни узайтирилган группалар тарбиячилари	20	—	—20

Область ижрокомларининг ОХТБлари билан область педагогика олий ўқув юртлари ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида ўрнатилади. Унда ўқитувчи кадрларга бўлган ҳар йилги қўшимча эҳтиёж ҳамда область ижрокомларининг ОХТБлари томо-

нидан олий ўқув юртларига область бюджетларидан тўланадиган маблағ кўрсатилади. Бунда ОХТБларга тежаб қолинган маблағлардан мактаб ислоҳотини рўёбга чиқариш ва халқ таълими ходимларининг социал эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳуқуқи берилиши керак. Ўқитувчи кадрлардан рационал фойдаланиш ва синфларни яхшироқ бутлаш йўли билан бу кадрлар борасида тежамкорликка эришиш мумкин.

ОХТБга бўш тайёрланган ва қимматга тушадиган кадрларни қабул қилишдан воз кечиш ҳуқуқи ҳам берилиши керак. Бу нарса олий ўқув юртларини маблағлардан рационалроқ фойдаланишга ва мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишга мажбур этади. Зотан, акс ҳолда улар область ижрокомларининг ОХТБларидан маблағ олмайдилар. Шундай қилиб, бунда олий ўқув юртлари томонидан ҳам, область ижрокомлари халқ таълими бошқармалари томонидан ҳам чиқимларга қарши механизм ҳаракатга келади. Бинобарин, олий ўқув юртларидаги бюджетга асосланган хўжалик ҳисоби республиканинг иқтисодий ва социал аҳволи яхшиланишига хизмат қилади.

Қ. ЯҲЁЕВ,
иқтисод фанлари номзоди,
Тошкент халқ хўжалиги институти «Молия»
кафедрасининг мудири.

ШАХСНИНГ МАЪНАВИЙ ҚАМОЛ ТОПИШИ

МАЪЛУМКИ, зиёлилар маданий савиясининг юксаклиги, ўз халқининг ахлоқий қадриятларини сақлаб қолиш ва уларни кўпайтириш қобилияти зиёлиларнинг асл моҳиятини белгилайди. Т. Г. Шевченко номидаги Нукус давлат дорилфунуни Қорақалпоғистон автоном республикаси зиёлиларини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Уни битириб чиққанларнинг кўплари бугунги кунда меҳнат коллективлари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларига, область ҳамда район бўғинидаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига бошчилик қилмоқдалар. Бу вазифаларни муваффақиятли адо этиш фақат профессионал эмас, шунингдек муайян ғоявий-сиёсий, гражданлик, шахсий фазилатларни ҳам талаб қилади. Ўша хислатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш — дорилфунун профессор-ўқитувчилар коллективи, партия комитети, бошқа жамоат ташкилотларининг вазифасидир.

Совет студентларининг маънавий қиёфасини шакллантириш муаммоси бугунги кунда жуда кескин бўлиб турибди, буни жамоатчиликнинг кенг қатламлари, студентларнинг ўзлари ҳам яхши англамоқда. Бу ижтимоий фанлар кафедралари ўтказган тадқиқотларда ҳам қисман ўз ифодасини топди. Масалан, биринчи ва иккинчи курсларда таълим олаётган 900 студент ўртасида «Студент ёшларнинг дин, маросим, урф-одатлар ва атеизмга муносабати» мавзуида ўтказилган сўров натижалари улар маънавий қиёфасининг шаклланиш жараёнига «назар ташлашга» имкон берди. Чунончи, «Сиз бугун худонинг борлигига ишонасизми?» деган саволга сўраб чиқилганларнинг 5,8 фоизи ижобий жавоб берган, 45,4 фоизи қандайдир «сирли кучнинг» борлиги тўғрисида ўйлаймиз деб жавоб қилишган; «Инсон руҳининг боқийлигига ишонасизми?» деган саволга сўраб чиқилганларнинг 5,1 фоизи «ҳа» деб жавоб берган, 39,7 фоизи бирон бир аниқ гап айтолмаган, 55,3 фоизи динга ишонмаймиз-у лекин ўзимизни мусулмон деб ҳисоблаймиз дейишган. Сўраб чиқиш давомида шу нарса аниқланди: қизларнинг 20,2 фоизи қалинни ижобий баҳолашган, чунки у ёш оилани мустаҳкамлашга, куёвнинг ота-оналари келинни ҳурмат қилишига ёрдам беради, дейишган; анкета саволларига жавоб берганларнинг 32,5 фоизи дорилфунунга киргунларига қадар, ўзлари ўқишга мактабларда, яшаган ёки ишлаган жойларида атеистик мавзуда ҳеч қандай тадбир ўтказилмаган деб ёзишган, 25,8 фоизи эса СССРда виждон эркинлиги тўғрисидаги қонуннинг асосий қоидаларини билишмайди, 6,3 фоизи умуман бу ҳақда ҳеч нима эшитмаган. «Сизни пропаганданинг қандай шакллари қизиқтиради?» деган саволга 32,5 фоизи ҳозирги замон фанининг конкрет ютуқлари тўғрисида лекция ва суҳбатлар, 67,5 фоизи — савол-жавоб кечалари, мунозара дейишган, 9,1 фоизини эса умуман ҳеч нарса қизиқтирмайди.

Умуман олганда сўраб чиқиш натижалари бошланғич курслар студентларининг социал ва маърифий активлиги етарли даражада эмаслигини кўрсатдики, бу, бизнинг назаримизда, мактабларда тарбиявий ишнинг бўшлиги натижасидир. Лекин бунда фақат ўқитувчиларни айблаш тўғри бўлмас — бунинг сабаблари анча чуқур. Шу-

нинг учун ҳам биз студентларнинг ўзимиз аниқлаган маънавий савиясига асосланган ҳолда бутун ўқиш давомида ёшлар орасида олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий иш комплекс планининг асосий йўналишларини белгилаб олдик. Унда (планда) жумладан, студент ёшларни байналмилал, меҳнат ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда дорилфунун партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг ролини кучайтириш кўзда тутилган. Масалан, ёшларнинг бўш вақти структурасида кино кўришлар олдинги ўринлардан бирини эгаллайдики, улар кўп фойдали томонларидан ташқари ёшларнинг бир-бирлари билан мулоқотда бўлиши шаклларидан бирига айланди. Афсуски, видеотехниканинг тез ривожланиши туфайли уларнинг (асосан ўсмирлар) видеоёзувларга қизиқиши жуда ортди, зеро бу видеоёзувларнинг мутлақ кўпчилигини бадиий савияси паст чет эл фильмлари ташкил этади.

Студентларнинг бўш вақти хилма-хил машғулотларни ўз ичига олади, унга телевизион эшиттиришлар, кинофильмларни кўриш, театрларга бориш, кўргазма, музейларда бўлиш, турли адабиётларни ўқиш, музика эшитиш билан бирга спорт, техника ва бадиий ижод билан шуғулланиш, шунингдек дўстлар билан учрашиб туриш ҳам киради. Нукус дорилфунунида ўқиётган талабаларнинг бўш вақти структурасида маданият саройида ўтказиладиган «СССР — менинг Ватаним», «Қани, шоввоз йигитлар!», КВН сингари конкурслар ва фестиваллар етакчи ўрин тутади. Ҳар йили ўтказиладиган СССР халқлари қўшиқ ва рақс фестиваллари айникса машҳур бўлиб, унда ҳар бир факультет иттифоқдош республикалардан бирининг вакили бўлиб чиқади.

Дорилфунундаги норасмий бирлашмалардан 1986 йилнинг сентябрида ташкил этилган «Шалола» клубини кўрсатиш мумкин. Унга Афғонистон республикасида ўз ҳарбий бурчини ўтаб келган студентлар киради. Клуб асосан ёшларни ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялаш иши билан шуғулланади, фарзандлари урушда ҳалок бўлган оилаларга ва ногиронларга оталиқ қилишади. Клубнинг қурилиш отряди 1988 йилда ишлаб топган пулини Афғонистонда ҳалок бўлган студентлар-жангчилар хотирасига қуриладиган ёдгорлик фондига ўтказишди.

НДД партия ташкилоти комсомол комитети ва студентларнинг касаба союзи билан биргаликда ётоқхоналарда «Адабиёт кунлари», ёзувчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Байналмилал дўстлик клуби Сеул (Жанубий Корея), Эдмонтон (Канада), Лондон, Деҳли дорилфунунларидаги чет эллик тенгдошлари, Кембриж дорилфунуни ботаника боғлари халқаро ассоциацияси билан алоқа ўрнатган.

Студент ёшлар ҳаётини физкультура ва спортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жисмоний тарбия факультетининг ва дурустгина моддий техника базасининг мавжудлиги кўплаб қизиқарли тадбирларни — спартакиада, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Плис Нурпеисов номидаги соврин учун эстафеталар ва бошқа тадбирлар ўтказишга имкон беради.

Ўйлаймизки, маданий қадриятлар структурасида ёшларни санъатнинг томошавий-кўнгилочар жанрлари кўпроқ жалб этади. Бу йигит ва қизларнинг социал жиҳатдан етуклик даражасига, уларнинг турмуш тарзи ва қизиқишларига жуда мос келади. Лекин бу жанрларга ҳаддан зиёд берилиб кетиш (бошқаларига зарар етказган ҳолда) шахснинг тўлақонли камол топишини таъминламайди. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртида маданий-тарбиявий ишларни тўғри ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўрта Осиёнинг барча республикалари ва Қозоғистонда «Наврўз»нинг байрам сифатида тикланиши байналмилал туйғуларга, халқ анъаналарини ҳурмат қилиш ҳиссиётига ижобий таъсир этди. Дорилфунунимизда биринчи бор ўтказилган бу байрам кўп минг кишилик халқ сайилига айланиб кетди. Ёшлар халқ анъаналари, урф-одатлари, маросимларини, қўшиқ ва рақсларини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Қорақалпоғистон автоном республикаси миллатлараро муносабатлар кўнгилдагидай қарор топаётган регионлар жумласига киради. Бу ерда асосан қорақалпоқлар, ўзбеклар ва қозоқлар яшашади. Нукус дорилфунунида 23 миллат вакиллари қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, рус тилларида таълим олишмоқда.

Партия комитети ректорат билан биргаликда кириш имтиҳонлари пайтида пайдо бўладиган қатор масалаларни ҳал этди. Чунончи, ўрта мактабларда ўзбек, қозоқ ёки туркман тилларида ўқиган ўқувчилар эндиликда кириш имтиҳонларини ўз она тилларида топширадилар (илгарилари ёзма ишлар фақат қорақалпоқ ёки рус тилида қабул қилинарди).

Студентларнинг ижобий қиёфаси тўғрисида жамоатчилик онгида ҳосил бўлган тасаввур умуман олганда тўғри. Лекин ёшларнинг анчагина қисми ҳали ҳам социал ожизлик таъсирига берилган — ахир, уларнинг дунёқараши турғунлик даврининг стереотипларида шаклланган-да.

Олий мактабни юқори малакали мутахассислар тайёрлашни кескин яхшилаш мақсадидагина эмас, шунингдек шахснинг маънавий камол топиши йўналишларида ҳам қайта қуриш жуда зарур.

Ю. КУЛАКОВ,
Т. Г. Шевченко номидаги
Нукус давлат дорилфунуни
партия комитетининг секретари.

ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети Давлат тили тўғрисидаги Қонунни тасдиқлаганидан кейин республика Министрлар Совети махсус қарор қабул қилди, унда ушбу Қонунни ҳаётга татбиқ этиш амалий чоралари белгиланган. Жумладан, Адлия Министрлигига Қонун моддалари турлича талқин қилинишининг олдини олиш учун унга изоҳлар ишлаб чиқиш топширилди.

Масалан, Қонун 4-моддасининг биринчи абзацида республика давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг раҳбарлари ва ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун давлат тили, яъни ўзбек тилини етарлича билишлари керак, дейилган. Бу ўринда иккита савол туғилади. Биринчидан, бизда хўжалик бошқаруви механизми мураккаб бўлиб бунинг устига илмий-тадқиқот, ижодий ва бошқа муассасалар, кооператив ташкилотлар тармоғи мавжуд, ҳолбуки, Ўзбекистон ССР Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси ушбу мезон қайси раҳбарлар ва ходимларга тааллуқли эканини белгилаб бермаган. ССР Иттифоқи Меҳнат тўғрисидаги қонунлар асосларига кўра, ишга қабул қилиш, конкурс бўйича танлаб олиш, бўш лавозимларга ишга тайинлаш умумий асосларда амалга оширилади. Гражданларнинг меҳнат қилиш конституцион ҳуқуқини камситмаслик учун, ўйлайманки, Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексининг тегишли моддаларига изоҳлар, шунингдек раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар лавозимларининг ҳозир республика халқ хўжалигида амал қилаётган умумтармоқ квалификацион характеристикаларига қўшимчалар киритиш лозим.

Иккинчидан, Давлат тили тўғрисидаги Қонунда хизмат вазифаларини бажариш учун тилни «етарли даражада» билиш зарурлиги таъкидланган. Маълумки, меҳнат тўғрисидаги қонунлар хизматчи, мутахассис, раҳбарнинг лавозимини инструкция асосида белгилаб беради, унда ходим бажариши лозим бўлган вазифалар (ҳуқуқлар ва масъулият) мустаҳкамлаб қўйилган. Шундай бўлгач, бундай ҳолда бунинг учун тилни билиш «етарлилиги»ни қандай қилиб аниқлаш керак? Ахир Ўзбекистон ССР Меҳнат тўғрисидаги қонунлар Асосларида ҳам, Меҳнат тўғрисидаги қонунлар Кодексида ҳам бундай тушунча баён қилинмаган. Шу боис Қонунга доир изоҳларга аниқлик киритиш, чунончи, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидаги раҳбар, мутахассис ва хизматчилар ўз ихтисос ва малакаларига мувофиқ давлат тилини лавозимлар тўғрисидаги инструкциялар бажарилишини таъминлайдиган даражада билиши керак, деб кўрсатилиши лозим.

Қонун 4-моддасининг иккинчи абзаци ҳам унча аниқ эмас: «Ўз фаолиятига кўра аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари лозим». Хизмат кўрсатиш соҳасидаги давлат тилини билиш лозим бўлган ишларнинг турлари изоҳларда санаб ўтилса, яхши бўлур эди. Бу эса, ўз навбатида, Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексига қўшимчалар киритишни тақозо этади.

6-модда (иккинчи абзац), 13-модда (учинчи абзац), 20-модда (иккинчи абзац)да «муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жой» тушунчаси қўлланилган. Бизнинг республикамиз кўп миллатли, шу боис ушбу тушунчани конкретлаштириш керак. Қайси миллатлар ёки элатлар назарда тутилиши аниқ кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа миллатлар намояндаларининг тиллари амал қилишини таъминлашда салбий томонга қинғайишлар рўй бериши эҳтимолдан холи эмас. Изоҳларда ана шундай зич яшайдиган гуруҳлар рўйхати берилса, маъқул бўлур эди. Ҳамонки Қонун уларнинг она тилида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатларини нашр этиш, таълим олиш, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларини олиб бориш ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берар экан, улар яшаётган районларнинг номларини қайд этиш ҳам ортиқча бўлмайди.

5 ва 6-моддалар ҳокимият ва бошқарув органларида айрим тадбирлар давлат тилида ўтказилишини, шунингдек қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни шу тилда тайёрлаш ва нашр этишни белгилаб ушбу органлар фаолиятининг иш юритишдек муҳим жиҳатини тилга олмаган. Айни пайтда иш юритиш ўзбек тилида бўлишини ташкил этиш республика корхоналари, муассаса ва бирлашмаларига юкланган (7-модда). Бундан ташқари, Қонуннинг 10, 11 ва 12-моддаларида суд ишларини, нотариал ишларни юритиш, гражданлик ҳолатларига доир ҳужжатларни расмийлаштиришни ва арбитражда хўжаликка доир низоларни кўриб чиқишни давлат тилида олиб бориш белгилаб берилган. Шу муносабат билан Қонунга доир изоҳларда давлат тили давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидаги иш юритиладиган тил эканлиги ёки шундай эмаслигини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Л. КАРИМОВА,

В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунуни юридик факультетининг аспиранти.

Б. ЭРГАШЕВ

АБДУРАУФ ФИТРАТ: СИЁСИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

ЭҲТИМОЛ, XX асрнинг биринчи ярмида яшаган ўрта осиёлик ижодкорлардан ҳеч бирининг мероси атрофида Абдурауф Фитратникидек кескин ва қизғин илмий, сиёсий, адабий ва идеологик баҳс-мунозара бўлмаган. Бунинг сабаби энг аввало Шарқ гуманизми ғоялари қон-қонига сингган адиб адабий меросининг бойлигидадир. А. Фитрат шахсига қизиқиш шунингдек унинг фожиали тақдири билан ҳам боғлиқ. Унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ва ундан кейинги даврда Ўрта Осиёдаги мафкуравий вазият ҳақида тўларок тасаввур ҳосил қилиш учун ҳам даркор. Ниҳоят, Фитрат фаолияти тарихимизнинг «оқ доғлари»данки, уни ювиб ташлаш шубҳасиз совет жамиятимизни қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишга кўмаклашади.

А. Фитратнинг сиёсий ва фалсафий қарашларини таҳлил қилиш шунинг учун ҳам қийинки, унинг кўп асарлари йўқ қилиб ташланган, борлари ҳам тўла нашр этилмаган. Шу сабабли биз ушбу ишни ёзишда Фитратнинг илгари топилган 47 илмий тадқиқоти, газетада босилган 32 мақоласи, 15 пьесаси, 12 шеъри, 8 публицистик асари, мактаб дарслиги, опера либреттоси, хат, телеграммалари, шунингдек қариндош-уруғ ва танишларининг хотираларига асосландик. Бундан ташқари ҳозирги тадқиқотчилар, шу жумладан ғарб советшуносларининг асарларидан ҳам фойдаландик.

Шу ўринда ўз ҳаётини бадиий ижод ва филологияга бағишлаган шахснинг сиёсий ва фалсафий портретини чизиш тўғри бўлармикин, деган савол туғилиши мумкин. В. Г. Белинский поэзия билан философия «бир-бирига яқингина эмас, ўзаро узвий боғланган, ҳатто кўпинча бири иккинчисига шу қадар қўшилиб-қоришиб кетадики, бир қарашда фалсафий асарни поэтик ёки аксинча поэтик асарни фалсафий асар дейди киши» деган фикрини эсласак, мазкур саволга ўрин қолмайди (В. Г. Белинский. Полн. собр. соч. в 13 т. т. 7. М.— Л., 1955, с. 50). В. Г. Белинскийнинг бу фикрини А. Фитрат ижодига ҳам татбиқ қилса бўлади, чунки инқилобдан илгари Ўрта Осиёда ижтимоий муносабатларнинг ривожланмаганлиги туфайли фалсафа ва гуманитар билим, сиёсат ва адабиёт аксар бир-бири билан сингишиб кетганди.

Абдурауф Фитрат (Абдурауф Абдураҳим ўғли) 1886 йилда Бухорода серфарзанд дўкондор оиласида дунёга келди. Аввало Бухородаги Мири Араб мадрасасида, сўнгра Истамбулдаги нотиқлик ўқув юртида таҳсил кўради. 1914 йилда ёш бухороликлар сафига қўшилиб. 1917 йилнинг ўрталаригача уларнинг Марказий Комитетида котиб бўлиб ишлайди. У 1917 йилда амир таъқибидан кочиб Самарқандга боради, у ерда «Ҳуррият» газетасида муҳаррирлик қилади. 1918 йилда Тошкентга кўчиб келади.

1919 йилда А. Фитрат ёш бухороликлар-коммунистлар партияси раҳбарларидан бири бўлади, кейинчалик у Бухоро коммунистик партиясига айланади. А. Фитратнинг партияга киришига ёш бухороликлар «кекса» авлодининг инқи-

ЭРГАШЕВ Баҳодир Ҳожикурбонович, фалсафа фанлари номзоди, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти марксча-ленинча фалсафа кафедрасининг катта ўқитувчиси.

розга учраши сабаб бўлади, бинобарин, унинг ташкилот сафига кириши ҳали марксизмни тўла эътироф этганлигини билдирмас эди. Шундай бўлсада, у сиёсий ишларда фаол иштирок этади. Шу йили бўлиб ўтган Бухоро коммунистларининг III съезди В. И. Ленинга қуйидаги мазмунда телеграмма йўллади: «Бухоро коммунистларининг фавқулодда III съезди делегатлари жаҳон инқилоби доҳийси, мазлум Шарқ халқларининг ҳомийси бўлмиш Сизни самимий қутлайди. Муҳтарам устоз, сиҳат-саломат бўлишингизни астойдил истаймиз. Инсониятнинг ёрқин истиқболи бўлмиш коммунизм ғояларини амалга оширишда сабот ва матонат тилаймиз». Телеграммага БКП МҚ раиси А. Ҳусаинов ва МҚ котиби А. Фитрат имзо чекдилар. 1919 йилда чоп этилган «Шарқ сиёсати» номли асаридаги қуйидаги сўзлар ҳам диққатга сазовор: «Русия кенгашлар ҳукуматининг қалоғуси бўлғон ўртоқ Ленин буюк кишидур. Шарқ масаласини бош фурсатда яхшигина англади... Шарқни ўзимизга ишондурмак учун коммунизм асосларини куч билан Шарқни бўйинуға қўймоқ эмас. Шарқнинг доҳи назариётиға Шарқнинг доҳи сизгуларига эътибор этмак, риоят қилмоқ керак эди. Ўртоқ Ленин бунларни бутунлай англади» (Фитрат. Шарқ сиёсати. Тошкент, 1919. 42—43-бетлар).

Келтирилган бу фикрлар Фитратнинг Ленинни нақадар хурмат қилганлигини ҳамда унинг беназир даҳоси таъсирида Фитрат дунёқарашида қанчалик ўзгариш рўй берганлигини яққол кўрсатади.

1920 йилда тўнтариш бўлиб амирлик тугатилгандан кейин А. Фитрат Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятида масъул лавозимларда: Маориф нозирлиги вақф бошқармасида ходим, мудирлик, Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши (ММК) бўлимида бошлиқ, ташқи ишлар ва маориф нозири, ММК раиси муовини ва молия нозири лавозимларида ишлайди.

А. Фитрат 1923—1924 йилларда Москвада Шарқ тиллари институти (ҳозирги СССР ФА Шарқшунослик институти)да илмий ходим бўлиб ишлайди, бу ерда ўзбеклардан биринчи бўлиб профессор унвонига сазовор бўлади. Сўнгра Ўзбекистонга қайтиб келиб Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртларида, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Фанлар комитетининг тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида меҳнат қилади. 1937 йилда «буржуа миллатчиси» ниқоби остида ҳибсга олинади, 1942 йилда сургунда ҳалок бўлади. 1957 йилда СССР Олий Судининг Ҳарбий коллегияси томонидан оқланади.

* * *

Дастлаб А. Фитратнинг ижоди ҳамда илмий фаолиятига турлича баҳо берилганлигини кўрамиз. 30-йилларга келиб эса унга «бош кўтараётган синфий душман» вакили, ҳатто «халқ душмани» деган даҳшатли айб қўйилади.

А. Фитратнинг ғоявий изланишлари Ўзбекистон К(б)П МҚнинг биринчи котиби А. Икромов ҳамда республика Совнаркоми раиси Ф. Хўжаевда қизиқиш уйғотган. Махатма Ганди, Жавоҳарлаъл Неру ва Рабиндранат Тагор ҳам унинг номини хурмат билан тилга олишган. Бу бежиз эмас: А. Фитрат «Ҳинд ихтилолчилари», «Чин севиш», «Маймун» каби пьесаларида ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши курашини тасвирлаган. А. Фитрат асарлари чет эл матбуотининг ҳам эътиборини тортган.

А. Фитрат ўз ижодига берилган айрим ноўрин сиёсий баҳоларга қизишмайди, кўпчилик партия-давлат раҳбарлари, шунингдек республика зиёлиларининг уни тушунишга интилишларини қадрлайди, айрим миллатчилик қарашларидан қутулишга интилади, А. Фитратнинг 1933 йилда қилган қуйидаги эътирофи фикримизга далил бўла олади: «Мен, эски адабиёт вакили, миллатчилик характеридаги катта хатога йўл қўйганимни тушундим. Айни пайтда Ўзбекистонда навқирон адабиётнинг гуркираб ўсаётганини кўриб турибман. Ана шу оқимга қўшилишим воқеликни янгича идрок қилаётганлигимнинг исботидир» (Литература Средней Азии, 21 ноября 1933 года). Ўзбекистон К(б)П МКга ёзган хатида ҳам ўзининг миллатчилик руҳидаги хатоларини тушунганлигини ва улардан халос бўлганлигини баён қилади (Э. Юсупов. Ҳаммамизнинг бурчимиз: қайта қуриш ва маданий мерос. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1988, 24 июнь).

А. Фитратнинг сиёсий қарашлари хусусидаги саволга бир хилда жавоб бериб бўлмайди. Масалан, Октябрь инқилобидан илгари у конституцион-монархия тарафдори бўлган. Истамбулда ўқиб юрган пайтида ёш туркларнинг ҳокимият

тепасига келганини кузатгандан кейин эса уларнинг либерал-демократик ғояларини маъқуллайди. Ватанига қайтганидан кейин бу ғояларни ёш бухороликлар ташкилотига сингдиришга уринади. Жумладан, у 1917 йилда тузган «Ёш бухороликлар ташкилоти ислоҳотининг лойиҳаси»да амирликда нозирлар кенгаши ҳамда шаҳарни мустақил идора қилишни жорий қилиш назарда тутилган эди (Революция и национальный вопрос. Документы и материалы. В 4 т. т.3. М., 1930. с. 361—372). Бундай фикр феодал-клерикал шароитда, табиийки, илғор қараш эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан кейин эса А. Фитрат (бу даврда Туркистонда яшар эди) сирасини айтганда социалистик маданиятга ғайрлик билан қарайди — «Чиғатой гурунги» номли сиёсий-лисоний гуруҳ фаолиятида иштирок этади. Унинг консерватив қарашлари «Чингизхон», «Темур сағанаси», «Ўғизхон», «Улуғбек», «Абу Муслим» ҳамда «Абулфайзхон» номли пьесаларида ҳам акс этган. Бизнингча, ўзбек адабиётининг ғарблик йирик тадқиқотчиси профессор Э. Оллуорснинг «Фитрат замондошлари мазкур пьесалардан фақат охирги иккитасини қабул қилишди, бошқаларида бўлса чет элликларнинг Туркистондан чиқиб кетиши талаб қилинган эди» деган фикри ҳақиқатга мос келади (**«Central Asian Review»** 1964. № 2, 92-бет).

А. Фитрат ўз нигоҳини фақат ўтмишга қаратиш билан чекланиб қолгани йўқ. У асарларида ўз замонасининг сиёсий воқеаларини ҳам акс эттирди. Мисол тариқасида 1923 йилда Берлинда ўзбек тилида босилиб чиққан «Ҳинд ихтилолчилари»ни кўрсатиш мумкин. Бу пьесада, Э. Оллоуорс кўрсатишича, муаллиф Лаҳорда инглизларга қарши қўзғолоннинг романтик бўёқлардаги тасвирида аслида ўзбек миллатчиларининг туркистонни мустамлака қилиб олиниши туфайли русларга қарши руҳиятини назарда тутган. Шу боисдан, деб давом этади тадқиқотчи, пьеса мазмуни Туркистон ўлкасидаги сиёсий воқеалар билан ҳамоҳанг эди, чунки бу «фожиа» ботинан (аслида) бирлашишга даъват этувчи коммунистик чақириқларга зид эди (ў ш а ж о й д а). Советшунос олимнинг бу фикри, Октябрь инқилобидан кейинги Туркистонга нисбатан олинганда реал асосга эга.

30-йилларга келиб Абдурауф Фитрат ва унинг издошлари (Чўлпон, Элбек, Ғози Юнус) янги ижтимоий тузумга, социализм манфаатларига хизмат қиладиган асарлар ёзишга интилишганини кўрамиз. Лекин бу даврдаги А. Фитрат қаламига мансуб асарлар («Қиз қотили» ҳикояси, «Пахта» шеъри ва бошқалар) кўпроқ социалистик реализмнинг сталинча талқинига мос келиб, ижодининг дастлабки давридан фарқли ўлароқ юксак бадиийликдан маҳрум. Айни пайтда А. Фитрат «янги маданият» оқимига ҳам бетараф муносабатда бўлди.

А. Фитрат ижодининг бир хил баҳоланмаганлигининг («илғор»—«консерватив»—«нейтрал») нима билан изоҳлаш мумкин? Бунинг сабаблари, назаримизда, қуйидагилар. Октябрь инқилобидан аввал А. Фитратнинг илғор фикрлари феодализм ғояларига очиқдан-очиқ зид келади. Инқилобдан кейин унинг ғоявий қарашлари (маълум даражада ўзгарган бўлса ҳам) тамоман янги идеология — марксча-ленинча идеологияга мос келмай қолади. Ва ниҳоят, В. И. Ленин вафотидан кейин, тоталитар, казарма социализми вужудга келиши билан А. Фитрат идеология саҳнасидан тушиб қолгандай бўлади. Шунинг учун ҳам биз И. Султонов ва С. Мамажоновнинг қуйидаги холисона фикрларига қўшиламиз: «Фитратни «марксча фикрловчи олим» сифатида тавсифлаш тарихий ҳақиқатга хилофдир. Кекса авлодга мансуб кишилар биладиларки... Фитрат ҳеч қачон бундай ёрлиққа даъвогар бўлган эмас. Аслини олганда, у бундай ёрлиққа муҳтож ҳам эмас. Чунки унинг ўзбек маданиятига, унинг шеърияти, драматургияси, насри, публицистикасиға, тил ва санъат соҳасига қўшган ҳиссаси шунчалик катта ва муҳимки, бундай ёрлиқсиз ҳам Фитрат бизнинг маданиятимиз тарихида фахрли ўрин эгаллайди» (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1988, 3 июнь).

Модомики, А. Фитрат «мустаҳкам» марксистик позицияда турмаган экан, унга бу қадар юқори баҳо бериш тўғри бўлармикин деган ўринли савол туғилади. Ҳолбуки, унинг атрофидаги истеъдодли (ҳам истеъдодсиз) ижодкорларнинг кўпчилиги шундай позицияда «турган эди». Бутун мамлакат умумий бўлган ғоявий дастурга ўтиш имконияти бор экан, нега у шундай имкониятдан фойдаланмади?

Шуни унутмаслик керакки, А. Фитратнинг ғоявий эволюцияси Ўзбекистондаги мураккаб сиёсий-фалсафий тараққиёт даврига тўғри келди. Бир жиҳатдан, ўша йилларда К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести»

(1925), В. И. Ленининг «Бизнинг программада миллий масала» (1926), «Кооперация ҳақида» (1927), «Давлат ва революция» (1929), «Пролетариат диктатураси ҳақида» (1929) каби асарлари, унинг «Ишчилар синфи ва партия» номли асарлар тўплами (1929) чоп этилди; Н. Яушевнинг «Социализм нима?» (1918), В. Суриннинг «Партия ҳақида Ленин таълимоти» (1925), У. Аҳмаднинг «Марксизм ва дарвинизм» (1925), А. Ҳакимнинг «Мужодаловий моддачилик» (1925), С. Гиринриснинг «Қарл Маркс таълимоти В. И. Ленин талқинида» (1926), Х. Мансуров ва Ш. Қамоловнинг «Империализм ва коммунизм сари йўл» (1926), Д. З. Мануильскийнинг «Пролетариат диктатураси даврида синфлар, партия ва давлат» (1926) каби китоблар нашр қилинди; Ҳ. Мусаевнинг «Фалсафада моддиюнлик ва маънавиюнлик» (1925), С. Шербекнинг «Модданинг абадийлиги» (1926) сингари мақолалари ва бошқалар босилиб чиқди. А. Фитратнинг ўзи эътироф этганидек, Маркс билан унинг туркчага яхши ўгирилмаган асарлари орқали ёшлик пайтидаёқ танишган. Кейинчалик эса Бухоро Компартияси программасининг муаллифларидан бири сифатида ҳамда Н. Наримоновнинг «Ленин ва Шарқ» (1924) асарини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида марксистик адабиётга такрор-такрор мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади. Бинобарин, уни пролетар идеологияси масалалари билан таниш эмасди дейиш тўғри бўлмайди.

Иккинчи жиҳатдан, у даврда марксизм-ленинизм классикларининг асосий асарлари Туркистон халқлари тилига ҳали таржима қилинмаган эди. Маҳаллий жамиятшуносларнинг ишларида эса юзаки таҳлил, жўн фикрлаш устунлик қиларди, ўлкадаги идеологик вазиятга исломнинг ҳам таъсири ниҳоятда кучли эди ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, истеъдодларга, шу жумладан беназир истеъдод соҳиби бўлган А. Фитратга ҳам илмий социализм ҳамда диалектик материализм билан етарли даражада танишишга имкон бермас эди. Бунинг устига ёш Абдурауф шаклланган фалсафий вазиятни позитивизм хукмронлиги даври деб атаса бўлади ва Фитрат бу оқим таъсиридан умр бўйи қутула олмади. Ўзининг биринчи публицистик асарларидан бўлган «Ҳинд сайёҳининг баёноти»-да (1911) у мазкур фалсафий оқимга ижобий муносабатини яширмайди, унинг алломаларидан бири — Ш. Сеньобосни «буюк француз профессори» деб атайди.

Шундай қилиб, Абдурауф Фитратнинг биринчи ишчи-деҳқон давлатининг расмий идеологияси бўлмиш марксизмни тўла қабул қила олмаслигига объектив сабаблар бўлган. Айни пайтда зиёлиларнинг ғоявий ихтилоф туфайли ижтимоий ҳаётдаги айрим ҳодисалардан норози бўлишининг субъектив сабаблари ҳам бор. Ана шундай сабаблардан бири инсоннинг мустақил, ўз шахсий фикрига эга бўлиши ва бу фикр халқ манфаатларига зид бўлмаса, уни рўёбга чиқариш ҳуқуқидир. А. Фитрат ҳам ана шу ҳуқуқдан фойдаланди. Бунинг оқибатида эса у сўздан маҳрум қилинди ва қамалди.

* * *

Энди А. Фитратнинг жамият ва воқеликка қарашлари, уларнинг вақт ўтиши билан ўзгариб бориши хусусида тўхталмоқчимиз.

Энг аввало А. Фитратнинг динга муносабатида сезиларли ўзгариш кўзга яққол ташланади. Чунончи, 1909 йилда «Қуръони каримнинг иноятлари-ю ҳадиси шарифнинг кароматларини дилга жо қилишга» даъват этган Фитрат орадан ўн тўрт йил ўтиб мўъжазгина «Қиёмат»ида исломнинг асосий ақидаларидан бирини ҳажв қилишгача бориб етади (тўғри, бу асарнинг биринчи нашрида шўрога қарши икки фикр бўлган, лекин уларни иккинчи нашрда муаллифнинг ўзи олиб ташлаган). Бу асари билан у Вольтер, Бертран Рассел, Салмон Рушдий каби ижодкорлар сафидан ўрин олди. 1929 йилга келиб эса «Худосизлар» журналида унинг динни аёвсиз танқид қилувчи ҳикоялари босилиб чиқади. Афсуски, бу ҳикоялар ҳозиргача адабиётшунослар томонидан муносиб баҳолангани йўқ. А. Фитрат динга муносабати кескин ўзгарганлигини бадиий асарларидагина эмас, публицистикасида ҳам очиқ эътироф этади: «Диний реформа... мени динсизликка олиб борди. Дин хурофотдан ажралса нари томонда ҳеч бир нарса қолмаганини кўрдим. Диннинг фан билан ҳеч вақт келиша олмаганига ишондим ва шунинг натижасида диндан қайтдим, динга қарши фикр тарқатдим» («Қизил Ўзбекистон». 1929, 15 сентябрь).

А. Фитратнинг илм-фанга муносабати ҳам эътиборга лойиқ. У 1909 йилдаёқ бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Илм мамлакатнинг гуллаб-яшнаши омили. Илм халқ тараққиётининг гарови. Илм шундай бир кучки, у ярим яланғоч (лунги ўранган) амирколикларга юксак маданият ва қудрат ато этди. Илмсизлик эса маърифатли форсларни забун қилди... Илм шундай бир қуролки, у инглизларни Ҳиндистон, Миср, Белужистон ва Арабистонга ҳукмрон қилди... Илм шундай аслаҳаки, у туркийлар ўлкасини илмдан бебаҳралидан ғайрлар қўлига топширди. Худди шунингдек илм ва илмсизлик уч тусли фарангий байроғини Феснинг мусулмлари боши узра ҳилпиратди» (Ф и т р а т. Спор бухарского мударриса с европейцем в Индии о пользе новометодных школ. Ташкент, 1911. с. 15). Кейинчалик муаллиф умуман тўғри бўлган ушбу жумлалардан «ғайрлар» ҳамда «муслимлар» ҳақидаги фикрларни олиб ташлайди.

А. Фитратнинг динга бўлган муносабати билан баробар ижтимоий қарашлари ҳам ўзгариб борганлигини кўрамиз. Аввало шуни айтиш керакки, у йўқсиллар манфаатини эмас, балки буржуйлашган бухоро савдогарлари, руҳонийлар ва ниҳоят Шўро ҳукумати билан ҳамкорлик тарафдори бўлган маҳаллий зиёлилар манфаатини кўзлаб иш тутади. Чунончи, 1915 йилда «миллатимизнинг ҳаёт-мамоти савдогарлар қўлида», шу боисдан ҳокимиятни «руҳонийлар қўлидан аҳли тижоратга» олиб бериш даркор деб ёзади (Фитрат. Раҳбари нажот.— Петербург. 1915.— с. 186—187, форс тилида).

1929 йилда А. Фитрат Октябрдан кейинги дастлабки йилларидаги фаолиятини эслаб шундай деб ёзган эди: «... коммунистлар фирқасининг миллий масалани тўғри ҳал қилмоқда бўлгани ва мустамлакачилик асосларини емиришда кескин йўл тутгани кун сайин очиқ кўрина бошлагани ўзбек миллатчиси бўлиб туришда ҳам маъқул бир сабаби қолмаган эди. Биз бирта-бирта ўз хатоларимизни эътироф қила-қила фирқа сафига ўтдилар ва бор кучлари билан бу кунгача хизмат қилмоқдамиз» («Қизил Ўзбекистон». 1929, 15 сентябрь). Умрининг охиригача у ана шу принципга амал қилди.

А. Фитратнинг кишилик жамияти тарихини даврлаштиришга бўлган ёндашуви ҳам диққатга сазовор. Октябрь инқилобидан илгари ёзилган асарларида у ўтмишни илк ислом (инсон «Қуръони каримнинг иноятларию ҳадиси шарифнинг кароматларини англаган» давр), ортодоксал ислом («инсон ақл-заковати ислом ҳақиқатини сарҳадлар оша парвоз қилдирган» давр) ҳамда замонавий ислом даври (ислом схоластикасидан воз кечиш талаб қилинган давр)га бўлади. (Спор бухарского мударриса.— с. 6, 17). 20-йиллар охирига келиб А. Фитрат ижтимоий-иқтисодий тараққиётни марксча тушуниш йўлида катта қадам қўяди: масалан, Ўзбекистоннинг инқилобгача бўлган тарихини ибтидоий жамоа, феодал тузум ҳамда «савдо капитализми» деб уч даврга бўлади (Ўзбек адабиёти намуналари.— Самарқанд, 1928, 3-бет).

А. Фитратнинг жамиятнинг синфий табақаланиши масаласига доир қарашлари ҳам тадрижан ривожланиб боради. Чунончи, 1910 йилда у бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Бухоро аҳолиси уч табақа, яъни уламо (руҳонийлар ҳам), ҳукмронлар ва фуқародан иборат... Ҳукмронлар ўз навбатида дўкондор, савдогар ҳамда ворисларга бўлинади» (Ф и т р а т. Рассказы индийского путешественника.— Самарканд, 1913. с. 2, 3) 1919 йилда бўлса, А. Фитрат жамиятимиз «хон», «мулло», «ишчи» ва «деҳқон»дан шаклланган деб ёзади. Айни пайтда жамиятни табақаларга ажратишда «очкўз мустабидлик», «мустамлакачиларга сотилғонлик» каби белгиларга ҳам асосланади (Ф и т р а т. Шарқ сиёсати.— 17-бет.) 30-йилларга келиб, А. Фитрат жамиятни синфларга ажратишда яна бир поғона баланд кўтарилади. У ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабат ва «синфий манфаат» каби белгиларга таяниб иш тутади.

Навқирон Абдурауф ўз замонасидаги ижтимоий ўзгаришларга қодир куч деб Бухоро савдогарларини билади, чунки улар «ризқини ҳалол меҳнат қилиб топади» деб ўйлайди (Рассказы индийского путешественника.— с. 86.), халққа эса ёрдамчи куч деб қарайди («Халқ сай-ҳаракат қилмаса, ҳеч нарса ўзгармайди... Ислоҳчи учун халқнинг мададидан ишончлироқ восита йўқ»). Халқ оммасининг ролига етарли баҳо бермаслик маълум даражада 20-йилларнинг биринчи ярмида

яратилган асарларида ҳам учрайди («Абулфайзхон», «Арслон» ва бошқалар). 30-йилларда А. Фитрат ўз ғоявий позициясида яна олдинга кетади. У энди «ҳар қандай масалани таҳлил қилиш ва холисона баҳолаш учун пролетариат манфаатини кўзлаб иш тутиш даркор» деб ёзади (Социалистическая наука и техника. 1934. № 10—11, с. 19).

А. Фитрат социологиясида сиёсий ташкилот ва унинг жамиятда тутган роли билан боғлиқ масалалар ҳам сезиларли ўрин эгаллайди. 1910 йилда сиёсий ташкилотни «ўз вазифасини тўғри англаб, халқнинг аҳволини яхшилаш учун астойдил интилувчи тадбиркор кишилар уюшмаси» (Рассказы индийского путешественника.— с. 27.) деб баҳолайди. Аммо Октябрь инқилобидан сўнг Абдурауф Фитратнинг сиёсий ташкилотга муносабатида кескин ўзгариш рўй беради (адолат юзасидан шуни айтишимиз керакки, энди у Ленин партияси ҳақида умуман салбий фикр айтмайди).

А. Фитрат социологиясини таҳлил қилар эканмиз, унинг ҳокимият масаласига муносабатини ҳам тилга олмай бўлмайди. Бухоро Компартияси сафига кирмасидан бурун у парламентар амирлик тарафдори эди, кейинчалик эса Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш тарафдори бўлди.

* * *

Хулоса қилиб айтганда, А. Фитратнинг сиёсий-фалсафий қарашларида ўша давр зиёлилари учун хос бўлган буржуача либерал хомхаёлликнинг инқирози ўз аксини топади. Ижодида дин, фан, кишилик жамиятининг тарихи ҳақидаги изчил идеалистик тасаввурлар, сўнгра, жамиятнинг синфий табақаланиши, синфий кураш, ижтимоий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи, сиёсий партиялар, ҳокимият формаларини англаш методологик ориентир вазифасини бажарди. 30-йилларга келиб А. Фитрат социализмни эътироф этади ҳамда уни қабул қилади.

Самарқандлик журналхонларимиздан К. Ғаниев редакцияга хат йўллаб Ўзбекистонда деҳқончилик меҳнатини кооперациялашнинг илк одимлари ҳақида маълумот беришимизни сўрабди. Унинг илтимосини адо этамиз.

ЎЗБЕКИСТОНДА КООПЕРАЦИЯНИНГ ДАСТЛАБКИ ЭНГ ОДДИЙ ШАКЛЛАРИ

В. И. Ленин мамлакатимизда социалистик революция ғалабасидан сўнг кооперация ҳаракатининг икки босқичини аниқ белгилаб берган эди. Биринчи босқичда пролетар давлатининг ҳар тарафлама ёрдамида меҳнаткаш деҳқонлар билан ҳунармандларнинг кооперациянинг энг оддий шаклларига бирлашуви содир бўлиши керак (қаралсин: Тўла асарлар тўплами, 45-том, 415-бет). Бу ишнинг якунловчи босқичини В. И. Ленин қуйидагича таърифлаган эди: «Ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк бўлиб, пролетариат буржуазия устидан синфий ғалаба қозонган бир шароитда цивилизацияли кооператорлар тузуми...— социализм тузумидир» (ў ш а ж о й д а, 418—419-бетлар). Бунда кооперацияни социалистик мулкнинг шаклларидан бири деб тушунилади. Туркистонда деҳқонлар ўртасида кооператив ҳаракати 1923 йилда, босмачиларнинг асосий кучлари йўқ қилинганидан кейингина кенг қулоч ёзди. Меҳнаткаш деҳқонларнинг сиёсий фаоллигини оширишда, уларни совет тузумига жалб этишда камбағаллар комитетлари ва уюшмалари, «Қўшчи» союзи сингари жамоат ташкилотлари катта ўрин тутди.

Қамбағаллар комитетлари РСФСР Марказий Ижроия Қомитетининг 1918 йил 11 июндаги декрети асосида тузилган эди. Улар зиммасига қишлоқлардаги озиқ-овқат запасларини ҳисобга олиш, қулоқлардан ортиқча озиқ-овқатларни тортиб олишда давлат органларига кўмаклашиш, қишлоқ хўжалик ашёлари ва саноат молларини тақсимлаш, экиш ва йиғиб-териш ишларини ташкил этиш, деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ғалла чайқовчилигига қарши кураш олиб бориш ва бошқа вазифалар юклатилган эди.

Туркистон АССРда камбағал ва чорикорларнинг дастлабки комитети 1918 йил июнида Фарғона область Шаҳрихон волостининг Юқори Шаҳрихон қишлоғида тузилди. Кейинчалик бундай комитетлар республиканинг барча қишлоқлари ва областларида пайдо бўлди. Улар 1918 йил ноябрига қадар фаолият кўрсатдилар. Шундан кейин Советларнинг VI Фавқулодда Бутун Россия съезди қарори билан улар қишлоқ Советларига қўшилиб кетди.

Туркистон Қоммунистик партиясининг V съезди «Қишлоқдаги ишлар тўғрисида»ги резолюциясида партия ташкилотининг деҳқонларни кооперациялаш соҳасидаги вазифаларини белгилаб берди. ТКП МК 1920 йил 3 ноябрда меҳнаткаш деҳқонлар союзи тўғрисида қарор қабул қилди. Ўроқчилар, мардикорлар, меҳнат нормасида белгиланганидан ери оз бўлган боғбонлар, меҳнаткаш чоракорлар, кўшчи деҳқонлар, асосан деҳқончиликка оид ишлар билан машғул қишлоқ косиблари союзга аъзо бўлиши мумкин эди. Меҳнаткаш деҳқонларнинг ана шу «Қўшчи» деб ном олган союзи кўнгилли, демократик асосда иш юритувчи ижтимоий-профессионал ва социал-иқтисодий ташкилот бўлиб, ТКП Марказий Қомитети, область, уезд комитетлари ҳамда қишлоқ партия ячейкалари раҳбарлиги остида фаолият кўрсатди. «Қўшчи» союзининг амалий вазифалари қишлоқ камбағалларининг хўжалик турмушида коллективчилик кўникмаларини ўстиришдан, яъни ерларни биргаликда шудгорлаш, қишлоқ хўжалик ашё ва ускуналаридан коллектив тарзда фойдаланиш, ирригация ишларини биргаликда бажариш, ёрдамчи корхоналар барпо этиш, совет хўжаликлари (совхозлар), тажриба станциялари, уруғчилик плантациялари ва ҳоказоларни ташкил этишда тенг асосда қатнашишдан иборат эди.

Ўзбекистон ССР ташкил этилган 1924 йилга келиб кооперациялашган деҳқонлар Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки ва Туркистон кооперативлари қишлоқ уюшмасига бирлашган эди. Туркистон кооперативлари қишлоқ уюшмаси таркибига техника экинлари ва тўқимачилик саноати учун хом ашё (пахта, ипак, жун) етиштирувчи кооперативлар, махсус кредитчи ширкатлар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик кооператив бирлашмалари ҳам кирар эди. Бундан ташқари уюшма мавжуд ширкатлар

фаолиятини такомиллаштириш, уларни ва бошқа кооперативларни кредитлар, ашё ва ускуналар билан таъминлаш билан шуғулланар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишга ва уларни қайта ишлашга кўмаклашарди.

Таркибида 32 бошланғич кооператив ячейкаси бўлган Самарқанд ва 25 кооператив ячейкаси бўлган Фарғона союзлари айниқса муваффақиятли иш олиб борди. Кейинчалик Тошкентда, Андижон ва Каттақўрғонда қишлоқ хўжалик кооперативларининг район уюшмалари барпо этилди. Масалан, Тошкент район уюшмасига — 108 ширкат, Мирзачўл уюшмасига — 14, асосан пахтачилик ва ғаллачилик ширкатлари бирлашган эди. Бухоро ва Хоразмнинг ўтроқ зоналарида кооператив ҳаракати анча кенг қулоч ёйди.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки Туркистон АССР билан бир қаторда Бухоро ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаларини ҳам кредит билан таъминлаб турди. Банк қошида кредитчи ширкатлар тармоғи барпо этилган эди.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ҳамда миллий совет республикалари тузилиши қишлоқ хўжалик кооперацияси ривожини бошлаб берди. Ўзбекистонда 1925 йилда 722 ширкат, шу жумладан пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланувчи — 625, ғаллачилик билан шуғулланувчи — 33, боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи — 19, пахтачилик ва полизчилик билан шуғулланувчи — 6, пахта, беда-ғалла етиштирувчи — 19, боғдорчилик-узумчилик ҳамда пахтачиликка ихтисослашган — 16 ва 4 та бошқа кооператив бор эди. Жами деҳқон хўжаликларининг 31,8 фоизи уларга бирлашган эди.

Қишлоқ хўжалик кредит кооперацияси жадал ривожланиб борди. 1924 йил февралида республикада 523 та кредитчи ширкат бор эди, 1925 йил октябрига келиб уларнинг сони 723 тага етди; шу давр ичида кооперацияга бирлашган деҳқонлар сони кўпайиб 141,9 мингдан 269,8 минг кишига етди. Кооператив уюшмаларнинг аксарияти пахтачиликка ихтисослашган эди. Жумладан, Андижон район қишлоқ уюшмасидаги 120 ширкатнинг ҳаммаси, Наманган ва Қўқон район уюшмаларига қарашли ширкатларнинг 70 фоизи шундай эди. Бошқа қатор районларда пахтачилик ширкатлари учдан биргача бўлган улушни ташкил этарди.

1925 йилдан эътиборан Ўзбекистонда қишлоқ коммуналари кенг оммалаша борди. Аҳолининг қашшоқ қатламлари ташаббуси билан 1918—1919 йиллардаёқ тузила бошлаган бундай коммуналарнинг аксарияти кейинчалик мамлакат янги иқтисодий сиёсатга ўтгач, тарқаб кетди. Коммуналардан асосан ўртаҳоллар кетиб қолдилар. Чоракорлар ҳамда деҳқонларнинг йўқсил қисми коллектив тарзда (артеллар, коммуналар, ширкатлар йўсинида) деҳқончилик қилишда давом этдилар. Ўтказилган ер ислоҳоти бу шаклларнинг тикланишига олиб келди. Ерларни биргаликда ишлаш юзасидан ширкатлар тузилди. Бунинг учун эса ҳўкиз, омоч ва бошқа ашё ҳамда ускуналар бирлаштирилди. Наманган уездида, масалан, жами 2561 киши аъзо бўлган 155 артель фаолият кўрсатди.

Ер-сув ислоҳоти муваффақиятли ўтган Фарғона, Самарқанд ва Тошкент областларида 1925—1926 йиллар мобайнида янгитдан 503 артель тузилди. 1930 йилга келиб республикада асосан пахтачилик артелларига бирлашган 29,2 минг хўжалик бор эди. Ўзбекистонга 1923—1924 йиллардаёқ трактор, плуглар, сеялкалар, бороналар, окучниклар сингари қишлоқ хўжалик техникаси кела бошлаган эди. Бу техника давлат ташкилотлари тасарруфида бўлиб, асосан уларнинг хўжаликларида (совхозларда) ишлатилди. Баъзи қишлоқ хўжалик кооперативлари ҳам бундай техникалардан сотиб олиб, машина ширкатлари туздилар. Техникадан самарали фойдаланиш мақсадида 1928 йил бошларида машина ижара пунктлари барпо этилди. Бу пунктлар деҳқончилик юмушларини механизациялаш ишларини амалга оширдилар.

1928 йил охирларига келиб Ўзбекистонда ишлаб турган 9 машина-прокат пункти ихтиёрида 137 та ҳар хил системадаги плуг, 108 борона, 64 сеялка, 252 окучник, 289 культиватор бор эди. Кейинчалик тракторларни ҳам уларнинг ихтиёрига беришди. Бундай пунктлар 1929 йилдан пайдо бўла бошлаган машина-трактор станцияларини ташкил этишда катта роль ўйнади.

Бу вақтга келиб деҳқонларнинг 98,9 фоизи ҳар хил қишлоқ хўжалик ширкатларига жалб этилган эди. Республикада 1888 пахтачилик, 442 ғаллакорлик, 263 пиллачи, 250 чорвачилик, 205 мева-узумчилик ширкатлари мавжуд эди. Шундай қилиб, 1930 йилнинг бошларида деҳқонлар ихтиёрий равишда ишлаб чиқариш кооперацияси нинг бошланғич шакли — ерни биргаликда ишлаш ширкатларида ишламоқда эдилар.

Афсуски, кооперацияни ривожлантириш нинг дастлабки босқичи поёнига етказилгани йўқ: деҳқон хўжаликларини умумлаштириш жараёнини «тезлатиш» натижасида бу иш амалда барбод этилди. ВКП(б) XV съезди гарчи деҳқонлар оммаси, айниқса ўртаҳоллар тайёр бўлмаса ҳам, партия эътиборини қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга қаратдики, бу нарса маъмурий зўрлаш ва тазйиқ ўтказиш усулларидан фойдаланишга олиб келди.

М. ВАҲОБОВ,
тарих фанлари доктори.
Ш. ҒАФФОРОВ,
А. Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг XX аср сиёсий тарихи кафедраси ассистенти.

ҚИТОБЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Н. С. Султанов. **Совершенствование территориальной организации промышленного производства трудообеспеченного региона (на материалах Узбекской ССР).**

Ташкент, «Фан», 1989, 180 с.

Муаллиф саноат ишлаб чиқаришини территориал жиҳатдан ташкил этишнинг методологик ва методик масалаларини кўриб чиқади, унинг объектив шартларини кўрсатади, уни такомиллаштириш концепцияси ва мақсадлари системасини олға суради. Китобда прогноз қилишнинг турли усуллари, моделлари ва кўрсаткичлари, иқтисодий самарадорликни ҳисоблаб чиқиш формалари таклиф этилган. Халқ хўжалиги тармоқлари жойлаштирилишини планлаштиришнинг мураккаблиги туфайли, шунингдек асосий иқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиш учун иқтисодий-математик модель, чунончи Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишини тасвирловчи эконометрик модель тузилган (46—61-бетларга қаралсин).

Монографияда саноат ишлаб чиқаришини территориал жиҳатдан ташкил этишнинг ҳозирги аҳволи таҳлилига катта ўрин ажратилган. Статистика маълумотлари асосида Ўзбекистон ССРнинг ишлаб чиқарувчи кучлари системасида саноатнинг ўрни ва роли кўрсатиб берилган. Унинг ҳиссасига 1987 йилда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 57,8 фоизи, асосий ишлаб чиқариш фондларининг 23,6 фоизи ва халқ хўжалигида ишловчилар миқдорининг 20 фоизи тўғри келди.

Саноатни территориал жиҳатдан ташкил этишнинг регионал хусусиятларини таҳлил қилар экан, муаллиф у республиканинг иқтисодий жиҳатдан кучсиз регионлари — Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Хоразм областларида тезроқ суръатлар билан ривожланиши кузатилди, деган хулосага келади. Саноатнинг ўсиш даражаси индекси 0,5 дан кам областлар сони 1970 йилдаги 5 тадан 1985 йилда 2 тага тушди.

Н. Султонов Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган жиддий камчиликларни ҳам, жумладан саноат ўсиши суръатлари билан мавжуд меҳнат ресурслари ўртасидаги номутаносибликни кўрсатиб ўтади. Бир қатор жойларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига ҳисоблаганда республикадаги ўртача даражадан икки марта паст.

Саноатнинг территориал жиҳатдан ҳозиргидай ташкил этилиши Ўзбекистон ССР ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишини муайян даражада сусайтирмоқда. У асосан катта шаҳарларда тўпланган. Шу вақтнинг ўзида бўш меҳнат ресурслари ва хом ашё базаси мавжуд бўлган кичик ва ўртача шаҳарларда, йирик қишлоқ аҳоли пунктларида у етарлича ривожланган эмас.

Монографияда 2010 йилгача бўлган истиқбол учун саноат ишлаб чиқаришини территориал жиҳатдан ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари илмий асослаб берилган. Уни жадал ривожлантиришнинг омилларидан бири республика аҳолисининг меҳнатга лаёқатли қисми ўсишининг юксак суръатлари бўлиб, у умумиттифоқ кўрсаткичларидан 3 марта илдамдир. Муаллифнинг фикрича, мана шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда энг аввало сермеҳнат ва илмталаб тармоқлар (электротехника, электрон, асбобсозлик, радиотехника ва бошқалар), шунингдек тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати жойлаштирилиши керак.

Саноат ривожланишининг мақбул йўлларини танлаб олиш учун олдиндан айтилаётган кўрсаткичларнинг энг кам, ўртача ва энг кўп даражада аҳамиятга молик бир нечта варианти ишлаб чиқилган. Оғир саноатнинг улуши 2010 йилгача 57,4 фоизгача ортиши, пахта тозалаш тармоғининг солиштирма салмоғи 15,1 фоизгача камайиши керак. Бунда оғир саноат тармоқларининг таркиби ҳам сифат жиҳатдан ўзгаради. Масалан, машинасозлик ва металлга ишлов

бериш соҳаси буюмлари тайёрлашни ялпи саноат маҳсулоти умумий ҳажмида 27,1 фоизгача кўпайтириш планлаштирилмоқда. Шу билан бирга пахта тозалаш тармоғи солиштирма салмоғи қисқартирилиши ҳисобига енгил саноат улуши бирмунча камаяди.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш резервларидан янада тўлароқ фойдаланиш, янги корхоналарни рационал жойлаштириш натижасида республика индустриясининг территориал структураси жиддий ўзгариши керак. Муаллифнинг ҳисоб-китобига кўра Ўзбекистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилишида Андижон, Қашқадарё ва Наманган областларининг роли ортади. Шу билан бир вақтда Фарғона, Тошкент областлари ва Тошкентнинг солиштирма салмоғи камаяди (151—165-бетларга қаралсин).

Афсуски, асарда саноат ишлаб чиқаришини территориал жиҳатдан жойлаштириш самарадорлигини оширишнинг баъзи омиллари етарлича ҳисобга олинмаган. Чунончи, корхоналарни жойлаштириш масаласини экологик муаммолар билан боғлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ёқилғи, металлургия, химия ва нефть химияси тармоқларининг ривожланиш истиқболлари уларни минерал-хом ашё ресурслари билан таъминлаш нуқтаи назаридан асослаб берилмаган. Республика саноатини территориал бошқариш масалалари эътибордан четда қолган.

А. СОДИҚОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

КПСС тарихи ва партия қурилиши соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган диссертациялар мавзулари

КПСС тарихи ва партия қурилиши соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи Бутуниттифоқ Кенгаши 1989 йилда қайта ташкил этилгач, докторлик диссертацияларининг мавзуларини тасдиқлаш вазифалари республика кенгашлари ихтиёрига ўтди. Шу муносабат билан Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши Ўзбекистон Компартияси тарихига доир илгари тасдиқланган (лекин «Вопросы истории КПСС» журналида эълон қилинмаган) докторлик диссертациялари мавзулари ҳақида ҳам хабардор қилади.

НОМЗОДЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ

АБУОВ А. П.* Ўзбекистон Компартиясининг студент ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялашга доир фаолияти: тажриба ва муаммолар (1976—1986 йиллар).

АБДУСАМАДОВ В. А. (Тошкент). Ўзбекистон партия комитетларининг қайта қуриш шароитида бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш соҳасидаги фаолияти.

БОНДАРЕНКО А. В. (Тошкент). Партия ваколатли органларининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий-сиёсий фаолияти (1920—1926 йиллар).

ГРИШИН А. А. Ўзбекистон Компартиясининг бинокорлик индустриясини ривожлантиришга доир фаолияти (1981—1990 йиллар).

ДМИТРИЕВ В. Н. (Тошкент). Қайта қуришни партиявий-ташкилий жиҳатдан таъминлаш. 1985—1993 йиллар (Ўзбекистон Компартияси материаллари асосида).

ДУБРАВИН Ю. И. (Тошкент). Ўзбекистон индустрияси ишчилар синфининг миллий кадрлари ривожланишига партия раҳбарлиги (1946—1961 йиллар).

ДЯТЛОВ В. Г. (Тошкент). Ҳозирги индустриал шаҳар газетаси партия идеологик ишининг таъсирчан воситаси сифатида (Ўзбекистон шаҳар газеталари материаллари асосида, 1980—1990 йиллар).

ИНАТОВ М. Н. (Тошкент). Алоҳида вазифали отрядларнинг Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга доир фаолиятига партия раҳбарлиги (1917—1924 йиллар).

ИШХОНОВ С. Э. (Тошкент). Партия ишини қайта қуришнинг совет жамиятини демократиялашга таъсири (Ўзбекистон Коммунистик партияси материаллари асосида).

ЛИ Д. М. Ўзбекистон Компартиясининг республика меҳнаткашларини Улуғ Ватан уруши йилларида жипслаштириш соҳасидаги фаолияти.

НАЙИМОВ Р. Н.** Ўзбекистон Компартиясининг республика қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш ва электрлаштиришни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги фаолияти (1956—1965 йиллар).

ПЕЧЕНКИНА Т. К*** (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг республикада Улуғ Ватан уру-

---

* Илгари тасдиқланган мавзу ўрнига.

** Илгари тасдиқланган мавзу ўрнига.

*** Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 1988 йилда тасдиқланган номзодлик диссертациялари мавзулари рўйхатидан ўчирилади.

ши йилларида соғликни сақлашни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти (1941 йил июнь — 1945).

ПОДГОРНИЙ П. А. (Тошкент). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ўқувчи ёшларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш соҳасидаги фаолияти (1981—1990 йиллар).

ПОТАПОВА В. А. (Тошкент). Партия ташкилотларининг қайта қуришни идеологик таъминлаш соҳасидаги фаолияти (1985—1990 йиллар).

РАУПОВ С. С. (Бухоро). Ўзбекистон Компартиясининг республика ишчилар синфини тўлдириш манбаларидан оптимал фойдаланишга сиёсий раҳбарлиги (1981—1990 йиллар).

САИДОВА Қ. Қ.* (Тошкент). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг студент-ёшларни интернационал-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти (1981—1990 йиллар).

СОДИҚОВ Т. А. (Тошкент). 20—30-йилларда Ўзбекистонда капитал қурилишга партия раҳбарлиги тажрибаси.

САМОЙЛОВА Л. П. (Тошкент). Ўзбекистон комсомол ташкилотларининг революцион-демократик ўзгартишларни амалга оширишдаги иштироки (1925—1929 йиллар).

СИДДИҚОВ Р. Б. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ўрта махсус таълимни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти (1946—1961 йиллар).

СИРОЖЕВ Б. Т. (Тошкент). Ўзбекистоннинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи саноатига партия раҳбарлиги: тажриба ва муаммолар (1981—1990 йиллар).

ТОЖИЕВ А. А. (Тошкент). Улуғ Ватан уруши йилларида ишчи ёшлар меҳнат активлигини таъминлашда Ўзбекистон комсомолининг роли (1941—1945 йиллар).

ТОЖИБОЕВ А. А.* (Тошкент). Ўрта Осиё республикалари Компартияларининг ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиши (1925—1945 йиллар).

ХАЧАТУРОВ А. А. (Тошкент). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Улуғ Ватан уруши йилларида ёшларни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашга раҳбарлиги (1941—1945 йиллар).

ХУДОЙБЕРДИЕВ Ш. Х. (Самарқанд). Туркистонда чет эл коммунистик секцияларининг барпо этилиши ва ривожланиши (1918—1921 йиллар).

ЙЎЛДОШЕВ М. М. (Андижон). Ҳунар-техника таълими системасида малакали ишчи кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда Ўзбекистон комсомолининг роли (1959—1965 йиллар).

* Илгари тасдиқланган мавзу ўрнига

Редакция адреси: 700000, Тошкент -11. «Правда» газетаси кўчаси, 41.
Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01, 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул котиб — 32-58-03, 33-60-42; масъул котиб ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: илмий социализм назарияси ва амалиёти — 32-58-65; тарих ва халқаро ҳаёт — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иқтисодий проблемалар 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; хатлар, ахборотлар, танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 4.06.1990 йил. Босишга рухсат этилди 22.06.1990 й. Формати 70×108[1]/16.
Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар 8,6.
Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 32219 (ўзбек тилида — 21679, рус тилида — 10540)
Буюртма № 3409. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ISSN 0134—2193 «Ўзбекистон коммунисти» 7, 1—96.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

БУ СОНДА ЎҚИЙСИЗ:

Ўзбекистон Компартияси қайта қуришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

●

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳужжатлари

●

Фалсафий билимга янгича ёндашиш ҳақида

●

Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатлари

●

Касаба союз ҳаракатини қайта қуриш йўллари

8 . 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 8
АВГУСТ
1990 йил

1921 йил февралидан чиқа бошлаган

ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Съезд шуни таъкидлайдики, давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларидаги коммунистлар партия йўлини қатъият билан ўтказишга, топширилган иш учун масъулият намунасини кўрсатишга, ўз ишлари билан КПСС обрўсини оширишга мажбурдирлар. Ҳозирги пайтда коммунистлар учун жумҳуриятни миллий ва ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги марраларига олиб чиқиш учун барча соғлом кучларни жипслаштиришдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
Сиёсий маърузаси юзасидан
Ўзбекистон Коммунистик партияси
XXII съезди резолюциясидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

4—6 июнь кунлари Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII ъезди бўлиб ўтди.

Съездни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи екретари, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов очди.

Делегатлар съезднинг раҳбар органларини: ҳайъат, секретариат, таҳрир а мандат комиссияларини сайладилар. Ўзбекистон Компартиясининг сайлаб ўйиладиган органлари таркибига оид таклифларни ишлаб чиқиш комиссияси айланди.

Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланди:

1. Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг уверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлаат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг рни ва мавқеи ҳақида. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий аъруззасн.

2. Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига «Инсонпарвар, емократик социализм сари» Ҳаракат дастурининг лойиҳаси тўғрисида.

4. КПСС Устави лойиҳаси ҳақида.

5. «Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисида»ги ниом ҳақида.

6. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини; Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясини сайлаш.

7. КПССнинг марказий органлари таркибига Ўзбекистон Компартиясидан ўрсатиладиган номзодлар тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзекистон ССР Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Коммунистик партиясиинг XXII съездига Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузасини қилди.

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тўғрисида комиссия раиси М. А. Зоидовинг маърузаси тингланди.

Музокараларда: Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. С. Ёдгоров, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секреари С. Д. Ниетуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг раиси). Э. Ёқубов, Самарқанддаги «Кинап» заводи партия комитетининг секретари . С. Паряева, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фоилбеков, «Каршистрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасига қарашли Каршинирмонтаж» тресги 1-махсус механизациялашган кўчма колоннасининг лектр монтажчилари бригадири Р. Рўзиев, Тошкент область партия комитетининг екретари Ш. Н. Маҳмудова, Фарғона кўн заводининг бригадири Б. Т. Нурматов, Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири Ў. Ҳошимов, Жиззах область Лирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхознинг звено бошлиғи Н. В. Стряпшеа, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси правлениесининг раиси Б. Р. Қориева, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. А. Айдарқулов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Миллатлараро муносабатлар, тил ва интернациоал тарбия масалалари комиссиясининг раиси П. Қодиров, Самарқанд область артия комитетининг биринчи секретари П. М. Абдураҳмонов, Ўзбекистон касаба юшмалари кенгашининг раиси Ҳ. Алимова, Наманган уйсозлик комбинатининг ошлиғи А. Икромов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секрета- и А. Р. Отажонов, Андижон область уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг

раиси Т. Р. Каримова, Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Тошкент областининг Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сут соғувчиси М. Исоқова, Хоразм областининг Хива районидаги 20-болалар уйи директори В. Б. Пак, Сурхондарё область Сариосиё район партия комитетининг биринчи секретари И. Суинатов, «Экономика и жизнь» журнали бош муҳаррири вазифасини ижро этувчи И. М. Хушев, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Носиров, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ижроия комитети Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаев, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Ғ. Ғуломмаҳмудов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд мандат комиссиясининг раиси Т. А. Алимовнинг маърузасини тинглади ва тасдиқлади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг республика коммунистларига, барча халқларига миллатлараро муносабатлар масалаларига оид мурожаатномаси қабул қилинди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади. У делегатлардан тушган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги ишини қониқарли деб топди ва Марказий Комитетнинг кейинги вақтда ўтказаётган сиёсий йўлини маъқуллади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездига Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузаси, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари юзасидан резолюциялар қабул қилинди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузасини тасдиқлади.

Съезд делегатларнинг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги масалага оид таклифи юзасидан резолюция қабул қилди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом» тасдиқланди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитетини ва Ўзбекистон Компартиясининг Назорат-тафтиш комиссиясини сайлади.

Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

Съезд КПСС Марказий Комитетига ва КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссиясига тавсия этиладиган номзодлар юзасидан таклифларни тасдиқлади.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига КПСС XXVIII съезди якунларини ва унда қабул қилинадиган қарорларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларининг ваколатларини сақлаб қолган ҳолда съезд ишини давом эттириш имкониятини кўриб чиқишни топширди.

Делегатлар 6 июнда очилган Қозоғистон Коммунистик партиясининг XVII съездига табрикнома юбордилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Лобко, шу бўлимнинг сектор мудири Н. И. Семёновлар қатнашди.

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ БОРИШИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ СУВЕРЕНИТЕТИНИ ВА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИ, МАМЛАКАТ ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ ЯНГИ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА МАВҚЕИ ҲАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИГА СИЁСИЙ МАЪРУЗАСИ

Маърузачи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ

Ҳурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ўз ишини мураккаб, кескин, айтиш мумкинки, инқирозли вазиятда бошламоқда. Унинг муҳокамасига шундай масалалар қўйилмоқдаки, жумҳуриятнинг, республика партия ташкилотининг ҳозирги аҳволи ва келажаги, қолаверса, бутун мамлакатнинг, бутун партиянинг ҳозирги аҳволи ва келажаги ҳам шу масалаларнинг ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Жумҳурият меҳнаткашлари съездимиздан ҳаммани безовта қилиб турган, жуда ўткир муаммоларга жавоблар кутмоқда.

Ижтимоий-сиёсий соҳада рўй бераётган жараёнлар ҳаммани ташвишга солмоқда. Қайта қуриш туфайли юзага келган демократия ва ошкоралик анархия ва афсатабозликдан етарлича ҳимоя қилинган эмас. Давлат тузумимиз, сиёсий, ижтимоий тузумимиз асосларига тобора кучли ҳужумлар қилинмоқда. Интизом ва тартиб кўнгилдагидек эмас, жиноятчилик кўпаймоқда, одамларнинг шахсий хавфсизлиги, ҳуқуқлари ва қадр-қиммати кафолатлари бузилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларнинг аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Меҳнат унумдорлиги, миллий даромад пасаймоқда. Эҳтиёж буюмлари ва керакли хизматлар билан таъминланмаган иш ҳақининг ўсиши пулнинг қадрсизланишини кучайтирмоқда. Чайқовчилик, порахўрлик, номатлуб (пинҳоний) иқтисодиёт кенг ёйилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси одамларнинг, айниқса кам даромадли аҳоли табақаларининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатаяпти.

Маданий-маънавий турмушда қадрсизликлар рўй бермоқда: омма сиёсатга кўпроқ қизиқиб, унинг фаоллиги ошиб бориши билан бирга, жамиятнинг ғоявий ва ахлоқий негизларини бузишга, умуминсоний қоидалар ва миллий қадриятларни менсимасликка уриниш ҳоллари кам эмас.

Ижтимоий ва миллатлараро можаролар қалтис тус олди. Болтиқбўйидаги, Кавказортидаги вазият буни очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Бу жойлардаги воқеалар граждан уруши ҳолатига хатарли равишда яқинлашиб қолди. Биринчи май куни Москванинг Қизил майдонидаги намойишчиларнинг бир қисми партияга, Советларга қарши фашистларча шиорлар билан чиққанлиги ҳам шундан далолат беради.

Мамлакатнинг ҳамма жойларида бўлгани каби жумҳуриятимиз коммунистлари, меҳнаткашлари мана шу **бузғунчилик жараёнларидан ташвишга тушмоқдалар:** хўш, жамиятимиз қаёққа қараб бораяпти? Бу салбий ҳодисалар наҳотки қайта қуришнинг муқаррар натижаси, йўлдоши бўлса? Ёки бу нарса сиёсий раҳбарликдаги хатолар, ислоҳотларнинг аниқ режаси йўқлиги оқибатларини

пайқаш ва уларнинг олдини олиш мумкинлигидан гумонсираш сабабли эмасмикан? Бу салбий жараёнлар наҳотки хатарли томонга қараб бораверса?

Жуда ўткир масалалар олдимизда кўндаланг бўлиб турибди: **партия ўз бирлигини сақлаб қола оладими?** Партия ўзини турли фракциялар ва платформаларга парчалаб юборишга интилаётган оқимларга зарба бера оладими? У ўзининг янги мавқеини тезроқ қайта идрок эта биладими?

Жўшқин, зиддиятли жараёнларни бунёдкорлик йўлига бошлашнинг уддасидан чиқадими? Ёки бузғунчилик ёндашишлари ва кучлари устун келиб, жамиятимизни тартибсизлик сари, вайроналик сари етаклайдими?

Бу саволларга съезд аниқ, равшан жавоб қайтариши керак.

Биз КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПССнинг янги Устави лойиҳалари хусусидаги ўз фикрларимизни, позицияларимизни белгилаб олишимиз зарур.

Ўзбекистон ССРнинг ҳақиқий сиёсий суверенитети, иқтисодий мустақиллиги ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган йўлларини ва амалий ҳаракатларни белгилаб олишимиз керак. КПССнинг ташкилий ва ғоявий бирлиги масалаларига оид қарорларини ишлаб чиқишимиз лозим.

Мана шуларнинг ҳаммаси республика партия ташкилоти ҳаётида жуда муҳим бурилиш нуқтаси бўлмиш XXII съезднинг алоҳида мавқеи ва аҳамиятини белгилаб беради. Бу съезд Компартиянинг равшан сиёсий йўл-йўриқлари билан, аниқ Ҳаракат дастури билан қуроллантирадиган қарорларни ишлаб чиқиши керак. Мана шундагина республика тараққиётининг долзарб муаммолари муваффақиятли ҳал этилишига умид қилиш мумкин.

1. Ўтмишнинг асосий сабоқлари

Лениннинг воқеа ва ҳодисаларга теран муносабатда бўла олиш анъаналарига амал қилиб, вужудга келган ижтимоий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият нақадар мураккаб ва қийин бўлмасин, унга холисона баҳо бериш зарур.

Жамиятимизни инқилобий қайта қуришдан, халқчиллик тузумлари асосида бутунлай янгилашдан бошқа йўл йўқ эди ва ҳозир ҳам йўқ. Акс ҳолда мамлакат муқаррар равишда жаҳон тараққиётида четкада қолиб кетган бўлур эди. Туб ўзгартишлар жамиятнинг тараққиётига янги омил бахш этиши, социализмнинг бунёдкорлик имкониятларини кўпайтириши лозим.

Аммо бу соҳада аниқ мезонлар ва фикрлар бўлиши керак. Биз, социалистик ғоя аввал бошданоқ нотўғри эди, 1917 йил Октябри хато бўлган деган даъвога қўшилмаймиз. Биз ўз тарихимизни йўққа чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиали саҳифалар кўп бўлди. Ахир, кекса авлодларнинг, ота-боболаримизнинг кураши ва меҳнатини инкор этиб бўладими? Улар ярим феодал ҳолидаги қолоқ мамлакатни ижтимоий ва илмий-техникавий жиҳатдан тараққий этган замонавий даражага кўтардилар. Бу аниқ-равшан далилни ҳеч ким рад қила олмайди.

Социалистик қурилишнинг кўпгина босқичларида қўпол хатолар ва бузилишларга йўл қўйилганини ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса шубҳа остига қўя олмайди.

Бу хато ва жиноятларнинг илдизлари ўтмишга бориб тақалади. Уларнинг энг каттаси шундан иборатки, бир вақтлар социализм хусусидаги ҳамма фикрларни янгилаб туриш лозимлиги тўғрисида В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилаётган таълимотга хилоф ўлароқ «бизнинг жамиятимизга сунъий модель мажбуран қабул қилдирилди. Жамият мана шу моделга мослаштирилди. Адолатсизликлар, бузилишлар кўп бўлганлигининг сабаби ҳам мана шунда», — деди М. С. Горбачев мамлакатимиз пойтахти Фрунзе районининг коммунистлари ҳузурида сўзлаган нутқида.

Шахсга сиғиниш йилларида, турғунлик йилларида нотўғри йўл-йўриқлар, мақсадлар ва уларга эришиш йўллари бутунлай бузилиб, сохталаштириб юборилди. Асоссиз равишда қилинган оммавий қатағонларни, коллективлаштириш ва саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилинганини, халқларнинг маънавий қадриятлари ва анъаналари қалба-

килаштирилганини, айрим кишилар пулга сотилиб, айниб кетганлигини, ижтимоий-иқтисодий инқирозга учраган одамлар халқнинг энг зарур эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини писанд қилмай қўйиганликларини кўрсатувчи тобора янги-янги даҳшатли мисоллар ҳозир маълум бўлиб қолмоқда.

Бундай салбий ҳодисалар барча музофотларда, ҳамма жумҳуриятларда содир бўлган эди, бундан барча халқлар азоб тортган эдилар. Салбий ҳодисалар қаерда кўпроқ, қаерда камроқ содир бўлганини ҳисоблаш — одамларнинг қайғу ва аламига туз сепиш демакдир. Бу хунук сиёсий ўйиндир.

Биз ўтмишдаги ҳамма бузилишлар, хато ва жиноятларни қатъян қоралаймиз ва улардан кескин воз кечамиз. Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона, танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин — «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. Аммо албатта ҳар бир воқеани, аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам кекса авлодларнинг пешона тери билан ва қони билан суғорилганини назарда тутиб шундай қилишимиз керак. Ўтмишимизни бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимизнинг маънавий соғломлиги олдида кечирилмас хато бўлур эди.

Энг муҳим вазифа — жумҳуриятнинг ҳозирги ҳаётига халақит бераётган хато ва бузилишларни аниқлаб олишдан иборат. Аҳволни тузатиш йўлида амалий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишдан иборат. Миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг барча энг ўткир муаммоларини ҳал этишдан иборат.

II. Жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи

Миллий сиёсатнинг, халқлар тенг ҳуқуқлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ленинча принципларида орқага чекиниш рўй берганлиги тузатиб бўлмайдиган катта зиён етказди. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленумида бу ҳақда очиқ-ойдин айтилди.

Бироқ бунинг учун, муайян шовинист ва миллатчи кучлар талқин этаётганидек, халқларнинг ўзи айбдор эмас. Барча синовларнинг энг кўп оғирлиги зиммасига тушган Россия меҳнаткашлари бунинг учун асло айбдор эмаслар.

В. И. Ленин «Россия ва Шарқдаги барча меҳнаткаш мусулмонларга» хатида бундай деган эди: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади».

Ленинннинг Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги Декретини, Ўрта Осиёда олий таълимга асос солган илм-фан поездини, мамлакат саноат марказларининг жумҳурият саноатини ривожлантиришдаги ёрдамини, ўнлаб корхоналар беғараз берилганини, мутахассислар тайёрлашдаги мададни тарихдан ва халқларимизнинг миннатдор хотирасидан ўчириб бўладими? Улуғ Ватан уруши йилларида халқларимизнинг биргаликдаги кураши ва ўзаро мададкорлигини, зилзила натижасида вайрон бўлган Тошкент қайта тикланганини, катта-катта умумхалқ қурилишлари ва сув хўжалиги иншоотларини унутиб бўладими?

Жўн қиёсларни тилга олмай қўя қолайлик: жумҳуриятимиз қолоқликдан ўтиб, социализм қуриш йўлини нимадан бошлаганини эслашнинг ҳожати йўқ. Бу ҳақдаги рақамлар ва мисоллар неча марталаб айтилган. Социалистик қурилиш давомида Ўзбекистон йирик саноат ўлкаси бўлиб қолди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари неча карра ошди, маданиятни, халқ таълимини, фан ва санъатни ривожлантиришда катта йўл босиб ўтилди. Буларнинг ҳаммаси шак-шубҳасиздир.

Бироқ шу нарса ҳам шак-шубҳасиз ва очиқ-ойдиндирки, жумҳурият барча

асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12 ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан жумҳурият мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баравар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси жиҳатидан, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баравар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши бир ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти.

Бундай аҳвол вужудга келганининг боиси нимада?

Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлган республикамиз асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охирги ўринлардан бирига тушиб қолганининг — ҳақли равишда тангли ҳолат деб аталган аҳволга тушиб қолганининг сабаби нимада?

Жумҳуриятнинг тақдири учун, унинг келажаги учун қайғураётган, унинг ёш авлоди тақдири учун куюнаётган соғлом фикрли ҳар бир киши ҳозир ўзига ўзи шу саволни бермоқда.

Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари ғалаба қозониб, ленинча миллий сиёсат принциплари унутила бошлагач Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда намоён бўлади? Аввало шунда-ки, бизнинг жумҳуриятимиз асосан хом ашё базаси, саноат министрликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССРнинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади.

Келинглар, жумҳуриятимиз умумиттифоқ меҳнат тақсимотида қандай ўринда турганини, қайси кўрсаткичлар бўйича олдинги марраларга силжиганини бир кўздан кечирайлик. Биз жумҳуриятимизда 1500 йирик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб тургани ҳақида, революциядан аввал бир йил давомида ҳосил қилинган миқдордаги электр энергия ҳозир ҳар тўрт кунда ишлаб чиқарилаётгани ҳақида ҳамиша фахрланиб гапирар эдик. Биз газ қазиб олиш соҳасида мамлакатда тўртинчи ўринда турибмиз. Қишлоқ хўжалигимиз мамлакатдаги пахтанинг учдан икки қисмини, қоракўл терининг учдан бир қисмидан кўпроғини, пилланинг 60 фоизидан зиёдини, кўп миқдордаги каноп, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириб бермоқда.

Минг киши ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони жиҳатидан Ўзбекистон кўпгина ривожланган мамлакатлардан олдинда турибди.

Бу хулосалар мўътабар минбарлардан туриб, диссертацияларда, рапортларда ва маълумотномаларда кўп такрорланган. Хўш, бу гапларнинг заминида қандай маъно бор? Иқтисодиётимиз бир ёқлама тарзда, урҳо-урларча хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб қолганини ва комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмаганини қайд этишга тўғри келади. Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши бор-йўғи 50 фоизни ташкил этади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроғи мутлақо қайта ишланмасдан республика ташқарисига чиқарилмоқда. Жумҳуриятдан олиб кетилаётган маҳсулотнинг учдан икки қисми хом ашё, материаллар ва чала тайёр маҳсулотлар эканлигининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликлардан дарак беради.

Жумҳуриятга келтирилаётган нарсаларнинг 60 фоизи эса машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидир.

Ғалати бир вазият вужудга келмоқда. Республика жуда қимматли хом ашё — пахта, нитрон, капролактам ишлаб чиқараётган бир пайтда уларни қайта ишлашдаги саёзлик, технология занжири ниҳоясига етказилмаганлиги оқибатида айни шу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур бўлмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, кўп маблағ сарфламасдан, корхоналарни бирмунча ўзгартириб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлур эди. Ана шунда материал ва товар таъминоти молиявий имкониятларни қидириб топиш масалалари бу қадар кескинлашмаган бўлур эди.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида иқтисодиётни ривожлантиришда хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юборадиган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган хом ашё тармоқлари устун деб ҳисобланди. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичида 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолди. Бунинг ўрнига ёқилғи саноати, химия ва нефть химияси, қора ва рангли металлургия, яъни хом ашё тармоқларининг улуши анча кўпайди. Айни вақтда машинасозликнинг улуши шу йилларда атиги 7 кўрсаткичга кўпайди ва ҳозирги вақтда атиги 16 фоизни ташкил этади.

Бу тармоқларнинг жадал ривожланиши эса меҳнатга лаёқатли аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш вазифасини ҳал қилмади ва ҳал эта олмас эди. Чунки 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига ёқилғи саноати ва электр энергетикада 9 киши, химия саноатида 16, нефть химиясида 18, қора металлургияда 34, рангли металлургияда 24 киши жалб этилмоқда. Енгил саноатда эса 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига 168 киши, ёғочсозлик саноатида 143, машинасозликда 112, озиқ-овқат саноатида 90 киши иш билан таъминланади. Шу тармоқларнинг айрим соҳаларида эса меҳнатталаблик кўлами 300 — 400 кишига етади. Аммо бу хусусиятлар ҳисобга олинмади.

Бутун фаолияти пахтачилик билан, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш билангина чекланган машинасозликни комплекс ривожланган соҳа деб бўладими, ахир. Жумҳуриятда мураккаб рўзғор техникаси, йўл қуриш машиналари, пластмасса буюмлари, озиқ-овқат саноати жиҳозлари, савдо-сотиқ ва маиший хизмат соҳаси учун керакли асбоб-ускуналар ва шу кабилар деярли ишлаб чиқарилмаяпти.

Нега бундай бўлди? Халқимиз — истеъдодли халқ, у замонавий ишлаб чиқаришни, электроникани, ускунасозликни, илм-фан ва меҳнат сарфи кўплаб талаб қилинадиган бошқа саноат тармоқларини ўзлаштириб олишга қодир.

Ҳозир кимё ривожланишидаги «муваффақиятлар»га ҳам ачиниб қайта баҳо беришга тўғри келади. Бу соҳада катта-катта корхоналарга афзаллик бериб келинди, улар жумҳуриятдаги экология вазиятини жуда ёмонлаштириб юборди. Бу корхоналар неча ўнлаб аждодларимизнинг меҳнати билан обод қилинган, гуллаб-яшнаб турган воҳаларда жойлаштирилганлиги кишини айниқса ғазаблантиради. Бу ўринда гап Янги Қўқон химия заводи, Чирчиқ, Фарғона, Самарқанд ва Навоий химия корхоналари, бошқа кўпгина корхоналар ҳақида бораяпти. Бунинг устига мана шундай азим корхоналар ҳам аслида дастлабки қайта ишлан-

ган маҳсулотларни — нитрон, ацетат, капролактамни ишлаб чиқармоқдаки, улар ҳам Ўзбекистондан ташқарига юборишга мўлжаллангандир.

Жумҳурият ялпи пахта ҳосилини ғаразли мақсадларда кўпайтирди, деган даъволар ҳам бўлди. Бу афсонага чек қўйиш пайти келди. Пахтанинг яккаҳокимлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда юқоридан зўрлаб ўтказиб келинди.

Сўнгра 30-йиллардан бошлабоқ Ўзбекистон ССР олдига қандай қилиб бўлмасин мамлакатнинг пахта соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Биз қанча машаққат билан бўлмасин бу вазифани ҳал қилдик.

Ўзбекистонни пахта етиштиришга мана шундай ихтисослаштириш оқибатида жумҳуриятда гўшт ва сут етиштириш имкониятлари камайиб кетди, бироқ, биз шунга мувофиқ равишда ўрнини тўлдирадиган ҳеч нарса олмадик.

Айни бир вақтда жумҳуриятнинг кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларига зиён етди, пахта яккаҳокимлиги, илмий асосланган алмашлаб экишлар бузилганлиги, ернинг тинка-мадори қуриб кетганлиги, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб борганлиги қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чеклаб қўйилди ва аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди. Орол денгизининг фалокати Қорақалпоғистон учун, бутун Ўзбекистон, Ўрта Осиё учун ва Қозоғистоннинг жануби учун бориб турган экологик кулфат бўлди, энди Оролни қутқариб қолиш учун зудлик билан фавқулодда чора-тадбирлар кўрилиши керак.

Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги хатолар ва яроқсиз ёндашувлар, халқ хўжалигининг тузилишида, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда йўл қўйилган катта-катта хатолар ва номутаносибликлар оғир оқибатларга олиб келди. Халқ хўжалиги соҳасида бир қанча машаққатли муаммоларни вужудга келтирди. Жумҳуриятда ижтимоий, иқтисодий кескинлик кучайиб, танглик ҳолати юзага келишига сабаб бўлди.

Бошқа барча муаммолар — аҳолининг иш билан таъминланиши, миллий даромаднинг шаклланиши каби соҳаларга ҳам бу аҳвол ўз таъсирини ўтказди, бу эса бюджетнинг камомадига, ҳар бир оиланинг моддий таъминоти даражаси пасайишига олиб келди.

Мактаб ва мактабгача таълимни ривожлантириш, ёшларни ахлоқий тарбиялаш масалаларини олиб кўрайлик-чи. Фақат энг илғор ишлаб чиқаришгина, оқилона йўлга қўйилган инфраструктура ва аввало, ижтимоий инфраструктурагина ёш авлодни уйғун камол топтириш учун, уни болалик чоғида замонавий ишлаб чиқаришга, фан-техника тараққиётига қизиқтириш учун шароит яратади.

Бугун биз съездда бутун масъулият билан шундай дейишимиз керак: регионимиз тараққиётининг тарихий, оқилона мантиқни эътиборга олмай, буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари тазйиқи остида шаклланган қарашларнинг ҳаммасига барҳам берилиши керак. Регионимиз тараққиётининг истиқболларига аввало жумҳурият аҳолисининг, мана шу қадимий ва гўзал диёрда яшовчи барчанинг, ҳар бир кишининг манфаати нуқтаи назаридан қарамоқ керак.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишини, структура ва инвестиция сиёсатини қайтадан кўриб чиқиш, барпо этилган ишлаб чиқариш қувватидан, ижтимоий ва маънавий имкониятлардан фойдаланиш соҳасида ўтказиладиган ва ҳозирнинг ўзидаёқ ўтказилаётган стратегияга мана шундай ёндашув асос қилиб олиниши керак.

Йиғилиб қолган муаммоларимиз Ўрта Осиёдаги барча жумҳуриятларга ва Қозоғистонга ҳам тааллуқли эканлиги равшан. Чунки иқтисодиётда маданият ва тарихда уларнинг муштарак белгилари кўп. Бироқ, бу соҳада ҳам тузукроқ ўзаро алоқалар йўлга қўйилмаган. Бизнинг чуқур ишончимизга кўра, агар муносабатлар янада мустаҳкам, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, тўғри меҳнат тақсимоти асосига қурилса, ҳар бир жумҳурият бундан манфаатдор бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин, жамият демократия, ошкоралик ва рўй-ростлик сари бурилганидан сўнг жумҳуриятимиз бошидан кечираётган тангликнинг ҳақиқий сабаблари ҳақида рўй-рост гапириш мумкин бўлиб қолганлигини ҳаммамиз англаб турибмиз.

III. Маънавий-сиёсий вазият ва уни барқарор қилиш чоралари

Жумҳуриятимизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари 1985 йилнинг апрель ойини катта умид билан кутиб олдилар. Ўзбекистоннинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа, аҳолининг турмуш даражаси танг аҳволга тушиб, қақшаб қолганлигини биз бошқа регионлардагига нисбатан ўткирроқ ҳис этиб турар эдик, десак арзийди. Бундан буён иш шу тахлитда давом этмаслиги лозимлигини ҳамма йўналишлар бўйича, ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар зарурлигини уқиб олган эдик.

Қайта қуриш жумҳуриятимиз ҳаётининг ниҳоятда мураккаб, зиддиятли, кўп жиҳатдан машаққатли даврига тўғри келди. Ўлкамиз пахтанинг миқдори кетидан қувиб ҳолдан тойган эди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа қашшоқлашиб кетган, деҳқонларнинггина эмас, бутун аҳоли, унинг барча табақалари, жумладан, болалар ва ўсмирларнинг ҳам тинка-мадори қуриган эди, улар ўқишдан қолиб, соғлиқларига путур етиб, пахта далаларида азият чекишар эди.

Ўзбекистон Компартияси ишларнинг аҳволини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиш ва аҳволни ўнглаб олиш учун қатъий чоралар кўриш ташаббускори бўлди. Барча соғлом кучлар ижтимоий адолат учун, қўшиб ёзишлар, каллобликлар, ўғриликлар, порахўрлик ва ошна-оғайнигарчиликка барҳам бериш ва кадрларнинг айнишига чек қўйиш учун кураш бошладилар.

КПСС Марказий Комитети ва мамлакат ҳукумати Ўзбекистондаги аҳволни ҳисобга олиб, давлат ва партия интизомини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини бошқаришнинг барча бўғинларида тартиб ўрнатиш ҳамда ижтимоий адолатни тиклаш, жумҳурият аҳолисига зарур ёрдам кўрсатиш учун аниқ ва вазминлик билан тузилган тадбирларни белгиладилар.

Аммо ҳозир шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ҳаёти кадрлар билан ишлашдаги жиддий хатоларни бартараф этишга қаратилгандир. Қонунчиликни қўпол тарзда бузишга чек қўйишга ва одамларни ўзбошимчаликдан муҳофаза этишга қаратилгандир. Ўз моҳияти билан тўғри бўлган ана шу йўл жумҳуриятимизнинг маълум шароитларида амалга оширилишининг биринчи кунлариданоқ бузила бошланди.

Ўзбекистоннинг бошига тушган кулфатни унинг айби дейишга уринишди. «Ўзбек иши», «Пахта иши» деб аталмиш гаплар бунга мисол бўла олади. Жумҳурият, унинг меҳнаткашлари пахтанинг ялпи ҳосили кетидан қувишнинг азоб-уқубатидан, партия, давлат нормалари ва қонунлари, ижтимоий адолат тузумларининг айниб кетиши ва бузилишидан ҳали нафасларини ростлаб олмай туриб, худди ўша пахта билан боғлиқ қонунсизлик ва хўрлашнинг тегирмон тоши уларнинг бошида яна айлана бошлади.

Партия бошлаган жуда машаққатли курашдан мамлакат марказий идораларида ҳам муайян кучлар ўзларининг ғаразгўйлик мақсадларида фойдаландилар.

Оммавий ахборот воситаларида халқни далил-исботсиз таҳқир этиш, айрим ҳалол меҳнаткашларни маънавий эзиш, қўшиб ёзишларни ташкил этган шахслар билан бир қаторда минглаб оддий ижрочиларга қарши ялпи жазолашларнинг авж олдирилиши халқнинг дарди устига чипқон бўлди.

Бўш-баёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон Компартияси ва жумҳурият раҳбариятига келиб қолиши аввало шунга ёрдам берди. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб, ҳуқуқ муҳофазаси органлари, жумладан Гдлян ва Иванов гуруҳи йўл қўйган қонунсизлик ва қонун бузилишларини пайқамасликка обдон уриндилар.

Сўнгги вақтда Ўзбекистондаги соғлом кучлар халқни ана шу адолатсизликдан ҳимоя қилиш учун анча иш қилдилар, аммо бундан буён янада кўпроқ иш қилиниши керак.

Бугун биз жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жиддий силжишлар бўлди деб айта олмаймиз. Аксинча, жумҳурият хом ўйланган тажрибаларнинг ўзига хос синов майдонига айланди.

Мамлакатнинг бошқа регионларида бўлганидек, гоҳо ичкиликбозликка қарши бошланган кампания, гоҳо давлат қабули, гоҳо хўжалик ислоҳоти, баъзида эса давлат корхонаси тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги пухта ўйланмаган қонунларнинг жорий этилиши ана шу унумсиз тажрибалар жумласидандир.

Бугун шуни айтиш керакки, жумҳурият раҳбарияти ана шу барча тадбирларни амалга оширишда марказга маъқул тушсин деб биринчи ўринда бўлишга ҳаракат қилди, айни вақтда бу халқ учун қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб ўтирмади.

«Жумҳурият халқ хўжалиги комплексини бошқаришнинг бош схемаси» деб аталмиш зўрма-зўраки схема Ўзбекистоннинг хусусиятлари ва жумҳурият аҳли манфаатларини инкор этишнинг яққол мисолидир. Бу ўринда гап қарор топган структуралар ва таркиб топган алоқаларни беўхшовлик билан, сира асосланмаган бир тарзда қайтадан «бичиб-тикиш»дагина эмас, балки яроқсиз ёндашув методикасининг худди ўзгинасидадир.

Аслида барча аҳолининг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган, амалга оширилиш мўлжалланаётган ўзгаришлар жамоатчиликдан яширинча тайёрланди. Аниқ-равшанлик киритишга, ўзгача таклифларни асослаб беришга ҳар қандай уринишлар рад этилибгина қолмай, таҳқирлайдиган ёрлиқлар ва сиёсий айблар ёрдамида бўғиб ташланаверди.

Буни қарангки, гўё консерватизм, маҳаллийчилик янгиликка қарши чиққан эмиш. Оқибатда халқ хўжалигига неча юз миллион сўмлик зарар етказилди. Одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари оёқости қилингани натижасида етказилган маънавий зиённинг мезони борми, аҳволни дарҳол ўнглаб олиш учун қилинган ҳаракатлар-чи?

Энди бир савол пайдо бўлади: хўш, бундан ким наф кўрди, ана шу сохта қайта қуриш қарорларини ким айтиб туриб ёздирган эди ва ким шу йўсинда амал пиллапоясидан кўтарилмоқчи бўлган эди? Ўзининг лавозимига кўра жумҳурият манфаатларини ҳимоя қилиши ва ана шу қимматга тушган тажрибаларнинг йўлини тўсиши лозим бўлган раҳбарлар қаерда эди?

Илгариги Марказий Комитет Бюроси ҳайъати фаолиятида аниқ-равшан позиция, ирода бирлиги бўлмаганлиги, шу фаолиятнинг бўшлиги жумҳуриятга, унинг партия ташкилотига қимматга тушди. Биринчи раҳбарларнинг йўл қўйиб бериши сабабли бу ерда ўзига хос «пинҳоний кабинет» таркиб топди, ушбу «кабинет» куч ишлатиб тазйиқ кўрсатиш ва орқаворотдан туҳмат қилиш йўли билан жумҳуриятнинг чинакам манфаатларига мутлақо алоқаси бўлмаган авантюристик қарорларни тиқиштираверди.

Маҳаллий кадрлар ва бошқа регионлардан жўнатилган кадрларнинг сунъий тарзда кучайтирилган қарама-қаршилиги ўнглаш қийин бўлган сиёсий ва маънавий зарар етказди.

Бошқа регионлардан жўнатилган кадрларнинг баъзилари жумҳурият эҳтиёжлари ва кулфатларига ҳамдард бўлиш у ёқда турсин, балки партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва бошқа органларда ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинланишларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлиқ деб билдилар.

Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истамаган бу одамлар жумҳурият ҳаётини босиб-янчиб, қинғир ўзанга солишга киришдилар.

Халқнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари ва маънавий қадриятларини менсимаслик элни жуда ранжитди.

Айрим маҳаллий раҳбарлар ҳам амал пиллапоясидан кўтарилишга ҳаракат қилиб, ўзларини аждодларини унутган манқуртлар деб шоша-пиша эълон қилдилар. Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдон оёқости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди. Кези келганда одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларини дафн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар.

Буни байналмилалчилик шиорлари билан ниқоблашга беўхшов уринишларнинг чинакам байналмилалчиликка мутлақо алоқаси йўқ эди. Жумҳурият

ҳудудида ўзбек тилининг давлат тили сифатида эътироф этилиши тўғрисидаги қонун даставвал қай йўсинда тайёрланганлигини эслаб ўтиш кифоя. Худди шу йўсинда икки тиллик ҳақидаги қонун лойиҳасини ўтказиш учун анча ҳаракатлар қилинди.

Одамлар, ҳатто бир умр қишлоқда яшаб, она тилида сўзлаб келган, тил боисидан сира қийинчиликка учрамаган кишилар ҳам бу лойиҳани қабул қилмадилар.

Такрор айтаманки, уларнинг ҳаммаси амалга интилган кишиларнинг, «обхаво»га қараб иш юритган кишиларнинг қилмиши эди. Аммо қилғиликни қилиб қўйган ана шу арбоблар энг асосий нарсани — халқни унутиб қўйишди. Халқ эса ҳеч қачон миллий ўзига хослик йўқолиб кетишига рози бўлмайди.

Ижтимоий-иқтисодий норасолик, демография вазияти ва ишсизликнинг кўпайиб бориши, экология танглиги, халқнинг маънавий жиҳатдан ҳақоратланиши жуда қалтис вазиятни вужудга келтирди. Экстремист кучлар эса вазиятни кескинлаштириш, одамларни оммавий тартибсизликларга ва ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларга тортиш, ижтимоий ва миллатлараро нифоқлар ва тўқнашувларни чиқариш учун шу ҳолатдан фойдаландилар.

Ўтган йили Фарғона вилоятида бўлган фожиали воқеалар, яқиндагина Тошкент вилоятининг Бўка ва Паркент районларида, Андижон шаҳрида бўлган тартибсизликлар худди ана шу шароитда юзага келди. Бу воқеаларга область, шаҳар ва район партия комитетлари даражасида ҳам, Марказий Комитет даражасида ҳам кескинлик билан партиявий баҳо берилди. Бу баҳоларни қайтариб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Аммо ўша воқеалардан ҳали яна неча бор сабоқ чиқариб олишимизга тўғри келади.

Хўш, бу сабоқларнинг моҳияти нимада? Аввало шундаки, маҳаллий партия, совет органлари, жамоат ташкилотлари халқдан, унинг дарди ва эҳтиёжларидан ажралиб қолган эдилар, вазиятни назорат қилиш, воқеаларни олдиндан билиш ва уларни бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолган эдилар.

Эшикни маҳкам ёпиб олиб, ўз хоналарида одамлар тақдирини ҳал этаётган кўпгина мансабдорлар қалтис вақтда кишилар ҳузурига чиқишга қўрқдилар. Уларнинг халққа айтадиган гапи йўқ эди, улар халқни тушунмас эди, халқ ҳам уларни тушунмас эди. Бунинг устига уларнинг кўпи халқнинг тилини ҳам билишмас эди.

Боз устига, кейинчалик маълум бўлишича, кўпгина амалдор шахслар, жумладан, воқеалар ўт-оловдек чақнаб кетган Тошлоқ районидаги ана шундай шахслар қонун-қоидаларни бузишган, порахўрлик қилишган. Улар, аввало, ўзлари ва қариндош-уруғларига якка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари ажратиб беришган, ссудалар олишган, ҳолбуки, ер ва қарз олишга муҳтож бўлган 400 нафар оддий меҳнаткашларга рад жавоби берилган эди.

Сотиш учун 319 автомашина ажратилганида, шулардан 236 таси районда яшамайдиган, жумладан, бошқа жумҳуриятларда истиқомат қиладиган кишиларга ғайриқонуний тарзда тақсимланди. Уй-жой тақсимлаш тартиби қўпол тарзда бузилди, газлаштириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалалари неча йиллар мобайнида ҳал бўлмай қолаверди.

Ҳолбуки, турмушнинг ана шу масалалари ҳал этилмасдан туриб одам кўнгилдагидай яшай олмайди-ку. Аҳвол шундай экан, партия, совет органларининг обрўси, уларнинг оммага таъсири ҳақида гапиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ноқобилликларини кўрсатдилар. Улар оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш у ёқда турсин, кўпинча шу тартибсизликларга ўзлари йўл очиб бердилар. Кейинчалик эса, яна вазият барқарорлашиб, тергов бошлангач, улар ишни юзаки юритишни афзал кўрдилар. Оқибатда фожианинг бош ташкилотчилари ва асосий фожианинг сабабчилари панада қолиб кетди.

Одамлар ўз тирикчилигидан норози бўлиб турган бир вақтда айрим порахўр, ноинсоф унсурлар вазиятдан фойдаланишга уриндилар ва аксар ҳолларда бунга муваффақ бўлдилар. Ушбу унсурлар учун шахсий манфаат, шахсий нафсоният одамларнинг, халқнинг манфаатларидан устундир. Биз буни илғаб олишимиз керак. Тартибсизликларнинг қатнашчилари ҳар хил ижозат берилмаган митинглар, йиғилишлар ва юришларнинг ташкилотчилари, матбуотда нохолис

мақолалари билан чиқаётган, миш-мишлар, варақалар тарқатаётган, шарттаки талаблар баён этилган хатларни уюштираётган кишиларнинг таъсирида бўлганлиги аён-ку!

Асосий якун шундан иборатки, Фарғонадаги ёнғинлар алангасида бизнинг қарорларнинг сеҳрли кучи тўғрисидаги кўпгина тасаввурларимиз ёниб кетди. Илгариги Фарғона область партия комитети тўрт томонга жар солиб партия ташкилотларининг жанговарлиги кўригини ўтказаяпмиз, деб юрар эди. Ана шундай расмий тадбирлар ҳам бамисоли тумандек тарқаб кетди.

Очиқ-ойдин айтиб қўя қолайлик: агар жумҳурият раҳбарияти ана шундай шароитда мавҳум панд-насиҳатларни давом эттираверадиган бўлса ва баъзи пуч ваъдалар бераверса, ҳалокат микёсларини тасаввур этиш қийин эмас. Янги раҳбарият олдида эскиликни бартараф этиш, вазиятни юмшатиш, портлаш бўлишига йўл қўймаслик учун зарур имкониятлар қидириб топиш ва самарали, таъсирчан чоралар кўришдек оғир вазифа турар эди.

Шундай тадбирлар кўрилди ҳам. Пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, пахта тайёрлашни барқарорлаштириш шулар жумласидандир. Пахта ва бошқа маҳсулотларни йиғиштириб олиш учун тўланган қўшимча ҳақ шулар жумласидандир. Ўтган йили қарийб 400 миллион сўмлик қўшимча ҳақ тўланди, бу йил эса ҳақ икки баравар кўпаяди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала ҳам қисман ҳал қилина бошланди. Даромади кам бўлган аҳолига ёрдам берилаяпти, бошланғич синфларда ўқиётган ўқувчиларга, хаста, ҳомиладор аёлларга бепул нонушта бериладиган бўлди. Ветеранларнинг пенсиялари ва имтиёзлари кўпайди. Талабалар қўшимча пул олаяптилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу тадбирларнинг ҳаммаси жумҳурият аҳолисига, энг аввало қишлоқ аҳлига жуда маъқул бўлди. Дарҳақиқат, шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун берилаётган ернинг кўпайтирилиши, шу мақсадлар учун ссудаларнинг ва қурилиш материалларини сотишнинг кўпайиши шу тадбирлар сирасига киради.

Кўп болали оналар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига ёрдамни кўпайтириш тўғрисида Президент қабул қилган фармонлар ҳам шулар жумласидандир. Шахсий ёрдамчи хўжаликни муқаррар тарзда ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги тадбирларни ҳам тилга олиш мумкин.

Одамзоднинг ризқ-насибаси фақат нонгина эмас. Жумҳурият ҳудудида ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши, илгари тақиқлаб қўйилган урф-одатлар ва анъаналарнинг тикланиши, халқ эъзозлаган «Наврўз» байрамининг қайта туғилиши ва шу куннинг дам олиш куни деб эълон қилингани, Ўзбекистондан хизматга чақирилаётган йигитлар қурилиш қисмларидаги ҳарбий хизмати тартибининг ўзгартирилганлиги ва бошқа кўп тадбирлар инсонга ғамхўрлик, халққа иззат-икромнинг мужассам бўлишидир.

Буларнинг ҳаммаси, бировлар беҳуда уқтиришга уринаётганидек, халққа хушомад эмас, балки бизнинг принципиал йўлимиздир, биз бу йўлни келажакда ҳам изчиллик билан амалга ошираверамиз.

Биз Коммунистик партиянинг сайловолди Ҳаракат дастурида шуни баён этган эдик, шу негизда жумҳурият меҳнаткашларининг ишончини қозондик, ҳокимият органларида аксарият кўпчилик овоз олишга муваффақ бўлдик. Халққа берган ваъдамизни бажариш, амалий ишлар билан унинг ишончини оқлаш — бизнинг бурчимиздир.

Сўнгги вақтда Марказий Комитетнинг 1984 йил XVI пленуми қарорларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш зарурлиги тўғрисида таклифлар айтилмоқда. Бир қанча область партия конференцияларида, партия, органларига келаётган мактубларда ҳам шу гап кўтарилди.

Дарҳақиқат, бугун биз Ўзбекистон Компартиясининг ана шу ва кейинги пленумларидаги, Ўзбекистон Компартияси XXI съездидаги таҳлил ва хулосаларни бир хил қабул қила олмаймиз.

Аввало, пахта миқдори кетидан қувиш, пахта яккаҳокимлиги «маҳаллийчилик» манфаатларига мос эди, жумҳурият шунинг эвазига «бойлик орттирди» деган хулосага сира қўшилиб бўлмайди. Биз мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун ўз байналмилал бурчимизни адо эта бориб, кўра-била

туриб, жумҳурият манфаатларига ва илмий агротехника талабларига путур етказиб, мева ва сабзавот, ем-хашак тайёрлашни чеклаб қўйишга, демакки, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни чеклаб қўйишга мажбур бўлдик.

Оқибатда мамлакатда озиқ-овқат истеъмоли, умуман, турмуш даражаси бўйича охирги ўринлардан бирига тушиб қолдик. Пахтамиз учун муносиб ҳақ тўлаш ўрнига, бизга, боқиманда бўлиб қолдингиз, деб таъна қилишди. Халқни бу тарзда беҳаёлик билан оёқости қилишни биз қатъий рад этамиз.

Алмисоқдан қолган турмуш тартибига мойиллик хусусидаги таъналарни ҳам, халқ анъаналарига, диний эътиқодга ўзбошимчалик билан баҳо беришни ҳам, халқ хотирасидан ўтмишни ўчириб юборишга уринишларни ҳам қабул қила олмаймиз.

Буларнинг ҳаммасини биз қатъиян рад этамиз ва асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зиён ўрнини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз.

Лекин бу адолатсизликлар XVI пленумнинг ўзи билан эмас, балки шу пленум қабул қилган йўлдаги ножўяликлар ва айнишлар, шу йўлни амалга оширишдаги ўзбошимчалик билан изоҳланади. Жумҳурият бошига тушган кулфатдан фойдаланиб, амал пиллапояларидан кўтарилиб борган кишилар ножўяликлар ва айнишларга йўл очиб беришди.

Партия, совет ва хўжалик раҳбарларининг бир қисми порахўр бўлиб чиққани, ошна-оғайнигарчилик ва таниш-билишчилик кенг тарқалиб, ижтимоий адолат принциплари қўпол тарзда бузилганлиги фактини эътироф этмасдан иложимиз йўқ.

Айрим кишилар сўнгги вақтдаги хунук ҳолатларга баҳо беришар экан, тезроқ ўтмишдаги салбий ҳолларни ўчириб ташлашни, бундай ҳолларни йўқ эди деб эълон қилишни ёки, жуда бўлмаганда, улар батамом бартараф этилди, деб эълон қилишни истар эдилар.

Аммо ер участкалари ажратиб берилаётганида, якка тартибда уй-жой қуриш учун ссудалар берилаётганида, қурилиш материаллари билан таъминлаш чоғида тамагирлик ва порахўрлик қилинаётгани ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, жумҳуриятнинг бошқа органларига анчагина ташвишли хабарлар келиб турибди.

Олий ўқув юртларидаги порахўрлик, касалхоналарда даволаш чоғидаги тамагирлик ҳали ҳам учраб турибди. Қамёб моллар, машиналар билан чайқовчилик қилиш жамият бошига битган бало бўлди. Уй-жойни тақсимлашда ҳам ҳали зарур тартиб ўрнатилгани йўқ.

Кооперативлар фаолиятини маблағ билан таъминлаш, валюта операцияларини рўёбга чиқариш чоғида қонун-қоидаларнинг қўпол тарзда бузилиши аниқланмоқда.

Биз номатлуб (пинҳоний) иқтисодиётнинг таъсири ортиб бораётганлигига ҳам бепарво қарай олмаймиз, талай жойларда ана шу «номатлуб иқтисодиёт» айрим ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари билан тил бириктириб олмоқда. Хўш, бундан ким кўпроқ озор чекаяпти? Биринчи навбатда халқ, ишчилар синфи, деҳқонлар, оддий одамлар бунинг жабрини тортишмоқда, албатта.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан мартабали шахсларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилиш эҳтимоли кўп баравар ортади. Биз фуқароларни ҳар хил жиноятлардан, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг жиноятларидан ижтимоий муҳофаза этиш дастурини кучайтиришимиз лозим бўлади.

Раҳбарларнинг интизоми ва масъулиятини мустаҳкамлаш, бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш тўғрисидаги қоидалар ўз долзарблигини йўқотиши у ёқда турсин, янгича аҳамият касб этмоқда.

Ўз-ўзимизга ва бошқаларга нисбатан қаттиққўллик билан талабчан бўлиш — бу мавсумий юмуш бўлмасдан, балки бизнинг принципиал йўлимиздир ва биз бу йўлни келажакда ҳам изчиллик билан амалга ошираверамиз. Модомики, партия обрўси учун, коммунист номи учун жавобгарлик мезони бугун бекиёс ўсиб кетган экан, бу йўлни яна ҳам муросасизлик билан давом эттираверамиз.

Ҳамиша, тарихнинг ҳар қандай бурилиш паллаларида ҳам босиқ-вазминлик, холислик ва масъулият зарур. 60—80-йилларда содир бўлган барча воқеаларни айрим шахсларнинг айби билан бўлган эди, деб ўчириб ташлаш ва худди шу асосда ўша даврда ҳамма нарса бир хил нохуш бўлган эди, деб чалпиб ташлаш мумкин эмас.

Шароф Рашидов фаолиятига баҳо беришда худди ана шу позициялардан ёндашиш лозим бўлади. У биз эндиликда турғунлик йиллари деб атаётган даврда қарийб чорак аср мобайнида жумҳуриятга раҳбарлик қилиб яшади ва ишлади.

Агар олий адолат мавжуд бўлса, бизнинг эътиқодимизга кўра халқ фикри олий ҳақиқатдир, худди ана шу адолат, худди ана шу ҳақиқат ўша кишининг номи билан боғлиқ бўлган, жумҳурият ҳаётидаги ўзгаришларда катта аҳамиятга эга бўлган улкан ўзгаришларни рад эта олмайди. Тўғри, ўша даврда хўжакўрсинчилик ва рапортбозлик, дабдаба ва кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик ва фитна ҳам авж олган эди.

Хўш, худди ўша Рашидов барча воқеаларнинг асосчиси бўлган эдими? Ва бугун биз якдиллик билан қоралаёган иллатлар фақат унинг ўзигагина хос бўлганми? Ахир худди шундай ҳодисалар бошқа республикалар ва регионларда ҳам рўй бермаганмиди?

Брежнев ва унинг атрофидаги шахсларнинг масъулиятини ҳам унутмаслигимиз керак.

Биз Рашидов номи билан боғлиқ бўлган барча салбий нарсаларни қоралаймиз. Бу салбий нарсалар биз учун мақбул эмас. Биз ўтмиш иллатларидан покланишимиз керак. Бусиз олға қараб ҳаракат қила олмаймиз.

Шу билан бир қаторда ўша даврдаги қилмишларни эндиликда ҳаётдан кўз юмган битта шахснинг ўзигагина боғлаб қўя олмаймиз. Боз устига Рашидовни бугун фош этаётганларнинг аксарияти ўша вақтлар анча баланд лавозимларда у билан бирга ишлаган эдилар. Шундай экан, ҳозир унинг номини сотишга йўл қўйиб бўлмайди.

Оддийгина диёнат, андиша туйғуси, ўтмиш учун шахсий масъулият каби тушунчалар тўғрисида гапирмаганимизда ҳам ана шундай субутсизлик усулларининг хавфи шундаки, ҳозир ҳам айрим кимсалар ўз нафсониятини ўйлаб, янги гапларни қидирмоқдалар, лузумсизлик билан зир югуриб, ўзларини сақлаб қолишга ва ҳатто янги тўлқинларда яна баландроқ «амал тахти»га минишга уринмоқдалар.

Айни вақтда асосий нарса панада қолиб кетмоқда. Бунинг моҳияти шундаки, ҳар қандай даврда халқ буюк меҳнаткаш бўлиб келган эди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлади, ер юзидаги барча қадриятлар худди ана шу меҳнаткашнинг қўллари билан бунёдга келган.

Кимки халққа ҳалоллик билан, мардлик билан муттасил ҳақ сўзни айтиб келган бўлса, шу халқнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олса, эл-юртнинг иззат-ҳурмати ва ишончидан умидвор бўлиши мумкин.

Барча айбни ўзларининг салафлари зиммасига юклаш нотўғридир.

Ўртоқлар! Бугун тўла асос билан шуни айтиш мумкинки, партия органлари билан меҳнаткашлар оммасини ажратиб турган жарлик торайиб, ниҳоят, бу жарлик устига кўприклар қурилмоқда.

Сўнгги йилда қилинган барча ишлар дастлабки қадамлардир, холос, шу қадамлар жумҳуриятимизда тобора авж олиб келган кескинликни бартараф этишга муайян даражада ёрдам берди.

Амалий тадбирлар мамлакатдаги халқ хўжалик кўрсаткичлари тобора пастлаб кетаётган бир даврда асосий кўрсаткичлар даражасини сақлаб қолишга ва ҳатто бир қадар олға силжишга имкон берди. Биз зўриқмасдан ва шаҳар аҳлини сафарбар қилмай, ўтган йили пахтадан дуруст ҳосил кўтардик. Саноат ишлаб чиқаришида ҳам, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам муайян силжишлар бор.

Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш воситалари тайёрлашнинг ўсишидан икки баравар илдамлашиб кетди. Газ, нефть қазиб олиш, цемент, линолеум, мол ёғи, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш

юзасидан беш йиллик топшириқлари бажарилди. Картошка, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш кўпайди.

Тўрт йил мобайнида 2,3 миллион квадрат метр уй-жой, 71 минг ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаблари, қарийб 3000 беморга мўлжалланган касалхоналар, ҳар сменада 8 минг бетоб кишини қабул қилишга мўлжалланган поликлиникалар планга қўшимча тарзда фойдаланишга топширилди.

Шу билан бир қаторда ҳали жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кўзга кўринарли жиддий силжишлар содир бўлгани йўқ. Хўжалик юритишнинг эски усуллари асорати батамом бартараф этилгани йўқ.

Тўрт йил мобайнида беш йиллик топшириқлари юзасидан 10,5 миллиард сўмлик ялпи ижтимоий маҳсулот кам ишлаб чиқарилди, миллий даромад 6 миллиард сўмлик кам бўлди. Кўмир қазиб олиш, прокат, кимёвий толалар, газлама, трикотаж буюмлари, пойабзал, мебель ва бошқа буюмлар планлари бажарилмади.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишнинг белгиланган марраларига эришилмади.

Капитал қурилишда айниқса оғир аҳвол вужудга келди. Ҳозир чала қурилишларнинг қиймати 5,7 миллиард сўмга етди. Бу капитал маблағларнинг йиллик режасидан ҳам кўпроқдир. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 73 та йирик объект ва ишлаб чиқаришга тааллуқли қувватлар битказилмай қолди, бу эса 200 миллион сўмлик миллий даромад йўқотилди, демакдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кўпгина объектлар қурилиши барбод этилганлиги, «А» гуруҳига мансуб корхоналарда ана шундай молларни ишлаб чиқариш борасида сезиларли силжишлар бўлмаганлиги, савдо шохобчасига турли ассортиментдаги моллар етарлича етказиб берилмаганлиги оқибатида инфляция кучаймоқда, пул тобора кадрсизланмоқда ва пул муомаласи ёмонлашмоқда.

Биз енгил саноатда силжишлар бўлишини анчадан бери орзиқиб кутаётган бўлсак ҳам шундай бўлаётгани йўқ. 4 йил мобайнида беш йиллик топшириқ юзасидан 195 миллион квадрат метр ип газлама, 29 миллион дона трикотаж буюмлар кам тайёрланди.

Жумҳурият аҳолиси қарийб ярим миллиард сўмлик халқ истеъмоли молларини кам олди. Министрлик ва унга қарашли корхоналарнинг раҳбарлари маҳсулот сифатини ошириш, янги техника ва технологияни жорий этишда сезиларли натижаларга эриша олмадилар.

Жумҳуриятда товарлар ниҳоятда етишмай турган бир шароитда 13 та ишлаб чиқариш объектини фойдаланишга топшириш барбод этилди. Булар орасида 5 та тикув-трикотаж фабрикаси, пойабзал фабрикасининг Деновдаги филиали ва бошқалар бор. Оқибатда жумҳурият халқ хўжалиги 700 миллион сўмлик талафот кўрди, деярли 3,5 минг кишини ишга жойлаштириш имкониятидан фойдаланилмади.

Қурилиш материаллари билан таъминлаш жуда ўткир муаммо бўлиб турганлиги яхши маълум. Ихтиёримизда маҳаллий қурилиш материалларининг чекланмаган ресурслари бор, аммо Маҳаллий саноат министрлиги уларни ишлаб чиқаришни суст ўзлаштирмоқда. Боз устига ғишт заводларини ишга солиш муддатлари чўзилиб кетмоқда, оқибатда қанчалаб ғишт кам тайёрланди, ҳолбуки, жумҳурият аҳли шу материалга жуда маҳтал бўлиб турибди.

Жумҳуриятдаги пудрат ташкилотлари тўрт йил мобайнида планга нисбатан 320 миллион сўмлик кам иш адо этдилар. Демак, қарийб 200 та энг муҳим ишлаб чиқариш қурилишлари битмай чала қолди, бир миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, 9 минг ўринга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари фойдаланишга топширилмади. Бунинг сабаби шундаки, Қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой», «Узагрострой» сингари бизнинг етакчи пудрат ташкилотларимиз аслида шу йиллар ичида бир жойда депсиниб турдилар.

Ёнилғи-энергетика комплексидаги тақчиллик халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳада тобора яққолроқ сезилмоқда. «Узбекэнерго» ва «Узбекгидроэнергострой» раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида Таллимаржон ГРЭСининг биринчи навбатини ишга солиш икки йилга сурилиб кетди.

Халқ хўжалиги режаларининг барбод этилганлиги учун катта айб маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг зиммасига тушади. Андижон, Тошкент,

Сурхондарё, Қашқадарё областларининг ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети саноатни ривожлантириш беш йиллик планларини барбод этдилар.

Уй-жой ниҳоятда етишмай турган бир вақтда Андижон, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё областларининг ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети планда кўзда тутилган уй-жойнинг фойдаланишга топширилишини таъминламадилар.

Айни вақтда ушбу областларда ўзлари учун турар жой қураётган кишилар уй-жой қуришнинг илгари белгилаб қўйилган ҳажмларидан анча ўзиб кетдилар. Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона областларида коммунал хўжаликни ривожлантиришдаги аҳвол бундан ҳам ёмондир. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Хоразм область ижроия комитети жумҳурият ҳукуматининг «ёрдами» билан энг йирик водопроводлар қурилиши режаларини батамом барбод этдилар. Ҳолбуки, шу регион аҳли сув келишига кўз тикиб турган эди.

Кўпгина мактаблар бинолари «тўкилиб турган» ва нобоп биноларда ишлаб турган бир шароитда маҳаллий Советлар йўли билан ўтган тўрт йил мобайнида 65 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилмай қолди ёки 14 минг ўринли мактаблар фойдаланишга топширилмади.

Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Тошкент областлари ва автоном республиканинг айниқса қишлоқ жойларида мактабгача тарбия болалар муассасаларини қуришда жиддий қолоқликка йўл қўйилди.

Самарқанд область ижроия комитетининг касалхоналар ва поликлиникалар қурилишига муносабатини одамлар сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги «ғамхўрлик»нинг ёрқин мисоли деса бўлади. Бу вилоят касалхоналар ва поликлиникалар билан таъминланишда энг сўнгги ўринда туришига қарамай, область раҳбарлари ана шу мақсадлар учун ажратилган 10 миллион сўм пулнинг ўзлаштирилишини барбод этдилар.

Ҳолбуки, ана шу маблағлар эвазига 900 беморга мўлжалланган касалхона қуриш мумкин бўлар эди. Худди ана шу областда болалар ўлими жуда кўп бўлишига қарамай, 1979 йилдан буён ҳар хил дардга чалинган болалар даволанадиган касалхона қурилиши ниҳоясига етмай турибди.

Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё областлари ва бошқа областлардаги иш ҳам дуруст эмас.

Бой берилган имкониятларни кўрсатишни давом эттириш мумкин эди, лекин масаланинг моҳияти бунда эмас. Асосий гап шундаки, конкрет иш билан мустаҳкамланмаган, мағзи пуч планлар ва мажбуриятлар аллақачондан бери одамларнинг жонига тегди, кишилар гапнинг ижроси иш билан бўлишини орзиқиб кутишмоқда.

Биз барча режаларимиз қандай бажарилаётганлигини синчковлик билан таҳлил қилишимиз, интизом паст бўлгани учун иш барбод бўлаётганининг субъектив сабабларини аниқлаб олишимиз, топширилган иш учун раҳбар коммунистларнинг масъулиятини оширишимиз керак.

Вазиятни муқаррар тарзда барқарор этиш, ишончни тўла-тўкис тиклаш учун Компартия ҳали кўп иш қилиши керак. Аввало, жумҳурият ҳаётида туб ўзгаришлар таъминланиши, халқ фаровонлигини ошириш, ҳар бир оила ва инсоннинг турмушида конкрет силжишлар бўлишига эришиш лозим.

IV. Самарали мустақил иқтисодиёт учун

Ўртоқлар! Сиёсат — иқтисодиётнинг мужассам ифодаси эканлиги ҳақидаги қоида ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Бунинг маъноси нимада? Бунинг маъноси аввало шуки, республика коммунистларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳаракат дастурини аниқлаб олиш керак.

Ўзбекистон Компартияси жумҳуриятни иқтисодий мустақиллик йўлига олиб чиқиши, уни ҳамон давом этаётган инқироз гирдобидан чиқариши учун нима қилиш керак?

Бу вазифаларни ҳал этар эканмиз, Ўзбекистон ресурслари ва имкониятларига баҳо беришга мутлақо янгича ёндашмоғимиз зарур. **Имкониятимизни унинг**

Иттифоқ ва жаҳон бозори учун қанчалик жозибали эканлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак бўлади.

Жумҳуриятимиз ажойиб табиий иқлим шароитига эгаки, тўғрисини айтганда, бу шароитлардан мутлақо етарли фойдаланилмаётир. Ўзбекистон халқини ҳаммавақт унинг **табиати, ери ва суви** боқиб келган. Ҳозир ҳам бу омиллар бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз бўлиб қолмоқда.

Бу заминда ҳамма нарса ўсиши мумкин. Лекин энг фойдали ва даромадли экинларни аниқлаб олиш, биз нималар ҳисобига энг юқори самара олишимиз мумкинлигини белгилаш керак. Биз бозорнинг раъйини ҳисобга олиб, нималар етиштиришимиз кераклигини ўзимиз ҳал қиламиз. Фойдали экин бугун пахта, эртага мева, сабзавот, озуқа экинлари ёки жумҳуриятга, унинг халқига даромад келтирадиган бошқа бирор экин бўлиши мумкин.

Янги ерларни ўзлаштириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида қилинган жуда катта ишларни қоралаётган, ҳатто сув омборларини портлатиб, гўё экологик вазиятни яхшилаш учун ерларни чўлга айлантиришни таклиф қилаётган кишиларнинг фикрига биз мутлақо қўшилмаймиз.

Улар биз нақадар бебаҳо бойликларга эга эканлигимизни англаб етмаётирлар. Ўзлаштирилган ерларда шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар қад кўтарганлиги, айни шу ерлар миллионларча кишиларни иш билан таъминлаб боқаётганлиги тамомила назарга олинмаётир.

Суғориладиган ер парвариш талаб этишини унутиш ярамайди. Кейинги йилларда ерларнинг ирригация, мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига эътибор сусайтириб юборилди. Ўзбекистонда эса 500 минг гектар жуда шўрхок ва ўртача шўрхок ерлар бор. Бу ишларга маблағ қидириб топилиши керак.

Биз ерларимизни ардоқласак, улардан оқилона ва самарали фойдалансак, 20 миллион одамнигина эмас, балки ундан ҳам анча кўп одамларни боқа оламиз.

Ўзбекистон ери остида ғоят катта бойликлар яшириниб ётибди. Республика ҳали жуда кўп йиллар мобайнида газ конденсати, кўмирга бўлган ўз талаб-эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлай олади. Янгидан очилган нефть конлари яқин вақт ичидаёқ нефть қазиб олишни 3—4 баравар кўпайтириш имконини беради.

Биз Қизилқумда фосфоритларнинг жуда катта конини ўзлаштиришни мўлжаллаяпмиз. Ниҳоят, бизда рангли ва қимматбаҳо металларнинг жуда катта ресурслари бор.

Ўзбекистон валюта олтини деб аталадиган энг қимматбаҳо олтинни етказиб бермоқда, ундан жумҳурият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрланаётир. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳамда қишлоқ хўжалик ва саноат хом ашёсини, тайёр маҳсулотларнинг неча ўнлаб турларини бозорда чекланмаган миқдорда сотиш имконияти бор ва бу нарса жумҳурият иқтисодий қувватини ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон ихтиёридаги ресурслар ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, республиканинг энг катта бойлиги — унинг одамлари, шароит ва имконият яратилса, тоғни талқон қила оладиган меҳнатсевар халқидир.

Саноатнинг замонавий тармоқларидаги меҳнатга халқимиз гўё қодир эмаслиги ва шу муносабат билан кўп кишилар ишсиз юрганлиги ҳақида айрим фикрлар қулоққа чалинмоқда. Бу гапларни халқни ҳам, ҳақиқий аҳволни ҳам мутлақо билмайдиган кишилар айтмоқдалар. Жумҳуриятда миллионга яқин ишсиз бор экан, бунинг боиси уларнинг ишлаш иштиёқи йўқлигида эмас.

Тан олиш керакки, биз — раҳбарлар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг бугунги мутасаддилари уларни иш жойлари, турар жой, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртлари билан таъминлаш имконини ярата олмадик. Халқнинг камтарлиги ва матонати, унинг бизга ҳамон ишонаётганлиги турмуш оғирликлари ва ташвишларига бардош бериш имконини яратмоқда.

Халқимизни муносиб даражага кўтариш учун ана шу жуда катта ресурслар ва бойликлардан қай тарика фойдаланиш керак? Ўзбекистон Компартияси **бу асосий муаммони ҳал этишнинг бош йўли — халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартиришдир,** деб ҳисоблайди. **Хом ашё ресурсларини асосан жумҳурият ҳудудида қайта ишлашга эришмоқ керак.**

Бунда энг муҳим нарса биринчи навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш

Сурхондарё, Қашқадарё областларининг ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети саноатни ривожлантириш беш йиллик планларини барбод этдилар.

Уй-жой ниҳоятда етишмай турган бир вақтда Андижон, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё областларининг ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети планда кўзда тутилган уй-жойнинг фойдаланишга топширилишини таъминламадилар.

Айни вақтда ушбу областларда ўзлари учун турар жой қураётган кишилар уй-жой қуришнинг илгари белгилаб қўйилган ҳажмларидан анча ўзиб кетдилар. Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона областларида коммунал хўжаликни ривожлантиришдаги аҳвол бундан ҳам ёмондир. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Хоразм область ижроия комитети жумҳурият ҳукуматининг «ёрдами» билан энг йирик водопроводлар қурилиши режаларини батамом барбод этдилар. Ҳолбуки, шу регион аҳли сув келишига кўз тикиб турган эди.

Кўпгина мактаблар бинолари «тўкилиб турган» ва нобоп биноларда ишлаб турган бир шароитда маҳаллий Советлар йўли билан ўтган тўрт йил мобайнида 65 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилмай қолди ёки 14 минг ўринли мактаблар фойдаланишга топширилмади.

Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Тошкент областлари ва автоном республиканинг айниқса қишлоқ жойларида мактабгача тарбия болалар муассасаларини қуришда жиддий қолоқликка йўл қўйилди.

Самарқанд область ижроия комитетининг касалхоналар ва поликлиникалар қурилишига муносабатини одамлар сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги «ғамхўрлик»нинг ёрқин мисоли деса бўлади. Бу вилоят касалхоналар ва поликлиникалар билан таъминланишда энг сўнгги ўринда туришига қарамай, область раҳбарлари ана шу мақсадлар учун ажратилган 10 миллион сўм пулнинг ўзлаштирилишини барбод этдилар.

Ҳолбуки, ана шу маблағлар эвазига 900 беморга мўлжалланган касалхона қуриш мумкин бўлар эди. Худди ана шу областда болалар ўлими жуда кўп бўлишига қарамай, 1979 йилдан буён ҳар хил дардга чалинган болалар даволанадиган касалхона қурилиши ниҳоясига етмай турибди.

Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё областлари ва бошқа областлардаги иш ҳам дуруст эмас.

Бой берилган имкониятларни кўрсатишни давом эттириш мумкин эди, лекин масаланинг моҳияти бунда эмас. Асосий гап шундаки, конкрет иш билан мустаҳкамланмаган, мағзи пуч планлар ва мажбуриятлар аллақачондан бери одамларнинг жонига тегди, кишилар гапнинг ижроси иш билан бўлишини орзиқиб кутишмоқда.

Биз барча режаларимиз қандай бажарилаётганлигини синчковлик билан таҳлил қилишимиз, интизом паст бўлгани учун иш барбод бўлаётганининг субъектив сабабларини аниқлаб олишимиз, топширилган иш учун раҳбар коммунистларнинг масъулиятини оширишимиз керак.

Вазиятни муқаррар тарзда барқарор этиш, ишончни тўла-тўкис тиклаш учун Компартия ҳали кўп иш қилиши керак. Аввало, жумҳурият ҳаётида туб ўзгаришлар таъминланиши, халқ фаровонлигини ошириш, ҳар бир оила ва инсоннинг турмушида конкрет силжишлар бўлишига эришиш лозим.

IV. Самарали мустақил иқтисодиёт учун

Ўртоқлар! Сиёсат — иқтисодиётнинг мужассам ифодаси эканлиги ҳақидаги қоида ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Бунинг маъноси нимада? Бунинг маъноси аввало шуки, республика коммунистларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳаракат дастурини аниқлаб олиш керак.

Ўзбекистон Компартияси жумҳуриятни иқтисодий мустақиллик йўлига олиб чиқиши, уни ҳамон давом этаётган инқироз гирдобидан чиқариши учун нима қилиш керак?

Бу вазифаларни ҳал этар эканмиз, Ўзбекистон ресурслари ва имкониятларига баҳо беришга мутлақо янгича ёндашмоғимиз зарур. **Имкониятимизни унинг**

Иттифоқ ва жаҳон бозори учун қанчалик жозибали эканлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак бўлади.

Жумҳуриятимиз ажойиб табиий иқлим шароитига эгаки, тўғрисини айтганда, бу шароитлардан мутлақо етарли фойдаланилмаётир. Ўзбекистон халқини ҳаммавақт унинг **табиати, ери ва суви** боқиб келган. Ҳозир ҳам бу омиллар бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз бўлиб қолмоқда.

Бу заминда ҳамма нарса ўсиши мумкин. Лекин энг фойдали ва даромадли экинларни аниқлаб олиш, биз нималар ҳисобига энг юқори самара олишимиз мумкинлигини белгилаш керак. Биз бозорнинг раъйини ҳисобга олиб, нималар етиштиришимиз кераклигини ўзимиз ҳал қиламиз. Фойдали экин бугун пахта, эртага мева, сабзавот, озуқа экинлари ёки жумҳуриятга, унинг халқига даромад келтирадиган бошқа бирор экин бўлиши мумкин.

Янги ерларни ўзлаштириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида қилинган жуда катта ишларни қоралаётган, ҳатто сув омборларини портлатиб, гўё экологик вазиятни яхшилаш учун ерларни чўлга айлантиришни таклиф қилаётган кишиларнинг фикрига биз мутлақо қўшилмаймиз.

Улар биз нақадар бебаҳо бойликларга эга эканлигимизни англаб етмаётирлар. Ўзлаштирилган ерларда шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар қад кўтарганлиги, айни шу ерлар миллионларча кишиларни иш билан таъминлаб боқаётганлиги тамомила назарга олинмаётир.

Суғориладиган ер парвариш талаб этишини унутиш ярамайди. Кейинги йилларда ерларнинг ирригация, мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига эътибор сусайтириб юборилди. Ўзбекистонда эса 500 минг гектар жуда шўрхок ва ўртача шўрхок ерлар бор. Бу ишларга маблағ қидириб топилиши керак.

Биз ерларимизни ардоқласак, улардан оқилона ва самарали фойдалансак, 20 миллион одамнигина эмас, балки ундан ҳам анча кўп одамларни боқа оламиз.

Ўзбекистон ери остида ғоят катта бойликлар яшириниб ётибди. Республика ҳали жуда кўп йиллар мобайнида газ конденсати, кўмирга бўлган ўз талаб-эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлай олади. Янгидан очилган нефть конлари яқин вақт ичидаёқ нефть қазиб олишни 3—4 баравар кўпайтириш имконини беради.

Биз Қизилқумда фосфоритларнинг жуда катта конини ўзлаштиришни мўлжаллаяпмиз. Ниҳоят, бизда рангли ва қимматбаҳо металларнинг жуда катта ресурслари бор.

Ўзбекистон валюта олтини деб аталадиган энг қимматбаҳо олтинни етказиб бермоқда, ундан жумҳурият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрланаётир. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳамда қишлоқ хўжалик ва саноат хом ашёсини, тайёр маҳсулотларнинг неча ўнлаб турларини бозорда чекланмаган миқдорда сотиш имконияти бор ва бу нарса жумҳурият иқтисодий қувватини ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон ихтиёридаги ресурслар ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, республиканинг энг катта бойлиги — унинг одамлари, шароит ва имконият яратилса, тоғни талқон қила оладиган меҳнатсевар халқидир.

Саноатнинг замонавий тармоқларидаги меҳнатга халқимиз гўё қодир эмаслиги ва шу муносабат билан кўп кишилар ишсиз юрганлиги ҳақида айрим фикрлар қулоққа чалинмоқда. Бу гапларни халқни ҳам, ҳақиқий аҳволни ҳам мутлақо билмайдиган кишилар айтмоқдалар. Жумҳуриятда миллионга яқин ишсиз бор экан, бунинг боиси уларнинг ишлаш иштиёқи йўқлигида эмас.

Тан олиш керакки, биз — раҳбарлар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг бугунги мутасаддилари уларни иш жойлари, турар жой, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртлари билан таъминлаш имконини ярата олмадик. Халқнинг камтарлиги ва матонати, унинг бизга ҳамон ишонаётганлиги турмуш оғирликлари ва ташвишларига бардош бериш имконини яратмоқда.

Халқимизни муносиб даражага кўтариш учун ана шу жуда катта ресурслар ва бойликлардан қай тариқа фойдаланиш керак? Ўзбекистон Компартияси **бу асосий муаммони ҳал этишнинг бош йўли — халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартиришдир,** деб ҳисоблайди. **Хом ашё ресурсларини асосан жумҳурият ҳудудида қайта ишлашга эришмоқ керак.**

Бунда энг муҳим нарса биринчи навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш

ва мана шу ғоят муҳим ишда вужудга келаётган товар конъюнктурасини изчиллик билан ҳисобга олишдан иборатдир. Бу тадбир миллий даромадни ошириш, бюджетни барқарор қилиш ва ўстириш ҳамда одамлар турмушининг моддий шароитини яхшилаш учун реал шарт-шароит яратади. Ўзимизда қазиб олинадиган рангли металлар, нитрон, капролактам, бинокорлик материаллари ва ҳоказолардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш лозим.

Ишлаб чиқариш имкониятини, керакли моллар ишлаб чиқаришни тез кўпайтириш, аҳолини иш ва иш ҳақи билан таъминлашнинг муҳим йўналиши — **кичик корхоналар, филиаллар ва цехларни ривожлантириб, уларни иш кучи ортиқча районларга жойлаштиришдир.** Кичик корхоналар, тайёрланадиган маҳсулотни тезда ўзлаштира оладиган цехлар бозор инжиқликларига тезроқ мослашиб кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш имконини беради.

Регионларнинг ҳозирги ҳолатини бараварлаштириш учун қатъий чоралар кўриш зарур. Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида саноатнинг нотекис ривожланиши айниқса яққол намоён бўлмоқда. Хусусан Қорақалпоғистон АССРда катта қолоқликка йўл қўйилди, бу ерда аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш республикадаги ўртача даражадан икки баравар пастдир.

Биз Ўзбекистонда ва умуман бутун Ўрта Осиёда бирдан-бир автоном республика бўлган Қорақалпоғистонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни ўз бурчимиз, деб биламиз. Бу сиёсий масаладир.

Район марказларида, кичик шаҳарлар ва посёлкаларда кўп соҳали саноат комбинатлари қуриш истиқболли ишдир. Бу тадбир бадиий ва халқ ҳунармандчилиги сингари унутилган соҳаларни қайта тиклаш билан бир вақтда аҳоли учун зарур моллар, маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини ҳам беради.

Шу йил ва келгуси йилдаёқ 120—130 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган 150 дан ортиқ ана шундай комбинат барпо этиш мўлжалланмоқда.

Бизда жумҳуриятимизнинг халқ истеъмоли моллари жиҳатидан ҳозирги қарамлигини тугатиш учун барча шароитлар бор. Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришнинг ташиб келиш ва четга чиқариш балансларига асосланган конкрет дастурлари зарур. Хўш, нима учун истеъмол қилинаётган кийим-кечакларнинг чорак қисмини, трикотаж буюмлар ва ип газламанинг учдан бир қисмини, пойабзалнинг деярли ярим қисмини четдан ташиб келтириш керак? Буларнинг ҳаммасини ўз хом ашёмиздан ўзимизда тайёрлаш мумкин-ку, ахир.

Замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг фан ютуқлари ва меҳнат кўп сарфланадиган тармоқларини жадал ривожлантиришга кескин бурилиш структуравий қайта қуришнинг таркибий қисми бўлиб қолиши керак. Машинасозлик, радиоэлектроника, ускунасозлик корхоналарини тубдан янгилаш ва янгиларини қуриш ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш вазифаси турибди.

Бунинг учун бизда барча зарур ресурс шарт-шароитлари, илмий-техникавий ва лойиҳа-конструкторлик базаси бор. Фан ва техника тараққиётининг олдинги маррасига чиқмасак, истиқбол порлоқ бўлмайди. Фақат шу асосдагина биз бошқа регионлар ва чет эллар билан тенг ҳуқуқли шериклар сифатида алоқа боғлай оламиз.

Қишлоқ хўжалиги қандай ривожланиши керак? **Жумҳурият аграр сектори иқтисодиётнинг шундай бўғиники, Ўзбекистондаги муаммоларнинг аксариятини ана шу бўғинга таянибгина ҳал эта оламиз.**

Пахтачиликка муносабат Ўзбекистон Компартиясининг бутун аграр сиёсатида марказий масала бўлиб қолаверади. Биз пахта яккаҳокимлигига қарши изчиллик билан кураш олиб бораверамиз. Бу нарса республикага марказ томонидан зўрлаб қабул қилдирилган бўлиб, Ўзбекистонга, унинг аҳолисига бекиёс зарар келтирди.

Бунинг устига ўз байналмилал бурчини бажарган ва мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаган деҳқонлар гектар бошига ҳаммаси бўлиб 2200 сўм даромад олмоқдалар. Ваҳоланки, пахта охиригача қайта ишланса, ундан юз

хилга яқин маҳсулот ва 18—20 минг сўм ёки ўн баробар кўп даромад олиш мумкин. Бу ҳақда пухта ўйлаб олиш керак.

Пахтамиздан қай тарика энг самарали фойдаланиш мумкин? Ундан нималар ишлаб чиқариш энг фойдали бўлади? Бозорга қай тарика фаол таъсир кўрсатиш керак? Буларнинг ҳаммасини ўрганиб олишимиз лозим. Ҳатто ғўзапоя, шрот, линтдан тўғри фойдаланилса, биз ҳозир олаётганимиздан 3—5 баравар кўп даромад олишимиз мумкин.

Биз пахтачиликни алмашлаб экишни жорий этишга асосланган илмий йўлдан олиб бориш соҳасида жиддий қадамлар қўйдик. Биз 1991 йилда пахта толаси етиштиришни 100 минг тонна камайтириш, давлат буюртмаси даражасини эса етиштирилган маҳсулотнинг ярмидан оширмаслик вазифасини қўймоқдамиз. Пахтадан бўшаган ерлардан эса одамларнинг долзарб эҳтиёжларини қондириш учун, шу жумладан, чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кенгайтириш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Компартиясининг аграр сиёсати аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун **озиқ-овқат комплексини** устун даражада ривожлантиришга асосланади. 1995 йилгача мева, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни 2 баравардан зиёдроқ кўпайтиришни кўзда тутувчи асосли дастур ишлаб чиқилди. Бу эса жумҳурият аҳолиси эҳтиёжларини таъминлайди, шунингдек, ана шу маҳсулотларни ўзаро манфаатли шартлар асосида сотишни кўпайтириш имконини яратади.

Биз қайта ишлаш саноати корхоналари қурилишини ниҳоятда жадаллаштиришимиз зарур. 1995 йилгача Ўзбекистон ССРда 300 та мўъжаз цех қуриш кўзда тутилади. Бу эса озиқ-овқат моллари ресурсини анча кўпайтиради ҳамда аҳолини бу моллар билан таъминлашни яхшилайди, уларни Иттифоқ ички бозорида ва жаҳон бозорида фойда билан сотиш имконини кенгайтиради.

Компартия **қишлоқнинг ижтимоий ҳаётини қайта қуришни** ўзининг бош вазифаси деб билади. Агар деҳқоннинг хонадони ва хўжалиги обод бўлса, деҳқон бадавлат ҳаёт кечирса, шаҳарликнинг ҳам қорни тўқ бўлади. Дўконларда ва бозорларда озиқ-овқат мўл бўлади. Деҳқон хонадони хароб ва қашшоқ бўлса, бутун жамият оч қолади.

Шу боисдан ҳаммамиз қишлоқни қашшоқликдан қутқариш, қишлоқ хонадонини бадавлат қилиш йўлида иш олиб боришимиз лозим. Қишлоқнинг ижтимоий юксалиши унинг ўз иши деган фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди.

Биз съезд номидан деҳқонларга: биз сизларни ёлғиз қолдирмаймиз, деб айтамиз. Қишлоқ ижтимоий турмушини қайта қуриш, қишлоқнинг сув таъминотини, газ таъминотини яхшилаш, инфраструктурани яхшилаш учун марказлаштирилган капитал маблағлар қидириб топамиз. Бу бизнинг вазифамиз, бизнинг бурчимиздир.

Шуни айтишмиз керакки, ўртоқлар, Компартиянинг сайловолди дастурида қўйилган мақсадлар ўзгармай қолаверади. Биз бу мақсадларга эришиш учун изчиллик ва қатъият билан курашаверамиз.

Республика иқтисодиётидаги чуқур структура ўзгаришлари **ташқи иқтисодий имкониятлар** самарадорлигини кескин оширишга қаратилгандир. Ҳозирча бу йўл ниҳоятда суст амалга оширилаётир. Фақат 160 корхона ўз маҳсулотини хорижга чиқараётир. Асосан хом ашё ва материаллар экспорт қилинмоқда. Чет эл фирмалари иштирокида эндигина 14 та қўшма корхона ташкил этилди, бу мутлақо етарли эмас.

Кўпгина корхоналар чет эл бозорига чиқиш соҳасида берилган имкониятдан тўғри фойдаланмаётирлар. Масалан, ўтган йили «Узхлопкопром» республика бирлашмаси 34 миллион сўм чет эл валютаси ишлади. Аммо бирлашма ва пахта заводларининг раҳбарлари меҳнат коллективларининг фикри билан ҳисоблашмай, маблағнинг асосий қисмини енгил автомобиллар, микроавтобуслар, видеотехника, магнитофон ва шу сингариларни сотиб олишга сарфлади.

Келтирилган техника эса пахтани четга сотишга бевосита дахлдор бўлмаган ташкилотлар ўртасида тақсимланди. Ваҳоланки, жумҳуриятда одамларга тиббий хизмат кўрсатиш, болаликни муҳофаза қилиш, ҳаётий зарур моллар ишлаб чиқариш сингари долзарб масалалар ҳал этилмаган. Энг муҳими эса пахта — бутун халқнинг ва аввало уни қаҳрамонона меҳнати билан етиштирувчи

пахтакорларнинг мулкидир, зотан, бунда уларнинг манфаатларини албатта ҳисобга олиш керак. Буни ҳамма билиши лозим.

Ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида республика Ташқи иқтисодий банки (Внешэкономбанк) тузилди, Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитети ташкил этилаётир. Минглаб пахтакорлар, жумҳуриятимизнинг барча меҳнаткашлари меҳнати эвазига қўлга киритилган валюта айрим юқори лавозимли амалдорларнинг кўнгил очишларига эмас, балки жумҳуриятимизнинг ҳаётий муҳим манфаатларига, унинг бутун аҳолисига хизмат қилиши керак.

Жумҳурият сиёсий ва иқтисодий эркинлиги мустаҳкамланган сари чет эллар билан алоқалар янги мазмун касб эта боради. Ташқи сиёсат соҳасида бунинг маъноси — ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида чет эллар билан бевосита алоқа боғлашни билдиради. Биз илмий-техникавий, савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик масалаларини мустақил ҳал этадиган бўламиз, республика кадрларини халқаро ташкилотлар, совет элчихоналари, бош консулхоналар, савдо вакилликлари ишига планли асосда жалб этиб борамиз. Чет элларда республика ваколатхоналарини очиш режамиз ҳам йўқ эмас.

Хуллас, халқаро муносабатлар соҳасидаги конституцион ҳуқуқларнинг тўлатўкис амалга оширилиши жумҳуриятнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи мезон бўлиб қолиши лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш масаласи. Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсадлар ва вазифалардан келиб чиқиб, жумҳуриятда ўтиш давридаги ресурсларимиз ва имкониятларимиздан самарали фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса кам таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясининг ишончли механизми ишлаб чиқилиши лозим.

Бунда энг асосий масала — **мулкчилик муаммосидир.** Мулкчилик ҳақидаги тушунчамизни белгилаб олмай туриб, ишлаб чиқариш муносабатларига ёндашувларни ишлаб чиқиш имконияти бўлмайди, бошқача қилиб айтганда, жумҳуриятда мулкчиликнинг қандай шакллари бўлишини аниқлаб олиш даркор.

Ўзбекистон Компартияси мулк шаклларининг хилма-хиллигини бошқариладиган бозорнинг ҳал қилувчи омили деб билади. Давлат мулки билан бир қаторда ва у билан тенг ҳуқуқлилик асосида коллектив, акционерлик, оила, шахсий меҳнат, шахсий мулк ҳам кенг ёйилади.

Ўз-ўзидан маълумки, айрим ишлаб чиқариш объектларининг давлат объектларидан кооператив, акционерлик ва бошқа объектларга айлантирилиши оқилона асосда амалга оширилиши керак. Конкрет қайси корхоналар ва ташкилотлар уларда ишловчи коллективлар томонидан сотиб олиниши мумкинлигини, қайсиларини акционерлик жамиятларига, концернларга ва шу сингариларга айлантириш мақсадга мувофиқлигини пухта ўйлаб белгилаб олиш керак.

Ҳозир зарар келтираётган баъзи ишлаб чиқариш корхоналари имтиёзли шартлар асосида сотилиши ҳам мумкин.

Хусусий мулкчилик вужудга келиши имконияти муносабати билан катта шубҳалар билдирилмоқда.

Ўзбекистонда халқ хўжалигининг жиддий талаблари, ресурс ва имкониятлари ҳисобга олинадиган бўлса, кичкина ёки, очиқ айтадиган бўлсак, майда хусусий корхоналар жуда муваффақиятли ишлайдилар. Булар қандай корхоналар бўлиши мумкин? Биринчи навбатда улар истеъмол моллари, халқ ҳунармандчилиги, халқ ижодиёти маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳасидаги ёки ёрдамчи корхоналар, иккиламчи ресурсларни ва ишлаб чиқариш чиқитларини қайта ишлайдиган, катта бирлашмаларнинг айрим буюртмаларини бажарадиган корхоналар бўлиши мумкин. Бундай ишлаб чиқариш доираси ва корхоналарнинг ҳажми албатта қонуний тартибда аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Майда, кичик комплекс корхоналар қисқа муддат ичида қўшимча мол етказиб бериши ва хизмат кўрсатиши мумкин. Бунинг устига уларнинг ташкил этилиши ҳозир иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳолининг бир қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради.

Биз йирик ишлаб чиқариш комплекслари, шу жумладан, мамлакатнинг бошқа регионларидаги комплекслар томонидан майда ва ўртача корхоналар, филиал-

лар ва цехлар ташкил этилишини истисно қилмаймиз, балки аксинча рағбатлантирамиз. Ўз-ўзидан маълумки, бу жараён ҳукумат ва маҳаллий органларнинг назорати остида рўёбга чиқарилади ва жумҳурият манфаатларига мос йўналишда бўлади.

Ердамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари тузилишида уларнинг коллективларини уй-жой ва ижтимоий, маданий, маиший объектлар билан тўла таъминлаш шарт қилиб қўйилади.

Жумҳуриятимизга чет эл фирмалари ғоят зўр қизиқиш билан қараётганликларини ҳисобга олиб, қўшма корхоналар ташкил этиш ишини фаоллаштириш керак. Бунда бош йўналиш — чет эллик шерикларни халқ истеъмоли моллари ва фан ютуқларидан кўплаб фойдаланиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этишдир. Бундан қандай наф кўзда тутилмоқда?

Чет эл инвестицияси ва илғор технологиясидан фойдаланиш имконияти билан бир қаторда биз одамларимизни ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усулларидан, сифатнинг жаҳон стандартларидан баҳраманд қила оламиз, барқарор алоқалар ўрнатамиз ва бошқа муҳим ишларни амалга оширамиз.

Ерга эгалик қилиш масаласи алоҳида эътиборга сазовордир. Бу масалани бир томонлама ҳал этиб бўлмайди. Биринчидан, бизда сувсиз деҳқончилик қилиб бўлмаганлиги сабабли ер муаммосини эмас, балки ер-сув муаммосини ҳал этиш керак. Суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 95 фоизини беради. Бизнинг шароитимиз Россия шароитидан мутлақо фарқ қилади, чунки Россияда гап бўш ётган катта ер майдонлари ҳақида боради.

Иккинчидан, янги ерларни ўзлаштириш амалда тўхтатилгандан кейин ҳозир вужудга келган жиддий вазиятни ҳисобга олиш лозим. Бизда ҳозир қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир кишига 1,2 гектардан 0,8 гектаргача, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 0,4, Фарғона водийсида эса 0,2 гектардан кам ер тўғри келади. Истиқболда манзара янада жиддийлашади.

Умуман олганда, бизда суғориладиган ер ниҳоятда тақчил бўлиб, хусусий тарзда фойдаланиш учун тақсимланадиган ернинг ўзи йўқ. Ҳозироқ ер ва сув хусусида жуда кўп низолар келиб чиқмоқдаки, уларни ҳал этиш жуда қийин бўлаяпти.

Сув таъминоти масаласини олиб кўрайлик. Бу масалани биз регионимиздаги фожиа билан, яъни Орол фожиаси билан бевосита боғламоқдамизки, бу фожиа Чернобиль фожиасидан қолишмайди. Ўрта Осиё регионининг демографик хусусиятларини ҳисобга олганда унинг аҳолиси 2005 йилга бориб, икки баравар кўпаяди ва 60 миллион кишидан ошиб кетади. Уларни қандай қилиб иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш мумкин?

Аҳолининг ана шу тариқа ўсиши муносабати билан биз аввало региондаги имкониятларни ўзлаштиришимиз керак. Ўзбекистоннинг ўзида суғориладиган ерларни 4 миллион гектардан 10 миллион гектарга етказиш мумкин.

Қозоғистон ҳам, Тожикистон ҳам, Туркманистон ҳам, Қирғизистон ҳам ана шундай имкониятларга эга. Кейинги йилларда эса ерларни ўзлаштиришдаги хатолар танқид қилиниб, уларни тузатиш ўрнига Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини биз томонга оқизиш ишларини тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси қарорида СССР Госпланига, Фанлар академиясига ва бошқа марказий идораларга Ўрта Осиё регионини истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш топширилган эди. Бу топшириқни ҳеч ким бажармаяпти. Бизнинг фикримизча, бу масалага қайтиш керак, чунки Ўрта Осиё жумҳуриятлари аҳолини зарур турмуш шароитлари билан таъминлашда ҳозироқ дуч келаётган катта қийинчиликлар эртага янада ортиб, чуқурлашиб боради. Ҳозир Оролни асраш, табиий ресурслардан ва аввало сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш соҳасида қилинаётган барча ишлар давлат ва миллий кўламда аҳамиятга эга бўлиб, ҳамманинг эътибор марказида бўлиши лозим. Аммо бу масалага истиқбол нуқтаи назаридан ва мазкур муаммони тубдан ҳал этиш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, аниқ айтиш мумкинки, бошқа регионлардан сув келтирмасдан бу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Бу масаланинг ижобий ҳал этилишидан Ўрта Осиёдан ташқарида яшайди-

ган халқлар ҳам манфаатдордир. Бу дарёлар сувини биз томонга оқизиш Ўрта регион деб аталадиган жойларни — Сибирь билан Ўрта Осиё оралиғидаги ерларни ривожлантириш имконини беради. Бу ерларда ўзлаштирилмаган ғоят катта имкониятлар ва ресурслар бўлиб, уларда кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, биз ўз шароитимизга мос келган ер ва сув ҳақидаги ўз қонунимизни ишлаб чиқишимиз ҳамда жумҳурият Олий Советининг навбатдаги сессиясида тасдиқлашимиз керак.

Ҳозир колхоз ва совхозлар тақдири теварагида катта мунозаралар олиб борилмоқда. **Компартия Марказий Комитети колхоз ва совхозлар жумҳурият агросаноат комплексининг асоси ва шундай бўлиб қолади, деб ҳисоблайди.** Ўз меҳнаткашларининг фаровонлигини ошираётган, барқарор ишлаётган, молиявий жиҳатдан соғлом хўжаликлар бундан буён ҳам фаол ривожланаверадилар.

Йил сайин қарздан боши чиқмаётган колхоз ва совхозлар бундан буён қарз ҳисобига яшашга умид қилиб бўлмаслигини англаб олишлари лозим. Улардан ҳар бирининг тақдирини конкрет вазиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш керак.

Бу ишда энг муҳим нарса — **ишлаб чиқариш муносабатларининг янги шаклларидир.** Биз буни қишлоқда қандай бўлади деб тасаввур қилаяпмиз. Бизнинг фикримизча, энг тўғри йўл — колхозларни кооперативлар деб билишдир. Тошкент вилоятида, Фарғона водийсида, жумҳуриятнинг бошқа регионларида ана шундай ёндашиш вужудга келмоқда. Масалан, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз, Дўстлик районидаги аксарият совхозлар хўжаликни ташкил этишнинг янги шаклларини моҳирона қўшиб олиб бормоқдалар.

Колхоз кооперативга айланган тарзда буйруқбозлик қилмайди, балки у билан боғлиқ хўжаликларга, шу жумладан, ижара, пудрат, оила, фермер ва бошқа хўжаликларга хизмат кўрсатади. Унинг асосий вазифаси агрономик ва моддий-техника таъминоти ва, энг муҳими, маҳсулотни реализация қилиш масаласи бўлиб қолади.

Ўзбекистон Компартияси **бутун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш бахш этишни, уни инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларни қондиришга** қаратишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Келгуси беш йилликда фойдаланиладиган миллий даромаднинг катта қисми ижтимоий муаммолар комплексини ҳал этишга сарфланади. Шу йилнинг ўзидаёқ бу мақсадларга миллий даромаднинг салкам 90 фоизини сарфлаш мўлжалланган.

Эътиборни ижтимоий масалаларга қаратиш ҳақида гапирар эканмиз **соғлиқни сақлашни** яхшилаш биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Бу тармоқ моддий базасининг ниҳоятда қашшоқ эканлиги устига, бизда бу соҳа яхши ташкил этилмаган ва самарали фойдаланилмаётир. Миллатнинг зурриёт фондини, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кенг кўламдаги тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш керак бўлади. Муаммо аллақачоноқ вилоятлар доирасидан чиқиб, умумдавлат вазифаси даражасига кўтарилди. Аммо бу соҳадаги кўпчилик раҳбарларнинг ташвишланаётганликлари унча сезилмаётир. Ҳар ҳолда Соғлиқни сақлаш министрлигидан ҳам, ҳукуматдан ҳам ҳозиргача эътиборга сазовор бўлган асосли таклифлар тушаётгани йўқ.

Маҳаллий ва жумҳурият даражасида тиббий муассасаларни ташкил этишнинг пухта ва тўлақонли системасини ишлаб чиқиш, шароитимизни ҳисобга олган ҳолда илғор чет эл тажрибасини идрок этиб олишимиз керак. Ихтисослашган йирик даволаш марказлари қишлоқ ва шаҳар касалхоналари кенг шохобчалари билан қўшилиб, ана шундай системанинг асосий бўғинига айланиши керак. Жумҳуриятда бундай системани важудга келтиришга асос солинди. Яқин йилларда кардиология марказини, кўз микрохирургияси регионал марказини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш марказини, урология марказини ва шу сингариларни яратиш мўлжалланган.

Шу билан бир қаторда районлар, шаҳарлар, йирик посёлкаларда кенг соҳали касалхоналар, поликлиникалар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, туғруқхоналарнинг кенг шохобчаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, колхоз ва совхозларда участка касалхоналарини қайта тиклаш керак.

Биз соғлиқни сақлашга маблағ манбаларини излаб топишга янгича ён-

дашмоғимиз зарур. Соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг суғурта шакллари сингари манбалари ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш лозим. Бир нарса равшанки, соғлиқни сақлаш фақат бюджет маблағлари ҳисобига ривожлана олмайди. Соғлиқни сақлашни ривожлантириш фондини ташкил этиш, унга катта фойда олаётган корхоналар, хўжаликлар, кооперативлар, жамоат ташкилотларидан пул ўтказиш масаласини тезда ҳал этиш ғоят муҳимдир.

Яна бир муҳим масала. Оила врачи вазифасини қайта тиклаш керак. Бу ҳақда кўпдан бери гапириб келинмоқда. Кўзга кўринарли силжишлар йўқ. Бу масалани ҳал этиш, бундай врачлар тайёрлашни ташкил этиш ва уларга иш шароитини яратиш пайти келди.

Халқ таълими, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳаси тубдан янги ёндашувлар талаб қилади. Болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлашда кескин бурилишга эришиш зарур. Уйлардаги болалар боғчалари шохобчаларини, консультация пунктларини, қишлоқдаги болалар боғчаси — мактаб комплекслари шохобчаларини фаоллик билан кенгайтириш лозим.

Истеъдодли болалар учун мактаб-интернатлар ташкил қилиш давом эттирилади. Болалар боғчаси, мактаб билан бир қаторда болалар поликлиникаларини, чўмилиш ҳавзаси бўлган спорт майдончалари, болалар билан мактабдан ташқари иш олиб борувчи муассасаларни ўз ичига оладиган болалар муассасалари территориал комплексларини барпо этиш хусусида чуқур ўйлаб, бу ишни бошлаб юбориш ўринли бўлур эди.

Хотин-қизлар масаласига муносабатимизни тубдан ўзгартириш тадбирлари ҳақида ўйлаб кўришимиз керак. Биз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини, шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг етарли кафолоти учун, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ва бошқаришда иштирок этиши учун энг қулай шароитларни яратишимиз лозим. Оналар ва болалар соғлиғини, аҳолининг билим ва маданият даражасини сақлаш ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан таъминланиши керак.

Халқ хўжалигидаги бундай катта вазифаларни ҳал этишнинг асоси жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигига эришишдир. Бу ишнинг муҳим йўналишлари Ўзбекистон халқ депутатларининг I сессиясида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Компартия жумҳурият ҳудудидаги ишлаб чиқариш, фан-техника имкониятлари, ер, ерости бойликлари ва бошқа табиий бойликларни ўлканинг мулки деб ҳисоблайди. Жумҳурият булардан аввало ўз халқи манфаатларини кўзлаб мустақил фойдаланади. Мудофаа саноатига, чуқур техникавий реконструкцияни талаб қиладиган оғир саноатнинг айрим тармоқларига тааллуқли корхоналар, умумиттифоқ транспорт ва ахборот системалари, шунингдек, регионлараро комплекслар таркибига кирувчи корхоналаргина Иттифоқ қарамоғида қолиши лозим.

Масала кўндаланг қилиб қўйилиши керак — Ўзбекистондаги барча хом ашё ва қайта ишлаш тармоқлари жумҳурият ихтиёрига ўтказилиши лозим. **Ўз хом ашёмизни ва маҳсулотимизни Ўзбекистон манфаатларини кўзлаб сотадиган бўламиз.**

Бозор иқтисодиёти концепцияси тўғрисида СССР Олий Советида қилинган докладда мамлакат аҳолисини товарлар билан таъминлайдиган енгил саноатнинг барқарор ишлаши учун ресурсларнинг энг муҳимлари, бинобарин, пахта толаси бўйича белгиланадиган ҳажмларни давлат буюртмасига киритиш кўзда тутилади.

Биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Пахта жумҳурият бойлиги, унинг аксарият аҳолиси даромадларининг асосий манбаидир. Юқорида айтиб ўтилганидек, бутун мамлакатнинг пахта мустақиллигига эришиш йўлида Ўзбекистон ўз вақтида кўрган катта зарарлар етарли бўлди.

Жумҳурият манфаатлари пахта толасининг катта қисми мамлакат ҳудудидаги истеъмолчиларга ва чет элларга иқтисодий жиҳатдан асосланган эркин нархлар бўйича сотилишини тақозо этмоқда, бунинг учун биз давлат буюртмасининг даражаси дастлабки пайтларда 50 фоиздан ошмаслиги керак деб ҳисоблаймиз.

Пилла бўйича ҳам, қоракўл бўйича ҳам, етиштирилаётган маҳсулотнинг

бошқа турлари бўйича ҳам худди шундай йўл тутиш зарур. Бизнинг вазифамиз жумҳуриятдан етказиб бериладиган бутун хом ашё ва ярим фабрикатларни ўзимиз, воситачиларсиз сотишимиз мумкин бўлган структурани яратишдан иборат. Шу мақсадда жумҳурият Министрлар Советида «Узлегпромсирье» деб аталувчи ихтисослашган ташкилот тузилаётир.

Марказ билан, бошқа регионлар билан барча муносабатлар шартнома асосида қурилиши лозим. Бунда давлат буюртмаси ҳам баб-баравар масъулиятли ва ўзаро мажбуриятлар юклайдиган шартнома сифатида қаралиши зарур.

Биз мустақилликни маҳдудлик деб эмас, аксинча, интеграция алоқаларини тенг ҳуқуқ, ўзаро манфаат асосида ривожлантириш деб тушунамиз. Бунда манфаатдорлик алоҳида аҳамият касб этади. Биз узоқ вақт давомида бу сўзни ишлатишдан тортиниб, уни қандайдир савдогарчилик, худбинликка йўйиб келар эдик. Аслида эса бу — нормал иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим мезонидир.

Шу сабабли масалани: **«Бунинг Ўзбекистонга нафи борми ёки нафи йўқми?»** деган тахлитда қўйиш хўжалик хаётимизнинг нормаси, ягона халқ хўжалик комплексининг барча бўғинларидаги ўзаро муносабатлар нормаси бўлиб қолиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу нарса айниқса муҳим. Бизнинг бурчимиз — хом хаёлларга ва оғмачиликка йўл қўймай, Ўзбекистон шароитида бозор механизмининг моҳияти ва мазмунига сергаклик билан ва ҳар томонлама реал баҳо беришимиз, унинг жорий этилишида вужудга келиши мумкин бўлган мураккабликлар ва оқибатларни кўзда тутишимиз, ўтиш даври кескинликларини юмшатишга ёрдам берадиган зарур механизмларни олдиндан яратиб қўйишимиз керак.

Бизнинг назаримизда, тақдим этилган таклифларда мулкчиликнинг, регион билан марказ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг, маҳсулотларни бошмабош айирбошлаш асосларининг кўпгина принципиал масалалари тўла-тўкис ҳал этилмаган. Бир қатор қоидаларга эса биз умуман қўшила олмаймиз.

Биз шу йил 1 июлданоқ ноннинг чакана нархи бошқа нархлардан айри ҳолда бир томонлама оширилишига қарши қатъий эътироз билдирамиз. Бу ғалла билан пахта, улардан олинадиган маҳсулотлар нархларининг эквивалентлигига эришиш йўлидаги ҳозир қўйилаётган дастлабки қадамларни тамомила йўққа чиқаради.

Бунга ёнилғи, металл ва техника нархларини ошириш мўлжалланаётганлигини қўшсак, пахтага ҳақ тўлашни кўпайтириш тартиблари ҳеч нарса бўлмай қолади. Ваҳоланки, бизнинг шароитда айни шу нисбат иқтисодий тенг ҳуқуқлиликнинг, умуман, жумҳурият ижтимоий ривожланиш даражасини, унда яшовчи аҳоли фаровонлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилидир.

Бошланғич шароитларни ҳисобга олиш ва баробарлаштириш масаласи биз учун жуда катта аҳамиятга эга, бу ҳақда биз юқори даражаларда бир неча бор келишиб олган эдик. Ҳукумат маърузасида бу муаммо тилга олинади. Лекин жумҳурият ҳиссасини, унинг ҳозирги аҳволини ва аҳволни яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатишни ҳисобга олмаган ҳолда юзаки тенглик нуқтаи назаридан енгил-елпи тарзда мавҳум гапларгина айтиб ўтилган. Ваҳоланки, гап хайр-эҳсон ҳақида эмас, балки жумҳуриятнинг халқ хўжалик комплексига қўшаётган ҳақиқий ҳиссаси ўрнини қонуний асосда тўлдириш ҳақида бормоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ҳақидаги мамлакат ҳукуматининг маърузасида инвестицияларни қисқартириш масалалари қўйилади. Бизнинг фикримизча, бу хато ёндашувдир, чунки товар бозори таъминланишининг олдинги даражасида ва, энг муҳими, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги техникавий ва структуравий даражасида (бу жаҳатдан биз илғор мамлакатлар даражасидан 15—20 йил ва ундан кўпроқ орқада қолаётирмиз) бундай сиёсат баттар қолоқликка олиб боради.

Бунда қисқартириш ҳақида эмас, балки мақсадли, структуравий сиёсатни, капитал қурилишдаги устун йўналишларни, аввало, тугалланмаган қурилишларни кескин қисқартириш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиш ҳақида гап бориши керак.

Жумҳурият шароитида халқ хўжалиги структурасини қайта қуриш, ишлаб чиқарувчи кучларни вилоятлар ва регионлар бўйича мутаносиброқ жойлашти-

риш, социал соҳани ривожлантиришни кескин жадаллаштириш учун зарур маблағ ва ресурслар ажратиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Энг муҳими, аҳоли социал ҳимоясининг аниқ ва таъсирчан механизмлари зарур. Турли тажрибалар халқ елкасига оғир юк бўлиб тушишига йўл қўйиб бўлмайди. Аҳолининг социал аҳволини яхшилаш — жумҳуриятнинг бугунги шароитида айниқса муҳим. Бу муаммони тўғри ва изчиллик билан ҳал этиш Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларига оид муаммоларга, уларни кечиктирмай ҳал этишга алоҳида эътибор бериш керак. Пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилаларга бозор муносабатларининг шафқатсиз шароитида ёрдам бермасликка ҳаққимиз йўқ. Аҳолининг бу тоифалари учун қандай қўшимча имтиёзлар ва нафақалар тайинланаётганлиги ҳақида юқорида гапириб ўтилди. Яқинда улар Президентнинг янги Фармонлари билан тўлдирилди. Биз бу соҳадаги куч-ғайратимизни бундан буён ҳам ошираверамиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида вақтинча ишдан маҳрум бўлиб қоладиган ва иш билан банд бўлмаган 1 миллион аҳоли қаторига қўшиладиган кишиларга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу нарса жумҳуриятда катта муаммони вужудга келтирмоқда. Бундай одамларни қўллаб-қувватлаш, улар ишсизлик юзасидан ёрдам олишлари, малакаларини ўзгартириб янги касб эгаллаш имкониятига эга бўлишлари зарур.

Бу гапларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига халқнинг розилигисиз ва умумхалқ референдумисиз, Иттифоқ республикалари билан келишмасдан ўтиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Пировард натижада бозорга ўтиш ҳақидаги ана шу жиддий қарорнинг ҳамма оқибатлари учун халқимиз олдида биз жавоб беришимизга тўғри келади.

Уй-жой қурилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Яқин беш йил ичида 67—68 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, 6 миллиондан зиёдроқ кишининг уй-жой шароитини яхшилаш вазифаси қўйилди, бу эса ҳозирги беш йилликдагидан бир ярим баравар кўпдир.

Аҳолига коммунал хизматни кескин яхшилаш вазифаси турибди. Аҳолининг марказлаштирилган сув таъминоти даражасини 52 фоиздан 67 фоизга етказиш, Оролбўйи зонасида эса 1995 йилгача бутун аҳолини марказлаштирилган сув таъминотига ўтказиш кўзда тутилади. Қишлоқ аҳоли пунктларини газлаштириш суръатлари икки баравар ортади.

Жумҳуриятда ижтимоий ўзгаришларни фақат бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириб бўлмайди. Бу вазифани ҳал этишга министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Ҳозир 800 дан ортиқ колхоз, 50 совхоз, 85 корхона оналарга, ветеранларга, пенсионерларга қўшимча нафақа тайинладилар.

Айни вақтда ҳозир саноат корхоналари, бошқа тармоқлар махсус фондлари қолдиғида 1,3 миллиард сўм пул, шу жумладан, социал ривожлатиришга мўлжалланган 242 миллион сўм пул ҳаракатсиз бўлиб ётибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети меҳнаткашларга социал мадад кенг системасини вужудга келтиришда меҳнат коллективлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари кўрсатадиган барча ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайверади.

Янги шароитда самарали иш олиб бориш учун бозор муносабатларини яхши биладиган, жумҳурият сиёсатини фаол ўтказа оладиган **юқори малакали мутахассислар** керак.

Бизга аввало туб миллат вакилларидан малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури сув билан ҳаводек зарур бўлиб турибди. Мактаб курсисидан бошлаб истеъдодли ёшларни танлаш ва рағбатлантириш даркор. Бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилаётир, лекин бу жараённи бутун чоралар билан жадаллаштириш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, танлаш ва уларни мамлакатдаги ва чет эллардаги етакчи илмий марказларга ўқишга юбориш Ўзбекистон республика фонди тузилди. Қишлоқ ёшларига алоҳида эътибор бериш, уларнинг манфаатларини

камситмаслик, балки аксинча, уларнинг маънавий ва моддий ўсиши учун бутун шароитларни яратиш лозим.

Бу бизнинг ғоят катта резервимиз ва, айтиш мумкинки, кўпинча унутиб қўйётган бурчимиздир. Дастлабки гуруҳ — 100 дан ортиқ илмий ходим марказий олий ўқув юртларига ва илмий-тадқиқот муассасаларига юборилди. Бу йил 52 студентни ҳамда 51 илмий ходим ва мутахассисни чет эллардаги ўқув юртларига ва илмий марказларга ўқиш, малакани такомиллаштириш ва илмий иш бажариш учун юбориш кўзда тутилади.

Студентлар ва илмий ходимларга тил ўргатиш республика маркази тузилмоқда. Унда ишлаш учун АҚШ ва Буюк Британиядан мутахассислар жалб қилиш мўлжалланмоқда. Республика ҳукумати жумҳурият ёш олимларини энг яхши чет эл дорилфунунларига стажировкага юбориш масаласини кўриб чиқмоқда.

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш учун бўлажак ўқув йилидан бошлабоқ айрим факультет ва бўлимлар йўналишини ўзгартириш ҳамда янги факультетлар ва бўлимлар очиш хусусида таклифлар тайёрлаш керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик жараёнида жумҳурият олий ўқув юртларида халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича, шу жумладан, халқаро маркетинг, валюта муносабатлари, ташқи иқтисодий фаолият, бошқариш бўйича кадрлар тайёрлаш ташкил этилиши лозим.

Ишчиларимизни контракт асосида чет элга стажировкага юборишдан бош тортмаслик, балки буни рағбатлантириш зарур. Чунки улар яхши иш ҳақи билан бир қаторда энг илғор техника ва технологияни, меҳнатнинг илғор усулларини ўзлаштириш, профессионал савиясини кенгайтириш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Компартияси ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳасида халқ хўжалиги структурасида тубдан ўзгаришларни амалга оширишни, унга кўпроқ социал йўналиш бахш этишни, одамларнинг эҳтиёжлари ва талаблари томонга бурилишни ўзининг энг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Компартия табиий-иқтисодий имкониятлардан, хом ашё ва меҳнат ресурсларидан, мулкчиликнинг ва хўжаликни юритишнинг хилма-хил шаклларидан Ўзбекистон аҳолиси манфаатлари йўлида фойдаланиш асосида чинакам иқтисодий мустақилликни таъминлашга эришади. Ўзбекистон мамлакат ягона халқ хўжалик комплексидаги алоқаларни мустаҳкамлаб ва ривожлантира бориб, ички Иттифоқ бозорида ва жаҳон бозорларида хом ашё етказиб берувчигина эмас, балки рақобат қила оладиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тенг ҳуқуқли шерик сифатида майдонга чиқади.

V. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети, жумҳуриятнинг сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи

Ўртоқлар!

Жумҳурият сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиёти ҳамда миллий муносабатлар муаммоларининг бутун мазмунини ҳал этишда **Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустаҳкамлашда унинг ҳақиқий сиёсий ўзлигини таъминлашни** энг муҳим бўғин деб ҳисоблаймиз.

Сир эмаски, турли норасмий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари шу масалалар юзасидан сиртдан қараганда кескин ва яққол кўринса-да, бироқ амалда қалтис таваккалчиликдан иборат шиорларни ўртага ташламоқдалар. Масалан, жумҳуриятнинг тўла давлат эркинлиги ва мустақиллиги ҳақидаги даъватлар жуда яққол ва «инқилобий» жарангламоқда. Миллий маҳдудлик ва яккаланиш ғояси зўр бериб такрорланмоқда. Бироқ айни вақтда ўша мустақиллик учун амалда қандай иқтисодий имкониятлар борлиги, унга қандай қилиб эришилиши, бу нарса жумҳуриятни нималарга олиб бориши ҳақида ҳеч нарса дейилмаяпти.

Биз Совет Иттифоқи билан узвий алоқалар орқали боғланганмиз, биз учун

Иттифоқ — шунчаки барча қардош халқлар кучлари тўпланишигина эмас, балки кучига куч қўшилиши ҳамдир.

Шу сабабли биз жумҳуриятнинг сиёсий ўзлиги ва иқтисодий мустақиллиги — айирмачиликка, маҳдудликка интилиш эмас, балки Иттифоқ таркибига кирувчи бошқа жумҳуриятлар билан ўзаро манфаатли бирлашув алоқаларини янада такомиллаштириш ва кенгайтиришдан ҳам иборат бўлишини жуда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бироқ бу ўринда ўз моҳияти жиҳатидан унитар давлат бўлган эски Иттифоқни назарда тутаётганимиз йўқ, балки сиёсий жиҳатдан эркин ва иқтисодий жиҳатдан мустақил жумҳуриятларнинг тубдан янгиланган Иттифоқ Федерациясини назарда тутаяпмиз. Ҳамжиҳатликдаги куч-ғайратлар билангина самарали ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларда ваколатларни Иттифоқ органларига ихтиёрий равишда топшириш назарда тутилади.

Ягона Федерация таркибида бўлиб, Иттифоқ микёсида қабул қилинадиган ва жумҳуриятнинг манфаатларига зид ёки тўла-тўкис мос келмайдиган қарорларнинг мажбурий ижрочиси бўлиб қолмаслик учун нима қилиш керак? Бунга йўл қўймасликнинг кафолати, воситаси нимадан иборат?

Шуни айтиш керакки, Иттифоқ билан Федерация аъзолари ўртасида ваколатларни аниқлаш тўғрисида, СССР, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар иқтисодий муносабатларининг асослари ва бошқа тоифа қонун ҳужжатлари қабул қилинишига қарамай, биз ҳали асосий масалага етиб борганимиз йўқ. Бу ўринда гап янги Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда. Масала аллақачон пишиб етилган. Назаримизда биз ишни бошқа томонидан бошлаётганга ўхшаймиз.

Ҳеч кечиктирмасдан Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишга киришиш керак деб ҳисоблаймиз. Бизга кўп миллатли давлатимизни сақлаб қола оладиган ва жипслайдиган, ҳар бир халқнинг тенг ҳуқуқли эркин ривожланишини таъминлайдиган шартнома зарур.

Биз Қорақалпоғистон АССРнинг миллий-давлат тузилиши муаммоларига, унинг Совет Ўзбекистонининг ажралмас таркибий қисми сифатидаги эркинлигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор билан қарашимиз керак. Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини тайёрлаш жараёнида унинг лойиҳасида иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг ваколатларини имкони борича фарқлаб қўйишни белгилайдиган қоидалар аниқ таърифлаб берилиши, автоном жумҳуриятнинг мустақил ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва пухта кафолатлаш тартиби асос қилиб олиниши керак.

Жумҳуриятнинг сиёсий эркинлигига эришиш халқ ҳокимияти органлари бўлмиш барча поғоналардаги Советларнинг мавқеи ва обрў-эътиборини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар кўришни талаб қилади.

Яқинда Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатлигига ўтказилган сайловлар жумҳурият ҳаётида катта аҳамият касб этди. Умуман сайловлар жараёнида сайловчиларнинг ўз хоҳишларини эркин изҳор қиладиган вазият депутатлик корпусининг сифат жиҳатдан янги таркибини шакллантириш имконияти яратиб берилди. Советларнинг дастлабки сессиялари бўлиб ўтди. Бу сессиялар Советларнинг сиёсий бефарқликдан сиёсий фаолликка ва ташаббускорликка амалий равишда бурилаётганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, бундай сайловларни ўтказишнинг дастлабки тажрибаси биз нималардан воз кечишимиз кераклигини ҳам аниқлаб берганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак: депутатлик мандатлари учун кураш ҳамма жойларда демократик вазиятда ўтмади, эскича фикрлаш иллатларига йўл қўйилди. Беодобларча, баъзан эса ножўя усуллардан фойдаланилди. Бундан зарур сабоқларни чиқариб олмоқ учун буларнинг ҳаммасини тан олиш керак.

Ўзбекистонда Президентлик идора усули таъсис этилганлиги муҳим қадам бўлди. Иттифоқ микёсида бўлганидек, Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг таъсис этилиши ҳам қонунларни, давлатнинг бошқа ҳужжатларини ижро қилиш воситасини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Жумҳуриятнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг сиёсий эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини

таъминлиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш учун бунинг аҳамияти жуда катта бўлади.

Бевосита бошқарув вазифалари Советларга топширилиши сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун партия масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилганлигини билдирмайди. Вазифанинг янгича тарзда қўйилиши аввало шундан иборатки, Коммунистик партия ўзининг жамиятдаги мавқеини қонун ва буйруқлар йўли билан қарор топтирмай, балки ўзининг аниқ-равшан ишлари билан обрў-эътиборга сазовор бўлиши керак, жумҳурият бундан буёнги тараққиётини сиёсий йўл-йўриқлар билан ишлаб чиқиб, халққа таклиф этиши, бу йўл-йўриқларнинг Советлардаги ва давлат ҳокимияти бошқа идораларидаги коммунистлар орқали рўёбга чиқарилишига ҳаракат қилиши лозим.

Шу сабабли биз Совет ва давлат идораларидаги партия ташкилотларини тугатиш, Компартиянинг шу идоралар фаолиятига таъсирини фақат сайлов кампанияларида иштирок этиш билан чеклаб қўйиш борасидаги уринишларга қўшила олмаймиз. Аксинча, биз Советларда ишлаб турган КПСС аъзолари сайловчиларнинг хоҳиш-талабларини бажариш йўлида юксак масъулият кўрсатишларига астойдил ва оғишмай ҳаракат қилаверишларига ишонамиз. Коммунист депутатлар чинакам халқчил, чинакам миллий манфаатларни кўзлаб ҳаракат қиладилар, етилган муаммоларни партиявий руҳда ҳал этишга интилаверадилар. Советлардаги коммунистларнинг ана шундай иш услубини ҳаёт тақозо этмоқда, давр талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси фаолиятини чуқур қайта қурмай туриб унинг жумҳурият сиёсий системасидаги янги мавқеини амалий тарзда таъминлаб бўлмайди.

Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигига эришиш, **Ўзбекистон Компартиясининг ҳам амалий мустақиллигини таъминлаш** уни марказнинг ҳаддан ортиқ васийлик қилишидан халос этишни объектив зарурат талаб қилмоқда. Бу фикр жумҳурият коммунистларининг аксарияти томонидан билдирилаяпти.

Бизнинг фикримизча, КПССнинг марказий раҳбар органларида ва унинг аппаратида Ўзбекистон Компартияси вакилларининг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланиши керак. Уларнинг таркибига вакил қилиб юборилган коммунистлар умумпартиявий қарорларни ишлаб чиқишда қатнашишлари, жумҳурият ва унинг партия ташкилотлари манфаатларини ифодалашлари керак.

Янги вазифалар ишга янгича ёндашишни ва принципиал янги усулларни, янги кадрларни талаб қилишини тажриба кўрсатиб турибди. Сиёсий beғамлик шароитида неча ўн йиллардан бери ишлаб келган кўпгина раҳбар ходимларимиз учун ўзларини қайта қуришлари жуда қийин бормоқда. Фикрлашдаги ва феъл-атвордаги эски усуллар қайта қуриш чақириқлари ва шиорларидан устун келмоқда.

Айни шу боисдан ҳам Совет ва давлат аппарати анчагина янгиланди. Марказий Комитетга, область ва район партия комитетларига ҳам янги кишилар келдилар.

Марказий Комитетнинг барча секретарлари бир йилдан камроқ ишлаётганликларини биласизлар. Уларнинг иш услуби, имкониятлари ҳақида хулоса чиқаришга ҳали эрта бўлса ҳам, аммо шуни қатъий қилиб айтмоқчиман: партиявий ишни қайта қуриш аввало ҳақиқатни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш эканига ҳаммамизнинг ишончимиз комил. Ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, уни ҳимоя қилиш керак. Шу боисдан ҳам Марказий Комитет Бюроси янги состави жумҳуриятдаги ишларнинг асл аҳволи тўғрисидаги **ҳақиқатни** халққа рўй-рост айтишдан иш бошлади. Бунинг учун журъатимиз ва иродамиз етарли эди. Бугунги маърузада ҳам шу қоидага амал қилдик.

Ҳозир Марказий Комитет Бюросига маслакдошлар коллективи жамланган, партиявий ўртоқлик, ошкоралик руҳи ҳукм сурмоқда. Танқид ва ўз-ўзини танқидга кенг йўл очилган. Баъзан қизишиб кетиб, қаттиқ сўзлар айтишим учун мени ҳам танқид қиладилар. Бу танқидни тўғри деб ҳисоблайман.

Иккинчи секретарь ўрток А. С. Ефимов тажриба орттирмоқда, иш услубини такомиллаштириш учун кўп иш қилмоқда. Бироқ унга кадрлар сиёсатини амалга оширишда қатъийроқ бўлишни, жойларга тез-тез бориб туришни, ўзбек тилини тезроқ ўрганиб олишини тилаймиз.

Ўрток Ж. Ҳ. Ҳамидов мафкуравий иш соҳасига сиёсий раҳбарлик усул-
зрини ўзлаштириб олмокда. У зиёлиларни яхши билгани кўл келмокда, бу эса
.амоатчилик фикрини шакллантириш учун ғоят муҳимдир. Энди ишчилар синфи-
ı, деҳконларга, ёшларга ва аҳолининг бошка гуруҳларига хос бўлган муаммо-
арни чукуррок ўрганиш, мафкуравий ишни ҳозирги талаблар руҳида кайта
уриш керак.

Агар бошка секретарлар — Р. А. Попов ва А. И. Икромовнинг фаолиятига
аҳо берадиган бўлсак, уларга айникса иктисодий ва ижтимоий сиёсат масалала-
идаги ишларнинг замонавий шакллари ва усулларини тезрок аниклаб олишла-
ини, партия билан Советлар ўртасидаги вазифаларни кайтадан таксимлаш
асалаларида сўздан ишга ўтишни, халк хўжалигига раҳбарлик килишнинг
уйрукбозлик-маъмуриятчилик усулларини тугатиш учун фаолрок курашни ти-
аймиз.

Бюро аъзоларидан Ш. Р. Мирсаидов, М. И. Иброҳимов, Д. Д. Берков,
І. Ҳ. Жўрабеков, Ҳ. А. Алимованинг зиммасида ҳам шундай вазифалар турибди.
из уларнинг ишида мустакиллик, ташаббускорлик ва ижодий ёндашиш кўпрок
ўлишини, айникса Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастурини рў-
бга чикаришда ва меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя килишда шундай
ш тутилишини кўрсак деймиз. Улар министрликлар ва идораларга раҳбарлик
илаётган коммунистлар билан жумҳуриятнинг давлат тузилишларидаги буй-
укбозлик-маъмуриятчилик системасини янада катъият билан синдириб ташлаш-
ари керак.

Марказий Комитетимиз Бюросининг иш услубини ҳам бутунлай ўзгартириш
озим. Биз буйрукбозликдан, кўрсатма беришдан, ҳамма ишга васийлик килиш-
ан воз кечамиз. Биз бошкача фикрдаги кишилар билан мунозара ва мулокот
илиш санъатини ўрганишимиз, норасмий позициядаги кишилар билан учрашган-
а ҳам асосий масалада ён бермай, умумий тил топа билишимиз керак. Факат
изнинг гапимиз — ҳак гап деб туриш ярамайди.

Янги шароитда Бюронинг ва умуман бутун Марказий Комитетнинг вази-
алари жумҳуриятнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий тараккиёти стратегияси-
и ишлаб чикишга ва унинг амалга оширилишини назорат килишга каратили-
ıи керак.

Мафкуравий иш, ташвикот ва тарғибот, КПСС танлаб олган йўлнинг тўғри-
игига одамларни ишонтириш ҳам; ҳокимият органларига сайловда халкнинг
шончини козониш, яъни ҳукмрон партия мавкеини саклаб колиш ҳам; танлаб
.линган сиёсатни ташкилий жиҳатдан ва кадрлар билан таъминлаш ҳам бизнинг
азифамиздир. Сиёсий раҳбарлик усулларининг моҳияти мана шундан иборат.

Халкнинг кўпчилиги танлаб олган ва кўллаб-кувватлаган сиёсат катъият
а изчиллик билан амалга оширилган такдирдагина унинг кадр-киммати рўёбга
икиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Ҳозир баъзи кишилар Марказий Комитет Бюроси ўз йўлини каттиккўллик
илан ўтказаяпти, деб таъна килмокдалар. Дарҳакикат шундай!

Хўш, айтинглар-чи, мамлакатнинг кўпгина регионларида рўй берган фо-
иали вокеаларга жумҳуриятимизда йўл кўйиб бераверамизми?

Еки бирор кишида ижтимоий кескинликни юмшатиш, безовта хонадонимиз-
а интизом ва тартибни саклаб туриш ҳакида бошка таклифлар ҳам борми?

**Шахсан мен коммунист сифатида, Президент сифатида жумҳурият аҳли-
нинг осойишталигини, жумҳуриятимиз келажаги йўлида барча соғлом кучлар-
и бирлаштиришни таъминлаш учун бор имкониятлардан тўлик фойдаланишга
айёрман.**

Марказий Комитет Бюроси ва Секретариатининг позициялари, иш услуби
акида гапирганда умуман республика **партия комитетлари** фаолияти ҳакида
ам тўхталиб ўтиш лозим.

Ҳозир хаёлий режалар, маҳсулотларнинг ҳажмлари, тонналар ва кубметр-
ар партия комитетлари ишига бериладиган баҳонинг мезони эмас. Ҳозир омма-
инг кайфияти, вазиятни идора кила билиш кобилияти сиёсий раҳбарликка баҳо
еришнинг бош мезонидир.

Биз ҳаммамиз битта сиёсий конуниятни яхши билиб олишимиз керак: агар
артия комитети оммадан ажралиб колса, агар у оммадан яшириниб кабинетлар-

га кириб ўтирадиган бўлса, омма ҳам ундан юз ўгириб, бошқаларга мурожаат қила бошлайди. Сиёсатда бўш ўрин бўлмайди.

Вахоланки, Фарғонада, Бўка, Паркент районларида ва ниҳоят Андижон областида худди шундай бўлди. Ўша жойлардаги бемаънигарчиликларни обкомлар, райкомлар, уларнинг секретарлари, бюро аъзолари кўрмаганлармми? Муттаҳамларнинг қаллобликларини улар билмаганлармми? Уюшган жиноий гуруҳларнинг курашини-чи? Оммавий чайқовчиликни-чи? Порахўрлик, уруғ-аймоқлар ўртасидаги ўзаро жанжалларни пайқамаганлармми? Ниҳоят, буларнинг ҳаммаси ҳақида оддий кишилар нима деб ўйлаётганлиги, иш топа олмай юрган ёшларнинг фикр-хаёли наҳотки уларга маълум бўлмаган бўлса.

Буларнинг ҳаммасини билганлар, албатта. Аммо улар иллатга қарши қоғоз найзалар билан, қарорлар ва қуруқ буйруқлар билан курашмоқчи бўлганлар. Аллақачон умри тугаган иш услуби эса одамларни ғазаблантирган, кескинликни келтириб чиқарган.

Масалан, биз Андижон область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Орифжонов одамлардан ажралиб қолганлигини унга неча марталаб айтган эдик. Биз унга иш услубини ўзгартиришни, мажлисбозликни бас қилишни, ижтимоий муаммоларга кўпроқ эътибор беришни айтган эдик. Аммо у маслаҳатларга қулоқ солмади. Бунинг устига область партия комитети вазиятни тўла назорат қилиб турибди деб, бизни ишонтириб келди. У вазиятни қандай назорат қилганлигини энди биляпмиз.

Тан олиш керак. Ҳа, партиядаги қайта қуриш жамиятдаги қайта қуришдан орқада қолмоқда. Кўпгина партия комитетлари эскича фикрлар билан юришибди, одамлар билан камдан-кам шуғулланмоқдалар ва юқоридан келган кўрсатмага риоя этишнигина ўз ишларининг маъноси деб билмоқдалар.

Иш услубида ижодий ёндашувлардан кўра юзаки ижрочилик устунлик қилмоқда.

Эски услуб ва усулларга барҳам бериш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Бироқ бу ишнинг суръатлари бизни мутлақо қаноатлантирмайди. Энг муҳими эса — ишнинг фақат ташқи томонларигина ислоҳ қилинаётганлиги бизни қаноатлантирмайди.

Келишиб олайлик: бизни ишнинг ташқи томонигина, аппарат тузилишининг ўзгариши, ундаги ходимлар сони қисқаришигина эмас, бизни аввало ишнинг ички мазмуни қизиқтирмоқда. Сиёсий натижа худди мана шу мазмунга боғлиқ бўлади, бинобарин, партия ташкилотларининг барқарорлиги ва обрў-эътибори, одамларнинг қайта қуришга ишончи ҳам мана шунга боғлиқ бўлади.

Мисол учун Қизилтепа (ўртоқ М. Шамсиев), Учқўрғон (ўртоқ Қ. Раимжонов), Мирзачўл (ўртоқ Н. А. Мирошниченко), Сирдарё (ўртоқ М. А. Ибодуллаев), Свердлов (ўртоқ М. Р. Раҳмонов) ва бошқа кўпгина район партия комитетларини кўрсатиш мумкин. Бу районларда қайта қуришнинг расмий белгиларигина кўриниб қолмасдан, шу билан бирга партиявий ишнинг ички мазмуни ҳам тубдан ўзгарди, бу иш меҳнаткашларнинг энг зарур муаммоларини ҳал этишга қаратилди. Мана шу райкомлар, партия фаоллари ва омма ўртасида қандайдир сунъий ғовлар йўқ. Ҳаммалари одамларнинг қийин турмушини қандай қилиб енгиллаштириш, ўз халқини қандай қилиб боқиш ва кийинтириш, ижтимоий адолатни қандай қилиб таъминлаш ҳақида биргаликда ғамхўрлик қилиш фикри билан яшамоқдалар. Бу жойларда партия органлари билан норасмий ташкилотлар ўртасида қарама-қаршилик йўқлиги диққатга сазовордир. Улар одамларнинг манфаатларини кўзлаб биргаликда ишламоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар.

Партиявий ишимизнинг бутун моҳияти мана шундан иборат бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Агар биз партиявий ишни нима учун олиб бораётганимизни унутиб қўйсак, оммани ўзимиздан қайтарган бўламиз. Омма бизга ишонмай қўяди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Биз бунга йўл қўймаймиз ҳам.

Биз бошланғич партия ташкилотларининг обрў-эътиборини, фаоллигини ва ташаббускорлигини амалда оширишимиз, улар орқали партиявийлар оммасини партиянинг барча ишларида амалий қатнашувини таъминлашимиз лозим.

Биз бошланғич партия ташкилотлари тузилишининг территориал ишлаб чиқариш принципини сақлаб қолишнинг қатъий тарафдоримиз ва ишлаб чиқа-

риш коллективларидаги, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги партия ташкилотларини тугатиш йўлида қилинаётган уринишларга қўшила олмаймиз.

Шу билан бирга, эндиликда аҳоли яшайдиган жойлардаги сиёсий ишнинг аҳамияти жуда ошиб бораётганлигини эътиборга олиб, бу жойлардаги бошланғич партия ташкилотларини тузиш тўғрисидаги фикрларни ўзгартириш, муайян жойда яшовчи барча коммунистлар иштирокида бошланғич партия ташкилотларини тузиш зарурияти пишиб етилди. Ҳозирги вақтда истиқомат жойларда тузилган, асосан пенсионерлардан иборат бўлган партия ташкилотлари янги сиёсий вазифаларини ўз зиммасига олиши қийин.

Кейинги вақтларда **КПСС аъзолиги** масалаларига эътибор бирмунча бўшашиб қолди. 1985 йилга нисбатан Ўзбекистон Компартиясининг сафи умуман 22 минг кишига кўпайган бўлса-да, республика партия ташкилоти таркибидаги коммунист ишчилар 7 минг кишидан зиёдроқ камайди. Бултур аъзолик бадалларини тўламаганлиги ва партия ташкилотлари билан алоқани узганлиги сабабли КПСС сафидан чиққан кишилар қарийб икки ҳисса кўпайди.

Шу муносабат билан кўпгина коммунистлар КПСС янги Устави лойиҳасида партияга қабул қилиш масалаларига бир оз енгилроқ ёндашилганлиги учун ҳақли равишда танқидий мулоҳаза билдирмоқдалар. Номзодлик стажи тартиботини сақлаб қолиш, Уставга партия ташкилотларининг партия сафига кирувчиларнинг сиёсий онги ва маънавий қиёфасига нисбатан юксак талабчанликни таъминлайдиган қоидалар киритиш зарур эканлиги тўғрисида кўпгина таклифлар айтилмоқда.

Шахсий аризалар билан КПССдан чиқиш ҳоллари пайдо бўлди. Ўтган йили турли сабабларга кўра 719 коммунист ўз партия билети ва номзодлик карточкаларини топширган бўлса, шу йил бошидан бери яна деярли шунча коммунист партия билетлари ва номзодлик карточкаларини топширди. Бу ҳодисаларни синчиклаб ўрганмоқ керак.

Агар партияга амалпарастлик ниятида кирган киши ундан чиқадиган бўлса, бу ўз-ўзини поклашдан иборат соғлом жараёнларнинг кўринишларидан биридир. Бироқ саросимага тушиб, мураккаб вазиятда тўғри йўлни топаолмаётган кишилар ҳам бор. Бундай кишиларга имкон борича хушмуомалалик билан ёндашиш, уларни шоша-пиша сафдан чиқариб юбормаслик, ҳозирги янгиланиш жараёнларида ўз ўрнини топиб олишда уларга ёрдам бериш зарур.

Кадрлар сиёсати масалалари ҳам биз учун муҳимдир. Келинглар, аниқ белгилаб олайлик: «номенклатура» сўзи ва шу сўз билан боғлиқ кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик усулларининг умри тугади. Аммо биз шу баҳонада умуман кадрларга оид масалаларни ҳал қилишга таъсир ўтказишдан воз кеча оламизми?

Биз ходим ҳақида қоғозга қараб фикр юритишни, кадрларни аввало номенклатура-анкета ёндашуви орқали танлашни рад қиламиз. Чунки бу нарса ишни уддалай олмаган ходимни бир амаллаб қутқариб қолувчи восита бўлиб хизмат қилади. Йўл қўйган хатолари учун ишдан ҳайдалиши лозим бўлган ходимга номенклатура янги лавозим совға қилиб туради. Хўш, адолат қани ўзи?

Бундай ёндашувга кўп кишилар кўникиб қолишган. Баъзи кишилар шундай бўлавериши керак, номенклатура умрбод лавозимда ишлаш ҳуқуқини таъминлаб беради, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозир ўнлаб собиқ раҳбарлар Марказий Комитетга мурожаат этиб «ўзлари учун жой» берилишини қаттиқ туриб талаб қилмоқдалар. Баъзилари бирон бир лавозимга миниб, ишламай ялло қилиб юрадилар, ғалати хом хаёллар билан яшайдилар, ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимини хизматга жойлаштириш бюроси деб ҳисоблайдилар.

Оддий кишилар ва аввало партиясиз кишилар буларнинг ҳаммасини кўриб туриб қоралам оқдалар. Ишни барбод қилган ҳар қандай кишининг «иссиқ» жойга ўрнашиб қолишига партия комитетлари ёрдам беради деган ярамас фикр бутунлай ва абадий йўқ қилиб юборилиши керак.

Бироқ, шуни аниқ-равшан айтиш керакки, партия, унинг комитетлари ва ташкилотлари янгича вазиятда ҳам Компартия позицияларида турган номзодларнинг Совет ҳокимияти, давлат бошқаруви ва мафкура муассасалари органларига сайланиш учун олиб борилаётган курашида уларни қўллаб-қувватлаш-

дан воз кечмайдилар, балки уларга ҳар томонлама ёрдам берадилар. Аввало, уларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатларини оширишда, уларнинг билимдонлиги ва сиёсий савиясини оширишда ёрдам бериш йўли билан шундай қиладилар, албатта.

Бундан буён партия кадрларини саралаш бошланғич партия ташкилотларининг тавсиялари билан, уларга ўзлари тавсия қилган кишиларни юксак ишонч оқланмаган тақдирда партия органларидан ва партия аппаратидан чақириб олиш ҳуқуқини бериш йўли билан ўтказилавериши керак.

Коммунистик партия ва унинг бўғинлари билан жамоат ташкилотлари орасидаги муносабатларда буйруқбозлик, икир-чикир ишларга аралашиб, беҳуда чеклашлардан воз кечиш умумий қоида бўлиб қолиши керак.

Гап аввало **касаба уюшмалари** ҳақида бормоқда. Партиянинг касаба уюшмаларига буйруқ беришдан иборат бўлган ва неча йиллар давомида шаклланган одати оқибатида бу уюшмаларнинг ҳаракат доираси торайиб қолган эди, уларнинг фаолияти қаттиқ чекланган эди, натижада касаба уюшмалари ўз ҳуқуқлари ва имкониятларидан тўла-тўкис фойдалана олмадилар, қайта қуриш жараёнларидан анча орқада қолиб кетдилар. Бугун мана шуни тўғридан-тўғри тан олмоқ керак.

Касаба уюшма ташкилотлари, комитетлари ва кенгашлари кўпинча меҳнаткашларнинг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги жуда муҳим масалаларда кузатувчи бўлиб турибдилар. Хўш, кимдан ва нимадан ҳимоя қилиш керак деган савол туғилади?

Бу борада анчагина иш қилиниши керак. Ҳар йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига 20 мингдан кўпроқ хат ва оғзаки шикоят тушмоқда. Уларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи меҳнат коллективидаги жанжаллар, уй-жой ва моддий неъматларни тақсимлашда ижтимоий адолат қоидалари бузилаётганлиги, одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришдаги тўрачилик ва сансалорлик кўринишлари ҳақидадир.

Кўриниб турибдики, бу шикоят ва аризаларда касаба уюшма ташкилотлари қатъийлик кўрсатиши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини изчиллик билан ҳимоя қилиши лозим бўлган масалалар кўтарилган. Одамлар масалани ўз жойида ҳал этолмай партия идораларига мурожаат қилаётган эканлар, бу нарса касаба уюшмаларимизга ҳозирча худди мана шундай қатъият етишмаётганлигидан далолат бериб турибди.

Ҳозир республика касаба уюшмаларида ташкилий қоидалар ва уларнинг тузилиш шакллари қайта кўриб чиқилмоқда. Расмиятчилик ва тўрачиликдан қутулишга ҳаракат қилинмоқда.

Жумҳуриятдаги энг оммавий жамоат ташкилоти ўз фаолиятида мустақиллик ва қатъийлик, принципиаллик ва ижодий ташаббускорлик кўрсатиб, қайта қуришни, ҳаммаислоҳотларни фаол қўллаб-қувватлашидан, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишидан Ўзбекистон Компартияси манфаатдордир.

Ёшлар билан ишлашда ҳам янги ёндашувлар керак. Комсомол тўғрисидаги масала партия учун ёшларга сиёсий таъсир ўтказиш, уларни инқилобий янгилашга жалб қилиш масаласи бўлибгина қолмай, шу билан бирга коммунистларнинг ўринбосарларини, келажак авлодни сабот билан тарбиялаш муаммоси ҳамдир.

Кўп йиллар давомида жамият ёшларнинг ғаройиботларга қизиқиш, жасоратга интилиш, қийин шароитларда ўзини синаб кўришга тайёрлик каби хусусиятларидан фойдаланиб келдию, аммо ёшларнинг энг зарур ҳаётий масалаларини ҳал этмади. Натижада кўпгина ёшларда ижтимоий ҳимоясизлик, ҳеч кимга ишонмаслик, келажакдан умидсизлик туйғуси ўрнашиб қолди, жиноятчилик кўпайди.

Ёшларга фақат ҳақиқатни гапириш керак. Қуруқ сўзлар, сафсаталар уларнинг меъдасига теккан. Ёшларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончини тиклаш вазифаси биз учун жуда муҳимдир. Эндиликда коммунистлар ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга интилишлари ва албатта ҳал этишларини исботлашлари керак.

Ёшларнинг норасмий раҳбарларини, шу жумладан, комсомолдан ташқаридаги раҳбарларини аниқлаш, уларни сиёсий фаолиятга тортиш, улардан ўрин-

босарлар тайёрлаш керак. Энг муҳими эса, кўндаланг турган вазифаларни ҳал этишда ёшларнинг мустақиллигини таъминлаш зарур. Партиянинг янги Марказий Қомитетига жумҳурият ёшлари билан ишлайдиган комиссия ёки кенгаш тузиш жуда зарур бўлиб қолди. Ҳамма поғоналардаги партия комитетларида ҳам доимий ишлайдиган мана шундай органлар тузилиши лозим.

Ҳозир Ўзбекистон комсомолининг, жумҳурият ёшлари етакчи ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир. Бу ташкилотда ҳозир жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. У ўз фаолиятининг янги шаклларини изламоқда.

Коммунистлар комсомолни ўзларига бўйсунувчи ташкилот деб эмас, балки ўзларига тенг маслакдошлар деб билишлари, уларнинг пировард мақсадлари ва шу мақсадларга эришиш йўллари бир хил деб тушунишлари муҳимдир.

Партия, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Съездлардаги маърузаларда бу ҳақда гапириш одат бўлиб қолгани учун эмас, балки Марказий Қомитет Бюроси ветеранларни партиямиз билан бутун жумҳуриятни жипслаштирувчи бўғиндир деб ҳисоблаётганлиги учун бу ҳақда гапираяпман.

Чунки биз ҳақиқатан ҳам улардан қарздормиз. Чунки улар бардош берган кўпдан-кўп қийинчиликлар уларга берилаётган нафақалар билан қопланмайди. Биз буни тушуниб турибмиз ва жумҳуриятнинг ҳозирги имкониятлари даражасида қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик. Бундан буён ҳам уларга ёрдам беришга ҳаракат қилаверамиз.

Ҳозир эса уларнинг шаънига яхши сўзлар айтмоқчиман. Ёшларни тарбиялашдаги ёрдамингиз учун, маҳалла комитетларидаги меҳнатингиз учун, жанжалларни тўхтатиш мақсадида айтаётган сўзларингиз учун, сизларнинг сабр-матонатингиз ва ишимизда бераётган мададингиз учун раҳмат сизларга! Соғ-саломат бўлинглар, умрингиз узоқ бўлсин!

Биз бутун турмушимизни янада демократиялашга интилар эканмиз **барча жамоат ташкилотларига ва ҳаракатларига, келгусида эса партияларга ҳам янгича** ёндашмоғимиз керак. Биз ижобий позицияда турган мана шундай ташкилот ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Улар ўз маъсулиятини англаб, тангликдан қутулишнинг қийин бўлса ҳам амалий йўлларини қидириб топмоқдалар. Бундай кишилар ҳатто баъзан бўёқларни қуюқлаштириб, сўл тарафга оға бошлаган пайтда ҳам уларни тушунишимиз ва қўллаб-қувватлашимиз керак. Улар билан жар устидаги тор кўприкда тортишмай, балки қайта қуришнинг катта кўпригидан биргаликда олға бормоқ керак.

Баъзилар борки, мавжуд қийинчиликлардан, етишмовчиликлардан ва кулфатлардан сафсатабозик, сиёсий чайқовчилик, ёвузларча хурсанд бўлиш, ўз ғаразли манфаатларини қондириб олиш учун баҳона сифатида фойдаланмоқчи бўладилар. Бундай кучлар аҳвол қанчалик ёмонлашса, шунча яхши, деб ҳисоблайдилар.

Ўтмишда анча юқори лавозимларни эгаллаб турган кимсалар ҳам уларга қўшилиб кетмоқдалар. Бироқ вазият ўзгариши биланоқ, янги йўналиш ғалаба қилиб, машаққатли курашда ўзининг ҳақлигини исботлаши биланоқ, ўтмишга қарши курашадиган «қаҳрамонлар» жуда кўпайиб кетди. Улар янги тўлқиннинг ўркачига чиқиб олишга интилмоқдалар. Бундай арбобларнинг ҳақиқий башарасини очиб, одамларга яққол кўрсатиб бериш зарур.

Ниҳоят, жуда оз сонли бўлсада, шундай бир гуруҳ ҳам борки, бу гуруҳ ҳар қандай янгиликни, яхшилик сари ҳар қандай ўзгаришни тўсиб қўйишга интиладиган, кескинликни кучайтиришга уринадиган, очиқдан-очиқ жамиятга қарши бўлган кучлардан иборат. Улар вазиятни издан чиқариб, можароларни кучайтириб, шу тариқа тартибсизлик ва бошбошдоқлик жазавасида ҳокимиятга интилиб, хўжайинлик лавозимларини эгаллаб олишга ҳаракат қилаяптилар. Бу хавфга етарли баҳо бермасликка ҳаққимиз йўқ.

Мазкур кучлар миллатлараро муаммолардан фойдаланиб қолишга алоҳида умид боғламоқдалар. Ўтмишнинг бузилишлари ва сохтакорликларидан, ҳозирги хатолардан фойдаланиб, миллий адоват ва мухолифлик туйғуларини кучайтиришга интилмоқдалар. Мана шундай вазиятда аҳолининг осойишталиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун қонун кучини ишга солиш керак.

Хуллас, Коммунистик партия барча табақалар ва ижтимоий гуруҳлардаги,

сиёсий системанинг ҳамма бўғинларидаги ўз таъсирини таъминлаб келмоқда. Бироқ аввалгидек маъмуриятчилик ва буйруқбозлик кучи билан эмас, балки эътиқод кучи билан, позицияларнинг аниқлиги билан, жамиятимизни янгилаш ишида барча соғлом кучларни жипслаштириш йўли билан ўз таъсирини таъминламоқда.

VI. Жамиятиинг маънавий ва ахлоқий соғломлиги учун жавобгармиз

Ўртоқлар!

Ошкоралик — қайта қуришнинг катта ютуғи, буни ҳаммамиз сезиб турибмиз. Лекин тайёргарлиги бўлмаган заминда демократия ниҳолларигина эмас, балки сафсатабозлик ва экстремизмнинг ёввойи ўтлари ҳам ўсиб чиқиши мумкин.

Шуни эътироф этиш керакки, қайта қуриш бошланганига 5 йил бўлди, бироқ ҳали ҳам **мафкуравий фаолиятнинг** бус-бутун ва мукаммал концепциясига эга эмасмиз. Партия раҳбарлари мафкура масалалари хусусида кўп гапирмоқдалар. Лекин гап кўп-у, кўмир оз деганларича бор.

Ҳозирги конкрет вазиятда **миллатлараро муносабатлар** билан боғлиқ бўлган муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарур. Октябрь инқилоби миллий масалани ҳақиқатдан ҳам демократик йўсинда ҳал этиш учун шарт-шароит яратди. Шу билан бир қаторда шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларидаги айнишлар, тўғри йўлдан тойишлар миллатлараро муносабатларга салбий таъсир ўтказди.

Сўнгги вақтларда биз меҳнаткашларнинг **байналмилал тарбияси** тўғрисида уялиброқ гапирадиган бўлиб қолдик. Ҳолбуки, бундай тарбия ҳозир Компартия ишининг асосий йўналишларидан бири бўлибгина қолмасдан, бизнинг кўп миллатли жумҳуриятимиз учун жуда долзарб муаммодир. Бу масалани ҳал қилмаслик яна можаро, яна нифоқ, янги қурбонлар, янги қочоқлар ва ур-йиқитларни кутиш демакдир.

Байналмилал тарбия принципиал янги мазмун касб этиши керак. Назаримизда, бундай тарбия лекция ёки суҳбатлардангина иборат эмас, бироқ ақл-идрок ва ҳалоллик билан ўтказиладиган ана шундай лекция ва суҳбатлар ҳам зарур албатта. Бутун куч-ғайрат асосан ижтимоий ва миллатлараро кескинликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилмоғи лозим.

Қуролли кучларга муносабат ватанпарварлик, байналмилаллик ва гражданлик бурчини нечоғли чуқур уқиб олганлигимизни намоён этувчи тамал тошидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети армия обрўсига путур етказишга, чақириқ тадбирларини барбод этишга, халқ ва армияни бир-бирига қарама-қарши қўйиш уринишларига қаршидир. Айни вақтда бу борада муайян доираларда кўринаётган ҳаракатларни якдиллик билан қоралаймиз.

Шу билан бир қаторда биз, армия хизматига салбий муносабатни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш учун омилкорлик билан ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ўринда гап айрим ҳарбий қисмларда интизомнинг бўшашиб кетганлиги, Уставга хилоф муносабатлар мавжудлиги, йигитларнинг майибланиб қайтиши ва ҳалок бўлишига йўл қўймаслик ҳақида бормоқда. Биз рўй-рост айтишимиз керакки, бунга асло йўл қўя олмаймиз. Ўз фарзандларимизни уларга нисбатан нохуш хатти-ҳаракатлардан ва белгиланган қонунларнинг бузилишидан муҳофаза қилиш учун барча ишларни қиламиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Иттифоқ органларига йигитларимизнинг хизматни ўташ тартибини ўзгартириш тўғрисида бир қанча таклифлар киритди. Бу масалалар ҳозир ҳал этилмоқда. Чунончи, қурилиш қисмларига чақирилган йигитлар Туркистон ҳарбий округи ҳудудида хизматни ўташлари тўғрисидаги масала ҳал этилди.

Чақирув комиссияларига Олий Совет ва маҳаллий Советларнинг депутатлари жалб этиладиган бўлди. Ўзбекистондан чақирилган йигитларнинг барча жанговар қисмларда ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари жумҳурият жамоатчилиги томонидан қатъий назорат остига олинмоқда.

Айни вақтда партия комитетлари, давлат органлари, комсомол ташкилотлари ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини тубдан қайта кўриб чиқишлари

зарур. Ҳарбий хизмат бизнинг ватанпарварлик ва байналмилал бурчимиз ва шундай бўлиб қолади ҳам.

Жиноятчилик таҳликали тарзда ўсиб бораётир, бу маънавий-сиёсий вазиятга беқарор қилувчи таъсир ўтказмоқда. 1985 йилга нисбатан жиноятчилик қарийб 20 фоиз, оғир жиноятлар эса бундан ҳам кўпроқ ўсди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари томонидан мансабдор шахсларнинг қонун-қоидани бузиш ҳолларига эътибор кучайтирилгани туфайли бу муҳофаза органлари собиқ раҳбарларининг сохта обрўси кўтарилиб кетди. Лекин айни бу ҳол узоқ вақт давомида бошқа жиноятларнинг панада қолиб кетишига олиб келди.

Компартия Марказий Комитети жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан фавқулодда чоралар кўрар экан, салбий ҳодисаларни вужудга келтираётган, одамларни, айниқса, ёшларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар кўчасига киришга мажбур этаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий сабабларни, илдизларни топиш, уларни бартараф этиш лозим, деб ҳисоблайди.

Гап шу ҳақда борар экан **оммавий маданият** муаммоларига ҳам алоҳида эътибор беришимиз лозим. Айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравонлик, ҳаром-харишлик руҳи ҳукмдордир. Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражадаги намойишлардан одамларнинг фиғони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, диёнат, виждон, одоб борасидаги халқ удумлари оёқ ости қилинаётганини айтишиб, бизни муҳофаза этинг, демоқдалар. Биз бу билан ҳисоблашмоғимиз керак.

Ажойиб маданий анъаналар соҳиби бўлган халқимизни маънавий айниш ва кўпол пасткашликдан ҳимоя қилиш учун қонун чиқариб бўлса ҳам қатъий чоралар кўриш керак.

Маданиятнинг моддий базасига назар солсак, уялиб ерга кириб кетгудек бўламиз. Ҳамонки, жамият маданиятга ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан сариқ чақа сарфлаётган экан вужудидан юксак ички маданият нурдек таралиб турган одамни тарбиялаши мумкинми? Колхозлар ва совхозлар, заводлар ва фабрикалар, ўқув юртлари, аҳоли маданиятга маҳтал бўлиб турибди-ю, ишчиларимиз, деҳқонлар, ёшларимиз маданиятдан баъзан бебаҳра қоляптилар, десак ҳам бўлади.

Бугун босиб ўтган йўлимизга ўз-ўзини танқид руҳида назар ташлаб, шуни рўй-рост тан олишимиз керак-ки, биз маданият муаммоларига кечириб бўлмайдиган тарзда кам эътибор берган эканмиз. Нутқлар ва маърузаларда жамиятнинг маънавий тараққиётида маданиятнинг тутган ўрни ҳақида жуда баландпарвоз гапларни кўп айтдик.

Лекин амалда, яъни театрлар ва кинотеатрлар қуриш юзасидан аниқ вазифаларни ҳал этишда, улуғ аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ноёб меъморий обидаларни таъмир этишда, китоб нашр этишни яхшилашда, халқ санъатини ривожлантиришда, таассуфки, биз ўзимизнинг жарангдор чақириқларимиз ва шиорларимизни амалга ошириш юзасидан оз иш қилдик.

Нимага мўлжалланганлиги нотайин бўлган иншоотлар ва маъмурий бинолар қурилишига миллион-миллион сўм маблағларни сарфлаб юбораверибб, халқнинг маънавий ва жисмоний камолоти учун жуда зарур бўлган клублар, кутубхоналар, спорт иншоотлари қурилишига маблағни аядик.

Ҳаётимизда санъатнинг ўрни тўғрисидаги Жданов ва Сусловнинг «назария» — қоидалари оқибатида адабиётимиз катта талафот кўрди.

Бизнинг «назариётчиларимиз» адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги ленинча таълимотнинг биринчи қисмини ҳадеб такрорлайвериб, унинг иккинчи қисмини, яъни, «адабиёт — нозик ишдир, у маъмуриятчилик ва буйруқбозликка мойил эмас», деган қисмини кўпинча унутиб қўйдилар. Натижада бу «назарий» ақидалар аччиқ самара берди: «Ўзбекистонда ҳам душманларни қидиришга киришдилар. Маданиятимизнинг машҳур арбоблари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Туроб Тўла бадном этилди, уларнинг айримлари, чунончи Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Шукрулло, Саид Аҳмад сингари кўп адиблар ўз ҳаётларининг маълум йилларини қамоқларда кечирдилар. Ўзбек халқининг атоқли фарзандлари — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Боту каби адабиётимиз намояндалари бошига оғир мусибат тушди.

Ҳозирги ошкоралик ва қайта қуриш даврида яна шуни эътироф этишимиз

керакки, биз баъзан ўз тарихимизга жуда бир ёқлама қараб, узоқ ўтмишдаги машҳур олимлар ва шоирларнинг ижодий фаолиятига шу арбоблар яшаган ва ишлаган давр муҳитини ҳисобга олмасдан, замоннинг сохта талқинига суяниб баҳо бердик.

Яқиндагина ўзбек адабиётининг классиги Бобурни баҳолашда тор синфий ёндашув рўй берди. Адиб ижодининг миллий ва умуминсоний аҳамияти камситилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1986 йилда бўлган учинчи пленумида Бобур шахси таҳқирланиб, у «маърифатли» золим деб тилга олинди.

Халқимиз Марказий Комитет ва жумҳурият ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлиги бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. **Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз.**

Ҳозир партиямиз маданият, санъат арбобларининг ҳалол, ҳаққоний сўзига юксак баҳо бермоқда. Аммо ана шу сўз одамларнинг ақл-идроки ва кўнгилга етиб бориши учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Биз болалар ва ўсмирлар учун китоб нашр этишда охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибмиз. Чунки, полиграфия саноатимиз қолоқ. Нашриётлар ишидаги камчиликлар ва полиграфия базасининг заифлиги ҳақида биз ўн йиллардан буён гапириб келмоқдамиз. Аҳвол эса ўзгараётгани йўқ. Давлат план комитети ва Матбуот давлат комитети бу иш билан пухтароқ шуғулланишлари лозим. Миллатнинг маънавий тараққиёти шу ишнинг ҳал этилишига ҳам алоқадор. Кинематографчиларимиз ишида силжишлар бўлишини кутиб турибмиз. Яхши, бадиий жиҳатдан тўлақонли, томошабинлар илиқ кутиб олган картиналар ҳозирча бармоқ билан санарли.

Жумҳуриятимиз катта зиёли кучларга эга, жумҳуриятимиз аҳолисининг учдан бирини ташкил этган фарзандларимиз тақдири ана шу устозлар, яъни **ўқитувчилар** қўлидадир, зотан муаллимларнинг аҳволини яхшилаш барчамизнинг бурчимиздир.

Кутубхона, клуб, музей ходимларининг аҳволи ҳам дуруст эмас.

Урушдан илгариги йилларда биз жумҳурият бюджетининг ярмига қадар маблағни маориф ишларига сарфлар эдик, ҳозир у вақтдагидан бадавлатроқ бўлиб қолганимизда эса, шу эҳтиёжларга анча кам маблағ харжламоқдамиз.

Одамлар, ёш авлод кўз ўнгида **тарих ва маданиятимизнинг ажойиб обидалари** тупроққа қоришиб кетаётгани ўрнини қоплаб бўлмайдиган сиёсий, маънавий талафотдир.

Эндиликда **миллий маданиятни** унинг руҳий ва маънавий қадриятларини тиклаш Компартиянинг энг асосий мафкуравий вазифаларидан бири сифатида олдинги ўринга чиқиши керак.

Давлат тили сифатида **ўзбек тилининг** қўлланиш соҳасини кенгайтириш юзасидан кўп иш қилиниши керак. Бу ўринда ҳали ҳал бўлмаган кўпгина масалалар бор. Белгиланган режалар амалга суст оширилмоқда. Бу камчиликларни бартараф этишда босиқ-вазминлик, андиша билан иш тутишимиз лозим. Айни вақтда миллатлараро муомала тили бўлган рус тилини ўрганиш ишини тубдан яхшилашимиз, Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг тил соҳасидаги ва бошқа маданий-миллий эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратилиши керак.

Сира муболағасиз айтиш мумкин-ки, халқни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш соҳасидаги ана шу катта ишда **зиёлиларимиз** асосий, ҳал этувчи ўринни эгаллашлари керак. Зиёлиларнинг сўзи одамларнинг ақл-шуури ва дилида ҳамиша акс-садо беради.

Бугунги мураккаб, зиддиятли, турли ларзалар чиқиб турган ва можаролар бўлиб турган вазиятда зиёлиларимизнинг доно сўзлари, хайрли ишлари одамлар ва халқлар ўртасида инсонпарварлик ва маънавий нормаларни сақлаб қолишда энг муҳим шартдир.

Жумҳурият Фанлар академияси олимларидан умидимиз катта. Бунинг боиси бор, албатта. Жумҳуриятимизни инқироздан чиқаришнинг ягона демаганда ҳам,

сосий йўли илм-фаннинг мададига таянишдадир. Фан-техника тараққиётига, нги ғоялар ва кашфиётларига суянишдадир.

Олимларимизни танқид қилиш ҳам мумкин эди, бундай танқид ҳатто анъана-а ҳам айланиб кетган эди, лекин мен уларни қўллаб-қувватламоқчиман. Чунки, унга имоним комил-ки, жумҳуриятимизда анчагина етук олимлар бор, конкрет шлар ҳам қилинган, олимларимиз халқ олдидаги масъулиятини ҳам тушуниб урибдилар, Яқинда бўлиб ўтган учрашувлар чоғида ҳам бунга ишонч ҳосил илдим.

Ғайрат-шижоат ва ижодкорлик кўпроқ бўлса деймиз. Ёш олимларга ёрдам ерайлик. Шундай қилсак дуруст натижаларга эришамиз. Биз бу ёрдамни бериб елдик ва бундан буён ҳам ҳеч аямаймиз.

Марказий Комитет ижтимоий-тараққиёт муаммоларини ўртага қўйишдаги ашаббускорлик ва дадилликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, партия аъзоси ўлган **журналистларнинг** масъулиятини ошириб бораверади, бир томонлама аразли ёндашувларга қарши, сохтачиликка қарши, ахлоқ-одобни оёқости қи-ишга уринишларга, ҳақиқатни фақат мен айтаман деб даъво қилишларга қарши урашаверади.

Марказий-матбуот билан ўзаро муносабатларимиз тўғрисида алоҳида гапи-иб ўтмоқчиман. Бу муносабатлар бир текис эмас. Биз илгари ҳам қатор мақола-арда ашёвий далилларнинг «қулоғидан тортилгани», шундоққина кўриниб тур-ан ғирромлик экани ҳақида гапирган эдик.

Виждон амрига қулоқ солиб оқни-оқ, қорани-қора, дейиш керак, ўртоқлар. изнинг юзимизга лой чаплашаётганида, бунга ошкоралик ва демократиянинг амоён бўлиши деб баҳо бермоқдалар. Буни қаранг-ки, биз Ўзбекистон ҳаётининг ухим муаммолари бир ёқлама ёритиляпти деб норози бўлсак, бу ошкоралик ринципларига тажовуз деб қаралмоқда.

Биз журналистларни чеклаб қўймоқчи эмасмиз. Майли, ёзаверишсин, майли анқид қилаверишсин. Аммо холислик ва андиша унутилмаслиги керак, иккала омонининг овози эшитилгандагина ҳақиқий ошкоралик қарор топиши мумкинли-ини ёдда тутиш керак. Ҳамонки, фақат бир томонгина иттифоқдаги миллион-иллион одамларни чалғитиб, афсона кетидан афсона тўқиётган экан, бу ҳол фикрлар хилма-хиллигидан жуда йироқдир.

Биз даврий нашрларнинг структурасига яна ҳам синчковлик билан назар олишимиз, шу структурани демократиялашимиз, бир қанча янги газеталар ва журналларни нашр этишимиз керак. Марказдаги оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатлар тартибига янгича баҳо бериб, ана шу воситалар мух-ирларининг жумҳуриятдаги вакиллиги шартларини тайёрлашимиз зарур.

Биз **жамиятшуносликнинг** ролига янгича назар солишимиз зарур. Узоқ вақт-ан буён жамиятшунослик фани социализм тўғрисидаги догматик тасаввурлар изматида бўлди, сиёсат ва мафкуранинг изидан борди. Мамлакат ва жумҳурия-тимизда содир бўлаётган жараёнларни теран илмий идрок этиш зарур.

Биз кўп партиявийлик шароитидаги ижтимоий ҳаёт қонуниятлари таҳлили астурига эга эмасмиз. Жамиятшунослар кўп укладлилик мавжуд бўлган шароит-да, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишдаги иқтисодий ва ижтимоий иддиятлар тўғрисидаги тасаввурларни баён этиб беришгани йўқ.

Миллатлар ва миллатлараро муносабатлар равнақи, жумҳуриятларнинг сиё-сий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги, ишчилар синфининг миллий отряди шаклланиши муаммолари ва бошқа кўп муаммолар чуқур таҳлил этилиши керак.

Афсуски, Марказий Комитет ҳузуридаги Партия тарихи институти сўнгги йилларда янги ғоялар, концепциялар билан бизни баҳраманд этаётганлари йўқ. Ўйлаймизки, бу даргоҳни тубдан қайта тузиш, эҳтимолки, ижтимоий-иқтисодий муаммолар институтини очиш вақти етилди.

Тошкентдаги Олий партия мактабида олиб борилаётган илмий ишларни ҳамда партия ва совет ходимларини ўқитишни ҳар жиҳатдан янги даражага кўтариш лозим. Бу ерда ҳам туб ўзгаришлар қилиш пайти аллақачон етилган.

Виждон эркинлиги масалаларига ҳам биз янгича позициялардан ёндашиши-миз лозим. Компартия динга қарши зўравонлик билан курашиш усулларидан ва ўзбошимчаликдан воз кечиб, давлат билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатларда ленинча принципларни тўла тиклаш тарафдоридир.

Принципиал позицияларда тураверишь билан бир қаторда биз даҳрийлар ва диндорлар ўртасидаги, партия ва совет органлари билан диний бирлашмалар ўртасидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш тарафдоримиз.

Бундан кўзда тутилган муддао инсонларнинг фаровонлигидир, ижтимоий муросасизлик, миллий нифоққа, фуқароларнинг манфаатларига путур етказилишга чек қўйишдир.

Хуллас, барча соғлом кучлар одамларнинг манфаатларига, ҳар бир инсоннинг манфаатларига, жамиятимиз ҳаётининг инсонпарварлик, демократик негизларига хизмат қилиши керак.

VII. Демократия ва партиявий бирлик тўғрисида

Съездимиз Ўзбекистон Компартиясининг ҳисобот-сайлов мавсумини якунламоқда. Ушбу анжуманнинг ўзига хос хусусияти партиявий омманинг сиёсий онги тобора ўсиб бораётганидир. Бу нимада намоён бўлаяпти?

Бу аввало — ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятга ҳушёрлик билан баҳо беришга интилишдир. Кучайиб бораётган инқироз хавфи, бузғунчилик ҳодисалари хавфи аён кўриниб турибди.

Бу — коммунистларнинг жумҳурият тақдири учун ўз масъулиятини, халқ олдидаги ўз бурчини чуқур уқиб олишдир. Бу — тангликдан чиқишнинг йўллари ва воситаларини изчиллик билан қидиришдир.

Бу ўринда энг асосий омил бор — у ҳам бўлса, партиянинг ўзида, унинг сиёсатида, партия фаолиятининг шакл ва усулларида теран ўзгаришлар қилмай туриб, тўпланиб қолган фавқулодда ўткир ва мураккаб муаммоларни ҳал этиб бўлмаслигини тушуниб етишдир.

Ўзбекистон коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини съезд арафасида муҳокама қилишда худди ана шу, барчани ҳаяжонга солиб турган масалаларни назарда тутдилар. Фикрлар ва мулоҳазалар нечоғлик хилма-хил бўлмасин, лекин коммунистларнинг шунга имони комил-ки, партиянинг обрўси ҳам, бутун мамлакатнинг тақдири ҳам КПССнинг бўлажак XXVIII съезди қабул қиладиган сиёсий қарорларга боғлиқ бўлади.

Ана шу жуда муҳим сиёсий ҳужжатларга жумҳурият Компартиясида умуман ижобий баҳо берилди. Коммунистлар партия босиб ўтган йўлни идрок этишга, партиянинг жамиятда тутган мавқеи ва ўрнига танқидий ёндашув қайта қуришни теранлаштириш, инқилобий ўзгаришларни кўпайтириб бораверишга азму-қарордир, деб биладилар.

Ғоявий-назарий тасаввурларни қайта кўриб чиқиш, социализмга ақидапарастлик билан қарашдан воз кечиш кўллаб-қувватланмоқда. Партиянинг инсон манфаатларига қаратилган сиёсати, одамларимизга яшаш ва меҳнат қилиш учун муносиб шароитлар яратиш сиёсати умуман маъқулланмоқда.

Ички партиявий демократияни, чинакам партиявий ўртоқликни ривожлантиришга қаратилган съездолди ҳужжатлари қўллаб-қувватланди, фақатгина қўллаб-қувватланиб қолмасдан амалиётга кенг кўламда жорий этилди.

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегатларини сайлашда бошланғич партия ташкилотлари бевосита иштирок этдилар. Ҳисобот ва сайловлар чоғида юқори партия органларига ўз вакилларини кўрсатиш онда-сонда бўладиган тажриба эмас, балки умумий норма бўлиб қолди. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич ташкилотларнинг кўпгина секретарлари бевосита конференцияларнинг делегатлари ва йиғилишлар қатнашчилари томонидан 2—3 та номзоддан танлаб сайландилар.

Коммунистлар сиёсий ҳужжатларни муҳокама қилишдагина эмас, балки уларни тайёрлашда ҳам, жумладан съезд-ҳужжатларини тайёрлашда кенг кўламда иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловлар бу йўлнинг тўғри эканлигини яққол кўрсатди. Биз партиявий турмушни демократиялаш йўлидаги биринчи ва ҳозирча нозик-ниҳол бўлган бу тажрибани авайлаб авж олдиришимиз керак.

Бутун партия турмушини демократиялаш **партиянинг бирлигини** мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Кўп партиялилик мавжуд бўладиган шароитда бу айниқса муҳимдир.

Партия қурилишининг асосий принципи — демократик централизм принципи актив хуружларга дуч келаётганини пайқамаслик мумкин эмас. Партия Уставидан уни умуман олиб ташлаш, бу принципни «демократик бирлик», «консенсус» қоидалари билан ўзгартириш, яъни партияда мустақил фракциялар бунёд этиш учун йўл очиш таклиф этилмоқда.

Бундай шароитда биз Устав лойиҳасида демократик централизм тушунчаси мавҳумроқ ифода этилганлигига қўшила олмаймиз. Ўзбекистон коммунистлари демократик централизм принципининг сақлаб қолиниши ва янада такомиллаштирилиши лозимлигини аниқ-равшан айтдилар.

Ленин даврида бу принцип партиявий омма ҳокимиятининг кафолати, партиявий тенгликнинг кафолати бўлган эди. Бу принципнинг партияда ҳозир мавжуд бўлган юқори раҳбариятнинг ўз хукмини ўтказиш сиёсати билан, яъни бюрократик централизм билан сира алоқаси йўқ, албатта.

Партиянинг бирлиги, бу аввало, маслакдошларнинг иттифоқидир. Уларни **ягона ғоявий позициялар,** умумий мақсадлар бирлаштириб турибди. XXVIII съездда КПСС Марказий Комитетининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури лойиҳасининг умумпартиявий муҳокамаси якунларига кўра қабул қилиниши мўлжалланаётган ҳужжат яна шундай жипслашув учун негиз бўлиши керак.

Марказий Комитетнинг Ҳаракат дастури съездолди мунозарасининг ҳужжати сифатида муайян роль ўйнади. Матбуотда съездда ана шу ҳужжатни конкрет ҳаракатлар режасига айлантириш билан чекланиш керак деган фикр айтилмоқда.

Фикримизча, шунинг ўзи сира етарли эмас. Съезд муҳокамасига қўйиладиган ҳужжат икки принципиал қисмдан иборат бўлиши лозим:

биринчиси — кўпгина коммунистлар ва партиясизларни ҳаяжонга солиб турган, принципиаллик билан қўйилган масалаларга жавоб бериши керак: биз қандай жамиятни қурмоқдамиз, халқни нимага даъват этмоқдамиз? Коммунистик партия кимнинг манфаатларини акс эттиради? Унинг ижтимоий негизи нима? Кўпчиликнинг турли формалари, бошқа ижтимоий ташкилотларга бизнинг муносабатимиз қандай ва хоказо;

иккинчиси — конкрет ҳаракатлар программаси, иқтисодий ва сиёсий кризисдан чиқиш йўллари, миллатлараро муносабатлар, партияни демократиялаш муаммолари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этиш ва ҳоказо.

Бир жиҳатдан биз умумназарий принципиал масалаларни аниқлаб олишимиз керак, иккинчи жиҳатдан эса биздан конкрет таклифларни, конкрет ҳаракатлар режасини кутмоқдалар.

Партияга, бутун жамиятимизга қайта қуриш позицияларида турган кучларнинг жипслашуви сув ва ҳаводек зарур эканлигини биз тушуниб турибмиз. Акс ҳолда қайта қуриш тўхтаб қолади, у гуруҳбозлик курашида эҳтирослар жумбишга келганида тилка-пора бўлиб кетади, гражданларнинг бевосита тўқнашувларини ҳам истисно этиб бўлмайди. шунинг учун ҳам биз чин кўнгилдан партиядаги иттифоқ, якдиллик тарафдоримиз.

Лекин якдиллик соғлом принципиал пойдеворга қурилиши керак. Биз партиянинг ирода ва ҳаракатларида якдиллик бўлмаган, фракциялар курашида тилка-пора бўлаётган, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва армиядаги бошланғич партия ташкилотларининг мададидан маҳрум бўлган қандайдир парламент клубига айланиб кетишига сира рози бўлмаймиз.

Бу якдиллик эмас, балки батамом вайрон бўлиш демакдир. Мабодо XXVIII съездда бузғунчилик ва тугатиб юбориш кайфиятлари устун чиқса **биз шу съезд якунларига кўра жумҳуриятимизда партиямизнинг яна бир анжуманини ўтказишни ва бу йиғинда Программа ва Уставга оид ўз ҳужжатларимизни қабул қилишни лозим деб топамиз.** Охир-оқибатда ҳар бир Компартия аввало ўз халқи олдида сиёсий жиҳатдан масъул бўлгани учун барча принципиал муаммолар юзасидан ўз позицияларини мустақил белгилайди.

Лекин, бундан биз XXVIII съездда нима бўлишини кутиб турамиз, деган маъно чиқмайди. Ўзбекистон Компартиясидан 162 делегат сайланган. Биз уларга партиявий топшириқ билан мурожаат қиламиз: мазкур съездимизда ишлаб чиқиладиган ва жумҳурият коммунистлари маъқуллайдиган позицияларни қабул қилинг ва барча принципиал масалаларда шу позицияни қаттиқ ҳимоя қилинг.

Делегат ўртоқлар!

Менинг маърузам ниҳоясига яқинлашиб қолди. Зиммамизда турган вазифалар енгил вазифалар эмаслигига ишончингиз комил бўлди деб ўйлайман. Йўлимизда бугун жиддий қийинчиликлар бор, улар келажакда ҳам бўлади.

Бироқ биз белгилаб оладиган ва ҳал қилишимиз керак бўлган муаммоларнинг ҳаммасини республика партия ташкилоти уддалай олишига ишончим комил.

Ҳозир олдимизда турган мақсадларга эришишнинг тўғри йўли — меҳнат ва яна бир бор меҳнатдир, илҳом ва маҳорат билан ташкил этиладиган меҳнатдир.

«Инсон — жамиятга, жамият — инсонга ҳамнафас» деган шиор турмушимизнинг қонуни бўлиб қолиши, жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишининг турмуш фаровонлигини оширишда энг муҳим шартга айланиши керак.

Демократия, қайта қуриш — ўта жоҳил, тўрачилик тартибларига асло сиғишмайди, социалистик нормалар ва қонунларга бебошларча муносабатда бўлишга сиғишмайди деган позицияда қаттиқ турибмиз.

Шу съездда биз жумҳурият меҳнаткашларининг энг зарур, туб манфаатларини ифодалайдиган ҳаракат дастурини ишлаб чиқишимиз лозим.

Яна бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчиман. Бу ўринда совет кишиларининг байналмилаллиги ва дўстлигининг олий мақсадларини кўзда тутаяпман. Биз шуни қатъий тушуниб олишимиз керак: биз, миллатимиз ва элатимиздан қатъи назар республиканинг барча меҳнаткашлари Ўзбекистон муаммоларини аҳиллик ва жипслик билан бир оиланинг фарзандлари каби ҳал қилганимиздагина ҳар қандай қийин вазифаларни ҳам бемалол уддалай оламиз.

Ўзбекистон — кўп миллатли жумҳурият. Бу ерда қадимий замонлардан бери неча ўнлаб миллат фарзандлари ёнма-ён яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар.

Жумҳурият меҳнаткашларининг дўстлиги инқилоб алангасида, беш йилликларнинг жабҳасида, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида синовдан ўтган.

Ўзбек халқи ҳамиша — кулфатда ҳам, қувончда ҳам бошқа миллат ва элатларга алоҳида ҳурмат билан қараб келган, мамлакат халқларининг қардошлиги ва дўстлигини муқаддас билиб ардоқлаб келган. Бу нарса бутун дунёга маълум. Бу — биз табаррук деб асрайдиган ва шу йўлдаги курашда арзийдиган қадриятлардир, ўртоқлар.

Биз совет кишиларининг, барча миллат ва элатларнинг бирлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш учун аҳиллик билан яхши ишлашга имкон берадиган маънавий, сиёсий муҳитни яратишни ўз бурчимиз деб биламиз. Одамлар ўртасидаги мана шундай муҳит доимо беғубор ва мусаффо бўлсин, унга гард юқмасин.

Мана шу мақсад йўлида курашса арзийди. Бу вазифани фақат коммунистлар партияси ўз зиммасига олиши мумкин.

Делегат ўртоқлар! Сизлар жумҳурият партия ташкилотининг барча бўғинларидан вакил бўлиб келгансизлар. Сизлар халқ хўжалиги ва ижтимоий турмушнинг барча соҳалари намояндаларисиз, Сизлар совет кишиларининг барча авлодлари номидан келгансизлар. Мана шуларнинг ҳаммаси ўртага қўйилган муаммони батафсил ва атрофлича муҳокама қилиш, сиёсий йўл-йўриқларни аниқ белгилаб олиш, халқ манфаатларига энг мос ечимларни топиш имконини беради.

Жумҳурият коммунистлари республика ўз олдига қўйган мақсадларни ва бундан буёнги йўлимизни сўзда эмас, балки амалда аниқлаб олишлари керак. Жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларининг турмушини яхшилашга эришиш учун, Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидан янада олға боришини таъминлаш ҳаммамизнинг асосий мақсадимиз. Бунга яраша куч-ғайратимиз, сиёсий иродамиз ҳам етарли деб ўйлайман. Халқ олдидаги улкан масъулиятни яхши англаб турибмиз, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Жумҳурият партия ташкилоти ўзининг энг муҳим вазифасини, халқ олдидаги муқаддас бурчини мана шундан иборат деб билади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ, ДЎСТЛИГИМИЗ ВА ҚАРДОШЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг коммунистларга, жумҳуриятнинг барча халқларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Муҳтарам юртдошлар, ватандошлар!

Мамлакатимиз ғоят оғир аҳволни бошидан кечираётир. Қайта қуриш жараёни давом этмоқда, сийқа фикрлаш йўсинлари ўзгармоқда. Босиб ўтган тарихимизни ақл тарозисига солиб, янгитдан идрок этмоқдамиз. Бизнинг, барчамизнинг орзу-ниятимиз, армонимиз муштарак. Яъни ҳаммамиз турғунликнинг чангалидан тезроқ қутулиб, ўз-ўзлигимизни таниб, бугунги ва келажак авлоднинг шаъни-шавкатига муносиб инсон бўлиб яшаш иштиёқи билан тўлиб-тошганмиз. Биз осойишталикни, тинчликни, эзгулик ва бахт-саодатни, ҳар бир хонадоннинг обод ҳамда фаровон бўлишини орзу қиламиз. Бу орзуларимиз бугунги кунда илк куртакларини кўрсатаётир. Секинлик билан, машаққат билан бўлса-да, жумҳуриятимиз иқтисодиёти ўзини ўнглаётир. Қишлоқ аҳлига ер ажратилмоқда: оналарга, бева-бечораларга, ёш болаларга-ю, ногиронларга, барча ветеранларга, талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш бошланди. Ўн минглаб уй-жойлар қурилаётир. Қадимий жаҳоншумул маданиятимиз бутун борлиғи ва иқтидори билан қайта тикланмоқда. Унутилиб кетган, ман қилинган байрамлар ва анъаналар халққа қайтариб берилмоқда, одамлар қалбида ишонч, меҳр-муҳаббат, шафқат уйғонаётир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси сайловолди Ҳаракат дастурининг бажарилишини ҳеч ким тўхтата олмайди. Жумҳуриятимиз гуллаб турган, фаровон, бағри тинч макон бўлажак. Зеро, барчамизнинг орзу-армонимиз ҳам шундан иборат-ку! Лекин бу армонларнинг ушалиши учун ягона бир шарт бор. У ҳам бўлса, одамлар орасидаги дўстона, инсоний муносабат, халқлар биродарлиги, миллату элатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигидир.

Бироқ минг афсуски, айнан ана шу ниятларнинг амалга ошишини хуш кўрмайдиган кучлар мавжуддир. Дўстлигимизга раҳна солувчи иллатлар бор. Уларнинг мақсади халқларимиз ўртасига нифоқ, парокандалик солиш, номлари эса миллатчилик ва шовинизмдир.

Одам боласининг бағри-дилини қон қилувчи сўзлар булар! Дунёда ўзаро ноаҳилликдан, манманлик ва ўринсиз гина ва кудуратлардан кўра хавфлироқ нарса йўқ.

Жумҳуриятимизнинг азиз фуқаролари! Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди сизларга мурожаат қилади: миллатчилик ва шовинизмга қарши, одамлар ўртасида адоват уруғини сочувчиларга қарши тинмай курашингиз, юртдошларимиз осойишталигини таъминлаш учун якдил бўлинг. Афсуски, бу осойишталик баъзи жойларда бузилди, одамларда ҳадик ва қўрқув ҳислари пайдо бўлди. Натижада аҳолининг ҳаловати бузилиб, ҳаёт мароми издан чиқа бошлади.

Биз, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари:

Сиз коммунистларга мурожаат этамиз!

Халқлар орасига нифоқ солувчиларга қарши курашда дадил, бир сўзлик, шижоаткор бўлингиз. Ҳамиша халқ орасида, ҳамиша халқ билан мулоқотда бўлинг. КПССнинг ҳозирги миллий сиёсатини ва саъйи ҳаракатларини сабр-тоқат ва далиллар билан тушунтиринг. Меҳнатингизда, жамоат ишларида, халқ хизматида доим намуна бўлинг. Совет байналмилалчилигининг асл, эзгу моҳиятини асраб қолиш учун куч-ғайратингизни, билимингизни аяманг!

Жумҳуриятимиз ишчилари!

Сизга мурожаат қилаётирмиз. Барча миллатлар, эллар, элатлар ишчиларининг синф сифатида тақдирдош эканлигини ёддан чиқарманг, миллатларнинг

орасини бузмокчи бўлганларга зарба беринг. Ахир меҳнат деган тушунча барча халқлар тилларида ҳам бир маънони англатади. Русча ёки ўзбекча, қозоқча ё тожикча, корейсча ё татарча ёки қорақалпоқча меҳнат бўлмайди. Меҳнат, пешона тери тўкиш ўз табиатига кўра барча миллат ва халқлар учун бир хил байналмилал тушунчадир.

Сизларга мурожаат қиламиз, азиз ва заҳматкаш қишлоқ аҳли!

Табаррук тупроғимизнинг неъматларини, фаровонликни сизларсиз тасаввур этиш сираям мумкин эмас. Дастурхонимизда турган насибамиз — нонимиз сизнинг туҳфангиз. Ундан баҳраманд бўлаётганлар кимлар, қайси миллат вакили эканлигининг аҳамияти йўқ. Аммо у ким бўлишидан қатъи назар қадоқ қўлларингизни ўпиб, тавоф қилиши муҳимдир. Шунинг учун ҳам боболеҳқон деган муқаддас номни бундан буён табаррук тутайлик.

Муҳтарама аёлларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз!

Сизга ҳам қалб даъватимизни изҳор этмоқчимиз. Миллатчилик, шовинизм сингари мараздан болаларингизни, ака-ю укаларингизни, турмуш ўртоқларингизни асраб қолишга астойдил интилинг. Инсон боласи борки, у онадан дунёга келади. Барча халқларнинг умумий номини биз одамзод деб атаймиз. Сиз одам зотининг меъмори ҳисобланасиз. Сиз учун бегона, ўгай фарзанд бўлиши мумкин эмас. Барча болалар оналар жигарининг бир парчасидир. Барча оналар фарзандларини оқ сут бериб ўстиради.

Муҳтарам оқсоқолларимиз!

Болаларингизга, набираларингизга уқтиринг. Урушда ва кейинги оғир йилларда ҳам турли миллат вакиллари аҳил яшаган эдилар-ку? Ўша пайт бир майизни ҳам бўлиб еган ватандошларимизга дўстликдан ортиқ бойлик бўлмаганлигини фарзандларимизга қайта-қайта эслатинг!

Қадрли ёшлар, талаба аҳли!

Ёши улуғлардан сўраб кўрингчи, сизлардан аввал улар қандоқ яшашган экан? Айрилганни айиқ, бўлинганни бўри ер деганлар. Ахир аҳил бўлиб яшашга нима етсин. Қарияларимиз биродарликнинг қадрини яхши биладилар! Сизнинг соғлом фикрингизга ваҳшат соясини солувчи кимсаларнинг ичлари қора, ниятлари бузуқдир. Ёшликка дўстлик, аҳиллик ярашади. Буни сира унутманг!

Фан, маданият, санъат вакиллари!

Зиёли ўртоқлар! Сизларга мурожаат қиламиз:

Шуни унутмангки, зиёли деган ном нур манбаи деганидир. Сиз халқнинг виждони, элнинг овози ҳисобланасиз. Зиммангиздаги буюк масъулиятни сира ҳам унутманг. Бир оғиз ноўрин сўз, ўйламай ташланган қадам қандай оқибатларга олиб келиши сизга аёндир. Маданият, тил, урфу одатларга, инсоният анъаналарига посбонлик қилинг, айни чоғда халқларни тотувликка чорланг!

Биз, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегатлари яқиндагина жумҳуриятимиз Президентининг юртдошларимизга Мурожаатида янграган чуқур изтиробли қалб туғёнини теран тушунамиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз. Фарғона, Паркентда юз берган машъум воқеалар туфайли ҳалок бўлганларнинг хотираси олдида бош эгамиз. Шу воқеаларнинг асл ташкилотчиларига халқимизнинг лаънатлари ёғилсин! Бу бузғунчилар абадий тавқи-лаънатга дучордирлар!

Нифоқ ва тарафкашликдан ким обрў топибди! Ўйлаб кўринг.

Ёлғизлик, танҳолик инсон дилини исканжага олади. Буни ҳам унутманг?

Биз бошимизни баланд кўтариб баралла, бор овоз билан доимий бор ҳақиқатни яна бир карра такрорлаймиз:

Ўзбек халқи азалдан олижаноб, улуғ қалбли, очиқ кўнгилли, дўстпарвар эди, ҳозир ҳам шундайдир. Халқимиз бундан буён ҳам шу фазилатлар эгаси бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди минбаридан туриб, 20 миллионли жумҳуриятимиз аҳлига мурожаат этамиз. Хонадонларимизда осойишталик барқарор бўлишини таъмин қилайлик, жумҳуриятимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг инсоний дўстлигига, якдиллигига эришайлик. Биз Ўзбекистонни дўстлик жумҳурияти деб эълон қиламиз. Келинг, барчамизга насиб этган катта хонадонимизда дўстлик ҳамиша бор бўлсин. Иттифоқимиз парокандаликка юз тутмай, тобора мустаҳкамланиб, камол топаверсин!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида»ги сиёсий маърузаси юзасидан Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди жумҳурият ва умуман бутун мамлакат ғоят қийин, бурилиш даврини бошидан кечираётганлигини таъкидлайди. Қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик коммунистларни ва барча меҳнаткашларни актив фаолиятга жалб этди, кенг жамоатчилик кучларини ҳаракатга келтирди. Ўтмишни, сиёсий ва иқтисодий системаларни тубдан ислоҳ қилишни қайта идроклашнинг оғир жараёни юз бермоқда.

Миллий сиёсатнинг ленинча принципларидан, халқларнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигидан чекиниш ўнглаш қийин бўлган катта зарар етказди. Ўзбекистонга асосан хом ашё базаси деб қараб келинди. Региённинг ўзига хос социал-иқтисодий жиҳатлари ҳисобга олинмади. Зўравонлик билан тазйиқ ўтказилиб, пахта монополияси ўрнатилди. Жумҳурият иқтисодиёти бузилиб, хом ашё тусига эга бўлди, комплекс ривожланишга, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини қондиришга қаратилмади.

Республиканинг сиёсий мустақиллиги расмий декларацияга айланиб қолди. Миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатлар муаммоларига сийқа қарашлар ва юзаки ёндашувлар ўзбек халқининг неча асрлик тарихга эга бўлган маданий қадриятларини, халқнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимасликка олиб келди.

Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси таъсирида вужудга келган мураккаб вазият бир қанча салбий тенденциялар туфайли чигаллашмоқда. Социал-иқтисодий тараққиётда жиддий силжиш бўлмаяпти, аксинча, Оролбўйида экология вазияти ёмонлашмоқда. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларига эҳтиёжи қондирилмаяпти. Молия ва пул муомаласидаги номутаносиблик кучайди, одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетмоқда.

Социал ва миллатлараро низоларни ҳал этиш масалалари ўткир тус олди. Омманинг сиёсийлашуви ва фаоллигининг ўсиши билан бир қаторда ғоявий ва маънавий негизларни бузиб ташлашга уриниш, умумбашарий қоидалар ва қадриятларни менсимаслик кўзга ташланмоқда.

Қайта қуришнинг бошланишида Ўзбекистон Компартияси ўтган ўзини ўзи тозалаш ва соғломлаштириш йўлининг тўғрилигини тасдиқлаб, съезд ана шу йўлни амалга ошириш чоғида йўл қўйилган бузилишларни қоралайди. Ҳалол меҳнатчилар оммасини ёппасига айблаш, кўпгина партия, совет ва хўжалик ходимлари ғайриқонуний равишда ёмон отлиққа чиқарилиши ва асоссиз равишда таъқиб этилиши, халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуришдаги ўзбошимчалик халқ елкасига оғир юк бўлиб тушди. Республикага сиёсий иродаси йўқ, Ўзбекистон халқининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган шахсларнинг раҳбарлик қилиши ана шундай бузилишларга ва ҳаддан ошишларга ёрдам берди.

Йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ҳал қилиш зарурлиги партия ташкилотларидан ўз сиёсатини тубдан ўзгартиришни, иш шакллари ва усулларини қайта қуришни талаб қилмоқда. Жумҳурият Компартияси сайловолди Ҳаракат дастурида Ўзбекистон ССРни миллий, социал-иқтисодий ва маънавий

жиҳатдан ривожлантиришнинг, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб бериб, бутун кучини социал режаларни амалга оширишга, омма орасида ташкилотчилик ва мафкуравий ишларни олиб боришга қаратди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташаббуси билан қишлоқ меҳнатчиларига қўшимча ер участкалари ажратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уруш ветеранлари ва ногиронларининг, аҳоли камбағал тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирларни аҳоли кенг қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб кутиб олди. Президентлик бошқаруви жорий этилганлиги, қонунларнинг бажарилиши, интизом ва жамоат тартибини сақлаш воситаларини мустаҳкамлашга қаратилган қатъий тадбирлар мамнуният билан кутиб олинди.

Натижада вазиятни бошқаришга муваффақ бўлинди. Партия органларининг тўкилган обрўсини тиклаш жараёни бошланди. Одамлар жумҳурият Компартиясига олдингига нисбатан кўпроқ ишонч билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Компартияни уюшган сиёсий куч деб билиб, ундан бундан буён амалий ҳаракатларни кутмоқдалар.

* *
*

Сиёсий маърузадаги қоидалар ва хулосалар маъқуллансин ва раҳбарлик учун қабул қилинсин, Ўзбекистон ССРнинг янгиланган федерация доирасида сиёсий суверенитет ва иқтисодий мустақилликка эришиши энг муҳим вазифа, жумҳурият социал-иқтисодий, давлат, миллий ва маънавий тараққиётини жадаллаштиришнинг, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишнинг, меҳнаткашлар турмуш шароитини тубдан яхшилашнинг ҳал қилувчи шарти, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги ташкилотчилик иши қониқарли, деб топилсин. Марказий Комитет сўнгги вақтда амалга ошираётган сиёсий йўл маъқуллансин.

* *
*

Съезд Марказий Комитет томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Компартиясининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар сайловига доир «Ўзбекистон ССРни миллий, социал-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг Асосий йўналишлари» Ҳаракат дастурини маъқуллайди ва уни жумҳуриятни ривожлантиришнинг амалий йўлларини белгилаш учун Ўзбекистон Компартиясининг расмий режаси сифатида Ўзбекистон ССР Олий Советига тавсия этишни, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, Советларда, давлат ва жамоат ташкилотларида ишлайдиган коммунистлар куч-ғайратини ана шу дастурни рўёбга чиқаришга қаратишни зарур, деб ҳисоблайди.

Бунда инсон, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қаноатлантириш, ахлоқий жиҳатдан камол топтириш партия сиёсатининг марказида бўлиши керак. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўриш давомида меҳнаткашларни, айниқса ходимлар кам таъминланган тоифаларини, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар ва ўқувчиларни социал ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишга биринчи даражали аҳамият берилсин.

Шу мақсадда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда мутлақо янгича ёндашувлар ишлаб чиқилсин, ер, маъдан — хом ашё ресурслари ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан фойдаланишда жумҳуриятнинг тўла мустақиллиги, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари таъминлансин, халқ хўжалиги комплексининг йўналиши ва структураси ўзгартирилиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан мумкин қадар тўла таъминланишига эришилсин.

Тегишли режаларни ишлаб чиқиш, уларни қонун лойиҳаларини тақдим этиш тарзида жумҳурият Олий Советига киритиш, Қонунлар ва ҳукумат қарорлари орқали бу режаларни амалга ошириш янги шароитда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фаолияти асосий йўналишларидан биридир.

Съезд омма орасида ғоявий-сиёсий таъсирни кучайтиришни, марксизм-лени-

низм таълимотини ижодий идроклаш ва ривожлантириш асосида ижтимоий онгни тарбиялашни Ўзбекистон Компартиясининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди.

Партия комитетлари умумбашарий ахлоқ қоидалари қарор топишига, маънавий турмушнинг барча соҳалари ривожланишига ва софланишига кўмаклашишлари, халқнинг сиёсий ва маданий имкониятларини, ақлий имкониятларини рўёбга чиқаришлари ва кўпайтиришлари, юз бераётган ҳодисаларнинг моҳиятини ва партия сиёсатини англаб олишда одамларга ёрдам беришлари, бу сиёсатни амалга оширишда ўз ўринларини топиб олишлари керак.

Қайта қуришнинг, жамиятни социалистик асосда янгилашнинг амалий мавқеида турган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан мулоқот ва ҳамкорлик қилишни ўрганиш зарур. Шу билан бир вақтда экстремистлик ва ажратувчилик кайфиятларига қатъиян зарба бериш керак.

Съезд маданият соҳасидаги маъмуриятчилик ва буйруқбозликни, уни ривожлантиришга қолдиқ ёндашувларини, ўтмишда йўл қўйилган Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг атоқли арбобларини қатағон қилиш ва ёмон отлиққа чиқаришни қоралайди ҳамда Компартия Марказий Комитетининг уларни изчиллик билан оқлаш йўлини қўллаб-қувватлайди. Съезд ўзбек халқининг тарихий ўтмишига, унинг миллий-маданий ва тил меросига ақидапарастлик билан ва юзаки қарашларга қарши чиқади. Съезд миллий маданияти, унинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини тиклашни, ўзбек давлат тилини мустаҳкамлаш ва унинг қўлланиш соҳаларини кенгайтиришни Ўзбекистон Компартиясининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари СССРдаги барча халқлар ва жумҳуриятимизда яшовчи барча миллатлар ва элатлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, гражданларнинг миллий мансублиги, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашадиган миллий ва маданий сиёсатни амалга оширишга биринчи даражали аҳамият беришлари керак. Халқ анъаналари ва урф-одатларини тиклаш, Ўзбекистон халқларининг азалий фазилатлари — меҳнатсеварлик, одамларга ҳурмат, Ватанга ҳалол хизмат қилишни мустаҳкамлаш зарур.

Ўзбекистон Компартияси илмий-материалистик дунёқарашни ҳимоя қилиб ва тарғиб этиб, ўтмишда динга нисбатан йўл қўйилган ўзбошимчалик ҳаракатларини қатъиян қоралайди ҳамда виждон эркинлигини, умумбашарий қадриятларни қарор топтириш йўлида диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни, динга ишонувчилар жумҳуриятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушида иштирок этишини таъминлашни ёқлайди. Шу билан бир вақтда диний мутаассибликнинг ва чиқиштирмасликнинг, дин ички можароларининг, диний фаолиятни сиёсийлаштиришнинг, хотин-қизларга нотўғри муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши чиқади.

* *
*

Съезд Ўзбекистон Компартиясининг жумҳурият сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги билан бевосита боғлиқ бўлган мустақиллигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашни маъқуллайди. Шу билан бирга съезд КПСС билан ташкилий ва ғоявий бирликни ёқлайди, шунингдек партияни парчалаб юборишга ҳар қандай уринишларга қарши чиқади. Компартиянинг фаолиятини тубдан қайта қурмай, янгиламай ва барча соғлом кучларни жипслаштирмай туриб унинг янги мавқеини ҳақиқатан таъминлаш мумкин эмас. Партия комитетлари ва ташкилотлари кенг демократиялаш ва ошкораликка асосланган услуб ва усулларни ўзлаштиришлари зарур. Улар ўз ички турмушлари билан ўралашиб қолмасликлари, одамлар олдига, меҳнат жамоаларига дадил боришлари, уларнинг кайфиятларини яхши билишлари, вазиятни бошқара олишлари, вазият қандай бўлишини фараз этишлари, аҳолини ҳаяжонга солаётган ўткир муаммоларни ҳал қилишдан, барча амалий кучлар билан мулоқот қилишдан ўзларини четга олмасликлари керак.

Амалда партия аъзолари оммасининг ҳокимиятини таъминлаш, бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг мустақиллигини ошириш, сайлаб қўйиладиган органлар мавқеи ва обрўсини ошириш, қарашларни

эркин қиёслаш, масалаларни коллегиал муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш учун шароит яратиш лозим бўлади.

Съезд партиянинг барча бўғинларида интизомга риоя қилиш, демократия централизми қоидаларини янада ривожлантириш, камчиликни ташкил этувчи гуруҳлар ва ҳар бир коммунист фикрини ҳурмат қилиш, партиявий ўртоқликни сақлаш зарурлигини таъкидлайди.

Партия учун янги вазиятда Марказий Қомитет, область, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари кадрлар сиёсатини қайта қўриб чиқишлари, ишда расмиятчилик-номенклатура ёндашувларидан воз кечишлари лозим. Қомпартия позицияларида турган номзодларни тавсия этиш, Совет ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларида, мафкуравий муассасаларда уларнинг асосий лавозимларга сайланиши ёки тайинланиши учун курашиш ҳуқуқидан фойдаланиш керак.

Съезд сиёсий кучларнинг ажралиши кучайиб бораётган шароитда Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қомитетининг диққат-эътиборини халқ депутатлари Советларида, касаба союзларида, ёшлар ҳаракатида ва бошқа жамоат тузилмаларида партия сиёсатини амалга оширишнинг шакллари ва усулларини ишлаб чиқишга қаратишни зарур деб ҳисоблайди. Бу шакллар ва усуллар амалий мулоқотга, ижтимоий ривожланиш муаммоларини ҳал этиш режаларини биргаликда ишлаб чиқишга, уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини қўллаб-қувватлашга асосланиши керак.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари тугалланган ҳисобот-сайлов кампаниясидан сабоқ чиқариб олишлари, тўпланган тажрибани мустаҳкамлашлари зарур. Ҳисобот ва сайловлар чоғида тушган барча таклифлар ва танқидий мулоҳазалар юзасидан узил-кесил чора-тадбирлар кўрилсин, аҳолининг энг муҳим талаб ва эҳтиёжларини қаноатлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга биринчи навбатда эътибор берилсин.

Съезд шуни таъкидлайдики, давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларидаги коммунистлар партия йўлини қатъият билан ўтказишга, топширилган иш учун масъулият намунасини кўрсатишга, ўз ишлари билан КПСС обрўсини оширишга мажбурдирлар. Ҳозирги пайтда коммунистлар учун жумҳуриятни миллий ва социал тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги марраларига олиб чиқиш учун барча соғлом кучларни жипслаштиришдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ.

«КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида» Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини жумҳурият партия ташкилотларида, меҳнат жамоаларида ва оммавий ахборот воситаларида бўлиб ўтган съездолди мунозаралари якунларини муҳокама қилиб, бу жуда муҳим сиёсий ҳужжатнинг долзарблигини қайд этади.

Ўзбекистон коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасини асосан қўллаб-қувватлайдилар ва ўз мазмунига кўра ҳозирги босқичда социалистик ғояни ривожлантиради, деб ҳисоблайдилар. Ҳаракат дастурида КПССнинг қайта қуришнинг ҳал қилувчи йўналишларида ёриб ўтишни амалга оширишга, халққа муносиб турмуш ва меҳнат шароитларини, ижтимоий адолат ва сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва маънавий камо-

лоти учун имкониятни таъминлаб беришга қаратилган азму қарорига Ўзбекистон Компартияси тўла-тўкис қўшилади.

Жумҳурият партия ташкилотларидаги сайлов кампанияси даврида, шунингдек Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ишлаб турган пайтда Ҳаракат дастури юзасидан бўлган мунозара қайта қуриш тактикаси ва стратегияси юзасидан мавжуд қарашлар ва муқобил фикрларнинг хилма-хиллигини акс эттирди, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги, миллатлараро муносабатлардаги кескинлик кучайиб бораётганлигидан, интизом, тартиб ва уюшқоқлик бўшашганидан, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури жуда кечикиб тайёрланганидан коммунистларнинг ўринли хавотирланганини ошкор этди.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди Ҳаракат дастурининг бир қанча қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қилиш зарур, деб ҳисоблади.

Ҳужжатда коммунистларни, совет кишиларини жуда қизиқтираётган муаммо — биз қандай жамият қураяпмиз, унинг ҳозирги капиталистик жамиятдан афзаллиги ва фарқи нимадан иборат,— деган муаммо тузукроқ далил-исботлар билан ишонарли тарзда баён этилиши керак. Ҳаракат дастурида мамлакатдаги сиёсий кучларнинг жойлашиши, партиянинг ижтимоий негизи ва кўзлаган мақсадларини аниқ ифодалаш лозим. КПСС ўзини янгилашнинг яқин даврида ва истиқболда қандай мақсадларни ўртага қўйиши, у кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, турли синфлар ва ижтимоий гуруҳлар унинг сиёсатидан нималарни кутишлари мумкинлиги аниқ айтилиши, кўп партиялиликка ўз муносабатини билдириши керак.

Жумҳуриятларнинг ўзига хос хусусияти — турмушнинг вужудга келган миллий уклади, анъаналар, урф-одатлар, фикрлаш тарзи, маънавий қадриятларнинг идрок этилиши ҳозирги шароитда жамият тараққиётининг муҳим омили бўлиб, шу нарса КПСС XXVIII съездининг дастурий ҳужжатида акс эттирилиши, инсонпарвар, демократик социализм сари олға силжиш йўллари ва усуллари белгилаб берилиши лозим.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтилиши ва биринчи галда аҳолининг кам даромадли табақалари ижтимоий аҳволининг ёмонлашиши эҳтимоли борлиги муносабати билан Ҳаракат дастури III бобининг қоидалари жиддий равишда қайта ишлаб чиқилиши керак, шундай қилиш Ўзбекистон учун айниқса зарурдир. Мана шундай шароитда КПСС меҳнаткашлар манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда ўз мавқеини белгилаб олиши лозим.

КПСС мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясини белгилаш билан бирга ўзининг дастурий ҳужжатида иттифоқдош жумҳуриятлар бозор муносабатларига ва иқтисодий мустақилликка ўтишида уларнинг дастлабки имкониятлари ҳар хиллигидан иборат муҳим жиҳатни ҳам акс эттириши лозим. Шу билан бирга аҳолининг даромадларидаги, ижтимоий шароитларидаги номутаносибликларни солиқ, кредит соҳасида оқилона сиёсат ўтказиш орқали, нарх-наво системасини ва давлат буюртмаларининг ҳажмларини қайтадан кўриб чиқиш орқали бартараф қилиш йўлини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. КПССнинг мулкчиликка, шу жумладан ер ва табиий бойликларга нисбатан тутган позициясига ҳам мамлакат турли регионларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, аниқлик киритиш талаб қилинади.

«Янги федерация сари» бўлимида миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши қоидаларига, шарт-шароитларига, миллий-умуммиллий манфаатларнинг нисбатига партиянинг ёндашувлари равшанроқ баён этилиши, Иттифоқ билан жумҳуриятларнинг ўзаро муносабатларига нисбатан КПССнинг позицияси янада аниқ белгиланиши, бунда ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятга ҳақиқий ва тенг сиёсий ҳамда иқтисодий суверенитет берилишини назарда тутиш, шу ўринда Иттифоқ шартномасининг асосий қоидаларини таърифлаб бериш керак.

«Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Коммунистик партиялари тўғрисида»ги бандга доир аниқликлар киритилиши лозим. «Иттифоқдош жумҳурият Компартиясининг мустақиллиги» тушунчасини аниқ белгилаб бериш зарур, бу тушунча ташаббускорлик ва ижодкорлик учун имкониятни, КПСС дастурига ва Уставига

зид келмайдиган ўз дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқишни назарда тутиши керак.

КПССнинг мазкур Ҳаракат дастурида ҳуқуқий кафолатларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш хусусидаги позициясида шуни тан олиш керакки, бундай кафолатлар ўтмишда бўлмаганлиги ва ҳозирги вақтда ҳам йўқлиги фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари оёқ ости қилинишига, оммавий жабр-зулмларга, қонунийликни қўпол бузиш ҳолларига олиб келдики, бу нарса Ўзбекистон мисолида айниқса яққол кўринди.

Сўз ва диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қоидага аниқликлар киритилиши керак. Ҳаракат дастурида уқтирилганидек, партия ўзининг дунёқараши мавқеларидан қайтмади, у мана шу мавқеларни қаттиқ туриб, далил-исботлар билан ҳимоя қилади, деб айтишнинг ўзи кифоя эмас. Бундан ташқари партиянинг диний ташкилотларга муносабат соҳасидаги йўлини аниқлаш керак, бу ташкилотлар одамлар ўртасидаги муносабатларга ҳисса қўшишдан ташқари инсонпарварлик онгини шакллантиришга, маънавийлик ва ахлоқийликни тарбиялашга фаол таъсир ўтказиши, тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашиши мумкин.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди КПСС XXVIII съезди номига жумҳурият коммунистларининг амалий таклифларини юбориш лозим, деб ҳисоблайди ва мамлакат коммунистлари олий анжуманининг якунловчи ҳужжатини пухта равишда ишлаб чиқиш чоғида бу таклифлар эътиборга олинади, деб ишонч билдиради.

КПСС Уставининг лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди съездолди мунозараси якунларини чиқарар экан, КПСС Уставининг лойиҳаси юзасидан жумҳурият партия комитетларига, оммавий ахборот воситаларига коммунистлардан ўн минглаб хатлар, партия йиғилишлари ва конференцияларининг қарорлари ҳамда мурожаатномалари келганини қайд этади.

Съезд жумҳурият коммунистларининг коллектив фикрини ифодалаб, Ўзбекистон Компартияси КПССнинг ғоявий ва ташкилий бирлиги позицияларида қатъий турганини билдиради, марксизм-ленинизм ғояларига, инсонпарвар, демократик социализм қуриш ишига, байналмилалчилик, барча миллат ва элат меҳнаткашларининг дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги қоидаларига содиқ бўлиб қолаётганини таъкидлайди.

Съезд иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Устав лойиҳасида таклиф қилинган янги мақомини қўллаб-қувватлайди. Улар янгиланган КПСС таркибида ўзларининг дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, коммунистларнинг фикрига ва жумҳурият манфаатларига асосланиб, ўз сиёсий ва амалий фаолиятининг устун жиҳатларини белгилаш, барча ташкилий, кадрлар, штатларнинг тузилиши, молиявий масалаларни ва партия турмушининг бошқа масалаларини мустақил ҳал этиш, нашриётчилик фаолияти билан шуғулланиш, бошқа партиялар, шу жумладан чет эл партиялари ва жамоат ҳаракатлари билан алоқа боғлаб туриш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Съезд ҳисоблайдики, КПСС Уставининг лойиҳаси партиянинг ролини ва унинг ҳозирги босқичдаги сиёсий вазифаларини янгича тушунишга асосан мос келади. Унда партия ташкилотларининг ташаббусини, фаоллигини ривожлантириш учун зарур имкониятлар яратиб қўйилган, партиянинг сиёсати ва фаолиятида партиялилар оммасининг ҳақиқий ҳокимиятини ўрнатиш имконияти кенгайти-

рилган. Устав лойиҳасидаги демократиялашга, ошкораликни, коллегиячиликни кенгайтиришга, ички партия турмушида чинакам партиявий, ўртоқликни қайта тиклашга қаратилган қоидаларни коммунистлар мамнуният билан кутиб олдилар.

Шу билан бирга съезд КПСС Уставининг лойиҳаси юзасидан бир қанча жуда муҳим таклифлар киритиш зарур, деб ҳисоблайди.

Партиянинг сиёсий моҳияти тўғрисидаги қоидани аниқроқ таърифлаш, унинг ижтимоий базасини равшанроқ белгилаб бериш лозим. КПСС ўз моҳияти ва руҳи жиҳатидан, кундалик амалий ҳаракат жиҳатидан ленинча, пешқадам типдаги оммавий партия бўлиши керак.

Ўзбекистон Компартиясининг съезди Уставда партиянинг ташкилий негизи бўлмиш демократик марказчилик қоидасини янгилаш, янги мазмун билан тўлдириш ва аниқ белгилаб бериш тарафдоридир. Ҳозир, сиёсат майдонида кўпдан-кўп жамоат ҳаракатлари пайдо бўлган ва партия ҳақиқатда кўп партиялилик шароитида ишлаётган бир пайтда унинг ташкилий бирлиги, партиявий интизом бўшашиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Жумҳурият коммунистлари аксариятининг фикрича, демократик марказчилик қоидасининг емирилиши ҳаракат бирлигини қийинлаштиради, партиявий тузилмаларнинг заифлашувига олиб боради.

Партиянинг раҳбар органларига янги кучлар доимо келиб туришини таъминлаш мақсадида съездлар (ҳисобот-сайлов конференциялари) ўртасидаги даврда ўтказиб туриладиган партия конференциялари, шу жумладан КПССнинг Бутуниттифоқ конференцияси сайлаб қўйилган органларнинг аъзоларини алмаштириш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилсин.

Съезд Уставда юқори партия органларининг қуйи органлар олдида, ўз партия ташкилотларидаги коммунистлар олдида ҳисоб бериб туришлари муддатлари ва тартиби аниқ белгилаб қўйилиши, шу тариқа партия комитетларининг фаолиятида ошкоралик қоидаси норматив тарзда мустаҳкамланиши зарур, деб ҳисоблайди.

Компартия съезди КПСС XXVIII съездига янги Уставнинг муҳокамаси доирасида:

— КПССнинг марказий органларини тенг шароитларда вакиллар юбориш йўли билан иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг вакиллиги қоидалари асосида тузиш, уларнинг ўз вакилларини съездлар ва конференциялар қарорига, улар ўртасидаги даврда эса тегишли партия комитетлари пленумларининг қарорига биноан чақириб олиш ва алмаштириш ҳуқуқи тўғрисидаги;

— КПСС марказий органларининг умумпартиявий, шунингдек уларнинг фаолиятига алоқадор қарорларини ишлаб чиқишда иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг албатта иштирок этиши, бунинг учун мазкур қарорлар сайлаб қўйилган органларда ёки жумҳуриятларнинг бошланғич партия ташкилотларида олдиндан албатта муҳокама қилиниши тўғрисидаги таклифларни киритиш зарур, деб ҳисоблайди.

Фақат тавсия тусидаги қарорларгина бу тартиб-қоидадан ташқари қабул қилиниши мумкин.

Съезд бошланғич партия ташкилотларининг мустақиллигини ошириш йўлини қўллаб-қувватлаб, корхоналардаги, ўқув юртларидаги, давлат муассасаларидаги, қуролли кучлардаги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги партия ташкилотларини тугатиш тўғрисидаги таклифларни қатъиян рад қилади, шунингдек уларни тузиш, шакллантириш ва бекор қилиш тартибини аниқроқ белгилаб қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Съезд партияга қабул қилишга жўн ёндашув Устав лойиҳасига асос қилиб олинганига қарши эътироз билдиради ва Уставда партияга қабул қилиш масалаларини узил-кесил ҳал этиш ҳуқуқини партия комитетларига эга бўлган бошланғич партия ташкилотларига беришни, қолган партия ташкилотлари учун эса уларнинг қарорларини албатта район (шаҳар) партия комитети тасдиқлашини кўзда тутишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бошланғич партия ташкилотлари КПССга киришни хоҳловчиларни текширишнинг у ёки бу усулларини, шу жумладан номзодлик стажини, топшириқ бериш системасини ва номуносиб кишиларнинг партия сафларига суқулиб киришидан уни муҳофаза қиладиган бошқа шарт-шароитларни ўзлари белгилаш имкониятига ҳам эга бўлишлари керак.

Съезд КПСС Уставида партиянинг асоси бўлмиш бошланғич партия ташкилотигина эмас, шу билан бирга партиянинг асосий бошланғич территориал таянч

бўғини бўлмиш район (шаҳар) партия ташкилотининг мақомини, шунингдек бошланғич партия ташкилотларига имкони борича кўпроқ мустақиллик берилишини ҳамда демократик марказчилик қоидаси асосида умумпартиявий вазифаларни ҳал қилиш учун уларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлигини ҳисобга олиб, уларнинг ўзаро муносабатларини ҳам аниқроқ белгилаб қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Съезд КПСС Уставида «Назорат-тафтиш комиссиялари» деган мустақил бўлим бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Сайлаб қўйилган партия органларининг ишини кучайтириш учун Устав лойиҳасига шу органлар аъзоларининг бир қисми партия комитетлари тузадиган доимий асосдаги комиссияларда ишлашлари, партия маблағидан маош олиб туришлари тўғрисидаги қоида киритилсин. «Партиянинг мулки ва пул маблағлари» бўлимида партия комитетларининг мустақил ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти олиб бориш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилсин. Аъзолик бадалларининг 50 фоизгача бўлган қисмини қуйи партия бўғинларида қолдириш зарурлиги ҳақида коммунистлар билдирган фикрни қувватлаб, съезд бу маблағдан фойдаланиш масаласини ҳал этиш ҳуқуқини бошланғич, район, шаҳар партия ташкилотларининг коллегиал органларига беришни таклиф қилади.

Ўзбекистон Компартиясидан КПСС XXVIII съездида қатнашадиган делегатларга мазкур таклифларни съезд муҳокамасига қўйиш ва уларнинг қабул этилишига эришиш топширилсин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масаласи хусусида

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди бозор муносабатларини жорий этиш объектив зарурат эканлигини эътироф этиб, бозор иқтисодиётига бутун халқ қўллаб-қувватлаган аҳолини социал ҳимоя қилиш тадбирлари мажмуи билан бориш керак, деган мавқеда қаттиқ туради.

СССР ҳукуматининг таклифларида мулкчиликнинг, иқтисодий масъулият ҳамда регионларнинг марказ билан ўзаро муносабатларининг, корхоналар мустақиллигининг, маҳсулотларни тенг айирбош қилиш асосларининг, аҳоли ижтимоий муҳофаза қилинишининг ва бозор иқтисодиёти ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишининг кўпгина принципиал масалалари тўла-тўкис ҳал қилинмаган.

Жумҳурият партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси давомида, партия XXII съездида бозор иқтисодиёти қоидаларига ўтиш масалалари юзасидан кенг фикрлашиш бир қанча принципиал муаммоларни кўрсатиб бердики, уларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон Компартияси жумҳурият аҳолиси кўпчилигининг фикрини ифодалаб, бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикрни бутунлай рад этади. Аҳолининг ярмини кам таъминланган тоифа ташкил этадиган ва бир миллионга яқин ишсизлар бўлган Ўзбекистон ССР шароитида бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштириш халқнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб бориши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси съезди бошқариладиган бозор иқтисодиётига тар-

киб топаётган социал-иқтисодий вазиятни, жумҳуриятнинг регионал хусусиятларини, унинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги мамлакатнинг бошқа регионларига нисбатан аҳволини ҳисобга олиб босқичма-босқич ўтишни ёқлайди.

Съезд улгуржи, харид ва чакана нархлар ислоҳоти бир вақтда амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайди. Жумҳурият коммунистлари Ўзбекистон ССРда нон маҳсулотларини истеъмол қилиш хусусиятлари ва даражасини ҳисобга олмай ва нарх ортишидан келадиган зарарни аҳолига тўла-тўкис тўламай туриб, шу йил июль ойидан нон чакана нархининг бир томонлама оширилишига қатъий эътироз билдирадилар.

Съезд Ўзбекистон ССР Министрлар Советидаги коммунистларга жумҳуриятнинг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шартлари ва тартибини белгилаб берадиган ва Ўзбекистон ССР фуқароларини ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилишни кўзда тутадиган зарур қонун лойиҳалари ва норматив ҳужжатлар мажмуини тайёрлаб, жумҳурият Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйишни топширади.

Съезд ислоҳотнинг аҳамияти, мақсади ва вазифаларини кенг халқ оммасига тушунтириш чораларининг кенгайтирилган системасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Хомхаёлларни вужудга келтирмай ва чўчитмай, бўлажак ўзгаришларнинг моҳиятини халққа холисона кўрсатиб бериш жуда муҳимдир. Одамлар яқин йилларда қандай қийинчиликларни бошидан кечиришларини аниқ-равшан англаб олишлари, бу қийинчиликларни онгли равишда зиммаларига олишлари, уларни бартараф этиш йўлларини ва истиқболни аниқ кўра билишлари керак.

Съезд КПСС XXVIII съездига жумҳурият партия ташкилотларидан сайланган делегатларга бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масаласида Ўзбекистон коммунистларининг принципиал мавқеини съезд қатнашчиларига етказишни ҳамда бу мавқе съезд қарорларида акс этишига фаол кўмаклашишни топширади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездида сайланган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг состави

Абдуллаев А. С.
Абдуллаев О.
Абдулҳакимов Ж.
Абдураззоқов У. А.
Абдураҳмонов П. М.
Абибуллаев Ж. С.
Абутолипов Ч. А.
Агабабян Р. Д.
Аъзамхўжаев А. А.
Адҳамов Д.
Азизов Қ. А.
Азизхўжаев Д. Т.
Азимов С. О.
Айдаркулов А. А.
Акромов А.
Алиева У. Қ.
Алимов Т. А.
Алимов Ш. О.
Алимова Ҳ.
Алламуродов Б. А.
Асепков Ю. А.
Асқаров А.
Асқаров А. Ҳ.
Аҳмедов Қ. А.
Ахметов Л.
Бобоев А. Х.
Бақоев З.
Боймирзаев Б.
Балабушенко В. А.
Болтабоев Б. Т.
Болтабоев Т. О.
Ботиров З. А.
Бекдурдиева Ж. А.
Бекирова Ш. А.
Бекниёзов Б. С.
Беляев В. А.
Бердиев Н.
Бердиев Х. Э.
Берков Д. Д.
Ботиров Г. Р.
Бугров Б. И.
Букурова У. С.
Бўтаев Э. М.
Вентланд О. Э.
Володарский А. П.
Галкин Ю. К.
Гатаулин Ш. Қ.
Гацунаев Н. К.
Гелдиева М.
Гиниятуллин Р. А.
Грабилин В. Г.
Гришчук В. К.
Дадажонова Д.
Деҳқонбоева З.
Догонкин П. В.
Ефимов А. С.
Ешимбетова Т. А.

Ёдгоров Д. С.
Ёқубов Ғ.
Ёқубов Н. Н.
Жуманиёзова М.
Журавлев В. Н.
Жуманазаров Ж. И.
Жўрабеков И. Ҳ.
Жўраева С. Б.
Зокиров Ў. О.
Захаров А. И.
Заҳриддинов Ғ. З.
Зиёқулов О.
Зиёмов Ш. С.
Зорин В. Ю.
Зуева Л. Г.
Иброҳимов Б. Т.
Иброҳимов М. И.
Икромов А. И.
Исамуҳамедов Х. А.
Искандаров А.
Искандаров И. Н.
Искандаров И.
Искандаров М.
Исломова З. О.
Исмагулова Н. Ю.
Исмоилов О. Д.
Исмоилов Т.
Исмоилов У. Қ.
Исоқова Қ.
Ишматова С. С.
Йўлдошев Т.
Йўлдошева С. Э.
Йўлчиев А.
Казаков Э. Н.
Қамолов Б. С.
Қамолов В. М.
Қаримов И. А.
Қаримов Р. И.
Кенжаева Ж.
Қамолхўжаев Ш. З.
Қоновалова В. Я.
Қотоврасов Г. Д.
Қочмарик И. А.
Крайнов Г. А.
Кунназаров У.
Лебедев О. В.
Лю Э.
Мадраҳимова Т. Х.
Маликов М.-Б. М.
Маллаев А.
Мамажонов Х.
Мамарасулов С.
Мамараҳимов Ю.
Маматисаев Й. И.
Маматов А. Д.
Маматова Р.
Мамаралиев А.

Маннонов Г.
Маҳамадалиев Қ. Х.
Маҳаметов Т.
Маҳмудов А.
Маҳмудов Б. М.
Маҳмудова Ш. Н.
Менглиев Т.
Мирзамаҳмудова З.
Мильченко Г. И.
Мираҳмедов Т.
Мираҳметов М.
Мирзатиллаева Ф. Р.
Мирсаидов Ш. Р.
Мирёқубов Т. М.
Михайлов В. Қ.
Моргасов А. С.
Мўминова Г. Д.
Муродов С. Х.
Муротов Ш.
Муродова Ф.
Мусурмонова Х.
Муталов А.
Муҳаммадиев Ш.
Мухторова Н.
Носиров А. Н.
Ниетуллаев С. Д.
Норматова М. Э.
Нўъмонов П.
Нурбоев М.
Нурматов Б. Т.
Нусратов Ш. Т.
Олимов У. З.
Орипов А.
Осташченко Г. В.
Одилов С.
Олимжонов А. Б.
Ортиқова Р. И.
Ортиқмуродов Қ.
Отабоев А. М.
Отажонов А. Р.
Отажонова Р. Х.
Отамуродов Р.
Очилов А. Д.
Пак В. Б.
Паряева Г. С.
Пирназаров З.
Подшоева М. Й.
Попов Р. А.
Ражабов Р.
Ражабова М. С.
Ражабова Д.
Ражабова У.
Расулев У. Х.
Расулев Ю. С.
Раҳимов А.
Раҳмонов Б.
Раҳмонов Р.

Раҳмонова Г. Р.
Рашидов Т.
Рўзиев Р.
Рўзметов М.
Рўзиев Э. М.
Рустамов Б. М.
Соатов Т.
Собиров М.
Сажнев Ю. М.
Саиджонов Й. С.
Саидов Қ.
Сайдалиев С. Д.
Сайдаҳмедов Ш. М.
Сайдуллаев М. Г.
Сайидкаримов С.
Салоҳиддинов М.
Солиев В. Ҳ.
Солиҳов А. М.
Санақулов Б.
Сарсенов М. А.
Сатторов А.
Сафаров Р. А.
Сигедин В. Н.
Смирнова Л. Ш.
Солиев Р. Б.
Сотволдиева М.
Сулаймонов П.
Султонов У. Т.
Тожиев А. Х.
Тожибоева А. Т.
Тойлоқов С.
Таранторова В. И.
Тошкенбоев А. Х.
Тожиева Ҳ. М.
Тўйчиев Қ.
Тўлаганов Қ. Н.
Тўраева З. У.
Турдиалиев Б. Т.
Турдиалиев И.
Турдиев Ж.
Тўрабеков А.
Турсунов М. Н.
Турсунов Э.
Тўхтамуродов А. Б.
Тўхтасинова С. А.
Туялиева Н.
Умарбеков Ў. Р.
Умаров Н. Ш.
Умарова М. С.
Усатов Д. А.
Усмонов С.
Усмонов С. Н.
Фозилбеков А. И.
Фозилов Г.
Фуженко И. В.
Ҳожиев Г. Н.
Ҳодиева М. С.

Хайдуров Ю. А.
Харьянов А. П.
Худойбергенова Р. М.
Худойбердиева Х.
Хўжақулов У.
Холдоров С.
Холмирзаев Қ. Ҳ.
Чекмарев В. А.
Чжен В. А.
Чориев Л.
Шоабдураҳимов Ш.
Шабанова А. Г.
Шоғуломов И. Ш.
Шамсиев М.
Шапиев А.
Шарипов М.
Шарипов Т. Я.
Юсупбеков Н. Р.
Юсупов А. А.
Юсупов Б.
Юсупов Қ.
Юсупов О.
Юсупов Э.
Янгабоева Ҳ. Я.
Ўразаев Ш. З.
Қодиров П.
Қаипбергенов Т.
Қориева Б. Р.
Қаюмов Л.
Қаюмов П.
Қиличов Т. Р.
Қирғизбоева Т. Б.
Қўзибоева М. М.
Қурбонбоева С.
Қурбонов А.
Қурбонова А.
Қутлимуротов С. Е.
Қутпиддинов П.
Қўчқоров М.
Ғоибов Н. Ё.
Ғуломов Р.
Ҳайитбоев Э. Қ.
Ҳайдаров З.
Ҳайитов Р. О.
Ҳайитова Қ.
Ҳайитова Х.
Ҳакимов Б. Ж.
Ҳаққулов Қ. Ж.
Халилов М.
Ҳамидов Б. С.
Ҳамидов Ж.
Ҳамроев А.
Ҳасанов Г.-Қ. Б.
Ҳошимов Ў.
Хидиров Т. П.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездида сайланган Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссиясининг состави

Абдуллаев Б.
Абдуллаева У.
Абдураззоқов Б. А.
Абдусаломов М. Э.
Адаманов О. Қ.-С.
Азимов А. М.
Алесич И. П.
Алимов О. А.
Аллаиазаров Ш. Н.
Альмеев А. В.
Ананьев Г. М.
Арсентьева Н. П.
Асриянц С. А.
Аҳадов Б. А.
Аҳмедова Қ.
Бабатов И.
Боймиров Т.
Боқибоев Э. Д.
Бибиков И. А.
Гадоев Н. А.
Гусев В. Г.
Есимова Б. А.
Жўрабоев Х.
Журбин Ю. А.
Иброҳимов Ж. М.
Икромов А.
Иноғомов Э. Р.
Исматов М.
Йўлдошев Ш. М.
Капитонов Б. М.
Каримова М.
Красковский С. В.
Лихин А. Л.
Мамадалиев А. Х.
Маматазизов М.
Марин Н. И.
Машарипов Т.
Маркицкий Д. А.
Мирқосимов М. М.
Молдабекова Ж.
Муҳиддинов Н. А.
Мухторов А. Ғ.
Набиев К. Ж.
Норматов Ж.
Ниғматов К.
Ниёзов Ш.
Норов Н.
Отахонов М.
Пармонов О. Д.
Плотников В. А.
Расулов М. М.
Рафиқов К. М.
Рафиқова Р. Х.
Раҳмонов Э. А.
Соқиев К.
Саримсоқов Р. К.
Сатторов Х.
Сафоев Р. А.
Стряпшева Н. В.
Суннатов И.
Тошпўлатов М. С.
Тўражонова Х. Ю.
Умеров Н. А.
Файзиев Ш. М.
Федоринов И. И.
Ҳасанова Ф. М.
Хўжаева С. А.
Честних Г. П.
Шалупов В. А.
Шоёқубов Т.
Ширинов Х. Ш.
Юнусов Ф. М.
Юсупов Ш. Ф.
Қурбонов Г.
Ғиёсов Ш. С.
Ғуломов С. С.
Ҳабибуллаев П.
Ҳожимуротов Ш.
Ҳайитова Ҳ. Ш.
Ҳакимова С.
Ҳакимов Э.
Ҳамроқулов В. Э.
Ҳолматов О.
Ҳусанбоев Б. Д.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

6 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сайланган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби ва Бюро аъзоси қилиб сайланди.

Ж. Ҳамидов, Р. А. Попов, А. И. Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари ва Бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Д. Д. Берков, М. И. Иброҳимов, Ҳ. А. Исамуҳамедов, С. Мамарасулов, Р. Маматова, Ш. Р. Мирсаидов, С. Д. Ниетуллаев, А. И. Фозилбеков Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияларини тузди ва уларнинг раисларини тасдиқлади: А. С. Ефимов Ташкилий-партиявий ишлар масалалари комиссиясининг раиси, Ж. Ҳамидов Мафкура комиссиясининг раиси, М. И. Иброҳимов Ҳуқуқий масалалар комиссиясининг раиси, Р. А. Попов Ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари комиссиясининг раиси, А. И. Икромов Аграр сиёсат масалалари комиссиясининг раиси бўлди.

Пленум республика газеталари ва журналларининг муҳаррирларини тасдиқлади: Р. Раҳмонов «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири, Р. А. Сафаров «Правда Востока» газетасининг муҳаррири, Ш. Ниёзов «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири, Н. А. Умеров «Ленин байроғи» газетасининг муҳаррири, А. Ғ. Мухторов «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг муҳаррири, Ч. А. Абутолипов «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг бош муҳаррири, Б. Юсупов «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг бош муҳаррири бўлди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Лобко, шу бўлим секторининг мудири Н. И. Семёнов қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИ

6 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди сайлаган Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми бўлди.

Пленум Ш. М. Йўлдошевни Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг раиси ва президиум аъзоси қилиб сайлади.

И. П. Алесич Назорат-тафтиш комиссияси раисининг биринчи ўринбосари ва президиум аъзоси қилиб сайланди.

Э. Р. Иноғомов Назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари ва президиум аъзоси қилиб сайланди.

М. Э. Абдусаломов, Н. П. Арсентьева, Э. Д. Боқибоев, И. А. Бибиков, Б. М. Капитонов, М. М. Миркосимов, Н. А. Муҳиддинов, Қ. Неъматов, М. М. Расулов, И. И. Федоринов Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси президиумининг аъзолари этиб сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари ва Бюро аъзолари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти, Қозоғистон Совет Социалистик Жумҳурияти, Қирғизистон Совет Социалистик Жумҳурияти, Тожикистон Совет Социалистик Жумҳурияти, Туркманистон Совет Социалистик Жумҳурияти раҳбарларининг Ўрта Осиё Жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларига

МУРОЖААТНОМАСИ

Олмаота шаҳри 1990 йил, 23 июнь.

Азиз ватандошлар, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Мамлакат ва жумҳуриятларимиз ҳар бирининг тақдири учун оғир бўлган бир пайтда биз барча халқларнинг орзу-умидларига ҳамиша мос келган, инсон турмушида етакчи маънавий мезон бўлган дўстлик, яхши қўшничилик, иноқлик сўзлари билан сизларга мурожаат қилишни ўз бурчимиз, деб билдик. Бу тушунчалар алоҳида изоҳни талаб қилмаса керак. Кўп миллатли жумҳуриятларимизда бу сўзлар қадим-қадимдан анъаналар ва урф-одатларимизнинг ҳаётий барқарор моҳиятини ташкил этади, бизларнинг мураккаб тарихий тажрибамиз улардан нурафшондир, мислсиз социалистик қадриятларимиз ва эзгу орзуларимиз уларга асосланган. Дўстона муносабат, қалб саховати ва меҳмондўстлик, вазминлик ва донишмандлик бизда ҳамиша ҳамма нарсадан улуғлаб келинган. Ўзаро ёрдам, қардошлик ва бирдамлик туйғусини ҳис этган ҳолда биз муқаррар муваффақиятларга эришдик, маҳрумликларга бардош бердик ва қийинчиликларни енгиб ўтдик. Бугунги кунда ҳам умумий хонадонимиз тўғрисида ҳаммамиз биргаликда ғамхўрлик қилиш билангина жамиятни янгилашда олға томон силжишга эриша оламиз.

Мана шу йўлдаги ҳар бир қадам қийинчилик билан ташланмоқда — яқин ўтмишда йўл қўйган хатоларимиз, ижтимоий тараққиёт қонунларини назарписанд қилмаганлигимиз, турмуш воқеликларига ақидапарастлик билан муносабатда бўлганлигимиз бизга ғоят қимматга тушмоқда. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг аҳволига, жамиятнинг маънавий ва руҳий соғломлигига муқаррар таъсир кўрсатди. Афсуски, ҳиссиётга таъсир этиб, носоғлом эҳтиросларни, жумладан, миллатлараро адоватни авж олдираётган баъзи бузғунчи кучлар вужудга келган қийинчиликлардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринмоқдалар. Бу эса кейинги вақтда кўпинча оғир оқибатларга, кўп ҳолларда фожиа билан тугайдиган ва одамлар бошига ғам-алам солишдан бошқа ҳеч нарса келтирмайдиган можаролар чиқишига олиб келмоқда.

Биз, учрашув қатнашчилари, нуроний оқсоқолларга, эркаклар ва аёлларга, йигит ва қизларга, коммунистлар ва партиясизларга, жамоат ташкилотларига, янги тузилмалар ва ҳаракатларга, жумҳуриятларимиз Ватанига айланган барча халқларнинг вакилларига мурожаат қилиб, уларни бутун куч, билим ва ғайратини умумий фаровонлигимиз йўлидаги бунёдкорлик меҳнатига, бирлик ва жипсликни мустаҳкамлашга сафарбар қилишга даъват этамиз. Ақл-идрок ва вазминлик, фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда босиқлик ҳозир ҳар қачонгидан кўра зарурдир.

Буюк аждодларимиз хотираси бугунги кунда бизларни куч-ғайратни бирлаштиришга, қардошликнинг тарихий ришталарини мустаҳкамлашга даъват этмоқда. Мангу барҳаёт шоирлар, мутафаккирлар барча даврларда халқлар дўстлиги ва

иноқлигини куйлаб келганлар. Эзгулик ва меҳр-муҳаббатни инсон қалбининг бебаҳо бойлиги сифатида улуғлаганлар.

Биз учрашувда қабул қилинган ҳужжатларнинг моҳияти ва мазмунига минтақадаги барча аҳоли ўз муносабатини билдиради ҳамда уни қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламиз. Биз ҳам ўзимизга берилган ҳокимиятдан тўла фойдаланиб, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, конституцион нормаларга ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларига қатъиян риоя этилиши, иқтисодий, ижтимоий ва миллатлараро муаммолар самарали ҳал этилиши учун барча ишларни қиламиз.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти
И. КАРИМОВ

Қозоғистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси
А. МАСАЛИЕВ.

Тожикистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси
Қ. МАҲКАМОВ

Туркманистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси
С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти, Қозоғистон Совет Социалистик Жумҳурияти, Қирғизистон Совет Социалистик Жумҳурияти, Тожикистон Совет Социалистик Жумҳурияти, Туркманистон Совет Социалистик Жумҳурияти раҳбарларининг

БАЁНОТИ

Олмаота шаҳри — 1990 йил, 23 июнь.

Биз шиддатли сиёсий жараёнлар, қадриятларга қайта баҳо бериш, ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва маънавий соҳаларидаги тангликни бартараф этиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Биз ана шу мураккаб туб бурилиш даврида қайта қуришнинг асосий йўналишларидаги ҳаракатларимиз бирлигига эришишимиз ва куч-ғайратларимизни мувофиқлаштиришимиз айниқса зарур. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашуви худди шу вазифаларга хизмат қилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларини на фақат жуғрофий яқинлик, айни вақтда муштарак тарихий тақдирлар, маданиятлар, анъаналар ва расм-русмларимизнинг яқинлиги ҳам бирлаштириб турибди. Биз жумҳуриятларнинг қарор топган ҳудудлари бузилмаслигини тасдиқлаймиз ва улар кимнингдир хоҳиш-иродаси билан, бу жумҳуриятларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ноёб табиий-иқлимий шароитларга, бой имкониятларга эга. Улардан самарали фойдаланиш аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга, фақат минтақамизнигина эмас, шу билан бирга умуман мамлакатимизнинг кўпгина муаммоларини ҳал этишга имкон беради. Бироқ

минтақа иқтисодиётининг юзага келган йўналиши, яъни унинг хом ашё етказиб берувчи минтақа бўлиб қолиши ижтимоий жиҳатдан ривожланишда анча орқада қолишга сабаб бўлди. Экологиянинг аҳволи, соғлиқни сақлаш соҳаси, айниқса болалар ўлими, аҳолининг узоқ умр кўрмаслиги, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари билан қониқарсиз таъминланиш катта ташвиш туғдирмоқда. Тақчилликнинг кучайиб бораётганлиги ва сув ресурсларининг ифлосланиши минтақа аҳолисини экологик ҳалокат ёқасига олиб келди ва минтақамизнинг ҳам, умуман бутун мамлакатимизнинг ҳам маблағ ва ресурсларини жалб этишни талаб қилади.

Биз янги иттифоқ шартномасини тузиш асосида мамлакатимизнинг федерал тузилмасини янгилаш тарафдоримиз, бу эса жумҳуриятларнинг миллий-тарихий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўзига хослигини ҳисобга олиб ва улар ҳар бирининг дастлабки аҳволига холис баҳо бериб, алоқаларнинг ғоятда ранг-баранг шаклларини ривожлантиришга кафолат бўлур эди. Бу халқларга амалда ўз ерларининг ҳақиқий соҳиблари бўлишга имкон беради, тўпланиб қолган муаммоларни самарали ҳал этиш учун шарт-шароит яратади.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисидаги кўп томонлама ҳукуматлараро битим шу принциплар асосида тузилди. Унда умумиқтисодий муаммолар, фан ва техника, маориф ва маданият, экология, молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш соҳаларидаги ҳамжиҳатликнинг устун йўналишлари белгилаб берилган. Меҳнатга лаёқатли аҳолини оқилона равишда иш билан банд қилишга эришиш мўлжалланган. Жумҳуриятлараро программани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга алоҳида эътибор берилган. Жумҳуриятлар иқтисодиётини тузилиш жиҳатидан қайта қуришни мувофиқлаштиришни ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда биргаликда фаолият кўрсатишни таъминлайдиган тадбирлар режалаштирилган. Умумиттифоқ бозори вужудга келтирилаётган шароитда ишлаб чиқариш-техникавий маҳсулотларни ҳамда халқ истеъмоли молларини ўзаро фойдали асосда айирбошлаш назарда тутилади. Битимни амалга ошириш учун доимий ишлайдиган Ҳамкорлик мувофиқлаштириш кенгаши тузилади, унга барча зарур ваколатлар берилади.

Эришилган битим бозор механизмининг шаклланишига, иқтисодиёт интеграциясига, марказдан қочма тамойилларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этишга ва пировард натижада аҳоли фаровонлигини оширишга кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Оролбўйининг экологик ҳалокати минтақанинг ўткир муаммоси ҳисобланади. Биз Орол денгизи ҳавзасидаги экологик мувозанатни тиклашга қаратилган куч-ғайратларни бирлаштириш мақсадида жумҳуриятлараро комиссия тузиш ва Оролбўйи аҳолиси учун ёрдам жамғармаси таъсис этиш тўғрисида келишиб олдик, ушбу минтақада яшовчи кишилар турмушини яхшилаш билан боғлиқ бошқа бир қанча муҳим масалалар юзасидан ҳам битимга эришилди. Лекин мазкур ўткир муаммони узил-кесил ва сўзсиз ҳал этиш учун булар етарли эмас.

Биз ССР Иттифоқи Президенти М. С. Горбачевга, СССР Олий Советига мурожаат этиб, улардан Оролбўйини Умумхалқ ҳалокати зонаси деб эълон қилишни ва ушбу муаммони ҳал этишга БМТ ихтисослашган муассасалари ҳамда бошқа халқаро ташкилотларни жалб этиб, Умумиттифоқ экология жамғармасини тузиш ҳисобига Оролбўйидаги экологик мувозанатни тиклашга доир давлат программасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишларини сўраймиз. Биз Оролни қутқаришнинг ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг принципиал йўлларидан бири сифатида Сибирь дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга ташлаш муаммосига қайтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, бу 50 миллиондан ортиқ киши яшайдиган минтақанинг истиқболини ҳал қилувчи даражада белгилаб беради.

Аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган қисмини бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга кафолат берадиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши зарурлигига алоҳида эътибор бериш керак.

Биз халқларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни, ҳамжиҳатликни,

дўстликни чуқурлаштириш — энг аввало бутун Иттифоқимизни мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Жумҳуриятларимизнинг халқлари совет кишилари турмушини яхшилаш мақсадида барча соғлом кучларни уюштириш негизида мамлакатимиздаги ва ҳар бир минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлашга бўлган умидларини КПССнинг бўлажак XXVIII съезди билан боғламоқдалар.

Биз кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун ҳар йили учрашувлар ўтказиб туриш тўғрисида келишиб олдик.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти
И. КАРИМОВ

Қозоғистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси
А. МАСАЛИЕВ.

Тожикистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси
Қ. МАҲКАМОВ

Туркманистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Советининг Раиси
С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисида

БИТИМ

Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР ҳукуматлари,

жумҳуриятларнинг давлат ва иқтисодий мустақиллиги принципларига амал қилиб,

анъанавий сиёсий, иқтисодий ва маънавий алоқаларга, территориал ва табиий-иқлимий шарт-шароитлар умумийлигига асосланиб,

бошқариладиган бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро фойдали муносабатларни кучайтириш мақсадларидан келиб чиқиб, жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақилликка ўтиши билан боғлиқ мунтазам ахборот ва тажриба айирбошлаш, кенг кўламли алоқаларга энг кўп қулайлик яратиш режимини таъминлаш, халқ хўжалиги структурасини такомиллаштириш, территорияларни экологик жиҳатдан соғломлаштириш, мамлакат давлат бошқаруви органлари, бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар, шунингдек хорижий мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий мулоқотларни ривожлантириш зарурлигини ҳисобга олиб,

иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида ушбу ҳукуматлараро битимни тузадилар.

I. ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

1. 1. Ушбу битим жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақилликка эришиши, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиб, самарали иқтисодий стратегия ва тактикани рўёбга чиқаришга оид ишларни мувофиқлаштириш, жумҳуриятлар кўп миллатли аҳолисининг ижтимоий тараққиётини жадаллаштириш мақсадида тузилди.

1. 2. Ушбу битим иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишларига оид ўзаро фаолиятнинг конкрет турлари ва шакллари битимнинг ажралмас қисми бўлган программада белгилаб берилади.

Томонлар асосий йўналишларнинг ҳар бири юзасидан ва программа тадбирларига мувофиқ, министрликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, бирлашмалар, уюшмаларнинг ваколатли қатнашчилари сифатида амалга ошириладиган тадбирларни, ишларнинг келишиб олинган ҳажмларини ойдинлаштириб олиш ва олинадиган самарани тақсимлаш йўли билан ўзаро шартномалар (протоколлар)ни ишлаб чиқадилар.

1. 3. Ҳамкорликни кенгайтириш барча қатнашчиларнинг тенглиги, баравар шерикчилик ва ўзаро фойда, эришилган битимни кўзлаб ҳар қандай маъмурий, ҳуқуқий ёки молиявий тусдаги чеклашларни бекор қилиш принципларида таъминланади.

Томонлар бир-бирларига зарар етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан, жумладан:

— шерикларга тенг бўлмаган шартларни қўлланиш;

— техникавий тараққиётни, ишлаб чиқариш шароитларини, томонлардан исталганининг манфаатларига зарар етказиб маҳсулот сотишни чеклаш;

— шерикларга ишларни биргаликда амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ёки камситувчи тусдаги қўшимча шартларни қабул қилишга мажбур этишдан ўзларини тиядилар.

1. 4. Томонлар бир қанча жумҳуриятларда амал қилаётган халқ истеъмоли молларини олиб чиқиб кетишни чеклашни 1991 йилнинг 1 январидан бекор қилиш, шу мақсадда минтақа манфаатларини ҳимоя қилишнинг иқтисодий омилини ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олдилар.

1. 5. Томонлар энг аввало, ҳукуматлараро битимлар бажарилишига зарар етказмай, юридик шахслар бўлган корхоналар, ташкилотлар, уюшмалар ва уларнинг бошқа бирлашмалари ўртасидаги бевосита алоқалар доирасида чинакам бозор муносабатларини вужудга келтириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бозор муносабатларини қарор топтиришнинг ана шу босқичида жумҳуриятларнинг самарали халқ хўжалик алоқаларини йўлга қўйишга имкон берадиган воситачи таъминот-маҳсулот сотиш ташкилотлари ишини фаоллаштириш зарур.

1. 6. Ҳамкорликни амалга оширишда мулк шакли ва қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, жумҳуриятларнинг ҳудудларида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар қатнашишлари мумкин. Ҳамкорликда томонларнинг розилиги билан жумҳуриятларнинг ҳудудидан ташқарида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек хорижий шериклар иштирок этиши мумкин.

1. 7. 1991 йилда 1990 йилги даражадан паст бўлмаган даражада хом ашё, маҳсулот ва моллар етказиб бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

II. ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2. 1. Томонлар қуйидаги устун йўналишлар куч-ғайратларни бирлаштириш ва ўзаро интеграция воситаси деб ҳисоблайдилар:

— умумиқтисодий муаммолар ва молиявий-кредит сиёсати;

— соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият;

— истеъмол бозорини ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

— илмий-техникавий ҳамкорлик;

— информатика ва ахборот таъминоти;

— оқилона меҳнат тақсимоти;

— экология ва сейсмология;

— саноат ишлаб чиқариши структураларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш;

— инвестиция сиёсати, қурилиш базасини ривожлантириш;

— ёқилғи-энергетика комплекси, транспорт ва алоқа;

— моддий-техника таъминоти;

— қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат;
— ташқи алоқалар;
— ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш.

2. 2. Томонлар ана шу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан битим амал қиладиган даврга қўшма ёки ўзаро шартномалар (протоколлар) ишлаб чиқадилар. Ана шу шартномалар (протоколлар)га келгусида ўзаро розилик асосида аниқлик киритилиши ва улар конкретлаштирилиши мумкин.

III. ҲАМКОРЛИК ОМИЛЛАРИ

3. 1. Томонлар жумҳуриятларнинг алоқаларини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳаракатларини таъминлаш мақсадида ишчи группаси Олмаота шаҳрида бўладиган ва доимий ишлаб турадиган амалий ҳамкорлик мувофиқлаштирувчи кенгашини тузиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

3. 2. Мувофиқлаштирувчи кенгаш жумҳуриятлар Давлат план комитетларининг раисларидан ташкил топади, унинг мажлислари зарур бўлганида, лекин йилига камида икки марта жумҳуриятларнинг пойтахтларида навбатма-навбат ўтказилади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги Низом жумҳуриятлар ҳукуматлари томонидан тасдиқланади.

3. 3. Кенгаш томонларнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий сиёсатининг умумий кўрсатмалари ҳамда мазкур битим шартлари бажарилишини мувофиқлаштириб туради. Кенгаш томонлар якдил овоз берганида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3. 4. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаолият доирасига биттадан ортиқ жумҳуриятнинг манфаатларига тааллуқли масалалар, аввал қабул қилинган ҳужжатлар юзасидан қарорлар қабул этиш масалалари киради. Кенгаш ишлаб чиққан қарорлар тавсия руҳида бўлиб, жумҳуриятларнинг иқтисодий, фармойиш берувчи ва қонун чиқарувчи идораларида синовдан ўтади, улар ижроия органларнинг биргаликдаги қарорлари билан расмийлаштирилади.

3. 5. Мазкур битим юзасидан томонларнинг жавобгарлиги ушбу битим асосида томонлар ўртасида тузилган шартномалар ва хусусий битимлар билан тартибга солиб турилади.

3. 6. Ушбу шартномалар (протоколлар) жумҳуриятларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш давлат планларига уларнинг тадбирларини устун даражада киритиш орқали амалга оширилади.

Шу мақсадда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон иқтисодий органлари иқтисодиётнинг ҳозирги бошланғич аҳволини ва минтақа аҳолисининг ижтимоий аҳволини чуқур таҳлил қилсинлар, умумиттифоқ жамғармаларини жалб этиб ва минтақалар жамғармаларини тузиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишни тенглаштиришга доир омилларни ишлаб чиқсинлар.

3. 7. Томонлар зарур бўлган тақдирда қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ва норматив ҳужжатлар қабул қилишдаги ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, ушбу битимни ва ҳамкорлик программасини бажаришга қаратилган ўзларининг биргаликдаги фаолиятларини бошқариб турадиган зарур қарорлар қабул қиладилар.

3. 8. Кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун ҳар йили жумҳуриятлар ҳукуматлари бошлиқларининг учрашувларини ўтказиб туриш тўғрисида аҳдлашувга эришилди.

IV. БИТИМНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

4. 1. Ушбу битим 1990 йилнинг 1 июлидан кучга киради ва у жумҳуриятлар Олий Советларида қонуний расмийлаштирилиши керак.

4. 2. Битим 1996 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга тузилади.

4. 3. Томонларнинг бирида битимнинг амал қилишини тўхтатиш хоҳиши пайдо бўлганида, мазкур жумҳурият ҳукумати бошқа томонларга бу ҳақда олдиндан, битимдан чиқишдан уч ой илгари хабар бериши керак.

4. 4. Битим амал қилишини тўхтатиш ёки унинг шартларини ўзгартириш томонлар ҳукуматларининг биргаликдаги қарори асосида амалга оширилади.

4. 5. Битимнинг амал қилиш муддатини узайтиришни унинг амал қилиш муддатидан камида ярим йил олдин томонлар ҳукуматлари белгилайдилар.

Ушбу битим ҳар қандай иттифоқдош ва мухтор жумҳурият унга қўшилиш учун очиқдир.

Битим СССР қонунларига ва унинг халқаро мажбуриятларига, битим қатнашчиларининг манфаатларига, қонунларга, илгари тузилган битимлар ва шартномаларга, шунингдек ҳар бир томоннинг халқаро мажбуриятларига зид эмас.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси
Ш. МИРСАИДОВ.

Қозоғистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси
У. ҚАРАМАНОВ.

Қирғизистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси
А. ЖУМАҒУЛОВ.

Тожикистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси
И. ҲАЁЕВ.

Туркманистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси
Ҳ. АҲМЕДОВ.

Олмаота шаҳри. 1990 йил, 23 июнь.

Ж. ТУЛЕНОВ

ФАЛСАФИЙ БИЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ ҲАҚИДА

ҚАЙТА ҚУРИШ шароитида жамиятшунос олимлар мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожи учун, ижтимоий онгни шакллантириш учун ўз масъулиятларини кўпроқ ҳис этишлари, эътиборни ҳаёт илгари сураётган долзарб масалаларни ҳал этишга қаратишлари лозим. Бунинг учун ҳозирги реал воқелик руҳида марксча-ленинча фалсафанинг мазмунини янгича мушоҳада этиш, уни ақидапарастлик ва схоластикадан тозалаш, олға томон ҳаракатимизга халал берувчи илдиз отган тафаккур андозаларидан холи бўлиб олиш лозим. Фақат шу йўл билан фалсафа фанининг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар оммаси орасида унинг обрў-эътиборини кўтариш мумкин.

Умуминсоний қадриятларнинг синфий қадриятлардан устунлиги ҳақидаги ғоя асос қилиб олинган янгича тафаккур муносабати билан биз энг аввало марксча-ленинча фалсафанинг фалсафий билимлар системасидаги ўрни ва ролини қайтадан мушоҳада этишимиз зарур. Илгарилари у фалсафий фикр ривожида олий босқичдан иборат, илмий билимнинг ва ижтимоий амалиётнинг ривожланиши илгари сурадиган барча дунёқараш ва методологияга оид муаммолар фақат унинг позициясидан турибгина тўғри тушунилиши мумкин деб ҳисобланар эди. Бу билан биз, бир томондан, марксча-ленинча фалсафани жаҳон фалсафасидан ажратиб қўйдик, тўғрироғи, уни жаҳон фалсафасидан устун қўйдик ҳамда, иккинчи томондан, билиш ва амалий фаолиятда унинг ролини ҳаддан зиёд ошириб юбориб, бошқа фалсафий таълимотларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини назарписанд қилмай қўйдик.

Фалсафа инсониятнинг ғоят муҳим ақл-идрок қуролидир. У ўтмиш авлодларнинг маънавий мероси, гуманитар, табиий ва техник илм-фаннинг ютуқлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, дунёда содир бўлаётган воқеаларни ижодий мушоҳада этишга ҳамда жамият ҳаётидаги ўз ўрнини белгилашга кўмаклашади. Илгарилари ҳам, ҳозир ҳам бутун инсониятни тўлқинлантириб турган оламшумул масалалар: ҳаётнинг маъноси ҳақидаги, инсоннинг дунёдаги ўрни ва роли ҳақидаги, унинг табиатга, жамиятга, бир-бирига муносабати ҳақидаги, инсоннинг бўлғуси авлодлар тақдири учун маънавий масъулияти ҳақидаги, жаҳон цивилизацияси ҳақидаги, ижтимоий тараққиётнинг йўналиши ва ҳоказолар ҳақидаги масалалар фалсафий тафаккурнинг марказида бўлди ва ҳозир ҳам шундай. Гегелнинг ўткир иборасига кўра, фалсафа — тафаккур забт этган даврдир.

Марксча-ленинча фалсафага келганда, у жаҳон фалсафий маданиятининг таркибий қисми бўлиб, ишчилар синфи ва унинг партиясини дунёни билиш ва тубдан ўзгартиришнинг илмий методологияси билан қуроллантиради. Уни жаҳон фалсафасига қарама-қарши қўйиш, айниқса ундан устун қилиб қўйиш ярамайди, чунки у дунёни фалсафий мушоҳада этишга, кўришга ёндашувлардан фақат биринигина беради.

ТУЛЕНОВ Жандар, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти фалсафа кафедрасининг мудири.

Афсуски, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида идеалларимизнинг турмушга татбиқ этилишида мақсад ва восита бўлган инсон фалсафадан ташқарида қолди. Ҳатто фалсафанинг асосий масаласи таърифи ундан ажратилган ҳолда баён этилди. Айрим олимларнинг инсонни фалсафа предметига киритиш ҳақидаги таклифлари, бу нарса ўтмиш фалсафий таълимотлари учун характерли бўлган антропологик принципни қайта тиклайди, деган баҳона билан рад этилди.

Жамият ҳаётида инсон омилининг тобора ошиб бораётган аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда файласуфлар марксча-ленинча фалсафа курсининг структурасини қайта кўриб чиқишлари лозим бўлади, токи унда инсон муаммоси барча хилма-хилликлари ва мукаммаллиги билан ундан муносиб ўрин олсин. Бошқача қилиб айтганда, фалсафани чинакамига инсонийлаштириш зарурки, бу унинг инсонпарварлик табиатига батамом мувофиқдир. Янгиланиб бораётган жамият фалсафанинг янгиланишига муҳтож. Ҳаёт диалектикаси шундай.

Онг муаммосини, унинг материяга нисбатини талқин этишга ҳам янгича тафаккур руҳида ёндашмоқ лозим. Онгни юксак даражада ташкил топган материянинг моддий дунёни акс эттириш хоссаси сифатида анъанавий таърифлаш ўзининг бир ёқламалиги ва чалалиги туфайли эндиликда тегишли тузатишларга муҳтождир.

Биринчидан, онг материяга нисбатан иккиламчи, ҳосиладир деб оддий қайд этиш онгнинг худди материя каби реал мавжудлигини, у ўзининг специфик қонуниятлари бўйича юзага келиши, шаклланиши ва ривожланишини, буларни билмаслик эса ушбу феноменнинг табиатига мос тасаввурни бермаслигини кўрсатишга имкон бермайди.

Иккинчидан, агар онг юксак даражада ташкил топган материянинг инсон миясининг фақат хоссаси бўлса, унда инсон организми, ижтимоий воқелик қанчалик мукаммал бўлса, ижтимоий онг шунчалик юқори бўлади ва бунинг аксичадир, деб фараз этиш мантиққа тўғри келади. Лекин реал воқеликда буни кўрмаймиз. Бизда, масалан, ижтимоий борлиқнинг даражаси бундан бир неча йил аввалгига қараганда анча пастроқ бўлиб қолганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо қайта қуриш, демкоратиялаш ва ошкоралик шароитида яшаётган ва ишлаётган бизнинг кўп ватандошларимиз нечоғлик юксак ижтимоий онгларини намойиш этаётганликларига бир қаранг! Мавжуд тафаккур андозалари асосида буни изоҳлаб бўлмайди. Ҳозирги даврнинг бурилиш характерига мувофиқ бўлган янгича ёндашишлар, янги-янги концепциялар даркор.

Учинчидан, биз эътиборни онг моддий дунёнинг инъикоси эканлигига қаратиб, истар-истамас унинг фаол, ҳаракатчан, ижодий характерини менсимай қўямиз. Ваҳоланки, онг дунёни фақат акс эттирибгина қолмай, балки яратади, ижод этади. Инсоннинг акс эттириш фаолиятининг ўзи унга ўз хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун дунёни тубдан ўзгартиш йўлларини кўрсатиб беришга қаратилган. Онгнинг қудратли ижодий потенциали, унинг янги дунёни фалсафий жиҳатдан намоён этиш имконияти чуқур ўрганилмади. Онгнинг фаол жиҳати асосан идеалистик фалсафа намояндалари томонидан ҳосил қилинганлигининг сабаби ана шунда эмасмикан?

Ниҳоят, онгни борлиқнинг инъикоси сифатида талқин этиш буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси учун адабиёт ва санъат арбобларидан воқеликни «ҳаққоний акс эттириш»ни, оддийроқ қилиб айтганда, воқеликдан нусха кўчиришни талаб қилишда ўзига хос бир назарий асос (социалистик реализм баҳонаси билан) бўлиб хизмат қилдики, бу нарса кўпинча натурализмга, санъаткорнинг ижодий фикрлаши бўғилишига олиб келарди. Хилма-хил қиёфали ва ривожланиб бораётган дунёни янги, биз учун одат бўлмаган жиҳатлардан, томонлардан акс эттиришга мустақил, ғайриоддий тарзда ёндашишга уринишлар эса асоссиз равишда формализмнинг, мавҳум санъатнинг, Ғарб олдида сажда қилишнинг кўриниши ва ҳоказолар деб эълон қилинди. Ана шуларнинг бари совет адабиёти ва санъати ривожининг ҳолатига зарар қилмай қололмасди.

Қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик шароитида жамиятимиз зиддиятларининг таъсири ва ҳал этилиши билан боғлиқ муаммоларни ижодий ишлаб чиқиш алоҳида актуаллик касб этади.

Олимларнинг муайян қисми орасида социализмда антагонистик зиддиятлар йўқ, фақат юқорининг ташаббуси ва пастдагиларнинг қўллаб-қувватлаши билан

аста-секин бартараф этиладиган ноантагонистик зиддиятларгина бор, деган ишонч мавжуд. Унинг назарий илдизлари фалсафий адабиётда кенг ёйилган, антагонистик зиддиятлар — бу бир-бирига қарама-қарши манфаатларга эга бўлган муросасиз душман синфлар ўртасидаги фақат социал революция йўли билангина ҳал қилиниши мумкин бўлган мавжуд зиддиятлар эканлиги ҳақидаги тезисга бориб тақалади. Модомики социализмда бундай синфлар йўқ экан, демак, бунда антагонистик зиддиятлар учун ўрин йўқ.

Ижтимоий тараққиётнинг реал амалиёти бу хилдаги андозаларнинг мутлақо асоссизлигини кўрсатиб турибди. Менинг назаримда, антагонистик зиддиятларни худди илгарилари қилинганидек фақат синфий муносабатлар соҳаси билангина чеклаб қўйиш ярамайди. Улар ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олиб, ҳам синфий, ҳам этник, миллатлараро, ирқий, диний ва ҳоказо негизларда юзага келиши мумкин. Жамият билан айрим жиноятчи унсурлар ўртасида, турли давлат, ижтимоий-сиёсий системалар, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ҳаракатлар ва ҳоказолар ўртасида юзага келувчи кескин зиддиятлар ҳам антагонистик тус олиши мумкин.

Зўравонлик чораларини (погромлар, талашлар, ўлдиришлар, ҳаётий муҳим коммуникацияларни қамал қилиш, одамларни миллий белгисига қараб яшаб турган жойларидан қувиш, тартиб ўрнатиш учун қуролли кучлардан фойдаланиш ва ҳоказоларни) қўлланиш антагонистик зиддиятларнинг муҳим хусусиятидирки, булар мавжуд структураларнинг бузилиши ёки ўзгаришига олиб келади. Худди ана шундай кенг маънода тушуниладиган антагонистик зиддиятлар, шак-шубҳасиз, бизнинг жамиятимизда бор. Мамлакатнинг қон тўкилаётган, қочоқлар сони ортиб бораётган (уларнинг миқдори Иттифоқ бўйича қарийб 600 минг кишига етди, келтирилган моддий зарарнинг жами эса бир неча миллиард сўмдан иборатдир) турли регионларида содир бўлаётган бузғунчилик ишлари ана шундан далолат бериб турибди. Буни кўра-била туриб қандай қилиб эски формулаларга ёпишиб олиш ҳамда бизнинг жамиятимизда антагонистик зиддиятлар йўқ, деб даъво қилиш мумкин?

Дарвоке, бундай қараш тарафдорлари В. И. Лениннинг «антагонизм ва зиддият айнан бир нарса эмас. Социализмда биринчиси йўқолиб кетади, иккинчиси қолади» деган фикрини далил қилиб, уни асослашга уринадилар (Ленинский сборник, т. XI, с. 357). Бироқ бунда ушбу фикр фараз сифатида айтилганлиги ҳисобга олинмайди. «Антагонизм йўқ бўлиб кетади» деганда у ҳақиқатда ҳам йўқ бўлиб кетди деган маъно чиқмайди.

Оддий бир ҳақиқатни аниқлаб олмоқ лозим: антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар ўртасида ўтиб бўлмайдиган чегара йўқ. Зиддиятлар қотиб қолган, бир умрга қолиб кетадиган нарса эмас, балки доимо ҳаракатда бўлади, ўзгариб ва ривожланиб боради. Улар диалектик жараён бўлиб, ўзининг юзага келиши, чуқурлашуви ва ҳал этилишида ўз конкрет-тарихий босқичларига эга. Ноантагонистик зиддиятлар ривожланиш жараёнида, агар улар ўз вақтида бартараф этилмаса, антагонистик зиддиятларга айланиши ҳамда социал кескинлик манбаи, жамият тараққиёти йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолиши мумкин. Шу боисдан билим олиш ва амалий иш қилишда зиддиятларнинг етуклик даражасини ҳисобга олиш ва шунга мувофиқ тарзда уларни ҳал этиш моментларини белгилаш муҳимдир. Бунда кечикиш ҳам, олға югуриб кетиш ҳам баб-баравар зарардир.

Диалектик зиддиятларни ҳал этишнинг шакллари, усуллари ҳақидаги масалани ҳам янгича тафаккур руҳида қайта ўйлаб чиқиш зарур. Ўтмишда бу борада бир ёқлама, сийқалаштирилган ёндашувга йўл қўйилди. Ҳар бир предмет, ҳодиса қарама-қарши томонларга — янги ва эскига бўлинган деб ҳисобланди. Модомики, зиддиятлар предметнинг қарама-қарши томонлари ўртасидаги муносабатни ифодалар экан, уларнинг кураши натижасида янгилик албатта эскилик устидан ғалаба қилади. Шу боисдан зиддиятларни хаспўшлаш эмас, балки уларни кескинлаштириш лозим.

Универсал методологик принцип сифатида ушбу андоза инсоннинг билиш ва ишлаш борасидаги фаолиятининг йўналиши ва натижасини олдиндан белгилаб қўяр эди. Санъаткорлар бадиий асар қаҳрамонлари образларини ана шу андоза бўйича яратардилар.

Яхшиямки, ҳаёт ҳар қандай схемалардан бойроқдир. Амалиёт кўрсатиб

турганидек, фақат қарама-қарши томонларнинг курашигина эмас, балки уларнинг диалектик қўшилуви, бирлиги ҳам ҳаракатга ичдан туртки бўлиб хизмат қилади. Зиддиятлар бир-бирини фақат инкор этиб қолмайди, балки бараварлаштиради, бетарафлаштиради, шу туфайли предметнинг ҳужумкор, юксалиб борувчи йўлдан ривожланиши учун кенг майдон очилади.

В. И. Ленин қайд қилган эдики, коммунистлар ўз амалий фаолиятларида қарама-қарши томонларни бир неча бор қўшдилар, лекин уларни какофония ҳосил бўладиган қилиб ҳам, симфония пайдо бўладиган қилиб ҳам қўшиш мумкин (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 248-бетга қаралсин). Қарама-қарши томонларни уйғун тарзда, усталик билан қўшиш олға ҳаракат қилишда уларнинг курашидан қолишмайдиган муҳим манба эканлигини қайта қуриш тажрибаси кўрсатиб турибди. Чунончи, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги ҳамда марказлаштирилган планлаштириш бир-бирини ўзаро тақозо қилади ва инкор этади. Ана шу қарама-қаршилик негизида кўпинча давлат буюртмаси, давлат бюджетига ажратмалар, фонд материалларини тақсимлашнинг оптимал миқдорини белгилаш ва ҳоказолар билан боғлиқ зиддиятлар юзага келади. Бу зиддиятлар бир томоннинг манфаатларини бошқа томоннинг зарарига қондириш йўли билан эмас, балки манфаатларни диалектик қўшиш негизида ҳал этилиши мумкин.

СССР билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги муносабат ҳам зиддиятлар бирлигининг конкрет намоён бўлишидан иборатдирки, бу бирлик негизида улар ўртасида кўпинча турли зиддиятлар юзага келади. Ҳозир марказ билан иттифоқдош республикалар компетенцияларини аниқ чегаралаб қўйиш имконини берувчи ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Ана шу масалани ҳал қилишга уларнинг манфаатларини диалектик қўшиш йўли билан эришиш мумкинлиги ҳам мутлақо равшандир.

Худди шунингдек ижтимоий, кооператив мулк билан шахсий мулк, гражданларнинг меҳнат билан топилган мулки ўртасидаги, шунингдек бир партиялилик билан кўп партиялилик, социалистик монизм билан фикрлар хилма-хиллиги, миллийлик ва байналмилаллик ўртасидаги муносабатлар зиддиятлар бирлигининг конкрет кўринишидан иборат бўлиб, бу зиддиятлар уларни диалектик қўшиш негизида жамиятимизнинг олға томон ҳаракат қилишига кўмаклашиши мумкин.

Қайта қуришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан жамият олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун соғлом кучларни қанчалик муваффақият билан жипслаштиришга, бирлаштиришга боғлиқ. Ана шу маънода юзага келадиган муаммоларни ҳал этишнинг шакли сифатида зиддиятларнинг бир-бирига қарши туриши эмас, балки бирлаштирилиши ғоят муҳим назарий ва методологик аҳамият касб этади.

Кейинги пайтларда кенг қўлланилаётган музокаралар, консенсус методи қарама-қаршиликларни қўшишнинг ўзини оқлаган формаси бўлиб, олға томон муваффақиятли ҳаракат қилиш имконини беради, бу музокаралар давомида эса бир-бирига қарши курашаётган томонлар бир-бирига ён бериш йўли билан илгари тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга имкон берувчи келишилган қарорлар қабул қиладилар. Мамлакат раҳбарияти Донецк, Воркута, Вардашовск, Қарағанда ва бошқа шаҳарлар шахтёрлари орасида юзага келган низоли вазиятларни ҳал этишда бу методдан муваффақиятли фойдаланди. Консенсус КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсат соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал этишида ҳам ижобий натижалар бермоқда.

Шундай қилиб, диалектик зиддиятларни ҳал этишнинг характери ва усулларини тўғри тушуниш кадрларни уларнинг кундалик амалий фаолиятида методологик жиҳатдан тўғри йўл тутишларига имкон беради, социализмни сифат жиҳатдан янгилаш вазифаларига мувофиқ бўлган илмий асосланган, ҳар тарафлама ўйлаб кўрилган қарорлар қабул қилинишига кўмаклашади. Чунончи, дастлабки қарашда соф назарий масала — социализмнинг зиддиятлари ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақидаги масала — ҳозирги куннинг вазифалари билан, ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ экан.

Файласуфларга жамиятимизни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариши лозим бўлган революцион характерга эга кенг миқёсли ўзгаришлар жараёни сифатида қайта қуришнинг хусусиятларини очиш ҳамда ана шулар асосида социализмда миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонунининг

амал қилиши билан боғлиқ бўлган бир қатор қоидаларини аниқлаб олиш имконини берувчи илмий ечимларни амалга оширишларига тўғри келади.

Қайта қуриш — бу чиндан ҳам революцион туб ўзгартиш бўлиб, совет жамияти ҳаётининг барча томонларини: унинг иқтисодиёти, сиёсий структураси, идеология, маданият ва ҳоказоларини қамраб олади, уни бундан олдинги тараққиётнинг бутун жараёни тайёрлади. В. И. Ленин уқтирган эдики, революция учун революцион вазият деб аталувчи конкрет тарихий шарт-шароит зарур бўлиб, улар мана булар билан характерланади: биринчидан, «юқори табақалар»нинг кризиси, бу табақалар эскича бошқара олмай қоладилар, иккинчидан, халқ оммасининг муҳтожлиги ва кулфатлари кескинлашади, учинчидан, мазкур сабабларга кўра омма активлиги анча кучаяди (ТАТ, 26-том, 249—250-бетларга қаралсин).

Ҳозирги кунда мамлакатда революцион вазият элементлари яққол кўзга ташланмоқда. Ана шуни ҳисобга олиб жамиятнинг соғлом кишилари КПСС раҳбарлиги остида қайта қуришни чуқурлаштиришга ҳамда социализмни сифат жиҳатдан янгилашга эришишга қатъий аҳд қилганлар. Бир-бирига қарама-қарши кучлар, тенденцияларнинг кураши ўтказилаётган туб ўзгартишларнинг характерига таъсир кўрсатмоқда. Олға томон умумий ҳужумкор ҳаракат бўлаётган бир пайтда айрим соҳаларда ривожланиш суръатлари сустлашиши мумкин, бу эса батамом қонунийдир. Шу боисдан илгарилардек, социализм шароитида сифат ўзгаришларининг жадаллашуви содир бўлмоқда деб айтиш, чамаси, нотўғри бўлади. Аниқланиши лозим бўлган бошқа жиҳатлар ҳам бор.

Диалектик-материалистик методология асосида янгича тафаккурни шакллантириш масалалари айниқса долзарб бўлиб қолмоқда. Эндиликда диалектика тафаккурга мос шакл бўлиб майдонга чиқмоқдаки, бу шакл турмуш илгари сураётган муаммоларни холисона илмий тадқиқ этишни муайян назарий ва методологик принциплар, яъни кишиларга амалий фаолиятларида йўл кўрсатувчи принциплар даражасига етказади. Бу билан у социал тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиб, ижтимоий амалиёт билан чамбарчас боғланган бўлиб чиқади.

Фалсафий билимнинг совет, жамоат ва хўжалик ташкилотлари фаолиятига реал таъсир кўрсатиши мумкинлигини миллий муносабатлар муаммоларини ишлаб чиқиш мисолида кўрсатиб бериш мумкин.

Совет фалсафий адабиётида ҳанузгача шундай бир андоза мавжудки, унга кўра СССРда миллий муносабатлар учун бир-бири билан боғланган икки тенденция — социалистик миллатлар ва элатларнинг янада гуллаб-яшнаши ва яқинлашуви тенденциялари характерлидир. Бунда иккинчи тенденция устун деб ҳисобланилади.

Кейинги пайтларда матбуотда ана шу икки тенденцияни шубҳа остига олувчи даъволар тобора тез-тез учрамоқда. Айрим олимлар асосли равишда, биринчи тенденция — социалистик миллатларнинг янада гуллаб-яшнаши тенденцияси Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон учун мақбул эмас, чунки регион халқлари социал-иқтисодий ва маънавий ривожланиш даражаси бўйича ўртача иттифоқ кўрсаткичларидан анча орқада қолганлар деб биладилар (масалан, жон бошига гўшт, сут, сариёғ, тухум, балиқ, сабзавот истеъмол қилиш бўйича, нашр этилаётган газета ва журналлар, радиоэшиттиришлар ва телепрограммалар, маданий-маърифий муассасалар, касалхона ўринлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ҳоказоларнинг сони бўйича — 2—3 баравар орқада қолганлар). Шу боисдан улар фақат ўзларининг амалдаги қолоқликларини бартараф этмоқдалар, холос, гуллаб-яшнаш ҳақида эса гапириш ҳали эрта. Бошқа олимлар тилга олинган тенденцияларнинг бирлиги шароитида иккинчиси устун эканлиги ҳақидаги қоидага қўшилмайдилар. Келгусида социалистик миллатлар ва уларнинг маданиятлари қўшилиб кетиши ҳақидаги илгари таомилда бўлган тезисдан келиб чиқувчи бундай ёндашув ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи учун ушбу масала актуал эмас, келажакда нима бўлиши ҳақида эса бирон нарса дейиш қийин.

Ҳозирги кунда миллий муносабатлардаги икки тенденция масаласини қайта мушоҳада этиш жуда ҳам зарур бўлиб қолди. Назаримизда, унинг моҳиятини қуйидагича таърифласа бўлади: СССР барча миллатлари ва элатларининг эркин ривожланиши (биринчи тенденция) ва улар ўртасидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши (иккинчи тенденция).

Бундай ёндашилганда эътибор, биринчидан, территориал жиҳатдан миллатлар ва элатларнинг социал-иқтисодий ва маънавий ривожланиши даражасини бараварлаштириш йўли билан уларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондиришни, иқтисодиёт ва маданиятни юксалтиришни таъминлашга, иккинчидан, уларни жаҳон цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд қилишга ҳамда ана шу негизда улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларни социалистик интернационализм руҳида, ўз Ватанини севиш руҳида тарбиялашга қаратилади.

Фалсафа фанининг бошқа муаммоларини янгича тафаккур руҳида қайта мушоҳада этиш ҳамда уларни ижтимоий тараққиётнинг реал амалиёти билан қўшиш йўлларини топиш даркор. Лекин ўзини ўзи койийвериш йўли билан эмас, жамиятшуносликни қайта қуриш зарурлиги ҳақидаги мавҳум ва чиройли чақириқлар йўли билан эмас, балки илм-фан ютуқларини ва амалиёт эҳтиёжларини умумлаштириш негизида фалсафа билимининг ҳар бир қоидасини кундалик, одатий ва сермашаққат иш жараёнида ижодий тарзда қайта мушоҳада этиш йўли билан амалга оширмоқ керак.

Шу билан бир вақтда оммани мафкуравий тарбиялашда янгиланаётган социализмнинг ғоявий принциплари негизида ижтимоий онгни шакллантиришда фалсафа фанининг дунёқараш ва методологик потенциалидан тўлароқ фойдаланмоқ зарур. Фалсафий-методологик принципларни, яъни ҳаққонийлиги амалиётда текшириб кўрилган принципларни асосий тажовузлардан ва сохталаштиришлардан ҳимоя қилишда ижтимоий фан намояндаларидан ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ принципиаллик ва қатъийлик талаб қилинади.

Кейинги вақтларда илмий ва ижодий зиёлиларнинг муайян қисми орасида ижтимоий муносабатларни, хусусан, иқтисодиёт, илм-фан, адабиёт, санъат ва ҳоказоларни идеологиядан холи қилишга даъватлар кучайди. Бу хилдаги ғоялар мамлакатдаги ғоявий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Жамиятшунослар ижтимоий онгнинг аҳволи учун тўғридан-тўғри масъулдирлар. Шу боисдан улар ушбу масалада четдан туриб кузатувчилар бўлиб қолишлари мумкин эмас.

Холис туриб айтиш мумкинки, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида партиявий-маъмурий юқори қатлам манфаатларини ифодалаб келган эски идеология ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларини қамраб олган эди. Илгариги раҳбариятнинг калтабин сиёсати иқтисодиётни боши берк кўчага олиб кириб қўйди, илм-фан тараққиёти суръатларини сустлаштирди, адабиёт ва санъатнинг аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Худди шунинг учун ҳам бундай идеологиянинг баҳридан ўтишдек табиий туйғу пайдо бўлди.

Лекин ўзимиздан ўзимиз бир сўраб кўрайлик: иқтисодиёт, фан, адабиёт ва санъат идеологиясиз, сиёсатсиз кун кўриши мумкинми? Амалиёт шуни кўрсатиб турибдики, улар диалектик бир-бири билан боғлиқ, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, худди шунингдек уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб ҳам бўлмайди. В. И. Ленин сиёсат билан иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги хусусида бундай деб ёзган эди: «Масалага сиёсий нуқтаи назардан тўғри қаралмаса, мазкур синф ўз ҳукмронлигини сақлаб қололмайди *ва, демак, ўз ишлаб чиқариш вазифасини* ҳам ҳал қила олмайди» (ТАТ, 42-том, 330-бет). Ана шу маънода «сиёсатнинг экономикадан устун бўлмаслиги мумкин эмас. Бундан бошқача муҳокама қилиш — марксизм алифбесини унутиш демакдир» (ў ш а ж о й д а, 328—329-бетлар).

Иқтисодиёт, фан, адабиёт, санъатни ёшини яшаб бўлган мафкуравий андозаларнинг салбий таъсиридан ҳимоя этмоқ лозим ва даркор, аммо идеологиядан батамом холилик ҳақидаги ғояни тарғиб этиш бемаъниликдир. Обрў топмаган сиёсатни анча обрўли сиёсат, жозибали сиёсат билан алмаштириш, йўналишларни қайта белгилаб олиш мумкин. Аммо синфий жамиятда сиёсат ва идеологиясиз иш тутиб бўлмайди, чунки улар ижтимоий тараққиётнинг зарур элементларидир.

Коммунистик идеологиянинг таназзули ҳақида, ижтимоий онгни социал-демократик партияларнинг ғоявий ҳаракат дастурига қаратиш зарурлиги ва ҳоказолар ҳақида гап-сўзлар бўлмоқда. Шу муносабат билан мавжуд воқеликни тўғри ифодалаб, халқ манфаатларига мос бўлиб, кишиларни бунёдкор меҳнатга ва социализмни сифат жиҳатдан янгилашга йўллайдиган илмий идеологияга ва реалистик сиёсатга жамият ҳар қачонгидан кўра кўпроқ муҳтождир. Маркса-

ленинча идеология негизида ижтимоий онгни шакллантиришда олимларнинг масъулияти ҳам қонуний тарзда ошиб бормоқдаки, бу идеология янги аср чегарасида мамлакат ичида ҳам, халқаро майдонда ҳам содир бўлган чуқур социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнларга мувофиқ тарзда ижодий қайта ишланган ва ривожлантирилган бўлиши керак.

Фикрлар хилма-хиллиги шароитида ижтимоий фанларнинг энг муҳим вазифаларидан бири марксизм-ленинизмни омма онгига салбий таъсир кўрсатувчи асоссиз ҳужумлар ва сохталаштиришлардан ҳимоя қилишдир.

Лениннинг назарий меросига баҳо беришда хилма-хил ҳаддан ошишларга йўл қўйилмоқда. Бир хил кишилар марксизм-ленинизм доктринёрлик негизларининг илмий асоссизлиги ҳақида, Лениндан ўрганишга арзирлик нарса йўқлиги ҳақида, чунки у бир вақтлар ёзган нарсаларнинг кўплари ҳозирги шароитда амал қилмаётганлиги, у ва унинг ишлари ўтмишга хослиги ҳақида гапирадилар. Албатта, Лениннинг назарий меросида тарихга мансуб нарсалар ҳам бор, аммо унинг асосий ғоялари ҳозирги кунда ҳам яшамоқда. Бошқалар эса В. И. Ленинни сиёсатда йирик амалиётчи ва назариётчи, аммо илм-фанда, жумладан сиёсий иқтисод ва фалсафада оддий марксист деб тасвирлашга уринмоқдалар. Ҳа, Владимир Ильич ўзини профессионал файласуф деб билган эмас. Аммо у XX асрнинг тубдан ўзгариб кетган шароитида марксизм фалсафасининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди, фақат сиёсий ишлардагина эмас, балки жамият ва табиатнинг ҳаракат қонунларини таҳлил этишда ҳам диалектик методни ҳар тарафлама ишлаб чиқди ва усталик билан татбиқ этди. Табиий, ижтимоий ва техникавий фанларнинг, инсон ҳақидаги илм-фан комплексининг ягоналиги сўнмас формуласи сифатида файласуфлар билан табииётшунослар иттифоқи ҳақидаги ленинча ғоя аввалгидек долзарбдир.

В. И. Ленин ҳайкалларини таҳқирлаш фактлари пайдо бўлди, айрим экстремистлар унинг музейларини ёпишни талаб қилмоқдалар. Бундай ҳолатлар кризисли вазиятлар учун характерлидир. Маълумки, 1905—1907 йиллардаги биринчи рус революцияси мағлубиятга учрагандан кейин бир қанча РСДРП аъзолари ва ижодкор зиёлилар вакиллари марксизмнинг фалсафий асосларига қарши курашни авж олдириб, уларни муваффақиятсизликларнинг асосий сабаби деб билдилар. Ана ўшанда В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» китоби билан чиқиб, унда марксистик фалсафани фақат ҳимоя қилибгина қолмай, балки ривожлантирди ҳам. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш ҳолат содир бўлмоқда. Лекин фарқи шундаки, танқидчилар бир вақтнинг ўзида марксизмнинг учта таркибий қисмининг ҳаммасига: сиёсий иқтисод, фалсафа ва илмий социализмга қарши курашни бошлаб юбордилар. Уларнинг фикрига кўра, айнан марксизм-ленинизм ижтимоий тараққиёт йўлидаги асосий тўсиқ, иқтисодиёт, сиёсий система ва маданиятдаги кризисли вазиятларнинг асосий манбаи бўлиб қолган эмиш.

Ленинизмни Сталин талқин этганидек мангу жонли ва ҳамиша ғолиб таълимот сифатида тасаввур қилишга, ҳозирги даврнинг барча хилма-хил ва зиддиятли жараёнларини фақат В. И. Ленинни далил қилиб изоҳлашга уринишлар ҳам жуда хавфлидир. Ақл-идрок борасида тайёрга айёрлик даражасига етадиган ёки тўғридан-тўғри ана шунга айланадиган жасоратсизлик ҳамиша ленинизмга ёт бўлган.

Агар В. И. Лениннинг ўзи баён қилган ҳамда конкрет социал-сиёсий вазиятга тааллуқли бўлган қоидалар узил-кесил ҳақиқат сифатида ҳозирги ҳаётга ўз-ўзидан татбиқ этилаверса, унинг ўзи буни бемаънилик деб билур эди. Назариётчилар ҳам, сиёсатчилар ҳам воқеалар жараёнини олдиндан барча тафсилотлари билан айтиб беришга, ўнлаб йил олдиндан уни жуда аниқ белгилаб чиқишга қодир эмаслар. Масъулиятсизлик билан башорат қилишга Владимир Ильич конкрет воқеликни таҳлил этишга асосланган илмий прогнозни қарама-қарши қўяр эди. У ҳамиша мафкура борасидаги тарғиботчилар тўқиб чиқарган гапларни эмас, кишиларнинг соғлом фикрини афзал кўрар эди.

Биз ўтмишда Ильич даҳосига бўлган ўз самимий эътиқодимизни суиистеъмол қилиб, унинг ҳар бир сатрини зўр бериб мутлақ ҳақиқатга айлантириб келдик. Бундай шароитда ленинизм аслини олганда «муқаддас китоблар»нинг бир вариантига айланиб қолган эди. Аммо бунда В. И. Лениннинг ўзи асло айбдор эмас.

Ленин ғояларини ақидага айлантиришда Сталиннинг ленинизмни талқин

этиши ва кучли мафкуравий аппарат катта роль ўйнади. Аммо Ленин — ҳамма нарсани ва ҳамиша равшан кўра биладиган ва муттасил ҳақ бўлган худо — инсон эмас. У — меҳнаткаш халқ манфаатларини кўзлаб жамиятни социалистик қайта қуриш ғоясига тамомила берилиб кетган жонли, курашувчи ва азоб-уқубат чекувчи инсондир. Унинг асарларида ҳозирги кунда ҳам ўз актуаллигини йўқотмаган тўғри қоидалар билан бир қаторда анча-мунча эскириб қолган ва ҳатто утопик бўлган ғоялар ҳам борки, улардан аста-секин холи бўлиб олмоқ лозим.

В. И. Ленин мутлақо бошқа даврда яшади ва ижод қилди, бу вақтда большевиклар партиясининг ва Россия меҳнаткашлар оммасининг, шунингдек жаҳон ҳамжамиятининг ҳам диққат марказида бутунлай бошқача вазифалар турар эди. Шу боисдан ҳозирги кундаги баъзи бир муаммоларни кўп йиллар олдин ёзилган Ленин асарларига мурожаат қилган ҳолда ҳал этишга уриниш кам деганда соддадиллик бўлади. Пировард натижада ишнинг муваффақияти бизнинг ўзимизга, марксчиларнинг ҳозирги авлоди ўз олдида турган муаммоларни Ленин меросига, жаҳон ижтимоий тафаккури, илм-фани, маданиятидаги барча прогрессив жиҳатларга таянган ҳолда қай даражада мустақил ҳал қила билишига боғлиқ.

Марксизм-ленинизм классиклари ўзлари яратган илмий системани ҳеч қачон биқиқ, мутлақо ўзгармайдиган, тугал система деб ҳисоблаган эмаслар. Аксинча, улар бу назария — догма эмас, балки ҳаракат учун қўлланмадир деб муттасил таъкидладилар. Ҳар қандай назария каби у ҳам доимо ривожланиб боради. Воқеликнинг ўзи олға томон оғишмай ҳаракат қилишни, етилган вазифаларни ҳал қилишга конкрет тарзда ва усталик билан ёндашишни талаб этади.

Ана шуларнинг ҳаммаси бизнинг зиммамизга марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросига ижодий ёндашиш вазифасини юклайди. Лекин шуни ёдда тутиш муҳимки, ўтган йиллардаги конкрет вазият негизида чиқарилган ҳамда бугунги жараёнларда ишлатиш мумкин бўлмаган айрим хулосалардан кўра кўпроқ диалектик методга асосланган анализнинг методологияси муҳимроқ роль ўйнайди. М. С. Горбачев ВЛКСМ XXI съезди делегатлари билан учрашувдаги нутқида бундай деган эди: «Ленинизмдаги энг қимматли нарса — бу диалектика санъатидир, ўткинчи, революцион даврнинг энг мураккаб хусусиятларини ҳисобга ола билиш, унинг объектив ва субъектив омилларини, ҳаракатлантирувчи кучларини тушуна ва ишлата билишдир. Сизларни Ленин меросининг нодир ғоялар, тажриба бойлигини тушуниб-билиб олишга таклиф этаман».

Коммунистларнинг бир қисми жуда енгиллик билан ғоявий позицияларини топшираётганликларини, бу билан ижтимоий онгга бузғунчи таъсир кўрсатаётганликларини англаш ачинарли ва ташвишлидир. Албатта, демократик жамиятда яшаётган ҳар бир киши ғоявий эътиқодни танлашда эркиндир, у ёки бу ишни ўз билганича қилиши мумкин. Аммо КПСС Ҳаракат дастури негизида пухта турган кўпчилик жамиятшунос коммунистлар учун социалистик йўлдан бошқа йўл йўқ. Бундай истиқболни фаол ҳимоя ва тарғиб қилиш — ижтимоий фанларнинг энг муҳим бурчи, соғлом кучларнинг қайта қуриш вазифалари теварагида жипслашувининг, инсон бахт-саодати йўлида социализмни сифат жиҳатдан янгилашнинг гаровидир.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ

А. ЦАМУТАЛИ, И. ГАЛЕЕВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН аграр-саноат комплексида (АСҚ) қайта қуриш, умуман мамлакатда ҳам бўлганидек, беш йил олдин бошланган эди. Унинг бошланиши позициялари аниқ бўлгани учун амалга ошириш ҳам осон бўладигандек туюлган эди. Ҳақиқатан ҳам, деҳқонларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан ажралиб қолганлиги, уларнинг соҳиблик туйғусидан маҳрум бўлганлиги қишлоқда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда асосий тўсиқ бўлиб қолган экан, айни ана шу сабабни бартараф этиш зарур. Бунга эришиш йўллари ҳам айтилди: мулкка давлатнинг эга бўлишига барҳам бериш, ижарани, пудратни кенг кўламда ривожлантириш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, деҳқон хўжаликларини, кооператив хўжаликларни барпо этиш, қишлоққа шаҳар етказиб бераётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ресурслар нархидаги тафовутларни тугатиш.

Аммо кўрсатилган йўналишлар бўйича ҳаракат суст, ноизчил бормоқда, у ҳозирча бирор сезиларли натижалар бергани йўқ. Агар Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти (қиёслама нархларда) ўн биринчи беш йилликнинг бир йилида ўртача 10,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ўн иккинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида атиги 10,3 миллиард сўмга етди, яъни ғоят оз даражада ўсди.

Гап нимада ўзи, нима учун АСҚдаги қайта қуриш ҳозирча кутилган натижаларни бермаяпти? Бунда ҳам объектив, ҳам субъектив характердаги бир қанча сабаблар бор.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги суғориладиган деҳқончиликнинг интенсивлиги юқори даражадалиги, техниканинг концентрациялангани, индустриал технологиялар, ишлаб чиқариш меҳнат ва фондларни кўп талаб қилиши, шунингдек деҳқончиликнинг асосий зоналарида меҳнат ресурслари анчагина ортиқчалиги билан характерланади. Меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги ушбу зоналарда бир ходимга тўғри келадиган пахта даласининг нагрузкаси 1—1,5 гектардан ошмаслигини шарт қилиб қўяди. Ҳолбуки мавжуд машиналар системаси уни кам деганда 4—5 гектарга етказиш учун имкон беради.

Ишлаб чиқаришни оптимал ташкил этишда Ўзбекистон колхоз ва совхозларидан камида 600—700 минг меҳнатга лаёқатли кишиларни бўшатиб олишга тўғри келади, улардан бошқа тармоқларда фойдаланишга биз ҳозирча тайёр эмасмиз. Бинобарин, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, мустақил ва ички хўжалик ижарасини ривожлантириш, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш муаммоларини ҳал этарканмиз, демографик вазиятни ҳисобга олиш лозим.

Афсуски, турғунлик даври андозалари ва иш методлари шунчалик яшовчанки, ҳануз жойлардаги прогрессив ташаббуслар расмият учун, чуқур ўйланмасдан, конкрет шарт-шароит ҳисобга олинмасдан қўлланилмоқда. Расмий статистикага

ЦАМУТАЛИ Александр Сергеевич, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими Президиуми раисининг ўринбосари, ВАСХНИЛ мухбир-аъзоси; ГАЛЕЕВ Иброҳим Бахтиёрович, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институтининг фан бўйича директор ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.

қараганда, республиканинг кўпчилик хўжаликларида оилавий ижара пудрати, хўжалик ҳисоби жорий этилган, шунингдек колхозлар, деҳқон хўжаликлари, комбинатлар, фирмалар, уюшмалар ташкил этилмоқда. Нима учун хўжалик юритиш шакллари ва меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш борасида кўп иш қилинса-ю ҳеч қандай натижаси бўлмаса? Бизнингча, расмиятчилик, кишилар манфаатларини унутиш ҳамда барча даражадаги АСҚ раҳбарларининг тезроқ рапорт бериш ва хўжалик юритиш янги шаклларини жорий этиш борасидаги ғовқаларда яхши кўриниш учун интилишлари ана шунга сабаб бўлмоқда.

Қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга у ерда хўжалик юритиш ва моддий рағбатлантиришнинг янги шаклларини жорий этишга масъулият билан ҳар томонлама чуқур ўйлаб ёндашиш керак. Бунда ҳар қандай тадбир ҳар томонлама асосланиши, хўжаликларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини, ер тузиш, алмашлаб экишни ташкил этиш, сувдан фойдаланиш, техникани қўлланиш борасидаги зарур ўзгаришларни ҳисобга олиши керак. Хусусан, тажриба шуни кўрсатадики, ижара пахтачиликда хўжалик юритиш шакли сифатида пахта даласининг нагрузкаси 1 ходимга 5—7 гектарни ташкил этувчи кўриқ хўжаликларда мақсадга кўпроқ мувофиқ келар экан. Бу ерда 12—15 ходимдан иборат ижарачи коллектив 80—100 гектар ерга, 1 ҳайдов трактори, 2 чопиқ трактори, 2 пахта териш машинаси ва бошқа техникага эга бўлиши мумкин.

Бунда иқтисодий ўзаро муносабатлар оддийдир. Ижарачи коллектив маҳсулотни харид нархлари бўйича реализация қилади, ер ва техника учун ижара ҳақи тўлайди, моддий ресурсларни (уруғлик, ёқилғи, ўғит ва ҳоказо) колхоз ва совхозлар учун белгиланган нархларда сотиб олади, даромад солиғи тўлайди. Ижарачи коллективда иқтисодий оборот схемаси қуйидагича: ялпи маҳсулот — моддий харажатлар — ялпи даромад. Ер, техника, даромад солиғи учун ижара ҳақи ялпи даромад ҳисобидан тўланади. Ялпи даромаднинг ана шу тўловлардан кейин қоладиган қисми коллектив мулки бўлиб, ундан меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун жамғаришда фойдаланилади.

Афсуски, ижаранинг бундай типини барча пахта далаларининг кўпи билан 20 фоизида, асосан янги ўзлаштирилган ерларда жорий этиш мумкин. Лекин бу ерларда ҳам иш эндигина бошланяпти. Энг кўп самара берадиган шаклларни излаш бормоқда. Чунончи, Сирдарё область Мирзачўл районининг Сегизбоев номли совхози 1986 йили бригада хўжалик ҳисобини жорий этди, сўнгра пудратга ўтди, 1989 йилдан бошлаб эса барча деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлар бўлинмалари кооператив негизда ишлай бошлади. Жами 17 та, шу жумладан пахтачиликда 12 та кооператив ташкил этилди. Ҳар бир кооператив ичида асосан оилавий негизда ижарачи бўлинмалар тузилди, уларга шартнома асосида барча асосий ишлаб чиқариш воситалари 5 йилга берилди. Уларга ишлаб чиқариш топшириқларини ўз-ўзини қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари асосида бажаришда етарлича мустақиллик берилди. Бунда иқтисодий ўзаро муносабатлар давлат билан хўжалик ўртасидагидек, яъни товар-пул муносабатлари асосига қурилган.

Ижарага ўтиш хўжаликка маъмурий-бошқарув аппаратини 97 кишидан 36 кишига камайтириш имконини берди. Қайта экишга тўғри келганига қарамай, бу ерда пахта ҳосилдорлиги 1989 йили гектарига 30 центнерни ташкил этди, ҳосилнинг 94 фоизи машиналарда териб олинди. Совхозда меҳнат унумдорлиги ҳам юксак — ўша йили бир ходим ҳисобига 8,6 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳосил қилинди, бу эса республикадаги ўртача даражадан икки ҳисса кўпдир. Ҳар бир ходимнинг ойлик маоши 400 сўмдан ошди, социал муаммолар муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз ҳам хўжаликни янгича юритишга ёрқин мисолдир. Бу ерда хўжалик ичидаги кооперативларга ижара пудрати шартлари асосида деҳқончилик ва чорвачилик бериб қўйилган. Асосий ишлаб чиқариш билан бир қаторда ёрдамчи корхоналар, аҳолига хизмат кўрсатувчи кооперативлар ҳам ана шу принципларда ишламоқда. Меҳнатга ҳақ тўлашни унинг пировард натижалари билан қатъиян боғлаш ҳар бир кишининг моддий манфаатдорлигини кучайтирди, кадрлар муаммосини ҳал этиш, айрим ишлаб чиқаришларни конкурс асосида ташкил этиш имконини берди.

Натижада колхознинг соф даромади 1,5 миллион сўмга етди. Кишилар хўжалик ишлари ҳақида астойдил қайғурадилар, уларнинг ижтимоий фаоллиги ҳам ошди. Хўжалик ичидаги кооперативлар орқали колхоз агрофирмага айланиб бормоқда.

Келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, юқори меҳнат нагрузкалари бўлган зоналарда ишлаб чиқаришда ижобий натижаларга анча тезроқ эришиш ва кишиларнинг турмуш даражасини ошириш имконини берадиган ижарани жорий этиш учун барча шароитлар мавжуд. Шу сабабли яқин орада илғор хўжаликлар ва илмий муассасаларнинг кучи билан унинг ғоят самарадор шаклларини ишлаб чиқиш зарур. Бу нарса меҳнат ресурслари ортиқча бўлган районлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Бир қанча назариётчи ва амалиётчилар уларда ижарани қўлланиш учун зарур шарт-шароит мавжуд эмас деб ҳисоблайдилар. Тўғри, 1 ходимга 1—1,5 гектардан экинзор тўғри келадиган шароитда ижарачи коллективлар, шу жумладан оилавий коллективлар тузиш чиндан ҳам қийин. Шу билан бирга Хоразм области бир қатор колхоз ва совхозларининг тўрт йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатдики, ер кам бўлган районларда ҳам ижара муносабатлари ёрдамида колхозчилар ва совхоз ишчиларида меҳнатнинг пировард натижаларидан манфаатдорликни ошириш, уларда ерга нисбатан соҳиблик туйғусини тиклаш, уларни ишлаб чиқариш воситалари ва олинган маҳсулотнинг миришкор эгаларига айлантириш мумкин.

Тилга олинган областда оилавий ижарани барпо этишга дадил киришдилар. Одатда оилаларга 1—2—3 гектардан пахта даласи бириктиб қўйилади. Айни улар кичик ижарачи бўлинмаларда айниқса йиғим-терим ишларида, суғоришда, коллектор тармоғини тозалаш ва ҳоказо ишларда техникадан фойдаланишда қийинчиликлар бўлиши турган гап деган фикрни рад этмоқдалар. Буни, мисол учун, Янгиариқ районининг «Коммунизм» колхозида ижарачиларнинг 1988—1989 йиллардаги иши хусусидаги маълумотлар тасдиқламоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ижарачининг фамилияси	Пахта даласининг миқдори, гектар	Меҳнатга лаёқатли кишилар миқдори	Пахта ҳосилдорлиги ҳар гектарига, центнер ҳисобида	Меҳнатга ҳақ тўлаш, 1 гектарга, сўм ҳисобида	Терим ишларини механизациялаш даражаси, фоиз
Матмуродов У.					
1988	3	2	36,7	1145	34
1989	3	1	38,4	1508	52
Авезова Р.					
1988	3	2	37,6	1056	62
1989	3	2	36,7	1233	67
Отажонов Т.					
1988	3	2	34,4	851	10
1989	3	2	43,2	1792	57
Ибодуллаев А.					
1988	2	1	37,3	113,4	68
1989	2	1	37,0	1171	82
Сапоев Р.					
1988	3	2	47,5	1135	62
1989	3	1	41,5	1641	67

«Коммунизм» колхозида 90 дан ортиқ ижарачи оилавий коллективлар иши таҳлил қилинди. Нокулай шароитларга қарамай уларнинг кўпчилигида 1989 йилда 1988 йилга қиёслаганда пахта ҳосилдорлиги, терим ишларини механизациялаш даражаси, 1 гектар пахта даласига ҳисоблаганда меҳнатга ҳақ тўлаш ошди. Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва «Правда» колхозлари, Хоразм области бошқа хўжаликларининг оилавий ижарачи коллективларида ана шундай манзарани кўриш мумкин.

Янгиариқ районидаги Аваз Ўтар номли колхозда Р. Қутлимуродов ва Н. Мадраҳимов бригадаларининг 1984—1986 йиллардаги (оилавий ижара жорий этилгунча) ва бригадаларда оилавий бўлинмалар жорий этилган 1987—1989 йиллардаги иши умумлаштирилди (2-жадвал).

2-жадвал

	Пахта даласи, гектар	Меҳнатга лаёқатлилар миқдори	Пахта ҳосилдорлиги, гектарига центнер	1 гектар пахтага меҳнат сарфи, киши-соат	1 гектар пахтага кетган меҳнатга ҳақ тўлаш, сўм	Пахтанинг ялпи терими, тонна	Машинада терилган пахта, фоиз	Оилавий ижарачи коллективлар миқдори
				Р. Кутлимуродов бригадаси				
1984—1986 йилларда ўртачаси	78	43	36	1143	729	282	34,2	—
1987 йил	85	32	31,9	803	600	271	37,5	17
1988 йил	86	34	37,7	944	1265	324	44,9	22
1989 йил	80	37	40,4	987	1109	323	54,5	27
				Н. Мадраҳимов бригадаси				
1984—1986 йилларда ўртачаси	77	38	36,5	1048	814	281	46,4	—
1988 йил	86	32	40,3	994	1322	346	45	24
1989 йил	93	36	39,4	926	1219	327	57	27

2-жадвалда келтирилган маълумотлар оилавий ижара жорий этилгач тилга олинган бригадаларда 1 гектар ҳисобида пахта ҳосилдорлиги, меҳнат унумдорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш анча ошганлигидан далолат беради. Ижарачиларнинг ҳатто кичик миқдордаги пахта майдонларида меҳнатталаб жараёнларни ҳар томонлама механизациялашдан манфаатдорлиги кўриниб турибди, бу ҳол 1 гектар экинзордаги меҳнат сарфларини камайтириш имконини беради.

Буларнинг ҳаммасидан пахта экиладиган эски зонада майда оилавий коллективларни ташкил этиш натижасида гўё меҳнатталаб ишларни интенсивлаш ва механизациялаш барбод бўлади деган фикр асоссиз деган хулосага келиш мумкин. Бунга шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, оилавий ижара бўлинмаларининг ишини текширганимизда улар ҳамма жойда техникани, айниқса терим техникасини кенг қўллаш керак деб талаб қилишди.

1—3 гектар ғўзага ишлов берувчи кичик коллективлар фақат ернигина ижарага ола олишлари равшан. Улар учун замонавий техникани ижарага олиш фойдали эмас, фермер хўжаликлари учун кўзда тутилганидек, махсус кичик механизмларни яратиш эса мақсадга мувофиқ эмас. Амалиёт шуни кўрсатдики, бригадаларда тўпланган мавжуд ҳайдов, чопиқ тракторлари, терим техникасидан оилавий ижара бўлинмаларида юқори самарадорлик билан фойдаланиш мумкин. Зеро, бригаданинг ер тузилиши ўзгаришсиз қолаверади, деҳқонлар эса унинг ичида 1—2—3 гектар ерни ижарага оладилар. Техника жамланган бригадалар ижарачиларга нисбатан машина-трактор паркининг ўзига хос бир шаклидир. Бунда бир қатор ижобий жиҳатлар кўзга ташланади. Белгиланган расценкалар бўйича механизациялашган ишларга ҳақ тўларкан, ижарачи ортиқча операцияларга йўл қўймайди, трактор иши ва ҳосилни механизмлар ёрдамида териб олиш сифати устидан қатъий назорат қилиб боради.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган районларда кичик майдонларда олиб борилувчи оилавий ижара хўжалик юритишнинг асосий шакли бўлиб қолиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Албатта, ўзига хос шарт-шароит туфайли ижара муносабатлари бу ерда бригада хўжалик ҳисобининг, ер тузиш ва суғоришнинг бригадага хос ташкил этилишининг баъзи бир хусусиятларига эга бўлади (барча техниканинг бригадада тўпланиши, трактор ишига ҳақ тўлаш, бригадага хос сувдан фойдаланиш ва алмашлаб экишга риоя қилиш кўзда тутилмоқда). Лекин шундай бўлсада, деҳқонларнинг ер ва етиштирилаётган ҳосилнинг соҳибига айланишига, техника тараққиётини рағбатлантиришга ва натижада — маҳсулот етиштиришни юксалтиришга, унинг самарадорлигини, деҳқонларнинг моддий фаровонлиги даражасини оширишга эришилади.

Лекин оилавий ижарани жорий этиш бир қатор мураккаблик мавжудлигини ҳам очиб ташлади. Суғоришларни янада аниқ-пухта планлаштириш лозим, киш-

лоқ хўжалик ишларини бажаришда, ирригация тармоғини тозалашда, каналлар четидаги ёввойи ўтларга қарши курашда қийинчиликлар туғилмоқда, пахта териш машиналари, кўрак чувиш машиналарига навбат кутиш юзага келмоқда. Лекин буларнинг ҳаммасини ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш орқали бартараф этиш мумкин. Умуман олганда ижаранинг ижобий жиҳатлари унинг нуқсонларига қараганда кўпдир. Ижарачи деҳқонлар уларга бириктилган ер мулк сифатида берилганига ишондилар. Улар ўзларини соҳиб деб ҳис қилдилар, энди улар одатда соатга қараб, бошлиқларнинг кўрсатмалари асосида эмас, балки мустақил, ижодий, фидокорона ишламоқдалар.

Агар ижарачилар билан хўжалик ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб такомиллаштирилса, ижарага муносабат янада яхшироқ бўлиб қолади. Хўжаликнинг ҳисоб-китоб нархларидан фойдаланиш амалиёт кўрсатганидек, ўзбошимчаликдан, колхоз ёки совхоз раҳбариятининг уларни пасайтиришга интилишидан халос этмайди. Бундан ташқари, хўжалик ҳисобидаги бригадаларда мавжуд бўлган иш ҳақи фондини ҳосил этиш принципидан фойдаланиш ижарачилар ташаббусини бўғиб қўяди. Ижарачилар билан хўжаликларнинг ўзаро ҳисоб-китобларида қуйидаги принциплардан келиб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

— давлат харид нархларидан фойдаланиш;

— ижарачиларга трактор ишлари, ҳосилни механизмлар ёрдамида териб олиш учун ҳақ тўлашни уларга хўжаликнинг кейинги уч йил ичидаги сарфлари ўртача миқдоридан келиб чиқиб белгилаш;

— ўғит, заҳарли химикат ва бошқа материалларни ижарачиларга хўжаликнинг қўшимча чиқимларини ҳисобга олган ҳолда давлат нархларида сотиш;

— ижарачи моддий чиқимларни ялпи маҳсулот қийматидан қоплайди;

— ялпи даромаднинг қолгани ер учун ижара ҳақи тўлаш, ички хўжалик жамғариши ва ижарачилар меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланади.

Ижара ҳақи 1 гектар ғўза ҳисобида даромад солиғи ва суғурта тўлови суммасининг хўжалик бўйича ўртача миқдори кўринишида белгиланади. Бундай ҳақ тўлаш маълум даражада шартли характерга эга. Лекин ерни кадастр бўйича баҳолаш ўтказилиб, гектар бўйича ижара ҳақи белгилангунча ундан ижара чоғидаги ўзаро ҳисоб-китобларда бемалол фойдаланиш мумкин, зеро у ҳозиргача колхоз ва совхозлардан даромад солиғи ва суғурта тўловлари орқали давлатга кетаётган суммаларнинг бюджетга келиб тушишини таъминлайди.

Хўжаликлар жамғармасининг марказлаштирилган фондга чегирилиши ҳам кейинги уч йил ичида 1 гектар ҳисобидаги амалдаги жамғариш фондидан келиб чиқиб белгиланади. Бунинг устига ижара ҳақи ва умумхўжалик фондига чегирмалар ҳосилдорликка боғлиқ ҳолда табақалаштирилади. Пахтанинг уч йил ичидаги ўртача ҳосилдорлигига ўртача ижара тўловлари ҳамда жамғариш фондига ўртача чегирмалар мувофиқ келади. Ҳосилдорлик кўпайиши ёки пасайишининг ҳар бир фоизи хўжалик бўйича ўртача ижара тўловлари ва жамғариш фондига чегирмалар ўртача 0,25 фоиз ортиши ёки камайишига олиб келади.

Ишончимиз комилки, таклифларимизнинг рўёбга чиқарилиши республикамиз агросаноат комплексида ижара муносабатларини қарор топтиришга, бинобарин, деҳқон даромадларини оширишга ва улар учун муносиб шарт-шароит яратишга ёрдам беради.

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Журналхонларимизнинг фикрлари, таклифлари, мулоҳазалари

ҲОКИМИЯТ ВА ҚОНУНЛАР

ХОЗИР ХАММАНИНГ дилида саволлар туғён уради. Одамлар митинг, сессия, съездларда уларга қийналиб жавоб ахтармоқдалар. Мана, кундалик саволлардан бири: «Ҳақиқий Конституция куни қачон келади?». 70 йиллик қисқа даврда қанчалаб турли хил саналар нишонланди. Инқилоб туфайли янгидан туғилган, яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги, социал адолат, меҳр-мурувват ҳамда ахлоқ ва маънавиятга доир бошқа тушунчалар хусусидаги янгича тасаввурларимизни юзага келтирган дастлабки Конституцияни эслайдиганлар борми? У ўн икки йил амал қилди. Биринчи бўлиб социализм қурган давлатнинг конституцияси кейинги қирқ йилдан кўп давр мобайнида одамларнинг ақл-заковатига ҳукмронлик қилиб келди. Кейинчалик бу социализм «казарма социализми» деб таърифланди. Сўнг бошқача социализм — аввалига «ривожланган», кейинчалик «турғунлик давридаги» социализм конституцияси бунёдга келди. Эндиликда янги, афтидан, инсонпарвар демократик социализм, ёки плюралистик ёхуд яна бирон-бир бошқача номли социализм конституцияси тайёрланмоқда. Шундай бўляптики, биз ўз ҳаракатимиз йўлларини танлашда ҳеч қачон тўхтамайдиган кўринамиз — ҳар гал янги концепциялар, янги тафаккур, янги қадриятлар пайдо бўлмоқда.

Бундай ҳолларда давлат ҳокимиятининг давомийлиги қандай амалга оширилиши кераклигини, рўёбга чиқарилиши учун одамлар ўлимдан ҳам қайтмаган юксак идеаллар қай тариқа авлоддан-авлодга ўтишини билиб қўйган яхши. Ўзгарувчанлигимизга ҳамиша қулай изоҳлар ва кўринишдан объектив бўлган сабаблар ҳам топилади. Шу туфайли савол мана бундай қўйилиши ҳам мумкин: «Конституциянинг ўзи нима? Ўз Асосий Қонунимизга нечук шунчалик беэътибормиз?». Зеро, конституция давлат тузилиши, унинг ҳаёти ҳамда бутун миллат ва, қолаверса, ҳар бир алоҳида шахс ҳаётининг қасамёд орқали бутун дунёга эълон қилинган принципларидир. Ҳақиқий принциплар сифатида улар мустаҳкам ва етарлича боқий бўлиши керак.

Одатда бир конституция бекор қилиниб, ўрнига бошқаси қабул қилиниши давлат тўнтариши билан, тузум ағдарилиши, мафкуравий ва маънавий устун йўналишлар ўзгаргани сайин давлат тузилиши ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Бизда-чи? 1918 йилги РСФСР Конституцияси ва 1924 йилги ССР Иттифоқи Конституцияси ўз кучини саклаб қолган, кейинчалик уларга киритилган барча ўзгартишлар эса тузатишгина бўлган, дейишимиз керак эмасмикан? Ҳар қалай, бунда бизнинг изчиллигимиз, демократиклигимиз ва ҳуқуқий давлат принципларига содиқлигимиз намоён бўлади.

Равшанки, конституция узил-кесил кўринишда бўла олмайди, чунки, чиндан ҳам, замонлар ўзгараверади, ҳаёт давом этаверади ва баъзи қоидаларга тузатиш киритиш зарурияти пайдо бўлади. Масалан, СССР Конституциясининг 6-, 10- ва бошқа моддаларини тузатиш ва қўшимчалар киритиш унинг жамиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштиришга бўлган умумий йўналтирилганлигини ўзгартирмайди. Лекин турмушимиз негизини, ижтимоий тузумимиз маъносини ташкил этадиган жиҳатлар сақлаб қолиниши ва ҳар томонлама авайланиши керак. Акс ҳолда қонун ҳақида гўёки уни исталган томонга бурса бўлаверади, деган бемаъни

фикр ҳукмрон бўлиб қолиши мумкин. Тарихимизда бундай фикрга асос бўлган ва у ҳаққоний аксини топган (бу ҳақда юқорида бир неча конституция мисолида гапирилди).

Шу билан бирга конституция шундай бир амалий ҳужжат бўлиши керакки, унга ҳаётнинг истисносиз барча ҳолларида асосланиш мумкин бўлсин. Шу боис Асосий Қонундан жамиятни эркин ва демократик ривожлантиришга халақит берадиган қоидалар олиб ташланилиши лозим.

Конституцияда ҳозирча умумий жумлалар билангина ифодаланган демократиянинг моҳияти аввало Советлар системасини ташкил этадиган органларда мавжуд бўлиши керак. Бироқ Советларнинг даражаси юқорилаб бориши уларни бўйсунув босқичларига бўлинадиган қилиб қўяди: қишлоқ Советлари район Советларига, районники — областникига ва ҳоказо — токи Олий Советгача — бўйсунади ва бутун ана шу эҳромни бир одам якунлайди. Тўғри, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги Қонун қабул қилингач, уларга кўпроқ мустақиллик берилди, шундай бўлса-да... Ўйлаймизки, «совет» тушунчасининг азалий маъносига энг қуйи даражадагина риоя қилинади, худди шу ерда ҳокимият тузилиши ва амал қилишининг ҳақиқий демократик принциплари мавжуд. Айни қишлоқ йиғинлари ва уларнинг Советлари халқ номидан иш кўрадиган органлар сифатида эмас, балки кенг халқ йиғилишлари сифатида иш кўради. Қишлоқ йиғини маҳаллий ҳокимият органларида ишлаш учун ўз вакилларини танлайди. Районда ишлайдиганларини ҳам танлайди, лекин энди бошқа кишиларни. Областга ҳам, республикага ҳам яна бошқаларини танлайди. Айтайлик, қишлоқда икки чўпон ёки сут соғувчи яшайди ва ишлайди, иккаласи депутат, аммо бири — Олий Советнинг, бошқаси — маҳаллий Советнинг депутати. Уларнинг мақоми ўртасида улкан масофа бор. Уларнинг муҳим вазифаларимизни тушуниш даражалари бошқа-бошқа эмиш. Халқ вакилларининг ўзлари ҳам ўйлаганларидек, юқори идораларда ўз, «жонажон» коллективлари учун айрим имтиёзларни «ундира олиш» депутатлик фаолиятидаги энг керакли жиҳатдир. Худди шунда депутатнинг даражаси муҳим аҳамиятга эга. Депутатларга наказлар бериш амалиёти худди шуни рағбатлантиради. Улар ўзларининг депутат сифатида ҳар эшикка кириб чиқишларидан фойдаланиб, жузъий масалаларни шахсий тартибда ҳал қиладилар. Бизда бундай масалаларни давлат даражасида, қонуний тартибда ҳал қилишга одатланилмаган.

Ҳокимият шаклланишининг бошланғич босқичида негизи яратилган тенгсизлик маҳаллий Советлар фаолиятининг самарадорлигига таъсир этмай қолмади. Совет ҳокимияти нимадан бошланишини чуқур ўйлаб кўрилса, у жуда оддий ижтимоий тузилмалардан бошланишини тушуниш мумкин. Ушбу тузилмалар ҳар қайсисининг куртаги шаҳар ёки қишлоқ жамоасидан иборат бўлиб, бунда одамлар манфаатлари бир-бирига тўғри келишини бир жойда яшаш ва шу билан боғлиқ ҳуқуқларни таъминлаш зарурлиги шартлайди. Бундай жамоани энг обрўли вакиллар кенгаши йўналтириб ва уюштириб боради. Ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг ана шундай тарихан таркиб топган шаклини ўзгартиришнинг, бирон-бир қўшимча киритишнинг ҳожати йўқ — бу Совет ҳокимиятининг тайёр ячейкасидир. Қишлоқ жойларида халқ депутатларининг қишлоқ Совети, шаҳарларда эса квартал Советлари шундай ячейка бўлиши керак.

Ҳозирги вақтда шаҳар аҳолиси мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ташкил этмоқда, аҳолининг шаҳар фойдасига қайта тақсимланиши давом этмоқда ва ҳатто тезлашмоқда. Халқ депутатлари район Совети шаҳардаги бошланғич маъмурий бирликдир. Шаҳар районларининг кўпчилигида ўн минглаб, йирик шаҳарларда — юз минглаб одам яшамоқда. Шаҳарлардаги қуйи ҳокимият органларининг шунча кўп одамни қамрашга қурби етмайди, оқибатда улар халқдан ажралиб қолади. Район микёсидаги бирон-бир амалдорнинг қабулига кириш учун одамлар олдиндан навбатга ёзилиб, бир неча кунлаб қабулни кутишларига тўғри келади. Ҳокимият даражаларини янада майдароқ қилиб бўлиш жорий қилинадиган пайт келган кўринади. Баъзи ижтимоий ҳаракатларнинг амалиётида (бу ўтган сайлов кампаниялари даврида айниқса яққол намоён бўлди) битта микрорайон доирасида турли хил норасмий уюшмалар тузилган эди. Бироқ, микрорайон каби янги тузилма ҳам анча каттадир. Масалан, ўсмирлар ва уй-жой-коммунал хўжалиги бошқармалари шаҳарларнинг квартал-квартал қурилиши афзаллик-

ларини ниҳоятда тез тушуниб олдилар. Уй бошқармалари ва ўсмир норасмийлар ўзлари ташкил қилинадиган территориялардаги аҳолини тўла қамрайдилар. Халқ депутатлари квартал Советлари пайдо бўлиши ва амал қилиши аслида битта нарсани — ҳокимиятнинг халққа, алоҳида ҳар бир кишига яқинлашишини англатади.

Жойлардаги бутун ҳокимият — ер, сув, жамоат тураржой фонди, маиший коммуникациялар, ижтимоий, маданий-маиший объектларни тасарруф этиш қабилар қишлоқ Советлари ва квартал Советлари ихтиёрида бўлиши лозим. Шу нарса табиий ва мантиқан тўғрики, маҳаллий Советлар ўз территорияларида саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини жойлаштириш, ташкилотлар ва айрим кишиларга ижарага ер бериш, солиқ солиш ва барча хил социал таъминот, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш, бутун инфраструктура масалаларини ҳал этишлари керак.

Маҳаллий Советлар депутатлари тахминан йилига икки марта — баҳорда ва кузда ўз район съездларига тўпланиб, унда истиқболдаги ва хўжаликлараро вазифаларни ҳал этадилар. Бундай съездларга мазкур райондаги корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат коллективлари, жамоат уюшмалари ўз вакилларини юборади. Бунда маҳаллий Советларнинг ишини мувофиқлаштириб бориш учун район ижроия комитетининг аппарати тайинланади, унинг ушбу Советлар билан қандай муносабатда бўлиши ва назорат қилиш системаси белгиланади.

Советларнинг қуйи бўғини йўли билан маҳаллий ва район маъмуриятигина эмас, балки бутун район бюджети ҳам шакллантириб борилади. Бутун мамлакат учун қатъий белгиланган корхоналар ва аҳоли молиявий ажратмаларининг муайян қисми область бюджетига ўтказилади, у ердан худди шундай йўл билан марказий бюджет органларига берилади. Қолган маблағлар маҳаллий бюджетни ташкил этади ва Советлар ўз имкониятларига қараб собитқадам ва унумли хўжалик юритишлари мумкин бўлади. Бундай схема маблағ билан таъминлашнинг тартибинигина эмас, балки маъносини ҳам ўзгартиради (юқоридан қуйига эмас, балки қуйидан юқорига). Кучли, моддий жиҳатдан мустақил маҳаллий ҳокимият органи пайдо бўлиб, у марказий ҳокимиятни мустаҳкамлайди ва қўллаб-қувватлайди. Шундагина территориал ўз-ўзини бошқариш, ўзини ўзи таъминлаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш мумкин бўлади.

Советларнинг роли ошиши ижроия комитетларининг ишини анча яхшилашни тақозо этади. Ижроия комитетидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга унинг раиси тавсия этган, зарурий билим ва тажрибаси бўлган ҳамда съезд томонидан тасдиқланадиган кишилар тайинланади, съезд шунингдек раиснинг ўзини депутатлар орасидан сайлайди. Ҳар қандай ижроия органида сайлаб қўйиладиган лавозимнинг муддатга оид кафолатлари ва чекланишлари бўлмаслиги керак ва уни депутат эгаллай олмайди. Съездда ҳисоботларнинг ҳар бир бўлимини муҳокама қилиш натижаларига қараб сайлаб қўйиладиган масъул кишининг ваколатларини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги масала алоҳида кўрилади.

Корхоналарнинг хўжалик раҳбарларини меҳнат коллективлари сайлаши сабабли Советларнинг составига уларнинг номзоди кўрсатилмаслиги керак. Бунда ҳеч қандай истисно бўлиши мумкин эмас: бир марта муайян муддатга сайландингми, ушбу давр мобайнида бошқа сайлаб қўйиладиган органга сайланишга ўз номзодингни қўя олмайсан. Дарвоқе, олий даражаларда бундай қоида ҳозирдаёқ белгилаб қўйилди: Иттифоқ министрлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари СССР халқ депутатлари этиб сайлана олмайдилар. Ваҳоланки, область ёки район миқёсида катта корхона раҳбари ҳам ўзига хос министрдек, шундай бўлса-да, бундайлар депутатлар орасида анчагинадир. Хўжалик соҳасидаги ҳар қандай раҳбар, моддий имкониятлари бўла туриб ва соҳасининг кучли мададига таяниб, Советнинг қарорини ўзига керакли томонга буриб юбориш учун етарлича яққол далил-исбот топа олади. Шу боис жамиятимиздаги бошлиқлар составининг Советларда иштирок этишини чеклайдиган қоида кечиктирмай ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим.

Бу шунинг учун ҳам зарурки, хўжалик раҳбарлари одатда ўзларининг бевосита вазифалари юки остида қолган бўладилар, кўпчилик корхоналарда эса турли-туман — иқтисодий, экологик, ижтимоий масалалар йиллар давомида тўпланади-ю, ҳал қилинмай қолаверади. Уларнинг ҳаммаси биринчи раҳбарларнинг

бевосита иштирокини тақозо этади. Бундай депутат раҳбарнинг қандай нафи тегади? Ишонч билан айтиш мумкинки, у на ўзининг иш жойида, на депутатлик бобида наф келтира олади.

Бундан ташқари, мен шундай фикрдаманки, бизнинг сайлов системамиз ҳаддан ортиқ демократикдир. Янглишаётганим йўқ: бунда ортиқча демократизм фақат зарар келтиради. Бошқача қилиб айтганда, шу туфайли биз шундай депутат сут соғувчиларни, депутат тўқувчилар ва ҳоказоларни жуда кўпайтириб юбордикки, улар депутатлик вазифаларига конкрет иш жойи нуқтаи назаридангина қарайдилар. Шу сабабли, назаримда, сайлов цензи тўғрисида масалани қўйиш ўринли бўлади. Маълумоти етишмаслиги билан боғлиқ чеклашлар киритилиши халқ маорифи муаммосига бизнинг муносабатимизни қандайдир даражада бўлсада ифода этади. Советларда «итоатгўй кўпчилик»ни ташкил этадиган чаласавод депутатлардан наф борми ўзи? Баъзида овоз беришдаги уларнинг якдилликларини кўрсангиз эди! Жамиятимизда шу қадар кўп иллатли муаммолар тўпланиб қолганлигининг боиси бир пайтлар ҳокимият тепасига «далада ва дастгоҳда» ишлаганлар келиб қолганлигида эмасмикан? Эндиликда эса, сайлов системаси тўғрисидаги қонуннинг айрим қоидалари талқини кенгайтирилиши туфайли студент депутатлар, пенсионер депутатлар ва яқин келажакда ҳатто, агар шундай давом этаверса, фаҳшни касб қилиб олган аёлларнинг намояндалари бўлмиш депутатлар ҳам пайдо бўлиши эҳтимолдан холи бўлмай қоляпти. Ҳақиқий фикрлар хилма-хиллиги пайдо бўлишини ўшанда кўринг!

Барча даражалардаги Советларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги масала ҳам бўш ишлаб чиқилган эди. Бунда давлат ҳокимияти системасида Советлар қандай ўрин тутиши ва роль ўйнамоғи кераклигини тушунишимиздаги нуқсонлар айниқса яққол намоён бўлди. Эндиликда қуйи Советларнинг тўла ҳокимиятлилигини тиклаш уларнинг мустақиллигини тиклашни ҳамда масалаларни улар ўрнига бошқа ҳеч ким ҳал этмаслигини тўла тушуниб олишни назарда тутади. Маълумки, ҳар бир Совет яхлит олий ҳокимиятнинг бир бўлаги бўладиган Советлар территориясида уларнинг барча бўғинлари тўла ҳокимиятли бўлиши ғояси социалистик давлатчиликнинг негизи бўлган эди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги Қонун қабул қилинган ҳозирги вақтда ушбу принцип ҳамма жойда тикланиши керак.

Қайта қуриш — чиройли шиор эмас, балки аввало ўз ишининг ҳақиқий хўжайини ўз диёрида амалга ошираётган ҳаракатлар эканлигини тушуниб оладиган пайт келди.

Одамларда соҳиблик туйғусини уйғотиш зарурлигини такрор-такрор гапирар эканмиз, шуни мутлақо унутиб қўймоқдамизки, аввало ушбу ҳуқуқни амалга ошириш доирасини белгилаб олишимиз лозим. Масалан, бурятларнинг ўз турмуш масалаларини Наръян-Мар ёки Уфа туб ерли аҳолисидан мутлақо бошқача ҳал этаётганликларидан ҳеч ким ҳеч қачон аччиқланмаслиги керак. Улар ҳар хил одамлардир, лекин уларнинг ҳокимиятлари бир — бу Совет ҳокимияти, у бир нарсанигина — озод халқ ҳокимияти деган маънони англатиши мумкин. Барча Советлар битта сиёсий йўлни амалга оширади, тактикавий усуллар эса ғоят хилма-хил бўлиши мумкин. Бироқ, масала ҳокимиятни амалга оширишнинг аниқ чораларига бориб етиши биланоқ унинг ҳуқуқий доирасига оид саволлар пайдо бўлади. Муаммонинг мураккаблиги кўриниб турибди. Бунда аввало шуни эътироф этиш кераккки, ҳар қандай ҳокимият ҳуқуқларга асосланади ва унинг амалга оширилиши асли ушбу ҳуқуқларнинг рўёбга чиқарилишини англатади. Бинобарин, ҳар бир Совет ҳокимият органи сифатида ҳаракат қилиш учун ўз ҳуқуқлари доирасини билиши ва унинг территориясида яшаётганлар ва меҳнат қилаётганларга тегишли талаблар қўйиши керак. Бундай қилиш эса тобора қийинлашмоқда.

Сир эмаски, кейинги йилларда аҳолининг кўчиш жараёнлари анча кучайди ва республикалар миллий хусусиятларининг йўқолиб бориши умумий тенденцияси бир хил қонунлар, урф-одат ва анъаналарни жорий этишга интилишда тобора аниқ намоён бўлмоқда. Баъзи одамлар бахт қушини излаб, пулга тузоқ қўйиш қўйида улкан мамлакатнинг бу бошидан у бошига боряптилар. Улар вақтинчаликка келадилар, қурилиш битди дегунча қайтиб кетадилар. Бугун бу ерда, эртага у ердалар. Бундай кишилар ҳеч қачон бир ерда қўниб қолмайдилар, мабодо қолсалар ҳам, маҳаллий анъаналарга, урф-одат ва тилга менсимайроқ қарайди-

лар. Муваққат кишининг «Мендан кейин ҳаммаёқни сув олиб кетса ҳам майли» қабилидаги психологияси ана шундандир. Ҳаётдан, табиатдан, ер бағридан ҳадеб олавериш истаги, ҳаммани ўз домига тортган ана шундай интилиш ҳам шундандир. Шу нуктаи назардан қараганда, ўтроқликни, шу жумладан, эҳтимол, ҳуқуқий изга солишлар орқали рағбатлантириш даркордир.

Ҳозир янги иттифоқ шартномаси ҳақида кўп гапирилмоқда. Ҳар бир республика Иттифоққа кираётганида ўз суверен ҳуқуқларини сақлаб қолгани сабабли шундай бир ҳақиқатни тушуниб олиш керакки, буни биринчи навбатда яшаш муҳити ва ҳаётий зарур воситалар учун, халқ тақдири учун масъулиятни сақлаб қолиш деб билмоқ лозим. Масалан, Ўрта Осиё республикалари конституцияларига ана шундай тузатишлар киритилган бўлганида эди, Орол денгизи экологик фалокатга дучор бўлмаган бўлур эди. Ўз диёримизга, ўз ресурсларимизга масъулиятсиз карашимиз қимматга тушмоқда. Волгани заҳарлаб бўлдик, Байкални булғаяпмиз, ўрмонларни аёвсиз кесаяпмиз, пўлат, алюминий, электр энергия ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ва ўйламай-нетмай ошириб бораяпмиз, хўжаликни ғоят саводсиз юритяпмиз. Бир пайтлар унумдор бўлган Шарқий Қозоғистон, Кемерово области, Красноярск ўлкаси борган сайин таназзулга юз тутмоқда, у жойларда ерларнинг қувватини қайта тиклаш масаласи доимий ва кескин муаммо бўлиб турибди, шундай бўлса-да унинг ҳал этилиши ҳеч кимни қизиқтирмаяпти.

Ер тузиш амалиётида ҳамон «ерларни мусодара қилиш» термини мавжуд. У ўтмиш замонлардан ўзлаштирилган бўлиб, одамларнинг ерга нисбатан ҳозирги муносабатларидаги аҳволни равшан акс эттиради. Ўз территориясидаги жамики нарсаларнинг тўла ҳуқуқли соҳиби бўлмиш маҳаллий Совет амалда шундай соҳиб бўлмагунича масъулиятсизлик, лоқайдлик, ўйламай-нетмай бойликларимизни совуриш ва йўқотиш психологияси яшайверади.

Советлар ва ҳокимият хусусида мана бундай бир мулоҳазани айтмоқчиман. Поғонали аппарат ҳокимияти бўшашиши билан бир пайтда унинг ўрнини боса оладиган альтернативали демократик структуралар жўшқин ривожланаётгани йўқ. Ҳатто СССР Олий Совети бир қатор масалалар юзасидан мустақил позицияда туришга интилаётган бўлса-да, ўз сиёсий қарорларини ишлаб чиқиш бобида етарли маҳорат орттирганича йўқ. Жойларда ҳокимият структураси жуда секин қайта қурилмоқда. Натижада ҳақиқий бошқарув кўп жиҳатдан партиявий аппарат қўлида сақланиб қолмоқда ва айни пайтда ушбу аппаратнинг бошқарувни амалга ошира бориш қобилияти сусаймоқда. Энг оддий ижрочилик интизоми йўқолиб бораяпти, одамларни аччиқлантирадиган тартибсизлик ҳодисалари, кундалик ҳаёт ва турмуш оддий механизмларида носозликлар рўй бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳокимиятнинг янада беқарорлашувига олиб келмоқда. Республика Советлари ва маҳаллий Советларга сайловлар кампанияси худди шундай шароитда ўтди. Давлатда шакллантирилаётган демократик негизларнинг характери халқ ўз фикрини қандай ифода этишига, қандай сиёсий далиллар устун келишига, омманинг қай даражада сиёсий етук бўлиб чиқишига боғлиқ бўлиб қолган эди. Бироқ халқнинг фикри зиддиятларга тўла: аксарият одамлар иқтисодий соҳада туб ўзгартишлар амалга оширилишини истаб, айни чоғда бундай ўзгартишлардан чўчияптилар. Совет кишиси бозорнинг ривожланишидан, рақобатдан чўчимоқда, буларнинг ҳаммаси нималарга олиб келишини яхши билиб ололмаяпти. Социал-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирча аниқ бўлмаган оқибатларидан қўрқишни жойларда Советлар иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг танг муаммоларини ҳал этиш борасида бевосита амалга ошираётган фаолиятгина бартараф этиши мумкин. Агар сайланган маҳаллий ва жумҳурият органлари ўз состави, сиёсий маданияти бўйича СССР Олий Советига яқинлашса, мамлакат сиёсий ҳаётини демократиялаштириш ва ҳаракатсиз қолган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан муштарак туб чоралар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш мумкин бўлиб қолади.

Жаҳон тарихида халқлар ва давлатларнинг турли иттифоқчилик тузилмалари мавжуд бўлганлиги шу нарсани тасдиқлайдики, барча замонларда одамлар бирлашишнинг ўзаро мақбул шаклларини излаганлар ва нормал миллатлараро муносабатларнинг муҳимлиги ҳақида ўйлаганлар. Ушбу изланишлар ҳозир ҳам давом этаётир. «Федерация» тушунчаси энг биринчи конституциямизда Совет Россиясининг расмий номида мустаҳкамлаб қўйилган. Бир пайтлар Закавказье

федерацияси ҳам бўлган. Иттифоқнинг номида унинг федеративлигидан нишона ҳам йўқ. Лекин «иттифоқ» тушунчасининг ўзи тенг ҳуқуқли шерикларнинг ўзаро манфаатли асосда бирлашувини англатади. Иттифоқда бирлашув даражаси ҳар хил бўлиши мумкин, лекин ҳамма ҳолларда марказнинг таркибий қисмларни тўла ютиб юбориши даражасига бориб етмаслик керак. Бирлаштирувчи ришталарнинг пухталиги ва узоққа етиши аввало уларнинг қанчалик зарур эканига боғлиқ бўлади. Мана энди кўриб турибмизки, ҳаёт биринчи ўринга республикалар мустақиллиги тўғрисидаги масалани қўйди. Ушбу ғоя эълон қилинганидан кейин 70 йил ўтгачгина биз, ниҳоят, унинг мағзини чақдик ва у нимани — республика сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, ўзини ўзи таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш ёки ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни англатишини тушуниб олишга уринмоқдамиз. Бир-бирига боғлиқ масалалар қаторлашмоқда. Регионал меҳнат тақсимоти принципларини тўлароқ амалга ошириш ва иқтисодий интеграциялашиш жараёнларини чуқурлаштириш учун ҳар бир бўғин ўз вазифалари ва ваколатлари доирасини аниқ белгилаб олиши даркор.

Эндиликда навбатда янги масалалар турибди. Масалан, автоном республикалар анча катта группасининг автономлиги нималарда ифодаланяпти? СССР — халқларнинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосидаги сифат жиҳатидан янги муносабатларини эълон қилган ноёб давлат. Янги ташкил топган Конституцион назорат комитети СССР Конституциясига мувофиқ равишда барча республикалар конституцияларини бараварлаштириб қўйса, келгусида ушбу ноёблик қандай сақланиб қолади?

Миллий сиёсат масалалари бундан буён ҳам энг нозик масала бўлиб қолади. Совет кишилари эса ҳозирги вазиятда донолик қилишлари, бир-бирларига тоқат ва ҳурмат билан муносабатда бўлишлари керак.

В. ТАБИТУЕВ, инженер.

ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА ЖИПСЛАШИШ

Ҳокимиятни Советларга топширар экан, КПСС четдан кузатиб турувчи бўлмоқчи эмас. У сайловчиларнинг ҳурматини қозонишга ва табиийлик билан, иложи бўлса, нуфузи ёрдамида, ҳокимиятнинг барча структураларига киришга интилади. Буни тушунса ва тушунтирса бўлади: жамиятимиз энг муҳимини — коммунистик мўлжални бой бермаслиги керак. Албатта, олдинда В. И. Ленин айтишни яхши кўрган «муштлашиш» турибди, лекин жамиятимиз курашнинг нопарламент усулларидан воз кечиши керак. Шу билан бирга оддий граждан сифатида мана буни ҳам айтмоқчиман: албатта, муроса қилишлар муқаррардир, шундай бўлса-да, эндиликда муроса қилишларнинг доираси ниҳоятда ноаниқ бўлмоқда, бунда кўпроқ муайянлик ва аниқлик зарур. Масалан, мен ва, ўйлайманки, миллионлаб бошқа одамлар ҳам социал ва ҳуқуқий муҳофазадан ниҳоятда манфаатдормиз. Ушбу ижтимоий кафолатлар кимга керак — текинхўрларгами, деяётган баъзи норасмийларнинг фикр-мулоҳазалари мени безовта қилмай қолмайди. Бундан чиқди, қариялар, болалар, ногиронлар, ёш оналар ва ушбу кафолатлардан фойдаланишга мажбур бўлган бошқа тоифадаги одамлар текинхўрми? Мен бундай гапларга қўшила олмайман ва бундай етакчиларга эргашмайман. Мен болалигимдан ногиронман ва ижтимоий муҳофаза туфайлигина одамларга керакли бўлиб қолдим, ўлиб кетмадим, текин тиббий ёрдам олмоқдаман, ўқий олдим. Ночор кишини 16 ёшидан бошлаб шахсий автомобиль миниб юрадиган эркатой билан адаштириш ярамайди, сараликни фақат партаппаратчиларга тўнкаш ҳам ақлдан эмас.

Ҳозирги пайтда партия ўзини қайта қурмоқда, унинг кучи ўз ички ҳаётини

ўзгартириш ва жамиятни тўғри йўлга солиб юборишга сарфланмоқда, бироқ бир қатор норасмий уюшмалар, бундан фойдаланиб, коммунистларни қоралашга, фракциялиликни жорий қилишга, одамлар орасига нифоқ солишга ҳаракат қилмоқда. Афсуски, улар буни қандайдир даражада уддалаяптилар. Нега? Менимча, сталинчилик ва брежневчилик энг даҳшатли жиноятни содир қилди: маънавий жиҳатдан норасо, маънавиятсиз кишиларнинг улкан оммасини бунёдга келтирди, улар ўзларини беандишалик билан алдаётганларга эргашишга тайёрлар. Ҳар қандай жамият учун ҳақиқий хатар мана шунда. Бунда муроса қилишлар хавфлидир: муросалар яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги, ютуқлар ва жиноятлар ўртасидаги тафовутни йўқотгандек бўлади. Сиёсий, маънавий принциплар ва йўл-йўриқларнинг беқарорлиги бутун жамиятни ҳам беқарор қилади. Биз бўлсак ҳозирги вақтда жипслашишга, одамларнинг қорнини тўйғазиш ва энини бут қилишдан бошқа вазифаларни ҳам бажаришга даъват этадиган шиорлар атрофида бирлашишга муҳтожмиз.

Назаримда, ўз-ўзини бошқариш принциплари асосида Советларнинг атрофида жипслашиш — ана шундай самарали ғоялардан бири. Истиқоматгоҳлар ва иш жойларида — ҳамма ерда ҳокимият органлари раҳбарлигида, депутатлар билан ёнма-ён фаоллар ҳаракат қилиб, амалдорларнинг тўрачилигини бартараф этишга, зўравонлик ва буйруқбозликни ўзига одат қилиб олганларни, ўзгаларнинг дардини тушунмайдиганларни иссиқ инидан ҳайдаб чиқишга кўмаклашишлари керак. Бундан оддий гражданлар ҳам, қайта қуриш ҳам, умуман социализм ҳам наф кўради.

Ниҳоят, назаримда, жамиятимизга жуда зарур бўлган бир нарса ҳақида — совет гражданларининг маданиятини ошириш кераклиги ҳақида гапирмай ўтолмайман. Бир қолипдаги одамлар — итоатгўй ходимлар, жонли механизмларгина керак бўлган вақт ўтмишда қоляпти. Фикрлайдиган, маърифатли шахслар даври бошланяпти. Бундай шахсларга кенг майдон — билим ва тажрибаларини бойитишлари, бемалол вазиятда фикр алмашинадиган бўлишлари учун шароит зарур. Ҳозирча бизда бу нарса йўқ. Ҳавасманд одамлар тўпланадиган жойлар йўқ. Бизда маърифий лекциялар камдан-кам ўқилади, ҳавасмандлар клублари деярли йўқ. Қаерда учрашиб, маданиятимизни оширсак, ҳавасларимизни қондирсак бўлади?

Дарвоқе, территориал ўз-ўзини бошқариш органлари бунга кўмаклашишлари мумкин, бу ҳақда юқорида айтиб ўтган эдим. Зеро, маҳаллий Советлар аввало одамларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ҳақида жонкуярлик қилишлари лозим-да. Лекин улар масаланинг фақат ташқи томони тўғрисида ўйлаб, расмий усулларни қўллаган ҳолда эмас, алоҳида ҳар бир гражданин интилаётган ва кутаётган нарсаларни чуқур англаб шундай қилишлари зарур.

А. ҚУРИШЕВ.

А. ЛОБАЧЕВ

«ҲАР ТОМОНДАН МАКТАБДИР...»

Касаба союз ҳаракатини қайта қуриш йўллари хусусида мунозарали қайдлар

1990 ЙИЛНИНГ апрель-май ойларида бўлиб ўтган ВЦСПС VIII пленуми СССР касаба союзларининг навбатдаги XIX съездини шу йилнинг октябрида ўтказишга қарор қилди, бу эса уставда белгиланган муддатдан қарийб ўн саккиз ой олдин демакдир. Бу нарса мамлакатда касаба союз ҳаракатини тубдан янгилаш, биринчи навбатда жамиятимизда юз бераётган қайта қуриш жараёнларида касаба союзларининг ўрни ва ролини қайта идрок этиш зарурати билан боғлиқдир. Пленумда СССР касаба союзларининг XIX съездига делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида таклифлар, «Совет касаба союзлари Конфедерацияси (Федерацияси)нинг Профмарказини тузиш тартиби тўғрисида», «Совет касаба союзларининг Конфедерациясини (Федерациясини) ташкил этиш тўғрисида Декларация», «Совет касаба союзлари Конфедерацияси (Федерацияси) фаолиятининг асосий ташкилий принциплари ва тартиби» лойиҳалари сингари ўзига хос ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг муҳокамаси, табиийки, касаба союз ҳаракатини қайта қуришнинг назарий ва амалий йўлларини қидиришни фаоллаштиради. Бунда таклиф этилаётган тавсиялар учун масъулият ҳиссини сезиш жуда муҳим, чунки мунозарага, тортишувларга берилиб кетиб энг муҳим нарсани — касаба союзларининг роли, уларнинг социализмни янгилаш жараёнига реал таъсири ролини назардан қочирмаслик керак. Фақат касаба союзларини қайта қуриш эмас, шунингдек касаба союзларининг қайта қуришга қўшадиган ҳиссаси — изланишнинг лейтмотиви ана шундай бўлиши керак.

Лениннинг марксизм — бу догма эмас, ҳаракат учун бир дастурдир деган фикри, ишончим комилки, ижтимоий воқеаларни идрок этиш, таҳлил қилиш, янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, прогнозлашнинг методологияси эди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Айни шу марксизм-ленинизм принципларига амал қилган ҳолда касаба союзларининг янгиланаётган жамиятдаги ўрни ва ролига оид айрим муаммоларни қараб чиқишга ҳаракат қиламан.

Тажриба шуни кўрсатдики, қайта қуриш ишларнинг ҳақиқий аҳволини, совет тарихининг аввалги ва ҳозирги давридаги конкрет шахслар, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳаракатларнинг реал иш натижаларини очиб ташлади. Бундан касаба союзлари ҳам четда қолмади. «Бугун, — деди ВЦСПС раиси Г. И. Янаев ВЦСПСнинг VIII пленумида сўзлаган нутқида, — касаба союзлари меҳнаткашлар ишончини анча йўқотиб қўйди». Хўш, бу ишончсизликнинг сабаблари нимада, туб ўзгаришларни нимадан ва қандай бошлаш керак? Бу хусусда касаба союзларининг айрим етакчилари шундай дейди. «Бизга ҳамиша: касаба союзларининг ҳуқуқлари жуда катта, фақат улардан фойдалана билиш керак, деб уқтириб келишган. Ҳолбуки, масалан, касаба союзлари ва хўжалик раҳбарларининг фаолиятини бир-биридан ажратиб берувчи механизм, аслини олганда, бугун ҳам йўқ», — деб ҳисоблайди Узсофпроф секретари А. Руденко. «Бизга шундай структура керакки, у тармоқ ва регионал касаба союзларини бирлаштирсин, уларга

ЛОБАЧЕВ Александр Илларионович, тарих фанлари доктори, Тошкент халқ хўжалиги институти илмий социализм кафедрасининг профессори.

тазйиқ ўтказмасин, буйруқ бермасин, бу структура энг муҳим масалада — касаба союзларининг функцияларини, уларнинг ташкилий тузилишларини чиндан ҳам ўзгартириш учун бир битимга келишишга имкон берсин». — Молдова республика касаба союзлари советининг раиси Г. И. Еремей шундай фикрни ўртага ташлади. «Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш — касаба союзларининг асосий иши бўлиши керак» — деб таъкидлади профессор Ш. Шаропов шу йилнинг май ойида Узсовпрофда бўлиб ўтган касаба союз кадрлари ва активи кенгашида сўзлаган нутқида. Ўша кенгашда Тошкент зонал касаба союзлари курслари директорининг ўринбосари Л. М. Кензер шундай деди: «Касаба союзлар конфедерацияси бўладими ё федерацияси бўладими, бунинг унчалик аҳамияти йўқ».

Г. И. Янаевнинг ВЦСПС VIII пленумидаги нутқидан яна бир парча келтираман: «...Бир неча ўн йиллар давомида касаба союзлари партия, давлат ва хўжалик органлари системасига қўшиб келинган», «ўзгараётган жамиятда касаба союзларининг роли ва ўрни» масаласини бутунлай қайтадан кўриб чиқиш керак. У «Правда» мухбирининг саволларига жавоб берар экан, шундай деди: «Иттифоқдош республикаларда, тармоқларда касаба союз структураларини федератив асосда тузиш тенденцияси тобора аниқроқ кўзга ташланаётганидан келиб чиқиб, бизнинг назаримизда улар касаба союзлари советининг конфедерациясини барпо этиш таклифи энг мақбул таклиф бўларди» («Правда», 1990, 16 май).

Келинг, энди бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Агар касаба союзлари — бу ихтиёрийлик асосларида бирлашган меҳнаткашларнинг ўзи бўлса, касаба союзлари меҳнаткашларнинг ишончсизлигига учрармиди? Бундан чиқдики, ўзларига ўзлари ишонмас экан-да? Лекин касаба союзлари таназзулга учрамади ва яқин келажакда учрамаса керак. Ҳатто ҳозир барпо этилаётган стачка ва иш ташлаш комитетлари — моҳиятан олганда ўша профессионал уюшмалар шаклини ташкил этади. Бунда шунга эътибор бериш кераки, стачка комитетлари аслида меҳнаткашлар уюшмаларининг дастлабки шакллари бўлиб (касаба союзлари ташкилий тузилиши тарихининг жаҳон тажрибаси бундан далолат беради), улар совет ишчилар ва касаба союзлари ҳаракатида социал-иқтисодий зиддиятлар кучайган шароитда, жамият сиёсий структураси «касаллигининг» жиддий белгилари кўрина бошлаганда пайдо бўлди.

Демак, гап бу ерда меҳнаткашларнинг касаба союзларига ишончи йўқолгани тўғрисида эмас, балки касаба союз аппаратига, унинг структураларига, иш методларига, ўша аппарат вакили бўлмиш айрим шахслар ва одамлар гуруҳига ишончсизлик тўғрисида бориши керак. Ҳамма гап шунда.

Мен бу ишончсизликнинг сабабини шунда кўраманки, меҳнаткашлар томонидан сайланган касаба союз аппарати (ҳар қандай ижтимоий структура сингари касаба союзлари ҳам усиз яшай олмайди) оммага ёндашув, касаба союз аъзолари билан алоқанинг зарур методларини йўқотиб қўйди. Г. И. Янаевнинг қуйидаги фикрига қўшилмасдан бўлмайди. У шундай деди: «Шу вақтгача қўлланиб келинган йўлни энди давом эттириб бўлмайди, чунки ҳозир давр тамомила бошқа, юзага келаётган шарт-шароитлар бошқа, умуман, меҳнаткашларнинг ўзлариёқ эскича ишлашимизга йўл қўймайди».

Табиийки, касаба союз аппаратига бўлган ишончсизлик унинг олдига ўз фаолиятини қайта қуриш, конкрет раҳбарлар, айниқса олий бўғинлардаги раҳбарлар билан биргаликда ишнинг бошқа метод ва шаклларини, агар улар касаба союз ҳаракатида қолишни истасалар (улар буни хоҳлашади), излаш масалаларини қўймаслиги мумкин эмасди. Ғайритабиийлик шундаки, улар (аниқ сезишларини тан олиш керак), ўзларича муҳим деб билувчи шиорни: касаба союзлари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиши керак деган шиорни олдинга суради. Аппарат давлатнинг реал моддий-техника имкониятлари билан ҳисоблашмай меҳнаткашларни ҳимоя қилишда давлат билан мухолифликка боришга ҳам тайёр.

Ўйлашимизча, бу ерда гап кўпроқ сохта тушунилган аппарат обрўси фойдасига «очко тўплаш», касаба союз ҳаракатида «ўзини» сақлаб қолиш тўғрисида кетяптики, аппаратчиларнинг фикрига қараганда, унинг обрў-эътибори ҳам анча тушиб кетди. Ахир, Г. И. Янаевнинг 70 йил давомида «совет касаба союзларини меҳнаткашлар давлат ва партия ҳокимияти билан бир нарса деб тушунарди, улар мамлакатни бошқариш системасига «қўшиб қўйилганди», деган фикрига бошқача ёндашиб бўлармиди? Бу кетишда меҳнаткашлар касаба союзларига бирлаш-

майди, балки кимларнингдир илтифоти билан (фақат кимнинг?) улар меҳнаткашлар учун тузилади, деб даъво қилиш ҳам ҳеч гап эмас; бинобарин, агар шу йўсинда мулоҳаза юритадиган бўлсак, касаба союз аппаратига эмас, балки умуман касаба союз ҳаракатига ишончсизлик билдириляпти, демак, ўша ишончсизлик йўқотилиши керак. Қошки эди шундай бўлса!

Хўш, гап нимада ва нима қилиш керак? Қасаба союз аппарати биринчи ўринга қўяётган муаммога: касаба союзларнинг ҳимоя қилиш функцияси муаммосига мурожаат қилайлик. Уни улардан ҳеч ким ва ҳеч қачон тортиб олмаган. Жаҳон касаба союзлари ҳаракати, шу жумладан совет касаба союзлари тарихий амалиётининг ҳам реаллиги ана шундай. Улар бу функцияни эгаллаб келганлар, агар ўзларини касаба союзлари сифатида сақлаб қолишни истар эканлар, уни эгаллайверадилар. Буни унутар эканлар, бунда биринчи навбатда касаба союз аппарати айбдор бўлади. Эртами ё кечми буни касаба союз аъзоларининг ўзлари эслатадилар. 1989 йилда мамлакатимизда бўлиб ўтган стачка ва иш ташлашлар бунинг исботи бўлиб, улар меҳнаткашларнинг хўжалик ва давлат органларига тазйиқининг энг сўнгги чораси, касаба союз комитетлари ва меҳнат коллективлари кенгашларига ишончсизлик билдириш бўлди.

Мен касаба союзлари ҳимоя қилиш функциясининг биринчи ўринда туришини камситмоқчи эмасман. Лекин айрим касаба союз етакчиларининг ҳамма ишни фақат шундан иборат қилиб қўйишга интилиш тенденцияси ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас. Ҳолбуки бундай тенденция ВЦСПС VIII пленуми томонидан тайёрланган «Совет касаба союзларининг Конфедерациясини (Федерациясини) ташкил этиш тўғрисида Декларация», «Совет касаба союзлари Конфедерацияси (Федерацияси) фаолиятининг асосий ташкилий принциплари ва тартиби» лойиҳаларида, шунингдек Ўзбекистон касаба союзлари федерацияси Уставини тайёрлаш бўйича кўпгина касаба союз ходимларидан ва активистларидан тушган таклифларда кўзга ташланади.

ВЦСПС VI пленумидан (1989 йил) кейин пайдо бўлган ҳимоя қилиш функцияси томон оғишлар, шунингдек, уни касаба союзлар фаолиятининг негизи сифатида қўйиш ёндашув ва методлар, қуриш ва структуранинг асосий принципларини, иш шакллари ва йўналишларини ишлаб чиқиш, ниҳоят социалистик жамиятда касаба союзларининг роли ва ўрнини белгилаш пайтида жиддий хавф туғдиради. Аслини олганда бу нарса касаба союзларни йўқотишга олиб боради. Бунда касаба союзларнинг капиталистик мамлакатларда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишининг таъсирчанлигини важ қилиб кўрсатиш ҳеч нима бермайди. Ахир, у ерда тамоман бошқа ижтимоий муҳит мавжуд, у ерда касаба союзлари моддий ишлаб чиқариш соҳалари, инфраструктура, хўжалик тармоқларининг ҳамма ходимларини бирлаштирмайди. Қасаба союзларнинг кўпчилиги мулкдорларга, давлат аппаратига қарши туришади.

Бизнинг мамлакатимизда меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш методлари капиталистик жамиятдагидан анча фарқ қилади (ана шундай бўлиши ҳам керак). Шунинг учун ҳам **кенг халқ оммасининг** манфаатлари ва ҳуқуқларини ёқлашни касаба союзлари фаолиятида асосий иш деб ҳисоблашишадики, бу, социалистик касаба союз ҳаракати тарихи гувоҳлик берганидек, анча мураккаб, анча нозик ва масъул ишдир. Агар касаба союзлари социалистик муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор экан, уларнинг «иқтисодий кураши» давлат учун ҳалокатли бўлмаслиги керак.

Қасаба союзларининг фақат ҳимоя қилиш функцияларини қатъий ҳимоя қилаётганлар ўзидан: «Бизнинг давлатимиз қандай давлат? Ҳокимият кимнинг қўлида? КПССнинг бутун ҳокимиятни Советлар қўлига бериш борасидаги қатъий йўлички? Унда давлат, партия аппарати вакилларига қарама-қарши борамизми ёки бир тармоқ касаба союзлари бошқалари билан «жанг» қилиши керакми? Ёки у ёки бу тармоқ касаба союзида бевосита ишлаб чиқарадиганлар билан шу тармоққа раҳбарлик қилаётганлар ўртасида бўлиниш бошланадими?» деб сўрашлари керак. Модомики шундай саволлар қўйилар экан, агар чиндан ҳам кучли, бой давлатга эга бўлмоқчи эканмиз, уларга жавоб беришимиз керак. В. И. Ленин, «ишчиларни ҳимоя қилиш.., давлатни ҳимоя қилиш» учун ҳам биз касаба союзларидан фойдаланишимиз керак деганида минг бор ҳақ эди (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 245-бет). Қимда-ким буни тушунмаса ёки тушуниб туриб, амалга оширма-

са, бу билан касаба союзларнинг давлат, идора қилувчи партия (маълумки, ҳокимият тартиботларисиз жамиятни бошқариб бўлмаганидек, партиясиз ҳам уни бошқариб бўлмайди) билан ихтилофига йўл очиб беради, оқибат натижада эса касаба союзларининг ажралиб кетишига, тугатилишига олиб келади.

Мана, масалан, иқтисодиётимизнинг бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлиги шароитида (улар социал-сиёсий вазиятга ҳам таъсир қилади) меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд эмаслигининг ортиши сингари кескин муаммони олиб кўрайлик. Ҳозирнинг ўзидаёқ касаба союзларининг иш билан бандлик учун кураши уларнинг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятининг асосини ташкил этиши керак. Бу муаммони демографик сиёсатда, меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашда, оммани меҳнат жараёнига, техника ижодиётига ва ҳоказоларга жалб этишда касаба союзларининг иштирокисиз, фақат «иқтисодий тазйиқ» ёки «ҳимоя инъекцияси» асосида ҳал этиш мумкин эмас.

В. И. Лениннинг ишчилар томонидан давлатимизнинг ҳимоя қилиниши тўғрисидаги фикри (Уставдами, Декларациядами) консерватив деган ном олмаслик учун касаба союзлари томонидан мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Агар ҳамма нарсани фақат иқтисодий ҳимоя билан боғлашса, у ҳолда касаба союзлари ўзларининг жуда кўп маблағларини кимга ўтказишлари керак? Ахир, бу орқага қайтиш, касаба союзлари жамиятда «капитал билан меҳнат ўртасидаги партизанлар кураши...» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. т. 16, с. 200) учун зарур бўлган ҳолатга қайтиш эмасми?

Яна бир муаммо: касаба союзларнинг мустақиллиги, эркинлиги муаммоси. Уларнинг функциясини фақат ҳимоя қилиш функциясидан иборат деб тушунишга уриниш — бу тўғридан-тўғри касаба союз ҳаракатини ажралишга олиб боради, конфедерация шаклида тузиш ҳақидаги талабни амалга ошириш уни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Агар ҳар бир касаба союзи ўз манфаатларини (унда нима бўлади: бу союзда, айтайлик, фақат ишчилар эмас, шунингдек инженерлар, ўша корхонанинг раҳбарлари ҳам бўлади-ку; мактабда — ўқитувчилар, директор, унинг ўринбосарлари ва ҳоказолар бўлади-ку?) ҳимоя қилса жамиятнинг сиёсий системасига (ва демак, бир-бирига ҳам) қарам бўлмаса, конференцияга эркин кириб, ундан эркин чиқиб кета олса, унда меҳнат ҳамкорлиги (принцип сифатида) ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Бир хил касаба союзларининг сони, уларнинг моддий имкониятлари (масалан, темир йўлчиларда) бошқаларникига (масалан, маориф ёки соғлиқни сақлаш ходимларига) қараганда анча юқоридир. Табиийки, мустақиллик, эркинлик ҳақидаги талабларни амалга ошириш муқаррар шунга олиб келадики, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, социал страхование касаба союзлар томонидан ҳар хил тарзда амалга оширилади. Биргина шунинг ўзи кўрсатадики, мавҳум тушунилган, лекин ҳаётда амалга оширилган касаба союзларининг мустақиллиги ва эркинлиги меҳнаткашларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишларидаги ҳамкорликка путур етказади, аслида мамлакатда касаба союз ҳаракатининг парчаланиб кетишига, тугатилишига, кўп миллионли омманинг қайта қуриш, социализмни янгилаш жараёнларида бевосита иштирок этишдан узоқлашуви ва бегоналашувига олиб келади.

Ҳа, айтмоқчи, касаба союз ҳаракатининг ҳар қандай «ислоҳотчиси»га шу нарса маълум бўлиши керакки, бирон бир жамиятда ҳеч қандай идора қилувчи партия, ҳеч қандай ҳукумат, юмшоқ қилиб айтганда, касаба союзларининг ўзларини уларнинг сиёсий давлат йўлига нисбатан «жудаям эркин» тутишларига йўл қўймайди. Бу ёқадими ё ёқмайдими, лекин ҳақиқат шундай. Жамиятда касаба союзларининг мустақиллиги ва эркинлиги қанчалик ҳимоя қилинмасин, бу уларнинг ундаги фаолиятини истисно қилмайди, аксинча, ҳаракатлар, партиялар, ҳокимият тартиботлари ва сиёсий системанинг бошқа бўғинлари билан ўзаро муносабатларининг муайян шакллари, принципларини тақозо этади. Бундан ташқари касаба союзларининг ўзлари ҳам фақат Конституция доирасида ҳаракат қилишлари керак.

Касаба союзлари қурилиши уларнинг мустақиллиги ва эркинлиги масалалари билан чамбарчас боғлиқдир, чунки унинг орқали ташкилий жиҳатдан мустаҳ-

камланадилар, жамиятимизни янгилашда касаба союзлари ҳаракатининг обрў-эътибори ошади.

Шундай қилиб, федерациями ёки конфедерациями? Маълумки, касаба союзлар уч принципга — профессионал, ишлаб чиқариш ва демократик централизм принципларига асосланади. Қасаба союзларни конфедерация ёки федерация асосида бирлаштириш тўғрисидаги таклифларни амалга ошириш, шубҳасиз, унинг қурилишига — бошланғич ташкилотдан (шу жумладан профгруппалар, профташкилотчилар мақоми ва ҳоказо) то марказий комитетгача — барча касаба союз органлари қурилишига таъсир қилади.

Агар конфедерация йўлидан кетилса (мустақиллик, касаба союзларнинг «ҳимоя қилиш» функцияси тўғрисидаги дабдабали, лекин сохта шиорлар ишқибозлари, табиийки, конфедерацияни ёқлаб чиқади), бу касаба союзлари ҳаракатининг идора қилувчи партия ва давлат билан ажралишига (конфедерация асосида бирлашиш бундай имкониятни фақат ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлайди), шунингдек ўша касаба союзнинг ўзида, айрим касаба союз ташкилотлари орасида узилишга, бир-бирларининг олдида масъулиятсизликка, «ўз», гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилишга, оқибат натижада ҳатто бир тармоқ, бир касб ходимлари билан (бу ерда касаба союз аъзосининг касбини, иш жойини ўзгартирмаган ҳолда ўз касаба союз ташкилотидан чиқиб ва бошқасига кириши назарда тутилади) ҳамкорликнинг узилишига олиб келади.

Федератив асосда ташкил этиш эса касаба союз ҳаракатини бузиб юбормайди, касаба союзларни парчаламайди, балки уларнинг тенг ҳуқуқлилигини, ўз вазифаларини ҳал этишдаги мустақиллигини сақлаб қолади. Федерализм касаба союз ҳаракатига чинакам демократизмни олиб киради: демократик централизмда «демократик» асосни кучайтиради ва «централизм»нинг ўз устидан тазйиқ ўтказишига йўл қўймайди. Лекин федерализм эътироф этилмаса ва бошланғич ташкилотдан тортиб то унинг олий бўғинларигача — ҳаммасида ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланмаса, у қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам Г. И. Янаевнинг қуйидаги фикрига қўшилиб бўлмайди. У шундай дейди: «Агар республикаларда касаба союз структураларини федерация асосида тузиш бораётган бўлса, бизнинг назаримизда энг мақбул таклиф ўша касаба союзлари советининг конфедерациясини барпо этиш таклифи бўларди» («Правда», 1990, 16 май).

Қасаба союзларини федератив асосда тузиш уларнинг структурасини шакллантиришни кўп жиҳатдан белгилаб беради, у менинг назаримда, юқори касаба союз органларининг хоҳиш-ихтиёридан ташқари, «пастдан» бошланади. Бунга аллақачон исботлар бор: мамлакатимизнинг қатор регионларида стачка ва иш ташлаш комитетлари, бирдамлик фондлари, страхование кассалари, ишчилар иттифоқлари тузилди. Қасаба союзларини федерализм принциплари асосида бирлаштириш штатлар, касаба союз органлари сони ҳақидаги масалани кун тартибидан олиб ташлайди. Чунки касаба союз аъзоларининг пул маблағларини сарф қилиш устидан назорати кучаяди.

Ниҳоят энг муҳим масала: янгиланаётган социалистик жамиятда касаба союзларининг ўрни ва роли. Агар касаба союзларининг партия, давлат ва хўжалик органларига қўшилиб кетганлигини эътироф этадиган бўлсак, демак, маълумки, барча меҳнаткашларнинг бирлашуви ўшалар орқали юз берган. Хўш, бу нима дегани? Яъни, партия органлари, министрликлар ва идоралар ходимлари у ёки бу касаба союз органининг аъзоси деганими? Бу ерда гап кўпроқ касаба союзларининг умуман мамлакатимизнинг сиёсий системасига «қўшиб юборилганлиги» тўғрисида бораяпти. Лекин ҳар қандай жамиятда ҳар хил ҳаракатлар, партиялар, давлат органлари, иттифоқлар, ассоциациялар ўз аппарати ва вакиллари билан иш кўради, муайян ўринни эгаллайди. Демак, касаба союзлари ҳам социалистик революция ғалаба қилганидан кейин (гарчи уларнинг янги жамиятда зарур-зарур эмаслиги тўғрисида қизғин мунозаралар бўлган бўлсада) мамлакатнинг сиёсий системасига «капитализм даврида барпо қилинган, капитализмдан коммунизмга ўтишда бўлиши муқаррар бўлган» муассаса сифатида кирди (В. И. Ленин. ТАТ, 42-том, 242-бет).

Бинобарин, гап касаба союзлари бизнинг янгиланаётган жамиятимизда қандай ўринни эгаллаши (модомики, олдинги мавқеи уларнинг ҳозирги табиатига, ролига, функцияларига, методларига, фаолият шаклларига мос келмас экан)

хусусида бориши керак. Албатта улар ижтимоий-сиёсий ҳаракат ёки партия, шунингдек (ҳозир ва тарихан яқин келажакда) давлат органлари бўлиши ёки шундай органларни тузиш учун ҳокимиятни ўз қўлига олиши мумкин эмас. Маълумки, идора қилувчи партиялар ижтимоий тараққиётнинг сиёсий (раҳбарий) ориентирларини ишлаб чиқишга даъват этилган. Қасаба союз функцияларининг маълум бошқарув билимини, компетентлиликни, масъулиятни талаб этувчи давлат ишларини олиб бориш характеридан тамоман фарқ қилиши сабабли ҳам касаба союзлари ҳокимият тепасида бўлиши мумкин эмас.

Нима, бундан касаба союзлари керак эмас экан, деган хулоса чиқадими? Тасаввур қилайликки, улар бизда йўқ. Ҳамма партия, совет, давлат ва бошқа ташкилотлар меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилабошлайдилар. Бу мумкинмикин? Йўқ, мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, меҳнатчиларнинг кўпчилиги товар ишлаб чиқариш мавжудлиги туфайли ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий (ҳар қайсиси алоҳида) эгалари эмас, шунинг учун ҳам уларнинг жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини қондириш конкрет мулкдорга боғлиқ бўлади — бу давлат тақсимотчиси бўладими ё кичкинагина дўконнинг эгаси бўладими, аҳамияти йўқ. Социализм шароитида меҳнаткашлар аслини олганда умумхалқ мулкдоридир, улар ўз ҳуқуқларини Советларга ўз вакилларини юбориш орқали амалга оширади, улар ҳам ўз навбатида конкрет бошқарма ходимларини тайинлайди ёки зарур моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқаришни бошқариш учун органларни тузади. Афсуски, бошқарма ходимлари меҳнатчилар манфаатлари билан доимо ҳам ҳисоблашавермайдилар.

Турган гапки, касаба союзлари зарур; улар идора қилувчи партия ва ҳукумат билан бирга қайта қуришнинг олдинги сафида, Ленин таъбири билан айтганда партия билан давлат ҳокимияти ўртасида бўлиши керак (қаралсин: ТАТ, 42-том, 238-бет), фаолияти жамият сиёсий системасининг касаба союзлари уюштирган кишиларнинг манфаатларига зид келмайдиган ижтимоий ҳаракатлари ва ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилишлари лозим. Қасаба союзлари, ўз навбатида, ҳозирги шароитда социалистик жамиятнинг ҳамма бўғинлари, биринчи навбатда идора қилувчи партия ва давлат билан алоқа қилишнинг принципларини белгилаб бериши керак.

Партия учун касаба союзлари омма билан боғловчи бир бўғин, давлат учун — давлат ҳокимиятининг манбаи, ходими, «булоғи»дир (қаралсин: В. И. Ленин. ТАТ, 42-том, 239-бет, 44-том, 392-бет). Бу муносабатларнинг принципларини ўзгартириш мумкинми? Ленин принципларига нисбатан яхши принципларни ким, қачон ва қаерда топган, исбот қилган ва кўрсатган?

Лекин касаба союзларнинг идора қилувчи партия ва давлат билан ўзаро муносабатларининг ленинча принципларини сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлашни қатъий ёқлаган ҳолда революцион қайта қуриш давомида ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал этишда улар иштирокининг характери, роли, таъсир этиш даражаси ва имкониятларини ўзгартириш зарурлигини ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Бу кўп жиҳатдан уларнинг социалистик жамиятдаги мавқеининг барқарорлигини, оқибат натижада касаба союзлар фаолиятининг реал натижаларини белгилаб беради.

Шу муносабат билан, гўё касаба союзлари билан хўжалик раҳбарлари функциялари ўртасида фарқ йўқ деган масаланинг қўйилишига эътиборни қаратиш ўринли бўлади. Бунинг қонунга хилофлигига ишонч ҳосил қилиш учун мамлакат Президенти М. С. Горбачев 1990 йилнинг 4 июнида тасдиқлаган СССРнинг «СССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонуни билан танишиб чиқишнинг ўзи кифоя. Қани, айтингчи, корхона молия-хўжалик фаолиятининг бузилганлиги учун ким жавоб бериши керак: бошқарма ходимларими ё касаба союз комитетими? Амалиётда касаба союз комитетларининг айрим ишлари кўпинча маъмурий ишга ўхшаб кетади. Эътироф этиш кераки, бу конкрет касаба союз ходимлари ва активининг ўз вазифаларини, касаба союзлари функцияларини билмаслигининг натижасидир.

Қасаба союз ҳаракатининг ленинча принципи: *«ҳамма томондан мактабдир»* ТАТ, 42-том, 346-бет) деган принцип ўн йиллар давомида тантанали равишда эълон қилиниб келинди-ю, лекин амалга оширилмади. Совет, давлат органлари масъул бўладиган масалаларни касаба союзлари ҳал қилиб беришини талаб

этиш, улар (касаба союз органлари) фаолиятининг натижаларини ялпи кўрсаткичлар билан баҳолаш деярли мажбурий бир нарсага айланиб қолди, кўпинча булар ишлаб чиқариш характеридаги (хом ашёни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, уй-жой программасини амалга ошириш, тиббий муассасалар шохобчасини ривожлантириш ва ҳоказо) масалалар бўларди. Қасаба союз органларига илгариги ишини уддалай олмаган ёки пенсияга чиқаётган партия, совет, хўжалик «арбобларининг» «кўтарилиши» ҳам уларга жиддий зарар етказди.

Қасаба союзларни қайта қуриш ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, яхшилаб текширилган ва ишончли ориентирларсиз бу соҳада муваффақиятга эришиб бўлмаслигини кўрмаслик мумкин эмас. Булар касаба союз ҳаракатининг ленинча принциплари бўлиб, уларни изчил амалга ошириш керак. Унинг мамлакатимиздаги, шунингдек чет элдаги тарихий тажрибаси буни исботлаб турибди. Бу ўринда В. И. Ленинниng қуйидаги сўзларини эсламаслик мумкин эмас: «Қасаба союзларининг вазифаси — янги турмуш қурувчилари бўлиш эканлигини, миллионларча ва ўн миллионларча янги кишиларни тарбиялаш эканлигини эсда тутишдан иборатдир, буларни шундай тарбиялаш керакки, улар хато қилмасликка, эски таассубларни улоқтириб ташлашга ўз тажрибаларида ўргансинлар, давлатни идора қилишга ва саноатни идора қилишга ўз тажрибаларида ўргансинлар» (ТАТ, 37-том, 527-бет). Бу ерда коммунистлар намунаси айниқса муҳимдир. Улар марксизм-ленинизмнинг асосий принципларини пропаганда қилибгина қолмай, балки уларни жорий этишлари, амалда ҳимоя қилишлари керак. Чунки, агар «партия касаба союзларидан ажралиб кетаётган бўлса, у вақтда партия айбдор, бу нарса Совет ҳокимиятининг албатта ҳалок бўлиши демакдир», — деб огоҳлантирган эди В. И. Ленин (ТАТ, 42-том, 294-бет).

* *
*

Шубҳасиз, касаба союзлари ҳаракатини қайта қуриш жуда кўп муаммоларни ҳал этишни талаб қилади. Лекин юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар энг муҳим масалага тааллуқли бўлибгина қолмай, бошқа кўп масалаларни ҳам аниқлаб беради. Масалан, раҳбарлик ва социал страхование маблағларини тақсимлашни давлат органларига бериш тўғрисидаги таклифга қўшилиб бўладими: бундан чиқадики, касаба союзлари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилаётганларида маблағ учун маъмуриятнинг олдига бориб икки букилиши керакми? Ёки территориал касаба союзларини олинг: агар у битта касаба союзи бўлса, унда у кимни бирлаштиради — ўша территориядаги барча меҳнатчиларними? Лекин уларнинг профессионал фаолиятларидаги, меҳнат характеридаги тафовутлар туфайли, улар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш қандай амалга оширилади? Шу территорияда тармоқ касаба союзларига эҳтиёж бўлармикин? Бундай саволлар анчагина.

Қасаба союзларини янгилаш, улар ишини такомиллаштириш йўллари хилмахил бўлишига қарамай, социалистик жамиятда касаба союз ҳаракатининг моҳиятини унутмаслик муҳимдир. Сохта камтаринликни қатъий улоқтириб ташлаш керак: касаба союзлари КПСС ва Совет ҳукуматини қўллаб-қувватлашини очиқойдин айтиб, айни вақтда ўзларининг жамиятда реал мустақиллиги ва эркин ҳаракат қилишини сақлаб қолиши керак.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ ВА КООПЕРАЦИЯ

МАМЛАКАТ истеъмол бозоридаги вазиятни яхшилаш зарурлигини бугунги кунда исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бир томондан, аҳоли талабларини янада тўларок қондириш қайта қуришнинг энг муҳим мақсадли кўрсатмаларидан бири бўлса, иккинчи томондан, одамларнинг пул даромадларини моллар билан тўла-тўкис таъминлаш ходимларнинг меҳнат фаоллигини барқарорлаштириш, ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатга бўлган ишончни «моддийлаштириш» йўли билан қайта қуришнинг социал базасини мустаҳкамлайди.

Иқтисодиётимизнинг истеъмол секторидаги балансланмаганлик ҳақида кўп айтилган. Бу эски дард эканлигига эътиборни қаратмоқчиман, холос. Уни «даволаш», яъни балансланганликка эришиш бир қатор беш йилликлар давомида социал сиёсатнинг устун вазифалари қаторига чиқарилган эди. Ваҳоланки, кўрилган тадбирлар талаб билан таклиф ўртасидаги дисбалансни нафақат бўшаштира олмадигина эмас, балки, маълум даражада уни ҳатто чуқурлаштирди, янги муаммоларни келтириб чиқарди. Балансланмаганликнинг намоён бўлиш шакллари мураккаблашди, ўтмишда тўпланган мутаносибсизликларнинг жамиятимиз социал-иқтисодий ҳаётига кўрсатувчи салбий таъсири кучайди.

Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчиманки, ички истеъмол бозори деб биз истеъмол молларини реализация қилиш ва истеъмолчига бевосита хизмат кўрсатишнинг бутун соҳасини атаймиз. Буни назарда тутиш керак, чунки бевосита истеъмолчининг қўлига тегишдан аввал моллар кўпинча реализациянинг узундан-узоқ занжиридан ўтади.

Аҳоли даромадларининг барқарорлиги сўмнинг харид қилиш қобилиятини мустаҳкамлашнинг ғоят муҳим жиҳатидир, бутун тўлов бозорининг барқарорлиги эса бир томондан, аҳоли қўлидаги пул массаси билан иккинчи томондан, аҳолига пул эвазига таклиф этиладиган барча товарлар массаси ва хизматлар ўртасидаги ўзаро нисбат орқали белгиланади. Таҳлил шуни кўрсатадики, ички истеъмол бозоридаги баланс 1969 йилгача сақланиб келган бўлиб, бу пайтда қўйилган 1 сўм омонатга 1 сўм 10 тийинликдан кўпроқ товар запаслари тўғри келган. Бундай шароитда сўмнинг барқарор харид қобилиятини сақлаган ҳолда бозорни тартибга солиш бўйича фаол сиёсат юритиш, аҳолининг айрим категориялари даромадларини ошириш мумкин эди.

Салбий тенденциялар 1970 йилда, сақлаб қўйилган пул массаси биринчи марта асраб қўйилган товар массасидан ошиб кетганда кўзга ташланди. Тўғри, бу ортиқчалик кўп эмас эди — сақлаб қўйилган ҳар бир сўмга 2 тийиндан тўғри келарди. Лекин бу ҳол иқтисодчиларнинг эътиборини ўзига тортди ҳамда вазиятни тўққизинчи беш йилликда, «А» группаси (ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш) тармоқларига нисбатан «Б» группаси (истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш) тармоқларини жадалроқ ривожлантириш ҳисобига тўғрилашга қарор қилинди. Афсуски, салбий жараённи тўхтатишнинг иложи бўлмади ва 1980 йилда асраб қўйилган ҳар бир сўмлик товарга энди сақлаб қўйилган 2 сўм 33 тийин тўғри келарди. Ўша пайтда жорий этилган мажбурий план кўрсаткичи — ҳар бир сўмлик иш ҳақи учун кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш — истеъмол бозоридаги аҳволни бир оз барқарорлаштириш, тўғрироғи, консервациялаш имконини берди. 1985 йил охирига келиб аҳвол беш йил илгаригидай эди, лекин кейин у кескин ёмонлашиб борди. Натижада бозорда товар-моддий қопламга эга бўлмаган пул белгилари эмиссияси даҳшатли тарзда кучайиб борди. Истеъмол буюмлари ва пулли хизматга тўланадиган ҳақнинг амалда ўсиши 1989 йилда 1988 йилга нисбатан 2 фоизни ташкил этди. Қондирилмаган талабларнинг кўпайиши ҳисобга олинадиган бўлса, истеъмол секторидаги эмиссия қўлами 7,5 фоизга етди. Иш шу даражага бориб етдики, эмиссия келажак давр учун режалаштириладиган бўлди, масалан, 1990 йил учун у 10 миллиард сўм миқдорида белгиланди.

Кучайиб бораётган инфляция юқорида тилга олинган жараёнларнинг табиий натижасидир. Агар у 1986 йилда 6—2 фоизни, 1987 йилда — 7,3, 1988 йилда — 8,4 фоизни

ташкил этган бўлса, 1989 йилга келиб у 10—11 фоизга етди.

Инфляция яна шу билан ҳам хавфлики, агар зарур туб чоралар кўрилмаса, ўзининг янада кучайиши учун қандайдир ички механизм яратади. Гап шундаки, инфляция билан кураш ҳам бутун жамият кўламида, ҳам унинг айрим аъзолари даражасида олиб борилади. Лекин, агар жамият ихтиёрида инфляцияга қарши воситаларнинг катта арсенали мавжуд бўлса, айрим кишида бу восита биттагина: ўз пул даромадларини ошириш. Бироқ бу воситани қўллаш қарама-қарши натижага олиб келади: агар аҳолининг даромадлари юксак суръатлар билан кўпайиб борса, у ҳолда пулнинг бозордаги тобора кучайиб борадиган тазйиқи товар баҳоларининг ошишига ва пулнинг харид қобилияти пасайишига олиб келади.

Шу билан бирга инфляция корхоналар томонидан давлат топшириқларини бажариш, товар массаси кўпайиши каби ёлғон тасаввур ҳосил қилади. Чунончи, 1989 йилнинг биринчи кварталида 1988 йилнинг шу даврига нисбатан тўқимачилик маҳсулоти чиқариш пул билан ифодаланадиган бўлса мамлакатда 4,14 фоиз кўпайди, ҳолбуки натурал кўринишда ип газламалар 6, жун газламалар — 20, ипак газламалар — 17 фоиз кам ишлаб чиқарилди, фақат зиғир толасидан тўқилган матолар 0,1 фоиз кўп тайёрланди. Бошқача айтганда, корхоналар пул билан ифодаланадиган топшириқларни бажарган ҳолда натурал кўринишдаги маҳсулотни кам беришади. Бунинг устига сифатсиз буюмлар (айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари) ишлаб чиқарилиши ҳамда улар йўлда ва ҳам корхоналарнинг, ҳам улгуржи-чакана базаларининг омборларида бузилиши оқибатида ҳар йили жуда катта миқдордаги моллар нобуд бўлади. Масалан, 1988 йилда ишлаб чиқарилган умумий ҳажмдан 6,5 фоиз гўшт, 6,8 фоиз колбаса маҳсулотлари, 8,1 фоиз қанд-шакар, 27,1 фоиз тухум, 5,8 фоиз нон-булка маҳсулотлари, 10,9 сабзавот-мева ва 9,9 фоиз балиқ консервалари брак қилинди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Масалан, мамлакатда чиқарилаётган магнитофонларнинг салкам 12 фоизи ва телевизорларнинг ҳар бештасидан биттаси ҳар йили ҳатто фойдаланишнинг гарантияланган муддатларига ҳам чидай олмайди.

Аҳвол шундайки, маҳсулотларнинг барча асосий турлари бўйича аҳоли эҳтиёжлари қондирилмаётир. Бунда бир неча ўн йиллиқлар мобайнида иқтисодиётнинг истеъмол секторига ишлаб чиқариш-техникавий йўналишдаги буюмлар ишлаб чиқариладиган секторга нисбатан инвестициялар кам берилганлиги ўзини кўрсатаётганлиги шубҳа уйғотмайди. Бунинг бошқа сабаби товар ишлаб чиқариш ва кўрсатиладиган пулли хизматларнинг ўсишига нисбатан аҳоли пул даромадларининг илдамроқ ортиб боришидадир. Беш йилликдан беш йилликка бу дисбаланс ортиб борди ва бугунги кунда товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг қондирилмаслиги мамлакатимизда 70 миллиард сўмликдан ошиб кетди.

Нормал савдо-сотиқ учун, маълумки, товарлар запаси керак. Лекин, 1989 йилнинг 1 январида улар нормативдагидан 8,8 миллиард сўмлик кам бўлиб чиқди. Улар билан савдо тармоғини таъминлаш 92 кунни ташкил этди, 1988 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 97 кундан, 1986 йилнинг бошида эса 118 кундан иборат бўлган эди. Бу нафақат пештахталар, балки, омборлар, базалар ҳам бўм-бўш эканлигини билдиради. Моллар савдога том маънода корхоналардан пешма-пеш олиб келинади. Кейинги бир неча йиллар мобайнида мамлакат бозори ҳар йили 10—15 миллиард сўмлик кам мол олади. Импорт қилишнинг камайиши ҳам ўзини кўрсатмаслиги мумкин эмас эди (ушбу беш йилликнинг уч йили мобайнида у 20 фоиз камайди), унинг ўрни мамлакат ишлаб чиқаришининг шунга мос ҳажми билан тўлдирилмади.

Кучайиб бораётган норозилик — ички истеъмол бозорида юзага келган вазиятга нисбатан аҳолининг табиий муносабатидир. Аҳволни яхшилаш учун туб чоралар кўриш зарур. Уларни ишлаб чиқар экан, мамлакат раҳбарияти бошқариладиган бозор муносабатларига ўтиш зарурлиги ҳақидаги хулосага келди.

Уни амалга ошириш осон бўлмайди. Гап шундаки, бозор иш олиб бориши ва ривожланишининг зарурий шарти бу — товар-пул шаклидаги айирбошлашнинг мавжудлигидир. Бизнинг иқтисодиётимизда шаклланганидек, натурал айирбошлаш мавжуд бўлса, планлаштириш ва бошқарувда марказлаштириш устун бўлади. Талабларни қондиришга товар ва хизматларнинг нисбатан камлиги ҳам шунга ёрдам беради. Ўта марказлаштириш, ўз навбатида, сурункали тақчилликни келтириб чиқаради, чунки у ишлаб чиқарувчиларни чаққон ҳаракат қилишдан маҳрум этади, талабга уддабуронлик билан жавоб бериш имконини йўққа чиқаради, шерик ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш йўлларини танлашга чек қўяди.

Айирбошлаш битимларига олиб келадиган ўзаро алоқа ўрнатувчи иқтисодий мустақил субъектларнинг мавжудлиги — бозор нормал ишлашининг яна бир муҳим шартидир. Бозорнинг барча субъектларини мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчиларга ёки корхоналар, шахсий истеъмолчилар, бюджетли ташкилотларга (касалхоналар, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва ҳоказо) ажратиш мумкин. Бозорда мол ишлаб чиқарувчи сифатида чиқувчи корхоналарнинг ўзлари буюртмалар қабул қилиши ва жойлаштириши, шартномалар

тузиши, даромадларни тақсимлаши керак. Корхоналар ўз имкониятлари улар томонидан ишлаб топилган маблағлар билан чекланганини ҳис этишлари зарур. Афсуски, иқтисодий системамизда горизонтал алоқалар кўп жиҳатдан вертикал алоқалар томонидан бўғиб қўйилади, бундай алоқалар корхоналарнинг юқори ташкилотларга маъмурий характердаги иерархик тобелигини ифодалайди. Кўпинча уларнинг кўрсатмаси бўйича корхоналар бозордаги шерик билан бевосита айирбошлаш муносабатларини ўрнатадилар.

Рақобатли вазият ҳам бозор механизмининг зарур шартларидан биридир. Баъзи иқтисодчилар социалистик бозорда рақобат мавжуд эмас деб ҳисоблаб, буни социализмнинг афзаллиги деб биладилар. Лекин бизда очиқ рақобат бўлмаганлиги рост, яширин рақобат эса доимо мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам бор. Тўғри, корхоналар харидорни деб эмас, балки ўзаро — ишлаб чиқариш учун зарур мол ва хизматларни олиш учун рақобат қилишади. Харидорлар тақчил молларни сотиб олиш учун бир-бирлари билан рақобат қилмайдиларми, ахир?

Ички истеъмол бозорини барқарорлаштириш учун аввало умуман монополияни барҳам топтириш зарур деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан мавжуд саноат потенциалидан янада самаралироқ фойдаланиш муҳимдир. Бунинг устига бу нарса нафақат енгил индустрия корхоналарига, балки халқ хўжалигидаги асосий фаолияти халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўлмаган тармоқлар учун ҳам тааллуқлидир. СССР ҳукумати машинасозлик, ёқилғи-энергетик ва бошқа халқ хўжалик комплекслари, шунингдек иқтисодиёт мудофаа секторининг салкам 300 корхонасини ана шундай моллар ишлаб чиқаришга мослаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Уларнинг бу ишдан иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида аввалги йил даражасидан ортиқча ишлаб чиқарилган молларни реализация қилишдан олинган барча фойдани уларга қолдириш белгиланди. Бундан ташқари, ўн учинчи беш йилликда енгил саноат корхоналарини қуриш ва реконструкция қилишга ҳозирги беш йилликдагидан икки баравар кўп маблағ ажратиш мўлжалланди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ва аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларни илдам ривожлантиришдан ташқари, аҳоли даромадларини солиқ воситасида тартибга солиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш, АСКни жадал ривожлантириш, импорт-экспорт операцияларини такомиллаштириш ва ҳоказо ҳам мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш фавқулодда чоралари сирасига киритилган.

Лекин бу рўйхатда нимагадир кооператив сектор тилга олинмаган. Ҳолбуки матлубот кооперациясининг ўзигина мамлакат товар оборотининг 26—30 фоизини таъминлайди, қишлоқда яшовчи 130 миллиондан ошиқ кишига хизмат қилади. Кейинги вақтда иқтисодиёт бу секторининг ҳиссаси ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилаётган кооперативлар ҳисобига кўпаймоқда.

Хуллас, кооператив сектор ички истеъмол бозорини барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнаши эҳтимолдан холи эмас. Ҳатто унчалик қулай бўлмаган шароитда ҳам у ғоят жўшқин ривожланмоқда: 1988 йилнинг 1 январида мамлакатда 13,9 минг кооператив бор эди, бир йилдан сўнг улар 77,5 мингга етди, 1990 йилнинг 1 январига келиб эса улар 193 мингдан ошиб кетган эди. Уларда ишловчи кишиларнинг миқдори ҳам шунга мувофиқ ҳолда ўсиб бормоқда: 156 минг, 1,4 миллион ва 4,8 миллион (шу жумладан асосий бандлик шароитида — 3 миллион киши).

Кооперативлар томонидан реализация қилинган маҳсулот (иш ва хизмат кўрсатиш) ҳажмининг ўсиши ҳам қувонарли. Агар 1988 йилда у 6,06 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1989 йилда 40,3 миллиард сўмга етди. Албатта, мамлакат товар оборотининг умумий ҳажмида кооперативларнинг салмоғи ҳозирча юқори эмас: 1988 йилда — 2 фоиздан озроқ, 1989 йилда — салкам 4 фоиз. Лекин гап бозорни қўшимча товар маҳсулоти билан тўлдиришдагина эмас. Бунинг устига, кооперативлар товар оборотининг ўсиши маълум даражада нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг физик ҳажмини кўпайтириш ҳисобига, балки нархларни ошириш ҳисобига юз бермоқда. Кооперативларнинг ички истеъмол бозорини барқарорлаштиришдаги ролини уни товар билан тўлдиришда иштирок эттириш билан чеклаб қўйиш керак эмас. Яқин келажакда улар бу ишга жиддий ҳисса қўша олишлари даргумон. Лекин улар истеъмол бозорига ҳеч бўлмаганда уч йўналишда таъсир кўрсатишлари мумкин.

Биринчидан, кооперативларни ташкил этиш катта капитал маблағларни талаб қилади. Бу маблағлар эса давлат бюджети ҳисобидан эмас, асосан кооператив аъзоларининг шахсий жамғармалари ҳисобидан олинади. Шундай қилиб, истеъмол бозорига қўшимча маҳсулот бераркан, кооперативлар муайян пул массасини ўзаро боғлайди ва шу билан бозорга даъво қилинадиган тўлов қобилиятини пасайтиради. Иккинчидан, кооперативлар, одатда юқори даромад оладилар, унинг бир қисми улар асосий фондларини кўпайтиришга сарфланади. У муайян ҳажмда кооперативларнинг резерв пул фондини ташкил этади. Агар бу ортиқча пулларни иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғламасак, улар истеъмол бозорига қўшимча тазйиқ кўрсатадилар.

Резерв пулларни кооператив ишлаб чиқаришнинг ўзини ривожлантиришга йўналтирилса, яхшироқ бўлар эди. Лекин бунга

ҳозирча доимо ҳам муваффақ бўлинаверилмаяпти: моддий ресурслар йўқ, ишчи қўллар етишмайди, маъмурий чеклашлар ғов бўлиб турибди. Шу сабабли бу пулларнинг узоқ муддатли ёки, ҳеч бўлмаганда, қисқа муддатли қимматбаҳо қоғозларга айланишини ташкил этиш жуда муҳимдир.

Кооператорнинг асосий мақсади — даромад олиш бўлгани учун унинг ортиқча пул маблағларидан юқорида кўрсатилганидек фойдаланиш пул бозорига тазйиқни камайтиради. Кооператорлар нақд пулларининг бугунги кунда банклардан олинаётгани — кооперацияга муайян даражада ишончсизлик мавжудлигига, шунингдек Давлат банки бўлимлари кассаларидан ўз пулларини эркин ола олмасликларига далолатдир. Қимматбаҳо қоғозлар ҳеч кимга қарашли бўлмагани учун улар бу пулларни давлат кассасига қайтариш ва уларни узоқ вақт ўзаро боғлаш учун имконият яратарди.

Кооперация системасида ўз банкларини барпо этиш — учинчи йўналишдир. Мамлакатда дастлабки ана шундай банклар аллақачон яратилган. Уларнинг пул бозорига чиқишини прогрессив ҳодиса деб ҳисоблайман, чунки бунда давлат банкларига нисбатан реал рақобат бунёдга келади.

Иқтисодиёт объектив қонунлар бўйича ҳаракат қилади. У билан мувофиқлаша олмайдиган нарсаларнинг ҳаммаси самара келтирмайди. Ё рақобат курашида маҳсулотнинг истеъмол хусусиятини яхшилашга йўлловчи бозор, ёхуд сифатсиз молнинг сиқиғи. Учинчи йўл мавжуд эмас. Давлат қабули ўзини оқламади, чунки у фақат назоратчиларни назорат қилар ва камчиликларни қайд этар эди, лекин у сифатни бошқариш механизмини яратмади.

Истеъмол бозорини яхши ва сифатли моллар билан тўлдириш учун рақобат зарур. Давлат савдоси билан матлубот кооперациясида ана шундай рақиб пайдо бўлди. У 1989 йил июлида ўз уюшмасига бирлашган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооператив корхоналар ҳамда ташкилотлардир. Бу уюшманинг вазифасига барча даражадаги кооперативларнинг социал ҳуқуқлари ва мол-мулкка доир манфаатларини ҳимоя қилиш; кооперативларнинг фаолияти учун қулай иқтисодий ва социал шарт-шароитни барпо этиш, кооперативларнинг давлат иқтисодиётни бошқариш органлари билан бир маромда ўзаро алоқасини ташкил этиш киради.

Ишлаб чиқариш бўлинмалари — фабрикалар, заводлар, трестлар, бошқармалар кооператив ҳаракатга борган сари кўпроқ қўшилмоқда. Уларнинг давлат секторидан кооператив секторига ўтиши билан мўъжиза юз бергандек бўлади: гарчи маҳсулот нархи ҳам, меҳнатга ҳақ тўлашдаги расценкалар ҳам ўзгармай қолсада, авваллари зарар кўрувчи корхоналар фойда ола бошлайди. Мўъжизанинг сири оддий: ишлаб чиқаришнинг тўла ҳуқуқли соҳиблари ҳар бир тийинни тежашга ҳаракат қилишади.

У. РАШИДОВ,
Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитети Марксизм-ленинизм университетининг ректори.

«БУГУН ҲЕЧ КИМ ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИДЕК ҚИЙНАЛАЁТГАНИ ЙЎҚ»

СИЗГА БУНДАЙ ҲАМДАРДЛИК билан айтилган сўзни эшитишга тўғри келганми? Мен бир неча марта эшитганман. Афсуски, кўп ўн йилликлар давомида ҳаққоний тарихга эга бўлмай яшадик. Унинг баъзи саҳифалари сохталаштирилган, хаспўшланган ёки бутунлай олиб ташланган. Илмнинг бу соҳасида бир талай «оқ доғлар» ва «қора туйнуклар» пайдо бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда савияси ҳозирча юқори бўлмаган тарих таълими ва тарих воситасида тарбия бериш масаласи кескин бўлиб турибди. Тайёр схемалар, схоластик назариябозлик тарихий ҳақиқатни уни ҳамма мураккабликлари, ранг-баранглиги, шахснинг манфаатлари ва ҳоказолар билан биргаликда борган сари четга суриб чиқарди. Ф. Энгельс: «Тарихни материалистик тушунишда ҳам энди бир талай шундай дўстлар мавжудки, улар учун бундай тушуниш тарихни *ўрганмасликка* важ бўлиб хизмат қилади» деб истеҳзо билан таъкидлаган эди (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 37, с. 370). Бу сўзлар устида мулоҳаза юритса арзийди. Шубҳасиз, олий ўқув юртлари ва умумий таълим мактабларида тарих фанларини ва уларни ўқитиш методикасини ривожлантиришда жамиятдаги мавжуд номатлуб ҳодисалар ҳам салбий таъсир кўрсатди.

«Мактабда ва институтда,— деб ёзади Калининград областидан И. В. Якушонок

Вопросы истории» журналида (1989 йил)-сон),— менга каҳрамонликлар, съезд-эр, арбоблар ва хоказолар тўғрисида кишга ва ёдлашга тўғри келган, улар ҳа-эб такрорланар ва натижада ўз хусуси-тларини йўқотар эди. Бундай тарих менинг эшимга тегарди. Бунинг натижасида дип-омимдаги ягона «қониқарли» баҳо — ПСС тарихидан бўлди. Мамлакатимиз-инг тўғри ва адолатли тарихини ўрганиш-инг иложи йўқ эди. Буларнинг ҳаммаси тиги 3—5 йил олдин бўлганига ҳозир ҳатто шонгинг келмайди. Тўсатдан мамлакати-из ҳаётининг янги саҳифалари очила бош-ади. Одамлар ошкораликка интила бошла-илар... Мен газета ва журналларда тарих-а оид нимани учратсам, ҳаммасини энти-иб ўқийман, қирқиб оламан, алоҳида апкага соламан. Менинг нафас олишим нгиллашди, кўзларим очилди, эшитиш қо-илиятим кучайди». Бу сўзларга фақат қў-шилиш мумкин.

Қайта қуриш ва ошкоралик шарофати билан аста-секин «оқ доғлар» тугатилаяп-и, тарих реал инсонлар билан «тўлдирила» юшланди. Қайтадан мушоҳада қилиш жа-раёни шиддат билан боряпти. Янги-янги ахборотнинг оқими эски тасаввурларни су-уриб ташлаяпти, кечаги сир бугун ошкора, акикланган нарсалар — очик-ойдин бўлиб олмоқда. Билиб олинган нарсалар ортида али нотаниш нарсаларнинг улкан манза-аси кўзга ташланади. Бу қонунийдир. Ле-ин партиясининг тарихий тажрибасини, амлакатимизда социализм қурилишини, амиятнинг маънавий ҳаётида юз бераёт-ан жараёнларни чуқур таҳлил қилмасдан ингиланишни тасаввур қилиб бўлмайди.

Давр тарихчилардан жиддий ва амалий шни, ҳалол ва ҳаққоний илмий асарлар ва арсликлар яратиш, ўтмишимизга масъули-т билан муносабатда бўлиш борасида реал адамларни талаб қилмоқда. Булар бекор-и масалалар эмас, улар ҳақиқатни билиш-и истаган жамиятни ғоятда ҳаяжонлан-ирмоқда.

Ўйлашимча, методология масалаларида биз тарихий ҳақиқатни эгаллашда кўп нар-ага эришган хорижий олимлардан баъзан ркада қоляпмиз. Уларнинг илмий ишлари биз ўйлаб ҳам кўрмаган ҳужжатлар, факт-лар билан тўлган. Улар 20—30-йилларда бўлиб ўтган воқеаларни бизга қараганда тўларок ва ҳалолроқ кўрсатдилар.

Матбуот саҳифаларида социализмнинг ҳозирги концепцияси тўғрисидаги мунозара давом этмоқда. Бироқ унинг кўпгина му-аммолари ҳалигача дахлсиз турибди. Биз энди капитализмни — очиқдан-очиқ ёмон, социализмни эса — фақат яхши дейиш мумкин эмаслигини тушунамиз. Кейинчи? Ҳозирча таълим жараёнида аниқ билим-ларга нисбатан ҳис-ҳаяжонлар кўпроқ на-моён бўлмоқда, бундай бўлиши эса мумкин эмас. Ва яна: биз ўтмишни ва ҳозирги давр-ни илгарига қараганда чуқурроқ таҳлил қиляпмиз, лекин иш келажакка бориб та-қалганда, кўпгина ҳолларда қийин аҳволга тушиб қоламиз.

Совет тарих фанида кенг доирадаги му-аммоларни қўйиши билан, уларни муҳокама қилишда етарлича эркинлик ва аҳамиятга молик натижалар билан ажралиб турувчи муваффақиятли ривожланиш, чинакам юк-салиш намоён бўлувчи иккита давр бўлган: 20-йилларда ва партия XX съездидан кейин-ги ўн йилликда. Бу илмий билим ўсишининг иккита кудратли тўлқини бўлган эди. Қайта қуриш шароитида янги, учинчи давр пайдо бўляпти.

Дарсликлар ҳар доим тарих фанидаги ҳукмрон концепциялар ва нуктаи назарлар-ни акс эттиради. Реал ҳаётдан чекиниш, воқеликни бўяб кўрсатиш, тилга олмаслик ўқувчиларнинг тарбиясига тузатиб бўлмай-диган даражада зарар етказди, уларга «кў-шалок» ахлокни сингдирди. Ўйлашимча, ёшлар бир қисмида мавжуд бўлган салбий жараёнлар — кўпгина воқеаларни бузиб талқин қилганлик оқибати ҳамдир.

Ҳозир кўпгина мактаб дарсликлари, ай-никса XX аср тарихига доир дарсликлар ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам қано-атлантирмайди. Улар зерикарли, жонли эмас, догматик руҳдадир. Уларда халқнинг жонли, зиддиятли, қаҳрамонона ва шу би-лан биргаликда драматик тарихи кўпгина фактлари ўз ифодасини топмади. Эҳтирос-сиз ва жуда кўп ортиқча маълумотларга тўлдирилган бундай дарсликлар ўқувчилар билан мулоқотга, догматизмни, схоластика-ни бартараф этишга, тарихга доир билим-ларнинг тарбиявий имкониятларини амалга оширишга ёрдам бермайди.

Шу билан бирга ўрта умумий таълим системасида тарихни бошқа фанлар сиқиб қўйган. Мен «Ўқитувчиларга нима учун оғир?» («Комсомольская правда», 1989, 11 ноябрь) мақоласида ифода этилган ушбу нуктаи назарга қўшила олмайман: «Ҳозир-гача тарих фани ўзининг концепциясини аниқлаб олмаган экан, дарслик қандай бў-лиши мумкин?» Афтидан, муаллифлар тарих ўқитувчилари мунтазам дуч келаётган қи-йинчиликларни ҳисобга олмаяптилар.

Бугун, янги дарсликлар худди нондек за-рур. Уларни яратиш вақтида олимлар, ме-тодистлар, ўқитувчиларнинг тиғиз ҳамкор-лигини таъминлаш керак. Дарслик тарих фанидаги қайта қуриш жараёнларини ифо-да этиши лозим, деб ҳисоблайман. Бу эса схематизмдан, тилга олмасликдан ва тўғри-дан-тўғри бузиб талқин қилишдан воз ке-чишни, индустриялаштириш, коллектив-лаштириш тарихини, уруш йиллари ижти-моий-сиёсий ҳаётининг воқеаларини ҳаққо-ний кўрсатишни тақозо этади. Дарвоқе, мактабда бу давр, илгаридек, ривожланган демократия, нуқул муваффақиятлар даври сифатида талқин қилиняпти.

Республиканинг умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон ССР тарихини ўқитишдаги вужудга келган вазият катта хавотирлик уйғотади. Уни қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишда ҳатто энг кам эҳтиёжлар таъминланмаяпти. Ваҳоланки, ўқувчилар аввало ўз ўлкасининг, ўз халқининг тарихини билишлари керак. Ватанга муҳаббат ана шундан бошланади, катта авлодлар яратган нарсаларни қадрлай билиш маҳорати ва уларни кўпайтириш истаги пайдо бўлади.

Умумий таълим мактабларининг 5—11-синфларига доир амалдаги программада СССР тарихи учун 374 соат, умумий тарих учун эса — 612 соат ажратилган. Ўзбекистон ССР тарихини ўрганиш учун СССР тарихи умумий соатлари ҳисобидан атиги 50 соат ажратилган. Шу билан бирга улар қуйидаги тартибда тақсимланган: 7-синф — 8 соат, 8-синф — 3 соат, 9-синф — 7 соат ва 10-синф — 6 соат. Қолган 16 соат — факультатив машғулотлардир. Ўқитувчи СССР тарихи билан Ўзбекистон ССР тарихини даврлар бўйича боғлайди деб фараз қилинади. Тажрибанинг кўрсатишича, умумий таълим мактабларининг маъмурияти факультатив машғулотларни ўқитишга кам эътибор беряпти. Баъзан ажратилган соатлар ижтимоий фойдали меҳнатга ёки табиий фанларга бериляпти.

Ўқитувчи еттинчи синфда 8 соат мобайнида Ўзбекистон тарихи бўйича ибтидоий жамоа тузумидан то XVIII асргача бўлган маълумотларни ўргатиши керак. Тўққизинчи — ўн биринчи синфларда ҳам шунга ўхшаш аҳвол вужудга келган.

Бундан ташқари, факультатив машғулотларни ҳисобга олиб, 70-йилларда тайёрланган Ўзбекистон ССР тарихи дарслиги, кўпгина тарихий воқеалар унда объектив ёритилмаганлиги сабабли, ҳозирги эҳтиёжларга жавоб бермайди. Назаримда, энг мақбул вариант — регионал дарсликларни яратиш. Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар тарихидан сунъий равишда ажратиб олиб ўрганиш келишмаган нарсадир. Бу нарса география, табиат, маданиятга ҳам тааллуқлидир.

Ўқитувчи ғоявий-маънавий эстафетани кейинги авлодларга топширишни таъминлашга даъват этилган. Тарих ва жамиятшунослик курсларида эса тарихда шахс, арбоб, тарих ижодкори бўлган инсон каби муаммолар биринчи планга қўйиляпти. Ўқувчи дарсдан нафақат билимни, балки умуминсоният тарихига шахсан алоқадорлик туйғусини ҳам олиб кетиши муҳимдир. Бугун ўқитувчига ўзимизнинг олдимизда, ёш авлод олдида улкан жасорат соҳиби бўлиш ҳам, улкан ҳалоллик эгаси бўлиш ҳам зарурдир.

В. И. Ленин бир неча марта турли сабабларга кўра тарих сабоғини англашга, ундан хулосалар чиқаришга чақирди. Бугун бу чақириқ янада долзарблик касб этмоқда. Қайта қуриш учун келажакка назар ташлаш ҳам, тарихий тажрибага таяниш ҳам ғоятда зарур. Совет тарихчилари инқилобий қайта қуришга салмоқли ҳисса қўшиш учун катта имкониятларга эгадирлар. Тадқиқот фаолияти учун шундай шарт-шароит яратиш керакки, у ҳақиқатни бузиш ва шарҳбозликка, субъективизмга, ортиқча мойиллик ва хушкўрмасликка, оғмачиликка ва ақидапарастликка йўл қўймасин. Тарихни ақл билан идрок қилиш керак, лекин у қалб орқали ҳам ўтиши керак.

Ф. ҒАФФОРОВ,
тарих фанлари номзоди,
Тошкент машинасозлик институтининг
Наманган филиали КПСС тарихи
кафедраси доценти.

Редакция адреси: 700000. Тошкент—П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01, 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул котиб — 32-58-03, 33-60-42; масъул котиб ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: илмий социализм назарияси ва амалиёти — 32-58-65; тарих ва халқаро ҳаёт — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иқтисодий проблемалар 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; хатлар, ахборотлар, танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 3.07.1990 йил. Босишга рухсат этилди 17.07.1990 й. Формати 70×108 1/16. Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар 8,6 Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 32239 (ўзбек тилида 21679, рус тилида 10560).
Буюртма № 3687. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри. «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ISSN 0134—2193 «Ўзбекистон коммунисти» 8, 1—96.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

Совет Иттифоқи
Коммунистик партиясининг
XXVIII съезди

9 . 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 9
СЕНТЯБРЬ
1990 йил

1921 йил февралидан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

КПСС жамиятга ва давлатга бундан буёнги даврга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини тақдим этади. Бу нарса съезднинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёнотида, мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларига оид резолюцияларда баён қилинган.

КПСС МКнинг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари юзасидан КПСС XXVIII съездининг резолюциясидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVIII СЪЕЗДИ

1990 йилнинг 2—13 июлида Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди бўлиб ўтди. Съездда партия сайлов органларидан ва партия конференцияларида сайланган 4657 делегат иштирок этди. Узрли сабабларга кўра 26 делегат қатнашмади. Съездга барча иттифоқдош республикалардан партия ташкилотлари юборган 350 ишчи ва деҳқон, делегат бўлмаган КПСС Марказий Комитети ҳамда тафтиш комиссиясининг аъзолари ва аъзолигига номзодлар, делегат қилиб сайланмаган ВЛКСМ МКнинг биринчи ва иккинчи котиблари, ўн бир иттифоқдош республикалар комсомоли МК биринчи котиблари, марказий идоралар, давлат ва жамоат ташкилотларининг бир қатор ходимлари таклиф этилди.

Съездни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев очди.

Фикрлар алмашингач делегатлар съезднинг раҳбар органларини — Президиум, Секретариат, Таҳрир ва Мандат комиссияларини сайладилар.

Съезд делегациялар вакилларининг кенгаши ишлаб чиққан кун тартибини муҳокама этди ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда уни қуйидаги кўринишда тасдиқлади:

КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзолигига номзодларнинг, КПСС МК котибларининг ҳисоботлари.

КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

КПССнинг бюджети ва мулки тўғрисида.

КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёноти.

КПСС Устави.

КПСС Марказий назорат комиссияси тўғрисидаги низом.

Партиянинг марказий органларини сайлаш.

КПСС XXVIII съездининг резолюциялари, баёнотлари ва мурожаатномалари.

Сўнгра съезднинг иш тартиби тасдиқланди.

Кун тартибидаги биринчи масала тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев маъруза қилди.

Съезд КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг — СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижков, КПСС МК котиблари В. А. Медведев, А. Н. Яковлев, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитети раиси Ю. Д. Маслюков, илгари РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлиб ишлаган В. И. Воротников, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси В. А. Крючковнинг, КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзодлар — КПСС Марказий Комитети котиби Г. П. Разумовский, СССР Мудофаа министри Д. Т. Язовнинг ҳисоботларини тинглади.

Съезд узоқ давом этмаган мунозарадан сўнг Мандат комиссиясининг маърузасини тасдиқлади, уни комиссия раиси Ю. А. Манаенков ўқиб берди.

Съезд Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тинглади ва тасдиқлади (маърузачи — комиссия раисининг ўринбосари А. А. Низовцева). КПСС МК ишлар бошқарувчиси Н. Е. Кручина КПССнинг бюджети ва мулки тўғрисида маъруза қилди.

Съезд қатнашчилари 5 июлда партиянинг асосий йўналишларини, энг муҳим ҳужжатларнинг лойиҳаларини чуқур ўрганиш мақсадида тузилган қуйидаги етти секцияда ишлашни давом эттирдилар: партияни янгилаш; КПССнинг мафкура-

вий иши; социал-иқтисодий сиёсат; КПССнинг аграр сиёсати; партия, Советлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар; КПССнинг миллий сиёсати; КПССнинг халқаро фаолияти. Съезд қарорига кўра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзодлар — КПСС МК қошидаги Партия контроли комитети раиси Б. К. Пуго, Президентлик кенгаши аъзоси Е. М. Примаков, СССР Олий Совети Раиси А. И. Лукьянов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. П. Бирюкова, А. В. Власовнинг, шунингдек КПСС МК секретарлари О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, «Правда» газетаси бош муҳаррири И. Т. Фролов, Г. И. Усмонов, А. Н. Гиренколарнинг ҳисоботларини тинглаш секцияларда давом эттирилди.

Съезд секциялар вакилларининг қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотларини тинглади.

Съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бир қатор аъзолари делегатларнинг саволларига жавоб беришди.

Съезд ишлаган вақтда М. С. Горбачевнинг съездга делегат бўлган бошланғич партия ташкилотларининг котиблари билан учрашуви, шунингдек М. С. Горбачев ва Н. И. Рижковнинг Совет коммунистлари олий анжумани иштирокчилари — ишчи ва колхозчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботини муҳокама қилиш якунлари хусусида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Съезд қуйидаги резолюцияларни қабул қилди: «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари юзасидан», «Ҳозирги босқичда партия ҳарбий сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида», «Демократик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун, коммунистлар қувғин этилишига қарши», «КПССнинг бюджети ва мулки тўғрисида», «Деҳқонларнинг аҳволи ва КПСС аграр сиёсатини амалга ошириш тўғрисида», «Иқтисодий ислоҳотни ўтказишда ва бозор муносабатларига ўтишда КПССнинг сиёсати тўғрисида», «КПССнинг таълим, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати тўғрисида», «КПССнинг оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «КПССнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисида», «Чернобиль атом электр станциясидаги фалокатга сиёсий баҳо бериш ва унинг оқибатларини тугатиш соҳасидаги ишлар қандай бораётганлиги тўғрисида», «Демократик миллий сиёсат — халқлар ўртасидаги ихтиёрий иттифоқ, тинчлик ва аҳиллик йўли».

Съездда М. С. Горбачев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош котиби этиб сайланди. У съезд қатнашчилари олдида қисқа нутқ сўзлади. КПСС МК Бош котибининг ўринбосари, КПСС МК аъзоси этиб В. А. Ивашко, КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси, КПСС МНК Президиумининг аъзоси этиб Б. К. Пуго сайланди.

Съезд «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёнотни қабул қилди. Съезд барча коммунистларга, партия ташкилотлари ва партия органларига КПССнинг янги Программаси қабул қилингунга қадар Дастурий баёнотга асосланиб иш тутишни таклиф этди.

Съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Уставини тасдиқлади.

Съезд КПСС Марказий назорат комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлади.

Съезд алоҳида қарор чиқариб, барча делегатларга унинг қарорларини пропаганда қилиш ва конкрет амалга оширишда фаол иштирок этишни топширди.

Съезд Секретариатининг таклифи асосида делегатлар «Меҳнаткашларнинг КПСС XXVIII съездига юборган хатлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Съезд «КПССнинг янги Программасини тайёрлаш ҳақида» қарор қабул қилди ва партия ана шу асосий ҳужжатининг лойиҳасини ишлаб чиқишга доир комиссия ташкил этди.

Съезд 412 кишидан иборат таркибда КПСС Марказий Комитетини ва 165 кишидан иборат таркибда КПСС Марказий назорат комиссиясини сайлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев съездда якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини тамомлади.

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН ОЛҒА БОРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети Бош котиби М. С. Горбачевнинг

«КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари» тўғрисидаги маърузаси

Ўртоқлар! Беш йил мобайнида биз турмушнинг ҳамма соҳаларида инқилобий сакраш қилдик. Шу туфайли биз энг асосий довонга чиқиб олдик. Ҳозир вазифа шу тарзда турибди: ё совет жамияти бошланган чуқур ўзгартишлар йўлидан олға боради — бу ҳолда буюк кўп миллатли давлатимиз муносиб келажакка мушарраф бўлишига аминман, ёки қайта қуришга қарши кучлар устун бўлиб қолади — бу ҳолда, ҳақиқат бетига тик қарайдиган бўлсак, мамлакат, халқ аянчли замонларга дучор бўлади.

Хуллас, сидқидилдан гаплашиб олишимиз керак. Ўз фикр ва хулосаларимизни кечга сура олмаймиз, шу сабабли қайта қуришнинг ҳозирги босқичи барча туб масалалари хусусида бир тўхтамга келишимиз керак, бу масалалар съездолди мунозарасининг ҳам марказида бўлди.

1985 йилнинг апрелида бошланган бурилиш ўринли бўлдими? Ҳозир биз «социализм» тушунчасини қай маънода англаяпмиз? Ички ва ташқи сиёсатда қайси қоидаларга амал қилмоқчимиз? Халқнинг турмушига таъсир қилаётган ва ҳаққоний норозиликка сабаб бўлаётган инқирозли ҳодисаларни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Ватанимизнинг тақдири қандай бўлади ва биз суверен давлатларнинг иттифоқини қай тарзда қурамиз? Янги шароитда партиянинг ўрни қандай бўлади, сиёсий, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан унинг ўзи қандай бўлади, биз КПССни меҳнаткашларнинг халқ ишончига сазовор бўлган инқилобий ташкилоти сифатида қандай қилиб қайта тиклашимиз лозим?

I. Ҳозирги пайт ҳақида

Ҳозир жамиятимиз шундай вазиятга тушиб қолдики, бу ҳақда ўткир баҳслар, кечинмалар бўлмоқда, ҳатто бир-бирига зид фикрлар айтилмоқда. Барча ташвиш ва таҳликаларнинг илдизлари, мен сизга айтсам, ҳозирги пайт замирида яшириниб ётибди. Нима қилишимиз керак, келгусида қандай яшашимиз керак, деган саволнинг жавоби ҳам шу ерда. Беш йил мобайнида жамиятда рўй берган ўзгаришларнинг миқёси ва бутун хилма-хиллигини ҳисобга олгандагина ҳозирги пайтнинг хусусиятини тўғри тушуниш мумкин. Дарҳақиқат, мамлакатда инқилобий ўзгаришлар рўй берди, биз жамики ўзгартишлар манзарасини кўра билишимиз керак.

Социализмнинг сталинча модели ўрнини эркин кишиларнинг фуқаропарвар жамияти эгалламоқда. Сиёсий система тубдан ўзгартирилмоқда, эркин сайлов, кўп партиялилик, инсон ҳуқуқлари рўёбга чиқарилаётган чинакам демократия қарор топмоқда, ҳақиқий халқ ҳокимияти қайтадан юзага келмоқда. Меҳнаткашларни мулкдан ва ўз меҳнатининг натижаларидан бегоналаштириш манбаи бўлиб келган ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгартирилмоқда, социалистик ишлаб чиқарувчиларнинг эркин мусобақаси учун шароит яратилмоқда. Ўта марказлаштирилган давлат халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашига ва ихтиёрий бирлашувига асосланган чинакам Иттифоқ давлатига айлантирила бошланди. Мафку-

равий буйруқбозлик муҳити ўрнини ҳурфикрлилик ва ошкоралик, жамиятнинг ахборотлардан рўй-рост хабардор бўлиши эгаллади.

Янги сиёсий тафаккур бизга атроф-муҳитни янгичасига кўриш ва холисона баҳолаш имконини берди, ташқи сиёсатга мухолифлик билан ёндашувдан халос этди. СССР тинчлик ва ҳамкорликка тайёр бўлган, даҳшат солмайдиган, балки ҳурмат ва бирдамлик туйғуларини уйғотадиган мамлакат бўлиб қолди. 1985 йилнинг апрелидан кейин биз одамларга ҳақиқатни айтдик, сохта манманликни улоқтириб ташладик ва одамларга муносиб турмушни амалда таъминлаб бера олмаганимизни тан олдик. Ҳокимлик-тўрачилик тузумининг жиноятларини қатъиян қораладик. Ғайриқонуний қатағонлар қурбони бўлган кўп минглаб кишиларнинг табаррук номларини тикладик.

Мана шуларнинг ҳаммаси ақл-идрокда чинакам тўнтариш қилди. Ҳаёт жўшқин, сермазмун, мароқли бўлиб қолди. Аммо у соддароқ ҳам, енгилроқ ҳам бўлиб қолгани йўқ. Турли сиёсий оқимлар вужудга келиб, ўзаро алоқа қилмоқда ва бир-бири билан курашмоқда. Аҳолининг жуда турли гуруҳлари ва қатламлари манфаатлари ҳаракатга келтирилди ва улар бир-бири билан тўқнашмоқда.

Қайта қуриш одамларнинг ўз қадр-қиммат туйғусини юзага чиқарди, айни вақтда турмуш даражасига талабни ҳам оширди, тез орада яхшилик сари ўзгаришлар бўлишига катта умид туғдирди. Ўтмишда индамай тоқат қилиб келган аҳволга энди совет кишиси тоқат қилмаяпти. У таги соғлом бўлган жўшқин қайта қуриш жараёнига сув бетидаги кўпикдек илашиб юрган салбий ҳодисаларни ўринли равишда ташвиш ва ғазаб билан қарши олмоқда. Кишилар онгидаги беҳаловатлик, асабийлик, стихияли митингбозлик, бир-бирини айблашлар ва бир-бирларига даъво қилишлар мана шундан келиб чиқмоқда. Кейинги вақтларда бундай айблашлар ва даъволарни, жумладан, Россия Федерацияси Компартиясининг съездида ҳам бисёр эшитишга тўғри келди.

Ўртоқлар, башарти, вазиятга хос бўлган муҳим зиддиятни пайқаб олмасак, уни таҳлил этишда илгари силжимаймиз. Бир томондан, биз қилаётган ишлар жамиятимизни бутунлай ўзгартириб юборади, бинобарин, у яқин йилларда ва ўн йилликларда жамиятимиз қандай бўлишини белгилаб беради. Иккинчи томондан, бизнинг олдимизда халқнинг кундалик турмушини оғирлаштираётган кўпдан-кўп ҳал этилмаган муаммолар турибди.

Бунда диалектикани тушуниш муҳимдир. Биз, муваффақиятли бошланган ва тарих мезонлари бўйича жамиятга кўп нарсалар бериб улгурган қайта қуриш жараёни нима сабабдан жамиятнинг кўпгина касалликларини даволай олмади, деган саволдан қочиб қутула олмаймиз. Маълум маънода олганда, аҳвол ҳатто ёмонлашди. Бу гап биринчи навбатда истеъмол бозорига тааллуқли, бироқ у бутун иқтисодиётга, ижтимоий тартибларга, миллатлараро муносабатларга ҳам тегишлидир.

Нима сабабдан шундай бўлди, деган саволга аниқ ва асосли жавоб бериш бундан буён нима қилиш керак ва қандай иш олиб бориш керак, деган хулосалар учун ҳам муҳимдир. Бундай жавоб одамларда қайта қуришга бўлган ишончни мустаҳкамлаш учун ҳам зарур. Чунки, ҳозирги кулфатларимизнинг ҳаммасига қайта қуриш айбдор, деган овозлар эшитилмоқда, бу ҳам майли-я, — ўзига хос нуқтаи назар шаклланди. Қаттиқ гапирганим учун кечирасизлар-у, бу бемаъниликдан бошқа нарса эмас. Бу гапларни ҳаммага кўриниб турган фактларга кўзни каттароқ очиб қарашни истамаганликлари ёки қарай олмаётганликлари учун айтишмоқда. Балки, маълум мақсадларни кўзлаб айтишаётгандир.

Бизга жуда оғир мерос қолган. Келинг, биргалашиб эслайлик ва муҳокама қилайлик. Қишлоқнинг, қишлоқ хўжалигининг ва қайта ишловчи саноатнинг хароблиги, бу нима — кеча, 1985 йилдан кейин пайдо бўлган нарсами? Ҳолбуки, бу нарса озиқ-овқат соҳасидаги ҳозирги вазиятни ва қишлоқда деҳқонларнинг аҳволини, уларнинг бугунги ҳаётини белгиламоқда. Энергетика соҳасидаги аввалги сиёсат натижасида ўрмонларимиз, дарёларимиз хароб аҳволга келиб қолганлиги, миллионлаб гектар сермаҳсул ерларни сув босганлиги — булар ҳам охирги йилларнинг қилмиши-ми? Экология соҳасидаги оғир вазият — фалокат зонасидаги юздан ортиқ шаҳар, шу туфайли тўхтатиб қўйилган мингдан ортиқ корхона, Байкал, Орол, Ладога, Азов фожиаси, Чернобиль ва бошқа авариялар, темирйўл-

лар ва газ қувурларидаги фалокатлар — буларнинг барчаси охирги ўн йилликлар давомида ўтказиб келинган сиёсатнинг оқибатлари эмасми, ахир?!

Саноат ишлаб чиқариш фондларининг бор-йўғи еттидан бир қисмигина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга қаратилган иқтисодиёт структураси 30-йилларда таркиб топмаганми ва ўша пайтдан бери сақланиб келмаётирми? Ёки Кузбасс, Донбасс, Тюмень, Воркута муаммоларини олайлик — ахир, бу ерларда ижтимоий соҳа тушиб қолган аҳвол ўн йиллар давомида таркиб топган-ку!

Бугунги кунда миллатлараро муносабатларда юзага келган нарсаларнинг ҳаммасининг илдизи ўтмишга бориб тақалмайдими? Жуда катта, шу билан бирга энг яхши моддий ва ақлий ресурсларни ютиб юборган иқтисодиётни ҳарбийлаштириш ҳақида гапирмай қўяқолай. Афғонистондаги уруш туфайли қурбон берилган одамлар ўрнини тўлдириб бўлмаслиги ҳақида гапирмай қўяқолай.

Келинглар, объектив ва принципиал бўлайлик. Катта сиёсатда майда эҳтиросларга берилиш мумкин эмас. Шу сабабли «етар ўтмишга ағдариш», дейишар экан, ҳамма қийинчиликларни қайта қуришга ағдаришар экан, бунга қўшилиб бўлмайди. Ҳа, сиз билан бизнинг вазифамиз — аҳволни тузатиш, ҳамма ишларни яхшилик томонга ўзгартириш, одамларнинг ҳаётини яхшилаш, лекин бугун бошимизга тушган аҳволнинг ҳаммаси — қайта қуришнинг оқибатлари, деб айтиш мумкин эмас. Баҳо беришда хато қилсак, ўз ҳаракатларимизда, амалий ишимизда ҳам чалкашликка йўл қўйишимиз мумкин.

Ўртоқлар, буларнинг ҳаммасини гапирар эканман, Марказий Комитет, Сиёсий бюро, жумҳуриятлардаги партия, совет, хўжалик идораларида ва жойларда иш олиб бораётган коммунистлар фаолиятига тааллуқли баҳолар ва хулосаларни бўшаштирмоқчи эмасман, асло. Биз кўп нарсаларни олдиндан кўришимиз, энг аввало, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги, миллатлараро муносабатлардаги, маданият ва мафкура соҳасидаги жараёнларнинг ривожланишига йўл қўймаслигимиз мумкин эди. Мана шу камчилик учун Сиёсий бюро масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилмайди. Маъруза давомида конкрет масалаларни қараб чиқиш чоғида бу ҳақда батафсил гапирмоқчиман. Биз кун тартибида Сиёсий бюро аъзоларининг, Сиёсий бюро аъзолигига номзодларнинг ва Марказий Комитет котибларининг ҳисоботларини назарда тутдик. Бинобарин, делегатлар партия раҳбар идораларининг фаолияти ҳақида зарур ахборот олиш имконига эга бўладилар.

Бироқ менинг тушунишимча, съезд шошилинч ҳукм чиқариш учун тўпланган эмас. Биз сабабларни таҳлил қилишни давом эттиришимиз, олдимизда революцион ўзгаришлар қилиш зарурати пайдо бўлган вақтдаги мамлакатнинг аҳволини тўғри баҳолашимиз керак. Шу билан бирга бу ўзгаришлар кечиктириб бўлмайдиган ўзгаришлар эди, чунки СССР борган сари жадал суръатлар билан иккинчи даражали давлатга айланиб қоладиган ҳолатга тушиб бормоқда эди. 80-йиллар бошидаёқ бизнинг зоҳирий фаровонлигимиз табиат ва одам ресурсларидан ёввойиларча, исрофгарчилик билан фойдаланиш эвазига қўлга киритиб турилганлиги аён бўлиб қолди. Рўй-рост айтиш мумкинки, биз жуда тез орада оқибатларини айтиб бўлмайдиган фалокатли аҳволга тушиб қолган бўлур эдик.

Биз партия XXVII съездидан кейин ўтган беш йил мобайнидаги ишларимизнинг натижаларини ҳам батафсил ўрганиб чиқишимиз керак. Ҳозирги пайтни тўғри тушунмоқ учун, энг аввало, қайта қуришнинг ўзи охирига етказилмаганлигини назардан қочирмаслик керак. Биз ўтиш даврида турибмиз, бу даврда олдинги системани бузиш охирига етказилмаган, айниқса, янги система қурилиши тугалланган эмас. Демак, анча қатъият билан ҳаракат қилиш зарур. Чунки сусткашлик мамлакатдаги вазиятни кескинлаштиради.

Биз кўпгина ишларга шу қадар қийинчилик билан эришаётганлигимизнинг жиддий сабабларидан бири — бошқарув структураларидаги бюрократлар қатламининг ҳамда улар билан боғланган ижтимоий кучларнинг ўзгаришларга қаршилик кўрсатаётганлигидадир. Биз қайта қуриш реал ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб турган ва халқ номидан жамият бойликларини тасарруф қилган кишиларнинг манфаатларига муқаррар суратда дахл қилишини билар эдик, албатта.

Эскиликка тарафдор бўлган ва қайта қуриш жараёнларига ҳеч қўшила олмаётган, бунинг устига, бу жараёнларни сиёсий жиҳатдан ҳам, психологик жиҳатдан ҳам қабул қилмаётган бир қисм раҳбар-кадрларнинг ҳозирги позицияси бизга аён. Шундай экан, биз агар бундай ходимларнинг — мен юқорида айтиб

ўтганимдек, улар бошқарув структурасининг ҳамма қатламларида мавжуд позициясини енга олмасак, қайта қуриш жараёнлари кескинлашиб боришини кўра билишимиз керак.

КПССнинг бу масаладаги позицияси принципиал аҳамиятга эга. Равшанки, биз енгил-елпи баҳо беришга ва хулосалар чиқаришга, айниқса, кадрларни қувғин қилишга йўл қўя олмаймиз. Мамлакат учун жуда кўп фойдали ишлар қилган малакали мутахассислар бўлган ва ҳозир ҳам бор. Улар ҳозир ҳам ўз ақл ва истеъдодларини қайта қуриш ишига сарфламоқдалар, кўплари шу йилларнинг ўзидаёқ жуда катта натижаларни қўлга киритишди, бундайлар ўнлаб, юзлаб эмас, балки минглаб саналади. Бироқ мен ўжарлик билан эскиликка ёпишиб олаётган, жамиятда юз бераётган ўзгаришларга тўғаноқ бўлаётганлар ҳақида гапираётирман. Бунинг устига, улар ўзларининг консерватив позицияларини халқ манфаатлари учун, мафкуравий принциплар учун кураш байроғи остида ҳимоя қилишга уринмоқдалар.

Жамиятнинг куч-ғайратидан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётган ва бу мақсадларга эришиш учун вазиятни издан чиқаришдан ҳам тоймаётган миллатчи ва ҳар турли бузғунчи кучларнинг фаоллашуви қайта қуриш вазифаларини амалга оширишни жиддий суратда мураккаблаштирмоқда. Шу сабабли ҳам гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда можаролар юз бермоқда.

Жамиятда бизни буржуа тузуми томон тортаётган, ҳозирги мураккаб вазиятдан қутулишни мамлакатни капиталистик изга солиб юбориш билан боғлаётган кучлар пайдо бўлганлигидан ҳам кўз юмиш мумкин эмас.

Биз турмушнинг ҳамма соҳаларида ўзгаришларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўяётган ҳозирги пайтда энг ашаддий оқимлар, ҳар хил бузғунчи, экстремист кучлар ўзаро ҳамкорлик қилаётганлиги каби фавқулодда бир ҳолатга ҳам эътибор бермоқ керак. Улар одамларни чалғитиш, бизни қайта қуришнинг асосий йўналишидан четга буриб юбориш учун ҳатто бирлашиб олмоқдалар.

Бу ҳам биз учун тушунарли бўлмоғи керак, чунки, ҳал қилувчи ўзгаришлар босқичига чиқар экан, партия шу тариқа қайта қуришнинг стратегик ташаббусини ўз қўлига олмоқда ва яна жамиятни жипслаштирувчи, халқ манфаатлари йўлида масъулиятли қарорлар таклиф этаётган куч бўлиб майдонга чиқмоқда.

Умуман олганда ўртоқлар, биз ҳозирги пайтга баҳо берар эканмиз, танглик ҳодисаларининг сабабларини тушунишга уринар эканмиз, бунда ўтмиш билан ҳозирги пайт, ўтиш даврининг зиддиятлари ўзига хос суратда қўшилиб кетганлигини, манфаатлар, сиёсий режалар, объектив ва субъектив омиллар мураккаб тарзда чирмашиб кетганлигини кўрмоғимиз керак.

Шуни таъкидламоқчиманки, партияда ҳам, жамиятда ҳам ҳозир биз барча соғлом кучларни бирлаштиришимиз ва мана шу тараққиётнинг қийин палласидан мумкин қадар тезроқ қутулиб чиқишимиз кераклигини тушунмоқдалар. Ўйлашимча, мабодо қайта қуришимиз мағлубиятга учраса ҳам бу ҳол фақат қайта қуриш позицияларида маҳкам турган демократик кучларни кимдир парчалаб ташлашга муваффақ бўлган тақдирда юз беради. Бизга иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш доирасида амалий ва самарали чора-тадбирларнинг ўзаро боғланган туркуми зарур. Мамлакатда сиёсий ва ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар керак.

Ҳар бир кунни ғанимат билиб янги Иттифоқ шартномасини тайёрлаш устида ишлаш керак, мазкур шартнома кўп миллатли давлатимизни теран ўзгартиришнинг негизи бўлади. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш ва аҳолини саноат моллари билан таъминлашни яхшилашга алоҳида аҳамият бериш лозим. Барча партия ташкилотларининг куч-ғайратларини худди ана шу долзарб вазифаларни рўёбга чиқаришга жамлаш керак.

Мамлакатни социалистик йўсинда танлаб олинган йўл доирасида ларзаларсиз (ҳамиша халқ, аввало, ана шу ларзаларнинг жабрини тортади), янги сифатга ўтказа бориб, қайта қуриш тинч инқилобдек ривожланмоғи учун барча ишларни қилиш керак. Ҳокимият тепасига ҳақиқатан ҳам истеъдодли, қайта қуришга содиқ, давр руҳини, омманинг кайфиятини акс эттирадиган ишбилармон одамлар келиши учун барча демократик шарт-шароитларни яратиш зарур.

Бизга жамият аҳволининг тотувлиги ҳар қачонгидан кўра ниҳоятда зарур. Ҳозир шартаки талаблар қўйиладиган ва можаролар чиқариладиган, одамларнинг орасини бузиб, вазиятни яна ҳам мураккаблаштирадиган, ўйламай қилинадиган ҳаракатлар даври эмас. Жамиятда куч-ғайратларни бирлаштириш наф бериши тобора кўпроқ уқиб олинмоқда. Мен шу минбардан туриб, кончиларнинг жамоаларига худди ана шундай кайфиятни қўллаб-қувватланг, деб даъват этмоқчиман, айни вақтда улар адолатли тарзда ўртага қўйган масалаларни ҳал этиш юзасидан иш охирига етказилиши лозим.

Мамлакатдаги ҳозирги пайт хусусида жуда лўнда қилиб айтмоқчи бўлган мулоҳазаларимиз ана шулардир, ўртоқлар.

II. Қайта қуриш сиёсати: тажриба ва истиқбол

Ўртоқлар! Партия XXVII съездида ишлаб чиқилган стратегиянинг таъмал тошига дахлдор қоидаларидан бири иқтисодиётни ижтимоий томонга, инсон манфаатлари томонига буриш тўғрисидаги йўл-йўриқ эди.

Бу борада нималар қилинди? Аввало, структура сиёсатига тузатишлар киритилди. Бу шунга олиб келдики, ҳозирги беш йилликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган тармоқларнинг ўсиш суръатлари ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаётган тармоқлардагига нисбатан анча юқори бўлди. Қабул қилинган атамани ишлатадиган бўлсак, «Б» гуруҳи «А» гуруҳига нисбатан биринчи марта анча тез ривожланмоқда. Одамга бевосита дахлдор бўлган соҳага, инсонга хизмат қиладиган тармоқларга сармоя оқиб кела бошлади. Бизнинг жуда катта иқтисодиётимиз учун ушбу тенденция ниҳоятда муҳимдир ва биз шу тенденцияни мустаҳкамлаш билан бир қаторда уни яна ҳам ривожлантириш учун барча ишларни қилишимиз керак.

Беш йиллик планни бажариш чоғидаёқ, ижтимоий соҳани маблағ билан таъминлашнинг қолдиқ принципига барҳам бериш учун қўшимча тадбирлар кўрилди. Тўрт йил мобайнида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қурилишга беш йиллик плани топшириқларига қўшимча равишда 34 миллиард сўм ажратилди. Умуман эса ана шу мақсад учун 246 миллиард сўмдан кўпроқ маблағдан фойдаланилди, ноишлаб чиқариш инвестицияларининг ўртача йиллик ўсиш суръати қарийб икки баравар кўпайди — ўн биринчи беш йилликдаги 4,7 фоиздан ҳозирги беш йилликда 8,8 фоизга етди.

Бу анча жиддий омилкорликдир. Шу туфайли беш йилликда ўтган беш йилликдагига нисбатан юз миллион квадрат метр кўпроқ уй-жойни фойдаланишга топшириш мумкин бўлади. Биз биринчи бор уй-жой қурилишида ана шундай миқёсларга чиқиб олдик. Бошқа ижтимоий-маданий объектларни фойдаланишга топшириш ҳам кўпайди. Шу йиллар мобайнида мамлакатда ҳар йили ўртача ўтган беш йилликдагига нисбатан 38 фоиз кўп мактаблар, 10 фоиз кўп болалар муассасалари, 15 фоиз кўп касалхоналар, 38 фоиз кўп поликлиникалар, 51 фоиз кўп клублар ва маданият уйлари, 7 фоиз кўп савдо корхоналари фойдаланишга топширилди.

Аҳолини моллар билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхтамоқчиман. Бу борадаги аҳвол ниҳоятда мушкулдир. Шу хусусда айтилаётган барча гапларга, ҳойнаҳой, шу кунлари айтиладиган жами гапларга қўшилишим, жуда ўткир танқид билан ҳамжиҳат бўлишим мумкин бўлур эди. Аммо агар фақат эҳтирослар авж олаверса, бундан моллар кўпайиб қолмайди. Ҳушёрлик билан баҳо бериш, пухта ўйлаб хулосалар чиқариш, амалий тадбирлар кўриш зарур. Назаримда, совет кишилари биздан худди ана шундай йўл тутишимизни кутмоқдалар.

Дарҳақиқат, бу соҳада нималар бўляпти ўзи? Агар статистика маълумотларини олсак, ҳатто қиймат кўрсаткичларини эмас, балки натура кўрсаткичларини таққослайдиган бўлсак, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш муайян тарзда ижобий ўсганлиги кўриниб турибди. Масалан, дон йилига ўрта хисобда ўтган беш йилликдагига нисбатан 26,6 милли-

он тонна кўп етиштирилди. Бу салмоқли ўсишдир. Сўйилган вазнда гўшт етиштириш ҳам 2,5 миллион тонна кўпайди, сут, қанд лавлаги, кунгабоқар етиштириш ортган бўлса ҳам, лекин бундаги кўрсаткичлар анча пастдир. Газлама, трикотаж буюмлар, рангли телевизорлар, магнитофонлар, холодильниклар, кир ювиш машиналари, бошқа рўзғор техникаси ишлаб чиқариш ҳам кўпайди. Мудофаа тармоқлари конверсияси дастлабки самарани бера бошлади: шу йилнинг январь-май ойларида ушбу тармоқлар корхоналарида халқ истеъмоли моллари тайёрлаш 22 фоиз кўпайди.

Агар илгари ҳар йили товар оборотининг ўртача ўсиши 10—12 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, шу беш йилликда 20 миллиард сўмга етди, ўтган йили эса 38 миллиард сўмни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига истеъмол қилиш ортди. Ҳа, шундай бўлди, айни вақтда истеъмол бозоридаги аҳвол жўнлаши у ёкда турсин, кўпгина ҳолларда чигаллашди, ҳатто чидаб бўлмайдиган тус олди. Мен буни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволидаги жиддий ҳол, деган бўлур эдим.

Аввало, бундай аҳвол шунинг учун содир бўлдики, пул даромадлари моллар ишлаб чиқаришдан анча тез ўсди. Бунда гап нимада?

Биринчидан, корхоналарнинг хўжалик ҳуқуқлари ва мустақиллиги кенгаяётганида меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ўсиш нисбати устидан қаттиққўллик билан қилинадиган назорат барҳам топди. Кўпгина корхоналарда иш ҳақининг ўсиши маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишидан анча ўзиб кетди. Иккинчидан, кооператив ҳаракатни авж олдириш чоғида ҳамма жиҳатлар ҳам пухта ўйланмади. Кооперативлар қилган ва қилаётган фойдали ишлар қатори бенақд пулни нақд пулга айлантиришнинг йўли очилиб қолди. Бу ўринда гап миллиардлаб сўмлар ҳақида бормоқда. Учинчидан, вазиятни ўзгартириш, капитал қурилишда тартиб ўрнатиш хусусида қабул қилган қарорлар бажарилмай қолди. Узоқ муддат давом этадиган қурилишлар кўпаймоқда, бу эса моддий ресурсларни бозорга чиқариш ўрнига уларни карахт қилиб қўймоқда. Бунга чала объектлардаги қурувчиларга тўланаётган иш ҳақи харажатларини ҳам қўшиш керак. Бу ҳам миллиард-миллиард сўмлардир.

Ўқитувчилар, шифокорлар ва меҳнаткашларнинг бошқа табақалари иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши, табиийки, пул даромадларининг ўсишига таъсир кўрсатди.

Мана шуларнинг ҳаммаси натижасида бултурги йилнинг ўзидагина аҳоли пул даромадларининг ўсиши ўтган йиллардаги одатдаги 12—15 миллиард сўм ўрнига 64 миллиард сўмга етди. Бундай вазият бу йил ҳам сақланиб қолмоқда.

Ишда хатоларни четлаб ўтиш, иқтисодиётда салбий тенденцияларга йўл қўймаслик мумкинмиди, деган савол туғилиши табиий. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шуни рўй-рост айтиш лозимки, агар ҳукумат иқтисодий ислоҳотни ўтказишга комплекс ёндашувни таъминлаб, ўз позицияларини, ишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини сақлаб қолишга интилаётган тармоқлар, бошқарув эски структураларининг тазйиқига қаршилик кўрсата олганда эди, бундай оқибатлар анча кам бўлган бўлур эди. Бу борада Сиёсий бюро ҳукуматга ёрдам бериши, унга нисбатан янада юксак талаблар қўйиши ва уни қўллаб-қувватлаши лозим эди. Айни пайтда шуни айтиш кераки, жамиятдан, иқтисодий хизмат муассасаларидан, хусусан, Марказий Комитетнинг иқтисодий бўлимидан ана шундай фикрлар билдирилди. Афсуски, мунозаралар неча бор ўтказилишига қарамай, бундай бўлмади, амалга оширилиши зарур бўлган барча ишлар қилинмади. Шунинг учун биз истеъмол бозоридаги кескинлик учун бевосита жавобгармиз. Бундай кескинлик мамлакатдаги бутун вазиятни мушкуллаштирди.

Бу ишимиз учун жиддий сабоқдир. Айни шу боисдан иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш қатъий зарурати юзага келади. Фан-техника тараққиётини, янги технологияларни қабул қилмайдиган, харажат принципини тарғиб этиб, исрофгарчилик ва нобудгарчиликни келтириб чиқарадиган хўжалик юритиш системаси билан бундан буён яшаб бўлмайди.

Мамлакатда илгаригидек ривожланган мамлакатларга нисбатан маҳсулот бирлигига 2—2,5 баравар моддий ресурслар, ёқилғи ва энергия эса 1,5 баравар кўп сарфланмоқда. Жуда кўп корхоналар фойда кўриб ишламаяпти, давлат томонидан берилаётган ёрдам 23 миллиард сўмни ташкил этмоқда! Мен бунда жуда

катта ҳажмдаги дон, цемент, металл, нефть, минерал ўғит, ёғоч-тахта ва бошқа кўпгина ресурслар нобуд бўлаётганлиги тўғрисида гапирмаяпман. Хўжалик юритишнинг бундай системасида давлат бой бўла олмайди, халқ эса тўкин яшай олмайди. Ишни бундан буён мана шу тарзда олиб бора олмаймиз — олис истиқболда эмас, балки яқин вақтлар ичидаёқ халқнинг турмуш шароити анча яхшиланишини таъминлаш учун системани ўзгартириш даркор.

Шу тариқа қайта қуриш мантиқининг ўзи, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг кескинлиги бизларни иқтисодий системада туб ўзгаришларни амалга ошириш зарур, деган хулосага олиб келди. Бунда гап иқтисодиётнинг янги модели: мулкнинг хилма-хил шаклларига эга бўлган кўп укладли ва замонавий бозор структурасига эга бўлган хўжалик юритиш моделини шакллантириш тўғрисида бормоқда. Бу билан одамларнинг амалий фаоллиги ва ташаббускорлиги учун кенг йўл очилиб, самарали меҳнат қилишлари, иқтисодиёт самарадорлигини ўстириш учун янги қудратли омиллар вужудга келтирилади.

Биз бу вазифани қайта қуришнинг дастлабки босқичидаёқ ўртага қўйган эдик. Аммо хўжалик юритишнинг янги шаклларидан фойдаланиб, муайян иш тажрибаси тўпланган ҳозирги пайтдагина сиёсий ислоҳот соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди, бир қанча ғоят муҳим қонунлар, биринчи галда Мулкчилик тўғрисида, Ижара тўғрисида, Ер тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Биз бозор иқтисодиётига ўтишга доир вазифаларни рўёбга чиқаришга амалда кириша оламиз.

Бунинг учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади, албатта. Ҳозир шундай иш олиб борилмоқда.

Истеъмол бозорини нормаллаштириш, ортиқча пулни ишга солиш, давлат бюджетини соғломлаштириш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ва бошқа кўпгина ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Шу хўжалик йилини муваффақиятли туғаллаш олдимизда амалий вазифа бўлиб турибди. Меҳнат жамоалари ташаббус ва омилкорлик кўрсатиб, бу йилги иқтисодий натижалар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши учун барча ишларни қилишлари лозим.

Одамлар бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари тўғрисидаги масалани муҳокама қилаётган пайтда, уларни бу нарса турмуш даражасининг пасайишига, жамиятда ижтимоий бўлинишга олиб келмайдими, ижтимоий адолат ва одамларнинг ҳимояланиши таъминланадими, деган саволлар ташвишлантирмоқда. Бу саволларни коммунистлар бермоқдалар, бу саволлар ҳаммани — ишловчиларни ва пенсионерларни, эркакларни ва аёлларни, кексаларни ва ёшларни тўлқинлантирмоқда. Айни ҳукумат дастурини тайёрлаш вақтида ана шу саволлар устида пухта ўйлаб кўрилмаганлиги оқибатида бу нарса ўзига нисбатан жуда танқидий муносабатга учради. Бу соҳада тўла равшанлик бўлиши керак.

Аввало, бозорнинг ўзи ҳақида гапирайлик. У молларни стихияли тарзда айирбошлашдан тортиб, юксак уюшган механизмгача бўлган минг йиллик ривожланиш йўлини босиб ўтди. Биз зўравонлик тарзидаги ёндашувлардан воз кечишимиз, қиймат қонунига таяниб, иқтисодий жараёнларни тартибга солишни ўрганиб олишимиз, шу тариқа хўжалик соҳасидаги амалий фаолият учун янги қудратли омилларни яратишимиз керак.

Бозор шароитида эҳтиёжларни амалий тарзда аниқлаш ва уларни самарали равишда қондириш усулларини топиш, талаб ва таклифни мутаносиб ҳолга келтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун рисоладагидек табиий муҳитни яратиш имконияти очилади. Умуман, биз бозорни шунчаки бир мақсад, деб эмас, балки иқтисодиёт самарадорлигини, одамларнинг турмуш даражасини ошириш воситаси, деб биламиз. У иқтисодиётимизга кўпроқ ижтимоий йўналиш бахш этиш, уни инсон манфаатлари сари буриб юбориш вазифасини тез ҳал қилишга ёрдам бериши керак.

Ҳозирги тушунчадаги бозор мулкчиликнинг бир шакли ҳукмронлигини рад этади, шаклларнинг хилма-хиллигини, иқтисодий ва сиёсий тенг ҳуқуқлиликни талаб қилади. Давлат корхоналари ҳам, кооператив ёки акционерлик бирлашмасининг жамоа мулки ҳам, фермер, ҳунарманд ёки оиланинг меҳнат билан топган мулки ҳам — мана шуларнинг ҳаммаси жамиятнинг демократик негизларини мустаҳкамлайди, чунки меҳнаткашлар ишлаб чиқариш воситаларининг ва меҳнат

натижаларининг ҳақиқий хўжайинлари бўлиб қоладилар, самарали ишлашдан ва юксак пировард натижалардан шахсан манфаатдор бўладилар. Бунда эксплуатация учун асос бўлмайди. Бинобарин, биз бозор сари борар эканмиз, социализмдан четга чиқмаймиз, балки жамиятнинг имкониятларини янада тўла-тўкис рўёбга чиқарамиз. Худди мана шу нарса қайта қуриш концепциясининг мағзини ташкил этади.

Узоқ муддатларга мўлжалланган йирик фан-техника дастурларини амалга оширишни, фундаментал фанлар, маданият ривожини, умумдавлат ижтимоий ва экологик дастурларини бозор ихтиёрига бериб қўйиш ярамайди, албатта. Бироқ бу нарса қўпол маъмурий зуғум ҳисобига эмас, балки солиқлар, фоиз ставкалари, имтиёзлар ва жазо чоралари, божхона ўлпонлари орқали таъминланиши керак. Давлатнинг иқтисодий сиёсати самарали бўлмоғи учун у хўжалик бошқаруви воситаларининг бутун мажмуига эга бўлиши керак.

Бозор муносабатини жорий этиш масалалари бениҳоя вазминлик билан ҳал қилинишини керак. Одамларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини, ишни танлашнинг амалдаги имкониятини ҳимоя қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар керак. Меҳнат қилишни хоҳлаган, бироқ ўзига муносиб жойни вақтинча тополмаётган кишиларни давлат моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши лозим. Яна бир муҳим масала бор, у ҳам бўлса — жамиятдаги мулкий табақаланишдир. Агар мулкий тафовутлар меҳнат ҳиссасининг руҳи ва ҳажми билан, инсоннинг истеъдоди, ташаббуси, ижодкорлиги билан боғлиқ бўлса, бундай тафовутларнинг бўлиш эҳтимоли социализм қоидасидан келиб чиқади. Аммо биз меҳнатсиз даромадларга ва ғайриқонуний имтиёзларга асосланган табақаланишга қатъиян қаршимиз.

Нарх-наво — алоҳида масала. СССР Олий Советидаги муҳокамадан кейин ҳукумат ҳозир айтилган танқидий мулоҳазалар асосида, аввало, нарх белгилашни ислоҳ қилиш ҳақида айтилган мулоҳазалар асосида ўз таклифларини қайтадан ишлаб чиқмоқда. Натижада энг мақбул ечим топилади, деб умид қилса бўлади.

Ўз томонимдан шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, чакана нархларни қайта кўриб чиқишни ижтимоий ҳимоянинг синчиклаб пухта ўйланган ва нақд воситаларисиз бошлаб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш нарх-навони оширишдан бошланиши эса асло мумкин эмас, албатта. Бу — бемаънилик бўлур эди.

Ўйлайманки, ҳам жамиятдаги, ҳам Олий Советдаги танқид бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги қадамларнинг мантиқи, тактикаси, устун жиҳатлари, изчиллиги пировардигача пухта ўйланмаганини кўрсатди. Бу масала жамиятда ўткир бўлиб турганлиги сабабли мен уни атайлаб бўрттириб кўрсатаяпман. Натижада нарх-наво ҳақидаги масала оз бўлмаса бош масала бўлай деб қолди, бозор иқтисодиётига ўтишни бошлаш учун бирдан-бир тадбирдек бўлиб туюлди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ тадбирлар мажмуида нарх-наво марказий масаладир. Хўжалик юритишнинг янги усулларига, иқтисодий турмушнинг янги шаклларига ўтишнинг қийин босқичида халқ ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишига, унинг манфаатларига кафолат берилишига одамларининг ишончи комил бўлиши учун биз ҳамма ишни қилишимиз керак.

Бозорга ўтишда биринчи галдаги тадбирларни ажратиб олиш зарур. Ҳозирнинг ўзидаёқ давлат корхоналарини акциялаштиришни бошлашга, омилкорликнинг амалдаги эркинлигини вужудга келтиришга, майда корхоналар, дўконларни ижарага беришга, уй-жой, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми олди-сотгисини бошлашга ҳеч ким халал бераётгани йўқ.

Товар ва фонд биржалари бунёд этишни жадаллаштириш, банк системасини ислоҳ қилиш, фоиз сиёсатини ҳаракатга келтириш, бир-бири билан мухолифлик қилаётган ишлаб чиқаришлар ва бирлашмалар пайдо бўлиши, айниқса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасида майда ва ўртача корхоналар пайдо бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш зарур.

Бошқарув идоралари хусусида гапирадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти талабларига биноан улар билан муомала қилиш зарур. Биз тармоқ министрликларини тугатиш йўлидан боришимиз ва шу яқин орада уларнинг сонини камайтиришимиз керак. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини маъмурий бошқарувдан, идораларнинг ўз ҳукмини ўтказишдан имкони борича кўпроқ ажратиб қўйиш зарур.

Жамиятнинг янги иқтисодий модели таркиб топиши учун жумҳуриятлар суверенитети ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарувни реал иқтисодий мазмун билан тўлдириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Сўнгги вақтда танг аҳвол кучайиб кетган бир шароитда хўжалик жиҳатдан танҳолашиш тенденцияси ўсиб боряпти. Регионлар ўртасида таркиб топган иқтисодий алоқалар бузилмоқда, бу алоқалар натура тусини олмоқда. Бу салбий жараёнлар ажралишга интилишдан мадад олмоқда, бундан миллатчи доиралар фойдаланмоқда.

Биз янги иттифоқ шартномасида жумҳуриятлар иқтисодий ҳуқуқлари доирасини, ягона халқ хўжалиги комплексида бу жумҳуриятлар ўзаро муносабатлари принципларини аниқ-равшан белгилаб қўйиш тарафдоримиз. Аммо бу ўринда корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги чегараланмаслиги зарур. Иттифоқ идораларининг ҳукм ўтказишини жумҳуриятлар идораларининг ҳукм ўтказиши билан алмаштирилишига йўл қўйиб бўлмайди, ҳозирнинг ўзидаёқ шу нарса содир бўлмоқда. Мустақил корхоналарнинг бевосита алоқалари, шу корхоналарнинг ўзи, меҳнат жамоалари тузилиши лозим, деб ҳисоблаётган уюшмалар хўжалик юритишнинг негизи бўлиши керак.

Иқтисодиётимизнинг бирлиги, яхлитлиги — баркамол умумиттифоқ бозори таркиб топишининг зарур шартидир. Шундай бозорни мустаҳкамлаш, уни монополизмдан холи этиш — биринчи даражали муҳим вазифадир. Жумҳуриятлар ва регионларнинг қўшилишдан иқтисодий манфаатдорлиги доимий таъсир этувчи омилдир ва бу омил келажакка дахлдордир. Кимки бунга қарши чиқаётган бўлса, қаттиқ янглишмоқда.

Экология муаммосига тўхталмоқчиман. Аҳвол ташвишли, бир қанча регионларда эса аҳвол ниҳоятда тангдир. Афсуски, ҳозиргача кўрилган чора-тадбирлар салмоқли самара бермади, мамлакатдаги экология вазиятининг ёмонлашувини тўхтатмади. Бу муаммога янгича ёндашиш керак. Энг аввало корхоналарнинг ўзларининг масъулиятини ошириш, иттифоқдош жумҳуриятлар ҳамда маҳаллий ўз ўзини бошқариш идораларининг ҳуқуқларини ва ваколатларини тўла-тўкис ишга солиш, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларга риоя этилиши устидан қаттиқ давлат ва жамоат назоратини ўрнатиш зарур. Айни вақтда табиатни муҳофаза қилиш учун уюшиб ҳаракат қилиш керак — бу ҳам иттифоқ шартномасида ўз аксини топиши лозим. Яна бир вазифа — ерни экология жиҳатидан қутқариб қолиш учун ақлий ва моддий ресурсларни, шу жумладан халқаро даражада бирлаштиришдан иборат. Буларнинг барчаси экология бўйича ишлаб чиқилаётган миллий программанинг узвий қисми бўлиб қолиши керак.

Совет иқтисодиётини соғломлаштириш кўп даражада уни халқаро меҳнат тақсимоти системасига қўшиш қандай боришига боғлиқ бўлади. Шуни айтиш керакки, бу соҳада катта фаоллик кўрсатилмоқда, корхоналарга, регионларга, жумҳуриятларга қанча кўп эркинлик берилса — бу йўлни тўғри деб ҳисоблаймиз — бундай фаоллик, янги ғоялар шунча кўп бўлади. Лекин келинг, эътиборли бўлайлик, чунки бу жўн масала эмас. Ўйламай иш тутиш аллақачон катта маҳрумликларга олиб келди. Иқтисодиётимизни янгилаш, янги технологияларни ўзлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун рақобатга қодир маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун кўп иш қилиш керак бўлади. Лекин, айтиш мумкинки, энг муҳими — сўмнинг айрибошланадиган бўлиши сари боришдан иборатдир. Шу вақтгача бу ҳақда узоқ келажакнинг иши деб гапириб келинди. Ҳолбуки, бу вазифани ҳал қилишни кечиктириб бўлмайди. Маҳсулотни четга чиқариш учун қудратли рағбат чоралари лозим, четдан мол келтиришнинг самарасизлиги йўлига, ташқи қарздорликнинг ошиб кетишига ғов қўйиш керак. Чет эл капиталини жалб этиш учун ўзаро манфаатли шарт-шароит яратиш зарур.

Бозорга ўтиш ва жаҳон хўжалиги алоқаларига боғлиқ бўлган вазифалар бизнинг ташқи иқтисодий фаолиятимиз олдига юксак талаблар қўймоқда. Шуни айтиш керакки, биз кейинги вақтларда бу масалалар билан кўп шуғулландик, тегишли сиёсий йўл-йўриқларни ишлаб чиқдик, бу соҳага ҳукумат йўли билан муҳим ўзгаришлар киритдик. Бироқ, ташқи иқтисодий идораларнинг ҳамда ҳуқуқлар бериб қўйилган корхоналар, бирлашмаларнинг ишида кейинги вақтларда кўпгина жиддий камчиликлар юз берди.

Албатта, умумий вазиятга хом ашё товарларининг, энг аввало нефтнинг жаҳон нархлари кескин пасайганлиги таъсир кўрсатди. Натижада айирбошлана-

диган валюта билан ҳисобланадиган бизнинг даромадларимиз деярли икки баравар қисқарди. Бундай шароитда четга мол чиқариш соҳасида ҳам, четдан мол келтириш соҳасида ҳам катта маневр қилиш керак эди. Бироқ бу из қолдирмай ўтмади, буни ҳаммамиз сездик. Машинасозликни янгилашга келсак — кўпгина ускуналар турларини сотиб олиш ҳақидаги шартномани бекор қилишга тўғри келди. Бу ҳол истеъмол бозорига ҳам таъсир кўрсатди, чунки ўтмишда биз айрибошланадиган валютанинг анчагина қисмидан ўз бозоримизни товарлар билан тўлдириш учун фойдаланган эдик.

Ҳозир ҳукумат ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг бутун мажмуи бўйича таклифлар тайёрламоқда. Гап капиталистик мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш ҳақида. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида валюта билан ҳисоб-китоб қилишда жаҳон нархларига ўтиш ҳақида бормоқда. Бу бизнинг «учинчи дунё» мамлакатлари билан ҳамкорлигимизни қайтадан ўйлаб кўришга ва бу ҳамкорликка маълум тузатишлар киритишга тааллуқлидир.

Буларнинг ҳаммаси шундай, бинобарин вазият ўзгариб боради. Бироқ, жаҳон бозорига чиқиш, СССРнинг дунё миқёсидаги хўжалик алоқаларига жалб этилиши фикрлашда ҳам, кадрларимизнинг ёндашувларида ҳам туб ўзгаришларни, кенг кўламдаги билимни, дунёқарашни, ишни янгича олиб бориш маҳоратини тақозо этади. Бизда ҳозирча ҳамма нарса: биз ресурсларни бозорда сота олишимиз ва ўзимиз хоҳлаган нарсаларни харид қилишимиз учун бизга уч-беш, ўн фоиз валюта ресурслари беринг, деган фикрга бориб тақалмоқда. Бир қарашда, буларнинг ҳаммаси оддий ва табиий туюлади. Дастлабки босқичда шундай қилиш мумкин ва биз муайян ишларни амалга оширдик. Аммо биз агар ташқи иқтисодий фаолиятни қайта қуришнинг бутун мазмуни шундан иборат, деб билсак, умуман ҳеч нарсани тушунмаган бўламиз. Кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг тафаккурини ўзгартириш, ишни янгича юрита олиш зарур. Бизда ҳозирча бунга аниқ етарли эътибор берилмаяпти, бу эса ташқи иқтисодий фаолиятни қайта қуришга тўсқинлик қилмоқда ва илгари мен гапириб ўтганимдек, кўп ҳолларда ҳозирдагидек тўғридан-тўғри йўқотишларга олиб келди.

Яна бир нарса — агар корхоналаримиз иқтисодиётни такомиллаштириш учун четдан харид қилинаётган ҳамма нарсадан фойдаланишга илгаригидек муносабатда бўлсалар, ғоят қийинчилик билан валютага харид қилинадиган нарсалар бозор учун ишлаш ўрнига йиллар давомида туриб қолиб, яроқсиз ҳолга келса ва эскирса, яхшилик сари ўзгаришларга, иқтисодиёт соҳасида халқаро ҳамкорлик келтириши мумкин бўлган фойдага умид боғлаш қийиндир.

Умуман, бу борада жадал, қатъий чоралар ва ғоят пухта ўйланган, вазмин, масъулиятли ёндашув талаб этилади.

Ўртоқлар! XXVII съезддаги ҳисобот маърузасида ва Марказий Комитетнинг март Пленумида аграр муаммо ҳар қачонгидан кўра ўткир қилиб ўртага қўйилган эди. Бу муаммо бутун қишлоқнинг тақдири, деҳқонлар тақдири нуқтаи назаридан ўртага қўйилган эди. Озиқ-овқат масаласини ҳал этиш йўли ҳам мана шунда эди.

Техник ва технологик тартибдаги ҳеч қандай алоҳида-алоҳида тадбирлар ўз-ўзидан бизнинг бу масалани ҳал этишимизга имкон бермади. Бу эндиликда шак-шубҳасиз фактдир.

Партия коллективлаштириш давридан бошлаб ҳозирги кунимизгача деҳқонлар масаласи ва аграр муносабатлар тарихини муросасиз таҳлил этганлиги натижасида у принципиал жиҳатдан янги позицияларга чиқиб олди. Бундай таҳлил гап бевосита аграр соҳадагина эмас, шу билан бирга деҳқонга, умуман қишлоққа муносабатда, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муносабатларда ўзгаришлар тўғрисида бориши зарур, деган хулосага олиб келди. Аслида, биз аграр масалани базис тарзида, ленинча тушунишга қайтдик ва шу сабабли қишлоқни ижтимоий ривожлантиришга, иқтисодиётнинг асосий секторлари ўртасида ҳар жиҳатдан тенг айирбошлаш, қишлоқда мулк муносабатларини тубдан ўзгартириш зарурлигини тушунишга янгича ёндашадиган бўлиб қолдик.

Ўртоқлар, бугунги кунда вазиятга холис баҳо бериб, шуни эътироф этишимиз зарур: ана шу принципиал қарорлар кетидан ҳукумат даражасида ҳам, жумҳури-

ятлар ва маҳаллий органлар даражасида ҳам айнан бир хил амалий фаолият юритилмади. Қишлоқ хўжалиги, бутун аграр сектор ходимлари ҳозирги пайтда нима учун бунчалик танқидий, бунчалик кескин ва қатъий кайфиятда эканликларини тушунаман. Қишлоқ ҳақиқатан ҳам ижтимоий фаровонлик соҳасида ҳам, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам жиддий тадбирлар амалга оширилишига муҳтождир. Съездда бу хусусда позицияни ишлаб чиқиш лозим. Турли ижтимоий анжуманларда деҳқонлар қишлоққа, бутун аграр секторга молиявий ёрдам бериш, моддий мадад кўрсатиш зарурлиги тўғрисидаги масалани қўяётганликлари адолатли эканлигини тан олишимиз керак.

Хўш, қандай қилиб ёрдам бериш мумкин? Бизда: беравер, қайта тақсимла, бюджетдан ажратиб бер, деб ҳал қилишга ўрганиб қолишган! Бундай маъмуриятчилик билан тақсимлаш усули энди ўтмайди. Қишлоқни тиклаш муаммосини иқтисодий усуллар билан — қишлоқ билан шаҳар ўртасида тенг айирбош қилишни йўлга қўйиш; қишлоқ, умуман агросаноат комплекси фойдасига иқтисодий ва ижтимоий устунликларни вужудга келтириш; қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарувчи саноатнинг якка ҳокимлигини тугатиш: хўжалик юритишнинг турли шакллари эҳтиёжларига мос келадиган машиналар системасини яратиш билан ҳал этиш лозим.

Қишлоқни ривожлантириш учун маблағ келишини таъминлайдиган зарур қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниши керак. Қонун лойиҳаси таклиф этиш соҳасидаги ташаббус сифатида бу масалани СССР Олий Совети олдига қўйишни таклиф қиламан. Жамият қишлоққа ёрдамга келиши лозим. Биз бутун партия номидан бутун мамлакат олдида ўз позициямизни аниқ айтишимиз керак, деб ўйлайман. Шу билан бирга таъкидлаб ўтмоқчиман: халқ хўжалигининг бирорта тармоғи биздаги қишлоқ, аграр сектор каби иқтисодий эркинликка, чинакам бозор муҳитига шу қадар муҳтож бўлмаса керак. Ана шундай эркинлик берилиши лозим.

Марказий Комитетнинг март Пленуми қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан қайта қуришни энг асосий вазифа қилиб қўйди, бусиз иқтисодий эркинлик бўлмайди. Бугун шуни яна бир бор айтиш кераккн, агар иқтисодий муносабатлар ўзгармаса, деҳқон меҳнатини рағбатлантирувчи янги омиллар жорий этилмаса, деҳқоннинг аҳволи ўзгармайди, агар деҳқон ерга чинакам хўжайин бўлолмаса, ҳар қандай инвестиция ҳам ёрдам бермайди. Биз съездда Марказий Комитет март Пленуми йўлига содиқлигимизни тасдиқлашимиз лозим.

Шу муносабат билан бир масалага тўхталмоқчиман, бу масала теварагида шунчаки баҳс бораётгани йўқ. Балки менимча ундан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишмоқда. Бу — колхозларга ва совхозларга муносабатдир. Иш шу даражага бориб етмоқдаки, гўё янги аграр сиёсат уларнинг мавжуд бўлишини шубҳа остига қўяётган эмиш. Аммо бу сиёсатнинг моҳияти ерда хўжалик юритишнинг барча шакллари учун тенг имкониятларни белгилаб қўйишдан иборат. Уларнинг ҳар бири ўзининг ҳаётийлигини ва самарадорлигини исботласин — бизнинг принципиал позициямиз ана шундай. Биз «ёппасига коллективлаштиришни тугатиш» тўғрисидаги талабларни рад этамиз, албатта.

Ишончим комилки, моҳирлик билан хўжалик юритаётган, ижтимоий жиҳатдан ривожланиб бораётган деҳқонларга муносиб турмуш шароитини яратиб бераётган, жамият учун зарур маҳсулотларни кўплаб етиштираётган колхозлар ва совхозларни ҳар қанча қўллаб-қувватласа арзийди, улар, табиийки, янгиланаётган совет қишлоғининг таркибий қисми бўлиб қолади.

Ўнлаб йиллар давомида ношудлик билан хўжалик юритиб, зararга йўл қўяётган, давлат бераётган ёрдам ҳисобига яшаётган, шунга қарамай бошқарув аппарати мулк муносабатларини ислоҳ қилишга, хўжалик юритишнинг янги шаклларини ўзлаштиришга тўсқинлик қилаётган колхозлар ва совхозлар эса тубдан ўзгартирилиши керак.

Яна бир долзарб масала — ер ислоҳоти тўғрисидаги масаладир. Очиғини айтаман: Ер тўғрисидаги қонун ҳозирча амал қилмаяпти. Бунинг сабаби таркиб топган бошқарув структураси, маъмурий-хўжалик аппаратининг позициясигина эмас, деҳоннинг ўзгартирилиши, ходимнинг ер ва ишлаб чиқариш воситаларидан ажраб қолиши натижасида, пировард натижалардан қатъи назар меҳнатга кафо-

латли ҳақ тўлаш шароитида вужудга келган эски психология, қотиб қолган сийқа фикрлардир.

Қатъий чоралар кўриш учун ўткир зарурат мавжуд. Ҳеч ким «ёппасига коллективлаштириш» тарзида «ёппасига ижаралаштиришни» таклиф этаётгани йўқ, албатта. Умид қиламанки, ҳали ҳеч ким ижарачи коллективлар барпо этиш юзасидан топшириқ беришни ўйлаб чиқармаган бўлса керак. Бундай қилиш бошимизга жуда катта маҳрумликлар ва кулфатлар солган (улардан биз ҳали ҳам қутула олганимиз йўқ) ўтакетган нодонликни такрорлаш бўлур эди. Ер тўғрисидаги қонунни амалга ошириш воситасини яратиш — энг асосий масаладир. Шуни ҳам айтиш кераки, бу ҳақда қишлоқ хўжалиги ходимлари, биринчи навбатда ижарачилар ва ижарачи бўлишни хоҳловчи кишилар, кўпгина раҳбарлар ва мутахассислар масалани ўткир қилиб қўймоқдалар. Деҳқончилик иши билан эркин шуғулланишни истаган барча кишилар йўлидаги ҳар қандай ғовларни олиб ташлаш лозим. Ер тўғрисидаги қонун оғишмай ижро этилиши керак. Бу хусусда аввало Советларнинг янги ваколатларидан фойдаланиш лозим. Бу иш уларнинг бевосита бурчидир.

Шуни айтмоқчиманки, ер ислоҳотининг бориши ҳақидаги масала Президент кенгашининг яқин орада бўладиган мажлисларидан бирида кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда.

Ўртоқлар! Ҳисобот даврида, айниқса сўнгги вақтларда миллатлараро муносабатлар кескинлашди. Биз ушбу муаммонинг аҳамиятини дарров англаб олмадик, бу ерда яшириниб ётган хавфни ўз вақтида кўрмадик. Эҳтимол эсингиздадир, биз қарорлари қандай бажарилаётгани ҳақида ҳисобот бераётган КПСС XXVII съездида ушбу масалалар кўрилганида улар гўё аллақачон ҳал қилингандек ва аҳвол умуман олганда нормалдек иш тутилган эди. Лекин, айтиш мумкинки, ҳаёт бизга жиддий сабоқ берди. Биз юз берган воқеаларга, зоҳиран яхши бўлиб кўринган аҳволда тўпланиб келган ғоят жиддий муаммолар юзага қалқиб чиқишга тайёр бўлиб турмаганлигимиз маълум бўлди.

Бунда кўп нарсалар чирмашиб кетди ва мен ишни жўн қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Қайта қуриш ва ошкоралик миллий ўзини англашнинг қайта жонланиши учун қулай шароитлар яратди. Бу ижобий жараён бўлиб уни фақат қутлаш керак. Шу билан бирга ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, маданий-миллий сиёсатдаги, миллий тилларни ривожлантириш, мамлакатнинг бир қанча регионларида ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, улар тараққиётининг нотекислиги, нуфуз ва экологик ўзгаришларга доир хатолар келтириб чиқарган муаммолар ва зиддиятлар яққол кўриниб қолди.

Бунинг ўз тарихий, диний сабаблари ҳам бор. Турган гапки, бир вақтлар бутун бошли халқларга нисбатан йўл қўйилган жиноятлар учун ҳам жавоб беришга тўғри келмоқда.

Шуни рўй-рост эътироф этиш кераки, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари дастлабки пайтларда ушбу муаммоларга зарур даражада, талабга яраша эътибор бермадилар. Бундан ҳар хил бузғунчи кучлар — айирмачилар, ашаддий миллатчилар, порага сотилганлар фойдаланиб қолдилар. Миллий масала ва миллатлараро муносабатлар бир қанча ҳолларда кескин шаклларга эга бўлди, этник негизда қонли тўқнашувлар юз берди, кўпгина одамлар қурбон бўлди. Қочоқлар пайдо бўлди, минглаб одамлар ўрганган жойларини ташлаб кетишга, дарбадарликка мажбур бўлдилар, оғир маҳрумликларни бошларидан кечирмоқдалар. Буларнинг барчасига чидаб бўлмайди, улар бутун мамлакатда одамларни қаттиқ ташвишга солмоқда.

Маъмурлар номига кўп миллатли давлатимизда тинчлик ва тотувликни қайтадан тиклаш учун чоралар кўриш ҳақида асосли талаблар келмоқда. Афсуски, эътироф этиш керак, бундай шароитда ҳамма ҳам байналмилалчилик синовидан ўта олгани йўқ. Кўпгина коммунистлар сиқувга дош бера олмадилар, ўз халқларига, меҳнаткашларга айирмачилар ва миллий адоватга ундовчиларга эргашишнинг хавфли эканлигига ишонтира оладиган далил-исботларни кўрсата олмадилар. Бундай далил-исботлар эса истаганча топилади. Сиёсий ишдаги камчиликлар учун, миллатлараро муносабатлар кескинлашган шароитда сиёсий иш олиб бора олмаганлиги учун партия органлари тўғри танқид қилинди, деб ҳисоблайман. Бу соҳада биз кўп нарсани ютқазиб қўйдик.

Бундан зарур хулосалар чиқариб олинди, партиянинг миллий сиёсатга доир Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди, халқ томонидан муҳокама этилди, сўнгра уни ўтган йили сентябрь Пленуми маъқуллади. Унинг асосий моҳияти — миллий тикланиш жараёнларини ҳар бир халқ ва умуман мамлакат манфаатларини кўзлаб бунёдкорлик изига кўчириш зарурлигини тан олишдир. Қайта қуришни давом эттирмай ва чуқурлаштирмай туриб миллий масалани ҳал қилиб бўлмайди, ўз навбатида қайта қуриш ҳам, мамлакат халқлари ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш масалалари ҳал қилинмас экан, муваффақиятга эришишга умид қила олмайди.

Менимча, биз ҳозир иттифоқнинг муштарак иқтисодий, сиёсий манфаатлар билан, тарихнинг ўзи билан боғлиқ бўлган халқларнинг ихтиёрий бирлашуви сифатидаги характери ва қиёфасига ленинча қарашларни ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ тушуниб турибмиз. Сўнгги вақтда биз бошимиздан кечирган ва идрок этган барча нарсалар Иттифоқни ўзгартириш жумҳуриятлар ва мухториятларнинг ҳуқуқларини ҳатто анча даражада кенгайтириш билан чекланиб қолиши мумкин эмаслигини тушуниб етишимизга сабаб бўлди. Суверен давлатларнинг ҳақиқий иттифоқи зарур. Моҳият жиҳатидан гап мамлакатимизда зиддиятлар тугунларини ечиб ташлашга, халқлар ҳамкорлигини янги даражага кўтаришга, давлатларнинг буюк иттифоқига бирлашган барча жумҳуриятлар манфаатларини кўзлаб Иттифоқнинг бирлашган сиёсий қудратини, иқтисодий ва маънавий имкониятларини кўпайтиришга имкон берадиган миллий-давлат тузилишини ўрнатиш тўғрисида бормоқда. Шундай қилиб, мамлакат хавфсизлиги ишончли равишда таъминланади, унинг халқаро обрўси оширилади.

Бундан инсон ҳуқуқларининг миллий мустақиллик ва жумҳуриятнинг ҳар қандай манфаатларидан устун бўлиши тўғрисидаги талаб сақланиб қолади. Бу ҳуқуқлар Иттифоқнинг ва ҳар бир жумҳуриятнинг конституцион тузилишида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Халқаро миқёсда биз амал қилаётган бу принципдан бир қадам ҳам чекиниш мумкин эмас.

Федерация кенгаши тузган махсус комиссия доирасида янги иттифоқ шартномаси тайёрлашга доир ишлар олиб борилмоқда, бу шартнома кўп миллатли давлатимизни тубдан ўзгартириш масалаларининг бутун мажмуини ўз ичига олади. Агар шундай бўлса ва биз амалда керакли йўналишда ҳаракат қилаётган бўлсак, яқин келажакда туб ўзгариш бўлишига умид қилаётган бўлсак, у ҳолда съезд номидан мамлакатнинг барча халқларига мурожаат қилиб, миллатлараро муносабатларда эҳтиросларни бундан буён авж олдиришнинг хатарли эканлигини англаб етишга, ғаламислар ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун қандай ниқобдан фойдаланмасинлар, уларни тўхтатиш ва уларга зарба беришга даъват этиш ўринли бўлса керак. Менимча, халқ биздан бу масала хусусида ана шундай позицияни кутмоқда.

Кўп миллатли давлатимизда туб ўзгаришлар даврига биз қадам қўяётган ҳозирги пайтда барча халқларга осойишталик, тинчлик ва ҳамкорлик зарур. Кўп миллатли буюк мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасига съезднинг ушбу даъвати етиб боради, деб умид қиламан.

Ўртоқлар! Сиёсий ислоҳот юзасидан жуда катта ва ғоят муҳим иш қилинди. Сиёсий ислоҳот зарурлигини қайта қуриш жараёнларини авж олдириб юборган пайтимизда, бошланган иқтисодий ўзгартишлар олдинги сиёсий системага зид келиб тўхтаб қолган пайтда англаб етган эдик. Марказий Комитет бу масалага ғоят жиддий муносабатда бўлди ва вужудга келган муаммоларнинг бутун мажмуини асосли равишда ўрганишга киришди. Мен шу ўринда КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг жуда катта аҳамиятини айтиб ўтмоқчиман. Пленумда биринчи марта сиёсий режимимизнинг амал қилиши, унда партия ва Советларнинг ўрни ҳалол таҳлил қилинди. Айни ўшанда биз халқ ҳокимияти тўғрисидаги ленинча концепцияни ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги тўғрисида баралла гапирдик.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, партия ва жамиятда январь Пленумининг ғоялари бир хилда қабул қилинмади, бу ғоялар зарур даражада ривожлантирилмади ва чуқурлаштирилмади. Энг асосийси эса — амалий қадамлар қўйилгани йўқ. Нега худди шундай бўлгани эндиликда аён. Гап шундаки, эҳтимолки, кадрларнинг масъулияти тўғрисидаги масала биринчи марта шу қадар ўткир

қилиб қўйилган эди. Бу кадрларнинг муайян қисмини безовта қилиб қўйди, уларнинг Пленум қарорларига муносабатига таъсир этди. Ана шундай шароитда Сиёсий бюро ҳамиша ҳам изчил ва принципиал ҳаракат қилмади. Бироқ ҳаёт бизни ана шу масалаларнинг бутун мажмуасига қайтишга, қайтганда ҳам мамлакатда авж олиб кетган демократиялаш тазйиқи остида қайтишга мажбур этди. Худди ана шундай вазиятда партия XIX конференциясини ўтказиш ғояси пайдо бўлди. Кенг қамровли сиёсий ислоҳот тўғрисидаги масала бу анжуман кун тартибидаги асосий масала бўлди.

Конференцияда ишлаб чиқилган принциплар негизида эндиликда биз демократик сайлов натижасида тузилган юқоридан қуйигача ҳокимиятнинг янги муассасаларига эга бўлдик. Шуни таъкидлаш мумкинки, бу — қайта қуришнинг энг асосий ғалабаларидан биридир, жамиятни янгилаш йўлидаги энг муҳим қадамдир, бусиз эса биз жамиятни инқилобий ўзгартиришнинг янги босқичига чиқишимиз мушкул бўлур эди. Сиёсий системани ислоҳ этиш жараёни мураккаб кечмоқда. Партия, давлат, совет органлари, жамоат ташкилотларининг мавқеи ва вазифалари ўзгармоқда.

Рўй-рост айтадиган бўлсак, буларнинг ҳаммаси оғир кечмоқда, чунки аҳолининг жуда турли-туман ижтимоий табақалари ва гуруҳларининг манфаатларига, мамлакат бошқарувининг бутун системасига, шу юмушлар билан банд бўлган миллионлаб одамларга дахлдордир. Буларнинг ҳаммасини уқиб олса бўлади, ўртоқлар. Фақат бир нарсани таъкидламоқчиман: агар биз шу йўлдан бормаганимизда жамиятнинг тобора сиёсийлашуви бошбошдоқлик тусини олиши мумкин эди, бу эса долғали ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Буни мустасно этиб бўлмайди. Ҳозирги шароитда, жамият жунбушга келган ва ташвишга тушиб қолган бир вақтда, съездимиз масъулиятни ҳис этса, яқин орадаги мақсадлар ва вазифаларни, ҳаракат режасини белгилаб олса ва булар партияни ҳам, жамиятни ҳам жипслаштирса анжуманимиз ўз вазифасини бажарган бўлади. Ҳозир низолар мавриди эмас, балки қайта қуришни олға силжитиш учун амалий ишлар давридир.

Сиёсий ислоҳотнинг иккинчи босқичи тугалланган ҳозирги пайтда биз партиянинг вазифасини янги барпо этилган халқ ҳокимияти органларининг қарор топишига кўмаклашишдан иборат деб биламиз. Ҳозир республикалардаги ҳокимият органларининг фаолиятида инқилобий ўзгаришлар рўй бермоқда, илгари марказда ҳал қилиб келинган масалаларнинг анчагина қисми уларнинг ихтиёрига ўтмоқда. Бу нарса уларга янги имкониятлар беради, аммо ишларнинг бориши учун, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва халқнинг кундалик турмушига дахлдор бўлган бошқа масалалар ҳал этилиши учун уларнинг масъулиятини ҳам оширади.

Маҳаллий Советлар ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунга мувофиқ маҳаллий Советларнинг мавқеи ҳам тубдан ўзгармоқда. Эндиликда катта моддий бойликлар уларнинг ихтиёрида бўлади, бу бойликлардан районларни ва шаҳарларни ривожлантириш манфаатларини кўзлаб оқилона фойдаланиш керак. Советларнинг иши янги қонун чиқарувчилик негизида, янги ташкилий шаклларда ўтаётганлигини, Советлар аппаратининг тузилиши ва ҳолати тубдан ўзгараётганини бунинг ёнига қўшадиган бўлсак, у ҳолда ҳақиқатан ҳам ҳаётий муҳим вазифалар кўплиги маълум бўлади. Янги ҳокимият органларининг қарор топиш жараёни тезроқ рўй беришидан биз ҳаммамиз жуда манфаатдормиз, бинобарин, партия комитетлари демократиялаш жараёнлари ривожланишига, Советларнинг янги ҳокимият ваколатларини ўзлаштиришига ҳар томонлама кўмаклашишлари лозим.

Ҳозир, ўртоқлар, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш вазифаси биринчи ўринга чиқиб қолди. Турли анжуманларда одамлар партияга ҳам, Совет ҳокимиятининг янги сайланган органларига ҳам — жиноятчилик, жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар кучайиб бораётганини тўхтатинглар, ҳуқуқ-тартиботни кескин мустаҳкамланглар, деган қатъий талабни қўймоқдалар. Съездда қонун ҳамма жойда амал қилиши кераклигини таъкидлашнинг ўзи билан чекланиб бўлмайди. Биз бу ҳақда илгари ҳам неча марталаб гапирганмиз. Бироқ ҳозирча иш яхшилик сари секинлик билан ўзгармоқда. Шу сабабли биз вужудга келган мураккаб вазиятни чуқурроқ таҳлил қилишимиз ва ўз фикр ва таклифларимизни айтишимиз керак.

Мен аввало эътиборингизни қуйидагиларга қаратмоқчиман. Биз ҳуқуқ-тар-

тибот ва қонунийликнинг ҳолати мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий барқарорлик даражаси билан бевосита боғлиқлигини равшан кўра билишимиз керак. Модомики, шундай экан, биринчи галда янги тузилган ҳокимият органларининг фаолияти мана шу даражани мустаҳкамлашга қаратилиши керак. Бу хусусда қандайдир кўрсатмалар ва янги қонунларни пойлаш керак эмас, ҳозирнинг ўзидаёқ аҳволни катъият билан яхшилаб олиш учун сиёсий ва ҳуқуқий воситалар етарлидир. Фақат ҳаракат қилиш ва кескин ҳаракат қилиш керак. Буни кўпгина Советлар тушуниб олганликлари ва ҳозирнинг ўзидаёқ муаммони ҳал этишга амалий киришганликлари жуда соз. Бироқ ҳали «митингбозлик» босқичида турган Советлар ҳам бор.

Иккинчиси. Кўп нарса прокуратура органлари, ички ишлар министрлиги ва судларнинг ходимларидаги қандайдир ишончсизлик мажмуи билан изоҳланади, деб ўйлайман. Бу нарса митинглардаги ҳаракатлар, намойишлар, турли-туман қатъий талаблар тазйиқи остида вужудга келган. Ёки ҳатто бирон-бир баҳона билан қонунларнинг кучга киришини таъминлашда прокуратурага, милицияга ва судларга халақит берган (ҳозир шундай фактлар кўп) сайлаб қўйилган органларнинг таъсирида ҳам шундай бўлмоқда.

Бунга тоқат қилиб бўлмайди, ўртоқлар. Бу зайлда биз қийин аҳволга тушиб қоламиз. Шу сабабли партия ташкилотлари: биз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳар қандай тазйиқ ўтказилишига қаршимиз, деб жамоатчилик олдида баёнот беришлари керак. Мамлакат жамоатчилиги ҳам шу фикрда эканига аминман.

Учинчиси. Биз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари янада мустаҳкамланиши, улар зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланиши, ходимларнинг моддий аҳволи яхшиланиши тарафдоримиз. Дарвоқе, бу йўлда ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки қадамлар қўйилди ва совет кишилари бу ёндашувни қўллаб-қувватламоқдалар. Кўпгина Советлар ҳатто милиция, ҳуқуқ-тартибот органларини амалий равишда мустаҳкамлаш учун ўз территорияларида ресурслар қидириб топишга қарор қилдилар. Бироқ одамларимиз мана шу ишларнинг ҳаммасини қилиш билан бирга маъмурий органларнинг қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳар бир кишининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида самаралироқ ҳаракат қилинишига умид боғламоқдалар.

Яна бир гап бор, ўртоқлар. Мамлакатда ғайриқонуний ҳодисаларга тоқатсизлик муҳитини вужудга келтириш керак. Бу соҳада оммавий ахборот воситалари кўп иш қилишлари мумкин ва лозим.

Ўртоқлар! Биз қайта қуришга киришар эканмиз, одамларнинг онгида инқилоб қилмай туриб, том маънода маънавий уйғониш ва ғоявий янгиланишга эришмай туриб, ҳеч қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгартишларни қилиб бўлмаслигини равшан англаб олган эдик. Қайта қуришга қадар жамият қандай мафкуравий исканжалар орасида турганлиги, омманинг онги қандай ақидалар ва эскирган тасаввурлар асири бўлиб қолганлиги ҳамманинг эсида, деб ўйлайман. Шу сабабли аввал бошданоқ фикрга эркинлик бериш, ақл-идрок билан иш қилишга йўл очиш керак эди. Бу — қайта қуриш стратегиясининг энг муҳим жиҳати бўлди.

Маънавий турмушдаги бемаъни тақиқлар партиянинг ташаббуси билан бекор қилинмоқда. Сталин-Жданов кўрсатмаларининг занжирлари олиб ташланди. Марказий Комитет илм-фан аҳллари ва санъаткор зиёлилар билан неча марталаб маслаҳатлашди, кўпгина фойдали ва мазмундор учрашувлар, мунозаралар бўлди. 1985 йилнинг июнидаёқ фан-техника масалаларига бағишланган муҳим кенгаш ўтказилди. Ўн йилликлар давомида партия ташкилотлари билан зиёлилар ўртасида вужудга келган ажралишни бартараф этиш йўлида қадамлар қўйилди. Партия органлари ижодий фаолиятга васийлик қилишдан, уни белгилаб беришдан воз кечдилар. Ноҳақ қисувга олинган, баъзан эса бадном қилинган кўпгина йирик фан ва маданият арбобларининг пок номлари тикланди.

Маънавий ижодиётнинг бебаҳо асарлари совет кишиларига қайтариб берилди. Партиянинг зиёлилар билан янги муносабатларини вужудга келтириш — қайта қуриш ғалабаларидан бири бўлибгина қолмай, шу билан бирга, уни янада олға силжитишнинг муҳим шарт-шароити ҳамдир. Зиёлилар ҳисса қўшмаганида биз ўзимиз яшаб турган жамиятни, уни янгилаш истиқболларини тушунишда янги марраларга чиқа олмаган бўлур эдик.

Оммавий ахборот воситаларининг янги мавқеи — қайта қуриш йилларида мамлакатдаги маънавий юксалишнинг далилидир. Матбуот жамиятга инқилобий руҳ бағишлади, миллион-миллион меҳнаткашларни ижтимоий турмушда яна қатнаштиришга ёрдам берди. Мавжуд камчиликларга, ҳатто катта нуқсонларга қарамай, матбуотнинг қайта қуришга қўшган жуда катта ҳиссаси ҳам мана шундан иборат.

Коммунистлар ва партиясизлар, барча журналистлар ҳозир, биз чуқур ўзгартишлар босқичига чиқиб олган бир пайтда жамиятнинг барча соғлом кучларини бирлаштириш йўлида янги кенг миқёсли вазифаларни ҳал қилиш учун янада кўп масъулият билан меҳнат қилаверишларига умид боғлашга ҳақлимиз.

Ўртоқлар! Тараққиётимизнинг истиқболини тўғри аниқлаш учун ўз тарихимизга синчков назар ташлашимиз лозим эди. Бу, эҳтимолки, жуда мушкул, қийин кечадиган ва шу билан бир қаторда зарур соғломлаштириш жараёнларидан биридир. Бу ҳолда ҳам партия ташаббусни ўз зиммасига олди. Октябрнинг етмиш йиллиги билан боғлиқ ҳужжатлар бунда бурилиш палласи бўлди.

Сталин қатағонлари давридаги қонунсизликнинг барча жабрдийдалари ишларини қайтадан кўриб чиқиш халқ тарихий ҳақиқатни англаб етишининг энг муҳим қисми бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг фаолияти натижасида минг-минглаб коммунистлар, партия ва давлатнинг йирик раҳбарлари, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг вафотидан кейин уларнинг партиявий ва фуқаролик ор-номуси тикланди. Марказий Комитет зўрлаб коллективлаштириш сиёсатига, қишлоқ абгор этилиб бутун мамлакат бошига фожиавий оқибатлар келтирган сиёсатга ўзининг принципиал баҳоларини айтди. Бироқ мен бу ишни ҳали ниҳоясига етказганимиз йўқ, у давом эттирилиши керак, деб ҳисоблайман.

Бошқа кўп ҳужжатлар қатори съездга программавий баёнот лойиҳасида ҳам, қайта қуриш давридаги нутқларда ҳам биз ўтмишимиздаги қайси нарсалардан қатъият билан воз кечишимиз, келажакка нималарни ўзимиз билан олишни истамаслигимиз хусусида етарлича батафсил гапирилган. Аммо биз халқимиз Октябрдан кейин қилган ҳамма ишни бирваракайига рад этишга қаршимиз ва социалистик ғоя илҳом бахш этган совет кишилари ҳар бир авлоди ишига муносиб баҳо берамиз. Улар мамлакатни бадавлат, маданий, гуллаб-яшнаган мамлакатга айлантирмоқчи эдилар ва шу йўлда куч-ғайратларини ҳам, сиҳат-саломатликларини ҳам аяшмадилар. Улар энг даҳшатли урушда бу мамлакатни ҳимоя қилдилар. Тарих олдида уларнинг виждони тозадир.

Марказий Комитетнинг қарорига кўра ҳозир муаллифлар жамоаси «КПСС тарихи очерклари»ни ёзмоқда. Умидворманки, бу асарда илмий ҳалоллик ва холислик билан, қатъиян ҳужжатларга асосланган ҳолда партия ҳаёти ва курашининг ҳаққоний манзараси тикланади.

XXVII съездда умуман маданият соҳасига, айниқса илм-фан ва маорифга ёндашувдаги қолдиқ принципини бартараф этиш вазифаси қўйилган эди. Ўрта ва олий мактабни ислоҳ этишга уриниб кўрилди. Фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, фан-техника тараққиётини рағбатлантириш хусусида қарорлар қабул қилинди. Аммо рўй-рост айтиш керакки, ҳозирча бу борада силжишлар кам, бунинг сабаби шундаки, ана шу муҳим масалалар тўғрисидаги қарорлар бажарилмади. Биз илм-фан ва маорифни афзал билиб ёндашишимиз лозимлигини ҳали охиригача уқиб олмадик, чоғи, ўртоқлар. Бусиз эса қайта қуришга етарлича шиддат бахш этиб бўлмайди. Биз ҳамиша ақл-заковат куч-қудратининг етишмаслигига рўбарў бўлиб тураверамиз.

Ўз тарихимизнинг кейинги ўн йилликлари ҳам шундан далолат бериб турибди. Кўп йўналишларда, айниқса энг янги технологиялар соҳасида ривожланган мамлакатларга нисбатан орқада қолиб кетган эканмиз, бу мамлакатимиздан илм-фан ва маориф тараққиётидаги қолоқлик билан изоҳланади. Айни вақтда сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги марраларни шиддат билан забт этган бир қанча мамлакатлар ана шу шиддат-шижоатни маориф ва илм-фанга муносабатни тубдан ўзгартиришдан бошлаган эдилар. Шу мулоҳазаларни айтар эканман, бу масалалар хусусида яна бир марта ўзимизни ўзимиз танқид қилиш билан чекланиб қолишимизни истамас эдим. Чиқарилган хулосалар кенг миқёсда

давлат сиёсатига айланиши керак. Назаримда, съезд бу масала хусусида аниқ-равшан позицияни эгаллаши лозим.

Ижтимоий фанларга муносабат ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчи эдим. Партия ана шу фанлар эркин тараққиётининг қатъий тарафдоридир. Биз илмфаннинг холисона гувоҳлиги ва хулосаларига жуда маҳтал бўлиб турибмиз. Олимларнинг ечимлари ва тавсияномаларига катта ишонч билан қарашимиз, уларнинг меҳнати самараларидан сиёсатда ва халқ фаровонлиги йўлида фойдаланишимиз зарур. Яна бир гап бор, ўртоқлар. Оқил давлат ҳамиша ўзининг ақлзаковат ва бадиий бойлигининг қадрига етади. Биз ҳам ақл-заковатли ва истеъдодли кишиларнинг мамлакатдан чиқиб кетиши сабабларини бартараф этиш учун чоралар кўришимиз керак.

Съезд партиянинг позициясини акс эттириши лозим: партия жаҳондаги ва ватанимиздаги барча қадриятлар негизида маданият, адабиёт ва санъатнинг эркин равнақ топиши тарафдоридир. Маданият соҳасида оқилона ўлчамда хўжалик ҳисобини, ўз харажатларини ўзи қоплашни рўёбга чиқариши мумкин. Бироқ маданиятни батамом савдо-сотиқ қаърига отишни талаб этиб бўлмайди. Агар санъат бозорга солинадиган бўлса, санъаткор яна эркини йўқотиши ва яна қарам бўлиб қолиши, жамият эса маънавий талафотлар кўриши мумкин. Партия ижодий эркинликни эътироф этар экан, айни вақтда шуни ошкора айтадики, биз инсонни бузадиган ва уни камситадиган санъатга қаршимиз. Санъатда цензура бўлмаслиги керак, лекин санъаткорнинг халқ олдидаги маънавий жавобгарлиги бўлиши даркор.

Совет маданияти ва санъати арбобларининг кеча матбуотда эълон қилинган съездимизга йўллаган мактубида улар партияга мурожаат этиб, жамият учун ҳаётий муҳим бўлган ана шу барча муаммоларни ҳал этишга янги ёндашувларни қарор топтириш учун КПССнинг таъсири, унинг бутун маънавий ва моддий потенциалидан фойдаланишга даъват этдилар. Халқнинг маънавий олами тўғрисида қайғуриб ва хавотирланиб ёзилган бу даъватга «лаббай» деб жавоб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Агар таъбир жоиз бўлса — маданият ва санъат руҳиятимиз экологиясидир ва бу бизнинг биринчи навбатдаги программавий мақсадларимиздан бирига айланиши керак — ишончим комилки, бу барча делегатлар кўнглидаги гапдир.

Ўртоқлар! Қайта қуриш программасини ишлаб чиқар эканмиз, агар мамлакатимиз турмушининг ташқи шарт-шароитлари тубдан ўзгармаса, бу программа амалга ошмаслигини тушуниб турар эдик. Бунинг учун эса биз ёндашувларимизни ўзгартиришимиз ва жаҳонга янги халқаро сиёсатни таклиф этишимиз лозим эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин жуда катта ижтимоий, миллий, иқтисодий, сиёсий, технологик, илмий, экологик, демографик ўзгаришлар содир бўлди. Оқибатда 70-йилларнинг ўртасига келиб ер юзининг бутун қиёфаси ўзгариб кетди, инсоният турмушининг негизлари ҳам шу тахлитда ўзгариб бораверди. Янги цивилизация дунёга келмоқда. Дунёга келяпти-ю, аммо жаҳондаги хавф-хатарнинг беҳудудлигига тоб бера олмай ҳалок бўлиши ёки яшашнинг сифат жиҳатдан бошқача қоидаларини ишлаб чиқиши, мутлақо янги жаҳон сиёсатини ишлаб чиқиши керак.

Замонавий халқаро вазиятнинг таҳлилига таяниб, қуролсизланиш йўлидан бориб ва янги ташқи сиёсатни юритишда муайян тажриба орттириб, халқаро фаолиятнинг учта асосий негизи тўғрилигига ишончимиз комил бўлди.

Биринчидан ўз хавфсизлигингни бошқаларнинг хавфсизлиги эвазига таъминлаш, ўз манфаатларингни бошқаларнинг манфаатларига путур етказиб ҳимоя қилиш мумкин эмас, бошқа халқлар ва давлатлар ўз ишларини қандай юритишлари лозимлигини улардан кўра яхшироқ билишга даъвогарлик қилиш мумкин эмас. Ҳар бир халқ ўз йўлини ўз эрки билан танлаб олишини эътироф этиш жаҳондаги янги тартибни бунёд этишнинг таг-заминидир. Иккинчидан, якка-якка бўлиб, ўз йўлини ижтимоий тараққиётнинг бошқа йўлларига қарама-қарши қўйиб, гуллаб-яшнаётган эркин ва демократик жамият сари йўл очиш мумкин эмас. Биргаликда ривожланиш, биргаликда ижодкорлик, ҳамкорлик давр амридир. Учинчидан, халқ хўжалигимизни жаҳон иқтисодиётига қўшиш фақат ўз иқтисодиётимизни модернизациялаш учунгина зарур бўлиб қолмай, бошқа халқ-

лар билан биргаликда тарихнинг муқаррар тинч даври пойдеворини бунёд этиш, инсониятнинг умумжаҳон муаммоларини ҳал этиш учун ҳам зарурдир.

Йўл-йўлакай шуни таъкидлашим керакки, ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсиялаш соҳасидаги ҳамкорлик интеграциямизнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Американиклар, италияликлар, немислар ва айрим бошқалар билан алоқалар ўрнатилди. Бу соҳа интеграция алоқларида ўзига хос «йўлбошчи» бўлиши мумкин. Чунки бизнинг ихтиёримизда ҳозир юксак технологиялар ва илғор илмий ечимлар борки, булар, албатта ўзаро фойдали негизда шерикларимизни ҳам қизиқтиради. Бу ўринда биз учун ҳам илмий, ҳам техникавий жиҳатдан замонавий бўлган ишлаб чиқаришларимизни аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқарганда ҳам қисқа муддатларда ишлаб чиқаришга жалб этишнинг самарали йўлларидан биридир. Қуролланиш пойгасини кучайтириб турган шак-шубҳа ва ишончсизликнинг энг фаол омилларидан бири заифлашаётгани халқаро сиёсат нуқтаи назаридан фавқулодда муҳимдир.

Қонверсия хусусида давлат программаси тайёрланаётганлиги муносабати билан ушбу катта масаланинг бутун муаммосига тўхтаб ўтирмай, шуни айтмоқчиманки, бу жуда катта давлат аҳамиятига молик ишдир. Бу иш пухта ўйланган қарорларни талаб этади. Илмий, кадрлар ва ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш зарур. Биз бу борада яхши ишлашимиз керак. Бундан мақсад дастлабки босқичда йўл қўйилган хатоларни бартараф этишдир.

Янгича ёндашувларга асосланган сиёсат, янгича фикрлаш доирасида олға сурилган ташаббуслар ҳозирнинг ўзидаёқ халқаро вазиятни сезиларли равишда соғломлаштирди, жаҳон уруши хавфини суриб қўйди. Биз учун ҳарбий харажатларни қисқартириш имконияти пайдо бўлди. Мен юқорида айтиб ўтганимдек, маблағларни тинч мақсадларга йўналтириш имконияти бор.

Қайта қуриш ва янгича фикрлаш шарофати билан СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабатларда мухолифлик ва қуролланиш пойгасида беллашишдан ҳамжиҳатлик сари, бир қанча масалаларда эса ҳатто шериклик сари бурилиш содир бўлди. Бу бутун жаҳондаги вазиятни яхшилаш сари ўзгартирди, инсоният ҳаётида мислсиз тинч давр томон ҳаракатни бошлаб берди.

Хитой билан муносабатлар нормаллашди, бу эса икки улуғ халқ учун ва умуман бутун жаҳон учун жуда катта аҳамиятга моликдир.

Жуда ашаддий «совуқ уруш» ва қуролли мухолифлик майдони бўлган Европада биринчи марта ҳақиқатан ҳам қуролсизланиш, жумладан ядровий қуролсизланиш жараёни бошланди. Давлатимизнинг бутун тарихи мобайнида биз қитъадаги аксарият мамлакатлар билан сира ҳозиргдек яхши ва хайрихоҳ муносабатларда бўлмаган эдик. Умумевропа жараёни неча ўнлаб турли мамлакатлар ва халқларнинг давлатлараро мулоқотининг жаҳон тарихида мислсиз шаклини ярата бошлади. Бу ерда биринчи бор кун тартибига иқтисодий, маданий, экологик ва ахборот муҳитини вужудга келтириш масаласи қўйилди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг янги халқаро сиёсатимиз ва ҳамкорлик туфайли юзага чиқди.

Шарқий Европада теран ўзгаришлар бўлмоқда. Бу «социлизмнинг инқирозидир» деганларида биз бу қандай «социализм»нинг таназзули, деб сўраймиз. Аслида сталинча яккаҳоким-бюрократик системасининг нусхаси бўлган ва биз ўзимиз воз кечган тузумми? Бизга ҳатто таъна қилиб «сиз у ердан жангсиз кетмоқдасиз», демоқдалар. Демак, биз илгари босган ножўя қадамни яна босишни маслаҳат бераётган эканларда. Ахир биз ўша йўлдан қатъият билан воз кечганмиз ва буни қатъият билан қораламоқдамиз.

Дарҳақиқат, савол бор, бу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти қай йўсинда бўларкин? Аммо бу масала халқларнинг ўзи қандай йўлни танлаб олишига боғлиқдир. Биз танлаб олинган йўл эркин принципига қатъий риоя қилиб ҳаракат қилдик ва бундан буён ҳам шундай бўлади, бу эрк бутун замонавий цивилизация тараққиётининг ва ўзини-ўзи асраб қолишинг шартидир.

Биз Шарқий Европадаги мамлакатлар билан ўз муносабатларимизни бугунги кунда ва эртага қандай қуришимиз керак? Бу — яхши қўшничилик муносабатлари бўлиши керак. География билан бир қаторда тарих ҳам бизни шундай қўшни қилиб қўйди. Тарихимизда, айниқса урушдан кейинги тарихимизда кўпгина ҳақиқатан ҳам эзгу, қимматли қадриятлар бўлди. СССР бу мамлакатларни фашизмдан озод этишда ҳал қилувчи роль ўйнагани ва шундан кейин бир неча бор

уларга сидқидилдан ёрдам бергани халқларнинг хотирасида қолди ва у муносабатларимизнинг бундан кейинги равнақига таъсир этмаслиги мумкин эмас. Бундан ташқари, — энг муҳими, — у ҳам бўлса ўзаро иқтисодий ва сиёсий манфаатлардир. Ушбу манфаатлар тинч Европа, «умумий хонадон» сари ҳаракатимизда бизни яқинлаштирмоқда. Варшава Шартномасини ўзгартиришга интилишда бу манфаатлар пайвастадир, бундан бир ой муқаддам Сиёсий Маслаҳат комитетининг Москвада бўлиб ўтган кенгашида шу ҳақда келишиб олинди. Ихтиёрийлик, ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ҳамкорликка асосланган муносабатлар — энг мустаҳкам муносабатлардир.

Партия ва халқ янги ташқи сиёсатга юксак баҳо бердилар. Мазкур сиёсат партия XIX конференцияси ҳужжатларида, СССР халқ депутатларининг биринчи Съезди махсус қарорида қўллаб-қувватланди ва тасдиқланди. Янги ёндашувларимиз ва амалий тадбирларимиз бутун жаҳонда кенг кўламда акс-садо берди ва қўллаб-қувватланди. Биз партия ва совет давлати ишлаб чиққан ва ўтказаётган ташқи сиёсий йўлни бадном этишга уринишларни қатъият билан рад этамиз.

КПСС XXVIII съезди ўтган йиллар мобайнида халқаро майдонда эришилган барчага аён самараларга ўзига яраша баҳо бериб, мамлакатимиз ва бутун жаҳон халқи кўз ўнгида янгича фикрлашга асосланган ташқи сиёсий йўлнинг барқарорлигини яна бир карра тасдиқлайди, деб ўйлайман.

Бу йўл самарадорлигининг пойдевори аввало шундаки, унда инсониятнинг ҳозирги ташвишлари ва орзу-умидлари акс этгандир. Айни вақтда шу нарса барчага аёнки, ташқи сиёсатимизнинг самарадорлиги давлатимизнинг куч-қудрати билан таъминланади. Қуролли Кучлар ана шу куч-қудратнинг таркибий қисмидир. Янги ғоялар, амалий ташаббуслар буюк давлатлардан бири томонидан таклиф қилингани жуда катта аҳамият касб этди. Бу давлат янги ғояларни баён этибгина қолмай, ўзининг шу ғояларга содиқлигини амалда тасдиқлади.

Бизнинг мудофаа доктринамиз — бунинг энг ишончли далилидир, шу доктрина асосида биз жуда йирик ҳарбий ислоҳот ўтказмоқчимиз. Съезднинг программавий баёнотида ислоҳотнинг принциплари мустаҳкамлаб қўйилади деб умид қиламан. Армияни бундан буён ҳам партия қўллаб-қувватлайверади. Бу борада ҳеч кимда шак-шубҳа бўлмаслиги керак. Ўз умрини Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга бағишлаган кишилар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиниши керак. Армия — масъулиятли, кўп ҳолларда эса хавфли давлат ишини бажараётган миллионлаб кишилардир.

Қилинган ишнинг асосий якунлари, жуда лўнда қилиб айтганимизда, ана шулардир, ўртоқлар.

Дарҳақиқат, биз халқимизнинг фаровонлиги ва келажагини ўйлаб, буюк мислсиз ишни бошладик. Камчиликлар, хатолар, кечикиб қолишлар бўлди — мен бу ҳақда айтиб ўтдим. Ҳойнаҳой сиз ҳам бу масалага қўшимча қилиб гапирасиз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам ҳаёт биз инқилобий ўзгаришларни бошлаётганимизда тасаввур қилганимизга қараганда анча бойроқ бўлиб чиқди. Ошкоралик ва демократиялаш, миллион-миллион одамларнинг тарихий ижодкорлик майдонига чиқиши жамият тараққиётига ўзининг холис мантиқини бахш этди. Бу мантиқ эса кўпгина кутилмаган ҳам ижобий, ҳам салбий нарсаларни юзага чиқарди. Шу йиллар мобайнида орттирилган тажрибасиз ва билимларсиз, жумладан ўз жамиятимиз ҳақидаги билимларсиз биз эндиликда қайта қуришнинг ҳал қилувчи палласига қадам босмаган бўлур эдик.

III. Партия ва қайта қуриш

Делегат ўртоқлар! XXVIII съезднинг асосий хусусияти шундан иборатки, биз, юқорида айтиб ўтганимдек, қайта қуришнинг бурилиш босқичида ҳамда социалистик йўл доирасида жамиятимиз тубдан ўзгараётган босқичда тўпландик. Инқилобий ўзгаришлар нималарга олиб боради. Бу ўзгаришлар меҳнаткашларнинг манфаатларига қанчалик жавоб беради, ижтимоий адолатни, демократия ва озодликни мустаҳкамлайдими? — деган саволлар ҳаммани тўлқинлантирмоқда.

Бу вазиятда, табиийки, кўплаб нуқтаи назарлар вужудга келади. Сизларнинг қўлларингизда бўлган дастурий баёнот лойиҳасини тайёрлаш пайтида буларнинг

ҳаммаси ҳисобга олинди. Унда партия халқ олдидаги ўз масъулиятидан келиб чиқиб, яқин орадаги истиқболга мўлжалланган дастур ва сиёсатни таклиф қилади.

Съездолди мунозараси жараёнида партиянинг сиёсий фаолияти ҳаммани ғоят қизиқтирган масала бўлди. Ҳатто партия раҳбарияти ислоҳотларнинг назарий ишланмаларига, концепцияларга эга бўлмаган ҳолда мамлакатни «жаҳоншумул тажриба»га жалб қилди, деган мулоҳазалар ҳам айтилди. Бу гап шу қадар тез-тез такрорланиб турдики, натижада қайта қуришга қарши ўзига хос андоза вужудга келди.

Келинглар, мулоҳаза қилиб кўрайлик. Аввало илгари бир неча бор айтган гапимни такрорлашим керак: қайта қуриш концепцияси — қандайдир бир гуруҳ одамлар миясига ялт этиб келиб қолган фикр эмас. КПСС XX съездидан бошлабоқ партия ва жамиятда изланишлар авж олиб кетди. Афсуски, бу изланишлар қўллаб-қувватланмади, кўпчилик ҳолларда бостирилиб келинди. Социализмнинг сталинча моделини оқлаш йўлида уринишлар қилинган турғунлик йилларида назария расмий сиёсатга лаганбардорларча хизмат қилувчи ролни бажарадиган бўлиб қолди.

Биз тўла асос билан айта оламизки, қайта қуриш қалбимиз армонидир. Зотан, унга асос қилиб олинган концепция жамиятда, партияда, илм-фан ва маданиятда аллақачоноқ етилган ҳамма энг яхши нарсаларни ўзида мужассамлаштирди. 1985 йил апрель Пленуми назарий изланишларга қудратли омил бағишлаб, жамият ҳаётидаги жиддий муаммоларни эркин муҳокама қилиш имкониятини очиб берди. Мамлакат учун ана шу ниҳоятда керакли бўлган ижодий ишга партия, унинг Марказий Комитети бошчилик қилиб, бу иш учун қулай сиёсий шароит яратиб берганлиги ниҳоятда муҳимдир.

Дастлабки босқичдаёқ биз жамият тубдан янгиланишга муҳтож эканлигини англаб олдик. Қайта қуришнинг асосий моҳияти — социалистик йўл доирасида жамиятни чуқур демократиялаш ва инсонпарварлаштириш, уни эркин жамиятга айлантириш, инсонга муносиб турмуш шароитини яратиш фикри ана шу тарзда вужудга келди. Бу фикрни рўёбга чиқариш жараёнида туб иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий системада, федерацияда туб ўзгаришлар қилиш, ҳуқуқий давлатни ташкил топтириш ғоялари ишлаб чиқилди. Асосий мағзини умуминсоний қадриятлар устунлиги ташкил қиладиган янги сиёсий тафаккур асослари ишлаб чиқилди. Дунё XX аср охирига яқинлашган пайтдаги барча ғоят катта ўзгаришларни идрок этмай туриб қайта қуриш назариясини яратиш имконияти бўлмас эди.

Биз инқилобий ўзгаришларнинг мақсадлари ва усуллари ҳақидаги ўз тушунчамизни босқичма-босқич чуқурлаштириб бордик. Аслини олганда бу нарса, Ленин таъбири билан айтганда, социализмга нисбатан бутун нуқтаи назаримизни қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Натижада биз қайта қуришни янги инқилоб, Улуғ Октябрь бошлаб берган ишнинг мантиқий давоми деган тушунчага келдик.

Мен қайта қуриш назариясини қандайдир ҳар жиҳатдан мукаммал бир нарса, қандайдир тугал система, охирги ҳақиқат деб тасаввур қилиш ниятидан йироқман. Бундай даъволар қилишдан ўзимизни тиядиган пайт келди. Тажриба бизларни ўз-ўзини танқид руҳидаги баҳоларга, мамлакатдаги ва дунёдаги рўй бераётган жараёнларга монанд келадиган назарияга ҳам, сиёсатга ҳам зарур тузатишлар киритишга тайёр туришга ўргатди.

Бинобарин, бизларга, социализмнинг мукаммал янги назариясини баён қилиб беринг дейишганида, биз бундай деб жавоб берамиз: «социализм» тушунчасини фақат ҳаёт, фақат эркин меҳнат, халқнинг ўзини ўзи бошқариши ва фаровонлигигина янги мазмун билан бойитиши мумкин. Агар шундай қилинмаса, агар бу тушунча маърузалар ва бош мақолаларда кўчиб юрадиган тушунча бўлиб қолаверса, уларнинг муаллифлари категориялар моделини ясаш машқи билан шуғулланаверишса, социалистик ғоянинг қадри мутлақо қолмайди. Аввал, сиз ўз мамлакатингиз, ўз халқингиз учун нима қилмоқчи эканлигингизни айтинг, шундагина сиз аслида нимани истаётганлигингизни ва социализм деганда нимани назарда тутишингиз равшан бўлади. Биз айтамизки: социализм — реал ҳаракат, омманинг жонли ижодиётидир. Мен аминманки, КПСС ҳаракат мақсади — инсонпарвар, демократик социализм эканлигини тўғри белгилади.

КПСС XXVIII съездининг дастурий баёноти лойиҳасида бу хусусдаги фикр-

ларимиз таърифлаб берилган. Улар марксизмга қанчалик мувофиқ келади? Бу партиямиз учун принципиал масаладир.

Маълумки, Маркс, Энгельс ва Ленин яратган ижтимоий назариянинг мазмуни XIX аср воқеаларини, Ленинда эса XX асрнинг дастлабки ўн йилликларини ҳам таҳлил қилиш асосида таърифлаб берилди. Ўша пайтдан бери дунё ниҳоятда ўзгариб кетди, шу жумладан марксистик тафаккур, Октябрь инқилоби, халқаро инқилобий ва демократик ҳаракат таъсири остида ўзгарди. Биз эса ўн йилликлар мобайнида турмушимиздаги ҳамма ҳодисаларга жавобларни классикларнинг айтган фикрларидан топишга уриниб келдик, ваҳоланки, уларнинг ўзлари — классиклар ҳар қандай назариянинг тарихий шароит билан боғлиқлигини ҳисобга олишни талаб қилишган, марксизмни ўзига хос муқаддас китобга айлантирмоқчи бўлган кишилар устидан кулишган эди. Ҳаётнинг ўзи бизларни ана шу нарсани ёдда тутиб, марксистик диалектика асосий қонунларининг аҳамиятига ҳақиқий баҳо беришга мажбур этди. Биринчи навбатда конкрет вазиятни конкрет таҳлил қилишни талаб қилди. Фақат шу асосдагина сиёсат учун хулоса чиқаришни талаб қилди.

Қайта қуриш концепцияси, такрор айтаманки, ҳаракатда, доимий ривожланишда бўлиб, олға ҳаракатимиз сари янги ғоялар ва хулосалар билан бойиб бориши керак. КПСС ақидапарастлик ва қироатхонликка қатъий қарши бўлиб, социализм назарияси ва практикасига изчил ижодий ёндашиш, XX аср тарихий тажрибасини, Маркс, Энгельс ва Ленин меросини, инқилобий ва илғор фикр даҳоларининг меросини идрок этиш тарафдоридир.

Қайта қуриш концепциямизни такомиллаштириш йўлидаги иш давом этаётир. Шу сабабли дастурий баёнотни қабул қилгач, ҳозир амалдаги КПСС программасини ўз кучини йўқотган деб тан олиш ва олға — партиянинг янги программаси сари бориш эҳтимол тўғри бўлса керак. Шу мақсадда съездда тегишли комиссия тузиш жоиз бўлур эди.

Ўртоқлар! Коммунистлар ва бутун жамият съезддан партиянинг ўзи тўғрисидаги энг муҳим саволларга жавоб кутмоқдалар. Ҳозир партиянинг жамиятдаги ўз мавқеини, ўн йилликлар мобайнида таркиб топган қурилиш принциплари ва фаолият усулларини қайта идрок этишдан иборат табиий ва айни вақтда мушкул жараён давом этмоқда. КПСС ҳақидаги илгариги тасаввурлар танқидий баҳога ва жиддий ўзгаришларга муҳтождир.

Кейинги пайтларда партия жиддий танқидга — адолатли ва адолатсиз танқидга дучор қилинмоқда. Биз ўзимизни ҳам аямаётирмиз. Бизларни ҳам аяшмаётир. Шу ерда мен мана бу гапларни айтиб ўтмоқчиман.

Кўп йиллар мобайнида КПСС авторитар-бюрократик системага хизмат қилиш учун мослаштириб келинди. Бу эса партия ички муносабатларида, кадрлар танлашда жиддий бузилишларга, миллионларча коммунистларнинг қарорлар ишлаб чиқишдан амалда четлаштириб қўйилишига олиб келдики, бу нарса амалда партия ташкилотларида лоқайдлик, бефарқлик ва бўшанглик вазиятини вужудга келтирди.

Шу сабабли масъулияти партия раҳбариятининг зиммасига тушадиган мамлакатдаги бузилишлар танқид қилинар экан — бу миллионларча коммунистларнинг ялпи айбдор эканлигини мутлақо билдирмайди. Улуғ Ватан уруши даврида совет халқининг жанговар жасоратида коммунистларнинг ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлик кўрсатганлигини бирор киши рад эта олмаса керак. Мамлакатимизнинг бутун меҳнат тарихи мобайнида ҳам коммунистлар пешқадамлик қилиб келишди.

Биз буларнинг ҳаммасини яхши биламиз. Лекин бу нарса бизларни фаолиятимизни доимо ва танқидий идрок этиб, келгуси учун тўғри сиёсий хулосалар чиқариб олишдан мутлақо халос қилмайди.

Съездолди мунозараси ҳозирги шароитда партия қурилиши ва фаолияти принципларига тааллуқли жуда хилма-хил фикрларни келтириб чиқарди. Лекин фикрлар монанд келадиган нуқта бор. Бу — партия қайта қуриш тақдири учун масъулиятни ўзидан соқит қилиш, ўз мавқеидан бўйин товлаш, ижтимоий жараён чеккасига чиқиб қолиш учун сиёсий ҳуқуқи ҳам, маънавий ҳуқуқи ҳам йўқлигини англашдир.

Янгиланган КПССни қандай тасаввур қиламиз?

— Бу ўз сиёсатида ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар манфаатини ифода-

ҳаммаси ҳисобга олинди. Унда партия халқ олдидаги ўз масъулиятидан келиб чиқиб, яқин орадаги истиқболга мўлжалланган дастур ва сиёсатни таклиф қилади.

Съездолди мунозараси жараёнида партиянинг сиёсий фаолияти ҳаммани ғоят қизиқтирган масала бўлди. Ҳатто партия раҳбарияти ислоҳотларнинг назарий ишланмаларига, концепцияларга эга бўлмаган ҳолда мамлакатни «жаҳоншумул тажриба»га жалб қилди, деган мулоҳазалар ҳам айтилди. Бу гап шу қадар тез-тез такрорланиб турдики, натижада қайта қуришга қарши ўзига хос андоза вужудга келди.

Келинглар, мулоҳаза қилиб кўрайлик. Аввало илгари бир неча бор айтган гапимни такрорлашим керак: қайта қуриш концепцияси — қандайдир бир гуруҳ одамлар миясига ялт этиб келиб қолган фикр эмас. КПСС XX съездидан бошлабоқ партия ва жамиятда изланишлар авж олиб кетди. Афсуски, бу изланишлар қўллаб-қувватланмади, кўпчилик ҳолларда бостирилиб келинди. Социализмнинг сталинча моделини оқлаш йўлида уринишлар қилинган турғунлик йилларида назария расмий сиёсатга лаганбардорларча хизмат қилувчи ролни бажарадиган бўлиб қолди.

Биз тўла асос билан айта оламизки, қайта қуриш қалбимиз армонидир. Зотан, унга асос қилиб олинган концепция жамиятда, партияда, илм-фан ва маданиятда аллақачонок етилган ҳамма энг яхши нарсаларни ўзида мужассамлаштирди. 1985 йил апрель Пленуми назарий изланишларга қудратли омил бағишлаб, жамият ҳаётидаги жиддий муаммоларни эркин муҳокама қилиш имкониятини очиб берди. Мамлакат учун ана шу ниҳоятда керакли бўлган ижодий ишга партия, унинг Марказий Комитети бошчилик қилиб, бу иш учун қулай сиёсий шароит яратиб берганлиги ниҳоятда муҳимдир.

Дастлабки босқичдаёқ биз жамият тубдан янгиланишга муҳтож эканлигини англаб олдик. Қайта қуришнинг асосий моҳияти — социалистик йўл доирасида жамиятни чуқур демократиялаш ва инсонпарварлаштириш, уни эркин жамиятга айлантириш, инсонга муносиб турмуш шароитини яратиш фикри ана шу тарзда вужудга келди. Бу фикрни рўёбга чиқариш жараёнида туб иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий системада, федерацияда туб ўзгаришлар қилиш, ҳуқуқий давлатни ташкил топтириш ғоялари ишлаб чиқилди. Асосий мағзини умуминсоний қадриятлар устунлиги ташкил қиладиган янги сиёсий тафаккур асослари ишлаб чиқилди. Дунё XX аср охирига яқинлашган пайтдаги барча ғоят катта ўзгаришларни идрок этмай туриб қайта қуриш назариясини яратиш имконияти бўлмас эди.

Биз инқилобий ўзгаришларнинг мақсадлари ва усуллари ҳақидаги ўз тушунчамизни босқичма-босқич чуқурлаштириб бордик. Аслини олганда бу нарса, Ленин таъбири билан айтганда, социализмга нисбатан бутун нуқтаи назаримизни қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Натижада биз қайта қуришни янги инқилоб, Улуғ Октябрь бошлаб берган ишнинг мантиқий давоми деган тушунчага келдик.

Мен қайта қуриш назариясини қандайдир ҳар жиҳатдан мукаммал бир нарса, қандайдир тугал система, охирги ҳақиқат деб тасаввур қилиш ниятидан йироқман. Бундай даъволар қилишдан ўзимизни тиядиган пайт келди. Тажриба бизларни ўз-ўзини танқид руҳидаги баҳоларга, мамлакатдаги ва дунёдаги рўй бераётган жараёнларга монанд келадиган назарияга ҳам, сиёсатга ҳам зарур тузатишлар киритишга тайёр туришга ўргатди.

Бинобарин, бизларга, социализмнинг мукаммал янги назариясини баён қилиб беринг дейишганида, биз бундай деб жавоб берамиз: «социализм» тушунчасини фақат ҳаёт, фақат эркин меҳнат, халқнинг ўзини ўзи бошқариши ва фаровонлигигина янги мазмун билан бойитиши мумкин. Агар шундай қилинмаса, агар бу тушунча маърузалар ва бош мақолаларда кўчиб юрадиган тушунча бўлиб қолаверса, уларнинг муаллифлари категориялар моделини ясаш машқи билан шуғулланаверишса, социалистик ғоянинг қадри мутлақо қолмайди. Аввал, сиз ўз мамлакатингиз, ўз халқингиз учун нима қилмоқчи эканлигингизни айтинг, шундагина сиз аслида нимани истаётганлигингизни ва социализм деганда нимани назарда тутишингиз равшан бўлади. Биз айтамизки: социализм — реал ҳаракат, омманинг жонли ижодиётидир. Мен аминманки, КПСС ҳаракат мақсади — инсонпарвар, демократик социализм эканлигини тўғри белгилади.

КПСС XXVIII съездининг дастурий баёноти лойиҳасида бу хусусдаги фикр-

ларимиз таърифлаб берилган. Улар марксизмга қанчалик мувофиқ келади? Бу партиямиз учун принципиал масаладир.

Маълумки, Маркс, Энгельс ва Ленин яратган ижтимоий назариянинг мазмуни XIX аср воқеаларини, Ленинда эса XX асрнинг дастлабки ўн йилликларини ҳам таҳлил қилиш асосида таърифлаб берилди. Ўша пайтдан бери дунё ниҳоятда ўзгариб кетди, шу жумладан марксистик тафаккур, Октябрь инқилоби, халқаро инқилобий ва демократик ҳаракат таъсири остида ўзгарди. Биз эса ўн йилликлар мобайнида турмушимиздаги ҳамма ҳодисаларга жавобларни классикларнинг айтган фикрларидан топишга уриниб келдик, ваҳоланки, уларнинг ўзлари — классиклар ҳар қандай назариянинг тарихий шароит билан боғлиқлигини ҳисобга олишни талаб қилишган, марксизмни ўзига хос муқаддас китобга айлантирмоқчи бўлган кишилар устидан кулишган эди. Ҳаётнинг ўзи бизларни ана шу нарсани ёдда тутиб, марксистик диалектика асосий қонунларининг аҳамиятига ҳақиқий баҳо беришга мажбур этди. Биринчи навбатда конкрет вазиятни конкрет таҳлил қилишни талаб қилди. Фақат шу асосдагина сиёсат учун хулоса чиқаришни талаб қилди.

Қайта қуриш концепцияси, такрор айтаманки, ҳаракатда, доимий ривожланишда бўлиб, олға ҳаракатимиз сари янги ғоялар ва хулосалар билан бойиб бориши керак. КПСС ақидапарастлик ва қироатхонликка қатъий қарши бўлиб, социализм назарияси ва практикасига изчил ижодий ёндашиш, XX аср тарихий тажрибасини, Маркс, Энгельс ва Ленин меросини, инқилобий ва илғор фикр даҳоларининг меросини идрок этиш тарафдоридир.

Қайта қуриш концепциямизни такомиллаштириш йўлидаги иш давом этаётир. Шу сабабли дастурий баёнотни қабул қилгач, ҳозир амалдаги КПСС программасини ўз кучини йўқотган деб тан олиш ва олға — партиянинг янги программаси сари бориш эҳтимол тўғри бўлса керак. Шу мақсадда съездда тегишли комиссия тузиш жоиз бўлур эди.

Ўртоқлар! Коммунистлар ва бутун жамият съезддан партиянинг ўзи тўғрисидаги энг муҳим саволларга жавоб кутмоқдалар. Ҳозир партиянинг жамиятдаги ўз мавқеини, ўн йилликлар мобайнида таркиб топган қурилиш принциплари ва фаолият усулларини қайта идрок этишдан иборат табиий ва айни вақтда мушкул жараён давом этмоқда. КПСС ҳақидаги илгариги тасаввурлар танқидий баҳога ва жиддий ўзгаришларга муҳтождир.

Кейинги пайтларда партия жиддий танқидга — адолатли ва адолатсиз танқидга дучор қилинмоқда. Биз ўзимизни ҳам аямаётирмиз. Бизларни ҳам аяшмаётир. Шу ерда мен мана бу гапларни айтиб ўтмоқчиман.

Кўп йиллар мобайнида КПСС авторитар-бюрократик системага хизмат қилиш учун мослаштириб келинди. Бу эса партия ички муносабатларида, кадрлар танлашда жиддий бузилишларга, миллионларча коммунистларнинг қарорлар ишлаб чиқишдан амалда четлаштириб қўйилишига олиб келдики, бу нарса амалда партия ташкилотларида лоқайдлик, бефарқлик ва бўшанглик вазиятини вужудга келтирди.

Шу сабабли масъулияти партия раҳбариятининг зиммасига тушадиган мамлакатдаги бузилишлар танқид қилинар экан — бу миллионларча коммунистларнинг ялпи айбдор эканлигини мутлақо билдирмайди. Улуғ Ватан уруши даврида совет халқининг жанговар жасоратида коммунистларнинг ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлик кўрсатганлигини бирор киши рад эта олмаса керак. Мамлакатимизнинг бутун меҳнат тарихи мобайнида ҳам коммунистлар пешқадамлик қилиб келишди.

Биз буларнинг ҳаммасини яхши биламиз. Лекин бу нарса бизларни фаолиятимизни доимо ва танқидий идрок этиб, келгуси учун тўғри сиёсий хулосалар чиқариб олишдан мутлақо халос қилмайди.

Съездолди мунозараси ҳозирги шароитда партия қурилиши ва фаолияти принципларига тааллуқли жуда хилма-хил фикрларни келтириб чиқарди. Лекин фикрлар монанд келадиган нуқта бор. Бу — партия қайта қуриш тақдири учун масъулиятни ўзидан соқит қилиш, ўз мавқеидан бўйин товлаш, ижтимоий жараён четкасига чиқиб қолиш учун сиёсий ҳуқуқи ҳам, маънавий ҳуқуқи ҳам йўқлигини англашдир.

Янгиланган КПССни қандай тасаввур қиламиз?

— Бу ўз сиёсатида ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар манфаатини ифода-

ловчи социалистик йўлни танлаган ва коммунистик истиқболни кўзлаган партия, фикрдошларнинг ихтиёрий иттифоқи бўлади.

— Бу умуминсоний, инсонпарвар идеалларга содиқ бўлган, миллий анъаналар ва умидларга эътибор билан қарайдиган ва айни вақтда шовинизм, миллатчилик ва ирқчиликка, реакцион идеология ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз партия бўлади.

— Бу мафкуравий калтабинликдан, ақидапарастликдан холи бўлган, ишонтириш усуллари билан ҳаракат қилиб, ўз сиёсатини тарғиб қилиб, мамлакатдаги барча илғор ижтимоий-сиёсий кучлар билан мусоҳаба, мунозара, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ривожлантириб, сиёсий ва мафкуравий жараёнларда ташаббускорликка интилувчи партия бўлади.

— Бу ўз аъзолари ўртасидаги муносабатларни фақат партиявий ўртоқлик, ҳар бир кишининг фикрини ҳурмат қилиш, озчиликнинг ўз позициясига эга бўлиш ҳуқуқини, муҳокаманинг тўла эркинлигини ҳамда кўпчилик қабул қилган қарорларнинг барча учун мажбурий эканлигини тан олиш асосида қурадиган партия бўлади.

— Бу партия ташкилотлари ички ҳаётида ўзини ўзи бошқариш принципларини, ҳаракатлар эркинлигини, дастурий мақсадлари ва устав қоидаларининг умумийлиги билан бирлашган иттифоқдош республикалар компартияларининг мустақиллигини қарор топтирувчи партия бўлади.

— Бу турли мамлакатлардаги ва турли йўлларни танлаган коммунистлар, социал-демократлар, социалистлар билан, ҳозирги замон сиёсий ва илмий тафаккуридаги кўпгина бошқа оқимларнинг намояндалари билан алоқалар, ҳамкорлик қилиш учун очиқ партия бўлади.

Съездолди мунозараси фикрлар тўқнашуви марказдаги бир неча асосий масалаларни аниқлади. Улар КПСС ислоҳотини англаб олиш учун асос бўлганлиги сабабли улар юзасидан аниқ позицияни белгилаб олиш керак.

Пешқадам партиями ёки парламент партиясими. Партия СССР Конституциясининг 6- ва 7-моддаларини ўзгартириш тарафдори бўлиб чиқиб, давлат органлари ўрнини босишдан, маъмурий бошқариш вазифаларини бажаришдан воз кечганлигини қайд қилди. Турли ҳужжатларда, шу жумладан XXVIII съезднинг дастурий баёноти лойиҳасида партияни Ленин тушунганидек жамиятнинг пешқадам кучи сифатидаги тушунчага қайтиш зарурлиги ҳақида гапирилади.

Аммо биз яна қандайдир алоҳида мавқега даъвогарлик қилмаётирмизми, «раҳбарлик роли» атамасини «пешқадамлик роли» атамаси билан алмаштирибгина қўймаётирмизми?— Бундай саволлар эшитилиб турибди. Бунга равшанлик киритиш керак. Бизнинг фикримизча, пешқадамлик ролини жамиятга мажбуран қабул қилдириб бўлмайди, унга меҳнаткашларнинг манфаатлари учун фаол кураш, амалий ишлар, ўзимизнинг бутун сиёсий ва маънавий қиёфамиз билангина эришиш мумкин. КПСС демократик жараён, марказда ва жойларда қонун чиқариш органлари сайловлари доирасида ўз сиёсатини ўтказади ва ҳукмрон партия мандатини сақлаб қолиш учун кураш олиб боради. Бу жиҳатдан у парламент партияси сифатида ҳаракат қилади.

Ҳозир партия учун энг қийин вазифа — ўз таъсирини янги сиёсий ва ташкилий имкониятлари билан қиёслашдир. Партия совет идоралари вазифаларига аралашмаслигидан келиб чиқиш керак. Бу эса у ўзи билан маслаҳатлашилмасдан қабул қилинадиган қарорлар учун масъул эмас ва уларни ошкора танқид қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади, деган маънони билдиради.

Бошланғич партия ташкилотлари корхоналарда ва ташкилотларда маъмурият фаолиятини, министрликлар ва идоралар, совет ва хўжалик муассасалари аппарати ишини назорат қилишнинг имконияти йўқ ва ҳозироқ амалда бундай ҳуқуққа эга бўлмай қолдик, деб ҳисоблайдилар. Аммо партия ташкилотлари меҳнат коллективларида ёки регионларда рўй бераётган жараёнларни четдан кузатувчилар бўлиб қола олмайдилар. Улар хилма-хил вазифаларни ҳал этишга коммунистлар ва аввало коммунист раҳбарлар орқали янги сиёсий ва ташкилий усуллар билан таъсир қилишни ўрганиб олишлари керак. Партия ташкилотларининг янги мавқеи шундан иборатки, улар йиғилишлар, съездлар, конференциялар, пленумларда жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан позицияларни коллектив равишда ишлаб чиқиб, уларни тегишли давлат ва хўжалик идоралари-

га етказишлари, бу позицияларни оммавий мунозараларда тушунтиришлари, коммунистлар эътиборини ана шу позицияларни амалий ишларда ҳимоя қилишга қаратишлари лозим. КПСС таъсирининг кўлами, биринчи навбатда, партия эълон қиладиган ғояларга, бу ғояларнинг меҳнаткашлар учун жозибали бўлишига боғлиқ бўлади.

Бошқа сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар билан муносабатлар тўғрисида. Менимча, бизнинг партия съездимиз илғор йўлни танлаган барча партиялар ва ҳаракатлар билан кенг кўламда ҳамкорлик қилиш, қайта қуриш манфаатлари йўлида, халқ манфаатлари йўлида бирлашиш тарафдори эканлигини аниқ айтади. Ана шундай ҳамкорлик доирасида жамоатчиликни ташвишга солаётган ҳар қандай муаммоларни муҳокама қилиб, келишувга ва биргаликда ҳаракат қилишга олиб борадиган йўлларни излаб топиш мумкин. Аминманки, марказда ва жойларда демократик кучларнинг, сиёсий барқарорлик, гражданлар ва миллатлараро тотувлик шароитида жамиятни чуқур ислоҳ қилишдан астойдил манфаатдор бўлган барча кишиларнинг ҳокимият органларида ишлашлари мамлакатга жуда катта фойда келтирган бўлур эди.

Оммавий ижтимоий ташкилотларга муносабат тўғрисида. Касаба уюшмалари билан муносабатлар партиямиз учун ҳамиша ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб келди. Чунки бу аслида партиянинг ижтимоий базаси ҳақидаги, миллионларча ишчилар, хизматчилар билан, кейинги йилларда эса қишлоқларда касаба уюшма ташкилотлари тузилиши муносабати билан деҳқонлар билан ҳам бевосита ва билвосита алоқа ҳақидаги масаладир.

Меҳнаткашларнинг иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини биринчи навбатда ҳимоя қилиши, Ленин айтганидек, «маъмуриятнинг кўпайиши»га қарши кураш олиб бориши лозим бўлган меҳнаткашларнинг ташкилотлари жамиятимиз ҳаётида ҳамиша муҳим ўрин эгаллаб келди. Аммо улар, маълумки, асосан ёрдамчи вазифаларни бажариб келишди, бўйсунувчи мавқеда қолиб келишди. Касаба уюшмаларининг «ҳаракат тасмалари», «пишанглар» тарзидаги анъанавий тимсоли ҳам шунга мос келар эди ва ҳоказо.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай ёндашув касаба уюшмаларининг вазифаларини муайян даражада бузиб кўрсатар эди, бу нарса қайта қуриш ва жамиятни демократиялаш шароитида мақбул эмас.

Аслини айтганда, партия билан касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатлар ҳозироқ ўзгармоқда. Касаба уюшмалари партия бошлиқларининг кўрсатмаларини итоаткорона тарзда бажарадиган, кўпгина корхоналарда маъмуриятнинг ўзига хос кўшимтаси бўлиб қолган пайтлар ўтиб кетди.

Касаба уюшмаларини қайта қуриш кечикиб бошланди. Энди бу жараённинг суръати ошиб бормоқда. Аммо орқада қолиш, аъзолар оммаси билан ўзаро муносабатларнинг эски услуби ва воситаларига мойиллик бир қатор ҳолларда ишчиларда касаба уюшмаси комитетлари уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қобилиятига ишончсизлигини келтириб чиқарди. Натижада ижтимоий кескинлик пайтида параллел структуралар — стачка комитетлари вужудга келиб, улар маъмурлар ва касаба уюшмаларининг нотовонлиги оқибатида ўз вазифаларини кенгайтира бошладилар.

Аслида биз Совет Иттифоқида ишчилар ҳаракати қайта тикланаётганлигини кўриб турибмиз. Бу ниҳоятда жиддий масала бўлиб, партия тақдири билан бевосита боғланган, уни асосли тарзда таҳлил қилиш керак.

Маъмурий буйруқбозлик системаси неча ўн йиллар ҳукмронлик қилиши ишчилар синфининг мулкдан ва ҳокимиятдан бегоналашувига олиб келди. Бинобарин, ишчиларда муомала тактикаси, услубини ўзгартириш билангина бизларни илгаригидек хоҳлаган мақомга солишни истаётирлар, деган шубҳа бор. Партияни янгилаш вазифаларидан бири — ишчилар синфи билан ўзаро муносабатларнинг эскича буйруқбозлик воситасини тамомила тугатиб, КПСС барча поғаналарда ишчилар синфи манфаатларини ва адолатли талабларини ҳимоя қилишга, унинг бевосита намояндаларини Иттифоқ ва маҳаллий даражадаги парламент курашида ва сиёсий фаолиятда қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини иш билан исботлаш вазифаси ана шундан келиб чиқади.

Партиянинг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қила олиш қобилиятини текшириш учун мезон — у бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида меҳнаткашлар ва

айникса кам ҳақ оладиган меҳнаткашлар турмуш даражаси пасаймаслигига эриша олишидир.

Бунда меҳнаткашларнинг мазкур табақаси, уларнинг мазкур туркуми манфаатларини ҳимоя қилиб, тараққиётга, қайта қуриш суръатига зарар етказмаслик учун омма билан доимий жонли алоқа ҳам, билимдонлик ҳам, сиёсий санъат ҳам керак.

Партиянинг касаба уюшмалари билан, бошқа ишчи ташкилотлари билан муносабатлари шериклик, ўртоқлик асосида қурилади. Партия комитетлари касаба уюшмаларининг ички ишларига мутлақо аралашмаган ҳолда уларнинг асосланган талаблари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун ўзларининг бутун таъсир кучидан фойдаланишлари лозим.

Бошқа оммавий жамоат ташкилотлари орасида комсомол ҳақида алоҳида гапириб ўтиш керак. Бу — партияга энг яқин, айтиш мумкинки, ғоявий-сиёсий жиҳатдан қондош ташкилотдир. Комсомолдаги ўртоқларимиз мушкул даврни бошдан кечирмоқдалар. Буни яқинда бўлиб ўтган ВЛКСМ съездида кузатиш мумкин бўлди. Съездда комсомол бўлиши керакми ёки бўлмаслиги керакми, бўладиган бўлса қандай бўлиши керак? У ўзининг энг яхши анъаналарини сақлаган ҳолда тубдан янгилана оладими — деган масалалалар қизғин мунозараларда ҳал этилди.

Партия сингари комсомол ҳам аслида ўзини поклаш, ўтмишда унда бўлган барча салбий жиҳатлардан холи бўлиш палласидан ўтиши керак. Билмадим, комсомоллар менинг фикримга қўшиладиларми, лекин менда улар ҳали бу ишни тўла-тўкис қила олмадилар, деган таассурот қолди. Лекин комсомолни ўзгартириш, қайта қуриш иши бошланиб кетди. Комсомол ўзи учун ҳал қилиб олган энг асосий масала шу бўлдики, у КПСС билан ғоявий ва сиёсий жиҳатдан узвий боғлиқ бўлиб қолади. Бу нарса партия учун принципиал муҳим нарсадир.

Ҳозирги шароитда биз комсомолни барча ёшларнинг яккаҳоким намояндаси деб билиш одатидан воз кечмоғимиз керак, албатта. Янги партиялар билан биргаликда балки ёшлар ташкилотлари ҳам тузилиб, ёшлар учун ғоявий ва сиёсий кураш олиб борилар. Биз, ўз-ўзидан маълумки, комсомол ташкилотларининг мустақиллигини тўла-тўкис ҳурмат қилган ҳолда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ишни эскичасига олиб бориш — ёш авлоддан маҳрум бўлиб қолишни билдирган бўлур эди.

Янгиланаётган КПССнинг бошқа жамоат ташкилотлари билан муносабатлари масаласи бизни кенгроқ мавзуга — партиянинг ҳозирги ижтимоий негизи ҳақидаги масалага олиб чиқади. Съездолди мунозарасида: КПСС кимнинг партияси эканлигини белгилаб олсин, деган гапларни эшитишга тўғри келди. Гўё жамият барча табақаларининг манфаатларини ифодалаш хусусидаги даъво асосли эмас, чунки бу манфаатлар ҳамиша ҳам мувофиқ келавермайди, кўп ҳолларда эса бир-бирига қарама-қарши бўлади, деган маънода гапирилди.

Бу жиддий далил. Ҳақиқатан ҳам ўтмишда бизда ижтимоий манфаатлар табақаланиши, тафовути мутлақо рад этилар эди. Жамиятнинг маънавий-сиёсий бирлиги деган шиор ижтимоий талаблар ва интилишларнинг реал хилма-хиллигини кўриш заруратидан холи қилиб қўйган эди. Бугун биз бу фактни тан олибгина қолмай, шу билан бирга ўз доирасида турли манфаатлар монандлиги имкониятини берадиган сиёсий системани яратяпмиз.

Айни вақтда совет кишиларида касб, миллий, ёш ва бошқа ўзига хос талаблар билан бир қаторда миллионларча шахсларни битта халққа боғловчи умумий манфаатлар борлиги равшан. Биз демократиялаштириш ёрдамида умуман мамлакатнинг жуда катта имкониятларини рўёбга чиқаришни ва шу асосда ривожланган замонавий давлатлар даражасида халқ манфаатлари қондирилишини таъминлашни қайта қуришнинг асл моҳияти деб биламиз.

Биз — қайта қуриш партиясимиз, бинобарин, КПСС бугун умумхалқ сиёсий ташкилоти сифатида иш олиб бормоқда. Шуни таъкидламоқчиманки, бунда гап янги шиорлар остида монополияга эришиш соҳасидаги умрини яшаб бўлган ярамас интилишларни қайта тиклаш ҳақида бораётгани йўқ. КПСС умуман халқ манфаатларини акс эттириб, социалистик йўлдан борувчи партия сифатида бундан буён ҳам ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларга таянаверади.

Партиянинг хотин-қизларга муносабатини тубдан қайта қуриш зарур. Хотин-

қизлар масаласи бизда энг жиддий масалалар жумласига киришини тан олиш керак. «Қайта қуриш даври» ҳақида гапириладиган бўлса, КПСС XXVII съездидан буён айтилган кўпдан-кўп шиорларга қарамай, хотин-қизлар меҳнати ва турмуш шароити кўпроқ эътиборга ва тубдан яхшиланишга муҳтождир. Бу — энг асосий масалалардан биридир. Сиёсий ҳаётда хотин-қизларнинг ниҳоятда кам қатнашаётганлигига айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Биз ҳозир кўпгина мамлакатларда хотин-қизлар катта сиёсатда фаол қатнашаётганлигини кўриб ҳаммамиз уялишимиз керак, деб ўйлайман, ҳозир эса мана шу залга бир назар ташланг, бу ерда қанча аёл делегат бор? Бу масалага тўла равшанлик киритиш учун мандат комиссияси раисининг маърузасини кутиб турамиз. Хўш, ҳукуматда қанча хотин-қиз бор? Бизда бу иш ниҳоятда ташлаб қўйилган ва кейинги вақтларда жуда кам нарса ўзгарди. Марказий Комитетда ҳам, Сиёсий бюрода ҳам, секретариатда ҳам хотин-қизларнинг намояндалари бўлиши учун балки шу съездда реал тадбирлар кўриш керакдир? Партия вазифалари ўзгаришини ҳисобга олиб, Марказий Комитет аппаратида хотин-қизлар орасида иш олиб бориш бўлими бўлиши ҳақида ўйлаб кўриш мумкин. Менимча, хотин-қизлар бу таклифни ёқлайдилар: улар қарсак чалишаяпти.

Жамиятни демократиялаш муносабати билан вужудга келаётган янги ҳодисалардан бири хотин-қизлар ташкилотини мустаҳкамлаш бўлиб қолишига шубҳа қилмаса бўлади. Биз бу жараённи ҳар томонлама табриклашимиз ва унга мадад беришимиз керак. Эркакларнинг шарафли иши — эркакларнинг шарафи ҳақидаги масала шу тахлитда қўйилаётир! — хотин-қизлар аҳволини енгиллаштириш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришдир. Лекин хотин-қизлар уюша олсалар, уларнинг ўзлари ҳам кўпгина иш қилишлари мумкин.

Партиянинг яна бир муҳим ижтимоий таянчи ҳақида: уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида. КПСС бу муҳитда мустаҳкам позицияларини сақлаб қолмоқда. Биз ветеранлар мададини қадрлашимиз, уларни партия турмушида ва умуман сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга жалб қилишимиз керак. Булар энг оғир пайтларда ватанпарвар эканликларини исботлаган, одатда қатъий гражданлик позициясида турадиган кишилардир.

Иттифоқдош жумҳуриятлар Коммунистик партиялари тўғрисида. Бу ҳозир долзарб масала эканлигига съезд делегатлари аминлар деб ўйлайман. Бу ташкилий масалагина эмас, чунки у байналмилал ташкилот сифатида партиямизнинг ўз табиатига тааллуқлидир. Партия Ленин томонидан шу тарзда тузилган эди, у ана шу тарзда кўп ўн йилликлар давомида кўп миллатли давлатимизнинг мустаҳкамловчи кучи вазифасини бажариб келди. Унинг ана шу характери сақлаб қолиниши принципиал жиҳатдан муҳимдир, акс ҳолда мамлакат ҳам, давлат ҳам, партия ҳам катта, айтиш мумкин, ўрни тўлмайдиган зарар кўрадилар.

Вужудга келган муаммоларни ҳал этишга принципиал ёндашиш ҳеч кимда шубҳа туғдирмаётган бўлса керак. Биз шунга асосланамизки, КПССнинг яхлитлиги иттифоқдош жумҳуриятлар ва автономиялар компартияларининг энг кўп даражадаги мустақиллиги билан тамомила мос келади, уларнинг миллий, тарихий, маҳаллий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш имкониятларини кадрлар, молия масалаларини ҳамда ўз фаолиятининг бошқа масалаларини ўз билгиларича ҳал этиш имкониятларини сира ҳам чекламайди. Аммо бу муаммолар иттифоқимизни ўзгартириш жараёни билан қўшилиб кетаётганлиги сабабли бу соҳада турли тенденциялар, то партияни федераллаштириш ва ундан ажралиб чиқишгача бўлган тенденциялар мавжуддир. Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги вазият сизларга маълум. Марказий Комитет кўрган барча тадбирларга қарамай, партиянинг КПСС Ҳаракат дастурида қолган ва ундан чиққан аъзоларга бўлинишининг олдини олишга муваффақ бўлолмадик. Натижада жумҳуриятларда коммунистик ҳаракат кескин заифлашди, у ерларда ҳокимият тепасига бошқа сиёсий кучлар келди.

Агар биз ҳозир чегараланиш, парокандалик, ажралиш жараёнига берилиб кетсак, бу нарса коммунистик ҳаракатга муваффақиятсизлик келтиради, уни заифлаштиради ва бошқа сиёсий кучлар мавқеларининг кучайиши учун имконият яратади. Биз ҳаммамиз ана шу воқеалардан сабоқ чиқариб олишимиз, партияларнинг байналмилал яхлитлигини — бунда мен ана шу жумҳуриятлар компартияларини ҳам истисно қилмаяпман — мустаҳкамлашга янги ёндашувларни излаб топишга ҳаракат қилишимиз керак. Устав лойиҳасида жумҳуриятлар компартия-

лари манфаатларини умуман партия манфаатлари билан мувофиқлаштиришнинг бир қанча воситаларини вужудга келтириш кўзда тутилган. Принципиал сиёсий қарорлар қабул қилиш пайтидаги тегишли тартиблар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бирорта Компартия бошқасидан устун бўлишига йўл қўймаслик, у бошқаларга ўз иродасини қабул қилдириш имкониятига эга бўлмаслиги муҳимдир.

Россия Федерацияси Компартияси конференциясида (у ўзини таъсис съезди деб эълон қилди) съездимизнинг кўпгина делегатлари иштирок этиш, бошқалари уни кузатиш имкониятига эга бўлишди. Коммунистларнинг мамлакат тақдиридан, жумҳуриятнинг мушкул муаммоларидан ташвишланишлари, янгидан тузилаётган жумҳурият Компартияси имкониятларидан Россияни, унинг кўп сонли халқларини қайта тиклашда, кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатиш имкониятларидан фойдаланишга интилиш ана шу конференция диққат марказида бўлди. Съезднинг ҳужжатларида Россия коммунистларининг КПССни ягона умумиттифоқ партияси сифатида мустаҳкамлашга ёрдам бериш, бошқа жумҳуриятларнинг компартиялари билан тенг ҳуқуқ асосида ҳамкорлик қилиш истагини қайд қилиб ўтишни муҳим деб ҳисоблайман. Россия коммунистларининг бундай принципиал позициясини биз табриклай оламиз, деб ўйлайман.

КПСС таркибий қисмларининг ўзаро муносабатларига келганда, шунга аминманки, биз энг муҳим нарсани: коммунистлар биргалашиб қудратли сиёсий кучни ташкил қилишларини, лекин миллий хонадонларга тарқалиб кетишса, бу кучдан маҳрум бўлиб қолишларини ёдимизда тутсак, барча вазифаларни ҳал этишга қодир бўламиз.

Территориал ёки ишлаб чиқариш принципи. Ишлаб чиқаришда партия ташкилоти бўлиши керакми ёки бўлиши керак эмасми, деган саволга жавоб битта — бўлиши керак. Партиямиз тарихан ишчи жамоалари базасида амал қилиб келди, унинг илдизлари, унинг манбалари шу ерда. КПССнинг ишлаб чиқариш асосида тузилиш принципи таркиб топган барқарор анъаналарга мос бўлиб тушади ва биз ундан чекиниш учун асос йўқ деб биламиз. Бундан ташқари коммунистларнинг ўзлари ўз ташкилотлари шаклини белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Бу гап бошқа партиялар аъзоларига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир, албатта.

КПСС тузилишининг ишлаб чиқариш принципини сақлаб қолиш лозимлигини айтиш билан бир вақтда истиқомат жойларидаги партия ташкилотлари ишини яхшилаш керак. Шуни эътироф этиш керакки, партия территориал принципини яхши ўзлаштириб олмаган. Буни, хусусан, халқ депутатлари сайлови кўрсатди, ана шундай йирик сиёсий кампаниялар жараёнида эса сиёсий ишлар маркази айни территорияларга кўчирилади.

Ҳозир бошқа масала: давлат бошқаруви, суд, прокуратура, бошқа ҳуқуқ-тартибот органларини, шунингдек армияни сиёсатдан ажратиш масаласи анча жиддий қилиб қўйилаётир. Бу хусусда бизнинг мавқеимиз шу билан белгиланадики, бирлашиш ҳуқуқи зарур сиёсий эркинликлар жумласига киради. Партия аъзоларига корхоналар, муассасалар ва шу сингари жойларда ўз ячейкаларини тузишни ҳеч ким тақиқлай олмайди.

Сиёсатдан ажратилган давлат органларини тасаввур қилиш қийин, дунёда аскарлар ва офицерлар руҳиятини қўллаб-қувватлаш, тарбиялаш органлари иш олиб бормайдиган армияни топиш қийин. Бу соҳада ҳам биз алоҳидаликни даъво қилмаймиз — бу бизда қонуний тартибда рўйхатга олинган барча партияларнинг табиий ҳуқуқидир. Бизнинг ёндашувимиз ана шундай.

Демократик централизм тўғрисида. Аввалги йилларда ана шу ленинча қоида ҳақиқатда бюрократик централизм билан алмаштирилган эди. Энди бунга бутунлай барҳам берилди. Биз партияни қайта қурар эканмиз, ички партиявий демократияни, ўзини ўзи бошқаришни, онгли интизомга ихтиёрий равишда ва оқилона риоя этиб, коммунистларнинг раҳбар органлари фаолияти устидан назоратини ҳар томонлама ривожлантириш учун шароит яратаяпмиз.

Ҳозир партияда бу қоидани уставдан чиқариб ташлаш кайфияти кучли, чунки ўтган бутун тажриба бу қоиданинг обрўсини тушириб юборди, бироқ кўп кишилар бу қоидадан воз кечиш партияни мунозара масканига айлатириб юбориш хавфини туғдиради, деб уни сақлаб қолиш кераклигини айтмоқдалар. Биринчи ҳолатда ўртоқлар аввалги тажриба билан боғлиқ бўлган иборани тарк этишни истамоқдалар, деб ўйлайман. Аммо ҳақиқий коммунистлардан ҳеч ким партиямизни шаклсиз ташкилотга айлантиришни хоҳламайди, бундай ташкилотда ҳамма нарсани мунозаралар ғарқ қилиб юбориши мумкин бўлур эди. Компартия сиёсий партия сифатида ўз олдида турган жуда катта вазифаларни ҳал эта олмайдиган бўлиб қолур эди.

Умуман, съезд бир йўлни танлаб олиши керак. Келинглар, бу масалани муҳокама қилайлик. Уни моҳият эътибори билан кўриб чиқайлик. Дастурий баёнотда ҳам, устав лойиҳасида ҳам бу хусусда таклифлар бор. Уставга шундай қоидалар

асос қилиб олиниши керакки, улар партиянинг халқчиллигига ҳам, иш қобилиятига ҳам, кўпчилик қабул этган қарорларнинг ҳамма учун мажбурийлигига ҳам кафолат берадиган бўлсин.

Бошқа бир принципиал масала — фракциялар масаласи ҳам шу масала билан боғлиқ. Ҳозир биз демократияни ва ички партиявий ошкораликни, рўй-ростликни ривожлантириш соҳасида катта қадам қўйдик. Бошқача фикрлашни бўғиш йўлидаги уринишлар қораланди. Аммо шундай бир остона борки, ундан ўтиб кетиш партияни хароб қилган бўлур эди. Ўзининг алоҳида ички интизомига эга бўлган фракцияларни тузиш мана шундай остонадан ўтиш бўлур эди. Аниқлик киритмоқчиман: бундай тусдаги фракцияларни тузишга йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирганда биз у ёки бу масалалар хусусида кўпчиликнинг позициясидан фарқ қиладиган ўз нуқтаи назари вужудга келиб қолган партия аъзолари ўз фикрларини муҳокама ва тарғиб қилишлари, то партия съездларида ҳам ўз фикрларини кўпчиликка билдира олишлари мумкинлигини назарда тутамиз. Келинглар, бу хусусда бир-биримизнинг фикримизни англаб турганимизни кўрсатайлик.

Партиялилар оммасининг ҳокимияти ҳақида. Партия ислоҳотининг моҳияти амалда партиялилар оммасининг ҳокимиятини, коммунистларнинг партия сиёсатига ҳақиқий таъсирини таъминлашдан иборат. Бунинг учун бошланғич партия ташкилотларининг мавқеини тубдан ўзгартириш зурур.

КПСС янги Уставининг лойиҳасида бу хусусда съездолди мунозарасида тавсия этилган деярли барча таклифлар ҳисобга олинган. Бошланғич партия ташкилотларининг ҳаммаси ўз ички турмушини тузишда мустақилдир, деб белгилаб қўйилган. Уларнинг қарорлари КПССнинг дастурий мақсадларига ва Устав тартиб-қоидаларига зид бўлмаса, юқори органлар томонидан бекор қилиниши мумкин эмас, шахсий ишларга оид қарорлар бундан мустаснодир. Бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини чеклаб қўйишга барҳам берилади. КПССга қабул қилиш уларнинг ихтиёрига топширилади. Улар партия ҳисобида турган ҳар бир коммунистнинг фаолиятига баҳо бериш ҳуқуқини оладилар.

Молиявий таъминот масалалари принципиал тарзда янгича ҳал этилади. Бошланғич партия ташкилотлари ўз тузилиши, фаолият дастури ва шакллари масалаларини ўзлари ҳал эта оладилар. Партиянинг муҳим масалаларига оид қарорлари лойиҳаларини коммунистларининг муҳокамасига тез-тез қўйиб туриш, мунтазам равишда мунозаралар ўтказиш керак. Коммунистларнинг иродасини тез аниқлаб олиш учун КПСС миқёсида ҳам, унинг ташкилотлари миқёсида ҳам партия референдумларини ўтказиш тартибини зудлик билан ишлаб чиқиш лозим.

Партиядаги сайлов системасининг демократик асосларини мустаҳкамлаш зарур. КПСС съездига, иттифоқдош республикалар компартияларининг съездларига, партия конференцияларига делегатларни тўғридан-тўғри сайлаш соҳасида дастлабки тажрибамиз бор. Съезолди даврида бевосита йиғилишлар, конференциялар, съездларда партия котибларини сайлаш одат тусига кирди. Муқобиллик қоида бўлиб қолди. Мана шу тажрибанинг ҳаммасини эътибор билан ойишта ўрганиш лозим.

Партияни демократик тарзда ривожлантириш йўлида муҳим қадам қўйилди. Бироқ сайлов тартиб-қоидаси ҳозирча ишчиларга, деҳқонларга, аёлларга, ёш коммунистларга асло қиё боқмаётганлигидан кўз юмиш нотўғри бўлур эди. Юқори партия органларида бошланғич, бошқа партия ташкилотларининг бевосита вакиллигини жорий этиш тўғрисидаги таклифларнинг мағзини чақишга зўр эътибор билан қараш кераклиги равшан. Келинг, муҳокама қилайлик.

Партия марказий органларининг тузилиши — алоҳида масала. Дастурий баёнот ва устав лойиҳаларида бу хусусда баён этилган таклифлар ҳақида бирмунча эътирозлар бўлса ҳам, ҳар ҳолда кўпчилик бунга қарши чиқмади. Партия қурилишининг иттифоқдош республикалар компартиялари мустақиллиги билан боғлиқ бўлган янги жиҳатлар дуруст ҳисобга олинмаган, Марказий Комитетнинг президиуми унчалик оператив орган бўлиб кўринмаяпти, деган фикр айтилмоқда. Бу масала куни кеча делегациялар вакилларининг кенгашида анча батафсил муҳокама қилинди ва мен уларнинг топширувига биноан шуни айтмоқчиман: ўртоқларнинг фикрича, ҳар ҳолда кўпчилик коммунистлар президиум тузилишини ва партиянинг Раиси, унинг ўринбосарлари лавозимларини жорий этишни ёқламаяпти, балки съезд томонидан сайланадиган Сиёсий бюро ва Бош котиб лавозими сақлаб қолинишини, партия раҳбариятидаги иккинчи шахс сифатида Марказий Комитет Бош котибининг ўринбосарини сайлашни ёқламоқда.

Назаримда, делегациялар вакиллари кенгашининг фикрини сизларга аниқ айтиб бераяпман. Биз партия учун муҳим бўлган шу масалаларни муҳокама қилиб, ҳал этишимиз керак.

Съездлар ўртасидаги даврда партия Марказий Комитети, КПСС Марказий

Комитетининг ҳозирги состави қайта қуриш вазифаларини шундай бир шароитда ҳал этишига тўғри келдики, бунда воқеаларнинг бориши янги ёндашувларни доимий излашга, идрок этилган ва равшан бўлиб қолгандек туюлган нарсаларни қайтадан баҳолашга мажбур этди. Партия XXVII съезди ҳужжатларини ҳозир ўқисангиз, ўша пайтда сиз билан биз қодир бўлган энг дадил ғояларни ҳам ҳаёт анча орқада қолдириб кетганини кўрасиз. Ўтган даврда Марказий Комитет зўр ғайрат билан ишлади. 21 та Пленум ўтказилди. Бу — Уставда беш йиллик муддатда белгиланган Пленумлар сонидан икки ҳисса кўп, аммо биз ҳали беш йилликни тугаллаганимиз йўқ. Бу Пленумларнинг истисносиз ҳар бири, айтишим мумкинки, бутун бир босқичга татийдиган принципиал аҳамиятга молик Пленум бўлди. XXVII съезддан кейин ўтган йиллар мобайнида Пленумлардаги муҳитгина эмас, муҳокама этилган масалаларнинг мавзулари, мунозаларининг мазмуни ҳам Марказий Комитет фаолиятининг руҳини ўзгартириб юборди. Сўнгги Пленумларнинг ҳаммасида рўй-рост, кўпинча юз-хотир қилмай гапирилди.

Пленумларда фикрлар нақадар хилма-хил бўлмасин, позициялар тўқнашмасин ва ихтилофлар бўлиб турмасин, ҳамма принципиал масалалар юзасидан якдиллик билан қарорлар қабул қилинганини ва биз қадам-бақадам муттасил илгари силжиб борганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман, бу хусусда турли гап-сўзлар борлиги учун шуни таъкидламоқчиман. Бу эса Марказий Комитет қанчалик, танқид қилинаётган бўлмасин, барибир у қайта қуриш сиёсатини, инқилобий ўзгартиришлар жараёнини илгари силжитиш учун кўп иш қилганидан дарак беради.

Биз жамиятимиз тараққиётининг жуда мураккаб даврини, шу даврда ҳал этишга тўғри келган муаммоларнинг янгилиги ва кенг миқёслилигини, воқеаларнинг муайян даражадаги таҳликалилигини эътиборга олиб, бутун масъулият билан айта оламизки, КПСС XXVII съезди сайлаган ҳозирги Марказий Комитет ўз зиммасига юклатилган вазифларни энг муҳим ва асосий соҳаларда бажарди.

Ўртоқлар, бу гал Марказий Комитетнинг, маърузада айтиб ўтилганидек, янглишишларга йўл қўйганини, ҳамма ҳолларда ҳам турмуш талабларига жавоб бера олмаганини, жўшқин давримиз илгари сурган ҳамма саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топа олмаганини соқит қила оладими? Йўқ, албатта! Бу камчиликлар партия раҳбарияти, қолаверса Марказий Комитет кўпгина аъзолари фаолиятидаги камчиликлар жумласига киради, зеро уларнинг иши жойларда ҳам коммунистлар томонидан қаттиқ танқид қилинди.

Делегатлар умуман Марказий Комитетнинг иши ҳақида, унинг айрим аъзоларининг эгаллаб турган лавозимларидаги иш тўғрисида ўз фикрларини айтиши мумкин. Бундан ташқари, боя айтганимдек, Сиёсий бюро аъзоларининг нутқлари тинглангандан кейин уларнинг иши ҳақида бир фикрга келишингиз учун имконият бўлади. Марказий Комитет ва КПСС раҳбарияти аъзолари сиёсий фаолиятининг натижаларини қайта қуриш миқёсларига қараб ва уларнинг инқилобий ўзгаришларга қўшган ҳиссасига қараб баҳолаш кераклигинигина айтиб ўтмоқчиман. Марказий Комитет ўзгартишлар сиёсатини таклиф этишга ва шу ўзгартишларни амалга ошириш соҳасида жуда катта иш қилишга қодир бўлиб чиқди. Аммо бу гапдан қанча кўп иш қилиш мумкин эди ва шу тариқа жамиятни ижтимоий кескинликка олиб келган, эндиликда илож қидиришга мажбур этаётган кўпгина салбий ҳодисалардан халос қилиш мумкин эди, деган фикрни инкор этмаслигини такрор айтмоқчиман.

Кўпларимизнинг шаънимизга бир талай танқидий мулоҳазалар айтилди ва эҳтимол, съездда яна айтилади. Зеро танқидда мунозара ҳам, партиядаги ва жамиятдаги ҳолатни акс эттирадиган позициялар тўқнашуви ҳам намоён бўлади. У ёки бу мунозарага эса фақат ҳаётнинг ўзи узил-кесил тўла равшанлик киритади.

Биз партиянинг барча бўғинларида бундан буён ҳам соғлом муҳитни сақлаб қолишимиз, мунозара руҳини давом эттиришимиз, мунозараларнинг самарадорлиги ҳақида ва энг муҳими, шу йилларда бизга етишмаган партиявий ўртоқлик, партиявий одоб тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак.

Сиёсий маданиятни эгалламоқ керак, чунки сиёсий маданият шароитидагина муаммоларни амалий тарзда муҳокама қилишга ва зарур қарорларни биргаликда ишлаб чиқишга умид қилиш мумкин. Умуман анжуманларимизда, айниқса мана шундай даражадаги анжуманда таҳлил далиллари ёки маълумотлари йўқлигини ўткир иборалар билан ёпиб юбормаслик ва алмаштирмаслик керак.

Мен маърузани тугаллаяпман.

Ўртоқлар, олдимизда жуда қийин вазифалар турибди, партия эса келгусида, фақат қайта қуришни янада демократиялаш ва чуқурлаштириш йўли билангина бу вазифаларни ҳал этиш, инқирозли вазиятдан қутулиш мумкин деб ўйлайди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVIII СЪЕЗДИГА СИЁСИЙ ҲИСОБОТИ МУҲОКАМАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ЮЗАСИДАН М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

Мунозара энди авж олмоқда, кўп иш ҳали олдинда турибди. Мунозара шу ерда, мана шу залда ҳам, секцияларда, комиссияларда ҳам давом этди. Бу секциялар ва комиссиялар ишида съезд делегатлари фаол қатнашмоқдалар. Бунга ишчи, деҳқон делегатлар, партия ташкилотларининг, район ва шаҳар партия комитетларининг котиблари, аграр ходимлар билан бўлган учрашувларимиздаги баҳсларни ҳам қўшадиган бўлсак, айтиш мумкинки, съезд кўп нарсани юзага чиқарди. Бир томондан, мамлакатда юз бераётган жараёнлар ҳақида биз билган гаплар тасдиқланди. Лекин съезд, айниқса, жамиятимизда у ёки бу тамойиллар ривожланадиган бўлса, уларнинг мумкин бўлган оқибатларига баҳо бериш нуқтаи назаридан қараганда биз билган нарсаларга яна кўп нарсани қўшди.

Мен ҳозир тўла якун ясашга даъвогар эмасман — бу ишни съезддан кейин партиянинг янги сайланган Марказий Комитети ва унинг органлари, барча даражадаги партия комитетлари амалга оширадилар. Ҳамма нарсани бирваркайига бир жойга тўплаш жўн эмас. Ҳозирги босқичда нималарни сезаётган, бошдан кечираётган ва баҳолаётган бўлсам, худди шундай гапираман.

Мунозара умуман ақл-идрокнинг ҳолатини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги, сиёсий турмушдаги аҳволни, мамлакатда юз бераётган қайта қуриш жараёнларининг кескинлигини акс эттирди. Унда юзаки, тасодифий, аччиқ устида, ташвишлар зўрлигидан айтилган гаплар ҳам кўп бўлди, ҳатто ғазабланиш ёки баҳс юритишни билмаслик оқибатларида айтилган гаплар ҳам бўлди. Нима ҳам дердик, ҳаммамиз ўрганамиз. Воқелигимиз ана шундай.

Мен муҳокама марказида турган, энг қизғин баҳсларга сабаб бўлган ва бу хусусда энг кўп савол берилган асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатмоқчиман. Масалани шу тарзда қўйиш тўғри бўлади, деб ўйлайман: ҳозир мунозарадан, съездимизда бўлаётган ишлардан қандай сабоқ чиқариб олиш мумкин?

Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, озгина истисно билан қайта қуришга қаратилган сиёсий йўл, жамиятимизни социалистик йўл доирасида янгилаш шубҳа остига олинаётгани йўқ, уни съезд қўллаб-қувватламоқда. Делегатларнинг кўпчилиги қайта қуришни ҳаётнинг ўзи тақозо этганлигини ва у иқтисодиётдан тортиб маънавий соҳагача барча йўналишларда сиёсатга айланиб, ҳозирнинг ўзидаёқ жамиятда улкан ўзгаришлар бўлишига олиб келганини ва бутун тараққиётимизга шундай катта таъсир ўтказилаётганини тушуниб турибди. Менинг позициям қуйидагилардан иборат — бу хусусда сизлар аниқ-равшан тасаввурга эга бўлишларингиз керак. Хатолар, нуқсонлар, кечикишларга қарамай (бу ҳақда делегатлар бу ерда тўғри гапиришди ва қаттиқ танқид қилишди, чунки бу жамият ва партия учун катта маҳрумликларга айланди), мамлакатдаги ҳозирги аҳволнинг фожиали эканлигига қарамай, юз берган ўзгаришларнинг умумий якунини мен жуда катта ва илғор якун деб ҳисоблайман.

Съездда қайта қуриш нима берганлиги тўғрисида фикрлар тўқнашди. Қайта қуриш самараларига арифметиканинг тўрт амалидан фойдаланиб, дорихона тарозисига солиб баҳо беришга уринишлар бўлди. Бу жиддий иш эмас, ўртоқлар. Қайта қуриш, жамиятни инқилобий ўзгартириш каби ҳодисаларга янги мезонлар, тарихий кўламдаги мезонлар билан баҳо бермоқ лозим.

Қайта қуриш зарурлигини, у шунчаки бинонинг олдини безаб кўрсатиш эмас, балки инқилоб эканлигини ҳақиқатан ҳам тушунган кишилар ҳали кўп нарсаларни бартараф этиш лозимлигини англайдилар. Қайта қуриш ташаббускорлари номига айтилган танқидни у қанчалик кескин бўлмасин, қабул қилар эканман ва ҳисобот

маърузасига танқидий баҳо берилганига қарамай, мен унда айтилган гаплардан сира воз кечмайман, чунки уларнинг ҳаммаси пухта ўйлаб ва ўлчаб қурилган.

Эришилган натижаларнинг энг ижобий жиҳати шундаки — жамият эркинликка эришди. У халқнинг куч-ғайратини бўғиб турган нарсалардан холи бўлди, ақидалар ҳамда эски схемалар бўғиб турган ғояларга, мамлакат тақдири учун, социализм тақдири учун қайғуришга йўл очиб берди, миллионлаб кишиларни сиёсатга жалб этишга ва етилган ҳаётий ўзгартиришларни бошлаб юборишга имкон берди. Агар эркинлик бўлмаганида эди, шу съезд ҳам, съезд ўтаётган муҳит ҳам бўлмас эди.

Сталинчилик ва турғунликнинг бўғиқ ва қатағон муҳитда тўпланиб қолган ва ҳозир юзага чиққан нарсаларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилли ва амалий бўлмади. Аммо бу билан ҳисоблашишга тўғри келади — чунки бу инқилоб, инқилобнинг дастлабки вазифаси ҳамиша халққа эркинлик беришдан иборат бўлади. Қайта қуриш ҳам ўзининг демократиялаши, ошкоралиги билан ана шу энг муҳим вазифани бажарди.

Жамият учун маънавий тикланиш ҳаво каби зарур. Бу жараён кўз ўнгимизда юз бермоқда ва бу жараён барча камчиликларга қарамай, ҳозирнинг ўзидаёқ жуда катта таъсир ўтказди. Жамият бошқача бўлиб қолди, сиз билан биз ҳам бошқача бўлиб қолдик. На партия, на умуман мамлакат, на эски ва на янги тузилган ташкилотлар ва ҳаракатлар, янги ҳокимиятимиз, сиз билан биз — ҳаммамиз, ўртоқлар, эришилган эркинликдан фойдаланишни ўрганиб олмаганлигимиз эса бошқа масаладир.

Шу сабабли биринчи навбатдаги вазифа ана шу эркинликдан фойдаланишни тезроқ ва яхшироқ ўрганиб олишдан иборат.

Сиёсий ислоҳотда етарли даражада илгарилаб кетдик, халқнинг ўз иродасини демократик ифода этиши негизида юқоридан тортиб қуйигача ҳокимиятнинг янги структураларини барпо этдик. Улар янада такомиллашмоқда, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ демократиямизни, ҳуқуқий давлат тушунчасини аниқ-равшан мазмун билан тўлдириб, ишлай бошлади. Унинг ишида ожиз томонлари кўп, тажриба етишмайди, иш тартиби ва воситалари созланмаган, кўпинча сиёсий маданият ва ўқув, махсус билим етишмайди — бу ҳақда шу кунларда кўп гапирилди. Советларнинг кадрлар туркумини шакллантириш жараёни ҳали тугалланмаган. Шунга қарамай янги Советлар иш қила бошлади, халқ депутатларининг масъулияти, аниқ муаммолар, аҳолининг эҳтиёжлари билан тезроқ шуғулланиш муддаоси кучайиб бормоқда.

Шу тариқа чинакам Совет ҳокимияти қайтадан тикланаётганлиги қувончли воқеа, қайта қуришнинг энг муҳим ғалабаларидан биридир, бунда коммунистлар, партия ташкилотлари қатнашдилар ва ҳозир ҳам қатнашмоқдалар. Шунга қарамай, баъзи жойларда Советлар билан партия ўртасида бир оз ажралиш, айтишим мумкинки, совуқчилик сезилмоқда. Бу соҳада коммунистлар ғоят диққат-эътиборли бўлишлари ва аввало, ўзларига назар ташлашлари керак. Ишни ҳамиша ўзидан бошлаш лозим. Бу бегоналашув биз Советлар билан алоқада буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасидан мерос қолган олдинги усуллардан ҳеч қутула олмаётганимиз билан боғлиқ эмасмикан? Янги ҳокимият органлари ўз томонидан бундай эътирозларга қийинчилик билан муносабат билдирмоқдалар.

Қонунийликни мустаҳкамлаш, тартиб ўрнатиш, қарорларни амалга ошириш воситаларини вужудга келтириш эндиликда барча даражадаги Советларнинг ҳокимият ва ҳуқуқларни тезроқ қўлга киритиши билан бевосита боғлиқ эканлигини маърузамда айтиб ўтдим, буни яна бир бор такрорламоқчиман. Бу ишда ёрдам бериш партиянинг, партия ташкилотлари ва комитетларининг, Советларда ва ишлаб чиқариш жамоаларида ишлайдиган коммунистларнинг муқаддас бурчидир. Мен шу билан бир вақтда Советларнинг депутатларини ҳам амалий тарзда, Конституция ва қонун доирасида ҳаракат қилишга даъват этаман. Уларга мен биринчи навбатда Президент сифатида мурожаат қиламан. Депутатларнинг бир қисми, очиғини айтамиз, мухолифлик позициясига ўтиб олмоқда, бу ҳеч қандай яхшилик келтирмайди. Агар коммунистлар ҳозирги вақтда янгиланган Советлар нима эканлигини, уларнинг ўзлари халқ манфаатларини кўзлаб вазиятни нормал изга солишга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигини тушунмас эканлар, бу

яхши эмас. Агар Советлар партия ташкилотлари билан алоқа қилиш зарурлигини тушунмас эканлар, бу яхши эмас.

Мунозаранинг иккинчи сабоғи тўғрисида гапирганда, қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда бу йўл ҳамиша ҳам изчиллик билан ўтказилмаганлиги хусусида жуда кўп ўткир танқидий мулоҳазаларни айтган делегатларнинг фикрларини ажратиб кўрсатмоқчиман. Ижтимоий жараёнларни йўналтириб туриши ва салбий ҳодисалар юз беришининг олдини олиши лозим бўлган кўпгина муҳим қарорлар ва қонунлар бажарилмай қолди. Шуларнинг ҳаммасини ўйлаб кўриш ва келажак учун хулосалар чиқариб олиш керак.

Шундай бўлдики, биз ҳаёт талабларига тезроқ жавоб қайтаришга ва зарур қонунлар ва қарорларни қабул қилишга интилиб, уларни бажаришга кам эътибор бердик, аслини олганда бизда қарорлар ва қонунларнинг бажарилишини таъминлайдиган чинакам воситаларнинг ўзи барпо этилмаган. Ана шундан президентлик ҳокимияти зарурлиги равшан бўлди, сиёсий ислоҳотни тезроқ ўтказиш, янги Советларни барпо этиш зарурлиги равшан бўлди, чунки буларсиз қонунларнинг ўзи муаллақ бўлиб қолаверади.

Булар кўп жиҳатдан марказнинг виждонига ҳавола. Лекин жумҳурият ва маҳаллий босқичларда ишловчи ўртоқларнинг масъулияти ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Биз марказда жойларга, жойларда марказга имо қилмасдан ҳамкорлик қилишимиз, куч-ғайратларни бирлаштириб ҳаракат қилишимиз лозим, айбдорларни четдан қидирмаслигимиз керак.

Жумҳуриятлардаги ва жойлардаги ўртоқлар, очиғини айтганда, марказда ҳам ўртоқлар шунчаки саросимага тушиб қолганлари, ўзларини йўқотиб қўйганлари билан кўп нарсани изоҳлаш мумкин бўлар. Бу соҳада эски касаллик — ташаббускорликнинг, мустақил ёндашувларнинг йўқлиги, демократия шароитида, одатдан ташқари вазиятда янгича ҳаракат қила олмаслик намоён бўлди.

Бу ҳақда шунинг учун гапиряпманки, қайта қуришнинг барча қийинчиликларини, янги органлар ҳаётга жуда секин, қийинчиликлар билан кириб келаётганлигини ва жуда секин куч йиғаётганлигини фақат қайта қуришни рад этаётган кишиларнинг қаршилиги билан изоҳлаш мумкин эмас. Бундай қаршиликлар бор, бу ҳақда маърузада ҳам, ишчилар билан, партия ташкилотларининг котиблари билан учрашувларда ҳам айтдим. Аммо кўп одамлар ҳозирги вазиятни шунчаки тушуниб олишлари лозим.

Биз, партия тангликка учради, деймиз. Бу тангликнинг илдизлари биз энди мислсиз сиёсийлашган янги жамиятда, ошкоралик бутун эркинлик тарихида мисли кўрилмаган даражада кенг ва амалда чекланмаган жамиятда яшаётганлигимиз ва ишлаётганлигимизни англай олмаслигимизга, бир қанча ҳолларда эса буни охиригача тушуниб етишни истамаслигимизга бориб тақалади. Кўпгина партия ташкилотлари, коммунистлар ўтмишдан мерос бўлиб қолган, бизни этагимиздан тутиб турган одатдаги усуллар билан ҳаракат қилишни давом эттирмоқдалар. Агар делагатлардан баъзилари съездга партияни буйруқлар бериш каби олдинги шароитга қайтариш умиди билан келган бўлса (нутқларга қараганда, орамизда шундай делегатлар ҳам бор), у ҳолда мен айтишим керакки, улар аниқ-равшан ва чуқур хато қилмоқдалар. Биз ҳар бир соатимизни қайта қуришни олға силжитишга, ишимизни янги шароитга мослаштиришга сарфлашимиз лозим.

Агар партия ўзининг янги ролини бутунлай англаб етсагина, демократиялаш йўлида ўзини қайта тузишни қисқа муддатда тугалласагина, омма орасида янгича ишлашни тезроқ ўрганиб олсагина, ана ўшанда жамиятнинг етакчиси бўлади ва муваффақият билан ҳаракат қила олади. Олдинги даврлардан буён давом этган халқдан ажралиб қолишни бартараф этиш лозим. Аввало бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янгилаш, кадрларни ўзгартириш, уларнинг обрўсини ошириш йўли билан бартараф этиш лозим.

Бу ерда вужудга келган тушуниб етмаслик мени жуда ташвишга солмоқда. Агар биз ўтмишдаги ҳамма нарсалар кўп жиҳатдан эскириб қолганлигини ва энди мақбул эмаслигини англаб етмасак, биз олға томон ҳаракат қила олмаймиз, партиянинг мавқеини мустаҳкамлай олмаймиз, жамиятга самарали сиёсатни таклиф қила олмаймиз ва шу тариқа қайта қуришга янги жўшқинлик бахш эта олмаймиз. Съезд муҳитида ҳам, кўпгина нутқларда ҳам, айрим делегатларнинг мунозара олиб бориш услубида ҳам партия бошқа жамиятда яшаётганлиги ва

ишлаётганлигини ҳамда янгиланган, фаолият услуби бошқача бўлган ўзга партия зарурлигини ҳамма ҳам тушуниб етмаганлигини бутун вужудим билан ҳис этдим. Биз ўз йўлимизни, ўзимиз танлаган йўлни ўзгартирмаймиз. Социалистик қадриятларга содиқмиз. Аммо ишонинглар, партиянинг муваффақияти ҳозир бу бошқа жамият эканлигини тушуниб олишига боғлиқ. Акс ҳолда уни бошқа кучлар қисиб четга чиқариб қўяди ва биз ўз мавқеимиздан маҳрум бўламиз. Ҳозир эса биз жуда катта имкониятларга эгамиз, ҳамма гап энг асосий масалани — янгиланишсиз, демократиялашсиз, халқ билан жонли алоқани мустаҳкамламай туриб, омма орасида фаол иш олиб бормай туриб, биз олға томон ҳаракат қила олмаслигимизни англаб етишдадир.

Шу кунларда мен ўртоқлар билан жуда кўп шахсий суҳбатлар ўтказдим, айтишим керакки, одатдаги ибора билан айтганда, оддий ўртоқлар, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари томонида туриб партия тушиб қолган вазиятнинг одатдагича эмаслигини ва янгилигини кўпроқ тушуниб етдим ва ҳис этдим. Бу, умуман айтганда, «ўша даврлар»дан қолган ибора бўлиб, ундан фойдаланишим ўринсиз бўлса керак.

Бу ерда Донецкдан ўрток Гайворонский сўзга чиқди, у энг муҳими, партия ишчилар синфи билан ғоят кенг ва чуқур алоқаларни тезроқ кучайтириши лозим, деб тўғри эсалатди. Делегат ишчилар ва таклиф этилганлар билан учрашув ҳам шуни кўрсатди. Партия комитетлари, шу жумладан, Марказий Комитет катта сиёсий кампаниялар давомида ишчилар синфи манфаатларини муносиб ҳимоя қила олмаганликлари, ишчилар ҳаракатининг вужудга келаётган янги шаклларига муносабат хусусида ўз мавқеларини жуда кўп ўйлаганликлари билан айбдордирлар. Биз бунда кўп нарсадан маҳрум бўлдик, ишчилар синфи масалани олдимизга тўғри қўймоқда.

Бўлиб ўтган мунозарадан чиқариб олинадиган сабоқ шундаки, биз қайта қуришнинг асосий йўналишларида олға томон қандай ҳаракат қилишимиз кераклигидир. Иқтисодий вазият, бозордаги аҳвол, аҳолини товарлар билан таъминлашдаги аҳвол учун партия ва давлат раҳбарияти шафқатсиз танқид қилинди.

Бу соҳадаги энг асосий вазифа — озиқ-овқат масаласини ҳал қилишдир, мен бу масалани биринчи ўринга қўяман, бу хусусдаги кескинлик тугатилса, ижтимоий соҳадаги — бошқариладиган бозорга ўтиш ва уй-жой масаласидаги аҳвол кескинлигининг 70—80 фоизи бартараф этилади.

Яширмайман, шу муносабат билан съезд делегатларнинг тўртдан уч қисми овози билан иқтисодий ислоҳот комиссиясининг номини ўзгартириб, ундаги «бозор» сўзини чиқариб ташлаганида, мен ташвишга тушиб қолдим. Демак, жамиятга таклиф этилаётган халқ хўжалигидаги вазиятни тубдан ўзгартириш йўлида кескин бурилиш қилишни тушуниб етмаслик ҳамон давом этмоқда.

Ўртоқлар, буйруқбозлик, фармойиш бериш системасининг йиртиқларини тикиш ва ямаш йўли билан давлатни ҳам, фуқароларни ҳам муҳтожликдан олиб чиқишга уриниш беҳуда эканлигини наҳотки бутун тарихимиз кўрсатмаган бўлса? Биз ўнлаб йиллар давомида ана шу системага маҳкам ёпишиб олиб, жуда кўп нарсалардан маҳрум бўлдик, ҳозир ҳам ўша системага ёпишиб олмоқдамиз ва шу тариқа янгиланишга ҳамда мамлакат иқтисодий турмушида янги шаклларга ўтишга тўсқинлик қилмоқдамиз. Бундан буён ҳам шу тариқа ҳаракат қилаверсак, очиғини айтаман, мамлакатни хонавайрон қиламиз. Мен ўз нуқтаи назаримни аниқ баён қилаяпман.

Бозор хўжалигининг афзалликлари жаҳон микёсида исботлаб берилган, бинобарин ҳозир масала шундаки, бозор шароитида бизнинг социалистик тузумимизга, меҳнаткашлар тузумига хос бўлган юксак ижтимоий ҳимояланишни таъминлаш мумкинми? Жавоб бундай: таъминлаш мумкин, аммо айни бошқариладиган бозор иқтисодиёти жамоат бойлигини шу қадар кўпайтирадики, натижада ҳамманинг турмуш даражаси ортади. Бозор муносабатларига ўтиш жараёни учун «соҳилларни яратиб берадиган» қонунларга эга бўлишга, қарорлар қабул қилишга қодир бўлган давлат ҳокимияти бизнинг қўлимизда, албатта.

Бозор афзалликлари тўла-тўкис намоён бўлганига қадар унинг қарор топиш даври ўтиш керак, албатта. Ана шу даврдаги энг мураккаб вазифа — айниқса қашшоқ фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг махсус чора-тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Маърузада бозор иқтисо-

диётига ўтиш муддаосининг эълон қилиниши халқни чўчитиб юборганлиги айтиб ўтилди. Халқ кўз ўнгида у магазин пештахталарининг тўлиб-тошиши тарзида эмас, балки нарх-навонинг қимматлиги тарзида намоён бўлди. Нархдан бошлаш мақбул йўл эмаслигини айтдим. Аммо ислоҳотни бошлаётганда шуни назарда тутиш керакки, нарх белгилашни ислоҳ қилмай туриб бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Умуман биз ана шу таассуротни ўзгартиришимиз, энг муҳими эса — сентябрь ойигача Олий Советга ҳам, жамиятга ҳам улар ўз йўлини аниқлаб танлаб олиши учун пухта ўйланган таклифларни киритишимиз керак.

Бу ерда кескин тарзда қўйилган ва (мен буни сезиб турибман) бутун зал томонидан қўллаб-қувватланган аграр сиёсатга доир саволларга батафсил жавоб қайтаришим учун имконият бўлган эди. Умуман биз аграр сиёсат соҳасида қандай ҳаракат қилиш зарурлигини тушуниб етишда аграр ходимлар билан учрашувда анча илгарилаб кетдик ва аниқ-равшан чоралар кўра бошладик. Кеча Н. И. Рижков қишлоқ қарзларини кечиб юбориш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. **(Қарсаклар).**

Мен ўз фикримни айтдим: бу ерда, съездда шунчаки озиқ-овқат масаласи хусусида эмас, балки деҳқонларга, қишлоққа нисбатан сиёсий мавқеини эгаллашимиз лозим. Бу муаммонинг фақат бир қисмидир. Қишлоқ ўзини мустаҳкам ҳис этса, деҳқонларимиз ишонч билан яхши яшай бошласа, ташаббускорлик билан ишлаш учун имкониятга эга бўлса — демак озиқ-овқат масаласи ҳам тез ҳал этилади. **(Қарсаклар).**

Шунга қарамай аграр масала тўла-тўкис тушунилмаётганлигини ҳис этдим. Қишлоқни юксалтиришга икки асосий ёндашув ҳатто бир-бирига қарама-қарши қўйилмоқда. Мен бир томондан мулкчилик, ер, ижара тўғрисидаги қонунлар асосида ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришни ва иккинчи томондан қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта бунёд этиш, йўлларни қуриш, қишлоқ хўжалик техникаси ва шу кабиларни ишлаб чиқаришда қишлоққа ёрдам беришни кўзда тутяпман. Шундай одамлар борки, улар партиянинг март Пленумида ишлаб чиқилган сиёсатига онгли равишда салбий муносабатни келтириб чиқаришга уринаётганга ўхшайдилар, гўё раҳбарият қишлоққа ёрдам беришни хоҳламайди, деган тасаввурни вужудга келтиришга бутун чоралар билан уринмоқдалар. Шугина эмас, мен залдан: «Горбачев қишлоқ хўжалигини ёмон кўради, шунинг учун уни аграр комиссияга бошлиқ қилиб қўйиш керак», деб айтилган гапни ҳам эшитдим. Қишлоқ хўжалигини ёмон кўрадиган одамни топишганини қаранг!

Сизлар биласизларки, мен кучли иборалар тарафдори эмасман, аммо ҳозир айтишга мажбурман, бундай гаплар ёки пухта ўйламаслик натижасида келиб чиқади ёки мақсадлар тақозоси билан бўлади. Съезд учун, партия учун, бутун мамлакат учун шу минбардан туриб яна бир бор такрорлайман: бизнинг позициямиз шундан иборатки, биринчидан тўла ихтиёрий танлаб олиш асосида хўжалик юритишнинг барча турларига тўла эркинлик бериш керак. Иккинчидан, шаҳар билан қишлоқ ўртасида, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида қишлоқни тарихан қисқа муддатда юксалтиришга кўмаклашадиган оқилона айирбош қилишни ўрнатиш лозим. Учинчидан, давлат қишлоқнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга, аввало деҳқонларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишга мумкин қадар кўпроқ кўмаклашмоғи керак. Айни мана шу уч йўл билан қишлоқни қайта тиклаш ва мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин. Ана шу уч томонлама вазифадан ҳеч нарсани чиқариб ташлаш мумкин эмас, чунки бутун система қулаб тушади. **(Қарсаклар).**

Биз аграр секторга, умуман қишлоққа, деҳқонларнинг аҳволига тааллуқли катта қарорлар қабул қилишимиз лозим — шу кунларда бу ерда бўлиб ўтган мунозараларнинг моҳияти мана шундан иборат, дейиш мумкин.

Бу ерда яна икки мавзу ўткир қилиб қўйилди, уларни тинглаш осон бўлмади, чунки улар одамларнинг турмушига дахлдор бўлиб, ҳозирдаёқ оғир оқибатларга олиб келди. Бу биринчидан экология мавзуси бўлиб, у ҳозирги энг ўткир муаммолардан биридир, бинобарин, буни ҳал қилишни пайсалга солишимиз мумкин эмас. Бизнинг кўзимиз кечроқ очилди, лекин, ўртоқлар, кўп нарсани ўнглаб олиш мумкин. Чет эл тажрибаси ҳам шундан далолат бермоқда. Тахминан ўттиз йил олдин Қўшма Штатларда ҳам ўнлаб шаҳарлар экология фалокати зонасида қолди, дарёлар деярли ҳалок бўлган, буюк кўллар ҳалокат ёқасига келиб қолган эди,

лекин катта маблағ сарфлаш ва махсус программаларни амалга ошириш вазиятни кескин яхшилашга имкон берди. Саноат ва химия корхоналари билан тўлиб-тошган Европада ҳам шундай қилинмоқда. Шу сабабли бизга қанчалик оғир тушмасин табиатни муҳофаза қилиш соҳасини одамларни озиқ-овқат ва уй-жой билан таъминлаш каби ҳаётий муҳим вазифалар билан бир қаторга қўйиб, бу соҳага катта маблағ сарфлаш керак. Соф ҳаво ва сув инсонга нон каби зарур, ўртоқлар. Шунинг учун ҳам мен умуман экология бўйича ва катта экология муаммолари бўйича давлат программалари талаб қилинади, деб ўйлайман, албатта.

Чернобиль авариясининг оқибатлари ҳаммамизга жуда қимматга тушди. Белоруссиялик, украиналик ва брянсклик ўртоқлардан уларнинг кулфатларига шерик эканлигимизни тушунишларини сўрайман.

Биз янги-янги муаммоларни келтириб чиқараётган вазиятга дуч келдик. Айтганча, бу зўр мулоҳаза учун сабабдир. Битта реактор, у қандай оқибатлар келтирганига бир қаранг! Бирдан ядро уруши бошланадиган бўлса, унда нима бўлади? Ҳатто ядро урушида эмас, оддий урушда ҳам ядро реакторлари вайрон этилади, бинобарин уларнинг оқибатларини Чернобиль мисолида биз дуч келган оқибатлар билан таққослаб бўлмайди. Улкан мамлакат уни бирданига уддалай олмаяпти. Бу ишга миллиард сўмлаб пул сарфланди ва яна сарфланади, янги ва янги эҳтиёжлар эса пайдо бўлмоқда. Белоруссияда, Украинада, Брянск вилоятида менинг бу гапларимни эшитишларини ва бутун мамлакат улар билан бирга эканликларини, уларнинг кулфатини тушунишини ва ёрдам беришини билишларини истар эдим. Худди шу каби Орол муаммоси ҳақида ҳам гапирилди. У ердаги одамлар ҳам биз ёрдамга боришимизни ҳис этишлари керак.

Маънавий соҳада, маданият, фан ва маориф соҳасида юз бераётган воқеалардан делегатлар ҳақли равишда ташвишланмоқдалар. Мен зиёлиларнинг вакилларидан кўпчилик бўлиб ёзилган ўнлаб хатларни олдим, гап фақат моддий базанинг қолоқлигида эмас (ҳолбуки буни ҳам кўзда тутиш керак), Съезд бутун маданиятимизни, фан ва маорифни, санъатни, адабиётни ривожлантириш ва юксалтиришни қўллаб-қувватлашимиз кераклиги хусусида қатъий фикрни айтади, деб умид қиламан.

Бу ерда сўзга чиққан ўқитувчиларнинг мактабимизни чинакам қайта тиклаш — мамлакат келажагининг ҳал қилувчи шарти эканлиги ҳақида ташвиш билан айтган гапларига тўла қўшиламан. Булар бир-бирига бевосита боғлиқ — агар биз маорифни етарли даражада юксалтира олмасак, ўқитувчининг мавқеини ошира олмасак, биз ҳеч қачон яшнаган иқтисодиётни барпо эта олмаймиз, ўз фанимиз ва техникамизни жаҳон даражасига кўтара олмаймиз, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, ахлоқнинг тубанлашишига қарши муваффақиятли кураш олиб боролмаймиз.

Янги шароитда партиянинг турмуши ва фаолиятига доир барча муаммолар у ёки бу тарзда мафкура билан боғлиқлиги тушунарлидир. Партия фаолиятининг бу соҳаси энг қаттиқ танқид қилинди, чоғи. Очиғини айтаман, кўполликка ҳам йўл қўйилди, аммо ҳаммамизда ҳам далиллар ва амалий таклифлар ҳозирча етишмади. Бу соҳада биз олға томон дурустроқ силжий олмадик. Мен маънавиятнинг баъзи соҳаларидаги аҳволнинг жиддийлигини инкор этмоқчи эмасман. Шунга қарамай, инсонпарвар социализм идеалларига зид бўлган ахлоқ оммалашиб бораётганлиги хусусидаги ташвишларга қўшиламан. Бу фақат ўтмишнинг мероси эмас, балки, такрор айтаман, узоқ вақт давомида ҳаво димиқиб кетган хонада қолиб кетган жамият тўсатдан олган эркинликнинг «портловчи» тусда эканлиги натижаси ҳамдир. Биз кўп нарсаларни ҳатто билмаган эдик. Буларнинг ҳаммаси партиянинг, зиёлиларнинг, мактабнинг, барча маданий ва маърифий муассасаларимиз бутун системасининг катта эътибор беришини талаб қилади. Худди шундай.

Лекин мафкуравий вазият танқидида мен эскича ёндашувларнинг кучли нафасини ҳам сездим. Маърузада мен мафкура муаммосига уни янгича тушуниш асосида ёндашишга ҳаракат қилдим. Чунки ҳамма гап социализм деганда биз нимани тушунишимиздадир. Айрим ўртоқлар агар биз ҳозир дастурий баёнотга, бошқа ҳужжатларга аввалгидек эски ёндашувларга содиқмиз деб ёзиб қўйсак, ҳаммаси ўз ўрнига тушади, деб ўйлайдилар. Қандай ўринга тушади? Бундан

60 йил олдин маълум оқибатлар билан қаерда бўлсак, ўша аҳволга тушиб қолмаймизми!

Социализм мафкураси — ҳамма нарса бобма-боб, бандма-банд, қоидалар ва принципларга ажратиб ёзиб қўйилган дарслик эмас, социализм мафкураси биз мамлакатимиз туйдирилишига, обод бўлишига, маърифатли, маънавий бой, эркин, бахтли бўлишига кўмаклашганимиз сари социализмнинг ўзи билан бирга шакллана боради. Синфий жиҳатдан ёт нарса сифатида эмас, балки оддий одамлар учун оддий нарсалар сифатида умумбашарий қадриятларни қайтадан ўзлаштирганимиз сайин шаклланиб боради. Чунки бу қадриятлар юз йиллар ва минг йиллар давомида вужудга келган бўлиб уларни менсимаслик бизга қандай оқибат келтирганлиги маълум. Социализм мафкураси мамлакат маърифатнинг умумий жараёнига қўшилган сари шаклланаверади. Айни шу сабабли янги тафаккур уни шакллантириш учун ғоят кенг доираларни белгилаб бермоқдаки, янги тафаккурни бутун дунё ҳозир жаҳонни бир-бирига қарши турувчи лагерларга бўлиб ташламайдиган, балки жипслаштирадиган бизнинг янги байналмилалчилигимиз сифатида кутиб олмоқда.

Биз Марксдан, Энгельсдан, Лениндан тафаккур методологиясининг юксак маҳоратини, диалектик фикрлашни мерос қилиб оламиз, назарияда ва сиёсатда ана шунга таянамиз. Лекин классиклар яратган барча асарларни навбатдаги «қисқа курсга» айлантириб юборишга йўл қўймаймиз. Баъзи нутқларга қараганда, кимлардир шундай қилишни хоҳламоқда. Бунақаси кетмайди, бу қайта қуриш учун, жамият учун ҳалокатлидир. **(Қарсаклар).**

Мана шу минбарга давримизнинг масалаларини фалсафий жиҳатдан ўртага қўйиб, бутун ишимизга ана шу жиҳатдан қарашга уринган нотиқ кўтарилиши биланоқ залда лоқайдлик сезилганлиги, қарсаклар бошланганлиги кўзга ташланиб қолди. «Бўлиши керакми ёки бўлмаслиги керакми», «Йўқолсин — йўқолмасин» каби аниқ шиорларга биз жуда кўникиб кетганмиз. **(Қарсаклар).** Келинглар, мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ахир биз жамият етакчиси бўлишга даъвогарлик қилаётган партиямиз.

Баҳслардан чиқадиган яна бир сабоқ. Делегатлар XXVIII съездга жамиятда барқарорликнинг йўқлиги хусусидаги бутун ташвишни олиб келдилар. Ишчилар билан учрашувда ишчилардан бири чидай олмади: «Михаил Сергеевич, Николай Иванович, — деди у, менинг икки саволимга жавоб беринглар — мамлакатда қачон тартиб бўлади ва қачон чайқовчилар бўлмайди?» **(Қарсаклар).** Бу оддий саволлар бинобарин, бунга оддий жавоб бериш керак. Бундай жавоб эса йўқ. Мен бундай дейман: биз бозорни қанчалик тез тўлдирсак, иқтисодиёт қанчалик тезроқ ва самаралироқ ишласа, чайқовчиларни, пинҳоний иқтисодиётни шу қадар тезроқ мағлуб қиламиз.

Район партия комитети котибларидан бири бундай деди: «Андропов қилган ишни сиз ҳам қила оласизми?». Мен бу саволга жавоб қайтардим ва бу жавобни шу ерда, съездда такрорлашим мумкин: чайқовчиликка қарши кураш — бу 80 фоизи иқтисод билан боғлиқ масаладир. **(Қарсаклар).** Ривожланган иқтисодиёт бўлмаса, чайқовчининг омади келади! Барча пинҳоний корчалонлар ва пулга учган унсурлар тақчилликдан фойдаланиб, текинга яшайдилар.

Лекин бу — ҳозирча биз ана шу масалаларни ҳал қилмаган эканмиз, қўл қовуштириб ўтиришимиз керак, деган маънони билдирадими? Йўқ, албатта! Сизлар тартибни мустаҳкамлашни биздан тўғри талаб қиляпсизлар, мен эса сизлардан талаб қилмоқчиман — келинглар, бутун йил давомида ўзимиз тузган Советлар бутун системасини ишга солайлик, биз Советларни тузаётган вақтимизда чайқовчи ва жиноятчи ўз ишини қилаверди. Энди эса Советлар тузилди. Келинглар, кучларни бирлаштириб, чинакамига зарба берайлик! **(Қарсаклар).** Ҳозир жамиятдаги барқарорлашиш жараёни айни шу билан, совет, хўжалик, партия органлари иши билан боғлиқ бўлади.

Биз миллатлараро муносабатларда кўп нарсани кўздан қочирганлигимиз, вақтни бой берганлигимиз, сезганимизда эса — кечикиб ҳаракат қилганлигимиз ҳаммамиз учун сабоқдир. Ҳозир ўзимни оқламоқчи эмасман, ҳамма нарсадан ҳам ўзимни оқлашни ёмон кўраман. Бўлган иш бўлди. Сиёсий бюронинг жуда кўп мажлислари, биринчи котиблар билан ҳам, комиссияларда ҳам кўп учрашувлар, кўпгина сафарлар бўлди. Лекин буларнинг ҳаммаси етарли бўлмади, чоғи. Энг

асосийси — биз хавфни ўз вақтида кўра билмадик, ҳалол тан олинглар! Сиз билан биз ҳаммамиз бу соҳада ҳамма нарса кўнгилдагидек, ҳаммаси ҳал қилинган, деб ҳисобладик ва асосан халқлар дўстлиги учун қадаҳ кўтардик. Миллий сиёсат соҳасидаги ишимиз ана шундай эди. Қандай муаммолар очилиб қолганини бирданига кўрдик. Лекин дарҳол чора кўрмадик, бу муаммоларга дарҳол тўғри баҳо бера олмадик. Фақат кейинчалик дастур пайдо бўлди. Биз ана шу дастур асосида иш олиб бора бошладик. Энди эса вақтни қўлдан бермай ҳаракат қилиш керак. Сиёсий баҳоларимиз бор, партиянинг дастури бор. Олий Совет кўпгина қарорлар қабул қилди, ниҳоят Федерация Кенгаши ишлай бошлади, янги иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш жараёни бошланди. Съезд орқали коммунистлар номидан мамлакатнинг барча халқларига мурожаат қилиб: келинглар, тўхтайлик, тақдиримизни синаб кўришни тўхтатайлик, энди ҳаммамизга равшан бўлиб қолган хужжатлар ва ёндашувларга асосланиб, иттифоқимизга янги куч бағишлайлик, деб даъват этишни таклиф қиламан. Ҳозир бу энг муҳимидир. Ҳамма бу даъватимизни эшитади ва унга жавобан ўз фикрини айтади, деб ўйлайман, аммо бу бизнинг фаол иш олиб боришимизни тақоза этади. **(Қарсаклар).**

Россия Компартиясининг съездида бўлгани каби, бу съездда ҳам, айниқса комиссияларда биз қаттиқ танқидни ва янги ташқи сиёсатимизга қарши тўғридан-тўғри эътирозларни яна эшитдик. Аниқ масалалар юзасидан билимдонлик билан айтилган мулоҳазаларни биз ҳисобга оламиз, албатта. Лекин сиёсатимизни шубҳа остига олишга уринишларни кимларнингдир ғаразли манфаатлари тақозо этган номақбул нарса сифатида тўла рад этаман.

Янги ташқи сиёсатимиз иқтисодиётга, армияга, мудофаага дахл қилди. Ана шу барча соҳаларда биз ислоҳот сари бормоқдамиз, жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояланиши давлат программасини қабул қилиш сари бормоқдамиз. Армия халқнинг ғамхўрлигини ҳис этиши учун шундай қилишимиз керак.

Энг яхши кадрлар ва илмий кучлар бирлашган, ишлаб чиқаришни қисқа муддатда қайта қуриб, мамлакат учун жуда зарур бўлган маҳсулотларни юксак даражада ишлаб чиқариш билан шуғулланиш учун яхши фондлар мавжуд бўлган мудофаа саноатидаги коллективларимизга ҳам ёрдам бериш керак. Бундан бутун мамлакат манфаат кўради, энг аввало халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган тармоқларни қайта жиҳозлашдан манфаат кўради.

Қийинчиликлар ҳам бор, албатта. Лекин улар вақтинчаликдир. Бу соҳадаги муаммоларни тезроқ ҳал қилиш лозим. Лекин бу ташқи сиёсатимиз мамлакатга ва бутун дунёга берган нарсалардан кўз юмиш учун сабаб бўла оладими? Мен буни шубҳа остига олишга уринишларни рад этаман. Котиблардан бири менга ҳатто мамлакатдан ташқарига чиқмасликни маслаҳат берди. Биз у ерга нима учун борамиз? Урушга йўл қўймаслик учун, қайта қуришни нормал шароитда олиб бориш, ниҳоят ресурсларни бўшатиб олиш ва уларни мамлакат эҳтиёжларига сарфлаш учун борамиз.

Сиёсатда уқувсиз кишиларнинг гапига кириш мумкин эмас, бу кулфат келтиради. Етакчи бўлишга даъвогарлик қилаётган партия турли кайфиятларга мослашмаслиги, балки етакчилик қилиши лозим. **(Қарсаклар).** Қандай саволларни беришаётганига қаранг, ахир қуролсизланиш ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳаддан ташқари кўп ва кераксиз ҳарбий харажатларни қисқартириш йўлига ўтиб тўғри иш қилдикми? Жавоб саволнинг ўзидан келиб чиқяпти. Шарқий Европада авж олган масалаларга аралашмай тўғри иш қилдикми? Нима, яна танкларни юборишимиз, қандай яшаш кераклигини яна ўргатишимиз кerakмиди? Биз қайта қуриш ишини олиб бораётган эканмиз ва жамиятимиз тараққийпарвар, барча халқларга дўстона кайфиятда бўлишга, ҳамкорликни таклиф этишга қодир эканлигини кўрсатишни истаётган эканмиз, бу пайтда бутун дунё бизнинг гапларимизга қулоқ солиб турибди, деб ўйлаймиз. Шу тариқа биз жаҳонга таъсир қилмоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Шунчаликка ҳам бориб етиладими, ахир, баъзи бировлар: Афғонистондан чиқиб кетиб, тўғри иш қилдикми, деб савол бермоқдалар. Ким билан иш олиб бораётганлигимизни тушуна олмай қоляпман.

Яна бир гап. Барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан яхши муноса-

батларни йўлга қўйиб, тўғри иш қилдикми? Ха, тўғри иш қилдик, бинобарин, улар ҳам, бунинг устига фақат ҳукмдорлар эмас, халқлар ҳам ўз фикрларини айтишди. Буни фақат сўқир одамларгина кўра олмайди. Агар соғлом фикр ғаразли маҳкамачилик мулоҳазалари билан булғатилмаган бўлса, буларнинг ҳаммаси тўғри қилинганлигини, халқимизнинг туб манфаатлариги ва ахлоқ қоидаларига мос эканлигини кўрсатади. Янги ташқи сиёсатсиз ўз мамлакатимизни ўзгартиришга қодир бўлмаслигимиз тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Съездда ва съезддан олдин ҳамкасбларим, бошқа сўзга чиққан бир қанча кишилар берган изоҳлар етарли даражада ишонарли бўлди, деб ўйлайман, шу сабабли масала равшан бўлиши учун мен фақат эҳтиросларни қўшимча қилдим, холос.

Кимки эштишни хоҳласа ва қулоғи том битмаган бўлса — эшитади. Кимки эшитишни хоҳламаса — бу унинг шахсий иши, биз эса бу хусусда ўз фикримизга эга бўламиз. Лекин бир нозик томони бор. Давлатда муҳим лавозимларни эгаллаб турган, ташқи фаолиятимиз билан бевосита алоқадор бўлган кишилар, агар улар ҳам мамлакат раҳбарияти сиёсатига қўшилмасалар, ўзларининг шахсий фикрларига қарамай, давлат йўлини ўтказишга мажбурдирлар. Президент ва ҳукуматнинг йўли бошқа бўлиб, кимлардадир бошқа йўл бўлса-ю ва шу йўлни ўтказаверса — бундай бўлиши мумкин эмас. Бирорта давлатда ҳам бундай эмас. Хизмат лавозимидаги ҳамма кишилар ҳукуматга нисбатан ҳайрихоҳ бўлишлари керак. Агар улар батартиб одамлар бўлиб ҳукумат сиёсатига қўшилмасалар, у ҳолда истеъфога чиқишлари лозим. **(Қарсаклар).**

Энди партия ва унинг тақдири ҳақида. Сизларни бу ерга олиб келган масала — асосий масалалардан биридир. Мен учун бу бутун ҳаётим ва инсоний позициям масаласидир. Бунда съезднинг сабоғи қандай? Партия обрўсининг тушиб кетаётганидан, унинг мавқеи бўшашаётганидан ўртоқлар жиддий ташвиш изҳор қилдилар. Партияни бошқа сиёсий кучлар қисиб қўймоқда, баъзи жойларда эса коммунистлар оппозицияга ўтишга мажбур бўлдилар. Бунинг учун айбни КПСС раҳбариятига ва айниқса унинг баъзи аъзоларига қўйдилар. Олдиндан шуни айтиб қўяй, ўртоқлар, бу танқид ўз моҳияти билан кўп жиҳатдан адолатлидир. Мен фақат бу танқиднинг шаклига қаршиман. Съездда бизда кимнингдир номига мақтовлар айтиш ҳам ва сурбетлик ҳам — ҳар иккаласи ҳам бўлмаслиги керак. Шу холос. Қолганлари ҳақида тўғри гапираверии керак. **(Қарсаклар).**

Мен бундан Марказий Комитетдан барча йўналишлар бўйича борган омилни етарли эмас, деб хулоса чиқараман. Айни пайтда барча даражадаги партия комитетларининг бу айбда ўз улуши бор. Район, шаҳар, вилоят, жумҳуриятни бошқариш учун Марказий Комитетдан ўзига хос мандат олиш мумкин бўлган ва шу жойда ишни қандай олиб боришидан ва одамлар у ҳақда қандай ўйлашидан қатъи назар умрининг сўнгги соатигача ўтирадиган даврлар ўтиб кетди, ўртоқлар. Бу ерда, юқорида шундай эди, жумҳурият даражасида шундай эди. Барча даражада ана шундай эди. Биз буни қайд этишимиз керак. Аммо у вақтлар ўтиб кетди ва сира қайтиб келмайди. Бунга ишончим комил. Кечаги кунни ҳеч қандай йўл билан орқага қайтариб бўлмайди. Ҳеч қандай диктатура (кимнингдир миясида мана шу бемаъни ғоя юрган бўлса) ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Биз тўғри йўлдан боряпмиз. Фақат мана шу йўлдан мустаҳкам ва қатъий боришимиз, ожизликлардан холи бўлишимиз керак. Бу бош вазифа бўлиб, биз уни ҳал этишни таъминлайдиган сиёсат ва тактикани ишлаб чиқишимиз лозим. Бунда ҳеч ким партиянинг ўрнини боса олмайди. Бу ишни фақат партия уддалай олади.

Партиянинг обрўси ортиб бориши учун, таъсиримиз кўзлаганимиздек бўлиши учун ҳозир нима қилиш керак? Энг муҳими — барча лавозимларда замонавий фикр юритадиган, сиёсий жиҳатдан ўткир кишилар, «қайта қуриш», «демократия», «ошкоралик» сўзларини айтишга тайёр турган, амалда эса янгича ишлашни билмайдиган ва хоҳламайдиган, аввалгидек буйруқ беришга интилаётган мослашувчи кишилар эмас, қайта қуришнинг ҳақиқатан ҳам самимий тарафдорлари бўлиши керак.

Сўзга чиққан съезд делегатларининг, ишчиларнинг илғор, қайта қуриш ташаббускори бўлган билимдон ишчиларни раҳбарлик ишига анча кўпроқ кўтариш лозим деган гапларига қўшиламан. Қайта қуриш қандай кишиларни рўёбга чиқарди! Ҳатто съездда ишчилар синфи вакиллари бўлган ва таклиф этилган кишилар ҳамда делегатлар учрашувида ҳам улар мулоҳаза юритишга, сиёсий таҳлилга қодир одамлар эканликлари кўриниб турарди. Улар «биз тўғри ўша

ердан келганмиз» деб кўкрагига уриб, «ишчиларга хос ўткир» гапларни айтишга уринаётган бақироқлар эмас.

Ўша ердан — станок олдидан ва цехдан ва шу каби бизнинг қудратимиз барпо этилаётган, биз турган пойдевор барпо этилаётган жойлардан келишнинг ҳам аҳамияти бор, албатта.

Биз бу ерда баҳслашаяпмиз, сайлаяпмиз, мунозара олиб боряпмиз, системани шакллантиряпмиз. Мамлакат эса нимага таянмоқда? Ишчиларга, деҳқонларга, зиёлиларга таянмоқда. Улар халқ хўжалигини юритишмоқда. **(Қарсаклар).**

Яна, фақат мунозаралардагина эмас, амалий ишларда ҳам амал қилинаётган эски мафкуравий қолиплардан воз кечиш зарур. Ҳаёт талабларини эмас, иш натижаларини эмас, балки инсоннинг у ёки бу ҳаракатлари — хулқи қотиб қолган ақидаларга мос келиши ёки келмаслигини биринчи ўринга қўйиш ҳоллари ҳамон тез-тез учраб турибди. Эски ақидаларга содиқлик айниқса хўжалик юритишнинг янги шакллари, ташаббускор кишилар оёққа туриб олишига тўсқинлик қилмоқда. Агар шундай ҳаракат қилаверсак, у ҳолда социалистик йўлимиз обрўсини тушириб юборамиз. Халқ биздан юз ўгиради.

Яна бир масала. Агар биз ҳаммамиз КПССнинг ҳокимият ва бошқарувга якка ҳокимлиги тугаганлигини тушуниб етмас эканмиз, партия ўзини қайта қура олмайди. Ҳатто биз сайловда кўпчилик ўринни олсак ҳам (биз эса бундай қила оламиз ҳамда ана шундай кўпчилик ўринни эгаллаш ва идора этувчи партия ҳолатини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилишимиз керак) ҳатто шу ҳолларда ҳам партиясиз депутатлар билан, қонун йўли билан тан олинган бошқа сиёсий оқимларнинг вакиллари билан, мамлакат тақдиридан чинакам ташвишланаётган бошқа сиёсий оқимларнинг вакиллари билан ҳамкорлик қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Сектантлик кайфиятларига, ана шу якка ҳокимликка бутунлай чек қўйиш, буни барча партия ходимлари, барча коммунистлар онгидан чиқариб ташлаш керак.

Ҳамкорлик қилиш керак! Мен бу хусусда ўртоқ Лучинский бу ерда айтган нуқтаи назарга қўшиламан. Марказий Комитетнинг Ҳисобот маърузасида ҳозирги шароитда барча демократик ва социалистик кучлар коалициясини тузиш зарурлиги тўғрисидаги масала қўйилган. Биз партиявий-сиёсий ва миллий келишмовчиликларни бир четга суриб қўйибгина мамлакатни ҳозирги оғир аҳволдан олиб чиқиш ҳамда жамият турмушининг барча соҳаларида олисни кўзловчи ислоҳотларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларни бир жойга тўплай оламиз.

Ишончим комил, биздан миллионлаб коммунистлар ва совет кишиларининг аксарият кўпчилиги айни ана шуни, партиянинг ўзи ҳам, барча соғлом фикрловчи халқ манфаатлари тўғрисида чинакам жон куйдирадиган сиёсий кучларнинг жипслашишини кутмоқда. Бу ҳақда шунинг учун ҳам ишонч билан гапирмоқдаманки, съезд номига юборилган жуда кўп хатларда ва телеграммаларда айни ана шу даъват такрорланмоқда. Келинглар, ўртоқлар, халқнинг ана шу овозига, даврнинг овозига қулоқ солайлик.

Кўпгина нутқларда барча кулфатлар учун қайта қуриш айбдор, деган яширин фикрни илғаб олдим. Баъзи бировларнинг нутқида ҳатто эски даврларни, эски иш усулларини қўмсаш ҳам сезилди. Мен буни район, шаҳар партия комитетларининг котиблари билан учрашувдаги нутқларда ҳам сездим. Учрашув яхши, самарали бўлди, айтишим мумкинки, биз яхши гаплашиб олдик. У ерда партия, жамият ҳаёти учун ғоят муҳим масалалар ўткир қилиб қўйилди.

Лекин Бош котибни у ўз сиёсати билан бошқа томонга етакламоқда, бундай ташқи сиёсат бизга керак эмас, деб айбловчи ўртоқлар ҳам топилди. Мен бу айбларни рад этдим. Шуни айтишим кераккн, агар қайта қуриш бирор нарсада айбдор бўлса, у фақат, етарли даражада изчиллик ва қатъият билан ўтказилмаганлиги учун айбдордир. Айтмоқчи, бу марказдаги ва жойлардаги кадрларнинг позицияси билан боғлиқ. Шу сабабли ана шу позицияни ўзгартирайлик, қайта қуриш жараёнини олға силжитайлик. Ана ўшанда ўзгаришлар тезроқ юз беради, бинобарин, биз тезроқ натижага эришамиз, буни бутун халқ сезади. Қайта қуришни, иқтисодиётни, ижтимоий соҳани, сиёсий системани, кўп миллатли давлатимизни ўзгартириш юзасидан биз қилаётган барча ишларни қатъият ва собитқадамлик билан давом эттиришдан бошқа йўлни кўрмаяпман.

Келинглар, ўртоқлар, ишлайлик, биз қайта қуришнинг энг масъулиятли босқичига қадам қўйдик, катта ислоҳотлар бизни кутмоқда. **(Қарсаклар).**

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVIII СЪЕЗДИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КПСС XXVIII СЪЕЗДИГА СИЁСИЙ ҲИСОБОТИ ВА ПАРТИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ЮЗАСИДАН

Съезд партия Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботини — маърузачи КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев, тинглаб ва муҳокама қилиб — шуни қайд этадики, партиянинг XXVII ва XXVIII съездлари ўртасидаги даврда жамият ҳаётида чуқур ўзгаришлар рўй берди. КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси сиёсий раҳбарликнинг коллектив органлари сифатида партиянинг, барча тараққийпарвар кучларнинг эътиборини мамлакатни инсонпарварлик, демократия, ижтимоий адолат томон революцион тарзда буриб юборишга қаратдилар.

Мамлакатга, халққа, партияга, социалистик ғоянинг ўзига ниҳоятда катта зарар етказган мустабид сталинча система бартараф этилаётир. Эркин фуқароларнинг социалистик қадриятларга асосланган жамияти қарор топаётир.

Бутун сиёсий усткурма тубдан ўзгартирилиб, инсон ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, эркин сайловларга, кўп партиявийликка имкон берадиган чинакам демократия мустаҳкамланмоқда.

Ортиқ даражада марказлашган давлат халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзи белгилашига ва ихтиёрий равишда бирлашувига асосланган ҳақиқий иттифоқ давлатига айланмоқда.

Мафкуравий буйруқбозлик ўз ўрнини эркин фикр юритиш ва ошкораликка, ахборотларнинг ошкоралигига бўшатиб бермоқда.

Меҳнаткашларни мулкдан ва ўз меҳнати натижаларидан бегоналаштириб қўйган давлат — монополия ишлаб чиқариш муносабатлари бузиб ташланаётир.

Социалистик ишлаб чиқарувчиларнинг эркин беллашуви учун шароит вужудга келаётир.

Шундай қилиб қайта қуриш даврида қабул қилинган партия қарорлари халқ ҳокимиятини қайта тиклаш, демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, янги сиёсий тафаккурни шакллантириш, иқтисодий ислоҳотни рўёбга чиқариш юзасидан амалий ишлар қилиш учун имконият яратди. Буларнинг ҳаммаси миллионлаб кишиларни сиёсий ҳаётга жалб қилиб, қайта қуришнинг барқарор бўлишига ёрдам бермоқда.

Съезд шуни таъкидлайдики, партиянинг тақдири, унинг тарихий истиқболи қайта қуриш мақсадларига эришиш билан, халқ турмушининг яхшиланиши билан бевосита боғлиқдир. Съезд КПССнинг қатъий янгиланиши, ақидапарастликдан холи бўлиш, омма орасида сиёсий иш олиб бориш санъатини, одамларни ҳақиқат кучи, далиллар билан жалб қилиш, бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан амалий ҳамкорлик қилиш маҳоратини эгаллаш, энг муҳими эса амалий ишлар қилиш тарафдоридир.

Съезд айтадики: фикрдошларнинг ихтиёрий иттифоқи бўлган КПСС социалистик йўлни танлаган ва коммунистик истиқболга интиладиган партия бўлиб қолади, у ўз сиёсати билан ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, бутун меҳнат аҳли манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Бу унинг умумбашарий, инсонпарвар қадриятлар, ижтимоий адолат тарафдори эканлиги билан боғлиқдир. Коммунистларнинг аксарияти халққа ҳалол хизмат қилиб келдилар ва хизмат қилмоқдалар. Улар Сталин ва унинг шериклари қилган жиноятлар учун, турғунлик йилларида сиёсий раҳбариятнинг хатолари учун жавобгар эмаслар.

Съезд авторитар тафаккурга қарши чиқиб, Маркс, Энгельс ва Ленин меросини, социалистик назарияни ижодий ривожлантириш тарафдори, XX аср тарихий тажрибасини, КПССнинг ўз фаолиятини, жаҳон ижтимоий тафаккури ютуқларини чуқур идрок этиш тарафдоридир.

КПСС илм-фан, таълим, маданиятда ифодаланган жамият ақл-заковати бойлигини кўпайтиришга муҳим аҳамият беради.

Съезд В. И. Ленин шахсига қилинаётган хуружларни қатъиян қоралайди. Уни сиёсат-

чи ва мутафаккир сифатида туҳмат ва бўҳтонлардан, шунингдек росмана шарафлашлар ва кўкларга кўтаришлардан асраш — ҳар бир коммунистнинг, софдил кишининг бурчидир.

Съезд социализм бузилишларини ва партия йўл қўйган хатоларни танқид қилиш ниқоби остида жамиятда антикоммунизм ва антисоветизмни, ҳаддан ошишларни жорий этиш ва сингдириш йўлидаги уринишларни рад этади, партияни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан сиқувга олиш йўлидаги уринишларга барча қонуний воситалар билан қаршилик кўрсатишга қатъий аҳд қилганлигини изҳор этади.

КПСС — изчил байналмилалчилар партияси бўлиб, миллий манфаатлар, талаблар ва урф-одатларга эътибор билан қарайди, миллатчилик, шовинизм ва ирқчиликка, реакцион мафкуранинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик билан қарайди.

Съезд КПССда партиялилар оммаси ҳокимиятини, ҳар бир коммунистнинг партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этишининг реал имкониятини таъминлашни, бошланғич ташкилотлар ролини тубдан оширишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди. КПССнинг ғоявий-сиёсий яхлитлиги партия ташкилотларининг ўзини ўзи бошқариши негизларига, КПСС таркибидаги иттифоқдош республикалар Компартияларининг мустақиллигига асосланади.

Съезд мамлакатда вужудга келаётган ишчилар ва деҳқонлар ҳаракатида партия ташкилотларининг фаол иштирок этишини ниҳоятда муҳим деб ҳисоблайди.

Кўп партиялилик шароитида КПСС Қонун асосида, шу жумладан, сайловларда ва парламент фаолиятида бошқа партиялар ва ҳаракатлар билан очиқ мусобақа ва ҳамкорлик қилишга тайёр.

Съезд КПССнинг қайта қуришга ва революцион янгиланишга қаратилган йўли мамлакатнинг туб манфаатларига монанд эканлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга ана шу йўлни ўтказишда КПСС Марказий Қомитети, Сиёсий бюро, Марказий Қомитет Секретариати қўйилаётган аниқ қадамларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий оқибатларини етарли даражада ҳисобга олмадилар. Ичкиликбозликка қарши кураш кампанияси, кооперативларни ташкил этиш практикаси, регионал хўжалик ҳисобига ўтиш, корхоналар мустақиллиги ва бошқа бир қатор йирик тадбирлар партия ташкилотларида олдиндан чуқур ишлаб чиқилмаган ҳолда пала-партиш ўтказилди. Бу эса муҳим ва керакли тадбирлар самарадорлигини пасайтирди ёки ҳатто тескари натижаларга олиб келди.

Қайта қуриш йўлини амалга оширишдаги қийинчиликлар ва узилишларга аввало КПСС Марказий Қомитети бюрократик-буйруқбозлик, маъмурий система сарқитини бартараф этишдаги мушкулликларга етарли баҳо бермаганлиги, қабул қилинган қарорлар ташкилий ва ғоявий-мафкуравий жиҳатдан қониқарли таъминланмаганлиги партиянинг барча бўғинларида янги шароитда ишлаш тажрибасининг йўқлиги сабаб бўлди. Сиёсий бюро аъзолари ва аъзоликка номзодларнинг, КПСС Марказий Комитети котибларининг ҳисоботлари қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этиш соҳасида Марказий Қомитет фаолияти етарли бўлмаганлигини тасдиқлади. КПСС Марказий Қомитетининг комиссиялари партиянинг интеллектуал имкониятларига, партия ташкилотлари ижодиётига яхши таянмадилар.

Бунинг оқибатида КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қўйган кўпгина вазифалар ҳар этилмай қолди, бу эса жамиятда ва партияда инқироз ҳодисаларини кучайтирди, вазиятни кескинлаштирди.

XXVII съезднинг экономикага ижтимоий тус бериш, уни инсон манфаатларига қаратиш ҳақидаги талаби бажарилмай қолди. Амалда истеъмол бозорининг барбод бўлганлиги, тақчилликнинг кучайиши, сўмнинг қадрсизланиши жиддий социал кескинликни ва аҳолининг адолатли норозилигини келтириб чиқарди. Қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари кескинлашди.

Давлат ва меҳнат интизомининг ниҳоятда бўшашиб кетганлиги, жиноятчилик, одамларнинг ҳалокатига, қочоқларнинг вужудга келишига сабаб бўлаётган зўравонликнинг ўсиши; уюшган жиноятчилик, чайқовчилик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, ахлоқнинг бузилаётганлиги ташвиш туғдириб, сиёсий вазиятни мураккаблаштираётир.

Илм-фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлашнинг қашшоқ аҳволда эканлиги мамлакатнинг ҳозирги ҳаёти ва келажаги учун хавф туғдирмоқда.

Мамлакатнинг кўпгина регионлари — Чернобиль зонаси, Орол денгизи ва Оролбўйи, Волга ҳавзаси, Семипалатинск полигони ва бошқалар — экологик фалокат ҳолатидан чиқарилмаётир. Экология муаммоларига оид қарорлар ниҳоятда сусткашлик билан бажарилаётир. Арманистонда ва мамлакатнинг бошқа регионларида зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан давлат дастурлари барбод бўлаётир.

Съезд миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви партияни эсанкиратиб қўйганлигини қайд этади. Марказий Қомитет низоларни бартараф этишда кўпинча ташаббусни ўз қўлига олмади, марказда ва жойларда чалакам-чатти тадбирлар қўрилишига муроса билан қаради. Янги иттифоқ шартномасини тузиш чўзиб юборилди. ССР Иттифоқининг яхлитлиги ва унинг яшаш-яшамаслиги хавф остида қолди.

КПСС XXVIII съезди ажралиш майлларини халқ манфаатларига зид ҳодиса сифатида қоралайди. Съезд Болтиқбўйи республикалари Компартияларида ажралиш рўй бериб, уларнинг сиёсий вазият ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатишдан маҳрум бўлиб қолганлиги хусусида таассуф билдиради.

Съезд ижтимоий тараққиётнинг социалистик йўлини ҳимоя қилаётган партия ташкилотларининг позицияларини қўллаб-қувватлайди. Съезд Литва, Латвия ва Эстония коммунистларини КПСС XXVIII съездининг дастурий ҳужжатлари асосида бирлашишга даъват этади.

Съезд шуни таъкидлайдики, КПСС раҳбарияти партияни янгилаш сари дадил қадам ташлаб, уни давлат партиясидан сиёсий раҳбарга тубдан айлантириш учун барча имкониятларни ишга сололмади. КПСС Марказий Комитети, партия комитетлари ўз ишларини қайта қура олмадилар, партия ташкилотларининг ижодий имкониятини сафарбар эта олмадилар.

КПСС XXVIII съезди КПСС Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюроси ва Марказий Комитет Секретариатининг фаолияти тубдан такомиллаштирилиши, кадрлар сиёсати эса янгиланиши зарур деб ҳисоблайди. Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси ўз фаолиятини КПСС бирлигини таъминлашга ва партияда демократияни ривожлантиришга тааллуқли асосий масалаларга, жамиятни жипслаштиришга, мамлакатда сиёсий воситалар билан фуқаролар тотувлигига эришишга, мамлакатни инқироздан олиб чиқиш учун кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратишлари зарур. Хотин-қизлар, ёшлар, ветеранлар орасида олиб бориладиган ишга принципиал янгича ёндашувлар, жамиятда улар мавқеининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, аҳолининг ана шу гуруҳларини партия турмушига ва ижтимоий тузилмаларга тўла-тўкис жалб қилиш керак.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг янги таркибига съезд қарорларини бажариш, шунингдек делегатлар айтган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни рўёбга чиқариш юзасидан амалий тадбирларни уч ой муддат ичида ишлаб чиқишни топширади.

Мамлакатдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг ва Марказий назорат комиссиясининг мажлисларида ҳозирги пайт масалаларини, Сиёсий бюро ва Секретариат ҳисоботларини муҳокама қилиш тавсия этилсин. КПСС Марказий Комитетига партиядаги мафкура ишларини янгилаш масаласини бир йил давомида кўриб чиқиш топширилсин. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини, Марксизм-ленинизм институтини, Ижтимоий фанлар институтини партиянинг янги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда қайта қуриш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Партия бақувват ва халққа тушунарли бўлган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ўтказиши керак. Партия вазиятни ўзи таҳлил қилиб, ўз мустақил баҳоларига эга бўлиб тангликдан чиқиш, вазиятни барқарорлаштириш, кундалик ҳаёт муаммоларини ҳал этиш йўлларини жамиятга, давлат органларига таклиф қилиши зарур.

Меҳнат коллективларида партия ташкилотларини бартараф этишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни ва бошқа тугатувчилик кўринишларини съезд демократия ва қонунчиликнинг бузилиши деб баҳолайди.

Съезд айтадики: сиёсий ислоҳотни тугаллаш, бутун ҳокимиятни Советларга топширишни ниҳоясига етказиш — КПССнинг бурчидир. Партия комитетлари янги Советлар билан ҳамжиҳатликни йўлга қўйишлари, уларнинг ҳақиқий ҳокимият органлари сифатида қарор топишига кўмаклашишлари, сайловларда ишчи ва деҳқонларга чинакам мадад кўрсатишлари зарур. Коммунист депутатларнинг ва партия ташкилотларининг амалий позицияси, Советларнинг тўлақонли ва нормал ишга тезроқ ўтишига ёрдам бериши керак.

Съезд президентлик лавозимининг мамлакат сиёсий системасига киритилишини тўғри ва зарур деб ҳисоблайди. Шу билан бирга республикаларда ва жойларда Президентнинг ҳокимият билан ўзаро муносабатлари структураси қонун билан расмийлаштирилмаганлиги, Президент чиқарадиган Фармонлар ижросини назорат қилиш формалари белгиланмаганлиги таъкидланади.

Съезд Совет давлатининг халқаро фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Бу фаолиятга XXVIII съезднинг ва XIX партия конференциясининг хулосаларига биноан йўналиш танлаш эркинлиги, манфаатлар мувозанати, тенг ҳуқуқлилик ва аралашмаслик, мустақиллик ва суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, қурол-яроғларни ва биринчи навбатда ядро қуролини қисқартириш, инсон ҳуқуқини ҳурмат қилиш негизида муносабатларни демократиялаш ва инсонпарвар қилиш асос қилиб олинган.

Съезд шуни таъкидлайдики, СССРнинг ана шу принциплар асосига қурилган янги ташқи сиёсати халқаро вазиятнинг сезиларли даражада соғломлашувига, уруш хавфининг камайишига, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш йўлига чиқиб олишга, жаҳон хўжалик системасида иқтисодиёт интеграциясига, экологик ҳамжиҳатликка, маънавий соҳадаги ҳамкорликка, одамлар ўртасидаги алоқаларнинг кенгайишига ёрдам берди, ҳарбий хара-

жатлар юкининг камайишини бошлаб берди. Натижада ички вазифаларни ҳал этиш учун қулай ташқи шароитлар вужудга келтирилаётир.

Халқаро майдондаги ижобий силжишлар қурол-яроғларнинг оқилона етарли бўлиши принциплари асосида мамлакатнинг ишончли хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини соқит қилмайди. Ҳарбий сиёсат масалалари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари ҳақида ғамхўрлик қилиш доимо давлат ва партиянинг эътибор марказида бўлиши керак.

Съезд КПССнинг халқаро алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш тарафдори бўлиб, коммунистик ва ишчи партиялар билан, бошқа сўл кучлар билан мустаҳкам ҳамжиҳатликни, сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар билан манфаатдор монанд келадиган кенг кўламдаги соҳаларни излаб топиш муҳим эканлигини таъкидлайди.

Партияни тубдан янгилаш унинг Дастурини тубдан янгилашни талаб қилади. Съезд партиянинг янги Программасини тайёрлаш комиссиясини тузиб, унинг лойиҳасини бошланғич партия ташкилотлари муҳокамасига қўйиш зарур деб ҳисоблайди.

КПСС жамиятга ва давлатга бундан буёнги даврга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини тақдим этади. Бу нарса съезднинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёнотида, мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларига оид резолюцияларда баён қилинган.

Партия съезди КПССнинг раҳбар органларида ишлаб ишониб топшириладиган барча коммунистлар эътиборини партия билан жамиятни инқирозга олиб келган, мамлакатни турғунлик ва якка ҳокимиятга, социализмни эса бузилишларга олиб келган ўтмиш хатоларини такрорланишига йўл қўйиш мумкин эмаслигига қаратади.

Мамлакат оғир даврни бошдан кечираётир. Барча демократик кучларнинг бирлашуви ҳар қачонгидан ҳам зарур. КПСС социалистик ғоянинг барча тарафдошларига Советлар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларидаги кенг кўламдаги иттифоққа, кундалик амалий фаолиятда жипслашишни таклиф қилади. Партия тенг ҳуқуқли асосда мунозара олиб бориб, меҳнат аҳли, фуқаролар тотувлиги ва умуммиллий тотувлик йўлида барча амалий тадбирларни ҳимоя қилишга тайёрдир.

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ПАРТИЯ ҲАРБИЙ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС тинчликни мустаҳкамлашни ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналиши деб ҳисоблайди ва халқаро кескинликни юмшатиш жараёнларига бутун чоралар билан кўмаклашади. Партиянинг янги сиёсий тафаккурга асосланган ҳарбий сиёсати СССРнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келади.

Съезд ҳарбий-сиёсий вазиятнинг аҳволига ва унинг ривожланиш истиқболига ҳар томонлама баҳо бериб, ижобий ўзгаришлар барқарорлигининг кафолати ҳозирча таркиб топгани йўқ, СССР учун уруш хавфи сақланиб қолмоқда, деб қайд этади. Бундай шароитда социалистик Ватанни ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ишончли, оқилона етарлилик даражасида сақлаш юзасидан конституцион мажбуриятларни бажариш бутун халқнинг, партия ва давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири эди ва шундай бўлиб қолади.

КПСС совет мудофаа ҳарбий доктринасини амалга ошириш ва изчиллик билан ривожлантириш тарафдори бўлиб, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини шакллантиришга, шу мақсадда ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни кенгайтиришга, урушларсиз ва зўравонликсиз дунё сари олға боришга ёрдам бериш учун тайёр эканлигини тасдиқлайди.

Партия мудофаа вазифаларининг ҳал этилиши урушнинг олдини олишни, СССР давлат чегараларининг дахлсизлигини, Ватанимиз мустақиллигига тажовузларнинг олдини олишни, четдан ҳужум бўлган тақдирда эса бу ҳужумнинг албатта даф этилишини, давлат мустақиллиги ва территориал бутунлигини ҳимоя қилишни, адолатли тинчлик ўрнатилишини таъминлаши зарур, деб ҳисоблайди.

2. КПСС съезди СССР Қуролли Кучлари социалистик давлатни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз конституцион бурчини муносиб бажараётганликларини таъкидлайди. Армия ва Флотнинг, Давлат Хавфсизлик Комитети чегара қўшинларининг, СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг коммунистлари, шахсий состави ўз халқига, халқнинг социалистик йўлига содиқдирлар.

Қўшинларда ва флотда кўпгина жиддий муаммолар, шу жумладан уларга хос бўлмаган вазифаларни бажариш билан, шахсий составни тузиш билан, унинг профессионал тайёргарлиги, етказиб берилаётган техника ва қурол-яроғлар янги турларининг сифати ва миқдори билан, интизом, ташкилий штат структурасининг мукаммал эмаслиги, ҳарбий хизматчилар ва улар оилалари социал ҳимоясининг заифлиги билан боғлиқ муаммолар тўпланиб қолган. Бу эса салбий кайфият, зиддиятни вужудга келтириб, хизматдан қаноатланмаслик туйғусини туғдирмоқда.

КПСС ҳарбий хизматчилар меҳнатининг ниҳоятда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини, унинг шарафли характерини таъкидлайди. Съезд партия ташкилотлари, барча коммунистлар зиммасига Совет Қуролли Кучлари обрў-эътиборини мустаҳкамлашга, ҳарбий хизмат обрўсини оширишга, ҳарбий хизматчиларнинг шарафи, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиш вазифасини юклайди.

Съезд КПСС мудофаа, хавфсизлик ва ҳарбий қурилиш масалаларига ягона иттифоқ қонунчилиги асосида марказлаштирилган раҳбарлик тарафдори эканлигини билдиради.

ССР Қуролли Кучлари яккабошчилик, экстерриториал, кўп миллатли кадрлар армияси принциплари асосида қурилиши керак. Бу армия умумий ҳарбий мажбуриятни ҳарбий хизматга шартнома асосида ихтиёрий равишда қабул қилиш билан қўшиб олиб борувчи, социал адолат ҳамда барча ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятдагиларнинг қонун олдида тенглиги принципи асосида тузилиб, улардан СССР Конституциясида мустаҳкамланган бевосита вазифалари бўйичагина фойдаланилади.

Ёшларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш ва уларнинг хизматдан ўтишига партиявий таъсир формалари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш зарур. СССР фуқароларини ватанпарварлик ва байналмилал руҳда, Ватан хавфсизлигини таъминлаш муқаддас бурчини бажаришга тайёр туриш руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишлар яхшилансин. Бунда маҳаллий партия органларининг роли оширилсин.

3. КПСС совет жамиятини инқилобий янгилаш ҳамда давлатлараро муносабатларда рўй бераётган жараёнлар ҳарбийислоҳотни ССР Иттифоқи қонунлари асосида босқичма-босқич амалга оширишни талаб этади, деб ҳисоблайди.

Ислоҳот оқилона етарлилик принципига мувофиқ мудофаа имкониятининг илмий асосланган даражасини; истиқболли ҳарбий техника сиёсати ишлаб чиқилишини ҳамда Армия ва Флотни фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари негизида юксак сифат кўрсаткичларига эга бўлган замонавий қурол ва ҳарбий техника билан қуроллантиришни; СССР Қуролли Кучлари ташкилий штат структураси ва органлари энг мақбул бўлишини; кадрлар сиёсати қайта қурилишини, ҳарбий хизмат муносабатлари демократиялашувини; шахсий составни тузиш ва тайёрлаш системаси ўзгартирилишини, унинг профессионализмини оширишни ва резервлар таълимини яхшилашни; СССР фуқароларининг ҳақиқий ҳарбий хизматдан ўтишидаги қонуний асослар мустаҳкамланишини таъминлаши керак.

Съезд мудофаа тўғрисидаги қонунларнинг ҳамда мудофаа корхоналарини илмий, тажриба ва ишлаб чиқариш базаларини ташқи омилларга, шунингдек ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, запасга бўшатилган ёки истеъфога чиққан кишиларнинг социал таъминоти ва ҳуқуқий ҳимоясига оид тармоқ давлат дастурига қараб ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда бу корхоналарни кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш тўғрисидаги қонун қабул қилинишини тезлаштириш зарур, деб ҳисоблайди. Бу мақсадларга аввало Қуролли Кучларни қисқартириш ва мудофаа харажатларини камайтириш муносабати билан бўшатиб олинадиган куч ва маблағларнинг бир қисмини сарфлаш зарур.

Съезд ҳарбий кадрларнинг моддий ва ижтимоий аҳволини мустаҳкамлашни, ҳарбий хизматчиларни шинам уй-жойлар билан таъминлашни, нархлар ошган ва пул қадрсизланган шароитда зарар ўрнини қоплаш тадбирларини жорий этишни навбатдаги вазифалар, деб ҳисоблайди.

4. Ҳарбий ислоҳотнинг асосий йўналишларидан бири СССР Қуролли Кучларидаги партиявий-сиёсий ишлар бутун системасини тубдан қайта қуришдирки, бу нарса мавжуд структурани ўзгартиришни, партия ташкилотлари билан сиёсий органларнинг вазифаларини аниқлашни, уларни янги вазифалар ва ижро шароитларига мувофиқ келтиришни, партия ички муносабатларини демократиялашни, янги маънавий вазият яратишни, интизом, ҳуқуқ-тартиботнинг юксак даражасини, ҳарбий хизматчиларга хос ўртоқчиликни ўз ичига олади.

СССР Қуролли Кучларидаги сиёсий иш Маркс, Энгельс ва Лениннинг ижодий ривожлантирилаётган ғояларига, жаҳон ижтимоий-сиёсий тафаккури ва маданиятининг ютуқларига асосланиши керак. КПСС Армия ва Флотда ўзининг сиёсий раҳбарлик ролини мустаҳкамлашга, мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш манфаатлари йўлида барча соғлом ва тараққийпарвар кучларни жипслаштиришга интилади. Съезд Қуролли Кучларнинг сиёсатдан четлаштирилишига қарши чиқади.

Армия ва Флот ҳарбий-сиёсий органларининг фаолияти мамлакат мудофааси соҳасидаги сиёсатга, СССР Конституциясига мувофиқ қурилиб, ҳарбий хизматчиларни социалистик идеалларга садоқат, армия билан халқ бирлиги, ватанпарварлик, совет халқлари дўстлиги, байналмилалчилик, сергаклик, Ватан мудофаасига доимо тайёр туриш руҳида сиёсий, ҳарбий, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиялашга қаратилади.

Армия ва Флотдаги КПСС ташкилотларининг иши, уларнинг мамлакатда партия ҳарбий сиёсатини амалга ошириш юзасидан совет қонунлари доирасида иш олиб бораётган бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан самарали ҳамжиҳатлиги воситаларини вужудга келтириш ва созлаш вазифаси турибди.

Съезд СССР Қуролли Кучлари Ватаннинг ишончли ҳимоячилари, урушнинг олдини олиш ва тинчликни сақлаш омили бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Мудофаани мустаҳкамлаш йўлида эришилган барча ютуқларни эҳтиётлик билан сақлаш ва такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳар бир коммунистнинг ватанпарварлик ва байналмилал бурчи, умумхалқ ишидир.

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН, КОММУНИСТЛАР ҚУВҒИН ЭТИЛИШИГА ҚАРШИ

КПСС ҳар бир халқнинг ижтимоий тузумни, ўз турмуш тарзини мустақил танлаб олиш ҳуқуқини тан олади. Демократия инсон қадр-қимматини камситиш билан, нафрат ва қасос муҳитини яратиш билан, турли баҳоналар келтириб, компартияларни ва социалистик йўлни тутган жамоат ҳаракатларини, уларнинг барча аъзолари ва тарафдорларини қонундан ташқари қилиб қўйишга уринишлар билан келиша олмайди. Давр рад этган режимларнинг ҳаракатлари учун масъулиятни уларнинг зиммасига юклаб бўлмайди.

Шарқий Европадаги бир қанча мамлакатларда у ерда юз бераётган ўзгаришлар жараёнида тараққиёт ғояларига самимий содиқ бўлган минглаб ҳалол кишилар зарбага учрадилар. Уларни эътиқодлари учун таъқиб этмоқдалар, обрўсизлантирмоқдалар, ишдан маҳрум қилмоқдалар. Уларнинг оилалари теварагида кўпинча инсон фожиасига олиб бораётган тоқат қилиб бўлмайдиган вазият вужудга келтирилмоқда.

Ўтмишда антикоммунизм жуда кўп кулфатлар ва бахтсизликлар келтирди. Фуқаролик жамияти эълон қилинган шароитда сиёсий сабабларга кўра қувғин қилиш ва руҳий жиҳатдан таъқиб этишга тоқат қилиб бўлмайди, бундай ҳодисалар чет элдами ёки ўз мамлакатимиздами — қаерда намоён бўлмасин, алам ва норозилик туйғусини келтириб чиқаради.

Съезд сиёсий таъқиб ва маънавий қатағонга учраётган коммунистлар, барча кишилар билан ўртоқларча бирдамлик билдиради ва тараққийпарвар кучларга мурожаат қилиб, ҳар бир кишининг шани ва қадр-қимматини, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақиради.

КПССнинг БЮДЖЕТИ ВА МУЛКИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети Ишлар мудири ўртоқ Н. Е. Кручинанинг КПСС бюджети ва мулки тўғрисидаги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Съезд таъкидлайдики, бюджетни шакллантириш ва ижро этиш тартиби КПССнинг жамиятдаги янги вазифаларига ва мавқеига секинлик билан мувофиқлаштирилмоқда. Партиянинг моддий базаси ва бюджети тўғрисида ошкоралик ва хабардорлик таъминланмаган. Молиявий ва мулкий масалаларга доир бир қанча қарорларни қабул қилиш чоғида партиянинг сайлаб қўйилган органларининг, коммунистларнинг фикри ҳисобга олинмаган. КПСС Марказий Комитети, партия комитетлари маблағдан оқилона фойдаланмасликка,

объектлар қурилишида ортиқчаликка, КПССга қарашли мулкни топшириш чоғида ўзибўларчиликка йўл қўйганлар.

3. Съезд бюджетни шакллантириш манбаларини ривожлантириш ҳамда партия мулкидан оқилона фойдаланиш хусусида партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқлари ва бурчларини кенгайтириш учун ҳаракат қилади. Партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти регионларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, демократик асосларда қурилиши, бунда КПСС ҳар бир ташкилоти иши учун зарур моддий шароитни яратиш кўзда тутилиши лозим.

4. Съезд КПСС Марказий Комитетига ва КПСС Марказий назорат комиссиясига шу йилнинг охиригача партия ташкилотларининг мустақиллиги кенгайиб бораётган, ўзини ўзи пул билан таъминлашга, пул маблағларини бошланғич партия ташкилотлари фойдасига қайта тақсимлашга ўтиш шароитида партия бюджетини шакллантириш, ижро этиш ва назорат қилишнинг янги воситаларини ишлаб чиқишни, ишни партия комитетларининг, партия муассасаларининг структураларини такомиллаштириш, ходимларнинг штатли сонини камайтириш йўли билан умумий харажатларни қисқартириш сари олиб боришни топширади. КПССнинг мавжуд даволаш базасидан партия барча аъзоларини даволаш ва уларнинг дам олиши учун фойдалансин.

5. Съезд тасдиқлайдики, КПСС қонунга мувофиқ ўзининг коммунистларнинг кўп авлодлари томонидан барпо этилган мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади, умумпартия мулкини партиянинг дастурий ва Уставдаги мақсадларига эришиш йўлида амалий ишларни олиб бориш учун зарур шарт-шароит деб билади.

КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий назорат комиссияси 1990—1991 йилларда КПСС мулки бўлган объектларни эксперт баҳоласинлар ва улардан самаралироқ фойдаланиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсинлар. КПСС мулкини сотиш, топшириш ҳамда беришнинг бошқа турлари фақат коммунистларнинг фикри ҳисобга олиниб, КПСС Уставида ва қонунда белгилаб қўйилган тартибдагина бўлиши мумкин.

Партия комитетлари, КПСС ташкилотлари ва муассасалар юридик шахс ҳуқуқини тўла даражада амалга оширсинлар, партиянинг молиявий ва моддий ресурсларини мустаҳкамлаш учун улардан оқилона фойдалансинлар.

6. Съезд тузилган имтиёзлар комиссиясига партиядаги ишларнинг аҳволини уч ой муддатда ўрганиб чиқиб ўз хулосалари ва таклифларини КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий назорат комиссиясининг қўшма мажлисига киритишни топширади. Ушбу масалага доир қарор шу йилнинг охиригача партия матбуотида эълон қилинсин.

* * *

Съезд партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар, ҳар бир коммунист партия мулкини мустаҳкамлашда фаол қатнашади, КПСС фаолиятининг янги шароитида моддий воситалардан ва пул маблағларидан самарали фойдаланишга эришадилар, деб ишонади.

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ АҲВОЛИ ВА КПСС АГРАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Съезд айтадики, деҳқонларнинг аҳволини тубдан яхшиламай, қишлоқнинг бутун тақдирини ўзгартирмай, КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленумида ишлаб чиқилган аграр сиёсатни оғишмасдан ва изчиллик билан амалга оширмай туриб, жамиятни революцион асосда қайта қуриш, озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги миллий даромаднинг чорак қисмидан кўпроғини яратади, унинг маҳсулотидан халқ истеъмоли молларининг учдан икки қисмидан кўпроғи, озиқ-овқат маҳсулотларининг деярли ҳаммаси тайёрланади.

Аммо кейинги вақтда қишлоқда ижтимоий-иқтисодий аҳвол яхшилик томон ўзгармади. Маблағларни ниҳоятда кўп миқдорда тортиб олиш давом этмоқда, ижтимоий истеъмол фондлари секинлик билан ўсмоқда. Уй-жой, мактаб, касалхона, маданий-маиший объектлар етишмаётир. Йўлсизлик, савдонинг қашшоқлиги, посёлкаларнинг ноободлиги одамлар ҳаётини мушкуллаштираётир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника таъминоти ёмонлашди. Колхоз ва совхозлар, қайта ишлаш саноати корхоналари асосий ишлаб чиқариш фондларининг ярми жисмонан эскирган ва янгиланишни талаб қилади.

Мамлакатнинг кўпгина регионларида қишлоқ шу қадар дармонсизланиб қолдики, унинг ўзи давлатнинг бақувват мададисиз жамият унинг олдига қўйган вазифалар даражасига кўтарила олмайди.

Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқараётган корхоналарнинг якка ҳокимлиги ва бевосита иқтисодий тазйиқи кучайди, қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини нотенг асосда айирбошлаш қарор топди. Агросаноат комплексида кераксиз қайта қуришлар давом этаётир.

Қишлоқ учун устунлик яратиш йўли КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматнинг ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмаган ва ҳаётда реал амалга оширилмаётир.

2. Съезд озиқ-овқат муаммосининг амалда ҳал этилиши жамиятда деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеига бевосита боғлиқ деб ҳисоблайди.

КПСС деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз сиёсий ишининг марказига қўйиб, унинг ер ва ўз меҳнати натижаларининг ҳақиқий хўжайини сифатида қарор топишига фаол ёрдам беради. Мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, деҳқонларнинг ерга эгалик қилиш, хўжаликни юритиш усулини ихтиёрийлик асосида танлаш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, колхозлар, совхозлар, деҳқон хўжаликлари ва шахсий хўжаликларга, ижарачи коллективларга тўла мустақилликни ва тенг иқтисодий шароитларни таъминлашда ёрдам бериш, ҳар бир меҳнаткашга шахсий меҳнат ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда коллектив мулкка эгалик қилишда шерик бўлиш имкониятини бериш керак.

3. Съезд ўн учинчи беш йилликда 1991 йилдан бошлаб қишлоқларнинг комплекс ривожланишини таъминлайдиган даражада давлат капитал маблағларини, қурилиш-монтаж ишлари ва материал ресурслар лимитларини анча кўпайтириш, мамлакат аҳолиси талабларини қондирадиган ҳажмда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг қатъий тарафдори эканлигини билдиради. Уй-жой, касалхона, мактаб, йўл, сув ва газ таъминоти объектлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва маҳсулот сақлаш базалари қурилишига, ерларни самарали мелиорация қилишга алоҳида эътибор берилсин. Россиянинг Ноқоратупроқ зонасини. Оролни ва экологик фалокат рўй берган бошқа районларни қайта тиклаш, Чернобиль ҳалокати оқибатларини бартараф этиш юзасидан махсус давлат программалари қабул қилинишини зарур деб ҳисоблайди.

Съезд озиқ-овқат вазифаларини ҳал этишда шаҳар билан қишлоқ куч-ғайратларини бирлаштириш, йирик шаҳар ва саноат марказлари теварагида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирадиган ихтисослашган зоналар ташкил этиш зарурлигини таъкидлайди. Қишлоқда ишлаш учун доимий кўчиб бориш истагини билдирган шаҳар аҳолиси учун имтиёзлар белгилансин.

Қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхоналарини ва халқ ҳунармандчилигини, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, улар учун замонавий ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида кунт билан иш олиб борилсин.

Съезд деҳқонларга нисбатан бирор зўравонлик ишлатилишига, уларнинг манфаатлари камситилишига қарши чиқиб, шаҳар билан қишлоқнинг ижтимоий тенглиги тарафдори, қишлоқда давлат маблағлари ҳисобидан инфраструктура яратиш тарафдори эканлигини билдиради.

4. Съезд озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси бозорига босқичма-босқич ўтиш принципини, давлат буюртмасининг ресурслар билан кафолатли таъминланишини қўллаб-қувватлайди, шаҳар билан қишлоқ, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги иқтисодий муносабатларда тенгликка қатъий риоя қилиш, агросаноат комплекси корхоналари ва хўжаликларининг қарзларидан тамомила кечиш, улар учун молиявий имтиёзлар, дотациялар, субсидиялар бериш системаларини ишлаб чиқиш, маҳсулот етказиб берувчилар якка ҳокимлигини бартараф этиш, ишлаб чиқариш воситалари бозорини вужудга келтириш тарафдоридир.

5. Съезд аграр фаннинг самарали ривожланиши, унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини кучайтириш, асосли ва амалий энг муҳим илмий тадқиқотларга устун даражада маблағ ажратиш, ватан ва чет элнинг илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш, хўжалик ва корхона раҳбарлари ва мутахассисларини, ижарачилар, фермерларни, оммавий касбдаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда туб ўзгаришлар қилинишининг тарафдоридир.

6. Съезд шуни тасдиқлайдики, агросаноат комплексини бошқариш системаси маҳсулот етиштирувчиларнинг ихтиёрий қарорига биноан уларнинг манфаатларини кўзлаб қурилиши керак. Давлат вазифаларини таъминлаш, агросаноат комплекси фаолиятининг ҳуқуқий нормаларига риоя қилиш, етакчи тадқиқотларни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш учун Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат министрлигини, Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигини, моддий-техника таъминоти ва агросаноат комплексига хизмат

кўрсатиш системаларини тузиш зарур. Уларнинг фаолиятига баҳо бериш агросаноат комплекси ишининг пировард натижалари билан боғланиши лозим.

7. Съезд оммавий-ижтимоий-сиёсий ташкилот — СССР Деҳқонлар уюшмаси тузилишини қўллаб-кувватлайди, бу уюшманинг деҳқонлар билан ишчилар синфи, зиёлилар, жамиятдаги барча кучларни озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш манфаатларини кўзлаб, жипслаштириш йўлини маъқуллайди.

Съезд партия ташкилотларини халқ депутатлари Советлари, касаба уюшмалари, комсомол ва бошқа жамоат ҳаракатлари билан биргаликда қишлоқнинг ижтимоий қайта қурилишига, оиланинг маънавий ва аҳлоқий ривожланишига, қишлоқнинг ўзига хос турмуш тарзи тикланишига фаол ёрдам беришга даъват этади. Қишлоқ аҳолисининг соғлиғи, таълими ҳақида ва маданий эҳтиёжларини қондириш ҳақида ғамхўрлик қилишни партия ўз фаолияти марказига қўйсин. Бу ишга шаҳарлардаги интеллектуал ва ижодий имкониятларни жалб этиш зарур, деб ҳисоблансин.

КПСС XXVIII съезди оммавий ахборот воситалари ходимларига мурожаат қилиб, мамлакат бутун халқ хўжалик комплексининг қишлоқни юксалтиришдаги иштироки нақадар муҳимлигини очиб беришга, хўжалик юритишнинг турли шакллари тажрибасини кенг тарғиб қилишга, деҳқонлар меҳнати аҳамиятини оширишга ва жамиятда бу меҳнат обрўсини қарор топтиришга даъват этади.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЎТКАЗИШДА ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШДА КПССНИНГ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

Съезд халқ хўжалигидаги аҳвол ёмонлашиб бораётганлигини, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетаётганлигини ташвишланиб таъкидлайди. Ишлаб чиқариш структураси секинлик билан қайта қурилмоқда, аҳоли учун зарур молларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш пул даромадларининг ўсишидан орқада қолмоқда, иш вақтининг беҳуда ўтиши ва моддий ресурсларнинг нобуд бўлиши ҳамон кўп, иқтисодиёт фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқларини ўзлаштиришга ноқобиллигича қолмоқда. Истеъмол бозорининг барбод бўлиши танглик ҳолатларининг мужассам ифодаси бўлиб, у фақат ижтимоий эмас, шу билан бирга сиёсий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради, бу оқибатлар омманинг қайта қуришга ишончига путур етказади.

Иқтисодиётдаги тангликнинг асосий сабаблари: социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг бузилганлиги, меҳнатчининг мулкдан ва бошқарувдан бегоналашганлиги, текисчилик ва тайёрга айёрлик психологияси, монополизм ва меҳнат натижаларига бозор орқали баҳо беришнинг йўқлиги, сўнгги вақтда марказда ҳам, жумҳуриятлар ва жойларда ҳам халқ хўжалигини бошқариш бузилганлигидадир. Халқ хўжалигида юз берган номутаносиблик, жамият учун ҳаддан ташқари сарф ва харажатлар, хўжаликни юритишда ортиқча харажатлар сақланиб қолаётганлиги, туб ислоҳотни амалга оширишдаги сусткашлик ва хатолар иқтисодиёт самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Тангликдан чиқиш йўлларини излашда, ижтимоий-иқтисодий ўзгартишлар стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда бир-бирига қарши икки позиция намоён бўлди. Жамиятга: ёки иқтисодий турмушни ёппасига давлат ихтиёрига ўтказишга асосланган маъмуриятчилик-тақсимлаш йўли билан хўжалик юритишнинг эски қаттиққўл моделини тиклашни ёки барча ишлаб чиқариш воситаларини дарҳол шахсий кишилар қўлига топшириш ва иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солишдан бутунлай воз кечиш қатъият билан таклиф этилмоқда. Съезд етилган иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг ҳар иккала йўлини бир хил даражада номақбул деб ҳисоблайди. Буларнинг ҳар бири социализмнинг асосий қадриятларига ва жаҳон амалиётига зид бўлиб, инсоннинг қонуний ҳуқуқлари чекланишига олиб боради ҳамда хўжалик юритишнинг юқори самарали системасини яратишга қодир эмас.

Съезд партиянинг социалистик йўлга содиклигини таъкидлайди ва бозор муносабатларига ўтиш иқтисодий ислоҳотни кучайтириш ва халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини яхшилашнинг бош мазмуни, деб ҳисоблайди. Бошқариладиган бозор иқтисодиёти ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша деган қоидани амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, юқори унумли ва ижодий меҳнат қилиш сабабларини кучайтиради, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчининг ўзаро манфаатлари муносабатлари-

нинг самарали воситаларини яратишга имкон беради, сурункали тақчиллик ва навбат кутишларга чек қўяди, чайқовчилик ҳамда пинҳоний иқтисодиётнинг бошқа кўринишлари учун хизмат қиладиган базани йўқотади.

КПСС ушбу вазифани амалга оширишда иш билан самарали таъминлашга ва аҳоли кенг табақалари турмуш даражаси пасайиб кетишининг олдини олишга қаратилган сиёсатни ўтказаверади. Бунда партия аввало аҳолининг камбағал табақалари учун ижтимоий товон тўлаш системаси олдиндан ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Съезд таъкидлайдики, янги шароитда ижтимоий истеъмол фондлари пенсиялар, уй-жойлар, соғлиқни сақлаш хизмати ҳамда маориф, маданият ва фаннинг ижтимоий жиҳатдан кафолатланган энг кам миқдорини сақлаб туришни таъминлаши керак, жамиятнинг интеллектуал имкониятларини ривожлантиришга ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашиши лозим.

Съезд иқтисодиётнинг мулкчилик ва хўжалик юритишнинг барча шакллари Қонун олдида тенг ҳуқуқлилигини ва уларнинг беллашувини таъминлайдиган, одамни одам эксплуатация қилишни истисно этадиган самарали структурасини тузишни ёқлайди. Бозорнинг бош субъектлари бўладиган мустақил корхоналарнинг ўзаро алоқалари иқтисодий муносабатнинг асоси бўлиши лозим.

Съезд янгиланган Иттифоқ шартномаси асосида жумҳуриятларнинг иқтисодий тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллигига риоя этган ҳолда ягона умумиттифоқ бозорини ривожлантиришни қатъий ёқлаб чиқади.

Съезд СССР халқ депутатлари II Съезди ва СССР Олий Советининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарор қилишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ўз ичига олган, пухта ўйланган ва халқ учун тушунарли аниқ программасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарорларини қўллаб-қувватлайди.

Съезд жамиятни бозор муносабатларини қабул қилишга тайёрлаш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб боришни коммунистларнинг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари ва комитетларининг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти жамиятда бозорга ўтишдан бошқа муқобил йўл йўқ эканлигини ва бундай ўтишнинг ўзи мақсад эмас, балки меҳнат самарадорлигини ошириш, халқ турмушининг сифат жиҳатидан янги даражасига эришиш, эркинлик ва демократияни мустаҳкамлаш, Совет давлати яхлитлигини сақлаб қолиш воситаси эканлигини чуқур тушуниб етишни шакллантиришга қаратилмоғи керак.

Съезд делегатлари коммунистларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган, меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида ташаббускорлик ва омилкорликни ривожлантиришга кўмаклашадиган барча ташаббусларга жамоат мадади кўрсатишга чақиради.

Советларнинг тўла ҳокимияти тикланаётган шароитда партиянинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш, янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш, хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлашга қодир бўлган кадрларни тайёрлашга кўмаклашиш барча партия ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг энг муҳим вазифасидир.

КПССНИНГ ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

Қайта қуриш йиллари — мафкуравий ақидалар, маъмурий ўзбошимчалик бартараф этилаётган, маънавий меросга мурожаат қилинаётган, жаҳон ҳамжамияти билан амалда ўзаро алоқа боғланаётган даврдир.

Бироқ бошланган силжишлар барқарор эмас ва зиддиятлидир. Давлатнинг ва КПССнинг маънавий соҳага ёндашувларида қолдиқ принципга барҳам берилгани йўқ. Партия раҳбарияти ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилишда, фан ва маданиятни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда қатъият кўрсатмади.

Халқ таълими, кўпгина миллий маданият ва фан марказлари ночор аҳволда қолмоқда. Зиёлилар орасида инкорчилик, лоқайдлик, партияга ишончсизлик кўпаймоқда, миллатчилик кайфиятлари кучаймоқда. «Оммавий маданият»нинг ёшларга ёпирилиб тазйиқ этиши, маънавий турмушга тижорат руҳининг сингиб бориши, истеъдодли кишиларнинг чет элга кетиб қолиши алоҳида хавф туғдирмоқда.

Съезд шуни маълум қилади — маънавий соҳанинг ҳозирги ҳолати, аҳоли маданияти ва маълумоти савиясининг пастлиги, илм-фан натижаларига талабнинг камлиги социализмни янгилаш ишига, мамлакатнинг келажагига таҳлика солмоқда. Мамлакатнинг ақлий ва маънавий тикланиши КПСС фаолиятида олдинги ўринга чиқиши керак. Бу масалаларга етарли баҳо бермасликка йўл қўйиб бўлмайди.

Партиянинг таълим, фан ва маданият соҳасидаги жамиятга очиқ ва жамият қабул этадиган сиёсати зарур, бу сиёсат умумбашарий қадриятларнинг устунлигини тан олишга асосланиши керак.

* * *

Съезд қуйидагиларни партиянинг **таълим соҳасидаги** сиёсатининг асосий мақсадлари ва қоидалари деб ҳисоблайди:

— таълимнинг инсорпарварлик вазифасини, унинг жамиятни ктисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соғломлаштиришдаги биринчи даражали аҳамиятини қарор топтириш;

— таълимнинг турмуш тарзининг узвий қисми ва ижтимоий тараққиётнинг зарур шарти сифатидаги узлуксизлиги; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг халқ хўжалигидаги йирик структура силжишларига ва меҳнат сарфланадиган соҳаларни жўшқин ўзгартиришга қаратилган самарали системасини вужудга келтириш;

— инсоннинг муддаолари ва қобилиятларига монанд келадиган касб ва ихтисосни эркин танлаш учун амалий ҳуқуқ бериб қўйиш; ўқув юртларининг турли типларини яратиш ҳамда таълимнинг хилма-хил шакллари ва усуллари воситаси билан ёшларнинг сифатли таълим олиши учун шароит вужудга келтириш;

— олий ва ўрта махсус мактабда мутахассислар тайёрлаш структураси ва мазмунини жамиятнинг узоқ муддатли эҳтиёжлари билан, мамлакат жумҳуриятлари ва минтақаларини ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш вазифалари билан мувофиқ ҳолга келтириш;

— болалар, ўқувчилар ва талабаларга инсоний, ахлоқий ва жисмоний тарбия беришни жамиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнларига мувофиқ қайта қуриш, тарбия масалаларида оиланинг аҳамиятини ошириш;

— таълимни демократиялаш, ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайтириш, таълим соҳасида халқаро кооперацияни ривожлантириш;

— ўрта ва олий мактабга инсонпарварлик руҳини сингдириш, улардаги таълимнинг миллий маданият манбалари, Ватан ва жаҳон ижтимоий тафаккури ютуқлари билан алоқасини мустаҳкамлаш, маданият, фан ва таълим ўртасидаги узилишни бартараф этиш;

— халқ таълимини ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан муҳофаза этишни таъминлаш, муаллимлар, талабалар ва ўқувчилар учун ижтимоий кафолатлар яратиш, ўқитувчи касбининг обрўсини ошириш, меҳнат ва турмуш шароитлари ҳақида, муаллимлик фаолиятига муносиб ҳақ тўлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

Илм-фан соҳасида:

— жамиятда ва давлатда илм-фаннинг мақомини ҳамда илмий меҳнатнинг обрўэътиборини ошириш; илмий мактабларнинг мусобақалашуви ва рақобатлашувини ривожлантириш; бошқарувни ҳаддан ташқари марказлаштиришдан ва маъмуриятчиликдан янгиликлар жараёнларини давлат-жамоат йўли билан тартибга солишнинг ўзгарувчан системасига ўтиш;

— фундаментал фанларни ва умумдавлат фан-техника дастурларини жамиятни жипслаштириш омили, деб ҳам билиб, уларнинг аҳамиятини ошириш; Совет фанини жаҳон фани билан интеграциялаш, бу соҳада халқаро кооперация ва меҳнат тақсимотини кенг жорий этиш;

— илмий ижод эркинлигини илмий ишланмалар амалга оширилишидаги ижтимоий, иқтисодий, экологик оқибатлар учун олимнинг маънавий масъулияти билан узвий равишда бирга қўшиб олиб бориш;

— мулкчиликнинг турли шакллари асосида фан-техника ва ишлаб чиқариш фаолияти алоқалари хўжалик воситаларининг хилма-хиллиги; илмий жамоалар ҳаёт фаолиятининг барча ички масалаларини ҳал этишдаги мустақиллиги;

— илмий кадрлар тайёрлаш ва уларни юқори лавозимларга кўтариш системасини такомиллаштириш; тадқиқотчилик фаолиятининг натижаларига мувофиқ равишда меҳнат ҳақи тўлаш;

— ижтимоий фанларни ривожлантириш негизини анча кенгайтириб, бутун ижтимоий фанлар системасини қайта қуриш;

— фалсафа, сиёсий иқтисод, тарих, социология, руҳшунослик, сиёсатшунослик, маданиятшуносликни ривожлантиришни КПСС томонидан бевосита қўллаб-қувватлаш; социализмни янгилаш, партияни ривожлантиришнинг назарий масалаларини илмий ишлаб чиқишни, партиянинг жамиятни ва давлатни демократиялаш, фикрлар хилма-хиллиги, кўп партиялилик шароитидаги фаолиятини рағбатлантириш.

Маданият соҳасида:

— маданият соҳасида идоралар, ташкилотларнинг монополиясини бартараф этиб, халқнинг маданиятдан баҳраманд бўлишига давлат томонидан кафолат бериш; маданий жараёнларни бошқаришнинг, маданият арбобларини қонуний асосда ҳимоялашни таъминлашнинг давлат-жамоат системасини такомиллаштириш;

— СССРда яшовчи барча халқлар маданиятларининг ўзига хослигини ва тенг ҳуқуқлигини ҳурмат қилиш, уларнинг ўзаро эркин алоқасини ва бир-бирини бойитишини кенгайтириш ва такомиллаштириш, маданий-миллий марказларни тузиш ва ривожлантириш учун шароит яратиш;

— ижод эркинлиги, истеъдодни рағбатлантириш, турли маданий оқимлар, услублар, мактабларнинг бемалол мусобақалишиб ривожланиши;

— кўп миллатли совет маданиятининг мамлакатни ҳозирги дунё маънавий турмушига тўла-тўкис қўшишни таъминлайдиган инсонпарварлик ғоялари ва қадриятларига мойиллиги.

Съезд янги сайланган КПСС Марказий Комитетига:

— мамлакатнинг ақлий имкониятларидан ғоят тўла-тўкис фойдаланиш ва уни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бутун мажмуини ҳал этишнинг, яқин бир неча йилда маънавий соҳанинг молиявий ва моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашнинг — давлат бюджетидан аниқ мақсадни кўзлаб қўшимча маблағ ажратиш, таълим, фан, маданият муассасалари учун имтиёзли бўлган ҳамда маънавий соҳани ривожлантириш учун корхоналар, кооперативлар, ташкилотларнинг молиявий ажратмаларини рағбатлантирадиган солиқ сиёсатининг асосий қоидаларини КПСС номидан таклиф қилишни халқ таълимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли давлат дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашни;

— таълим ва фан соҳасидаги йирик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга; ақлий имкониятларни кўпайтиришга, маънавий соҳани ривожлантиришга фаол кўмаклашишни. Шу мақсадда ўқув ва илмий муассасаларнинг, КПСС ижтимоий ва сиёсий марказларининг имкониятлари ва моддий базасидан фойдаланишни;

— совет кишиларининг маънавиятини пасткашлик, зўравонлик ва шафқатсизлик тарғиботидан ҳимоя қилиш учун маънавиятни ҳимоя қилишга оид СССР Қонуни қабул этилиши ташаббуси билан чиқишни, бу Қонунда, жумладан, СССРнинг халқаро мажбуриятларини ҳам эътиборга олиб, мамлакатга чет эл видео ва кино маҳсулотлари олиб келишни самарали равишда тартибга солишни;

— ишларнинг аҳволини таҳлил этиш ҳамда партия ташкилотларининг маънавий соҳадаги фаолияти мазмуни ва усуллари тўғрисидаги тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида КПСС Марказий Комитетининг Маданият, таълим ва фан комиссиясини тузишни топширади.

КПССнинг ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Партия матбуоти янгиланиш, демократиялаш жараёнларини авж олдиришда, турмушимизнинг нормаси сифатида ошкораликни қарор топтиришда катта роль ўйнади. Журналистлар муҳим партия ва давлат қарорларининг, бир қатор қонунлар қабул қилинишининг, ҳаётий зарур ҳукумат дастурларини ишлаб чиқишнинг ташаббускори бўлишди.

Аммо партия матбуотини қайта қуриш суръатлари ва чуқурлиги жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга ҳар жиҳатдан ҳам мос келмаётир, воқеалардан орқада қолаётир, антисоциалистик ва қайта қуришга қарши кучлар жонланаётган бир пайтда жанговарликдан, баъзан эса принципиалликдан маҳрум бўлиб қолаётир.

Марказдаги ва жойлардаги айрим партия нашрлари янги муаммолар ва мушкулликлар тазйиқи остида эсанкираб қолмоқдалар. Партия газеталари ва журналларининг саҳифалари баъзан КПССга ёт қарашларни тарғиб қилиш учун, Советлар мамлакатининг тарихий ўтмишини, партия билан халқнинг Ватанимиз мустақиллиги ва озодлиги учун қаҳрамонона курашини бузиб кўрсатувчи материаллар учун бериб қўйилаётир. Халқнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларига, унинг ватанпарварлик ва байналмилал анъаналарига, Совет Армияси ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига нисбатан ҳурматга дахл қилаётган кишиларга муносиб зарба берилмаётир.

Буларнинг ҳаммаси КПССнинг ўз сиёсатини тушунтириш ва амалга ошириш имкониятини камайтираётир. Янгиланишнинг, партия билан жамият жипслашувининг коллектив ташкилотчиси сифатида партия матбуотининг роли заифлашаётир. Бу ҳодисалар КПСС

Марказий Комитети, иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари, партия марказий органлари томонидан муносиб баҳолангани йўқ.

1. Съезд вужудга келаётган кўп партиялилик шароитида Коммунистик партияга:

— социализм идеаллари ва қадриятларини, қайта қуриш мақсадлари ва вазифаларини, Советларнинг тўла ҳокимиятини, социалистик йўл асосида жамиятни демократиялашни, ҳуқуқий давлат қарор топишини ҳимоя қила оладиган;

— қайта қуриш жараёнларини, ижтимоий тараққиётнинг янгича ғояларини холисона акс эттира оладиган, текинхўрлик ва гуруҳлар худбинлигининг ҳар қандай кўринишларига қарама-қарши тура оладиган;

— партия турмушини қайта қуришга, изчил демократиялашга қодир бўлган, ўз саҳифаларида КПССдаги турли оқимларни, шу жумладан озчилик позициясини, ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги хилма-хил ёндашувларни акс эттира оладиган, шу билан бирга мазкур оқимлар ва ёндашувлар моҳиятини жиддий таҳлил қила оладиган;

— жамиятдаги, давлатдаги ва айниқса партиядаги салбий ҳодисаларга қарши принципиал ва жиддий чиқа оладиган, коммунистларнинг ахлоқий поклиги учун кураша оладиган;

— партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлигини ҳимоя қилиб, уни парчалаб юбориш йўлидаги уринишларга қарши қатъий чиқа оладиган матбуот керак, деб ҳисоблайди. Ўзини партия аъзоси деб ҳисоблайдиган айрим журналистларнинг партия нашрларини КПССга ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам қарши турадиган кучларнинг қуролига айлантириш йўлидаги уринишларига йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблансин.

2. Съезд СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ўз ишини шартнома муносабатлари асосида ижтимоий ҳаракатлар ва ташкилотлар билан бирга қурсин, деган истакни билдиради. Съезд КПСС муаммоларига ҳамда партиянинг марказдаги ва жойлардаги сиёсатига оид мунтазам телевизион программа тузилишининг тарафдоридир.

Съезд зарур бўлганида оммавий ахборот воситаларини — КПСС район, шаҳар, вилоят, ўлка комитетлари органлари тузилишини қўллаб-қувватлайди.

3. Съезд редакцион-нашриёт ишида корхоналар тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган хўжаликни юритишнинг янги шаклларидан тўлароқ фойдаланишни, партия нашрларининг реклама-тижорат фаолиятини анча кенгайтиришни, шартнома системасининг дадилроқ жорий этилишини тавсия қилади. Партия бундан буён ўз полиграфия базасида чиқарилаётган барча партиясиз нашрлар билан ўз иқтисодий алоқаларини қонунда белгиланган нормалар асосида қуриш ниятидадир.

КПСС алоҳида ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимояни даъво қилмаган ҳолда, айни вақтда партияни ўз нашриёт базасидан маҳрум этиш талабини рад қилади.

4. Съезд партия комитетлари билан оммавий ахборот воситаларининг кундалик алоқаларини анча кенгайтириш ва бу алоқаларга мунтазам тус бериш вазифасини қўяди. Партия комитетлари билан уларнинг матбуот органлари ўртасидаги муносабатларда гапни қатъий қилиб қўйишга, аппарат ўзбошимчалигига йўл қўйиб бўлмайди. Бу муносабатлар сиёсий ҳамжиҳатлик, ижодий ҳамкорлик асосида қурилиши керак. Партия комитетлари ва аввало КПСС Марказий Комитети юқори малакали партия журналистларини тайёрлаш ҳақида, уларнинг иш ҳақи, меҳнат ва турмуш шароити ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари лозим.

Таҳрир ҳайъатларининг фақат касбдошлари билан биқиниб олишларини бартараф этиш, партия матбуоти ишига жамоатчилик фикри таъсирини кучайтириш мақсадида зарур ҳолларда партия комитетлари томонидан тузиладиган таҳрир кенгашларига редакция ходимлари билан бир қаторда обрўли меҳнаткашларни, хўжалик ходимларини, фан ва маданият арбобларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Ана шу таркибда улар ўз нашрлари йўлини кўпроқ билимдонлик билан ва тўғри белгилай оладилар.

Ҳозирги шароитда партия матбуоти қолоқликдан, буйруқ ва насиҳатгўйлик оҳангидан тамомила холи бўлиши керак. Партиянинг овози ҳокимона оҳанг кучи туфайли эмас, балки далилларнинг ишончли эканлиги, одамларнинг ташвишлари ва интилишлариги монандлиги туфайлигина одамлар ақли ва қалбига етиб бориши керак.

КПССнинг, унинг органларининг журналистлар билан янгича муносабатлари — матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонунни ҳурмат қилиш асосига қуриладиган муносабатлардир. Ижтимоий, касаба уюшмаси ёки ёшларнинг нашрларига кўрсатма кучи билан эмас, балки обрў кучи билан таъсир кўрсатилиши мумкин.

КПССнинг ЁШЛАРГА ДОИР СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

Социалистик жамиятнинг, Коммунистик партиянинг тақдири кўп жиҳатдан ёшларга боғлиқ. Ёшларнинг фаол позицияси, ижтимоий кайфияти кўп жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий вазиятни белгилайди.

Съезд ёш авлодга нисбатан самарали, яхлит сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни жадаллаштириш зарур деб ҳисоблайди. Бу сиёсат шахснинг ҳар томонлама камол топиши, ёшлар ҳаётий мақсадларининг рўёбга чиқарилиши, уларнинг фаол сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолиятга жалб қилиниши учун реал шароит ва омиллар яратилишини таъминлаши керак.

1. КПСС ёшларга доир сиёсатининг энг муҳим йўналишлари. Съезд партиянинг ёшлар сиёсати давлат органлари томонидан ана шу сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида, шунингдек уларнинг ёшлар билан олиб борадиган бевосита ишида партия ташкилотлари билан коммунистларнинг иштироки йўли билан рўёбга чиқарилиши керак деб ҳисоблайди. Бу сиёсат ёш авлодга нисбатан тўла ишончга, ёшлар ва уларнинг ташкилотларининг мустақил сиёсий фаолиятга бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилишга, уларнинг ишларига аралашишдан воз кечишга асосланиб қурилади.

КПСС ёшлар билан кенг кўламда мулоқот қилиш, социалистик йўлни танлаган барча ёшлар ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилиш тарафдори бўлиб, ижтимоий кучларни жипслаштиришни мўлжаллаётган ёшлар бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш ниятидадир. Съезд ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат органлари билан жамоат ташкилотлари куч-ғайратини бирлаштириш тарафдори эканлигини баён қилади.

КПСС ёшлар орасида олиб борадиган ўзининг фаол иши билан ёшлар партия Ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлашига эришади, партия сафларига янги кучлар келиб қўшилиши учун шароит яратади, уларга сиёсий ва жамоатчилик фаолиятида реал ёрдам кўрсатади ва бу билан ижтимоий ва давлат турмушининг барча соҳалари ёшаруви учун шарт-шароит яратади.

КПСС таълим ва маданият соҳаларини устун даражада ривожлантириш, ёшлар орасида социалистик ғояларни, умумбашарий қадриятларни қарор топтириш, йигит ва қизларда уларнинг Совет Иттифоқи халқлари миллий ва маданий анъаналарини чуқур ўзлаштиришига асосланган ватанпарварлик, фуқаролик фазилатларини, Ватан ҳимоясига тайёр туриш фазилатини қарор топтириш учун курашаверади. Оиланинг ахлоқий негизларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг ёш авлод тарбиясига ҳиссасини ошириш ижтимоий тарбиянинг пойдевори бўлиб қолиши керак.

Съезд партиянинг ёшларга доир сиёсати масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитетининг, маҳаллий партия комитетларининг комиссияларини тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

2. КПССнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш воситаси. Съезд қишлоқ ва посёлка Советидан то СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советигача бўлган барча даражаларда давлат томонидан регионал ва миллий хусусиятларни ҳисобга олувчи ёшларга доир сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали ижтимоий, иқтисодий,ҳуқуқий воситаларини шакллантириш тарафдори бўлиб, ёшларнинг муаммолари билан шуғулланувчи қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти органларида тузилмалар яратиш керак, деган фикрни айтади. Ёшларга доир сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёшларнинг ўзлари фаол қатнашишлари муҳимдир, лекин бунда ёш авлодга нисбатан давлат вазифалари ВЛКСМ, бошқа ёшлар ташкилотлари зиммасига юклатилмаслиги керак.

Съезд давлатнинг ёшларга доир сиёсатининг умумий асослари ҳақида СССР Қонуни ва иттифоқдош республикалар қонунлари тезда қабул қилиниши, ёшларга тааллуқли нормативлар ва ижтимоий кўрсаткичлар ишлаб чиқилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг Иттифоқ, республика ва регионал режаларига ёшларга оид махсус бўлимлар киритилиши керак, деб ҳисоблайди.

3. Ёшлар ижтимоий муаммоларини ҳал этиш. Съезд ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти, болаларнинг ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни меҳнатга тайёрлаш; ёш ногиронларни жамоат ишлари учун яроқли қилиш: болалар ва ёшлар учун моллар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш; ёшларнинг талабларини ҳисобга олиб уй-жой қуриш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва камол топтириш; халқаро ёшлар алоқаларини ривожлантириш; ёшларнинг тадбиркорлигини авж олдириш юзасидан умумдавлат, республика ва регионал дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини тезлаштириш

ҳақидаги талабларни қўллаб-қувватлайди. Бу дастурларни амалга ошириш учун Иттифоқ ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан махсус пул ажратиш зарур. Ёш фуқаролар ва ёш оилалар ўз уй-жой муаммоларини ҳал этиш, замонавий касблар бўйича тайёрланиш, таълим олиш, шу жумладан чет элларда таълим олиш учун ёрдам пулларидан, имтиёзли қарзлардан фойдаланишлари лозим. Делегатлар ёшларга ижтимоий ёрдам системасини вужудга келтириш соҳасидаги комсомол ташаббусини маъқуллайдилар ва бу система кенг кўламдаги жамоат-давлат ижтимоий хизматининг таркибий қисмига айланиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ёшларнинг ҳуқуқий масъулияти амалга оширилишига инсонпарварона тус бериш, ёшлар орасида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик кўринишларига қарши фаол курашиш зарур.

Жамият ёшларга уларнинг ҳаёт йўли бошланган пайтда, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ёрдам бериши, бунинг учун тегишли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаши лозим.

Съезд делегатлари СССР Президенти ёшлар фондини вужудга келтирилишининг, Президентнинг ёшларга доир дастурининг энг муҳим йўналишлари амалга оширилишининг тарафдори бўлиб, КПСС Марказий Комитетига бу фондда иштирок этиш масаласини кўриб чиқишни топширадилар.

4. КПСС билан ВЛКСМнинг ўзаро муносабатлари. КПСС ВЛКСМни ўз сиёсий иттифоқчиси деб, жамиятни ўзгартириш соҳасидаги ўз дастурларини амалга оширишда ёрдам бера оладиган ва ғоявий жиҳатдан партияга яқин бўлган ташкилот деб билади.

Съезд комсомол XXI съездида тасдиқланган ВЛКСМнинг инсонпарвар демократик социализмни вужудга келтиришда фаол иштирок этиш, ёшлар ҳаракатини қайта қуриш ғоялари асосида жипслаштириш, социалистик йўлни танлаган ташкилотлар билан иттифоқда ҳаракат қилиш, барча демократик ҳаракатлар ва ташкилотлар билан мулоқотни ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги интилишини қўллаб-қувватлайди.

КПСС комсомолга сиёсий жараённинг тўла ҳуқуқли ва обрўли қатнашчисига айланишида ёрдам беради, жамият ишларини бошқаришда унинг ҳуқуқлари ва имкониятлари кенгайтирилишига эришади, ВЛКСМ билан ўз муносабатларини ўртоқларча ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида совет ёшларининг мустақил ижтимоий-сиёсий ташкилоти сифатида қуради. Партия ўз сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комсомолнинг бевосита иштирок этишидан манфаатдордир.

КПСС съезди комсомолнинг уюшмани ташкилий-сиёсий янгилашга қаратилган амалий тадбирларини қўллаб-қувватлайди, унинг ўз камолоти учун, ёшларнинг хусусиятлари ва кайфиятларига монанд иш шакллари ва усулларини такомиллаштириш учун шароит яратилишини қўллаб-қувватлайди. Ёш коммунистлар фаол ишлайдиган, ёшларнинг манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган мустақил, демократик ва очиқ ташкилотдангина КПСС ўз янгиланиши учун куч ола билади.

Партия ВЛКСМга ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлашда, ёшлар уюшмасининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, газета ва журналлар нашр этишда, йигит ва қизлар билан иш олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан ва ўзининг бошқа имкониятларидан фойдаланишда зарур ёрдам кўрсатади. Ёшларнинг турли қатламларига мўлжалланган партия газеталари ва журналлари нашр этишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

КПСС болалар ҳаракатини демократиялаш тарафдори бўлиб, шахсни камол топтиришда ҳақиқатан ёрдам кўрсатувчи, уларни ижтимоий ва бадиий ижодиётдан баҳраманд қилувчи, социалистик Ватан фуқаросини тарбияловчи ташкилотга айланиши керак бўлган В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотини янгилаш зарурлигини қўллаб-қувватлайди. Партия давлат ҳокимияти органларида болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, улар билан ишлаш учун моддий базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатади.

Съезд ёшлар билан ишлаш муаммоларини КПСС Марказий Комитети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг, маҳаллий партия ва комсомол комитетларининг қўшма Пленумларида муҳокама қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

* * *

КПСС Ватан тарихининг мураккаб бурилиш даврида партиямиз ва халқимизнинг бутун ижодий, жўшқин, илғор фазилатлари совет ёшларининг, Ленин комсомолининг фаол мададидан баҳраманд бўлади деб астойдил умид қилади.

ЧЕРНОБИЛЬ АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИДАГИ ФАЛОКАТГА СИЁСИЙ БАҲО БЕРИШ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ҚАНДАЙ БОРАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Биз, КПСС XXVIII съездининг делегатлари, Белоруссия, Украина, Россия Федерациясидаги Чернобиль фалокати натижасида жабр кўрган миллионларча кишилар дардини чуқур англаб ва дардига шерик бўлиб, уни умумхалқ кулфати, деб ҳисоблаймиз.

Маъмурий-буйруқбозлик системаси шароитида мамлакатнинг собиқ раҳбарияти атом энергетикаси ва фавқулодда шароитларда аҳолини ҳимоя қилиш соҳасидаги фан-техника сиёсатини ишлаб чиқишда катта хатоларга йўл қўйган эди. СССР Энергетика министрлиги, Ўрта машинасозлик министрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги, Гидрометеорология давлат комитети. Атом энергиясидан фойдаланишни назорат қилиш давлат комитети, Фанлар академияси, Гражданлар мудофааси бошқармаси аҳолининг турмуши ва соғлиғини хавфсиз сақлашга қодир эмасликларини, биринчи навбатдаги зарур чораларни кўришга тайёр эмасликларини намоён қилдилар. Ушбу масала юзасидан мавжуд материаллар кўриб чиқиш учун СССР Прокуратурасига юборилсин. Тегишли коммунистларни партиявий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш КПСС Марказий назорат комиссиясига топширилсин.

Атом электр станциясини ишлаб чиқиш, қуриш ва фойдаланишга дахлдор бир қатор етакчи олимлар, министрлик ва идоралар раҳбарларининг ўзига ортиқча баҳо бериши ва масъулиятсизлиги, уларнинг атом электр станциялари тамомила хавфсиз деб айтган гаплари фавқулодда вазиятдаги ишларнинг давлат системаси амалда ишлаб чиқилмаганлигига олиб келди.

КПСС съезди қайд этадики, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Министрлар Совети, Украина ва Белоруссия Компартияларининг Марказий Комитетлари, УССР ва БССР Министрлар Советлари фалокат кўламларига ва унинг оқибатларига ўз вақтида баҳо бермадилар ҳамда радиоактив жиҳатдан зарарланган территорияларда аҳолининг хатарсиз яшашига қаратилган давлат концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан қатъий ҳаракат қилмадилар.

Буларнинг ҳаммаси одамларнинг партия ва давлатга, КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматга бўлган ишончига путур етказаётир, уларнинг обрўсини тушираётир.

Зарар кўрган районларда ижтимоий кескинлик кучаймоқда, Чернобиль фожиаси теварагида узоқ давом этган ва асоссиз махфийлик, айтилган баҳоларнинг, айниқса медицина жиҳатидан айтилган баҳоларнинг зиддиятли эканлиги, ҳақиқий аҳвол ҳақида холисона, аҳолига тушунарли ахборотнинг етарли эмаслиги бу кескинликнинг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Съезд Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатиш юзасидан кўрилган чораларни қониқарсиз ва етарли эмас, деб ҳисоблайди.

Съезд:

— Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатиш юзасидан СССР Олий Совети тасдиқлаган давлат Иттифоқ-республика программасини амалга ошириш соҳасидаги ишларда коммунист раҳбарлар алоҳида масъулият ҳис қилишлари керак;

— радиоактив жиҳатдан зарарланган регионларда яшовчи аҳоли соғлиғини сақлаш юзасидан тўла-тўкис тадбирлар дарҳол амалга оширилиши, хавфли зоналардан одамлар кўчирилиши, болалар ҳақида, барча фуқаролар ҳақида, шу жумладан Чернобиль фалокати оқибатларини тугатиш жараёнида зарар кўрган ҳарбий хизматчилар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши керак, деб ҳисоблайди.

Съезд барча даражалардаги Советларнинг халқ депутатларини, меҳнат коллективларини, ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатларни зарар кўрган районларнинг аҳолиси ҳақида, улар учун муносиб уй-жой ва турмуш шароитлари яратиш ҳақида, медицина, савдо, коммунал хизмат масалаларини хал этиш ҳақида имкони борича кўпроқ ғамхўрлик қилиш ва эътиборли бўлишга даъват этади.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг янги таркибига радиоактив жиҳатдан зарарланган территорияларда яшовчи болалар учун соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга партия бюджетидан 500 миллион сўм ажратишни топширади.

Биз мамлакатимиз жамоатчилигига, жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Чернобиль фожиаси билан боғлиқ кўпдан-кўп муаммоларни ҳал этишда бевосита иштирок этишни, унинг оқибатларини енгиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатишни илтимос қиламиз.

ДЕМОКРАТИК МИЛЛИЙ СИЁСАТ — ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ИХТИЁРИЙ ИТТИФОҚ, ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИК ЙЎЛИ

КПСС XXVIII съезди халқларимиз иттифоқи жиддий тангликни бошидан кечираётганлигини таъкидлайди. СССРда миллий зиддиятларнинг ўткирлиги ва ҳал этилмаганлиги бошланган демократик жараёнларга чинакам хавф туғдиради, кескинликнинг янада кучайиши жамиятнинг пароканда бўлиши ҳамда жаҳондаги вазиятни беқарор қилиш эҳтимоли билан таҳдид этади.

Юз берган аҳволнинг чуқур тарихий илдизлари бор. Миллий муносабатларнинг ленинча модели давлатларнинг халқлар ўз тақдирини эркин белгилашига асосланган кўнгилли иттифоқни тузишни кўзда тутган эди. Бу йўлда, шубҳасиз, ютуқларга эришилди. Бироқ СССРнинг реал тузилиши Сталиннинг унитар давлатни тузиш тасаввурига мувофиқ амалга оширилди. Зўрлик билан давлат тузумидан маҳрум этиш, жумладан бутун-бутун халқларни бошқа жойга кўчириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий манфаатларини менсимаслик ҳоллари юз берди. Бунинг оқибатида кўпгина халқлар яшайдиган табиий ва ижтимоий муҳит бузилди, уларнинг бетакрор маданиятларига путур етди, ўзаро озор ва эътирозларга олиб келди. Шунга қарамай, партия ҳужжатларида ва ташвиқотда СССРда миллий масаланинг ҳал қилинганлиги ҳақидаги шиор эълон қилинди.

Қайта қуриш туфайли вужудга келган ижтимоий янгиланиш жараёнлари кўп ҳолларда миллий тикланиш ва миллий ҳаракатлар табиий шаклини олди. Ана шу ҳаракатлардаги демократик кучлар барча миллатларга мансуб фуқароларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи бошқаришга, ижтимоий турмуш шароитини яхшилашга, миллий маданиятларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган қонуний муддаоларини акс эттиради. Бу ҳаракатлар бюрократик централизмга, унинг ижтимоий турмуш миллий шаклларининг ўзи қадриятли эканлигини ҳисобга олишга қодир эмаслигига жавобдир.

Бироқ тарихий адолатсизликлар тўғрисидаги хотира, демократик ўзгаришлар суръатларидан қаноатланмаслик, турмуш даражасининг пасайиб кетиши, ҳокимият тузилмаларининг тангликка учраганлиги, миллий туйғулардан тор гуруҳларнинг манфаатлари ва ғаразли манфаатлар йўлида жинояткорона фойдаланиш миллатлараро зиддиятларнинг ва марказдан узоқлашувчи тамойилларнинг кучайиши учун замин яратди.

Этник можаролар ҳозирнинг ўзидаёқ жуда кўп одамларнинг қурбон бўлишига, юз минглаб қочоқлар пайдо бўлишига олиб келди, жуда катта маънавий, сиёсий ва моддий зарар етказди, демократиялаш ва миллий тикланиш жараёнларига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Агар иқтисодий вазиятда яхшиланиш содир бўлмаса, районлар, вилоятлар, жумҳуриятлар ва регионлар реал ўзини ўзи бошқариши амалга оширилмаса, миллий ҳаракатларда тоқатсизликка қаратилган йўл-йўриқлар сақланиб қоладиган бўлса, агар миллий-шовинистик экстремизм тўхтатиб қолинмаса, мамлакатимиздаги ўн миллонлаб фуқарони ва бутун жамиятни янада жиддий ларзалар ва фожиали даврлар кутмоқда.

Съезд таъкидлайдики, КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюро, айниқса сўнгги вақтда ишларнинг аҳволи ва айрим ўткир муаммолардан ташвишланиб, уларни ҳал қилиш йўлларини излади. Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети ва партиянинг олий раҳбарияти миллий сиёсат соҳасидаги бузилишлар ва зиддиятларнинг нақадар теранлигига ўз вақтида баҳо бера олмади, уларнинг қайта қуришнинг боришига таъсирини олдиндан кўра билмади, ақидапарастликни бартараф этолмади, воқеаларнинг олдини оладиган мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқа олмади. Кўпгина партия комитетлари ҳам инқилобий ўзгаришларга бошчилик қилишга, муаммоларни ҳал қилиш ва можароларни бартараф этишнинг миллий регионлар учун хос бўлган махсус йўллари ва усулларини топишга тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолди. Кўпгина коммунистлар байналмилалчилик синовига бардош бера олмадилар, миллатчи кучларнинг тазйиқига берилдилар, миллий нифоққа гиж-гижловчи кишиларнинг даъватларига учиш хавфли эканлигига ишонтира оладиган далилларни келтира олмадилар. Бир қанча жумҳуриятларда сиёсий ташаббус миллий жамоат ҳаракатлари қўлига ўтди, уларда демократик асослар кўпинча шу ҳаракатлар раҳбарларининг шахсиятпарастликдан иборат сиёсий муддаоларига туташиб кетди.

КПСС XXVIII съезди юз берган воқеликни ва унинг эҳтимол тутилган оқибатларини аниқ белгилаб, мазкур соҳада сиёсий стратегияни таклиф этишни юз берган аҳволдан чиқишнинг йўли деб билади.

Ҳам ҳар бир халқнинг, ҳам шахснинг ўз йўлини эркин демократик танлаш асосида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини сўзсиз тан олиш ана шундай стратегиянинг негизи бўлиши лозим.

Халқ партиянинг янги миллий сиёсатини, бизнинг ҳаракат дастурларимизни ва дастурий баёнотларимизни қўллаб-қувватлаши учун ижтимоий-иқтисодий ҳамда миллий-мада-

ний муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ иш олиб боришимиз зарур. Турмуш даражасини оширишда натижаларни кам-кам бўлсада, муттасил оғишмай кўпайтириб бориш, миллий тилга, маданият, анъаналар ва урф-одатларга ҳурматни, фуқаролар ва халқлар ўртасидаги аҳилликни тиклаш зарур.

Бу иш ўтмишда ўз мақомидан ва тарихий Ватанидан маҳрум этилган кам сонли халқлар, майда миллатлар тақдири тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишдан бошланиши керак. Бу соҳада замонавий маърифатнинг ютуқларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиб, хўжалик юритишнинг анъанавий шаклларини сақлаб қолишга, территориялар ва улардаги ресурсларни, иқтисодий фаолият натижаларини тасарруф этишда алоҳида шароит яратишга кўмаклашадиган иқтисодий, ҳуқуқий ва экология тусидаги шошилинч чораларни кўриш зарур.

Съезд олий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган қатағон этилган ва тарихий Ватанидан кўчириб юборилган халқларнинг ҳуқуқларини тиклашга доир қарорлар реал бажарилиши учун курашади. Бу қарорлар мазкур территорияда яшовчи барча халқлар учун ўзаро мақбул бўлиб, иттифоқдош жумҳуриятлар ва маҳаллий органларнинг аниқ-равшан режалари билан мустаҳкамланган бўлиши лозим. Шу тариқа амалда чинакам байналмилалчилик ва инсонпарварлик кўрсатилади. Ана шу режалар қонун талабларига тўла мувофиқ равишда амалга оширилиши керак. Ҳозирги пайтда қочоқлар муаммоси ҳам кечиктириб бўлмайдиган аниқ чора-тадбирлар кўришни талаб қилади.

Бутун мамлакатда турли миллатларга мансуб ўнлаб миллион фуқаролар биргаликда яшайдилар. Айни шулар миллатлараро можароларнинг, мавжуд миллий-давлат тузилишини ўзгартириш юзасидан ўйламай-нетмай, шошмашошарлик билан қилинаётган ҳаракатларнинг қурбони бўлмоқда.

Марказий Комитет, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари сиёсий усуллардан ва қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқидан фойдаланиб, мустақиллик қоидаларининг амалга оширилиши, барча фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, жумҳуриятлар, ўлкалар, вилоятлар ва округлардаги ўзини ўзи бошқариш ва маданий мухторият программаларининг майда миллатлар ҳамда кам сонли халқлар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлайдиган шаклларини ўз ичига олиши учун ҳамма ишларни қилишлари зарур.

Сўнгги вақтда қабул қилинган умумиттифоқ ва жумҳурият қонун ҳужжатлари энг асосий муаммони — янги Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва тузиш муаммосини ҳал қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Съезд янги Иттифоқ шартномасига мустақил давлатлар иттифоқи ғоясини асос қилиб олиш керак, деб ҳисоблайди, мустақил давлатлар иттифоқи шартнома тузган барча шерикларнинг реал тенг ҳуқуқлилигига, шартномада қатнашувчилар мақоми аниқ белгилаб қўйилишига. Иттифоқ ва иттифоқдош жумҳуриятлар ваколатлари фарқлаб қўйилишига, уларнинг ўртасидаги алоқалар хилма-хиллигига, ихтиёрийлик ва ўзаро манфаатдорликка асосланиши керак. Барча миллий-давлат тузилмалари, жумладан мухториятлар ана шу жараённинг тенг ҳуқуқли қатнашчилари бўлишлари лозим.

СССРни ўзгартириб унитар давлатдан халқларнинг чинакам ҳамдўстлигига айлантириш пухта ўйланган қарорларни ва масъулиятли ҳаракатларни талаб қилади. Бу жараён тезда ўтиши мумкин эмас: чунки гап юз миллионлаб одамларнинг ва кўплаб халқларнинг тақдири ва тарихий йўли ҳақида бормоқда. Съезд ана шу даврда ҳам Иттифоқ ва жумҳурият ҳокимиятлари, ҳам барча ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва кучлар ақл-идрок ва сабр-бардош билан иш тутишлари, янги можароларга ва вазиятнинг беқарор бўлишига олиб бориши мумкин бўлган ҳаракатларни истисно этишлари керак, деб ҳисоблайди. Бундай вазиятда марказ билан бир қаторда жумҳуриятлар ҳам фуқаролар жамияти ва миллий турмуш асосларини ташкил этиш ва таъминлаш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишлари, яхши қўшничилик ва аҳилликнинг асрлар давомида орттирилган тажрибасидан фойдаланишлари лозим. Съезд миллий муаммоларни ҳал қилишда зўравонликнинг ҳар қандай шаклларини қоралайди ва сиёсий воситалар ҳамда конституцион нормаларни барча можароли вазиятларни ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли деб ҳисоблайди.

Миллий-экстремизм мафкурасига ва сиёсий амалиётига қарши курашиш коммунистларнинг бурчидир. Съезд ҳар қандай шовинизмни, русларга нафрат билан қарашни, антисемитизмни, миллий тоқатсизликни, камситиш практикасини ва ташвиқотини қатъиян қоралайди ҳамда давлат фуқароларнинг миллий қадр-қимматини ҳурмат ва ҳимоя қилишни талаб этади.

КПСС XXVIII съезди делегатлари қабул қилинаётган қарорлар учун ўзларининг тарихий масъулиятлари мезонини тушунадилар. Қийинчиликлар билан вужудга келаётган инсонпарвар ва адолатли жамият халқлар ўртасида тинчликни ва аҳилликни таъминлаши шарт. Акс ҳолда демократик социализм ва коммунистлар партиясининг истиқболи йўқ, ишонч учун ҳуқуқи йўқ. Фақат мамлакатимиз халқларининг куч-ғайратларини бирлаштириб, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини сифат жиҳатдан янгилаб, жаҳон жамиятида ўзимизга муносиб ўринни эгаллай оламиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVIII СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

ҚПСС XXVIII СЪЕЗДИНИНГ «ИНСОНПАРВАР, ДЕМОҚРАТИҚ СОЦИАЛИЗМ САРИ» ДАСТУРИЙ БАЁНОТИ ТЎҒРИСИДА

1. ҚПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти қабул қилинсин.
2. Барча коммунистларга, партия ташкилотларига ва партия органларига ҚПССнинг янги Программаси қабул этилгунга қадар ўзларининг амалий фаолиятида Дастурий баёнотга амал қилиш таклиф этилсин.
3. ҚПССнинг янги Программасини ишлаб чиқувчи комиссия тузилсин.

ҚПСС XXVIII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИГА ТОПШИРИҚ

ҚПСС XXVIII съезди мамлакат ва партия учун бурилиш даврида бўлиб ўтди. Сиёсий ҳисобот, ҚПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан резолюция, ҚПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти, ҚПСС Устави, съезд қабул қилган бошқа ҳужжатлар партияни жипслаштириш, уни янгиланаётган жамиятда сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш учун яхши асос яратади. Энг қийин ва масъулиятли босқич — қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бошланяпти.

ҚПСС XXVIII съезди ўз делегатларига партия ташкилотларида, меҳнат жамоаларида, оммавий ахборот воситаларида съезд қарорларини фаол тушунтириш ва тарғиб қилишни топширади.

Съезд ҳужжатларининг партия тақдири учун, мамлакатда сиёсий вазиятни барқарорлаштириш учун принципиал аҳамияти очиб берилсин.

Жойларда ташкилий-сиёсий ва мафкуравий ишларни қайта қуришда бевосита иштирок этиб, ўз сайлов округларингиздаги партия комитетлари ва бошланғич ташкилотларга ҚПСС XXVIII съезди қарорларини бажариш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ёрдам кўрсатинглар.

Давр талабига ва ўзгараётган сиёсий системада партиянинг янги мавқеига монанд келадиган ҚПСС бўлғуси Программаси мазмунига оид таклифларни партияда амалий муҳокама қилинишининг ташаббускори ва ташкилотчилари бўлинглар.

ҚПСС Марказий Комитети, ҚПСС Марказий назорат комиссияси, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, вилоят, округ, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига партия комитетларининг тегишли пленумлари ва комиссиялари ишида, ҚПСС XXVIII съезди қарорларини оғишмай ва изчиллик билан бажариш соҳасидаги амалий ишда съезд делегатлари иштирок этишини кўзда тутиш вазифаси юклатилсин.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ КПСС XXVIII СЪЕЗДИГА ЮБОРГАН ХАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Съезд Секретариатининг коммунистлардан ва партиясизлардан КПСС XXVIII съезди номига тушган хатлар тўғрисидаги ҳамда бу хатларни кўриб чиқишга оид ишларни уюштириш ҳақидаги ахбороти эътиборга олинсин.

2. Партия Марказий Комитети билан КПСС Марказий Назорат Комиссиясига КПСС XXVIII съезди номига тушган хатлар билан ишлашни тугаллаш, фуқароларнинг асосли таъналари ва шикоятларини келтириб чиқараётган камчилик ва сабабларни тугатиш хусусида шу хатларда баён этилган масалалар, таклифлар, мулоҳазалар ва илтимосларни эътибор бериб ўз вақтида қараб чиқиш чораларини кўриш топширилсин.

Меҳнаткашларнинг КПСС XXVIII съездига юборган хатларини кўриб чиқиш юзасидан ўтказилган ишнинг натижалари марказий партия матбуотида хабар қилинсин.

КПССНИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС янги Программасини тайёрлаш бўйича Комиссия ташкил этилсин (комиссия таркиби илова этилмоқда).

2. Комиссия, барча даражадаги партия комитетлари Программани тайёрлаш ва муҳокама этишга доир ишга КПСС XXVIII съезди делегатларини, ишчи ва деҳқонларни, партия илмий муассасалари, СССР Фанлар академияси ва олий ўқув юртларининг олимлари ва мутахассисларини кенг жалб этсинлар.

3. Комиссия КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёноти асосида бўлажак Программанинг лойиҳасини ишлаб чиқсин ва партияда муҳокама қилиниши учун уни 1991 йилнинг биринчи ярмида эълон қилсин.

4. Умумпартия муҳокамаси ниҳоясига етгач КПСС янги Программаси 1992 йилнинг биринчи ярмидан кечиктирилмай Бутуниттифоқ конференциясида ёки партия съездида қараб чиқилсин.

КПСС ПРОГРАММАСИ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА КОМИССИЯ

(КПСС XXVIII съездида тузилган)

134 киши

Горбачев М. С. — КПСС МК Бош котиби, комиссия раиси

Абалкин Л. И. — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Советининг иқтисодий ислоҳот бўйича Давлат комиссияси раиси

Абутолипов Ч. — «Ўзбекистон коммунисти» журналининг бош муҳаррири

Одилов В. Т. — Тошкентдаги В. П. Чкалов номли ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари, Ўзбекистон ССР

Азизов Т. М. — «Норд» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Озарбайжон ССР

Азимов О. — Душанба таксомотор корхонасининг ҳайдовчиси, Тожикистон ССР

Айтматов Ч. — СССР Олий Совети Миллатлар Совети комиссиясининг раиси, «Иностранная литература» журналининг бош муҳаррири

Александров С. В. — Ростовдаги «Алмаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси радиоэлектрон аппарати ва асбоблар регулировкачиси, Ростов области

Алексеев А. Н. — Якутск шаҳар партия комитетининг биринчи котиби

Алексеев С. С. — СССР Конституцион назорат комитетининг раиси

Аннус Л. Э. — Эстония Компартияси Қалинин район комитетининг биринчи котиби, Таллинн шаҳри

Бабичев В. С. — КПСС МҚ Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг биринчи ўринбосари

Бакланов О. Д. — КПСС МҚ котиби

Бейшекеева З. — Иссиқкўл области Жети ўгиз давлат ихтисослаштирилган хўжалигининг катта чўпони, Қирғизистон ССР

Бельская И. В. — «Туркменспецстроймеханизация» трестининг минорали кран машинисти, Ашхобод шаҳри

Биккенин Н. Б. — «Коммунист» журналининг бош муҳаррири

Болдирев И. С. — Ставрополь ўлка партия комитетининг биринчи котиби

Браков Е. А. — И. А. Лихачев номли Москва автомобиль заводининг («ЗИЛ» ишлаб чиқариш бирлашмаси) бош директори

Бузгалин А. В. — М. В. Ломоносов номли МДУ иқтисод факультетининг доценти

Бурокявичюс М. М. — Литва Компартияси МҚ биринчи котиби

Василой П. Г. — «Молдавгидромаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, Молдова ССР

Вечера С. А. — Украина Компартияси Минск район партия комитетининг биринчи котиби, Киев шаҳри

Воронцов А. В. — Канаш вагон ремонти заводининг электр пайвандловчиси, Чуваш АССР

Гажиев Н. Г. — Ахти район партия комитетининг биринчи котиби, Доғистон АССР

Гайворонский В. А. — «Азовмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандловчиси, Донецк области

Гидаспов Б. В. — Ленинград область партия комитетининг биринчи котиби

Гиренко А. Н. — КПСС МҚ котиби

Губенко Н. Н. — СССР Маданият министри

Гумбаридзе Г. Г. — Грузия Компартияси МҚ биринчи котиби.

Гуренко С. И. — Украина Компартияси МҚ биринчи котиби

Гусев Г. Г. — Куйбишев райижрокоми тармоқлараро ишлаб чиқариш-техника бошқармасининг катта инженери, Москва шаҳри.

Гуськов Ю. А. — Халқ депутатлари Архангельск область Советининг раиси

Дашкевич И. И. — Минск область Несвинск районидаги «Свекловичний» совхози тракторчиси, Белоруссия ССР

Дегтярев А. Я. — КПСС МҚ Идеология бўлими мудирининг биринчи ўринбосари

Дзасохов А. С. — СССР Олий Советининг Халқаро ишлар бўйича комитети раиси

Дошков Н. А. — Минскдаги С. М. Киров номли чўзиш ва қирқиш станоклари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири, Белоруссия ССР

Дьяков А. П. — Воронеж давлат университети партия комитетининг котиби

Дьяков И. Н. — Астрахань область партия комитетининг биринчи котиби

Ефимов Н. И. — «Известия» газетасининг бош муҳаррири

Журавлев В. В. — КПСС МҚ ҳузуридаги МЛИ директорининг ўринбосари

Забродин Ю. М. — В. И. Ленин номли педагогика институтининг проректори, Москва шаҳри

Зерцалов Г. И. — Халқ депутатлари Қозон шаҳри Советининг раиси

Зорин В. Ю. — Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг иккинчи котиби

Зюкин В. М. — ВЛКСМ МҚ биринчи котиби

Ивашко В. А. — КПСС МҚ Бош котибининг ўринбосари

Кадочников В. Д. — Свердловск область партия комитетининг биринчи котиби

Калашников В. В. — В. И. Ульянов (Ленин) номли Ленинград электротехника институти кафедраси мудири

Қалмиков Ю. Х. — СССР Олий Советининг Қонунлар тузиш, конунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалаларига доир Комитети раиси

Караковский В. А. — Ўрта мактаб директори, Москва шаҳри

Каримов И. А. — Ўзбекистон Компартияси МҚ биринчи котиби

Качанов М. Н. — Литва Компартияси (КПСС) Каунас шаҳар комитетининг эксперт-консультанти

Керейқулов Ж. — Жамбул суперфосфат заводининг қуювчиси, Қозоғистон ССР

Кибирев Б. Г. — Краснодар ўлка партия комитетининг иккинчи котиби

Ковалев А. В. — «Иркутсктяжмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби, Иркутск области

Козлов Г. Я. — Қозоғистон Компартияси МҚ ҳузуридаги Партия институти директорининг ўринбосари

Константинов В. Н. — П. И. Лебедев-Полянский номли Владимир давлат педагогика институтининг доценти

Кравченко Л. П. — ТАСС бош директори

Красин Ю. А. — КПСС МҚ ҳузуридаги Ижтимоий фанлар институтининг директори

Крилова З. П. — «Работница» журналининг бош муҳаррири

Крючков В. А. — СССР Давлат хавфсизлик комитетининг раиси

Крючков А. В. — СССР ИИМ илмий-тадқиқот институтининг етакчи илмий ходими, Москва шаҳри

Кугультинов Д. Н. — шоир, СССР Олий Советининг аъзоси

Кудрявцев В. Н. — СССР Фанлар академиясининг вице-президенти

Купцов В. А. — ҚПСС МҚнинг Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ишлаш бўлими мудири

Лаверов Н. П. — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, фан ва техника бўйича СССР давлат комитетининг раиси

Лаврентьев С. Н. — Бошқирдистон давлат университети партия комитетининг котиби

Лакомкин Н. М. — Куйбишев архитектура-бинокорлик институти кафедраси мудири

Лаптев И. Д. — СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси

Латиш Е. В. — Славянск кемалар ремонти заводининг токари, Приморье ўлкаси

Лацис О. Р. — КПСС МҚ «Қоммунист» журнали бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари

Лукьянов А. И. — СССР Олий Советининг Раиси

Лучинский П. Қ. — Молдова Қомпартияси МҚ биринчи котиби

Лякишев В. А. — Автомобиль саноати технологияси ИТИ партия комитетининг котиби, Москва шаҳри

Мальцев А. Н. — Горький қишлоқ хўжалик институти доценти вазифасини бажарувчи

Манаенков Ю. А. — ҚПСС МҚ котиби

Мартиросян Р. М. — Арманистон ССР Фанлар академияси радиофизика ва электроника институтининг директори

Мартинов В. А. — СССР Фанлар академияси Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институтининг директори

Марчук Г. И. — СССР Фанлар академияси президенти

Масалиев А. М. — Қирғизистон Қомпартияси МҚ биринчи котиби

Маслюков Ю. Д. — СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитетининг раиси

Маҳкамов Қ. — Тожикистон Қомпартияси МҚ биринчи котиби

Медведев В. А. — СССР ФА мухбир аъзоси

Мельников И. И. — М. В. Ломоносов номли МДУ партия комитетининг котиби

Миллер В. О. — Латвия ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори

Мовсисян В. М. — Арманистон Қомпартияси МҚ биринчи котиби

Моисеев М. А. — СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи, СССР мудофаа министрининг ўринбосари

Муталибов А. Н. — Озарбайжон Қомпартияси МҚ биринчи котиби

Назарбоев Н. А. — Қозоғистон Қомпартияси МҚ биринчи котиби

Нанобашвили Ш. В. — Рустави металлургия заводининг пўлат эритувчиси, Грузия ССР.

Нишонов Р. Н. — СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси

Ниёзов С. А. — Туркманистон Қомпартияси МҚ биринчи котиби

Огарков Н. В. — Бутуниттифоқ уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси

Олейник Б. И. — СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари, Совет маданият фонди Украина республика бўлимининг раиси

Пахомов Ю. Н. — Украина ССР Фанлар академияси иқтисод бўлимининг академик-котиби

Печенкин В. Н. — «Гигант» колхози ижарачи звеносининг бошлиғи, Олтой ўлкаси

Полозков И. Қ. — РСФСР Қомпартияси МҚ биринчи котиби

Попов В. Д. — КПСС МҚ «Диалог» журналининг бош муҳаррири

Примаков Е. М. — СССР Президентлик кенгашининг аъзоси

Прокофьев Ю. А. — Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби

Пуго Б. К. — КПСС Марказий Назорат комиссиясининг раиси

Ремезов В. В. — Энергетика машинасозлиги конструкторлик бюроси партия комитетининг котиби, Москва шаҳри.

Рзаева Т. Н. — «Кировнефть» нефть-газ ундирувчи бошқармасининг оператори, Озарбайжон ССР

Рубикс А. П. — Латвия Қомпартияси МҚ биринчи котиби

Рижков Н. И. — СССР Министрлар Советининг Раиси

Рябов В. В. — КПСС МК Идеология бўлими мудирининг ўринбосари
Рябков В. М. — Магнитогорск шаҳар партия комитетининг биринчи котиби
Саламашкин В. А. — Қозон авиация институти партия комитетининг котиби
Семенова Г. В. — «Крестьянка» журналининг бош муҳаррири
Силаев И. С. — РСФСР Министрлар Советининг Раиси
Силлари Э.-А. А. — Эстония Компартияси МК биринчи котиби
Соколов Е. Е. — Белоруссия Компартияси МК биринчи котиби
Стародубцев В. А. — Ленин номли наслчилик заводи-колхозининг раиси, Тула области, СССР Деҳқонлар уюшмаси раиси
Степин В. С. — СССР Фанлар академияси Фалсафа институтининг директори
Строев Я. С. — КПСС МК котиби
Сурблис К. З. — Литва Компартияси МК ҳузуридаги социал-сиёсий тадкикотлар институтининг директори
Терешкова В. В. — Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилиш совет жамиятлари уюшмаси президиумининг раиси
Тишков В. А. — СССР Фанлар академияси Этнография институтининг директори
Толмачев Ю. И. — Эстония Компартияси Силламяэ шаҳар комитетининг биринчи котиби
Топорник Б. Н. — СССР Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг директори
Фалин В. М. — КПСС МК Халқаро бўлимининг мудири
Фролов И. Т. — «Правда» газетасининг бош муҳаррири
Черненко А. К. — Новосибирск Олий партия мактабининг ректори
Шаталин С. С. — СССР Фанлар академияси иктисод бўлимининг академик-котиби, СССР Президентлик кенгашининг аъзоси
Шеварднадзе Э. А. — СССР ташқи ишлар министри
Швецова Л. И. — СССР Олий Совети секретариати бўлимининг мудири
Шенин О. С. — Красноярск ўлка партия комитетининг биринчи котиби
Шляга Н. И. — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи
Шчербаков В. И. — СССР Меҳнат ва социал масалалар бўйича давлат комитетининг раиси
Ягодин Г. А. — СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси
Язов Д. Т. — СССР мудофаа министри
Яковлев А. Н. — СССР Президентлик кенгашининг аъзоси
Яковлев В. Ф. — СССР адлия министри
Янаев Г. И. — ВЦСПС раиси
Ярин В. А. — СССР Президентлик кенгашининг аъзоси

ИНСОНПАРВАР, ДЕМОКРАТИК СОЦИАЛИЗМ САРИ

(КПСС XXVIII съездининг дастурий баёноти)

КПСС XXVIII съезди жамиятдаги ва партиядаги инқирозни бартараф этиш, жамиятни ва партияни янгилаш, инсонпарвар, демократик социализм сари олға силжиш мақсадида ҳозирги пайтни холис баҳолашга, партиянинг ҳозирги босқичдаги сиёсати асосларини белгилашга жиддий аҳамият беради.

I. Жамият инқирози ва партиянинг стратегик мақсадлари

Ҳозирги пайтни баҳолаш

Қайта қуриш мамлакат турмушидаги демократик силжишларни бошлаб берди. Ижтимоий тараққиёт жараёнлари нақадар зиддиятли бўлмасин халқ маънавий ва сиёсий эркинликни қўлга киритмоқда, одамлар инсоний ва миллий қадр-қимматларини ҳис эта бошладилар, жамият ва давлат ишларини ўз қўлларига олмоқдалар. Онгни хиралаштириб, илгари бориш йўлини кўришга халақит бериб келган афсоналар бартараф этиляпти. Мамлакатни ташқи дунёдан ажратиб турган тўсиқлар олиб ташланмоқда. Жамиятни ўзи тушиб қолган инқироздан халос этиш учун эскилик билан янгиликнинг шиддатли кураши давомида қадам-бақадам шарт-шароит яратилмоқда.

Съезд инқирознинг чуқур манбалари социализм ғоясининг ўзи заифлигида эмас, балки ўтмишда бу ғоя бузилганлигидадир, деб ҳисоблайди. Ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳалари давлат ихтиёрига ўтказилганлиги, партия-давлатнинг юқори даражалари пролетариат номидан ўтказиб келган диктатура инсон мулкдан ва ҳокимиятдан бегоналашувининг янги шаклларини вужудга келтирди, ўзбошимчалик ва бедодликка олиб келди. Табиатдан ваҳшиёна фойдаланиб келинди. Ақидапарастлик ҳукмронлик қилиб, ўзгача фикрга тоқатсизликни вужудга келтирди. Халқларнинг маданий-тарихий қадриятларига ва ақлий бойлигига менсимай қараш одат тусига киритилди. Дунё ижтимоий системаларнинг муросасиз мухолифлиги майдони деб ҳисобланди.

Социализм қоидаларини сохталаштириш 30—50-йиллардаёқ мамлакат тараққиётида мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. XX асрнинг иккинчи ярмида эса, фан-техника революцияси туфайли бутун инсониятнинг турмушида жиддий бурилиш бошланган пайтда ҳукмронлик-бюрократик тартибининг мамлакатни жаҳон маърифати йўлидан бошлаб боришга қодир эмаслиги ошкор бўлди.

Шунга қарамай, туб ўзгартишлар бениҳоя зарур бўлиб қолганлиги узоқ вақтгача инкор этиб келинди. Халқдан ажралиб қолган партия-давлат ҳокимияти тизими етилган тарихий низони ҳал этишга атайин халақит бериб келди.

Қайта қуриш мамлакатни янгилаш ва уни социализмга ёт ижтимоий шакллардан халос этиш сиёсати сари туб бурилишни билдирар эди. Аммо унинг ўзи салкам 300 миллион аҳоли яшайдиган жуда катта давлат турмушининг ҳамма соҳаларини айни бир вақтда ўзгартириш бениҳоя мураккаблигини ҳам ошкор этди. Бунинг устига партия ва мамлакат раҳбариятининг кейинги йиллардаги баъзи қарорлари ҳамда ҳаракатлари пухта ўйланмаган, ноизчил, бир қанча ҳолларда эса хато бўлиб чиқди. Маблағ ажратиш ва экспорт-импорт сиёсатидаги, меҳнатсиз даромадларга қарши курашдаги, алкоголизмга қарши кампанияни ўтказишдаги янглишишлар, кооператив ҳаракатни уюштиришдаги нуқсонлар салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Эски хўжалик механизмига барҳам берилмоқда, янги механизм эса ҳали яратилган эмас. Пул муомаласи ва бозордаги вазият устидан назорат кўп даражада қўлдан бериб қўйилди. Етилган иқтисодий ва сиёсий ўзгартишларнинг ҳуқуқий асосини яратиш ҳаддан ташқари чўзилиб кетди. Миллатлараро жанжаллар мамлакатни ларзага келтирмоқда. Давлат ҳокимиятининг обрўси тушиб

кетди. Маънавий ва ахлоқий мақсадлар сийқалашиб бормоқда, зўравонлик, жиноятчилик авж олмоқда.

Марказий Қомитет, Сиёсий бюро қарорларни қабул этиш ва амалга оширишда, КПССнинг ўзини ислоҳ қилишда воқеаларнинг ривожидан кўпинча орқада қолди, тажриба ўтказишлар ва хатолар усулида иш кўрди.

Партия мураккаб, бурилиш палласини бошдан кечирмоқда. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик тартибининг ўзаги бўлишдан иборат аввалги мавқедан воз кечиш, ижтимоий-сиёсий ташкилот тусига ўтиш билан бирга зиддиятлар жуда кескинлашмоқда, кўпгина партия ташкилотларининг фаоллиги пасаймоқда, фикр ва нуқтаи назарлар бир-биридан тобора кўпроқ фарқ қилмоқда, партия шаънига танқид кучаймоқда.

Мамлакатда турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ва ҳаракатларнинг шаклланиш жараёни тезлашмоқда.

Консерватив ақидапарастлик оқими фаоллашди, унинг намояндалари янгиланиш сиёсатини социализм қоидаларига тажовуз деб билиб, яккаҳокимликка қайтишни тарғиб қилмоқдалар. Бюрократик тузилмаларнинг ўзини ўзи қайта қуришга қодир бўлмаган, жамиятни демократиялашни ўзининг сиёсий таъсирига ва ижтимоий мавқесига хавф деб билаётган ва шу сабабли ўзгартишлар жараёнини тўхтатиб қўйишга жон-жаҳди билан уринаётган қисми мазкур консерватив ақидапарастлик оқими намояндаларига объектив равишда қўшилиб кетмоқда.

Социалистик йўлни рад қилаётган, ижтимоий мулкни хусусий кишилар қўлига чекланмаган тарзда топширишни, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятни бутунлай тижорат негизига ўтказишни талаб қилаётган ҳаракат кучаймоқда. Подшопарастлик ва ҳатто фашизм туркидаги бузғунчилар бош кўтардилар.

Хилма-хил тусдаги социал-демократик оқимлар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий турмушидаги сезиларли ҳодиса бўлиб қолди.

Миллий ҳаракатлар кенг қулоч ёзди, бу ҳаракатларда демократик тамойиллар билан бир қаторда шовинистлик ва миллатчилик кайфиятлари тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Улар бир миллатни иккинчисига қарама-қарши қўйиб, айирмачилик, миллий мумтозлик шиорларини ўртага ташлаб, кўпинча эски ёки ҳокимият сари интилаётган янги ғайридемократик гуруҳларнинг манфаатларини ифодалайдиган бўлиб қолмоқдалар.

Социалистик йўлни кўзлайдиган демократик қайта қуриш кучлари мамлакатда вужудга келаётган сиёсий оқимнинг марказида турибди, КПСС аъзоларининг аксарияти, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, ёшлар, ҳарбий хизматчилар, ветеранларнинг сиёсий ва касб-кор манфаатларини ифодаловчи кўпгина ташкилотлар шу оқимга мансубдирлар.

Ижтимоий ва иқтисодий тартибсизлик хавфини туғдираётган сиёсий бекарорлик даврида Коммунистик партия фуқаролар иноқлиги партияси бўлиб қолишни, таназзулдан чиқиш ва жамиятни демократик тарзда қайта қуришдан манфаатдор бўлган турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг амалий ҳамкорлигини таъминлашни, ўзининг ҳалол меҳнати билан халқ фаровонлигини ва маънавий бойликларини яратаётган, яратиб келган ёки яратаверадиган ҳамма кучларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишни ўз вазифаси, деб билади. У жамиятни тескарига — буржуа тузумига ёки казармачилик тартибларига қайтармоқчи бўлган, тартибсизлик ва фуқаролар мухолифлигига, миллатлар ва халқларни пароканда қилишга судрамоқчи бўлган кучларга қарши ҳаракат қилади.

Съезд социалистик йўл доирасида ижтимоий системани янгилашга қаратилган изчил сиёсатни гуллаб-яшнайдиган ва эркин жамияга олиб борадиган ҳаракат замонавий стратегиясининг ва инқироздан чиқиш тактикасининг негизи, деб ҳисоблайди.

Биз қандай жамиятга интиляпмиз

Қайта қуриш сиёсатининг моҳияти ҳукмронлик-бюрократик тузумидан инсонпарвар, демократик социализм жамиятига ўтишдан иборат. Бу — муносиб турмушга, мамлакат моддий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришга олиб борадиган гарчи қийин бўлса ҳам, аммо бирдан-бир тўғри йўлдир.

КПСС социализмга ёт бўлган ҳамма нарса билан алоқани узиш билан бир-

га Октябрнинг олий мақсадларини инкор қилишни, совет халқининг инқилобий ғалабаларига менсимай қарашни рад этади. Мамлакатимизнинг ўтмишида, бир томондан, сталинизм ва турғунлик юзага келтирган ҳодисаларни, иккинчи томондан, СССР халқларининг ҳақиқий ютуқларини бир-биридан аниқ фарқлаш керак. Партия ишчилар, синфи, деҳқонлар, зиёлилар барча, авлодларининг бунёдкорлик меҳнати ва фидокорлигига, уларнинг Ватан манфаатлари йўлидаги жонбозлигига муносиб баҳо беради. Биз жуда аёвсиз синовлар йилларида халқ берган қурбонлар хотирасини муқаддас билиб ардоқлаймиз.

КПСС социализм назарияси ва амалиётига ижодий ёндашув тарафдоридир, уларни XX асрнинг тарихий тажрибасини, Маркс, Энгельс, Лениннинг ақидапарастларча талқинлардан холи меросини амалий идрок этиш йўлида ривожлантириш тарафдоридир. Биз инсоният ақл-заковатининг энг яхши ютуқларидан, самарали хўжалик юритишнинг дунёда орттирилган тажрибасидан, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, демократия тартиб-қоидаларини ривожлантириш тажрибасидан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

КПСС социалистик йўл ва коммунистик истиқбол партиясидир. Биз бу истиқболни маърифат тараққиётининг табиий тарихий йўналиши деб биламиз. Партиянинг ижтимоий мақсади башарий маданиятнинг инсонпарварлик негизларини, яхшироқ турмушга ва ижтимоий адолатга азалий интилишни ўз ичига олади.

Бизнинг тўшунчамиздаги инсонпарвар демократик социализм шундай бир жамиятдирки, унда:

— инсон ижтимоий тараққиётнинг мақсадидир; унинг учун замонавий маърифатга муносиб турмуш ва меҳнат шароитлари яратилади; инсоннинг сиёсий ҳокимиятдан, ўзи яратган моддий ва маънавий бойликлардан бегоналашувига барҳам берилади, унинг ижтимоий жараёнларга фаол қўшилиши таъминланади;

— мулкчилик ва хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари асосида меҳнаткашлар ишлаб чиқаришнинг хўжайинларига айланиши, серунум меҳнатга астойдил интилиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, табиатдан оқилона фойдаланилиши учун энг яхши шароит таъминланади; ижтимоий адолатга ва меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланишига кафолат берилади;

— халқнинг мустақил хоҳиш-иродаси ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаидир; жамият назорати остидаги давлат ижтимоий мавқеидан, жинси ва ёшидан, миллати ва динидан қатъи назар инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шон-шарафи ва қадр-қиммати ҳимоя қилинишига кафолат беради; қонун доирасида ишловчи барча ижтимоий-сиёсий кучларнинг эркин мусобақалашуви амалга оширилади.

Бу — шундай бир жамиятдирки, у халқлар ўртасида тинч ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш учун изчиллик билан курашади.

II. КПССнинг ҳаракат дастури

КПССнинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш инқирозга қарши шошилинч чора-тадбирларни ҳам, шунингдек жамиятни ҳар томонлама ўзгартиришга оид узоқ муддатли сиёсатни ҳам амалга оширишни тақозо этади. КПСС бу мақсадларга сиёсий усуллар билан, коммунистларнинг, шу жумладан Советларда, бошқа давлат органларида ва жамоат ташкилотларида ишлаб турган коммунистларнинг онгли, баҳамжиҳат иноқ ҳаракатлари билан, қонун қабул қилиш ташаббуси конституцион ҳуқуқидан фойдаланиб, омманинг ишончини қозониш йўли билан интилади.

Инқироздан чиқишнинг шошилинч чора-тадбирлари

Партия қуйидагиларни **ҳеч кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар,** деб ҳисоблайди:

Биринчиси. Шу йил мустақил давлатлар сифатида жумҳуриятларнинг итти-

фоқи тўғрисида қатъий ихтиёрийликка, ўзаро манфаатга, миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлигига асосланган янги шартнома тузиш, унда жумҳуриятларнинг ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳам, шунингдек умуман Иттифоқнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш.

Иккинчиси. Ижтимоий-иқтисодий соҳада 1,5—2 йил мобайнида:

— иқтисодиётни истеъмол сектори томонга тезроқ буриб юбориш, омилкорлик ташаббусини, чет эллардан мол харид қилишни ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан истеъмол, аввало озиқ-овқат бозорини тартибга солиш; эркин нарх белгиланишига ўтиш чоғида энг зарур бир қанча молларнинг қатъий нархларини сақлаб туриш;

— молия, кредит ислоҳотини ўтказиш, аҳоли орасида акциялар тарқатиш, моддий бойликларнинг ортиқчасини, уй-жойни сотиш, аҳоли омонатлари юзасидан бериладиган муздларни кўпайтириш, келгусида сотиладиган моллар учун заёмлар тарқатиш, давлат бюджетининг камомадини имкони борича озайтириш;

— мудофаа чиқимларини, самарасиз капитал маблағ сарфланишини, бошқарув аппаратини сақлаш харажатларини оқилона қисқартириш, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш ҳисобига энг зарур ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришга қўшимча пул ажратиш;

— иттифоқ, жумҳурият ва маҳаллий бюджетлар, корхоналар, кооперативларнинг маблағлари, аҳолининг жамғармалари ҳисобига, енгил шартлар билан қарз бериш ҳисобига уй-жой қурилишини анча кўпайтириш;

— халқнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга оид самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлашга қўшимча маблағ ажратиш, корхона ва хўжалик бирлашмаларининг, жумҳурият ва маҳаллий Советларининг маблағидан шу мақсадлар учун фойдаланиш;

— экологик ва табиий офатга учраган районларга фавқулодда ёрдам бериш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантиришнинг самарали воситаларини вужудга келтириш;

— аҳолининг мажбуран кўчиб юриши олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, қочоқлар учун ижтимоий мақом қабул этиш, уларга зарур ёрдам бериш.

Учинчиси. Интизом ва ҳуқуқ-тартиботни қатъиян мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ва қонун бузишларнинг олдини олишни кучайтириш. Пинҳона иқтисодиётга қарши курашмоқ учун мавжуд барча — иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш. Инқироздан чиқишга оид шошилинч тадбирларни амалга ошириш учун ҳуқуқий пойдеворни таъминлайдиган қонунларни зудлик билан қабул қилиш ва уларни амалга ошириш омилларини ишлаб чиқиш.

Инсоннинг эркинлиги ва фаровонлиги учун

Партия совет кишисининг муносиб турмуш шароитларини таъминлашни ўз сиёсатининг марказий стратегик вазифаси, деб ҳисоблайди.

Инсоний ҳуқуқлар ва эркинликлар. Партия:

— инсоннинг халқаро тан олинган нормалар даражасидаги ҳуқуқлари рўёбга чиқарилиши;

— миллий-этник, сиёсий, диний белгиларга, жинси ва ёшига қараб ҳар қандай камситиш истисно қилиниши;

— фуқаронинг шахси ва қадр-қиммати, унинг уй-жойи ва мол-мулки дахлсизлиги, касб танлаш, яшаш жойини танлаш, мамлакатдан чиқиш ва унга кириш эркинлиги, ёзишма ва телефон сўзлашуви махфийлиги, сўз, матбуот ва ахборот эркинлиги қонун йўли билан пухта ҳимоя қилиниши;

— инсоннинг ўз дунёқарашини, маънавий манфаатларини ўзи эркин белгилаши, виждон эркинлиги;

— фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ва жамоат ташкилотларининг мавқеи оширилиши тарафдоридир.

Меҳнат ва фаровонлик. Ҳалол меҳнат — жамият ва ҳар бир инсон фаровонлигининг асосидир. Партия:

— меҳнат қилиш, унинг пировард натижаларига қараб ва ҳеч қандай чекла-

май адолатли ҳақ тўлаш таъминланиши; текисчиликни, боқимандаликни бартараф этиш, ғайриқонуний даромадлар ва имтиёзлар бутунлай тугатилиши;

— касб-кор ўргатишнинг мослашувчан, замонавий тартиби вужудга келтирилиши;

— иш жойида соғлом ва хавфсиз шароит яратилиши, меҳнат унумдорлиги ўсишига қараб отпускалар кўпайтирилиши тарафдоридир.

Ижтимоий кафолатлар. Партия:

— кам даромадли ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг яхлит давлат, жамоат тартибини вужудга келтиришни, уларнинг иш ҳақи, пенсия ва нафақалар ҳисобига оладиган даромадлари даражаси тирикчилик учун белгилаб қўйилган энг оз миқдордан кам бўлмаслигига эришишни;

— ҳар бир кишига ижтимоий жиҳатдан кафолатланган даражада уй-жой берилишини, бепул илм олишни, медицина хизматидан, бошқа ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлишни таъминлашни, айни вақтда пулли хизматларни ривожлантиришни, уй-жой сотишни йўлга қўйишни;

— йирик соғломлаштириш ва профилактика режаларини амалга ошириш, соғлиқни сақлаш ва дори-дармон билан таъминлашнинг моддий-техникавий негизини тубдан яхшилаш асосида аҳолининг медицина ёрдамидан фойдаланиши ва бу ёрдамнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашни;

— хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан катта-катта тадбирларни ўтказишни, уларга қисқартирилган иш кунида ўзига қулай график билан ишлаш ҳуқуқини бериш, туғишдан олдинги отпуска ва бола тарбиялаш отпускаси, кўп болали ва ёлғиз оналарга қўшимча отпуска муддатини кўпайтиришни;

— болалар муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга ажратиладиган маблағларни кўпайтиришни; болаларга аталган моллар, экологик жиҳатдан соф озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигини тугатишни; болаларга медицина хизматини яхшилаш, болаларнинг касалга чалиниши ва нобуд бўлишини камайтириш юзасидан ҳеч кечиктирмай чора-тадбирлар кўришни; кўп болали оилаларга давлат ёрдамини кенгайтиришни;

— ёшларнинг илк ижтимоий имкониятлари тенглигини, уларнинг касб-кори, сиёсий ва маданий ўсиши дадил истиқболларини таъминлашни, ёш оилаларга ёрдам бериш чора-тадбирлари ишлаб чиқишни;

— ногиронларнинг, ветеранларнинг, байналмилал жангчиларнинг, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг, Чернобиль атом электр станциясидаги авариядан ҳамда бошқа фалокатлар ва табиий офатлардан азият чеккан барча кишиларнинг аҳволини яхшилашни, уларга ижтимоий ва медицина хизмати даражасини оширишни; уларни уй-жой, моллар ва хизматлар билан таъминлашнинг махсус режаларини амалга оширишни таклиф қилади.

Таълим, фан ва маданият. КПСС таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришни ўз сиёсатининг энг асосий йўналиши деб ҳисоблайди. Партия ижод эркинлигини муҳофаза қилиб, олий инсонпарварлик қадриятларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. У маънавий соҳадаги маъмуриятчиликка, маданиятни, санъатни, таълимни ёппасига соф тижорат негизига ўтказишга қаршидир. Партия:

— таълим, фан, маданиятнинг моддий-техникавий негизини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, бюджетдан бериладиган маблағни кўпайтиришга, аҳолининг маънавий камол топиши манфаатларини кўзлаб, турли ижтимоий ташаббуслар ва хайр-эҳсон қилишларни, чет эллар билан кенг ва эркин маданий-илмий ҳамкорликни рағбатлантиришга, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга;

— халқ таълимини ривожлантиришнинг, илмий муассасалар мустақиллигини кенгайтиришнинг давлат дастури ишлаб чиқилиб, қабул этилишига; бу соҳада машғул бўлган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашга, уларнинг ижтимоий мақоми ва ижтимоий ҳимояланишини оширишга;

— бир қанча соҳаларда Ватанимиз фанининг жаҳон даражасидан орқада қолишини бартараф этишга, фундаментал тадқиқотларга давлат маблағини кўпайтиришга; фан ва техникани ривожлантириш давлат дастурларини кенгайтиришга, илмий ютуқларни ишлаб чиқаришда ва ижтимоий турмушда ўзлаштиришга интилаверади. Партия илмий фаолиятининг замонавий тузилишларини ва уни

ташкил этиш шаклларини ривожлантиришни рағбатлантиради, фандаги бюрократизм ва қариндош-уруғчиликни тугатишга интилаверади; фаннинг тажриба имкониятларини мустаҳкамлашга, кутубхоналар, ҳужжатхоналарни, ахборот техникасини ривожлантиришга кўмаклашаверади;

— аҳолининг барча табақалари маданий бойликлардан баҳраманд бўлишини таъминлашга, санъаткорнинг истеъдодини миллат бойлиги деб билиб, унга меҳрибонлик билан ёндашишга, СССР халқларининг маданий меросини ардоқлаб асрашга, ялпи эстетик маорифга, қишлоқнинг маданий қолоқлигини тугатишга;

— таълим, фан, маданият ва спорт соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул этишга ҳаракат қилаверади.

Самарали иқтисодиёт учун

Ижтимоий тараққиётнинг ишончли заминини яратиш иқтисодий муносабатларни демократиялашни, одамларнинг ташаббуси ва амалий фаолиятига чинакам эркинлик беришни, юксак унум билан меҳнат қилиш омилларини ишга солишни талаб қилади. КПСС тақдим қилаётган иқтисодий тартибни қайта қуриш дастурининг моҳияти айни ана шунда.

Хўжайин бўлайлик, меҳнатсеварликни қайта тиклайлик. Партия мулкнинг хилма-хил ва тенг ҳуқуқли шаклларини вужудга келтириш ва ривожлантириш, уларнинг **ўзаро алоқалари** ва эркин беллашуви учун шароит яратиш зарур деб ҳисоблайди:

— давлат мулки (умумиттифоқ, жумҳурият, коммунал мулк) расмий бюрократик мулкдан меҳнаткашларнинг ўзлари амалдаги қонунлар асосида бошқарадиган ижтимоий мулкка айлантирилади; меҳнаткашлар жамоаларига давлат корхоналари ва мулкини ижарага олиш, саноат, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини сотиб олиш ҳуқуқи берилади; корхоналарни ташкил этишнинг акционерлик шаклидан фойдаланилади;

— кооператив мулкининг, жамоат ташкилотлари мулкининг хилма-хил турлари, шунингдек мулкнинг аралаш шакллари ривожлантирилади;

— мулк шакллари таркибида халқ ҳаётини яхшилаш йўлида хизмат қила оладиган ва меҳнат билан топилган хусусий мулк ҳам ўз ўрнини эгаллаши керак.

КПСС ёппасига мулкларнинг давлатдан ажратилишига, мулкнинг бирор шаклининг мажбуран қабул қилдирилишига қаршидир.

Бошқариладиган бозор сари. Халқ хўжалигини бошқаришнинг умрини яшаб бўлган бошқариш маъмурий-буйруқбозлик тартибининг муқобили бозор иқтисодиётидир. КПСС бозорга босқичма-босқич ўтиш тарафдори бўлиб:

— бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлайдиган қонуний ва ҳуқуқий нормалар ва воситалар ишлаб чиқишни тезлаштириш;

— мулк шаклларидан қатъи назар корхоналарга, барча товар ишлаб чиқарувчиларга мустақиллик, омилкорликда эркинлик бериш, улар ўртасида соғлом ва ҳалол рақобатни ривожлантиришга ёрдам бериш; давлат бошқаруви вазифаларини бевосита хўжалик фаолиятидан ажратиш;

— ишлаб чиқаришни, банк ва суғурта ишини, савдони, илмий ишланмаларни монополиядан холи қилиш; кичик ва ўртача корхоналар шохобчалари ривожланишини қўллаб-қувватлаш;

— бозор муносабатларининг давлат томонидан бошқарилишини фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, халқ хўжалиги структурасини кенг кўламда ўзгартиришга, фан-техника ва экология дастурларини амалга оширишга, жаҳон хўжалик алоқалари системасида мамлакат манфаатларининг таъминланишига қаратиш; магистрал транспорт, алоқа, энергетика соҳасида ҳамда мудофаа комплекси корхоналарида хўжалик ҳисоби қоидалари ва меҳнат жамоаларининг ўзини ўзи бошқариш қоидалари асосида ягона бозор доирасида давлат бошқарувини сақлаб қолиш;

— планлаштириш соҳасида иқтисодий ривожланишнинг стратегик истиқболларини ва давлат мақсадли дастурларини, иқтисодиётни, давлат буюртмалари, нарх, амортизация, божхона сиёсати орқали, соликлар, қарзлар учун мукд ва шу сингарилар орқали билвосита ишлаб чиқишга ўтиш;

— сўмнинг айирбошланадиган пулга ўтишини, иқтисодиётнинг жаҳон бо-

зорига монанд бўлишини таъминлаш, корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти учун қулай шароитлар яратиш; илғор технологияни жадал жорий этиш ва бозорни молларга сероб қилиш мақсадида чет эл капиталини жалб қилиш зарур деб ҳисоблайди.

Бозор ва ҳимоя воситалари. КПСС бозорга ўтиш шунчаки мақсад эмас, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этиш воситаси эканлигини назарда тутиб ва бу ўтиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиб:

— молларнинг ва хизмат кўрсатишнинг чакана нархлари қайта кўриб чиқилиши муносабати билан аҳоли кўрадиган зарар ўрнини қоплаш; истеъмол нархлари ўсишига қараб аҳоли пул даромадлари индексациясининг ўзгарувчан тартибини жорий этиш;

— иш билан бандлик даражасини, иш билан таъминлаш ва касбга қайта тайёрлашнинг таъсирчан механизмини яратиш; вақтинча ишсизлик, қайта тайёрлаш ва касбни ўзгартириш даврида нафақалар тўлашни жорий этиш;

— бозор муносабатларини тартибга солувчи қонунларга риоя қилиниши устидан жамоатчилик ва давлат назоратини таъминлашни таклиф қилади.

Деҳқончиликка оид сиёсат. Бу сиёсатда партия қуйидаги қоидаларга амал қилади:

— ерга халқ депутатлари Советларининг эгалик қилиш ҳуқуқи, давлат, жамоат хўжаликлари ва якка хўжаликларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳимоя қилинади;

— шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий муносабатларда тенглик таъминланади;

— ерда хўжалик юритишга оид барча масалаларда бирор буйруқбозлик ва маъмуриятчиликка йўл қўйилмайди, деҳқон ўз ҳолига қўйиб берилади, ижтимоий — колхоз ва совхоз хўжалигини ҳам, янгитдан қарор топаётган шахсий, оила, ижара хўжаликларини ҳам ривожлантириш учун бир хил имкониятлар таъминланади;

— хўжалик юритишнинг барча шакллари талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда деҳқончилик саноат комплексининг моддий-техника замини устун даражада ривожланиши таъминланади;

— қишлоқлардаги ҳар бир аҳолига ёки қишлоққа бориб яшаш ва ишлаш истагини билдирган ҳар бир кишига ўз уйи ва томорқаси бўлишига имкон яратилади; қишлоқнинг ижтимоий ободончилиги яхшиланади, деҳқон меҳнати ижтимоий жиҳатдан жозибали ва иқтисодий жиҳатдан самарали меҳнатга айлантирилади.

Чинакам халқ ҳокимияти сари

Инсоний жамият ва ҳуқуқий давлат. Партия:

— инсон давлатни деб, давлат эса инсонни деб яшайдиган инсоний жамият тузилиши учун изчил курашади; барча ижтимоий гуруҳ ва жамоалар ўз манфаатларини ифодалаши ва ҳимоя қилиши учун қонун кафолат ва амалий имконият беради;

— бирор бир синф, партия, гуруҳ, бошқариш бюрократиясининг диктатураси истисно қилинадиган ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш учун курашади, барча фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этишлари, ҳар қандай лавозимларни эгаллашларига имкон яратилади; давлат билан фуқаролар демократик йўл билан қабул қилинган қонуннинг сўзсиз устунлиги ва барчанинг қонун олдидаги тенглиги шароитида ўзаро масъулият билан боғлангандирлар;

— Конституция доирасида ижтимоий-сиёсий ташкилотлар эркин мусобақаси тарафдоридир;

— умумий, тўғридан-тўғри, тенг сайлов ҳуқуқлари қоидалари амалга оширилишининг тарафдоридир.

Биз демократияни фақат ҳуқуқ ва эркинлик деб эмас, шу билан бирга улар билан узвий боғланган фуқаролар масъулияти, қонунларга қатъий амал қилиш ва ўзини ўзи назорат қилиш деб тушунамиз.

Ҳокимиятнинг қонун чиқариш, ижроия ва суд ҳокимиятларига **бўлиниши** чексиз ваколатларни қўлга киритишдан, ҳокимиятни суиистеъмол қилишлардан

сақлайди, ҳуқуқлар ва масъулият соҳаларини аниқ белгилаб олиш имконини беради. Партия:

— қонун чиқариш жараёнининг демократик ва очиқ бўлишининг; барча даражалардаги Советлар нормалар яратиш ва назорат қилиш вазифалари тўла амалга оширилишининг, уларнинг ишончли молия ва моддий замини шакллантирилишининг;

— ижроия, фармойиш бериш органларининг фаолияти тўғрисида Советлар олдида ҳар йили ҳисобот бериб турилишининг; ижроия ҳокимияти фаолияти қонун доирасида жамоат назорат остида бўлишининг;

— суд ва прокуратура мустақил бўлиб, жамиятда уларнинг мақоми оширилишининг, судлов қонуни такомиллаштирилишининг, айбсизлик презумпциясига, одил судлов нормаларига ва ҳимоя қилиш ҳуқуқига қатъий риоя қилинишининг, ахлоқ тузатиш-меҳнат системаси таъсирчанлигининг; совет фуқаролигидан асоссиз тарзда маҳрум этиш актлари бекор қилинишининг;

— конкурс асосида шаклланадиган пухта, замонавий давлат аппарати тузилиб, у қонун доирасида ваколатли органлар ва жамоатчилик назорати остида бўлишининг тарафдоридир.

Мамлакат хавфсизлиги

Қуролли низолар хавфи ҳозирча бор экан, мамлакатга ишончли мудофаа керак. Партия:

— янги мудофаа доктринасига ва оқилона етарлилик қоидасига, ҳарбий қурилишда сифат кўрсаткичларининг устун бўлишига асосланган ҳарбий ислоҳот ўтказиш;

— мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги, Қуролли Кучлар қурилиши, тайёргарлиги ва улардан фойдаланишга оид жиддий масалалар фақат ССР Иттифоқи ихтиёрида бўлиши сақлаб қолиниши;

— ҳарбий хизматчилар ва улар оилалари ижтимоий ҳимояси (ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш шулар жумласига киради)ни мустаҳкамлаш ва турмуш шароитларини яхшилаш;

— Армиядан қонунларга тўла мувофиқ равишда қатъий ўз вазифалари доирасида фойдаланиш; мудофаа соҳасига амалий сиёсий раҳбарлик қилиш ва ҳарбий идора фаолиятининг энг кўп даражада очиқ бўлгани ҳолда давлатлар ўртасидаги ишончнинг эришилган даражасини ҳисобга олиб, бу идора олий ҳокимият органлари назорати остида бўлиши;

— Қуролли Кучлардаги партия ташкилотлари ва коммунистлар орқали шахсий составга КПСС ғоявий таъсирини мустаҳкамлаш;

— ҳарбий корхоналарни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш давлат дастурини амалга ошириш ҳамда бўшаб қолган кувватлардан ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаган ҳолда фуқаролар учун керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайди.

Ички ишлар ва Давлат хавфсизлиги органлари ҳозирги шароитда конституцион тузумни ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлашнинг ҳаётий зарур муассасаси бўлиб қолган ҳолда қатъий қонун доирасида ва ҳокимият ваколатли органларининг назорати остида иш олиб боришлари керак. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг касб тайёргарлиги, моддий таъминоти даражасини ошириш лозим.

Мустақил жумҳуриятларнинг янгиланган иттифоқи сари

Халқларнинг ихтиёрий иттифоқи учун. КПСС марказдан қочишга тамойилининг кучайишини ССР Иттифоқидаги халқлар ва миллий-давлат тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни демократиялаш, барча регионлар иқтисодиётини ва ягона умумиттифоқ бозорини муваффақиятли ривожлантириш асосидагина тўхтатиш мумкин, деб ҳисоблайди. Партия миллатларнинг то ажралиб чиқишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олади, лекин СССРдан чиқиш

ҳуқуқини бундай чиқишнинг мақсадга мувофиқлигидан фарқ қилади. Партия халқларнинг ўз манфаатларидан ҳамда жаҳондаги жараёнларнинг бирлик сари тамойилидан келиб чиқиб, ривожланиб борувчи кўп миллатли давлат сифатида янгиланган Иттифоқ яхлитлигини сақлаб қолиш муҳим деб ҳисоблайди. КПСС мамлакат барча миллат ва элатларининг дўстлиги ва байналмилал бирлиги тарафдоридир.

Партия иттифоқдош жумҳуриятлар мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини ўтказаверади. У жумҳуриятларнинг ўзаро ва умуман Иттифоқ билан алоқаларининг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан серқирра бўлишини, уларнинг хўжалик соҳасидаги ўзаро муносабатлари корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги асосида хилма-хил бўлишини таклиф қилади.

КПСС автоном жумҳуриятлар, автоном вилоятларнинг ва округларнинг конституцион мақомини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш тарафдоридир.

Партия барча миллат ва элатларнинг ривожланиши учун қулай шароитларни таъминлаш зарур деб ҳисоблайди:

— маъмурий-территориал мақомга эга бўлмаган маданий-миллий жамоаларнинг ҳуқуқий кафолатлари, уларнинг ССР Иттифоқи ва жумҳуриятлар давлат ҳокимияти органларига қонун лойиҳаларини тақдим қилиш, уларда ваколат нормасига эга бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланади;

— кам сонли халқлар яшаш муҳитини сақлашга, нормал ривожланишни таъминлайдиган шароитларни яхшилашга ёрдам берадиган шошилинч иқтисодий, ҳуқуқий, экологик тусдаги тадбирлар кўрилади.

— ўтмишда яшаб турган жойидан кўчирилган кишиларни тарихий Ватанига ва анъанавий яшаш жойига кўчиб келиш ҳуқуқи, шунингдек фуқароларнинг чет элдан ўз тарихий Ватанларига қайтиб келиш ҳуқуқи тасдиқланади.

Инсон ҳуқуқлари ва миллатларнинг ҳуқуқлари. КПСС:

— ҳар бир кишининг ҳуқуқлари устунлигини ва улар оғишмай, сўзсиз таъминланишини тан олган ҳолда миллатлар ҳуқуқларини кенгайтириш тарафдоридир;

— фуқароларнинг миллий мансублигига кўра ҳуқуқий тенгсизлигига йўл қўядиган бирор ҳуқуқий норма ёки қонун бўлишига қарши чиқиб, шахсан ўз миллатини ўзи бемалол, эркин белгилаши тарафдоридир;

— жумҳуриятларнинг ҳуқуқий нормалари ва қонунларини қабул қилган вақтда аҳолининг барча этник-миллий гуруҳлари, маданий анъаналари ва манфаатлари ҳурмат қилинишининг тарафдоридир.

Инсониятнинг тинч ривожланиши сари

Партия СССРнинг ташқи сиёсий стратегияси тинчлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тараққиёт ва инсонпарварлик ғояларига асосланиши керак; ички қайта қуришимиз жараёнларига, халқаро барқарорликни таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш лозим, деб ҳисоблайди.

Ташқи сиёсат йўналишлари. Партия ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида:

— халқаро муносабатларда муваффақиятли бошланган демилитарлашни ғайрат билан давом эттириш; қурол-яроғларни ва қуролли кучларни оқилона мудофаа етарлилиги даражасигача қисқартириш; жаҳон практикасидан куч ишлатиш ва дағдағани тамомила бартараф этиш; ҳарбий қарама-қарши туришни янада камайтириш, сўнгра эса тамомила бартараф этиш;

— низолар ва халқаро беқарорликнинг олдини олиш учун барча томонлар манфаатларининг тенглиги асосида жаҳоншумул ва регионал хавфсизлик тузилмаларини яратиш;

— давлатлар ўртасидаги муносабатларда ижтимоий-сиёсий йўлни танлаш эркинлигига, суверенитет ва мустақилликка, жаҳондаги барча мамлакатлар билан ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантиришга кафолат берадиган ҳуқуқий негиз яратиш;

— Совет-Америка муносабатларини янада нормаллаштириш ва бу муносабатларни амалий шериклик йўлига ўтказиш; Умумевропа жараёнида ташаббускорлик билан қатнашиш ва Европанинг тарихан ажралганлигини бартараф

этиш; Шарқий Европа мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш; ХХР билан муносабатларда ижобий тамойилларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш; Осиё-Тинч океани регионини тинчлик ва ҳамкорлик минтақасига айлантириш мақсадида бу регионда фаол сиёсат ўтказиш; регионал низоларни сиёсий йўл билан ҳал этишда қатнашиш, қўшилмаслик ҳаракати билан ҳамжиҳатлик, ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик тарафдоридир.

Янгича халқаро ҳамкорлик сари. Партия инсоният олдида турган умумий муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамжамият барча аъзоларининг куч-ғайратларини бирлаштиришни ҳаётий зарурат деб ҳисоблайди.

Партия:

— табиат муҳитини соғломлаштириш ва экологик фалокатнинг олдини олиш соҳасида биргаликда фаол ҳаракат қилиш;

— дунёнинг турли қисмларида очарчилик, қашшоқлик, оммавий касалликлар, оғир дардлар, гиёҳвандлик, халқаро терроризм, ривожланишдаги инқирозли номутаносибликларни бартараф этиш соҳасида халқаро ҳамжамият сарфлайдиган куч-ғайратларда мамлакатимизнинг иштирок этиши;

— жаҳон хўжалик алоқаларини жадал кенгайтириш, илмий-техникавий ва иқтисодий айирбошлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, инсонпарварлик алоқаларини ривожлантириш;

— регионал ва жаҳон кўламида инсониятнинг истиқболи учун тарихий масъулиятни ҳис қилаётган барча халқаро ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик қилиш тарафдоридир.

КПСС ишчилар ҳаракатидаги тарихий нифоқни бартараф этиш, коммунистик, социалистик, социал-демократик, миллий-демократик партиялар билан, тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт тарафида турган барча ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоридир.

Партияни янгилаш

Узоқ йиллар давомида маъмурий-буйруқбозлик тартибининг ўзаги бўлиб келган партиянинг ўзи жиддий бузилди. Ортиқча марказлаштириш, танқидий фикрнинг бостирилиши партия ички муносабатларига салбий таъсир кўрсатди. Бир қатор партия раҳбарларининг ғоявий ва ахлоқий бузилиши жуда катта зарар келтирди.

Съезд КПСС ҳукмрон партия сифатида мамлакатда вужудга келган аҳвол учун сиёсий ва маънавий жиҳатдан жавобгар эканлигини қайд қилади. Мамлакатнинг партия-давлат раҳбарияти йўл қўйган хатолар тўғрисида партиянинг ўзи рўй-рост айтди, сталинчиликнинг жиноятларини, инсон ҳуқуқлари қўпол бузилганлигини қоралади. Лекин съезд ўтмиш авлодга ҳам, ҳозирги авлодга ҳам мансуб бўлган софдил коммунистлар шаънига асоссиз тўнкалаётган айбларга қатъиян қарши чиқади. Миллионларча коммунистлар халққа беғараз хизмат қилдилар, фидокорона меҳнат қилдилар, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун мардонавор жанг қилдилар. КПССда доимо илғор кучлар ҳаракат қилиб келди ва айни шу кучлар жамиятни қайта қуриш ташаббускори бўлдилар ва бу жараёнга бошчилик қилдилар.

КПСС сиёсий ва мафкуравий яккабошчиликдан, давлат ва хўжалик бошқариш органлари ишини қилишдан қатъиян воз кечади. Ўзгаришлар суръати КПССни ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг туб манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи, инсоний жамият доирасида иш олиб борувчи чинакам сиёсий партияга тезроқ айлантиришни тақозо этмоқда.

Партиянинг жамиятдаги роли

КПСС ўз амалий фаолияти, жамиятни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга амалий ёндашуви билан бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан эркин мусобақада сиёсий раҳбарлик ҳуқуқини ҳимоя қиладиган сиёсий ташкилотга айланаётир.

Партия қуйидаги вазифаларни бажаради:

Назарий вазифа. Жамият тараққиётининг объектив йўлларини илмий таҳлил қилиш, унинг истиқболига назарий баҳо бериш, турли ижтимоий гуруҳларнинг

манфаатларини аниқлаш ва ҳисобга олиш асосида у социалистик янгиланиш стратегияси ва тактикасини, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади.

Мафкуравий вазифа. Партия ўз дунёқарашини ва маънавий қадриятларини ҳимоя қилади, ўз дастурий мақсадлари ва сиёсатини тарғиб қилади, фуқароларни ўз томонига ва ўз сафига жалб қилади.

Сиёсий вазифа. КПСС омма орасида, меҳнат жамоаларида кун сайин иш олиб бориб, ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамжиҳатликни йўлга қўяди, ҳамма босқичлардаги ҳокимият органларидаги мандатлар учун сайловларда кураш олиб боради ва ғалаба қозонган тақдирда тегишли ижроия органларини тузиб, парламент фаолиятини олиб боради, ўз сайловолди дастурини бажаради.

Ташкилотчилик вазифаси. КПСС ўз дастурий йўл-йўриқлари ва қарорларининг амалга оширилиши учун ташкилотчилик ишини олиб боради. Ходимлар билан ишлашда партия расмиятчиликдан, номенклатура ёндашувидан воз кечади. Давлат ҳокимияти ва бошқариш органларида кадрларга оид қарорлар қабул қилиш ваколати ана шу органларга тегишли бўлиб, партиянинг ўзида эса бу ваколатлар юқори идоралардан партия ташкилотларига, барча коммунистларга топширилади.

Ҳозирги замон шароитида барча даражалардаги Советларда партия фракциялари ва партияларaро блоклар тузиш зарурати вужудга келдики, коммунистлар уларда иштирок этаётганларида ўз сайловчиларининг иродасига, КПССнинг дастурий мақсадларига амал қилишлари керак.

Партияни демократиялаш

КПСС партия ички муносабатларини чуқур демократияламай туриб жамиятдаги ўз ролини бажара олмайди.

КПСС маъмурий буйруқбозлик тартиби шароитида вужудга келган тарздаги демократик централизмни, ўта марказлашувни қатъиян рад этади, демократик қоидаларни — сайлаб қўйиш ва алмашиниб туриш, ошкоралик ва ҳисоб бериб туриш, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, озчиликнинг ўз қарашларини, шу жумладан партиянинг оммавий ахборот органларида ҳимоя қилиш ҳуқуқи тарафдоридир.

Партияда демократиялаш унинг барча аъзолари ва тузилмалари умумпартиявий ва регионал мунозаралар, референдумлар воситаси билан КПСС сиёсатини шакллантиришда иштирок этишларини; айрим коммунистлар ва гуруҳларнинг платформаларда ўз қарашларини ҳимоя қилиш ҳуқуқларини, партиянинг барча органлари ишида коллективчилик ва ошкораликни, танқид эркинлигини тақозо қилади. Партия ички муносабатларини ва партия фаолиятини чуқур қайта қуриш КПСС сафлари демократик бирлигини таъминлашга, фракцияларга ажралишнинг олдини олишга қаратилгандир.

Ёш кучларни КПСС сафига жалб этиш, партиянинг кадрлар таркибини ёшлар ҳисобига тўлдириш КПССни янгилашнинг муҳим омилидир.

Бошланғич ташкилотлар — КПССнинг асосидир. Улар муайян шарт-шароитни ҳисобга олиб, ўз органлари ва аппаратларининг фаолият вазифалари ва шаклларини, тузилиши ва сонини, йиғилишлар, сиёсий тадбирлар ўтказиш даврийлигини ва тартибини мустақил белгилайдилар. Улар КПССга қабул қилишда тўла ҳуқуққа эгадирлар. КПСС Уставида қайд этилган ваколатлар доирасида улар қабул қилган қарорларни юқори ташкилотлар бекор қила олмайди.

Партия қурилишининг территориал-ишлаб чиқариш тартибига тузатишлар киритиш керак бўлади. Ишлаб чиқаришларда ва бошқа жамоаларда партия ташкилотларини сақлаб қолган ҳолда аҳоли истиқомат жойларидаги кучайиб бораётган сайловолди кураши аҳамиятини ҳисобга олиб, кучли, фаол бошланғич-территориал ташкилотларга эътиборни кучайтириш зарур. КПСС аъзоси бошланғич ишлаб чиқариш, территориал ташкилотда ёки ҳар иккала ташкилотда иш олиб бориш ҳуқуқига эга. Ёндош тузилмалар — партия клублари, партия ташкилотлари секретарларининг кенгашлари ҳамда мақсади, касб-кори, турли қизиқишларига қараб бошқа бирлашмалар тузиш ва уларнинг фаолияти учун эркинлик таъминланади.

Съезд армия, Давлат хавфсизлиги комитети, Ички ишлар министрлиги коммунистлари партияга аъзо бўлиш ва партия ташкилотларини тузиш, сиёсий фаолиятнинг бошқа шаклларини олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум этишни тўғри деб ҳисобламайди. Аммо бу ташкилотлар давлат-маъмурий органларидан, шу жумладан, Қуролли Кучлар, Ички ишлар министрлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети

шахсий таркибининг маънавий-сиёсий тарбияси билан шуғулланувчи ҳарбий-сиёсий органлардан ажратилиши керак.

Съезд партия комитетлари котибларини, партия анжуманларига делегатларни тўғридан-тўғри, одатда муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан, номзодларни эркин кўрсатган ҳолда сайлаш тарафдоридир. Муайян сайлов тартибини коммунистлар белгилайди.

Партия назорати ҳам демократик бўлиши лозим. Марказий жумҳурият, ўлка, вилоят, округ, шаҳар, район назорат органлари мустақил сайланиб, партия комитетларига қарам бўлмайдилар ҳамда фақат уларни сайлаган съездлар ва конференцияларда ҳисоб берадилар.

Сайлаб қўйиладиган партия органи белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун ташкилий ва маслаҳат вазифаларни бажарувчи аппаратни бюджет доирасида тузади.

Мустақиллик ва бирлик. ССР Иттифоқи янгиланаётган жараёнда иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг мустақиллиги таъминланиши лозимки, бу мустақиллик КПССнинг асосий дастурлари ва Устав қоидалари негизида партия бирлиги билан диалектик тарзда узвий боғланган бўлади. Бу Компартиялар ўзларининг дастурий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиб, ана шу ҳужжатларга биноан сиёсий, ташкилий, кадрларга оид, нашриёт ва молия-хўжалик масалаларини ҳал қиладилар, жумҳуриятларнинг давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши соҳасида партия йўлини ўтказадилар, бошқа, шу жумладан, чет эллардаги партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар билан алоқа боғлайдилар. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси таркибига кирадилар. Жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари, партия марказий раҳбар органларининг қарорига қўшилмасалар, масалани КПСС Марказий Комитети Пленумида ёки КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумида муҳокама этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Партия ва жамоат ташкилотлари

КПСС социалистик йўлни танлаган ҳаракатлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга, барча илғор ғоявий-сиёсий оқимлар билан мулоқот қилиш ва тенг ҳуқуқли асосда шериклик қилишга интиладилар. Партия улар билан сиёсий блоклар тузишга тайёрдир.

КПСС аъзолари қонун доирасида иш олиб бораётган оммавий ҳаракатларда қатнашадилар. Аммо партия коммунистларнинг шовинизм, миллатчилик, иркчиликни, социализмга зид ғояларни тарғиб қилувчи бошқа партияларга, шунингдек, ташкилотларга аъзо бўлишига йўл қўйилмайди, деб ҳисоблайди.

КПСС ишчилар ва деҳқонлар ҳаракатлари қайта тикланишига, зиёлилар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга ёрдам беради.

КПСС касаба уюшмаларининг янгиланаётганини табриклайди, уларнинг меҳнаткашлар манфаатлари йўлида, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида фаол иш олиб боришга интилишини қўллаб-қувватлайди.

КПСС комсомолни ёшларнинг мустақил ижтимоий-сиёсий коммунистик ташкилоти деб билади, ундан партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита иштирок этишини кутади. Партия ва комсомол ташкилотлари ўз муносабатларини сиёсий иттифоқчилар сифатида қуришни ўрганишлари керак. Ёшларнинг янги ташкилотлари вужудга келишига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг социалистик ва умумбашарий йўналишда шаклланишига, ёшларни халқ тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялашларига кўмаклашиш лозим. КПСС ўзининг барча ташкилотлари эътиборини ёшларга оид муаммоларга кескин буриб юборишга қаратади. Партиянинг ўз манфаатлари ҳам шуни тақозо қилади: ёшларсиз партиянинг истиқболи йўқ.

* * *

КПСС янги Программаси қабул қилингунча коммунистлар, партия ташкилотлари ва партия органлари ўз амалий ишларида амал қилишлари керак бўлган КПССнинг ғоявий-назарий йўли ва сиёсий мақсади ана шулардан иборат. Съезд уларни қайта қуриш учун, жамиятимизни янгилаш учун курашаётган мамлакатдаги барча демократик кучлар қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қилади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ТАСДИҚЛАГАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — умумбашарий қадриятларга ва коммунистик юксак орзуга асосланган дастурий мақсадларни рўёбга чиқариш учун СССР фуқароларини ихтиёрийлик негизида бирлаштирувчи сиёсий ташкилотдир. У Маркс, Энгельс, Ленин ғояларини ижодий ривожлантириб, илғор ижтимоий тафаккур ютуқларидан фойдаланиб, байналмилалликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, мамлакатда инсонпарвар, демократик социализмни барпо этишни, инсоннинг эркин, ҳар томонлама камол топиши учун шароит таъминланишини ўз мақсади қилиб қўяди. КПСС ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг ва социалистик йўлга садоқатли бошқа ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, кўп миллатли совет жамиятининг инсоний ҳамжиҳатлиги ва жипслашувига интилаверади.

КПСС ўз ишини Программа ва Устав асосида қуради. Партия, унинг ҳамма ташкилотлари СССР Конституцияси, иттифоқдош, мухтор жумҳуриятларнинг конституциялари ва совет қонунлари доирасида ишлайди.

I. Партия аъзолари, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари

1. 18 ёшга етган, партиянинг Программасини тан оладиган ва Уставини бажарадиган, унинг бошланғич ташкилотларидан бирида ишлайдиган ва партияни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлайдиган СССР фуқароси КПСС аъзоси бўлиши мумкин.

2. Партиянинг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқлидир. КПСС аъзоси: партиянинг ички ва ташқи сиёсати, партия ички турмуши масалаларини ўртага қўйиш ва бемалол муҳокама қилиш, қарорларни ишлаб чиқишда қатнашиш, ўзининг ижтимоий фаолиятида партия ташкилотининг сиёсий мададидан ва ҳимоясидан фойдаланиш, партия органларига сайлаш ва сайланиш, шу органларнинг иши ҳақида ахборот олиб туриш, баҳо бериш, ҳар қандай партия органини ва ҳар қандай коммунистни танқид қилиш, ҳар қандай партия идорасига аризалар ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ундан жавоб олиш, унинг таклифи ёки унинг фаолияти ёхуд хулқ-атвори тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганида партия органи ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Коммунист жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг фаолияти Конституцияга ва совет қонунларига мувофиқ қурилган бўлса, уларнинг ишида қатнашишга ҳақлидир. КПСС аъзоси бошқа партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3. КПСС аъзоси ўзининг сиёсий ва маданий савиясини ошириши, партия ғояларини тарғиб қилиш, унинг дастурий мақсадларига эришиш ва жамиятдаги пешқадамлик мавқеини таъминлаш учун курашиши, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаши, меҳнат жамоаларида ва аҳоли орасида КПССнинг сиёсий йўлини изчил ўтказиши, партия қарорларини бажариши, партия аъзолик бадалларини тўлаб туриши, меҳнатда ибрат бўлиши, қонунийликка ва жамоат ахлоқи қоидаларига риоя этиши лозим.

4. КПСС аъзолигига қабул партияга кирувчининг аризасига мувофиқ якка тартибда ўтказилади. КПСС аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши томонидан чиқарилади ва узил-кесил ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилотининг қарори билан КПССга кирувчи учун бир йилгача синов муддати, шунингдек партия аъзоларидан икки кишининг кафиллиги белгилаб қўйилиши мумкин.

КПССда ягона партия билети амал қилади, партия аъзоларини ҳисобга олиш тартибини КПСС Марказий Комитети белгилаб беради.

Коммунист ўз хоҳишига кўра ва бошланғич ташкилотнинг розилиги билан иш жойида ёки истиқомат жойида партия ҳисобида туради.

Партияда камида 30 йил фаол ишлаган КПСС аъзосига бошланғич партия ташкилотининг қарори билан «КПСС ветерани» фахрий номи берилиши мумкин.

Башарти партия аъзоси сиҳат-саломатлигига ёки ёшига кўра партия турмушида тўла-тўкис қатнаша олмаса, бошланғич партия ташкилоти унинг шахсий аризаси асосида уни мунтазам ишдан ва аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилишга ҳақлидир.

5. Партия аъзоси КПСС Устави талабларига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори учун КПСС аъзолигидан чиқарилиши оқибатида бошланғич партия ташкилоти томонидан ўз ташаббуси билан ёки юқори партия органининг таклифига кўра, КПССдаги аъзолик тўхтатилади.

Партия аъзосининг КПССдан ихтиёрий чиқиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ ҳам партиядаги аъзолик тўхтатилади, бу ариза бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилади.

КПСС аъзолигига қабул қилиш пайтида ва партиядан ўчириш пайтида муайян ташкилот ҳисобида турган коммунистларнинг ярмидан кўпроғи қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда, бу қарор ҳақиқий деб ҳисобланади.

Партия интизомини ва ижтимоий ахлоқ қоидаларини бузганлик учун партия аъзоларига нисбатан танбеҳ бериш ёки ҳайфсан эълон қилиш тарзида партиявий тарбия ва таъсир чоралари кўрилиши мумкин.

Партиядан чиқарилган ёки жазо олган киши партиянинг назорат органларига шикоят аризаси бериш ҳуқуқига эгадир. Шикоят аризаси шу ариза тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой муҳлатда кўриб чиқилади.

II. Партия ички демократияси

6. КПСС ғоявий бирлик ва партиявий ўртоқлик асосида, партия турмушида ўзини ўзи бошқаришни, партия билан айрим коммунистнинг манфаатларини бирга қўшишни, партиялилар оммасининг ҳокимиятини ва онгли интизомни таъминлайдиган демократик централизм қоидаси асосида яшайди ва ишлайди.

Партияда фикрларни изҳор этиш эркинлиги, турли қарашлар ва ҳаракат дастурларини таққослаш, рўй-рост танқид ва ўз-ўзини танқид таъминланади. Айрим ташкилотлар, умуман КПСС доирасида ижтимоий ва партиявий турмушнинг долзарб масалалари юзасидан мунозаралар ва референдумлар ўтказилиши мумкин. Улар раҳбар ва ижроия органларининг ташаббуси билан, шунингдек тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бирини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан ўтказилади.

7. КПССнинг бошланғич ташкилотлардан бошлаб барча ташкилотлари партиянинг сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашадилар. Улар ўзларининг ички турмуши ва фаолияти тузилишида мустақилдирлар. Уларнинг партия дастурий мақсадларига зид бўлмаган ҳамда КПСС Уставида бериб қўйилган ваколатлар доирасида қабул этилган қарорлари юқори органлар томонидан бекор қилиниши мумкин эмас, шахсий ишларга доир қарорлар бундан мустаснодир. Ихтилоф чиққан тақдирда шу органлардан ҳар бири баҳсли масалани ҳал этиш учун бошланғич партия ташкилотларига, бевосита коммунистларга мурожаат қилишга ёки референдум ўтказишга ҳақлидир.

8. Партия ташкилотлари ва партия органларининг иши субъективизмни ва яккаҳокимликни истисно қиладиган коллектив ва шахсий масъулият негизига қурилади.

Умумий йиғилиш, конференция, съезд — партиядаги раҳбар органлардир. Уларда партия ташкилоти аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпроғи, ҳисобот ва сайлов чоғида эса камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда улар ваколатли ҳисобланади. Партия раҳбар органлари ижроия органларини (бюро, комитетни) ва назорат органларини (назорат комиссиясини) сайлайдилар.

Партия органлари ишнинг асосий йўналишлари юзасидан доимий ёки муваққат комиссияларни ва ишчи гуруҳларни тузишлари мумкин, шунингдек улар

фаолиятида коммунистлар ва бошқа фуқаролар қатнашувининг бошқа шаклларидан фойдаланадилар.

9. Партия ташкилотлари, сайлаб қўйилган органлари ошкора ишлайдилар, партия қарорларига мувофиқ партия йиғилишлари, конференциялари, съездларининг, ижроия ва назорат органлари мажлисларининг очиқ-ошкоралигини, уларда партия матбуоти иштирокини, ҳужжатларнинг лойиҳалари, стенограммалар, қабул этилган қарорлар ва бошқа материаллар матбуотда эълон қилинишини таъминлайдилар. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни ва юқори партия органларини ўз фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб турадилар. Коммунист ўз партия ташкилоти бюросининг ёки парткомининг мажлисларида ҳозир бўлишга ҳақлидир. Сайлаб қўйилган партия органининг аъзолари ўзларига бўйсунувчи органларнинг мажлисларига бемалол кира оладилар, шунингдек партия органи ва унинг аппарати ихтиёридаги ҳужжатлардан фойдаланишга ҳақлидирлар.

10. Партиядаги раҳбар, ижроия ва назорат органлари сайлаб қўйилади, улар яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Овоз бериш учун рўйхатга исталганча номзод киритилади. Партия аъзолари сайлов пайтида номзодларни чекланмаган тарзда кўрсатиш, шу жумладан ўз номзодини ҳам кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Йиғилишда, конференцияда, съездда, партия комитетининг, назорат комиссиясининг пленумида қатнашган КПСС аъзолари овозларининг ярмидан кўпроғини олган номзодлар сайланган ҳисобланади.

Район, шаҳар, округ, вилоят, ўлка, жумҳурият конференцияларига, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг съездларига, КПСС Бутуниттифоқ конференциясига ва съездига делегатлар албатта бошланғич партия ташкилотларида номзодлар кўрсатилиб, қоида тариқасида коммунистларнинг партия округлари бўйича бевосита овоз бериши йўли билан сайланади.

Партия комитетларини ва назорат органларини, конференцияларга ва съездларга делегатларни сайлаш тартибини тегишли партия комитети бошланғич, маҳаллий партия ташкилотларининг қарорлари асосида белгилаб беради.

Бошланғич партия ташкилотлари юқори партия органлари таркибига номзодлар юзасидан таклифлар киритишга ҳақлидирлар, бу номзодлар мазкур органларни тузадиган конференция, съездда кўриб чиқилади. Партия комитетлари, назорат комиссиялари қуйи ташкилотларнинг вакилларини бевосита делегат қилиб юбориш йўли билан ҳам сайланиши мумкин, мазкур қуйи ташкилотлар ўз вакилини чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

11. Партияда сайлаб қўйиладиган органларнинг райком ва ундан юқори даражадаги аъзолари сурункасига кўпи билан икки марта шу лавозимга сайланадилар. Партия аъзоси иккитадан ортиқ партия комитетида ёки назорат комиссиясида аъзо бўлиб туриши мумкин эмас. Партия ижроия ва назорат органларининг таркиби ўз ваколатлари муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки батамом қайта сайланиши мумкин. Масала тегишли ташкилот аъзоларидан камида учдан бирини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан ёки сайлаб қўйилган органнинг айрим ёки барча аъзоларининг ихтиёрий истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ кўриб чиқилади.

Барча поғоналардаги партия комитетларининг котиблари, назорат комиссияларининг раислари улар тегишли йиғилишларда, конференцияларда ва съездларда шу органларнинг аъзолари этиб сайланган пайтнинг ўзида ёки делегатларнинг қарорига биноан, партия комитетлари ва назорат комиссияларининг пленумларида сайланадилар. Улар тегишли партия комитетига ёки назорат комиссиясига ҳисоб бериб турадилар, партия аппаратининг ташкилотидан бошқа ҳар қандай партия ташкилотининг ҳисобида турадилар.

12. Партия комитетлари ва назорат комиссиялари ўзларини тузган партия ташкилотларига ҳисоб бериб турадилар. Сайлаб қўйилган органнинг ҳар бир аъзоси ўз иши ҳақида уни сайлаган ёки тавсия қилган партия ташкилотлари олдида ҳисобот беради.

13. Қарорларни ишлаб чиқиш пайтида партия ташкилотлари ва уларнинг органлари ҳамма нуқтаи назарларни кўриб чиқишга мажбурдирлар. Кўпчилик қабул этган қарор барча учун мажбурийдир. Озчилик ўз нуқтаи назарини партия йиғилишларида, конференцияларда, съездларда, ижроия ва назорат органлари-

нинг мажлисларида, партиянинг оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, қўшимча маърузалар билан чиқиш, протоколларда ўз фикрини қайд эттириш, баҳсли масалалар ўз ташкилотида ёки юқори органларда қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия комитетларида ва назорат комиссияларида, уларнинг бюролари, президиумларида ихтилоф чиққан тақдирда қарор лойиҳаси такрорий муҳокамага қўйилади ва камида учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан қабул этилади.

Съездлар, конференциялар, йиғилишларнинг қарорлари партия ташкилотлари учун мажбурийдир. Комитетлар ва бюроларнинг қарорлари тайёрланаётган пайтда қайси партия ташкилотига тааллуқли бўлса, ўша ташкилотда муҳокама қилинади ва қабул этилганидан кейин ижро учун мажбурий ҳисобланади.

14. Партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари ўз ваколатлари давомида ўзига бўйсунадиган ишчи аппаратини тузади, бу аппарат асосан уларнинг фаолиятига ахборот-таҳлил, тахмин-социологик ва маслаҳат хизматини кўрсатади. Партия аппарати бошланғич партия ташкилотларининг тавсиясига мувофиқ тузилади. Партия аппаратининг ходимларига меҳнат қонунлари жорий этилади.

15. Партия ташкилотлари ва комитетлари ўз маблағларига ёки бошқа ташкилотлар билан биргаликда газета ва журналлар, бюллетенлар, ташвиқот, маълумот, ахборот материаллари ва бошқа материаллар нашр қилиш, тегишли редакцияларни тузиш, шунингдек телекўрсатув, радиоэшиттириш студияларини ташкил қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Партиянинг оммавий ахборот воситалари партия ташкилотлари ва комитетларининг органларидир, уларнинг раҳбарлари тегишли партия йиғилишида, конференциясида, съездида, партия комитетининг пленумида сайланади. Партиянинг марказий ахборот воситалари вилоят, ўлка, жумҳурият партия ташкилотининг талабига мувофиқ баёнот ва мурожаатномаларни, маҳаллий матбуот эса бошланғич ташкилотларнинг тегишли ҳужжатларини эълон қилишга мажбурдирлар.

III. Партиянинг ташкилий тузилиши

16. КПСС территориал-ишлаб чиқариш белгисига қараб тузилади. Бошланғич ташкилотлар партиянинг негизини ташкил этади, улар коммунистлар ишлайдиган ёки яшайдиган жойда тузилади ва территория бўйича бирлашади. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартияларига бирлашган район, шаҳар, округ, вилоят, ўлка, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия ташкилотлари ҳам партия таркибига киради.

Коммунистларнинг ташаббуси билан партия ташкилотлари котибларининг кенгашлари, партия клублари, назарий семинарлар, мунозара марказлари, кекса партия аъзоларининг кенгашлари ҳамда коммунистларни қизиқтирадиган масалалар ва муаммолар бўйича уларнинг бошқа шаклдаги бирлашмалари тузилиши ва ишлаши мумкин. Улар бошланғич партия ташкилотлари бўлмай, КПССнинг дастурий йўл-йўриқларига асосланиб, турли масалаларни муҳокама қиладилар ва улар юзасидан ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқадилар, ҳар қандай поғонадаги партия комитетларининг муҳокамасига таклифлар ва лойиҳалар киритадилар.

КПССда ўз ички интизомига эга бўлган фракциялар тузилишига йўл қўйилмайди, бу коммунистларнинг мунозара чоғида ҳаракат дастурлари бўйича бирлашиш ҳуқуқини чекламайди.

Партиянинг бошланғич ташкилотлари

17. Бошланғич партия ташкилотлари КПССнинг камида уч аъзоси бўлган тақдирда, улар йиғилишининг қарори билан тузилади ва тегишли район, шаҳар партия комитети томонидан рўйхатга олинади.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида партия гуруҳларини ва цех ташкилотларини тузиши мумкин. Унинг қарорига мувофиқ партия гуруҳларига ва цех ташкилотларига КПССдаги аъзолик билан боғлиқ бўлган масалаларда бошланғич ташкилот ҳуқуқи берилиши мумкин.

Бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятининг аниқ вазифалари ва шарт-шароитларини эътиборга олиб, партияга қабул қилиш ва КПССдаги аъзоликни тўхтатиш, ўз тузилишини, иш йўналиши ва усулларини, йиғилишлар, сиёсий тадбирлар ўтказиш даврийлиги ва тартибини, молиявий-хўжалик фаолиятини белгилаш масалаларини мустақил равишда ҳал қиладилар, совет ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатни йўлга қўядилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия қарорларини тарғиб қиладилар ва амалга оширадилар, меҳнат жамоаларида ва жойларда партиянинг мафкуравий, сиёсий ҳамда ташкилотчилик вазифаларини рўёбга чиқарадилар, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир ўтказадилар, ижтимоий адолатни қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия съездларини, конференцияларини, партия комитетларининг пленумларини тайёрлаш пайтида ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатини билдириш ҳуқуқига эгадирлар, мазкур партия органи масаланинг моҳияти юзасидан жавоб қайтаришга мажбурдир. Бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳисобида турадиган ёки ўзи шу органларга тавсия этган коммунистларни барча поғоналардаги партия органларининг таркибидан чақириб олиш тўғрисида таклиф киритишлари мумкин.

18. Кундалик ишни бошқариш учун бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши (конференцияси) икки-уч йил муддатга партия бюроси (комитети)ни ва унинг котибини, шунингдек коммунистларнинг фикрига кўра назорат (тафтиш) комиссиясини сайлайди. Ҳисобида 15 нафардан камроқ коммунист бўлган партия ташкилотларида йиғилиш белгилайдиган муддатда ва тартибда партия ташкилотининг қотиби ва унинг ўринбосари, партия гуруҳларида — партия гуруҳи ташкилотчиси сайланади.

Партиянинг район, шаҳар, округ, вилоят, ўлка ва мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият ташкилотлари

19. Бошланғич ташкилотларни бевосита бирлаштирувчи район ва шаҳар партия ташкилотлари партиянинг таянч тузилма бўғинидир.

Район, шаҳар партия конференцияси беш йил муддатга район, шаҳар партия комитетини, шунингдек назорат комиссиясини сайлайди. Партия комитетининг қарорига, тегишли назорат комиссиясининг таклифига биноан ёки муайян ташкилот аъзоларидан камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига мувофиқ навбатдан ташқари партия конференцияси чақирилади.

Район, шаҳар партия комитети бошланғич ташкилотларнинг фикрини эътиборга олиб, ўз пленумида район, шаҳар партия комитетининг бюросини сайлайди.

Партиянинг район, шаҳар комитетлари коммунистлар ҳисобини юритади, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради, улар билан биргаликда меҳнат жамоаларида ва фуқароларнинг истиқомат жойида партия сиёсати ва қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ишни ташкил этади, аниқ ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа муаммоларни жамоатчилик ва ҳокимият идоралари муҳокамасига қўяди, уларнинг амалга оширилишига кўмаклашади.

20. Мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия ташкилотлари, ўлка, вилоят, округ партия ташкилотлари мухтор жумҳурият, ўлка, вилоят, округ ҳудудида партия сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ишни ўтказадилар, ўзлари қабул этган қарорларнинг ҳамда юқори партия органлари қарорларининг ижро этилишини таъминлайдилар.

Мухтор жумҳуриятнинг жумҳурият партия конференцияси, ўлка, вилоят, округ партия конференцияси беш йил муддатга тегишли партия комитетини, шунингдек назорат комиссиясини сайлайди. Навбатдан ташқари конференциялар комитетнинг қарорига мувофиқ, назорат комиссиясининг таклифига ёки муайян ташкилот жами аъзоларидан камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади.

Заруратга қараб чақириладиган конференциялар, шунингдек партия комитетларининг пленумлари партия ташкилотларининг фикрларини эътиборга олиб, региондаги сиёсий, миллий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий-маънавий муаммоларни ҳал этиш дастурларини ишлаб чиқиб, давлат ҳокимияти идораларига ва аҳолига таклиф қиладилар. Шу конференция ва пленумларда партия ички турмуши, кадрлар билан ишлаш, партия ташкилотининг бюджети,ноширлик фаолияти масалалари кўриб чиқилади.

Мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия комитетлари, ўлка, вилоят, округ партия комитетлари пленумларда бюро сайлайдилар, ўз ташкилотининг тузилишини мустақил белгилайдилар, энг йирик бошланғич партия ташкилотларига КПСС аъзоларини ҳисобга олиш масалаларида район партия комитетлари ҳуқуқини берадилар.

21. Район, шаҳар, округ, вилоят ва ўлка, мухтор жумҳуриятнинг жумҳурият партия ташкилотлари назорат комиссияси комиссиянинг президиумини сайлайди. Назорат комиссиялари раҳбар органларнинг қарорлари ижросини кузатиб борадилар, коммунистларнинг партия интизомига ва ижтимоий ахлоқ қоидаларига риоя этиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қиладилар, партия аъзоларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя этадилар, уларнинг шикоят-аризаларини кўриб чиқадилар, танқидни бўғишда ва суиистеъмолларда айбдор бўлганларни жавобгарликка тортадилар, партия бюджетининг ижросини ҳамда партия муассасаларининг хўжалик фаолиятини тафтиш қиладилар. Назорат комиссияси ўзини сайлаган органга ҳисоб беради, район, шаҳар, округ, вилоят, ўлка ёки мухтор жумҳуриятнинг жумҳурият партия конференцияси тасдиқлаган низомга мувофиқ мустақил ишлайди.

Иттифоқдош жумҳуриятларнинг коммунистик партиялари

22. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Коммунистик партиялари мустақилдирлар. Улар КПССнинг энг муҳим дастурий ва Устав қоидалари негизида ўзларининг дастурий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқадилар, сиёсий, ташкилий, кадрлар, ноширлик, молиявий-хўжалик масалалари ва бошқа масалаларни ҳал қиладилар, жумҳуриятларнинг давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти соҳасида партиянинг йўлини ўтказадилар. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартиялари бошқа, шу жумладан хорижий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан алоқа қилиб турадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларига тааллуқли жиддий қарорлари уларнинг мухтор вакиллари иштирокида қараб чиқилади. Иттифоқдош жумҳурият Компартияси Марказий Комитети қабул қилинган қарорга қўшилмаган тақдирда бу қарорни ижро этиш учун қабул қилмай, низоли масалаларнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида ёки КПСС Марказий Комитети билан КПСС Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумида муҳокама этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

КПССнинг СССР Қуроли Кучларидаги ташкилотлари

23. СССР Қуролли Кучларидаги партия ташкилотларининг фаолияти КПСС Устави ҳамда умумармия партия конференцияси тақдимига биноан КПСС Марказий Комитети тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида қурилади.

СССР Қуролли Кучларидаги партиявий иш бошланғич партия ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган партия органлари орқали амалга оширилади. Улар ҳарбий жамоалар турмуши ва фаолиятига ўз таъсирларини армия коммунистлари орқали ўтказадилар, ҳарбий кенгашлар, командирлар, ҳарбий-сиёсий органлар, тегишли территориал партия ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда иш олиб борадилар. Умумармия партия конференцияси СССР Қуролли Кучларининг юқори партия органи бўлиб, у партия комитетини сайлайди.

Қуролли Кучларнинг коммунистлари территориал партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайлашлари ва сайланишлари мумкин.

Район, шаҳар, округ, вилоят, ўлка, жумҳурият партия конференцияларига, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг съездларига делегатлар территориал партия комитетлари белгилайдиган ваколат нормалари асосида қўшин қисмлари ва бирлашмаларининг партия йиғилишларида ва конференцияларида сайланадилар.

КПСС съездига, Бутуниттифоқ ва умумармия партия конференцисига армия ва флот партия ташкилотларидан делегатлар сайлаш КПСС Уставига биноан ўтказилади.

Изоҳ. Давлат хавфсизлиги комитети қўшинларида, ички ва темир йўл қўшинларида партиявий иш Қуролли Кучларда бўлгани каби уюштирилади.

КПССнинг юқори ва марказий органлари

24. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг съезди унинг олий органидир. Навбатдаги съездлар КПСС Марказий Қомитети томонидан ҳар беш йилда камида бир марта чақирилади. Марказий Қомитетнинг съезд чақириш тўғрисидаги қарори, кун тартиби ва вакиллик нормаси съездга камида уч ой қолганида эълон қилинади. Марказий Қомитет съезд муҳокамасига қўйиладиган асосий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳасини матбуотда эълон қилади.

КПССнинг навбатдан ташқари (фавқулодда) съезди Марказий Қомитет томонидан ўз ташаббуси билан, КПСС Марказий назорат комиссиясининг таклифига кўра ёки коммунистлар умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг, шунингдек учта ва ундан кўпроқ иттифоқдош жумҳурият Компартияларининг талабига мувофиқ чақирилади. Съезд икки ой муддат ичида чақирилади ва унда кўпчилик иттифоқдош жумҳурият Компартияларининг вакиллари қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Марказий Қомитет навбатдан ташқари (фавқулодда) съездни чақирмаган тақдирда уни ўтказишни талаб қилган ташкилотлар навбатдан ташқари (фавқулодда) съездни чақириш юзасидан партия Марказий Қомитети ҳуқуқларига эга бўладиган ташкилий комитетни тузишлари мумкин.

25. КПСС съезди:

— Марказий Қомитетнинг ва Марказий назорат комиссиясининг, съездда сайланадиган бошқа органлар ва шахсларнинг ҳисоботлари ва маърузаларини тинглайди, қарорлар қабул қилади, ва уларнинг ишига баҳо беради;

— партия Программаси ва Уставини қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгартиради;

— партия қурилиши, мафкуравий фаолият, КПССнинг ички ва ташқи сиёсати соҳасида партия йўлини белгилаб беради;

— КПСС Марказий Қомитетини ва Марказий назорат комиссиясини сайлайди;

— КПСС Марказий Қомитетининг Бош котиби ва унинг ўринбосарини сайлайди, айни вақтда уларни КПСС Марказий Қомитетининг аъзолари қилиб сайлайди;

— КПСС Марказий назорат комиссияси раисини сайлайди, айни вақтда уни КПСС Марказий назорат комиссияси таркибига ва Марказий назорат комиссияси президиуми таркибига киритади.

26. КПСС Марказий Қомитети съездлар оралиғидаги даврда партия сиёсати ва амалий фаолиятининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун КПСС Бутуниттифоқ конференциясини чақиради.

Конференция КПСС Марказий Қомитети ва Марказий назорат комиссиясининг иши ҳақидаги ҳисоботларни тинглашга, уларнинг таркибини қисман (съездлар оралиғидаги даврда учдан бир қисмигача) қайта сайлашга, КПСС дастурий ҳужжатлари доирасида партия учун мажбурий бўлган бошқа қарорларни қабул қилишга, партия Уставига ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

27. Съездлар ва конференциялар оралиғидаги даврда КПСС Марказий Қомитети:

— КПСС съездлари ва конференцияларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

— ички ва ташқи сиёсат мазмунига доир таклифларни ишлаб чиқиб, уларни СССР халқ депутатлари Съездларига ва СССР Олий Советига киритади;

— Иттифоқ ваколатли органларида КПСС партия гуруҳлари (коммунистларнинг фракциялари) фаолиятини йўналтириб туради;

— КПССнинг кадрларга доир сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

— партия муассасаларини, корхоналарини тузади ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб туради;

— мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, чет эл партиялари билан алоқаларда КПСС номидан иш кўради.

28. Марказий Қомитет Пленумлар оралиғидаги даврда сиёсий ва ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросини сайлайди, унинг неча кишидан иборат бўлишини КПСС Марказий Қомитетининг Пленуми белгилайди. КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросига КПСС Марказий Қомитетининг Бош котиби, унинг ўринбосари ва иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Қомитетларининг биринчи котиблари кирадилар.

Марказий Қомитет Сиёсий бюросининг ишига КПСС Марказий Қомитетининг Бош котиби раҳбарлик қилади. КПСС Марказий Қомитетиниг Сиёсий бюроси қарорларни ўз номидан партия ташкилотларига юборади. Сиёсий бюро энг муҳим сиёсий масалаларга доир қарорларни бошланғич партия ташкилотлари муҳокамасига қўяди ва сўнгра тасдиқлаш учун КПСС Марказий Қомитети Пленумига ҳавола қилади.

Марказий Қомитет Сиёсий бюроси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили КПСС Марказий Қомитети Пленумида ҳисобот бериб туради.

Марказий Қомитет КПСС Марказий Қомитетининг Секретариатини сайлайди, унинг ишига КПСС Марказий Қомитети Бош котибининг ўринбосари раҳбарлик қилади. Секретариат партияда съездлар, конференциялар, Марказий Қомитет, унинг Сиёсий бюроси қарорлари ижросини ташкил қилади, КПСС Марказий Қомитети аппарати ишини йўналтириб туради.

29. КПСС Марказий Қомитетида унинг фаолиятидаги асосий йўналишлар юзасидан доимий комиссиялар тузилади. Улар КПСС Марказий Қомитети Пленумида Марказий Қомитет аъзоларидан, шунингдек маслаҳатчи сифатида тасдиқланадиган бошқа коммунистлардан тузилади. Комиссияларга КПСС Марказий Қомитети котиблари бошчилик қиладилар.

30. КПСС Марказий назорат комиссияси ўз фаолиятида КПСС Уставига ва партия съездида тасдиқланадиган низомга амал қилади. У ўз пленумида президиум сайлайди.

31. КПСС Марказий Қомитети ва КПСС Марказий назорат комиссияси йилига камида икки марта ялпи мажлис, зарур ҳолларда эса қўшма мажлислар ўтказади.

КПСС Марказий Қомитетининг аъзолари КПСС Марказий назорат комиссияси пленумлари ишида, Марказий назорат комиссиясининг аъзолари эса КПСС Марказий Қомитетининг Пленумлари ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин.

Партия аъзоси айни бир вақтда КПСС Марказий Қомитети ва КПСС Марказий назорат комиссиясининг аъзоси бўла олмайди.

IV. Советлардаги, давлат органларидаги, жамоат бирлашмаларидаги коммунистлар

32. Партия ташкилотлари ва комитетлари давлат ва хўжалик органлари вазифалари аралаштириб юборилишига йўл қўймаган ҳолда уларда ишлаётган коммунистлар орқали партиянинг сиёсий йўлини ўтказадилар.

33. КПСС халқ депутатлари Советларига эркин сайловларда ва совет фуқаролари хоҳиш-иродасини ифодалашнинг бошқа шакллари орқали жамиятда сиёсий раҳбарлик мавқеи учун курашади. Партия ташкилотлари ўз сайловолди ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиб эълон қиладилар, халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш учун коммунистларни тавсия этадилар, уларга сайлов кампаниясини ташкил этишда ёрдам берадилар.

Партия ташкилотлари Конституция негизида ва унга мувофиқ равишда ҳаракат қилувчи бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва тузилмалар билан сайловолди битими тузиши, депутатликка улар кўрсатган ва КПСС аъзолари бўлмаган номзодларни қўллаб-қувватлаши мумкин.

34. Халқ депутатлари съездлари ва Советларининг сессияларида уларга сайланган коммунистлар Советларнинг ваколат даврида ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш ҳамда сайловчилар хоҳиш-иродаси ва наказларини амалга ошириш учун партия гуруҳларига (коммунистларнинг фракцияларига) бирлаша оладилар. Советларда коммунистларнинг раҳбар партия органларидан мустақил бўлган, лекин КПСС номидан иш кўрадиган гуруҳлар ёки фракциялар тузишига йўл қўйилмайди.

Партия гуруҳлари (коммунистлар фракциялари) тегишли партия комитетлари билан ҳамжиҳат бўлиб, улардан ёрдам ва мадад оладилар, уларнинг қарорлари ва тавсияларини ҳисобга оладилар.

Жорий ишлар учун партия гуруҳлари (фракциялари) бюро ёки раис сайлашлари мумкин.

35. Партия демократия ва ижтимоий адолат тарафдори бўлган ижтимоий кучлар билан ҳамкорлик қилади. У касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар билан ўз муносабатларини сиёсий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, ўзгалар нуқтаи назарини ҳурмат қилиш асосида қуради.

Жамоат ташкилотлари чақирадиган съездлар ва конференцияларда Советлардаги гуруҳлар (фракциялар)га ўхшаш партия гуруҳлари (коммунистларнинг фракциялари) тузилиши мумкин.

36. Партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшлар билан ишлашда ВЛКСМга таянадилар, социалистик йўлни қўллаб-қувватловчи бошқа ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладилар, уларнинг фаолиятига ҳар томонлама ёрдам берадилар, КПССнинг ёшларга доир сиёсатини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга уларни жалб қиладилар. Партия ва комсомол ташкилотларининг ўзаро муносабатлари сиёсий шериклик, ғоявий муштараклик, коммунистик ёшлар иттифоқининг ташкилий мустақиллигини тан олиш қоидаларига, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланиб қурилади. Партия ВЛКСМни ўз сафларини тўлдириш учун энг яқин резерв деб ҳисоблайди.

Ёшлар ташкилотлари сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари тегишли партия комитетларида ёшларга оид сиёсат масалалари кўриб чиқилаётганида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

37. Бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетлари коммунистларни ва партиясизларни давлат, хўжалик, ижтимоий фаолиятнинг аниқ участкаларига тавсия эта оладилар. Сиёсий усулларда иш олиб бориб, уларнинг тегишли лавозимларга сайланишида ёки тайинланишида кўмаклашиб, уларга мадад кўрсатади, коммунистларнинг ишлари тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди, бунда чиқарилган хулосалар ва тавсияларни ошкор қилади.

V. КПССнинг пул маблағи ва мулки

38. КПСС ва унинг ташкилотлари фаолияти партия даромадлари ҳисобидан молиявий ва моддий-техникавий ресурслар билан таъминланади.

КПССнинг пул маблағи партия аъзолик бадалларидан, нашриёт, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти даромадларидан, коммунистларнинг, айрим фуқароларнинг ихтиёрий бадалларидан ҳамда амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан таркиб топади.

Партия аъзолари учун ҳар ойда тўланадиган аъзолик бадаллари қуйидаги миқдорда белгиланади:

даромад 70 сўмгача бўлганида — 10 тийин
71 сўмдан 100 сўмгача — 20 тийин
101 сўмдан — 150 сўмгача — 30 тийин
151 сўмдан — 250 сўмгача — 1 фоиз
250 сўмдан ошганда — 2 фоиз

Ишлаётган коммунист пенсионерлар партия аъзолик бадалларини пенсиядан ва иш ҳақидан алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

39. КПСС бюджети, унинг тузилиши, унга маҳаллий партия ташкилотлари даромадларидан ажратмалар ва уларга дотацияларнинг миқдори, партия бюджетининг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот партия Марказий Қомитетининг Пленумида тасдиқланади ва бундан коммунистлар хабардор қилинади.

КПСС Марказий назорат комиссияси, бошқа назорат органлари харажати учун маблағ тегишли партия комитетлари ва назорат комиссияларининг қўшма пленумларида белгиланади.

Барча партия ташкилотлари ўз бюджетларини тасарруф қилишда, структура, штат, ишлаб чиқариш-хўжалик масалаларини ҳал этишда, вақтли нашрларни тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатишда мустақилдирлар. Бюджетлар ва уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботлар партия комитетларининг пленумларида тасдиқланади. Партия комитетларининг сиёсий иш манфаатларига зид келмайдиган фойда келтирувчи хўжалик фаолияти рағбатлантирилади.

40. КПСС мулки умумпартия бойлигидир. Иморатлар, иншоотлар, ускуналар, асбоб-анжомлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасаларининг мулки, пул даромадлари, корхоналар, партия нашриётлари ва улар таркибига кирувчи вақтли нашрлар ва босмахоналар, шунингдек партия фаолияти учун зарур бўлган бошқа мулк КПСС мулкчилик ҳуқуқининг объектларидир.

Партия комитетлари партия ташкилотлари мулкини оператив бошқарадилар (эгалик қиладилар, фойдаланадилар, тасарруф қиладилар). КПСС Марказий Комитети, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Қомитетлари, жойлардаги партия комитетлари, шунингдек КПСС корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланадилар ва бу ҳуқуқларни ўз таркибидаги бўлинмаларга бера оладилар. Бошланғич партия ташкилотлари юридик шахс ҳуқуқларидан амалдаги қонунларга мувофиқ фойдаланишлари мумкин. Тушган аъзолик бадаллари маблағидан 50 фоизгача бўлган қисми бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлашга юборилади.

Партия ташкилотларининг молиявий фаолиятига, пул маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашга оид масалаларни ҳал этиш учун район, шаҳар партия комитетлари, райком ҳуқуқига эга бўлган партия комитетлари ҳузурида бошланғич партия ташкилотларининг котиблари иштирокида молия комиссиялари тузилади.

Маҳаллий партия комитетлари ва назорат комиссиялари партия бюджетининг аҳволи ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисида коммунистларни ҳар йили хабардор қилиб турадилар.

ИЛОВА

КПСС Устави асосида қуйидаги норматив-методик ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумида тасдиқланади:

КПССда сайлов ҳамда сайланган органлар таркибидан чақириб олиш тартиби тўғрисида йўл-йўриқ;

КПСС аъзоларини ҳисобга олиш ва партия статистикаси тўғрисида йўл-йўриқ;

партия ташкилотлари ва комитетларида иш юритиш тўғрисида йўл-йўриқ;

партия аъзолик бадалларини ҳисобга олиш ва партия ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятига доир йўл-йўриқ;

СССР Қуролли Кучларидаги партия ташкилотларининг иши тўғрисида йўл-йўриқ;

бошланғич партия ташкилоти котибининг мақоми тўғрисида Низом;

«КПСС ветерани» тўғрисида Низом;

партияда референдумлар ва мунозаралар ўтказиш тўғрисида Низом.

КПСС МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ТАСДИҚЛАГАН

1. КПСС Марказий назорат комиссияси (КПСС МНК) партия марказий органлари ва уларнинг идоралари фаолиятини коммунистлар ва партия ташкилотлари назорат қилиши мақсадида партия съезди томонидан сайланади. Комиссия КПСС Уставига ва мазкур Низомга амал қилади, ўз фаолиятида мустақилдир, КПСС съезди ва конференциясига ҳисоб беради.

2. КПСС Марказий назорат комиссияси:

— КПСС Дастурий ҳужжатлари ва Устави, партия съездлари ва конференцияларининг қарорлари бажарилишини, КПСС Марказий Комитети, унинг ижроия органлари фаолиятида инсонпарварлик, коллегиаллик, ошкоралик, бошқа демократик принципларга риоя этилишини назорат қилади, агар уларнинг қарорлари дастурий қоидалар ҳамда Устав қоидаларига, амалдаги қонунларга мос келмаса норозилик билдиради; партия сиёсатида бюрократизм, субъективизм, ўзбошимчаликка, танқидни бўғиш, суиистеъмол ҳолларига қарши чоралар кўради;

— партия сафларининг бирлиги ва партиявий ўртоқликни мустаҳкамлашга, бошланғич партия ташкилотларининг обрўси ва мустақиллигини оширишга кўмаклашади, коммунистнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, партия ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган партия органларида озчиликнинг ўз позициясини ҳимоя қилиш ҳуқуқи камситилмаслигини, қабул қилинган қарорлар эса барча коммунистлар томонидан бажарилишини кузатиб боради;

— КПСС бюджети ижросини назорат этади, КПСС Марказий Комитети, унинг муассасалари, матбуот органлари, нашриётлари ва корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади;

— КПСС Марказий Комитети, унинг ижроия органлари ва аппаратида, муассасалари ва корхоналарида партия ташкилотлари мурожаатномаларини, хатлар ва аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини текширади;

— унинг номига партия ташкилотлари ва коммунистлардан келаётган мурожаатномаларни кўриб чиқади, аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан таклифлар киритади, тушунтириш беришларни талаб этади, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан партиянинг обрўсига путур етказадиган ҳар қандай коммунистни КПСС Уставига мувофиқ жавобгарликка тортади. КПСС Марказий назорат комиссиясининг партиядан чиқариш тўғрисидаги қарори тегишли бошланғич партия ташкилотигача етказилади, эътироз бўлган тақдирда ушбу партия ташкилоти вакиллари иштирокида қарор қайта кўриб чиқилади, шундан кейингина у қабул қилинган, деб ҳисобланади;

— иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг ва тегишли назорат комиссияларининг КПССдан чиқариш ва жазо бериш тўғрисидаги қарорларига доир шикоят аризаларини кўриб чиқади;

— иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия ташкилотлари, ўлка, вилоят, округ, шаҳар ва район партия ташкилотларининг назорат комиссияларига методик ёрдам кўрсатади, партия назорати амалий ишларини таҳлил этади.

3. КПСС Марказий назорат комиссияси партия съезди белгилаган таркибда сайланади. КПСС Марказий назорат комиссиясига сайланган коммунистлар бир вақтнинг ўзида КПСС Марказий Комитетида туришлари ёки унинг аппаратининг ходими бўлишлари мумкин эмас.

КПСС Марказий назорат комиссиясининг ялпи мажлислари зарур бўлган тақдирда йилига камида икки марта, шунингдек Марказий назорат комиссияси аъзолари учдан бир қисмининг талабига биноан ўтказилади.

4. КПСС Марказий назорат комиссияси пленумда ўз аъзолари таркибидан КПСС Марказий назорат комиссияси ҳайъатини сайлайди, бунга КПСС Марказий назорат комиссияси раисининг ўринбосарлари ҳам киради, Марказий назорат комиссияси аъзолари, шунингдек бошқа коммунистлардан маслаҳатчилар сифатида тасдиқланган доимий комиссиялар ва назорат гуруҳларини, бошқа органларни тузади. Марказий назорат комиссияси ҳайъатининг ва у ташкил этадиган органларнинг ваколатларини белгилайди.

Марказий назорат комиссиясининг ҳайъати ҚПСС Марказий назорат комиссиясининг пленумига ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

5. Марказий назорат комиссиясининг аъзолари КПСС Марказий Қомитети Пленумлари ва комиссияларининг ишида, КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси ва унинг ўринбосарлари эса Сиёсий бюро ва ҚПСС Марказий Қомитети бошқа ижроия органларининг мажлисларида маслаҳат овози билан қатнашадилар.

6. КПСС Марказий назорат комиссияси ишларни ошкора олиб боради, ўз фаолияти тўғрисида партия ташкилотларига мунтазам хабар бериб туради, у қабул этган қарорлар партия матбуотида эълон қилинади. Марказий назорат комиссиясининг аъзолари партия ташкилотларида муттасил ҳисоб бериб турадилар.

7. КПСС Марказий назорат комиссияси партия бюджети маблағлари ҳисобидан ишлаш учун зарур аппарат ходимларига эга бўлади ва ўз фаолиятини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлайди. КПСС Марказий назорат комиссиясига сарфланадиган маблағ КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумларида белгиланади.

8. КПСС Марказий назорат комиссияси билан КПСС Марказий Қомитети ўртасида пайдо бўладиган келишмовчиликлар тенг асосда тузиладиган келиштирувчи комиссиялар томонидан, шунингдек КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюроси билан ҚПСС Марказий назорат комиссияси ҳайъатининг қўшма Пленумлари ва мажлисларида бартараф этилади. Қўшма қарор учун Марказий Қомитет ва Марказий назорат комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми алоҳида-алоҳида овоз берган бўлса, у қабул қилинган, деб ҳисобланади.

9. КПСС Марказий назорат комиссияси ўзига тегишли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, тафтиш якунларига асосан актлар тузади ва уларни ҚПСС Марказий Қомитетига ҳамда қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида КПСС Марказий назорат комиссиясига хабар бериши лозим бўлган тафтиш этилган муассасалар ва корхоналарнинг раҳбарларига етказади.

КПСС Марказий назорат комиссиясининг аъзолари партиянинг барча ҳужжатларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

ПАРТИЯНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ЯНГИЛАЙЛИК, ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДА КЕНГ МИҚЁСДА БИРЛАШАЙЛИК

М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС XXVIII съездидаги якунловчи сўзи

Азиз делегат ўртоқлар!

Съезд ўз ишини тугаллади. Кун тартибидаги масалалар кўриб чиқиб бўлинди, энди мен пировардида бир неча сўз айтмоқчиман.

Ҳозир, чамаси, XXVIII съезд партиядаги, жамиятдаги воқеаларнинг боришига қандай таъмир ўтказишини тўла-тўкис баҳолаш қийин. Бироқ, менимча, ҳар ҳолда бир нарса равшан — у узоқ давом этадиган, салмоқли таъсир ўтказади. Хўш, съезд партия учун қандай йўл-йўриқлар қабул қилди, у жамиятга қандай хабарлар йўлламоқда?

Аввало КПСС партия ташкилотларининг, партия комитетларининг ишчилардан, деҳқонлардан ва зиёлилардан ҳануз ажралиб турганлигини бартараф этишга, мамлакатнинг меҳнат жамоалари билан кундалик жонли турмушни йўлга қўйишга аҳд қилди. Шу асосда у ўзининг жамиятдаги пешқадамлик ролини оширишга, инқилобий қайта қуришимизнинг мақсадларига эришишга янада кўпроқ ҳисса қўшишга қарор берди. Сўнгра. Партия Советларга муносабатни тубдан ўзгартириш, унинг фаолияти билан шуғулланишга уринишдан воз кечиш, Советларнинг мустаҳкамланишига ҳар томонлама кўмаклашиш, аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда халқ депутатларига ёрдамлашиш ниятида эканини билдирди.

Съезд партиянинг бошқа ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва ташкилотлар билан алоқа боғлашга тайёрлигини изҳор этди. Инқирозни бартараф этиш ва чуқурислоҳотларни амалга ошириш йўлида Марказий Комитетнинг Сиёсий ҳисоботига оид резолюцияда бил-

дирилган кенг миқёсда бирлашиш ғояси — тактика мулоҳазаси билан айтилган ибора эмас, балки мамлакат ва халқ манфаатлари ҳақидаги ғамхўрлик тақозоси билан қилинган жиддий таклиф эканини энди биз амалда исботлашимиз керак. Бу осонликча бўлмайди, кўриб турибман, буни ўзлаштириш ҳам осон бўлмас, аммо биз ўз йўлимизни танлаб олдик. Ўйлайманки, бу — қайта қуриш жараёнлари боришининг ўзи тақозо этган жуда тўғри ва керакли йўлдир. Биз демократия ва социализм йўлидан бораётган барча кучларга қўл узатамиз ва уларни ҳамкорликка чорлаймиз.

Съездимиз жамиятга яна бир муҳим хабар бермоқда. Съезд партияни инқироз гирдобидан чиқариб олиш учун бениҳоя муҳим қадамлар қўйди. Биз хатоларни ҳалол очиб ташладик ва социализм байроғи остида қилинган жиноятларни кескин қоралаб, халқимизнинг ижодий кучларини бўғиб келган ҳамма иллатларни улоқтириб ташладик. Аммо шу билан бирга коммунистларнинг неча-неча авлодлари мамлакат учун қилган ҳамма фойдали ишларни йўққа чиқариш йўлидаги уринишларни қатъиян рад қиламиз. **(Қарсаклар).** Партиядан тавба-тазарру қилишни, ўч олишни талаб қилаётган, уни оз бўлмаса жиноий ташкилот, деб эълон қилаётган кимсалар шу йўл билан уни сиёсий турмушдан четлаштиришга, шу тариқа жамиятни инқилобий янгилаш бутун ишига зарба уришга очиқдан-очиқ интилмоқдалар. Биз буни бошқача эмас, айнан шундай деб биламиз. Қисқаси: бундай усулларни ишга солаётганларга демократияга зид бўлган мана шундай гижгижловчилик фаолиятини тўхтатишни тавсия этамиз. Коммунистлар эса даҳмазаларни улоқтириб ташлаб, енг шимариб ғайрат билан ишлашлари керак, ўртоқлар. **(Қарсаклар).** Халқ КПСС ҳақида унинг ишларига қараб баҳо беради. **(Қарсаклар).**

Шу кунлар давомида бу ерда қайта қуришни бундан буён қандай олиб бориш, қайси вазифаларни биринчи галда ҳал қилиш ҳақида кўп ва батафсил гапирилди. Натижада биз энг туб ўзгартишларнинг биринчи галдагиларини — қишлоқни ривожлантириш, озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, янги Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиб, қабул этиш; истъемол бозоридаги аҳволни яхшилаш, иқтисодий ўзгартишларни кучайтириш; интизом ва тартибни мустаҳкамлаш зарурлигини тушуниб олдик. Биз эртагаёқ киришмоғимиз керак бўлган энг муҳим ишлар мана шулардан иборат. **(Қарсаклар).**

Бу мақсадда СССР Президентининг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳамма ваколатларидан фойдаланилади, деб сизларга ваъда бермоқчиман. Ҳеч кимнинг қайта қуришни барбод этишига йўл қўйилмайди! **(Қарсаклар).**

Халқаро ишларда бизда кўпгина муҳим вазифалар навбат кутиб турибди. Ғарб мамлакатлари раҳбарларининг Совет Иттифоқини энди душман, деб ҳисобламаймиз, унга дўстлик ва ҳамкорлик қўлини узатамиз, деган баёнотидан мамнуният изҳор этиш учун шу минбардан фойдаланмоқчиман. Дарвоқе, ростини айтганда, биринчи бўлиб биз қўл узатган эдик. Аммо бу ишда ким устун эканлиги ҳақида баҳслашмоқчи эмасмиз. «Совуқ уруш»га чек қўйилганлиги муҳимдир. **(Қарсаклар).**

Етти Ғарб давлати раҳбарларининг яқинда Хьюстонда бўлиб ўтган учрашувида Совет Иттифоқига иқтисодий мадад бериш эҳтимоли ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Биз бу хусусда қандай фикрдамиз? Бу масалани жамоатчиликкина эмас, Ғарб мамлакатларининг ҳукуматлари ҳам ўртага қўяётганлигининг ўзи бизнинг ўз яккаланишимизни бартараф этишга ва жаҳон иқтисодиётига қўшилишга интилишимиз маъқуллаб кутиб олинаётганлигидан дарак беради. Биз ҳамкорлик қилишга тайёрмиз ва кўмак учун миннатдор бўламиз. Биз илтимосчилар тариқасида эмас, балки ҳеч нарсани текинга олишни хаёлига келтирмаётган ҳамкорлар тариқасида иш тутамиз. Айни вақтда бундай ҳамкорлик учун бирон-бир сиёсий шартлар қўйиш йўлидаги уринишлар истисно этилишини таъкидлаб қўймоқчиман. Ҳамкорлик фақат тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли асосдагина ривожланиши мумкин ва лозим. **(Қарсаклар).**

Энди партиянинг ўзи ҳақида.

Биз съезд ишининг якунларини аввало коммунистларга етказишимиз, партия туб қайта қуриш даврига кирганини чуқуррок англаб олишда уларга ёрдам беришимиз лозим. Партия ўзининг ҳаёт қобилиятини тўла-тўкис намоён этиши, амалда пешқадамлик салоҳиятига эга бўлиб қолиши учун учта шартни таърифлаб бермоқчиман.

Биринчидан, бунинг учун партия ўзининг бутун ишини ва бутун тузилишини янги Устав ва съезднинг Дастурий баёноти негизида қатъият билан ва ҳеч кечикмай қайта қуриб олиши, шу тариқа янги шароитда ўзининг пешқадам партия бўлиш ролини самарали бажариши лозим. Биз КПССда кенг қамровли демократия, ўртоқлик, рўй-ростлик, ошкоралик, танқид асосида партиялилар оммасининг ҳокимиятини қарор топтириш учун ҳамма ишни қилишимиз керак.

Иккинчидан, сиёсат ва амалий фаолиятнинг бир қанча масалалари хусусида турли фикрлар ва ҳатто ҳаракат дастурлари мавжуд бўлган шароитда кўпчилик озчиликка ҳурмат билан қараши лозим. Биз бир-биримизнинг фикримизни эшитишни ўрганишимиз, куч билан зуғум қилмаслигимиз, чўчитмаслигимиз керак. Ҳақиқат иш натижаларига қараб амалда исботланадиган бўлсин.

Ниҳоят, учинчидан, — ўқиб ўрганишимиз, ўз маданиятимизни оширишимиз керак, ўртоқлар. Агар биз шу йўлга ўтиб олсак, бошқа кучлар билан мулоқот қилишимиз ва алоқа боғлашимиз осонроқ бўлади, меҳнаткашлар оммасининг ва улар ташкилотларининг кўпроқ ишончини қозонамиз.

Марказий Комитет ва Бош котиб сифатида мен ҳам жумҳуриятларнинг Компартиялари ўзларининг янги мустақил мақомига тезроқ эга бўлиб олишларига ҳар томонлама кўмаклашаверамиз, уларнинг бу янги мақоми коммунистларни ва миллатларни пароканда қилишга эмас, балки КПССни муштарак ғоявий-сиёсий негизда — кўп миллатли буюк Иттифоқимизнинг яхлитлиги манфаатлари йўлида байналмилал руҳда янгича жипслаштиришга олиб борган булур эди. **(Қарсаклар).**

Охирида мен қуйидагиларни айтмоқчиман.

Съезд арафасида, ҳатто съезд ишлаб турган кунларда ҳам, айниқса дастлабки пайтларда ўз мамлакатимизда ҳам, жаҳон матбуотида ҳам КПСС янгиланиш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолган, унга сингиб кетган ақидапарастлик ва гуруҳбозликка барҳам бера олмайди, у қолоқликка, бинобарин, парчаланишга, сиёсат саҳнасидан кетишга маҳкум, деган хавотирликлар билдирилганлиги сир эмас. Бу хавотирликлар ўринсиз бўлиб чиқди, деб ишонч билан айтса бўлади. Бу — сўнгги съезд ва унда КПСС дафн этилади, деб умид қилганлар бу сафар ҳам янглишдилар. КПСС яшамоқда ва яшайверади, мамлакатимиз тараққиётига, жаҳон маърифатининг тараққиётига ўзининг тарихий ҳиссасини қўшаверади. **(Қарсаклар).**

Партияни янгилашда катта қадам қўйилди. XXVIII съезд жўнгина ўтгани йўқ. Унда, очиғини айтганда, сўнгги дақиқаларгача ҳам жўшқин мунозаралар, таъбир жоиз бўлса, шиддатли тўқнашувлар бўлиб турди. Аммо у охир-оқибатда қайта қуришнинг руҳи ва мақсадларига мос келадиган муҳим қарорлар қабул эта олди. Эҳтимол, биз бугун партиямиз учун, социализм учун, халқимиз учун, унинг бугунги ва эртанги куни учун жон куйдираётган кишилар сифатида зўр мамнуният билан қайд эта оладиган энг муҳим ютуғимиз ҳам — мана шудир. **(Қарсаклар).**

Энди биз ўзимиз бошлаган янги йўлдан оғишмай боришимиз, эски йўлга тойиб кетмаслигимиз, одатдаги изга қайтмаслигимиз керак. Чунки бу — партия учун ҳалокат бўлур эди. Биз янги шароитда ўзларининг манфаатларини изҳор этиб, ҳимоя қила оладиган сиёсий куч бўлмиш партияга ишонаётган кўп миллионлаб совет кишиларининг умидларини пучга чиқаришга мутлако ҳаққимиз йўқ. Келинглар, КПСС ўзини ўзи қайта қуриб, халқнинг мана шу умидларини рўёбга чиқаришга қодир эканлигини исбот қилайлик, мана шунда у ўз обрў-эътиборини қайта тиклаб олади, ҳақиқатан ҳам пешқадам партия бўлиб қолади, унинг кучи буйруқ беришда эмас, балки одамларнинг онгига таъсир ўтказишда эканлиги намоён бўлади.

Шу билан сўзимни тамомлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, ишларда муваффақият тилашга ва биз бу ерда, съездимизда биргаликда қилган иш учун сизларга ташаккур айтишга ижозат бергайсизлар. **(Давомли қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети аъзолигига Ўзбекистон Компартиясидан сайланганлар

Абдуллаев Жўра Абдуллаевич — Тошкент электротехника алоқа институти ректори.

Абдураҳмонов Жўрабой — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 10-қурилиш трестининг бригадири, Наманган вилояти.

Абдураҳмонов Пўлат Мажидович — Ўзбекистон Компартияси Самарқанд вилоят комитетининг биринчи котиби.

Абобакиров Обиджон Олимович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг М. Горький номли давлат хўжалиги тракторчиси, Андижон вилояти, Балиқчи райони.

Отажонов Рўзмат — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг Ленин номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм вилояти, Хива райони.

Бердиев Ҳаким Эшбоевич — Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё вилоят комитетининг биринчи котиби.

Евтеев Александр Иванович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 7-трести ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармасининг ёғочни қайта ишлаш цехи бригадири, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри.

Ефимов Анатолий Степанович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби.

Қодирова Каромат Зоидовна — Жиззах вилояти Зомин районидаги Большевик номли 26-ўрта мактаб директори.

Каримов Ислом Абдуғаниевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти.

Мамарасулов Солижон — Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби.

Мирсаидов Шукурулла Раҳматович — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси.

Пирназаров Зарифбой — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитетининг «Маданият» давлат хўжалиги ижарачиси, Қорақалпоғистон АССР, Қораўзак райони.

Рўзиев Рўйитдин — Ўзбекистон ССР Давлат мелиорация ва сув хўжалиги комитети «Қаршистрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг «Қаршиирмонтаж» тресги бригадири, Қашқадарё вилояти.

Салоҳиддинов Маҳмуд — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти.

Сигедин Виталий Николаевич — В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори.

Турғунова Гулчеҳра — СССР Енгил саноат министрлиги Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, КПСС Марказий Комитети Секретариатининг аъзоси, Фарғона вилояти.

Шоева Розия Шариповна — Бухоро вилояти Шофиркон районидаги Мўминов номли жамоа хўжалиги партия комитетининг котиби.

Ёдгоров Дамир Солиҳович — Ўзбекистон Компартияси Бухоро вилоят комитетининг биринчи котиби.

Эслатма: Г. Турғунова КПСС Марказий Комитети Секретариати аъзолигига сайланди.

КПСС Марказий назорат комиссиясига Ўзбекистон Компартиясидан сайланганлар

Абдуллаев Кенжа — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Туямуюнгидрострой» қурилиш бошқармасининг бригадири, Хоразм вилояти.

Алламуродов Бўри Алламуродович — Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят комитетининг биринчи котиби.

Отажонов Алихон Раҳматович — Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё вилоят комитетининг биринчи котиби.

Атоев Ҳасан — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 163-қурилиш трестининг бригадири, Бухоро шаҳри.

Исроилов Фуркат Ортиқбоевич — СССР Кўмир саноати министрлиги «Узбекуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси 9-шахтасининг ерости кон ишчиси, Ангрен шаҳри.

Қодиров Рафиқ — СССР Темир йўллар министрлиги Ўрта Осиё темир йўлининг Қўқон локомотив депоси машинисти, Фарғона вилояти.

Муродов Қурбонбой — СССР Темир йўллар министрлиги Ўрта Осиё темир йўлининг Жиззах станцияси локомотив депоси тепловоз машинисти, Жиззах вилояти.

Умаров Акмал Нарзиевич — СССР Электрон саноати министрлиги «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловичси, Тошкент шаҳри.

Ҳатамов Набижон — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 162-қурилиш тресги бригадири, Андижон вилояти.

Хўжаниёзова Гулора Жуманиёзовна — Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги район медицина бирлашмасининг бош врачи.

Шодиев Шавкат Қурбонович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги Зирабулоқ тажриба-экспериментал заводининг электр пайвандчиси, Самарқанд вилояти.

Йўлдошев Шавкат Муҳиддинович — Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг раиси.

Эслатма: Ш. М. Йўлдошев КПСС Марказий назорат комиссияси Президиуми аъзолигига сайланди.

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВнинг КПСС XXVIII съездида сўзлаган нутқи

Ҳурматли делегат ўртоқлар! Жамиятда, халқда ҳозир норозилик шу қадар кўпайдики, ҳатто ўйланмай қўйилган битта ноўрин қадам ҳам партияни ва бутун мамлакатимизни ажралишга ва фалокатга олиб келиши мумкин, бу бизнинг ҳаммамизга равшан бўлиши керак. Ўзбекистон делегацияси ўз коммунистларидан бунга йўл қўймаслик учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилиш тўғрисида наказ олган. Улар партиямиз бошидан кечираётган чуқур тангликни бартараф этиш мумкинлигига ишонадилар. Ва бу ишонч жумҳурият Компартияси XXII съезди резолюциясида таъкидланган. Михаил Сергеевич Горбачевнинг маърузасида бу тангликдан чиқишнинг принципиал йўллари кўрсатиб берилган. Ўртоқлар, муҳокама қилинаётган масалаларга доир нуқтаи назаримиз ва уларга бераётган баҳомизни қисқача айтиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Биринчиси. Биз партияни янгилаш тарафдоримиз. Жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи куч бўлишга қодир партия, одамларнинг эҳтиёжлари ва орзу-умидларини қаноатлантирадиган, социалистик мақсадлар ва орзу-умидларга эришиш учун меҳнаткашларнинг, ишчилар ва деҳқонларнинг ҳаракатига бошчилик қила оладиган партия тарафдоримиз. Ҳозир фақат тубдан янгиланган партия, мустаҳкам интизомга асосланган кучли партиягина ўзи бошлаган қайта қуришни охиригача етказа олиши мумкинлиги ҳам бизга тобора равшан бўлмоқда.

Структура қурилиши тўғрисида. Биз КПСС умумий ҳаракат режалари ва ягона Уставга, Марказий Комитетга эга бўлган жумҳурият компартияларининг иттифоқи, деб биламиз. Биз КПСС тузилишининг территориал ишлаб чиқариш қоидаси тарафдоримиз, бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқларининг устунлигини таъминлаш тарафдоримиз. Бунда биз фракцияларга бутунлай қаршимиз ва партияда фақат бир тусдаги — марказ омманинг назорати остида ҳаракат қиладиган ва унинг иродасини ифодалайдиган демократик централизмни тан оламиз.

КППСни янгилаш, партия ички турмушини демократиялаш жараёнида иттифоқдош жумҳуриятлар компартияларининг мустақиллиги тўғрисидаги масала алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Очиғини айтамиз, ўртоқлар, жумҳурият Компартиясининг мақоми ҳозиргача вилоят партия комитетининг мақомидан жуда кам фарқ қилади. Биз Лениннинг партия тан олган ҳар бир комитет, иттифоқ, ташкилот ёки гуруҳ фақат мазкур жойга, мазкур районга, мазкур миллий ҳаракатга тааллуқли ишларни олиб боради, деган фикрини бутунлай унутиб қўйдик. Эндиликда шу ҳам айникса муҳимки, ҳозирги кўп партиявийлик шароитида бунингсиз жойларда пухта сиёсатни ўтказиб бўлмайди. Оммани ишонтириш ва ўз орқасидан эргаштириш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон коммунистлари мустақиллик ўз программасини ишлаб чиқишда, ўз ҳаракат тактикасини, кадрларга доир сиёсатини танлаб олишда, ўз бўлинмалари тузилишини, молиявий ва ноширлик ишларини белгилаб олишда, иттифоқдош республикалар ва чет мамлакатлар коммунистик партиялари, жамоат ҳаракатлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилишни ривожлантиришда иттифоқдош республика Компартиясининг тўла мустақиллигини билдиради, деб ҳисоблайдилар. Бунда жумҳурият Компартияси КПССнинг умумий Программаси ва Уставига амал қилиши лозим, албатта. Бу Программа ва Уставда партиянинг стратегик мақсадлари, жамиятни ривожлантиришнинг социалистик йўналишлари принцип жиҳатидан белгилаб қўйилиши лозим.

Иккинчиси. Иқтисодиётдаги оғишлар ва бузилишлар, ижтимоий ва миллатлараро зиддиятлар, ўзаро ишончсизлик, эртанги кунга умидсизлик ҳолати қайта қуриш жараёнларининг қонуний оқибати эмаслиги докладда тўғри таъкидланган. Шу билан бирга Марказий Комитет ва унинг раҳбарияти фаолиятида воқеаларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олдида бориш, биринчи навбатда бажариладиган устун ишларни тўғри белгилаб олиш, белгиланган режаларни амалга оширишда қатъийлик ва изчиллик кўрсатиш маҳорати етишмаяпти — буни тан олиш керак.

Ўзаро миллий муносабатларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган миллатлараро қарама-қарши туриш ва тўқнашишлар келтираётган даҳшатларни, вайронагарчиликларни, одамларнинг бошига тушган жуда катта кулфат ва укубатларни, ўша ўнглаб бўлмайдиган қурбонлар ва маҳрумликларни кўрмай қололмаймиз, кўрмасликка ҳаққимиз ҳам йўқ. Энг хавфлиси шундаки, баъзи жойларда одамлар онгида уйғонаётган, мен яна такрорлайман, баъзи жойларда уйғонаётган миллий мумтозлик ва

устунлик туйғуси миллатлар ва элатлар ўртасида юзлаб йиллар давомида вужудга келган бир-бирига ҳурмат ва яхши қўшничилик муносабатларини барбод қилиб юбориши мумкин.

Буларнинг ҳаммасига тегишлича баҳо бермасликка умуман йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, КПСС Марказий Комитетининг миллий масалага доир ҳаракат дастури ҳамда сўнгги вақтда қабул қилинган бошқа кўпгина ҳужжатлар миллатлараро муносабатларни барқарор этишга амалда тегишлича таъсир ўтказмаётир. Бизнингча, бундай аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — шошилинч равишда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишни бошлаб юборишдан иборат, бу шартномада ҳар бир жумҳуриятнинг суверенитети ва миллий давлат тузилиши, жумҳуриятлар ихтиёрий равишда марказга берадиган ваколатлар қатъий белгилаб қўйилиши лозим. Бунда масалани федерацияни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашдан энг аввало жумҳуриятларнинг ўзлари манфаатдор бўладиган тарзда қўйиш керак. Барча ўзаро муносабатларимизнинг пойдевори бўладиган бундай ҳужжатни қабул қилишдаги кечикиш шунга олиб борадики, иттифоқ даражасида қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларнинг кўпи ишламаяпти ва бундан кейин ҳам ишламайди — буни ҳам тан олиш керак.

Ниҳоят, учинчиси. Ушбу шартнома жумҳуриятлар ўртасидаги, шунингдек жумҳуриятлар билан марказ ўртасидаги янги иқтисоий алоқаларга асос қилиб олиниши лозим. Мамлакатнинг ночор иқтисодий ва молиявий аҳволи, пулнинг тобора қадрсизланиши, истеъмол бозорининг барбод бўлиши — булар жамоа меҳнатининг, ҳар бир иттифоқдош жумҳурият хўжалиги амал қилаётган иттифоқ халқ хўжалиги комплекси ишининг натижаси эканлигини тушуниб турибсиз. Ҳозир улардан ҳар бирининг «улушини» алоҳида ажратиш умуман мумкин эмас. Бунга ҳозир эҳтиёж ҳам бўлмаса керак. Аммо биз эртага, докладда айтилганидек, тенг ҳуқуқли, мустақил жумҳуриятларни бирлаштирувчи янгиланган федерацияда яшар эканмиз, у ҳолда шундай қилишимиз зарурки, токи биз ана шу мустақилликни оғизда эмас, балки амалда ҳис этайлик. Энг муҳими эса, ниҳоят, унитар давлат шароитида вужудга келган муаммоларни ва чигалларни ҳал қиладиган ва ечадиган бўлайлик.

Жуда бой хом ашё ресурсларига, ноёб табиат-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон жумҳуриятда етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини хом ашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзавот эвазига нима учун жумҳурият бунинг ўрнини қоплайдиган маҳсулотни олмаяпти? Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаган жумҳурият «пахта иши», қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда.

Ленинча миллий сиёсатнинг тараққиёт даражасини тенглаштириш тўғрисидаги бош шиори ҳали ҳам мавжуд экан, у ҳолда нима учун жумҳурият аҳолисининг бешдан бир қисми доимий иш билан таъминланмаган? Нима учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад иттифоқдаги ўртача даражадан икки баравар кам, асосий истеъмол моллари ва хизмат билан таъминланиш даражаси эса мамлакатда нима учун энг паст даражада турибди? Меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшаётган жумҳурият қандай қилиб ана шундай аҳволга тушиб қолди?

Биз бу принципиал саволларга жавоб топишга мажбурмиз. Халқ эски хатоларни такрорлашни эмас, ҳаракат қилишни кутмоқда, ахир. Халқ баландпарвоз гаплардан, тўхтовсиз баҳслар ва ваъдалардан чарчади. У узоқ келажакда эмас, балки ҳозир муносиб яшаши керак. Бунга унинг ҳаққи бор. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг барча қийинчиликлари тўғрисида рўй-рост ва очиқ айтиладиган бўлсагина, айникса аҳоли кам шок табақаларининг ижтимоий ҳимояланишига кафолат берилсагина, одамлар буни тушуниб етишлари ва қабул қилишлари мумкин. Бунда айрим жумҳуриятлар ва регионларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш пайтидаги аҳволини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Хуллас, бозор иқтисодиётига одамларни ишонтирганимиздан кейингина, миллий розиликни олганимиздан сўнггина унга ўтиш мумкин.

Ҳурматли ўртоқлар! Съезд эътиборини кеча муҳокама қилинган масалага қаратмоқчиман. Афсуски, биз бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилиш зарурлигига съездни ишонтира олмадик. Гап ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Қозоғистон учун ғоят муҳим роль ўйнаётган ҳаётий муҳим муаммо ҳақида бормоқда. Ўз миқёслари ва оқибатлари жиҳатидан фақат Чернобиль фожиасига қиёслаш мумкин бўлган Орол зонасидаги экология фалокати ҳақида бормоқда. Экология фожиасини тубдан ҳал қилиш тўғрисида жуда кўп гапирилаётган бўлса ҳам ҳозиргача бу муаммонинг туб ечимлари йўқлиги бизни ташвишга солмоқда.

Яна эътиборни қуйидагиларга қаратиш керак. Агар фан ва мутахассислар ҳозирнинг ўзидаёқ ана шундай қарор қабул қилсалар, бу қарор Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш ғоясига қайтиш ҳақида бўладими ёки Каспий денгизи сувидан фойдаланиш ҳақида бўладими, ёхуд бошқа ҳар қандай қарор қабул қилинадими, уларни амалга ошириш учун камида 15—20 йил кетади. Ана шу давр ичида ҳозирдаёқ Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг 50 миллиондан ортиқ аҳолиси яшаётган ҳудудининг ҳоли нима кечади? Бир нарса равшан, агар биз қатъий чоралар кўрмасак, ҳозирнинг

ўзидаёқ ўз фарзандлари мисолида яқинлашиб келаётган фалокат натижаларини кўриб турган кишилар бизни ҳеч қачон кечирмайдилар. Бунинг учун бизни келгуси авлодлар ҳам кечирмайди.

Бу регионда яшаётган оилаларда табиий нуқсонли болалар, соддароқ қилиб айтганда, ногиронлар туғилаётганлигини нормал ҳол, деб бўладими?

Сўзимнинг охирида биз Ўзбекистонда ҳаммамиз қадрлашимиз лозим бўлган асосий бойлик, съездда айтилаётган барча мақсадларга эришишнинг асосий шарти — мамлакатимизда яшаётган барча халқларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги эканлигини тушуниб турибмиз ва мен буни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизнинг келажагимиз, фаровонлигимиз ана шу бирдамлик ва ҳамжиҳатликни қандай сақлаб қолишимизга боғлиқдир.

Ниҳоят сўнггиси, ўртоқлар. Биз Ўзбекиситон делегациясининг аъзолари кеча алоҳида тўпланиб, съездда муҳокама қилинадиган ва ҳозир муҳокама қилинаётган барча муҳим масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олдик. Мен делегациямизнинг фикрини айтмоқчиман: агар биз соғлом кучларни жипслаштиришни, ер куррамизда тинчлик бўлишини хоҳласак (бу ҳаммамизнинг мақсадимиз бўлса керак), агар юз берган вазиятда, такрор айтаман, айни юз берган вазиятда биз партиямизнинг мавқеи мустаҳкамланишини истасак, Бош котиб лавозимига Михаил Сергеевич Горбачевдан бошқа номзодни кўрмаяпмиз. Шу билан бирга Сиёсий бюро ҳам бўлиши керак.

Бизнинг берган баҳоларимиз ва нуқтаи назаримиз ана шундай, ўртоқлар. Эътиборингиз учун раҳмат.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1990 йил 13 ва 14 июль кунлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди сайлаган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум яширин овоз бериш йўли билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини қуйидаги таркибда сайлади: М. С. Горбачев, М. М. Бурокявичюс, Г. Г. Гумбаридзе, С. И. Гуренко, А. С. Дзасохов, В. А. Ивашко, И. А. Каримов, П. К. Лучинский, А. М. Масалиев, Қ. Маҳкамов, В. М. Мовсисян, А. Н. Муталибов, Н. А. Назарбоев, С. А. Ниёзов, И. К. Полозков, Ю. А. Прокофьев, А. П. Рубикс, Г. В. Семенова, Э.-А. А. Силлари, Е. Е. Соколов, Е. С. Строев, И. Т. Фролов, О. С. Шенин, Г. И. Янаев.

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитетининг котиблари этиб сайландилар: О. Д. Бакланов, Б. В. Гидаспов, А. Н. Гиренко, А. С. Дзасохов, В. А. Купцов, Ю. А. Манаенков, Г. В. Семенова, Е. С. Строев, В. М. Фалин, О. С. Шенин, Г. И. Янаев.

Қуйидагилар Секретариат аъзолари этиб сайландилар: В. В. Анискин, В. А. Гайворонский, И. И. Мельников, А. И. Тепленичев, Г. Турғунова.

Пленум И. Т. Фроловни «Правда» газетасининг бош муҳаррири этиб сайлади.

КПСС Марказий назорат комиссиясининг пленуми

14 июль куни Москвада КПСС Марказий назорат комиссиясининг пленуми бўлди, пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленумда КПСС Марказий назорат комиссиясининг президиуми қуйидаги таркибда сайланди:

КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси — Б. К. Пуго.

КПСС Марказий назорат комиссияси раисининг ўринбосари — Е. Н. Махов.

КПСС Марказий назорат комиссияси президиумининг аъзолари:

Д. Г. Ананян — Арманистон Компартияси Ижеван район комитетининг биринчи котиби

А. Г. Бобоев — Туркманистон ССР Фанлар академиясининг президенти

М. О. Бахтадзе — Тбилиси мовут комбинати парткомининг котиби

Г. Г. Веселков — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби

Э. Д. Дуйшеев — Қирғизистон Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари

Е. А. Елисеев — КПСС Марказий назорат комиссиясининг масъул котиби

Е. Г. Ежиков-Бобохонов — Қозоғистон Компартияси Жезқазған область комитетининг биринчи котиби

Ш. М. Йўлдошев — Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг раиси

А. П. Клауцен — Латвия Компартияси Марказий Комитетининг котиби, Латвия Компартияси Рига шаҳар комитетининг биринчи котиби

М. И. Кодин — Молдова Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг раиси

К. М. Кубилюс — Литва Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раиси

А. Л. Радугин — Москва биринчи соат заводининг соат йиғувчиси

А. А. Санчуковский — Минск «Горизонт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

П. П. Тодоров — Харьков трактор заводи парткоминииг котиби

Р. Б. Фейзуллаев — Озарбайжон ССР халқ таълими министри.

Шу билан КПСС Марказий назорат комиссиясининг пленуми ўз ишини тугаллади.

Редакция адреси. 700000, Тошкент — П «Правда» газетаси кўчаси, 41.
Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01, 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул котиб — 32-58-03, 33-60-42; масъул котиб ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: илмий социализм назарияси ва амалиёти — 32-58-65; тарих ва халқаро ҳаёт — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иқтисодий муаммолар — 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; хатлар, ахборотлар, танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 2.08.1990 йил. Босишга рухсат этилди 15.08.1990 йил. Формати 70×108[1]/16.
Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар 8,6.
Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 32239 (ўзбек тилида — 21679, рус тилида — 10560)
Буюртма № 3847. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри. «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ISSN 0134—2193 «Ўзбекистон коммунисти» 9, 1—96.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

БУ СОНДА ЎҚИЙСИЗ:

10 . 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 10
ОКТЯБРЬ
1990 йил

1921 йил февралидан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЕСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

...Янги ижтимоий-сиёсий вазиятда, кўп партиялилик вужудга келаётган шароитда партия комитетлари ва ташкилотлари фақат ўз фаолиятларининг шакллари ва усулларини янгилаш, омма билан алоқани мустаҳкамлаш асосидагина ўзларининг етакчи мавқеларини сақлаб қола оладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленумининг қароридан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ
Тошкент

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1990 йил 3 август куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг II пленуми бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов «КПСС XXVIII съездининг якунлари ва Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби Қ. Ҳ. Холмирзаев, Навоий кон-металлургия комбинатининг слесари А. П. Харьянов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори В. Н. Сигедин, Ўзбекистон ССР халқ таълими министри К. Юсупов, Қарши район партия комитетининг биринчи котиби М. Гелдиева, Қорақалпоғистон вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Ниетуллаев, Тошкент олий партия мактабининг ректори М. Искандаров, Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз-техникум бригадири Р. Маматова, «Андижон» локомотив депосининг машинисти Ю. С. Емельянов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг сиёсий йўл-йўриқларига амал қилиб, Ўзбекистон Компартиясининг «Сиёсий ва иқтисодий мустақиллик, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолисининг муносиб турмуш шароити учун» ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқувчи ишчи комиссиясини тузди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовга комиссияга бошчилик қилиш вазифаси топширилди.

Пленум Ўзбекистон Компартиясининг мақоми лойиҳасини ишлаб чиқувчи комиссияни ҳам тузди ва мазкур комиссияга бошчилик қилиш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимовга топширилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш, мафкуравий масалалар, ижтимоий-иқтисодий ва аграр сиёсат масалалари комиссияларининг таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳуқуқий масалалар комиссияси миллатлараро муносабатлар муаммолари ва ҳуқуқий масалалар комиссиясига айлантирилди. Комиссиянинг таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яна иккита комиссиясини — ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамжиҳатлик масалалари ҳамда ёшлар сиёсати масалалари комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Комиссияларнинг таклиф этилган таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров ўртоқлар комиссияларнинг бошлиқлари этиб сайландилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Пленум Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби ўртоқ С. М. Мамарасуловнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет аъзоси вазифаларидан, Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмонов, Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби Х. Э. Бердиев ва Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров ўртоқларнинг КПСС Уставининг 11-параграфига мувофиқ Марказий Комитет аъзолари вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосларини қондирди. Мазкур параграфга биноан партия аъзоси иккитадан ортиқ партия комитетига аъзо бўла олмайди. КПСС XXVIII съездида С. М. Мамарасулов, П. М. Абдураҳмонов, Х. Э. Бердиев, Д. С. Ёдгоров ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг аъзолари этиб сайландилар.

Пленумда «Шарқ Юлдузи» журналининг бош муҳаррири Ў. Ҳошимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди.

И. А. Каримов пленумда якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Г. Т. Сташкевич ва Е. А. Новожилов иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС XXVIII СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ МАЪРУЗАСИ

Ўртоқлар!

Пленумимиз олдида катта ва масъулиятли вазифа турибди. Компартиядан делегатлар билан биргаликда биз бугун КПСС XXVIII съезди ишига якун ясашимиз, унинг натижаларини пухта ўйлаб кўришимиз лозим. Энг муҳими — ана шунга амал қилиб, Компартия, унинг барча ташкилотлари ва комитетлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олишимиз, қабул қилинган қарорларни аниқ-равшан, амалий ишларга айлантиришга оид вазифаларни муҳокама қилишимиз керак.

Партия съездга мамлакат учун қийин даврда тайёргарлик кўрди. Съезд ғоят мураккаб ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий вазиятда ўтди. Ўткир ижтимоий ва миллатлараро можаролар жамиятимизни мушкул аҳволга солиб қўймоқда. Партиянинг ташкилий ва ғоявий бирлиги, кўп миллатли давлатимизнинг яхлитлиги хавф остида қолди.

Съезд ана шу қийин, ҳаммани тўлқинлантираётган саволларга жавоб топишга муваффақ бўлдими? Партиянигина эмас, шу билан бирга бутун жамиятимизнинг тақдири ана шу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқдир. Съезд мамлакатни тангликдан олиб чиқишга қодир бўлган энг муҳим, асосий қоидаларни ишлаб чиқа олдими?

Сизларга маълумки, Ўзбекистон Компартияси XXVIII съездга ҳар қачонгидан кўра аниқ-пухта нуқтаи назар билан борди. Съездолди йиғилишлари ва конференцияларида ўзимизнинг XXII съездимизда биз жумҳурият турмушининг барча соҳаларидаги ишларнинг аҳволини ҳар томонлама ва танқидий таҳлил этдик, унинг миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг ғоят ўткир муаммоларини белгилаб олдик. Шуларни назарда тутиб, умумпартиявий анжуманга бутун бир таклифлар мажмуини ишлаб чиқдик.

Умидларимиз оқландими? Биз съездда ўртага қўйган барча энг муҳим масалалар ҳал этилдими?

Давр мана шу барча саволларга рўй-рост ва тўғри жавоб берилишини тақозо этмоқда.

Мен ҳозир айтмоқчи бўлган барча баҳолар ва хулосалар, таклифлар ва вазифалар Марказий Комитет бюроси аъзоларининг фикригагина асосланмаслигини таъкидламоқчиман. Амалий фаолиятимизда илк бор биз партия фаоллари орасида социологик савол-жавоб ўтказдик. Унда съезд делегатлари, Компартия сайлаб қўйиладиган органларининг аъзолари иштирок этдилар. Фикрлар ғоят хилма-хил бўлишига қарамай, бу ишимизни қайта қуришга қаратилган кўпчиликнинг фикрини, демак бирмунча ишончли нуқтаи назарлар ва таклифларни пленум муҳокамасига қўйиш имконини беради.

I.

Съезд ишига кенг кўламда баҳо берар эканмиз, биринчи галда нималарни ажратиб кўрсатишни ва таъкидлашни истардик?

Муайян кучларнинг партияни парчалаб ташлашга уринишларига қарамай, съезд унинг **ташкилий ва ғоявий бирлигини** сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Съезд турли платформалар ва позициялардаги барча қимматли ва амалий жиҳатларни ўз ичига олган катта сиёсий ечимларни ишлаб чиқди.

Хусусан, якка партиявийликдан кўп партиявийлик сари, иқтисодиётда бир укладликдан кўп укладлилик сари, демак, биз учун айниқса муҳим бўлган унитар давлатдан суверен, мустақил жумҳуриятлар иттифоқи сари дадил қадамлар қўйилди.

Буларнинг ҳаммаси партияни жипслаштириш, унинг теварагида барча соғлом, қайта қуриш кучларини бирлаштириш учун зарур асосларни вужудга келтиради.

Аммо партияни парчалаб юбориш ғояси эътибордан четда қолмади. Муайян кучлар Б. Н. Ельцин ва демократик платформа раҳбарларидан иборат кичик бир гуруҳнинг партиядан намойишкорона чиқиши, Г. Попов билан А. Собчакнинг баёнотлари аҳамиятини зўр бериб тарғиб қилишга ва бўрттириб кўрсатишга уринмоқдалар.

Тўғри, ана шу ҳаракатлар уларнинг муаллифлари мўлжаллаган ижтимоий шов-шувга сабаб бўлмади. Аммо бундай ҳаракатларнинг хатарли эканлигига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Партияга, Советларга, социализмга қарши барча кучлар сиёсатдан холи бўлишдан иборат иғвогарона шиорлар теварагида бирлашмоқдалар. 15 июль куни Москвада бўлиб ўтган партияга қарши митинг буни яққол кўрсатди. Шу туфайли бундай хатти-ҳаракатларнинг ҳақиқий моҳиятини фош этиш, уларга сиёсий баҳо бериш зарур.

Съезд КПССнинг танланган **социалистик йўлга** содиқлигини аниқ-равшан таъкидлади. Айни пайтда умумбашарий тажрибани ҳисобга олиб, социалистик қурилиш назарияси ва практикасига ижодий ёндашув зарурлигини баён этди.

Бу умуман муҳимдир, ўртоқлар. Сизларга маълумки, бир томондан, ўтмишдаги барча нарсаларни оқлашга, ақидага айлантиришга, марксизм-ленинизмни ўзига хос муқаддас нарсага айлантиришга уринишлар бўлмоқда. Бошқа томондан эса, социализмнинг барча ғалабаларини рад этишга, КПСС ва халқ босиб ўтган бутун йўлни йўққа чиқаришга, бутун инқилобий таълимотни сохта деб эълон қилишга, яъни партияни ғоявий жиҳатдан қуролсизлантиришга уринишмоқда.

Ушбу масалаларда съезд эгаллаган қатъий позиция КПССнинг ғоявий-назарий негизини мустаҳкамлайди, у ана шу негизга таяниб, ижтимоий ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқа олади.

Съездолди мунозараларида ва съезднинг ўзида **партиянинг ташкилий қурилиши, демократик централизм, партия интизоми** масалалари катта баҳслашувларга сабаб бўлди. Бундай баҳслашувлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бу хусусда партиянинг позицияси равшандир. Бирорта ҳам жиддий сиёсий ташкилот, айниқса жамиятдаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятни тўла-тўкис ўз зиммасига олган бизнинг партиямиз аниқ ташкилий структурага, интизомга эга бўлмас экан, яшай олмайди.

Биз партияни уюшмаган мунозара клубига, пароканда тўгараклар ва фракцияларга айлантиришга уринишларни рад этган съезднинг қарорларини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Биз КПССнинг янги Уставига асос қилиб олинган ташкилий нормаларни қатъий қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, партиямизга кўп жиҳатдан ҳали ҳам хос бўлган маъмурий-буйруқбозлик системасининг бузишларидан қатъиян халос бўлишимиз зарур. Съезднинг партия ички турмушини демократиялаш, партия оммаси ҳокимияти, озчиликнинг фикрини ҳисобга олиш тўғрисидаги қарори кундалик ишларимизга бутунлай сингиб кетиши, нормага айланиши учун жуда катта ишларни амалга оширишимиз керак бўлади.

Шуни рўй-рост айтаманки, бу масала партия комитетларимиз учун айниқса

долзарбдир. Кўпгина кадрларимиз ўзларининг фикрига ортиқча баҳо бериш, рад этиб бўлмайдиган қатъийлик дардига мубталодирлар, буйруқ беришни ғоят ёқтирадилар ва ўз фикрини энг сўнгги ҳақиқат деб ҳисоблайдилар. Биз мана шу барча иллатлардан қатъиян халос бўлишимиз даркор. Съезднинг **партия қурилиши территориал-ишлаб чиқариш принципини** сақлаб қолиш тўғрисидаги қарорлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Унинг мухолифлари партиямиз аввал бошданоқ, дастлабки ишчилар тўгараклариданоқ меҳнаткашлар партияси сифатида ташкил этилганлигини ва ривожланганлигини, улар билан мустаҳкам боғлиқ эканлигини унутиб қўймоқдалар. Ишлаб чиқаришда партия ташкилотларининг бўлмаслиги ҳозирги шароитда одамлар турмуш фаолиятининг энг муҳим соҳаларида партия таъсиридан амалда маҳрум бўлишни билдирган бўлур эди. Ваҳоланки, айрим жойларда шундай қилишга шошилмоқдалар.

Биз аҳоли истиқомат жойларида, энг аввало маҳаллаларда таъсирни кучайтиришимиз зарур. Халқ депутатларига ўтказилган сайлов тажрибаси ҳам бундан яққол далолат беради. Бизда, Шарқда, маҳаллалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Кўпчилигимиз ана шу маҳаллаларда ўсиб, катта бўлдик ва шахснинг камол топишида, фарзандлар тарбиясида, энг яхши миллий анъаналаримизни, катта ёшдаги кишиларга ҳурматда бўлишда, меҳнатни севиш, жамоа туйғусини, заифлар ва фақирларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш, ижтимоий адолат туйғусини сақлаб қолишда маҳаллаларнинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини аниқ-равшан мисолларда биламиз.

Кейинги вақтда Тошкент, Бухоро, Андижон вилоятларида маҳалла комитетларининг иши соҳасида муайян тажриба тўпланди. Бу тажриба ғоят қимматлидир. Бугун мен маҳалла комитетларининг барча раҳбарларига, барча фаолларга ва биринчи галда, ветеранларимизга уларнинг олижаноб ва беғараз меҳнати учун миннатдорчилик сўзларини айтмаслигим мумкин эмас.

Съезд **давлат органлари** — армия, милиция, суд, давлат хавфсизлиги комитетини **сиёсатдан ва мафкурадан** холи этишга қарши қатъий фикр билдирди. Бу масала атрофида кўп шов-шув, ҳар хил ақидапараст фикрлар айтилмоқда.

Ғарб демократияси тажрибасига таянаётганлар муғомбирлик қилаяптилар, деб ўйлайман. Ҳеч қаерда, Америкада ҳам, Бельгияда ҳам, Швейцарияда ҳам давлат ҳокимияти органлари ҳукмрон синф иродасидан мустақил эмаслар. Улар, бу нарса қандай ниқобланмасин, ғоявий таъсирдан холи эмаслар. Ҳукмрон партиялар — Америкадаги республикачилар ёки демократлар бўлсин, Англиядаги лейбористлар ёки консерваторлар бўлсин — булар ҳамиша ҳукмрон синф партияларидир.

Ғоявий тарғиботчилар қандай аташилидан қатъи назар, бир нарса равшанки,— улар у ёки бу сиёсатнинг, у ёки бу мафкуранинг тарғиботчиларидир. Армия ва ҳокимиятнинг бошқа органлари сиёсатдан ва мафкурадан ташқарида бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Чилидаги 1973 йилги воқеалар — бунга яққол мисолдир. Бу сиёсатнинг унутиш мумкин бўлмаган энг оддий қонунларидир.

Кўп миллатли давлатимиз шароитида биринчи даражали, айтишим мумкинки, фавқулодда аҳамиятга эга бўлган энг муҳим масалалардан бири — бу **мамлакатни ташкил этувчи ҳар бир жумҳуриятнинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги** тўғрисидаги масаладир. Съезд бу жиҳатдан олға томон катта қадам қўйди.

Сиёсий маърузада, съездда қабул қилинган ҳужжатларда ҳар бир республика ўз территориясида жойлашган барча ишлаб чиқариш, табиий — хом ашё ресурсларига тўла эгалик қиладиган, уларни тасарруф этадиган ва улардан фойдаланадиган, у кўнгилли равишда марказ ихтиёрига ўтказадиган масалалардан ташқари, сиёсий, иқтисодий ва маънавий турмушнинг барча масалаларини мустақил ҳал этадиган суверен давлат бўлиши зарурлиги таъкидланади.

Янги Иттифоқ шартномаси ишлаб чиқилиши муносабати билан мана шу умумий қоидаларни эндиликда аниқ мазмун билан тўлдиришимиз лозим. Биз Иттифоқ шартномасига бир вақтнинг ўзида юқоридан — марказий органлар ва қуйидан — иттифоқдош республикалар тайёргарлик кўришлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Айни пайтда жумҳуриятга устунлик берилиши даркор. Айни республика у қандай шартлар асосида иттифоққа киришга, шартномани имзолашга рози

эканлигини пировард натижада ўзи ҳал этиши керак бўлади. Ҳозир жумҳуриятимизда шундай шартноманинг бизга хос лойиҳасини яратаётган комиссия ташкил этилди.

Съезднинг биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган бошқа ғоят муҳим кўрсатмаси ҳам шунга асосланади. Съезд КПССнинг ташкилий ва ғоявий бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қарорларни қабул қилар экан, айни пайтда иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг мустақиллигини ва тўла ҳуқуқлилигини ошириш зарурлигини ёқлаб чиқди.

Сизларга маълумки, мен съездда сўзлаган нутқимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитети кўпчилик аъзоларининг фикри ҳамда хоҳиш-иродасини ифодалаб, ушбу позицияни шундай изҳор қилгандим: «КПСС умумий ҳаракат режалари ва ягона Уставга, Марказий Комитетига эга бўлган жумҳурият Компартияларининг иттифоқидир». Бу амалда нимани билдиради?

Жумҳурият мустақиллиги ва суверенитети унинг Компартиясининг мақоми ҳам бошқача бўлишини тақозо этади. У марказ сиёсатини жойларда ўтказадиган КПССнинг шунчаки ҳудудий ташкилоти бўлиши мумкин эмас. Биз Ўзбекистон Компартияси бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам ишчилар синфи, деҳқонлар ҳамда жумҳурият барча меҳнаткашларининг манфаатларини ифодалаши ва ҳимоя қилишини қатъиян айтамиз. Сайлаб қўйиладиган барча органлар ва алоҳида олганда ҳар бир коммунистнинг бутун фаолияти ана шу мақсадга бўйсундирилади. Компартиянинг маҳаллий шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини, минтақамизнинг тарихий, маданий ва маънавий анъаналарини, жумҳуриятимиз ҳудудида яшаб турган барча кишиларнинг орзу-умидлари ва муддаоларини назарда тутувчи стратегия ва тактикаси бунга мос бўлиши керак. Бунда биз КПСС съезди ишлаб чиққан умумий дастури, мақсадларга, Устав талабларига, сиёсий йўлга асосланишимиз лозим.

Шу асосда ўз программавий ва норматив ҳужжатларимизни ишлаб чиқишимиз зарур. Бугунги кунда уларга нисбатан асосий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва шакллантириш, иш тартибини ва уларни тайёрлаш муддатларини белгилаб олиш қатъий зарурат бўлиб қолди. Бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтаман.

Съездда Компартия мақомини ошириш учун амалий қадамлар ташланди. Уставнинг 22-параграфига ҳуқуқларимизни кенгайтирадиган ва тўлдирадиган бир қанча ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган масалаларни тартибга солиб турувчи нормалар олиб ташланди.

Жумҳурият Компартиялари вакилларининг сайлаб қўйиладиган марказий ва раҳбар органлардаги тенглиги таъминланди. Ўзбекистон Компартияси вакилларидан 19 киши КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб, 12 киши Марказий назорат комиссиясининг аъзоси этиб сайланди. Улар жами 31 кишини ташкил этади. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Секретариати составига, КПСС Марказий назорат комиссияси Президиумига биттадан вакилимиз сайланди. КПССнинг бундан аввалги сайлаб қўйиладиган марказий органларида Компартиямиз вакилларидан атиги 13 киши бўлганлигини, ҳисобот даври охирида эса фақат битта Марказий Комитет аъзоси қолганлигини қиёслаш учун эслатиб ўтмоқчи эдим.

КПСС XXVIII съезди **умуминсоний қадриятларнинг** синфий, партиявий, миллий, группавий ва бошқа шу каби қадриятлардан устунлигини эълон қилди. Бу, бир қарашда нореал кўринган фалсафий хулоса партия учун жуда катта сиёсий аҳамиятга эга. Чунки узоқ вақтлардан бери иш манфаатларини инсон манфаатларига қарама-қарши қўйиб келдик. Гарчи «Ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровонлиги учун» шиори эълон қилинган бўлсада, амалда ҳар бир кишига катта давлат машинасининг бир ғилдираги ёки мурвати сифатида қараб келинган эди.

Бугун биз ушбу масалага бўлган нуқтаи назаримизни тўла ўзгартиришимиз, демак ўз амалий фаолиятимизни тубдан қайта қуришимиз лозим бўлади. Бизнинг барча партия, совет, давлат идораларимиз, барча кадрларимиз оддий бир ҳақиқатни ўзлаштириб олишлари керак: улар одамлар учун, уларнинг эҳтиёжлари ва юмушларини ҳал этиш, манфаатларини ҳимоя қилиш учун яшайдилар ва ишлайдилар. Агар қандайдир бир ташкилот одамларга кераксиз бўлиб қолса, у ҳеч кимга — партияга ҳам, давлатга ҳам керак эмас. Омма билан кундалик узвий

алоқа боғлаш, одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш билангина партиянинг обрў-эътиборини ва унга бўлган ишончни, партиянинг жамиятдаги раҳнамолик мавқеини тиклаш мумкин.

Бу ҳақда бежиз гапираётганим йўқ. Кўпгина ходимларимиз, шу жумладан, партия ходимлари ҳали ҳам қандайдир мавҳум режалар ҳамда суръатлар, қоғозбозлик тадбирлари билан яшаб келишмоқда, Одамларга амалда ғамхўрлик қилиш, масалан, уларга ер, томорқа ажратиб бериш, уй-жой қурилишида ёрдамлашиш иккинчи даражали бўлиб қолмоқда. Ҳатто кимлардир одамларнинг турмушини бирмунча енгиллаштириш, уларнинг энг долзарб эҳтиёжларини қондиришга қаратилган Президент Фармонларини бажаришга шошилишмаяпти.

Бу раҳбарлар, қандай даражада бўлишмасин, улар камтарроқ бўладиган, ниҳоят пастроқ тушадиган вақт аллақачон келган. Менинг бу гапларимни пўписа деб тушунманг, лекин бир нарсани таъкидламоқчиман: сизнинг рухсатингиз билан шуни айтаманки, бундай раҳбарлардан халқ юз ўгиради, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Президент сифатида мен халқнинг хоҳиш-иродасига қулоқ соламиз. Раҳбарлик қилишга бир марта ва бутун умрга мандат бериладиган вақтлар ўтиб кетди. Одамларнинг ишончи ва ҳурматини иш билан қозониш керак. Раҳбарлик қилиш ҳуқуқини одамларга ҳар куни ғамхўрлик кўрсатиш билан исботлаш лозим.

II.

XXVIII съезд якунларини танқидий мушоҳада этар эканмиз, бизнингча, фикрлар кураши, турли ёндашувларнинг тўқнашуви оқибатида кўп муҳим масалалар етарли даражада тўла очилмади ёки бутунлай четлаб ўтилди.

Сиёсий маърузада, Сиёсий бюро аъзоларининг миллатларо муносабатлар муаммолари юзасидан қилган ҳисоботларида берилган силлиққина, кескин нуқталарни четлаб ўтувчи баҳолар бизни қониқтирмайди. Мамлакатимиздаги аҳвол ниҳоятда мураккаб. Болтиқ бўйи ва Кавказ ортидаги, Молдавия ва Украина, Ўрта Осиёдаги, бошқа бир қанча минтақалардаги воқеалар бутун мамлакатимизни ларзага солиб турибди. Оммавий тартибсизликлар ва миллатлараро можаролар негизида қурбон бўлганлар, қочоқлар, вайронагарчиликлар бутун жамиятимизнинг ташвиши ҳамда дардига айланди.

Делегациямиз бевосита фожиали Ўш воқеаларидан — ҳали-ҳали охиригача аниқ ва катъий сиёсий баҳо берилмаган воқеалардан сўнг съездга борди. Шу сабабли бу воқеалар ҳали ҳам ўз кескинлигини сақлаб қолмоқда. Мабодо эртага ушбу можаро жумҳуриятлараро можарога айланса нима бўлиши мумкин? Бу бутун Ўрта Осиёни, бутун мамлакатимизни парчалаб, портлатиб, бизни ўн йиллар орқага итқитиб юбориши мумкин. Зотан, яхши қўшничилик муносабатларини бир дақиқада бузиб юбориш мумкин, лекин бу муносабатларни чегалаш учун неча ўн йиллар ва асрлар керак бўлади.

Биз можаронинг кучайишига йўл қўймаслик, ур-йиқитларнинг қатнашчилари ва ташкилотчиларини аниқлаш учун узил-кесил чора-тадбирлар кўрилиши, уларни совет қонунларига мувофиқ қаттиқ жавобгарликка тортиш учун қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз ва қилаверамиз.

Миллатлараро нифоқ одамларнинг онгига сингаётгани, ёшларимизни маънавий жиҳатдан заҳарлаётгани энг даҳшатлисидир. Табиий ва адолатли миллий туйғу аста-секин миллатчилик туйғусига айланади. Миллий ғурур миллий устунлик ва афзалликка айланади, у ёки бу ирқ ёхуд миллатга мансублик гўёки бошқалар устидан афзаллик ҳуқуқини беради. Буларнинг ҳамммаси тарихда, шу жумладан Ўрта Осиёда бўлган. Бу воқеалар одамлар учун нималарга айланганлиги, қандай кулфатлар келтирганлиги яхши маълум.

Биз 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида яхши қўшничилик қилиб, яшаб келдик. Шу вақт ичида жуда оғир — коллективлаштириш, уруш даврлари ҳам бўлди. Лекин биз биргаликда, қўлни-қўлга бериб, бир-биримизга ёрдамлашиб барча қийинчиликларни енгдик. Тақдиримизда туб бурилиш бўлаётган бугунги кунда аҳилчилик билан биргаликда куч-ғайрат сарфлашимиз айниқса лозим бўлиб

турган бир пайтда тўсатдан одамлар қалбига ғанимлик туйғулари сукилиб кира бошлади.

Буни нима билан изоҳлаш мумкин?

Ҳар бир одамнинг олижаноб, ҳалол, ўзига хос, инсоний фазилатлари кўп бўлади. Оғир вазият юзага келганида энг яхши кишилар одамларнинг келажаги учун, ўсиб келаётган бўлажак авлод учун ўзларини қурбон қилишлари тасодифий эмаску, ахир! Лекин ҳар бир кишининг қоронғу, худбинлик жиҳатлари ҳам бор. Ҳамма нарса бизнинг одамларда инсонийликни уйғотишимизга, улар қалбидаги қайси торларни чертишимизга боғлиқ.

Бизнинг тарғиботимиз ўз зиммасига олган энг юксак масъулият ана шу билан белгиланади. Биз тарихимиздаги хато, фожиали, ғайриинсоний воқеалар билан бир қаторда бутун ўтмишимизни ўчириб, уни қора бўёқ билан бўяб ташлаётган вақтимизда инсонлар қалбидаги маънавий асослар бузила бошлаган эмасмикин?

Биз мафкурадан четлаштириш деб аталган йўлга қизиқа бошлаганлигимиз, ғарбга хос энг ёмон намуналар, шаҳвоний ҳислар, истеъмолчилик, тайёрга айёрлик кайфиятлари, гўзал турмуш қолипларини ўйламай-нетмай тарғиб қила бошлаган ва ўрната бошлаганлигимиз натижасида жамиятимиз бир қисми маънавий, ахлоқий жиҳатдан бузилишининг сабаби шунда эмасмикин? Катта авлод вакилларининг ҳаммасини ақидапарастликда, фикр торлигида, маҳдудликда айблаб, шу тарика катталарга бўлган ҳурматга путур етказганимизда эмасмикин? Ҳамма нарсаларни фақат моддий манфаатдорликка, ўзини ўйлаб ҳисоб-китоб юритишга бурганлигимиз, ахлоқий омилларни ҳақоратлаб, уларни бутунлай четга чиқариб ташлаб, зарар келтирмадикмикан? Фақат салбий материаллар билангина тўлиб-тошган оммавий ахборот воситаларимиз одамларнинг маънавий жиҳатдан ғазабланишларига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмаяптимикан? Ҳозирги пайтда кинода ҳам, театрда ҳам, китобда ҳам, матбуотда ҳам барча қийинчиликларга қарамай, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам турмушни яхшилаётган, мақсади ва куч-ғайрати бўлган ижобий намунани, шундай инсон образини учратмайсан. Бундай одамларни биз далаларда, цехларда, қурилишларда учратамиз, бироқ таассуфки, публицистларимиз фош қилишга берилиб кетиб, бундай одамларни кўришни, газетхонларга, томошабинларга, тингловчиларга намуна қилиб кўрсатишни истамаётирлар.

Кескинликнинг сабаблари душманлик ва тоқатсизликни авж олдираётган, ёшларни зўравонликка ундаётган ёвуз қора кучларга тегишлича зарба бермаётганлигимизда эмасмикан? Биз экстремистлар билан тўқнашишдан ўзимизни четга олишга интиляпмиз, қон тўкилган пайтдагина эсимиз жойига тушяпти.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган воқеаларни олиб кўрайлик. Бу ерда биз митинглар ва намойишларда сиёсий ташаббусни қўлга олиб ўрганиб қолган, ана шу мақсадда ҳар қандай қийинчиликлардан, етилган муаммолардан, энг аввало ижтимоий муаммолардан, жиноятчиликнинг ўсишидан, фарзандларимиз армияда хизматни ўташ чоғида юз берган салбий воқеалардан, ҳатто турмушдаги қийинчиликлардан фойдаланиб, омманинг эҳтиросларини авж олдиришга кўникиб қолган муайян жиззаки арбобларнинг уринишларини кўриб турибмиз. Шуни айтиш кераки, бундай ҳолларда ана шу шўринг қурғур «раҳбарлар»нинг ашаддий жиноятчилар ва безори унсурлар билан қўшилиб кетганлиги таъсир қилмоқда. Ҳар қандай кескинлик ва қарама-қаршилик, безорилик хатти-ҳаракатлари, талончилик, ур-йиқит ва қотилликлар учун қўл келади.

Ана шу хатти-ҳаракатлар замиридаги энг катта хавф, айтиш мумкинки, фожиа, шундаки, ижтимоий хуружларни одамларнинг норозилигини кейинчалик ҳеч қандай куч билан ўчириб бўлмайдиган, сон-саноқсиз ва ўнглаб бўлмайдиган кулфатлар, жудоликлар келтирадиган, ҳаммамиз учун энг қимматли нарса — бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўладиган ёнғин хавфини келтириб чиқарадиган миллатлараро тўқнашувлар ўзанига буриб юборишга уринишдир.

Биз бунга йўл қўя оламизми? Йўқ, бунга мутлақо йўл қўя олмаймиз. Ана шундай режаларни тузаётган ва аввало ёшларни ёвузлик билан шу йўлга ундаётган кишиларга нисбатан энг қаттиқ чораларни кўришни вазиятнинг ўзи талаб қилмоқда. Бундай кишилар ўзлари алдаган ва ғалаёнга келтирган одамларни зарба остида қолдириб, ҳар сафар ўзлари четда қолмоқдалар. Қонунларимиз,

баъзан жуда юмшоқ жазо белгиловчи қонунларимиз панасига яшириниб, адолатли жавобгарликдан ва қасосдан қутулиб қолиш имкониятига эга бўлиш учун бундай ғаламислар ҳамиша бир четда юришларини фотосуратларда кўриш мумкин.

Биз эсда тутишимиз лозим бўлган энг муҳим нарса шундаки, ана шундай «раҳбарлар»да одамларнинг турмушини яхшилаш, уларни қандай қилиб тўйдириш ва кийинтириш, уй-жой ва бошқа барча зарур нарсалар билан таъминлаш, жамиятимизни моддий ва маънавий жиҳатдан янгилаш, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашга доир ҳеч қандай амалий таклифлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Буларнинг ҳаммасига чек қўядиган пайт келди, ахир. Бу соҳада биринчи навбатда меҳнат жамоалари, маҳалла комитетлари, одамларимизнинг осойишталиги ва хавфсизлигига, болаларимизнинг келажагига бефарқ қарай олмайдиган кишилар ўз сўзларини айтишлари керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳам бу соҳада ўз сўзларини айтишлари керак, албатта.

Съездда **партиянинг турли жамоат ташкилотлари ва норасмий ҳаракатлар билан ўзаро муносабатлари** масалаларига етарлича эътибор берилмади. Бу соҳада жипслашиш тўғрисидаги шиорлар билан кифояланиб бўлмайди, ахир. Жипслашиш яхши нарса, лекин қандай асосда жипслашиш керак? Бунинг устига жамоат ҳаракатлари ўзгариб бормоқда.

Улардан баъзилари аҳолининг у ёки бу табақалари манфаатларини, тил ва маданиятни ҳимоя қилишни, экологик жиҳатдан осойишталик учун курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, одамлар учун зарур ишни ҳалол ва собитқадамлик билан бажармоқдалар, одамларнинг мададига сазовор бўлмоқдалар. Биз ана шундай ҳаракатлар билан фаол ҳамкорлик қилишимиз, уларни қўллаб-қувватлашимиз, улардаги энг яхши нарсаларни, одамлар учун жозибали жиҳатларни ўрганишимиз керак.

Бошқалари эса ўша шиорларини эълон қилиб ва шу шиорлар орқали аҳолининг маълум қисми мададига таяниб, ўзларининг дастлабки ваъдаларини тезда унутиб қўймоқдалар, партияга, Совет ҳокимиятига нисбатан мухолифлик йўлига ўтмоқдалар.

Афсуски, съезд бу масалаларда тактика ва стратегияни ишлаб чиқмади, умумий даъватлар билан чекланиб қолди, юз берган сиёсий вазиятда эса фақат шиорлар ва декларациялар билан иш чиқмайди, бу ерда қатъий ва принципиал позицияда туриш керак.

Съездда **партиянинг Советлар билан бақамжиҳат ҳаракатлари** каби муҳим муаммо аниқ баён этилмади. Ҳокимият ваколатлари халқ ҳокимияти органларига топширилиши лозимлиги равшан. Лекин буни қандай шаклда амалга ошириш яхшироқ бўлади?

Съезд материалларида сайлов кампанияларида партия ташкилотларининг стратегияси ва тактикаси масалаларига жуда кам эътибор берилган. Ҳолбуки, сайловларнинг қийин ва ҳамиша ҳам бир хил бўлмаган сабоқлари мавжуд. Болтиқбўйидаги, Москва Советига, Ленинград Советига сайловларнинг сабоқлари наҳотки бизни ҳеч нарсага ўргатмаган бўлса? СССР халқ депутатларининг съездлари ҳам кўпгина саволларни ўргата қўймоқдаки, уларга ҳали жавоб берилгани йўқ.

Кўп миллатли давлатимизнинг келажаги, **янги Иттифоқ шартномаси** — жуда ўткир, биринчи даражали аҳамиятга молик масалалардир. Лекин съездда улар кенг таҳлил қилинмади.

Энг ачинарлиси шундаки, аслида Иттифоқ ва жумҳуриятлар билан ўзаро муносабатларимизнинг негизини ташкил этадиган ана шу шартномани ишлаб чиқишда жуда кечикиб қоляпмиз. Ахир бундай жиддий ишда синаб кўриш ва хатолар қилиш йўлидан бориш мумкин эмас.

Биз сўнгги вақтда ҳам турлича тажрибалар ўтказилишидан кўп жабр кўрдик. Бизни айниқса шу нарса ғазаблантирмоқдаки, жуда катта харажатлар учун ана шу ғояларнинг муаллифлари ҳеч қандай жавобгар бўлмайдилар.

Бизнингча, съездда **бозор муносабатига ўтиш масалалари** мутлақо қониқарсиз муҳокама қилинди, чала-ярим, айтилмай қолган гаплар кўп бўлди.

Бозор муносабатларига ўтиш — барча одамларнинг ҳаётий манфаатларига

дахлли бўлган, уларнинг ҳаётини мутлақо янги ижтимоий шароитга кўчирадиган туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришдир.

Шунинг учун ҳам ҳаракатларнинг ҳар томонлама асослаб берилган аниқ режалари, ана шундай ўтишнинг аниқ белгилаб қўйилган босқичлари бўлиши керак. Идора қилувчи сиёсий партия сифатида бизга энг аввало ижтимоий адолат қоидалари, меҳнаткашларни, аҳолининг барча қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш қоидалари муҳимдир.

Биз қатъий келишиб олишимиз керак: аввало бозор муносабатига ўтишнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигига халқни ишонтиришимиз, бундан одамлар нималарни ютишини, нималарга эга бўлишини кўрсатиб беришимиз керак. Агар биз шундай қила олмасак — ҳеч қандай ислоҳот бўлмайди. Норозиликнинг ижтимоий тўлқини ислоҳотни ҳам, унинг муаллифларини ҳам ювиб оқизиб кетади.

Жумҳуриятимиз учун аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши масаласи айниқса ўткир бўлиб турибди. Бизда 9 миллион киши ёки аҳолининг 45 фоизи яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдордан ҳам кам даромад олмоқда, бу ҳақда биз кўп гапирдик. Оилада болалар сони ҳам бизда икки баравар кўп, бунинг устига барча аҳолининг 47 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Улар ота-оналарининг қарамоғида, ота-оналарининг ўртача иш ҳақи эса умуман мамлакатдагидан кам. Аҳоли кашшоқ қисмининг, ўқувчиларнинг, пенсионерларнинг, ҳозир иш тополмай юрган кишиларнинг ҳоли не кечади?

Бундай шароитда улар турмуш даражасининг пасайиб кетмаслигига қандай эришиш мумкин? Ахир олдимизда катта вазифа турибди, сайловолди ҳаракат дастуримизда халққа фаровонлигини ошириш ҳақида сўз берганмиз.

Бозорга ўтиш чоғида жумҳуриятнинг шу пайтдаги аҳволини, унинг халқ хўжалиги тузилмасини, одамларнинг турмуш даражаси ва тарзини ҳисобга олиш зарур. Одамларнинг истеъмол моллари ва хизматлар билан таъминлаш даражасини ҳам, ўртача иш ҳақи ва ўртача пенсия иттифоқдаги ўртача даражадан анча камлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, бизда гўшт, сут маҳсулотлари етишмаслиги сабабли аҳоли жон бошига йилига 167 килограмм нон истеъмол қилинади, мамлакат бўйича эса ўртача 130 килограмм нон истеъмол қилинади. Бинобарин, нон нархи оширилган тақдирда кўриладиган зарарни қоплаш системаси ҳам ана шу аҳволни ҳисобга олиши керак. Хуллас, бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида бирорта ижтимоий табақа унутилмаслигига, аҳолининг асосий кўпчилиги пировард натижада албатта наф кўришига ишончимиз мутлақо комил бўлиши керак.

Бу бизнинг қатъий фикримиз. Жумҳурият ҳукумати ҳам бозорга доир таклифларимизни ишлаб чиқаётганда ва ҳимоя қилаётганда худди ана шунга асосланиши керак.

Съездда **ёшларга доир сиёсатга** кам эътибор берилди. ВЛКСМ Марказий Комитети котиби Владимир Зюкиннинг нутқи эътиборсизлик билан кутиб олинди. Партия съезди арафасида бўлиб ўтган комсомол съезди бизнинг ёшлар ҳаракатимизда қандай мураккаб, қийин муаммолар етилганлигини кўрсатди, Ўз ўринбосарлари тўғрисида, ўзининг келажаги ҳақида ғамхўрлик қиладиган партия бундай муаммоларни четлаб ўтолмайди.

Жумҳуриятимизда бу масалалар биз учун икки карра долзарброқдир. Чунки жумҳурият аҳолисининг ярмидан кўпроғи 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлардир. Ижтимоий бесаранжомликда, ишсизликдан, маориф, маданият ва спортнинг оддий базалари ҳам йўқлигидан айни кўпроқ ёшлар қийналадилар. Вазиятни беқарор қилиш ҳамда бошбошдоқлик ва тартибсизлик тўлқинида ҳокимият тепасига чиқиб қолишни режалаштираётган турли экстремист кучлар аввало ёшларга умид боғлашаётгани тасодиф эмас.

Шунинг учун бизга ёшларга доир ижтимоий кучли сиёсат, кенгайтирилган ёшлар программаси, ёшлар ҳаёти ва манфаатларининг барча жиҳатларини қамраб оладиган ёшлар тўғрисидаги қонун зарур. Агар жумҳурият партия ташкилоти ўз келажаги ҳақида чинакам жон куйдирса, ана шу масалаларда ташаббускорлик ва қатъият кўрсатиши лозим.

Съездда **аёллар тўғрисида** кўп гапирилди. Улар съезд ҳайъатига, бошқа ваколатли органларга сайландилар. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, реал кафолатлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналаримизнинг, аёлларимиз-

нинг, опа-сингилларимизнинг ишлаб чиқариш ва турмушдаги аҳволини енгиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар тўғрисида эса гапирилмади.

Жамиятнинг маданияти ва маърифати даражаси унинг хотин-қизларга муносабатига қараб белгиланади деган гап жуда тўғри. Бизда Ўрта Осиёда бу масала янада ўткирроқ бўлиб турибди. Яширишга ҳожат йўқ — бизда энг оғир ва зарарли ишлар билан хотин-қизлар шуғулланишмоқда, оила, болалар тўғрисидаги ташвишларнинг бутун оғирлиги уларнинг зиммасига тушмоқда. Хотин-қизлар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимоя қилинадиган қисмидир. Ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳолининг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг кўплари, биринчи навбатда кўп болали оналар жуда катта давлат аҳамиятига молик ишни бажармоқдалар, яъни болаларни тарбияламоқдалар, бироқ касал бўлганларида нафақа ҳам, қарилик пенсияси ҳам олмаётирлар.

Биз сайловолди Ҳаракат дастуримизда хотин-қизларнинг жамиятдаги аҳволини енгиллаштириш юзасидан катта чора-тадбирларни белгиладик. Бу соҳада дастлабки ишлар қилинди. Биз ишни охирига етказишимиз керак — гап бемор ҳомиладор аёлларни қўшимча овқатлантириш (миллатнинг генетик фонди шунга боғлиқ), шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлган аёлларга меҳнат дафтарчаси бериш ва бошқа тадбирлар ҳақида бормоқда.

Аммо булар ҳам кам. Бу соҳада туб чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бутун ижтимоий соҳани, биринчи навбатда оналик ва болалик билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни тубдан қайта қуриш керак.

Бутун **маданият, соғлиқни сақлаш, маорнф, турмуш соҳаси,** одамларнинг ҳаёти билан боғлиқ соҳаларнинг ҳаммаси ана шунга дахлдидир. Съездда бунга ҳам тегишлича эътибор берилмади. Бизда болалар боғчалари, касалхоналар, туғуруқхоналар, мактаблар нақадар ачинарли аҳволда эканлигига бир қаранг.

Демак, ижтимоий жиҳатдан турмушни қулайлаштириш ишини айниқса қишлоқда олға силжитиш учун жумҳурият давлат бюджетининг, маҳаллий Советларнинг, корхоналар ва хўжаликларнинг, хайрия ташкилотларининг барча имкониятларини, барча маблағларини сафарбар этиш лозим. Шундай қилмасак, турмушимиз яхшиланмайди.

Яна бир нарса, ана шу вазифалар занжиридаги асосий ҳалқа хисобланган муаллим, врач, маданият ходимининг ижтимоий аҳволи ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Уларга нисбатан амалда қўлланиб келинган қолдиқ принципига ортиқча тоқат қилиб бўлмайди. Бу жумҳуриятнинг ҳозирги эҳтиёжларига ҳам, унинг тараққиёти истиқболига ҳам, ҳатто ўтмишдаги анъаналарга ҳам зиддир. Чунки Ўрта Осиёда қадим замонлардан буён муаллим, домла, табиб, энг ҳурматли одамлар эдилар. Ҳозир эса ҳар қандай сотувчи ёки қассоб улардан яхшироқ яшамоқда. Бундай оғишни, очиқдан-очиқ ижтимоий адолатсизликни тўғрилаш керак.

Съездда «Деҳқонларнинг аҳволи ва КПССнинг аграр сиёсатини амалга ошириш тўғрисида» махсус резолюция қабул қилинди. Уни фақат табриклаш керак. **«Қишлоқ хўжалигимизни** юксалтириш, **деҳқоннинг аҳволини** яхшилаш — бутун қайта қуришнинг ҳал қилувчи муаммосидир».

Аммо бу ҳужжатда ҳам, бошқаларида ҳам Ўрта Осиё республикаларининг ўзига хос хусусиятлари ва манфаатлари ҳисобга олинмаган. Бу ҳужжатда гап асосан ғаллакорлар ҳақида боради.

Тўғри, улар мамлакатни тўйдиришади. Лекин мамлакатни кийинтираётган пахтакор меҳнатининг аҳамияти ундан кам эмаску, мамлакат 8 миллион тонна пахта, 3 миллион тонна тола етиштиради. Бу жуда катта бойлик. Пахтакорларнинг муаммолари қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқлари меҳнатчиларининг муаммоларидан кам эмас. Лекин уларга резолюцияда ҳам, умуман съездда ҳам тегишлича эътибор берилмади. Иш шу даражага бориб етдики, мамлакат ҳукуматида бевосита пахтачилик муаммолари билан ҳеч ким шуғулланмаяпти.

Хусусан гап **қўшимча сув манбалари** тўғрисида бормоқда. Қўшимча сув бўлмаса Ўрта Осиё тараққиётининг истиқболи йўқ. Ахир биз 10 миллион гектаргача ерни одамларга, бутун мамлакатга хизмат қилдиришимиз мумкин. Гап Орол муаммоси ҳақида, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Оролга оқизиш тўғрисида бормоқда. Бу масалалар юзасидан Қозоғистон ва Ўрта Осиё беш жумҳурияти номидан съездга қўшма мурожаатнома ёздик. Бу масалалар сиёсий маърузага доир резолюцияда қисман акс этган бўлса ҳам, биз бундан тўла қаноатланмадик.

Демак, бу масалалар устида янада қатъият билан иш олиб бориш, уларнинг ҳал этилишига эришиш керак. Биз учун бу сиёсат масаласидир, турмушимиз, фаровонлигимиз масаласидир, ҳозир шу ҳудудда яшаётган 50 миллион кишининг келажаги тўғрисидаги масаладир.

Демократик ва марксистик платформаларнинг мазмуни теварагида ҳозир кўпгина саволлар туғилмоқда. Бизнингча съездда ана шу оқимларнинг шиорлари ва раҳбарларининг даъватлари орқасида нималар турганлигини, нималар биз учун мақбулу, нималарни қатъиян рад этиш лозимлигини тағин ҳам аниқроқ ва пухтароқ равшанлаштириб кўрсатиб бериш лозим эди. Шуни айтиш керакки, марксистик платформанинг, демократик ҳаракатнинг социалистик йўлини танлаш, Октябрь инқилоби ва унинг идеалларини ҳимоя қилишнинг муқаррарлиги, ҳозир вужудга келаётган партиялар ва сиёсий ҳаракатларни таҳлил этишга ижтимоий-синфий ёндашув каби позициялари ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир, съезднинг дастурий Баёнотини тайёрлаш чоғида ана шулар асосан ҳисобга олинди.

Шу билан бирга марксистик платформа бизнинг назаримизда схематизмдан холи эмас, ҳаётдан, меҳнаткашларнинг аниқ-равшан эҳтиёжларидан ажралиб қолган, амалда ижтимоий-иқтисодий режалар йўқ, яъни ҳозирги вақтда жамият бошидан кечираётган тангликдан қандай қилиб ва қайси йўл билан чиқиш кераклигига жавоб берилмаган.

Демократик платформа вакилларининг — КПСС сафларидан чиқмай партия ички турмушини демократиялаш учун, партиянинг очиқ бўлишини ҳимоя қилиш учун ҳамма ишни қилишни мақсад қилиб қўйган ислоҳотчи коммунистларнинг режаларида ҳам аслида ана шундай афзалликлар ва камчиликлар бор. Съезддан кейин партиямиз ичидаги ана шу икки йўналиш бирлашиб, «Правда» газетасининг 1 август сонида аслида ягона позициядан туриб фикр билдирганлиги бежиз эмас.

Бироқ демократик платформанинг ўзларини КПСС сафидан чиққан деб эълон қилган Шостаковский ва Лисенко каби раҳбарлари биз учун мутлақо мақбул бўлмаган ажрамачилик позицияларида туриб ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг тутган позициялари амалда корхоналарда, ташкилотларда, омма орасида аниқ-равшан сиёсий иш олиб боришдан онгли равишда ва атайлаб воз кечишга, аҳолининг ҳаётини таъминлашда етилган муаммоларни ҳал қилишда партиянинг сафарбар этувчилик ролидан воз кечишга ва партияни фақат сайловолди кампаниясини билан, парламентда аввало ўз раҳбарлари вакиллигини таъминлаш билан шуғулланадиган сиёсий клубларнинг мавҳум уюшмасига айлантиришга қаратилган.

Бразаускас раҳбарлигидаги қайта ташкил этилган Литва Коммунистик партиясининг ҳозирги аҳволи бундай программа ва тактика нимага олиб бориши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Ҳозир ана шу партиянинг Марказий Комитети ва раҳбарияти қуйи партия ташкилотлари ва тузилмаларидан амалда ажралиб қолди, оммага таъсирини йўқотди.

Эртага бу партиянинг номи социалистик ёки социал-демократик партия деб ўзгартирилади, унинг программавий вазифалари ҳам ўзгаради ва амалда ўнг кучларга қўшилиб кетади, деб тахмин қилиш учун асослар бор.

III.

Мамлакат коммунистларининг олий анжумани бизга берган сабоқлар ана шулардан иборат. Кўпгина долзарб муаммолар съезд таҳлилидан четда қолди. Съезднинг асосий ютуқларидан бири шундаки, у граждан аҳиллиги ва сиёсий барқарорликка эришиш йўлида жамиятни жипслаштириш режаларини ишлаб чиқди. Съезд жумҳуриятнинг аниқ-равшан эҳтиёжларига мос келадиган ўз ҳаракат режаларини белгилаш ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятнинг асосий қонуний ҳуқуқи эканлигини эълон қилди ва тасдиқлади. Ҳозирги вақтда бутун мамлакат учун ягона йўл-йўриқ йўқ эканлигини эътиборга олиш лозим. Москва, Ленинград учун яхши ҳисобланган режалар Тошкент учун, бошқа регионлар учун мақбул бўлмаслиги мумкин.

Бизга сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш учун маънавий жиҳатдан

янгиланиш, ижтимоий адолат, Ўзбекистон аҳолиси муносиб турмуш шароитига эришиш учун жумҳурият коммунистларининг куч-ғайратларини сафарбар қилиш имконини берадиган **ўз ҳаракат режаларимиз** зарур. Социологик тадқиқот натижалари кўрсатаётганидек жумҳурият фаолларининг мутлақ кўпчилиги бу фикрга қўшилмоқда.

Кўп партиялилик шароитида қийинчиликлардан қутулиш йўлини кўрсатиб бера оладиган, оммани ишонтириб ва ўз орқасидан эргаштириб бора оладиган, ўзи таклиф этаётган режалар, бугун қилинаётган ишлар — буларнинг ҳаммаси одамларнинг турмушини яхшилаш учун, уларнинг фаровонлиги йўлида амалга оширилаётганлигини исботлаб бера оладиган партиягина ғалаба қозонади. Одамлар бизга қарз берган ишонч муҳлати тугаб бормоқда. Беш йил ваъдалар билан ўтди, энди одамлар ортиқча кута олмайдилар, ҳозир ўтказилаётган иқтисодий тажрибаларга лоқайдлик билан қарай олмайдилар.

Едингизда бўлса, аҳоли Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастурини маъқуллаб кутиб олган эди. Бу эса сайловда бизни одамлар ишонарли тарзда қўллаб-қувватлашига имкон берди. Ана шу ишончни оқлаш лозим.

Вазифа — сайловолди ҳаракат дастурига таяниб, жумҳурият Компартиясининг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларини ҳам, олис истиқболни ҳам ўз ичига оладиган аниқ режаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Бу режаларга нималар киритилиши керак? Булар мафкура масалалари ҳам, ташкилий-партиявий масалалар ҳамдир. Лекин Компартиянинг режаларида ижтимоий-иқтисодий муаммолар асосий ўринни эгаллаши керак. Ҳозирги вақтда сиёсат ҳам, мафкура ҳам, миллий муносабатлар ҳам ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ижтимоий-иқтисодий масалаларда, ўткир муаммоларда бир-бирига туташиб кетмоқда. Буни ҳисобга олмаслик — партияни фаол турмушдан четлаштириш, ўзининг ноқобиллигини кўрсатиш демакдир.

Масала шундай қўйилмоқда: одамларнинг турмушини ҳақиқатан ҳам яхшилай оламизми, ёки яхшилай олмаймизми, ҳозир кўндаланг бўлиб турган муаммоларни ҳал қилишга улгурамизми, ёки улгурмаймизми? Булар озиқ-овқат, уй-жой, мактаб ва болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, ходимларни тайёрлаш, аҳолини маданий юксалтириш масалаларидир. Буларнинг ҳаммаси ҳозир бир тугунга қўшилиб кетган ва иқтисодиёт қаердалигини, сиёсат қаерда-ю, мафкура қаердалигини фарқлаб олиш мумкин эмас.

Ишлаб чиқариладиган режаларда амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг устунлиги ва изчиллиги аниқ белгилаб қўйилиши керак. Ҳамма ишни бирдан бошлаб, муҳим иш барбод этилганлигини кўрсатувчи мисоллар тарихда кўп. Озиқ-овқат программаси, «Уй-жой» программаси, фан-техника тараққиёти умумиттифоқ комплекс программаси ва бошқалар худди шундай бўлди. Ана шу программаларга мувофиқ ҳозир Ўзбекистон ўзини ўзи нон, картошка, гўшт билан таъминлаши, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи муаммоларини бутунлай ҳал этган бўлиши керак эди.

Ўзининг вақтинчалик раҳбар эканлигини сезган, хўжакўрсинга шов-шув кўтариб, масъулиятни эса бошқалар зиммасига юклашга уринган кишиларгина бундай программаларни маъқуллашлари мумкин эди.

Ўзбекистонда одат тусига кирганидек биз, ҳаммамиз катта бир оиладек ўтириб, маслаҳатлашиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устун йўналишларини белгилаб олишимиз керак. Ҳақиқатда бажариш мумкин бўлган ишларнигина кўзда тутишимиз лозим. Ана шу ҳужжатни тузиш чоғида бу ишга худди шундай тарзда ёндашмоқ керак.

Бу соҳада бир қанча принципиал ёндашувлар борки, биз уларни равшанлаштириб олишимиз лозим.

Ўзбекистон Компартияси Олий Совет эълон қилган **жумҳурият иқтисодий мустақиллигини** аниқ-равшан мазмун билан тўлдиришни ўзининг бош вазифаси деб билади.

Бу бутун ҳаракат дастурининг асосий йўлидир. Жумҳуриятдаги ер ости конларининг, табиат бойликларининг эгаси ким, уларни тасарруф этишга ким ҳақли, деган асосий масалаларни ҳал қилмай туриб, бозор иқтисодиёти томон реал ҳаракат қилиш беҳудадир.

Компартиянинг қатъий фикри шундайки, ер, унинг қаъридаги бойликлар, минерал хом ашё, табиат, сув ресурслари ва меҳнат натижалари фақат жумҳуриятнинг мулки бўлиб, бутун Ўзбекистон халқининг бойлиги ҳисобланади. Тармоқлар ва халқ хўжалиги комплекслари ҳам бевосита жумҳуриятнинг ихтиёрида бўлиши керак, улар жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаши, жумҳурият бозорини зарур истеъмол моллари билан тўлдиришни таъминлаши, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, иттифоқ ва жаҳон бозорига чиқиш ва унда мавқеимизни мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак. Бу қоидалар ҳозир ишлаб чиқилаётган мулкчилик тўғрисидаги жумҳурият қонунида аниқ акс этиши лозим.

Тўғри, дастлабки пайтларда зарур заминни вужудга келтириш, биринчи навбатда валюта олиш учун пахтани ҳам, пиллани ҳам, қоракўлни ҳам, бошқа бойликларимизни ҳам сотишимизга тўғри келади. Лекин буларнинг ҳаммаси хом ашёдан иборат бойликларимизни тайёр маҳсулотга айлантириш учун пировард натижада ўзимизда замонавий пухта саноатни барпо этиш, бунинг учун чет эл техникаси ва технологиясини жалб қилиш учун сотилади.

Биз шуни аниқ тушуниб олишимиз кераки, фақат бойликларимизни сотиш ҳисобига яшаш — энг сўнгги чора бўлиб, бундай йўл ачинарли натижаларга олиб боради.

Биз ҳозир энг муҳим, долзарб муаммоларни ҳал қилиш тўғрисида ўйлабгина қолмай, фарзандларимиз, невараларимизга сувсиз, барбод этилган ерларни, нобуд қилинган табиатни эмас, балки ўлкамизга табиат сахийлик билан берган жуда катта бойликни мерос қилиб қолдириш учун ҳамма чораларни кўришимиз керак.

Ўзбекистон халқ хўжалиги ички тузилишини тубдан қайта қуришнинг ҳар томонлама режаларини ишлаб чиқиш иккинчи ғоят муҳим муаммодир. Унда биз биринчи навбатда иқтисодий тараққиётнинг саноатимиз хом ашё йўналишидан қутулишга имкон берадиган йўналишларни кўзда тутишимиз зарур. Олдимизга қўйган мақсадга эришиш учун кўп миқдорда майда корхоналарни барпо этиш ишларини қисқа муддатда авж олдиришимиз керак. Бундай кичик корхоналар ривожланиши учун улар мамлакатнинг саноати ривожланган регионлари билан бевосита шартнома алоқаларидан фойдаланибгина қолмай, хорижий шерикларни ҳам жалб этишлари лозим. Бу эса одамларимизга замонавий технологияни, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг яхши тажрибасини ўзлаштириш, иттифоқ ва жаҳон бозорига фақат хом ашё билан эмас, айни пайтда тайёр маҳсулот билан чиқиш имкониятини ҳам беради.

Мулкчиликнинг якка давлат шакли иқтисодиётни сифат жиҳатидан янада ривожлантиришни, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишни, фан-техника тараққиёти ютуқларини тезроқ жорий этишни таъминлашга қодир эмаслиги ҳозир мутлақо равшан бўлиб қолди.

Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари — иқтисодиётни ривожлантиришнинг истиқболли йўлидир. Уни вужудга келтириш ва ривожлантириш учун мулкчилик барча турларига тенг шароит ва имконият яратиб берилиши керак.

Бизнингча, давлат мулки иқтисодиётнинг асосий тармоқларида: металлургия, ёқилғи-энергетика комплекси, ҳаво ва темир йўл транспорти, алоқа, магистрал қувурлар ва бошқа бир қанча тармоқларда етакчи позицияни эгаллаши лозим. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кичик саноат корхоналарини, чоғроқ савдо, маиший хизмат, умумий овқатланиш корхоналарини ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган бошқа корхоналарни кооператив, акционерлик мулкига, хусусий мулкка топшириш лозим. Миллий ҳунарлар ва халқ ҳунармандчилиги ҳам мулкнинг ана шу шаклларига ўтказилиши керак. Умумий қиймати 500 миллион сўм турадиган 5—6 мингта ана шундай корхона ва ташкилотни яқин вақт ичида сотиш учун имконият бор.

Жумҳурият **меҳнатга лаёқатли аҳолисини иш билан** оқилона ва самарали **таъминлаш** муаммосини ҳал этиш йўллари Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат режаларида алоҳида ўрин олиши лозим. Бу жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ўта мураккаб масаладир.

Бозор муносабатига ўтилгач, бу масала тағин ҳам ўткир тус олади, аммо ҳозир муаммони қайд этишнинг ўзи камлик қилади. Ишнинг асосий қисми — бирма-бир ҳисобга олиш натижаларига асосланиб, собитқадамлик билан аниқ иш

жойларини барпо этишдир. Мактабни ва махсус ўкув юртларини тамомлаган ёшларнинг такдири, армиядан қайтиб келган йигитларнинг тақдири, болали аёлларнинг такдири бу муаммонинг канчалик муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқдир.

Жумҳурият аҳолиси катъий ишонаверсин, давлат унга кафолатли меҳнат қилиш ҳуқуқини, касб ўрганиш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини таъминлайди. Жумҳурият Компартияси аҳоли манфаатларини оғишмай ҳимоя қилиб, аҳоли ҳуқуқларини таъминлашнинг кафили бўлиши лозим.

Вазиятни тўғри баҳоламоқ керак. Яқин вакт ичида биз меҳнатга лаёқатли кишиларнинг ҳаммасини иш жойи билан таъминлай олмаймиз, одамларнинг бир қисми вақтинча ишсиз қолади. Бизнинг вазифамиз шундан иборатки, бундай одамлар ўзларини камситилган, турмуши барбод бўлган деб ҳис этмасинлар. Шу сабабли ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра меҳнатга жойлаштирилмаган кишилар расмий равишда, қонун билан белгилаб қўйилган тартибда ишсиз, деб тан олиниши ва улар зарур ижтимоий ёрдам олишлари керак. Ишсизлар мақоми кимларга нисбатан қўлланилишини, уларга моддий мадад ва ижтимоий ҳимоя қандай бўлишини фанимиз, ҳуқуқшунослар аниқ белгилаб беришлари керак.

Партия ташкилотлари, коммунист депутатлар ёшларни, айникса қишлоқ ёшларини фан билан чамбарчас боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришга жалб этиш ишига бошчилик қилишлари даркор. Бу масалада мудофаа комплекси ва «А» гуруҳи тармоқлари корхоналарининг жамоалари зиммасига алоҳида вазифа ва масъулият юкланади.

Биз ғалати вазиятга дуч келиб қолдик. Иш билан таъминланмаган аҳоли бор, иш бор, аммо иш жойлари банд эмас.

Ҳозир Тошкентдаги саноат корхоналарида ўн мингтадан кўпроқ бўш иш жойи бор. Фарғона шаҳрида авиация заводининг энг замонавий асбоб-ускуналари учдан бир қисми ишламай турибди. Фарғона, Олмалиқ ва Чирчиқ қурилиш трестларининг ҳар бирида 500—600 ишчи етишмаяпти. Бир қанча тўқимачилик корхоналари тўла қувват билан ишламаяпти.

Кадрлардан самара олиш учун уларни тайёрлашга маблағ сарфлаш лозим. Агар биз ҳақиқатан ҳам қашшоқлик ва қолоқлик кишанларидан қутулмоқчи бўлсак, ёшларни тайёрлаш билан жуда жиддий равишда шуғулланишимиз, замонавий касбни эгаллашда уларга ёрдам беришимиз керак. Бу соҳада хасислик ярамайди.

Бизга миллий кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури керак, бу дастур:

— Умумий таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш, махсус синфхоналар барпо этиш, олий ўкув юртларининг мактабларни оталиққа олишини йўлга қўйиш ва шу кабиларни;

— Энг истеъдодли болалар учун мактаблар очишни;

— Корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этишни;

— Ҳунар-техника билим юртларида хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларини тайёрлаш сифатини кескин оширишни;

— Олий ўкув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта қуришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашнинг буюртма бериш усулини жорий этишни ўз ичига олиши керак. Дарвоке, бу соҳада ҳозирнинг ўзидаёқ бирмунча иш қилинмоқда. Яқинда Фарғона давлат дорилфунунини, Бухоро медицина институтини, Нукус педагогика институтини ва шу кабиларни ташкил этиш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Жумҳуриятнинг юқори малакали миллий мутахассисларини тайёрлаш учун Иттифоқдаги ва чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш системаси аниқ ишлай бошлаши кераклиги ҳақида неча марталаб гапирилди.

Бизнинг **молиявий имкониятларимиз** чекланганлиги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни секинлаштирувчи омил бўлиб қолмоқда. Шу сабабли бошқа жумҳуриятларнинг бўш турган пул маблағларини, ажнабий сармояни ўзаро манфаатли асосда жалб қилиш соҳасидаги ишни фаол ўтказиш лозим.

Ташқи иқтисодий сиёсатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Ўзбекистондан ташқи бозорга одатдаги хом ашё билан бирга тайёр маҳсулот ҳам тобора

кўпроқ миқдорда юбориладиган бўлиши лозим. Ажнабий фирмалар билан бирга корхоналар барпо этиш, уларда пахта, пилла, хом тери, мева, сабзавотларни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш, мураккаб рўзғор техникасини ишлаб чиқариш ҳамда фан ютуқлари ва меҳнатни кўпроқ талаб қиладиган бошқа корхоналарни барпо этиш йўлини ўтказиш керак. Яқинда ташкил этилган Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш, Министрлар Совети эса ташкилий масалаларни тезроқ ҳал қилиб бериши зарур.

Ноишлаб чиқариш соҳасининг имкониятларидан ҳали суст фойдаланилмоқда. Жумҳурият маиший хизматни, коммунал хўжаликни, халқ таълими ва маданиятни, соғлиқни саклашни ривожлантириш даражаси жиҳатидан бошқа регионлардан анчагина орқада қолмоқда. Баъзан телевизор ёки холодильникнинг икир-чикир нуқсонларини тузатиш, кир ювиш ёки кийим-кечакни химиявий тозалаш каби ишлар гўё ҳал этиб бўлмайдиган муаммога айланиб кетмоқда. Бу эса аҳолини жуда норози қилиши табиий.

Ҳозир аҳолига хизмат қилиш соҳасида жуда оз киши — халқ хўжалигида ишлаб турганларнинг атиги 26 фоизи шуғулланмоқда. Биз ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларини жадал ривожлантириш орқали одамларни яқин вақт ичида янги иш жойлари билан таъминлабгина қолмай, шу билан бирга аҳолига ижтимоий-маиший хизмат даражасини анча кўтаришни ҳам таъминлай оламиз.

Ўзбекистон шароитида суғорма деҳқончилик қишлоқ хўжалигининг асоси бўлганлиги сабабли ҳозир **мавжуд экинзорлар сақланиб қолишини** таъминлаш бош вазифалардан биридир. Шу билан бирга унинг ҳосилдорлигини ошириш ва ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Деҳқончилик-саноат соҳасини ривожлантириш қуйидаги йўналишлар бўйлаб: жамоат секторида — пахта ва унга ёндош экинларни етиштириш; шахсий секторда — асосан озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш йўлидан бориши керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотига ҳозирги талабни, айрим экинлар етиштиришнинг нақадар манфаатдорлигини ҳисобга олиш асосида маҳаллий шароитларни назарда тутиб, уларни оқилона жойлаштириш жуда муҳимдир. Келгуси йилда пахта толаси етиштиришни 1,4 миллион тоннагача ёки пахта етиштиришни тахминан 4 миллион тонна қилиб белгилаш вазифаси қўйилмоқда. Бу тадбир қўшимча равишда 100 минг гектарга яқин сувли ерни бўшатиб олиш, озиқ-овқат тармоқларини, деҳқончилик, фермерлик хўжаликларини ва аҳолининг шахсий хўжаликларига кўмаклашиш имконини беради.

Бултур **шахсий ёрдамчи хўжаликлар** ихтиёрида 225 минг гектар суғориладиган ер бор эди ёки жумҳуриятда ҳар бир хонадонга ўрта ҳисобда 0,10 гектар, Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятларида атиги 0,06—0,08 гектар ер тўғри келди. Ҳозир томорқа участкаларини кенгайтиришга қўшимча равишда 166 минг гектардан кўпроқ ер ажратилди, шахсий чорбоғлар миқдори ўрта ҳисобда 0,18 гектаргача етказилди. Бу тадбир ижтимоий кескинликни бирмунча юмшатди ва озиқ-овқат экинлари ҳосилини етиштиришни кўпайтиришга кўмаклашди, бозорга ижобий таъсир қилди.

Биз шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш йўлини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайверамиз. Шу йилнинг охиригача ҳамма жойда, шу жумладан Фарғона водийсида **томорқа хўжаликлари ҳажмини камида 0,25 гектарга етказиш** вазифаси қўйилмоқда. Шахсий ёрдамчи, фермерлик ва деҳқончилик хўжаликларини ривожлантириш уй-жой муаммосини, аҳолини, айниқса хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда туб бурилиш ясайди. Бу эса жумҳурият аҳолисини боқиш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг анчагина қисмини ташқарига чиқариш, аҳолининг даромадларини, унинг ижтимоий ҳимояланиш даражасини ошириш имконини беради. Шахсий секторда, томорқа хўжаликларида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштиришни йўлга қўйиш шу маҳсулотни етиштирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг моддий-техникавий таъминоти ва етиштирган маҳсулотни сотиш масалаларини кўндаланг қилиб қўймоқда. Район, вилоят ва жумҳурият микёсидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини якка тартибда етиштирувчиларнинг уюшмалари тарзидаги жамоат ташкилотлари бу вазифаларни бажара олган бўлур эди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш, озиқ-овқат дастурини рўёбга чиқариш аввало **деҳқонларнинг жамиятдаги ижтимоий-иктисодий аҳволини** тубдан яхшилашга боғлиқ. Деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, деҳқонни ернинг ва ўз меҳнати натижаларининг хўжайини сифатида қарор топтиришда фаол ёрдамлашиш — барча коммунистларнинг энг муҳим вазифасидир.

Ўтган йили пахта учун берилган қўшимча ҳақнинг асосий қисми ишчилар билан колхозчиларнинг иш ҳақини оширишга ишлатилди. Бу тадбир қишлоқ меҳнатчиларининг меҳнат ҳақини ошириш, четдан иш кучи жалб этишдан воз кечиш ва энг муҳими терим ишларини механизациялаш даражасини кескин кўтариш имконини берди. Бундан буён ҳам ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишдан ишчилар ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш лозим. Шу мавсумда қўшимча ҳақни ҳисобга олиб терилган ҳар килограмм пахта учун тўланадиган ҳақни 25 тийингача етказиш, шунга мувофиқ равишда пахта териш машиналарини ҳайдовчи механизаторларнинг меҳнатини ҳам рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Биз **қишлоқнинг ижтимоий ободончилиги** масалаларини ҳал этишда қишлоқ аҳолисидан анчагина қарздор бўлиб қолганмиз. Шу кўрсаткичлар жиҳатидан қишлоқликлар шаҳарликлардан бир неча ҳисса орқада туришибди. Жумҳурият ҳукумати бу масалаларни ҳал этишда кескин, сезиларли силжишларни таъминлайдиган тадбирларни ҳал этиб, амалга ошириш вазифасини ўз зиммасига олиши лозим.

Келгусида **уй-жой муаммосини ҳал этишга** катта эътибор бериш керак. Маълумки, жумҳуриятимиз уй-жой билан таъминланиш жиҳатидан мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди — умуман мамлакатда бир киши ҳисобига 16 квадрат метр уй-жой тўғри келса, бизда 11,9 квадрат метр уй-жой тўғри келади. Бизнинг қишлоқлардаги уй-жойларни олиб кўрсангиз, унинг анчагина қисмини замонавий уй-жой деб бўлмайди. Уларнинг кўпчилиги гуваладан ва пахсадан қурилган лойсувоқ уйлар бўлиб, табиий газ, ичимлик сув, канализация, марказий иситиш шохобчаси билан таъминланмаган.

Ҳозирги вақтда жумҳуриятда қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланиши ўрта ҳисобда 52 фоизни, газ билан таъминланиш эса атиги 18 фоизни ташкил этади.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлашдаги аянчли қолоқликни тугатиш учун яқинда қабул этилган Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонида бир қанча амалий чора-тадбирлар белгиланди. Уч йил мобайнида қишлоқ жойларида сув таъминоти ишлари ҳажми 3 баравар, газлаштириш ишлари ҳажми 4 баравар ортиши керак. Шу масалалар юзасидан белгиланаётган режа олис истиқболда ҳам ривожлантирилиши лозим.

Уй-жой қурилишини янада ривожлантириш масалаларини ишлаб чиқиш чоғида якка тартибда уй-жой қуришга устунлик берилиши керак. Албатта, алоқа йўлларини ўтказиш, ободончилик, ижтимоий инфраструктура объектларини барпо этиш ишларини давлат ўз зиммасига олиши лозим. Буни халққа рўй-рост айтиб қўйиш керак. Шу билан бирга аҳолини бинокорлик материаллари билан таъминлаш соҳасидаги ҳолат кўнгилдагидек эмас, жойларда қилинаётган катта суиистеъмолларга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Шу билан бирга биз кўп болали оилаларни, ногиронларни ва аҳолининг бошқа ночор гуруҳларини молиявий ёрдамсиз қолдира олмаймиз. Айни шу соҳада маҳаллий Советлар йўқсиллар ва болаларнинг ижтимоий кафолатини таъминлашлари, уларни бозор муносабатларининг қийинчиликлари таъсиридан ҳимоя қилишлари лозим.

Жумҳуриятимиздаги **соғлиқни сақлаш** соҳасида жиддийислоҳотлар қилиш лозим бўлиб қолди. Аҳолига тиббий хизмат сифатини яхшилаш учун бутунлай янгича ёндашувларни ишлаб чиқишимиз керак. Аввало касалликларнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш дастурини аниқ белгилаб чиқиш, даволаш-диагностика ёрдами сифатини ошириш, кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш зарур.

Мактаблар ва болалар муассасаларининг ҳолати ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Болалар — халқимиз анъаналарининг ифтихори, ҳар бир оила турмушининг асосий маъноси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келажакда ҳам шундай

бўлиб қолади. Чамаси, КПССнинг бутун тарихи давомида биринчи марта партия XXVIII съезди «Таълим, фан ва маданият соҳасидаги сиёсат тўғрисида» махсус резолюция қабул қилганлиги, партиянинг жамиятимиз маънавий турмуши муаммоларига устун даражада муносабатда бўлиши зарурлиги биринчи бор айтилганлиги тасодифий ҳол эмас. Биз учун, Ўзбекистон Компартияси учун бу масаланинг аҳамияти жуда катта. Зеро, биз мактабларимиз, касалхоналаримиз, маданият муассасаларимиз нақадар ачинарли аҳволда қолганлигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Агар биз маънавий турмуш соҳасига қолдиқ муносабатнинг яроқсиз гирдобидан чиқа олмасак, иқтисодиётнинг ҳозирги аянчли аҳволини ҳеч қачон тузата олмаймиз, одамларнинг муносиб яшашлари учун шароит яратa олмаймиз.

Гап **халқ таълими, маданият, фанни** ривожлантиришнинг мутлако янги концепцияларини ишлаб чиқиш зарурати ҳақида бораяпти, бу хусусда бизнинг тарихий меросга, мактабгача тарбияга, ўрта ва олий мактабга тааллуқли бир қанча дастурларимиз бор. Бироқ улар молиявий ва моддий ресурслар билан тўла-тўкис таъминланган тақдирда, уларни рўёбга чиқариш партия комитетлари учун ҳам, Советлар учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга молик иш бўлиб қолган тақдирдагина ўз самарасини бера олади.

Ниҳоят, жумҳурият учун керакли мутахассисларни ақлий, маънавий, жисмоний жиҳатдан тарбиялаш муаммоларига тузукроқ эътибор бериш, бу ишни гўдаклик ёшидан бошлаб, истеъдодли болалар ва ёшлар учун зарур шароитни яратиб бериш керак.

Биз **инсоний турмуш маданияти** руҳида тарбиялаш учун оиланинг аҳамияти ва обрў-эътиборини оширишга катта умид боғлаяпмиз. Инсонпарварлик, яхши қўшничилик руҳини қайтадан тиклаш, халқларимизга азалдан хос бўлиб келган маънавий урф-одатларни қарор топтириш учун меҳнат жамоаларининг тажрибаси ва кучидан, афкор оммадан кенгроқ фойдаланиш зарур.

Маданият соҳасида Компартия олдида идоралар ва ташкилотларнинг ҳукмронлигини бартараф этиш, жумҳуриятда яшовчи барча халқларнинг маданиятини тенг ҳуқуқли ривожлантиришга кафолат бериб, уларнинг бир-бирларини бемалол баҳраманд этишлари, Совет Ўзбекистонининг кўп миллатли ва инсонпарвар маданиятини ҳозирги дунё маънавий турмушига тўла-тўкис жалб этиш учун эркин ижодкорлик шароитини яратиб қўйиш вазифаси турибди.

Шу муносабат билан яна бир жиддий масалага тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Кейинги вақтларда биз негадир «байналмилалчилик» сўзини камроқ тилга олаяпмиз. Албатта, унинг эски тушунчаси, миллатлар қўшилиб кетади, деган сунъий ақидапарастлик йўл-йўриқлари, жумҳуриятларнинг миллий хусусиятларини, ўзига хослигини инкор этиш тарзидаги тушунчаси биз учун мақбул эмас. Аммо, фақат шу сабаб билангина кўп миллатли давлатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган, кейинги вақтларда кучайган ҳаддан ташқари хатарли айирмачилик, миллий мумтозлик ва алоҳидалик кайфиятларининг табиий муқобили бўлган қоидалардан воз кечишимиз ярамайди-ку, ахир.

Жумҳурият — ҳаммамиз яшайдиган уй, ундаги барча кишиларнинг миллатидан, тилидан, динидан қатъи назар, уларнинг умумий хонадонидир. Унда яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб ва мустаҳкамлаб, бир-бирининг маданияти ва тилини, миллий анъаналари ва одатларини ҳурмат қилиб, ягона оила тарзидагина яшаш мумкин. Модомики, ҳозир айрим кишилар ўртасига совуқчилик тушиб, бирмунча хафачилик бошланган экан, биз жумҳуриятимизнинг келажаги бўлган фарзандларимиз айни янги маънодаги байналмилалчилик қоидалари руҳида ўсиб, тарбияланишлари учун ҳамма ишни қилишимиз керак.

Бу муаммони ҳал этиш учун мактаблар, олий ўқув юртлари, комсомол зиммасига — ёш авлодни тарбиялаш билан бевосита ёки бавосита шуғулланаётган давлат ва жамоат муассасалари зиммасига катта масъулият тушади. Мактаб программаларига Ўзбекистонда яшовчи халқлар тил, маданият анъаналарининг бутун бойлигини очиб берадиган предметлар ва дарсларни киритиш масаласини ўйлаб кўришлари зарур.

Қайта қуришда **зиёлилар**нинг ўрни жуда катта. Ижодий, илмий ва муаллимлик фаолияти билан шуғулланувчи кишилар халқ олдидаги ўз масъулиятларини

сезишлари керак, ёзувчи, олим, врач, рассомнинг ҳар бир ижодий қадамини Компартия қўллаб-қувватлаши шак-шубҳасиздир.

Хуллас, бир талай муаммолар ҳал этилиши лозим. Янги, шу жумладан маҳаллий шароитларга мос келадиган ёндашувлар зарур. Ниҳоят, иттифоқдош республикалар марказнинг буйруқбозлигидан ҳалос бўлишлари, тўла мазмунли мустақил ҳаёт кечиришлари лозим.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг яқинда Олмаотада бўлиб ўтган учрашувини янги сиёсий тафаккур шаклларидан бири жумласига қўшса бўлади. Кейинги вақтларда ташкилотларимиз бошқа жумҳуриятлардаги касбдошлари билан тобора кўпроқ бевосита алоқа ўрнатмоқдалар. Ана шундай ўзаро алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон халқларини ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг ўткир муаммоларини муваффақиятлироқ ҳал этиш имконини беради.

IV.

Ўзбекистон Компартиясининг ўз норматив ҳужжати ёки **мақоми**ни ишлаб чиқиш тўғрисидаги масала ҳам биз учун принципиал масаладир. Шуни айтиш керакки, ўтказилган социологик сўроқ давомида масаланинг ўзи равшан таърифлаб берилмаганлиги сабабли кўп кишилар бундай ҳужжатнинг ғоясини КПСС Уставига зид бўлган қандайдир бир нарса деб тушундилар.

Шу муносабат билан Компартия мақомини тайёрлаш учун асос қилиб олинадиган қоидаларга батафсилроқ тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Умуман КПССнинг янги Уставини тан олиш шу қоидаларнинг энг биринчиси бўлиши шубҳасиз. Биз унинг нормаларига амал қилишга мажбурмиз.

Шу билан бирга биз КПСС таркибидаги Ўзбекистон Компартиясининг мақомини, унинг партия марказий идоралари билан ўзаро муносабат принципларини, шу муносабатларни тартибга солувчи нормаларни аниқ белгилаб олишимиз керак.

Биз ўз ҳуқуқ доирамизда мустақил тартибга соладиган масалалар хусусида ҳам ўз фикримизни равшанлаштириб олишимиз лозим. Компартиянинг раҳбар ва марказий органлари ваколатлари ҳамда вазифалари тўғрисидаги, Қорақалпоғистон республика ташкилотининг мақоми тўғрисидаги ва шу каби масалаларни назарда тутаяпман. Ана шу жиҳатдан мақомнинг қоидалари Уставнинг **партиянинг ташкилий тузилиши тўғрисидаги** бўлимига табиий қўшимча бўлур эди.

Шу муносабат билан **сайлаб қўйилган партия органларининг ишини ташкил этишда** ҳам мутлақо янги ёндашувлар зарур. Қуйи партия бўғинларига **имкони борича мустақиллик** берилиши керак. Юқори комитет бюросининг қуйи ташкилотларга тааллуқли қарорлари албатта уларнинг иштироки билан ҳамда масалани ҳал қилиш учун ташкилотнинг ўз ҳуқуқ доираси етишмаган ҳолларда ёки унинг ҳаракатлари Программа ва Устав талабларига, съездлар ва конференцияларнинг, партия комитетлари пленумларининг қарорларига зид бўлган ҳоллардагина қабул этилиши керак.

КПСС Уставининг 11-бандини амалга ошириш муносабати билан бир қанча амалий чоралар кўрилиши зарур. Шу бандга мувофиқ партия аъзосининг айни бир вақтда иккитадан ортиқ партия комитетига ёки назорат комиссияларига сайланишига йўл қўйилмайди. Жумҳуриятнинг сайлаб қўйилган партия органлари таркиби КПССнинг янги Устави қабул қилинишидан аввал шаклланган эди. Ҳозир эса коммунистларнинг анчагина қисми айни бир вақтда учта, баъзилари эса ҳатто тўртта сайлаб қўйилган органнинг аъзоси бўлиб турибди. Бу масалаларни барча вазиятларни ҳисобга олиш асосида ҳал қилиш зарур, токи ҳар бир ҳолатда коммунист энг кўп фойда келтира оладиган партия органлари таркибида қоладиган бўлсин.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтмоқ керак. КПСС съездига тайёргарлик кўриш ва жумҳуриятдаги ҳисобот-сайлов кампанияси давомида биз сайлаб қўйилган органлар таркибида ишчилар ва оддий колхозчиларнинг муносиб вакиллигини таъминлашга муваффақ бўлган эдик. XXVIII съездда қатнашган делегациямиз таркибида 40 фоиздан кўпроғи ишчи ва колхозчилардан иборат бўлганлиги-

ни ва бу кўрсаткич уларнинг умуман партиядаги улушидан икки ҳисса кўплигини айтиш кифоя.

Партия комитетларининг таркибини тартибга солиш чоралари мана шу вакилликнинг камайишига олиб бормаслиги, балки, аксинча, уни мустаҳкамлаши жуда муҳимдир. Келгусида эса бу масалаларнинг ҳаммаси бизнинг мақомимизда норматив тарзда таъминланиши керак. Эҳтимол, ишчи ва деҳқонларнинг партия ташкилотлари таркибидаги салмоғига мувофиқ равишда улар учун ҳатто норма белгилаб қўйиш ҳам мумкин бўлар.

КПСС съездининг қарорларига мувофиқ партиянинг асоси, партиялилар оммаси хоҳиш-иродасининг бевосита ифодачилари бўлмиш **бошланғич партия ташкилотларининг аҳамиятини ошириш ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш** юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўришимиз зарур.

Ҳозир ёндашувларни тубдан ўзгартириш керак. Бошланғич партия ташкилотининг коллективдаги ва истиқомат жойидаги иши **мазмуни ва самарадорлиги** унинг **жанговарлик мезони** бўлиб қолиши лозим.

Бошланғич бўғинларимиз ўз жамоалари ва аҳолининг етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш йўллари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, совет ва хўжалик идоралари олдига қўйишда ташаббусни ўз зиммасига олсалар, шу ҳолдагина бошланғич партия ташкилотларининг обрў-эътибори амалий равишда ошган бўлади. Улар бу масалаларда қатъият кўрсатишлари лозим, меҳнаткашларнинг ва аҳолининг, ҳар бир аниқ инсоннинг Конституцияга ёзиб қўйилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган барча ҳолларда уларни юксак принципиаллик билан ҳимоя қилишлари зарур.

Съезд аҳоли яшайдиган жойларда партия ташкилотларининг таъсирини кучайтириш зарур деб ҳисоблади. Социологик тадқиқот ўтказиш учун анкета орқали бўлиб ўтган савол-жавоб натижалари ҳам кўпчилик делегатларимиз, партия фаоллари шу фикрда эканликларини кўрсатди.

Албатта, КПССнинг янги Устави қабул қилингунча ҳам асосан пенсионер коммунистларни бирлаштирувчи территориал партия ташкилотлари тузилган эди. Бироқ ҳозир гап бу ташкилотларнинг принципиал янги мақоми, улар фаолиятининг тубдан ўзгарган шакллари ва усуллари ҳақида бормоқда. Бу нарса аввало партия ташкилотларининг аҳоли билан янада мустаҳкам алоқа ўрнатиши зарурлиги билан боғлиқдир, партиянинг сайловдаги ғалабаси кўп жиҳатдан аҳолининг кайфиятига боғлиқ.

Шу сабабли биз энг эътиборли, энг ҳурматли коммунистлар истиқомат жойидаги ишга қўшилишлари, зарур бўлган ҳолларда ўша ердаги партия ҳисобига ўтишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Коммунистларнинг ҳам жамоада, ҳам истиқомат жойида иккиёқлама бириктирилиши мақсадга мувофиқ бўлиб чиқиши ҳам мумкин деб ўйлаймиз. Шаҳар, район партия комитетлари территориал бошланғич ташкилотларни қарор топтиришга ва мустаҳкамлашга жуда зўр эътибор беришлари лозим.

Биз мақомда бошланғич партия ташкилотларини тузиш тартибини аниқлайдиган, уларнинг тузилиши ва вазифаларини белгилайдиган нормаларни таърифлашда Ўзбекистон Компартиясининг ўзига хос хусусиятини, яъни бошланғич ташкилотларимизнинг 60 фоизга яқини партиянинг 15 дан камроқ аъзоси ҳисобда турадиган оз сонли ташкилотлар эканини эътиборга олишимиз керак.

Шу сабабли **партия ташкилотлари секретарларининг кенгашларини** тузишга ёндашувларни белгилаб олиш биз учун айникса муҳимдир. Аммо бу юқоридан мажбуран қабул қилдириладиган тузилиш эмас, балки манфаатлари муштарак бўлган бошланғич ташкилотларнинг территория ёки тармоқ доирасидаги ихтиёрий бирлашмаси бўлиши лозим.

Бизнинг назаримизда, принципиал сиёсий масалаларда ягона позицияни ишлаб чиқиш шу тузилмаларнинг бош вазифалари бўлиши керак. Сиёсий кампанияларни ўтказишда, айникса халқ депутатлари Советларига сайловлар, бошқа йирик сиёсий маросимларни ўтказиш даврида партия ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш лозим. Партия ташкилотлари ихтиёрида қоладиган маблағдан самарали фойдаланиш, жамғармалар тузиш, фойда келтирадиган тижорат фаолиятини уюштириш соҳасида биргаликда ҳаракат қилиш керак.

Юқори партия органларига ўз вакилларини биргаликда кўрсатиш ёки тавсия этиш зарур.

Чамаси, биз секретарлар кенгашлари раисларининг тегишли партия комитетларидаги вакиллигини таъминлайдиган, уларнинг бошқа партия тузилмалари билан муносабатларини тартибга соладиган нормаларни пухта ўйлаб кўриб, мақомда акс эттиришимиз зарур.

Ўзбекистон Компартиясида аъзолик тўғрисидаги қоидаларни таърифлашга пухта ёндашиш зарур. Бошланғич партия ташкилотларининг партияга қабул қилиш масалаларини узил-кесил ҳал этишлари тўғрисида КПСС Уставида бериб қўйилган ҳуқуқига шак келтирмаган ҳолда ўз мақомимизда бу ҳуқуқни тегишли шаҳар, район партия комитетининг, бошланғич партия ташкилотининг позициясига қўшилмаслигини далил-исботлар билан изҳор этиш, бу масалани йиғилишда такрор кўриб чиқишни таклиф этиш ҳуқуқи билан ҳам тўлдириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шунга мувофиқ равишда мана шундай ҳолатларда партия ташкилоти такрор кўриб чиқиб ўз қарорини тасдиқлагандан кейингина уни кучга кирган, деб ҳисоблаш лозим. Сафларимизга сиёсий иш учун етилмаган, тасодифий кишилар кириб қолишига тўсқинлик қиладиган бошқа чора-тадбирларни ҳам кўзда тутиш зарур.

Партия сафларидан чиқариш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш чоғида ҳам шаҳар, район партия комитетларининг бошланғич партия ташкилоти қарори такрор кўриб чиқилгунча уни тўхтатиб туриш ҳуқуқи ҳам, чамаси, шу тарзда амал қилиши лозим.

Мақомнинг **Совет ҳокимияти идораларида коммунистларнинг ишлаши** тўғрисидаги бўлими жуда пухта тайёрланиши керак. Биз шу бўлимда таърифлаб берадиган нормалар **бутун ҳокимиятни халқ депутатлари Советларига топширишни** жадаллаштиришга кўмаклашмоғи лозим.

Партия комитетининг биринчи котиби ва Совет раиси лавозимларини бир киши бажариши тўғрисидаги масала — жуда муҳим масаладир. Ҳар қандай дори-дармон каби бу ҳам вақтинчалик воситадир. Аммо ҳозир партия органларини совет идоралари билан қарама-қарши қилиб қўйишга баъзан эса буларнинг бевосита мухолифлигига йўл қўймаслик учун бу восита сақлаб қолиниши керак. Афсуски, мана шундай фактлар бор. Ҳар бир ташкилот ўз манфаатинигина ўйлаб иш тутишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу нарса умумий ишимиз учун ҳалокатлидир.

Бироқ партия комитетларининг Совет раислари қилиб сайланган кўпчилик биринчи котиблари ўз партиявий лавозими устунлигига асосланишларига биз қўшила олмаймиз. Уларнинг кўплари партия комитетларининг биноларини доимий иш жойи қилиб олиб, кўпгина хўжалик, ижтимоий соҳа вазифаларини партия аппаратлари орқали ҳал қилиб келмоқдалар. Эҳтимол улар шундай қилишга одатланиб қолишгандир, аммо бу — нотўғри.

Бутун ҳокимиятни тўла-тўкис Советларга топшириш — сиёсий ислоҳотнинг энг катта йўналишидир, бинобарин, бу соҳада ҳеч қандай чалакам-чатти чоралар, айниқса эгри-бугриликлар бўлмаслиги керак. Аксинча, бу масалани жадаллаштириш учун партия органининг бутун тажрибасидан, бутун кучи, обрў-эътиборидан фойдаланиш керак.

Яқинда Марказий Комитет бюроси жумҳурият партия комитетлари ва маҳаллий Советларнинг вазифаларини фарқлаб қўйиш, сиёсий системада Советларнинг мавқеини ошириш тадбирлари тўғрисидаги масалани махсус муҳокама қилди. Қабул этилган қарорда ҳақиқий ҳокимият органлари бўлмиш Советларнинг мавқеига етарли баҳо бермаслик қайта қуриш жараёнларига халақит беради, партия комитетларининг обрў-эътибори пасайишига олиб боради, деб таъкидланди.

Партия комитетлари жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, маънавий тараққиёти муаммоларига оид сиёсий ишланмаларни ўз ихтиёрида қолдириш билан бирга бу соҳадаги режалар фақат сиёсий усуллар билан ҳал этилишига ҳаракат қилишлари керак. Советларга депутат қилиб сайланган ва уларнинг раҳбар органларида ишлаб турган партия гуруҳлари (фракциялари)га бирлашган коммунистларнинг мувофиқлаштириб турадиган ҳаракатлари орқали, қонун қабул қилиш ташаббуси билан чиқишдан иборат конституцион ҳуқуқдан фойдаланиб, омманинг ишончини қозониш орқали шунга эришмоқ керак.

Айни шундай иш тажрибаси бор ва бу тажриба эътиборга, умумлаштиришга, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Чунончи, Тошкент шаҳридаги Ленин район партия комитети райондаги ишларнинг аҳволини ҳамда меҳнаткашларнинг ва аҳолининг фикрини таҳлил этиш асосида район партия ташкилотининг фаолият дастурини ишлаб чиқди. Район партия конференциясида маъқулланганидан кейин бу дастур яқин даврда ва истиқболда районни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид аниқ чора-тадбирларни белгилаш учун расмий таклиф сифатида район Советига берилди.

Бухоро, Қашқадарё вилоят, Тошкент, Денов шаҳар, Ворошилов район ва бошқа бир қанча партия комитетлари сиёсий концепцияларни ишлаб чиқишни ўз ихтиёрларида қолдириб, Советлар билан вазифаларни фарқлашга, уларнинг ташаббусини ривожлантиришга ва ишда уларга мустақиллик беришга дадил киришдилар. Мана шундай ёндашув Советларнинг мавқеини оширади, улар тўла ҳуқуқли ҳокимият ва бошқарув органлари эканликларини тобора кўпроқ намоён этмоқдалар.

Биз дастурий ва норматив ҳужжатларда **кадрлар сиёсатининг** асосий муаммолари хусусида аниқ-равшан йўл тутишимиз керак. Бу ўринда позициямиз қуйидагича: биз кадрлар масалаларида номенклатурага хос расмий ёндашувлардан, партия органларининг буйруқбозлик-маъмуриятчилик якка ҳокимлигидан қатъиян воз кечамиз.

Партия комитетлари ва ташкилотлари фақат партия ходимларига нисбатангина кадрлар масалаларини тўла ҳуқуқ билан ва узил-кесил ҳал этадилар. Совет, давлат хўжалик лавозимларига келганида шуни айтиш керакки, булар батамом ва узил-кесил тарзда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг тегишли органлари ихтиёрига берилиши керак. Наманган, Самарқанд вилоят партия комитетлари ва бошқа вилоят комитетлари бу ишни ҳозирнинг ўзидаёқ бошладилар.

Бундан партия комитетлари ва ташкилотлари у ёки бу органлар ва ташкилотлар, ҳар қандай лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш ва улар учун ташвиқот юритишдек ўз ҳуқуқидан воз кечади, деган маъно сира-сира келиб чиқмайди. Бу аввало, сиёсий йўлимизни амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлган лавозимларга тааллуқлидир. Аммо фақат тавсия этиш ва ташвиқот юритиш керак. Илгари бўлганидек, кадрлар масалаларини ҳал этишда қатъият билан ўз ҳукмини ўтказиб бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси учун янги шароитда илгаридан мавжуд бўлган ва жамиятни демократиялаш жараёнида пайдо бўлаётган **оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан** ўзаро муносабатлар масалалари катта ва муҳим аҳамият касб этади. КПСС Уставида бўлганидек, бизнинг мақомимизда ҳам ана шу муносабатларни тартибга солиб туришнинг асосий қоидалари баён қилинган бўлиши керак.

Хўш, бу ўринда гап нима ҳақда бормоқда?

Аввало касаба уюшмалари, бошқа оммавий ижтимоий ташкилотлар, ветеранлар ва хотин-қизлар жамоатчилиги билан ўзаро муносабатларда қарор топган буйруқбозлик ва ўз ҳукмини ўтказиш усулларидан тенг ҳуқуқли шерикликка, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, уларнинг асосланган талаблари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда партиявий таъсирнинг бутун кучидан фойдаланишга қатъият билан ўтиш керак.

Бошқа оммавий жамоат ташкилотлари орасида **комсомол** тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш керак. Бу ғоявий-сиёсий жиҳатдан партияга жуда яқин, унга қондош ташкилотдир.

Комсомол жўн бўлмаган даврни ўз бошидан кечирмоқда, буни ВЛКСМнинг яқинда бўлиб ўтган съезди ҳам яққол кўрсатди. Комсомолни қайта қуриш, ўзгартириш юзасидан иш бошланди. Комсомол ўзи учун ҳал қилган энг асосий масала — ВЛКСМ билан КПССнинг ғоявий ва сиёсий жиҳатдан боғлиқлиги сақлаб қолинганлигидадир. Бу партия учун ниҳоятда муҳимдир.

Шу билан бирга биз Ўзбекистон комсомолини партиянинг дастёри деб билиш, уни жумҳурият ёшларининг якка вакили деб билишдек одатдан воз кечишимиз керак. Ёшлар ўртасидаги вазият ҳозир бир хил эмас ва биздан катта эътиборни талаб этади. Кўп партиялилик вужудга келиши жараёнида ёшларнинг янги

ташкилотлари ҳам тузила бошланди, ёшларни ўз томонига оғдириб олиш учун ғоявий ва сиёсий кураш авж олдириб юборилди.

Ана шундай шароитда эскича иш юритиш ёш авлоддан маҳрум бўлиб қолиш, ўз келажаги, партия келажагини йўқотишни билдирган бўлур эди. Ёшлар ўртасида сиёсий таъсир учун курашда биз комсомол ташкилотларига ҳар жиҳатдан мадад беришимиз керак.

Бошқа **партиялар** билан муносабатларга келганда, шуни айтиш керакки, ҳали жумҳуриятда бундай муносабатлар таркиб топгани йўқ. Шунинг учун ҳам ҳозир ана шу муносабатларнинг асосий белгилари ҳақидагина гапириш ўринли бўлади.

Бунинг моҳияти шундаки, Ўзбекистон Компартияси социалистик йўлни эътироф этадиган жамиятдаги барча амалий, соғлом кучлар билан ҳамкорликка тайёрдир. Лекин бу партия учун ўзгармас бўлиши лозим бўлган принциплар ва мақсадларга дахл қилмаслиги керак, албатта.

Айни вақтда мавжуд тузумни зўравонлик билан ағдариб ташлашни мақсад қилиб қўйган, экстремизмни дастур қилиб олган, ўз хатти-ҳаракатлари билан ўткир ижтимоий жанжаллар чиқараётган, ирқий ва миллий мумтозликни тарғиб қилаётган, миллатлар ўртасига нифоқ солаётган ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилиш у ёқда турсин, балки улар фаолияти учун ҳуқуқий негизнинг ўзи ҳам бўлмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз.

КПСС Уставига қўшимча тарзда мақомда Ўзбекистон Компартиясининг **мафкуравий вазифаларини** амалга оширишнинг асосий қоидаларини баён этиш эҳтимол тўғри бўлади.

Бу масалада қайси жиҳатлар биз учун асос бўлиши керак?

Ҳокимиятга якка бошчиликдан воз кечиш партия марксизм-ленинизм асосларидан, социалистик йўлдан ва коммунистик идеаллардан воз кечади деган маънони сира англатмайди.

Аммо янгича тарихий шароитда мафкуравий ишни янгича олиб боришимиз, ўзимизнинг ғоявий позицияларимизни янгича ҳимоя қилишимиз керак. Аввало биз ўтмишда зўрлаб тиқиштирилган кўр-кўрона ақидапарастликдан, қуруқ ва ҳиссиз туйғусиз расмиятчиликдан қатъиян воз кечишимиз керак. Ўшанда ҳаётдан ажралиб қолган, меҳнаткашларнинг асл эҳтиёжлари ва манфаатлари билан боғланмаган икки-уч мафкуравий, сийқаси чиққан сўз ҳадеб такрорланаверар эди.

Инсонпарвар, демократик социализмни бунёд этишни мақсад қилиб қўйган партиямиз шу мақсадга эришиш йўлларини машаққат билан қидирмоқда. Биз сиёсий истиқболни аниқ-равшан тасаввур этишимиз, янги жамият бунёд этишнинг аниқ йўлларини кўра билишимиз лозим. Биз ижтимоий фанлардан худди ана шуни кутмоқдамиз.

Шунинг учун ҳам аввало **партиявий илмий муассасалар ва ўқув юртлари** фаолиятини тубдан янгилаш зарур.

Назаримизда ҳозир ишлаб турган партия тарихи, диншунослик ва атеизм институтлари негизида ижтимоий-сиёсий муаммолар институтини тузиш мақсадга мувофиқдир. Жумҳурият ҳаёти учун долзарб бўлган масалаларни теран ишлаб чиқишга қодир бўлган, содир бўлаётган жараёнлар ва ҳодисаларга холисона таърифберib, партия комитетлари ва ташкилотларига тақдим этадиган, воқеаларнинг кечишини фараз қиладиган, оқилона ечимлар тавсия этадиган система зарур.

Олий партия мактаби, Министрлар Совети ҳузуридаги раҳбар кадрлар малакасини ошириш институти, жумҳурият комсомол мактабининг мавқеи ва ўрни ҳам, фикримизча, янгича бўлиши лозим. Коммунистик партияга командирлар эмас, балки инсоншунослик касблари, яъни сиёсатшунослар, тарихчилар, психологлар, журналистлар, файласуфлар, менеджерлар, хуллас малакали мутахассислар зарур. Бу ўринда гап кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни тубдан қайта кўриб чиқиш хусусида бормоқда.

Вазифа партия ходими касбини муайян тарзда инсонийлаштиришдан иборатдир. Сиёсий воқеликнинг даъватига муносиб жавоб беришга қодир бўлган раҳбар кадрларнинг сифат жиҳатдан янги авлодини тарбиялашимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, биз очиқ партиявий илмий ва ўқув марказлари бўлишини истаймиз. Бу марказларнинг дарвозалари барча комму-

нистлар учун, энг асосийси, янгича қарашлар ва янгича ғоялар учун очиқ бўлиши керак. Бу марказлар сийқаси чиққан ақида ва лавозим пиллапояларидан холи бўлиши лозим.

Шу хусусда тегишли таклифлар ҳозирнинг ўзидаёқ бор. Биз юқорида тилга олган учта муассаса негизида раҳбар кадрлар тайёрлаш юзасидан ижтимоий-сиёсий марказ тузиш тавсия этилмоқда. Фикримизча, ишни пайсалга солмасдан шундай қилиш кераккй, токи сентябрь ойида Компартиянинг янги муассасалари иш бошласин.

Агар умуман мафкуравий иш ҳақида гапирадиган бўлсак, биз уни чекланганлик ва бўшашувчанлик ҳолатидан чинакам сиёсий курашга, айтиш мумкинки, ғоявий жангга отлантиришимиз керак. Фикрлар хилма-хиллиги шароитида тарғиботчиларимиз сокин хоналардан кўчалар ва майдонларга чиқишлари ва фаол курашчиларга айланишлари лозим. Коммунистлар митингларга келишиб, ғоявий душманлар билан юзма-юз туриб жанг қилган, оммани ишонтирган, уни ўз ортидан эргаштирган пайтлардаги анъаналарни тиклайлик, дастур қилиб олайлик.

Биз коммунистлар ва диндорлар, партия, совет органлари ва диний бирлашмаларнинг бундан буён ҳам ҳамкорлик қилиши тарафдоримиз. Инсон фаровонлиги йўлида, тоқатсизликка, нифоққа қарши, фуқароларнинг қонуний манфаатлари камситилишига қарши ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Чет эллардаги ватандошларимиз билан муносабатларни яхшилаш, улар билан рисоладагидек маданий алоқаларни йўлга қўйиш лозим.

Партия комитетларининг **оммавий ахборот** воситалари билан ҳамжиҳатлиги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши керак. XXVIII съезднинг тегишли резолюцияси, матбуот тўғрисидаги янги қонун ва энг асосийси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар матбуотда ишлаётган ва матбуот билан мулоқотда бўлаётган коммунистлардан эски ёндашувларни кўп жиҳатдан қайтадан баҳолашни талаб қилмоқда.

Биз, ниҳоят, одамлар фикрининг, манфаатлари ва ниятларининг хилма-хиллиги шароитида яшашни, мақбул тарзда муросага келишни ўрганиб олишимиз керак. Аммо биз баъзан матбуотдан кимларнингдир нафсонияти йўлида фойдаланишга, ҳаётдаги жўн бўлмаган ҳодисалар ва жараёнларга бир томонлама баҳо бериш ёки нотўғри талқин қилишни тиқиштиришга мутлақо қаршимиз.

Жумҳуриятдаги матбуот воситалари структурасини такомиллаштириш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Ўзбекистонда яшаётган миллатлар тилларида чиқаётган газеталар ва журналларга эҳтиёж ортиб бораётганини, халқ депутатлари Советларининг мавқеи кучайиб бораётганини ҳисобга олиш керак. Ҳар бир нашрнинг фойда олиб ишлаши ҳам муҳимдир. Мафкуравий комиссия ва Марказий Комитет бўлими бу хусусда конкрет таклифлар тавсия этишлари керак. Агар улар оммавий ахборот воситалари ходимлари бўлган коммунистлар билан биргаликда матбуот ҳақидаги жумҳурият қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини ўз қўлларига олсалар, тўғри бўлур эди.

Редакциялари жумҳуриятдан нарида бўлган нашрларни Тошкентда чиқариш хусусида ҳам аниқ-равшан фикрга келиш керак. Биз КПССга хуруж қилаётган нашрларни, халқнинг руҳий ва маънавий қадриятларига ҳамда анъаналарига зид бўлган нашрларнинг Компартиянинг матбаа базасида босилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Биз партия босмахонасида партияга қарши, ғаразгўйлик билан танлаб олинган далиллар ёки шубҳали фактлар кўпайтирилишига рози бўла олмаймиз.

Қонун лойиҳаси тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланиб, матбуотда, кинода, телевидениеда **Ўзбекистон халқларининг ахлоқий ва маънавий қадриятларини** ҳимоя қилиш тўғрисидаги таклифни Олий Советга тавсия этиш зарурати бор, деб ўйлаймиз.

Агар маданиятимизнинг таниқли арбоблари турмушга истеъмолчилик нуқтаи назаридан қараш, қабиҳлик, зўравонлик тарғиботи тарқалиши хусусида лом-мим дейишмаётган экан, бундан Коммунистик партия дарғазаб бўлган китобхонлар ва томошабинларнинг овозини эшитмаяпти, деган маъно келиб чиқмайди. «Ўзбекфильм» тамғаси билан хотин-қизларга нисбатан нотўғри ва беҳурмат муносабат тарғиб этилаётган экан, кўпдан-кўп видеосалонларда беҳаёлик учига чиққан экан, наҳотки биз бунга бепарво қараб тураверсак.

Шунга ишончимиз комилки, фуқароларнинг, айниқса ёш авлоднинг ўз характерига кўра халқнинг маданий, маънавий ва ахлоқий анъаналарига зид бўлган материалларнинг нашр этилиши ва намойиш қилинишидан муҳофаза этилишига барча қонуний воситалар билан кафолат берилиши керак. Жумҳурият ҳукумати ҳузурида ана шу масалалар билан шуғулланадиган махсус жамоат-давлат кенгаши тузиш тўғрисида таклиф бор.

Телевидение ва радиоэшиттиришларни демократиялаш тўғрисидаги масала ҳам худди шу сингари долзарб масала бўлиб турибди. Мафкуравий комиссия ва Марказий Комитет бўлимлари Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетига унинг фаолиятини СССР Президентининг 1990 йил 14 июлдаги Фармонига кўра қайта тузишда зарур ёрдам беришлари керак.

Партия матбуоти тўғрисида гапирадиган бўлсак, партия комитетлари ўз нашрларига ишчан редакция кенгашлари ва коллегияларини шакллантиришда ёрдам беришлари зарур. Бу кенгашларда профессионал журналистлар билан бир қаторда обрўли меҳнаткашлар, хўжалик ходимлари, фан ва маданият арбоблари, сайлаб қўйиладиган партия органларининг аъзолари бўлиши керак. Бу мақолалар ва эшиттиришларда жамоат фикрининг ранг-баранглигини акс эттиришга, матбуотни гуруҳбозлик майллари ва ўринсиз даъволардан холи этишга ёрдам беради.

Мақом тайёрланаётгани муносабати билан Ўзбекистон Компартиясининг **пул маблағлари ва мулки** тўғрисидаги масалалар жиддий тарзда пухта ўйлаб кўрилиши керак. Кам сонли бошланғич ташкилотлар салмоғи кўплигини, қишлоқдаги партия ташкилотларининг моддий имкониятлари заифлигини ҳисобга олиб, шундай норматив дастурларни вужудга келтиришимиз керакки, улар партияга аъзолик бадалларидан тушаётган маблағлар, партия ташкилотларинингноширлик ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидан тушаётган даромадлардан жуда самарали фойдаланишга имкон берсин.

Компартиянинг молиявий аҳволи ва моддий ресурслари ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, бу ўринда вазият анчагина кескин бўлиб турибди. Уставдаги янги қоидаларни, яъни бадаллар фоизининг чекланишини, маблағларнинг ярмига қадарини бошланғич партия ташкилотлари ихтиёрига юборилишини, шунингдек ноширлик фаолияти ва бошқа хўжалик фаолияти учун солиқлар миқдорининг ўсишини ҳисобга олиб биз тўғри ечимлар, тежамкорликнинг янги имкониятларини топишимиз керак. Аммо айни вақтда биз район, шаҳар партия комитетларини партиянинг омма ўртасидаги асосий таянч муассасаси сифатида сақлаб қолиб, колхоз ва совхозлар партия комитетларининг котиблари тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак. Бу ўринда барча фаолларнинг фикри бир хилдир. Буни сўраб билиш натижалари ҳам кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Компартияси мақомини тайёрлашга ёндашувлар, умуман олганда, ана шундай. Агар Пленум қатнашчилари шу ёндашувларни қўллаб-қувватлашса, шулар асосида биз бу ҳужжатни бевосита ишлаб чиқишга киришишимиз мумкин бўлур эди.

Ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури ва мақоми алоҳида аҳамиятга молик бўлгани учун бу ҳужжатларни ишлаб чиқишга КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари, партия съездларининг делегатлари, жумҳуриятимиздаги илмий кучлар, ижодкор зиёлилар, ишчилар ва деҳқонларнинг вакиллари жалб этилиши керак.

Шу мақсадда Марказий Комитетнинг тайёргарлик ишлари билан шуғулланувчи тегишли комиссияларини тузиш ва уларнинг таркибини бугунги Пленумда тасдиқлаш таклиф этилади. Ушбу комиссиялар август — сентябрь ойларида ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашлари назарда тутилмоқда. Шундан кейин 15 ноябрга қадар мазкур лойиҳаларни бошланғич партия ташкилотларида ва партия матбуотида муҳокама қилиш лозим. Бундан кўзда тутилган мақсад коммунистлар ва партиясизларнинг жами фикрларини аниқлаш ва умумлаштиришдан, ҳужжатларни қайта ишлашда улардан фойдаланишдан иборатдир. Шундан кейин эса мазкур ҳужжатларни шу йилнинг декабрь ойида бўладиган Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичида муҳокама қилиш назарда тутилмоқда.

Ишни самарали олиб бориш учун комиссиялар ўз фаолиятининг иш тартиби хусусида, зарур бўлган ҳолларда секциялар ёки гуруҳлар тузиш ҳақида, бошқа ташкилий масалалар хусусида бир қўнимга келишлари керак. Комиссия аъзолари жойларга бориш имкониятларидан, меҳнат жамоалари билан учрашувлардан фойдалансалар, тўғри бўлур эди, деб ўйлаймиз, ўшанда бу ҳужжатлар жумҳурият коммунистлари умумий фикрининг маҳсулига айланади.

КПСС съездининг характерини ва бу анжуманда қабул қилинган қарорларни тушунтириш ҳозир бизнинг асосий вазифамиздир. XXVIII съезд якунлари чуқур ўйга толдирмоқда, қизғин баҳслар уйғотмоқда, хилма-хил фикрларни келтириб чиқармоқда. Демак, расмий фикрларга ўралашиб қолмай очиқ мунозаралар, баҳслар, мулоқотларга киришиш керак. Биз съезд якунларига ўзимиз берган баҳони, партиянинг келажаги тўғрисидаги ўз тасаввурларимизни кенг жамоатчиликка етказишимиз керак. Одамларни ишонтириш, уларнинг энг эзгу орзуниятларига дахлдор гапларни айтиш керак.

КПССнинг янги Программасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш ҳам биз учун муҳим аҳамиятга моликдир. Тайёргарлик ишлари билан шуғулланувчи комиссияда Ўзбекистон Компартияси вакиллари орқали шу масала хусусида жумҳурият коммунистлари ўй-фикри ва мулоҳазаларининг хилма-хиллигини, шу энг муҳим ҳужжат қандай бўлиши тўғрисидаги мулоҳазаларни йиғиш ва акс эттириш керак.

Маърузани якунлар эканман, шуни яна бир карра таъкидламоқчиманки, аҳвол мураккабдир. Барча йўналишлар ва барча соҳаларда зўр бериб кўп иш қилишимиз керак. Биз, коммунистлар, съезд қарорларини қўллаб-қувватлаш, партия обрўсини мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида шахсий ибрат кўрсатишимиз керак, бу энг асосий вазифамиздир. Ҳамиша одамлар билан бирга бўлиш, улар билан барча қийинчиликларни баҳам кўриш, зиммамизга энг оғир вазифаларни олишимиз керак — партиянинг чинакам аъзоси ўзига раво кўриши мумкин бўлган бирдан-бир имтиёз худди ана шундан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ II ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ҚПСС XXVIII СЪЕЗДИ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС XXVIII съезди партиянинг ва ҳар бир коммунистнинг ҳаётида муҳим воқеа бўлганлигини таъкидлайди. Партияни янгилаш йўлида катта қадам қўйилди, ўткир сиёсий баҳслар натижасида қайта қуришни янада чуқурлаштиришга оид муҳим қарорлар қабул қилинди.

Съезд КПСС социалистик йўлни танлаган ва коммунистик истиқболни мўлжаллаган партия эканини, у ўз сиёсатида ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, бутун меҳнаткаш халқ манфаатларини ифодалаши ва ҳимоя қилишини аниқравшан таъкидлади. КПСС Маркс, Энгельс, Ленин меросини, социалистик қурилиш назарияси ва амалиётини ижодий ривожлантиришга ҳаракат қилади. Съезд КПССни жадал янгилаб, уни чинакам сиёсий партияга айлантиришни, жамиятимизни демократиялашни ёқлаб чиқди. Айрим кучларнинг партияни парчалаб юборишга уринишларига қарамай, унинг ташкилий ва ғоявий бирлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлинди.

Ўзбекистон Компартияси делегатлари съезд ишида фаол қатнашдилар. Улар коммунистларнинг наказларини бажара бориб, энг муҳим сиёсий масалаларда жипсликни намойиш қилиб, Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг Ўзбекистон ССРнинг чинакам давлат суверенитети ва жумҳурият Компартиясининг мустақиллиги, партия интизомини мустаҳкамлаш билан бир вақтда партия ички муносабатларини демократиялаш, партия тузилишининг территориал-ишлаб чиқариш принципини сақлаб қолиш тўғрисида, миллатлараро муносабатлар, Орол бўйидаги экология вазиятини соғломлаштириш масалаларига доир позицияларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

КПСС XXVIII съездининг қарорлари, «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёноти, КПССнинг янги Устави партияни мустаҳкамлаш, унинг атрофида жамиятнинг соғлом кучларини жипслаштириш, вазиятни барқарор этиш учун реал замин яратади, демократиялаш ва социализм мавқеида турган кишиларнинг ҳаммасини амалий бунёдкорлик ишларига даъват этади.

II.

Пленум партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ўтмишга хос бўлган расмиятчилик ва кампаниячиликка йўл қўймай, биринчи навбатдаги тадбирлар сифатида КПСС XXVIII съезди материалларини ҳар томонлама муҳокама қилиш ва тушунтиришни ташкил этишлари, партия ўз фаолиятини тубдан янгилаш даврига кирганлигини коммунистлар чуқур англаб етишларига мумкин бўлган барча шакллар ва воситалар билан ёрдам беришлари зарур. Партия комитетлари пленумлари, Марказий Комитет, вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари комиссияларининг ишида КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари фаол иштирок этишлари таъминлансин. Оммавий ахборот воситаларида, меҳнат жамоаларида, истиқомат жойларида, ўқув

юртларида уларнинг чиқишлари ташкил этилсин. Съездларнинг қарорларидан келиб чиқадиган аниқ-равшан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга делегатлар жалб этилсин. 1990/91 ўқув йилида сиёсий маориф системасида КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳужжатларини ўрганиш кўзда тутилсин.

III.

Пленум таъкидлайдики, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари КПСС XXVIII съезди Дастурий баёноти, резолюциялари ва КПССнинг янги Уставига, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳужжатларига асосланиб, ўз ишларини янги сиёсий вазиятда жамиятда етакчилик ролини эгаллайдиган қилиб дарҳол ва қатъиян қайта қуришлари лозим.

Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги шароитида жумҳурият Компартияси бу муҳим вазифани Ўзбекистон халқларининг туб манфаатларини ва маҳаллий шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ўз фаолият режаларига мувофиқ ҳал этиши лозим. Компартиянинг мустақиллиги ҳисобга олинган ҳолда унинг ички тузилиши ва партия ички муносабатларини тартибга соладиган, КПСС Уставига таянадиган норматив ҳужжат ҳам зарур. Шу мақсадда Марказий Комитетнинг Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури ва Мақоми лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун комиссия тузиши зарур деб ҳисоблансин, улар партия ташкилотларида ва партия матбуотида кенг муҳокама қилингандан сўнг 1990 йил декабрида Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи муҳокамасига қўйилсин.

Янги Иттифоқ шартномасини тузиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва жумҳурият манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишни пленум Марказий Комитет Бюроси, Ўзбекистондан сайланган коммунистлар — СССР халқ депутатлари ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари олдига асосий вазифалардан бири қилиб қўяди. Янги Иттифоқ шартномасини тузиш чоғида Ўзбекистон ССР мустақиллиги тўғрисидаги Декларация, унинг ер, ер ости бойликлари ва табиат ресурсларига тўла эгалик қилиш ҳуқуқи, Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасини тенглаштиришга қаратилган Умумиттифоқ дастури қабул қилиниши зарурлиги ҳисобга олинсин.

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш масалаларига доир резолюцияларига мувофиқ партия комитетлари ва ташкилотларининг совет ва хўжалик органлари коммунист раҳбарларининг иши бозор муносабатларининг моҳиятини аҳолига кенг тушунтиришга ва бозор муносабатларининг меҳнат сифати ҳамда халқ фаровонлигини оширишнинг самарали воситаси сифатида қабул қилинишига қаратилиши керак.

Жумҳуриятнинг мустақиллиги қоидаларидан келиб чиқиб, барча коммунистлар мулкни бошқаришни маҳаллийлаштириш, савдо, умумий овқатланиш корхоналари, маиший хизмат ва бошқа тармоқларни давлат ихтиёридан олиш, молия ва пул системасини соғломлаштириш, нарх белгилашни ислоҳ қилиш ва солиқ ислоҳотини амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни рўёбга чиқаришга фаол қўшилсинлар. Фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва аҳолини иш билан самарали таъминлаш чоралари системасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилсин. Халқ турмуш шароити ўзгарганлигини чинакам ҳис этиши учун Ўзбекистон Компартияси сайловолди Ҳаракат дастурини амалга ошириш ишлари давом эттирилсин. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан сира кечиктирмай шуғулланилсин. Меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб, ташаббускорлик ва омилкорликни ривожлантиришга кўмаклашадиган янгиликлар қўллаб-қувватлансин. Ўзбекистон ССР Министрлар Советидаги раҳбар коммунистлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш чоғида жумҳурият вилоятларини уларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги аҳволини ҳисобга олиб ривожланиш даражасини бараварлаштиришни кўзда тутсинлар.

Партия ташкилотлари аграр сиёсатда Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг озиқ-овқат комплексини устун даражада ривожлантириш йўлини қатъият билан ўтказсинлар. Шу мақсадда қайта ишловчи саноатнинг базасини мустаҳкамлаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ишла-

ри кучайтирилсин. Мамлакатнинг бошқа регионлари билан ўзаро манфаатли узоқ муддатли алоқалар ўрнатилсин. 1991 йил халқ хўжалиги режаларини тузиш чоғида қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш учун капитал маблағ ажратишни кўпайтириш имкониятлари қидириб топилсин. Ер, Мулкчилик тўғрисидаги қонунлар доирасида жамоат, шахсий, фермер хўжаликларини, оила хўжаликларини, пудратнинг ижара шаклларини ривожлантиришга кўмаклашилсин. Истеъмол бозорини барқарор қилишда коммунистларнинг эътиборини бу йилги ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш ва маҳсулот тайёрлашга қаратиш жуда муҳимдир.

Пленум шуни алоҳида таъкидлайдики, миллатлараро муносабатлар соҳасида беқарорлик ҳамон сақланиб турган шароитда партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларидан ижтимоий-иқтисодий ҳамда миллий-маданий муаммоларни ҳал этишга пухта ўйлаб ёндашиш ва уларни ҳал қилиш юзасидан зўр бериб иш олиб бориш талаб қилинади. Сиёсий усуллардан ва қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланиб жумҳуриятда яшовчи барча миллатлар ва элатлар ўртасида тинчлик ва осойишталикка эришиш, уларнинг миллий шаъни ва қадр-қимматини, ижтимоий турмуш соҳасида тенг имкониятларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш учун курашиш зарур. Пленум ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишловчи коммунист раҳбарларга ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни илдизи билан қўпориб ташлашни, можароларнинг, кескин вазиятнинг олдини олишда қатъийлик ва собитқадамлик кўрсатишни топширади.

Пленум КПСС XXVIII съездининг маориф, фан ва маданият соҳасида партия сиёсати ҳақидаги резолюциясининг умумбашарий қадриятларни тан олишга асосланган қоидаларини қўллаб-қувватлайди.

Партия комитетлари миллий маданиятни тиклаш вазифаларини ҳал қилар эканлар, жумҳурият режаларини амалга оширишда жумҳуриятнинг давлат тилига, туб аҳолининг анъаналари ва урф-одатларига ҳам, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг тилига, маданиятига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлишни тиклашда эришилган натижаларни мунтазам ва оғишмай кўпайтириб борсинлар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ёш авлодга таълим ва тарбия беришда миллий-маданий анъаналарни, мактабни демократиялаш ва инсонпарвар қилишни қонун билан мустаҳкамлаб қўйишни, Ўзбекистонда яшовчи барча миллий гуруҳларнинг таълимга эҳтиёжларини таъминлашни давлат йўли билан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни, муаллим касбининг обрўсини оширишни, техника тараққиёти билан боғлиқ илмий кадрлар тайёрлаш системасини такомиллаштириш зарурлигини кўзда тутиб, халқ таълими тўғрисида қонун қабул қилиш ташаббуси билан чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ССРнинг ва жумҳурият Компартиясининг мустақиллиги шароитида ўз режаларининг, ижтимоий-сиёсий жараёнларини ижтимоий фаразлашни илмий жиҳатдан асослаб бериш зарурати вужудга келишини ҳисобга олиб, пленум Марказий Комитет Бюросига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида Ижтимоий-сиёсий муаммолар институти ҳамда жумҳурият раҳбар кадрларини тайёрлайдиган Ижтимоий-сиёсий марказ барпо этиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлашни топширади.

Пленум ижтимоий-сиёсий ўзгаришларда ёшларнинг алоҳида ўрин тутишини эътироф этиб, ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, уларнинг ҳаётий мақсадлари амалга ошиши, уларни фаол ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этиш учун аниқ шарт-шароитни ва омилларни таъминлаб берадиган жумҳуриятнинг ёшларга оид давлат сиёсати умумий асослари тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонунини тезроқ қабул қилишни мақбул деб ҳисоблайди. Жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларига ёшларга доир махсус бўлимлар киритиш мақсадга мувофиқдир. Марказий Комитет, вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари таркибида ёшлар билан ишлаш комиссияларини тузиш зарур деб ҳисоблансин.

Демократиялаш ва фикрларнинг хилма-хиллиги кенгайиб бораётган шароитда партия комитетлари ўз матбуот органлари билан муносабатларни аппарат зўравонлигига йўл қўйилмайдиган сиёсий ҳамжиҳатлик, ижодий ҳамкорлик негизига қурсинлар. Партия газеталари ва журналлари ички тузилишини тартибга солиш ишлари давом эттирилсин. Марказий Комитетнинг Мафкуравий комиссияси Ўзбекистон ССРдан ташқарида чиқариладиган нашрлар мухбирларининг жумҳуриятдаги вакиллиги тартиби ҳақидаги таклифларни тайёрласин. Матбуот

ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги жумҳурият қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон халқларининг маънавий ва ахлоқий қадриятларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидалар унга киритилишига эришилсин.

IV.

Пленум янги ижтимоий-сиёсий вазиятда, кўп партиялилик вужудга келаётган шароитда партия комитетлари ва ташкилотлари фақат ўз фаолиятларининг шакллари ва усулларини янгилаш, омма билан алоқани мустаҳкамлаш асосидагина ўзларининг етакчи мавқеларини сақлаб қола оладилар, деб ҳисоблайди.

Пленум жумҳуриятда партия ва совет органларининг вазифаларини фарқлаш жараёни жуда секин ва зиддиятли ўтаётганлигини эътироф этиб вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига халқ депутатлари Советлари билан чинакам ҳокимият органлари сифатида мутлақо янги ўзаро муносабатларни ўрнатиш юзасидан амалий чораларни рўёбга чиқариш вазифасини юклайди. Иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиёт муаммоларига доир ўз режаларининг амалга оширилишига фақат сиёсий усуллар билан, Советларга сайланган ва уларнинг раҳбар органларида ишлаётган коммунистлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш орқали эришилсин, бунда қонун лойиҳаларини таклиф этиш конституцион ҳуқуқидан фойдаланилсин. Шу мақсадда барча босқичдаги Советларда партия гуруҳларининг фаолияти жонлантирилсин, коммунистлар бундай гуруҳларда қатнашар эканлар, КПССнинг дастурий мақсадларига, ўз сайловчиларининг иродаларига амал қилишлари, аниқ муаммолар юзасидан қатъий позицияларда туришлари ҳамда энг муҳим сиёсий масалалар юзасидан депутатларнинг жипслигига эришишлари лозим.

Пленум КПСС Уставига мувофиқ равишда Марказий Комитетнинг Бюросига, вилоят, шаҳар ва район партия комитетларига партия ташкилотлари ички тузилишини ва партия комитетлари аппаратини такомиллаштириш ишларини жадаллаштиришни топширади. Ишлаб чиқариш ва бошқа жамоаларда партия ташкилотларини сақлаб қолиб, шу билан бир вақтда истиқомат жойларида, маҳаллаларда ҳамда мавзеларда сиёсий иш олиб боришнинг ғоят муҳимлигини ҳисобга олиб, кучли, фаол территориал ташкилотлар тузишга киришилсин. Тармоқ ва территориал принцип бўйича партия ташкилотлари котиблари кенгашини тузиш, уларнинг мустаҳкамланишида амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Партия комитетлари кадрларга доир сиёсатни бутунлай қайта кўриб чиқишлари, ҳаддан ташқари кўп сонли номенклатурадан, анкетага қараб кадрларни расмиятчилик билан танлашдан қатъиян воз кечишлари керак. Эътибор кўпроқ партия ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилсин. Шу мақсадда Марказий Комитетнинг Ташкилий-партиявий масалалар ва кадрлар билан ишлаш комиссияси Тошкент олий партия мактаби негизида партия ходимларининг сиёсий-иқтисодий таълимини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрласин. Партия комитетлари жумҳурият Компартияси позициясида турувчи номзодларни тавсия этиш, Совет ҳокимияти ва давлат бошқаруви идораларидаги, мафкуравий муассасалардаги асосий лавозимларга уларнинг сайланиши ва тайинланиши учун курашиш ҳуқуқидан фаол фойдаланишлари лозим. Сайловда ишчилар ва деҳқонларга амалий мадад берилсин.

Марказий Комитет Секретариати партия аъзолик бадалларини тўлашнинг янги қоидаларига асосланиб, вилоят партия комитетлари билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Компартияси бюджетининг даромад ва харажатлар қисмини тузиш юзасидан таклифлар тайёрлансин, партия мулки бўлган объектларга эксперт сифатида баҳо беришни ўтказиб, улардан самаралироқ фойдаланиш юзасидан ўз хулосаларини тайёрлаб берсин.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми жумҳурият коммунистларини жипслашишга, КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларидан келиб чиқадиган масъулиятли вазифаларни бажариш юзасидан бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланишга даъват этади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси (Ўзбекистон Компартияси МНТК) коммунистлар ва партия ташкилотлари томонидан жумҳурият Компартияси марказий органлари ва уларнинг аппарати фаолиятини назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Компартияси съездида сайланади. Комиссия КПСС Уставига ва ушбу Низомга амал қилади, ўз фаолиятида мустақил бўлиб, Ўзбекистон Компартияси съезди ва конференциясида ҳисоб беради.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси:

— КПСС дастурий ҳужжатлари ва Уставининг, КПСС ва Ўзбекистон Компартияси съездлари ва конференциялари қарорларининг бажарилишини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг ижрочи органлари фаолиятида инсонпарварликка, коллегиалликка, ошкораликка, бошқа демократик қоидаларга риоя этилишини назорат қилади, уларнинг қарорлари дастур ва Устав қоидаларига, амалдаги қонунларга мос келмаган тақдирда бу қарорлар юзасидан норозилик билдиради; партия сиёсатида бюрократизм, субъектизм ва ўзбошимчаликка қарши, танқидни бўғишга, суиистеъмолга қарши чоралар кўради;

— партия сафлари бирлигини ва партиявий ўртоқликни мустаҳкамлашга, бошланғич партия ташкилотлари обрўси ва мустақиллигини оширишга ёрдам беради, коммунистнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, партия ташкилотларида ва сайлаб қўйиладиган партия органларида озчиликнинг ўз мавқеини ҳимоя қилиш ҳуқуқи камситилмаслигини, қабул қилинган қарорлар эса барча коммунистлар томонидан бажарилишини кузатиб боради;

— Ўзбекистон Компартияси бюджети ижросини назорат қилади, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг муассасалари, матбуот органлари, нашриётлари ва корхоналарининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади;

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, унинг ижроия органлари ва аппаратида муассасалари ва корхоналарида партия ташкилотларининг мурожаатларини, хатлар ва аризаларни кўриб чиқиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилинишини текширади;

— партия ташкилотларидан ва коммунистлардан ўз номига келган аризаларни кўриб чиқади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, тушунтиришни талаб қилади, ўз ҳаракатлари билан партиянинг обрўсига путур етказувчи ҳар қандай коммунистни КПСС Уставига мувофиқ равишда жавобгарликка тортади. Ўзбекистон Компартияси МНТКнинг партиядан ўчириш тўғрисидаги қарори тегишли бошланғич партия ташкилотига етказилади, бошланғич партия ташкилоти эътироз билдирган тақдирда шу партия ташкилотининг вакили иштирокида қайтадан кўриб чиқилади, ундан кейин қабул қилинган ҳисобланади;

— партия аъзолари КПСС Уставини, партия олий органлари қарорларини бажаришларини текширади;

— Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон жумҳурият ва вилоят комитетларининг ҳамда тегишли назорат-тафтиш комиссияларининг КПСС сафидан чиқариш ва жазо бериш тўғрисидаги қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқади;

— Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссияларига методик ёрдам беради, партия назорати практикасини таҳлил қилади.

3. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси Компартия съезди белгилайдиган таркибда сайланади. Ўзбекистон Компартиясининг конференцияси комиссия таркибини қисман (съездлар оралиғидаги даврда учдан

бир қисмигача) янгилаш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон КП МНТКга сайланган коммунистлар бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига аъзо бўлишлари ёки унинг аппаратида ишлашлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ялпи мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида икки марта, шунингдек МНТК аъзолари учдан бир қисмининг талабига мувофиқ ўтказилади.

4. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси пленумда ўз таркибидан Ўзбекистон КП МНТК президиумини, шу жумладан Ўзбекистон Компартияси МНТК Раиси ва раис ўринбосарларини сайлайди, МНТК аъзолари орасидан, шунингдек маслаҳатчи сифатида тасдиқланадиган бошқа коммунистлар орасидан доимий комиссиялар ва назорат гуруҳларини, бошқа органларни сайлайди, МНТК президиуми ҳамда у тузадиган органлар ваколатларини белгилаб беради. Президиум ўз фаолияти тўғрисида пленумга ҳар йили ҳисоб беради.

МНТК аъзосини унинг таркибидан чиқариш тўғрисидаги масала комиссия пленумида кўриб чиқилади. Яширин овоз бериш натижасида ҳозир бўлганларнинг камида учдан икки қисми, лекин съездда сайланган таркибининг ярмидан кўпроғи маъқуллаб овоз берса қарор қабул қилинган ҳисобланади.

5. Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумлари ва комиссиялари ишида, Ўзбекистон КП МНТК Раиси ва унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва секретариати мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этадилар.

6. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси ишни ошкора олиб боради, ўз фаолияти тўғрисида партия ташкилотларига мунтазам ахборот беради, у қабул қилган қарорлар партия матбуотида эълон қилинади. МНТК аъзолари партия ташкилотларида мунтазам ҳисоб бериб турадилар.

7. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси жумҳурият партия бюджети маблағи ҳисобидан иш учун зарур аппаратни сақлаб туради. Комиссия фаолиятини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети моддий-техникавий жиҳатдан таъминлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясини сақлаш учун маблағ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва МНТК қўшма пленумларида белгиланади.

8. Ўзбекистон Компартияси МНТК ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўртасида юз берадиган келишмовчиликлар тенг асосда тузиладиган келиштириш комиссияси томонидан, шунингдек Марказий Комитет Бюроси ва Ўзбекистон КП МНТК президиуми қўшма пленумлари ва мажлисларида ҳал қилинади. Агар алоҳида-алоҳида овоз бериш чоғида Марказий Комитет ва МНТК аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берса биргаликдаги қарор қабул қилинган ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз ихтиёридаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, тафтиш якунлари юзасидан акт тузади ва уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, тафтиш этилган муассасалар ва корхоналар раҳбарларига етказади, улар эса кўрилган чоралар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясига хабар қилишга мажбурдирлар.

Зарур бўлса комиссия назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказиш учун жамоатчилик асосида коммунистларни, шунингдек белгиланган тартибда ишига ҳақ тўлаб турли тармоқ мутахассисларини жалб этиши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари ўз вазифаларини бажариш чоғида партия комитетлари, ташкилотлари, муассасалари, Ўзбекистон Компартияси нашриётларининг матбаа органлари тасарруфидаги барча ҳужжатлардан ҳамда уларнинг фаолиятига тааллуқли ҳужжатлардан фойдаланадилар. Улар жумҳурият партия ташкилотига қарашли партия ташкилотларининг ва комитетларининг барча йиғилишлари ҳамда мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

10. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ўзбек ва рус тилларида ўз номи ёзилган муҳри бўлади.

Ф. МАҚСУДОВ

БОЗОР ВА УНИНГ ЗИДДИЯТЛАРИ

ИҚТИСОДИЁТИМИЗнинг бозор муносабатларига ўтиш арафасида ушбу муаммонинг у ёки бу жиҳатини очиб берувчи кўпдан-кўп мақолалар эълон қилинмоқда. Уни тушунишдаги «оқ доғлар» ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда, бу ҳол бозор муносабатларига ўтилишидан хурсанд бўлишда ҳам, айни шу сабабли жиддий хавфсирашда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ушбу мақолада тилга олинган муаммонинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан олинган бир қатор томонларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Социалистик иқтисодиётга татбиқан олганда товар-пул, бозор муносабатларини сиёсий иқтисодга оид бир қатор тезисларни эътироф этмасдан туриб англаб етиш қийин. Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг айрим усулларини бошқарувчи, фақат ўзига хос иқтисодий қонунлар мавжуд эмас (ҳозирги кунгача, хусусан, меҳнатга қараб тақсимлаш қонуни, социалистик иқтисодиётнинг планли ривожланиши қонуни ва баъзи бир бошқа қонунлар социализмга хос иқтисодий қонунлар деб ҳисоблаб келинди). Иккинчидан, умуман ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқарувчи ва у билан бирга пайдо бўлувчи қонунларгина мавжуд. Бундан келиб чиқиб, меҳнатга қараб тақсимлаш қонуни ўрнига иш кучини такрор ҳосил қилиш қонуни тўғрисида, планли ривожланиш қонуни ўрнига ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пропорционал ривожланиши қонуни тўғрисида сўзлаш керак ва ҳоказо. Товар ишлаб чиқариш ва муомала қонунлари, жумладан, бозор қонунлари бу ерда товар ишлаб чиқаришидан олдин узоқ вақт натурал ишлаб чиқариш бўлганлиги сингари ўзига хос хусусиятгагина эгадир. Учинчидан, иқтисодий қонунлар умумий бўлиб, шу билан бир вақтда ишлаб чиқаришнинг турли усуллари шароитида турлича амал қилади.

Ушбу принципиал мулоҳазалар умуминсоний қадриятларнинг синфий қадриятлардан устунлиги ғоясига, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ягона қонуний жараён сифатида ривожланишини тушунишга асосланган. Улар соф гносеологик жиҳатдан олганда бозор муносабатларининг социалистик иқтисодиётдаги ўрнини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Буни муҳим деб ҳисоблайман, чунки бозорга капиталистик ишлаб чиқаришнинг элементи деб қаровчи нуқтаи назар анча кенг тарқалган. Масалан, В. Осмининнинг «Ривожланишнинг янги модели: план, бозор, регион» мақоласида («Ўзбекистон коммунисти», 1990, № 2, 31-бет) шундай дейилган: «Бозор ўзига хос бўлган барча тартиботлар ҳамда товар муносабатларини илоҳийлаштириш билан хўжалик юритиш системаси сифатида капиталистик жамиятнинг белгиловчи структурасидир».

Дунёқараш жиҳатидан олганда бундай нуқтаи назар, менимча, бозор иқтисодиётини ёқлаш билан биз капитализмнинг ўзини ёқлаймиз деган маънони англатади. Ҳолбуки бозор — умуминсоний бисотдир, зеро у ҳам умуман товар ишлаб чиқариши сингари ибтидоий жамият заминидаёқ, меҳнатнинг дастлабки йирик

МАҚСУДОВ Фарҳод Нуриддинович, иқтисод фанлари номзоди, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти.

ижтимоий тақсимоти — чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши даврида туғилган.

Бозор механизми реал тарзда ҳозирча фақат жаҳон капиталистик хўжалигида фаолият кўрсатаётганлиги, бизга ундан кўп нарсани ўрганишга тўғри келаётгани эса бошқа масала. Бундан чўчимаслик керак. Асосийси — сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш. Капитализмда ёлланма иш кучининг ишлаб чиқариш воситаларига хусусий капиталистик эгаликнинг ҳукмронлиги шартлаган экспулатация қилиниш муносабатларигина «соф капиталистик»дир. Қолган иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг ҳаммаси умуминсоний мулк бўлиб, улардан бизнинг шароитда фойдаланиш мумкин ва керак.

Бозорни товарларни реализация қилиш соҳаси, шарт-шароити ва жойи билан боғлиқ иқтисодий шакллар ва механизмлар системаси сифатида белгилаш мумкин. Нарх, пул, кредит, бож (пошлина), акция, биржа ва ҳоказо тушунчалар унинг категория аппаратидир. Бозор жамият томонидан сарфланган меҳнатни баҳолаш борасида инсоният ишлаб чиққан усуллар ичида энг самарадори эканлиги унинг асосий фазилатидир. Узоқ вақт, К. Маркс билан Ф. Энгельснинг хулосаларига асосланиб, жамият аввалдан, ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш жараёнини планлаштиришини ва, бинобарин, олдиндан, у бошлангунга қадар, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар меҳнатини ижтимоий зарур, фойдали меҳнат деб эътироф этишини кўзда тутиб, социализмда ишлаб чиқариш, маҳсулот ва меҳнатнинг тўғридан-тўғри ижтимоий характердалиги хусусида сўзлаб келдик. Лекин марксизм асосчилари ишлаб чиқариш, меҳнат ва маҳсулотнинг тўғридан-тўғри ижтимоий характердалиги тўғрисидаги ғояни ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг капитализм давридагига қараганда беқиёс янада юксакроқ даражаси ва, оқибатда, товар ишлаб чиқариши мавжуд эмаслиги билан боғлаган эдилар. Бошқача айтсак, амалиётда олға қараб чопиш юз бердики, бу нарса маҳсулот сифатининг ғоятда паст бўлишига, ялпи тақчилликка, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг паст даражада бўлишига олиб келди. Ҳаёт бевосита бозор муносабатлари билан боғланган меҳнатгина фойдали меҳнат бўлишини, ишлаб чиқариш натижалари ҳақида ишлаб чиқарилган моллар бозорда реализация қилингандан сўнггина сўзлаш мумкинлигини кўрсатди.

Бозор муносабатларининг хусусий мулк жорий этилишига боғлиқлиги хусусида бир-икки оғиз сўз. Бозор иқтисодиёти кўп укладли бўлиб, кўринишича, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий эгаликсиз бир иш қилиб бўлмайди (аслини олганда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар хусусий мулк намояндаларидир). Бунинг устига, бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси ҳам, ёлланма ходим ҳам ишлайдиган майда капиталистик мулкни четлаб ўтиб бўлмайди. Бунда ҳам, менимча, «мафкуравий чекиниш» мавжуд эмас, — буни ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг аниқ усулларини белгиловчи ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг эришилган даражаси объектив тарзда тақозо этган.

Лекин мен хусусий мулкни, шу жумладан ерга бўлган хусусий мулкчиликни бозор муносабатларининг самарадорлигини гарантияловчи шарт деб ҳисобламайман. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик тарафдорларига унда нима нарса жозибали бўлиб кўринади?

Аввало, деб таъкидлашади улар, — хусусий мулкдорнинг иқтисодий мустақиллиги ва бундан келиб чиқувчи эртанги кунга ишонч туйғуси. Лекин капитализмдаги ер рентасининг Маркс томонидан қилинган таҳлилини эслайлик. Ер эгасидан **ижарага олинган** ерга асосланган, тамомила мустақил, нимани қачон ва қандай етиштиришни ўзи ҳал этадиган капиталистик хўжаликни таҳлил қиларкан, К. Маркс иккита тушунчани киритди: ерга хусусий мулкчиликнинг монополияси ва хўжалик юритиш объекти сифатида ерга монополиячилик. Ишончим комилки, айни хўжалик юритиш монополияси бозор муносабатлари тўлақонли ривожланишининг асосий ва зарурий шартидир.

Хусусан, Ғарб мамлакатларида бутунлай ўз ходимларига тегишли бўлган «халқ корхоналари»нинг пайдо бўлиши айтилган фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаши мумкин. Чунончи, эълон қилинган маълумотларга қараганда, АҚШда 11 мингта ана шундай корхона бўлиб, уларда 10 миллион киши банд. Улар коллектив

эгалик қилишга асосланган бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида баҳузур фаолият кўрсатишмоқда.

Эртанги кундан умидвор бўлишга келсак, менимча, қонунларга оғишмай риоя қилиш, бошқача айтганда — ҳуқуқий давлат барпо этилиши хўжалик юритиш субъектларининг ҳуқуқлари учун бирдан-бир кафолатдир. Бошқача кафолатлар мавжуд эмас.

Бозор муносабатларининг ривожланишини қонунлар бошқариб туради, уларнинг асосийлари — қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи қонуни. Бугунги кунда уларнинг ҳозирги иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатиш механизми хусусида умумий маълумотларгина биламиз. Жуда кам олимларимиз улар ҳаракатининг миқдорий таҳлили билан шуғулланган. Тушунарлики, бу ҳақдаги тасаввурларимиз ҳам ҳозирча ғоятда умумий, ушбу камчиликка бозор иқтисодиётининг шаклланиши жараёнида барҳам беришга тўғри келади, шу муносабат билан, кўринишича, хатоларга ҳам йўл қўйилиши мумкин.

Бозор иқтисодиётининг ўз шакллари мавжуд: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол моллари, қимматбаҳо қоғозлар, иш кучи ва ҳоказолар бозори. Ҳозир булар хусусида анча кўп ёзилмоқда. Бозорга шунингдек муйаян функциялар ҳам хос бўлиб, уларни бажара бориб, бозор айни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг регуляторларидан бири ролини амалга оширади.

Сигнал (огоҳлантириш) функциясида бозорнинг самарали қайтар алоқа сифатидаги фазилати намоён бўлади: ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг кераклилиги ёхуд керак эмаслиги хусусидаги сигнал тезликда (амалга оширилган ёки оширилмаган реализация орқали) ишлаб чиқарувчига етиб боради. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар харидорнинг мунтазам ўзгарувчан эҳтиёжларига муносабат кўрсатишидаги мослашувчанлик айни шу функция билан изоҳланади.

Нархнинг реал негизи — ижтимоий зарур меҳнат сарфини аниқлаш бозорнинг яна бир муҳим функциясидир. Иқтисодиётимиз самарадор эмаслигининг сабабларидан бири нархларнинг ўртача, ижтимоий зарур миқдорини белгилашга қодир бўлмаган, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатларининг камайишини эмас, балки кўпайишини рағбатлантирувчи нарх ҳосил қилиш системасининг ўзига бориб тақалади.

Бозорнинг яна бир функцияси — табақалаштириш функциясидир. Америка фирмаларидан бирининг президенти айтганидек, «бизнес (демак, бозор ҳам — **Ф. М.**) кўнгил хуши эмас. Бу — ушлаб олувчи қўлга тушганни ўпадиган мушук-сичқон ўйинининг бир тури эмас». Харажатларнинг самарадорлигини белгилай бориб, бозор табиийки, қўшимча маҳсулотнинг баъзи бир товар ишлаб чиқарувчилардан бошқаларига қайтадан тақсимланишига имкон яратади.

Ҳали бараварлаштириш психологияси кучли бўлган бизнинг шароитимизда даромадлардаги табақаланиш — объектив жараён, бозорнинг функционал ўзига хос хусусияти эканлиги айниқса малол билан қабул қилинади. Лекин, бунда «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципини амалга ошириш учун реал имконият пайдо бўладику, ахир. Жамият, албатта, даромадларни бараварлаш, улар ўртасида катта узилиш бўлишига йўл қўймаслик тўғрисида қайғуради. Лекин буни мажбурий текислаштириш йўли билан эмас, балки даромадларга прогрессив солиқ солиш ва жамиятнинг кам таъминланган аъзоларини социал компенсациялаш чораларини кўриш системаси орқали амалга ошириш керак бўлади.

Бозорнинг яна бир функцияси — рағбатлантириш функциясидир. У корхоналар даражасида рақобат кураши орқали намоён бўладики, бу ҳол ишлаб чиқарувчиларни бозордаги эски позицияларни сақлаб қолиш ёки у ерда янги позицияларни ишғол этиш мақсадида товарларнинг энг яхши намуналарини излашга мажбур этади. Бундан истеъмолчилар шубҳасиз фойда кўришади.

Ушбу функция алоҳида олинган киши даражасида ҳам намоён бўлади. Кишилар яхши ишлаётган одам яхши яшаётганини ҳам кўрувчи «намойиш самараси» бутунлай берилиб меҳнат қилишга ҳар қандай шиорлардан яхшироқ мажбур этади.

Бозорнинг энг муҳим, фундаментал функцияси — бошқариш функциясидир. Сўз ишлаб чиқариш пропорцияларини бошқариш тўғрисида бормоқда. Бунда

шуни таъкидлаш керакки, тарих саҳнасидан ўтган аср охирида тушиб қолган эркин рақобат давридагина (у ҳам фақат тинчлик даврида) бозор ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ягона ва тўлақонли бошқарувчиси бўлган эди. Ҳозир эса, бозордан ташқари, йирик корхоналар (монополиялар) ва давлат ана шундай бошқарувчидир. Лекин бу ҳақда анча кейинроқ сўз юритамиз. Аввал ҳозир кенг истеъмолда бўлган «социалистик бозор» ва «планли бозор иқтисодиёти» тушунчаларига тўхтамоқчимиз.

Бозор — социалистик, капиталистик ёки бошқа формация қонунлари томонидан эмас, балки ўзининг қонунлари томонидан бошқарилувчи ҳодиса эканлиги юқорида айтиб ўтилди. Капитализмда ва социализмда бозор механизмини амалга оширишда тафовут борми? Ҳа, бор. Лекин у иқтисодий жиҳатга қараганда кўпроқ социал жиҳатга боғлиқ, яъни давлат бошқарув фаолиятининг социал йўналганлигига бориб тақалади.

Энди «планли бозор иқтисодиёти» атамаси хусусида. Ҳозир олиб борилаётган мунозаранинг баъзи иштирокчилари план ва бозор тушунчаларини қарама-қарши қўйишдан, қолганлари — уларни ўз-ўзидан қўшиб юборишдан келиб чиқмоқдалар. Аслида эса бозор иқтисодиётида классик тушунишдаги планлаштириш — ишлаб чиқариш жараёнининг параметрлари олдиндан белгиланиши — фақат корхоналар даражасида мавжуд, макродаражада эса давлатнинг бутун бир комплекс бошқарувчи чоралари амал қилади. Шу сабабли **бошқарилувчи бозор** атамаси анча аниқ маънони англатади.

Бозор, товар-пул муносабатларининг табиати зиддиятли бўлгани учун унга диалектик йўналишда қараш бу табиатни тўғри англашнинг муқаррар шартидир. Агар бозор муносабатларини система деб, бинобарин, унга хос бўлган зиддиятлар системаси деб қарайдиган бўлсак, бунда товарнинг ботиний зиддияти дастлабки зиддият бўлади. Маълумки, товар моҳиятан унинг қиймат ва истеъмол қиймати сингари хусусиятларининг зиддиятли бирлигидир. Ўз вақтида К. Маркс капиталистик ишлаб чиқаришнинг иккиёқлама характерини кўрсатган бўлиб бунда товар ишлаб чиқарувчилар ва унинг истеъмолчиларининг иқтисодий манфаатлари мос тушмаслигини, ҳатто бир-бирига қарама-қарши эканлигини назарда тутган эди. Ушбу ҳол умуман товар ишлаб чиқариш ва унинг муомаласига хос бўлгани сабабли у социализмда ҳам мавжуд бўлади.

Бозор муносабатлари субъектлари иқтисодий муносабатларининг мос тушмаслиги сабаблари нимага боғлиқ? Гап шундаки, ҳар қандай муносабатлар системасида ҳар қандай товар ишлаб чиқарувчини аввало унинг фаровонлиги негизи бўлмиш у томонидан ҳосил қилинган товарнинг қиймати қизиқтиради. Ушбу товар истеъмолчисини эса биринчи навбатда унинг истеъмол қиймати, яъни ундаги фойдали сифатларнинг мажмуи қизиқтиради. Товарнинг ушбу икки хоссаси чамбарчас боғлиқ, бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Шу сабабли қийматга эга бўлиш учун (қўшимча маҳсулот қиймати, ёки даромад унинг бир қисмидир) товар ишлаб чиқарувчи фойдали нарса ишлаб чиқариши, истеъмолчи эса уни пул ифодасида баҳолаши керак.

Товарнинг ботиний зиддияти — қиймат билан истеъмол қиймати ўртасидаги зиддият — иқтисодий ҳодиса юзасида ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги, ёки шунчаки товар ишлаб чиқарувчилар билан уни истеъмол қилувчилар ўртасидаги зиддият сифатида намоён бўлади. Бу зиддият реал ҳолларга боғлиқ ҳолда турлича бартараф этилади. Бизнинг иқтисодиётимиз шароитида ҳозирги кунгача ишлаб чиқарувчининг тўлов қобилияти таклифдан анча ошиб кетиши, оқибат сифатида истеъмолчилар танлаш имкониятидан маҳрумлиги билан шартланган ҳукм юритиши уни ҳал этишнинг асосий шаклидир.

Ана шу зиддият корхоналар хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтказилгач пайдо бўлган, арзонбаҳо товарларни йўқотишда, нархларнинг ўзини оқламаган ҳолда ўсишида, қабул қилинадиган ишлаб чиқариш планлари пасайишида ифодаланган «группавий худбинлик» сингари феноменни ҳам дунёга келтиряпти. Ғайритабиийлик шундан иборатки, у моддий ресурслар билан барқарор таъминланмаслик, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг ялпи тақчиллиги шароитида, шунингдек бир қатор корхоналарнинг яккаҳокимлиги вазиятида пайдо бўлмаслиги мумкин эмас эди, зеро, юқорида айтилганидек, товар ишлаб чиқарувчиларнинг асосий мақсади — ўз фаровонлиги, фойда олишдир.

Агар реал иқтисодий вазият қимматга тушувчи техника билан қайта қуроллантириш ҳисобига эмас, балки нархларни ошириш воситасида фойда олиш имконини берса, корхона албатта ана шу йўлдан боради. Бу ҳол ушбу корхонада онгсиз кишилар ишлаётгани учун эмас, балки товар ишлаб чиқаришнинг ички зиддияти, яъни объектив сабаблар туфайли юз беради.

Бозор иқтисодиётида бундай зиддият аввало талаб ва таклиф қонуни билан тартибга солинади. Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида борадиган истеъмолчи учун қаттиқ рақобат кураши шароитида бозор нархини қарор топтириш, биринчидан, истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги зиддиятни ҳал этиш шакли, иккинчидан, ушбу маҳсулотга талаб ва таклифнинг самарали бошқарувчиси бўлади. Талабнинг ошиши эса нархнинг ўсишига олиб келади, бу, ўз навбатида, ё талабнинг ўз-ўзидан пасайишини, ёки ушбу товарга таклифнинг ўсишини англатади. Таклифнинг ўсиши эса нархнинг кўтарилишига олиб келади, бу, ўз навбатида, таклифнинг ўз-ўзидан пасайишига ёки эса талабнинг ўсишига олиб боради. *

Ушбу механизм туфайли ҳар бир муайян пайтда бозорда истеъмолчига зарур бўлган миқдорда товарлар мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, Адам Смит ҳам ёзганидек, товар ишлаб чиқарувчилар ўз иқтисодий манфаатларини кўзлаган ҳолда жамият манфаатларига хизмат қиладиган, нархлар ва бозорлар системаси орқали бозор муносабатлари субъектлари куч-ҳаракатларининг беихтиёр координацияланиши юз берадиган «кўринмас қўл принципи» амал қилади. Бозорнинг ўз-ўзини созловчи, ўзини ўзи бошқарувчи табиати ана шунда намоён бўлади.

Лекин ушбу механизмни идеаллаштиришга асос йўқ. Хусусан, К. Маркс ҳам ортиқча ишлаб чиқаришнинг кўр-кўрона бозор стихиясидан келиб чиқадиган кризислари мумкинлигини кўрсатган эди. Мўътабар тадқиқотчилар таъкидлаганларидек, тўғри, умуман олганда, Ғарб мамлакатлари кризисга қарши бошқариш чоралари ёрдамида бу стихияни жиловлашга муваффақ бўлганлар. Лекин уни тамоман бартараф этишга, шу жумладан, бизнинг шароитда ҳам муваффақ бўлинмаса керак.

Мамлакатимизда товар ишлаб чиқарувчилар исканжасида эзилган истеъмолчилар сингари кўпчилик бозорга умид боғлаб, истеъмолчининг ишлаб чиқарувчи устидан ҳукм юритиши ўрнатиладиган «олтин» давр келишини кутмоқда. Менимча, ушбу табиий реакция бир қадар жўнлиги билан ажралиб туради. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги зиддият истеъмолчининг танҳо ҳукмронлиги орқали эмас, балки уларнинг бир-бирига таъсири йўлида ҳал этилади. Истеъмолчининг бозорга шак-шубҳасиз тазйиқи билан бир қаторда бошқа нарсани: ахборот воситалари системасини, сотиш ва савдо ташкилотлари кенг тармоғи, реклама, харидор талабини кўп сонли амалий тадқиқ қилишларни ўз ичига олувчи фирмаларнинг бозорга таъсир этувчи қудратли аппаратини, — қисқаси, маркетинг тушунчасига киритилувчи барча нарсани ҳам кўриш керак.

Бозор муносабатларини таҳлил қилишга объектив ёндашиш уларга хос бўлган камчиликларни ҳам аниқлашни талаб этади. Макроиқтисодий нуқтаи назардан олганда бу муносабатларнинг иқтисодий ва социал таркибий қисмлари ўртасидаги зиддиятни асосий камчиликлар қаторига киритиш лозим. Шубҳасиз, рационал бозор механизми социал планда бир қатор муаммоларни ўртага қўядики, уларни ҳал этиш кўпроқ давлат зиммасига юкланади. Айни шунда тузумимизнинг социалистик табиати тўла даражада намоён бўлиши керак. Бунинг учун даромад ва нархларни индексациялаш, иш билан бандлик давлат сиёсати, ишсизлар учун нафақа ва ҳоказолар кўринишида социал стабилизаторлар ишлаб чиқилиши ҳамда бозор механизмига киритилиши лозим. Жумладан, бир томондан, кишининг ўз иш жойини сақлаб қолишга интилиши билан, бошқа томондан — унинг социал ҳимояланишга ишончи ўртасидаги зиддиятни ҳал этишнинг мақбул шакли топилиши шарт. Ўйлашимча, бу — жамиятимиз қаршисида пайдо бўлаётган энг мураккаб вазифалардан биридир.

---

* Бу схема ушбу маҳсулотга бўлган талаб ва таклифга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллларнинг (оилалар даромадларининг даражаси, маҳсулотнинг муқобил турлари нархи ва ҳоказолар) ўзгармаслиги шароитидагина иш бериши мумкин.

Бозор иқтисодиётининг муқаррар йўлдоши — ишсизликни нима қилиш керак? Меҳнат бозорининг зарурлиги шубҳа уйғотмайди. Сўз нафақат ушбу пайтда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаганлар хусусидагина бормаётганлигини таъкидлашни истар эдим. Республикамизда бундай кишилар, маълумки, бир миллиондан кўп. Бу кўпроқ аҳолининг «аграр» ёки пинҳона ортиқчалигининг зоҳир бўлишидир. Лекин у иқтисодиётни структуравий қайта қуриш, уни интенсивлаш йўлига ўтказиш ортидан муқаррар равишда изма-из келувчи «технологик ишсизлик» туфайли чуқурлашади. Вазиятнинг республикамиздаги ўзига хослиги ва зиддиятлилиги шундан иборатки, фан-техника тараққиётининг бош йўналиши ресурс, энергия ва меҳнат сарфини камайтирувчи технологиялар бўлиб қолган шароитда биз бир вақтда бу технологияларни ўзлаштиришимиз ва иш билан бандлик муаммосини ҳал этишимиз керак бўлади. Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган районларда майда ва ўртача кооператив, коллектив ва шахсий корхоналарни жадал барпо этиш; кўп ишчи қўлларни талаб этувчи ва фан-техника тараққиётини белгиловчи йиғув корхоналарининг тармоғини ривожлантириш (булар — приборсозлик, электрон, радиотехника саноати корхоналари бўлиши мумкин); хоҳловчиларни ишлаш учун мамлакатнинг бошқа регионлари ва чет элга юбориш (дарвоқе, бу нарса валюта келиб тушишининг қўшимча манбаи бўлиб хизмат қилади) ана шу мураккаб вазифани ҳал этишга ёрдам беради.

Яна бир ғоят муҳим муаммо — аҳолининг турмуш даражаси Ўзбекистоннинг бу жиҳатдан олганда ўзига хослиги тўғрисида кейинги пайтда етарлича кўп гапирилди. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бозор муносабатларининг салбий таъсирини (аввало нарх ўсиши орқали) даставвал жамиятнинг кам таъминланган қатламлари бошдан кечирадилар. Республикада аҳоли умумий миқдорининг салкам 45 фоизи яшаш минимумидан кам даражада даромад олиши сабабли аҳолимизнинг ана шу қисмини социал ҳимоя қилиш жуда катта эътиборни талаб этади.

Шу муносабат билан, аҳоли турмуш даражасининг демографик омилга боғлиқлигини ҳисобга олиб, оилани режалаштиришдек нозик муаммо хусусида ўз фикримни айтмоқчи эдим. Ҳозирда у кўпчиликка ёқмаётган бўлсада, лекин бу муаммони ҳал қилишимиз кераклигига ишончим комил. Сўз Хитойга ўхшаб оилада иккинчи ва бошқа болалар туғилишини тақиқлаш ёхуд жарима солиб жазолаш чораларини қабул қилиш тўғрисида эмас, балки соф тарғибот, маърифий ҳаракатлар ҳақида бормоқда. Оилада қанча бола бўлиши масаласини ота-оналарнинг ўзлари ҳал этиши керак. Лекин улар нафақат ўзларининг физиологик, балки иқтисодий имкониятларидан ҳам келиб чиқишлари лозим. Зеро, оилада қанча бўлишидан қатъи назар, ҳамма болалар соғлом, ҳар томонлама камол топишлари керак. Ёш авлод тарбиясини уйғунлаштириш, шу жумладан иқтисодий жиҳатдан олганда ҳам, беистисно ҳар қандай миллат учун муҳимдир, буни бутун дунёда яққол намоён бўлаётган меҳнатни интеллектуаллаштириш тенденцияси шартлаган.

Бозор камчиликлари ҳақидаги гапни давом эттирарканмиз, у тезда самара бермайдиган узоқ муддатли программаларни рўёбга чиқаришда самарасиз эканлигини таъкидламасдан бўлмайди. Бу аҳолининг тиббий, умумтаълимий ва социал таъминотига; қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланишга, ишлаб чиқариш инфраструктураси — алоқа воситаларини, йўл, кўприк, порт ва ҳоказоларни қуришни ривожлантиришга тааллуқлидир. Бундай программаларни бюджет маблағлари ҳисобига давлат пул билан таъминлаши керак.

Бозор товар фетишизмини ҳам юзага келтиради. Бундай ҳол намоён бўлишининг энг юксак чўққиси — қадрият мўлжаллари пулга йўналган, пул топиш йўлида барча мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган воситалардан фойдаланишга тайёр «иқтисодиёт кишиси» шаклланишидир. Бозорнинг ушбу хусусияти, менимча, жамиятнинг бутун маънавий-ахлоқий потенциалидан фойдаланган ҳолда саботли, бир мақсадга йўналтирилган, кўп жиҳатдан олдини олувчи тарбия фаолиятини талаб этади.

Бозорнинг фан-техника тараққиётига таъсири ҳам зиддиятлидир. Асосий мақсади фойда олиш бўлган бозор муносабатларини тезда самара келтирмайдиган фундаментал тадқиқотлар соҳасига жорий этиш, албатта, мақбул эмас. Шу сабабли фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришга давлат ёрдами бериш,

шунингдек, жумладан, иқтисодиёт ва фанни ривожлантириш учун зарур мутахассисларни узоқ муддатли тайёрлаш йўлини қўллаб-қувватлайман.

Амалий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласига келсак, бунда бозорнинг роли шак-шубҳасиз каттадир. 1985 йилда қабул қилинган, ўзагини фан-техника тараққиёти ташкил этиши керак бўлган социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш стратегияси нима учун муваффақиятсизликка учради? Чунки корхоналар илмий ғояларнинг асосий истеъмолчилари сифатида улардан ғоят манфаатдор бўладиган хўжалик юритиш механизми яратилмади. Ғарб мамлакатларининг ижобий тажрибаси бундай манфаатдорлик бозор иқтисодиёти учун хос эканлигини кўрсатади.

Бозорнинг жаҳон структура кризислари, жумладан, валюта-молия кризислари олдидаги ожизлиги ҳамда иқтисодий жиноятлар тарқалиши (даромадларни солиқ солишдан яшириш ва ҳоказо) сингари нуқсонларини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Бозорга хос бўлган ижобий ва салбий жиҳатлар хусусидаги мулоҳазалар у самарали ривожланиш учун фақат зарур шарт-шароитнигина яратади деган хулосага олиб келади. Бу шарт-шароит эса жамият корхоналар, аниқроғи, корпорациялар ва давлат кучлари ёрдамида амалга оширадиган бозорни бошқариш орқали рўёбга чиқарилади.

Кўпинча монополия бўлган йирик корхоналар бозорга уч томонлама таъсир кўрсатади. Биринчидан, бозор бошқа механизм билан алмаштирилиши мумкин. Бунга «вертикал интеграция» орқали эришилади, яъни, одатда, корхона акцияларни сотиб олиш воситасида етказиб бериш манбаи ва сотиш бозори устидан назорат ўрнатади. Илгари олди-сотди объекти бўлган нарсалар фирма ичидаги планлаштириш воситасида тақсимланади. Бундай ҳол албатта бизнинг иқтисодиётимизда ҳам пайдо бўлади, бунинг устига, банк ва саноат (ишлаб чиқариш) фирмалари қўшилиши натижасида биз анъанавий равишда империализм белгиси деб келган тузилмалар пайдо бўлади. Иккинчидан, йирик фирма ўзидан кучсиз шерикларга, жумладан, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва нарх масаласида «ўйин қоидалари»ни тиқиштириши мумкин. Ва, ниҳоят, учинчидан, фирмалар нархларни, харид қилинадиган ёки етказиб бериладиган маҳсулот ҳажмларини белгилаш борасида узоқ муддатга ўзаро шартнома тузишлари мумкин.

Бозорнинг йирик фирмалар томонидан бошқарилиши зиддиятли баҳоларга сабаб бўлмоқда, буни ёқлаб ёки унга қарши бир талай далил-исботлар келтирилмоқда. Бир нарса равшан: йирик корхоналарнинг бозорга бўлган бошқарувчилик таъсири муқаррар, бинобарин, биз бунга ҳам тўқнаш келамиз. Шу сабабли, фирмаларнинг ўз-ўзини ривожлантиришга, йириклашишга интилишини ҳисобга олиб, монополияларга қарши қонун чиқаришга доир чоралар кўришимиз лозим. Бунинг устига, маълум бўлишича, бизнинг иқтисодиётимиз дунёдаги энг монополиялашган иқтисодиёт бўлиб чиқди.

Мавжуд маълумотларга қараганда, СССРдаги бир корхона америка корхонасига қараганда маҳсулотни ўртача 4 баравар кўпроқ ишлаб чиқаради, ваҳоланки, ишда банд бўлганлар миқдори жиҳатидан у капиталистик мамлакатлардаги корхона ўлчамидан қарийб 10 баравар ортиқдир. Чунончи, 1000 кишидан ортиқ ишчи банд бўлган корхоналарнинг ҳиссаси АҚШда улар умумий сонининг 0,6 фоизини, ГФРда — 2, Японияда — 0,1, бизда эса 16,4 фоизини ташкил этади. Бундай корхоналарда бутун саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг АҚШда 25,7 фоизи, ГФРда — 37,2, Японияда — 12,9, СССРда эса 73,4 фоизи меҳнат қилмоқда. Ахир, айни монополиялар, Ленин фикрига қараганда, текинхўрлик ва чиришга очиқдан-очиқ мойилдир.

Монополияларга барҳам бермасдан туриб, мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Менимча, бу нарса марказлаштирилган капитал маблағларнинг устун жиҳатларининг ўрнини алмаштириш лозимлигини, уларнинг асосий қисмини ҳам иттифоқ, ҳам республикалар даражасида майда ва ўртача корхоналарни барпо этишга йўналтиришни англатади. Монополияларга барҳам бериш аралаш ва соф хорижий омилкорлик кўринишидаги чет эл капиталини жалб этишга ҳам, иқтисодий ва технологик жиҳатдан ўзини оқлаган жойларда ишлаб турган корхоналарни нисбатан кичиклаштиришга ҳам имкон беради.

Монополияларга барҳам беришнинг зиддиятлилиги хусусида қуйидаги факт ҳам далолат бериши мумкин. Республика Компартиясининг XXII съездида республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотни ташқи бозорларда реализация қилишни бир ерга жамлаш мақсадида ихтисослаштирилган орган — «Узлегпромсырье» тузилиши хусусида сўз борди. Назаримда, яна бир монополиялаштирилган структура ташкил топиши хавфи мавжуд. Аввало бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг, хусусан ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш масаласида, иқтисодий мустақиллигисиз ҳеч қандай бозор фаолият кўрсатмаслигини унутмаслик зарур. Бошқача айтганда, юқорида тилга олинган органнинг корхоналар билан муносабатлари аввало иқтисодий негизга асосланиши керак.

Бу жиҳатдан олганда кооператив ва шахсий секторларни жадал ривожлантириш катта самара бериши мумкин деган нуқтаи назарга қўшиламан. Ҳар ҳолда, маҳаллий миллат кишилари ўртасида ҳунармандчилик маҳоратининг мақоми анъанавий жиҳатдан олганда юксак бўлган республикамизда иқтисодиётнинг ушбу секторларини ривожлантириш жуда истиқболлидир.

Тилга олинган чоралар натижасида ўзаро рақобат қилувчи субъектлари бўлган, истеъмолчилар дидининг ўзгаришига ва фан-техника тараққиётининг талабларига ғоят тез муносабатда бўлувчи, йирик корхоналар учун ишни такомиллаштириш катализатори бўлиб хизмат қилувчи майда ва ўрта ишлаб чиқаришларнинг катта миқдоридаги жонли, бадастур бозор организмини яратиш мумкин бўлади. Шу сабабли майда ишлаб чиқаришни давлат даражасида қўллаб-қувватлашга доир махсус программа албатта қабул қилиниши керак деб ҳисоблайман.

Янги структура сиёсатини амалга оширишда у ёки бу регионда яшовчи халқларнинг миллий хусусиятларини тадқиқ қилиш катта фойда келтириши мумкин. Дарвоке, трансмиллий корпорациялар ўз капиталларини хорижда жойлаштиришни прогнозлашда аллақачондан бери уларни муваффақият билан ҳисобга олмоқдалар. Албатта, бизнинг шароитда бу тадқиқотлар нозик характер касб этади. Бунда оқилона илмий ёндашувни миллий кибр-ҳаво, манманлик ва ҳоказолардан ажратувчи чегарани босиб ўтиш хавфи кўзда тутилмоқда. Лекин айни бизнинг мамлакатимизда жуда катта дивидендлар (даромадлар) келтириши мумкин бўлган бундай тадқиқотлардан воз кечиш нотўғри бўлур эди. Агар биз ҳар бир регионга хос бўлган оптимумни, бу ерда яшовчи халқларнинг энг яхши хислатларини ўзига қамраб олувчи, кўп миллатлардан иборат ўзига хос портретни топишга муваффақ бўлсак, бу нарса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилади.

Давлатнинг бошқарувчилик роли тўғрисида алоҳида сўзлаш керак. Лекин аввало — бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг методлари ва суръатлари масаласида икки позиция: центристик ва радикал нуқтаи назарлар аниқ кўзга ташланганлиги муносабати билан кичик чекиниш қилмоқчиман. Динамик, лекин етти ўлчовчи сиёсат учун жон куйдираётган биринчи позицияни афзал кўрган ҳолда бу ўринда таниқли америкалик иқтисодчи Ж. К. Гелбрейтнинг сўзини келтириш ўринли бўларди: «...Бозор иқтисодиётининг ҳатто энг қизғин ҳимоячилари Вашингтонга, Иқтисодий консультантлар кенгашига келганларида ўзларида масъулиятнинг ҳушёр этувчи таъсирини ҳис қилмоқдалар. Бозор механизмига аралашмасдан иш билан тўлиқ банд бўлишни қўллаб-қувватлаш концепциясини давлат хизмати вақтида четга суриб қўйишга тўғри келади» (Ж. К. Гелбрейт. Новое индустриальное общество. — М. 1967, с.307).

Шуни таъкидлаш кераки, Ғарбда бозорнинг давлат томонидан бошқарилиши борасида жуда катта тажриба тўпланган. Бунинг устига, 80-йиллар давлатнинг иқтисодиётга кенг миқёсда аралашишига асосланган Кейнсиан моделидан (бунда қудратли давлат сектори ва бошқарувчи чоралар комплекси барпо этилар эди) ҳамда социал соҳадаги реформизмдан давлат секторини хусусийлаштириш, давлат бошқарувига барҳам бериш, унинг аралашувини камайтириш ва хусусий бизнесга катта иқтисодий эркинлик берилиши характерли бўлган моделга («рейганомика») ўзига хос ўтиш йиллари бўлди. Бунда биринчи ўринга иш билан бандлик сиёсати (Кейнсиан моделидагидек) эмас, балки пулни барқарорлаштириш муаммоси чиқади.

Совет иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва тузуми-

мизнинг социал йўналганлигини ҳисобга олган ҳолда тилга олинган моделлардан фақат биз учун мақбулини қабул қилиш лозим. Масалан, пул қадрсизланишига қарши курашнинг пул массаси ўсишини бошқаришдек чорасисиз биз пул системасининг ностабиллигига барҳам бера олмаймиз. Шу муносабат билан пул массаси устидан назорат қилиш функциясини ҳам бажарувчи СССР Давлат банки ҳукумат итоатида қолишини ёқловчи Л. И. Абалкинга эътироз билдирмоқчиман. Ҳукумат бунда Давлат банкининг пул зарб этиш ва заём чиқариш имкониятларидан ўз программаларини пул билан таъминлаш учун фойдаланиб қолишдан қайтмаса керак. Шу сабабли СССР Давлат банкини СССР Олий Совети тасаррруфига беришга чақираётган олимлар фикрига қўшиламан.

Иш билан бандлик сиёсати соҳасида, эҳтимол, мисол учун, Швецияда қўлланилаётган Кейнсиан вариантига амал қилиш керакдир. Унга кўра янги иш жойларини барпо этиш ва ишсизлик муаммосини ҳал этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши керак. Шуни таъкидлаш зарурки, Ғарб иқтисодий адабиётида бир неча (икки-уч) фоиз даражасида ишсизлик бўлган чоғда «иш билан бандлик» тўғрисида сўз юритилади. Кўринишича, биз ҳам айнан маънодаги иш билан тўлиқ бандликни эмас, балки ҳар ҳолда муайян миқдорда ишсизлар (шубҳасиз, социал ҳимояланган) бўлишини тақозо этувчи иш билан самарали банд бўлишни мўлжал қилиб олишимиз керак.

Солиқ солиш системаси иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишининг энг муҳим воситаларидан биридир. Агар кейнсианчилар социал программаларни пул билан таъминлаш каналларидан бири сифатида солиқ солишнинг етарлича юқори ставкасини ёқлаб чиқсалар, уларнинг мухолифлари солиқ ставкасини пасайтиришни ёқлаб, шу тариқа хусусий омилкорликни рағбатлантириш мумкин деб асосли равишда ҳисобламоқдалар. Мисол учун, таъкидланган илмий йўналиш ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатини шакллантирувчи АҚШда фойдага солинадиган солиқ ставкаси анча камайтирилган (1988 йилда 33 фоизга қадар). Ўйлашимча, ҳозирча бизда тақчиликка барҳам берилмаган экан, биз бу йўлдан бора олмаймиз, чунки у инфляция жараёнларининг авж олишига олиб келади. Лекин, принципда, солиқ ставкаларини камайтириш омилкорликни жонлантиришнинг самарали воситаси бўлиб, истиқболда ундан фойдаланиш мумкин.

Бизнинг шароитда фойдага солинадиган солиққа келсак, республикалар оладиган иқтисодий мустақилликни ҳисобга олганда уларнинг бюджетига чегирмаларнинг ҳиссаси иттифоқ бюджетига тушадигандан кўпроқ бўлиши керак. Солиқлар рағбатлантириш функцияларини самарали бажариши учун эса республикалар регионал ўзига хосликдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришни бошқариш учун солиқ ставкаларини ўзгартириш имкониятига эга бўлишлари муҳимдир.

Кейнсиан модели доирасида давлат субвенцияларни — корхоналар ва тармоқларга турли хилдаги ёрдам пули ажратишни кенг миқёсда қўллайди. Турли мамлакатларда ялпи миллий маҳсулотдаги субвенциялар ҳиссаси, мавжуд маълумотларга қараганда, 5—10 фоиз орасида ўзгариб туради. Қишлоқ хўжалиги, транспорт, ундирувчи саноат, қора металлургия, кемасозлик — умуман олганда миллий даромаднинг 1/5 қисмига қадарини ҳосил этувчи тармоқлар ана шундай ёрдам олмоқда. Лекин, юқорида айтилганидек, йўл ўзгариши билан субвенцияларнинг ҳиссасини пасайтириш, хусусан, субвенциялар барча олувчилар учун тенг фоизда қисқартириладиган, бўшатиб олинган сумма эса солиқ озайишини маблағ билан таъминлашга кетадиган методни қўлланиш масаласи фаол мунозара қилинмоқда.

Менимча, биздаги нафақат тармоқ, балки, айтиш мумкинки, миллий, республика характерига эга бўлган субвенцияларни қисқартириш йўлидан ҳозирча бора олмаймиз. Ҳар ҳолда, яқин йилларда бир қатор тармоқлар ва бир қатор республикаларни (аввало улар томонидан социал программалар бажарилишида) давлат даражасида албатта қўллаб-қувватлаш керак деб ҳисоблайман.

Аграр соҳада давлатга алоҳида роль ажратилмоқда. Кейнсиан модели бўйича, қишлоқ хўжалик маҳсулотини ортиқча етиштиришга, нарх-наво тушиб кетиши ва майда фермер хўжаликларининг оммавий хонавайрон бўлишига йўл қўймаслик мақсадида давлат муқим нархларда, олдиндан келишилган шартларда улардан маҳсулотни сотиб олади. Тўғри, ҳозир бу секторда ҳам субвенциялар

ҳиссасини камайтириш, бинобарин, бу ерда бозор, рақобат механизмини кучайтириш фойдасини кўзловчи кайфиятлар кучаймоқда.

Ғарбдан фарқ қилиб, биз ортиқча ишлаб чиқариш эмас, балки мўлжалдан кам ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қилишимиз керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги шароитида давлат уларни етиштирувчиларни қўллаб-қувватларкан, истеъмолчиларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Бунга аввало биринчи галда зарур маҳсулотларнинг нархларини дотациялаш йўли билан эришилади. Нархларнинг нисбатан пасайиши билан бирга юз бериши керак бўлган қишлоқ хўжалиги бозорида таклифнинг ўса бориши, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатнинг кучайиб бориши билан дотациялашни қисқартириш мумкин бўлади чоғи. Бозор тўйиниши шароитида ишлаб чиқарувчилар қўшимча даромад манбаларини изларкан, жамиятнинг кам ҳақ оладиган қатламлари учун ҳам мўлжалланган маҳсулот етиштиришдан манфаатдор бўладилар.

Умуман олганда давлатнинг бошқарув сиёсати, биринчидан, иқтисодиётимизнинг реал аҳволидан, шу жумладан, турли республикаларнинг социал-иқтисодий вазиятидаги тафовутлардан келиб чиқиши; иккинчидан, жаҳон тажрибасидаги барча қимматли ва фойдали жиҳатларни ўзига қамраши; учинчидан, мослашувчан, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг ўзгарувчан талабларига ўз вақтида муносабат билдирадиган бўлиши керак.

Муаммонинг регионал жиҳати хусусидаги мулоҳазалар мамлакатимиз турли территориялари республикалари ўртасидаги объектив зиддиятлар бозор шароитида янада ривожланади деган хулосага олиб келади. Ўйлашимча, ягона умумиттифоқ бозори доирасида яна зонал бозорни барпо этишга ҳам албатта интилинади. Ўз вақтида В. И. Ленин «Европа Қўшма Штатлари шиори тўғрисида» деган асарида иқтисодий ривожланишнинг турли даражасида турган давлатлар ягона бозор системасига бирлашаркан, албатта тенгсиз шароитга солиб қўйилиши хусусида ёзган эди. Бу тезисни бизнинг воқелигимизга ҳам татбиқ этиш мумкин. Иттифоқдош республикалар социал-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра, маълумки, уч группага бўлинади. Болтиқбўйи республикалари ва Белоруссия — энг кўп ривожланган, РСФСР, Молдова, Украина, Кавказорти республикалари — ўртача мавқеда; Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон — энг кам ривожланган. Бу ҳақда етарлича фактик материал эълон қилинган.

Айни шунинг учун умумиттифоқ бозори доирасида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг зонал бозорини барпо этиш табиий ҳолдир. Бу йўлда дастлабки қадам қўйилгани маълум. Бу нарса бошқа республикалар ва регионлардан алоҳида бўлишни билдирадими? Йўқ. Бунда сўз иш билан бандлик, миграция, ишлаб чиқариш структураси соҳасида социал-иқтисодий ривожланиш шарт-шароити, миллий-маданий анъаналар, демографик хусусиятлардаги ўхшашликлар билан белгиланувчи **ягона** сиёсат, республикалараро фондлар ва программалар барпо этиш ва ҳоказолар тўғрисида бормоқда. Буларнинг ҳаммаси регионни жадал ривожлантиришга ва мамлакат бошқа регионларидан жиддий орқада қолинганликка барҳам беришга имкон яратиши керак.

Бир оғиз сўз сўмдан ташқари, маҳаллий, миллий валютани ҳам оборотга киритиш тўғрисида. Бу ғоя, хусусан, республика ички бозорини маҳсулотларни ундан ташқарига ташиб кетишдан ҳимоя қилишга интилиш сифатида пайдо бўлди. Менимча, уни ҳозир жорий этиш, биринчидан, яна бир қоғоз, карточкани жорий этиш бўлади. Ҳақиқий, мустаҳкам валютани жорий этиш учун республика бозорини рақобатга чидамли товарлар билан тўлдириш лозим, бошқа бозорлар билан алоқа қилиш учун очиқ бўлиши ва, оқибатда, ушбу валюта бошқа бозорларда ҳам ўтиши керак бўлади. Бу шартларнинг барчаси бизда ҳозирча йўқ.

Шундай қилиб, бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ ҳам назарий, ҳам амалий муаммолар ғоятда кўпдир. Уларни ҳал қилишда, КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёнотида таъкидланганидек, бозорга ўтиш — ягона мақсад эмас, балки социал муаммоларни ҳал этиш воситаси эканлигини қўзда тутиш муҳимдир ва ушбу ўтишнинг мумкин бўлган салбий оқибатларининг олдини олишга интилиш лозим.

Ш. ОРИФХОНОВ

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ ЯНГИ ШАРОИТИДА РЕГИОНАЛ ФАН-ТЕХНИКА СИЁСАТИ

ДАВЛАТ, регион ва тармоқ даражаларида ягона фан-техника сиёсатининг ҳаётга татбиқ этилиши халқ хўжалиги комплекси муваффақиятли ривожланишининг энг муҳим омилларидан биридир. Лекин ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилиши, бутун-бутун регионларнинг ўзига хос хусусиятлари ва манфаатларини эътибордан соқит қилиш шароитида бундай сиёсатнинг олиб борилиши муқаррар равишда айрим иттифоқдош ва автоном республикаларнинг илмий-техника ривожланишида жиддий мутаносибсизликларга, уларда социал-иқтисодий ва экологик муаммоларнинг ғоятда кескинлашувига олиб келади.

Бу нарса Ўзбекистонда нимага олиб келди? Пишиқ-пухта регионал фан-техника сиёсатининг йўқлиги ҳамда Ўзбекистон ССРдаги демографик ва экологик вазиятни ҳисобга олмаган марказ билан муносабатларда республика аввалги раҳбариятининг асосан келишувчиликдан иборат позицияси унинг иқтисодиётидаги мутаносибсизликларга ҳамда балансланмаган ривожланишининг чуқурлашишига олиб келди.

Шу муносабат билан фанга, аввало иқтисод фанига ҳам жиддий даъволар қилиш лозим бўлади. 20 йил муддатга тузилган фан-техника тараққиётининг Комплекс программаси, Ўзбекистон ССРни 15 йилга мўлжалланган иқтисодий ва социал ривожлантириш концепцияси ва унинг асосий йўналишлари сингари ғоят муҳим ҳужжатлардаги мавжуд ғоя ва таклифларни экспертизадан ўтказиш ҳамда олимлар ва амалиётчиларнинг уларга асос бўлган прогнозлари қанчалик ўзини оқлаётганини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Реаллик шундан иборатки, Ўзбекистон олимлари прогнозлаш соҳасидаги фаолиятининг самарадорлигига ва республика фанининг революцион ўзгартишлар ҳозирги босқичига шайлигига ишонмаслик кайфияти пайдо бўлди. Ўзбекистон ССРда 187 илмий муассаса (шу жумладан — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 38 институти ва 44 олий ўқув юрти), 25 илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, 5 тармоқлараро илмий-техника ва инженерлик маркази, анчагина конструкторлик, лойиҳалаш ва бошқа ташкилотларни ўз ичига олган каттагина илмий потенциал шаклланганига қарамай ана шундай бўлмоқда.

Ўзбекистон олимлари фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг алоҳида йўналишлари бўйича яхшигина натижаларга эришганликларини таъкидламасдан бўлмайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Электроника институти ходимларининг илмий тадқиқотлари бўйича Швейцариянинг «Георг Фишер» фирмаси билан лицензия шартномаси имзоланганлиги, жумладан, ана шундан далолат беради. Қаттиқ жисм физикаси, радиоизотоп препаратлар, ўсимлик моддалари химияси, ўсимликшунослик, иншоотларнинг сейсмодинамик назарияси, гелиотехника, фойдали қазилмалар прогнози ва разведкаси, микробиология, тиббиёт соҳасида ва фаннинг бошқа тармоқларидаги тадқиқотларнинг салкам 40 та ис-

---

ОРИФХОНОВ Шавкат Рифатович, Ўзбекистон ССР План давлат комитетининг Ҳисоблаш марказига эга бўлган Иқтисодиёт ва нормативлар илмий-тадқиқот институти фан-техника тараққиёти бўлимининг мудири, иқтисод фанлари номзоди.

тикболли натижалари тижорат, реклама ва конъюнктура ишланмасида турибди.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг илмий комплекси илмий-техника ишланмаларини жорий этишга ҳалигача суст йўлланган. Тажриба-экспериментал базалар (ТЭБ) етарлича ривожланмаганлиги — ҳозирги вақтда республика илмий ташкилотларининг атиги учдан бир қисмигина уларга эга — рақобатга чидамли, юксак самарали техникани яратиш йўлига жиддий ғов бўлмоқда. Шундай бўлишига қарамай, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасида 1986—1988 йилларда ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан 5 миллион сўмликдан зиёди ўзлаштирилмади, 1989 йилда эса ажратилган пулнинг атиги 70 фоизи сарфланди.

Турғунлик даврида қарор топган ва ҳозирча бартараф этилмаган ўз ижодиёти натижаларидан ходимларни бегоналаштириш ҳам фан-техника тараққиётига ёрдам бермайди. Республика территориясида жойлашган 1573 корхона ва ташкилотнинг кўпи билан 11 фоизи 1988 йилда ихтирочилик ишида қатнашганлигида ҳам шунинг таъсири бор. Кўзланаётган ихтиролар учун заявкалар топширган муаллифларнинг миқдори камайишидек номатлуб тенденция кўриниб қолди,— бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ўртасида 13-ўринни эгаллаган. Бунинг устига барча ихтироларнинг салкам учдан бири (31,5 фоизи) оз иқтисодий самара — ҳар бири кўпи билан 5 минг сўмлик унум бермоқда.

Гарчи транспортда, тиббиётда ва бир қатор бошқа тармоқларда бунинг учун реал имкониятлар мавжуд бўлсада, республикада битта ҳам тармоқлараро илмий-техника комплекси (ТИТК) бунёд этилган эмас. Ишлаб турган тармоқлараро илмий-техника марказлари эса — пахта териш машиналари бўйича марказ, «Узгелиотехника», «Дефолиант» ҳамда «Мотор» ва «Иссиқлик насослари» инженерлик марказлари ҳозирча сезиларли натижалар бергани йўқ.

Республикада фан ва техникани ривожлантириш бўйича белгиланган топшириқларни кетма-кет барбод қилиш бартараф этилмаган. 1989 йилда фан-техника тараққиёти бўйича 105 топшириқни бажаришга доир давлат буюртмаси 84 фоиз, жорий этиш ҳажми бўйича эса — 88 фоиз қилиб бажарилди.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатларининг структурасида уларнинг 80 фоиздан кўпроғи тармоқ фанига тўғри келади, бу соҳада асосан Ўзбекистон территориясида жойлашган иттифоқ ташкилотлари жамланган. Бу хил ишланмаларга кетган барча харажатларнинг ҳиссаси Ўзбекистон ССР миллий даромадида 2,3 фоизни, умуман ССР Иттифоқида эса 5,5 фоизни ташкил этади. Бунинг устига республикада фан учун кетган барча харажатларга давлат бюджетидан ажратиладиган пул маблағлари мамлакатдагига қараганда 3 баравар пастдир (СССР бўйича — 52 фоиз). Шубҳасизки, бундай қолоқлик Ўзбекистоннинг ҳозирги фан, техника ва технологиянинг илғор марраларига чиқиш суръатларига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. Юзага келган вазиятда, назаримда, биринчидан, ҳар бир илмий ва конструкторлик ташкилотининг республика халқ хўжалиги комплекс системасидаги роли ва ўрнини аниқ белгилаб олиш; иккинчидан, уларнинг ишланмалари Ўзбекистон учун қандай аҳамиятга эгалигини ва жорий этиш микёслари қандайлигини аниқлаш; учинчидан, айрим фан ва илмий хизмат кўрсатиш иттифоқ ташкилотларининг фаолиятини тугатиш ёки уларни республика эҳтиёжлари учун қайтадан мослаштириш регионал илмий комплексни янада ривожлантиришга қандай таъсир кўрсатишини белгилаш керак.

Республика илмий-техника программаларида (улар ҳозир 12 та) зарур босқичларнинг ҳаммасини (илмий тадқиқотлар — тажриба-конструкторлик ишлари — жорий этиш) ўз ичига оладиган ишланмаларнинг салмоғи 10 фоизни ҳам ташкил этмайди, бу эса чамбарчаслик бузилгани ва уларнинг самарадорлиги пасайганлигидан далолат беради. Сўз юритилган программаларнинг амалда барчасида чиқитсиз, ресурс асровчилик технологиялари ва принципиал янги техниканинг ҳиссаси арзимас даражада.

Илмий муассасаларни ва уларнинг бўлинмаларини ходимлар таркибини ҳисобга олиб, лекин социал-иқтисодий муаммолар билан етарлича боғламаган ҳолда маблағ билан таъминлашдек шаклланган амалиёт тадқиқотларда ва илмий кадрларни тайёрлашда мутаносибсизликларга олиб келди. Чунончи, сўнгги йилларда фан-техника тараққиётининг машинасозлик, бошқариш механикаси ва жараёнлари, энергетиканинг физик-техник муаммолари ва илмий асбобсозлик

сингари базавий йўналишларидаги ишланмаларнинг умумий харажатлари давлат бюджетидан фанни маблағ билан таъминлаш умумий ҳажмининг 6 фоизидан ошмади. 1986 ва 1988 йилларда Ўзбекистон ССРда янги типдаги машиналар, ускуналар, аппаратлар, асбоблар ва автоматлаштириш воситаларининг энг яхши ватан ва хорижий намуналар даражасидан устун турувчи бирорта ҳам намуна яратилмагани бежиз эмас.

Республика ишлаб чиқаришини техникавий ривожлантириш кўпгина параметрлар бўйича иттифоқдаги ўртача даражадан анча орқада қолган. Мавжуд илмий потенциал технологик жиҳатдан қолоқликларни революционлаштирувчи устун йўналишларга жамланган эмас. Фан-техника тараққиёти ва ресурсларни асраш ҳали амалда ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг негизига айлангани йўқ, халқ хўжалиги комплекси барча бўғинлари ишининг пировард натижаларига жиддий таъсир кўрсатмаяпти.

Қисқаси, агар фан ва техника соҳасидаги ишлар аҳволига бугунги юксак талаблар нуқтаи назаридан туриб ёндашадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, айрим ижобий силжишларга қарамай, у тубдан яхшиланишга муҳтождир. Республикада ҳозирча фан-техника тараққиётини бошқаришнинг яхлит системаси шаклланмаганини ҳам эътироф этиш керак. Ўтмиш сабоқларидан иложи борича тезроқ хулосалар чиқариб олиш, жамиятимиз сифат жиҳатидан янгиланиши, иттифоқдош республикалар суверен ҳуқуқларининг кенгайишини ҳисобга олган ҳолда долзарб муаммоларни ҳал этиш керак. Уларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши ва ўз-ўзини бошқаришга ўтиши регионал фан-техника сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришга принципиал бошқача ёндашувни тақозо этади. Шу муносабат билан ушбу сиёсатнинг замирига, стратегияси ва тактикасига нисбатан бир қатор саволлар пайдо бўлади. Уларга жавоб беришга уриниб кўраман.

Иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлмиш республикамиздаги фан-техника сиёсати Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш, илмий-техника ва интеллектуал потенциалини сифат жиҳатидан такомиллаштиришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ёрдамида туб иқтисодий ислоҳотни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши керак. Бу сиёсат негизида куч ва воситаларни янги технологик укладнинг энг муҳим участкаларга ҳамда асосан регионал муаммоларни ҳал этишга илмий-техника потенциалидан самарали фойдаланиш учун концентрациялаш билан биргаликда илдам борувчи техникавий-иқтисодий ривожланиш стратегияси ётиш керак.

Фан-техника ривожланишининг тактикасига келсак, менимча, аввало фан-техника тараққиётини марказлаштирилган бошқарув билан айрим регионлар, тармоқлар, корхоналар, илмий ташкилотларнинг мустақиллигини оптимал тарзда қўшимча асосланувчи янги хўжалик механизмини бунёд этиш бўйича таклифларни ифодалаб бериш, план ва бозор ўзаро алоқасининг бошланиш шарт-шароити ҳамда имкониятларини белгилаш, иқтисодий восита ва стимулларни, кредит-молия механизмини қўлланиш, фан ва техника ютуқларини синовдан ўтказишни ҳуқуқий бошқаришни йўлга қўйиш керак бўлади.

Ўзбекистон ССРда ягона давлат фан-техника сиёсати билан ўзаро алоқада унинг конституцион ҳуқуқларига мувофиқ ҳолда фан ва техника фаолиятининг шундай тартибини бунёд этишга доир чоралар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши кераккки, бунда ушбу соҳа ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, ўз-ўзини тартибга солувчи ва ўзини ўзи бошқарувчи системага айланса. Бунинг учун, менимча, қуйидагиларни амалга ошириш талаб қилинади:

— фан-техника тараққиётини давлат томонидан марказлаштирилган тартибда қатъиян планлаштиришдан программавий-мақсадли методлардан, бозор муносабатларидан фойдаланган ҳолда уни давлат-ижтимоий тартибда бошқаришга, фан ва техника соҳасида ғоят муҳим қарорлар қабул қилишнинг бутун жараёнини кенг демократиялашга ўтиш;

— иқтисодиётнинг социал йўлланганлигини ҳисобга олиб туриб илмий-техникавий устун жиҳатларни танлаш ва ишлаб чиқаришнинг фан ва техника ютуқларига мойиллиги механизмини бунёд этиш;

— аввало республика Олий Совети тасдиқлайдиган қонун ҳужжатлари ёрдамида самарадор фан-техника сиёсатини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш.

Қайта қуриш мобайнида фан-техника сиёсатини ишлаб чиқувчи органлар ҳам қайта тузилмоқда. Бу эса асосан бошқарув иерархиясининг иккинчи даражасида намоён бўляпти. Марказий раҳбарият даражасида ортиқча бўғинлар барҳам топтириляпти, марказ билан жойларнинг ўзаро алоқасида демократик негизлар мустаҳкамланмоқда, регионал фан-техника сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг, шунингдек жамоатчиликнинг роли ҳамда масъулияти оширилмоқда. Асосий бўғин — илмий, тажриба-конструкторлик ва бошқа ташкилотлар даражасида уларнинг хўжалик юритишда ҳам, янги ташкилий структураларни шакллантириш, кадр ва молиявий сиёсат, халқаро илмий-техника ҳамкорлиги соҳасида ҳам мустақиллигини кенгайтириш учун шарт-шароит барпо этилмоқда. Ўрта бўғинга (министрликлар, идораларга) келсак, уларнинг хўжалик юритишнинг янги шароитида фан-техника тараққиётини бошқаришга доир функциялари кескин қисқаради. Истиқболда, бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан тармоқ министрликлари акционерлик бирлашмалари ва ассоциацияларига айлантирилиши эҳтимол.

Ўзбекистон ССРда фан-техника сиёсатини рўёбга чиқариш бошқарув функцияларини муайян даражада марказ билан республика, унинг территориал ва тармоқ органлари ўртасида қайта тақсимлашни талаб этади. Фан ва техника ютуқларининг жадал моддийлаштирилишини таъминловчи узоқ муддатли стратегик жиҳатлар ва заминлар марказ тасарруфида бўлиши лозим. Республика бошқарув органлари эса социал-иқтисодий ва илмий-техника ривожланишини комплекс прогнозлаш ҳамда мустақил экспертларни жалб этган ҳолда очиқ-ошкор муҳокама қилиш асосида фан ва техника тараққиётининг устун йўналишларини танлашни амалга ошириши керак.

Ана шу йўналишлар доирасида республика Министрлар Совети томонидан белгиланадиган тегишли бошқарув органи раҳбарлигида айни регионал хусусиятларни ҳисобга олувчи илмий-техника программаларини ишлаб чиқиш керак. Бу хил программаларнинг топшириқларини бажаришга, қайси идорага бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, илмий, тажриба-конструкторлик, технологик ва бошқа ташкилотларни конкурс асосида жалб этиш керак. Программаларнинг энг муҳим топшириқлари ва академик ҳамда олий ўқув юртлари фанининг ғоятда долзарб ишланмалари, йирик ихтироларни рўёбга чиқариш зарур молиявий ва моддий ресурслар марказлаштирилган тартибда ажратилувчи республика давлат буюртмаси системасига киритилиши керак.

Фан ва техника соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқишда фан-техника тараққиётининг социал оқибатлари ҳисобга олиниши лозим. Чунончи, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган Ўзбекистон ССР сингари регион шарт-шароитида фан ва техника ютуқларини жорий этиш бусиз ҳам мураккаб бўлган демографик ва экологик вазиятни мураккаблаштирмаслигини кўзда тутиш керак.

Шу нуқтаи назардан олганда регионал фан-техника сиёсати, назаримда, иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омилларини оқилона бирлаштиришга йўлланиши керак. Бунда асосий йўналишлар:

— ресурсларни асраш ва интенсив методларни фаол структура-инвестиция ва экологик сиёсат юритиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш ҳамда илмий-техника потенциалининг самарадорлигини жиддий тарзда оширишга асосида республика халқ хўжалик комплекси ишининг юксак пировард натижалари асосий манбаига айлантириш.

— фан-техника тараққиёти суръатларини белгиловчи тармоқларнинг (кичик хўжалик машинасозлиги, электроника, станоксозлик, электро энергетика, ҳисоблаш техникаси ва информатика) ривожланишига ғоятда кенг йўл берилишини таъминлаш, илм-фанни талаб этувчи, сув ва энергияни тежовчи ишлаб чиқаришлар йўлини тутиш;

— жадал суръатда ўсиб бораётган аҳолининг ишлаш соҳасини кенгайтиришни таъминловчи ҳамда рақобатга қобилиятли мураккаб техника маҳсулоти, истеъмол буюмларини ишлаб чиқарувчи сермеҳнат ва юксак технологияли ишлаб чиқаришларнинг кўп профилли комплексини шакллантириш (электротехника, радиоэлектрон, приборсозлик, тўқимачилик, қайта ишловчи ва бошқа тармоқлар);

— агросаноат комплекси тармоқларини жадал ривожлантириш ва пахта ҳамда озиқ-овқат экинларини етиштиришни, хўжалик ҳисоби, ижара, кооперация-

ни кенг жорий этишни оптимал қўшиш билан биргаликда агросаноат комплекси маҳсулотини сақлаш қувватларини ўстириш, янги корхоналар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш, техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш, пишлоқ ва дудланган маҳсулотлар, сабзавотли ва мевали консервалар тайёрлаш, хом ашёдан комплекс фойдаланиш, иккиламчи ресурсларни ишга солиш учун компакт ишлаб чиқаришлар барпо этиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш устун мавқеда ривожланиши керак;

— илмий-техника фаолиятининг прогрессив формаларини (тармоқлараро илмий-техника комплекслари ва марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, кооперативлар) тўла хўжалик мустақиллиги принциплари асосида кенг қўлланиш ва энг муҳим регионал илмий-техника вазифаларини ҳал қилиш учун қўшма эркин зоналар барпо этиш (асосан Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирасида, шунингдек СССРдаги бошқа республикалар, вилоятлар ҳамда хорижий мамлакатлар билан);

— фан-техника тараққиётининг социал йўлланганлигини кучайтиришга доир туб чораларни ишлаб чиқиш — кишилар ҳаётий фаолиятининг янги сифатига эришиш, нормал экологик тартибни таъминлаш, регионнинг табиий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш (шу жумладан хорижда) суръатларини ошириш билан жамликда улар меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит бунёд этишдир.

Умумиттифоқ манфаатларидан ва Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш талабларидан келиб чиқиб, фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари қаторида комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, электронлаштириш ва компьютерлаштириш, биотехнология, энергиянинг ноанъанавий манбалари, ресурс ва энергияни тежовчи илғор техника ва технологиялар, материаллар ва системаларни қўлланиш, табиатни муҳофаза қилиш чораларини амалга ошириш сингари йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Халқ хўжалиги тармоқларини техника жиҳатидан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш аввало машинасозлик комплексининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш ва саноатнинг мудофаа тармоқлари конверсияси билан боғлиқдир. Бунда фан-техника сиёсати машиналар, асбоблар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари системаларини республиканинг алоҳида иқлим шароитлари ва хўжалик соҳасидаги ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда принципиал янги конструкторлик-технологик негизда барпо этишга йўналтирилиши керак.

Фан-техника тараққиётининг пойдевори илмий фаолият жараёнида қўйилади, бу фаолият халқ хўжалиги комплексининг ривожланишида етарлича мустақил бўғин бўлиб қолди. Моддий-техника ва молиявий ресурслар кескин камёблиги билан боғлиқ бўлган ҳозирги вазиятда фан-техника потенциалига муаммолийўналган ёндашув алоҳида аҳамият касб этади. Республика мамлакатда, дунёда етакчи мавқелардан бирини ишғол этаётган ёки истиқболда эгаллаши мумкин бўлган илмий йўналишларда асосий куч-ҳаракатларни жамлаш бундай ёндашувнинг моҳиятини ташкил этади. Республика илмий-техника программаларини шакллантиришга доир таклифларни ҳукумат бу программаларни маблағ билан мақсадли таъминлашни қонун йўли билан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига киритиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фан учун ажратиладиган давлат бюджети маблағларининг 10 фоизга қадарини хорижий шериклар иштирокида таваккалчилик ишларини ўтказиш ва регионнинг йирик илмий-техника ва экологик муаммоларини конкурсли-шартнома асосида ҳал қилишга йўналтириш ҳам оқилона иш бўлиб кўринади. Фикримча, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фан-техника тараққиётининг узоқ муддатли прогнози, республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, жамоатчилик иштирокида ана шу ишларнинг конкрет тематикасини белгилаши ва уларга ажратилган маблағлардан фойдаланишни назорат қилиб бориши керак.

Фаннинг устун йўналишларида амал қилувчи муассасалар регионал фантехника сиёсатини рўёбга чиқариш базасини ҳосил қилувчи ва унинг самарадорлигини олдиндан белгиловчи назарий негизлар, «илмий заҳира» ишлаб чиқилишини таъминлаши керак бўлади.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида иқтисод фанининг роли бекиёс ошишини алоҳида таъкидлаш зарур. Лекин уни қайта қуриш жуда суст бормоқда.

Хусусан, тадқиқотларнинг йўналишларини ўзгартиришга, бошқариладиган бозор шароитида пайдо бўлиши мумкин бўлган регионал муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун (айниқса Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирасида) иқтисодий ишланмаларни ички ва ташқи томондан координациялаш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти. Ушбу функцияни амалга ошириш ва тадқиқотларнинг сифатини ошириш учун, назаримда, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошида Илмий-иқтисодий марказ барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлардики, у республика иқтисодиётининг бошқариладиган бозор муносабатларига ўтишини илмий таъминлаш махсус программасини ишлаб чиқиш билан шуғулланган бўлур эди. Бу марказга йирик олим ва мутахассисларни (шу жумладан бошқа республикалар ва хорижий мамлакатлардан) жалб. этиш, вақтинчалик ижодий коллективлар барпо этиш, конкурсли-шартнома асосида муқобил вариантларни ишлаб чиқишга доир базавий ташкилотлар (коллективлар) функцияларини белгилаш учун кенг ваколатлар берилиши керак.

Республикада иқтисодий тадқиқотларни ривожлантиришнинг «сценарий» сига эга бўлиш зарур, унда шартли равишда 3 босқични алоҳида кўрсатиш мумкин:

— илмий-тадқиқот ишларининг эҳтиёжларига доир олдиндан прогнозли ахборот ва уларнинг мақсадли йўл-йўриқлар билан келишилганлиги;

— устун муаммоларни ишлаб чиқиш учун базавий ташкилотларни белгилаш;

— конкурсли танлаб олиш асосида афзал вариантни танлаш.

Иқтисодчи олимлар олдида турган, зудлик билан илмий ишланишга муҳтож бўлган вазифалар орасида республикадаги демографик ва экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда социал-иқтисодий ривожланишнинг экстенсив ва интенсив омиллари ўзаро оптимал нисбатини белгилаш ҳам бор. Бозор, товар-пул муносабатлари, хўжалик, молия-кредит механизмини такомиллаштириш, ташқи иқтисодий алоқалар, ишлаб чиқарувчи кучларни территориал ташкил этиш, хом ашёни ундирувчи, қайта ишловчи ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар ўртасидаги ўзаро нисбатни оптималлаштириш муаммоларини ўрганиш ҳам ғоят долзарбдир. Халқ хўжалигини бошқариш планли ва бозор методларини қўшиш, марказ билан республика ўзаро муносабатларининг сифат жиҳатидан янги механизмини яратиш масалалари ҳам илмий мушоҳада этишни кутмоқда.

Регионал фан-техника сиёсатини шакллантириш ва рўёбга чиқариш, республика аҳолиси ҳаётий фаолиятининг ҳамма соҳаларида миллий тараққиётни жадаллаштириш, социал-иқтисодий ривожланиш даражаларини бараварлаштириш муаммоларини тадқиқ қилиш илмий кучларни ғоятда жамлаштиришга эҳтиёж сезмоқда. Ҳозирги илмий ишнинг муваффақиятли бўлиши кўп даражада иқтисодий-математик методлар ҳамда электрон-ҳисоблаш машиналарини қўлланишга боғлиқлиги сабабли республикада информатика ва компьютерлаштиришни ривожлантириш яхлит концепциясини ишлаб чиқишни ҳам пайсалга солиш керак эмас.

Энг яқин ва анча олис истиқболда регионал фан-техника сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг аҳамияти янада кўпроқ ошиб боради. Буни иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш ва илмий-техника фаолияти натижаларини жорий этишни тезлатишга қаратилган хўжалик механизмини қайта қуриш тақозо этади. Шу муносабат билан қуйидагилар биринчи галдаги вазифалар сифатида илгари сурилмоқда:

— республикада фан ва илмий хизматни ташкил этишни тубдан қайта қуриш ва фан-техника фаолиятини интеграциялашнинг янги, анъанавий бўлмаган шаклларини — акционерлик ва ижара негизида барпо этилаётган концерн, консорциум, ассоциация ва бошқа структураларни ривожлантириш;

— шаклланган илмий-техника ва ўқув марказлари базасида мослашувчан юқори технологик корхоналарнинг афзалликларидан, шу жумладан қўшма корхоналар йўлидан кенг фойдаланиб консультатив формалар, регионал инновацион банклар, венчур компаниялар, технополисларни (эркин зоналарни) шакллантириш;

— патентли-лицензион айирбошлашдан фойдаланган ҳолда илғор технологик ечимларни қўлланиш, конкурсли-шартнома негизида (бошқа регионлар, республикалар ва хорижий мамлакатлар билан) қўшма илмий ишланмалар ва уларнинг натижаларини рағбатлантириш негизида ишлаб чиқаришнинг техника дара-

жаси ва маҳсулотнинг рақобатга чидамлилигини собитқадамлик билан ошириб бориш;

— ўз конструкторлик, тажриба-ишлаб чиқариш базасини ўстириш, фанни кадрлар билан тўкис таъминлаш, ёш истеъдодларни излаш ва танлаб олиш, фан ва техникани ривожлантиришнинг етакчи йўналишлари бўйича юқори малакали илмий кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш миқёсларини кенгайтириш.

Регионал даражадаги илмий тадқиқотлар ва илмий-техника программасини маблағ билан таъминлаш республика (маҳаллий) бюджети ҳамда корхона (бирлашма) ва ташкилотлар маблағлари; республика министрликлари (идоралари) марказлаштирилган фондлари ва банк кредитлари ҳисобига бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунда ижрочилар ўртасида маблағларни тақсимлаш конкурсларда танлаб олиш, мустақил экспертиза ва кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича амалга оширилиши лозим.

Республика аҳамиятидаги фундаментал тадқиқотлар ва изланиш ишлари Ўзбекистон ССР давлат бюджети, шунингдек патент, инженерлик, консультатив хизматлар ҳамда айрим олимлар, кичик коллективлар томонидан ишлаб чиқиладиган ташаббускор лойиҳаларни қўллаш учун бунёд этилаётган инновация фондлари маблағлари ҳисобига беғараз асосда маблағ билан таъминланиши тўғри бўлади. Бундай фондлар илмий-техника маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчиларнинг хўжалик ҳисобидаги ва кўнгилли-бадал маблағлари ҳисобига барпо этилади. Шунингдек корхоналар ва ташкилотларга илмталаб ҳамда рақобатга чидамли маҳсулотни ўзлаштириш босқичида ошиб кетган чиқимлар ўрнини қоплаш учун имтиёзли кредитлар ва мақсадли субсидиялар берилиши ҳам расм бўлмоқда. Бинобарин, фикримча, янги ишланмаларни жорий этаётганларга маҳаллий бюджет ҳисобидан банк фоизи билан халқ депутатлари маҳаллий Советлари кафолат берадиган имтиёзли фоиз ўртасидаги тафовутни тўлаш лозим бўлади чоғи.

СССР Фан ва техника давлат комитети ва СССР Фанлар академияси томонидан белгиланувчи ва Ўзбекистон ССРда бажарилувчи йўналишлар бўйича умумдавлат илмий-техника программалари топшириқлари ҳамда фундаментал тадқиқотларни маблағ билан таъминлаш эса шартнома негизида иттифоқ бюджетидан амалга оширилиши лозим.

Фан ва илмий хизмат кўрсатишнинг идорага бўйсунувчи янги муассасаларини барпо этиш ва оз натижа берадиганларини тугатиш, шунингдек программа ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш талабларига риоя қилмаганлик учун қўшимча солиқ ва жарима солиш чораларини кўриш республиканинг ваколат доирасига киритилиши керак. Янги умумиттифоқ идоралараро илмий ташкилотларни барпо этиш албатта республика бошқарув органлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан келишиб олиниши керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети идораларга бўйсунувчи муассасалар илмий ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича категорияларни тадқиқотлар ҳамда улар натижаларининг аҳамиятлилигига қараб мустақил тасдиқлаши ва илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини республика миқёсида координациялаши, фаннинг моддий-техника ва тажриба-экспериментал базаларини ривожлантиришга ажратиладиган капитал маблағлар лимитларини белгилаши лозим.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фан-техника тараққиёти соҳасидаги роли уни аввало жорий ишлардан озод қилиш ва куч-ғайратларни асосий муаммоларга жамлаш ҳисобига оширилиши керак. Бунда республикада амалга оширилаётган илмий-техника программаларининг самарадорлиги устидан назорат қилиш, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва бошқа ташкилотларни долзарб регионал вазифаларни ҳал этишга ўз вақтида қайта йўллаш, ишлаб чиқаришнинг фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишга мойиллиги механизмини барпо этиш кўзда тутилмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон ССР ҳукумати регионал фан-техника сиёсатининг изчил рўёбга чиқарилишини таъминлаши керак. Бу борада республиканинг барча ижодий кучлари куч-ҳаракатини «Олимлар уюшмаси» доирасида бирлаштириш муҳим роль ўйнаши мумкин.

Ўзбекистонда фан ва техника тараққиёти зарур суръатларга тезроқ эришиши учун республика Олий Совети навбатдаги сессияда регионал фан-техника сиёса-

ти, илмий муассаса мақоми тўғрисидаги ва бошқа қонунларни қабул қилса мақбул бўлар эди.

Ўзбекистон ССРда, менимча, хўжалик юритишнинг имтиёзли тартибини жорий этган ҳолда технополислар ташкил этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, энергиянинг ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида, шунингдек ўсимликлардан самарали препарат ва дорилар тайёрлаш учун уларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Фан-техника тараққиётининг атом энергетикаси ва химиялаштириш сингари йўналишларини ривожлантиришга жамоатчиликнинг салбий муносабати юзага келиши сабабли ҳам бу нарса актуалдир.

Ва, ниҳоят, Оролбўйини экологик фалокатнинг фавқулодда зонаси деб эълон қилиш ҳамда Оролни қутқариш учун халқаро илмий-техника ва жамоат ҳамкорлиги имкониятларидан фойдаланиш пайти келди. Кўринишича, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга буриш йўлларини излашни истисно қилмаган ҳолда ушбу муаммони илмий ҳал этишнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш зарур. Бу масаланинг ижобий ҳал этилишидан, деб таъкидланди Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидаги Сиёсий маърузада, Ўрта Осиёдан ташқарида яшайдиган халқлар ҳам манфаатдордир. Бу дарёлар сувини биз томон оқизиш ўрта регион деб аталадиган жойларни — Сибирь билан Ўрта Осиё оралиғидаги ерларни ривожлантириш имконини беради. Бу ерларда ўзлаштирилмаган ғоят катта имкониятлар ва ресурслар бўлиб, уларда кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мумкин. Бунда фан-техниканинг ривожланиши вертикал эмас, балки аввало негизига иқтисодий манфаатдорлик қўйилган горизонтал (бевосита) хўжалик алоқалари системаси ёрдамида бошқарилиши муҳимдир.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг республика келажаги хусусида ғамхўрлик билан йўғрилган биринчи ва иккинчи сессиялари материалларида Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишининг фаровонлиги ва бахт-саодати асосий мақсад деб эълон қилинган. Бунга эришишга КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари» тўғрисидаги маърузасида зарурлиги айтилган иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш ўзанида аниқ ҳамда оқилона регионал фан-техника сиёсатини шакллантириш ҳамда рўёбга чиқариш ёрдам беради. Зеро, унда таъкидланганидек, «фан-техника тараққиётини, янги технологияларни қабул қилмайдиган, харажат принципини тарғиб этиб, исрофгарчилик ва нобудгарчиликни келтириб чиқарадиган хўжалик юритиш системаси билан бундан буён яшаб бўлмайди».

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Б. МУСАЕВ

ЖИПСЛАШИШГА НИМА ХАЛАЛ БЕРЯПТИ?

(СИЕСИЙ ФИКРЛАШ АНДОЗАЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИДАН)

ҲОЗИРГИ ВАҚТДА жамиятимиздаги аҳвол турли сиёсий кучлар ва ҳаракатларнинг тўқнашувида ўз ифодасини топгандир. У қайси йўлдан боради? — ҳозир шу савол барчани, ҳар бир совет фуқаросини ҳаяжонга солмоқда.

Партия ўзининг XXVIII съездида: олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга қарама-қарши бориш керакми ёки қайта қуришни ижобий тарзда янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун тараққийпарвар, демократик кучларни жипслаштириш керакми? — деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилди. Жавоб кейинги нуқтаи назар фойдасига ҳал бўлди: янгиланган КПСС мафкуравий чекланишлардан холи этилган, сиёсий ва мафкуравий жараёнларда ташаббускор роль ўйнашга интилувчи, бунда ишонтириш методлари ёрдамида иш кўрувчи, мамлакатдаги барча тараққийпарвар ижтимоий-сиёсий кучлар билан мулоқот, мунозара, ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларини ривожлантирувчи партия бўлмоғи лозим.

Аммо бунинг учун партия ўз шерикларини обдан яхши билиб олиши керак. Социологик хизмат бу ишда фаол ёрдам бериши мумкин; бундай хизмат мамлакатимиз ва жумҳуриятимизда эндигина фаолият кўрсата бошлади.

Ҳозир партия комитетлари социологларнинг хулосаларига ғоят зийраклик билан қулоқ солишлари, энг асосийси эса — аниқ чоралар ва ҳаракатлар қилиш билан уларни ҳисобга олишлари зарур, деб ўйлаймиз. Қуйида эълон қилинаётган мақола ҳам ҳозирги куннинг энг ўткир муаммолари хусусида фикр-мулоҳаза юритишга ундайдики, журналимизнинг келгуси сонларидан бирида бу мавзуга яна қайтамиз.

Журналхонларимиз, биринчи галда партия ва мафкура ходимлари Б. Ф. Мусаевнинг мақоласида кўтарилган масалалар хусусида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини очиқ айтишларини истардик.

«...Шунга аминманки, ҳақиқатни айтадиган, коммунистларнинг съездларида ҳам олижаноблик ва раҳм-шафқат, шаън ва виждон ҳақида гапирадиган вақт келди... Ўзимиз ундан ҳеч ҳам чиқолмаётган гражданлар урушига барҳам бермоқ лозим» (А. Н. Яковлевнинг КПСС XXVIII съездидаги нутқидан).

Съезд материалларини қайта-қайта ўқирканман, ҳар сафар ана шу сатрларда тўхтаб қоламан. Шунда бутун фикр-ўйларим, ҳис-туйғуларим ўзим туғилиб ўсган қадрдон ўлкам — Фарғона водийсига кўчади. У ерда — фақат у ердагина эмас,— юз берган даҳшатли воқеаларни ўйлаб ҳеч ўйимга етолмайман. «Аҳвол барқарорлашмоқда», «вазият назорат остида» сўзларини эшитиб бирмунча тасалли олгандек бўламан. Аммо бу сўзлар барҳам топиши керак бўлган ёмонлик ҳали одамлар қалбини тарк этмаганини, уларнинг қалбини дард-алам, ғулғула, қўрқув ва қаҳр-ғазаб чулғаб олганини яшира олармиди. «Тинч-тотув ва дўст бўлиб яшаймиз» деган даъватни зирҳли жанговар машиналар тез-тез ишга солинадиган бўлиб қолганлиги факти билан, партия ва совет органларининг вазифаси эса кўпинча ўт ўчирувчи командаларнинг хавфли, аммо, афсус-надоматлар бўлсинки, унчалик аниқ-пухта бўлмаган ва ўйланмай қилинган ишини эслатиши билан қандай сиғиштириб бўлади?

Бўка районида бўлган зўравонлик воқеалари, Оққўрғон, Пискент ва Тошкент вилоятининг бошқа жойларида юз берган хавфли вазият ўз вақтида одамларда ғоятда ташвиш уйғотди. Буларнинг ҳаммаси миллатлараро можароларнинг кучайиши хавфи, ақлдан холи эҳтиросларнинг жунбушга келиши, омма онгида

МУСАЕВ Баходир Фахриддинович, хўжалик ҳисобида ишловчи «Социолог» марказининг раҳбари, фалсафа фанлари номзоди. Ушбу мақоланинг қалам ҳақи муаллифнинг илтимосига биноан Ушга ёрдам фондига ўтказилди.

миллийлик ҳақида нотўғри тушунчалар ва турли хил психологик андозаларнинг тўпланиб қолганлиги ва бир кунмас бир кун портлаши мумкинлиги ҳали кун тартибидан тушганича йўқ, деган таассурот қолдиради.

М. С. Горбачев партия XXVIII съездида миллатлараро муносабатлар соҳасида вужудга келган аҳволни таҳлил қилиб, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ана шу муаммоларга дастлабки кезларда бир хилда қарамаганликлари вазият кескинлашганлигининг сабабларидан бири бўлди, деб мутлақо ҳақ гапни айтди.

Биз ўтказган социологик тадқиқотлар регионлардаги социал (шу жумладан миллий соҳадаги) кескинликнинг умумий шарт-шароитлари ва маҳаллий сабабларига барҳам берилмаганлигини социал-сиёсий вазиятнинг издан чиқишига олиб келган омиллар жумласига қўшишимизга имкон беради.

Аммо мазкур муаммонинг бошқа томони ҳам бор. Бизнинг назаримизда у шундан иборатки, партия комитетлари, ҳокимият органлари фақат умумий ва маҳаллий омиллар, сабаб ва оқибатларнигина эмас, балки социал кескинлик ҳолатини келтириб чиқараётган кучлар ва социал гуруҳларнинг тутган ўрни ҳақидаги жамоатчилик фикрини ҳам мунтазам равишда ҳамда вазиятдан келиб чиқиб чуқур таҳлил қилиш зарурлигини англаб етганларича йўқ. Шундай бир шароитда зиддиятларни ҳал қилиш учун муайян чора-тадбирлар кўриляпти, қилинаётган ҳаракатларнинг (яқин ва олис келажакда) келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларига баҳо берилмоқда, деб айтиш мумкинми?

Социал жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини назар-писанд қилмаслик нималарга олиб келиши мумкинлигини Қирғизистондаги воқеалар яққол кўрсатди. Фаолиятсизлик, ҳаддан ташқари сусткашлик, гоҳо бошқа миллий гуруҳ орасидаги иккинчи бир миллий гуруҳнинг ҳуқуқларини камситиш аввало ўзининг чуқур социал деформациялари билан ғоятда хавфли портлаш келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида қайта қуриш туфайли юзага келган янги ижтимоий вазият ниҳоятда жўшқинлиги, кўп қирралилиги ва зиддиятлилиги билан характерланади. М. С. Горбачев Литва партия фаолларининг йиғилишида 1990 йил январда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, бу онгда фақат инқилоб қилибгина қолмай, балки катта беҳаловатлик ҳам уйғотади.

«Ўнглар», «сўллар», «радикаллар», «консерваторлар» ва бошқаларнинг нутқлари жамиятнинг хавфли даражада портлаш ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатда турганлигидан далолат беради. Бу вазият Ўзбекистонда яна шу нарса билан чигаллашмоқдаки, расмий сиёсий тузилмалар билан мустаҳкамланиб бораётган «норасмийлар» ўртасида тил топиш йўлида сусткашлик қилиняпти. Қайта қуриш вазифаларининг амалга оширилишига нисбатан «қуйи қатламлар»нинг сабрсизлик қилаётганлиги шароитида, омманинг сиёсатга қизиқиши ортганлиги туфайли марказдан узоқлашиш тарафдори бўлган кучлар устунликка эришиши мумкин. Шу боисдан ҳам энг аввало граждан ва миллий оқимларни, уларнинг ҳаракатлантирувчи кучларини, социал базасини, миллий муносабатлар соҳасидаги мафкуравий ва сиёсий йўналишларни ўрганиш зарурати пайдо бўлди. Мазкур ҳолда социологик хулоса битта: «гуруҳ-гуруҳ бўлиб муштлашиш» вазияти фуқаролар орасида тинчлик ҳукм суришига асло ёрдам бермайди; тинчлик бўлиши эса ҳар бир регионда социал, миллий, сиёсий ва маданий-мафкуравий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишнинг муқаррар шарти ҳисобланади. Бу ҳаммага маълум ҳақиқатни кўпчилик тушуниб етмоқда. Ўтказилган сўров натижалари партия, Советлар, комсомол аппарати ходимлари ва «норасмийлар» онгида ҳам шу фикр устун мавқедалигини кўрсатади.

Шу билан бир вақтда натижаларининг бир қисми ушбу мақоламизга асос қилиб олинган социологик тадқиқот омманинг онги унчалик бир хил савияда эмаслигидан иборат мураккаб манзарани кўрсатмоқда. Социал ҳодисаларни кўпинча жўн, бир қолипда, эмоционал бўяб кўрсатиш ва тасаввур қилиш омманинг онги учун хос нарса бўлиб қолган. Онгнинг андоза деб номланувчи бу тарздаги маънавий шаклланиши ҳаёт реалликларини ифода этиши билан айни бир вақтда ҳамиша ҳам ана шу реалликларга мос бўлиб тушавермайди. Шу сабабли омма онги ҳолатини, шу жумладан андозалар характерини, йўналганлигини тадқиқ қилиш мафкуравий иш тажрибаси учун, хусусан янгича сиёсий тафаккурни таркиб топтириш ва мустаҳкамлашга халақит бераётган нарсаларни топиш ва бартараф этиш учун бебаҳо аҳамиятга эгадир. Бошқа нарсалар қатори, бу мақсад ҳам «Партия комитетлари, Советлар ва «норасмийлар»: демократик ҳамжиҳатлик йўлини ишлаб чиқиш вазифалари» мавзуидаги социологик сўров дастури-

дан жой олган бўлиб, мазкур мақола муаллифи раҳбарлигида у СССР Илмий тадқиқот жамияти уюшмаси Тошкент область правлениеси ҳузуридаги «Социолог» маркази томонидан 1990 йил апрелда Тошкент шаҳар, Тошкент вилоят партия, совет ва комсомол ходимлари, «Бирлик», «Интерсоюз» ҳаракати фаоллари, «Халқ дипломатияси» ижтимоий-сиёсий клуби қатнашчилари орасида ўтказилган эди.

Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, биз Тошкент область ва шаҳар партия комитетларида, Ленин, Куйбишев, Октябрь район партия ва комсомол комитетларида, Тошкент шаҳридаги ана шу районлар ижроия комитетларида, партия ва комсомол комитетларида, Чирчиқ, Янгийўл, Оҳангарон шаҳарлари, Пискент, Бўстонлиқ, Янгийўл, Оққўрғон районлари совет ходимлари орасида ялпи сўров усулини қўлландик.

Шу тариқа, биз 350 га яқин партия, совет, комсомол ходимнинг, «норасмий» ҳаракатлар раҳбарлари ва фаолларидан тахминан 240 кишининг, шунингдек 40 дан ортиқ хўжалик раҳбарлари — жами 630 дан кўпроқ кишининг нуқтаи назарини аниқладик.

Социологик тадқиқот нимани кўрсатди? Башарти унинг натижаларига ва муаллифнинг бошқа кузатувларига қараб муҳокама юритиладиган бўлса, регионимизда ҳозирги пайтдаги ташвишли аҳвол ва ундан келиб чиқадиган хулосалар қуйидагилардан иборат.

Биринчи. Ҳозир ҳамма зиддиятлар ҳукм сурган шароитда яшашни ўрганиб олиб, уларни ҳал этишнинг демократик усулларини топиши керак. Гап нима ҳақда— жумҳурият, Коммунистик партия ва халқнинг ёки бошқа партияларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида борадими ёхуд шахслар даражасида шунчаки инсоний муносабатлар ҳақида борадими, ҳамиша бир-бирининг сўзларига қулоқ сола билиш ва бир-бирини тушуниб етиш зарур. Мантиқ, соғлом фикр қайта қуришда социал кучларнинг бирдамлигини сақлашни талаб этади. Раҳбарият фуқаролар орасида тинчлик ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш, социал (шу жумладан миллий) соҳадаги кескинликни жиловлаш мақсадида регионал социал сиёсат ўтказиш учун социал соҳада ҳам компетентли бўлиши керак.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, социологик маълумотлар фикр-мулоҳаза юритиш учун ҳамиша жиддий ахборот беради. Партия, совет, комсомол органлари томонидан регионадаги социал-сиёсий вазиятни акс эттирувчи ўзларидаги мавжуд ахборотни ишлаш, шунингдек социал-сиёсий ҳаракатларга баҳо бериш, уларнинг раҳбарларини йўналтириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида омма онги сиёсий йўналишининг ўзгариши тенденцияларини ва ҳолатини баҳолаш чоғида социологик маълумотларсиз иш битмайди. Ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири — социал эҳтиёжларни, социал-маънавий, сиёсий қадриятларни ва омма онги йўналишларини ўрганишдан иборат. Тадқиқотларнинг моҳияти — турли хил социал гуруҳлар, шу жумладан миллий бирликлар учун аҳамиятга эга бўлган реал қадриятлар билан ҳозирги социал амалиёт, мавжуд социал ва сиёсий тартиботлар шароитида уларни қондириш имкониятлари ўртасида мувофиқлик даражасини аниқлашдан иборатдир. Шу муносабат билан таниқли политолог А. Мигранянннинг оммавий-сиёсий ҳаракатларнинг мақсадга муофиқлиги билан уларнинг популизмга тойиб кетиши хавфи ўртасидаги зиддиятни «тарқоқликка барҳам бериш, халқнинг сиёсий ҳаётини цивилизациялашган шаклга эга қилиш» орқалигина барҳам топтириш мумкин, деган фикри эътиборга сазовор (қаранг: Популизм. Т. Меньшикованинг А. Мигранян билан суҳбати.— Советская культура, 1989, 24 июнь).

Бунинг учун, бизнинг назаримизда, қарши алоқа бўлиши, партия ва совет аппарати вакилларининг кўпинча «норасмийлар» шаънига асоссиз айблар тўнкашдан иборат бир қолипдаги нутқ-монологларидан воз кечилиши зарур. Фақат шундай ёндашишгина уларнинг мафкуравий чеклашлардан, салбий психологик, этник андозалардан ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасида экстремистик эҳтиросларга берилишлардан халос бўлиши жараёнида омманинг ва шахснинг эркин фикрлашига эришишга ёрдам беради. Бошқача қилиб айтганда, фикрларнинг хилма-хиллиги, ҳақиқат излаш ҳуқуқи, ошкоралик, ягона келишувга келиш учун нуқтаи назарларни қиёслаш эркинлиги бир-бирини тушуниб етиш, можароларни ҳал этишга кўп даражада хизмат қилади. Ниҳоят, гарчи миллий ўзлигини англашдек мураккаб жараёнда турли йўсиндаги ортиқча зўрма-зўракиликларга қарамасдан, масалан норасмий уюшмаларнинг баъзи намояндалари ғоятда ҳиссиётли баёнотлар билан чиқаётган бўлсалар-да, миллий ўзлигини англаш импульсларини қарор чиқариш билан бекор қилиб бўлмаслигини тушуниш пайти келди.

Аммо бу нарса «норасмийлар»нинг қилаётган иши ва кўзлаган мақсадини бир хилда салбий талқин қилиш, кўпроқ жумҳуриятдаги социал-сиёсий вазиятни издан чиқариш йўлида интилиш сифатида баҳолаш учун ҳеч қандай баҳона бўлмаслиги керак.

Хақиқатан ҳам, кишиларни, айниқса ёшларни бўлар-бўлмасга ёмонотлиқ қилиш, уларни тушунишни истамаслик кишилар қалбига нечоғли таъсир қилиши ҳақида бир ўйлаб кўрайлик. Афтидан, муросаю мадора ва ҳамкорлик қилиш учун улар билан яқинлашиш йўлини излаш керак. Бунинг учун эса ошкоралик, мунозара, мулоқот бўлиши зарур. Булар соғлом негизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, сафсатабозликни рад этиш имконини беради. Зотан, бизнинг ҳаммамиз, ўзбекистонликлар, пировард натижада табиатни, жумҳуриятимизнинг моддий ва маънавий бойликларини муҳофаза қилиш йўлларини излаяпмиз. Ҳамма гап миллий мансублиги, диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлай оладиган қоидага амал қилган ҳолда шундай йўлларни топишимизга бориб тақалади. Фақат шундагина жумҳуриятни социал-иқтисодий соғломлаштиришга эришиш, унда истиқомат қилувчи халқларнинг бугунги кун ва келажакка ишонч билан қараши мустаҳкамланиши, жамоат ташкилотлари, турли миллий ва демократик ҳаракатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги йўлга қўйилиши мумкин.

Иккинчи хулоса шундан иборатки, **воқелик вазиятнинг мушкуллигини ўзида ифода этади, унинг жиҳатларидан бири янгича сиёсий фикрлашни таркиб топтириш суръатларининг ҳаётдан орқада қолишидир.** Бу гап аввало, бизнинг назаримизда, регион партия ва совет органлари ходимларига тааллуқлидир. Ҳолбуки, партия яккаҳокимлик мавқеидан воз кечаётган ва сиёсий жиҳатдан турлича фикрлаш вужудга келаётган ҳозирги шароитда айни **сиёсий раҳнамолик учун муаммоларга янгича назар билан қараш, воқеалардан илдамроқ ҳаракат қилиш ва уларнинг олдини** олиш учун кафолат беради.

Сиёсий фаолият субъектларида янгича сиёсий тафаккур қай даражада ривожланганлигини аниқлаш учун сўров варақасига бир талай саволлар киритилди. Шу мақсадда сўралаётганлардан ҳозирги сиёсий соҳага доир бир қанча тушунчаларнинг моҳиятини қандай тушунишлари сўралди. Шу билан бирга сиёсий тафаккурда социал-иқтисодий жараёнларни амалда қайта қуришга нисбатан салбий андозалар нечоғли кўплиги аниқланди. Жумладан, сўров натижалари қуйидагиларни кўрсатди: партия аппаратидаги ҳар ўн ходимдан бири (10,7 фоизи), совет органларидаги ҳар тўрт ходимдан бири (24,5 фоизи), комсомол ходимларидан ҳар беш кишидан бири (21,5 фоизи) социализм билан бозор бир-бирига тўғри келмайдиган нарсалардир, деган фикрни билдирди. Шу сабабли сўров ўтказилган партия ходимларидан ҳар ўн кишидан бири (12,4 фоизи) ижтимоий тараққиётнинг бир неча хилидан фойдаланиш принципини қўллаб-қувватламаганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Тафаккурнинг тоталитар хили учун хос бўлган андозалар кенг ёйилганлигини таъкидлаб ўтишни истардик. Биз бу ўринда «Одамларимиз тартибсизликлар, ижтимоий жанжал, ўзбошимчалик, олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳаракатлар қилишга мойилдирлар» деган қабилда муҳокама юритишни назарда тутяпмиз. Партия аппарати ходимлари орасида сўралганлардан деярли ҳар беш кишидан бири (19,5 фоиз) шундай фикр билдирди. Улардан ҳар иккисидан бири (47,9 фоизи) «Халқимиз демократия учун ҳали пишиб етилгани йўқ» деган фикрга қўшилишини айтди. Совет ва комсомол ходимлари берган жавоблар нисбати ҳам тахминан шундай.

Партиянинг яккаҳокимлик мавқеидан маҳрум бўлиб, сиёсий ҳар хил фикрлаш даври келганлиги билан муроса қилишни истамаслик, бизнинг назаримизда, аппарат ходимлари бир қисмининг сиёсий қарашларидаги туб камчиликдир. Ҳар тўрт партия ходимидан бири (26,1 фоизи) ва ҳар беш комсомол арбобидан бири (21,7 фоизи) «Кўп партиялилик бўлмаса, чинакам демократия бўлиши мумкин эмас» деган фикрга қўшилмаган бўлса, мустаҳкамланиб бораётган гражданлик ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, халқ фронтлари уларнинг бу хил нуктаи назари истиқболга эга эмаслиги ва асоссизлигидан далолат бермоқда.

Аммо бу ўринда партия, совет, комсомол органлари составидаги социал кучларнинг ажралиши ва ҳатто қарама-қарши бўлиши юз бермасдан туриб қайта қуриш бўлиши мумкин эмас, деган фикрга қўшилган қатламлар ҳақида гапириб ўтмасдан бўлмайди. Партия комитетларидаги сўралганлардан 66,9 фоизи, совет органларида — 68,1 фоизи ва сўралган комсомол ходимларидан 63,3 фоизи шу нуктаи назарда туришини айтди. Афтидан, сиёсий «норасмийлар»ни, регионнинг

энг муҳим сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, маданий-тил ва социал муаммоларини ҳал этишда уларнинг қатнашиш ҳуқуқини эътироф этиш бобида шулар кўпроқ ташаббус кўрсатсалар керак. **«Норасмийлар»нинг фаоллиги ошиб бораётганига қараганда миллий, демократик ҳаракатлар заминида бўлғуси сиёсий ташкилотлар куртак отмоқдаки, барча расмий сиёсий ва социал тартиботлар улар билан ҳамкорлик қилишга тайёр бўлишлари керак.** Уларга карама-қарши борилган тақдирда эса аввало «норасмийлар»га эргашаётган ёшлар қатъий ҳаракат қилиши ва фаоллик кўрсатиши туфайли вазият социал-сиёсий кескинликнинг ортишига олиб келиши мумкин. Шуниси аниқки, одамларнинг бир қисми регионда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш бобидаги ўз орзу-умидларини гражданлик ва миллий ҳаракатлар билан боғлаётган ҳозирги кунда демократик жараёнларни тўхтатишга уриниш ақлдан эмас.

Учинчи хулоса регионнинг социал-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жараёни узоққа чўзилганлиги, одамларнинг турмуш даражаси пастлиги расмий сиёсий структураларга нисбатан ишончсизлик келтириб чиқариши мумкинлигини ва айни пайтда миллий ҳаракатлар раҳбарларининг обрў-эътибори шунга мувофиқ суратда ошиб боришини тушуниб олиш билан боғлиқ. Аммо бунинг ташвишли томони яна **миллий ҳаракатлар қароргоҳлари фаолиятида ҳали парламент-демократик усуллар йўқлигидадир.** Башарти этник муҳитда «ўзимизники» ва «бегоналар»га бўлиш, турли хил янглиш тушунчалар ва миллий ўзлигини англаш бобида бошқа хил хатоликлар сақланиб қолаётганини эътиборга оладиган бўлсак, ҳозирги шароитда **қандай воситалар, социал механизмлар ёрдамида омманинг онгида миллатчилик васвасасининг тез тарқалиши хавфининг олдини олиш, социал кескинлик** (шу жумладан миллатлараро муҳитда), **зўравонликни кўр-кўрона мадҳ этиш ошиб бораётганини тўхтатиб қолиш мумкинлиги ҳақида ўйлаш лозим, зеро бу иллатлар коммунистлар, марказ, миллий ҳаракатларга нисбатан салбий андозалардан ўзига озиқ олмоқда.** Бунинг илдизлари анча чуқур бўлиб, ўнлаб йиллар давомида совет кишисининг онгида авваллари жаҳон империализми ва унинг «гумашталари» «душман қиёфаси» шаклида гавдаланиб келган бўлса, эндиликда у бошқа миллат, ўзга дин вакили, «номақбул» сиёсий платформа намояндаси сифатида намоён бўлмоқда. Телевизор қўйиш, газета саҳифасини очиш, йиғилиш ёки митингда бўлишнинг ўзи кифоя — биз бутун вужудимиз билан одамлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро жоҳил фикр ёки ёвузлик ҳукм сураётганлигини ҳис этамиз. Биз муросасизлик, сафсатабозлик, миллатчилик ва шовинизм, империяга хос фикрлаш, ўзининг анъанавий маданияти ва урф-одатлари ҳақида жуда жўн ёки нотўғри тасаввурга эга бўлиш, ҳужумкорлик ёки қандай қилиб бўлмасин ўзини «бошқалар»га қарама-қарши қўйишга интилиш ҳолларини кўрамиз.

Булар қандай оқибатларга олиб келишини бир тўда одамларнинг Фарғона ва Ўшдаги ваҳшиёна хатти-ҳаракатлари яққол кўрсатди. Чиндан ҳам худди бўри галасининг ўзи дейсиз. Маънавий қашшоқлик, маданиятсизлик, сиёсий калтабинлик, демократик анъаналарнинг йўқлиги кўп жиҳатдан зўравонлик оловини алангалатишга ёрдам беради. Натижада куч қўллаш хавфи ошганидан оша боради. Социологик фактлар ҳам шундан далолат бериб турибди. «Миллий можароларнинг олдини олиш пайтида куч ишлатишни мумкин деб ҳисоблайсизми. Агар мумкин деб ҳисобласангиз, у қай даражада бўлиши керак?» — деб берилган саволга сўралганлардан олинган жавоблар аппарат ходимларининг каттагина қисми куч қўлланиш фикридан ҳали қутула оламаганини кўрсатди. Бу масалада хўжалик раҳбарларининг нуқтаи назари бир хилда ва қатъий (уларнинг 77,3 фоизи), шунингдек улар қаторида комсомол ходимлари ҳам (сўралганларнинг .-,9 фоизи) советларга қарши шиорлар кўтариб митинг ва намойишлар қилишга нисбатан қурол қўлланишни ва қурол ишлатмасдан зўравонлик қилиш ҳаракатларини маъқул кўрадилар. «Интерсоюз»дан сўралганлардан ҳар ўн кишидан бири (10,5 фоизи), «Халқ дипломатияси» клубидан сўралганларнинг 4,1 фоизи ҳам ана шу фикрда эканлигини айтди.

«Бирлик» аъзолари ўртасида ўтказилган сўров натижалари билан буларни қиёслайдиган бўлсак, уларнинг куч қўлланиш фикрига камроқ мойил эканликлари маълум бўлди. Чунончи, уларнинг атиги 0,8 фоизигина рухсат қилинмаган ҳар қандай йиғилишларнинг олдини олиш пайтида қурол ишлатиш мумкин деб ҳисоблайди. «Бирлик» аъзоларининг аксарияти миллатлараро можаролар келиб чиққан пайтда ҳар қанақасига зўрлик ишлатиш мумкин эмас деган фикрда эканлиги маълум бўлди.

Келтирилган маълумотлар, менинг назаримда, жамият маънавий соҳада танглиикка учраганлиги, маънавий қадриятлар емирила бошлаганлиги, оқибатда инсон ҳаётининг ўзи қадрланмаётганлигидан далолат беради. Ахир ана шу нарса **одамлар ўртасидаги муносабатларда инсоний муносабатлар изидан чиқаётганининг олдини олиш, раҳм-шафқат, ҳам-**

дардлик, муросаи мадора каби тушунчалар ўз қадрини йўқотаётганлигининг сабаблари устида ўйлаб кўриш ғоятда зарурлигини тақозо этмайдими?

Шу билан бирга «Бирлик» аъзоларининг аксарияти можароли вазиятларда куч қўлланишни рад этаяптилар-у, аммо миллатлараро тўқнашувлар қирғинбаротга, қуролли чиқишларга айланиб кетган ҳолларда ҳам давлатнинг куч қўллашини мумкин эмас деб ҳисоблаяптилар, бу ҳақда индамай бўлмайди.

Менимча, ўзбек миллатига мансуб сўралганлар қирғин-барот, қуролли чиқишларга нисбатан бирмунча юмшоқроқ позицияда турганлиги фактига ҳам эътиборни қаратиб ўтиш керак бўлади. Чунончи, уларнинг 39,4 фоизигина қирғин-барот, миллий низонинг олдини олиш пайтида қурол ишлатиш тарафдори. Руслар орасида бу 82,1 фоизни ташкил қилади.

Бу масалада ҳаётнинг ўзи аччиқ сабоқ берадики, одамлар ундан ўзлари учун тўғри хулоса чиқариб оладилар, деб ўйлайман. Ўш вилоятида юз берган сўнгги воқеалар ва Қирғизистондаги ўзбек аҳолининг аҳволи шу йил апрелда қирғинбарот бўлганда ҳам қурол ишлатиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрда турган ёки экстремал вазиятларда давлатнинг қатъий йўл тутишига қўшилмаган кимсаларнинг қарашларини чиппакка чиқарганига шак-шубҳа йўқ.

Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятсизлиги шароитида юзага келган Қирғизистондаги этник-сиёсий вазият кўп кимсаларни эълон қилинмаган гражданлар урушининг олдини олишда марказнинг ролини қайта кўриб чиқишга ҳамда шахснинг ҳуқуқлари, қадр-қиммати, дахлсизлигини ҳимоя қилишда давлат эга бўлган имкониятларнинг ҳақиқий аҳамиятини тушуниб етишга мажбур этди.

Бешинчи хулоса ҳам ана шундан келиб чиқади. У шундан иборатки, **омма ва ҳар бир киши марказнинг роли ҳақидаги салбий тахлитдаги жўн тасаввурлар, айниқса улар миллий тус олган тақдирда, ўта хавфли эканлигини англаб олмоғи лозим.**

Олинган натижаларни миллий мансубликка қараб қиёслаб таҳлил қилган пайтда бу айниқса сезилиб қолмоқда. Масалан, партия ходимлари орасида сўров ўтказилганда, агар ўзбек миллатига мансуб сўралганлардан ҳар уч кишидан бири (35,4 фоизи) марказнинг бемулоҳаза аралашувини ҳозирги кунда мамлакатимиз халқлари ўртасидаги яхши муносабатларга хавф солаётган омил деб билса, рус миллатига мансуб ҳар ўн уч кишидан биригина (7,1) ана шу тезисга қўшилишини билдирди. Миллий мансублигига қараб олганда совет, комсомол ходимлари ва хўжалик раҳбарлари орасида ҳам марказнинг ролига баҳо беришда шунга ўхшаш ҳолни кўрамиз. Чунончи, совет ходимларидан миллати ўзбек бўлган ҳар икки кишидан бири (55,4 фоизи) марказнинг бемулоҳаза аралашуви хавфли, деб билса, руслар орасида шундай фикрга қўшилганлар 4,3 фоизни ташкил қилади.

Шундай қилиб, марказнинг аралашуви хавфлилигини тушунишда сўралган ўзбеклар билан руслар ўртасида аниқ фарқ борлиги кўриниб турибди. Бу фарқ «норасмийлар»нинг фикрларида айниқса яққол кўзга ташланади. Масалан, «Бирлик» аъзолари орасида сўралганлардан 93,1 фоизи марказ мамлакат халқлари ўртасидаги яхши муносабатларга хавф туғдиради, деб ҳисоблайди. «Халқ дипломатияси» клуби аъзоларининг 75,7 фоизи ҳам ана шу фикрда эканлигини билдиради.

Афсуски, миллий мансубликка қараб олганда марказга нисбатан ишончсизлик яна бир масалада ҳам кўринмоқдаки, бу ҳақда айтмасдан бўлмайди. У ҳам бўлса,— марказнинг қуролли куч ишлатишини тан олмаслик масаласи. Тошкент областида сўралган ўзбекларнинг 40,5 фоизи айни шу нарса ҳозир халқлар ўртасидаги яхши муносабатларга хавф солмоқда, деб ҳисоблайди.

Олтинчи хулоса шундан иборатки, ўтказган тадқиқотимиз «Халқлар ўртасидаги яхши муносабатларга кўпроқ нима хавф солмоқда?» — деб берилган саволга олинган жавобда машғулоти ва миллий мансублигидан қатъи назар беистисно сўралганларнинг ҳаммаси якдил фикр билдирганлигини аниқлади. Бунда кўпроқ бир миллий гуруҳнинг бошқа бир миллий гуруҳга нисбатан салбий, нохолис фикр билдириши устун турганини кўрамиз. Тўғри, бу борада ҳам турли миллатларга мансуб сўралган кишиларнинг нуқтаи назари ўртасида анча фарқ бор. Чунончи, миллий экстремизмнинг авж олиши халқлар ўртасида яхши муносабатларга хавф солади, деган фикрга ўзбек миллатига мансуб партия ходимларидан 42,4 фоизи, рус миллатига мансуб партия ходимларидан 80,4 фоизи қўшилди.

Тадқиқ қилиш натижасида олинган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш яна шуни кўрсатдики, рус миллатига мансуб сўралганлар орасида деярли тўртдан уч қисми (77,7 фоизи) миллий экстремизмнинг авж олиши мамлакатимиз халқлари ўртасидаги яхши муносабатларга хавф солиши ҳақида ҳақли фикр айтган бўлса, ўзбек миллатига мансуб сўралганлар орасида бундайлар 26,6 фоизни ташкил қилди. «Бирлик» аъзолари миллий экстремизмни амалда қораламаяптики, буни сира тушуниб бўлмайди. «Бирлик» аъзолари

орасида сўралганлардан атиги 0,8 фоизигина миллатлараро муносабатлар соҳасида экстремизмнинг вазиятни беқарорлаштирувчи ролини эътироф қилади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, миллий қадр-қиммат, миллий ўзлигини англаш, миллий психология сингари тушунчалар билан боғлиқ бўлган миллий муносабатларнинг социал-психологик жиҳати кўпроқ эътибор беришни талаб қилади. Сиёсий тартиботлар ана шу жараёнга тўсқинлик қилмаётган бир шароитда уларнинг жўшқин ривожланиши сталинча миллий сиёсатдан мерос қолган бир талай муаммолар ҳали ҳал қилинмаганлиги сабабли баъзи нуқсонлардан ҳам холи бўлмаслиги мумкин эмас.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда шу фактга ҳам эътиборни қаратиш лозимки, ҳозирги вақтда миллийлик кучайганлиги, унинг интернационаллашувга қарши туриш тамойили кузатилмоқда, бу нарса сиёсий тузилмаларда юз берган кескин ўзгаришларнинг, омма онгида ахлоқий-маънавий ва бошқа қадриятлар тубдан ўзгарганлигининг муқаррар социал натижасидир. Шу ўринда «миллатчилик» тушунчасини аниқлаб олиш зарурлиги ҳақидаги фикрни ўртага ташлаётган жамиятшуносларнинг фикри устида ўйлаб кўриш керак бўлади. Ҳолбуки, кўп ҳолларда миллий ғурур, миллий қадр-қиммат тушунчалари у билан аралаштириб юборилмоқда. Шу билан бирга этник заминда келиб чиққан можароларни этник гуруҳга хос кўриниш деб, яъни мазкур миллий бирлик учун хос бўлган нарса деб, жиноий хатти-ҳаракатлар ҳақида баъзан марказий матбуотда чиқишлар қилиб, «яхшиланган» салбий ахборот бераётган олимлар, публицистларнинг нуқтаи назари ҳам доимий эътибор беришни талаб қилади. Айрим ҳодисаларни шу тариқа бутун халққа «ёпиштириш» муросасизлик, ҳужумкорлик, миллатчилик, шовинизм сингари иллатлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Масалан, таниқли политолог ва социолог Леонид Ионин бундай деб ёзади: «Фарғонадаги қирғин-барот — Ўрта Осиё республикаларида миллий ўзлигини англаш «пишиб етилганлиги ва демократиклигининг» намунасидир» (қаранг: Новое время. 1990, 27-сон, 6-бет). Ўрта Осиё халқларини аслида ёввойига, нодонга чиқариб қўйган ана шу фикр заминида ноўрин сўз ўйини, аччиқ киноя ётганини айтишнинг ўзи камлик қилади. Ишончим комилки, фожиона воқеаларни ёритишдаги бир ёқламаликка барҳам бериш вақти етди, чунки бу нарса ана шу қирғин-барот қурбони бўлган айбсиз кишиларнинг хотирасини ҳақоратлайди, мамлакат фуқароларининг миллий қадр-қиммати ва шаънига ёмон тегади. «Қўрғошинли қабиҳ ҳаёт», ҳокимиятнинг фаолиятсизлиги, жойлардаги раҳбарларнинг сиёсий сафсатабозлиги, манфур бюрократизм авж олиши ва шу сингари бошқа иллатлар бемаънилик, зўравонлик, алғов-далғов келиб чиқиши учун имкон туғдириб берган экан, ахир бунда одамларнинг айби йўқ-ку (Ўш, Ўзгандаги қирғин-барот шуни кўрсатди). Эҳтимол, социал бошқарув йўл қўйган хатолар, ижтимоий ташкилотларнинг, сиёсий тартиботларнинг кечикиб иш кўрганлиги ҳақида гапириш лозим бўлар? Эҳтимол, ҳақиқат одамлар ростмана демократия, адолат йўқлигини ва бунинг оқибати ўлароқ ўзини камситилган, ҳақ-ҳуқуқсиз кишилар деб ҳис қилаётган жойларда ижтимоий «зилзилалар» келиб чиқаётгалигидадир? Инсон қадр-қиммати ана шундай топталган пайтда у миллий тус олади.

Миллий ҳаракатлар мисолида ҳаётий, реал жараёнларни ва уларни тўлқинлантираётган муаммоларни таҳлил қилиш расмий сиёсий структуралар (аввало партия комитетлари, Советлар ва комсомол) олдига миллий ўзлигини англаш юзага келишини қўллаб-қувватлаш вазифасини қўяди. Комил ишонч билан айтаманки, яқин орада пайдо бўлиши мумкин бўлган янги сиёсий структуралар, социал тартиботларнинг вазифаси регионлардаги боши берк кўчага кириб қолган этник-сиёсий вазиятларга барҳам бериш, социал ва миллий гуруҳлар, алоҳида шахсларнинг турли хил социал, сиёсий, маданий, мафкуравий ва бошқа хил талаб-эҳтиёжларини қондириш йўлларини излашдан иборат.

Юзага келаётган кучларни назар-писанд қилмаслик нотўғри сиёсий ечимлар ва хатти-ҳаракатларга, пировард натижада эса, социал-сиёсий кескинликнинг «критик массаси» кўпайишига олиб келиши мумкинки, бунинг оқибатида низо келиб чиқиши муқаррардир. Афтидан, Ленин айтган қуйидаги сўзларнинг маъноси устида ўйлаб кўриш керак бўлади. У бундай деган эди: «шубҳасизки, ҳаракатнинг стихиялилиги унинг омма орасида чуқур ёйилганлигини, унинг илдизлари мустаҳкам эканлигини, уни йўқотиш мумкин эмаслигини кўрсатадиган аломатдир» (Тўла асарлар тўплами, 34-том, 255-бет).

ҚОНУН ТАНТАНА ҚИЛСИН

СССР халқ депутатлари билан суҳбат

Бир корхонада ишловчи иккита ишчининг давлат ҳокимияти олий органи аъзоси эканлиги ҳозирги СССР Олий Советининг «таржимаи ҳоли»даги, шубҳасиз, яккаю ягона фактдир.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токарлари бригадири Владимир Тўйчиевич Одилов билан слесарь, самолётсоз Александр Александрович Коршуновларнинг тақдирида муштарак жиҳатлар оз эмас. Ишчилик чиниқиши ва маҳорати, қарийб ўттиз йил бир корхонада дастгоҳда меҳнат қилиш, адолатни теран ҳис этиш уларни бир-бирларига яқинлаштиради. Токарь Одилов ҳали депутат бўлмасдан турибоқ хафа қилинган ва назардан четда қолдирилган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, турли мансабдорларнинг қабулхоналарида сабр-тоқат билан навбат кутганлигини билардим. Слесарь Коршунов автоаварияда ноҳақ айбланган кар-соқов ишчини ҳимоя қилиб суд жараёнида ютиб чиққандики, вазиятнинг умидсизлигини кўриб, унда қатнашишдан ҳатто адвокатлар ҳам бош тортишган эди.

В. Одилов билан А. Коршуновларнинг Катта Кремль саройидаги креслолари ёнма-ён жойлашган, ўзбекистонлик депутатларни таништираётганда телевизион камера уларни бир пайтда кўрсатиб ўтади. Улар — бири ўзбек ва бири рус — юз бераётган воқеаларни пишиқ-пухта баҳолашлари эътиборни бир ерга жамлашлари билан бир-бирларига ўхшашади. Иккаласи Миллатлар Советининг аъзоси, иккаласи жамоат ташкилотларидан сайланган: В. Одилов — КПССдан, А. Коршунов — СССР касаба союзларидан. Иккаласи ҳам бундай амалиётга қатъиян қарши. Нимага!

А. Коршунов: — Ҳаммамиз КПСС МК Пленумида юз нафар номзоднинг мутлоқ ҳаммаси сайланганига гувоҳ бўлдик. Шу жумладан дўстим ҳам сайланди. Ахир у исталган кўп мандатли округда ҳам ғолиб чиқиши мумкин эди-ку. Нима учун жамоат ташкилотларига шинам шарт-шароит яратиш керак бўлиб қолди?

В. Одилов: — Ҳар ҳолда жамоат ташкилотларидан ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқини тортиб олиш керак эмас, лекин сўнгра овоз бериш сайлов округларида ўтазилсин. Шундай тузатиш киритиш зарур эди...

А.К. — ...Бунга биз ҳам Олий Советда якдиллик билан овоз бердик. Акс ҳолда биз, «жамоатчилар» депутатлик иши ҳақида ҳеч кимга ҳисобот бера олмаймиз, КПСС ёки бутун касаба союзларига ҳисобот бериш керакми бўлмаса?

В.О. — Бунинг устига мен, мисол учун, ҳамма нарсада бурчли бўлган завод коллективи билан алоқам ғоят юпқалашиб кетганини ҳис этдим. Гап ҳатто Тошкентдан Москвагача бўлган масофада ҳам эмас, балки биз унинг вакиллари эмаслигимизда. Тўғри, улар мурожаат қилмоқдалар, хатлар ёзмоқдалар, завод территориясида қабулни ташкил этишни илтимос қилмоқдалар.

А.К. — Менга ҳам ана шундай истакларни билдиришмоқда. Гарчи ҳатто ўз қадрдон коллективимнинг ҳар бир наказини бажаришга тайёр бўлмасамда.

Мухбир: — Зеро, депутатнинг фаоллиги айни бажарилган наказларнинг миқдори билан белгиланган даврлар яқиндагина бўлган эди.

А.К. — Агар наказ қонун чиқаришга тааллуқли бўлса, мен — қўллаб-қувватлайман. Хўш, хўжалик масаласида бўлса... Яқиндагина Тошоблсовпрофда мени авиасозларнинг... устимдан ёзган шикоятлари билан танитиришди. Коржома хусусида ёрдам беришдан бош тортган эмишман. Қаранг, омманинг онгида депутат ролини қандай тушуниш сингиб кетган: воситачи, ундирувчи, илтимосчи. Мен бундай ролни қатъиян ҳазм қила олмайман.

В.О. — Бу фикрга қўшиламан. Тўғри, наказнинг наказдан фарқи бор. Биз Сан Санич билан биргаликда иттифоқ ҳукуматида пахта яккаҳокимлигини тугатиш, пахтанинг нархини қайта кўриб чиқиш, «ёзги» вақтга ўтишни бекор қилиш ҳамда юртдошларимиз учун бошқа муҳим масалалар борасида Ўзбекистоннинг мавқеини ҳимоя қилдик.

А.К. — Ҳатто уларнинг кўпчилигида муваффақиятга ҳам эришдик. Лекин булар бригада учун телогрейкалар ундиришда эмас, балки қонун чиқариш борасида юз бермоқда.

Айтишим кераккi, куч-ҳаракатларни бирлаштириш ижобий натижа бермоқда. Масалан, конверсия муносабати билан мудофаа тармоқларини илгари уларга хос бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқариш учун материаллар билан таъминлаш масалалари кескин бўлиб турди. Бу, айтиш мумкин, бутун халқнинг иши, зеро конверсия — унинг учун. Бинобарин, у депутатларнинг ҳам ишидир.

В.О. — Ёки Тошкент мотор заводини олайлик: тармоқни қайта қуриш унинг фаолиятини гўё кераксизга айлантириб қўйди. Таркиб топган коллектив, миллионлаб сўм турадиган ускуналар, қишлоқнинг катта энергияли тракторларга эҳтиёжи эса нима бўлади? Умуман аралашмасликка ҳаққимиз йўқ эди деб ҳисоблайман. Ёрдам беришни илтимос қилиб, тўғрироғи, талаб қилиб СССР Министрлар Советига сўров юбордик. Сўров ана шундай даражада бўлиши мақбул, майдалашиш эса керак эмас.

Мухбир: — Демак, наказларга қўл силташ керакми?

А.К. — Йўқ, бундай эмас! Киши чорасиз қолганлигини у арзимас ташвишни бошқалар зиммасига ағдаришга уринаётганидан фарқлаш керак, холос. Бир куни мени кўчада бир йигит тўхтатди. Сиз Коршуновсиз, телекўрсатувда кўрганим учун танидим, дейди. Депутатлик ҳокимиятингиз билан дори топишда ёрдам берсангиз, болам ўлар ҳолатда.

Мухбир: — Топиб бердингизми?

А.К. — Вақтни бой бермай тезлик билан топиб бердим. Тўғри, қонун чиқарувчи бўлиб эмас, аксинча тарзда ҳаракат қилдим. Сўз ҳаёт билан ўлим тўғрисида бормоқда эди. Депутатнинг туйғулари ва ваколатларидан фойдаланиб қолишлар қанча бўлиши эса фақат унинг ўзига маълум.

В.О. — Шахсий тажрибамдан келиб чиқиб таъкидлайманки, масалаларнинг кўпчилиги жойларда, маҳаллий ҳокимият органлари даражасида ҳал этилади. Битта шикоятни кўпайтириб ёзиб, ўнлаб юқори идораларга, кўплаб депутатларга бир вақтда мурожаат қилишни ёқтирувчилар оз эмас. Биз ҳам «жўр бўлишиб» бир мансабдор шахснинг ўзидан ёпирилиб сўраймиз — бу ҳолни бир тасаввур қилинг-а!

Мухбир: — Хўш, натижа қандай бўлади?

В.О. — Илтимосларнинг 5—6 фоизини рўёбга чиқаришга муваффақ бўламиз. Бюрократик тўсиқлар, номига жавоб ёзишлар бир талай. Республикамизда бу борада Алоқа министрлиги, Тошкент шаҳар ижрокоми айниқса ажралиб туради. Қисқаси, хизмат кабинетларида депутатга ёрдам берувчилар ҳали кўп эмас. Қандай ғалати туюлмасин, бошқаларга қараганда депутатлик сўровига энг юқори идоралар: мамлакат Министрлар Совети, СССР Прокуратураси ва Ички ишлар министрлиги масъулиятлироқ муносабатда бўладилар.

А.К. — Шубҳасиз, уларни бунга қонунга — ана шу тузилмалар ишидаги асосий воситага бўлган ҳурмат ундайди. Лекин, умуман олганда, жамиятнинг ўзи сингари идоралар ҳам ҳуқуқий нигилизмга мубтало бўлишган. Қонунга ҳурмат очиқдан-очиқ етишмайди. Маърифатпарвар демократик жамият эса аввало қонунга итоат этувчи жамиятдир.

Йўл-йўлакай айтмоқчиманки, у кўнгилли халқ дружиналари, оператив ва бошқача комсомол отрядлари, ўртоқлик судлари ва ҳоказо «ҳуқуқдан юқори турувчи» устқурма тузилмалардан ҳам воз кечади. Менинг ўзим кўп йил кўнгилли халқ дружинасида навбатчилик қилганман ва бекор кетган вақтимдан ташқари ҳеч қандай тажрибага эга бўлмадим. Дружиначининг қизил боғичини ўсмирлар, қизлар ва аёллар таққанда айниқса бундай «тартиб ўрнатиш» ўйинига тоқат қилиб бўлмайди. Наҳотки, милициямиз шу қадар заифки, ҳатто заифаларнинг ҳам ёрдамига муҳтож бўлса?

Ҳеч қандай ҳуқуқий ваколатларга эга бўлмаган ўртоқлик судини олайлик: нима учун у кишиларнинг, ўз ўртоқларининг тақдири билан шуғулланади? Қонунларни энг оддий тарзда билмаслик, ҳис-туйғу ва эҳтиросларни, «коллектив бўлиб» қоралашни авж олдириш орқасида у ерда қанчадан-қанча ноҳақликка йўл қўйилади!

Келинг, ҳамма ўз иши билан шуғуллансин: милиция жиноятчиларни тутсин, армия халқнинг осойишталиги ва тинч меҳнатини қўриқласин, судлар суд қилсин, меҳнат коллективлари эса моддий ва маънавий неъматлар яратсин.

Мухбир: — Армия ҳақида сўзлаганингиз учун бир нарсани қўшимча қилмоқчи эдим: бу соҳада ҳам жамоатчилик қонундан бир талай четга чиқишларни аниқлади.

А.К. — Армия — жамиятнинг бир қисми, унинг бўлакларидан бири бўлгач, шундай бўлади-да, Бу ерда ҳам ҳуқуқ-тартибот устун туриши керак. Фош қилиш жазавасида фош қилувчиларнинг ўзлари ҳам қуюшқондан чиқиб кетиши ва кўпинча ҳарбий кийимдаги кишиларни ҳақорат қилишга, уларнинг обрўсини тўғридан-тўғри туширишга ўтиб кетиши эса бошқа масала. Халқ билан армия — якдил. Агар бу — қуруқ сўзлар бўлмаса, СССР Қуролли Кучлари фаолиятидаги камчиликларни тан олган ҳолда аввало армия устидан граждданлик назоратини ўрнатиш, сўнгра уни асоссиз айблашларга йўл қўймаслик ва, ниҳоят, масалаларни миш-мишларга қараб эмас, ҳис-ҳаяжонли шов-шувлар асосида эмас, балки қонун чиқариш асосида ҳал қилиш зарур.

В.О. — Афсуски, депутатларнинг ўзлари ҳам қонунни ҳурмат қилишда доим ўрнак бўлавермайдилар. Айтайлик, Олий Совет аъзоларидан бири аҳволни ўрганиб, у ҳақда ахборот бериши керак бўлган мамлакатнинг «қизғин нуқтаси»дан қайтиб келиши биланоқ оммабоп телепрограммада ўз хулосаларини баён қилади. Яъни Олий Совет қарор чиқаргунга қадар жамоатчилик фикри муайян тарзда йўналтириб бўлинади. Депутатлар Т. Гдлян ва Н. Ивановларнинг қабул қилинаётган қарорларга итоат этмаслиги мисолининг кенг тарқалганичи?

А.К. — Баъзан уларнинг исмлари атрофида кўтарилган бу шовқин-суронларнинг бари менга вақтни бекорга сарфлаш бўлиб туюлади. Нима учун? На бу, на у томон ҳеч нарсани исботлай олмаяпти. Халқ депутатларининг учала Съездида ҳам шундай бўлди. Ҳис-ҳаяжонлар эмас, фактлар ишонтиради. Иккала терговчи ҳам карта ўйинида ютқазган ашаддий қиморбозларни эслатишади: кузирлар билан босиш керак, лекин улар кимнинг қўлида?

В.О. — Олий Совет ҳам, съезд ҳам, ҳар бир депутат ҳам иккала депутат гўё эга бўлган фактларни эътиборга олишга тайёр. Хўш, нечук улар умумий минбаримиздан ҳалигача фойдаланмадилар?

Мухбир: — Эҳтимол, залдагиларнинг мадади ва тушунишига кўзлари етмагандир?

В.О. — Бундай ишончсизлик учун сабаб йўқ. Тўғри, ҳозирги таркибдаги депутатлар бир қисмининг умуман лоқайдлиги шубҳасиз бир ҳол.

Мухбир: — Қанча қисми?

В.О. — Менимча, 25—30 фоизи. Кўпми? Менимча, кўп эмас. Дастлабки муқобил сайловларда қанчалик чўчиш билан иштирок этганлигимизни эсланг. Нуқсонлар бўлиши муқаррар. Лекин, амалиётнинг кўрсатишича, ҳеч қандай «сталинча-брежневча кўпчилик» ҳам депутатлар сафида мавжуд эмас.

Дарвоқе, ўзбекистонлик вакилларни кўпинча пассивликда айблашади. Бу фикр ноҳақ бўлгани учун буни эшитиш кишини ранжитади (тўғри, ҳозир у камроқ айтилмоқда). Ҳа, биз бир-биримизни яхши билмайдиган, вазифалар доирасини суст тасаввур қиладиган I Съездда бу таънани қабул этиш мумкин эди. Лекин давр ўзгарди, ҳаммамиз катта сиёсий ва давлат мактабидан ўтдик, позициялар бўйича яқинлашдик. Ўзбекистонлик депутатларнинг фаоллиги ҳозир, айтайлик, бошқа исталган республика депутатлариникидан қолишмайди.

Ҳали ҳам халақит бераётган ҳолатлар эса — бошқа масала. Аввало сўзга чиқиш учун барча заявкалар келиб тушадиган секретариатнинг аниқ ишлаши кўринмайди. Минбарга чиқиш навбати бузилганда мен секретариат ходимларидан бирига ҳатто қаттиқ танбеҳ беришга мажбур бўлдим. Ўша ўртоқ ...Ўзбекистондан депутат эканлиги туфайли ҳам бундай ҳол алалхусус тушунарли эмас.

Иккинчи нарса — баъзи депутатларимизнинг рус тилини яхши билмаслиги. Улар ўз она тилларида бинойидек нотиқлар, рус тилидаги аудитория олдида эса ўзларини йўқотиб қўядилар. Шубҳасиз, тиллар тўғрисидаги Қонун қабул қилингач бу камчилик барҳам топади. Энди ҳар бир киши ўз она тилида нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга бўлади. Тўғри, техника ҳам янги Қонун билан баравар қадам ташлаши керак: зал хорижий тиллардан таржима қилиш учун қойилмақом қилиб жиҳозланган, лекин СССР халқларининг тилларидан таржима қилиш хусусида ҳозирча ўйлаб кўрилмаган. Бу камчилик тузатилади: қонун бажарилиши керак.

А.К. — Мен бугунги кунда СССР халқ депутатлари Съездидан кўра холисроқ аудиторияни билмайман. Айни у адолат учун кураш олиб бораётган исталган ҳар биримизни қўллаб-қувватлашга тайёр. Лекин депутат бўлиб туриб съездга намойишкорона келмаслик, бошқа депутатларга ишонмаслик, уларга митингбозлик қилиб таъсир кўрсатишга уриниш жоизми?

Мухбир: — Буларнинг ҳаммаси ҳақида съездда айтишга уриниб кўрмадингизми?

А.К. — Съезд, назаримда тез манёвр қилиш учун ҳаддан ташқари оғир карвон кемадир. Процедурага доир масалаларни муҳокама қилишга ҳар гал жуда кўп вақт сарфланади, яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи депутатлар ўзларини телеэкран орқали шунчаки кўз-кўз қилишни, ўз сайловчиларига гўё фаол ишлаётганликларини намойиш қилишни ёқтиришади. Бундай аҳволда сўз олиш жуда қийин.

Яна бир фақат шахсий хулоса: съезд ўзининг кўп сонлилиги ва тарқоқлиги сабабли қонунлар қабул қилишга қодир эмас. Бу — Олий Советнинг вазифаси. Минбарга бегона эмаслигим — ўнлаб марта сўзга чиққанлигим, менинг таклифларим бир неча бор қабул қилинганлиги учун ҳам бу ҳақда катта асос билан сўзлаяпман.

В.О. — Менга эса камроқ омад кулиб боқди: сўзга чиқиш учун кўп марта ёзилдим, сўзга чиқишларимни бармоқ билан санаси бўлади. Буни минбарга чиқишни бошқариш борасида аниқ механизмнинг йўқлиги билан изоҳлайман.

Мухбир: — Лекин регламентга қараганда, сўз сўраб берилган баёнот рақамланади ва съездда раислик қилувчига рўйхат тартибида узатиб турилади.

В.О. — Рўйхат аэропортлардагига ўхшаб таблода пайдо бўлиб турса яхши бўлар эди: яққол, ошкора, назорат қилса бўлади.

А.К. — Тўғри тушунинг: қонун чиқарувчи олий органда ҳамма нарса энг охиригача қонунийлик руҳи билан суғорилиши керак. Биз сўзнинг яхши маъносида ҳарфхўр бўлмоғимиз лозим. Бўлмаса қонунга ҳурматни қандай тарбиялаймиз? Биласизми, ГФР ва Швейцарияда биринчи бор сафарда бўлганимда мени ҳаммадан кўра нима нарса кўпроқ ҳайратга солди: молларга тўла витриналар эмас, балки жамиятнинг ич-ичига сингиб кетган тартиб. У ерда одам бошдан-охиригача қонун билан ҳимоя қилинган. Чамадонни элтиб берувчи ҳам, президент ҳам бирдек бошини мағрур кўтариб юришининг боиси шу эмасмикан?

Бизда эса буйруқбозлик даврлари, телефон ҳуқуқи, амалдорлар ва савдо аҳли билан чирмашиб кетган мафия қонунни топтади.

Сирасини айтганда, ҳаммамиз М. С. Горбачевдан ўрнак олсак арзийди. У нафақат буюк сиёсатчи, балки ғоят юқори даражадаги ҳуқуқий маданият соҳиби ҳамдир. Президентимизга, шу жумладан депутатлар томонидан ҳам қилинадиган баъзан жуда ранжитадиган ва ноҳақ ҳужумларни эшитишга тўғри келади! Бирор марта ҳам ўзини йўқотмаслик, Президент ва партия бошлиғи сифатидаги улкан ваколатларини қўллашга ҳаракат қилмаслик учун қанчалик оддий инсоний матонатга эга бўлмоқ керак. Зеро, айни у, ме-

нинг хорижий мисолимдагидек, бошни мағрур кўтариб юрадиган ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ташаббускоридир.

В.О. — Ана шундай киши билан ёнма-ён ва унинг бевосита раҳбарлиги остида ишлаб бизнинг омадимиз келган. У эса мамлакатни ўтмишга қайтаришни хоҳловчи структураларнинг сиқиғини ҳам тўхтатиб турибди. Ҳолбуки бу кучлар ҳазилакам эмас, улар орасида ҳокимиятнинг олий табақаси намояндалари ҳам бор.

А.К. — Ўйлашимча, бунда давлат олий арбоблари ва бошқа арбобларнинг истеъфога чиқиш тартиботи ёрдам берган бўлур эдики, афсуски ҳозирча бундай тартибот йўқ бизда. Биз эса мамлакатни бошқаришнинг ана шу воситасисиз бирор иш қила олмаймиз. Сендан қандайдир ножўя иш қилди деб шубҳаланаётган бўлишса — бутун партияга ёки ҳокимият органига соя ташланмаслиги учун юқори лавозимдан кет, сўнгра аниқла, айбинг йўқлигини исботла.

В.О. — Бу фикрга қўшила олмайман. Аввало, қонунда ҳам кўрсатилганидек, айбини исботлашсин, шундан сўнггина истеъфо ҳақида сўзлаш мумкин.

А.К. — Гап шундаки, ҳуқуқий давлатда масъул шахс унга қарши бирор нарса «қалқиб» чиқмагунича кутиб ўтирмайди. Ном атрофидаги шовқин-суроннинг ўзи истеъфога чиқиш учун сабабдир.

В.О. — Ҳар ҳолда ҳис-туйғулар эмас, балки қонун устун туради. Киши билмас қоидаю низомларга тўйиб бўлдик, раҳмат, КПСС билан боғлиқ мисолни эслайлик. Ҳозир кўплар барча нарса учун айбни партияга ағдаришга уриняптилар. Гўё унинг ҳукмронлиги мамлакатни инқирозга олиб келган эмиш. Бундай мулоҳазага қўшилиб бўлмайди. Айниқса уни давлатдаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини, социализмга қарши кучларнинг машъум ролини бошқалардан кўра жуда яхши биладиган СССР Олий Советининг аъзолари изҳор этишса. Эркин сўзлаш, жамиятнинг ҳар қандай муаммоларини ошкора муҳокама қилиш мумкинлигини баъзилар партиянинг обрўсини тушириш учун сигнал деб тушундилар. Уни танқид қилиш гўё ҳуқуқий давлатда эркинликнинг намоён бўлиши эмиш. Лекин агар ҳуқуқий давлатнинг ўзи бўлмаган ва бунга қарши халқнинг ўзи норозилик билдирмаган бўлса партиянинг бунга қандай дахли бор? Агар прокурор назорати, нормал хўжалик юритиш, гражданнинг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш механизмлари ҳамда ҳуқуқий давлатга хос кўпдан-кўп бошқа белгилар мавжуд бўлмаган бўлса-чи? Ҳамма, шу жумладан, илгарилари камчиликлар ва оғишларни сезмасликни афзал кўрган, «бирдан кўзи очилганлар» ҳам айбдор.

Мухбир: — КПСС сафидан чиқишнинг кучайганлигичи — у партияга муносабат ва унинг айбини тан олишнинг кўрсаткичи эмасми?

В.О. — Фақат озгина даражада. Партия билетларидан бугунги кунда нафақат ноҳақ ранжитилганлар, балки, КПССга тамагирлик ниятида, мансабпарастлик мақсадларида кирганлар ҳам — улар эса, жуда кўп — воз кечмоқда. Уларнинг чиқишини ижобий ҳодиса, партиянинг тасодифий ҳамроҳлардан тозаланиши деб қараш лозим. Дарвоқе, биз ҳуқуқий давлатни барпо этиш хусусида сўз юритар эканмиз, шуни айтиб ўтиш лозимки, унинг мустаҳкамланиб бориши билан у ёки бу партиянинг иштироки борган сари камроқ фойда келтириб, бор-йўғи кишининг қарашларини, унинг ғоявий эътиқодини акс эттиради холос.

Мухбир: — Мен бу мулоҳазаларни қонун жамиятнинг етилган эҳтиёжларига жавоб бериши керак, ҳозиргача бўлганидек, аксинча бўлмаслиги керак, деган тарзда тушунаман.

А.К. — Акс ҳолда у қонун эмас, балки догма бўлади. Менга, масалан, интизомнинг ҳозирги бузилиши шароитида уни қатъиян кўтаришга ва бир вақтнинг ўзида жамиятнинг маънавиятини юксалтиришга имкон берувчи қонунларни қабул қилиш зарур кўринади.

Мухбир: — Сиз кучли, қатъиятли ҳокимият тарафдоримисиз?

А.К. — Тўғрироғи, мен бебошликка ва ҳамма нарсага эрк бериб қўйишга йўл қўймайдиган демократия тарафдориман. Акс ҳолда демократиянинг ўзини тоталитаризмдан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Зеро, сир эмаски, жамиятда у ёки бу шаклда, айниқса порага сотилган унсурлар, пинҳона бизнес томонидан ҳокимият учун кураш бормоқда. Ҳар бир киши буни ҳис этаётган бўлса керак. Бундай вазиятда қайта қуришни беқарорлаштириш омилларидан ҳимоя қилиш хусусида ўйламасдан бўладими?

Менимча, янги Сумгаит, Қорабоғ, Фарғоналар пайдо бўлмаслиги учун ҳокимият янада қатъиятли бўлиши керак.

В.О. — Нималар юз бераётганига бир қаранг. Ғоят оғир оқибатларга олиб келган ҳар бир ана шундай тўқнашувдан сўнг «бошқариб турган қўл», қандайдир уюштирувчи негиз ҳақида сўз юритилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жуда катта ишидан сўнг эса судга ўспиринлар тортилади. Уларни низоларни уюштирувчилар деб ҳисоблаш керакми?

А.К. — Чинакам ишбошилар эса бугунги кунда шаклланган вазиятда ўзларини қойилмақом ҳис этадилар: тоталитар система ҳали тамомила тугатилгани йўқ, ҳуқуқий давлат эндигина барпо этиляпти, айни бу ҳол эса жамиятда барқарор бўлмаган вазиятни туғдиряпти. Иттифоқдан кўчиб кетишни хоҳловчиларнинг кўплиги, кишилар ташвишланаётганининг сабаби ана шунда эмасми? Бундай шароитда фавқулодда чораларни таклиф этмасдан

бўладими? Лекин булар — алоҳида таъкидлайман — 1937 йилдан бошлаб илгариги тартибга мададкор бўлган чоралар эмас, балки беқарорликдан ҳимоя қилувчи чоралар бўлади.

Биз ҳозир Олий Советда фундаментал, узоқ йиллар мобайнида қўлланиш мўлжалланган қонунлар мажмуини тайёрлаш билан машғулмиз. Бу тўғри бўлади. Лекин жамиятнинг ҳозирги эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олишимиз, ҳаётнинг ўзидан келиб чиқишимиз лозим. Агар қочоқлар, бутун-бутун халқлар ва айрим территориялар ўртасида кескинлик ўчоқлари мавжуд экан, агар «қора бизнес» давлат бюджетининг ғоят тақчиллиги шароитида миллиардлаб сўм даромад оларкан — демак, салбий жараёнларга қаршилик кўрсатиш ҳам зарур бўлади. Лекин қаршилик қонунларга асосланиши, улар, менимча, зудлик билан қабул қилиниши ва қўлланиши керак. Бу эса мамлакат олий давлат органи депутатининг қонун чиқарувчилик ролини, унинг сайловчилар ва улар эҳтиёжлари билан мустаҳкам алоқасини кучайтиради, холос.

В.О. — Бунда қоғозга таъзим қилишдек йиллар давомида ҳосил қилинган одатдан ҳар ҳолда воз кечиш керак. Ҳужжат бўлса бас, ҳамма нарса ҳал бўлади-қўяди эмиш. Бундай эмас-да! Ҳужжатлар ва яхши қарорлар кўп, муаммолар эса ҳал бўлмаяпти. Бу — ҳар хил сиёсий оқимларга қараганда жамиятнинг манфаатларини яхшироқ биладиган ва уларни ҳимоя қилишга мажбур бўлган халқ ҳокимиятининг аниқ-пухта ва қатъиятли хатти-ҳаракатлари фойдасига яна бир далилдир. Охир-оқибатда, бошқача ҳокимият бизга нимага керак?

А.К. — Лекин қонун чиқарувчилик фаолияти билан бир вақтда маънавий негизларнинг тикланиши тўғрисида ҳам унутмаслик лозим. Сўз турғунлик даври андозалари ва мафкуравий ақидаларини жонлантириш тўғрисида эмас, балки, айтишим мумкин, халқнинг маънавиятлилиги, барча миллий маданиятларнинг чинакам қадриятлари хусусида бормоқда, Шу билан бир вақтда умуминсоний қадриятлар ва туйғуларга қайтиш, уларни шу жумладан қонун воситачилиги орқали ҳам ҳар бир кишининг қалбига абадий сингдиришимиз зарур.

Дарвоқе, кўп йиллик стажга эга бўлган коммунист сифатида энг қудратли маънавий негизлардан бири ва турмушимизнинг ўзига хос қонунлар мажмуаси сифатида динга қайтишни маъқуллайман. Падари бузруквор Питирим, россиялик депутат, менга Библияни туҳфа этди. Бу — муътабар китоб, афсуски, уни аввал ўқимаган эдим.

В.О. — Биз, ўзбеклар ҳам Қуръонни чуқур ҳурмат қиламиз, ҳолбуки илгарилари кўпчилик ундан бебаҳра эди.

А.К. — Диндорлар диний негизларга нисбатан қандай муносабатда бўлсалар, давлат қонунларига ҳам ана шундай астойдил ва муқаддас билиб муносабатда бўлиш керак.

Мухбир: — Бунинг учун нима қилиш лозим: қонунларни ҳам, диний фанларни ҳам ҳамма жойда ўрганишни жорий қилиш керакми?

В.О. — Ҳеч қандай билимлар ортиқчалик қилмайди. Дарвоқе, депутатлар учун умумий юридик ўқув ташкил этилди, юриспруденцияни эгаллашда Москвадаги Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси ҳам бизга ёрдам кўрсатмоқда. Собчак, Алексеев, Калмиков сингари ва бошқа «алломалар» ҳам ёрдам бермоқда.

Мухбир: — Бинобарин, бундан Олий Советга ишчилар эмас, кўпроқ юристлар керак деган хулоса келиб чиқмайдими?

В.О. — Мен ҳар ҳолда ҳозир танқид қилинаётган, яъни ишчи депутат ишчилар муҳитининг манфаатларини аниқроқ ва чуқурроқ ифодалайди деган фикрда қоламан. Билимларни эгаллаш мумкин, лекин назария воситасида ишчилик зуваласига эга бўлишга эса ҳали ҳеч ким муяссар бўлган эмас.

А.К. — Менинг ишчилик стажим бир оз кўпроқ, лекин шундай бўлсада бошқачароқ ўйлайман: касблар соҳиблари эмас, баркамол шахслар керак. Фақат улар ишни олға юргизадилар.

Қонунларни бажарувчи жамият масаласига келсак, биз учун у ҳамма нарса: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам, кўп сонли идоралар, коллективлар ва айрим гражданлар, ҳатто Олий Советнинг ўзи ҳам жойидан жилмай қолган қўриқдир. Бунга мисоллар бир талай. Ҳеч бўлмаса қабул қилинган биринчи кунларидан бошлабоқ бузила бошлаган иш ташлашлар тўғрисидаги қонунни олайлик. Иттифоқ қонунлари тўғридан-тўғри эътибордан четга суриб қўйилаётган Болтиқбўйи республикалари, бошқа регионларнинг хатти-ҳаракатларичи!

Бу ерда Конституцион назорат комитети, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолияти учун кенг майдон мавжуд. Суд органлари, назаримда, бошқача оғишга ўтдилар: ялпи ҳукм қилишдан ялпи оқлашга киришмоқдалар. Талаб бўлмаса — ижро ҳам бўлмайди.

Мухбир: — Сизда қайси хислат кўпроқ мавжуд: қонунлар «ижод қилувчи» профессионал парламент аъзоси бўлишликми ёки уларни ижро этишга одатланган интизомли ишчи бўлишликми?

А.К. — Ҳозир ўзимда биринчи хислатни иккинчисига қараганда кўпроқ ҳис этаяпман. Яширмайман: профессионал парламент аъзоси бўлишни истар эдим.

Мухбир: — Сизчи, Владимир Тўйчиевич?

В.О. — Узил-кесил жавоб бера олмайман. Энди хат ва мурожаатларгина боғлаб тур-

ган бригадам, заводимни жуда соғиняпман. Олий Совет аъзолари ротацияси масалаларидаги ноаниқлик ҳам ташвишлантиради. Агар унда тўлиқ беш йил ишланса бу бошқа масала. Бунда ҳақиқатан ҳам юрист, иқтисодчи, психологнинг профессионал билимлари керак бўлади. Депутатлар корпуси ҳисобига аста-секин янгиланишдек ҳозирги аҳвол эса мамлакатнинг олий ҳокимият органида ҳам, асосий иш жойида ҳам енг шимариб ишлашга йўл бермайди. Ҳозирча мен, очиқ айтаман, токарлик малакасини секин-аста йўқотиб боряпман, тўғри, унинг ўрнига парламентда ишлаш тажрибаси билан бойидим. Қайси бири яхшироқ? Билмадим. Самолётсозлар, масалан, мен қабулни бевосита бирлашманинг ўзида олиб боришимни талаб қилмоқдалар (ҳозирча қабулхонам республика Олий суди биносида). Албатта, уларнинг илтимосига ўз муносабатимни билдираман.

Мухбир: — Агар навбатдаги чақириқ парламентида ишлашга яна ишонч билдирсалар?

В.О. — Ишонч билдирсалар нима дердик. Лекин ўшанда ҳам, ҳозиргига ўхшаб, асосий нарсани — қонуннинг устунлигини, қонун ижод қилишнинг «наказ ижод қилиш»дан устунлигини ҳимоя қилавераман.

А.К. — Бутунлай қўшиламан. Цицероннинг: қонуннинг қули бўлганимиздагина биз эркин бўлишимиз мумкин, деган машҳур сўзини эсга олайлик.

Мухбир: — Сўнгги саволим: ўзларингизга депутат сифатида келажак учун наказ тарзида нимани истаган бўлардингиз? Фақат суҳбатнинг ҳуқуқий давлат тўғрисидаги моҳиятидан четга чиқмаслигингизни илтимос қиламан.

А.К. — Асосий истагим: уни тезроқ барпо этайлик. Фақат депутатларнинг куч-ҳаракатлари бунинг учун камлик қилади.

В.О. — Тўла қўшиламан. Лекин қўшимча қилмоқчиман: ушбу вазифани ҳал этиш бир неча таркибий қисмларга бўлинади. Аввало мен иқтисодчиларимиздан сўрамоқчиман: қачон улар ўзаро умумий тил топадилар? Ҳозирча улар масалдаги оққуш, қисқичбақа ва чўртанбалиқ сингари иш олиб бормоқдалар, айни шу нарса ҳукуматнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги маърузасида айниқса сезилди. Маълумки, Олий Совет қимматбаҳо қоғозлар, иш кучи, товар ва ҳоказолар бозорини барпо этиш ўрнига нархнавони оширишдан иборат ёндашувни рад этди.

Иккинчиси. Регионал мустақилликка ўтиш яқинлашмоқда. Ўзбекистон субвенция олувчи, яъни умумиттифоқ бюджетидан озиқланувчи республика ҳисобланади. Лекин бу нарса ҳозиргача ўз бойликларимизни ўзимиз тасарруф қилмаслигимиз, мамлакатнинг ўзига хос хом ашё базасига айланганимиз ва ўз маҳсулотимиз учун ҳақиқий нархга эга бўлмаганимиз сабаблигина юз бермоқда. Бунга яқин орада барҳам берилиши аниқ бўлиб қолди.

Учинчиси. Иттифоқимизнинг бўлиниб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. У, шубҳасиз, депутатлар ҳам, М. С. Горбачев ҳам қайта-қайта айтаётганларидек, бошқача ҳуқуқий ва давлат доираларида ҳаракат қилиши керак. Лекин Иттифоқ расмий эмас, балки тенг негизларга ва ихтиёрийлик, ўзаро иқтисодий манфаатдорлик ва ҳоказолар принципига асосланган Иттифоқ бўлиши лозим. Ҳамма замонларда бирлик ажралишдан яхши бўлган, кўп кулфатлардан асраган.

Қонунларни қабул қилиш ва ишлаб чиқишда иштирок этувчилардан бири сифатида ўзимга билдирадиган тўртинчи истак — уларни ишга солиш механизмларини тезроқ ўйлашдир. Айтайлик, биз ўз қонунимиз билан жамоат ва норасмий ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солгандек бўлдик, лекин шунга қарамай фаолият кўрсатишига йўл қўйиб бўлмайдиган ҳар хил тузилмалар ҳалигача кўп, улар эса туби йўқ жарликка бошлайди. Нима учун жамиятни улардан ҳимоя қилиш механизми ишга солинмаяпти?

А.К. — Бу масалада мен сизга хайрихоҳман. Жамиятни карахтликдан уйғотганлиги, сиёсий ҳаётга қўшилишга ёрдам берганлигининг ўзи билангина норасмийлар жуда катта фойда келтирдилар ва келтирмоқдалар. Лекин ҳокимиятни ағдариб ташлашга қадар чақириқларга бориб етган чегараси йўқ қуюшқондан чиқишга йўл қўйиб бўлмайди. Қонун ўзининг салмоқли сўзини айтиши керак.

Жамиятда жуда мураккаб вазият юзага келганлигига қарамай ҳаммаси яхшилик билан тугашига ишонаман. Биз тўғри йўлдамиз, бизни, шубҳасиз, яхши замонлар кутмоқда. Бунинг устига, тез орада. Тўғри, бунинг биргина мажбурий шарти бор: агар миллий тотувлик вазияти бунёд этилса, мамлакатдаги аҳволни беқарор қилаётган миллатлараро низоларга узил-кесил барҳам берилса.

Шу сабабли СССРда инсон ҳуқуқлари қонун йўли билан мустаҳкам ҳимоя қилинадиган ҳолатга эришишни орзу қиламан. Ҳамма тенг бўлган маърифатли жамиятда бўлганидек.

В.О. — Батамом қўшиламан!

Мухбир: — Суҳбат учун раҳмат. Депутатлар В. Одилов билан А. Коршунов ўз наказларини ҳаётга тезроқ жорий этишларини тилайман.

Р. ТЭЛЛЬ.

Ш. ШОХАЛИЛОВ

МАФКУРАВИЙ ИШ ИСТОРИОГРАФИЯСИ: УНИНГ АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ

Тарихий-партиявий фан чуқур инқирозни кечирмоқда, бунинг сабабини жамиятни жар ёқасига олиб бориб қўйган, социализм идеаллари ва принципларидан чекинишга олиб келган омиллардан ажратиб бўлмайди. Барпо этилган механизм КПСС тарихини партия-давлат тепасидагилар фаолиятининг мулоҳазасиз маддоҳига айлантирдики, ҳатто ана шу ишбошилар кўз-кўз қилинган қадриятлар билан зидлашиб қолганда ҳам шундай бўлди. Қайта қуриш натижасида бошланган халқнинг сиёсий ва маънавий эркинликка чиқиши, демократик туб ўзгартиришлар фаннинг турғунликдан чиқишига, унинг аҳволи билан ҳаёт қўяётган талаблар ўртасидаги узилишни тезроқ бартараф этиш учун қулай шарт-шароитлар яратди.

30-йиллардан бери ҳукм сурган илгариги концепция ҳозирги пайтга мос келмайди. Буни эълон қилишдан, олимларни жамият олдида турган вазифалар характеридан келиб чиқадиган янги концепцияга амал қилишга даъват этишдан осони йўқ. Бироқ тарихий-партиявий фаннинг янгиланиши, унинг янги сифат касб этиши бунчалик оддий схема асосида юз бермайди. Эскича ёндашувлардан воз кечиш ғоятда оғир бўлиб, ҳатто зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлганида ҳам муайян ўтиш даврини талаб қилади. Зеро ҳар қандай концепция шундай тадқиқотлар механизми шаклланишини англатадики, бу механизм унинг табиатига тўлароқ жавоб бериб, тадқиқот усулларининг махсус «методологик» принциплари мажмуидан иборат бўлади, улар стереотип (андоза)ларга (бу ерда гап тарихий тадқиқотларнинг универсал принциплари ва методлари тўғрисида эмас, балки уларнинг сиёсий конъюнктурага мувофиқ ўзига хос тарзда талқин қилиниши тўғрисида бормоқда) айланади. Тадқиқотчилар авлодлари стереотиплар таъсирига қанчалик кўп берилса, уларни бартараф этиш шунчалик қийин бўлади.

Янги концепцияни ўзлаштириш жараёни фан босиб ўтган йўлнинг сабоқларини идрок этмасдан, камчиликлар, нуқсонлар, хатоларни аниқламасдан, қандай сабаблар инқирозга олиб келгани, унинг табиати қандайлиги, уни бартараф этиш учун нималар қилиш зарурлиги тўғрисидаги саволларга жавоблар изламасдан мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида, историографияга доир тадқиқотларни фаоллаштиришни талаб қиладики, бу тадқиқотлар айрим босқичларни ўрганишнинг муайян якунларини сарҳисоб қилиши: уларнинг ёритилиш даражасини, энг характерли қонуниятлари, тенденциялари, методологик нуқсонларини, бир хил муаммоларга эътибор бериб, бошқаларига эътибор бермаслик сабабларини аниқлаши керак.

Ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, ушбу мақолада Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 50-йилларнинг иккинчи ярмидан то 80-йилларнинг охиригача бўлган даврда КПСС мафкуравий ишига доир тадқиқотлар аҳволини историографик жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилинади.

Муаммони танлаш икки жиҳатни аввалдан белгилаб берди. Биринчиси —

ШОХАЛИЛОВ Шомансур, Ўзбекистон Компартияси МК мафкура бўлимининг лектори, тарих фанлари номзоди.

КПСС фаолиятида мафкуравий ишнинг ўрни ва роли. Уни гражданлик жамияти доирасида ҳаракат қиладиган чинакам сиёсий партияга айлантириш зарурлиги муносабати билан икки функция — назарий ва тарғиботчилик функцияси биринчи ўринга чиқади. Коммунистлар партияси сиёсий йўлининг таъсирчанлиги мамлакат ривожланишининг тенденциялари илмий таҳлил этилишига, турли социал группалар манфаатлари пухта аниқланишига, КПСС белгиланган социал-иқтисодий ва сиёсий программаларнинг амалга оширилиши эса кишиларни унинг тўғрилигига ишонтира олиш, уларни ўз томонига жалб эта олиш қобилиятига боғлиқдир.

Биринчиси билан чамбарчас боғлиқ иккинчи жиҳат шундан иборатки, янги масъулиятли вазифаларни бажармоқ учун мафкуравий ишни қайта қурмоқ лозим. Бунинг учун эса, жумладан, унинг турли тарихий босқичларда ташкил этилиш тажрибасини чуқур қайта идрок этиш, унинг ҳаётдан, кишилар манфаатларидан ажралиб қолишига, расмиятчиликка, кампаниячилик ва бошқа иллатларга олиб келган сабабларни аниқлаш, ниҳоят ана шу тажрибадаги қимматли жиҳатларни ажратиб олиш зарур.

Мақоланинг хронологик доираси танланишини шу нарса белгиладики, ўша вақтдаги ҳукмрон концепцияларга кўра кўриб чиқилаётган босқични изланиш учун энг самарали бўлган уч даврга бўлиш мумкин, чунки улар хилма-хил воқеаларга бой, мафкуравий ишнинг юксалиши, турғунлиги, сўнгра яна юксалиши билан характерланади.

* * *

Биринчи давр тахминан ўн беш йилни: 50-йилларнинг ўртасидан то 60-йилларнинг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу жамиятда «кенг кўламдаги коммунистик қурилиш» мафкуравий концепцияси кенг тарқалган давр бўлиб, бу концепциядан мамлакат ҳаётининг нафақат маънавий соҳаси мазмунини, балки социал-иқтисодий сиёсат йўналишини ҳам белгилаб берган назарий-сиёсий йўл-йўриқлар, ғоялар, шиорлар комплекси келиб чиқар эди. Бу партиянинг учинчи Программасида мустаҳкамлаб қўйилди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган «назария» билан объектив реаллик ўртасидаги узилиш яна ҳам катталашди. Тадқиқотчилар мазкур концепция мамлакат раҳбарияти алмашинганда нега жиддий экспертиза қилинмади деган саволга асосли жавоб беришлари керак бўлади. Қолаверса, уни амалда рўёбга чиқариш борасидаги иш жадаллаштирилди.

Бунинг сабаблари кўп, лекин асосийси, менимча, шундаки, ундан воз кечиш, ёки реалистик жиҳатларни кучайтириш учун тузатишлар киритиш ривожланиш суръатини бой беришга олиб келиши мумкин эдики, янги раҳбарият бундан жуда хавотирда эди. Ривожланган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетмоқ учун зарбдорларча меҳнат қилишга, меҳнат унумдорлигини оширишга даъват этувчи шиорлар доимо илгари сурилгани бежиз эмас. Кишилар онгида шакллантирилган олис келажакда эмас, балки ҳозирги авлод кўрадиган коммунистик жамият образи жамият социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда фаолликни авж олдиришга даъват этилган эди. Гарчанд бу уринишлар муваффақиятсиз тугаган бўлсада, вужудга келган вазият изланишга ундади.

Бу даврда қабул қилинган қарорларни баҳолашда ҳиссиётга берилмай, улар келтириб чиқарган салбий ҳолатларни бир ёқлама кўрсатмай, балки вужудга келган вазият таҳлилига ҳар томонлама ёндашув, барча ҳолатларни ҳисобга олиш, эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган ижобий жиҳатларни ҳам кўриш лозим. Акс ҳолда тарихий ўтмишни баҳолашда бошқаёққа, яъни воқеликни бўяб-бежаш ўрнига тарихни нуқул хатолар, ўпирилишлар ва ҳоказолардан иборат қилиб кўрсатишга оғиб кетиш ҳеч гап эмас. Бундай тенденция тарихий-партиявий тематикага доир нашрларда кўзга ташланди.*

Вазият зиддиятли эди. Бир томондан, Сталин вафотидан кейин мамлакатда бошланган либераллаштириш жараёни ишлаб чиқариш жараёнини демократиялаш, мафкуравий ишни авж олдириш, унинг самарадорлигини ошириш учун қулай муҳит яратди. Ижтимоий фанларни тушовлаб турган сиртмоқларнинг

* Мақола муаллифи журналхонлар эътиборини асосий нарсага тортиш мақсадида муаллифлар ва уларнинг нашрларини тилга олмади.

бўшашуви социалистик қурилишнинг актуал масалаларига, КПССнинг тарихий тажрибаси муаммоларига доир тарихий, фалсафий, иқтисодий тадқиқотларни авж олдириш имконини берди. Бошқа томондан олганда, ҳали шахсга сиғиниш давридаёқ рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатлар деб келинган кўп ақидалар партиявий ҳужжатларга, жамиятшунослар асарларига, демак, мафкуравий иш мазмунига ҳам кўчиб ўтган эдики, бу ҳол унинг таъсирчанлигида акс этди.

Ўша даврнинг ютуқ ва камчиликлари партия ташкилотларининг мафкуравий ишига доир тадқиқотлар сифатида худди кўзгудагидек акс этди. Асарларни нашр этилган вақтига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин: 50-йилларнинг охири — 60-йиллар ҳамда 70-йиллар — 80-йилларнинг биринчи ярмида эълон қилинган асарлар. Сиёсий вазиятнинг бир хилда эмаслиги уларнинг мазмунини белгилаб берган. Агар биринчи гуруҳ асарлар учун фақат ижобий жиҳатларни ўрганиш кўпроқ характерли бўлган бўлса, иккинчи гуруҳ асарларда ижобий жиҳатлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам қаламга олинди. Биринчи гуруҳ асарларнинг бир томонга оғиши шу билан изоҳланадики, тадқиқотчилар мафкуравий иш тажрибасидан жамоатчиликни баҳраманд этишга интилишди, ижобий жиҳатларгина кўрсатилган асарларгина шундай бўлиши мумкин, деб ҳисобланарди.

Мафкуравий иш тажрибасини «қизиғида» умумлаштириш зарурияти биринчи гуруҳга доир нашрлар орасида брошюралар ва мақолалар кўп бўлишини олдиндан белгилаб берди. Монографик тадқиқотлар кам учрайди. Партия комитетларининг жорий архивларидан анча кенг фойдаланиш янгилик бўлди.

70-йилларда тадқиқотларнинг умумий ҳажмида диссертациялар билан монографиялар анча кўпайди, уларда манбаларнинг кенг доирасидан фойдаланилди. Таҳлилнинг кўрсатишича, уларда мафкуравий ишнинг деярли барча асосий йўналишлари у ёки бу даражада ёритилади, аҳолининг турли тоифаларига коммунистик пропаганда воситаларининг тарбиявий таъсири тадқиқ этилади. Шу билан бирга партия ташкилотларининг ғоявий-сиёсий, байналмилал, меҳнат ва атеистик тарбия соҳасидаги фаолияти кўрсатилган, партия маорифи, лекция пропагандаси, оғзаки тарғиботнинг роли ёритилган асарларнинг кўплиги яққол кўзга ташланади.

Партия маорифи ҳамда иқтисодий таълим системасига катта эътибор берилди. Бу бежиз эмас эди, чунки кўриб чиқилаётган йилларда у икки дафъа чуқур қайта қурилган эди. Тадқиқотчилар ижобий тенденцияларни очиб беришга интилдилар, тингловчилар сони тез кўпайгани, ўқувнинг коллектив шаклларига эътибор кучайгани, пропагандистларнинг назарий савияси юксалгани қайд қилинди.

Шу билан бирга муаллифларнинг партия маорифи системасининг юксак таъсирчанлиги тўғрисидаги хулосалари бу ҳақда яққол фикр юритиш имконини берадиган аниқ кўрсаткичлар билан мустаҳкамланмади. Бунга мафкуравий иш назарияси ва методикасининг етарлича ишлаб чиқилмагани тўсқинлик қиларди. Социологик тадқиқотлар эндигина йўлга қўйилаётган бўлиб, ибтидоий метод ва программалар асосида ўтказилар, асосан статистика тусидаги ахборотларни йиғишни мақсад қилиб қўйган эди. Шахсга ғоявий таъсир кўрсатиш натижалари нуқул миқдорий параметрлар асосида баҳоланарди. Коммунистик тарбия таъсирига олинган кишилар миқдорининг кўпайганини, ўтказилган тадбирлар: лекциялар, учрашувлар, суҳбатлар, киносеанслар ва шу кабиларнинг миқдорини кўрсатиш унинг у ёки бу воситаси муваффақиятини исботлашга хизмат қилди.

Муаллифларни мафкуравий иш самарадорлигини баҳолашга ноилмий ёндошганликда айблаш бугунги кунда ҳаммадан кўра осон. Лекин бундай ҳолат сабабларини аниқлаш эса анча мураккаб иш. Бу тасодифий эмас эди, албатта. КПСС XX—XXII съездлари қарорлари жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, социал соҳаларида кенг кўламдаги туб ўзгартишларни белгилаб берди. Меҳнаткашлар мутлоқ кўпчилигининг уларда иштирокини таъминлаш вазифаси кескин қилиб қўйилди. Мафкуравий иш, шу жумладан сиёсий маориф системаси белгиланган программани амалга оширишга кўп миллионли оммани сафарбар этувчи муҳим восита бўлди. Шу муносабат билан ҳали жалб этилмаган кишиларни ўқувга жалб этиш муҳим эди. Шундай савол туғилади: партия органлари фаолиятини баҳолайдиган муаллифлар улар ишининг ана шу томонини четлаб ўтишлари мумкинмиди? Йўқ, албатта.

Адолат юзасидан таъкидлаш лозимки, микдорий кўрсаткичларни сифат характеристикалари билан тўлдиришга интилиш кўзга ташланди. Бирок мафкуравий иш самарадорлиги мезонларининг илмий тарзда ишлаб чикилган системасининг йўклиги баҳоларнинг принципиал жиҳатдан ўзгача даражасига чикиш имконини бермади. «Сифат» кўрсаткичлари яна ўша микдорий ёндашувга таянди. Партия ўкуви системаси тингловчилари умумий маълумот даражасининг ўсганлиги, ўрта маълумотли, сўнгра эса олий маълумотли пропагандистлар сонининг кўпайгани шундай кўрсаткич ҳисобланди. Бунда «кўнгилдагидек» социал-демографик кўрсаткичлар ўз-ўзидан машғулотлар сифатининг ошишини, демак, уларнинг самарадорлигини таъминлайди деб ҳисобланарди.

Партиявий ҳужжатлар йўл-йўриклари методологик жиҳатдан нотўғри ёндашувнинг сабабларидан бири эдики, улардан билармандлик килиш, мавҳум мезонлар тўкиб чикаришнинг ҳожати йўк, деган хулоса чикарди. Агар хўжалик фаолияти натижалари яхшиланса, меҳнат унумдорлиги ошса, демак ғоявий таъсир кўрсатиш тўғри ташкил этилган ҳисобланарди. Ўша давр учун характерли бўлган мафкуравий ишнинг ролини тор прагматик, вульгар тушуниш инсонни тарбиялаш ишига катта зарар етказди. У кўп жиҳатдан расмиятчилик, назариянинг ролини пасайтириш, уни амалиётда кориштириб юбориш, ялпи ёндашув ва бошка шу сингари салбий ҳодисаларни туғдирди.

Асарлар мундарижаси ва хулосаларидан Ўрта Осиё-Козоғистон региони шароитида сиёсий маориф системаси иш кўришининг спецификаси нимада эканини англаб олиш мушкул. Бинобарин, сиёсий ва иктисодий ўкувни ташкил этишда ҳисобга олишни талаб киладиган омил сифатидаги специфика тўғрисида гапириш мумкинми? Маҳаллий шарт-шароитлар ва ҳолатлар сиёсий маориф структураси мазмуни, шаклларига кандай таъсир килган? Тадкикотчилар, одатда, ана шу масалаларни четлаб ўтишган, бордию каламга олган бўлсалар ҳам, бу наридан-бери бўлган. Ўйлаймизки, бу соҳада тадкикотчилар учун кенг имкониятлар очилади. Ушбу муаммони ўрганиш коммунистик пропаганданинг жуда муҳим воситасига партиявий раҳбарлик тажрибасига доир билимларни анча бойитиш, партия маорифи системаси учун характерли бўлган умумий жиҳатлар маҳаллий специфик шароитларда кандай зоҳир бўлишини, умумий конуниятларнинг амал килиши хусусий, алоҳида жиҳат оркали кандай тасдикланганини кўрсатиш имконини беради.

Региондаги мафкуравий иш спецификаси тўғрисидаги масала — тадкикотчилар учун энг нозик, мураккаб масала. Тўғри, баъзи муаллифлар аҳолининг кўп миллатлик таркибини, оилавий-маиший шароитлар туғдирган мураккабликларни, уруғ-кабилачилик низоларининг, хотин-кизларга феодал-бойларча муносабатнинг саркитларини, турли кадимги урф-одатлар ва хурофотларнинг колдикларини таъкидлаб ўтганлар. Бирок аслида санаб чикишдан нарига ўтилмаган. Ўзига хос хусусиятлар партия ташкилотларининг амалий фаолиятидан ажралган ҳолда кўрсатилган.

Бу камчилик меҳнаткашларни байналмилал ва атеистик руҳда тарбиялашга бағишланган нашрларга камрок хосдир. Муаллифлар ана шу йўналишларнинг турли жиҳатларини ёритишган, уларнинг актуаллигини асослашган, хилма-хил шакллар ва воситаларни тавсифлашган. Бирок матнлардан килинган ишлар канчалик самарали бўлганини, муаммога концептуал ёндашув кандайлигини тушуниб олиш кийин. Теран хулосалар, аникланган тенденциялар кам, тўпланган тажрибанинг киммати нимада, кандай принципиал янгича — шаклан эмас, балки моҳиятан янгича ёндашувлар иш бергани аник эмас.

Ўрта Осиё билан Козоғистон партия ташкилотларининг мафкуравий ишига бағишланган адабиётни ўрганиб чикиш уни бир хилда салбий ёки ижобий баҳолаш имконини бермайди. Историография ривожининг аввалги боскичига нисбатан бир кадам олға ташланган. Бу тадкикотчилик фаолиятининг активлашгани, асарлар мундарижасининг актуаллашганида ифодаланди.

Анъанага кўра бу ўринда ўрганилмаган масалаларни санаб ўтиш мумкин эди. Бирок мен бундай килмайман, чунки максадим тадкик этилганларни кўрсатиш, ўрганиш керак бўлганларни белгилаб чикиш эмас, балки кўпрок нима учун айни шу муаммолар танлангани, улар аслида кандай кўриб чикилгани, нима учун бошкача эмас, балки айни шундай кўриб чикилганини аниклашдир. Бундай ёнда-

шилганда, менимча, олимлар янги авлодининг шу вактгача ўрганилгандек бўлиб кўринган мавзуларга қайтиши, лекин мавжуд камчиликларни ҳисобга олган ҳолда қайтиши ўринлидир. Тавсифчиликни, асарлар назарий савиясининг пастлигини, муаллифларнинг ўз нуқтаи назари йўқлиги, тенденцияларни, қонуниятларни чуқур таҳлил этмаслик, хатолар хусусида индамасликни шундай камчиликлар жумласига киритиш мумкин.

* * *

«Ривожланган социализм» концепцияси тарихий-партиявий фан тараққиётида янги даврни бошлаб берди, бу концепция социализм назариясида олдинга кетиб қолишга бир жавоб тариқасида пайдо бўлганди. Мамлакат ва партия раҳбариятига зийрак фикрловчи, объектив реаллик билан ҳисоблашиб иш кўрувчи кишилар келгандек эди. Бироқ тезда шу нарса маълум бўлдики, янги концепцияга реал вазифаларни қўйиш воситаси деб эмас, балки улкан «муваффақиятларни» исботлаши лозим бўлган пропаганда воситаси деб қаралди.

Ижтимоий фанлар жамият аҳволини, унинг зиддиятлари, муаммоларини чуқур ўрганиш ўрнига ривожланган социализмнинг «шак-шубҳасиз» афзалликларидан далолат берадиган «далил-исботлар» излашга йўналтирилди. Қийинчиликлар кўпайган сайин иқтисодиёт ривожининг динамизми пасайиб борди, совет кишилари турмуши пасаяверди, «ютуқларни» мақташдан иборат пропаганда кампанияси авж олаверди. Сўз билан иш ўртасидаги узилишнинг доимо кучайиб бориши мафкуравий иш самарадорлигини ошириш йўлидаги асосий тўсиқ эди, ҳолбуки бу вазифага эришиш учун беқиёс куч-ғайрат сафрланган эди. Шуларнинг бари тарихий-партиявий асарлар сифатига, уларнинг характери, йўналишига таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Бироқ бу гап уларда умуман эътиборга арзигулик ҳеч нарса йўқ деган маънони англатмайди. Мен 70-йиллар — 80-йилларнинг биринчи ярмида яратилган адабиётга нисбатан нигилистик муносабатга қаршиман, лекин уни танқидий таҳлил этиш тарафдориман.

Ўрта Осиё билан Қозоғистон тадқиқотчиларининг диққат-эътиборини меҳнаткашларни байналмилал тарбиялаш ҳаммадан кўра кўпроқ тортди. Монографиялар, диссертациялар, брошюралар, мақолалар, материаллар тўпламларида партия ташкилотлари фаолиятининг асосан ижобий томонлари ёритилди. Мабодо камчиликлар тилга олингудек бўлса, улар жиддий бўлмаган, иккинчи даражали эди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди ҳам, чунки масалан, айрим республикалар, регионлар, областларнинг иқтисодий ва социал ривожланишидаги жиддий мутаносибсизликлар, маданий сиёсатни амалга оширишдаги оғишларга доир муҳим муаммолар кўтарилган асарлар умуман чоп этилмасди. Ана шу ҳолни албатта ҳисобга олиш керак.

Ўша йиллардаги адабиётни ҳозирги билим нуқтаи назаридан бутунлай инкор этиш тенденцияси кишини ташвишлантиради. Ҳамма нарсани ўчириб ташлаб, янгидан ўргана бошлашга чақиришларнинг маъноси йўқ. Бу «ўша давр» тўғрисида бугунги кунда ёзилган, демак на ўша вақтда ҳукмрон бўлган қарашларни, на ўша давр руҳини акс эттирмайдиган асарлар бўлади. Бутун бир адабиёт қатламидан маҳрум бўлиб қолиш хавфи борки, уларнинг пайдо бўлиши тарихан зарурдир. Алалхусус уларда пировард натижада миллатлараро муносабатлар каби нозик соҳада зиддиятларнинг кучаювига олиб келган барча йўл-йўриқлар, ақидалар, адашувлар аксини топган.

Муаллифлар байналмилал жиҳатнинг миллий жиҳатдан устунлиги асос қилиб олинган ёндашувнинг тўғрилигини исботлашга интилиб келишди. Амалда эса бу республикалар зарарига марказни мустаҳкамлашга, миллийликнинг камситилишига, кўпгина анъаналар, маданият унсурларидан маҳрум бўлишга, миллий тилларнинг амал қилиши доираси торайтирилиши ва шу кабиларга йўл очиб берган жамики нарсаларнинг қўллаб-қувватланишига олиб келди. Бунинг оқибатида маҳаллий зиёлилар норозилиги кучайди, миллийлик билан миллатчилик ўртасидаги чегара аста-секин йўқола борди. Равшанки, миллийликни писанд қилмайдиган байналмилал тарбия жараёни таъсирчан бўлиши мумкин эмас эди.

Партия ташкилотлари ўтказиб келган атеистик тарбия Ўрта Осиё билан Қозоғистон олимлари учун тадқиқотларнинг анъанавий йўналиши бўлди. Фаолиятнинг зарур кадрлар тайёрлаш, атеистик тарбия шакллари, ғоявий таъсирнинг

турли воситаларидан фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби жиҳатлари кўриб чиқилди. Динга қарши тарғибот хусусиятлари кўрсатилди. Масалан, муайян мақсадни кўзлаб мунтазам равишда тарбиявий иш олиб бориш маҳалла комитетлари, хотин-қизлар кенгашлари активлари, тиббий муассасалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фаолият кўрсатишини тақозо этади. Истиқомат жойларидаги ишни ўрганиш партиянинг регион учун характерли бўлган специфик тажрибасининг зарраларини ажратиб кўрсатиш имконини берди.

Афсуски, муаллифлар атеистик тарбиянинг айни шу томонига жуда ҳам кам эътибор берганликларини қайд этишга тўғри келади. Улар зўр бериб анъанавий йўлдан бориб асосий эътиборни партия органларининг аҳолини қамраб олиш, пропаганданинг шакл ва методлари борасида кўрган ташкилий тадбирларини тавсифлашга қаратишган. Балки бу ҳам зарурдир. Бироқ агар материал нима учун у ёки бу тадбирлар танлангани, улар қандай амалий натижа бергани, нима нарса ўзини оқламаганини таҳлил этиш билан мустаҳкамланганида, асарларнинг илмий ва амалий аҳамияти ошган бўларди.

Мафкуравий иш илмий негизларининг анча фаол ишлаб чиқилиши — кўриб чиқилаётган давр адабиётининг диққатга сазовор хусусиятларидан биридир. Бу бир қатор омиллар: унинг миқёслари кенгайиши: коммунистик пропаганда назарияси ва методларини эгалламаган жамиятшунослар катта отрядининг жалб этилиши; вужудга келган шароитда унинг моҳиятини чуқур идрок этиш зарурлиги; унинг самарадорлигини ошириш эҳтиёжи; тарбияга комплекс ёндашиш муносабати билан ғоявий таъсир кўрсатиш айрим воситалари фаолиятини оқилона ташкил этиш учун уларнинг спецификасини аниқлаш муҳимлиги билан изоҳланади. Тадқиқотлар қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилди: ғоявий таъсир кўрсатиш жараёнида объектив ва субъектив жиҳатларнинг нисбати; коммунистик пропаганданинг асосий қонуниятлари, принциплари, функциялари, шакл ва воситалари; социалистик мафкура, илмий-назарий фаолиятнинг ривожланиши, бу соҳага партиявий раҳбарлик.

Мафкуравий иш назарияси ва методларининг ишлаб чиқилиши — турли ёндашувлар — социологик, социал-психологик, педагогик, тарихий, фалсафий ёндашувларнинг хусусиятларини аниқ тасаввур этиш, фойдаланилган кўпгина терминлар моҳиятини тушуниш имконини берган. Бу эса айниқса муҳим, чунки нашрларда чалкашликлар кўзга ташланади. Масалан, муаллифлар, одатда, «мафкуравий иш», «коммунистик тарбия», «ғоявий-тарбиявий иш» тушунчаларини айни бир нарса деб билишган. Ясама таърифлар учрайди, уларни асоссиз равишда чегаралаш ҳоллари мавжуд. Менимча, «мафкуравий фаолият» ва «мафкуравий иш» сингари тушунчалар маънодошдир. Бир қатор муаллифларнинг фикрича мафкуравий фаолият деганда илмий мафкуранинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини, омманинг куч-ғайратини сиёсатни амалга оширишга сафарбар этиш мақсадида марксизм-ленинизмни ёйиш ва унинг онгига сингдиришни тушуниш лозим. Мафкуравий иш эса нафақат билим бериши, балки тарбиялаши ҳам керак. Ўйлаймизки, айни ҳолда «мафкуравий иш» билан «сиёсий-тарбиявий иш» тушунчалари қўшиб юбориляпти. Мафкуравий иш билимларни ҳосил қилиш жараёнини ҳам, шунингдек уларни ёйиш ҳамда шу асосда меҳнаткашларни тарбиялашни ҳам ўз ичига олади, деб ҳисоблайман.

70-йиллар — 80-йилларнинг биринчи ярмида партия комитетлари архивларидан кенг фойдаланилди, тадқиқот усуллари бойиди, муаллифларнинг хулосалари ва умумлаштиришлари сермазмун бўлиб қолди. Ўрганиш нафақат тарихий-партиявий жиҳатдан, балки социологик, социал-психологик, фалсафий жиҳатлардан ҳам олиб борилди. Шу билан бирга аввалги нашрлардаги мавжуд камчиликлар: тавсифлаш, таҳлилий ёндашувга эътиборсизлик, кўпроқ ижобий тажрибани ёритиш, мавжуд камчиликлар табиатини аниқлашга жиддий уринмаслик сақланиб қолаверди. Бундай ҳолат регионда тарихий-партиявий фаннинг ҳам, шунингдек тадқиқотчилик ишининг ҳам аҳволи билан боғлиқ эди.

* * *

Муаммонинг ривожланишига 1985 йил апрелида асос солинди. Жамиятда бошланган қайта қуриш мафкура соҳасига, ижтимоий фанларга дахл қилмаслиги мумкин эмас эди. Бироқ тарихий-партиявий фанда йиғилиб қолган салбий ходи-

салар тарихчилар кўп сонли отрядининг онгини жиддий деформация қилгани туфайли уни қайта қуриш анча мураккаб иш кўринади ва анча вақтга чўзилса керак. Мафкуравий иш моҳиятини, унинг янгиланиш жараёнидаги ўрни ва ролини қайтадан идрок этиш бошланган пайтдан буён бир неча йилгина ўтди. Қандайдир батафсил хулосалар чиқариш учун бу муддат сира етарли эмас. Жиддий изланиш бормоқда, қарама-қарши хулосалар айтилмоқда. Мафкуравий иш тўғрисидаги аввалги ўн йилликларда таркиб топган қарашлар, тасаввурлар барбод бўлмоқда. Ҳар қандай ўтиш даври сингари ҳозиргисида ҳам эскилик билан туғилиб келаётган янгиликларнинг аломатлари мавжуддир.

Таҳлил яқин йиллар ичида икки турдаги асарлар пайдо бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Биринчидан, муаллифлари замонавий терминлардан фойдаланиб ютуқлар билан камчиликлар тўғрисидаги ахборотларни меъёрида ишлатиш, яъни тадқиқотнинг соф ташқи янги усулларидан фойдаланиш йўли билан тарихий-партиявий фанни қайта қуришга мойиллигини намойиш қилган асарлар. Иккинчидан ноанъанавий ва таъсирчан тадқиқотчилик ёндашувларидан фойдаланиладиган, у ёки бу муаммо бўйича ўз позицияси зоҳир бўладиган, аввалги концепциялар, қарашлар, стереотиплар амалий танқид қилинадиган асарлар.

Биринчи турдаги асарларга нисбатан ҳамма нарса тушунарли. Эртами ёки кеч улар фан уфқидан йўқолади. Иккинчи турдаги асарлар масаласида аҳвол мураккаброқдир, чунки партия тарихчилари улкан отрядидан иборат ўзига хос психологик тўсиқни бартараф этиш зарурки, уларнинг қарашлари танқидий таҳлил этилиши керак. Зеро уларнинг кўпчилиги асарларини турғунлик даврида ёзишган, бинобарин, улардаги мавжуд хулосалар, юмшоқ қилиб айтганда, ҳар доим ҳам воқеликка мувофиқ келавермас эди.

Бу ўринда нафсониятга, ҳиссиётларга берилмаслик ҳамда тарихий-партиявий фанда ҳали охиригача барҳам топмаган тормозлаш механизмини жонлантириш қатнашчилари бўлиб қолмаслик муҳим. Бу вазифани ҳал этиш тадқиқотчилар тафаккурини қатъиян қайта қуришни, уларнинг методологик тайёргарлигини яхшилашни тақозо этади. Бунинг учун чақириқларнинг ўзи кифоя эмас. Тайёрланаётган асарларни маъқуллаш ва сифатига баҳо беришнинг янги механизми зарур.

Муаллифлар партия комитетлари мавкуравий иш проктикасига кириб бораётган янги жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилмоқдалар. Диққат билан назар ташланса, гап асосан енгил ва амалга ошириш унчалик меҳнат талаб қилмайдиган ташкилий моментлар тўғрисида бормоқда. Бундай ёндашув мафкуравий ишни қайта қуришнинг моҳияти тўғрисида унинг дастлабки йилларида мавжуд бўлган тасаввурларни акс эттирарди. Жойларга юбориладиган қоғозлар миқдори камайтирилиб, меҳнат коллективларига кўпроқ бориб турилса, иш юришиб кетади, деб ҳисобланарди. Мафкура соҳаси ходими кишилар ҳузурига нималар билан боради, у уларга нималар дейди, одамлар унинг гапларига ишонадиларми-йўқми — бу масалалар кўтарилмаган.

Нашрларнинг диққатга сазовор хусусияти уларнинг кескин танқидий руҳда ёзилганлигидадир. Шу билан бирга аввалги босқичлардаги мавжуд камчиликлар кўпроқ танқид қилинган илгариги йиллардан фарқ этиб, қайта қуриш даврининг салбий ҳодисалари диққат марказида туради. Шу нарсани таассуф билан қайд қилишга тўғри келадики, улар кўп ҳолларда шунчаки санаб ўтилади, узоқ вақт давомида жамиятда юз берган деструктив жараёнлар билан ҳамиша ҳам боғланавермайди.

Шундай ҳоллар ҳам такрорланиб турадики, бунда социал-иқтисодий ривожланишдаги муваффақиятлар бевосита мафкуравий ишнинг аҳволи билан боғлиқ қилиб қўйилади. Мафкуравий ишга чекланмаган имкониятлар берилиши янги инсонни тарбиялаш ишида субъектив омилни абсолютлаштириш асос қилиб олинган ёндашув сарқитидан бошқа нарса эмас. У кўп зарар етказди, чунки мафкуравий иш ролини нотўғри белгилаш келтириб чиқарган хомхаёллар амалиёт билан тўқнашганда дарров чиппакка чиқди.

Ушбу даврдаги нашрларни таҳлил қилиш давомида қандай муаммолар, тенденциялар, нозик томонлар аниқланди? Биринчидан, мафкуравий ишнинг кечаги ва бугунги аҳволини танқид қилишга бир ёқлама оғиб кетиш юз берди. Уни ташкил қилиш тажрибасидаги мавжуд қимматли жиҳатларни кўрсатишга

эътибор берилмаётир. Иккинчидан, билишнинг диалектик методларидан фойдаланишга даъватлар етарли-ку, аммо амалда бунга қандай эришиш мумкинлиги тушунтирилмайди. Учинчидан, нашрларда «тарбия масалаларига эътиборни кучайтириш», «унинг таъсирчанлигини ошириш» керак деган маълум сийқа гапларни яна учратиш мумкин. Аслида, бу тадқиқотчилар ҳамон одатдаги андазалардан қутула олмаганини кўрсатади.

Ижтимоий ривожланишдаги салбий ҳолатлар сабабларини аниқлашга интилиш кўриб чиқилаётган даврдаги мафкуравий иш историографиясидаги ижобий ҳодисадир. Қарама-қарши икки нуқтаи назар кўзга ташланди: социалистик ғоянинг азалий иллатлари; социализмдан чекиниш, унинг қонунлари, принципларининг бузилиши ёки эътиборга олинмаслиги. Бу баҳс бугунги кунда ҳам тугамаган. Менинг фикримча, социализмни жинояткорлик, ичкиликбозлик, порахўрлик, миллатчилик ва шу сингари салбий ҳодисалар учун асос йўқ тузум сифатида таърифлаш ғайриилмийдир. У идеалистик позицияни ифодалайди.

Бугунги кунда партия мафкуравий ишининг тадқиқотчилари жамият социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши суръатларининг секинлашиб қолишидаги «ўз айбларини» тан олмоқдалар. Бу тўғридан-тўғри эмас, балки бевосита айбдир. У шундан иборатки иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлари ўз вақтида прогноз қилинмади, бўлиши мумкин бўлган оқибатлар жамоатчиликка етказилмади; аслида йўқ муваффақиятлар мадҳ этилди, салбий жиҳатлар хусусида эса оғиз очилмади, уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилмади.

Шу муносабат билан қайта қуриш шароитида мафкуравий иш системаси олдида турган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисидаги масала кескин бўлиб турибди. Ҳаётнинг ўзи, барча муаммолари, муваффақиятлари, қийинчиликлари билан социализмни янгилаш амалиёти унинг фаолиятининг моҳиятига айланиши керак. Мафкуравий ишнинг мазмунини фақат зоҳиран актуаллаштириш хавфи бор, бунда шиорлар муайян пайтнинг моҳиятини акс эттиради-ку, аммо кишиларни сафарбар қила олмайди. Ана шу тенденциянинг чуқур илдиз отишига йўл қўймаслик учун ҳозирги воқелик ҳодисаларини билишни, олдинда турган вазифаларни ҳал этишга, яқин ўтмишда мавжуд бўлган ва шу кунгача оқибатларидан қутулишга муваффақ бўлинмаган камчиликлар, салбий ҳодисалар, хатоларнинг ҳақиқий илдизларини чуқур очишга янгича ёндашувлар моҳиятини идрок этишни фаоллаштириш муҳим.

Назарий тадқиқотлар савияси ва сифатини анча ошириш зарур. Бу айниқса ижтимоий онг ривожи қонуниятлари, совет кишиларида янгича тафаккурни шакллантириш каби муаммоларга дахлдордир. Ҳозирча эса тарихчилар марказда туғилган ва республикалар ривожланишининг спецификасини яхши ҳисобга олмайдиган назарий концепцияларни кўрсатадиган фактларни излашни ўзларининг асосий вазифаси деб билиб келдилар ва билмоқдалар. Натижада талайгина олимлар куч-ғайрати фанни бойитадиган янги билимлар олишга эмас, балки аллақачон исбот қилинган нарсаларни исботлашга сарфланмоқда. Фақат муаллифлар мафкуравий ишнинг назарий ва методологик муаммоларини чуқур ишлаб чиқишга дадил киришсаларгина тарихий-партиявий фан унинг жамиятни янгилашда фаол катнашувини таъминлайдиган даражага чиқиш вазифасини ҳақиқатдан бажаради.

Ўрта Осиё республикалари билан Қозоғистон Компартияларининг 50-йилларнинг иккинчи ярми — 80-йиллардаги мафкуравий ишини историографик тадқиқ этиш эндигина қулоч ёймоқда. Бу жараённи чуқурлаштирмоқ учун бир туркум асарлар тайёрлаш талаб қилинадики, уларда мафкуравий ишнинг айрим йўналишлари ва воситаларига, уларнинг аҳоли турли тоифаларига тарбиявий таъсирига бағишланган адабиётнинг аҳволига баҳо бериш зарур. Бу историографларнинг турлича мулоҳазалари, хулосалари, қарашларини қиёслаш, тадқиқот ишининг аҳволи, унинг хусусиятларини характерлайдиган асосий жиҳатни аниқлаб олиш имконини беради.

Т. МАҲМУДОВ

ИСТЕЪДОД ВА ЖАМИЯТ

Инсон ва жамият, инсон ва табиат, даврнинг ўзаро муносабатлари жараёни ҳамиша мураккаб кечади. Инсониятнинг ижтимоий-тарихий амалиёти шу қадар фаоллашдики, даврнинг тезкорлигини ҳар қадамда теран англаяпмиз. Ҳаётимизнинг ўзгарувчанлиги, ижтимоий янгиланишларнинг миқёслари кенглиги вақтнинг «ҳаракатсизлиги» тўғрисидаги анъанавий тушунчаларимизни ўзгартириб юборди.

Ҳозирги замон кишисига ижтимоий, сиёсий, эстетик ахборотлар оқими шу қадар ёпирилдики, бу нарса шахснинг ижодий имкониятларига, маънавий-руҳий оламига таъсир этмасдан қолмади. Ахлоқий қарашлар ва эстетик оламни ҳис этиш, шакл ва мазмун, ғоялар ва борлиқ, орзулар ва уларнинг амалга ошиши ўртасида ижтимоий заруратга айланган кескин кураш кетмоқда. Замонамиз кишилари турмушнинг энг долзарб муаммоларига ўткир кўз билан қарамоқдалар. Ҳатто бугунги шеърият ҳам нисбатан «ҳушёр» ҳис-ҳаяжонларга кўмилган эмас, шеърий асарлар уйғунлиги, қаттиқ таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Санъат фақат миллий бир ҳодиса бўлибгина қолмай, шу билан бирга, ўзига хос бетакрор, ноёб маънавий феномендир. Ҳар бир миллий маданият мактаби, ҳар бир санъаткор ўз таланти даражасида инсоният маънавий бойлиги хазинасини бойитади ва янгилайди. КПСС МҚ сентябрь (1989 йил) Пленумида қабул қилинган КПССнинг миллий сиёсати бўйича Ҳаракат дастурида миллий маданиятлар камситилишининг ҳар қандай кўриниши кескин қораланиб, таъкидландики, «СССР барча халқларининг маънавий турмушини эркин ривожлантиришни таъминлашни ўз вазифаси деб билади. Бундай ривожланиш шаклларини халқларнинг ҳар бири қатъий белгилашлар ва чеклашларсиз мустақил равишда танлайди. Бутун мамлакат миқёсида маданиятларнинг ўзаро таъсири, худди шунингдек маданий турмушда бошқа мамлакатларнинг, бутун инсониятнинг иштирок этиши каби байналмилалчилик жараёнларини ривожлантириш учун шарт-шароитларни худди шундай демократик асосда вужудга келтириш лозим».

Ушбу жараён миллий маданиятлар ривожи учун тарихий заруратдир. Бизнинг кўп миллатли мамлакатимиз учун ижодкорнинг ғоявий-эстетик позицияси ҳам, дунёни эстетик идрок этиши шакл ва услуби ҳам муҳимдир. Чунки буларнинг ҳаммаси у ёки бу халқнинг маънавий меросининг бойлиги, ранг-баранглиги билан боғлиқ бўлиб, ўз халқининг ва даврнинг фарзанди бўлмиш ижодкорга ҳаётни бадиий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур англашига кўмаклашади.

Бугунги куннинг ва келажакнинг маънавий бойликлари ижодий илҳоми ва истеъдоди «халқ вужуди ва руҳи» билан чамбарчас боғлиқ тирик инсонлар томонидан яратилади. Бу билан улар тарих ва маданият ёдгорликларини кўпайтиради, совет санъати кашфиёти чегарасини кенгайтиришади. Мазкур ёдгорликларда халқнинг ўлмас руҳи акс этган. Маълумки, омманинг ижодкорлик ва руҳий захиралари мангу ва битмас-туганмасдир.

Инсониятнинг буюк маънавий хазинасини бойитиш учун, қалби инсонга,

---

МАҲМУДОВ Тилаб, «Санъат» журналининг бош муҳаррири, фалсафа фанлари доктори.

халкка, хаётга мехр-мухаббат рухи билан тўлиб-тошган ўзига хос, бетакрор шахслар зарур. Факат шу буюк мухаббат туфайлигина Гўзаллик деб аталмиш юксак махорат чўккиларига эришиш мумкин. Зеро Гўзаллик акл, калб ва онгли дунёкарашнинг кўшилишидан яратилади.

Бугунги кунда кайта куриш ғояси, эстетик ғояларни амалга оширишга комил ишонч билан яшаётган, юксак онгли, асл граждан санъаткорларимиз жамиятни янгилаш, демократия ва ошкоралик йўлида совет кишиларини илхомлантирадиган асарлар устида ишлашлари зарур. Ижодкор зиёлилар хал килиши керак бўлган ижтимоий-сиёсий вазифалар кўлами хам шундан келиб чикади.

Совет адабиёти ва санъатининг жамиятдаги ана шундай юксак вазифаси, ёшидан катъи назар хар бир санъаткор зиммасига катта масъулият юклайди.

М. С. Горбачев сўзларига караганда «Янги ижтимоий-сиёсий мухит-ошкоралик, ижодиёт ва мунозаралар, объектив, холисона тадкикот, танкид ва ўз-ўзини танкид эркинлиги мухити вужудга келди. Онгнинг чинакам революцияси давом этмокда. Бусиз янги хаёт куриш мумкин эмас... биз бугун шуни кайд кила оламизки, маданиятга рахбарликда маъмуриятчилик килиш, санъаткорларга ваъз-насихат килиш даври ўтмишда колди. Маънавий сохада беллашув, эркин ижодий изланиш вазияти аста-секин вужудга келмокдаки, бу нарса санъаткорнинг ўз социалистик жамияти олдидаги гражданлик масъулиятига асосланган» («Ўзбекистон коммунисти», 1988, 8-сон).

Жамият маънавий маданиятининг ривожи истеъдодларнинг гуллаб-яшнаши учун яратилган шарт-шароитларга, уларни ўраб турган мухитга ва гўзаллик йўлидаги санъаткорнинг баракали ижодига кўп жихатдан боғлик. Унинг ижодига эътибор бериш ва эхтиёт килиш, совет турмуш тарзи ва пролетар интернационализмини, халклар дўстлигини тараннум этувчи хаётий асарлар яратишга илхомлантириш — ижодий уюшмаларнинг энг мухим вазифаларидан биридир.

Ижод сохибининг ғоявий ва профессионал махоратининг ўсганлиги унинг халк хаёти билан канчалик боғликлиги, яратувчилик ва келажак учун инсонпарвар ижтимоий муносабатларни карор топтириш учун кураш диалектикасини нечоғлик хакконий ва самимий очиб бериши билан белгиланади. Инсоннинг ўзига хос, мураккаб оламини ўзида жамлаган, рухий дунёси тетик, иродаси мустахкам кишилар романлар, киссалар, бадиий фильмлар ва полотнолар кахрамонлари килиб олинмокда. Шунинг учун хам кўпгина санъаткорлар «давримиз кахрамонлари»ни фаол изламокдалар.

Бўлғуси авлодлар уни кандай тасаввур этади, даврнинг бадиий биографияси сифати улар хотирасида кандай сакланиб колади? Хозир фикрловчи кишиларни мана шу савол кўп ўйлантиради. Зеро хаёт кахрамонларга бой, лекин уларнинг образлари бадиий жихатдан етарлича умумлаштирилмаган, характерларга тўла, бирок улар охиригача очиб берилмаган, эстетик идрок этилмаган. Давр ва атрофимизда кечаётган вокеалар даражасида бўлиш учун хам эстетик идрок этиш махорати, хам аналитик фикрлаш кобилияти зарур: давр образи ва кайта куриш тенденциялари пафосини синтез килиш керак.

Хакикий санъаткорлар совет кишиларининг шундай тип ва характерларини яратишлари кераккн, социалистик шахснинг карор топиши бу бир бараварлаштириш ёки кандайдир нормага келтириш эмас, балки турмушимиз диалектикаси билан боғлик социал жонли жараён бўлсин. Жамият олдида юксак масъулият сезган ва катта ижодий имкониятларга эга санъаткорларгина инсон хаёти хар томонлама ва ёркин очиб берилган асарлар ярата олади.

Истеъдод шахснинг индивидуал фазилати бўлибгина колмай у умумхалк мулки хамдир. Талантли асарларда инсоният тараккиётининг маълум боскичдаги проблематикаси очиб берилади: бунда санъаткор хозирги замонни ўтмиш билан боғловчи бир бўғин бўлиб хизмат килади. Бинобарин, асарларининг ғоявий-бадиий архитектоникаси, уларнинг чинакам халк мулкига айланиши санъаткорнинг маънавий имкониятларига, карашларининг кенглигига ва ахлокий-эстетик идеалларининг юксаклигига боғлик. Асл санъаткор хамиша ўзини ўкувчи, тингловчи ва томошабин олдида асарнинг бадиий диди учун жавобгар деб билади; уни тарбиялаган жамият олдида ва инсонни инсон киладиган виждони олдида жавобгардир; санъаткорнинг замондошларимизнинг ички дунёсини, унинг ишларини очиб беришдаги жавобгарлиги хам худди шундан келиб чикади.

Бугун тингловчи, томошабин ва ўқувчи фаол фаолияти билан ўзини шахс деб билувчи қаҳрамонларга эҳтиёж сезмоқда. Адабиёт ва санъат инсон маънавий оламининг шундай нозик қирраларини кўрсатиш имкониятига эгаки, уларни бир қарашда мантиқан изоҳлаш қийин. Аммо ижодкор инсон турмушининг ички ва ташқи томонларидаги ўзаро боғлиқликнинг мураккаблигини бадиий образлар орқали очиб беради. Олиймақом ахлоқий сифатлар ва ҳаракатларни ўзида жамлашга хизмат қиладиган бадиий ижоднинг специфигаси ҳам ана шундан иборат. Совет санъатининг характерли хусусияти ҳам худди шунда бўлиб, замондошимизнинг ахлоқий қиёфасини гавдалантириш унинг эстетик принципида алоҳида ўрин тутади.

Бунда ахлоқийлик масалалари мавҳум яхшилик ва ёмонлик позициясидан ҳал қилинмайди, инсоннинг маънавий олами совет ватанпарварлиги ва пролетар инсонпарварлиги нуқтаи назаридан бадиий акс эттирилади. Биз декларатив ватанпарварликдан, дабдабабозликдан, ҳаётни бўяб-бежаб кўрсатишдан халос бўлиб бормоқдамиз. Ҳозирги вақтда санъат ва адабиётнинг муҳим вазифаси қайта қуриш манфаатлари йўлида халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган, жамиятда инсонпарвар принципларни қарор топтирадиган, меҳнаткашларни ғоявий-эстетик руҳда тарбиялайдиган, одамларни меҳнатга ижодий муносабатда бўлишга илҳомлантирадиган асарлар яратишдан иборат.

Бу ишда монументал ва халқ амалий санъати, китоб графикаси усталари алоҳида ўрин тутишади. Агар монументал асарлар халқда Советлар мамлакати учун фахр туйғусини уйғотиб, уни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаб, эстетик муҳит учун ўзига мувофиқ кенг майдонлар, хиёбонлар барпо этса, кичик формалари — амалий санъат ва китоб графикаси эса ҳар бир кишининг диди ва иштиёқига таъсир қилиб, унинг маънавий дунёсини бойитади. Инсон бу билан турмуш гўзаллигини бевосита идрок этади, ўзида ижодий негизни ривожлантиради, бу эса уни жамиятнинг фаол аъзоси қилади.

Ёшлар билан ишлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ижодий уюшмалар фаолиятининг бош йўналишларидан биридир. Ҳозирги пайтда бадиий маҳоратнинг мураккаб масалаларини иштиёқ билан чуқур ўрганаётган, ҳаётга фаол аралашаётган истеъдодли ёшларсиз бирон-бир ижодий муаммони ҳал қилиш қийин. Ёшлар иштирок этаётган кейинги деярли барча кўргазмаларда улар энг муҳим ғоявий-ижодий муаммоларни кўтариб чиқмоқдалар. Ўзбекистон ижодий уюшмалари қошида ёшлар бирлашмаларининг тузилиши янги талантларни кашф этиш ва тарбиялашда катта ёрдам бермоқда.

Инсон қанчалик маънавиятли, у ўтмиш ва ҳозирги маданий бойликларини қанчалик ўзлаштирган бўлса, у ўз бадиий ижоди мақсад ва вазифаларини шу қадар чуқур ва жиддий англаган бўлади.

Бугун шаклланаётган ёшлар — бизнинг келажагимиздир. Бинобарин, биз уларнинг ташвиши ва ўйларини тўғри илғаб олишимиз, уларнинг маънавий эҳтиёжлари ва ижодий режаларини билишимиз, имкониятларини диққат билан ўрганишимиз, уларга ахлоқий, ғоявий ва ижодий камолот йўлларини кўрсатмоғимиз керак.

Ҳақиқий санъаткор ҳамиша ижтимоий ҳаётнинг қайноқ нуқталарида бўлади. Мустай Карим сўзлари билан айтганда ҳозир шиддатли буюк ишлар даври кечмоқда; бу жараён инсон қалби орқали ёки унинг ёнидан ўтиши мумкин. Ижодкорнинг юксак гражданлик, ғоявий-сиёсий, ниҳоят фалсафий масъулияти шундаки, у буюк ўзгаришлар шиддатини юрагидан ўтказиб, ўша буюк ишлар ва орзуниятлар оқимида ўз ўрнини топсин ва ўз сўзини айтсин.

Санъаткорнинг жамият, давр ва халқ олдидаги бундай юксак масъулияти ҳақиқат ва эзгулик, адолат ва гўзалликнинг олий идеалларини қарор топтиришга даъват этилган санъатнинг инсонпарварлик моҳиятидан келиб чиқади.

Илмий техника инқилоби, инсон табиатини ва ижтимоий онг структурасининг ички «механизм»ини тадқиқ этиш асрида ижодкор шахс олдида яна бир муҳим вазифа — ўша буюк ўзгаришларни бадиий образларда акс эттириш вазифаси туради. Шунинг учун ҳам бадиий ижоднинг бир томондан халқ ҳаёти ва тарихини кенг ва эпик планда ёритишга интилиши, бошқа томондан эса, санъаткорнинг дунёни эстетик идрок этишининг фалсафий кўп қирралиги, ва, ниҳоят, санъатнинг

ифода воситаларини янгилашга иштиёқ ва келажакни бадиий ифодалашнинг адекват воситаларини топишга интилиш кўзга ташланади.

Ҳозирги замон кишисининг уни ўраб турган дунё билан алоқаси шу қадар мустаҳкамки, буни акс эттириш ва аниқлаш санъаткор ижодининг энг асосий вазифаларидан биридир. Айни мана шу йўлда ё инсон психологиясига чуқур кириб боришга эришилади ёки ўзини унинг шахсини фақат ташқи томондангина акс эттириш билан чеклайди.

Бадиий асарнинг ҳақиқий бойлиги фақат шахс ва жамиятнинг, инсоннинг инсон билан ўзаро мураккаб муносабатларини очиб бериш билангина эмас, шунингдек барча юксак гуманистик ҳаракатларнинг маънавий ифодаси бўлмиш «эстетик реаллик»ка эришиш билан ҳам белгиланади. Кейинги вақтда инсонни ўз-ўзи билан гаплашадиган, халқ виждони, онгли, социал зот сифатида тасвирлайдиган, унинг хатти-ҳаракатлари эса конкрет ахлоқий принциплар натижаси сифатида кўрсатиладиган полотноларни яратиш муҳим вазифа бўлиб қолди. Бунда инсоннинг ўзи билан ўзи гаплашиши, замоннинг долзарб муаммолари бўйича ўзига савол бериб ўзи жавоб қилиши унинг ташқи олам билан ижтимоий алоқаларининг чуқурлиги ва кўламини характерлайди.

Масала шу тарзда қўйилар экан, табиийки, санъаткор янги ифода воситаларини қидириши, образнинг декларатив-иллюстратив моделидан воз кечиши, психологик индивидуаллаштириш ва фалсафий умумлашмаларга ўтиши керак. Рассомлардан Р. Чориев, Б. Бобоев, В. Бурмакин, Г. Зильберман, Ж. Умарбеков, Б. Жалолов, А. Мирзаев картиналари, Ш. Бошбековнинг «Ёш гвардия» театрида қўйилган «Темир хотин» спектакли, Э. Эшмуҳамедовнинг киноленталари, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Солиҳ шеърияти худди шу томонлари билан ажралиб туради.

Ўзбекистон ёзувчилари, рассомлари, шоирлари ва кинематографчиларида гражданлик туйғуси ғоявий-эстетик позиция сифатида устунлик қилмоқда. Агар 50-йилларда кўпгина зиёлилар ижодида гражданлик туйғуси плакат-риторик планда акс этган бўлса, эндиликда у, асарнинг ғоявий-бадиий структурасидан келиб чиқиб, санъаткорнинг ҳаётга ижтимоий-фалсафий муносабатида намоён бўлмоқда.

Ёш истеъдодларнинг ижодий эволюцияси мураккаб ва ўзига хос жараёндир. Ўзининг дастлабки асари биланоқ муваффақият қозонган киши, умрининг охиригача поғонама-поғона кўтарилиб бориши керакдай туюлади: кейинги асарлари аввалгиларини тўлдиради ва айни вақтда бунёдкорлик қобилиятларини ривожлантириш учун янги имкониятлар очади. Истеъдод соҳибининг бундай тақдири ҳаммани қувонтиради холос.

Аслида эса кўпинча бунинг аксини кўрамиз. Афсуски, ижодда кўпинча муваффақият ва умидсизлик, гумонсираш, парвоз ва тушкунлик ёнма-ён юради. Ажойиб, зўр истеъдод билан бошланган ижод қанчалик шижоатли, ўткир оригинал, жўшқин бўлмасин, йиллар ўтиши билан аввалги ёрқинлигини, рангини, жозибасини йўқотади. Хўш гап нимада: туйғулар майдалашиб, фикрлар ўз моҳиятини йўқотадими? Фридрих Энгельс бу жараённи жуда яхши таърифлаган эди: «У ёки бу ёзувчида истеъдоднинг зарраси борлиги, у вақти-вақти билан бўлмағур бир нарсани ёзгани билан адабиётнинг қанчалик иши бор, агар у ҳеч нимага арзимасачи, агар унинг бутун йўналиши, унинг адабий қиёфаси, унинг бутун ижоди умуман сариқ чақага арзимасачи? Адабиётда ҳар ким ўзича эмас, балки бутун билан ўзаро алоқадагина қадрланади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 1-том, 477-бет).

Ҳаётни чуқур билиш ҳамиша ижоднинг энг асосий белгиси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Санъаткор ҳаётдан рағбат, илҳом олади, ҳаёт у яратган асарларнинг нечоғли ҳаққонийлигини синайди ва унинг ўзи у ёки бу асарга умрбоқийлик бахш этади ёки унуттириб юборади. Қаердаки турмуш бутун кўп қирралиги ва мураккаблиги билан кўрсатилган бўлса, қаердаки инсон тақдири ёрқин ва чуқур очилган бўлса — фақат ўша ерда ёзувчи ёниқ илҳом билан ижод қилади, бадиият муаммоларини конкрет ҳал қилади.

Санъаткор ўз асарларида муайян бир ижтимоий муаммони кўтариб чиққанидагина унинг истеъдоди ҳақида фикр юрита бошлашади. Бу хусусда СССР халқ артисти Шукур Бурҳонов жуда яхши гапирган: «Истеъдод — бу бир кўзгуки,

унда давр, замон ҳодисалари, воқеалари акс этади, у ҳаётдан озуқа олади, бойийди». («Советская культура, 1964 йил, 19 ноябрь). Дарҳақиқат, санъатнинг табиати шундайки, кўп йиллар давомида ўз замондошлари ҳақида салмоқли, йирик бир асар ярата олмаган ва дунёни индивидуал кўра олиш, идрок этиш салоҳияти билан ажралиб турмаган санъаткор аста-секин халқ назари ва янги одамлар, янги талантлар гуркираб ривожлантираётган санъат уфқидан тушиб қолади. Улкан санъат ҳаётни, турмушни такрорланмас бир тарзда, шахсан теран идрок этишни ва уни тегишли бир усулда бадиий акс эттиришни талаб қилади.

Маълумки, инсон фақат ижтимоий тараққиёт маҳсули бўлибгина қолмай, шунингдек табиатнинг бир бўлаги ҳамдир. Унда ҳамиша яхшилик ва ёмонлик негизлари англанган интуитив хатти-ҳаракатлар куртаги бўлади. Санъаткор истак ва имкониятлар, идеал ва конкрет мақсадлар, ҳавас ва оқилона ҳаракатларнинг бу курашидан юксак идеаллар йўлини танлаши керак.

Шак-шубҳасиз санъат, унинг ижтимоий вазифаси — ижодкор учун, унинг ишилик маданияти йўлида ўзини ақл эгаси сифатида намоён этиши учун энг муҳим нарса шудир.

Бирон-бир устоз санъаткор, йўналиш ёки мактаб таъсирида шаклланмаган санъаткор йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бировларда бу жараён нисбатан тез кечади, бошқаларда эса вақтинчалик характер касб этади, учинчи бир кишида эса бу унинг бадиий истеъдодига сингиб кетади. Албатта, санъаткор ниманингдир таъсиридан қанчалик тез қутулса, ўз йўлини топиб олса, дунёни ўзича идрок этса, ижобий натижаларга шунчалик тез эришади. Кўп ҳолларда табиий ўсиш ва шогирдлик даври узоқ муддатга чўзилади, бинобарин, биз ўзида талант учқунларини намоён қилган санъаткор қачон ўзини шахс сифатида намоён қиларкин, ўзлигини кўрсатаркин деб сабр қилиб кутамиз. Шунинг учун ҳам санъаткорнинг ғоявий-маънавий ва эстетик даражаси масаласи бугун долзарб бўлиб турибди. Маънавий қашшоқ, майда манфаатлар қобиғида ўралашиб қолган киши теран ва жиддий бир асар яратишга қодир эмас.

Шу билан бирга баъзан ёш санъаткорларнинг нокамтарин ишларининг гувоҳи бўламиз. Улар ўз асарларини кўрсатишни, тарғиб қилишни, турли конкурсларда иштирок этишни яхши кўришади, лекин ўз имкониятларига танқидий кўз билан қарай олмайдилар. Дарров ҳаммани «лол» қолдирсам, «ҳайрат»га солсам дейди. Ёшлардаги бундай кайфият ташвиш туғдиради.

Қамтарлик, ўз имкониятларига холис баҳо бера билиш — бўлғуси ижодкор шахс учун жуда муҳим хислатдир. Бу борада 1894 йилнинг март ойида Бадиий Академия Кенгашига хат ёзган рассом Николай Александрович Ярошенко бошқаларга ибрат бўла олади: «Академия аъзолигига сайланиши керак бўлган номзодлар рўйхатида менинг ҳам фамилиям бор. Менга маълум бўлишича бу дастлабки рўйхат... лекин барибир жиндак бўлса ҳам тасодифга йўл қўймаслик учун Академия Кенгаши эътиборини шу нарсага қаратмоқчиманки, мабодо сайланиш бахти менга насиб этиб қолса, мен ҳеч қачон академик унвонини ва у билан боғлиқ вазифаларни қабул қила олмайман, шу боис мени номзодлар рўйхатидан ўчиришингизни сўрайман» (Мастера искусства об искусстве. — М., 1970, т.7., с.99).

Жамиятимиздаги демократиялаш ва ошкоралик шароитида ҳаётимизнинг кўпгина воқеаларини танқидий идрок эта бошладик. Афсуски баҳс-мунозаралар тошқинида баъзида одоб, одамийликнинг энг оддий нормаларини унутиб қўйяпмиз, натижада тарих ва тарихий шахслар асосан қора бўёқларда акс эттиріляпти. Бу нарса ёш муаллифларнинг публицистик фикр-мулоҳазаларида кўпроқ учрайди, улар у ёки бу тарихий воқеаларнинг асл моҳиятини, сабаб ва оқибатларини очиб бериш ўрнига, ўзларининг дағалликларидан завқланадилар. «Ўзини» кўрсатмоқчи бўлган бундай танқидий ва публицистик нигилизмнинг социал-тарихий амалиётнинг диалектик жараёнларини объектив анализ қилишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу йўлдан кетиш шубҳасиз жамият ва шахснинг гуманистик изланишларини инкор қилишга олиб келади. Халқ тақдири ва тарихидаги танқидий қарашларда иззаталаблик, дидпарастлик ва нигилизмдан воз кечибгина, эстетик, фалсафий ва сиёсий мушоҳадаларда илмийлик ва объективликка эришиш мумкин.

Замондошимиз образини санъат асарларида гавдалантириш — жуда жиддий

ва долзарб муаммодир. Бу бир томондан меҳнат кишисининг ҳаёти ва фаолияти, революцион қайта қуриш билан, иккинчи томондан — давримиз идеалларини бадиий ва ҳаққоний акс эттирувчи юксак санъат асари яратиш билан боғлиқ. Ҳозир ҳар бир санъаткор келажак авлодларга нима қолдириши хусусида жиддий ўйлаши керак. Лекин ижодий зиёлилар биринчи навбатда ўз асарларининг ғоявий-бадиий даражасини ўйлашлари лозим.

Реалистик метод бадиий ифоданинг янги усулларини, услублар хилма-хиллигини инкор этмайди, аксинча уларни излашни тақозо этади. Зеро чинакам санъат асари ҳаётнинг ўзидай гўзал, жозибали бўлиб, санъаткор қалбининг инъикоси сифатида мангу қолади.

Турмушимиздаги у ёки бу воқеаларга берилаётган эстетик баҳонинг хилмахиллиги — давримизнинг характерли хусусиятларидан биридир. Ёш санъаткорларнинг ўтмишдаги устозлар ижодини, миллий анъаналарни ўрганишга интилиши, шарқ ва ғарб бадиий мактабларининг бадиий ифода усуллари ва услубларини боғлашга уриниши бугун яққол кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирча кутилган синтезга эришилганича йўқ.

Ҳар бир санъаткор санъатга ўз тематикаси, проблематикаси ва дунёни индивидуал кўришини олиб киради. Афсуски, кўплар қуруқ баёнчиликни оригиналлик деб тақдим этади ёки қабул қилади, муаммолар ўрнини мавҳум тушунча ва тасаввурлар эгаллайди. Услуби ҳеч кимникига ўхшамаслик, бу ҳали оригинал талант белгиси эмас. Андре Моруа шундай деб ёзган эди: «Оригиналликни ўлдириш учун эмас, уни аниқлаш учун қоида бўлиши керак. Ҳақиқий оригиналлик қоида ичида ҳам бўлиши мумкин» («Иностранная литература». 1974, № 1. с. 120). Оригинал ижодкорларсиз санъат бўлмайди, бироқ бетакрор бўлиш учун киши инсониятнинг бутун маънавий бойлигини ўзида мужассам эта билиши керак.

Санъат ҳамиша томошабинларни, ўқувчиларни, тингловчиларни жамият манфаатлари йўлида юксак идеаллар руҳида маънавий эътиқодли қилиб тарбиялаб келди. Бундай санъатни ижтимоий муаммоларни тўғри илғаб олган, уни тўғри тушунган кишилар яратади. В. Г. Белинский ҳар қандай буюк шоир, шунинг учун ҳам буюкки, деб ёзган эди, «чунки унинг изтироблари ва фароғатининг томирлари жамият ва тарих заминига чуқур кириб борган, бинобарин, у орган ва жамият, давр ва инсоният вакили. Фақат бачки шоирларгина ўзларича ва ўзлари орқали ҳам бахтли, ҳам бахтсиздирлар; бироқ уларнинг кушнинг чуғур-чуғурига ўхшаш бемаъни қўшиғини фақат ўзлари тинглайди, уларни жамият ҳам, инсоният ҳам билишни истамайди» (Русские писатели о литературном труде. — Л., Советский писатель. 1954. т. 1, с. 533).

Юксак гуманистик идеаллар билан яшаётган, воқеликни теран ҳис эта оладиган санъаткоргина ахлоқий ва эстетик гўзаликка, бахт-саодатга, маънавий камолотга чорловчи санъат асарлари ярата олади.

XXI / ML

МИЛЛИЙЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛЛИК: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ДИАЛЕКТИКАСИ

Мулоҳаза юритиш учун мавзу

Б. МИРЕНСКИЙ, А. РАСУЛОВ

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ кескинлашуви қайта қуришга турғунлик давридан мерос бўлиб қолган энг йирик муаммолардан биридир. Назаримизда, бугунги кунда жамият, давлат, маданият, маънавият учун ана шу нарса асосий хавф туғдиради.

Миллий туйғуларда ўзига хосликни, тил, анъаналар, урф-одатларни ҳимоя қилишдек, асрлар қаъридан етиб келган миллий қадриятларни нафақат сақлашга, балки кўпайтиришга ҳам бўлган қизғин истакдек адолатли, тушунарли интилишлар бор. Бу табиий миллий туйғулар ҳар бир миллат ва халқнинг сиҳат-саломатлиги учун малҳамдир. Ленинча миллий сиёсатни қўпол равишда бузишларни, миллий ўзлигини англашда чуқур чандиқлар қолдирган деформацияларни қатъий қоралаган партия ҳам бундай мулоҳазаларни қўллаб-қувватлаяпти. Давлат совет федерацияси тубдан янгиланишга муҳтож эканлигини эътироф этди.

Лекин ушбу жараёнда икки томон бор. Жамиятимизни демократиялаш кўплаб халқ ва элатларнинг ўз сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий аҳволлари хусусида ўн йиллар мобайнида йиғилиб қолган қониқмасликни очиқ айтиш, эски дардлари учун аламини тўкиб солиш, миллий тикланиш учун фаол агитация олиб бориш имконини берганлиги тушунарли. Шу билан бирга сиёсий маданият етишмаслиги, эҳтирос ва ҳиссиётлар жўш уриши шароитида халқнинг миллий онгига юқумли миллатчилик иллати суқулиб кираётганини кўрмаслик ҳам мумкин эмас, айни у ҳар қандай ижтимоий организмни эртами-кечми емирадиган, унинг иммун системасини, халқнинг қалбини кемирадиган заҳардир. Аҳвол яна шу билан мушкуллашяптики, миллатчилик бугунги кунда табиий миллий туйғулар, қайта қуриш билан боғлиқ миллий тикланиш ҳисобига кун кўряпти, ўз сиёсий ўйинини ўтмишдаги деформацияларга боғлаб олиб боришга интиляпти. Бунга у баъзан эришяпти ҳам, зеро миллий туйғулар нафақат ақл-идрокка, балки кўпроқ кишининг ҳис-туйғуларига ҳам дахл қилади. Бунга кўпинча, деярли ҳар доим оммавий психоз аралашадики, натижада ҳар қандай миллий ҳаракат албатта «душман» излашга киришади, ўзаро қонли низолар бошланади (буни тарих бир неча бор исботлаган). Ҳозир экстремистик кайфиятдаги миллатчи гуруҳлар бевосита уюшган жиноятчилик, амалпараст унсурлар билан боғланганлиги равшан бўлиб қолди, ССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг «Уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори буни тасдиқлади.

Коммунистик партиянинг миллий масалага доир Ҳаракат дастурини қабул қилган КПСС МК сентябрь (1989 йил) Пленуми миллатлараро муносабатлар муаммоларини ҳал этиш йўлларини белгилаб берди. Ҳолбуки, сўнгги беш йиллик кўрсатаётганидек, янги жиҳатга ўтиш ҳозирча қийин ва суст бормоқда. Бундан ушбу масала ҳам мустасно эмас. Қайта қуришга қабул қилинаётган қарорларни рўёбга чиқаришда ҳозирча мунтазамлилик, изчиллик ва, айниқса, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш учун самарадор механизмлар етишмаяпти. У нафақат «юқори»дагилар фаолияти билан, балки фақат биргаликдаги куч-ғайрат билан амалга оширилиши мумкин. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, назаримизда, миллатлараро муносабатларда ўтмиш хатоларини ҳадеб таҳлил қилиш ва гапираверишт тўғри эмас. Принцип жиҳатидан олганда бу хатолар энди ҳаммага маълум, уларга бўлган қизиқиш аста-секин сусаймоқда. Энг муҳими — истиқболда келгуси авлодлар йўл қўйилган хатоларни қайтадан тузатишига тўғри келмаслиги учун уларни ҳозир такрорламасликдир. Биз ҳуқуқий воситалардан, шу жумладан жиноий қонундан ҳам фойдаланиб миллатлараро муносабатлар ривожини тўғри йўлга солишга мажбурмиз.

МИРЕНСКИЙ Борис Аронович, юридик фанлар доктори; РАСУЛОВ Алишер Орифович, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири.

Қайта қуриш амалиётимизга назар ташлайдиган бўлсак, кўп вақтимиз беҳудага сарф бўлаётганини кўриш мумкин. Чунончи, партия ва давлат ҳокимиятининг юқори эшелонида миллий масалага доир қарорлар Тоғли Қорабоғ, Тбилиси, Фарғона водийси, Янги Ўзан ва бошқа жойларда юз берган маълум қайғули воқеалардан сўнггина қабул қилина бошланди. Натижада баъзан ташаббус ўз таркибига кўра хилма-хил бўлган «миллий уюшмалар» қўлига ўтиб қолмоқда. Уларнинг баъзи бирлари бизга ён босишсин дейишиб жойлардаги партия ва давлат органларига шантаж қилишмоқда. Масалан, республикамизда «Бирлик»нинг экстремистик қаноти миллатчилик шиорларини очиқойдин илгари сурмоқда ва ҳуқуқ-тартиботни бир неча бор бузди. Бизда Ўзбекистон демократик ҳаракати, Интернационал иттифоқ ва бошқа майда ташкилотлар ҳам мавжуд. Шу сабабли норасмий уюшмаларнинг активлашуви ва сиёсийлашуви жамиятимизда кўп партиялилик системаси яратилиши сари бевосита қадам эканлигини ҳеч ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

Лекин жамиятимиз янги сиёсий партиялар қандай негизда пайдо бўлишига, улар қандай мақсадни қўяётганлигига бефарқ қарай олмайди. Зўравонлик, миллатлараро низони тарғиб қилувчи, экстремистик, Конституцияга зид бўлган мақсадларни кўзловчи ташкилотлар ва ҳаракатларни тузиш ҳамда уларнинг фаолияти қонун йўли билан тақиқланиши керак. СССР халқ депутатлари Съезди томонидан мамлакатимиз Конституциясига тегишли қоидалар киритилдики, бутун совет ҳуқуқи ҳам ана шу негизда такомиллаштирилиши керак.

Миллатлараро муносабатлар ҳақида гапирганда тилларнинг ривожланиши ва қўлланиши масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас. Лекин бунда аввало шуни эслатиб ўтишни истардикки, совет халқининг янги тарихий бирлик эканлиги хусусидаги қоидани ҳеч ким инкор этган эмас. Бунинг устига, буни КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси ҳам «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги ўз резолюциясида тасдиқлади. Лекин у ҳақда негадир ҳеч ким эсламаяпти ҳам. Ахир, у — реал воқеликку! Бу реал воқеликни муайян кучлар емириш ниятида.

Шу муносабат билан беихтиёр савол туғилади: нима учун норасмий уюшмалар бошқа масалалар орасидан айни иттифоқдош республикаларда давлат тили муаммосини биринчи ўринга қўйишяпти. Шубҳасиз, миллий тилларни тиклаш зарур. Лекин бу асосда тенг ҳуқуқлиликни ва бошқа халқлар тилларига бўлган ҳурматни бузиш ярамайди. Ахир, айни шу масалада иттифоқнинг қонун чиқариш органлари умумий принципларни ўз вақтида ишлаб чиқиб олдиндан ҳаракат қилишлари керак эмасми? Ана шунда жойларда ҳам афсусланарли хатолар камроқ бўлар эди. Натижада иттифоқдош республикаларда давлат тили тўғрисида баъзан шошилинч қабул қилинган қонунлардан баъзи норасмий уюшмалар рус тилида сўзлашувчи аҳолини сиқиб чиқариш воситаси сифатида фойдалана бошлади. Маълумки, давлат тилини билиш мажбурий бўлган ижтимоий фаолият соҳаларининг рўйхати жорий қилинган, уни ўрганишнинг конкрет муддатлари белгиланган. Мисол учун, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги эса бунда янада илгарилаб кетиб, медицина муассасаларига барча ҳужжатларни, шу жумладан касаллик тарихларини ҳам ўзбек тилида олиб боришга бир йил давомида ўтиш хусусида кўрсатма берди (бу кўрсатма кўп ўтмай бекор қилинди). Шундай қилиб, давлат тилини жорий этиш учун қонунда кўрсатилган муддатлар бузилди. Бунинг устига уни ўрганиш учун шарт-шароит яратилмаяпти: юз минглаб кишиларни бепул ўргатиш учун дарсликлар, методик қўлланмалар, пухта тайёрланган ўқитувчилар, тегишли моддий база йўқ.

Айрим муассаса ва ташкилотларда йиғилиш ҳамда кенгашлар, гарчи кўп қатнашчилар тилни билмасада, фақат ўзбек тилида ўтказила бошланди. Чунончи, ТошДУ профессор-ўқитувчилар состави, аспирант, студент ва ходимларининг депуталикка номзодлар кўрсатиш бўйича 1989 йил охирида ўтказилган умумий йиғилиши ўзбек тилида бўлди. Кўплар гап нима ҳақда бораётганини тушунмади, лекин уларни йиғилишда қатнашишга мажбур қилишди, чунки уларсиз йиғилганлар миқдори етарли бўлмас эди. Бу фақат тиллар тенглигини бузибгина қолмай, шунингдек сайлов кампаниясига расмиятчилик билан ёндашишдир.

Тил муаммоси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ҳам кўзга ташланади. Терговчи ва судьялардан текшириш ҳамда суд ишини асосан ўзбек тилида олиб бориш талаб қилинади. Буни айбланувчилар ҳам фаҳмладилар, агар терговчи ёки судья принципиал эканлигини ҳис этишса, улар уни алмаштириш хусусида илтимоснома берадилар, буни ўзбек тилида кўрсатма беришни хоҳлашлари билан асослайдилар. Жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари ҳам, бунинг учун етарли асос бўлмасада, бир қатор ҳолларда ён берадилар.

Натижада социал-психологик кескинлик ўсади. Шу муносабат билан баъзи иттифоқдош республикаларда юзага келган аҳволни нормаллаштиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинди. Чунончи, бизда Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга доир чоралар тўғрисида»ги қарори (1989 йил октябрь) амал қилмоқда. Бутун Ўзбекистон бўйлаб бу қарорни муҳокама қилган ишчилар йиғилишлари, партия активлари бўлиб ўтди. Ҳамма жамиятда тартиб йўқлигидан ташвиш-

да, Қорақалпоғистон АССР дагина бу хил йиғилишларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишини яхшилашга доир икки юздан ортиқ таклиф айтилди.

Иттифоқдош республикаларда биргина туб ерли миллат тилининг давлат тили деб эълон қилиниши ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки мамлакатимизда—умуман бундай тузилмаларга эга бўлмаган кишиларда ташвиш уйғотди. Чунончи, Тожикистон ССРда давлат тили жорий этилганидан кейин рус тилида гаплашувчи аҳолининг минглаб вакиллари республикани тарк этишди. Улар орасида юқори малакали мутахассислар кўп бўлгани учун ҳам бу халқ хўжалигининг аҳволига салбий таъсир қилди.

Албатта ҳаётнинг ўзи муайян регион халқининг тилини ҳеч бўлмаганда мулоқот даражасида билишга мажбур қилади. Лекин, мисол учун, фломанд ва валлонларни бирлаштирувчи, ҳозир федераллашаётган Бельгияда бир-бирларига зўрлаб тил ўргатиш фикри ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Бошқа ҳар қандай соҳага қараганда тил соҳасида мажбурлаш чоралари ҳалокатга учраши эҳтимоли кўпроқ. Бу ерда турли характердаги рағбатлантириш чораларигина самара бериши мумкин.

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунидан келиб чиқадиган масалалар бўйича Ўзбекистон ССРнинг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси устида ишлаш ҳаётимизда тўғри тил сиёсатини қарор топтиришга қаратилган. Бу ҳуқуқий ҳужжатда гражданларнинг мулоқот, тарбия ва таълимда тилни эркин танлашга доир конституцион ҳуқуқларини камситишда, уларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини тил мотивлари асосида хўрлаш, тилдан фойдаланишда тўсиқлар ва чеклашларни барпо этишда ифодаланган давлат тили ёки бошқа тилларга менсимасдан ёки ёқтирмасдан муносабатда бўлиш учун, шунингдек ана шундай хатти-ҳаракатларни қилишга кишилар олдида даъват қилишлар учун жиноий жавобгарлик, мансабдор шахснинг гражданлар аризалари, шикоят ва таклифларини тил билмасликни баҳона қилиб қабул қилиш ҳамда кўриб чиқишни рад қилиши учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу қонун ҳужжати Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларидан келиб чиқади.

Афсуски, кўпинча миллий негизда юзага келадиган, ижозат берилмаган митинглар, намойишлар, юришлар социалистик қонунчиликни бузишнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлиб қолди. Бунинг устига, уларни ўтказиш пайтида тартибга риоя қилинса — милиция ходимлари ўз хизматини борган сари яхшироқ бажараётганини таъкидлаш керак, — улар тугагач, миллатчилик шиорлари васвасага солган оломоннинг кейинги хатти-ҳаракати қандай бўлишини олдиндан айтиш қийин. Айни шунда тартиб бузишлар содир бўладики, тасодифан учраб қолган кишилар уларнинг қурбонига айланади.

Бунинг олдини олиш учун жиноий қонунчиликни икки йўналишда такомиллаштириш зарур. Биринчи навбатда миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликни бузганлик учун, шунингдек оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги нормаларни рационаллаштириш зарур. Фарғона областидаги воқеалар бу нормаларнинг диспозицияларини қўллаш қийин эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари, тегишли органлар ходимларининг ҳуқуқий онги бундай нормаларни қўлланиш учун одатланмаганлиги, анча консервативлиги маълум бўлди.

Бизнингча, месхети туркларини РСФСРнинг олти областига шошилинч кўчиришда ҳам хатога йўл қўйилди.

Биринчидан, кам сонли халқ 45 йил ичида иккинчи марта кўчирилиб, ўз уй-жойи, мол-мулки, қариндош ва танишларидан маҳрум бўлди. Бу нарса сталинизм даврида эмас, қайта қуриш даврида юз берди, бу эса, шубҳасиз, кишилар бутун бир авлодининг онгида ўз аксини топади.

Иккинчидан, биз месхети туркларини кўчириш муаммосини этнография нуқтаи назаридан тадқиқ қилишга уринаётган ва улар қайси этносга — турк аҳолисигами ёки месхлар-грузинларга мансублиги хусусида баҳслашаётган олимларга мутлақо қўшилмаймиз (қаралсин: М. Салыкова, С. Яновский. Где сын твой, земля? — «Огонёк», 1989, № 50, с.31). Месхети турклари ўз тилига эга, ислом динига эътиқод қилади, Месхети-Жавахетида муайян территорияда бирга яшашган, ўзига хос маданиятга эга бўлганлар. Уларни ўз тарихий ватанларига — Грузия ССРнинг Ахалцике районига қайтариш бу ерни тиклаш учун янада кўпроқ имконият берган бўлур эди. Лекин этноснинг нима дахли бор экан?

Учинчидан, ўз интернационализми билан фахрланувчи ўзбек халқига ҳам жуда катта маънавий ва жисмий зарар етказилди. Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон кўчириб келтирилган, турли миллатга мансуб миллионлаб кишиларга жой берди, етимлар учун бутуниттифоқ болалар уйи бўлиб қолди. 1966 йилги зилзиладан сўнг Тошкентни мамлакатнинг бутун республикалари қурди, у халқлар дўстлиги рамзига айланди. Айрим юқори мансабли амалпараст, порахўр унсурларнинг жиноятлари туфайли ўзбек халқига «пахта мафияси» ёрлиғини ёпиштиришга уриндилар, энди эса баъзи жойларда Фарғона областида ваҳшийлик қилган жиноятчиларга қиёс қилиша бошлашди. Лекин ўлдирилган ва ярадор қилинган кишилар орасида ўзбеклар ҳам кўп эди.

Тўртинчидан, қанча жиноий ишлар қўзғатилиб, улар бўйича жиноятчилар жазоланма-

син, Фарғона воқеаларининг асосий айбдорлари ҳалигача озодликда юрибди. Месхети туркларини кўчириш уларга ён босишни англатмайдими? Бу нарса янги «қаҳрамонликлар»га руҳлантирмасмикин? Зеро, юз берган воқеани Тошкентда ҳам такрорлашга даъватлар бўлди-ку. Бўка ва Паркентда низони авж олдиришга уриниб кўрилди. Сўнгра, умуман бўлиши мумкин бўлмаган бошқа важ билан Андижон ва Ўш областларида фожиа юз берди.

Миллий ва ирқий тенг ҳуқуқликни бузганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилгач ва бундай жиноятларни баҳоловчи белгилар жорий этилгач, жиноий жазолаш хавфи анча самарадор бўлиб қолди. Хусусан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 11 апредлаги Фармони гражданларнинг ирқий ёки миллий мансублигига қараб уларнинг имтиёзларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд белгилаш сингари миллий ёки ирқий душманлик ёхуд низо туғдиришга, миллий номус ва қадр—қимматни таҳқирлашга қаратилган атайлаб қилинган хатти-ҳаракатлар ҳам уч йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этиш ёки икки минг сўмгача жарима солиш билан жазолашни кўзда тутади. Зўравонлик, алдаш ёки таҳдид солиш билан бирга қўшилган, шунингдек мансабдор шахс амалга оширган ана шундай хатти-ҳаракатлар учун беш йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки беш минг сўмгача жарима солиш билан жазоланиши кўзда тутилган. Шунга ўхшаш группавий хатти-ҳаракатлар ёки кишилар ўлимига ёхуд бошқа оғир оқибатларга олиб келган хатти-ҳаракатлар учун 10 йилга қадар озодликдан маҳрум этиш кўзда тутилган.

СССР Олий Совети томонидан эндиликда миллатлараро низони алангалантирувчилар фаолиятига чек қўйиш тўғрисида қонун қабул қилингач, экстремизмга қарши кураш анча осонлашди. Лекин бунда изчиллик муҳим. Чунки миллий ҳаракатларга хушомадгўйлик қилиш сиёсати фақат салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Баъзи совет органлари гоҳ намойиш ва митингларни ўтказиш учун рухсат беришади, гоҳ рухсат беришмайди. Бунда қандайдир қонуний жиҳатни белгилаш осон эмас. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари баъзан қачон жиноий қонунни қўллаш, қачон қўлланмаслик кераклигини билмайдилар. 1989 йили «Бирлик» норасмий уюшмасининг митинг ва йиғилишлари билан ана шундай аҳвол юз берди: уларга гоҳ рухсат берилди, гоҳ тақиқланди. КПСС МК сентябрь (1989 йил) Пленумининг якунларига ва партия ташкилотининг вазифаларига бағишлаб, ўтган йилнинг ноябрида ўтказилган Ўзбекистон Компартияси МК пленумида ана шундай амалиёт муносабати билан таъкидланганидек, экстремистик кайфиятдаги кучларга хушомад қилган, уларга ғоявий позицияларни бериб қўйган раҳбарлар битта-иккита эмас. Натижада ўтган йилнинг охири — шу йилнинг бошларида бундай кучлар сезиларли равишда жонланди. Жамоат жойларида миллатчилик, антисовет руҳидаги варақалар пайдо бўла бошлади. Аҳолини чалғитиш, ижтимоий муҳитни кескинлаштириш мақсадини ўз олдига қўйган митинглар ўтказилди. Лекин тезликда кўрилган чоралар воқеаларнинг хавфли ривожланишига йўл қўймади.

Баъзан социал шарт-шароит жиноий қонунни қўллашга тўсқинлик қилишини таъкидлаш лозим. Маълумки, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар муаммолари кўп жиҳатдан аҳолининг иш билан бандлиги паст даражада эканлиги билан боғлиқдир. Ҳозир республикада бир миллиондан икки миллион нафарга қадар ишга яроқли аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган. Улардан рационал фойдаланишга доир мақсадли комплекс программа, — чуқур илмий ишланма йўқлиги сабабли, — амалда рўёбга чиқарилмаяпти. Унинг белгиланган кўрсаткичларидан орқада қолиш йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Кейинги вақтда кўпгина низоларга аҳолининг ишга жойлаштирилмагани ҳам сабаб бўлмоқда.

Бундай аҳволда текинхўрлик билан, меҳнат қилмай яшаётганлик учун жавобгарликка тортиш амри маҳол.

КПСС МК сентябрь (1989 йил) Пленумида миллий муносабатлар соф ҳолда бўлмаслиги ҳаққоний равишда уқтириб ўтилди. Булар доим ҳар бир кишининг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор бўлган иқтисодий, социал ва бошқа муаммоларнинг мажмуидир. Шу сабабли миллий сиёсатни қайта қуриш базис вазифаларни — иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал қилишдан бошланиши керак.

Бир оз статистикага мурожаат қилайлик. Ҳозир Ўзбекистонда 20 миллиондан ортиқ киши яшамоқда. 1988 йили республикада 694минг киши туғилди, 434,7 минг киши, шу жумладан, бир ёшга етмаган 30,3 минг бола вафот этди. Шаҳар аҳолиси 8,1 миллион киши бўлиб, шаҳарлик ўзбеклар салкам 20 фоиздир. Ўша йили Ўзбекистондан мамлакатнинг бошқа районларига 213,6 минг киши кўчиб кетди, 164,8 минг киши эса кўчиб келди, яъни миграция натижасида республика салкам 49 минг кишидан маҳрум бўлди. Аҳоли сони беистисно юксак табиий ўсиш ҳисобига кўпаймоқдаки, у мамлакатдаги ўртача даражадан уч ярим баравар юқори. Лекин янги туғилган чақалоқларнинг ҳар мингтасидан 44—45 нафари ёшига етмасдан вафот этмоқда, бу эса умуман СССРдагидан қарийб икки баравар юқоридир. Мамлакатимиз ана шу кўрсаткич бўйича дунёда ривожланаётган мамлакатлар ўртасида нохуш ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистон аҳолисининг юксак даражада ўсиши (йилига 600—700 минг киши) яқин келажакда ҳам сақланиб қолади. Ваҳоланки, Ўрта Осиё республикаларидаги турмуш

даражаси иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан анча орқада бўлиб, амалда юксалмаяпти. Ўзбекистонда 9 миллион киши яшаш учун ойига 75 сўмга қадар даромад олади, бу эса турмуш кечириш эҳтиёжларини қондириш учун етмайди. Бу ҳол миллатлараро муносабатларда кескинликнинг доимий манбаи бўлиб, у иқтисодий соҳадаги жиноятчиликнинг юксак даражаси, «хуфия» иқтисодиёт мавжудлиги билан чуқурлашиб бормоқда. Бунинг устига қонунчилик, биринчи навбатда жиноий қонунчилик, ҳаёт эҳтиёжларидан жудаям орқада қолмоқда. Хусусан, яқин-яқиндагина қонун тақиқлаб келган нарсаларнинг кўплари бугунги кунда мақсадга мувофиқ деб топилди. Масалан, фаолиятнинг асосий тури сифатида хусусий фаолият билан шуғулланишга рухсат бермаслик шубҳасиз эскирди. Сўз давлат маҳсулотини хуфиёна сотиб бойлик орттирувчи «уддабуронлар», самогончилар, ўз даромадларини яширувчи кооператорлар, пора эвазига давлат клиникаларида даволовчи медиклар хусусида борганда, бундай тақиқни тушунса бўлади. Буларнинг турган-битгани «хуфиёна» бизнесдир. Айни унга қарши қўлланилаётган жиноий қонун самарасиз бўлиб қолдики, бу эса унинг кўпайишига имкон беради.

Жамиятнинг баъзи аъзолари томонидан бошқа аъзоларга ремонт-бинокорлик ва маиший хизматлар кўрсатилиши, ўзлари ишлаб чиқарган фойдали буюмларнинг сотилиши, уй-жойнинг ижарага берилиши, асосий иш вақтидан бўш пайтда шифокорлик билан шуғулланиши ва ҳоказолар бутунлай бошқача социал табиатга эга. Бундай хусусий фаолиятга нисбатан умуман жиноий-ҳуқуқий нормалар бўлмаслиги керак. Бу нормаларни «ўртачага олиб келиш» ҳеч кимга фойда келтирмайди.

Аграр секторни, қишлоқни қайта қуриш миллатлараро муносабатларни яхшилашда катта аҳамиятга эга. Пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш Ўзбекистондаги истисносиз барчани ҳаяжонлантираётган муаммо бўлиб, у муваффақият билан ҳал қилинмоқда. «Пахта» ишларига боғлиқ ҳолда бир талай асоссиз, ранжитувчи, таҳқирловчи айбларни эшитган Ўзбекистон меҳнаткашлари пахта муносиб баҳоланишга муҳтож бўлган ҳалол, фидокорона меҳнат билан етиштирилишини амалда исботладилар.

Лекин кечагина раҳбарликда масъул лавозимларни эгаллаб, 7 ва 8 миллион тоннали ўзбек пахтасини етиштиришга даъват қилган коммунистлар энди бузғунчи кайфиятларга очиқдан-очиқ хушомад қилиб, ўз тактикаларини кескин ўзгартирган, пахтани тамомила инкор этишгача бориб етган, пахтачилик комплексида планни барқарорлаштириш, устама нархлар ва ҳоказолар борасидаги чораларнинг ижобий характерини асоссиз равишда рад этаётган ҳоллар тез-тез учрамоқда. Уларнинг позицияси асос-далилли танқидга учрамаслиги ҳолларига эса умуман йўл қўйиб бўлмайди. Бу хусусда республика бошқарув органларининг ходимлари жим туришни афзал кўрмоқдалар.

Миллатлараро муносабатлар муаммоларини ҳал этиш йўли ижтимоий муносабатларни ҳар томонлама такомиллаштириш орқали ўтади. Шу муносабат билан СССР халқ депутатларининг II съездида М. С. Горбачев ҳозир исталган республикада ташвиш уйғотувчи фактлар мавжудлиги, биз келиша олмайдиган ҳодисалар кўзга ташланаётгани тўғрисида сўзлади. Лекин шунга асосланиб халқлар ҳақида, уларнинг позициялари ҳақида мулоҳаза юритиш ва асрлар мобайнида шаклланган, қийин синовлардан ўтган ҳамда ҳам ўз мамлакатининг, ҳам бутун кишилик цивилизациясининг манфаатлари йўлида жасорат кўрсатишга қодир бўлган катта ва аҳил оилага бирлаштирган барча нарсани шубҳа остига қўйиш мумкин эмас.

Қайта қуриш жараёни қонун ишлаб чиқишдаги қизғин фаолият билан характерланади. СССР Конституциясига анчагина ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, ижара ҳақида, суд тузилиши ҳақида, судьялар мақоми ҳақида, судга ҳурматсизлик кўрсатганлик учун жавобгарлик ҳақида, давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби ҳақида Қонунлар, мулкчилик, ер, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик, солиқ сиёсати, пенсиялар, отпускалар ва ҳоказолар тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга, гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган бир талай йирик қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди (ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноий қонунчилиги Асослари, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноий суд ишлари Асослари, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноий-ижрочилик Асослари лойиҳалари). Иттифоқдош республикаларнинг кўпчилигида, шу жумладан, бизнинг республикамизда ҳам янги жиноий кодекслар яратилмоқда.

Лекин бу йўналишда қонун чиқариш ишларининг ҳаммаси қандай ҳуқуқий нормаларни Қонун Асосларига, қайсиларини — иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш асосида кодексларга киритиш масаласининг ҳал қилинмаганлиги туфайли тормозланиб турибди. Амалда ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикаларнинг қонун чиқариш фаолияти, шу жумладан, жиноий қонунчилик соҳасидаги компетенциялари ўзаро нисбатини қайта кўриб чиқиш бормоқда. Бу нарса шартномавий ва меҳнат интизомининг пасайиши, маҳаллийчилик, группавий ва регионал худбинликнинг, хўжасизлик ва палапартишликнинг кучайиши шароитида юз бермоқда.

ССР Иттифоқи ва унинг субъектларининг қонунчилик компетенцияси аввало давлатимизнинг федератив тузилиши билан белгиланади. Натижада қонун чиқаришнинг амалдаги системаси шаклланди, бунга кўра ССР Иттифоқи тармоқ қонунлари асосларини, иттифоқдош республикалар эса — кодексларни қабул қилади. 1977 йилги СССР Конституцияси бу системани мустаҳкамлади.

Лекин «ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни чегаралаш тўғрисида» Қонун қабул қилиниши билан бу ҳол ўзгаришга эҳтиёж сезмоқда. Гап нимада? Маълумки, 1922 йилги Иттифоқ шартномасига кўра фақат иттифоқдош республикаларгина ССР Иттифоқининг аъзолари ҳисобланарди. Тилга олинган қонун устида узоқ вақт ишланиши натижасида барча автоном тузилмаларнинг ваколатлари анчагина кенгайтирилди. Иттифоқдош ва автоном республикалар ўртасида, шу жумладан улар ўртасидаги ваколатларни чегаралаш масалалари бўйича ўзаро келишмовчилик юзага келганда жанжални иттифоқ органи ҳал этади, мана шу қоида акс этган моддалар принципиал аҳамиятга эгадир. Автоном тузилмалар исталган иттифоқдош ва автоном республикалар, мамлакат области билан шартнома туза олиши муҳим аҳамиятга молик. Бу Қонун ҳам Иттифоқ шартномасининг бир қисми, пойдевори сифатида қаралмоқда, у автоном тузилмаларни ҳам қўшганда федерациянинг барча субъектлари шартномада иштирок этиши-этмаслиги ва қандай асосларда қатнашишлари кераклигини белгилаб бериши керак. Бу — мураккаб масала бўлиб, чуқур ишлаб чиқишни ҳамда ушбу қадамнинг барча эҳтимол бўлган оқибатларини баҳолашни талаб этади. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноий қонунчилигининг Асослари ҳам ўша масаланинг қандай ҳал қилинишига боғлиқ.

Бу борада турли нуқтаи назарлар бор, шу жумладан, баъзилар барча миллий-давлат тузилмалари жиноий-ҳуқуқий муносабатларни ҳам тартибга солувчи ўз қонунчилик системасига эга бўлиши керак демоқдалар. Лекин бу муаммо федерацияга зарар етказмаслик, уни заифлаштирмаслик нуқтаи назаридан туриб, ҳар томонлама қараб чиқилиши керак. Зеро, мамлакатимиз учун асосийси — федерацияни демократиялаш асосида мустаҳкамлашдир. Бизнингча, яқинда қабул қилинган «ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий муносабатларининг асослари ҳақида»ги қонунда федерация субъектлари ўртасидаги хўжалик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг мураккаб масалалари етарлича ўйлаб ҳал этилган. Ҳар бир миллий-давлат тузилмасига мустақиллик ва ташаббускорлик учун кенг йўл очиб бериб, қонун марказдан қочувчи кайфиятларни бартараф этишга, федерацияни ташкил этувчи барча субъектларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда уни мустаҳкамлашга имкон яратади.

Ш. ВАЛИЕВ

ИСЛОМ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИ социал-иқтисодий ва сиёсий ривожлантириш вазифалари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, шу жумладан динга, унинг ташкилотларига, дин арбоблари ва диндорларга муносабатни ҳам қайта қуришни талаб этмоқда. Бу нарса жамиятимизни демократиялашнинг, социал адолат ва ошкоралик принциплари қарор топишининг таркибий қисми бўлиб қолиши керак.

КПСС МҚ апрель (1985 йил) Пленумидан сўнг бошланган ўзгаришлар мамлакатда тарқалган барча динларга, шу жумладан исломга ҳам муайян таъсир кўрсатди. 1989 йил февралида Тошкентда мусулмонларнинг намойиши бўлиб ўтди. Улар кўтариб чиққан плакатларда ўзбек ва рус тилларида шундай деб ёзилган эди: «Шамсиддин Бобохонов — турғунлик самараси», «Муфтини партия бошлиқлари тайинламаслиги, балки мусулмонлар сайлаши керак», «Муфтилик — мерос қоладиган мансаб эмас», «Мусулмонлар — қайта қуриш тарафдори!» Намойиш ташкилотчилари унга экстремист унсурлар суқулиб кирмаслиги учун чоралар кўришди. Муфти Ш. Бобохоновнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган диндорлар унинг истеъфога чиқишига эришдилар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг IV қурултойида Ислом маъҳади (институти) ректори Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф муфтилик лавозимига сайланди.

Нима учун мусулмонлар ислом анъаналарига қарши бориб (имомни танқид қилиш мумкин эмасгина эмас, балки гуноҳ ҳам), муфтини лавозимидан олиб ташлашга қарор қилдилар? Нима учун қайта қуриш шароитида диндорлар фаоллашмоқдалар? Менимча, бу хил саволларга жавобни Совет давлати билан ислом ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихидан, партия ва совет органларининг руҳонийлар ҳамда мусулмонларга нисбатан бўлган фаолиятидан, ана шу дин аҳли ўртасида олиб борилган атеистик ишдан излаш керак. Бу нарсани нафақат реал муаммоларни тушуниш учун, балки, энг муҳими, ҳозирги шароитда атеизмни янада ривожлантириш йўллари ва мақсадларини белгилаш учун ҳам амалга ошириш зарур.

Диний масала Октябрь ғалабасидан сўнг ёш Совет давлати олдида юзага келган энг муҳим масалалардан бири бўлди, уни тўғри ҳал этмаслик эса бизнинг мамлакатимиздек ғоят кўп миллатли ва кўп динли мамлакатда социалистик онгни шакллантиришда қийинчиликларни пайдо этмаслиги мумкин эмас эди. Ўша даврда партияда зарур тажриба мавжуд эмас эди, бу соҳа олимлари ҳам йўқ эди. Шундай бўлсада, В. И. Ленин раҳбарлигида большевиклар, Совет давлати Октябрь революциясининг ғалабасидан сўнг бошқа масалалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда динга, унинг ташкилотлари, руҳонийлар ва диндорларга нисбатан амалий чоралар кўрдилар. Уларга В. И. Ленин томонидан Октябрдан анча аввал ишлаб чиқилган виждон эркинлиги принциплари асос қилиб олинди.

Ленин имзо чеккан, 1918 йил 23 январда қабул қилинган «Динни давлатдан ва мактабни дингдан ажратиш тўғрисида»ги декрет диний ташкилотларнинг дав-

ВАЛИЕВ Шукур Маликович, фалсафа фанлари номзоди, Андижон давлат педагогика институтининг проректори.

лат билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи асосий юридик ҳужжат бўлди. Унга мувофиқ давлат ва бошқа оммавий-ҳуқуқий низомларнинг амал қилиши ҳеч қандай диний удумлар ва маросимлар билан бирга олиб борилмас эди; ҳеч ким ўзининг диний дунёқарашини важ қилиб гражданлик бурчларини бажаришдан бош торта олмас эди; диний қасам бекор қилинди; гражданлик ҳолати актларини фақат Совет ҳокимиятининг органлари олиб борарди; дунёвий мактабларда дин ўқитилишига йўл қўйилмас эди; диний жамиятлар диндорларнинг ихтиёрий садақалари ҳисобига яшар эди. Декретда гражданларнинг виждони устидан Совет ҳокимияти вакилларининг ҳам, диний жамоаларнинг ҳам зўравонлик қилиши тақиқланган эди. Ҳар бир киши хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динни тан олмаслиги, яъни атеист бўлиши мумкин эди.

В. И. Ленин ислом анъанавий тарқалган районларда виждон эркинлигини амалга оширишга катта аҳамият берган эди. У РКП(б) VIII съездида шундай деган эди: «шу вақтгача ўз муллаларининг таъсири остида бўлган қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар каби халқларга нисбатан биз нима қила оламиз», шу сабабли «бунда айни миллатнинг ривожланишини, пролетариатнинг буржуа элементларидан табақаланишини кутиш керак, бу табақаланишнинг бўлиши эса муқаррардир» (Тўла асарлар тўплами, 38-том, 186—187-бетлар). В. И. Ленин партия ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органларига Совет ҳокимиятининг декретларини мусулмонлар оилавий-маиший анъаналари, тил, маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни, аҳолининг диний туйғуларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни таклиф қилди. РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин томонидан имзоланган «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатномасида шундай дейилади: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари каби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади» (В. И. Ленин. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1984, 493-бет).

Энг муҳим кафолатларнинг бири сифатида мусулмонларнинг асрлар мобайнида шаклланган эътиқод ва урф-одатларининг дахлсизлиги уқтирилган эди. Бу эса В. И. Ленин ва партия томонидан Совет Шарқидаги вазиятнинг ғоятда мураккаблиги чуқур тушунилганидан, янги жамиятни бунёд этиш йўлларини белгилашга инсонпарварларча ва реалистик ёндашилганидан далолат беради. Владимир Ильич айни меҳнаткаш мусулмонларга мурожаат қиларкан, ўлкада диний мансублик этник мансубликка қараганда кучлироқ салмоққа эга эканлигидан ҳамда барча халқларнинг вакиллари ўзларини аввало мусулмон деб билишидан келиб чиққан эди.

В. И. Ленин ўзининг амалий фаолиятида мусулмонларнинг эътиқоди, удумлари ва диний қадриятларига инсонпарварона муносабатида бўлиш намунасини кўрсатди. 1917 йил декабрида у имзолаган декретга мувофиқ «Усмон Қуръони» Россия мусулмонлари I съездининг делегатлари тасарруфига берилди; Самарқанддаги Регистон ансамбли минорасини тиклаш учун 1920 йилда маблағ ва техника ускуналари ажратилди; В. И. Лениннинг таклифига биноан Бухоро Халқ Совет Республикасининг вақф ерларини национализациялаш тўғрисидаги декрети бекор қилинди ва қозилар суди тикланди. Айни шу нарса, назаримизда, ислом руҳонийлари катта қисмининг Советлар томонига ўтишини, янги ҳокимиятни мустаҳкамлашда, партия ва ҳукумат қарорларини Ўрта Осиёда рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишини белгилаб берди. А. Вишневский ҳаққоний таъкидлаганидек, «дастлабки социалистик ўзгартишларни мусулмон руҳонийларининг бир қисми қўллаб-қувватламаганида, уларни мусулмон районларида амалга ошириб бўлмасди ҳам» («Наука и религия», 1990, № 3, с. 44).

1920 йили Тошкентда ташкил этилган «Маҳкамаи шариа» диний бошқармасининг раиси Мулла Абдулҳафиз маҳдум ва имомлардан Аъзамхон Маҳмудхўжаев, Муҳиддинхон Саидхонов, Норинбой қори Матғозиев ва бошқалар ўзларининг деҳқонларга қаратилган даъватлари билан 1925 йили Ўзбекистонда ер-сув исло-

хотини ўтказишга каттагина ёрдам бердилар. Шариатга ихлосманд камбағал деҳқонлар бойлардан мусодара қилинган ер, буюмларни олишни гуноҳ деб билган эдилар. Ана шу мураккаб вазиятда ислом руҳонийлари ўз мурожаатларида Қуръоннинг ер уни ишлаганга тегишлидир деган қоидаларига таянган ҳолда давлатнинг сиёсати адолатли эканлигини тушунтирдилар. Ўш шаҳри руҳонийлари ҳам ана шундай йўл тутдилар. Аҳолига қилинган хитобномаларда ислоҳот «шариатга мувофиқ қонуний» деб эътироф этилди, «ўзларининг ер участкаларини ва мол-мулкларини шаҳардан яширадиган» кишилар эса «худонинг душманлари ҳамда буюк пайғамбар ва худонинг дўсти Муҳаммаднинг нафратига сазоворлар» деб эълон қилинди. Баъзи мачитларнинг биноларига ўзбек тилида ёзилган «Яшасин ер ислоҳоти!», «Яшасин Совет ҳокимияти!» шиорлари илиб қўйилди.

Руҳонийларнинг реакцион қисми Совет ҳокимиятига қарши курашди. Улар орасида большевиклар мусулмон дини ва урф-одатларини йўқ қилади деб ҳисобловчилар ҳам бор эди. Уларнинг таъсирида баъзи районларда камбағаллар мусодара қилинган ерларни, айниқса вақф ерларни (яъни диний эҳтиёжлар учун эҳсон қилинган ерларни) олишдан воз кечдилар. Тошкент округининг тўққиз районида масалан, 193 киши чек ердан воз кечди, бу етмагандек уларнинг 38 нафари, улар орасида партия аъзолари ҳам бор эди, ерни аввалги эгаларига қайтариб берди.

Дарвоқе, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида кўпгина партия ташкилотлари (раҳбарлар бир қисмининг тажрибасизлиги ва сиёсий саводсизлиги натижасида) исломга қарши куч ишлатиш усулларини қўлладилар, диндорлар ва руҳонийларни таҳқирлашга йўл қўйиб бердилар. Лекин 20-йилларнинг ўрталарига келиб динга нисбатан пухта ўйланган сиёсат шакллана бошлади. Бунда Туркистон Компартияси VII съездининг «Туркистон шароитида динга қарши пропаганда тўғрисида»ги тезислари муҳим роль ўйнади. Тезисларда бу пропагандани «биринчи ўринга қўйиб бўрттириш» керак эмаслиги, диндорларнинг диний туйғуларини ҳақорат қилишга йўл қўймаслик кераклиги уқтирилди.

Мамлакатимизда бошқаришнинг буйруқбозлик-бюрократик тартиби ўрнатилиши билан динга ва унга эътиқод қилувчиларга нисбатан илмий ёндашиш эътибордан соқит қилина бошлади. Дин ва атеизмнинг дунёқараш соҳасидаги қарама-қаршилиги сиёсий қарама-қаршилик билан алмаштирилди. «Социализмда динга ўрин йўқ, у социализмга ётдир» деган концепция устун бўлиб қолди. Шундай қилиб, антагонистик тузумга хос бўлган диний зўравонлик ўзининг зидига — динга қарши зўравонликка айланди. Совет жамияти бир қисмининг тарихий онгидаги қинғайиш пировардида айни шу нарса билан боғланган.

1930 йили Сталин мамлакатни шундай бир хилликка узил-кесил олиб келдики, социализм гўё ана шундай бўлиши керак эди. «Бунда руҳонийлар ва диндорларнинг ўз бошидан кечирганларини тавсиф қилиб бўлмайди — бундай миқёслардаги таъқибни черков, эҳтимол, «Даққиюнус» замонларидан бери билмаган бўлса керак»,— деб таъкидлайди Д. Е. Фурман (қаралсин: «На пути к свободе совести»,— М., «Прогресс» 1989, с. 101). Шу муносабат билан академик И. П. Павлов 1934 йил 21 декабрда В. М. Молотовга юборган норозилик мактубини эсга олиш ўринли бўлади: «Менинг чуқур ишонишимча,— деб ёзган эди олим дард билан,— Ҳукуматимиз томонидан **диннинг таъқиб этилиши ва жанговар атеизмга ҳомийлик қилиниши — давлатнинг катта ва оқибатларига кўра зарарли хатосидир** (таъкид бизники.— **Ш.В.**)... Диндор бўлгани ва черков хусусида ғамхўрлик кўрсатгани учунгина айбдор бўлган қанчадан-қанча кишилар озодликдан маҳрум этилган, овлоқ, иқлими оғир жойларга сургун қилинмоқда ҳамда мажбурий ва кўпинча оғир меҳнатга маҳкум этилмоқда» (қаралсин: «Советская культура», 1989, 14 январь сони).

Дин ва диндорларга нисбатан бундай сиёсат Ўрта Осиёда ҳам амалга оширилган. 30-йилларда Ўзбекистон руҳонийларининг асосий қисми йўқ қилинди ёки концлагерларга юборилди. Октябрь революциясигача Самарқандда — 150, Тошкентда — 300, Бухорода — 430, Андижонда — 387 мачит ва мадраса мавжуд эди. Ўтмишда улар нафақат исломнинг, балки маданият, илм-фан, таълим-тарбия, санъатнинг ҳам масканлари бўлган. Сталин ҳукмронлиги йилларида уларнинг деярли ҳаммаси дин ва хурофотга қарши кураш ниқоби остида ёпилди, улар билан бирга талай адабиёт ҳам йўқ қилинди.

Шахсга сиғиниш йилларидаги мажбурий атеизм ва исломга қарши зўравонлик, сўнгра Хрущчев ва Брежнев даврида уларнинг бир оз юмшоқ шаклда бўлиши диннинг йўқолиб кетишига олиб келмади, аксинча, унинг аҳолига бўлган таъсирини кучайтирди. Мачит ва домла-имомларсиз қолган диндорлар яширинча ибодат қилавердилар. Жангари атеизм уларни ғазаблантирарди, холос.

Қайта қуриш мусулмонлар, руҳонийлар эҳтиёжларига ҳам даҳлдор бўлди. «Улар эзгулик ва адолат қонунлари асосида яшашни хоҳлайдилар,— деб ҳисоблайди Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси муфти Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф.— Ҳозир, кўриниб турибдики, яхшилик сари ўзгаришлар бошланди. Биз республика раҳбарияти диндорларга эътибор бера бошлаганини кўрдик, мамлакатда энди уларнинг қарашлари ва эътиқодларига ҳурмат-эҳтиром билан, муносиб муносабатда бўлинаётганини кўрдик» («Наука и религия», 1989, № 11, с. 15).

Ҳақиқатан ҳам, кейинги вақтда Ўзбекистонда, гарчи катта кечикиш билан бўлсада, исломга нисбатан ҳаддидан ошишлар бартараф этила бошланди. 1989 йилнинг ўзидагина маҳаллий ҳокимият органлари ишлаб турган 120 мачитни рўйхатга олдилар, уларнинг 69 таси омбор сифатида ҳамда бошқа хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиб келинган қадимий иншоотлардир. Муфти ва унинг ҳамкасбларининг телевидениеда, вақтли матбуотда чиқишлари, атеистлар билан мулоқоти одатий воқеа бўлиб қолди. Руҳонийларнинг вакиллари ҳеч қандай тўсиқсиз СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, маҳаллий Советлар депутатлари этиб сайланди. Илгари Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланган «Усмон Қуръони» мусулмонларга қайтарилди. «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларида Қуръон матни ўзбек ҳамда рус тилларида босилмоқда, «Фан ва турмуш» журналида эса Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадислари берилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ленинча виждон эркинлиги принципларининг Ўзбекистонда тикланаётганидан, руҳонийлар ва диндорларнинг ижтимоийсиёсий ҳаётда, тинчликпарварлик ва хайрия фаолиятида фаол иштирок этишлари йўлидаги тўсиқлар олиб ташланганидан далолат беради. Чунончи, 1989 йилда республикадаги диний ташкилотлар томонидан Тинчлик фондига салкам 60 минг, Маданият ёдгорликларини сақлаш фондига 30 минг сўм ўтказилди.

Шу билан бирга амалиёт диний, шу жумладан, ислом ташкилотлари ҳаётида ҳал қилинмаган муаммолар борлигини, улар руҳонийларни ҳам, диндорларни ҳам ҳаяжонга солаётганини кўрсатиб турибди. Ҳозирги вақтда мусулмон руҳонийлари икки оқимга ажралган. Биринчи (демократик) оқим тарафдорлари ислом ақидаларига асосланган ҳолда жамиятни соғломлаштиришда иштирок этмоқдалар. Диндорларнинг кўпчилиги улар таъсири остида.

Иккинчи оқим («ваҳҳобийлар») жуда мураккаб, зиддиятли оқимдир. Бир томондан, унинг вакиллари диний хизмат кўрсатиш учун пул йиғишга, дабдабали маросимларга қарши чиқмоқдалар, диндорларни социал адолатга, камтарона турмуш кечиришга чақирмоқдалар, бошқа томондан эса,— ўрта асрдаги ислом анъаналарини тиклашга интилмоқдалар, европача кийим кийишга, туб ерли миллат хотин-қизларини эркинликка чиқаришга ва ҳоказоларга салбий муносабатда бўлмоқдалар. Улар Қуръонни юзаки биладилар, мутаассибликка берилганлар.

«Ваҳҳобий»ларнинг хатти-ҳаракатлари демократик кайфиятдаги руҳонийлар ва диндорларни, коммунист ва комсомолларни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Қишилар билан қилган бир қатор суҳбатларимда мен бунга ишонч ҳосил қилдим. «Мен — диндорман,— ранжиб ҳикоя қилади андижонлик шофёр М. Д.,—лекин эрталаб соат 9 дан кеч 6 гача ишда бўламан, мачитга бориб номоз ўқишга имконим йўқ... Яқинда мулла: «Намозга келмайдиганларнинг уйида маросим бўлса, бизлар бормаймиз», деди. Бундан ташқари, у ота-оналардан қизлари мусулмонча кийиниб юриши устидан қаттиқ назорат қилишни талаб қилади. Мачит қуришга қарор қилинди, бунинг учун пул йиғишди. Мен 10 сўм бердим, улар эса норози бўлишди. Бизда нималар бўлаётганидан ҳайронман». Бир қатор жойларда мутаассиблар комсомол тўйларини ўтказишни тақиқламоқдалар, ҳозир биз тўқнаш келаётган кулфатларга гўё 72 йилдан бери исломни тақиқлаб келган коммунистлар айбдор деб уқтирмоқдалар.

Ислом ва руҳонийларнинг қайта қуриш шароитидаги ўрни ҳамда роли мураккаб бўлиб, зиддиятларга тўла. Ушбу муаммони турли йўналишлар бўйича

тадқиқ қилиш, дин арбоблари, диндор ва атеистларни жипслаштиришнинг самарали йўлларини белгилаш лозим.

Ўзбекистондаги сиёсий ва диний вазиятни соғломлаштириш ҳамда демократиялаштиришда ижодкор зиёлилар ўз ҳиссасини қўшиши керак. Афсуски, баъзи зиёлилар ўзбек адабиёти, публицистикасининг демократик анъаналаридан чекина бошладилар, исломнинг республикамиз халқлари тарихидаги ролини бир томонлама ёрита бошладилар. Бу, менимча, ўзлари тилга олаётган муаммоларни билмаслик, дин ва атеизм масалаларидаги саводсизлик натижасидир.

Диндорлик жонланаётган ҳозирги пайтда кишиларнинг умуминсоний маданиятнинг феномени сифатида динга бўлган ижобий муносабати кучайиб бормоқда. Диний ташкилотларнинг фаолияти активлашмоқда, аҳоли ўртасидаги атеистик иш сусайиб кетди. Қандай ғайримантиқий бўлмасин, партия ва идеология ташкилотлари уни ўтказишнинг тегишли илмий концепциялари билан қуролланмаганлиги билиниб қолди. Шу муносабат билан атеистик ишни қайта қуришга оид баъзи мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман. Биринчи навбатда у анархистларча, «Йўқолсин дин, яшасин атеизм!» шиори остида олиб борилган сталинизм ва турғунлик даврлари меросидан воз кечиш лозим.

Ҳозирги шароитда КПССнинг динга муносабатида икки жиҳатни — сиёсий ва дунёқараш жиҳатларини аниқ чегаралаб олиш керак. Партия, маълумки, ўзининг ғоявий позицияларидан воз кечмаган ҳолда атеистлар билан диндорлар ўртасидаги мулоқотни чуқурлаштириб боради, барча диний муассасалар қонун доирасида эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиб, кишилар ўртасида бирбирини тушунишга ўз ҳиссасини қўшишига қаратилган йўлни давом эттиради. Бу нарса, менимча, КПССнинг қайта қуриш босқичида динга нисбатан тўғри стратегик йўл-йўриғидир. У партия ташкилотларини марксизм-ленинизм ва диннинг дунёқараш соҳасидаги қарама-қаршилигини коммунистларнинг, шу жумладан атеистларнинг ҳам диндорлар билан сиёсий мухолифлиги оқимига йўллаш имкониятини истисно этишга мажбур этади.

Мамлакатдаги ҳозирги сиёсий вазият диний туйғулар билан чиқишмасликни қатъиян бартараф этишни, Худога ишонгани учунгина гражданларни таъқиб қилиш ва таҳқирлашларни тўхтатишни талаб этади. Коммунистларнинг динга, унинг ташкилотларига, руҳонийлар ва диндорларга муносабати қайта қуришнинг социал-иқтисодий ва сиёсий вазифалари, меҳнаткашларни жамиятни революцион янгилашнинг умуминсоний қадриятлар устунлигига ва янги сиёсий тарфаккурга асосланган мақсадлари билан белгиланиши керак.

Қайта қуриш давомида ленинча виждон эркинлиги принципларининг тикланиши инсоннинг диний эътиқодга бўлган дахлсиз ҳуқуқларини эътироф этишдирки, бусиз шахснинг чинакам эркинлиги ҳам мумкин бўлмайди. Дин узоқ муддатли истиқболни кўзлашини ҳам ҳисобга олиш керак, норматив давлат-дин муносабатларини ўрнатиш йўли билан жамиятни жипслаштиришни таъминлаш зарурлиги ҳам ана шундан келиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, қайта қуришгача бўлган даврда диндорларга нисбатан йўл қўйилган хатоларни тузатишни талаб этади. Ҳозирги шароитда руҳонийлар ва у ёки бу динга эътиқод қилган кишилар билан айниқса социал адолат, эзгулик ва ёмонлик, ахлоқ масалаларида кенг мулоқотни ривожлантириш муҳимдир. СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликларни тўлиқ рўёбга чиқариш қайта қуриш жараёнини жадаллаштиришда муҳим омилдир.

КПСС ва Совет давлатининг қайта қуриш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда динга, диний ташкилотлар ва муассасаларга нисбатан сиёсатини далилисботли тушунтириш атеистик ишдаги бошқа бир вазифа ҳисобланади. Шу билан бирга коммунистлар ўз ғоявий позицияларини, диннинг, диний муассасаларнинг СССР халқлари тарихидаги ролини, ҳозирги сиёсий ва социал ҳаётда уларнинг маданияти, санъати, анъаналари, турмуши ўйнайдиган ролни тушунишларини фаол ҳимоя қилишлари керак. Улар дин ва атеизм тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотдан янгича, ҳозирги реал воқеликдан келиб чиқиб фойдаланишлари, меҳнаткашлар ўртасида идеологик ишни ташкил этиш ва ўтказиш чоғида унга қатъиян амал қилишлари лозим. Бир томондан, коммунистлар, комсомоллар, иккинчи томондан, диндорлар ўртасидаги муносабатларда кескинлик бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда, диний ташкилотлар ва руҳонийлар сиёсий оппо-

зицияга ўтиши, миллатчи кучлар билан бирлашиши, улардан қайта қуриш мухолифлари фойдаланишлари мумкин.

Виждон эркинлиги масалаларини ҳал қилишга партия комитетларининг аралашувидек зарарли амалиётга барҳам бериш зарур. Бунда Ўзбекистондаги бир қатор партия ташкилотларининг хатти-ҳаракатларини эсга олиш ўринли бўлади, улар гўё қайта қуриш шароитида атеистик иш бекор қилинади деб уни эътибордан соқит қилдилар, диний маросимлар хусусидаги қонунларга риоя қилмаслик фактларига эътибор бермаяптилар. Баъзи партия ва совет органлари, корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари бу қонунларни сайловолди кампаниялари давомида ўзлари... буздилар. Чунончи, мачитларга биринчи бор келишлари биланоқ диндорлар тўғрисида «ғамхўрлик» кўрсата бошладилар, уларнинг моддий эҳтиёжлари билан қизиқдилар ҳамда ...уларни тезкорлик билан қаноатлантирдилар: давлат ҳисобидан тақчил моллар билан таъминладилар. Шу билан сайловчиларда диннинг жамиятдаги ўрни ҳақида носоғлом тасаввурлар пайдо бўлди, айрим мулла ва товламачилар учун диний чайқовчилик қилишга йўл очиб берилди.

Биз, коммунистлар, К. Маркснинг қуйидаги фикрини доим эсда сақлашимиз керак: «ижтимоий фаолият, у қанчалик камтарин характерда бўлмасин, ҳар бир кишига фавқулодда янгиловчи таъсир кўрсатади» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 27, с. 418).

Атеистик ишни қайта қуриш бир қатор конкрет чоралар кўришни талаб этади. Уларга, менимча, қуйидагиларни киритиш мумкин:

— атеист пропагандист ва лекторларни атеистик тарбия ва диннинг тарихдаги ролига баҳо беришнинг янги концепцияси билан қуроллантириш, атеизм коммунистик тарбиянинг ҳал қилувчи ва асосий қисми сифатида қаралган, дин эса социализмга ёт, реакцион деб ҳисобланган, диндорларнинг ҳуқуқлари камситилган андозаларга барҳам бериш;

— марксизм-ленинизм университетлари, курс ва семинарларда профессионал атеистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системаси ҳамда мазмунини янгилаш; ўқитиш программаларига исломнинг Ўзбекистон тарихидаги ўрни ва роли, ушбу дин тарихи, Ўрта Осиёдаги фалсафа, атеизм, ҳурфикрлилик тарихи, республикада диний масаланинг ҳал этилиши тўғрисидаги мавзуларни киритиш;

— оммавий ахборот воситаларида совет жамияти ҳаётининг турли босқичларида, жумладан, қайта қуриш даврида исломнинг, руҳонийларнинг роли ҳамда ўрнини мунтазам ёритиб бориш;

— кишиларнинг диний ва атеистик онгини, аҳолининг ислом, унинг ақидалари ва маросимлари ҳақидаги жамоат фикрини чуқур ўрганиш;

— атеистик пропагандада мунозара, сиёсий клублар, баҳолар, руҳонийлар, диншунос олимлар билан учрашув сингари таъсирчан шакллардан кенг фойдаланиш;

— Ўзбекистон халқ таълими системасида «Ислом: тарих ва ҳозирги кун» курсини жорий этиш.

Бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, менимча, Ўзбкистондаги сиёсий вазиятни соғломлаштиришга, уни социал-иқтисодий ва маънавий ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга кўмаклашади.

СОЦИАЛИЗМ ЗАМОНАВИЙМИ?

А. БУТЕНКОНИНГ «ҲОЗИРГИ СОЦИАЛИЗМ»* КИТОБИ ҲАҚИДА МУНОЗАРАЛИ МУЛОҲАЗАЛАР

ТАНИҚЛИ СОВЕТ жамиятшуноси А. Бутенконинг китоби нашр этилиши социализм назарияси ҳамда уни мамлакатимизда амалда рўёбга чиқариш муаммолари билан шуғулланаётган барча кишилар учун катта воқеа бўлди. Китобхонлар ундан яқиндагина узил-кесил ҳал этилган деб ҳисобланган, эндиликда эса олимлар олдида янада кескин тарзда кўндаланг турган кўпгина саволларга жавоб топишдан умидвор бўлган эдилар. Лекин улар асар билан танишиб чиққач, қаноат ҳосил қиладилар деб ишониб бўлмаса керак. Бунинг бир неча сабаблари бор. Китобнинг барча фазилат ва камчиликларини батафсил таҳлил қилиб ўтирмасдан, ундаги бир қатор принципиал назарий қоидаларни танқидий мушоҳада қилмоқчиман.

Китоб, афсуски, социализм назариясини бойитмаганини аввал бошданоқ таъкидламоқчиман. Ундаги конкрет баёнлар кейинги пайтда эълон қилинган, шу жумладан муаллифнинг ўзи ёзган мақолалардаги фикрларни у ёки бу даражада такрорлайди. Мутахассислар асардан бирор янги, дадил, кутилмаган кашфиётларни топмайдилар. Бунинг устига, социализм назариясининг баъзи асосий муаммолари ғоятда чалкаштирилган, натижада у ёки бу бўлимлар мазмунидан жуда хилма-хил хулосалар чиқариш мумкин, шу муносабат билан юзага келадиган саволлар эса ечилмай қолаверган.

Мисол учун, социализм таърифини олиб кўрайлик. У негадир асарнинг хулоса бўлимида келтирилган: «Социализм — меҳнат кишисини эксплуатация ва зулмдан озод этувчи, уни ижтимоий ҳаёт марказига қўювчи, уни соҳибга айлантирувчи, «ҳар бир кишининг эркин ривожланиши барчанинг эркин ривожланиши шарти бўлиб қолиши» учун шарт-шароит яратувчи тузумдир» (295-бет). Фараз қилайлик, бу — тўғри таъриф. Лекин бунда бир қанча ноаниқликлар юзага келади. Биринчидан, социализм унга нисбатан олганда жамиятнинг олий ҳолати бўлмиш коммунизмдан нимаси билан тафовут қилади? Зеро, коммунизмга ҳам тўла равишда ана шундай таъриф бериш мумкин. Иккинчидан, «меҳнат кишиси» нима дегани? Агар бу тоифага капиталистик (ва токапиталистик) эксплуатация қилинадиганларнигина киритсак, бунда, мисол учун, ўқитувчилар, врачлар, юристлар, олимлар, кутубхоначилар, маъмурий аппарат амалдорлари умуман «меҳнат кишиси» бўлмай қолади. Бинобарин, уларни нимадан озод этиш зарур?

Ривожланган капиталистик мамлакатлардаги катта маош олувчи малакали ишчилар ва бошқа ёлланма ходимларнинг ижтимоий истеъмол фондларидан фойдаланувчи, ўз иродасини эркин изҳор этувчи, реал амал қилувчи конституциялар кафолат берадиган, давлат ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш тартиботлари, касаба союзлари ҳимоя қиладиган кенг доирадаги сиёсий, социал, юридик ҳуқуқларга эга бўлган унчалик кам сонли бўлмаган тоифаларини, қолаверса агар бу «меҳнат аҳли» ўзлари ишлаётган корхоналарни бошқаришда у ёки бу шаклда иштирок этаётган, унинг акцияларини харид қилган бўлса, нимадан халос этиш лозим? Бунинг устига, уларни эксплуатация қилаётганлар ҳам, наҳотки, «меҳнат аҳли» бўлмаса? Масалан, ишчиларни ёлловчи, ўзи ҳам улар билан баббаравар, ҳатто улардан ҳам кўпроқ ишловчи фермер меҳнат кишиси эмасми? Ёки тақасалтангликдан қочувчи бизнесменни олсак (айни меҳнатсеварлиги учун ҳам у бойиб бораверади).

Учинчидан, эксплуатация деганда нимани тушуниш керак? Агар бу, Бутенко таъкидлаганидек (295-бет), бир киши яратиб, иккинчиси эгаллаб оладиган қўшимча маҳсулотни ўзлаштириш бўлса, ҳозир тан олинганидек, социализмда сақланиб қоладиган меҳнатнинг анъанавий тақсимоти, товар-

* А. Бутенко. Современный социализм. М., Политиздат. 1989, 303 с.

пул муносабатлари ва бозор хўжалиги шароитида умуман ундан халос бўлиш мумкинмикин? Зеро, ёлланма меҳнат бор экан, қўшимча маҳсулот ҳам мавжуд, у муқаррар равишда бир хил кишилар томонидан ишлаб чиқарилади, бошқалар томонидан эса ўзлаштирилади.

Муаллиф таклиф этган талқиндаги эксплуатация ишлаб чиқаришда банд бўлган, лекин бевосита қўшимча маҳсулот ишлаб чиқармайдиганларга (инженер ва техниклар, идора хизматчилари, менеджерлар) ҳамда ноишлаб чиқариш соҳасидаги ёлланма ходимларнинг турли тоифаларига татбиқ этилиш-этилмаслиги ҳам ноаниқ бўлиб қолган. Равшанки, бу ерда мулоҳаза юритиш ва аниқлаш учун муаммо мавжуд.

Китобда бошқа принципиал масала — социалистик тузумнинг моддий негизи масаласи ҳам равшан шарҳланмаган. Муаллифнинг таъкидлашича, «социализмнинг капитализм негизларидан принципиал фарқланувчи ва коммунизмнинг негизларига айнан ўхшамайдиган ўз негизида ривожланувчи тузум эканлиги хусусидаги хулоса ривожланган социализм концепцияси билан боғланган даврнинг назарий ютукларидан (ҳар ҳолда ўшанда назарий ютуклар ҳам бўлган экан!— **А. А.** бири бўлди» (77-бет). Сўнгра мамлакатимизда бундай негиз ўтиш даври тугагач (чамаси, индустриялаштириш ва коллективлаштириш натижасида юзага келиши кўзда тутилмоқда) барпо этилгани тушунтирилади. Чунончи, А. Бутенконинг даъвосича, Сталин давридаёқ «ишлаб чиқарувчи кучлар — ишлаб чиқариш воситалари ҳам, бевосита ишлаб чиқарувчилар ҳам — шу қадар етилдиларки, ҳақиқатан ҳам социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш мумкин бўлди...» (159-бет). Бинобарин, муаллиф социалистик тузумнинг моддий негизи сифатида йирик индустриал ишлаб чиқаришни тан олади. Лекин унинг капитализм моддий негизидан принципиал фарқи нимада? Зеро, капиталистик мамлакатларда моддий ишлаб чиқариш ривожланишининг анча юқори даражасида бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Ягона моддий негизда принципиал фарқланувчи иккита ижтимоий тузум пайдо бўлиши мумкинми? Агар социал жараёнларнинг табиий ривожланиши бузилмаса, пайдо бўла олмайди. Агар бузилган тақдирда, ижтимоий тузумда социал тараққиётга тўғаноқ бўлувчи хунук деформациялар пайдо бўлади. Хўш, социализмнинг моддий негизи ҳар ҳолда қандай?

А. Бутенко социализмнинг тарихий ўрни масаласини ҳам зиддиятли ҳал этади. Китобнинг аввалида у КПСС XXVII съездининг совет жамияти ўз моҳиятига кўра социалистик эканлиги, лекин унда социализм субъектив сабаблар туфайли ва раҳбариятнинг турли хатолари оқибатида жиддий деформацияларга учраганлиги хусусидаги хулосага қўшилади (25-бет). Бундай ёндашувга мувофиқ ҳолда у бутун асар давомида мамлакатимизнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда, социализм бу ерда реалликка айланган деб фараз қилиб, социалистик жамият ривожланишининг у ёки бу қонуниятларини аниқлай боради. Лекин, асар охирида муаллиф ҳар ҳолда «жамиятда ҳар бир кишининг эркин ривожланиши барчанинг эркин ривожланиши учун шарт бўлмиш ҳақиқий социализм ҳақида ҳам, шахснинг реал эркинлигига асосланувчи чинакам социалистик демократия ҳақида ҳам сўзлаш учун асослар йўқ», деб эътироф этади (297-бет). Бошқача қилиб айтганда, ҳозирча бизда мавжуд бўлган тузум моҳиятан социалистик эмас.

Шундай қилиб, муаллифда амалда ушбу масалага доир бир-бирини истисно этувчи иккита нуқтаи назар борлиги яққол кўриниб турибди. Асар давомида у социализмни гоҳ реал мавжуд тузум деб, гоҳ келажакда рўёбга чиқарилиши керак бўлган назарий модель сифатида тилга олиши бежиз эмас. Китобнинг ҳар бир бўлимида учратиш мумкин бўлган зиддиятлар ана шундан келиб чиқади.

Мисол учун, иккинчи бобга мурожаат қилайлик. Унда социализм «капитализмнинг туғма иллатлари» ва «коммунизм куртаклари»нинг муваққат бирикувидан иборатлиги хусусидаги маълум назарий қоида танқид қилинади. А. Бутенко ушбу қоидага қарши далил-исботларни «реал социализм»нинг тарихий амалиётидан топади. Бу, хусусан, объектив ижтимоий ривожланишга волюнтаристик аралашишнинг конкрет мисоллари бўлиб (ишлаб чиқариш барча воситалари ва хўжалик ҳаётини давлат ихтиёрига ўтказиш, «туғма иллат»лардан тезроқ қутулиш ва коммунизмга «сакраб ўтиш» мақсадида иқтисодий ва маъмурий бошқарув системасида централизмни зўр бериб кучайтириш), бу аралашув тилга олинган социализмга назарий ёндашувнинг гўё амалий оқибати бўлди. Шу билан бирга ушбу концепциянинг муаллифлари марксизм классиклари эмаслиги таъкидланади, лекин негадир айни кимлиги аниқ айтилмайди (67—80-бетлар).

Мулоҳазалар юритишнинг бориши ғоят ғалати. Аслида ҳам, мамлакатимизда тоталитар тартиб пайдо бўлиши фактини у ёки бу назарий концепцияга содиқлик мезони деб ҳисоблаш мумкинми? Агар амалиётда рўёбга чиқаришда унинг мантиқидан чекинилмаган, моҳияти бузилмаган, ишга ижодий ёндашилган тақдирдагина. Бу ерда эса ҳолат бутунлай бошқача. Тоталитаризм ижодкорлари бирор-бир ғояни конкрет сиёсий мақсадларда ишлатарканлар, уни бузиб талқин қилганлар, ўз нафсоний манфаатларига мослаб ёки догматик тор фикрлашлари оқибатида унинг ҳақиқий мазмунини йўқ қилганлар. Пировард натижада,

коммунизм ғоясининг ўзи ҳақида, уни ҳаётга сталинчилар қандай мужассам этганликларига қараб мулоҳаза юритадиган бўлсак, бу ғояни умуман тилга олмаслик керак.

Тилга олинган концепциянинг муаллифлари масаласига келсак, К. Маркснинг «эски жамият туғма иллатлари» хусусидаги фикри яхши маълумки, у «ўз негизида ривожланган» «коммунистик жамиятнинг олий фазаси»дан фарқ қилиб, бу иллатлар эндигина капиталистик жамиятдан чиқаётган коммунистик жамиятнинг барча муносабатларида сақланиб қолади, дегани яхши маълум. Бу ғояни В. И. Ленин ривожлантирди. Бунинг устига Владимир Ильич «ўтиш даври» ва «социализм» атамаларидан баъзан ягона принципиал маънода фойдаланган, тафовутлар эса фақат формацияларaро ўтиш босқичларигагина дахлдор бўлган.

А. Бутенкога ўхшаб социализм — капиталистик формациядан коммунистик формацияга ўтиш босқичи эмас ва шу сабабли икки томонлама ижтимоий система эмас, балки «ўзининг социал моҳиятига кўра ягона хусусиятлар, белгилар, принциплар билан характерланувчи» (77—78-бетлар) ишлаб чиқаришнинг социалистик усулига таянувчи (119-бет) ижтимоий тузум деб қарасак, бу эса амалда яна бир ижтимоий-иқтисодий формацияни — социалистик формацияни тан олишни билдирадики, муаллиф ҳар ҳолда бундай қилишдан ўзини тийган.

Ҳолбуки социализмнинг «етилмаган коммунизм» билан ўлаётган капитализм симбиози (биргаликда яшаши), капиталистик жамиятдан сифат тафовутига эга бўлган, лекин ҳали тўлиқ коммунистик жамиятга айланмаган жамият сифатидаги классик концепциясидан воз кечиб бўлмаса керак. Ҳеч бўлмаганда тарихий амалиёт томонидан у ҳали рад этилганича йўқ, зеро жамият ҳеч қаерда ривожланишда ўзида «коммунизм куртаклари» миқдори бошқа, янада юқори сифат (социалистик) ҳолатига ўтиши учун етарли бўлган даражага етган эмас. Тўғри, бундай «куртак»ларнинг тўпланиши, улар аҳамиятининг ошиб бориши бугунги кунда энг кўп ривожланган мамлакатларда интенсив юз бераётганлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Булар — кишини бевосита иштирок этишдан халос этувчи илмий индустриал ишлаб чиқариш элементларини кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш воситаларига эгаликнинг коллектив турларини ёйиш, ўз-ўзини бошқариш асосларини ривожлантириш, жамиятда анъанавий синфий тафовутларни бархам топтириш ва янги структураларни шакллантириш, миллий даромадни қайта тақсимлаш даражасини ошириш, ижтимоий истеъмол фондларини ўстириш ва ҳоказолардир.

Формациялар алмашинувида ўтиш даври мобайнида ишлаб чиқаришнинг анъанавий воситаларига таянувчи ва принципиал янги воситаларни туғдирувчи ишлаб чиқариш икки усулининг ёнма-ён яшаши муқаррардир. Шунга мос ҳолда эгаликнинг иккала формацияга хос шакллари ҳам мавжуд бўлади. Ишлаб чиқаришнинг янги усули эскиси устидан устун бўла бошлаган ана шу изчил формацияларaро ўтишнинг муайян босқичида жамият умуман олганда янги сифатга эга бўлади, бу устқурмани ўзгартишлар, шу жумладан сиёсий ислоҳотлар билан бирга боради. Ўтиш жараёнларининг эволюцион характери, уларнинг жамият ҳаёти турли соҳаларида бир хилда эмаслиги туфайли ҳам формацияларнинг ўрин алмашиши қачон юз беришини аниқ белгилаш, формацияларнинг бири қачон тугаб, иккинчиси қачон бошланишини белгиловчи маррани кўрсатиш мумкин эмас. Революцион характердаги ўзгаришларга («сакрашлар»га) келсак, улар янги формацияга ўтишни эмас, балки ушбу ўтиш босқичларининг ўрин алмашинувинигина ифодалайди. Шундай қилиб, капитализмнинг коммунизмга аста-секин «ўсиши» муқаррар равишда социалистик деб таърифлаш мумкин бўлган ижтимоий ҳолатнинг пайдо бўлишига олиб келади (жамият аъзоларининг кўпчилиги ишлаб чиқариш воситалари ва ҳокимиятга эгаликдан бегоналаштирилмайди).

«Реал социализм» мамлакатларида эса, жумладан, бизнинг мамлакатимизда мувофиқ келувчи ишлаб чиқарувчи кучлар бутунлай мавжуд бўлмагани ҳолда нотўғри талқин қилинувчи социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини зўраки татбиқ этишга уриниб кўрилди. Оқибатда ривожланмаган индустриал негизда сохта социалистик ёрлиқ остида аслида кўп жиҳатдан токапиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларга мос келувчи социал ҳамда сиёсий тартиботлар тикланди, бу эса мамлакатнинг ўша пайтдаги раҳбарияти манфаатлари ҳамда идеалларига жавоб берар эди. Жамият бундай ҳолатининг зиддиятлилиги ва нотабиийлиги айни унинг ҳозирги кризиси асосий сабабидир.

Равшанки, социализмнинг социал-иқтисодий табиати ва тарихий ўрнини совет жамиятининг тарихини таҳлил қилиш асосида белгилаш қандай социалистик жамият бўлиши кераклигини аниқлаш учун эмас (А. Бутенко худди шундай қилади), балки, тўғрироғи, аксинча ҳол учун лозим.

Социализм назариясининг китобда тилга олинган бир қатор бошқа фундаментал қоидалари ҳам қайта мушоҳада қилиш ва аниқлаштиришга эҳтиёж сезади. Масалан, социалистик жамиятда «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципи қарор топиши, бегона меҳнат натижаларини ўзлаштириш ва кишини киши томонидан эксплуатация қилинишига бархам бериш масалалари (93—95, 185—187-бетлар). Назаримизда, «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша» принципини ай-

нан амалга ошириб бўлмаса керак. Кишининг имконият ва қобилиятлари чегараларини аниқлаш мумкин эмас, чунки у доимо кенгайиб боради, қанчалик узоқлашган сари ошиб бораверади. Бинобарин, сўз киши имкониятларининг, аввало интеллектуал, ижодий имкониятларининг ўсиб бораётган даражасини рўёбга чиқариш ва натижада жамиятнинг ҳар бир аъзосидан янада кўпроқ самара олиш учун янада қулай шарт-шароит яратиш хусусида бориши мумкин.

Энди меҳнатга қараб тақсимлаш хусусида. У меҳнат фаолияти барча — ғоят хилма-хил — турларининг ўзаро ҳамда қандайдир умумий эквивалент бўйича аниқ ўзаро нисбатда бўлишини тақозо этади. Лекин, биринчидан, бундай эквивалент йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Иккинчидан, меҳнатнинг турли кўринишларини аниқ қилиб ўзаро боғлаш амалга ошириб бўлмайдиган вазифадир. Бозор ва бошқа регуляторлар буни ҳам объектив, ҳам субъектив хусусиятдаги ғоятда хилма-хил, баъзан барқарор бўлмаган ва ҳатто тасодифий омиллар таъсирида тахминий ҳамда шартли асосда бажаради. Ҳақиқатан ҳам, ким кўпроқ маош олиши керак: машинасозлик заводи токарими ёки мактабда биологиядан дарс берувчи унинг хотиними? Икковига иш ҳақи меҳнатга қараб берилаётганини қандай аниқласа бўлади? Бир ходим турли корхоналар, турли тармоқларда ёки турли мамлакатларда бир хилдаги меҳнати учун турлича ҳақ олиши мумкин. Қандай ҳолларда меҳнатига қараб олади? Меҳнатга ҳақ тўлашни белгиловчи омиллар бутун мажмуининг ҳаракатини умуман баланслаштириш мумкинми? Меҳнат тақсимотининг анъанавий системасида ҳар бир ҳолда, шартли қилиб олганда, ходим жамиятга олганидан кўпроқ нарса бераётганини ёхуд аксинча бўлаётганини аниқ белгилаш мумкинми?

Ушбу масалалар хусусидаги мулоҳазалар «Ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципининг тўла рўёбга чиқарилиши ҳақида сўзлашга (93-бет) тўғри келмаслиги ҳақидаги хулосага олиб келади— у ғоятда шартли ва ноаниқдир.

Эксплуатация хусусида. Юқорида айтилганларни тўлдирмоқчиман. Агар жамият турли аъзолари меҳнати натижаларининг ўзаро нисбатини аниқ белгилаб бўлмаслиги тан олинса, бинобарин, улар ўртасида меҳнат натижаларини ноэквивалент айирбошлаш муқаррарлигига ҳам кўниш керак. Демак, жамиятда ҳатто атайлаб бўлмаса ҳам, у ёки бу шаклдаги эксплуатация то меҳнатнинг анъанавий тақсимотига бутунлай барҳам берилмагунча сақланиб қолади (бу эса коммунистик формациянинг қуйи фазасида юз бермайди). Шундай қилиб, социализм кишиларни эксплуатациянинг конкрет формасидан — капиталистик (агар сақланиб қолган бўлса, яна токапиталистик ҳам) эксплуатациядан, яъни ёлланма ходимлар меҳнати муайян қисмининг меҳнат шароити (якка тартибда ёки коллектив) соҳиблари томонидан қонунлаштирилган тарзда бепул ўзлаштирилишидан халос қилиши мумкин ва керак. Ёки, содда қилиб айтганда, социализмда «Ишламаган тишламайди» қоидаси амал қилиши лозим.

А. Бутенконинг китобида келтирилган ижтимоий меҳнат маҳсулоти муайян капиталист томонидан ўзлштирилиши, бу эса капитализмнинг асосий зиддиятини ташкил этиши хусусидаги классик тезисни ҳам аниқлаштириш керак (99-бет). Биринчидан, ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган қўшимча қийматни якка тартибда ўзлаштириш ўрнига мулкка биргаликда эгалик қилувчи кўп капиталистлар ва миллионлаб «миникапиталистлар» (оддий акционерлар, банкка ўз жамғармасини қўювчилар, кооператорлар) томонидан коллектив ўзлаштириш қарор топди. Иккинчидан, улар томонидан ўзлаштирилган қўшимча қийматнинг пул эквиваленти каттагина ҳажмда солиқлар ва ихтиёрий ионалар кўринишида жамоат тасарруфига келиб тушади ҳамда бутун жамият ёки, ҳеч бўлмаганда, унинг кўпчилик аъзолари томонидан ўзлаштирилади (қайта тақсимлаш ва истеъмол предметлари ҳамда хизматларга айирбош қилингач). Учинчидан, қўшимча қийматнинг капиталистлар ихтиёрида қолган қисми (унинг пул эквиваленти) яна у ёки бу кўринишда ишга солинади, у ёки бу ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши унинг пировард натижаси бўлади. Қисқаси, пировардида капиталист ўзи ва у ўз ҳисобига боқадиганлар истеъмол қиладиган улушнигина шахсан реал тарзда ўзлаштиради. Бу улуш, гарчанд баъзан мутлақ ўлчовда анчагина бўлсада, қўшимча қийматнинг бутун массасига нисбатан олганда ғоятда арзимасдир.

Хўш, нима юз бермоқда? Кўринадики, капиталистик жамиятда нафақат ишлаб чиқариш, балки ўзлаштириш ҳам ижтимоий экан, фақат ишлаб чиқаришни умумлаштириш даражаси доимо ўзлаштиришни умумлаштириш даражасидан илдамлаб юради. Ҳали капитални дастлабки жамғариш пайтидаёқ юзага келган бу дисбаланс (баланснинг носозлиги) капитализмнинг айни асосий зиддиятидир. Социализмга аста-секин ўтиш, бошқа жиҳатлардан ташқари, тилга олинган номувофиқликни бараварлаштиришда каттагина даражага эришиш, уни деярли бутунлай барҳам топтириш билан бирга бориши керак. Лекин капитализм доирасида ҳам ўзлаштиришни умумлаштириш даражасини доимий суратда ишлаб чиқаришни умумлаштириш даражасига кўтариш юз беради, яъни асосий зиддият қисман ҳал этиб борилади, бунинг натижасида капитализм тадрижий ривожланади, социализмга «ўсиб етишади», буни ҳозирданоқ дунёдаги бир қатор ғоятда ривожланган мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

А. Бутенко қараб чиқаётган, лекин батафсил изоҳламаган яна бир муҳим ва актуал масала — ишлаб чиқариш воситаларига социалистик эгалик масаласидир. Китобнинг турли бўлимларида ушбу мавзуга доир бир неча вариацияларни кўриш мумкин. Чунончи, социалистик ёхуд ижтимоий мулк иккита асосий шаклга эга, яъни давлат ва колхоз-кооператив мулклари (138, 147, 148-бетлар). «Табиатига кўра социалистик бўлган» умумхалқ ва кооператив, шу жумладан колхоз мулклари ҳақида эслатилади (78, 143, 162—164-бетлар). Шу билан бир вақтда муаллиф марксизм классиклари изидан бориб, ҳамма меҳнаткашларга баравар даражада уни эгаллаш, тасарруф қилиш ва фойдаланиш имконини берадиган мулккина чинакам социалистик мулкдир деб ҳисоблайди (153—154-бетлар). «Реал социализм» мамлакатларидаги мавжуд мулк эса кўп жиҳатдан ҳали формал ижтимоий мулкдир (145—150-бетлар).

Ниҳоят, қуйидаги таърифни учратамиз: «...Социализм ҳамма жойда яқин-яқингача тасаввур қилинганидек социалистик мулкнинг икки шакли (давлат ва колхоз-кооператив) бўлган иқтисодий тузум эмас, балки умумхалқ, колхоз-кооператив, кооператив, шунингдек муассаса ва ташкилотлар мулки тарзидаги *кўп даражадаги мулкка эга тузум* бўлади; ижтимоий мулкнинг бу шаклларидан ташқари аралаш (аралаш корхоналар), группавий; индивидуал, шахсий ва ҳоказо мулклар ҳам бўлиб, ижтимоий-социалистик мулк устун ролда туради» (298-бет). Мулкнинг санаб ўтилган айни қайси тур ва шакллари социалистик мулк эканлиги равшан эмас. Нимагадир группавий мулкнинг конкрет формалари — колхоз, кооператив, муассаса ва ташкилотлар мулки — бир қаторда санаб ўтиладию, шу билан бирга бу шаклларнинг умумлашма номи — группавий мулк келтирилади. Индивидуал мулк шахсий мулкдан нимаси билан фарқ қилиши ҳам равшан эмас.

А. Бутенко «ижтимоий мулк» тушунчасини икки ёклама талқин қилаётганини сезиш қийин эмас. Бу фикрга қўшимча тарзда яна мисол келтирмоқчиман. Бир томондан, 92-бетда «бир неча ўн йиллардан буён Совет Иттифоқида ижтимоий мулк мавжуд...» деб уқтирилади, 71 ва 143-бетларда эса бунинг устига ижтимоий социалистик мулкнинг иккита яқинлашувчи шакллари ҳақида сўз боради. Бошқа томондан эса, 298-бетда бутунлай бошқача фикр айтилади: мамлакатимизда «ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат воситаларини формал-юридик умумлаштириш (давлат ихтиёрига ўтказиш) амалга оширилди, улардан ҳеч ҳам ижтимоий, яъни бутун жамият томонидан амалга ошириладиган шакллар эмас, балки фақат группавий ёки ҳатто индивидуал шакллар техника ва технологик жиҳатдан амалда фойдаланишлари мумкин эди».

«Реал социализм» мамлакатларида ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришнинг формал характери турлича тушунтирилади. Аввалига барча нарса субъектив сабаб — ижтимоий мулкни рўёбга чиқариш механизмининг носозлиги билан изоҳланади (148—150, 158—159-бетлар). Бунда очиқ-ойдин қилиб айтиладики, «чинакам социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш мумкин бўлганда, аввал Сталиннинг, сўнгра Брежневнинг давлат-маъмурий аппарати энди *субъектив сабабларга* кўра тегишли қайта қуриш, ўзгариш, туб ўзгартишлар йўлидан бормади» (159-бет). Қуйида бизда чинакам ижтимоий мулк йўқлигининг тамомила бошқача фаразн баён қилинади, бунда, менимча, ҳақли равишда ишлаб чиқариш воситаларини технологик ва социал-иқтисодий умумлаштиришнинг ўзаро шартланганлиги эътироф этилади (160—161-бетлар) ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш даражасининг албатта ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини умумлаштириш даражасига, меҳнат характерига мувофиқлигини эътиборга олмасликка йўл қўйиб бўлмаслик таъкидланади (298-бет). Бу икки фаразни қиёслаганда уларни бир киши баён этаётганига шубҳа туғилади.

А. Бутенконинг ишлаб чиқариш воситаларига чинакам ижтимоий мулкчилик пайдо бўлиши масаласига ёндашувининг бошқа жиҳатига ҳам эътиборни қаратиш даркор. У, жумладан, ходимларни мулкдан бегоналаштириш тугатилишининг икки шартини бир-бирига боғламасдан тилга олади: ақлий меҳнат ходимлари (бошқарувчилар) билан жисмоний меҳнат ходимлари (бошқарилувчилар) ўртасида меҳнатнинг «якуний» тақсимотига барҳам бериш (153—154-бетлар), ишлаб чиқариш воситаларини технологик умумлаштириш (160—161-бетлар). Лекин бунда бу шартларни қандай қилиб конкрет рўёбга чиқариш кераклигини тушунтирмайди. Бундан ташқари, А. Бутенконинг мулоҳазаларидан кўриниб турганидек, агар янгидан пайдо бўладиган мулкнинг субъектлари у ёки бу даражада ишлаб чиқариш билан боғланган ходимлар бўлса, у яна ижтимоий эмас, балки группавий мулк бўлади, чунки ишлаб чиқаришга даҳлдор бўлмаган кишилар мулкдорга айланмайди. Индустриал ривожланган мамлакатларда моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилар (ишчилар, инженер-техник ходимлар ва бошқалар) миқдори қисқариб бораётганини ҳам ҳисобга олиш лозим, улар жамиятда арзимас даражадаги озчиликка айланадиган вақт яқинлашиб қолди. Бинобарин, сифат жиҳатдан янги, эндигина шакллана бошлаган моддий негизда — илмий-индустриал (автоматлаштирилган) негизда пайдо бўладиган чинакам ижтимоий мулк мавжуд мулкларга қиёслаганда принципиал бошқача мулк бўлади, ишлаб чи-

қариш воситалари эса амалда ҳаммага баравар тааллуқли ва барча томонидан фойдаланиладиган воситалар бўлади. Бу ишлаб чиқариш воситалари қандай бўлади? Афсуски, бу саволга китобда жавоб йўқ. Ҳолбуки совет жамиятшунослигимизда ушбу мавзу аллақачон ишлаб чиқила бошланди (назаримда, энг муваффақиятли ишланма В. Петровскийнинг «Капитализмнинг тарихий чегаралари хусусида» мақоласида мавжуд — «Рабочий класс и современный мир». 1989, № 6, с. 78—79).

Ва, ниҳоят, сўнгги мулоҳаза. А. Бутенконинг барча талқинларидан ғайритабиий хулоса келиб чиқади: бошқа барча мулклардан принципиал фарқланувчи мулкнинг специфик тури сингари ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчилик йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Бозор иқтисодий муносабатлари доирасида вақт ўтиши билан муайян ўзгаришларга учровчи мулкчиликнинг мавжуд тур ва шаклларининг коммунистик формацияга монанд ижтимоий мулк билан муваққат бирикуви ҳақидагина сўз юритиш мумкин. Социализм шароитида ижтимоий мулк ҳозирча, янги формация етилгунча, қолган турлар томонидан тўлиқ сиқиб чиқарилмагунча устун мавқеда туради, бу эса товарсиз муносабатларга ва ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига кишиларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга ўтишни англатади.

Ижтимоий мулк ҳақида сўзлаётганимда ишлаб чиқаришнинг янги илмий-индустриал воситаларининг номоддий компоненти — илмий ва илмий-техника билимларига эгалик қилишни назарда тутаётганимни тушунтирмоқчиман. Айни улар янги моддий негизга ўта борган сари ҳал қилувчи аҳамият ва чинакам қиймат касб этиб боради. Ҳозир улар кўпинча группавий эгалик предмети бўлмоқда, лекин уларни махфий сақлаш мумкин эмаслиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳамда, асосийси, илмий тадқиқотни умумлаштириш даражасини янада ошириш зарурлиги туфайли бу билимлар умум мулки бўлиб қолади.

Хулосада совет жамиятини қайта қуриш амалий муаммоларининг таҳлилига бағишланган бобларни атайлаб эътибордан четда қолдирганимни ҳам таъкидламоқчиман. Бу борада ҳам баҳслашадиган жиҳатлар йўқ эмас, лекин бу ишни бошқаларга ҳавола қиламан.

Умуман олганда эса А. Бутенконинг китоби билан танишиш, шубҳасиз, мутахассис учун ҳам, ушбу масала билан қизиқувчи ҳар қандай китобхон учун ҳам фойдадан холи эмас. Ҳеч бўлмаганда у фикр-мулоҳазалар учун етарлича озиқ бериши, баҳс-мунозара қилишга ундаши, демак, социализм назарияси муаммоларини ишлаб чиқишда китобхонларни янги қимматли топилмаларга йўллаши билан ҳам фойда келтиради.

А. АБУТОЛИПОВ,
тарих фанлари номзоди,
Тошкент автомобиль-йўллар институти
социология ва ҳуқуқ кафедрасининг
доценти

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. «Правда» газетаси кўчаси, 41.
Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01, 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул котиб — 32-58-03, 33-60-42; масъул котиб ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: илмий социализм назарияси ва амалиёти — 32-58-65; тарих ва халқаро ҳаёт — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иқтисодий муаммолар — 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; хатлар, ахборотлар, танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир **Э. А. Қушнарь.**

Теришга берилди 4.09.1990 йил. Босишга руҳсат этилди 17.09.1990 йил. Формати 70×108¹/₁₆.
Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар 8,6.
Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 32239 (ўзбек тилида 21679, рус тилида 10560).
Буюртма № 3983. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ЖУРНАЛХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1 сентябрдан

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»ГА

1991 йил учун обуна бошланди

Янги йилдан журналнинг ҳажми оширилади. Унинг асосан илмий, педагог кадрларга, партия, идеология, совет, хўжалик активига, барча хил ижодий касблар арбобларига, турли жамоат ташкилотлари ходимларига, гуманитар профилдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига, шунингдек бошқа кўпгина тоифадаги журналхонларга мўлжалланган материалларининг проблематикаси анча кенгаяди.

Журнал ўз фаолиятида материалларни беришнинг ғоят хилма-хил шаклларидан фойдаланади, мамлакат ва республика партия, давлат, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий ҳаётининг кенг доирадаги муаммоларини, Ўзбекистон тарихи, ҳозирги халқаро ҳаётнинг турли жиҳатларини ёритади, етакчи сиёсатчи, иқтисодчи, социолог, юрист, тарихчи ва публицистларга, фан ва маданият, адабиёт ва санъат арбобларига, халқ хўжалигининг амалиётчи ходимларига, ҳаётимизни революцион қайта қуриш ва янгилаш йўлларида унинг ижтимоий аҳамиятга молик, долзарб муаммоларини кўтариб чиқувчи барча муаллифларга қатнашиш учун ўз саҳифаларидан ўрин беради.

Бундай профилдаги журнал — республикада ягонадир. У ўзбек ва рус тилларида ҳар ойда бир марта чиқади. Унга обуна «Союзпечать» ва барча алоқа бўлимлари томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 7 сўм 20 тийин.
Олти ойга — 3 сўм 60 тийин.
Уч ойга — 1 сўм 80 тийин.

ISSN 0134—2193 «Ўзбекистон коммунисти» 10, 1—96.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

БУ СОНДА ЎҚИЙСИЗ:

Бозор муносабатларига ўтиш ва турмуш даражасини табақалаштириш

●

Янгиланишнинг илмий-техникавий муаммолари

●

Кўп партиялилик: тарих ва ҳозирги замон

●

Хўжалик раҳбарининг ишчанлик хислатларини ўстирайлик

●

Атеистик тарбияни қайта қуриш

●

Тарих фани муаммолари ҳақида ўйлар

11 . 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



№ 11
НОЯБРЬ
1990 йил

1921 йил февралидан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

Партия ташкилотлари ва комитетларининг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти жамиятда бозорга ўтишдан бошқа муқобил йўл йўқ эканлигини ва бундай ўтишнинг ўзи мақсад эмас, балки меҳнат самарадорлигини ошириш, халқ турмушининг сифат жиҳатидан янги даражасига эришиш, эркинлик ва демократияни мустаҳкамлаш, Совет давлати яхлитлигини сақлаб қолиш воситаси эканлигини чуқур тушуниб етишни шакллантиришга қаратилмоғи керак.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ҚАЙТАДАН ЎҚИЙЛИК, ЎРГАНАЙЛИК

Ўз-ўзини бошқарадиган ҳамда сиёсий ва маъмурий ҳокимиятдан маълум даражада мустақилликка эга бўлган нормал бозор иқтисодиётига ўтиш бутун аҳоли онгини қайта қуриш, юқоридан то қуйига қадар кадрлар ишининг янги даражаси билан боғлиқ чуқур, ниҳоятда мураккаб жараён эканлигига сира шубҳа йўқ. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги бозор муносабатлари иқтисодиёт соҳасидаги кадрлар юқори малакали бўлишини, ҳар бир иш жойида юксак даражада уюшқоқлик ва тартиб-интизомни, ўз ишига ва бошқалар меҳнатига чуқур ҳурматни тақозо этади.

Бу фактни очиқ эътироф этиш, ундан керакли хулосалар чиқариш ва тегишли амалий қадамлар қўйиш принцип жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, биз ҳаммамиз профессионал билимимизни жиддий, ғоят танқидий идрок этишимиз ва қайта идрок қилишимиз зарур. Зотан, амалда ҳаммамиз профессионал маънода қайта ўқиб ўрганишимиз — кўп нарсадан воз кечиб, кўп нарсани қайтадан ўқиб ўрганишимиз лозим. Бозор иқтисодиёти юзакичиликни ёқтирмайди, бутунлай янгичасига ишлаш, янгичасига гапириш ва бир-бирини тушуниш, бир-биримизга янгича муносабатларда бўлиш, янгичасига яшаш лозим. Вақт бу ишда аниқ нуқтаи назар ва қатъий ҳаракатларни тақозо этади.

Қолаверса, биз ҳаммамиз шуни тушуниб олишимиз кераккн, на бамаъни қарорлар, на муҳим фармойишлар, на ажойиб қонунлар ҳеч қачон ўз-ўзича амал қилмайди, уларни одамлар рўёбга чиқаради, улар кадрларимизнинг компетентлиги, профессионал даражасига, маданияти, маънавиятига бевосита боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, қарор, фармойиш, яхши қонундан бўлак яна профессионал ва маданий савия бўлмаса, улар ҳеч қанақа қонунга, қарорга, фармойишга бўйсунмайди. Кадрларда компетентлилик, профессионализм бўлмаса, амалий фаолиятда самарадорлик ва уюшқоқлик ўрнини хўжасизлик ва пала-партишлик, мулоҳаза ўрнини бақириб-чақириш, таҳлил ўрнини шиор, масъулият ўрнини талаб қилиш эгаллайди.

В. И. Ленин вафотидан салгина олдин шу ҳақда огоҳлантирган эди. Қўйилган мақсадларга реал эришиш учун бизга нима етишмайди, дея мулоҳаза қилар экан, очиқ-ойдин жавобни унинг ўзи таърифлаб берган эди.

Нима етишмаслиги равшан,— деган эди Владимир Ильич. Коммунистларнинг бошқараётган ўша қатламига профессионализм, маданият етишмайди. Хўжаликни юрита олмаслигимизни яққол кўрсатдик. Энг хатарли жойи шундаки, баъзи бировлар буни тан олмайди. Бизда буйруқ ва декретларни рўкач қилишгани қилишган, бундан эса ўзимиз истаган нарса келиб чиқмаяпти. Буни ўзимиз англаб етмаймиз. Бошидан бошлаб ўқимаймиз, ўрганмаймиз ва шундай қилиш кераклигини тушунмаймиз ҳам. Масъул коммунист ва содиқ инқилобчи буни билмайдигина эмас, билмаслигини ҳатто англамайди ҳам. Биз шунчалар бесўнақай, кўполмизки, бизда обломовчилик шунчалар илдиз отганки, бунинг учун биз ҳали кўп калтак еймиз.

Кўриниб турибдики, В. И. Лениннинг 68 йил муқаддам айтилган бу сўзлари бугун ҳам ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган. Устига устак у биз ҳали

кўп калтак еймиз деб башорат қилганича бор. Ҳозир шундай бўлмаяптими, ахир? Вазифани адо этишда билимсизлиги жуда билинаётган кадрларимизга, яъни жамиятнинг граждани ўзининг оддий профессионал, ижтимоий ва ҳаётий бурчини, шунингдек асосий ҳуқуқларини қойиллатиб бажаришга ноқобил, ташкилий ишда билимсизлик касалига чалинган кадрларимизга ишонч ниҳоятда камайиб кетганлиги сир эмас-ку.

Ташкилий ишдаги билимсизлик эндиликда замонавий цивилизациянинг хатарли омилларидан бири қаторига қўшилган. Бунда ҳеч қанақа муболағa йўқ. Бир эслаб кўрайлик, конструкторларнинг хатоси, техника панд берганлигигина эмас, балки ходимларнинг очиқдан-очиқ уқувсизлиги ҳам энг катта фалокат — Чернобиль фожиасини келтириб чиқармадими? Ҳаммаси анчайин, оддий нарсалардан бошланган — ҳеч ким хизмат йўл-йўриғига ақалли қараб ҳам қўймаган. Ҳолбуки, атом технологиясининг муқаддас қонуни бўлмиш бу йўл-йўриқда реакторнинг системасини ўчириб туриб бирон-бир тажриба ўтказиш қатъиян ман этилади.

Бундай иллатнинг илдизлари қаерда? Нима учун орамиздан кимлардир ғайриодатий, бош қотириладиган вазиятга дуч келганида энг аввало йўл-йўриқ, маълумотнома, карта ёки техник паспортга мурожаат этиб, уни очиб кўришдан эринишмайди-ку, бошқалар эса енгилтаклик билан бир гап бўлар қабилида иш тутади. XXI аср бўсағасида мактабни битиргани ҳақида ҳужжати бор-у, аммо оддий бир аризани, таржимаи ҳолни ҳам бехато ёза олмайдиган, электр ҳаки ҳисоб дафтарчасини, сайлов қоғозини, божхона қоғозини, савдо шартномасини тўғри тўлдира олмайдиган миллион-миллион кишилар пайдо бўлганлигининг боиси нима? Ўз она тилини яхши биладиган, луғат бойлигидаги сўзлардан ўринли фойдалана оладиган, қолаверса, тўғри, чиройли гапирадиган одамлар нима сабабдан тобора камайиб кетмоқда? Нутқ тафаккури ва сўз бойлигимиз очиқдан-очиқ таназзулга юз тутганлигини наҳотки сезмаётган бўлсак? Башарти жаҳолат жарлиги кенгайиб борадиган бўлса, тузум сифатида таназзулга маҳкум бўлишимиз турган гап.

Ниҳоят, шуни ҳам тушуниб олишимиз лозимки, ишга ташкилий жиҳатдан билимсизлик, уқувсизлик, касб сирларидан бехабарлик билан ёндашув бизнинг ниҳоятда қийин мослашувчи иқтисодиётимизни юқори кўтара олмайди, бундай қилишга қодир ҳам эмас. Иш ўнгланиб кетади деб ўйлаш ғирт хомхаёлдир. Билим — зўр қудрат эканлигини билмаймиз, деб бўлмайди. Аммо билимсизлик ҳам зўр кучки, уни эътибордан қочириб бўлмайди. Зотан бу куч жуда қўпол, ўз-ўзидан юзага келадиган, ҳамма нарсани вайрон этувчи, даҳшатли кучдир.

Файласуфлар билимсизликни ақлсизликка муқояса этадилар. Шу боис ҳеч нарсадан бехабар, уқувсиз, довдир кишилар раҳбарликка чиқиб қолиши айниқса хатарлидир. Бу нарса кўплар учун кулфатга айланиши мумкин. Жафокаш тарихимизда бундай мисоллар оз дейсизми?! Ишлаб чиқаришдаги, савдо ва молия соҳасидаги инженер ва бошқарув кадрларини, ижодиётга хизмат кўрсатаётган ахборот системамиз даражасини, маҳсулот сифатини ривожланган мамлакатлардагига қиёслаб кўрсангиз, ана шу ва бошқа кўпгина жабҳаларда нисбатан қисқа муддат ичида нақадар катта масофани босиб ўтишимиз лозим эканлиги аён бўлади. Уларга ҳозирги кун даражасида тенглашиб олиш учунгина озмунча ҳаракат қилиш керакми? Ҳозирнинг ўзидаёқ илм-фан, замонавий технология ёрдамида, умумий маданият, маҳорат ва ҳамма ерда масъулиятни ошириш орқали бутун жамиятимизни шунга ҳозирлашимиз зарур.

Касб сирларидан бехабарликнинг бошқа бир жиҳатини ҳам таъкидлаш лозим: ҳар қанақа даражадаги касб сирларидан бехабарлик демократияга эҳтиёж сезмайди. Унга диктаторлик тартиби керак, юқоридан кўрсатмалар бўлиши лозим. Касб сирларидан ноогоҳ одам ўз ишини сева олмайди, аксинча, ундан чўчийди. Шу сабабли у бор куч-ғайрати билан мансабни, эгаллаган мавкеини қўлдан бермасликка ҳаракат қилади, шу мақсад йўлида ҳар қанақа чораларни қўллашдан андиша қилмайди. Бинобарин, яшаши, кун кечириши учун шундай қилишга мажбур. У касб сирларини ўрганиш даражасига бўлган талаб оширилишига жон-жаҳди билан қаршилик қилади. Чунки унинг табиатининг ўзи шундай. Очиғини айтганда, қайта қуришнинг, жамиятимизни янгилашнинг ниҳоятда кучли ва қўрқинчли душмани, ғаними ана шундадир.

Хўш, бюрократнинг ўзи ким? У қандай пайдо бўлади, бюрократик тафаккур комплекси қай йўсинда юзага келади? Шубҳасиз, бюрократ — бу энг аввало лаёқатсиз, ўқувсиз, профессионал жиҳатдан заиф тайёргарлик кўрган кишидир. Касбини яхши биладиган, лаёқатли одамлар бюрократик йўлга асло тойиб кетмайдилар, чунки бундай кишилар миясида фикрлар ғужғон, имкониятлар бисёр. Шу нарса бу хил одамларга ижодий ҳузур бахш этади, турмуш кечиришига кераклн маблағни таъминлайди, чор атрофдагиларнинг ҳурмат-эътиборини қозонишига олиб келади.

Башарти уқувсизликка тик қараладиган бўлса, у энг аввало назарий ожизлик, методологик самарасизлик, профессионал ночорликни англатади. Унинг ўзини ҳар томонга уриши чўчитадиган ҳодисот, талаб-эҳтиёжи тамагирлик ва суклик, обрўси сохта, ишонган қанотлари қоғоз, тафаккури эса тарафкашликдан иборатдир. Уни бартараф этиш учун, очиғини айтганда, алпомишона куч-ғайрат зарур. Зиммангга юкланган ишни касб сирларини билган ҳолда қилишинг, керак бўлган жойда омилкорлик билан, жўяли тарзда рад этишинг, қарши чиқишинг, зарур ўринларда ташаббусни билимдонлик билан қўллаб-қувватлашинг керак, бирон нарсани ҳал этиш зарур бўлганда ҳеч нарсадан тап тортмай, мустақил тарзда қарор чиқариш, сенга ишониб топширилган ҳар қандай жойда зиммага масъулиятни тўла-тўкис олишдан қўркмаслик, керак бўлганда эса масъулиятни профессионал даражада гарданга олавериш лозим.

Билимдан кучлироқ нарса йўқ. Шу сабабли идора этиш ҳуқуқи берилган, кишиларни бошқарадиган одамлар уқувли, билимдон бўлиши лозим. Обрў-эътибор ва билим бир-бирига боғлиқ эканлиги тўғрисидаги принцип бузилмасдир. Бошқача қилиб айтганда, бу обрў-эътибор чуқур ва кенг билимни тақозо этишини, ўз навбатида билим одамга фармонбардор бўлиш ҳуқуқини беришини англатади. Қолаверса билим билан обрўнинг ўзи маълум даражада ҳукмронликни қамраб оладики, улар ўқиган, билағон одамларни гумроҳлардан юқори кўтаради. Билимсиз ва обрў-эътиборсиз ҳокимиятни ҳокимият деб бўлмайди.

Ҳар қандай жамиятнинг шон-шуҳрат даражаси билимга, истеъдод даражасига, ана шу нарсаларга эътимод қўйишга, қобилиятлиларни кўра билиш ва уларнинг ҳурматини ўрнига қўйишни ўринлатишга боғлиқдир. Шон-шуҳратга ўртамиёналикнинг тантанасидан ҳам кўра катта зарба берадиган нарса йўқ. Раҳбарлик лавозимига ўртамиёна одамлар чиқиб қолиши ҳокимият обрўсига тикка зарба беришдир.

Шу сабабли истеъдодли одамларни излаб топиш ва қадрлаш ҳар қандай жамиятнинг оқиллиги белгисидир. Ҳар қанақа жамият истеъдодларни излашдан ҳамиша манфаатдор бўлган. Социализм эса шундай жамият бўлиши кераки, унда ҳар бир одамнинг қобилияти изсиз йўқолишига йўл қўйилмайдиган бўлиши лозим. Қайта қуришдаги муваффақиятимизни бошқа омиллар қатори айни истеъдодлиларни ишга сола билишнинг фойдали иш коэффициенти белгилайди. Борди-ю, ана шу фойдали иш коэффициентини ақалли 30 фоизга етказсак, барча муаммоларимизни муваффақиятли ҳал этган бўлардик. Кўплаб моддий ресурслар кўкка совурилмасди, миллион-миллион кишиларнинг меҳнати қадрсизланмасди. Ҳолбуки, бу хилдаги кўкка совурилиш ва меҳнатнинг беқадрлиги кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари етишмаётган, тақчил бўлиб турган бир шароитда содир бўлмоқда.

Турғунлик йилларида зиёлиларга, билимдон, чин маънода маърифатли кишиларга беҳурматлик қарор топди. Зиёлиларни умуман қатлам, гуруҳ, табақа деб аташгача бориб етдилар.

Ҳуқуқий нигилизм — хулқ-атворни идора қилиш сифатида ҳуқуқни рад этиш жуда оммалашиб кетмадими, ахир! Бизда, таассуфлар бўлсинки, ҳанузгача қадар қонун эмас, кимнинг ҳуқуқи кўпроқ бўлса, ким бошлиқ бўлса, ўшанинг айтгани айтган, дегани деган бўлиб келяпти. Афсуски, қонунларни ҳокимият эгаларининг ўзи ҳам бажармаяпти. Айтайлик, республикаларнинг Олий Советлари ўз қонунларини қабул қиладилар, бу қонунлар эса иттифоқ қонунларини рўёбга чиқаришга тўғаноқ бўлади. Маҳаллий Советлар чиқарган қарорлар эса ўз навбатида республикаларнинг Олий Советлари қабул қилган қонунлар бажарилишига монелик қилади. Қонунларнинг амал қилмай, бир жойда туриб қолишига кўпинча уларнинг ўзи кучсиз эканлиги ҳам сабабчидир. Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий

жиҳатдан ўта нодонлигимизни ишга солиб юборади. Одамлар бундан уялмай қўядилар, ҳатто ҳуқуқий билимсизликларини пеш қилишга одатланиб қоладилар. Ваҳоланки, биронта маърифатли давлат, жамиятда ўзингни шу хилда тутгудек бўлсанг сен билан гаплашишни истамайдилар.

КПСС XXVIII съездида пешқадамлар йўқлигидан тез-тез нолиганлар бўлди. Аммо чинакам пешқадамлар ҳеч қачон оммавий йўсинда пайдо бўлмайди, табиат уларни якка тартибда юзага келтиради. Истеъдод тўла маънода намоён бўлиши учун қулай ижтимоий шароит бўлиши, яъни ғайриодатий нуқтаи назарга муросасозлик, озчиликнинг ҳуқуқларига ҳурмат, фикрларни эркин тарзда айтиш ва ҳимоя қила билиш шароити зарур. Илгарилари пешқадамларни ё пленумда, ёки съездда тайинлашарди. Бугунги кунда ҳаммаси ўзгариб кетди. Пешқадамлар курашларда, аниқ амалий ишларда, ақл-заковат беллашувида туғилмоқда.

Ошкоралик туфайли жамият кўпгина раҳбарлар фикрини эшитишга муваффақ бўлмоқда. КПСС Марказий Комитети Пленумларининг, халқ депутатлари Съездларининг, СССР ҳамда иттифоқдош республикалар Олий Советлари мажлисларининг стенограммалари эълон қилина бошланди. Биз РСФСР Компартиясининг Таъсис съездини тўлалигича акс эттирган кўрсатувларнинг шоҳиди бўлдик, КПСС XXVIII съезди иштирокчилари билан танишдик. Шу аснода ақл-заковат бобида бошқаларга ибрат бўладиганлар айниқса партия аппаратида тақчил эканлиги сезилиб қолди.

Натижада қайта қуриш жараёнларидан партиянинг ҳамиша орқада қолиб кетаётганлиги, воқеалар ривожининг эҳтимол тутилган ҳолларини олдиндан башорат қилиш қобилияти бўш эканлиги ва бу воқеаларга таъсир этишда жилла кучли эмаслиги сабабларини тушуниш имкониятига эга бўлдик. Энг аввало кадрларда ишончли назарий асос, ақидалар таъсиридан холи бўлмаган дунёқараш йўқлигида шу нарса сезилди.

КПСС XXVIII съезди минбаридан туриб қайта қуришни қандай олиб бориш кераклиги ҳақида кўрсатма беринглар, биз учун иш дастури ишлаб чиқинглар, деб баралла талаб этилганлигини қандай баҳолаш лозим? Ахир Марказий Комитетни, Сиёсий бюрони танқид қилаётганларнинг даъволари асосан нима сабабдан улар дастур ишлаб чиқмаганликлари, аниқ кўрсатмалар бермаганликлари билан чекланиб қолди-ку. Баъзан ҳатто демократик централизм кўпгина партия ходимларига кўрсатмалар юбориш учун мансаб пиллапояси барпо этишгагина керак экан-да, деган таассурот туғилди. Юқоридан маккажўхори экинг, ҳосил теримини бошланг, дарёларни буриб юборинг, комплекслар қуринг, токзорларни кундаков қилинг деб бир оғиз айтилса бас, қулоқ қоқмай уни бажаришга отилишади. Оқибатда инсонни фикрловчи мавжудот сифатида истисно этувчи бошқарув системаси юзага келди. Ўзига бино қўйган нодонликнинг куни туғди. Нодонликка асосланган коммунизм эса, маълумки, зулмат, зиндондир. «Ривожланган социализм» ғояси айни турғунлик йилларида эълон қилинди. Зотан, уни догматизм зиндонларида етишган заковат эгалари юзага келтирдилар, айни чоғда уларга олий донишмандлик даъво қилаётган ғаразгўйлик ниятлари ёт эмасди.

Жамият аста-секин истеъдодлилар бобида кашшоқлаша борди. Бугунги фожиамиз манбаларидан бири энг яхши ақл-заковатларнинг қадрига етиб уларни асрай олмаганимизда, йўқ қилиб юборганимизда, одамларни сукут сақлашга мажбур қилганимиздадир. Турғунлик даврининг энг яхши шиори ўзингни кўз-кўз қилаверма, бошингни чиқарма қабилида эди. Жамиятнинг фожиаси яна шунда эдики, одамдаги шахсий қадр-қиммат туйғуси кенг кўламда бостирилиб эзғилаб ташланарди. Жуда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, «бюрократик система бу йўналишда деярли ақлли мавжудотдек ҳаракат қилди». Фикрлар хилма-хиллиги ҳуқуқини талаб қилиб чиққан, шундай ҳуқуқ учун талашиб-тортишганларни жазолаш системаси ҳам ажабтовур эди. Мунозара, концепциялар беллашуви, илмий ҳақиқатлар баҳси тамомила истисно этилганди. Бюрократик система — ҳокимиятнинг барча табақаларига жойлашиб олган ижрочиларнинг салтанати гуллаб-яшнади.

Қайта қуриш хусусий ҳолларда эмас, катта кўламда фикрлар мустақиллигию қарорлар жасоратини тақозо этди. Партия ва халқнинг ақл-заковат бобида пешқадам одамлари қайта қуришда, кундалик турмушимизни қайта идрок этиш-

да карвонбошилик қилдилар. Аммо, талайгина кишилар, шу жумладан раҳбарлар саросимага тушиб қолишди. Ўзи бўладими, ахир! Шароит ўзгарган, улар эса ўша-ўша, илгаригидек қолишган эди.

Масалан, КПСС XXVIII съездида республика Компартияси раҳбарларидан бирининг ошкора эътирофига қулоқ тутинг: «...СССР халқ депутатлари сайловига тайёргарлик даврида мен КПСС Марказий Комитетининг котиби Г. П. Разумовскийга қўнғироқ қилиб, сайлов яқинлашиб қолди, қандай иш тутишимиз керак, кимларнинг номзодини кўтаришимиз, ишчилар, колхозчилар фоизи қанча бўлиши керак — ҳалигача ҳеч қандай йўл-йўриқ йўқ, деб маслаҳат солдим. Шунда ўзингиз ҳал этинг деган жавобни қилишди. Бундай шароитда баъзи партия ташкилотлари, мен буни КПСС Марказий Комитети аъзоси сифатида айтяпман, довдираб қолдилар, янги буйруқларни кутиб тураверишди».

Бу орада жамият бир жойда туриб қолганича йўқ. Ҳаётнинг асосларини англаш, тушуниб олиш зарурати юзага келди. Ким айбдор, нима қилмоқ керак, бизда ўзи асли нима бўляпти, деган саволларга жавоб излаш кўпинча ўз-ўзидан бошланиб кетар, эҳтиросларга бой, ачитиб оладиган шиорлар ҳам ўртага ташланади. Ташаббусни коммунистларнинг қўлидан аста-секин бошқа сиёсий кучлар илиб кета бошладилар. Улар сиёсий ва иқтисодий тангликдан чиқишнинг ўз вариантларини таклиф этардилар.

Тўғри, кўп нарсани билмаслик, кўп нарса ҳақида тасаввурга эга бўлмаслик мумкин. Фикр, ғояларга лиқ тўла ахборот ва асарлар одамлар бошига шунчалик ёғилмоқдаки, юқоридагидек бўлишнинг ўзи даргумон. Аммо ана шу заковат оқими кўпгина раҳбар ходимларни четлаб ўтаётгандек таассурот туғилади. Ўқилган ҳамма нарса ҳаракат дастури сифатида қабул қилинавермайди, албатта. Лекин социал системанинг реал кучи унинг тарафдорлари ақл-заковатидадир. Ҳаммага машҳур бир фикрни эслайлик: инсоният ишлаб чиққан, яратган барча бойликларни билиш билан хотирани бойитган, тўлдирган тақдирингдагина коммунист бўлиш мумкин, дейилган. Бу васият бузилди. Марксизм-ленинизмни амалда инсон ақл-заковати имкониятларининг чегараси деб эълон қилишди. Эндиликда мафкуравий маҳдудликни парчалаб ташлабгина ғоявий тангликдан чиқиб олиш мумкин. Бунинг учун эса қайта ўқиб-ўрганиш керак.

Биз босиб ўтилган йўлга янада вазминроқ, оёқ ости қилиб ташлайдиган даражадаги эҳтирослардан холироқ асосда баҳо беришимиз керак. Цивилизация тараққиёти тажрибасини, ҳозирги замон социал-демократиясининг ислоҳотчилик тажрибасини холисона идрок этишимиз, капиталистик системанинг бутун амалиётини, унинг иқтисодиётни, сиёсатни, ижтимоий турмушни бошқариш воситаларини таҳлил этишимиз даркор.

Ҳозирги кунда коммунистларнинг сиёсий таълими билимларни шунчаки тўлдиришдан ҳам кўпроқ маънони англатади. Бу шунингдек КПСС аъзолари ўртасидаги яқин ғоявий мулоқот, улар маънавий алоқасини амалга оширишнинг, шахснинг ғоявий тўғри мўлжал олишининг, партиявий нуқтаи назарни шакллантиришнинг усули ҳамдир. Бу айни чоғда сиёсий фаолиятдан одамларнинг четлашиб кетишини бартараф этиш, уларни партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этиш воситаси ҳам бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

Биз К. Маркс ва В. И. Ленин методологияси тарафдори бўлиб қолаверамиз. Энг аввало шуни унутмаслик кераккки, марксизм-ленинизмда ўз даврининг барча илғор ғоялари ва идеаллари узвий бирлашиб кетган эди. Кейинчалик, бизнинг давримизга келиб, синфий ёндашувлар ва баррикада йўсинида ажралишларга берилиб кетиб, бу узвий қотишмани янги тавротга айлантириб юбордик.

Хурофотлар замонавий цивилизация тараққиёти манзарасини биздан тўсиб турибди. Жуда содда одамгина бутун цивилизация олами, мафкурачилар у ёки бу ҳамжамиятни қандай атамасинлар, Маркс ва Ленин айтганларича ривожланаётганини, мулкчиликнинг коллектив шакллари ва реал халқ ҳокимияти сари олға қараб бораётганини кўрмайди. Марксизм-ленинизмга асос қилиб олинган ижтимоий тараққиётнинг ана шу бош йўли одамни мулкчиликдан, меҳнат натижаларидан, ҳокимиятдан, маданиятдан ва ҳоказолардан ҳар тарафлама четлаштириб қўйишни бартараф этиш имконини берадиган бўлгани учун ҳам биринчи навбатда ўзига йўл очмоқда. Биздаги қайта қуришнинг, совет системасини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ислоҳ қилишнинг асосий моҳияти ҳам шунда.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Иқтисодчи олимларнинг нуқтаи назари

А. ЎЛМАСОВ, Х. ОЛЛОҚУЛОВ

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ҲАМДА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ МИКРОСОЦИАЛ ЖИҲАТДАН ТАБАҚАЛАШТИРИШ

Кишиларнинг социал жиҳатдан табақаланиши кўп планли ҳодиса бўлиб, чуқурлашиш ва кенгайишга мойил, у ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, истеъмол соҳасида ҳам намоён бўлади. Умумлашма кўринишда у аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳаёти сифатида нафақат синфий, балки микросоциал даражада ҳам пайдо бўлади. Бу ҳолат, назаримизда, бошқарилувчи бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида устун аҳамиятга эга.

Микросоциал даражадаги тафовутлар ҳам умумий, ҳам регионал тартибда соф иқтисодий ҳамда социал-демографик омиллар билан белгиланади. Уларнинг таъсирида биргина ва бир хил синфлар доирасида моддий жиҳатдан таъминланганлик белгиси бўйича кишиларнинг гуруҳлари шаклланади. Микросоциал жиҳатдан табақаланиш икки хил бўлишини дарҳол таъкидлаб ўтмоқчимиз: бир холда у — бир-бирларидан даромад ва истеъмолда фарқланувчи, лекин улар яшаётган жамиятнинг умумий фаровонлиги юқори даражада бўлган кишилар гуруҳлари мавжуд бўлишидир, бундай ҳол юксак даражада ривожланган мамлакатларга хос, бошқа ҳолда эса у — умуман қолоқ турмуш даражасида микросоциал жиҳатдан табақаланиш бўлиб, жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичи учун хосдир.

Микросоциал тафовутларнинг миқёслари СССР республикаларида бир хилда эмас. Ўзбекистон кишиларнинг табақаланиши анча паст турмуш даражасида юз бераётган республикалар жумласига киради. Бу эса, бизнинг ишонишимизча, ўзида социал ихтилофларнинг кескин кучайиши хавфини яшириб туради, зеро кўп миллатлилик шароитида миллатлараро тафовутлар характерини касб этади. Гап шундаки, турли миллатлар моддий фаровонликка эга ёки эга бўлмаган кишиларнинг ўзаро нисбати бир хилда эмаслиги билан характерланади. Бу ҳол эса социал жиҳатдан боғлиқлик миллий характер касб этиши мумкин бўлган заминдир.

Микросоциал тафовутларнинг негизини нима ташкил этади? Биз уни кишиларнинг меҳнат қилиш қобилияти рўёбга чиқарилишининг шарт-шароити бир хилда эмаслигида кўряпмиз. Кам таъминланган кишилар, одатда, малака керак бўлмайдиган ёки кам талаб қилинадиган меҳнат билан машғулдирлар, бу нарса юксак даражада даромад олишга имкон бермайди. Микросоциал жиҳатдан табақаланиш тарихий категория эканлигига ҳам эътиборни қаратиш муҳимдир. Зеро, бугунги кундаги тафовутларни ойига 40 сўмдан кам даромад олган кишилар кам таъминланган, ойига 120 сўмдан кўпроқ даромад олганлар эса юксак даражада таъминланган кишилар деб ҳисобланган 60-йиллар ўлчови асосида қараб чиқиш

ЎЛМАСОВ Аҳмад Ўлмасович, иқтисод фанлари доктори, Тошкент халқ хўжалиги институти ҳисоб-молия ихтисосликлари сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири; ОЛЛОҚЎЛОВ Ҳидирназар, иқтисод фанлари номзоди, кафедра муаллими.

мумкин эмас. Ҳозирда кам таъминланган кишилар ойига жон бошига 75—80 сўм, юксак даражада таъминланган кишилар эса 200 сўмдан кўпроқ даромадга эгадир.

Шуни айтиш кераккн, моддий фаровонликдаги тафовутлар у ёки бу томонга қараб ўзгариши мумкин, зеро жамият даромад билан эмас, балки меҳнат билан таъминлаши мумкин. Даромадни ишлаб топиш лозим. Хуллас, турли даромадга эга бўлган кишилар гуруҳларининг ўзаро нисбати ўзгаргани сингари, бундай гуруҳларнинг мавжуд бўлиши ҳам табиий ҳолдир, зеро кишилар вақт ўтиши билан бир гуруҳдан иккинчисига ўтади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон ССР аҳолисининг 1989 йилда жон бошига ўртача тўғри келадиган даромад бўйича тақсимланиши*

Жон бошига бир ойдаги ўртача даромад, сўм	Барча аҳоли, минг киши	шу жумладан		Якунга нисбатан фоиз ҳисобида		
		ишчи ва хизматчилар	колхозчилар	барча аҳоли	шу жумладан: ишчи ва хизматчилар	колхозчилар
	20017,0	14352,2	5664,3	100,0	100,0	100,0
50 га қадар	3196,2	1986,3	1209,3	16,0	13,3	21,3
50,1—75	5540,7	3539,1	2001,6	27,7	24,7	35,3
75,1—100	4546,4	3229,7	1316,7	22,7	22,5	23,2
100,1—125	2825,4	2172,2	653,2	14,1	15,1	11,5
125,1—150	1670,0	1389,7	280,3	8,3	9,7	5,0
150,1—175	936,6	820,1	116,5	4,7	5,7	2,1
175,1—200	535,3	486,4	48,9	2,7	3,4	0,9
200,1—225	311,0	289,5	21,5	1,5	2,0	0,4
225,1—250	178,3	169,1	9,2	0,9	1,2	0,2
250,1 ва ундан юқори	277,1	269,5	7,6	1,4	1,9	0,1

*Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитетининг маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, аҳолининг биринчи ва охирги гуруҳлари даромадлари ўртасидаги тафовут оз эмас — беш маротабага етади. Шаклланган гуруҳларни шартли равишда қуйидагича тақсимлаймиз: бир ойда киши бошига 75 сўмгача даромад оладиган кам таъминланган (камбағал), 75,1—125 сўм даромадли ўртача таъминланган, 125,1—175 сўм даромадли ўртачадан юқори, 175,1—225 сўм даромадли юксак даражада таъминланган ва 225 сўмдан ошиқ даромадли энг тўкис таъминланган кишилар гуруҳлари. Ушбу социал гуруҳларнинг ўзаро нисбати икки синф доирасида бир хилда эмаслигини пайқаш қийин эмас: ишчи ва хизматчилардан фарқ қилиб колхозчилар орасида камбағаллар кўп (56,6 фоиз) ҳамда юксак даражада таъминланганлар жуда оз. Умуман олганда ҳам колхозчиларимизнинг даромадлари — ойига 70,6 сўм — ҳозир СССРда жон бошига ойига 121 сўмдан тўғри келувчи даромаднинг ўртача даражаси кўрсаткичидан анча пастдир.

1960—1989 йиллар ичида турли даромадга эга бўлган социал қатламларнинг ўзаро нисбатида муайян ўзгаришлар юз берди. Жон бошига ойига 20 сўмга қадар даромад оладиган кишилар гуруҳлари йўқолди. Кам таъминланганлик чегаралари кенгайди. 200 сўмдан кўп даромад оладиган кишилар гуруҳлари пайдо бўлди. Лекин шу йиллар мобайнида Ўзбекистон жон бошига даромаднинг ўсиши, ўртачадан юқори даражада даромад олувчи оилаларнинг сони бўйича бошқа республикалардан борган сари кўпроқ орқада қола бошлади. Кишиларнинг бир гуруҳдан иккинчисига ўтишига қарамай, юксак даражадаги даромадли оилаларнинг салмоғи жуда оз бўлгани ҳолда кам даромадли ва ўртача даромадли гуруҳлар ҳануз кўпчиликни ташкил этмоқда. РСФСР ва Ўзбекистон ССР аҳолисининг даромад олиш даражаси бўйича турли гуруҳлари ўзаро нисбатини қиёслаб кўрайлик (2-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, ойига 50 сўмга қадар даромад олувчи энг камбағал аҳолининг салмоғи Ўзбекистон ССРда РСФСРдагидан 32 баравар, 50,1 сўмдан 75 сўмга қадар даромад олувчи кишилар эса 6,1 баравар кўпдир. Айни вақтда юксак даражада таъминланган кишиларнинг (200,1—250 сўм даромадли) республикамиздаги ҳиссаси РСФСРдагидан 6 баравар, энг тўкис таъминланган (250,1 сўм ва ундан юқори даромадли) кишилар ҳиссаси эса 9,5 бара-

2-жадвал

1989 йилда жон бошига тўғри келадиган даромад бўйича аҳолининг тақсимланиши (якунга нисбатан фоиз ҳисобида)*

Жон бошига тўғри келувчи даромад миқдори бўйича кишилар гуруҳлари, сўм	РСФСР	Ўзбекистон ССР
50 га қадар	0,5	16,0
50,1—75	4,5	27,7
75,1—100	11,0	22,7
100,1—125	15,4	13,1
125,1—150	15,7	8,3
150,1—175	14,0	4,7
175,1—200	11,1	2,7
200,1—250	14,4	2,4
250,1 ва ундан юқори	13,4	1,4

*Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети ва «Аргументы и факты» ҳафталиги (1990, № 20, 4-бет) материаллари асосида тузилган.

вар кам. Бунда шуни унутмаслик керакки, РСФСР аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад бўйича мамлакатда атиги бешинчи ўринни ишғол этган. Агар Ўзбекистон ССРни Болтиқбўйи республикалари билан таққослайдиган бўлсак, республикамизнинг ўртача ва юксак даражада таъминланган кишилар салмоғи бўйича орқада қолганлиги ҳамда камбағаллар салмоғи бўйича илдамлаб кетганлиги янада ҳайратомуз бўлади.

Ўзбекистон ишчи ва хизматчиларнинг жон бошига ўртача ойлик даромади ўсиши бўйича ҳам бошқа республикалардан анча орқада қолмоқда. Чунончи, 1975—1988 йилларда ушбу кўрсаткич қуйидагича бўлди (сўм ҳисобида): РСФСР — 53,5, Украина — 49,5, Қозоғистон — 57, Литва — 72,2, Молдова — 53,6, Ўзбекистон — 28,7. Колхозчиларнинг оилаларида даромад ўсиши борасидаги аҳвол янада ёмонроқ: агар СССРда кўрсатилган даврда у умуман олганда 46,3 сўмни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон ССРда эса 12,9 сўмдан ошмади (Бюджеты рабочих, служащих и колхозников. М., 1989, с.47, 243). Натижада республикамиз колхозчилари турмуш даражаси бўйича, мисол учун, Эстония колхозчиларидан 3 баравар, Грузия, Украина ва РСФСР колхозчиларидан 2 баравар орқада қолиб кетди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон колхозчилари аҳолининг энг кам таъминланган қатлами бўлиб қолди. 1988 йил учун оила бюджетлари хусусидаги маълумотларга қараганда, уларнинг жон бошига тўғри келувчи даромади энг кам таъминланганлик даражасига етмайди. Энг кам таъминланганлик даражаси 75 сўмни, пул қадрсизланишини ҳисобга олганда эса 85—90 сўмни ташкил этган бир пайтда колхозчиларнинг бешдан бир қисмидан кўпроғи киши бошига бир ойда 50 сўмдан кам даромадга эгадир. Бундай аҳвол, биринчидан, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, иккинчидан, ишлашга лаёқатли колхозчиларнинг бандлик даражаси пастлиги, учинчидан, қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръатлари юқорилиги билан изоҳланади.

Молларни тақсимлашнинг табақалаштирилган усулларини туғдирувчи истеъмол бозорининг балансланмаганлиги микросоциал гуруҳларнинг турмуш даражасидаги тафовутларни кўпайтириш омили бўлмоқда. Бунинг устига бир хилда пул даромади оладиган кишилар тенг бўлмаган шароитга солиб қўйилганлар. Чунончи, шаҳар аҳолиси тақчил молларни, айниқса озиқ-овқат молларини қатъий давлат нархларида харид қилиш борасида қишлоқ аҳолисига қараганда кўпроқ имкониятга эга. Қишлоқ аҳолиси асосан деҳқон бозоридан фойдаланишга мажбурдир, у эса одатда давлат нархларидан анча баланд эркин нархлар асосида иш кўради.

Ўзбекистон ССР колхозчилари 1988 йили фақат бодринг ва помидорни Россия, Украина, Белоруссия, Грузия колхозчиларига қараганда арзонроқ нархда харид қилганликларини айтмай бўлмайди. Колхозчиларимизнинг даромади кам бўлган бир пайтда бошқа маҳсулотларнинг нархи юқоридир. Мисол учун, ўша 1988 йилда Ўзбекистон колхозчилари ҳар бирининг ойлик даромади Белоруссия-

дагига қараганда 2,3 баравар кам эди, гўштни эса улар 2,4 баравар қиммат нархда харид қилганлар. Ўзбекистон ССР колхозчилари томонидан жон бошига гўшт истеъмоли бир йилда атиги 8 килограммни ташкил этиши бежиз эмас, бу эса физиологик нормадан деярли 8 баравар камдир.

Меҳнатдаги турли натижалар билан белгиланганда синфлар ичидаги табақаланиш ижтимоий жиҳатдан ўзини оқлайди. Агар у меҳнатсиз даромадлар олиниши, меҳнатдан келган даромадларни истеъмол моллари ҳамда хизмат кўрсатишга айирбошлаш шартларининг тенг эмаслиги билан шартланган бўлса, социал адолатсизликни туғдиради, кишиларнинг меҳнатдаги фаоллигини пасайтиради, зеро товар эквивалентига эга бўлмаган пул даромадларига локайдликни пайдо қилади. Бошқача айтганда, кишиларнинг моддий тенгсизлиги жамиятнинг табиий ҳолати сифатида адолатсиз табақаланишга ўсиб ўтиши керак эмас. Бозор иқтисодиётига ўтиш микросоциал жиҳатдан табақаланишни чуқурлаштиради, лекин уни меҳнатдаги тафовутлар билан, кишининг ишчанлик қобилиятлари ва уларни рўёбга чиқариш билан мустаҳкамроқ боғлайди. Қолаверса, социал тафовутларни такрор ҳосил қилиш моддий фаровонликнинг янада юқорироқ даражасида юз беради.

Лекин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти дастлабки пайтда кам таъминланган кишиларнинг аҳволини мушкуллаштириши, улар сонининг ўсишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳол аҳоли таркибида камбағалларнинг салмоғи бўйича мамлакатда биринчи ўринлардан бирида турувчи республикамизда алоҳида эътибор беришни талаб этади. Бозор муносабатларига ўтишда гражданларнинг бу қатлами норентабел корхоналарни ёпиш натижасида пайдо бўладиган ишсизлар ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси камбағаллик муаммосини шошилинч ҳал қилиш зарурлигидан далолат бермоқда. Бу нарса самарали бўлиши учун ушбу ҳодисанинг микёслари ва сабабларини билиш керак. Юқорида таъкидланганидек, ойига жон бошига 75—80 сўм даромад олувчи кишилар ҳозирги стандартга биноан камбағал деб ҳисобланади. Пулнинг қадрсизланиши ошиб бораётганини ҳисобга олсак, яқин орада ойига 100 сўмга қадар даромад олувчи кишилар ҳам камбағаллар сафидан ўрин олади. Расмий маълумотларга қараганда, Ўзбекистон ССРда улар аҳолининг 66 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Бунинг устига қишлоқ камбағалларнинг салмоғи ва мутлоқ миқдори бўйича шаҳарни анча орқада қолдириб кетмоқда. Бу эса, бошқа ҳамма нарсалардан ташқари, энг камбағал кишилар асосан республиканинг туб ерли аҳолисига мансуб эканлигини кўрсатадики, ўз навбатида, бу ҳол миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви учун социал замин туғдирмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистонда камбағалликнинг бундай микёсларда бўлишининг сабабини кўпинча туб ерли аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг тез ўсишида деб биладилар. Бундай ўсишнинг таъсирини инкор этмаган ҳолда, ҳар ҳолда асосий сабаб — иқтисодиётнинг ривожланмаганлигида деб биламиз. Зеро, маълумки, кишиларнинг моддий фаровонлигини икки омил шартлайди: биринчиси — ишлаб чиқариш ёки соф иқтисодий омил; иккинчиси — социал-демографик омил. Кишиларнинг моддий фаровонлиги аввало ишлаб чиқаришнинг даражасига боғлиқ. Оиланинг даромадини унинг ишловчи аъзолари иш ҳақи белгилайди, бу эса, ўз навбатида, иш билан бандлик ҳамда улар меҳнатининг унумдорлиги билан шартланади. Айни Ўзбекистон ССРдаги ишлаб чиқариш даражаси оилага кўп пул ишлаб топиш имконини бермайди — биз мамлакатдаги кўпгина республикалардан оиланинг умумий даромади бўйича орқада қолаётганимиз бежиз эмас, бу 3-жадвалда яққол кўзга ташланади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ССР ишчи ва хизматчиларнинг ҳам, колхозчиларнинг ҳам оилавий даромади миқдори бўйича 3 республикадан олдинда, лекин 8 республикадан орқада қолмоқда. Биз бу қолоқликни аввало иш билан бандлик ва ишловчилар меҳнат унумдорлигидаги тафовутлар билан боғлаймиз. Оила таркибининг миқдори бўйича Ўзбекистон фақат Тожикистон ССРдан орқада, республикамиз туб ерли аҳолиси катта оилалардан иборатлиги шак-шубҳасиз фактдир. Лекин камбағал қатламлар мавжудлигини фақат шу нарса билан изоҳлаш тўғри бўлмайди. Ўзбек қишлоғи ишга жойлашишдаги жиддий мушкулотлар ва ишловчиларнинг даромади озлиги билан ажралиб тура-

ди. Колхозчиларнинг даромадларида колхозда меҳнатга ҳақ тўлаш роли мунтазам тарзда камайиб бораётгани бежиз эмас: агар 1975 йилда колхозчилар барча даромадларининг 44,2 фоизи ана шунинг ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1988 йилга келиб у 37 фоизга тушиб қолди. Бу ҳол колхозчиларнинг жамоат хўжалигидаги бандлиги пасаётгани билан боғлиқ. 1975 йилда меҳнатга лаёқатли колхозчи эркаклар унда жами ишланган вақтнинг 63,2 фоизи, хотин-қизлар — 54,6 фоизи миқдорида банд бўлган бўлсалар, 1988 йилга келиб эса у тегишли равишда 54,3 ва 45,5 фоизини ташкил этди. Ана шу иш билан бандлик вақтининг қисқариши меҳнат унумдорлигининг пасайиши билан бирга борганн учун, табиийки, жамоат хўжалигидан олинадиган даромадлар ҳам камайди. 1980—1988 йилларда Ўзбекистон ССРда меҳнатга ҳақ тўлаш тартибида колхоздан оила бюджетига тушумлар бир йилга ҳисоблаганда 36 сўм 70 тийинлик камайди, колхоздан ташқарида олинган иш ҳақи эса 259 сўмлик, шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинадиган даромад эса 108 сўмлик кўпайди («Бюджеты рабочих, служащих и колхозников». М., 1989. с. 227). Колхозчиларнинг умумий даромадларида колхозда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳиссаси бўйича Ўзбекистон ССР Иттифоқда энг охирги ўринда туради, бунинг устига у колхозчининг бюджетига меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги тушумларнинг мутлоқ ўсиши бўйича ҳам орқада қолмоқда.

3-жадвал

1988 йилда ишчи, хизматчи ва колхозчилар оилаларининг ҳар бир оила учун ўртача йиллик умумий даромади, сўм*

Республикалар	Ишчи ва хизматчилар оилалари	Колхозчилар оилалари
РСФСР	5763,1	5805,7
Украина ССР	5169,1	5188,1
Белоруссия ССР	5804,7	5353,2
Ўзбекистон ССР	5210,8	5780,8
Қозоғистон ССР	5977,8	6039,9
Озарбайжон ССР	4766,8	6460,9
Литва республикаси	5915,8	6738,1
Молдова республикаси	5301,2	5150,0
Латвия ССР	5733,6	6340,2
Арманистон ССР	5497,5	7274,0
Туркманистон ССР	5009,5	6751,6
Эстония ССР	5503,7	7538,1

*СССР Статистика давлат комитетининг материаллари асосида тузилган.

Келтирилган фактлардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: Ўзбекистон колхозчиларининг қашшоқ яшашига улар сонининг туғилиш юқори даражада бўлиши ҳисобига ўсиши эмас, балки қишлоқнинг иқтисодий жиҳатдан қолоқлиги асосий сабабдир. Бу хулосани оилаларнинг умумий даромади хусусидаги маълумотлар ҳам тасдиқламоқда (3-жадвалга қаралсин). Бунинг устига, агар оилавий даромаднинг ҳозирги аҳволида Ўзбекистон ССРдаги оиланинг миқдорий таркиби Иттифоқдаги ўртача даражага мувофиқ келган тақдирда ҳам аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадлар барибир юқори бўлмас эди. Ўзбекистонда ва аҳолининг ўсиш суръатлари Ўрта Осиёдагига қиёслаганда паст бўлган республикаларда ишчи ва хизматчилар оилалари аъзоларининг таъминланганлигини қиёслаб кўрамиз (4-жадвал).

4-жадвал ҳатто аҳоли ўсишининг Иттифоқдаги ўртача суръатларида, лекин иқтисодиётнинг мавжуд ҳолатида Ўзбекистон РСФСР, Украина, Белоруссия ва Болтикбўйи республикаларидагидек жон бошига тўғри келувчи даромад даражасига етишга муваффақ бўла олмаслигидан далолат беради. Демак, Ўзбекистон ССРда турмуш даражаси пастлигининг асосий сабаби аҳолининг ўсиши билан эмас, балки иқтисодиётнинг ривожланмаганлиги билан боғлиқдир. Қисқаси, республикамизни ҳозирги кризисдан туғилишни бошқариш эмас (бир қатор шарқ мамлакатларининг тажрибаси амалда бунинг иложи йўқ эканлигини кўрсатди), балки ишлаб чиқаришнинг барқарор юксалишини таъминлаш олиб чиқиши мумкин. Аҳолининг ўсиш суръатлари эса бозор иқтисодиёти амал қилган шароитда оиланинг таркибини унинг ўзи бошқариши асосида муқаррар равишда пасайиб

4-жадвал

Ишчи ва хизматчилар оилаларининг жон бошига ўртача умумий даромади (иттифоқдаги ўртача даражага нисбатан фоиз ҳисобида)*

Республикалар	1975 йил	1980 йил	1985 йил	1988 йил
РСФСР	107,4	107,5	107,4	108,5
Украина ССР	102,0	100,8	104,4	102,0
Белоруссия ССР	94,2	100,0	105,2	106,5
Ўзбекистон ССР	96,0	97,9	81,6	90,2
Қозоғистон ССР	86,2	90,0	92,8	96,0
Грузия ССР	90,0	92,9	91,1	88,0
Литва республикаси	105,2	111,6	117,8	119,5
Латвия ССР	117,3	117,5	117,8	118,4
Эстония ССР	123,0	115,7	119,2	117,6

*Аҳоли ўсишининг иттифоқдаги ўртача суръатлари асосида юқорида тилга олинган «Бюджеты рабочих, служащих и колхозников» тўплами асосида Ўзбекистон ССР учун ҳисоблаб чиқилган.

боради. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти иш кучининг сифатига талабни кучайтиради ва, бинобарин, оиланинг бола тарбиясига сарфини кескин тарзда оширади. Бундай аҳволда оила ўзи оладиган даромадларга боғлиқ ҳолда ўзининг мақбул таркибини бошқариб туришга мажбур бўлади.

Ҳозирча эса камбағаллик миқёслари республикамизда узоқ вақт сақланиб қолиш у ёқда турсин, балки бошқариладиган бозор иқтисодиёти шароитида кенгайиши ҳам мумкинлигидан келиб чиқиш керак. Юқорида ишсизликнинг ўсиши мумкинлиги эслатилган эди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 1995 йилга келиб Ўзбекистон ССРда ишсизлар сони 2,5 миллион кишига етиши мумкин. Кейинроқ, иқтисодиёт жонлана борган сари, уларнинг миқдори камайса керак, лекин, эҳтимол, бу ҳол 2000 йилдан кейин юз беради.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, жамият давлат воситасида социал мувозанатни қўллаб-қувватлаб туриши керак. Бундай иқтисодиётга ўтиш ҳукумат дастурида аҳолининг, айниқса, кам таъминланган аҳолининг социал ҳимояланиши чоралари кўзда тутилганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон ССРда жамият ёрдамига муҳтож гражданларнинг ҳиссаси барқарор тарзда юқори — бизнинг ҳисоб-китобларга қараганда 10—12 миллион киши атрофида бўлади. Шу туфайли социал бошқариш чоралари ҳам бу ерда бошқа республикалардагидан кўпроқ маблағ талаб қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат аҳоли камбағал қатламлари аҳволининг ёмонлашувини, балки ғоят бадавлат гражданлар гуруҳларининг пайдо бўлишини ҳам кутиш кераклигини эътибордан соқит қилиш керак эмас. Маълумки, бозор муносабатлари эркинлигини кўзда тутувчи янги иқтисодий сиёсатга ўтиш муносабати билан В. И. Ленин иккита ҳодисадан хавотирланган эди: биринчидан, анархиялилик, стихиялиликдан; иккинчидан, аҳоли баъзи қатламларининг (озчиликнинг) иқтисодий аҳволини энг кўп даражада яхшилаш ва иқтисодий ресурслар билан бошқаларнинг (кўпчиликнинг) зарур эҳтиёжлари ўртасида тўла номувофиқлик натижасида социал табақаланишнинг чуқурлашишидан.

Хуллас, социал табақаланишсиз ишлаб чиқаришни ўстириш стимуллари мавжуд бўлмайди, у билан бирга эса социал кескинлик кучайиб боради. Бинобарин, бозор иқтисодиётининг аҳоли камбағал қатламларига тегадиган зарбини юмшатувчи ҳамда уларнинг регионал-миллий ўзига хослигини албатта ҳисобга олувчи социал чоралар кўрилиши зарур. Чунончи нархнинг муқаррар ўсишидан аҳоли кўрадиган талафотларнинг ўрнини пул шаклида қоплаш, энг зарур молларни эса қатъий нархлар бўйича ва талонлар асосида реализация қилиш мумкин. Камбағал кишилар аҳолининг кўпчилигини ташкил этувчи Ўзбекистон ССРда истеъмол бозорида карточкалар системасини жорий этиш зарур, яъни асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолининг кам даромадли қатламлари учун қатъий нархларда нормали тақсимлаш лозим деб ҳисоблаймиз. Улар бундай ҳолда тарқиб топган ва қатъий нархлар ўртасидаги тафовут кўринишида социал компенсация оладилар.

Камбағалларнинг моддий аҳволига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг

даражаси ва структураси ҳосил бўлишининг асосий омилларидан бири — деҳқон бозорининг нархлари жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу бозор конъюнктураси ўзгаришининг бошқариб бўлинмаслиги дастлабки эҳтиёжларни қондирувчи озиқ-овқат моллари нархининг анча ўзгаришига олиб келади. Чунончи, 9 деҳқон бозорини тадқиқ қилиш маълумотларига қараганда, 1985—1989 йиллар ичида улардаги нарх-наво ўртача 14 фоиз, шу жумладан, нон маҳсулотлари — 16, картошка — 9, сабзавот — 14, мева — 30, сут — 16, гўшт — 6 фоиз ошган. Фақат тухум арзонлашган (7 фоизга). Ҳолбуки, кам таъминланган оилаларнинг 88 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларини бозордан харид қилади. Шу сабабли республикамизда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чораларни табрикламасдан бўлмайди. Улар ҳар томонлама мададга муҳтож — уларни уруғлик, кўчат, ем-хашак, ёш моллар билан таъминлаш зарур, етиштирилган маҳсулотни сотишда ёрдам бериш, экинларнинг фойдали структурасини уларга тавсия этиш керак. Табақалаштирилган солиқ солиш эса улар ўсишини тартибга солувчи воситага айланиши керак.

Ўзбекистон ССР қишлоқларидаги кам таъминланган оилалар учун шахсий хўжалик алоҳида аҳамиятга эга, зеро у даромад келтиради ва озиқ-овқат маҳсулотлари келиб тушишининг манбаидир. 1989 йилдаги маълумотга қараганда, бундай оилаларнинг 75 фоизи шахсий хўжаликка ёки боғ участкасига эга эканлиги бежиз эмас. Нарх-наво ўсишидан улар кўрадиган талафотнинг ўрнини қоплаш учун, бизнингча, 6 нафардан ортиқ аъзоси бўлган оилаларга қўшимча ер ажратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди: оиланинг ҳар 7-, 8-, 9- ва ҳоказо аъзосига ернинг унумдорлигига боғлиқ ҳолда 1—2 сотихдан ер бериш лозим.

Бозор муносабатлари шароитида таъминот-сотиш кооперативлари кўринишида шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг уюшмасини барпо этиш оқилона иш бўлур эди. Бундай кооперативларга, фикримизча, етиштирувчиларнинг ўзлари аъзо бўлишлари керак, уларнинг функциялари эса мева-сабзавот маҳсулотини манфаатли сотишни (шу жумладан мамлакатнинг бошқа регионларига олиб бориб) ташкил этиш ва деҳқонларни зарур моллар билан таъминлашдан иборат бўлиши лозим. Бизнингча, бу чора пул қадрсизланишидан ҳимоя қилади, зеро маҳсулотни республикадан бошбошдоқлик билан олиб кетиш қадрсизланган пуллар келиб тушишига сабаб бўлади.

Социал ёрдамни табақалаштириш, бизнингча, камбағал оилаларнинг уй-жой билан таъминланганлигини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Ўзбекистон ССРда, мавжуд маълумотларга қараганда, кам таъминланган оилаларнинг учдан икки қисми — қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам — ўз уйларида яшайди. Ўз уйларида яшовчи шаҳарлик оилаларнинг 75 фоизи тураржой етарли эмаслиги ва коммунал кулайликлар етишмаслигидан азоб чекади — бундай уйларнинг 88 фоизида ванна, 45 фоизида эса ҳатто водопровод йўқ. Ўз уйларида яшовчи қишлоқ оилаларининг аксарияти катта, ўз таркибида 6 дан ортиқ киши бўлган оилалардан иборатдир. Ўз уй-жойини ремонт қилиш ва унга қараб туриш катта сарф-харажатларни талаб этиши туфайли бу ҳол камбағал оилаларда истеъмолни камайтиради. Назаримизда, шахсий уйлар ремонтининг бир қисмини маҳаллий Советлар ҳисобига ўтказиш лозим. Энг оддий қулайликларни яратиш мақсадида корхоналарнинг камбағал оилалар устидан оталиғини йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Шаҳарларда ижтимоий уй-жой фондини қайтадан ҳисобга олиш ва бунда аниқланган нормативдан ташқари уй-жойни унга муҳтож камбағал оилаларга бериш ҳам ёмон бўлмас эди.

Бепул ёки имтиёзли хизмат кўрсатишларни кам таъминланганлар фойдасига қайтадан тақсимлаш уларга жамият ёрдамининг яна бир кўринишидир. Хусусан, касалхоналарда ана шундай гражданларни даволаш учун мўлжалланган махсус ўрин фондини ажратиш, камбағал оилаларни уйда даволаш учун тиббий ходимларнинг қўшимча штатини кўзда тутиш, улар учун камёб бўлмаган дориларни бепул бериш ва тақчил дориларни давлат нархларида сотиш тартибини жорий этиш мумкин. Халқ таълими системасида кам таъминланган оилаларга социал ёрдам камёб ихтисосликлар бўйича ҳунар-техника билим юртларига қабул қилишда имтиёзлар бериш; олий ўқув юртлари ва техникумларга камбағал оилалардан чиққан қобилиятли ёшларни қабул қилишда қатъий лимитлар белгилаш; бундай оилалар болаларини болалар боғча ва ясліларида ўринлар билан, санато-

рий ва пионер лагерларига йўлланмалар билан биринчи галда таъминлаш йўли оркали амалга оширилиши мумкин.

Ишсизларга ёрдам уларни иш билан, бунинг иложи бўлмаган такдирда эса — давлат нафакалари билан таъминлаш чораларини ўз ичига олиши керак. Ишсизларни ишга жойлаштириш максадида майда сохибкорлик фаолиятини — савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, истеъмол буюмларини, шу жумладан ёлланма меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чикариш бўйича шахсий ва оилавий корхоналарни ривожлантиришга ёрдам бериш максадга мувофикдир. Нима учун, масалан, республикамизда касаначилик меҳнатига асосланган ва технологияси содда буюмларни (чойшаб, ёстик жилди, сочик, салфетка ва ҳоказоларни) ишлаб чикаришга асосланган тикувчилик тармоғини ташкил этиш мумкин эмас? Бунда ишлаб чикарилган буюмларни етарли харид бозори мавжуд бўлган мамлакат районларидаги давлат бюджетидаги корхоналар ва ташкилотларга етказиб беришни шарт килиб кўйиш лозим. Ишлаб чикаришнинг бундай шакли, биринчидан, инфраструктурага капитал маблағлар сарфлашни, иккинчидан, ускуналарга катта сарф-харажат килишни, учинчидан, юкори малакали ишчилар тайёрлашни талаб килмайди. Бундай меҳнат учун бизда барча зарурий шарт-шароит мавжуд. Чунончи, 1989 йил 31 мартдаги ҳолатга караганда, Ўзбекистонда ишчи ва хизматчиларнинг ҳар 100 оиласига 66, колхозчиларда — 64 тикув машинаси тўғри келган.

Ўзбекистонда шунингдек кишлок хўжалик маҳсулотларини кайта ишлашга доир кичик корхоналарни ташкил этиш учун реал имконият мавжуд. Улар тез бузиладиган маҳсулотни аҳолидан ва давлат савдо идораларидан тезкорлик билан сотиб олиб, уни кайта ишлашлари мумкин бўларди. Ишсизлар учун мавсумий иш ҳакига эга бўлишни ташкил этиш ҳам эътибордан четда колмаслиги керак. Хусусан, Ўзбекистон мамлакатнинг меҳнат ресурслари такчил бўлган районларига ҳосил йиғим-терими, у ёки бу объектлар курилиши, курорт мавсумида хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар вактида иш кучи етказиб бериши мумкин. Иш кучини бошка мамлакатларга вактинча экспорт килиш учун тайёрлаш системасини барпо этиш тўғрисида хам ўйлаш керак. Республикада иш жойларининг микдорини кўпайтиришга корхоналар куриш учун хорижий капитални жалб этиш ёрдам беради. Ўзбекистон ССР бунинг учун хом ашё базасига ҳам, арзон иш кучига ҳам эга.

Бозор иктисодиётининг асосий сиймоси товар ишлаб чикарувчи корхона бўлиб, у нафакат Ватан бозорига, балки валюта ишлаб топиш учун жаҳон бозорига ҳам кўшилади. Бизнингча, республикадаги барча валюта тушумларини технологияларни харид килишга йўналтириш зарур. Бу эса, биринчидан, кўшимча иш жойларини барпо этиш, иккинчидан, ўзимиз юксак сифатли моллар ишлаб чикаришимиз ва ички бозорни улар билан тўлдиришимиз имконини беради.

Ҳаёт кун тартибига ишсизларга ёрдам кўрсатиш фондини ташкил этиш масаласини ҳам кўймокдаки, токи киши ишдан маҳрум бўлган такдирда бу фонддан унга нафака ажратиш мумкин бўлсин, бундай нафакани энг кам иш ҳакининг 50 фоизи микдорида белгилаш хусусидаги таклиф, фикримизча, Ўзбекистон ССР учун тўғри келмайди, зеро бизда ишсизлик хамда ишсизлар карамоғидаги оила аъзолари даражаси юкори. Ишсизлик оилада карамокдаги аъзолар кўп микдорда эканлиги билан ажралиб турувчи республика меҳнатга лаёкатли аҳолисининг 20 фоизини камраб олиши эҳтимоллиги сабабли унинг окибатлари ғоятда сезиларли бўлиши ва илгари кўрилмаган социал кескинликни келтириб чикариши мумкин. Буни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда ишсизлик бўйича нафакани, бизнингча, энг кам иш ҳакининг 100 фоизи микдорида белгилаш керак бўлади.

Хуллас, бозор иктисодиёти микросоциал жиҳатдан табакаланишни, тўғри, иктисодий ривожланиш ва моддий фаровонликнинг янада юксак даражасида чукурлаштириш учун шарт-шароит яратиб беради. Ушбу жараён кескин маррага етмаслиги учун уни социал жиҳатдан бошкариш зарурки, у 2 йўналишда бориши мумкин: биринчиси — камбағал кишилар ишлаб пул топиш ва ўз моддий аҳволларини яхшилаш имкониятига эга бўлиши учун шарт-шароит барпо этиш, иккинчиси — жамиятдаги мавжуд неъматларни аҳолининг кам таъминланган катламлари эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда марказлаштирилган тарзда кайта таксимлаш. Ушбу йўналишларни ғоятда окилона бирлаштириш тўғрисида ғамхўрлик килиш жуда муҳим ишдир.

В. ҚАБАКОВ

ЯНГИЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ МУАММОЛАРИ

Совет жамиятидаги етилган муаммоларни ҳал этиш фан-техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланишни анча жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Бунда фан-техника тараққиётини янгича, мафкуралаштиришдан холи тарзда тушуниш, ижтимоий ҳаётнинг кўпгина томонларига у кўрсатаётган таъсирни англаб етиш зарурдир. Бу хил қайта мушоҳада қилиш социал-иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг бутун комплексида юз бераётган ҳамда юз берадиган ўзгаришлар билан бевосита боғланган. Фан-техника тараққиётининг моҳияти, унинг ҳозирги шароитда ижтимоий жараёнлар ҳолатига таъсири хусусидаги назарий тасаввурларни чуқур ишлаб чиқиш алоҳида эътиборга сазовордир. Фан ва техниканинг ривожланиш даражаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан ўзаро алоқадорликда бутун жамият тараққиётининг ҳам, ҳар бир киши ҳар томонлама камол топишининг ҳам энг муҳим ва зарур шарт-шароитларидан бири эканлигини ҳисобга олиш керак.

Фан — ишлаб чиқариш — инсон ўзаро алоқадорлиги, менимча, фан-техника революциясининг концептуал хусусиятга эгалигини кўрсатади. Унда юз бераётган жараёнлар социализм назарияси ва амалиётининг эскирган қоидаларини, СССРда фан-техника сиёсатини амалга оширишдаги принципиал ўзгаришларни қайтадан мушоҳада қилиш зарурлигидан яққол далолат бермоқда. Бундай ўзгаришларни, бошқа ҳамма нарсалардан ташқари, фан ва техника соҳасида кўпгина позициялар бўйича орқада қолаётганимиз ҳам қатъиян тақозо этмоқда. 50-йиллар бошида фан-техника революцияси «отини эгарлай олмай», биз ҳеч кимнинг ҳаваси келмайдиган қувиб етишга уринувчи бўлиб қолдикки, бу вазифани бажаришимиз борган сари мушкуллашмоқда.

Иқтисод ва биология фанларини таъқиб қилишлар, кибернетикани «камситиш» — «доҳийлар»нинг жоҳилона авторитар нафсониятларига хуш келиши учун қилинган гуноҳларнинг ҳатто ана шу, унча тўлиқ бўлмаган рўйхати — 50-йилларда авж олган фан-техника революциясидаги мавқеларимизни аввалига тубдан кўпорди. Қолаверса, уруш туфайли заифлашган мамлакат иқтисодиёти, бир томондан, жуда катта капитал маблағларни талаб этарди, бошқа томондан — фан-техника сиёсатига раҳбарликнинг ўша вақтдаги ҳолатида технологияни жадал янгилашга иқтисодиёт тайёр эмас эди. Маълумки, иқтисодиётни, биринчи навбатда молия ва саноатни жадал тиклаш жараёни иккинчи жаҳон урушидан сўнг бизга ўхшаш (гарчанд камроқ даражада бўлса ҳам) хўжалик вайронагарчилиги шароитида қолган Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатлари ва Японияда юз берди. Шуниси характерлики, уларда бозор хўжалигига монанд бўлган, янада кўпроқ даражада такомиллашиб борган технологияга сезгир муносабатда бўлган, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларини биринчи навбатда жорий этишга ёрдам берган иқтисодий бошқариш системаси нисбатан тезроқ шаклланди.

КАБАКОВ Владимир Давидович, тарих фанлари номзоди.

Табиий мол танлаш функциясини бажара бориб, эркин иқтисодий бозор сиёсий структуралар томонидан регламентланишга эҳтиёж сезмайди, аксинча, сиёсий структуралар шаклланган иқтисодий тартибга мослашишга «мажбур» бўлади. СССРда 30-йилларда узил-кесил қарор топган иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари эса янги иқтисодий сиёсат табиий жараёнларининг ривожланишини тўхтатиб қўйди, бозор муносабатларининг шаклланишига тўсқинлик қилди. Бундай шарт-шароитда «ягона техника сиёсати» иқтисодиётда, хусусан, саноат ишлаб чиқаришини технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришда устун жиҳатларни субъектив тарзда белгилаган директив қарорлар системасидан бошқа нарса эмас эди. Бунинг устига эса техника сиёсатини амалга ошириш, одатда, дунёдаги энг янги фан-техника ютуқларини қиёсий таҳлил қилмасдан амалга ошириларди.

Мамлакатимизда ҳозиргача, мисол учун, фан-техника тараққиётининг энг муҳим томони бўлмиш инновация фаолиятининг даражаси нима учун пастлиги мана шу ҳол билан изоҳланади. Янги технологиялар ва ташкилий шаклларни бунёд этиш ҳамда жорий қилишга йўналтирилган ушбу фаолият ҳозирги вақтда фан, техника ва ишлаб чиқаришни самарали бирлаштирувчи янги мураккаблашган шакллар билан характерланади. Чунончи, Ғарбий Европа, АҚШ ва Японияда диверсификацияланган илмий марказлар — энг сўнгги янгиликларни жадал жорий этишга қодир бўлган қудратли фан-техника комплекслари кенг ёйилди. Бу хил марказлар устун йўналишларда чуқур ихтисослашган ҳолда жуда кенг кўламда тадқиқотлар ўтказмоқда.

Мамлакатимизда бир неча йил олдин фан ва техника ривожланишини координациялашнинг ўзига хос шакли бўлмиш тармоқлараро илмий-техника комплекслари (ТИТК) пайдо бўлди. Бундан ташқари, ТИТК ўз ютуқларини кенг миқёсда «кўпайтириш»га, тажриба намуналарини тайёрлаш ва уларни кўплаб ишлаб чиқаришгача етказишга даъват этилган. Лекин, мутахассисларнинг фикрича, ушбу комплекслар ишланмаларининг чорак қисмидан озроғигина жаҳон даражасига мувофиқ келади. Уларнинг фаолиятини аввалгидек қаттиқ регламентлаш, уларни бадном бўлган буйруқбозлик методлари ёрдамида бошқариш бунинг сабабчисидир.

Шуни эътиборда тутиш кераккки, юксак даражада ривожланган капиталистик мамлакатларда фан-техника революцияси бир неча ўн йиллардан буён жамиятни информатизациялаш жараёнлари билан биргаликда амалга оширилмоқда, информатизациялаш махсус тор тушунчадан эндиликда иқтисодий, социал ва ҳатто сиёсий феноменга айланди. Шу билан бирга электрон-ҳисоблаш машиналарининг, компьютер техникасининг барпо этилиши информатиканинг шаклланишида революционлаштирувчи роль ўйнади. Ўз навбатида, уларнинг ривожланиши ҳозирги фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Компьютерда ахборотни ишлаш ҳамда сақлаш технологиясининг ҳаммабоплиги ва юксак самарадорлиги, уни рўёбга чиқариш электрон воситаларининг арзонлиги ва мўъжазлиги информатиканинг амалда ижтимоий ҳаёт барча соҳаларига кириб келишига имкон берди. Мамлакатимизда ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган системаларни 2000 йилгача бўлган даврда бунёд этиш ҳамда ривожлантириш умумдавлат дастури қабул қилинган, ўқувчиларнинг компьютер соҳасидаги саводхонлигини таъминлаш ва электрон-ҳисоблаш техникасини ўқув жараёнида кенг жорий этишга доир чоралар кўзда тутилган. Лекин ушбу дастурни рўёбга чиқариш иши суст бормоқда. Шу сабабли бизнинг ривожланган мамлакатлардан жамиятни информатизациялашда ҳам (олимларнинг ҳисобича, ўн йилдан кўпроққа), кейинги авлодларга мансуб ахборот техникасини бунёд этишда ҳам анча орқада қолганимиз бежиз эмас.

Равшанки, мамлакатга информатиканинг саноат негизи сифатида йирик тармоқлараро халқ хўжалик комплекси керак. Лекин, академик Е. Велиховнинг фикрича, ресурсларни ушбу йўналишда жамлашга ҳозирча муваффақ бўлинмаяпти, зеро мамлакатни 2005 йилга қадар бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантириш хусусида қабул қилинган дастурда халқ хўжалигининг ресурслари амалда бошқа дастурлар бўйича тақсимланган. Ҳолбуки информатикани ривожлантиришга ажратиладиган инвестициялар аср охирига келиб бутун машина-

созлик комплексига бугунги кунда йўналтирилаётган капитал маблағлар билан қиёсланиши мумкин бўлади.

Фан-техника революциясининг тилга олинган устун йўналишларининг аҳволини ҳатто нари-дан-бери таҳлил этиш принципиал янгича фан-техника сиёсатини амалга ошириш ғоятда зарурлигини кўрсатмоқдаки, бу хил сиёсатсиз жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тубдан ўзгартириш мумкин эмас. Ишлаб чиқаришга фан-техника революциясининг ютуқларини жадал тарзда жорий этиш кўп жиҳатдан ушбу ишни ташкил этишга боғлиқдир. Қайта қуриш социализмга фан-техника революциясининг шарт-шароити ва эҳтиёжларига, совет жамиятининг интеллектуал тараққиётига мувофиқ келувчи энг замонавий шаклларни беришни кўзда тутаётгани бежиз эмас. Бошқача айтганда, фан-техника революцияси жараёнларига мослашувчан ва сезгир муносабатда бўлиш имконини берадиган социал-иқтисодий структуралар бунёд этилиши керак. Фақат шундай ҳолдагина иқтисодий муаммолар бутун комплексини самарали ҳал этишга умид қилса бўлади. Шу сабабли фаннинг «етиб олувчи» ҳолатини тугатиш, фундаментал тадқиқотларда ёриб ўтишни таъминлашга, фаннинг куч-ҳаракатларини энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини амалга оширишга жамлашга қодир сифат жиҳатидан янги Ватан илмий потенциалини яратиш имконини берадиган иқтисодий сиёсат зарур.

Меҳнатни ташкил этиш ва иқтисодиётни бошқаришда эски, маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечаётган ҳолда биз янги, ўз-ўзини бошқарувчи усулни ҳали яратмаган ўзига хос вазият, фикримча, совет жамиятида иқтисодий аҳвол ёмонлашувининг асосий сабабларидан биридир. Бундай ноаниқ ҳолат бошқарувнинг ҳам марказлаштирилган, ҳам бозор механизмларини қадрсизлантиради, фан-техника революцияси жараёнларига тўсиқ бўлади. Бундай революциянинг авж олишини тормозловчи муаммоларни қараб чиқиш чоғида хусусан Ўрта Осиё республикаларидаги фан-техника тараққиётининг регионал жиҳатлари анча бўртиб кўзга ташланади.

Ўрта Осиё республикаларининг социализм йўлидан ривожланиши барча қийинчиликлари, янглишиш ва зиддиятларини эътиборга олганда ҳам бу ерда тарихан қисқа муддат ичида индустриялаштириш амалга оширилганлиги, ишчилар синфининг миллий отряди, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар шаклланганлиги фактини инкор этиб бўлмайди. Иттифоқнинг социал-иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган республикалари томонидан Ўрта Осиё халқларига кўрсатилган беғараз ёрдам ушбу жараёнга самарали таъсир кўрсатганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Регионимиз оёққа туришининг ўзига хослиги унинг миллий, демографик, иқлимий, хўжалик хусусиятларини ҳисобга олиш масаласини бошқача қилиб қўйганлиги ҳам шубҳасиз. Бу омилларнинг ҳаммаси, афсуски, реал сиёсатда доим ҳам эътиборга олинмади. Ўрта Осиё республикалари иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ҳозирги танг аҳвол айни шундай сиёсатнинг натижаси бўлди.

НЭП, назаримда, бутун мамлакатга ва, айниқса, Ўрта Осиё республикаларига зарур эди. Собиқ Туркистон ўлкасининг архаик хўжалик инфраструктураси ва урушдан кейинги хўжалик вайронгарчилиги шароитида НЭП қисқа муддат ичида бу ерда товар-пул муносабатларини фаоллаштирди, саноатни интенсив ривожлантиришга, ижтимоий ҳаётда прогрессив ўзгаришлар бўлишига имкон яратди. НЭПга ўтиш даврида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини хўжалик ҳисоби принципларида бошқариб турувчи тариф сиёсати ишлаб чиқилганлиги ва амалга ошириб борилганлиги характерлидир, бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш учун, бинобарин, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш учун ҳам биринчи даражали аҳамият касб этди. Бунинг устига меҳнат унумдорлигини оширишда коллектив шартномалар муҳим роль ўйнади, уларнинг асосий мақсади, бир томондан, ҳақ тўлашда ишбай ва бошқа прогрессив шаклларни қўлланиш йўли билан ишчиларга меҳнат ва иш ҳақининг зарур шарт-шароитини кафолатлаш, бошқа томондан — ходимлар томонидан меҳнат унумдорлигида янада юксак даражага эришиш бўйича мажбуриятлар қабул қилиниши бўлди.

Аҳолининг оммавий истеъмол молларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашда ижобий роль ўйнаган косибчилик-ҳунармандчиликнинг нисбатан кенг ривожланиши Ўрта Осиё саноатининг НЭП давридаги ўзига хос ажойиб хусусияти бўлган

эди. Ўша пайтда бундай ишлаб чиқариш барпо этилаётган саноат билан муваффақиятли ҳолда ёнма-ён яшади; келгусида ушбу «мулоқот» қандай аҳамиятга эга бўлишини (бунинг ҳозирги вақтдагина реал бўлиши эҳтимоллигини кўриб турибмиз) фараз қилишимизгина мумкин.

Партия XIV съезди қарори асосида бошланган мамлакатни индустриялаштириш амалда НЭПни йиғиштириб қўйиш ва қатъиян регламентлаш ҳамда билар-билмас бошқариш сиёсати жорий қилинишини англатган эди. Ўрта Осиё республикаларига, кейинчалик маълум бўлишича, бундай сиёсат айниқса қимматга тушди.

Ўрта Осиёда индустриялаштириш зарур ёки нозарур бўлганлиги хусусида ҳеч ким баҳслашмоқчи эмас. Бунга жавоб битта: замонавий саноат ишлаб чиқаришсиз на миллий, на социал тараққиёт бўлади. Бироқ муаммо индустриялаштиришни амалга ошириш методларига, ушбу ҳолда умумий манфаатларни чексиз ҳукмрон давлат бошқарувчи, иқтисодий методлар учун эса умуман ўрин қолмайдиган коллектив мулкчилик шаклларини барпо этишдан ўзгача мақсади бўлмаган, Маркс ибораси билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг «осиёча» усули шаклланиши ва мустаҳкамланишига имкон яратган методларга бориб тақаларди.

Юзага келган вазиятдан чиқиш учун иллатли, тарихан ўзини оқламаган иқтисодий ҳамда сиёсий структураларни тугатиш ҳамда бир вақтнинг ўзида янги, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ структураларни яратишдек бир-бири билан боғлиқ икки вазифани ҳал этишга қодир конструктив ислоҳотларни амалга ошириш керак деб биламан. Вазифа осон эмас, лекин ҳаётий зарур ва (ҳозирча) бажарса бўладиган. Социалистик ҳуқуқий давлат қарор топиши шароитидагина уни муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси МҚ XVIII пленумида (1989 йилнинг ноябри) тўғри таъкидланганидек, шахсга сиғиниш ва турғунлик даврлари деформациялари, бюрократик марказлаштириш, маъмурий-буйруқбозлик системаси республиканинг сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Объектив иқтисодий қонунларни, регионнинг тарихий йўли, табиий ва ер-сув шарт-шароитлари ўзига хослигини эътиборга олмаслик халқ хўжалигини бир ёқлама, асосан хом ашё етказиб берувчи сифатида ривожлантиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни, махсус инфраструктурани барпо этиш ва ривожлантиришда катта мутаносибсизликларга олиб келди. Ушбу сабаблар, шунингдек социал-иқтисодий ривожланишни демографик омилларни ҳисобга олмасдан туриб планлаштириш регионда турмуш даражасининг иттифоқдаги ўртача кўрсаткичларга қиёслаганда жиддий тарзда орқада қолишига олиб келди.

Иқтисодиёт ва планлаштиришнинг бундай ҳолатида фан-техника тараққиёти муаммоси регионда ҳали ҳам амалий характерга эга эканлиги ажабланарли эмас. Бунинг устига, аҳолисининг ўсиши юқори даражада бўлган ва амалда ишсизлик мавжуд Ўзбекистонда, масалан, саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг 60 фоиздан кўпроғи хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, меҳнатни кам сарфловчи ишлаб чиқаришлар ҳиссасига тўғри келади. Умуман бутун регионда ҳам бўлганидек, республика саноатида малакали ишчи кадрлар аҳволи бу манзарада ғайритабиийдир.

Машинасозлик, қора ва рангли металлургия, енгил саноат, қурилиш индустриясининг кўпгина корхоналарида иш жойлари мунтазам тарзда ишлатилмаётгани, натижада бутун бир қатор корхоналар лойиҳадаги қувватга чиқа олмаётганлиги сир эмас. Бунинг устига Ўрта Осиё республикаларида малакали ишчилар тайёрлаш муаммоси тўсатдан ва кечагина пайдо бўлган эмас: у индустриялаштириш давридан бери мавжуд. Лекин агар саноат тармоқларининг шаклланиши бошларида маҳаллий малакали иш кучининг тақчиллигини қандайдир даражада оқлаб бўлса, кейинги ўн йилликларда уни фақат, биринчидан, социал-иқтисодий планлаштиришнинг даражаси пастлиги ва иккинчидан, регионал манфаатларни ҳисобга олмайдиган идоравий сиёсатнинг устун туриши билан изоҳлаш мумкин. Идоравий сиёсатни хусусан шу нарса тасдиқлайдики, Ўрта Осиё республикалари территориясида жойлашган иттифоқ аҳамиятидаги кўпгина корхоналар маҳаллий аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ўрнига мамлакатнинг бошқа регионларидан малакали ишчиларни таклиф этишни афзал кўрадилар, идоралар эса таклиф қилинганларни жойлаштириш, зарур социал-маиший

инфраструктурани шакллантириш билан боғлиқ қўшимча чиқимлар қилишга тоблари йўқ, мана шу «юк»нинг ҳаммасини маҳаллий органлар зиммасига юклашга интиладилар.

Бусиз ҳам кескин бўлган уй-жой муаммоси ана шундай сиёсатнинг натижасидир, у иш билан бандлик вазифаларини ҳал қилишга ҳеч ҳам ёрдам бермайди. Ўзбекистон ССР машинасозлик тармоғи корхоналарида туб ерли миллат ишчиларининг салмоғи 27 фоиздан сал кўплиги бежиз эмас чоғи. Аҳолини иш билан банд этиш муаммосини кўп жиҳатдан миллий ва миллатлараро муносабатлар ҳолати шартлашини ҳисобга олганда, уни жадалроқ ва самаралироқ ҳал этишнинг мураккаблиги, зиддиятлилиги ва, энг асосийси, зарурлиги яққол кўзга ташланади.

Ҳолбуки, иттифоқ ва республика министрликлари орқали тор тармоқ бошқаруви, тажрибанинг кўрсатишича, регионал шароитларни пухта ҳисобга олмайди. Ҳозирги хўжалик юритишни бошқаришнинг территориал системаси унга муқобил система бўлиши мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам буйруқбозлик-маъмурий система сақланган чоғда нафақат регионал, балки маҳаллийчилик тенденциялари ҳақида сўзлаш тўғри бўлади. Зеро бунда марказий ва республика идораларининг манфаатлари объектив тарзда бир-бирига мос тушади: марказий идоралар капитал сарфлашда ўзлари учун фойдали шарт-шароитга эга бўлади, республика идоралари эса бунинг эвазига фойданинг бир қисмини талаб этадилар. Ўрта Осиёдаги ҳозирги социал-иқтисодий вазият бунинг исботидир.

Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётининг ишлаб чиқаришда аввало қайта ишловчи тармоқларни ривожлантиришга имкон берувчи монокультуравий йўналганлиги идоравий устунликларни рўёбга чиқариш учун кенг оператив майдон очиб беради. Регламентловчи иқтисодиётдан аста-секин воз кечилаётган ҳозирги кунда марказий министрликлар аввало ўз манфаатларини амалга ошириш учун юқори ҳақ тўлаш билан боғлиқ бир қатор ён беришларга бориши керакдек туюлган эди. Лекин идораларнинг сиёсатида амалда ўзгаришлар юз бермаяпти. Ўрта Осиё регионининг саноат инфраструктурасида ҳам жиддий силжишлар кўзга ташланмайди, у ерда ҳалигача қайта ишловчи ишлаб чиқаришлар устун мавқеда. Бундай аҳвол келгуси даврлар учун ҳам белгилаб қўйилгандек таассурот туғилади. Бундай шароитда республикаларга мамлакатнинг бошқа регионлари билан тўлақонли иқтисодий алоқаларни ривожлантириш жуда қийин бўлади.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё республикаларининг социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга умуман иқтисодиётдаги, шунингдек саноат ишлаб чиқариши ривожланишидаги структуравий мутаносибсизликларни бартараф этмасдан туриб эришиб бўлмайди. Алалхусус, бундай қайта қуриш, шу жумладан малакали ишчи кадрларни тайёрлаш учун вақт керак. Социал-иқтисодий соҳада аллақачондан бери мавжуд бўлган кескинликни тугатиш учун жадал ва самарали чоралар кўриш зарурлиги ҳам шубҳасиздир. Хусусан, иқтисодчилар регионнинг бевосита қишлоқ жойлари ва кичик шаҳарларида майда саноат ишлаб чиқаришлари, цех ва филиаллар барпо этилишида ушбу кескинликни юмшатишнинг мумкин бўлган вариантларидан бирини кўрмоқдалар. Бунинг устига асосий эътибор нисбатан сермеҳнат технологик циклларни бажаришга — мураккаб бўлмаган буюм ёки узелларни йиғиш, тайёр андозага қараб тикувчилик буюмларини тайёрлаш ва ҳоказоларга берилиши таклиф қилинмоқда. Бутун қишлоқ хўжалик маҳсулотини жойларнинг ўзида дастлабки қайта ишлаш иш билан бандлик муаммосини ҳал этишнинг бошқа бир туридир. Лекин етарлича ташкилий ва ишлаб чиқариш-техника таъминоти, муайян моддий сарфлар, илмий асосланган планлаштириш ва юксак ижрочилик интизоми, яъни бутун иқтисодиётимизга ҳануз етишмаётган шарт-шароит бўлган тақдирдагина бу чораларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш мумкин.

Афсуски, регионда юзага келган муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш вазиятида фан-техника тараққиёти вазифалари яна иккинчи ўринга суриб қўйилмоқда. Ҳолбуки жамиятни янгилаш жараёнлари ҳуқуқий давлатни барпо этиш, туб иқтисодий ислоҳот ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан иборат маълум учта вазифани рўёбга чиқаришни объектив тарзда талаб қилмоқда. Бу омилларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этиши тўғрисида сўзлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Масалан, фан-техника тараққиётининг даражаси паст бўлишини жамиятни бошқариш характери, фан ва иқтисодиётнинг

ҳолати шартлаган. Ўз навбатида бўлажак туб иқтисодийислоҳотни фан-техника сиёсатидаги туб ўзгаришларсиз амалга ошириб бўлмайди. Мамлакатнинг исталган регионидаги, шунингдек Ўрта Осиё регионидаги муаммолар бутун комплексини ана шу жараёнлардан ташқарида қараб чиқиш ва ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Лекин иқтисодиётимизнинг идоравий-бюрократик характердалиги шароитида унинг фан-техника тараққиёти янгиликларига мойиллиги хусусида ҳозирча сўзлашга тўғри келмайди.

Идоравийликнинг ҳамда унинг ишлаб чиқариш муносабатлари ҳозирги аҳволига таъсирининг таҳлили, фан ва техника ютуқларини жорий этиш ишлаб чиқаришни реал умумлаштиришнинг принципиал аҳамиятини тушунишга асосланиши керак. Маълумки, марксистик сиёсий иқтисод уни кўп поғонали тарихий жараён кўринишида олиб қарайдики, ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва унга мувофиқ келувчи кооперация бундай жараённинг мазмунини ташкил этади. Шу сабабли реал умумлаштириш даражаси меҳнат кооперациясини, иқтисодиётдаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро алоқаларни ривожлантириш даражасидир. Шу билан бир вақтда марксизм социализмнинг афзал жиҳати деб қарайдиган ижтимоий меҳнат кооперациясини маҳдуд, биқиқ идоравий структуралар бўғиб туради (бунинг устига тармоқ министрлиги ёки идора бир вақтнинг ўзида давлат бошқарувининг марказий органи ҳам, хўжалик юритиш органи ҳамдир). Бундай шароитда министрлик ва идоралар бошқарув функциялари, ҳар қандай ресурсларни, шу жумладан меҳнат ресурсларини тасарруф қилиш ҳуқуқлари ҳамда реал имкониятлари энг кўп даражада «ўз қўллари»да жамланишидан манфаатдордир. Бутун бало шундаки, давлат номидан моддий ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасига эгалик қилиш ваколатини амалга ошира бориб, министрликлар кўпинча умумхалқ манфаатлари шак-шубҳасиз устунлиги принципини эътибордан соқит қиладилар.

Бошқа томондан олганда, идоравий тенденцияларнинг кучайиши индустриялаштириш даврида юзага келган ишлаб чиқаришни умумлаштириш даражаси фан-техника революцияси даврида очиқдан-очиқ етарли эмаслигини англатади. Мавжуд идоравий структуралар ишлаб чиқарувчи кучларнинг миқдорий, асосан ҳажман ўсишидан уларнинг сифат жиҳатидан янгиланишга ўтишида тўсиқ бўлиб қолди.

Мамлакатимизда 60-йиллар бошидаёқ анъанавий техника ва технология негизида ишлаб чиқаришни экстенсив ривожлантириш имкониятлари асосан тугаган эди. Анъанавий ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол предметлари ҳажмини оширишга бундан буёнги йўналиш фан-техника тараққиётига ғов бўла бошлади. Хўжалик юритишнинг эскирган механизми иқтисодиётнинг фан ва техника ютуқларига бўлган мойиллигини таъминламадигина эмас, балки уларни фаол тарзда ажрата бошлади. Бу жараён иқтисодиётнинг монокультуравийлиги саноат ишлаб чиқариши структурасини белгилаган Ўрта Осиё республикаларида тўла даражада намоён бўлди. Чунончи, Ўзбекистон ССРда бундай структурада каттагина ўринни енгил саноат, машинасозликда эса пахта комплекси учун воситалар ишлаб чиқариш эгаллайди. Енгил саноат маҳсулотининг қарийб ярми пахтани дастлабки қайта ишлаш ҳиссасига ва етиштирилган пахта хом ашёсининг атиги 8—9 фоизи тайёр буюмлар ҳиссасига тўғри келади. Хом ашёнинг асосий қисми эса республикадан ташқарига, табиийки, тайёр маҳсулот нархига қиёслаганда анча паст нархда олиб кетилади. Шу билан бир вақтда барча зарур машина ва ускуналарнинг қарийб тўртдан уч қисми Ўзбекистонга мамлакатнинг бошқа регионларидан олиб келинади.

Адолат юзасидан шуни таъкидлаш жоизки, пахтанинг ўша 8—9 фоизи ҳам қийинчилик билан қайта ишланади. Малакали ишчилар етишмаслиги сабабли тармоқнинг бирорта корхонаси ҳам амалда тўла қувват билан ишламаяпти. Ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш ҳисобига муаммони анчагина даражада ҳал этиш мумкиндек туюлади. АҚШда, масалан, ишловчилар сони 20 кишидан ошмайдиган неча ўн минглаб корхоналар борки, айни улар ялпи миллий маҳсулотнинг 20 фоизга қадарини ишлаб чиқарадилар. Бунинг устига бундай корхоналар янги техника ва технологияларни ўзига хос синаш полигонларидир. Улар илмий-ишлаб чиқариш кооперацияси шароитида ҳаракат қиладилар, бу эса ҳар қандай инновацияни ғоят қисқа муддат ичида рўёбга чиқариш имкони-

ни беради. АҚШ, Японияда, Ғарбий Европа мамлакатларида шаклланган барча постиндустриал ишлаб чиқариш бугунги кунда ана шу йўлдан бормоқда.

Ўзбекистон ССРда 100 кишига қадар ишловчилари бўлган саноат корхоналари 300 дан ошмайди, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмида уларнинг ҳиссаси 1,5 фоиздан ортиқ эмас. Зеро, Ўрта Осиё шароитида кичик корхоналар ҳам иш билан бандлик, ҳам фан-техника тараққиётининг баъзи ютуқларини рўёбга чиқариш, ҳам айрим технологик жараёнларни такомиллаштириш муаммосини самарали ҳал этиш имконини берган бўлур эди. Бундай имкониятларга етарлича баҳо бермаслик меҳнат унумдорлиги ўсишининг паст бўлиши сабабларидан биридир.

Ўзбекистон ССРда илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш кооперативлари фаолияти, дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, иқтисодий ислоҳотни рўёбга чиқариш ва хўжалик ҳисобига ўтиш бўйича консультатив марказларни ташкил этиш тақиқлангани кишини таажжублантиради. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Ушбу кооперативлар ишининг паст даражадалиги ёки ўша идоравий устун жиҳатлар биланми? Қандай бўлмасин, ҳали бирор жамият ижодий фаолиятни, алалхусус фан-техника тараққиёти билан боғлиқ фаолиятни тақиқлаб ва чеклаб наф кўрган эмас. Халқ хўжалигимизда ҳар учта ихтиродан атиги биттасигина жорий этилиб кам самара кўрилган ҳолда ана шундай бўлмоқда.

Ўрта Осиё республикалари саноатидаги ихтирочилик ҳолатига келсак, у анча вақтдан бери турғунлик ҳолатида бўлиб, амалда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг шаклланган системасидан тушиб қолган. Шу сабабли кооператив фаолиятининг илмий-тадқиқий кўриниши, шубҳасиз, ишлаб чиқаришни технологик янгилашни рағбатлантирган, бинобарин, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон берган бўлур эди. Унга академик, тармоқ ва олий ўқув юрти фанини қўшиш янада катта самара берган бўларди.

Шуни таъкидлаш лозимки, фан-техника тараққиёти характери ва ролининг юз бераётган революцион ўзгариши муқаррар равишда бошқарув системасида ҳам, ишлаб чиқариш муносабатларининг бутун комплексида ҳам тегишли силжишлар бўлишига сабаб бўлади. Бунда эса, юқорида таъкидланганидек, иқтисодиётнинг фан ва техника ютуқларига мойиллиги жамиятни маъмурий-директив йўсинда бошқарувни ҳеч бўлмаганда дастлабки даврда заифлаштиришни, сўнгра эса уни тўла тугатишни объектив тарзда талаб қилмоқда.

Қанчалик ғайритабиий туюлмасин, лекин министрликлар 60-йиллар ўртасида аввало ягона тармоқ прогрессив техника сиёсатини ўтказиш мақсадида тикланган бўлса, хўжаликнинг ривожланиш жараёни эндиликда уларни фан-техника тараққиётининг асосий тўсиғига объектив равишда айлантирди. Ўрта Осиё регионидаги таркиб топган иқтисодий инфраструктурада ҳозирги хўжалик юритишни бошқаришнинг тармоқ системаси саноат ва илмий соҳада бошқарув механизмларининг янада кўпроқ қотиб қолишига олиб келди. Улар ҳаракатчанлиги пастлигидан, мослашувчан эмаслигидан аввало фан-техника тараққиёти, демак социал-иқтисодий таъминотнинг бутун комплекси ҳам азият чекади. Бу хусусда, мисол учун, фан ва илмий кадрларни тайёрлаш ҳолати далолат беради. Бунда, албатта, совет фанининг умумий ҳолати, унинг ривожланишининг давлат-бюрократик структуралар таъсири остида белгиланган характерли тенденцияларини ҳисобга олиш лозим. Идоравий принцип асосида амалга оширилган илмий фаолият маъмурий-хўжалик «фани» пайдо бўлишига олиб келдики, унинг доирасида аввало энг йирик идоралар билан боғланган ва биринчи навбатда тармоқ фани характерини белгилаган манфаатлар юзага келди.

Илмий тадқиқотларнинг ҳозир мамлакатимизда амал қилаётган уч бўғинли системасида (академик, олий ўқув юрти ва тармоқ фани) иқтисодиётни бошқаришни маъмурий-буйруқбозлик усулида ташкил этишдан нусха кўчирувчи қаттиқ ташкилий структура қарор топди ва у илмий тараққиёт йўлида қудратли тўсиққа айланди. Регионал фан ҳам бу қисматдан холи қолмади. Имкониятларнинг чекланганлиги, иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда идоралари томонидан икки томонлама амр-фармойиш берилиши шароитида у идоравий-бюрократик манфаатлар учун бирор бир муҳим илмий-техника муаммоларини ҳал қилишга қодир бўлмаган амалий соҳага айланиб қолди.

Илмий тадқиқотлар идоравий структуралардан ташқарида ўтказилган тақ-

дирдагина тармоқ ва тармоқлараро марказлар самарали бўлишини ва, аксинча, у ёки бу идора доирасида олиб борилса, улар тамомила самарасиз бўлишини амалиёт кўрсатди. Лекин иттифоқ даражасидаги ҳам, регионал даражадаги ҳам олдинги тажриба аввалгидек фақат аналитик мулоҳазалар учун сабаб бўлиб қолмоқда.

Ўрта Осиё республикаларида академик ва олий ўқув юрти фанининг аҳволи яхши эмас, у ҳам ўзида ташкил этиш ва бошқаришнинг маъмурий-бюрократик принципларини тўлиқ даражада синаб кўрди. Ўрта Осиё республикалари илмий потенциалининг мамлакат бошқа регионларига қиёслаганда сурункали орқада қолишининг сабабларидан бири ана шунда эмасмикин? Гап, албатта, фақат миқдорий ўлчовларда эмас; улар замирида регионимизни иттифоқдаги ўртача даражага «етказиб олиш» муаммоси кўзга ташланади. Лекин ахир иттифоқ даражасининг ўзи ҳам шу жиҳатдан олганда саноати ривожланган мамлакатлар даражасидан ҳали орқада қолган. Шу сабабли Иттифоққа ҳам, унинг регионларига ҳам ўзаро монанд талайгина вазифаларни ҳал этишга тўғри келмоқда.

Кўп жиҳатдан фундаментал тадқиқотларнинг паст даражадалиги ва олий ўқув юрти фанининг заифлиги шартлаган фан-техника тараққиётидаги қолоқлик уларни зудлик билан интеграциялашнинг зарурлигини тақозо этмоқда. Зеро, тармоқ принципи, маълумки, олий мактабда ҳам амал қилади, бунинг натижасида унинг илмий потенциали идоралар бўйлаб бўлиниб кетади. Етарлича моддий-техника базасининг йўқлиги ва Ўрта Осиё олий ўқув юртларининг идоравий тарқоқлиги улар илмий фаолиятининг фойдали таъсир коэффициенти деярли нолга тенг бўлишига сабаб бўлди. Шу билан бир вақтда регионнинг академик фани, аввало унинг табиий ва техника йўналишлари замонавий талаблардан умуман олганда олисдадир. Бунинг сабабларидан бири истиқболли ёш илмий кадрларнинг тақчиллигидир. Шундай қилиб, академик ва олий ўқув юрти фанларини қўшиш объектив зарурatлиги яққол кўриниб турибди, жаҳон тажрибаси ҳам шундан далолат бермоқда. Бошқа ҳар қандай шароитда академик фан билан интеграцияламасдан туриб олий мактабнинг илмий потенциалини рўёбга чиқариш аввалгидек қийин бўлиб қолаверади.

Илмий-техника потенциалини ривожлантириш ҳам муҳим, ҳам мураккаб вазифа бўлиб қолаётган Ўрта Осиё илмий тадқиқотларни координациялаш, юқори малакали кадрларни жадал тайёрлашни ўз зиммасига оладиган регионал тармоқлараро илмий-техника марказини тузиш зарур. Шубҳасиз, бундай марказнинг фаолияти фан билан саноат ўртасида ўзаро чамбарчас алоқа ва ҳамкорлик бўлган тақдирдагина мумкин бўлади.

Маълумки, фан-техника тараққиёти социал-иқтисодий тараққиёт билан бирга бориши керак. Акс ҳолда жамиятда кризислар ва турғунлик бўлиши муқаррар. Бир вақтнинг ўзида бозор иқтисодиётининг янги структураларига мувофиқ келувчи сиёсий концепциялар ва социал-иқтисодий механизмларсиз маъмурий-директив метод ҳамда шакллардан илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг прогрессив, янада мослашувчан метод ва шаклларига ўтиб бўлмайди. Бозор муносабатлари босиб келаётганини ҳисобга олиб, Ўрта Осиё республикалари энг яқин вақт ичида иқтисодиётнинг барча соҳаларида, аввало ишлаб чиқаришнинг саноат тармоқларида бир қатор ўтиш чораларини кўзда тутувчи комплекс социал-иқтисодий ва илмий-техникавий дастурларни тайёрлаши лозим. Бозор иқтисодиётининг қарор топиши кўп жиҳатдан Ўрта Осиё республикалари ҳаётининг ҳамма томонларига фан-техника революциясининг прогрессив таъсири билан боғлиқ, ўз оқибатларига кўра жаҳоншумул бўлган тарихий жараённинг энг муҳим шарт-шароити бўлади.

А. МАМАТҚАЗИН, Ю. ДОДОБОЕВ, О. ЮСУПОВ

ЕРДА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МҚ март (1989 йил) Пленуми ҳозирги замон аграр сиёсатнинг асоси сифатида қишлоқда хўжалик юритишнинг турли шакллари: колхозлар ва совхозлар, агрокомбинатлар ва агрофирмалар, кооперативлар ва ижара корхоналари, корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларига кенг йўл очиб бериш мақсадга мувофиқ эканлигини эътироф этди. Улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари СССР Олий Совети қабул қилган ижара тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, мулк тўғрисидаги қонунларда белгиланган. Шу муносабат билан конкрет жумҳурият, вилоят, ноҳияга татбиқан ерда хўжалик юритишнинг янги шакллари мақсадга мувофиқлиги ва афзалликларини кўрсатиб берувчи илмий асосланган ишланмаларга талаб кучайди. Шу мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ерда хўжалик юритишнинг турли шаклларини, бизнинг назаримизда, меҳнат коллективларини тузиш турлари бўйича икки категорияга бўлиш мумкин. Уларнинг бирига кўпчилик кишиларнинг коллектив ижтимоий меҳнатига асосланган колхозлар, совхозлар, ҳар хил қишлоқ хўжалик ижара корхоналари ва кооперативлар, уларнинг бирлашмалари (агрокомбинатлар, агрофирмалар ва бошқалар) киради. Иккинчисини якка тартибдаги ёки оилавий меҳнатга асосланган деҳқон (фермер) хўжаликлари, фуқаролар томонидан мулкни ижарага олиш, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ташкил этади. Аслини олганда, жаҳон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳам мана шу икки йўлдан борди.

Ер участкаларини фуқароларга меросга қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун беришни, уни ижарага бериш ҳуқуқини, халқ депутатлари Советларининг қарорига биноан у билан колхозлар, совхозлар ва бошқа тузилмалардан чиқишни, деҳқон хўжалигини юритишда унинг бўлинмаслигини, ердан фойдаланишнинг пуллилигини СССР қонунлари томонидан эътироф этилиши амалда деҳқонларнинг майда ер (парцелляр) мулкчилиги пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратади. Бироқ ер муайян территорияда яшовчи халқлар мулкидир деган декларация анча умумийдир. Иқтисодий муносабатлар ундан ер рентаси ёки бошқа даромадлар олиш учун шарт-шароит яратгунга қадар мулк эгасига ердан фойдаланишни тўхтатиб туришга имкон яратиб берувчи капитализм шароитидаги ерга юридик эгалик қилишдан фарқли ўлароқ бизнинг мамлакатда қишлоқ хўжалик ер участкаларининг эгалари улардан доим ва самарали фойдаланишга мажбурлар. Йил давомида улардан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик, шунингдек норационал фойдаланиш — бу ҳосилдорлик даражаси нормативлардан (кадастр баҳо бўйича) паст бўлишида акс этади — участкага эгалик қилиш ҳуқуқини тўхтатиш учун асос бўлади.

МАМАТКАЗИН Аркадий Рашидович, Ўзбекистон Компартияси Фарғона вилоят комитетининг котиби; ДОДОБОЕВ Юсуфжон Тожибоевич, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик иқтисоди илмий-тадқиқот институти Фарғона бўлимининг мудири, иқтисод фанлари номзоди; ЮСУПОВ Орифжон Юсупович, иқтисод фанлари номзоди.

Деҳқон (фермер) хўжаликларини яратиш учун имконият яратар эканмиз, биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг шундай шаклига келамизки, Карл Маркс бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «Ўз хўжалигини мустақил юритаётган деҳқонларнинг эркин мулки, чамаси, майда ишлаб чиқариш учун ер мулкининг энг нормал формасидир, яъни шундай бир ишлаб чиқариш усули учун ер мулкининг энг нормал формасидирки, бунда ерга эга бўлиш ходим меҳнатининг маҳсулоти унинг ўзиники бўлиши учун шартдир ва унда эркин мулкдор ёки табаа бўлган деҳқон ўзи учун турмуш воситаларини ҳамиша ўзи мустақил суратда, алоҳида бир ходим сифатида ўз оиласи билан бирликда ишлаб чиқаради. Ҳунармандлик ишлаб чиқаришининг эркин ривожланиши учун асбобнинг мулклиги зарур бўлгани каби, бу ишлаб чиқариш усулининг тўла ривожланиши учун ҳам ернинг мулк бўлиши зарурдир. Бунда ернинг мулклиги шахсий мустақилликни ривожлантириш учун базис яратиб беради. У деҳқончиликнинг ўзининг ривож топиши учун зарур ўтиш босқичидир» (К. Маркс, «Капитал», т. 3. 846-бет). Ерга хусусий мулкчиликни жорий этиш ва майда деҳқон (фермер) хўжаликларини яратиш тарафдорлари тахминан мана шундай далиллар келтиришади. Улар бу далилларни кўпинча К. Маркснинг қуйидаги хулосаси билан асослайдилар: «йирик ер мулки иш кучининг томирига унинг табиий энергияси ўзига бошпана топадиган ва миллатларнинг ҳаёт кучини тиклаш учун резерв фонд сифатида сақланадиган сўнгги соҳада, қишлоқнинг ўзида болта уради» (ўша жойда, 853-бет). Юқоридаги хулосаларни мустаҳкамлаш учун АҚШ, Франция, ГФР ва ўзларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлайдиган бошқа мамлакатларнинг фермер хўжаликлари тажрибалари келтирилади.

Ҳақиқатан ҳам у ерда озиқ-овқат етарли. Хўш, унинг фондлари ташкил топишига майда фермер хўжаликлари қандай ҳисса қўшишади. АҚШда, масалан, 1982 йилда барча ишлов бериладиган ерларнинг 51,4 фоизи ва барча товар маҳсулотининг деярли 73 фоизи реализация ҳажми 100 минг доллардан кўп бўлган йирик фермалар (уларнинг умумий миқдорининг 14,5 фоизи) улушига тўғри келди.

Аграр соҳада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши даромаднинг самарадорликдан нормал иқтисодий қарамлиги бузилишига олиб келди. Ҳатто энг юқори рентабелли бўлган яхши фермер хўжаликларда ҳам ҳажмининг нисбатан кичиклиги туфайли замонавий техника ва технология сотиб олиш ва унинг асосида ишлаб чиқариш ва даромадни ошириш учун фойда массаси етишмайди.

Буни америкалик олимларнинг ўзлари ҳам тан олишади. И. Вошер, масалан, шундай деб қайд қилади: «Фермерлар янада кўпроқ ер сотиб олиб, янада йирикроқ машиналарни янада кўп миқдорда харид қилиб, янада кўпроқ кимёвий ўғитлардан фойдаланиб ва янада кўпроқ ёлланма иш кучини жалб этиб ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга мажбурлар. Фермерлар ўз истакларига қарши «нархлар қайчиси» уларни судраётган бетўхтов йириклаштириш пойгасининг асири бўлиб қолдилар. Таъминловчи ва қайта ишловчи фирмалар, агробизнеснинг бу олигархлари, фермерни икки томондан сиқиб, фақат битта — «йириклан ёки йўқол» қабилидаги йўл қолдиришмоқда. Йирик корхоналарнинг самарадорлиги ҳақидаги афсона гўё яккаҳол фермер хўжаликларини йириклаштириш «эркин бозор» қўяётган талабларга жавобдир деган хомхаёлни юзага келтиради. Аслида эса фермерлар аграр капитализмнинг муқаррар қурбонлари бўлиб қолдилар» (А. А. Коныгин. Фермерское хозяйство США. Агропромиздат, 1989, с. 140—141).

Юқоридаги китоб муаллифининг таъкидлашича, 1984 йилда ўртача фермер хўжаликлари (реализация суммаси 40—100 минг доллар) фақат 6,6 минг доллардан соф фойда олишган — бу ўртача фермер оиласи учун яшаш даражаси минимумининг 50 фоизини ташкил этади. Шунинг учун фермалардан олинадиган даромадлардан ташқари уларнинг эгалари шу йилнинг ўзида иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ишлаганлари учун ўрта ҳисобда 9,3 минг доллардан ҳақ олишди. Ҳолбуки, бундай фермалар америка қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этишади. Энг майда фермалар эса (ўртача ҳажми 44,5 гектар) иқтисодий жиҳатдан самарадор эмас. Уларнинг қишлоқ хўжалик фаолиятидан кўрган зарарлари ўша йили ўртача 3900 долларни ташкил этди. Ихтиёрларида ернинг 12,2 фоизи бўлгани ҳолда улар товар маҳсулотининг фақат 2,7 фоизини ишлаб чиқарадилар.

Шу билан бирга йириклаштириш, деҳқончиликни интенсификациялашга умид боғлаш, ўғитлар ва пестицидларни янада кўп дозада солиш, янада йирик тракторларни қўллаш тупроқнинг деградацияланишига, эрозияланишига ва зичлашувига, ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади. Кўплаб олимлар бу ҳақда ташвишланиб гапирмоқдалар.

Шу муносабат билан К. Маркснинг деҳқонларнинг эркин мулкчилиги ҳақидаги фикрини келтириш ўринлидир. Ушбу мақоланинг бошида келтирилган фикрни давом эттирар экан, у шундай деб ёзади:

«Бу мулкнинг маҳв бўлиш сабаблари унинг сўнгги чегараларини очиб беради. Улар қуйидагилардир: ер мулкининг нормал қўшимчаси бўлган қишлоқ хонаки саноатининг йирик саноат тараққийси натижасида йўқ бўлиши; майда ишлаб чиқариш шароитида заминнинг тобора ориқлаб кучдан кетиши; ҳамма ерда парцелляр хўжаликнинг иккинчи қўшимчаси бўлган ва бу хўжаликнинг чорва моллари боқишига бирдан-бир имкон берадиган жамоа мулкининг йирик ер мулкдорлари томонидан узурпация қилиниши; йирик қишлоқ хўжалигининг рақобати... деҳқончилик ишларининг яхшиланиши ҳам ер мулкининг маҳв бўлишига ёрдам беради, бу яхшиланишлар, бир томондан, деҳқончилик маҳсулотлари баҳосини пасайтиришга олиб келади ва, иккинчи томондан, харажатларнинг оширилишини ҳамда ишлаб чиқариш моддий шароитларининг анча мўл бўлишини талаб этади.

Майда ер мулки ўз табиатига кўра ижтимоий унумли меҳнат кучларини ривожлантиришга, ижтимоий меҳнат формаларини жорий қилишга, капиталларни ижтимоий йўсинда концентрация қилишга, чорвачиликни катта миқёсда олиб боришга, фанни тобора тараққий эттириб қўлланишга имкон бермайди» (К. Маркс. «Капитал», 3-том, 846—847-бетлар).

Шундай қилиб, К. Маркс деҳқончиликни ривожлантиришнинг мумкин бўлган йўллари ҳақида бир хил хулоса чиқармайди. Бироқ у майда ер мулкини ҳам, йирик қишлоқ хўжалигини юритишнинг капиталистик системасини ҳам изчил танқид қилади. Ваҳоланки, бу ҳар иккала система жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида ҳозир ҳам мавжуд.

Майда фермерларнинг ҳаётга чидамлилиги сабабларини тадқиқ қилишар эканлар, АҚШ олимлари фермерчилик — бу фақат аграр меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳисоблашмайдиган ва шунинг учун вайрон қилувчи бизнесгина эмас, балки қишлоқ социуми, жамоасининг фақат иқтисодий манфаатлар билангина кифояланмайдиган ва у билан тугамайдиган ўзига хос ҳаётий фаолиятидир деган хулосага келишди. Фермерчилик — бу турмуш тарзи, бу ерга эгалик туйғуси, барча ишларда тўла мустақилликдир. Зеро ерга, қадрдон қишлоғига азалдан меҳр қўйиб келган ўзбек деҳқони мана шундай турмуш тарзига интилмаяптими, ахир?

Аграр назария ва амалиётнинг Ўзбекистонда бундан буён ривожланиши нафақат жаҳон ва мамлакатимиз тажрибасини, шунингдек демография, табиатдан фойдаланиш, экологиянинг ўзига хос хусусиятларини ва бошқа омилларни албатта ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Биз жумҳурият ҳозирги раҳбарларининг ер тўғрисидаги ва мулк тўғрисидаги иттифоқ қонунларини бизда ҳеч ўзгартирмасдан шундайлигича қўллаш мумкин эмас деган қарорларини қўллаб-қувватлаймиз. Жумладан, шунинг учунки, суғориладиган майдонлар ҳамда воҳалар чекланган, энг асосийси эса сув ресурсларининг етишмаслиги шароитида бу ерда қадим-қадимдан ерга ва сувга эгалик қилишнинг коллектив, жамоа формалари мавжуд бўлган. Дарвоке, бу ижтимоий силсилалар, биродаркуш низолар, қон тўкилишининг олдини олиш учун гаров бўлганки, бугунги кунда бу факт ғоят муҳимдир.

Бизнинг назаримизда, ерда хўжалик юритиш системасини қўллашда асосий нарса ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг йирик ва майда шаклларини оптимал равишда уйғунлаштиришдан иборатдир. Регионимизда юзага келган қишлоқ жамоалари колхозларнинг далачилик участкалари, совхозларнинг бўлимлари, ишлаб чиқариш бригадаларини тузишда асос бўлди. Бу, масалан, Фарғона область Ўзбекистон районидаги йирик «Қўқон» совхозига ҳар бир қишлоқда бир алмашлаб экиш массиви доирасида ўсимликшуносликда асосий ишлаб чиқариш бўлинмаси сифатида ижара кооперативи тузиш имконини берди. Афсуски, алмаш-

лаб экиш лойиҳалари ишлаб чиқилаётган пайтда бу шарт-шароитларнинг етарли даражада ҳисобга олинмаслиги ерда хўжалик юритишнинг бундай системасига ўтишни қийинлаштириши мумкин. Алмашлаб экиладиган агроучасткалар (кооперативлар) ичида ер кичик группали оила ёки яккаҳол звенолар ўртасида субижара принципи асосида тақсимланиши мумкин, уларнинг юксак самара билан ишлаши қишлоқ хўжалик иқтисоди Ўрта Осиё илмий-текшириш институтининг олимлари томонидан ишонарли исботлаб берилди (қаралсин: С. Н. Усманов, Б. Акрамов. Семейный подряд в сельском хозяйстве Узбекистана. Ташкент, «Меҳнат», 1989).

Оила асосидаги ички хўжалик ижара пудрати ернинг асл хўжайинини топиш, унда юқори пировард натижаларга эришиш учун масъулият туйғусини уйғотиш имконини беради. 1989 йилда Фарғона областида 23 мингга яқин ана шундай звенолар ишлади, уларга экин ва кўчатларнинг 55 фоизи бириктиб қўйилди. Звеноларнинг 78 фоизи ва каттароқ бригадаларнинг 74 фоизи пахта тайёрлаш планларини бажаришди. Фрунзе районидаги оила пудратига ўтган «Коммунизм» совхозида пахта тайёрлаш плани 106,8 фоизга бажарилди, шундай пудрат расмият учун қўлланилган Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли қўшни совхозда план 99 фоиз бажарилди. Машина терими салмоғи тилга олинган хўжаликларда тегишли равишда 75 ва 19 фоизни, бир ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот — 5950 ва 3030 сўмни, ўртача иш ҳақи 2556 ва 1152 сўмни ташкил этди.

Оилавий ижаранинг фойдасини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ хўжалик юритишнинг бу шаклини жорий этиш турли ёрдамчи корхоналар яратиш, маҳаллий саноат, касаначилик, саноат кооперациялари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига аҳолини меҳнат билан бандлигини ошириш бўйича тадбирлар билан бирга олиб борилиши керак.

Ижарачиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ривожланган инфраструктурага, ишлаб чиқаришга ҳозирги замон аграр фани ва илғор тажрибани жорий этиш, йирик чорвачилик фермалари, қайта ишловчи ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, қишлоқ жамоаларининг энг зарур ижтимоий-маданий муаммоларини ечиш учун етарли даромадга эга бўлган колхоз ва совхозларнинг ўн йиллар мобайнида шаклланган иш юритиш тажрибасидан ҳам воз кечиш керак эмас. Уларни мустақил майда кооперативлар ёки деҳқон хўжаликларига бўлиб юбориш аграр ишлаб чиқаришни ривожлантиришда орқага қўйилган қадам бўлур эди. Масалан, бизнинг назаримизда, энг маъқул йўл уларнинг асосида хўжалик ҳисобидаги ички хўжалик бўлинмалари таркибида ижарачилар кооперативлари, алмашлаб экиладиган агроучасткалар тузиш, ҳажми конкрет шарт-шароитдан келиб чиқиб белгиланадиган оилавий ёки якка тартибдаги ижарачи звеноларни ташкил этишдир. Дарвоқе, В. И. Ленин ўзининг сўнгги асарларидан бири —«Кооперация тўғрисида»ги мақоласида мана шу йўлни таклиф этганди, лекин у маъмурий-буйруқбозлик системаси ва турғунлик ҳукмрон бўлган даврда ноҳақ унутиб юборилди.

Звенолар ўртасида ерни 3—5 гектарли майда участкалар қилиб тақсимлаш (улар энг юксак самара бермоқда) комплекс механизациялаш, химиялаштириш, интенсив технологияларни жорий этиш тарафдорларининг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда. Лекин техник тараққиётнинг бошқа томони — тупроқ таназзули ва ҳосилдорлигининг пасайиши, келажакда ёнилғи ресурсларининг камайиши ва бошқа салбий ҳолатлар ҳақида ҳам ўйлаш керак-да. Яқин келажакда ернинг дастлабки қуввати йўқолиши натижасида бизнинг яна ҳам оғир озиқ-овқат кризисига дуч келишимиз мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Бунинг устига майда ижара коллективлари етиштирган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юксак механизациялаштирилган ва ишлаб чиқариш фондлари билан яхши таъминланган хўжаликларда олинганидан унча қиммат эмас, кўпинча ҳатто арзонроқ ҳамдир.

Бу парцелляр мулк устун бўлган мамлакатларда буғдойнинг нархи капиталистик ишлаб чиқариш усулига эга бўлган мамлакатлардагидан паст бўлиши тўғрисида К. Маркс хулосалари ҳақида ўйлашга мажбур қилади: «Жуда ноқулай шароитларда ишлайдиган деҳқонлар қўшимча меҳнатининг бир қисми жамият ихтиёрига текин топширилади ва ишлаб чиқариш баҳоларини тартибга солиш ёки

умуман қиймат яратишда иштирок қилмайди. Бинобарин, баҳонинг бундай паст бўлиши ишлаб чиқарувчиларнинг камбағаллик оқибати бўлиб, асло улар меҳнатининг унумдорлиги натижаси эмас» (Қ. Маркс. «Капитал», 3-том, 846-бет).

Шунинг учун, бизнинг назаримизда, қишлоқда юзага келган ишлаб чиқариш ва, асосийси, тақсимлаш муносабатларини чуқурроқ таҳлил қилиш керак. «Парцелляр деҳқоннинг эксплуатация чегараси,— деб ёзган эди Қ. Маркс,— бир томондан, капиталга олинадиган ўртача фойда эмас, чунки бу деҳқоннинг ўзи майда капиталист, иккинчи томондан, рента зарурати ҳам эмас, чунки унинг ўзи ер мулкдори. Майда капиталист бўлган парцелляр деҳқон учун абсолют чегара фақат иш ҳақи бўлиб, у иш ҳақини, соф харажатларни чегириб ташлаганидан сўнг, ўз-ўзига тўлайди. Токи маҳсулот баҳоси унинг учун иш ҳақини қоплар экан, у ўз ерини ишлай беради,— кўпинча токи иш ҳақининг табиий минимумигина қопланганда ҳам ўз ерини ишлайверади» (ўша жойда, 845-бет).

Марксча парцелляр деҳқон билан бизнинг оддий ижарачи ўртасида ўхшашлик йўқми? Бизда юзага келган тақсимлаш муносабатлари системасида, қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашнинг КПСС МҚ март (1989 йил) Пленуми қоралаган системасида деҳқоннинг фойда ва рентага ҳаққи йўқ. Улар оилаларининг катта қисми кун кўриш минимуми даражасида ҳам яшашмайди.

Аҳволни тузатиш учун қишлоқ хўжалигида, айниқса деҳқончиликда тақсимлаш муносабатларини ўзгартириш зарур деган фикрни қўллаб-қувватлаймиз. Деҳқонга фойда ва рента керак эмас. Унга жойлашган ери ва сифатидан қатъи назар ҳар бир ер участкасидан унга ва унинг оиласига муносиб ҳаёт кечириш учун шароит таъминловчи гарантияланган даромад керак. Майда ер мулки Қ. Маркс сўзи билан айтганда «...ярмиси жамиятдан ташқарида турадиган, ибтидоий ижтимоий формаларнинг бутун қўполлигини, цивилизацияли мамлакатларнинг бутун азоб-уқубатлари ва бутун қашшоқлигини ўзида мужассам қилган варварлар синфини» (ўша жойда, 853-бет) вужудга келтирмаслиги учун тегишли тадбирлар кўриш керак.

Энг аввало, социализм сиёсий иқтисодининг қатор, жумладан меҳнатга қараб тақсимлаш тўғрисидаги қонунни деҳқончиликка татбиқ этишга доир қатор қоидаларига танқидий назар билан қараш лозим. «Хонаки саноат»ни, яъни косибчилик ва халқ ҳунармандчилигини такомиллаштириш, ерларни тўла-тўкис ҳайдаш ва яйловларнинг чегараланганлиги деҳқонларнинг мавсумлар ўртасида қўшимча даромад олиш имкониятларини кескин камайтириб юборди. Бунинг устига меҳнат сарфига қараб (технологик карталар ва ҳ.к.) ҳақ тўлаш фондларининг тузилиши сердаромад (гектар ҳисобига) ва кам даромадли (фарқи ўн каррадан ортиқ) экинларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Агар йирик ишлаб чиқаришда бу тенгсизлик алмашлаб экишни ротациялаш жараёнида ерларни қайта тақсимлаш билан бартараф этилса, кичик участкаларни узоқ муддатга звено ва оила ижарасига беришга ўтилганда бундай имконият бўлмайди. Звено ичида алмашлаб экишни жорий этиш эса замонавий машиналар ва технологияларни қўллашни самарасиз қилади.

Бу ўринда битта чора бор — меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Бизнинг вариант янги категория — ердан олинадиган даромадларнинг ўртача нормаларини қўллашга асосланган. Унинг моҳияти ер ва экинларнинг барча турлари учун қишлоқ оиласи яшаш даражасининг минимуми миқдорида бир хилда минимал иш ҳақи (аванс) тўлашдан иборат. У ер участкасининг сифати ва жойлашган ерига қараб тартибга солинадиган ишлаб чиқариш (продналог) минимал нормалари ўрнига берилади. Маҳсулотнинг қолган қисмини эса ижарачилар шартнома ёки бозор нархларида сотаверсинлар. Бундай система, бизнинг фикримизча, хўжалик юритишнинг планли-бозор механизмини ишлатиш имконини беради. Бу нарх ислоҳотини талаб қилади, албатта. Уни иложи борича тезроқ амалга ошириш керак.

А. ТАҚСАНОВ

ИНДУСТРЛАШТИРИШ ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ МИЛЛИЙ ОТРЯДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН бошқа иттифоқдош республикалар қатори ҳозир ўз тарихининг мураккаб даврини бошидан кечирмоқда. Ўн йиллар мобайнида ҳал этилмай тўпланиб ётган муаммолар юки зиддиятли социал-иқтисодий ва миллий-демографик вазиятни вужудга келтирди. Турғунлик исканжасидан чиқиб олиш йўлидаги дастлабки уринишнинг ўзиёқ тугалланмаган ва такомиллашмаган ижтимоий бино пойдеворини шундоққина очиб ташладики, бу бинонинг иқтисодий пойдеворн амалда бўштоброқ заминга — ишлаб чиқаришнинг хом ашё ва қайта ишлаш тармоқларига асосланиб қолган экан. Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр структураси балансланмаганлиги бу структуранинг таркибини, меҳнат тақсимоти даражасини шунчаки таҳлил этишдаёқ аён бўлади-қолади. Пахтачиликка зўр берилиши халқ хўжалиги ихтисослашувида бир ёқламаликка ва бир томонга оғиб кетишга олиб келди: саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг 60 фоизи амалда хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тўғри келмоқда. Ўзбекистонни индустрлаштиришнинг 30-йилларда бошланган программаси ҳанузга қадар поёнига етказилгани йўқ, бу ҳол туб ерли аҳолининг социал жиҳатдан комилликка эришувига, индустриал ишчилар синфининг миллий отрядини шакллантиришга салбий таъсир этди.

Ҳозирги кунда халқнинг миллий ҳиссиётига тегиб кетади ва бусиз ҳам таранглашган вазиятни кескинлаштириб юборади, деган важни рўкач қилиб, республикадаги ноқулай вазият сабабларини аниқлашни тўхтатиш талаблари тобора бот-бот эшитиладиган бўлиб қолди. Бу фикрга қўшила олмайман. Боиси, мамлакатни, шу жумладан республикани тангликка олиб келган аҳволни илмий асосда муттасил идрок этмай туриб, ижобийми, салбийми эканлигидан қатъи назар, қилинган ишларга танқидий баҳо бермай туриб, умумий вазиятни барқарорлаштиришга, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга олиб келадиган жиддий программаларни ишлаб чиқишга умид қилмаса ҳам бўлади. Қолаверса, фикр ва мулоҳазалар хилма-хиллиги ҳам ҳозирги вақтда янги типдаги федерализм доирасида Ўзбекистон ССРни социалистик жиҳатдан янада ривожлантиришнинг илмий асосланган концепциясига бўлган танқисликни бартараф этганича йўқ. Республика иқтисодий мустақиллик йўлига ўтадиган вақт яқинлашгани сари бу нарса тобора кучлироқ сезилмоқда.

Назаримда, мамлакат ягона халқ хўжалик комплексида, умумиттифоқ меҳнат тақсимоти системасида республикамиз бошқалар билан тенг шароитда ишни бошлаб юборадиган даражага эришиш йўлини тезроқ босиб ўтиши керак. Республиканинг кўп тармоқли, техника билан таъминланган индустриал комплексини ва замонавий фан-техника тараққиётига монанд меҳнат ресурсларининг индустриал потенциалини шакллантириш орқалигина бунга эришса бўлади.

Шаҳар ва қишлоқларда саноат марказларини барпо этишда бутун аҳоли

ТАҚСАНОВ Арслон Қосимович, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти миллий муносабатлар секторининг етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари номзоди.

фаол иштирок этмас экан, мазкур жараён содир бўлмайди ҳам. Бу марказларнинг фаолиятини эса уларда туб ерли миллат вакилларининг аксарияти ишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, айни ана шу икки омилни ҳисобга олмаган ҳар қанақа концепция пировард натижада ҳавойи, хомхаёл бўлиб чиқади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон регионини индустрлаштиришнинг ҳозирги босқичи ўз заминига, яъни барпо этилган ишлаб чиқарувчи кучларгагина асосланмоқда. Индустриал ишчилар синфининг миллий отряди ҳам тегишли тармоқ қиёфасига эгаки, бу нарса жумладан енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалик машинасозлиги устун даражада ривожланиши билан белгиланади. Чунончи, бизда индустриянинг умумий структурасида енгил саноатга ялпи маҳсулотнинг 21,8 фоизи, асосий ишлаб чиқариш фондларининг 9,1 фоизи, саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг 27,4 фоизи тўғри келгани ҳолда машинасозлик комплексида бу кўрсаткичлар 16, 13 ва 30 фоизни ташкил этади. Қизиғи шундаки, ҳудуднинг 5 фоизида Ўзбекистон индустриал потенциалининг учдан икки қисми жамланган.

Республика халқ хўжалигининг ўзига хос яна бир хусусияти унинг майда ва ўрта корхоналар моддий ишлаб чиқаришига сероблигидир. Жумладан, ҳозир бизда 15—29 киши ишлайдиган 150 дан ортиқ корхона мавжуд, 200 дан ортиқ ходими бор корхоналар 55 фоизни (мамлакатда — 46 фоиз) ташкил этади. 37 йирик завод бўлиб, уларнинг ҳар бирида 3000 дан ортиқ одам ишлайди. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси паст эканлигини ҳам ўзига хос хусусиятлар қаторига қўшса бўлади. Масалан, саноатда умуман олганда қўл меҳнати билан банд одамларнинг улуши 48,7 фоизни, шу жумладан, машинасозлик комплексида 51, енгил саноатда 50 ва озиқ-овқат саноатида 60 фоизни ташкил этади.

Иқтисодий мустақилликка ўтиш арафасида республика индустриал қиёфасининг асосий белгилари ана шулардан иборат. Кейинги ўн йилликлар мобайнида Ўзбекистон регионини индустрлаштириш жараёни ривожини ёлғиз пахта етиштиришга ихтисослашувнинг ўзи тўхтатиб турди дейиш нотўғри бўлур эди, албатта. Статистика маълумотларидан кўриниб турибдики, 1985—1988 йилларда, жумладан, енгил саноат корхоналари кўпайиб 359 дан 501 тага, озиқ-овқатни қайта ишлаш корхоналари эса 271 дан 495 тага етди. Ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликларда Ўзбекистонда завод ва фабрикаларнинг 500 дан ортиқ филиал, цех ва участкалари қурилди. Ихтисослашган саноат бирлашмалари кенг ривож топди. Кейинги уч йил мобайнида уларнинг сони ортиб 115 дан 168 тага етди. Республика саноат-ишлаб чиқариш жабҳаси жами ходимларининг умумий миқдорида саноат бирлашмаларида ишлаётганлар улуши 50 фоиздан 59 фоизга кўтарилди.

Таассуфки, саноат объектлари сони ортишига уларда, айниқса фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқларда ишловчи туб ерли миллат вакиллари сони ва улуши ортиши ҳамоҳанг бўлмади. Ўзбекистон ишчилар синфига бағишланган мақола ва рисолаларда бундай аҳволнинг объектив ва субъектив сабаблари хусусида турлича фикрлар учрайди. Уларнинг айримларига қўшилиб бўлмайди. Масалан, ишчи ўринлари гўё бошқа ёқдан кўчириб келинганлар ҳамда туб ерли миллат вакиллари бўлмаган кишилар билан тўлиқ банд эканлиги туфайли туб ерли миллат аҳолисини саноат корхоналарига жойлаштиришдаги қийинчиликлар республикада қатор йиллар мобайнида роса муҳокама этилди. Бундай даъвони ҳар қанча танқид қилса кам. Зотан, ҳозирги вақтда республика саноатида 25 минг ишчи ўрни бекор ётибди, унинг ярми Тошкент шаҳри ва Тошкент области чекига тўғри келади. Фарғона области корхоналари 7 минг ишчига муҳтожлик сезмоқда. Туб ерли миллат вакиллари бўлмаган малакали ишчи кадрларнинг мамлакатнинг бошқа регионларига жўнаб кетиш жараёни кучайиб бораётганлиги туфайли ҳам шу ҳол рўй бермоқда. 1985—1988 йиллардагина Ўзбекистондан 600 мингдан ортиқ киши жўнаб кетди, 554 минг киши кўчиб келди. 1988 йилнинг ўзидагина келди-кетдидаги салбий қолдиқ туфайли республика қарийб 49 минг мутахассис ва малакали ишчидан маҳрум бўлди.

Индустриал ишчилар синфи таркибида туб ерли миллат вакиллари улуши оз эканлиги сабабларини аниқлаш асносида мана бу хилдаги фикрлар ҳам учради: ўзбек халқининг қишлоқ хўжалиги, деҳқончиликка, доимий яшаш жойига боғланиб қолганлиги-ю, анъаналар, одат ва расм-русмлар, қарор топган турмуш тарзи

одамларда ноодатий ва нокулай бўлган индустриал тармокларга каршилик туйғуларини келтириб чикарар эмиш. Бу гапга ҳам кўшилиш кийин. Туб ерли миллат вакиллари айрим тармокларда, айтайлик, нефть казиб олиш соҳасида 53,3 фоизни, электр энергетика жабҳасида 42 фоизни ташкил этади. Умуман 1987 йилда саноатда банд бўлган ўзбеклар улуши 53 фоизга етди, ҳолбуки бу кўрсаткич 1977 йилда 38 фоиз эди.

Тўғри, индустрия ходимлари, хусусан унинг фан ютуклари кўп талаб этиладиган тармоклари ходимлари орасида туб ерли миллат вакиллари улуши паст эканлиги «сабаблари»га ёпишиб олиш, бу сабабларни меҳнат ресурслари ҳамда иктисодиётни планлаштириш ва бошкаришнинг карор топган системасида ишга тўғанок бўлаётган омиллардан эмас, балки аҳолининг ўзидан, унинг гўё замонавий ҳаётга консерватив руҳдаги ёндашувидан кидириш ўнғай. Бу эса тарбия ва касбга йўналтириш иши самарадор эмаслигини «оклайди», республикани индустрлаштириш аҳамиятини, туб ерли миллат одамларининг илмий-техникавий, касб-кор ва малака даражасини ошириш аҳамиятини тушунмасликни хаспўшлайди.

Республикада яна бир «назария» мавжуд. Унга кўра маҳаллий аҳоли, жумладан ўзбеклар йирик индустриал ишлаб чикариш шароитида ишлашга одатланишмаган ва ишлай олмайдилар ҳам. Улар кайта ишлаш тармокларидаги, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларга кўпрок мойил эмиш. Туб ерли аҳолининг халк хўжалигида тармоклар бўйича бандлиги структураси билан якиндан танишиш бу даъвонинг пучлигини кўрсатади. Чунончи, ижтимоий ишлаб чикаришда катнашаётган жами ўзбеклар орасида савдо ва умумий овкатланиш тармоғидагиларнинг улуши 7, уй-жой ва коммунал хўжалик ҳамда маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чикариш тармокларидагилар 2, соғликни саклаш, физкультура ва социал таъминотдагилар 8 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич колхозларни ҳисобга олмаганда кишлок хўжалигида 25, саноатда 19, курилишда 10, транспорт ва алока соҳасида 7 фоизга боради. Бевосита, индустриянинг ўзи ҳакида гап боргудек бўлса, дарҳакикат, туб ерли миллат аҳолиси кўпрок енгил саноат (67,7 фоиз), озик-овкат саноати (59 фоиз), ёғочни кайта ишлаш саноати (47,8 фоиз), шиша, фаянс ва чинни саноати (44,9 фоиз) корхоналарида банд эканлиги маълум бўлади. Бошкача килиб айтганда, ижтимоий ишлаб чикаришнинг миллий анъанавий тармокларида ишлаётганлар таркибида ўзбеклар кўпчиликни ташкил этиши кўриниб турибди.

Ўзбекистон индустриал ишчилар синфи миллий отрядининг ҳозирги аҳволини таҳлил килиб, шуни кайд этиш мумкинки, унинг шаклланишига ҳудудлар, хусусан кишлок жойларда йирик индустриал ишлаб чикаришлар оз эканлиги ва бундай ишлаб чикаришларни барпо этиш ҳамда фойдаланишда туб ерли аҳоли кам катнашаётганлигидан иборат иккита муҳим омил муттасил таъсир этиб турибди. Халк хўжалигининг фан-техника тараккиётини белгилаб берувчи кўпгина тармоклари, бутун-бутун индустриал регионлар асосан мамлакатнинг бошка районларидан ишчилар жалб этиш ҳисобига барпо этилди ва ривожлантирилди.

Дарҳакикат, ўн йиллар мобайнида Ўзбекистондаги туб ерли аҳоли маълум даражада ва муайян доирада йирик саноат ишлаб чикаришидан узоклашиб колди, тез ривожланаётган индустрия билан сони ортиб, кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларининг ўзаро муносабати зиддиятли тус олди. Зотан, республика иктисодиётида пахтачиликнинг етакчи мавкеини «саклаб колиш» керак эди. Бу ҳол аграр секторда катта капитал маблағ жамланишини талаб этарди, кишлок хўжалик ишлаб чикаришида механизациялаш даражаси паст эканлиги учун иш кучининг ҳам анчагина кисми шу соҳага мубтало этилган, ҳунар-техника таълимининг бутун системаси ҳам шу ишга бўйсундирилган эди. Ҳанузга кадар бундай билим юртларининг ярмидан кўпи кишлок хўжалиги учун ишчи кадрлар тайёрламокда, негаки иктисодиёт тармок тузилишининг ўзи шуни такозо этмокда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳукук институти 1986—1988 йилларда республиканинг бир канча областларида ўтказган социологик тадкикотлар шуни кўрсатдики, умумтаълим мактаблари битирувчиларининг аксарияти касб танлаш бобида номоддий ишлаб чикаришга йўналтирилган. Чунончи, фикри сўралганларнинг 27—31 фоизи маориф соҳасида, 24—26 фоизи соғликни саклаш соҳасида, 16—21 фоизи савдо ва умумий овкатланиш соҳасида ишлашни мўлжалламокда. 5—8 фоизи саноатга, 3—10 фоизи эса курилишга

ишга боришга тайёр. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, туб ерли миллат ёшлари ўз истиқболларини индустриал тармоқлар билан боғламоқчи эмаслар. Ака ва опаларининг, қариндош-уруғларининг тажрибаси, одатий турмуш тарзи, қобилиятларни намоён этиш учун социал имконият чекланганлиги шунга ундамоқда.

Меҳнат ресурсларининг индустриал ишлаб чиқаришга боришига тўғаноқ бўлаётган яна бир нарса шаҳар типидаги истиқомат жойлари тармоғи ривожланмаганлиги ҳамда қишлоқ территорияларини шаҳар турмушига яқинлаштириш даражаси юқори эмаслигидир. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 20 миллион аҳолисига атиги 124 та шаҳару 97 та шаҳар типидаги поселка тўғри келмоқда. Эндиликда шаҳарликларнинг улуши 40,7 фоизни, улар орасида туб ерли миллат намояндаларининг улуши эса шаҳар типларига қараб 20 дан то 70 фоизгачани ташкил этмоқда. Бундай нисбат саноат корхоналарида банд бўлганларнинг таркибига ҳам хосдир. Аҳолиси 50 мингга бормайдиган кичик ва ўрта шаҳарларда ишловчилар орасида ўзбекларнинг улуши 63—96 фоизни, 50 минг ва ундан ортиқ шаҳарларда эса 37—49 фоизга етди. Лекин бу маълумотлар ҳам шаҳар ва поселкаларнинг индустрлаштириш даражасини холисона акс эттириши қийин. Чунки 101 та ўрта ва кичик шаҳардан 40 тасида йирик саноат объектлари йўқ (пахтани қайта ишлаш заводлари билан қишлоқ хўжалик техникаси ремонти устахоналари бундан мустасно), қолган 60 та шаҳарда эса енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг саноқли филиал ва цехлари бор.

Афтидан, индустриал тармоқларни ривожлантиришда туб ерли миллат намояндаларининг фаол иштирок этиши учун катта шаҳарлар аҳолиси ўртасида уларнинг сонини кўпайтириш йўлидан боришнинг зарурати йўқ. Аксинча, корхоналарни, хусусан электротехника, электрон, приборсозлик тармоқлари корхоналарини жойлаштиришнинг қарор топган тартиботини ўзгартириб, уларни, айтайлик, кичик ва ўрта шаҳарларга, йирик қишлоқларга ҳамда қишлоқ районларининг марказларига жойлаштириш лозим.

СССР Министрлар Советининг «Андижон, Наманган, Фарғона областларида аҳолининг бандлигини ошириш юзасидан иттифоқ ҳукуматининг шошилинч чоралари» қарори ҳамда «Ўзбекистон ССР билан Ленинград шаҳри ва Ленинград области ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида»ги шартнома худди ана шу мақсадга хизмат қилади. Шартномада жумладан «Ленинград шаҳри билан Ленинград области енгил ва тўқимачилик саноатининг маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарини хом ашё, энг аввало пахта толаси манбаларига энг кўп даражада яқин жойлаштириш ҳамда Ўзбекистоннинг бўш қолган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид узоқ муддатли, босқичма-босқич амалга ошириладиган программани рўёбга чиқариш, бунда республикада Ленинград корхоналари ва бирлашмаларининг филиаллари, цех ва участкалари, қўшма корхоналарини ривожлантириш ҳамда энг янги технологияларни қўлланиш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш; Ўзбекистон ССРда Ленинград шаҳри билан Ленинград областининг халқ истеъмоли моллари, хусусан мураккаб рўзғор техникаси ишлаб чиқарадиган машинасозлик, оғир ва мудофаа саноати тармоқлари корхоналарининг филиалларини, цехларини, участка ва қўшма корхоналарини барпо этиш» кўзда тутилган.

Бутун Иттифоқ мадади билан 1990—1995 йилларда республикада 500 дан ортиқ янги корхона, шу жумладан қўшимча равишда 1 миллион ишчи ўрни барпо этилади. Мавжуд корхоналар кенгайтирилиб ва реконструкция қилинганидан сўнг, Фарғона водийсининг учта областида 65—70 минг киши ўзига иш топади. Қашқадарё областида бир қатор хорижий фирмалар кимёвий хом ашё элементларини ишлаб чиқарувчи ўнта завод, 6 та тикувчилик ва учта тўқимачилик фабрикаларини қуриб, ишга туширадилар. Бу билан қўшимча равишда 30—40 мингта янги ишчи ўрни вужудга келтирилади. Ана шуларнинг ҳаммаси ишчилар синфининг миллий отрядини шакллантириш жараёнини тезлаштириб, республикада социал-иқтисодий ва демографик соҳада юзага келган кескинликни пасайтиради.

Қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳисобига қўшимча ишчи ўринларини кўпайтириш принципиал аҳамиятга молик. Бироқ, бунда ҳам янги-янги муаммолар келиб чиқиши мумкин. Олимларнинг фикрича, муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўли майда корхоналар, йирик завод ва фабрикаларнинг фили-

алларини очишдангина иборат эмас. Истиқболда жамият касб-кор тайёргарлиги яхши, ҳаракатчан, маданий ва социал жиҳатдан фаол аҳоли бўлишидан манфаатдор. Худди шу нарса билан ҳисоблашмай бўлмайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган, оддийроқ қилиб айтганда беиш юрган бир миллиондан ортиқ киши бор. Буни айрим областларда бўш ишчи ўринлари нафақат етарли эмаслиги эмас, балки меҳнат ресурслари муайян қисмининг сифат характеристикаси юқори эмаслиги шартлаган. Ҳар йили мактаб битирувчиларидан 250 мингдан ортиқ йигит-қиз мустақил ҳаётга қадам қўяди, уларнинг 70 фоизида оддий касб-кор тайёргарлиги ҳам йўқ, айни чоғда корхоналарга шунчаки иш кучи эмас, балки малакали ишчилар талаб этилмоқда. Ўзбекистонда кўп болали оналардан 700 мингга яқини айни шу важдан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаяпти. 460 кундузги ҳунар-техника билим юртининг ҳар бештасидан биттасидагина замонавий саноатга асқотадиган касблар бўйича ишчилар тайёрланмоқда, холос. Хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатини ўзи қоплашга ўтган корхоналар малакаси йўқ ёки малакаси паст кадрларни ишга қабул қилишдан манфаатдор эмас. Бундан ташқари, бугунги кунда янги интенсив ва самарали технологияларни ўзлаштириш жараёни кучайиб бормоқда, заводлар замонавий серунум техника, мураккаб модулли ва мослашувчан ишлаб чиқариш системалари, саноат роботлари, лазер қурилмалари ва бошқа янги қурилмалар билан тобора кўпроқ таъминланмоқда. Бу эса касб-кор ва техникавий жиҳатдан тайёргарлиги бўлмаган ишчиларни ишдан холи этиб қўйишга олиб келади. Янги корхоналар эҳтиёж сезаётган кадрларни, афсуски, бугунги кунда эркин меҳнат ресурслари бозори тавсия этолмайди.

Эндиликда ана шу боис кичик шаҳарлар, район марказлари ва қишлоқлардаги филиаллар билан цехлар қуввати 40—60 фоиз атрофида ишлатилмоқда, корхоналарнинг кўп сменали иш тартибига ўтиши тўхтаб турибди. Умуман республика саноатида иш сменалилиги коэффициенти 1,37, шу жумладан машинасозлик ва металлга ишлов беришда 1,17, енгил саноатда 1,55 ва озиқ-овқат саноатида 1,44 ни ташкил этади. Туб ерли аҳоли учун анъанавий бўлмиш енгил саноатда ҳам малакали ходимлар етишмаслиги сезилмоқда. Чунончи, ип газлама ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ускуналарнинг 66,8 фоизи, калава ип ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг 73, гилам ва пояндозлар ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг 66,8, нотўқима материаллар ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг 83,4 фоизидан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон ССРни 1991—1995 йилларда социал-иқтисодий ривожлантириш программасининг таҳлили шуни кўрсатадики, фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар, шунингдек қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи соҳалар сари жуда жиддий структура силжишлари содир бўлади. Буларнинг ҳаммаси малакали ишчилар тайёрлаш системасини тартибга келтиришни тақозо этмоқда. Бинобарин, шу пайтгача республика ҳунар-техника билим юртларида тайёрланаётган 320 касбдан 70 фоизи қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлса, эндиликда бундай билим юртларини асосан индустриал ихтисослар учун ишчилар тайёрлашга тубдан қайта йўналтириш масаласи ўртага қўйилмоқда.

Территория маъносида индустрлаштириш шаҳарни ҳам, олис қишлоқ посёлкаларини ҳам қамраб олиши керак. Бунда, шубҳасиз, тармоқлар ва регионлар ўртасида меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш юзасидан йирик тадбирлар амалга оширилиши лозим. Чунки баъзи саноат марказларида малакали ишчи кадрлар керагидан ҳам кўпайиб кетган бўлса, бошқасида уларга ҳамиша муҳтожлик сезилади. Аммо туб ерли миллатнинг кўчиб юриш салоҳияти юқори эмас, бу ҳол янгитдан барпо этилаётган индустриал марказлар ва комплексларни ўз эркин меҳнат ресурслари, энг аввало қишлоқдаги ортиқча иш кучлари ҳисобига зарур малакали иш кучлари билан таъминлаш имконини бермайди. Масалан, қишлоқ аҳлининг ҳар мингтасидан республика шаҳарларига 9 киши келиб қўшилади, бу кўрсаткич РСФСРда 45, Белоруссияда 37, умуман мамлакат бўйича 33 кишини ташкил этади. Кўчиш салоҳиётини кучайтиришга қишлоқ территорияларини шаҳар даражасига яқинлаштириш ва уларни индустрлаштириш ҳамда

меҳнат ресурсларининг касб-кор тайёргарлигини ошириш йўли билангина эришилади.

Бу ишни шаҳар билан қишлоқ ривожи даражасини тенглаштириш нуктаи назаридангина амалга ошириш ярамайди. Бугунги кунда миллатнинг ижтимоий структурасини тубдан қайта қуришни амалга оширишда қишлоқ аҳлининг мавқеи ҳар қачонгидан ҳам ошди. Республикамизда юзага келаётган мулкчиликнинг давлат, коллектив, индивидуал, аралаш сингари янги шакллари ва хорижий капитал билан ҳамкорлик шакллари, жамиятда ижтимоий табақаланишни кучайтириб ва чуқурлаштириб борар экан, аҳолини ва меҳнат ресурсларини тегишли социал гуруҳларга бўлиб юбориши турган гап. Бу жараёнлар энг аввало ишчилар синфининг структурасига дохил этади. У ёки бу мулк шаклига, ишлаб чиқариш воситасига нисбатан юзага келадиган муносабатга мувофиқ, меҳнатнинг, даромад тақсимотининг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг шаклларига қараб, унинг таркибида янги социал қатламлар — давлат ишчилари, кооператив ташкилот билан корхоналар ишчилари, ижарачи ишчилар, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан машғул ишчилар ва бошқалар юзага келади. Бу ҳол кадр ишчиларнинг давлат саноат корхоналаридан ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлиги, талаб-эҳтиёжни тез қондира билиши ва эркин бозорни замонавий истеъмол маҳсулотлари билан бойитиши, бинобарин, ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша принципини амалга оширишда яхшироқ имконият ва шароитларга эга бўлган ташкилотларга ўтиб кетишига олиб келади. 1988—1989 йиллардагина давлат корхоналари ва моддий ишлаб чиқариши соҳаси ташкилотларида ходимлар 116 минг кишига озайди, айни чоғда кооперативларда ишловчилар 152 минг кишига кўпайди. Давлат корхоналари негизида кооператив ва ижара ташкилотлари ташкил бўла боргани сари бу жараён кучаяверади. Республика янги ишлаб чиқариш муносабатларига эндигина киришмоқда, иктисодий мустақилликка ўтилганидан сўнг уларнинг фаол ривожланиши учун имкониятлар янада кўпайишини инобатга олиш керак. Мулкчиликнинг ҳар қанақа шакл ва тури республикани индустрлаштириш ва шунинг негизида ишчилар синфининг миллий отрядини шакллантириш учун қўшимча имкониятлар эканини аниқлаб олиш муҳимдир.

Тўғри, мазкур мақолада тилга олинган айрим муаммолар муаллифнинг шахсий фикр-мулоҳазаларини акс эттиради. Аммо бугунги кунда индустриал тараққиётсиз миллий ва социал тараққиёт йўқ эканлиги шубҳасиздир.

«...ҲАР ҲОЛДА БОШҚА БИРОР ЖОЙГА ЭМАС, БАЛКИ ПАРТКОМГА МУРОЖААТ ҚИЛАДИЛАР»

Чирчиқ трансформатор заводи партқомининг котиби Саид Муждабоевич АБЛАЕВ билан суҳбат

— Жамиятимиз ҳозир ўз бошидан қийин даврларни кечирмоқда. Танглик ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди шекилли: инқирозга юз тутган иқтисодиёт, миллий соҳадаги кескинлик, ахлоқнинг тушкунлиги, оммавий онгнинг барқарор эмаслиги, ниҳоят, яқин-яқиндагина метиндек мустаҳкам, яхлит бўлиб кўринган КПССнинг ўзида энг муҳим принципиал масалаларга қарашда баъзан чуқур тафовутлар, — ҳамма нарса синовдан ўтмоқда. Бу ҳол сизнинг коллективингизда қандай тарзда ўз ифодасини топмоқда? Унинг кайфияти қандай?

— Шунга мувофик-да. Коллективимиз бутун жамият сингари ўшандек ахлоқий-маънавий ва иқтисодий тангликларни ўз бошидан кечирмоқда. Биз металл етишмаслиги туфайли планни бир қанча кўрсаткичлар бўйича бажармадик. Хўжалик алоқалари бузилди, бу эса нафақат бизнинг мажбуриятларимизга, балки кишиларнинг кайфиятларига ҳам жуда ёмон таъсир кўрсатмоқда. Келажагимизни аниқ тасаввур этолмаймиз. Гап шундаки, ҳозиргача биз ҳамкорлик қилиб келган корхоналарнинг ҳаммаси, эски шерикларни унутиб, янги фойдали шерикларни, иложи бўлса — валютага эга бўлганларини излашга киришиб кетдилар. Бунинг натижасида шу йилнинг октябрига келиб бутловчи буюмлар ва материалларни атиги 15 фоиз миқдорда етказиб бериш ва шунга мувофиқ миқдорда маҳсулотимизни истеъмолчиларга етказиш тўғрисида шартномаларни имзолашга муваффақ бўлдик. Аввалги хорижий шерикларимиз билан муносабатимиз бундан ёмон — ГДР шерикликдан чиқди, Болгария, Шарқий Европадаги бошқа мамлакатлар бизни ўйлайдиган аҳволда эмас. 1991 йил эса яқинлашиб қолди, кўпчилик: 4,5 минг кишилик коллективимиз ҳоли не кечади, деб сўрашади.

Кишиларнинг кайфияти ҳам шунга яраша. Партия мажлисларида раҳбарлар тинимсиз танқид қилиняпти. Бунда энг олий раҳбарлар ҳам унутилмаяпти, партия сиёсати ҳам шубҳа остига олиняпти. 20 дан зиёд киши КПССдан чиқди, шу жумладан XXVIII съезддан сўнг — ўн икки киши. Асосийси — ушбу жараён тўхташига ҳеч қандай гарантия йўқ. Тажрибадан яхши билиб қолдик, агар цехда партиядан тўрт киши чиқса, улар ортидан бошқалар ҳам эргашадилар. Кишилар худди грипп пайтидагидек, бир-бирларига таслимчилик кайфиятларини, шубҳаланиш ва идеалларни ерпарчин қилиш руҳини юқтирмоқдалар.

— Ҳар ҳолда партиядан чиқишнинг асосий сабаблари нимадан иборат?

— Гарчи бунда бир талай нозик жиҳатлар бўлсада, мен уларни уч гуруҳга ажратган бўлар эдим. Дастлабки икки гуруҳ идеалларимизга ишонч йўқолиши билан боғланган, шуни таъкидлаш керакки, оммавий ахборот воситаларининг кўп сонли фош этувчи чиқишлари бу ишончга путур етказди. Партбилетини топширган коммунистларнинг бир қисми, айтиш мумкин, давлат миқёсидаги социал адолатсизликдан дарғазаб. Улар олий раҳбарлар билан оддий меҳнаткашларнинг мол-мулк соҳасидаги мавқеида тафовут жудаям катта деб ҳисоблайдилар. Улар истисносиз барча раҳбарлар жамоат транспортида юрадиган, халқ харид қиладиган маҳсулотларни сотиб оладиган, халқ даволанадиган касалхоналарда даволанадиган бўлгандагина улар меҳнаткашлар дардини ва муаммоларини яхшироқ тушунадиган, юзага келган аҳволдан қутулиш йўлини тезроқ топадиган бўлади,

дейишади. Партиядан чиққан кишиларнинг бошқа қисми ўз вақтида Венгрия, Чехословакияда армия сафида хизмат қилган ва социализм манфаатларини ҳимоя қиляпмиз деб қаттиқ ишонишган. Энди улар у ерларда ҳалок бўлган ўртоқлари руҳи олдида ўзларини гуноҳкор ҳис этадилар.

Учинчи гуруҳдаги сабаблар шахсий ғараз, ёки, аниқроқ қилиб айтсак, индивидуал манфаатларга бориб тақалади — машина, квартира беришмади, маошини чеклашди. Оилалари катта бўлган ишловчи пенсионерлар ҳам бор, улар ўн сўмни партия кассасига топширгандан кўра невараларимга сарфлаганим маъқул дейишади ва улар ҳам КПССдан чиқишади.

— Фараз қилайлик, бир киши партиядан чиқиши тўғрисида ариза топширди. Бундан кейин нима қиласиз?

— Ҳар бир киши билан шахсан суҳбатлашамиз. Ўз хатти-ҳаракатини қандай исботлаши инсоннинг кимлигини яққол кўрсатади. Асл ниятини ҳар қандай қилиб бўлсада ниқоблашга уринадиган, уни жуда умумий, мужмал қилиб тушунтирадиган кишилар бор. Улар бундай дадил қадамим болаларим, невараларим тақдирига таъсир қилмасмикин деб чўчишади... Сталинча ўтмиш бизга шу қадар чуқур сингиб кетган. Лекин биз жазолаш мақсадида эмас, балки бундай хатти-ҳаракатни жаҳл устида, ўйлаб ўтирмай қилаётган кишиларга тушунтириш мақсадида сабабларни аниқлашга ҳаракат қиляпмиз. Партиядан қўлидан келганча ҳамма нарсани олишга уринган, энди, коммунистлар оғир маънавий юкни кўтаришига тўғри келган паллада партбилетини стол устига қўяётган — партбилетнинг обрўси қолмаган эмиш, — кишиларга кўпчилик ўзининг қаттиқ қатъий баҳосини беради. Буни партия мажлисларида ҳам, ўзаро суҳбатларда ҳам очиқ айтадилар. Бизда шундай ходимлар борки, хорижий мамлакатларга бориб келишган, барча имтиёзларни олишган, энди эса партия уларга керак бўлмай қолибди. Кишилар нафрати — биз уларга қўллайдиган ягона жазо шудир.

— Бу масала бўйича сизнинг шахсий позициянгиз қандай?

— Мен партияга киришни ҳеч кимдан ялиниб илтимос қилиш ёки уни партияда мажбуран ушлаб туриш керак эмас деб ҳисоблайман. Киши ўз эътиқоди билангина партия сафларида бўлиши, идеалларимизни ҳимоя қилиши керак. Ана ўшандагина ҳамфикр кишиларнинг халқни ўз ортидан эргаштиришга қодир мустаҳкам, саботли партиясига эга бўламиз.

— КПССдан бир қисм кишиларнинг чиқиши бошланғич ташкилотингиз обрўсига, унинг жанговарлик қобилиятига, корхонанинг партиясиз ходимлари билан алоқаларига таъсир этади деб ҳисоблайсизми? Юқорида Сиз партиядан чиқиш жараёни тўхташига ишончим комил эмас деган эдингиз...

— Бундай ишонч ҳақиқатан ҳам йўқ, лекин бу нарса бизни чўчитмаяпти. Қайтага партияда энг софдил ва садоқатли кишилар қолса яхши эмасми? Амалпараст, ҳар хил эргашувчи ва мослашувчилардан халос бўлиш партия ташкилотини заифлаштириши мумкин эмас. Айтиш керакки, бизда ҳозир ҳам пассивлар жуда кўп. Агар обрў-эътибор масаласига келсак, унга миқдор орқали эмас, балки сифат орқали эришилади. Менинг фикримча, бошланғич ташкилотимиз ўз позицияларини бой берган эмас. Энг оддий, кундалик фактларга қараб фикр юритяпман. Кимда — у хоҳ коммунист, хоҳ партиясиз бўлсин — бирор мушкуллик юз берса, у ҳар ҳолда бошқа жойга эмас, балки парткомга мурожаат қилади. Баъзан ўйлайсан: кишини унинг меҳнатига ҳақ тўлашда адолатсизлик қилишибди, у керакли идорага мурожаат қилиш ўрнига тўғридан-тўғри парткомга келган. Лекин биз кишиларни юқори идораларга йўлламаймиз, олдимизга келибдими — ёрдам бериш лозим. Фақат илгари масалани парткомда ҳал қилган бўлсак, энди эса ўзимиз цех ёки бошқармага борамиз, жойнинг ўзида ҳамма нарсани аниқляпмиз, ишонтиряпмиз, ҳақиқатни ҳимоя қиляпмиз. Йўқ, халқ бизга ишончини йўқотганича йўқ — адолат излаб коммунистларга мурожаат қилмоқда. Партия йиғилишларига партиясизлар ҳам келишади, бу эса кўпинча уларни ҳаяжонлантирадиган бирор бир масалани аниқлашда ёки ўртага қўйишда уларга ёрдам бермоқда.

Бунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташаббуси билан кўрилган социал характердаги йирик чора-тадбирлар ҳам катта роль ўйнаётганини айтиш лозим. Бу кишиларни жуда ҳам илҳомлантирди. Мана, заводимизда ҳам ишчиларга унумдор жойдан 60 та ер участкаси ажратилди. Кўпгина ветеранлар,

кўп болали оилалар катта ҳажмда ёрдам олишди. Социал аҳамиятга молик ишларгина халқни партия ҳақиқатан ҳам унинг манфаатлари ифодачиси ва ҳимоячиси эканлигига ишонтириши мумкин.

— Бундай ролни бошланғич партия ташкилотингиз қандай бажармоқда? Завод коммунистларини кишиларнинг асосий эҳтиёжларини ҳал этишда қандай социал аҳамиятли иш бирлаштирмоқда?

— Шаҳар Советининг депутатларига сайловчилар томонидан берилган наказларни бажаришни назорат қилиш биз учун ана шундай бирлаштирувчи негиз бўлди. Бир қарашда, бу бизнинг ишимиз эмасдек туюлади. Лекин чуқуррок ўйланса, айни партия ташкилотлари ва комитетлари халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, янги сайланган совет органларига чинакам ҳокимиятни эгаллашда ёрдам беришлари керак. Меҳнаткашлар билан ҳам шу орқали яқин алоқа ўрнатяпмиз. Мана, бир мисол: микрорайонимизда ишлаётган депутатлар группаси қишга тайёргарлик қандай бораётганини аниқлаш учун биздан шаҳар Совети депутатларини тўплашимизни илтимос қилди.

— Ахир бу совет органларининг иши-ку. Завод парткомининг бунга қандай дахли бор?

— Сайлов округларингиз депутатларини ҳеч тўплай олмаяпмиз дейишади, зеро уларнинг ярми бизда ишлайди. Биз у-бу деб ўтирмадик — зотан гап завод яқинида яшовчи минглаб шаҳарликларнинг қишни қандай шароитда кутиб олиши хусусида боряпти. Уларнинг кўпчилиги — бизнинг ишчиларимиз ва уларнинг оилаларидир. Айни шу сабабли шаҳар Советининг сайлов округларимиздан сайланган депутатлари сайловчилар қўяётган долзарб социал муаммоларни қандай ҳал этаётганлиги устидан назорат қилиш корхона партия ташкилотининг эътибор марказида бўлиб қолди.

Бизнинг районимиз шаҳар чеккасида жойлашган, шунинг учун ҳам социал-маданий жиҳатдан бизни анча камситишади. Буни аҳолининг наказлари ҳам кўрсатиб турибди. Мана, ўзингиз қаранг, улар кинотеатр, «Энергетик» стадионида соғломлаштириш комплекси, ўрта мактаб, чойхона, дам олиш зонаси куриб беришимизни, магазин ва болалар сут кухняси филиалларини ташкил этишимизни, бир неча кўчани, йўлларни ободонлаштиришимизни, уй-жой массивини радиолаштиришимизни, тураржой биноларини ремонт қилиб беришимизни илтимос қилишмоқда. Корхонамиз ҳисобидан шунингдек Маданият саройи — социал жиҳатдан биз учун муҳим бўлган объект барпо этилмоқда. Хуллас, микрорайонимизда иш олиб бораётган саккиз депутат учун яқин йилларга ташвишлар етарли. Улардан тўрттаси — ўз ходимларимиз: электрпайвандчи Аҳмад Аъзамович Акромов, трансформаторлар синовчиси Зайрбек Бекмурзаевич Холиқулов, цех бошлиғи Сергей Петрович Лисенко ва цех катта мастери Борис Давидович Коган. Улар бизнинг ёрдамимизсиз бир иш қила оладими? Йўқ. Бу ёрдам завод томонидан ана шу социал чора-тадбирларнинг ҳаммасини ҳиссадор ёки тўлиқ даражада маблағ билан таъминлашдангина иборат эмас.

Депутатларнинг ҳар бир фойдали ташаббусини партия ташкилотининг қўллаб-қувватлаши катта аҳамиятга эга. Бундай ёрдам кўпинча цех партия йиғилишидаёқ кўрсатилади, бордию масалани олий маҳкамаларда ҳал этишга тўғри келса, ёрдам яна ҳам сезиларли бўлади. Мисол келтираман.

Ҳозир биз бутун куч-ғайратимизни депутатларимиз билан бирга иккита муҳим масалага қаратишга қарор қилдик. Бу, биринчидан, жамоат транспортининг ишини йўлга қўйиш. Марказдан олисдаги микрорайонларимизда яшовчи кишилар унинг системасиз, пала-партиш ишлашидан азият чекмоқдалар. Йўл ҳақини 10 тийинга оширилди, лекин аҳвол ҳеч ҳам яхшиланмади. Бекат, кўчалар номлари, маршрут йўналишлари ҳаммаси фақат ўзбек тилида ёзилган, бу ҳам аҳолини ҳайрон қолдиряпти, ҳолбуки, шаҳримиз аҳолисининг аксарияти (салкам 90 фоизи) рус тилида сўзлашади. Совет органларининг ана шундай ўйламай қиладиган ишлари оммавий норозиликни келтириб чиқаради. Буни ҳисобга олмасдан бўладими? Биз бу ҳақда депутатларимизга йиғилишларда ҳам, шахсий суҳбатларда ҳам айтяпмиз.

Кўпчилигимизни ташвишга солаётган иккинчи масала республика даражасида ҳал қилиниши керак. У энг кескин, долзарб муаммога — уй-жой муаммосига дахлдор. Биз уни самарали ҳал қилишга интиляпмиз, лекин ҳамма нарса ҳам

бизга боғлиқ эмас. Заводда қарийб бир йилдан бери қурилиш кооперативи ишлаб турибди. Шу вақт ичида у иккинчи тураржойни фойдаланишга топширди, лекин навбат кутиб турган кишилар жуда кўп, эҳтиёжни қондириш учун турли-туман йўлларни излашга тўғри келмоқда. Шулардан бирини айтай. Ҳозир шаҳардан кўпгина қрим татар ва немислар кўчиб кетмоқда. Улар ўз уйлари ва ер участкаларини сотишмоқда. Агар корхона кейин ўз ходимларига сотишини кўзлаб, унинг шахсий уйларни сотиб олиш механизмини йўлга қўйсак, муаммо анча тез ҳал бўларди, бунда қурилиш материалларининг доимо етишмаслигини ҳам назарда тутиш керак. Лекин бу ишга фақат республика Министрлар Совети ёрдам бера олади.

Ҳозир шаҳар Советимиз қошида Чирчиқ территориясида яшовчи қрим татарлар ва совет немислари муаммоларига доир ишчи комиссияси ишлаб турибди. Кўп иш қилинди, лекин баъзи масалаларни фақат марказлаштирилган тартибда, республика олий органларида ҳал этиш лозим. Масалан, комиссия тегишли юқори идораларга мурожаат қилиб, шахсий уйларни корхоналар сотиб олиши ва бунда давлат божининг 10 фоиздан 3 фоизга туширилишига эришмоқда. Истардикки, Чирчиқ ишчиларининг овози тезроқ тинглανса ва ижобий ҳал этилса.

Шу мисоллардан кўриниб турибдики, партия ташкилотимиз ҳукумат органлари билан ҳамкорликда ишлаб, уларни меҳнаткаш инсон манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга фаол ва доимо ундаяпти.

— Лекин сиз совет органларининг функцияларини ҳар соҳада ўз зиммангизга олаётган эмассиз, бу — тўғри йўлмикин? Партия комитетлари амалда давлатни бошқариш вазифасини бажарган аввалги йилларга қайтмасмикинмиз?

— Ҳозирча бошқа йўл йўқ. Ҳокимиятни топшириш — кўп гражданларимиз ўйлаганидек жўн жараён эмас. Ҳокимиятни қўлга олгач, уни тасарруф эта билиш лозим. Ҳозир совет органлари янгиланган, уларга кўпчилиги бошқариш илмидан бехабар бўлган кишилар келди. Бу нарса ҳатто энг олий орган — халқ депутатлари Съездига ҳам тааллуқли, шаҳар Совети ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. 80-йилларда мен шу ерда, заводда, меҳнатни илмий ташкил этиш бўлимида ишлаган эдим, бошқарув санъати катта махсус билим ва кўникма талаб қилишини жуда яхши биламан. Расмий ҳужжат тайёрлай билиш, телефонда сўзлашиш маҳорати сингари «майда» нарсаларнинг ҳам аҳамияти катта. Кишилар психологиясини билмасдан, ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлмасдан туриб бошқарув ходими бўлиш умуман мумкин эмас. Японларнинг бошқарув органига олинадиган одамни синчиклаб ўрганишлари бежиз эмас. Улар ходимга ортиқча баҳо бериб юборишдан ҳам, уни камситиб баҳолашдан ҳам чўчийдилар.

Бунинг учун бизга ҳали анча бор, лекин менимча: партия комитетларининг вазифаларидан бири — совет органларига келган кишилар ўзларига берилган ҳокимиятдан халқ манфаатлари йўлида етарлича фойдалана олишларига ҳар томонлама ёрдам беришдан иборатдир.

— Тўғри, унинг ишини қилиш эмас, ёрдам бериш керак...

— Ёрдамлашиш деганда ўргатиш, тарбиялаш, ўз тажрибаси билан ўртоқлашиш, кишилар билан алоқани қандай кенгайтириш ва мустаҳкамлаш кераклигини кўрсатишни тушуниш керак. Ягона мақсад сари ҳар ким ўз воситалари билан, лекин биргаликда бориши лозим. Биз, коммунистлар, албатта, кўпроқ тарбиявий, сиёсий методлардан фойдаланишимиз зарур. Бу борада ишлар кўп. Ҳаммамиз сиёсий маданиятни тезроқ эгаллаб олишимиз, демократия шароитида яшаш ва у бераётган имкониятлардан муносиб тарзда фойдаланишни ўрганишимиз зарур. Афсуски, кишиларда бир-бирига ҳурмат йўқоляпти, сенинг позицияңг билан келишмайдиган томоннинг фикрини тоқат қилиб эшитмайди, далилларини тушунишга интилмайди, бу ҳақда яна гапиришга тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси демократиянинг ўзини амалга оширишга халақит беряпти, унга қаршидир. Қарорларнинг деярли ҳаммаси наридан-бери бажарилаётганлиги бежиз эмас.

— Бу фикрларингиз партия ташкилотининг фаолиятига ҳам тааллуқлими?

— Шубҳасиз. Умумий аҳвол, кишиларнинг кайфияти билан боғлиқ муаммоларимиз кўп. Мафкуравий ишни олайлик. Ҳозир у бутунлай, айтиш мумкин, социал омилга боғлиқ бўлиб қолди. Нима ҳақда сўзламайлик, кишилар пировард натижада ҳаммасини беҳисоб тақчилликларимизга, социал-иқтисодий қийинчиликларимизга олиб бориб тақашади. Шу сабабли сиёсий таълим системасидаги

янги ўқув йилида биз кишиларни ҳаяжонлантирувчи ҳар қандай мавзу ҳақида эркин сўз юритиш мумкин бўлган сиёсий мунозара клубларини тузиш йўлидан боришга қарор қилдик. Лекин бунда ҳам деярли ҳамма нарса лекторни танлашга, ўткир саволлардан қўрқмаслик маҳоратига боғлиқдир.

— Лекин бошланғич ташкилотнинг сиёсий, ташкилотчилик функцияси ҳам бор-у. Бу борада ишлар қандай?

— Очиғи ҳозир кишиларни бирорта янги ишга тортиш қийин бўлиб қолди. Балки, мен ноҳақдирман, лекин ҳамма қандайдир бебош, ялқов бўлиб қолди. Иш ҳақи ошди, ишга муносабат эса совиб қолди. Бу, менимча, материаллар, бутлаш буюмларининг доимо тўла етказиб берилмаслиги билан ҳам боғлиқдир, натижада станоклар бекор тўхтаб қолади, бу эса ишчиларнинг асабига тегади. Бундан айниқса азоб чекадиган цехимиз бор. Партком аъзоси, завод директори Ренат Қодирович Саримсоқовни ундаги кишилар билан ишлаш учун бириктириб қўйдик. Парткомимизнинг барча аъзолари муайян цех ва хизматлар ишига кўз-қулоқ бўлиб туришади. Корхонамиздаги барча коммунистлар билан (улар эса 380 киши) маслаҳатлашиб олмасдан туриб масъулиятли қарорлар қабул қилмаймиз. 23 цех партия ташкилотимиз бор. Айни уларда коммунистларнинг барча муҳим масалаларга доир фикри аниқланади, тушунтириш иши олиб борилади. Ҳар ҳафтада заводнинг ўзида секретарлар соатини ўтказяпмиз, бу эса партия аъзоларини сафарбар этишда, ташкилотчилик ва сиёсий ишда «танг жойлар» ҳамда нуқсонларни кўришда, ўз вақтида чоралар кўришда ёрдам бермоқда.

— КПСС XXVIII съезди бошланғич ташкилотлар ҳуқуқларини анча кенгайтирди. Улардан қандай фойдаланяпсиз, ўзгаришларни ҳис этяпсизми?

— Биз энди партия сафига янги аъзоларни ўзимиз қабул қиляпмиз ва ўзимиз ўчиряпмиз. Коммунистлар барча масалалар юзасидан ўз фикрларини бемалол, баралла айтмоқдалар. Лекин аъзолик бадалларимизнинг озгина қисмидан ҳам фойдалана олмаслигимиз кишиларда катта норозилик уйғотмоқда. Ўтган йилдан бошлаб бизга бадалларнинг умумий суммасидан 3 фоизи берила бошлади. Бу тахминан 600 сўм демакдир. Уни нималарга сарфладик? Партия ветеранларига ёрдам бердик. Пропагандист кунини ҳар галгидан бошқача ўтказдик, партия фаолларимизни тақдирладик. Бу йил кам таъминланган ветеранларга газета ва журналларга обуна бўлишда ёрдам бермоқчи эдик. Лекин бу иш чўзилиб кетди. Бизга энди бадаллар суммасидан 3 фоиз эмас, балки 2 фоиз ажратиб беришни ваъда қилишди, аммо бунга ҳам зўрға эришдик. Шу йил май ойида бўлиб ўтган партия конференциясида ушбу масалани бизга меҳмон бўлиб келган область партия комитетининг котиби В. Г. Гришчук олдига қўйдик. Ёрдам беришга ваъда берди, лекин муаммо сентябрдагина ҳал бўлди. Коммунистлар норози: шаҳар, район партия комитетлари нима иш қилади? Улар биринчи навбатда бошланғич ташкилотларга ёрдам бериши керак эмасми? Амалда эса буни кўрмаймиз. 4 сентябрда бўлиб ўтган завод партия йиғилишида эса коммунистлар кейинчалик бутунлай тугатишни мўлжаллаган ҳолда Тошкент область партия комитетининг аппаратини қисқартириш тўғрисида таклиф киритдилар. Шаҳар партия комитети, Ўзбекистон КП Марказий Комитети бўлганда бу бўғинга ҳожат бормикин? Ҳеч қандай фойдаси бўлмагач, область партия комитетини аъзолик бадалларимиз ҳисобига боқишимизга ҳожат борми? Қисқаси, коммунистлар партия матбуотида партия даромад ва харажатлари ҳақидаги, аъзолик бадалларимиз қандай мақсадларга сарфланаётгани ҳақидаги ҳисоботлар мунтазам бериб борилиши керак деб ҳисоблайдилар.

— Турли масалалар бўйича шаҳардаги бошқа партия ташкилотлари билан қандай қилиб биргаликда ҳаракат қилмоқдасиз? Бирор бир горизонтал структуралар мавжудми?

— Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг Кенгаши тузилмоқда. Фикримча, бу нарса шаҳримиз меҳнаткашларини ҳаяжонлантираётган барча иқтисодий, социал-маданий, экологик ва бошқа масалалар бўйича анча иш қилишимизга имкон беради. Биз уларнинг энг муҳим манфаатларини янада тўлиқ ва самарали ифодалашга муваффақ бўламиз.

Суҳбатни «Ўзбекистон коммунисти» журнали партия ва совет қурилиши бўлимининг муҳаррири Л. ХАМАГАЕВА олиб борди.

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

А. АБДУНАБИЕВ

ҚЎП ПАРТИЯЛИЛИК: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Ҳозир бу жамоатчиликни жуда қизиқтираётган масалалардан биридир. Кўп партиялилик ҳаётимизга кириб келмоқда, бинобарин, кишилар хилма-хил, ҳатто зиддиятли талқинларга сабаб бўлаётган ана шу ҳодиса замирида нималар ётганини билишни истайди. Қуйида эълон қилинаётган мақола ана шу мураккаб ижтимоий воқеликнинг кўп жиҳатлари тўғрисида анча кенг тасаввур беради, деб ўйлаймиз.

Сталинчилик даврида пайдо бўлган, кимки биз билан бирга бўлмаса, у душман, деган «қоида» орқада қолмоқда. Неча ўн йилликлар мобайнида таркиб топган, гўё ҳар қандай ишда тартиб бўлиши — бу ҳамма кишиларнинг бир хилда ўйлаши ва ҳаракат қилишидир ва фақат юқоридан берилган директивалар ва йўл-йўриқларгина ҳар қандай ҳолат учун маъқул бирдан-бир кўрсатма бўла олади, деган тасаввур ҳаётий эмаслиги маълум бўлди.

Фикрлар хилма-хиллиги кўп партиялилик тўғрисидаги фикрга олиб келди. Бу хусусда тез-тез гапира бошлашди. 1989 йил эса бу жиҳатдан бурилиш йили бўлди, бинобарин, ҳозир кўп партиялилик мамлакатимизда ҳақиқат бўлиб қолди.

Табиийки, партия даб-дурустдан осмондан тушмайди ва фармойишлар билан пайдо бўлмайди. Сиёсий партиялар муайян синф ёки тоифага мансуб кишилар ўз манфаатларини яхшироқ тушунишлари, ўз сиёсатларини юритишни ўрганишлари ва қўйилган мақсадга эришишлари учун тузилади.

Янги партиялар кўп сабабларга кўра, энг муҳими эса — жамиятнинг иқтисодий ва социал табақаланиши, унинг у ёки бу қатламларида алоҳида иқтисодий ва сиёсий манфаатлар пайдо бўлиши натижасида вужудга келади. Янги партиялар социал норозилик ва расмий ҳокимиятларга қарши туриш тўлқинида ҳам ташкил топади. Одатда ҳамма нарса маслакдошлар гуруҳидан бошланадики, улар бирор бир ҳаракат дастури бўлган партия тузишнинг ижтимоий ёхуд гуруҳга хос зарурлигини англаб етади. Бу ерда асосий нарса — манфаатлар, фикрлар, мақсадлар муштараклиги принципидир.

Ҳозир биз тушунган сиёсий партиялар Европада XVIII аср охири — XIX аср бошида пайдо бўла бошлаган, бу нарса буржуа революциялари, парламентлар ва парламентаризмнинг пайдо бўлиши каби воқеалар билан боғлиқ эди. Гарчанд айни вақтда партиялар феодал-аристократия муҳитидан чиққан янги синф душманлари томонидан ҳам барпо этилган бўлса-да, буржуазия турли гуруҳларининг уларнинг асосчилари деб ҳисобланиши бежиз эмас. Ўтган асрнинг бошида ишчилар уюшмалари, ташкилотлари (масалан, Англияда чартистлар ҳаракати) ҳам вужудга кела бошлади. Коммунистлар иттифоқи, сўнгра эса I Интернационалнинг барпо этилиши ҳам сиёсий тузилмалар йўлидаги ўзига хос бир босқич бўлдики, улар илмий социализмни ишчилар ҳаракати билан қўшиш учун пойдевор яратди. Ишчилар синфининг онглилиги, сиёсий фаоллиги оша борган сайин социал-демократик партияларнинг ҳам аҳамияти орта борди.

Кўпгина буржуа, майда буржуа, социалистик партиялар ўн йиллар давомида ўз ривожида муайян муваффақиятларга эришиб анча ўзгарди, лекин муваффақиятсизликлар, мағлубиятлар аламини ҳам тортди. Бу жараёнда уларнинг баъзилари тегишли сабоқлар чиқариб мустаҳкамланди, бошқалари синовларга дош беролмай, сиёсий саҳнадан тушиб кетди, учинчилари дастлабки муваффақиятлардан ноқ кибрланиб, тез орада ижтимоий воқеалардан четга чиқиб қолишди.

1990 йилнинг бошида планетада 172 мустақил давлат бор эди. Шулардан 19 тасида ҳар қандай партия тақиқланган, 29 давлатда фақат биргина — идора қилувчи, ҳукумат партияси иш кўрган, 124 мамлакатда эса бир нечтадан сиёсий партия иш кўришяпти (ана шу давлатлардан тахминан ярмисида коалицион ҳукуматлар тузилган). Шундай қилиб, XX аср охирида кўп партиялилик устун бўлиб қолди.

Кўпгина мамлакатлар амалиётидан келиб чиқиб, қуйидаги таърифни таклим этиш мумкин: кўп партиялилик — у ёки бу мамлакатда бир нечта сиёсий партияларнинг фаолият кўрсатиши бўлиб, улар ўзаро рақобат қилишади ва давлатни бошқаришда зўрлик ишлат-

---

АБДУНАБИЕВ Абдулла Ғуломович, тарих фанлари доктори, Тошкент алоқа электротехника институти сиёсий тарих кафедрасининг мудири.

масдан қатнашишга эришишади, бордию бунинг уддасидан чиқмаса, оппозицияда қолиб, расмий ҳокимиятни танқид қилишади, ўз қарашларини конституцион йўл билан қаттиқ ҳимоя қилишади. Бу ҳар бир сиёсий партияга умумий манфаатларни маълум даражада ҳисобга олиб, ўз йўлини ўтказишга имкон беради.

Табиийки, бундай фаолият ҳамиша ҳам тинч давом этавермайди, лекин зиддиятлар кўп ҳолларда рақибларни очиқ танқид қилиш, ўз қарашларини аҳоли орасида тарғиб қилишни кучайтириш билан ҳал этилади. Кишилар майли, айтиш мумкинки, маърифий йўл билан қозонилади, бунга кўп йиллар мобайнида ўзлаштирилган халқнинг умумий сиёсий маданияти ёрдам беради. Шу билан бирга сиёсий партиялар бир-бирига қаттиқ қарши туришига, муросасиз кураш олиб боришига доир мисоллар оз эмас. Тўғри, шундай ҳам бўладики, кўпинча партиялар ўзларининг асл мақсадларини яширишга интилиб алдовга ҳам ўтишади, сайлов олдидан қоп-қоп ваъдалар беришади, сайловчиларни қўлга олишади, у ёки бу шиорни ишга солишади, одамларнинг хўдбин кайфиятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишади. Ўн йиллар мобайнида кўпгина мамлакатларда сайлов-олди кенг ташвиқот ишларининг пухта механизми яратилганки, бунга қанчадан-қанча маблағ сарфланади.

Кўп партиялилик системасининг афзалликлари ва камчиликлари хусусида мулоҳаза юритиб, тарих фанлари доктори С. Захаров шундай таъкидлайди: «Кўп партиялилик — демократик жамият белгисидир. Лекин асосий ва, алалхусус, бирдан-бир белги эмас. Жаҳон ҳамжамияти тарихи кўп партиялилик очиқдан-очиқ диктатурани ниқоб қилиб олган вақтларни билади. Қолаверса, кўп партиялилик — демократикликнинг унчалик мажбурий белгиси ҳам эмас: агар «танҳо» идора қилувчи партия ўз сиёсати, ўзининг амалий ишлари билан халқнинг асосий қатламлари манфаатларини қаноатлантирса, бу билан у бир партиялилик системасининг демократиклилигини қарор топтиради» (Диалог, 1990, № 5, 124-бет).

Бу фикр эътибор бериб идрок этишни тақозо қилади. Сиёсий партиянинг ёки жамоат ташкилотининг обрўси фақат дастурнинг жозибадорлигига эмас, шунингдек уни амалга ошира билишига, партия сиёсати унинг аъзолари келишиб олган фикрлар натижаси эканлилигига ҳам боғлиқдир.

Айни чоқда кўпгина мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, кўп партиялилик тарихий шарт-шароитларнинг зайли бўлмай, балки табиий ривожланадиган сиёсий жараённинг характерли хусусиятидир. Бу расмий ҳокимиятлар зўрлиги ёки қарши ҳаракати бўлмаган бир шароитда плюралистик жамият ривожининг муайян босқичидаги сиёсий ташкилотнинг нормал шаклидир.

* * *

Мамлакатимизда кўп партиялилик борасида аҳвол қандай? У илгари, Октябрь инқилобигача бормиди? Нима сабабдан бизда етмиш йил мобайнида бир партиялилик системаси мавжуд эди? Ана шу ва бошқа саволларга тарих жавоб беради.

Рус ва бошқа славян халқлари, Ўрта Осиё, Кавказ ва бошқа регионларнинг турли қабилалик аҳолиси орасида эрксевар, демократик кайфиятдаги кишилар ҳамиша кўп бўлган. Декабристлар ва петрашевчиларни, А. Н. Радишчев, А. С. Пушкин, А. С. Грибоедов, В. Г. Белинский ва бошқа кўпгина сиймоларни эслайлик. «Колокол» журналининг ташкилотчилари — А. И. Герцен, Н. П. Огарев, «Современник»нинг ташкилотчилари — Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, Н. А. Некрасов демократик кайфиятлар ифодачиси сифатида майдонга чиқишди.

Махфий умумроссия революцион ташкилоти «Ер ва эрк» тузилди. Сўнгра янги тўгараклар, яширин жамиятлар — «Халқ эрки», «Қора передел» вужудга келди. Сиёсат майдонида Г. Плеханов, В. Засулич, П. Алексеев, Г. Лопатин, С. Халтурин номлари пайдо бўлди.

Петербург, Одесса, Қозон ва бошқа марказларда нолегал марксистик тўгараклар тузилди. Улар ишчилар, студентлар, революцион кайфиятдаги зиёлилар вакилларига сиёсий билим беришда муҳим роль ўйнади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда маърифатчилик анча кучайди. Ўлкада соф диний мактаблар билан бир қаторда дунёвий мактаблар, Тошкент, Самарқанд, Ашхабод, Верний (Олмаота) ва бошқа шаҳарларда рус-тузем мактаблари очилди. 80-йилларда Россиядаги мусулмон халқлари орасида буржуа-либерал миллатчилик ҳаракати жадидчилик ёйила бошлайди. Ўша йилларда демократ шоирлар З. Фурқат, М. Муқимий, А. Қўнанбоев тараққийпарвар адабиёт яратадилар. Маҳаллий ва рус тилларида газеталар чиқади. Аҳолининг сиёсий онги ўсади, унинг чиқишлари нафақат иқтисодий, балки сиёсий тус ҳам касб этади.

90-йилларнинг ўртасида Петербургдаги социал-демократик тўгараклар В. И. Лениннинг ташаббуси билан «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш иттифоқи»га бирлашадилар. Шунинг кетидан социал-демократик ташкилотлар бошқа шаҳарларда, шу жумладан Украина, Кавказда ҳам вужудга келди. 1898 йилнинг мартида Минскда Россия социал-демократик ишчи партияси (РСДРП)нинг I съезди бўлиб ўтди. У пролетар партияси тузилганини эълон қилиб, ишчиларни чоризм билан адолатли курашга илҳомлантирди, социал-демократик тўгаракларнинг ҳаммасини бирлаштириш вазифасини илгари сурди. Бироқ унда партиянинг дастури ва устави қабул қилинмади, сайланган МҚ таркиби эса тез орада қамоққа олинди.

Икки аср туташган бир паллада кучли ижтимоий уйғониш даври бошланди. Сиёсий чиқишлар кучайди, янги партиялар, жамоат ташкилотлари ташкил топди.

1903 йил ёзида Брюсселда, сўнгра Лондонда бўлиб ўтган РСДРПнинг II съезди революцион, марксистик пролетар партиясига асос солди. Унда партиянинг Дастури ва Устави қабул қилинди, РСДРП раҳбарияти сайланди. Съезд ўткир сиёсий кураш, кенг мунозара-

ли қарашларни қиёслаш вазиятида ўтди. МК ва Марказий органни сайлаш вақтида кўпчиликни ташкил қилган Ленин тарафдорларини большевиклар деб, мухолифларни — меньшевиклар деб атай бошлашди. Кейинчалик бир партиянинг шу икки оқими кўпинча бирбирини истисно этадиган турлича ёндашувларга амал қилишди. Россия ишчилар ҳаракати бундан маълум даражада ютқазди.

Бу орада Россияда янгидан-янги сиёсий ташкилотлар тузила борди. Чунончи, 1901 йил охирида социалист-революционерлар (эсерлар) партияси пайдо бўлди, у турли народниклар тўгараклари ва гуруҳларидан вужудга келиб, тез орада 60—65 мингтагача кишини ўз ичига олди, у қатъий расмийлашмаган эди. Эсерлар бўлажак революцияда деҳқонларни асосий куч деб билишарди. Улар социализмнинг куртаги сифатида жамоа тўғрисидаги назарияни тиклашни мўлжаллашарди. Сиёсий курашда эсерлар подшоҳ ҳокимияти намояндаларига қарши якка террор тактикасига амал қилишарди.

Демократик характердаги сиёсий партиялар орасида миллий тузилмалар анчагина эди. 1897 йилда тузилган Бунд шулар жумласидандир. 1903 йилда у РСДРПнинг федератив қисми сифатида расмийлашди.

1902 йилда П. Струве ва П. Милюков ташаббуси билан Рус конституционалчилар иттифоқи (1905 йилдан эътиборан конституцион демократлар — кадетлар иттифоқи) тузилди. Уларнинг дастури Россиянинг ғарб тахлитидаги капиталистик йўлдан ривожланишини кўзда тутар эди. Кадетлар асосан мамлакатнинг конституцияга эга бўлишини ва помешчикларнинг ерга эгалигини қисқартиришни талаб қилишган эди. Россия буржуазиясининг ана шу асосий партиясида шаҳардаги майда соҳибкорлар, бадавлат қулоқлар, юқори маош оладиган хизматчилар катта ўрин тутарди.

1905 йил ноябрда кадетларнинг ўнг қаноти — асосан йирик савдо-саноат ва молия буржуазияси, буржуазиялашган помешчиклар, юқори, «ценз» зиёлиларининг намояндалари мустақил партия — октябрчилар партияси бўлиб ажралиб чиқди (1905 йил 17 октябридаги подшоҳ манифестининг тарафдорлари). Улар Россия конституцион монархизмни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидан бориши керак, бинобарин, у революциядан ҳимояланишга муҳтож, деб ҳисоблашарди.

Социал-демократик ғоялар олис районларга ҳам — асосан 1903—1904 йилларда Тошкент, Ашхабод, Самарқанд, Маридаги маҳаллий аҳоли орасида ўз фаолиятини айниқса кучайтириб юборган бадарға қилинганлар оркали кириб борди. 1905 йилда РСДРПнинг Туркистон комитети тузилди, 1906 йилда эса шу ўлкадан уч делегат ана шу партиянинг IV съезди ишида қатнашди. Туркистон большевиклари билан меньшевиклари кўп йиллар бир комитетда бўлишиб, кўпинча эсерлар, шунингдек жадидчиликнинг илғор вакиллари билан иттифоқ бўлиб майдонга чиқишди.

1905—1907 йиллардаги революция давомида большевиклар «сўл блок» тактикасига амал қилишди, унинг мақсади майда буржуа демократларини ишчилар синфи томонига жалб этиш эди. В. И. Ленин турли партия ва ташкилотларнинг раҳбар органлари томонидан биргаликда имзоланган хитобнома ва манифестларни «шаклланган сиёсий коалиция», чоризмга қарши биргаликда тузилган битим деб атади (қаралсин: ТАТ, 17-том, 438-бет).

Биринчи рус революцияси йиллари мобайнида легал ва нолегал газеталар «Вперед», «Пролетарий», «Эхо», «Волна» ва бошқаларда Ленинниинг уч юздан зиёд (!) мақолалари эълон қилиниб, уларда большевикларнинг нопролетар партиялар билан ўзаро муносабатларининг турли жиҳатлари кўриб чиқилди.

РСДРПнинг IV съезди (1906 йил) биргаликда ҳаракат қилиш, социал-демократия сафларида бирлик бўлиши зарурлигини тушуниш натижаси бўлдики, бу ҳақли равишда бирлаштирувчи съезд деб аталиб, деҳқонлар кенг оммаси ва майда буржуазия манфаатлари ҳамда нуқтаи назарини ифодалайдиган партиялар билан битишув мумкинлиги ва зарурлиги тўғрисидаги ленинча тактик платформани қабул қилди.

Социал-демократларнинг думадаги тактикаси ҳам эътиборга сазовордир, улар кўпинча трудовиклар ва бошқа сиёсий оқимлар ҳамда гуруҳлар билан иттифоқ бўлишиб, қонун чиқарувчи Дума минбаридан, касаба союзлари, ўзаро ёрдам кассалари, кооперациялар ва бошқа оммавий ташкилотларда легал ишлаш имкониятларидан фойдаланишга интилдилар. Большевиклар легал методларга қарши чиққанлар («отзовистлар») ҳамда нолегал фаолиятни инкор этиб, фақат легал иш олиб боришни таклиф қилганлар («ликвидаторлар») билан мунозара қилишди.

РСДРПнинг сиёсий ва ташкилий соҳалардаги қийинчиликларини большевиклар ва меньшевиклар турлича баҳолашди, бу эса 1912 йил январида Бутун Россия партия конференциясида уларнинг ажралишига олиб келди.

Сиёсий партияларнинг позицияларида кескин ажралиш биринчи жаҳон уруши йилларида, аввало империалистик урушга муносабатда айниқса кучайди. Давлат думасидаги қора гуруҳчилар ва ўнгларнинг раҳбари Н. Марков уни сира иккиланмай қўллаб-қувватлади, ҳолбуки ишчилар синфининг илғор қисми уни қоралаган эди. В. И. Ленин РСДРП МКнинг «Уруш ва Россия социал-демократияси» манифестида большевикларнинг империалистик урушни гражданлар урушига айлантириш тўғрисидаги асосий шиорини таърифлаб берди. Европадаги бир қатор ривожланган мамлакатлар учун бу социалистик революция, Россия учун эса — демократик революция сари йўлни англатар эди (ТАТ, 26-том, 23—24-бетларга қаралсин). Бироқ В. И. Лениннинг позициясини баъзилар қўллаб-қувватлашмади.

Меньшевиклар орасида ҳам бу хусусда фикрлар турлича эди. Трудовиклар, шу жумладан А. Керенский ҳам аввалига урушни қоралашди, орадан сал ўтгач уни ёқлай бошлашди. Буржуа, шунингдек

буржуа-помешчиклик партиялари ҳам шовинизм руҳидаги шундай позицияда туришди. Чунончи, кадетлар революцион хомхаёллардан ошкора юз ўгириб, чоризмнинг урушни давом эттириш сиёсатини намойишкорона қўллаб-қувватлашди.

Бироқ самодержавиенинг фронтдаги ҳарбий мағлубияти кўпларни ўйлантириб қўйди. Урушнинг мақсадлари хусусида шубҳалар туғилди, мамлакатда сиёсий кризис аломатлари пайдо бўлди, халқ оммасининг норозилиги кучайди. Шу даврда Россия сиёсий масонлиги фаоллашди (сўл кадет, Дума депутати Н. Некрасов унинг раҳбарларидан бири эди). Масонлик самодержавиени йўқ қилиш учун революцион ва оппозицион кучларни бирлаштириш йўлини тутди, лекин унинг фаолияти узоққа бормади. Лекин унинг пайдо бўлиш фактининг ўзи турлича ёндашувларнинг кўплигидан, фикрлар ва кайфиятларнинг хилма-хиллигидан далолат беради.

1917 йилда Россияда 500 дан зиёд сиёсий партиялар бўлиб, улар кўп миллатли давлатнинг хилма-хил қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини ифодалар эди. Бу давр барча сиёсий партиялар ва бирлашмаларга ўзини кўрсатиш, уларнинг социал-сиёсий ориентирлари нимага арзишлигини, уларнинг стратегияси ва тактикаси қанчалик реаллигини амалда исбот қилиш имконини берди.

Бир томондан, халқ-демократик кучларнинг қудратли тазйиқи остида ва бошқа томондан, либерал буржуазиянинг самодержавие сиёсатидан норозилиги орқасида Февраль буржуа-демократик революцияси ғалаба қилди, чор ҳокимияти ағдарилди. Мамлакат тарихий чорраҳада, ижтимоий ривожланиш йўлининг айрилиш нуқтасида туриб қолди. Масала бундай турарди: Россия буржуа-реформистик йўлдан феодализм қолдиқларидан холи бўлган капитализм сари борадими, ёки пролетарча-революцион йўлдан социализм сари борадими?

Монархия ағдарилганидан кейин сиёсий кучларнинг жойлашуви икки ҳокимиятчиликка олиб келди, бу пайтда «революция оддий буржуа-демократик революциядан анча нарига ўтиб кетди, лекин пролетариат ва деҳқонларнинг «соф» диктатурасига *ҳали етганича йўқ* эди (В. И. Л е н и н. Тўла асарлар тўплами, 31-том, 176-бет). Жамиятнинг мумкин бўлган ривожланиш йўллари хусусидаги турлича ёндашувлар, ихтилофлар тегишли синфлар, гуруҳларнинг, улар сиёсий партиялари ва раҳбарларининг манфаатларини акс эттирарди.

Қизиқарли бир деталь. Февралдан кейин кадетлар бирдан ўзларига иттифоқдошлар излаб қолишди. Кадетлар партияси МК ҳужжатларидан бирида «мамлакат республика элементларининг (большевиклардан ташқари) блоки тўғрисида» деган гапни ўқиймиз. Кадетлар меньшевиклар билан эсерларнинг ожиз томонларини дарҳол пайқаб олишди.

Советларда кўпчиликни ташкил этган меньшевиклар билан эсерлар Вақтли ҳукуматни омманинг урушни тўхтатиш тўғрисидаги, социал муаммоларни ҳал этиш, демократик эркинликлар тўғрисидаги талабларини қондиришга мажбур қилишнинг реал имкониятига эга бўлишди. Бироқ улар буни қилишмади, қолаверса — кадетлар ва октябристлар билан биргаликда халқни мазкур талабларни Таъсис мажлисигача қўймасликка кўндира бошлашди.

Меньшевик-эсерлар блоки 1917 йилда Россия сиёсий партиялар системасида ўрта позицияда турди. Кадетлар ва большевиклар чекка қутбларда — ўнг ва сўл томонда туришди. Ана шу жойлашув Февраль билан Октябрь орасидаги бутун давр давомида сақланиб қолди.

Большевиклар позицияси революциянинг тинч йўл билан ривожланишини, халқнинг ўз депутатларини тинч йўл билан сайлашини, партияларнинг Советлар ичида тинч йўл билан кураш олиб боришларини, турли партияларнинг программаларини амалда синаб кўришни, кейинчалик ҳокимиятнинг тинч йўл билан Советлар қўлига ўтишини таъминлашдан иборат эди (В. И. Л е н и н. ТАТ, 34-том, 279—280-бетларга қаралсин). В. И. Ленин ўзининг Апрель тезисларида революциянинг келгусида социалистик революцияга ўсиб ўтишининг тинч характерини белгилаб берди.

Большевиклар партияси, вужудга келган вазиятдан келиб чиқиб, йирик буржуазия билан майда буржуазиянинг коалициясини барбод этишга интилди. У кураш тиғини асосий душман — буржуазияга қарши қаратди. Большевиклар революция манфаатларини кўзлаб, кадетлар билан алоқани бутунлай узиш шарти билан меньшевиклар ва эсерлар билан битимга эришиш мумкин, деб ҳисоблашди. Бироқ ана шу партияларнинг раҳбарлари бундай қадам қўйишга ботинишмади. В. И. Ленин большевикларнинг вазифаси «бўлиши муқаррар бўлган *барча компромиссларда* ўз принципларига, ўз синфига... содиқ бўлиб қола билишдир», деб ҳисобладн (ў ш а ж о й д а. 156—157-бетлар).

1917 йил ёзида, Керенский бош министр бўлган, эсерлар эса ҳукуматга кирган вақтда, уларнинг сўл гуруҳи ўз партиясини айниганликда, буржуазия билан ҳамкорлик қилишда айблаб, кейинчалик мустақил партия тузди. Сўл эсерларнинг тактик шиори большевикларники билан монанд эди: ҳокимият — Советларга, ер — деҳқонларга, тинчлик — халқларга. Шу боисдан РСДРП(б) раҳбарияти революцион ҳаракатнинг кўпгина етилган муаммолари юзасидан эсерлар билан сиёсий блок тузди.

Большевикларнинг омма орасида изчил олиб борган тушунтириш иши, уларнинг ташкилотчилик фаолияти улар тарафдорларини кўпайтирди. Натижада 1917 йил августининг

охирида мамлакатда Советларни большевиклаштириш палласи бошланди. Халқ эътирофининг сабаби шу эдики, Россиядаги кўпдан-кўп партияларнинг ҳаммасидан большевиклар сиёсати ва амалий ишлари омма умид-орзуларига энг яқин эди. Вужудга келган аҳволни ҳисобга олиб РСДРП(б) VI съезди социалистик революция йўлини белгилади. Февралдан Октябрь сари бўлган йўл — бу чинакам шиддаткор ижтимоий ўзгаришлар даври, омманинг сиёсий тез чиникиши, партиялар ва оқимларнинг кескин ажралиши, революция кучларининг жипслашуви, демократияга қарши гуруҳларнинг мағлубияти давридир.

Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси асосан большевиклар раҳбарлик қилган ишчилар, камбағал деҳқонлар, миллий чекка ўлкалар меҳнаткашлари фаол чиқишларининг якуни бўлди. Лекин эсерлар, хусусан сўл эсерлар, шунингдек меньшевиклар ва бошқа прогрессив кучлар ҳам катта роль ўйнашди. Уларнинг изчил демократизми, деб таъкидлади В. И. Ленин, аммо уларнинг йўлбошчилари тўғрисида бундай деб бўлмайди, фақат социализмдангина эмас, балки демократизмдан ҳам аста-секин озод бўлиб боради (ТАТ, 32-том, 418-бетга қаралсин). Хуллас, октябрь кўзғолони ғалаба қилганидан кейин улар Советларнинг Бутун Россия II съездини барбод этишга уринишди.

Маълумки, съезд таркиби кўп партиялилик эди. Унинг 649 делегатидан 390 нафари большевиклар, 160 таси — эсерлар (кўпроқ сўл эсерлар), 72 таси — меньшевиклар, 14 таси — меньшевик-интернационалчилар, 7 таси — украин социалистлари эди ва ҳоказо. Улар сайлаган мамлакатнинг қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва назорат қилувчи органи — БМИКка 62 нафар большевиклар, 29 сўл эсерлар, 6 социал-демократлар (интернационалчилар), 3 украин социалистлари ва 1 максималист кирди. БМИК Президиум 10 аъзосидан 6 нафари большевиклар ва 4 таси — сўл эсерлар эди. Кўп ўтмай ҳукумат таркибига сўл эсерларнинг 7 вакили кирди. Бундай иттифоқ сиёсий ва хўжалик вазифаларини ҳал этишга ижобий таъсир қилди.

1918 йил январда деҳқон, ишчи ва солдат депутатлари Советлари бирлашди. Уларнинг III съезди «Меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси»ни тасдиқлади, сўл эсерлар фракцияси таклиф этган «Ерни социализациялаш тўғрисидаги қонун»нинг асосий қоидаларини, шунингдек халқларнинг ихтиёрий иттифоқи негизида совет республикалари федерацияси сифатида Россия Социалистик Республикасини таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Съезд БМИКни сайлади, унга 160 большевиклар ва 125 сўл эсерлар кирди. Жиддий ихтилофлар, у ёки бу муаммони ҳал этишга ёндашувларнинг турлича эканига қарамай (бу тамомила табиий), бу иттифоққа эришилди, бундай ҳолларда ақл-идрок, ҳаёт реалликлари, ҳамкорлик қилиш истаги устунлик қиларди.

Лекин ҳар ҳолда тарихнинг шўри-ғавғоси туфайли большевиклар билан сўл эсерлар урушнинг тўхташи натижасида ажралиб кетишди, ҳолбуки бу ҳар икки партия ҳокимиятни қўлга олмоқ учун 1917 йил октябрда куч-ҳаракатларини бирлаштиришган эди. Германия билан сулҳ тузиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун махсус чақирилган Советларнинг фавқулодда IV съездида сўл эсерлар фракцияси баёнот билан чиқиб, шартнома ратификация қилингудек бўлса, ҳукумат таркибидан чиқажакларини билдирди, қолаверса, Брест сулҳини қурол ишлатиб барбод қилишга даъват этди. Ўша йилнинг ёзида сўл эсерлар раҳбарияти Германия билан уруш чиқариш мақсадида Москвадаги немис элчиси граф Мирбахни ўлдириш ва контрреволюцион исён кўтаришга аҳд қилди. Большевикларнинг раҳбарларига қарши террорчилик ҳаракатлари бошланди (В. И. Ленинга қарата ўқ узиш, В. Володарский, М. С. Урицкий ва бошқаларни ўлдириш). Оқ террорга қарши қизил террор эълон қилинди.

Шу тарика 1918 йил март-июлда мамлакатимиз ўн йилликлар мобайнида кўп партиялилик имкониятидан маҳрум бўлди. Шубҳа йўкки, бунинг сабабларидан бири — сўл эсерларнинг ғоявий ноизчиллиги ва сиёсий экстремизмидир. Бунинг бошқа бир сабаби шу бўлиши мумкинки, Октябрдан кейинги даврда большевистик партия ичида ўзгача фикрловчиларни чиқиштирмаслик кучайиб кетди (бунда аввал бошданоқ Л. Д. Троцкий ёмон ибрат кўрсатди). Большевиклар ўртасида сиёсий мулоқот тажрибасининг етарлича бўлмаганлиги таъсир қилди.

Давлатимизда бир партиялилик системаси ривожланишини тақозо этган бошқа сабаблар ҳам бор, албатта. Бироқ бу ўринда қуйидаги жиҳатни таъкидламоқчимиз: марксизм классиклари сиёсий плюрализмга ва кўп партияликка қарши эмас эдилар. Улар ҳаётнинг социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида плюралистик реалликларни тарихан мавжуд нарса деб тан олганлар. «Коммунистик партия манифести»да уқтирилганидек, коммунистлар барча мамлакатлардаги демократик партияларнинг бир-бири билан бирлашуви ва келишуви учун ҳамма ерда ҳам ҳаракат қиладилар» (К. Маркс ва Энгельс. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том. Т., 1980, 138-бет). Классикларнинг стратегик жиҳатдан демократияни кўзлашига сабаб улар кенг социал қатламлар ва гуруҳларнинг ижтимоий жараёнларда фаол қатнашиш имкониятларини тан олишарди. Бироқ ўша даврдаги Россиянинг конкрет шароитларида — сиёсий кучларнинг жойлашувини, ижтимоий онг ва сиёсий маданиятнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олганда — кўп партиялилик механизми самарали ишлай олмас эди, большевиклар буни тушунишди.

Кўпгина мамлакатларнинг тарихий тажрибаси далолат беришича, реал демократия икки ҳолатдан бирини тақозо этади: ё сиёсий партия қаттиқ интизом билан боғлиқ бўлиб, унинг ичида ягона фикрга йўл қўйилади ва шунда бунга рози бўлмаганлар ўз партияларини тузиш имкониятига эга бўлишлари керак: ёхуд бошқа партиялар йўқ ва бундай ҳолда идора қилувчи партия ичида кенг сиёсий эркинликни таъминлаш керак. В. И. Ленин кейинги вариантни таклиф қилган эди. Ўша даврдаги конкрет шарт-шароитда Владимир Ильич турли платформаларни илгари суриш имкониятини инкор этмади ва кўп партиялиликни алоҳида зарур деб билмади.

Объектив, холис кишининг кекса партия гвардиясига турлича ёндашувлар, дадил, бир хил бўлмаган мулоҳазалар, кўпинча зиддиятли фикрлар хос эканини пайқаши қийин эмас. В. И. Ленин ҳаётлигида ўтган барча съезд ва умумпартия конференциялари қатнашчиларининг чиқишлари очиқ-ошкоралиги, дадиллиги, самимийлиги билан фарқ этар эди. Ўткир баҳслар, қизғин мунозаралар, нуқтаи назарларни, дадил-исботларни қиёслаш ўша йилларда партия фаолиятининг характерли хусусияти эди. Натижада ҳақиқат аниқланар, мақбул қарорлар ишлаб чиқиларди. Партия раҳбариятини, шу жумладан В. И. Ленинни танқид қилиш табиий ҳолат эди, кўпинча коммунистлар обрўли арбобларнинг у ёки бу фикрига қўшилмасликларини айтишар, улар эса бундан ранжимай, келишиш йўлларини излашарди. Бу чинакам ўртоқлик муносабатлари эди. В. И. Ленин, унинг кўп сафдошлари мулоҳазаларининг нозик жиҳатларини фарқ эта олар, ҳамма ҳодисаларни фақат оқ ва қорага ажратишмас, хато ва нуқсонларга йўл қўйган кишиларни партия ва жамият учун бутунлай фойдасиз деб ҳисоблашмас, ўша кишиларнинг потенциал имкониятларини ҳисобга олишар, уларнинг мустақил мулоҳаза юритишларини қадрлашарди. Владимир Ильич Л. Б. Каменев, Г. Е. Зиновьев, Н. И. Бухарин, Л. Д. Троцкий, И. В. Сталиннинг хатоларига қандай муносабатда бўлганини эслаш жоиздир.

Бошқача айтганда, одамларга жуда катта куч-ғайрат бахш этадиган тўлақонли ички партия демократияси, эркин фикрлаш муҳайё эди. Ана шу реал тажриба шуни кўрсатадики, бир партиялилик системаси шароитида ҳам кўпчилик фикрини ҳисобга олиши, озчиликка эса ўз позициясини эркин баён этиши, уни демократик йўл билан ҳимоя қилиши учун кафолат бериш мумкин.

Одатда большевизмни танқид қилувчилар РКП(б) X съездининг фракциячиликка қарши қаратилган партиянинг бирлиги тўғрисидаги резолюцияни пеш қилишади. Бироқ улар ўша съезднинг ўзининг партия қурилиши масалаларига доир бошқа бир қарори моҳиятини «пайқашмайди», ҳолбуки унда шундай деб таъкидланган: «Янги даврнинг *иш методлари,* аввало, партия ичидаги танқидга тўла эркинлик берган ҳолда, барча энг муҳим масалаларни кенг микёсда муҳокама қилиш ва бу масалалар юзасидан мунозаралар ўтказиш методларидан, бу масалалар юзасидан ҳамма учун мажбурий бўлган партия қарорлари қабул қилинмасдан бурун умумпартия қарорларини коллектив бўлиб ишлаб чиқиш методларидан ташкил топади» (КПСС съездлари, конференциялари ва МК Пленумларининг резолюция ва қарорлари. 2-том, Т., 1981, 215-бет).

Бироқ Лениндан кейинги даврда Сталин, Зиновьев, Каменевнинг фаол ҳаракатлари орқасида ички партия демократияси йўққа чиқарилиб, партия диктатураси, орадан бир неча йил ўтгач эса буйруқбозлик-бюрократия системаси ўрнатилдики, унда ВКП(б) совет жамиятида ҳокимиятни танҳо бошқариш ҳуқуқини эгаллаб олди.

Дастлабки пайтларда партия социалистик туб ўзгартиришларда муваффақият қозонишга муваффақ бўлди, бироқ В. И. Ленин ўз вақтида яккаҳокимлик чиришга олиб боради, деб уқтиргани бежиз эмас эди. Бора-бора шундай муносабатлар таркиб топа бошладики, бунда оддий коммунистларнинг фикри назар-писанд қилинмади, демократия тобора торайтирилди, жамиятни ривожлантириш йўллари тўғрисидаги мунозаралар йўққа чиқарила, ҳар қандай ўзгача фикр бўғила бошлади, раҳбариятда хотиржамлик, ўзига маҳлиё бўлиш туйғуси устунлик қилди, бу ерда ҳокимият ҳуқуқ эмас, балки бурч эканини унутишди. Буларнинг бари деформацияга олиб келмаслиги мумкин эмас эди.

В. И. Ленин большевистик партияда революция олди даврининг ақл-идроки, шоншарафи ва виждонини кўрди. Дарҳақиқат, кўп партиялар орасида у юксак инсоний идеаллар учун курашда ўзининг беғаразлиги, фидоийлиги билан ажралиб турарди. Афсуски, сталинчилик, брежневчилик йилларида бу таъриф ҳақиқатга мувофиқ келмай қолди. Аммо ҳозир, қайта қуриш, демократиялаш, ошкоралик, жамоатчилик фикри (балки қистови ҳам) авж олган шароитда, КПСС яккаҳокимликдан расман воз кечган пайтда у яна халқнинг эътирофи ва ишончини қозониш имкониятига эга бўлди. КПСС унинг янги раҳбарлари ёппасига сўзсиз бўйсуниш фикрлар турғунлигига, ижтимоий лоқайдликка, танбалликка олиб боришлигини, раҳбарлик қилиш ҳуқуқи битта ҳам партияга ҳамишаликка бериб қўйилмаслигини тушунишди. Бу ҳуқуқни у ўзининг кундалик фаолияти билан сўзсиз тасдиқлаб, муқобил қарашлар ва позициялар билан фаол мунозара олиб бориб, ўзининг ҳақ эканини амалий ишлар билан исботлаб, парламент сайловлари жараёнида қўлга киритиши керак. Айтиш мумкинки, КПСС XXVIII съезди давлат партияси қиёфасидан узил-кесил воз кечди.

Узоқ давом этган шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида кишилар қалбида қаҳр-

ғазаб, дард-алам, дилсиёҳлик, норозилик йиғилиб қолган эди. Ана шу ҳис-туйғулар қайта қуриш йилларида сиртга тепди, уларнинг бари митинглар, иштаишлашлар, янги ижтимоий тузилмалар тарзида отилиб чиқиб, хилма-хил қарашлар ва манфаатларни акс эттирди. Ўзини партиялар деб эълон қилган ёки шунга интилаётган ўнларча сиёсий бирлашмалар ва гуруҳлар орасида социалистик ва демократик партия, демократик иттифоқ, социал-демократик уюшма, конституцион демократлар иттифоқи кабиларни айтиб ўтамиз. Ўзбекистонда «Бирлик», «Эрк», «Ўзбекистон эркин ёшлар уюшмаси» (ЎЭЕУ) ва бошқа бирлашмалар, бир қатор марказий сиёсий тузилмаларнинг филиаллари ёки секциялари вужудга келди.

Ўз мақсадлари, таркиби, мазмуни ва хатти-ҳаракат усулларига кўра бу бирлашмалар ниҳоятда хилма-хилдир. Ташаббускор бирлашмалар сон жиҳатдан ўсиш билан бир қаторда улар фаолиятининг сиёсатлашуви характерли тенденцияга айланмоқда. Улар орасида жамоат ташкилотлари ва давлат муассасаларига тазйиқ ўтказишга уринаётганлари ҳам бор. Бунда эътибор асосан салбий ижтимоий ҳодисаларга, тарихимизнинг фожиали саҳифаларига қаратилмоқда. Улар норозилик намойишлари ўтказишга, «декларациялар» тайёрлашга, ўз қолларича бюллетенлар ва журналлар чиқаришга ружу қилмоқдалар.

Биз ўнларча йиллар мобайнида бир хилда фикрлаш руҳида тарбияланганимиз учун сиёсий тузилмаларнинг пайдо бўлишини жамоатчилик аввалига нохуш қабул қилди. Омманинг партиянинг, унинг раҳбариятининг ҳамма нарсани билиш қудратига ишончи жуда кучли бўлган. Бироқ 1987 йилга келиб жамоатчилик фикри иккиланиб борди, кейинчалик эса ўзгариб, бутунлай фарқ қила бошлади.

Бизнинг кўпгина аҳли донишларимиз бугунги кунда мустаҳкам ва самарали жипслашув фақат социал гуруҳларнинг манфаатларидаги тафовутларни эътироф этиш негизида, рационал шаклланиш ва ана шу манфаатларни қаттиқ туриб ҳимоя этиш заминида, уларнинг балансини қатъият билан излаш ҳамда шу асосда консенсусга эришиш ёрдамидагина мумкин, деб ўйлашади. Академик С. Шаталин, сиз, иқтисодчи олим учун қайта қуришнинг муваффақиятига нима кафолат бўлур эди, деган саволга комил ишонч билан шундай жавоб берди: «Қачонки оппозиция мавжуд бўлиб, сен ҳар доим, ҳатто агар жуда озчилик бўлиб қолганингда ҳам ўзингни ҳимоя қилишларини сезсанг, шу реал сиёсий плюрализмдир. Бусиз демократия бўлмайди ва бунда муросага ўрин йўқ» (Литературная газета, 1989, 11 октябрь). Бинобарин, мамлакат раҳбарияти, шу жумладан партия раҳбарияти ҳам ана шу ҳақиқатни сўзсиз эътироф этиши лозим бўлса керак.

КПСС МКнинг 1990 йил февраль Пленумида социалистик жамиятни янгилашни ёқлаб чиқаётган ҳамма билан сиёсий мулоқот ва ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги тўғрисида баралла айтилди. Партия XXVIII съездининг «Инсонпарварлик, демократик социализм сари» дастурий баёнотида уктирилади: «КПСС социалистик йўлни танлаган ҳаракатлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга, барча илғор ғоявий-сиёсий оқимлар билан мулоқот қилиш ва тенг ҳуқуқли асосда шериклик қилишга интилади. Партия улар билан сиёсий блоклар тузишга тайёрдир».

Ҳокимиятни монополия қилишдан воз кечиш, ўзгача фикрлашнинг бошқа партиялар кўринишида мавжуд бўлиш мумкинлигининг КПСС томонидан расман тан олиниши, ўйлаймизки, коммунистларнинг ўзини тарбиялашга, уларда замонавий сиёсий маданиятни, ўзаро муносабатларда сабр-тоқатли бўлишни шакллантиришга хизмат қилади, коммунистлар орасида авторитарликка барҳам беришга ёрдам қилади. Сиёсий рақибларнинг яшаш ҳуқуқини тан олмасдан туриб янгича тафаккур тўғрисида, жамиятнинг маърифатлилиги тўғрисида гапириб бўлмайди.

Шу билан бирга бир партиялиликнинг ҳам ижобий жиҳатлари борлигини айтишимиз керак. Кўпгина коммунистлар, мамлакат тарихий бурилиш паллаасида турган қийин даврда бир сиёсий партия билан, агар у халқ ишончини қозонган бўлса, жамиятни бирлаштириш ва унинг соғлом кучларини ўз кетидан эргаштириб бориши осон, деб асосли равишда ҳисоблайдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда шундай бўлди. Баъзилар кўп партиялилик шароитида йирик умуммиллий мақсадларга эришмоқ учун халқни жипслаштириш хийла мураккаб вазифа, деб ҳисоблашади.

Бироқ реал ҳаётдан келиб чиқиш керак. Ижтимоий ҳаракатларнинг бундай хилма-хиллиги турли партиялар тузилишига олиб келмаслиги мумкин эмас. Бу ўринда катта амалий аҳамиятга молик бўлган хулосани эътибордан қочирмаслик керак: демократия йўлидан бораётган плюралистик жамиятларда манфаатларнинг барқарор баланси бўлиши керак. Алалхусус партиянинг ўзида бу хусусда турли нуқтаи назарлар мавжуд. КПСС XXVIII съезди делегатларининг нутқларини диққат билан ўқиганда буни дарҳол пайқаш мумкин. Типик центристлар, сўл центристлар, консерваторларнинг қарашлари яққол кўзга ташланади. Нотиқлар орасида тоталитар структураларни очиқдан-очиқ ҳимоя қилувчилар, сўл радикаллар, марксистик фундаменталистлар ҳам бўлди. Кўплар ажралиш юз беради, деб ишонганлари бежиз эмас эди.

Маълумки, «Демократик платформа» раҳбарларидан бири В. Шостаковский партия XXVIII съездида КПССдан ажралиб чиқиш тўғрисида эълон қилди, Б. Ельцин эса партиядан чиқишини билдирди, у ўз қарорига кўп партиялилик шароитида битта партиянинг

хоҳиш-иродасини бажариш амри маҳол эканини важ қилди, бутун халққа хизмат қилишни ўз бурчи деб ҳисоблаб, барча партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтди.

Съезддан кейин турли сиёсий оқимларнинг позицияларида кескин ажралиш кучаймоқда, КПССга, унинг раҳбарларига хуружлар янада қаттиқроқ тус олмоқда, гоҳо эса ножоиз усуллар билан олиб борилмоқда. КПССни бадном этадиган барча воситалар ишга солинмоқда.

Масъулият сезиб ўйлайдиган кўпгина кишилар ҳозирги вақтда, хусусан бозор муносабатларига ўтишда, социал кескинлик муқаррар равишда кучаядиган бир пайтда бизга барқарор кучли ҳокимият кераклигини ҳақли равишда айтмоқдалар. Ана шу кучли ҳокимият қандайдир реал сиёсий структурага таяниши керак.

Ҳозирги шароитларда икки жараён ёнма-ён бориши керак, деб ҳисобламоқдалар аналитиклар: бир томондан, сиёсий плюралистик структуранинг жуда муҳим элементи сифатида янги демократик партияларнинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши, бошқа томондан — ушбу мураккаб даврда КПССнинг барқарорликнинг энг муҳим элементи сифатида демократиялашуви, янгиланиши. Бундай мужассамлик ҳаммамиздан донолик, вазминлик, эҳтиёткорликни, вазиятни тушунишни талаб қилади. Энг муҳими партиялар кураши антагонистик характер касб этмаслиги керак. Нуқтаи назарларнинг яқинлашиши, ҳақиқатни, энг мақбул бўлган вариантни излаш бирдан-бир оқилона ёндашув бўлиши керак.

Ҳолбуки биз ҳали ҳам хотиржам, далил-исботли мунозара олиб боришни ўрганганимиз йўқ, кўпинча баҳсларимизда ишонтирарли далиллар кам, кўпинча бошқалар фикрини тоқат қилиб эшитмаймиз, биз мухолифлар мулоҳазалари моҳиятининг тагига етишга уринмаймиз. Ҳатто халқ депутатлари ҳамиша ҳам демократик услубда ишлай билмайдилар, депутатлик этикасини бузадилар, ҳамкасбларига нисбатан кўполлик қиладилар.

Бунда совет кишилари сиёсий маданиятининг пастлиги намоён бўлади, зеро улар ўнларча йиллар мобайнида кемтик демократия шароитида яшаб келганлар. Бизнинг маданиятсизлигимиз айниқса турли митингларда бўртиб кўринадики, уларда вазмин мулоҳазалардан кўра ҳис-туйғулар кўпроқ бўлади, масъулиятсизлик сурбетликкача бориб етади. Эндиликда ҳаммага аён бўлиб қолди: ҳис-туйғу устун келган ерда кўнгилсизликлар бўлиши турган гап.

Бу ҳолдан қутулишнинг чораси одамларни сиёсий жараёнда қатнашишга ўргатишдир. Бизнинг гражданларимиз ҳозирча маърифатли жамият амал қилиб яшаётган оддий қоидаларни билишмайди. Мамлакатнинг сиёсий структурасини содда ва тушунарли қилиб изоҳлаб берадиган махсус нашрлар, гражданликка доир дарсликлар, қонунларга, инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларига ҳурматни сингдирадиган китоб ва журналлар зарур. Бугунги кунда асосий вазифа жамиятни, унинг турли қатламларини, гуруҳларини, ижтимоий тузумларни бир-бирини тушуниш сари ҳаракат қилишни, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олишни, мулоқотнинг тинч шаклларига ўргатишдан иборат. Шу билан бирга кўп партиялилик ҳамма кулфатлардан қутқарадиган нажот йўли эмаслигини унутмаслик керак. Кўпгина мамлакатлар воқелиги шундан далолат беради. Сиёсий муносабатлар демократизми пировард натижада партияларнинг сони билан эмас, балки меҳнаткашлар манфаатларини ифодалайдиган тартиботлар ва ташкилотларнинг кенг тармоғи мавжудлиги билан, ҳукумат партиялари фаолиятининг характери билан белгиланади.

Демократиянинг замирида кўп қатламлилик, кўп овозлилик, турлича ёндашувларни яқинлаштира билиш ётади, албатта. Бироқ бунинг учун юксак маънавий камолот керак, афсуски, ҳозирча бу бизга етишмаяпти. Бинобарин, уни ривожлантирмоқ учун умумдавлат миқёсида куч-ғайрат кўрсатиш муҳим.

Кўп партиялилик шаклланаётган ҳозирги шароитда КПССнинг асосий муаммоларидан бири ўзининг социал жиҳатдан етакчилиги, рақобатга бардош бера олиши хусусида ғамхўрлик кўрсатишдан иборатдир. КПССга қабул чоғида ва унинг сайлаб қўйиладиган органларини шакллантиришда ғоявий эътиқодлилик, жамият сиёсий ҳаётида иштирок этиш хоҳиши, атрофдаги кишилар, шу жумладан партиясизлар фикри асосий мезон бўлиши керак. Партия ғоялари ва унинг интеллектуал потенциалигина социал жиҳатдан етакчи бўлишга олиб кела олади.

Партия ўзининг пешқадамлик ролини нафақат жозибадор программаси билан, балки амалиётда, уни фаол рўёбга чиқариш орқали исботлаши лозим. КПСС ўз вазифасини ҳозирги мураккаб шароитда гражданлик келишуви партияси бўлишда, тангликдан чиқиш ва жамиятни демократик йўл билан қайта қуришдан манфаатдор бўлган социал-сиёсий кучларнинг амалий ҳамкорлигини таъминлашда кўриши хусусида баёнот берди. КПССнинг ушбу стратегик йўлини амалда қўллаб-қувватлаш барча коммунистлар ва уларга ҳамфикр партиясизларнинг бурчидир.

«Жипслашишга нима халал беряпти?» мавзуидаги муҳокамани давом эттирамиз

ЎЗГАЧА ФИКРЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ — ПАРТИЯ ТУРМУШИ ТАЖРИБАСИДАН КЎРА ҚУРУҚ ГАП КЎПРОҚ

ҲОЗИРГИ шароитда шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, шубҳасиз, жамоатчилик фикрини, коммунистлар ва партиясизлар кайфиятини ўрганиш бўлиши зарур. Аммо бунинг учун меҳнат коллективларида бошланиб ҳамда республика органларида якунланувчи илмий асосланган чора-тадбирлар тегишли механизмини яратиш керак. Партия комитетлари, совет органларининг социал жараёнлар ва ҳодисаларнинг ривожланишини системали ва чуқур таҳлил қилиши муҳимлигини таъкидлар экан, «Жипслашишга нима халал беряпти?» («Ўзбекистон коммунисти», 10-сон, 1990) мақоласининг муаллифи Б. Мусаев ҳақ. Акс ҳолда, социологик хизмат аллақачон қатъий моддий негизга қўйилган бўларди. Ҳар бир корхонада чиндан ҳам «Ишонч», «Сизнинг фикрингиз», «Сизнинг кайфиятингиз» ва бошқа хизматлар зарур.

Шаҳар миқёсида бу халқ депутатлари шаҳар Совети қошида социологик бўлим, ёки яна ҳам яхшиси — шаҳар партия комитетлари бўлимларини қайта тузиш чоғида социологик сектор тузишдир. Бу меҳнаткашлар ўртасида турли-туман тадқиқотларни кенгроқ ўтказиш ва сўнгра, омма билан яқинлашиш муваффақиятини таъминлаб, номақбул ихтилофларни четлаб, мулоқот учун энг мақбул йўлни топишга ёрдам беради. Аммо сир эмаски, ҳар қандай партия, совет ходими билан бор ҳақиқатни инкор этувчи, ўзгача фикрловчиларнинг ўзаро муносабатларида ҳозирги кунда партия турмуши тажрибасидан кўра қуруқ гап кўпроқ.

Албатта, бундай хизматларни тузиш учун тегишли мутахассислар керак. Марксизм-ленинизм университетларида, бошқа ўқув юртларида малакали социологлар тайёрлаш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш керак. Икки йилдирки биз шаҳримиздаги марксизм-ленинизм университетида социологик бўлим тингловчиларини ўқитишга ҳаракат қилаяпмиз. Улар жамоатчилик фикрини ўрганиш сирларини, идеология хизмати соҳасида анкета сўровлари ўтказишни ўрганадилар. Шунга қарамай, бундай мутахассисларни тайёрлаш масаласини область, республика миқёсида ҳал этиш зарур.

Б. Мусаев партия ходимларини социологлар хулосасига эътибор беришга чақиради. Аммо, ўша хулосалар қаерда? Масалан, областдан келган олимлар Чирчиқда бир неча бор анкета сўровлари ўтказдилар, аммо шаҳар партия комитети умумлаштирилган натижаларни, хулосаларни кўрмади.

Мақоланинг бошқа томонларига ҳам тўхталиб ўтишни истардим. Муаллиф яхши, муҳим мавзуни танлаган, аммо социолог сифатида, менинг фикримча, муаммоларни кўрсатгану, уларни очиб бермаган, шунинг учун ҳам ўз-ўзидан савол туғилади: «Хўш, жипслашишга нима халал беряпти?». Мақолада келтирилган мисоллар ҳамда анкетадаги саволлар, менимча, жипслашишга эмас, аксинча, қарама-қарши томонларни, умуман олганда, бутун партияни, партия ходимларини қандайдир даражада бир-бирига қарши қилиб қўяди. Партия аппарати ходимининг ҳар бештадан биттаси «бизнинг одамларимиз тартибсизликка мойил»лигини, сўралганларнинг ҳар иккитадан биттаси «бизнинг халқимиз демократияга тайёр эмас» деган хулосани тасдиқлади дейди муаллиф ва партия ходимларини тоталитар фикрлашда айблайди. Нима учун бундай хулоса қилингани номаълум. Балки, аксинча, бу партия ходимлари мамлакатда ва республикада рўй бераётган

жараёнларни янада чуқуррок, аналитик таҳлил қилаётганликларини билдирмайдими? Ахир биз демократияни «анархия» сифатида қабул қилаётган бўлсак, уни қабул қилишга тайёрмизми? В. И. Ленин ҳам уқтирган эдики, биз демократик функциянинг икки категориясини қатъий фарқлаб олишимиз керак: бир томондан — мунозаралар ва митингбозликни, иккинчидан — ижрочилик вазифаларига қаттиқ масъулият, ва шубҳасиз, меҳнат, интизомлиликни, фармойиш ва кўрсатмаларни ихтиёрий бажаришни жорий этишни. Бизнинг демократиямиз ленинча демократияга мос келадими, биз ҳақиқий демократия учун тайёрмизми?

Муаллиф ўз мақоласида кўпроқ тўхталган партия, совет органларининг норасмий ташкилотлар, уюшмалар билан ўзаро муносабатларига келганда эса, албатта, ҳамжиҳатлик, барча социал-иқтисодий ва сиёсий программаларни тенг ҳуқуқлилик асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун шароит яратиш лозим. Бу ишда ҳозир республикадаги мавжуд социологик хизматлар, марказлар амалий ёрдам кўрсатишлари, программаларни уларнинг тадқиқотларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишлари лозим.

В. БАЧИНСКАЯ,

Ўзбекистон Компартияси Чирчиқ шаҳар комитетининг мафкура бўлими мудири.

С. САЛИМОВ

ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИДА ИШЧАНЛИК ХИСЛАТЛАРИНИ ЎСТИРАЙЛИК

Иқтисодиётнинг амал қилиш тажрибаси шундан яққол далолат берадики, иқтисодиёт олдида турган вазифаларни рўёбга чиқариш бошқарув аппарати раҳбарлари билан мутахассислари билимдонлиги ва тажрибасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Маълумки, корхоналар одатда раҳбарлик қилаётган одамнинг қобилиятига қараб яхши ёки ёмонга айланади. Ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўрган, ишчан одам раҳбар бўлиб келиши билан қолоқ корхона қисқа вақт ичида илғор корхонага айланади, бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аксинча мисоллар ҳам учрайди. Хуллас, ишлаб чиқаришда юзага келадиган салбий ҳолатларни, иқтисодий тараққиёт суръатларининг бўшашиб қолишини аслида раҳбар кадрлар тайёргарлиги ва улар малакасини оширишдаги камчиликлар билан изоҳласа бўлади. Бугунги кунда, мамлакатимиз иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишга ҳозирлик кўраётган бир пайтда бу камчиликларни бартараф этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт раҳбар кадрлар аҳволи қандай? Республика Министрлар Совети тасарруфидаги бошқарув соҳасида ҳозир 400 мингдан ортиқ, шу жумладан саноатда 30 мингдан ортиқ киши ишламоқда. Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари умумий миқдорида бошқарув аппарати ходимлари салмоғи 15 фоиздан ошади. Бошқарув аппарати ходимларининг 27,9 фоизи корхона, муассаса, ташкилот, структура бўлинмалари раҳбарлари билан уларнинг ўринбосарларидан, 14,7 фоизи бош мутахассислар, уларнинг ўринбосарлари, инженер ва техниклардан, 4,4 фоизи иқтисодчилар, иқтисодчи инженерлардан, 15,8 фоизи ҳисоб-бухгалтерия ва статистика ходимларидан, 3,9 фоизи идора ходимларидан, 15,6 фоизи клубларнинг, ётоқхона ва профилакторийларнинг бошқарув аппарати таркибига кирадиган ходимларидан, 17,5 фоизи соқчилик ва қўриқлаш хизмати кишиларидан иборатдир.

Кўриниб турибдики, миқдорий кўрсаткичлар анча салмоқли. Таассуфки, турғунлик даври билими етарли бўлмаган, ишчанликда, касб-корни пухта билишда ажралиб турмайдиган, ташаббус кўрсатмайдиган ва юқоридан юборилган ҳар қандай буйруқни ўйлаб-нетиб ўтирмай бажарадиган нўноқ раҳбарларни тайёрлаш системасини шакллантирди. Ўша даврларда таълим олган раҳбарлар шу боисдан ҳам кўпинча конкрет ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қила билмайдилар ва умумий чақириғу шиорлар ёрдамида идора қилишга уринадилар. Мутахассислар орасидан раҳбарликка одам танлашда қаттиққўл, қўл остидагиларга нисбатан талабчан ва юқоридагиларнинг айтганларини қулоқ қоқмай адо этадиганлар афзал кўрилди. Билимдонлик, ишнинг кўзини билиш, инсоний муносабатлар психологиясини тушунишга эса жиддий эътибор берилмади.

Хуллас, маъмурий-буйруқбозлик системаси бошқарув монополиясини вужудга келтирди. Ҳар қандай монополия эса В. И. Ленин айтганидек, муқаррар ра-

---

САЛИМОВ Садир Абдуқодирович, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш республика тармоқлараро институтининг ўқув-методика ишлари бўйича проректори, техника фанлари доктори.

вишда турғунлик ва чиришга интилишни юзага келтиради. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг бошқарув системаси ҳам бундан четда қолмади. Турғунлик кадрларни ҳам ўз қаърига тортди, раҳбарнинг билимини ошириш омиллари йўқлиги боисидан маъмурий-буйруқбозликдан бўлак биронта концепцияни илгари сурмаган бошқарув назариясини ҳам у қамраб олди. Иқтисодиётни бошқарувни монополия шаклида бўлишдан қайтариш қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги бежиз эмас. Бошқача қилиб айтганда, бу давлат бошқаруви билан тўла мустақиллик оладиган корхоналар ҳамда бирлашмаларни бошқарув вазифаларини аниқ белгилаб, фарқлаб олишни англатади.

Буларнинг ҳаммаси хўжалик раҳбарлари олдига оширилган талаблар қўяди. Бирок, Ўзбекистондаги биронта ҳам олий ўқув юрти ҳозирча бошқарув бўйича профессионал ходимларни тайёрламаяпти. Одатда раҳбарлар мутахассислар орасидан танланади. Республика олий ўқув юртларида бошқарув асосларини ўқитиш «умуман олганда ҳамма нарса ҳақида, лўнда қилиб айтганда ҳеч нарса ҳақида» принципи асосида йўлга қўйилган. Шу зайл мутахассислар раҳбарлик ишида ўз ёғларига ўзлари қовирилиб тажриба орттирадилар.

Бундай шароитда раҳбар ходимлар малакасини ошириш системасининг аҳамияти ортади. Ўзбекистонда бу иш 70-йиллардан эътиборан шакллана борди, аммо ҳали ҳам замон талабларидан анча орқада. Ҳозирги кунда мазкур система бир йўла бир неча вазифани бажариши керак: бошқарув соҳасида олий маълумотдаги камчилик ўрнини тўлдириши, яъни раҳбарлар малакасини ошира бориб, уларга, шунингдек умумметодологик ва маърифий масалалар юзасидан ҳам таълим бериш лозим: илм-фан, техниканинг, бошқарув методларининг янги ютуқлари бобидаги билимларини бойитиши бош бошқарув практикасида фойдаланилаётган, шу жумладан энг илғор ва самарали усул ҳамда воситалардан фойдаланиб, сиёсий, ишчанлик ва касб-кор кўникмасини шакллантириш зарур.

Иқтисодни бошқарув аппаратининг барча ходимларини бажарадиган иши мазмуни ва эгаллаб турган вазифасига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчисига корхона, бирлашмалар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда структура бўлинмаларининг раҳбарлари киради, булар асосан олий маълумотли ходимлардир. Иккинчи гуруҳ бошқарувнинг турли вазифалари билан шуғулланадиган мутахассислардан иборат бўлиб, улар олий, шунингдек ўрта махсус маълумотли кишилардир. Учинчи гуруҳни соф техникавий юмушларни (машинкада ёзув, ҳужжатларни кўпайтириш, архив юритиш, идора иши) бажарадиган кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар ташкил этади, бу соҳада асосан 8—10- синф ҳажмида маълумоти бор ходимлар ишламоқда. Биринчи ва иккинчи гуруҳ мутахассислардан, энг аввало механик инженерлар, иқтисодчи инженерлар ва иқтисодчилардан тузилади. Бошқарув ходимлари умумий сонининг 15—20 фоизини ташкил этадиган учинчи гуруҳ ходимлари шу касбга (машинисткалардан ташқари) ўз билгича ўқиб-ўрганиб, тайёрланади.

Шу зайл республикада иқтисодни бошқарув аппаратининг ҳар учала тоифа ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш системасини шакллантириш зарур. Бу соҳа раҳбар кадрларини танлашга номенклатура йўсинида ёндашувдан, маълумки, жамият манфаатларига катта зиён етди. Бунинг устига шу хилда ёндашув оқибатида раҳбарлик лавозимларига кўпинча номуносиб кишилар кўтарилиб қолди. Кейинги бир неча йил ичида республиканинг хўжалик раҳбарлари 2—3 марта ўзгарди, аммо ҳозирча иш натижаларида ижобий ўзгариш сезилмаяпти. Гап бир мослашувчи раҳбар ўрнига бошқаси келганида деб ўйлайман. Янгича фикр юритадиган раҳбар пайдо бўлиши учун у етиладиган тегишли муҳит талаб этилади. Ҳозир жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришлар шундай муҳитни юзага келтирмоқда. Иқтисодиёт соҳасидаги билимлар ҳажми тез суръатлар билан ўсиб бораётганини ҳам, меҳнат тақсимоти, кооперация ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш бошқарув вазифаларини ҳал этишнинг хилларини кўпайтирилаётганлигини ҳам инобатга олмаса бўлмайди. Хўжалик жараёнларининг қанча давом этиши, раҳбарлар қабул қиладиган қарорлар оқибатларининг вақт маъносида олислиги улар тайёргарлиги сифати аҳамиятини яққол тасдиқлайди.

Иқтисодиётимизни ўтказиш мўлжалланаётган бозор муносабатлари ўсиб, камол топишга, билимларини тўлдириб ва янгилаб боришга қодир хўжалик раҳбарларини талаб этмоқда. Ана шу шароитда ишлаб чиқаришни бошқарадиган

одам корхона фаолияти самарадорлигига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёки кўрсатилаётган хизматларнинг истеъмолчиси нуқтаи назаридан баҳо бериши лозим. Йўқса жуда тез ўзгариб бораётган иқтисодий ҳолатда кўп нарсага улгурмай қолади. Худди шу боисдан янги типдаги раҳбар ўз фаолиятини корхона дуч келаётган кундалик муаммолар билан чеклаб қўймасдан, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг кенг соҳаларини назарда тутиши зарур.

Раҳбар ходимлар билан мутахассислар фаолияти характерига бошқарув аппаратининг замонавий ташкилий ва ҳисоблаш техникаси билан, ишлаб чиқаришнинг эса янги ускуналар ва технология жараёнлари билан таъминланганлиги катта таъсир этади. Бир томондан янгиликлар оқими туфайли юзага келган ўзгаришлар бошқарув аппарати иш ҳажмини кўпайтириб, унда ишлаётган ходимлар сони ортишига олиб келди. Хусусан, бошқарувни автоматлаштириш, ҳисоблаш марказлари сингари янги бўлинмалар пайдо бўлди. Бошқа томондан эса ана шу бўлинмаларни анъанавий маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан бошқариш қийин бўлиб қолди.

Фан-техника тараққиёти билан белгиланадиган жараёнлар бошқарув кадрлари муаммосини кескинлаштириб юборди. Хўжалик юритишнинг янги шароитида тўла хўжалик ҳисоби, ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш афзаллигидан иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни жадаллаштириш манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш учун ишлаб чиқариш раҳбарлари билимдон бўлиш билан бирга ташаббускор, мард, аҳли тижорат сингари фикр юритадиган, хуллас малакали бошқарувчи бўлишлари зарур.

Бошқарув аппаратида машғул мутахассисларнинг роли жудаям ўсиб бормоқда. Қайта қуриш муваффақияти тегишли тармоқлар билан ишлаб чиқариш участкаларига уларнинг қай даражада раҳбарлик қилиши, ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ижодий фаоллигини йўлга сола олишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Амалга оширилаётган хўжалик ислоҳоти шароитида раҳбарлар билан мутахассислар меҳнат коллективи аъзолари, корхоналар ва умуман бутун халқ хўжалигининг манфаатларини тўғри уйғунлаштириб, иқтисодий манфаатдорлик негизида ишлаб чиқариш барча бўғинларининг самарали фаолиятини таъминлашлари даркор. Чуқур махсус билимларсиз, юқори даражадаги малакасиз, меҳнат коллективига таянмай туриб инсон омилини фаоллаштириб бўлмайди.

Раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини оширишнинг мамлакатдаги мавжуд системаси бу хизмат олдида турган вазифаларни бажаришга тайёрми? Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, бизда мазкур система ўқув юртлари фаолияти ва ташкилий структурасининг бир хил принциплари юзага келган, улар типовой ўқув планлари ва программаларидан фойдаланадилар. Улардаги таълимнинг асосий шакллари лекция ҳамда тематик баҳс-мунозаралардир. Энг сўнгги йилларда ишлаб чиқаришга оид вазиятларни таҳлил этиш, амалий ўйинлар, психологик машқлар ўтказишга киришилди, бошқарувга оид қарорларни тайёрлашда математик метод ҳамда ҳисоблаш техникасидан фойдаланила бошланди, корхоналарда, бирлашмаларда стажировка ўтказиш йўлга қўйилди. Нотиқлик маҳоратини ўстириш, инсоний муносабатлар асослари, маркетинг, халқаро бизнес юзасидан машғулотлар ўтказилмади. Эндиликда бу масалаларга эътибор бермаслик мумкин эмас.

Иқтисодиётни бошқарувнинг янги вазифалари муносабати билан мамлакатда олий таълимни ва раҳбар ходимлар малакасини ошириш системасини қайта қуриш тўғрисида бир қанча қарорлар қабул қилинди. Шу қарорларга мувофиқ Ўзбекистонда раҳбар ходимлар билан мутахассисларни ўқитиш ва малакасини оширишнинг узлуксиз системаси шакллана бошлади. Шажара системасида ҳамма лавозимлар тўрт тоифага — иттифоқ, тармоқ, республика миқёсидаги ва корхона, бирлашмалар даражасидаги лавозимларга бўлинишини ҳисобга олиб, уларнинг ҳар бири учун алоҳида малака ошириш системасини яратиш мўлжалланмоқда. Тегишли даражадаги ўқув юртида таълим олганидан кейингина раҳбарлик ишига тайинлашга тавсия этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Раҳбар ходимлар билан мутахассислар малакасини ошириш институтларидаги якка тартибда ўқитишни мумкин қадар кенгроқ йўлга қўйиш, мазкур системани эса иқтисодиётнинг аниқ ҳолатига хос вазифа ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришни табриклаш керак. Халқ хўжалигининг раҳбар ходимлар

ва мутахассислар малакасини оширишга бўлган талаб-эҳтиёжини аниқлашда объектив омиллар ва жараёнлар таҳлилидан келиб чиқиш лозим, улар миқдор кўрсаткичинигина эмас, сифат кўрсаткичини ҳам тақозо этади. Яъни кадрлар таркиби, уларнинг касб-кор бўйича ихтисослашуви, мансаб даражаси, қайси тармоққа мансублиги ва ҳоказолар таҳлилидан келиб чиқиб иш тутиш керак.

1986 йилда корхоналар, бирлашмалар, тармоқлар, бошқарувнинг ҳудудий органлари раҳбарлари билан мутахассисларини хўжалик ҳисоби, ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи бошқариш асосларига ўргатиш эҳтиёжи юзага келди. Бундай таълим йўлга қўйилди, аммо ҳамма жойда ҳам у талаб даражасида эмас. Хўжалик ҳисобининг ўзини тўла намоён эта олмаганлигининг сабабларидан бири ҳам шунда.

Раҳбарлар билан мутахассисларга фан-техника тараққиётининг барча комплекс масалалари бўйича таълим беришни ҳам тубдан яхшилаш лозим. Ишни шундай йўлга қўйиш кераккки, янги техника, технология, янги материаллар, бошқарув методлари пайдо бўлиши биланоқ улар ҳақида раҳбарлар билан мутахассислар тўлиқ маълумотга эга бўлсинлар. Ана шундагина фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлашади. Тармоқни, бирлашма ёки корхонани ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун уларнинг раҳбарлари билан мутахассислари фаннинг тегишли соҳасида қандай ютуқлар қўлга киритилганини билишдан ташқари бу фаннинг истиқболидан ҳам бохабар бўлишлари керак. Масалан, Японияда бешинчи авлод ЭҲМ ишлаб чиқиш билан бир пайтда бу машиналарни ишлатадиган мутахассислар тайёрлашни ҳам бошлаб юбордилар. Бизда эса ҳали ҳам кўпинча янги техника олинганидан кейингина унда ишлайдиганлар ҳақида ўйлайдилар. Одамларни тайёрлагунча қимматбаҳо техника бекор туради, баъзан эса эскириб ҳам қолади. Бундан шундай хулоса чиқарса бўладики, халқ хўжалиги раҳбарлари билан мутахассислари малакасини ошириш системасида ўқув-тематик планлар билан программалар фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда муттасил янгиланиб туриши керак.

Ҳозирги шароитда бошқарув ишига оид қарорларнинг иқтисодий асосланганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Таассуфки, ҳозирги кўпгина раҳбарларимизда иқтисодий тафаккур етарлича ривожланмаганлигини қайд этиш лозим. Ўтказилган амалий ўйин таҳлили ҳам шундан далолат беради. «Корхоналар, бирлашмаларнинг молия бобидаги ўзаро муносабатларини бошқариш» деган ўйинда раҳбарлар («ўйинчилар») одатда ўйлаб ўтирмаёқ «пул»ни сарфлайдилар. Берилган маблағни сарфлаб бўлиб, банкдан қарз оладилар. Нега шундай қилаётганликларини эса улар иқтисодий жиҳатдан асослай олмайдилар.

Раҳбар ходимлар билан мутахассислар малакасини ошириш системаси вазифаси жумласига билимларнинг илмий даражасини оширишдан ташқари таълимнинг мослашувчан шаклларини излаш, ўқув программалари мазмунини табақалаштириш, ходимларнинг турли тоифалари хусусиятини инобатга олиб, таълим муддатларини белгилаш ҳам киради. Замонавий раҳбар бошқарувчилик касбини чуқур эгаллашидан ташқари маълум даражада олим ҳам бўлиши керак. Зотан раҳбарлик ишида зудлик билан тадқиқ этиш керак бўлган муаммоли масалалар кўп бўлади.

Ҳаёт ўртага қўяётган юқорида айтиб ўтилган талабларни инобатга олиб Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш республика тармоқлараро институтида малака оширишнинг янги концепцияси ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилмоқда. Бутун ўқув программаси икки курсга ажратилган. Биринчиси мажбурий курс бўлиб, у бошқарув, иқтисодиёт, совет қурилиши ва фан-техника тараққиётининг умумметодологик масалаларини қамраб олади. Иккинчиси — махсус курс биринчи курс мавзуларини кенгайтирадиган ва чуқурлаштирадиган ўзига хос махсус амалий масалалардан иборат.

1989 йилдан эътиборан институтимизда тажриба тариқасида «Етакчи» программаси асосида раҳбар ходимлар резерви тайёргарлиги ўтказилмоқда. Бу программа бозор иқтисодиёти, маркетинг, менеджмент, амалий ютуқ психологияси, психологик машқ, психологик диагностика, молия системаси, халқаро бизнес дарслари, шунингдек бошқарув ва хўжалик юритишнинг илғор тажрибасини,

ишбилармон кишилар учун мўлжалланган даражада инглиз ва ўзбек тилларини ўрганишни ўз ичига олади. Этика ва хулқ-атвор эстетикасига, амалий мулоқот асосларига, амалий учрашув маросими ва замонавий раҳбар эгаллаши лозим бўлган бошқа бир қанча масалаларга катта эътибор берилмоқда.

Таълим олиш учун институтимизга келган барча тингловчилар ўрганилаётган дарс бўйича машқ йўсинида синаб кўрилади. Унинг натижаси махсус курс мавзусини танлашга таъсир этади. Таълимнинг ўрталарида ва охирида ҳам микро ЭҲМ ёрдамида худди шундай синов бўлади. Бу нарса тингловчилар ўқув-тематик планни изчил ўзлаштириб олишларини кузатиш ва билим сифатини одилона баҳолаш имконини беради.

Бундан ташқари, институтда бизда таълим олаётган раҳбарларга турли кўрсаткичлар бўйича машқ йўсинидаги синов йўли билан баҳо бериш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг асосида тингловчиларни хизмат соҳасида нисбатан юқори ишга кўтариш учун характеристика ҳамда уларнинг амалий ва психо-физиологик фазилатларини янада ўстириш юзасидан тавсиялар берилади. Ишнинг бу зайл йўлга қўйилиши шу билан боғлиқки, раҳбарлик ишларига номзодлар танлаш ёки ходимларнинг лавозимда кўтарилишини олдиндан режалаштиришда уларнинг шахсий фазилатларини (бунда гап шахснинг нисбатан барқарор белгилари ва унинг потенциал имкониятлари ҳақида бормоқда) баҳолашнинг аҳамияти каттадир. Бошқарувда демократиялаштириш кучайиб, марказлаштиришдан қочиш тенденцияси ривожланиб бораётган ҳозирги вақтда раҳбар учун мустақиллик, ташаббускорлик ва ўзига ишонч сингари хислатлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хўжалик бошқарувининг ҳозирги ташкилотчиларини тайёрлаш системаси умуман олганда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид ҳар қанақа вазифани ҳал этишга қобил, билимдонлиги, граждан сифатида етуклиги ва юксак маданияти билан ажралиб турадиган раҳбарлар ҳамда мутахассисларни шакллантиришга қаратилмоғи керак. Шу муносабат билан Раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш республика тармоқлараро институти асосида олти ойдан икки йилгача давом этадиган давлат бошқарув институти барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Бу институт ана шу муҳим ишда марказ бўлиб қолиши ҳамда бошқарув соҳасида, шунингдек замонавий менеджмент назарияси ва амалиётини такомиллаштиришда, янгидан-янги ғояларни шакллантиришда етакчи маррани эгаллаши мумкин. Binобарин, халқ хўжалиги учун профессионал бошқарув ишини чуқур эгаллаган ходимларни етиштириш мумкин бўлган замин республикамиз учун ҳаётий зарурат бўлиб қолди.

А. НАБИЕВ

ЭКОЛОГИК КУЛФАТ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

АМУДАРЁ ВА СИРДАРЁ сувларида, ер ости сувлари ва тупроқда, Оролбўйи шаҳарларининг атмосфера ҳавосида заҳарли химикатлар, металл, канцероген моддалар, касаллик туғдирувчи бактериялар зарарли компонентларининг юқори даражадаги концентрациялари топилаётганига анча бўлиб қолди. Ушбу регионда ич терлама, вирусли гепатит билан хасталаниш кўп маротаба ошганлиги, сил, онкологик касаллар салмоғи юқорилиги ва у амалда барча социал-иқтисодий жиҳатлар бўйича фаолокатли аҳволга тушиб қолганлиги бежиз эмас. Умуман олганда Орол ҳавзасида юз бераётган экологик-социал-иқтисодий жараёнлар уни экологик кулфат зонаси деб ҳисоблаш учун асос беради.

Бунга олиб келган сабаблар орасида ҳақли равишда халқ хўжалигини бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик методлари, регионни ўзлаштириш ва унинг ресурсларидан фойдаланишни бир қатор министрликлар монополия қилиб олгани, иқтисодиёт ва сиёсатга раҳбарликнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилиши, мамлакатдаги меҳнат тақсимоти ва ихтисослаштиришни регионлар манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда жўн тасаввур этиш тилга олинмоқда. Лекин юзага келган танг аҳволни юмшатиш учун тилга олинган сабабларни бартараф этиш етарли эмас — аввало фан-техника тараққиёти шароитида атрофимиздаги табиий муҳитнинг ҳолати ҳар бир регионда характерли хусусиятларга эга бўлган экологик ва социал-иқтисодий системалар ўзаро қандай алоқада бўлишига тўла даражада боғлиқлигини эсда тутиш лозим.

Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон учун социал-иқтисодий жиҳатдан олганда қишлоқ хўжалигини суғориладиган деҳқончиликка асосланган ҳолда олиб бориш, аҳоли туғилишининг юқори даражадалиги ва аҳолининг дарё водийлари ва ҳавзаларида жуда ҳам зичлиги, қишлоқ аҳолисининг касалланиши ва болалар ўлими юқорилиги сингари ўзига хос хусусиятлар характерлидир.

Ўзбекистоннинг интенсив суғориш зонасига айланганлиги аҳоли ҳаётига ва территориядаги экологик вазиятга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатди, фактик маълумотларга мурожаат қилайлик. Кейинги йигирма йил ичида республика қишлоқ хўжалигига йўналтирилган 45 миллиарддан ортиқ сўмнинг 17 миллиарди ерларни мелиорациялаш билан боғлиқ сув хўжалиги тадбирларига сарфланган. Лекин, КПСС МК март (1989 йил) Пленумида таъкидланганидек, ана шу йиллар ичида 1,6 миллион гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилганлиги ва қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 6 баравар ошганлигига қарамай унинг ялпи маҳсулоти атиги 78 фоиз ошган. Суғориладиган ерлардан хўжасизларча, норационал фойдаланиш, бунинг устига уларни нестнобуд қилиш бундай номувофиқликнинг асосий сабабидир. Зеро республикада суғориладиган 3,9 миллион гектар ернинг ярмини шўр босган: 15—20 фоизи кучсиз, 30—35 фоизи ўртача ва юқори даражада шўрланган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, кучсиз шўрланган ерларда пахта ҳосилининг

НАБИЕВ Аброр Набиевич, иқтисод фанлари номзоди, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти.

10 фоизи, ўртача шўрланган ерларда 25 фоизи, кучли шўрланган ерларда 50 фоиздан кўпроғи нобуд бўлади. Ана шу сабабга кўра пахта экувчи хўжаликлар ҳар йили 600 минг тоннадан кўпроқ пахтани кам олмоқда, давлат эса ҳар йили ҳосил кам олиниши ҳисобига ер рентасини йўқотмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг 1,5 миллион гектари сув ва шамол эрозиясига, учдан бири — кучли даражада мубтало бўлган. Пахта яккаҳокимлиги тупроқдаги чиринди миқдорининг анчагина — 0,4 фоиздан 1 фоизгача камайишига олиб келди. Ҳозир суғориладиган ерлар майдонининг қарийб 40 фоизи чиринди билан кам миқдорда таъминланган. Бунинг устига амалда уларнинг ҳаммаси пестицид ва бошқа химикатлар билан ифлосланган. ДДТ препаратини қўлланиш 70-йилларнинг ўрталаридаёқ тақиқланган бўлишига қарамай, унинг тупроқдаги ўртача миқдори 1988 йили Ўзбекистон бўйича йўл қўйиладиган концентрациядан 3,6 баравар кўп. Ҳозир пестицидларнинг ҳар гектардаги ўртача миқдори бизда 21—24 килограммни ташкил этади. Бундан ташқари, Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод атрофидаги тупроқлар марганец, хром, никель, қалай, ванадий, мис, кобальт ва бошқа оғир металлар билан жуда ҳам ифлосланиб кетган, уларнинг ялпи миқдори фон концентрацияларидан 0,3—2 баравар юқоридир.

Ғоят унумдор суғориладиган ерлардан қишлоқ хўжалигига дахлдор бўлмаган турли эҳтиёжлар учун фойдаланилиши хусусида алоҳида айтишни истардим. Бунинг ёрқин мисолларидан бири — «Узбекхиммаш» заводига Тошкент областининг Бўстонлиқ районида ер участкалари ажратилишидир: ана шу 52 гектар ернинг 19,3 гектари — боғ, 10 гектари — тутзор ва 22,6 гектари — суғориладиган экинзор. Бундай мисолларни, афсуски, кўплаб келтириш мумкин. Республикада 1966—1989 йиллар ичида умуман олганда транспорт, ирригация системалари ва иншоотлари, саноатни, янги шаҳар поселкалари қурилиши ва эскиларини қайта қуришни ривожлантириш учун 45 минг гектардан ортиқ суғориладиган ер ажратилган.

Ватан шаҳарсозлигида ердан фойдаланишда йўл қўйиб бўлмайдиган ортиқчаликни кузатиш мумкин. Кўпгина йирик шаҳарларимизда қуриш зичлиги нормативдагидан 2—3 баравар, ўрта ва кичик шаҳарларда эса 4—5 баравар паст. АҚШ шаҳарларининг кўпчилигида ҳар бир киши ҳисобига енгил ва оғир саноат корхоналари банд этган территориянинг 19—30 квадрат метри, Англияда яна камроқ — 16 квадрат метр тўғри келгани ҳолда, бизнинг шаҳарларимизда бу кўрсаткич ўртача 35—50 квадрат метрга тенг. Агар АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида ҳар бир гектар шаҳар территориясига 120—160 иш жойи тўғри келса, СССРда у 50—75 иш жойига тенг. Бунинг устига Ғарбда территорияни саноат корхоналари томонидан қуриш зичлиги 60—70 фоизга етса, бизда — 30—35 фоиз. Тошкентда 1 гектар шаҳар территориясига 34—35 иш жойи тўғри келади (умуман СССРдагидан икки баравар, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларидагидан 4—5 баравар камдир).

Ердан фойдаланишга бундай ҳар хил ёндашиш, шубҳасиз, унинг қийматидаги тафовутлар билан боғлиқ. Яқинда даврий нашрларда бир қатор капиталистик мамлакатларда ер участкалари қимматлашгани хусусидаги маълумотлар эълон қилинди. Масалан, бир квадрат метр ер Токиода 215 минг, Нью-Йоркда — 26,9 минг, Вашингтон ва Чикагода — 13 минг, Лос-Анжелесда — 10,8 минг доллар туради. Турган гапки, бундай нархда ерни гектарлаб сотиб олишмайди... Лекин ижара ҳақи ҳам анча баланд: бир гектар ерга йилига Токиода — 18 миллион, Нью-Йоркда — 6,2 миллион, Вашингтонда — 4,2, Чикагода — 3,4 миллион доллар тўланган. Нима учун, ғарблик экспертларнинг фикрича, келажакнинг энг истиқболли бозорларидан бири бўлмиш Москвада ва мамлакатимизнинг бошқа пойтахт шаҳарларида шунга ўхшаш расценкаларни жорий этиш мумкин эмас?

«ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонунчилик Асослари»нинг 7-моддасига мувофиқ, совет ҳамда хорижий юридик шахслар иштирокидаги қўшма корхоналар ва ташкилотларга, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, хорижий юридик шахслар ва гражданларга ер вақтинчалик фойдаланиш учун ижара шартида берилиши мумкин. Лекин ана шу мақсадлар учун Москва шаҳри территорияси чегарасида ер учун ҳақ тўлаш ўрнатилиши уни баҳолашда ягона методика мавжуд эмаслигини кўрсатди. Ҳозир-

ча мамлакатимизда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кенг ривожланиши учун ер ресурслари амалда бепул берилмоқда. Чунончи, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига дахлдор бўлмаган эҳтиёжлар учун суғориладиган ерларни ажратиб беришда янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш компенсация чиқимлари Самарқанд областида гектарига 14,7 минг сўмдан Хоразм областида 22,9 минг сўмгача, узумзорларни ажратиб беришда Қорақалпоғистон АССРда 16,7 минг сўмдан Самарқанд областида 23,8 минг сўмгача, боғларни ажратиб беришда — Қорақалпоғистон АССРда 14,5 минг сўмдан Наманган областида 20,9 минг сўмгача етади.

Ахир суғориш рационал деҳқончилик системасига кирадиган тадбирлар комплексининг ажралмас қисмини ташкил этадиган Ўрта Осиё иқлими шароитида суғорма ерларни қишлоқ хўжалигига дахлдор бўлмаган эҳтиёжлар учун бериш билан қўшни участкаларда ҳам қишлоқ хўжалигини олиб бориш системаси бузилади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас — улар ахир умумий ирригация-мелиоратив системалар, транспорт тармоқлари ва электр узатиш линиялари, ягона алмашлаб экиш системаси ва ҳоказолардан фойдаланадилар. Бунинг устига суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига дахлдор бўлмаган эҳтиёжлар учун, масалан, шаҳарларни кенгайтириш мақсадида ажратиш чоғида нафақат сувхўжалик участкасининг ирригация тармоғи, балки регионнинг сув баланси ҳам бузилади. Чунончи, Тошкент областида 1 гектардаги қишлоқ хўжалик экинларига ўртача салкам 11 минг куб метр сув сарфланади, 1 гектар территорияда жойлашган шаҳар иморатларининг коммунал хўжалигини таъминлаш учун эса (аҳолининг ўртача зичлиги бир гектарда 81 киши бўлган ва бир кеча-кундузда бир кишига 500 литр сув норма бўлган чоғда) қарийб 17 минг куб метр сув, яъни суғориладиган деҳқончиликдагидан 54 фоиз кўпроқ талаб қилинади.

Регионда шаҳар (коммунал) хўжалиги, саноат, қурилиш эҳтиёжлари ва бошқа мақсадлар учун сув олинишининг кўпайиши билан Орол денгизига сув бориши камайишини англаш қийин эмас, Орол ҳавзасидаги вазият ҳозирдаёқ амалда инсон назоратидан чиқиб кетган. Оролбўйидаги экологик вазиятни ушбу регион дарёларининг сув ресурсларини фақат сақлаш ва улардан рационал фойдаланиш ҳисобигагина яхшилаш мумкинлигидан келиб чиқсак, халқ хўжалиги тармоқлари ва урбанизацияланган территорияларнинг турли инфраструктураларини ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш чоғида сувни уларнинг фаолияти ва экологик мувозанат сақланиши учун умумий ресурс сифатида қараб чиқиш керак бўлади.

Шаҳарлик ҳар бир киши ёки шаҳар территориясининг бир гектари сув таъминотининг кўрсаткичини прогнозлашда уни суғориладиган ерлар ҳисобига кенгайтириш чоғида сув сарфи ажратиб берилган айни ер участкасининг ўзидагидан юқори бўлмаслиги керак. Прогнозлаштирилаётган кўрсаткич база кўрсаткичидан ошиб кетган ҳолда ер-сув ресурсларидан фойдаланишни рационаллаштириш мақсадида сув ҳақини прогрессияли миқдорда кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бундай ёндашувда лойиҳачи ва буюртмачилар шаҳар территорияларини кенгайтириш ёки суғориладиган деҳқончилик зоналарида қишлоқ хўжалигига дахлдор бўлмаган корхоналарни қуриш учун сув ва ерни камроқ талаб қиладиган вариантларни танлашдан манфаатдор бўлади. Бу эса сув ресурсларидан фойдаланишнинг прогрессив усулларини (ишлаб чиқаришнинг кам чиқитли ёки чиқитсиз технологиялари, берк сув обороти системалари ва ҳоказоларни) яратишга, металлургияда металл прокати ва уни қуйишда сув билан совутишдан ҳаво билан совутишга, биноларни буғ билан иситишдан ҳаво (электр) билан иситишга ва ҳоказоларга ўтишга ҳам имкон беради.

Республикамизнинг иқлим аридлиги ва кескин континенталлиги, атмосфера ҳавосининг тоғли ва тоғолди районларида ўз-ўзини тозалаш қобилияти, ландшафт-геохимия майдонининг бикиқлиги ва Орол денгизи ҳавзаси сувларининг оқиб чиқмаслиги сингари ўзига хос иқлим хусусиятлари химия, машинасозлик, энергетика, қайта ишловчи саноат, бинокорлик материаллари индустрияси, транспорт, шунингдек қишлоқ хўжалигини мамлакатнинг бошқа минтақаларидагига қараганда камроқ капитал маблағ сарфлаб тезроқ ривожлантириш имконини берди. Буларнинг ҳаммаси, шунингдек сув қурилиши ва қишлоқ хўжалигини химиялаштириш уларнинг экологик омилларга таъсирини муфассал ўрганишсиз

амалга ошириш регионни ёмон аҳволга солиб қўйди. Айтиш мумкинки, тилга олинган ёндашув узоқ вақт иқтисодчи ва лойиҳачилар томонидан «рағбатлантириб» келинди, зеро сув хўжалиги қурилиши, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир кўпгина ишларда жамиятнинг ушбу тармоқлар атроф табиий муҳитга салбий таъсиридан кўрадиган иқтисодий зарар кўринишидаги талафотлари ё қараб чиқилмаган, ёки инкор этилган. Мисол учун, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг капролактам ишлаб чиқаришга доир қувватларини муттасил ўстириб боришининг таъсири ҳисобга олинмаган. Натижада унинг зарарли оқоваларининг Чирчиқ дарёси водийси экосистемасига «таъсири» аллақачон бир неча бор кескин вазиятлар яратди, аҳолининг соғлиғига ва ҳаётига хавф солди. «Агрохим» давлат ассоциациясининг минерал ўғитлар корхоналари тўғрисида ҳам шу сўзларни айтиш мумкин, унинг ташламалари республика атмосферасини ифлослантириш барча доимий манбалари ташламалари ҳажмининг салкам 10 фоизини ташкил этади.

Шу муносабат билан СССР Олий Совети 1989 йил ноябрда қабул қилган «Мамлакатни экологик соғломлаштиришнинг шошилинч чоралари тўғрисида»ги қарорини қутламасдан бўлмайди, унда барча лойиҳалар ва программалар бўйича ишларни давлат мустақил экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирдагина маблағ билан таъминлаш, шунингдек 1990—1991 йилларда қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш ва химиялаштириш, атом энергетикасини, химия, микробиология саноатини ривожлантириш ва бошқалар борасида илгари қабул қилинган программаларни ана шундай экспертизадан ўтказиш кўзда тутилган.

Муаммонинг яна шундай жиҳатини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Йил давомида иссиқ давр кўп бўлиши, кун ёруғлиги узоқ давом этиши ва регионимизнинг бир қатор бошқа ўзига хос иқлим хусусиятлари бу ерда қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантиришнинг ғоятда тежамкор вариантларини ишлаб чиқишни тақозо этди, бу ҳол эса бугунги кунда химиявий моддалар ва минерал ўғитлар сақлаш учун усти ёпиқ омборлар, машина-трактор паркининг усти ёпиқ манзилгоҳлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг махсус омборлари йўқлигида кўринади. Пестицидларнинг мавжуд омборларидан 30 фоиздан кўпроғигина — типовой, минерал ўғитлар омборлари орасида бундайлар эса атиги 11 фоиз. Заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлар омборларининг 50 фоиздан ортиғи санитария ва табиат муҳофазаси талабларига жавоб бермайди. Хўжалик ичидаги катта аэродромлар территориялари кўпинча тупроқни дезактивациялаш бўйича тегишли ишлар ўтказилмасдан қишлоқ хўжалик экинлари экиш ёки уй-жой қуриш учун фойдаланилмоқдаки, бу ҳам кишини ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Турли ифлослантирувчи ва улар бирикмаларининг экологик мувозанатни бузмайдиган концентрацияси бошланиш миқдорлари конкрет аҳамиятини белгилаш регион табиий муҳитининг қулай сифатини сақлаб қолишнинг муҳим шартидир. Бунда, шубҳасиз, арид зонасининг текислик қисми энг кўп ассимиляция потенциали, яъни табиий муҳитнинг асосий хоссаларини мустақил тиклаш қобилияти билан ажралиб туришини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ассимиляция потенциалининг мавжудлиги ишлаб чиқариш чиқитларини атроф муҳитга қисман ташлаш имконини беради деб ҳисоблашади. Лекин бу нарса табиат муҳофазаси тадбирларига иккиёқлама таъсир кўрсатиши: биринчидан, ифлослантирувчи ташлама (оқова)ларни тозалашга доир сарфларни тежашга имкон бериши, иккинчидан, фан-техника тараққиёти натижаларини табиат муҳофазаси ва чиқитсиз технология соҳасига жорий этишга тўсқинлик қилиши мумкин. Мамлакатимизда нафақат социал тадбирлар, балки фан ва техника ютуқлари ҳам вақт бўйича табақалаштирилиб, шимолдан жанубга қараб тарқатилиши амалга оширилиши билан иш яна мураккаблашади. Бундай шароитда регионимиз корхоналари (бирлашмалари) табиий муҳитнинг мавжуд ассимиляция потенциали ва такомиллашган тозалаш ускуналари йўқлигини рўкач қилиб, ишлаб чиқариш чиқиндиларини атроф муҳитга чегараланмаган ҳолда ташлашни ўзларига эп кўрадилар.

Кўп йиллар мобайнида марказий министрлик ва идораларнинг табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш соҳасида инвестицияга бўлган яккаҳокимлик мавқеи сақланиб келиши ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишда регионимиз табиий-иқлим хусусиятларини етарлича ҳисобга олмаслик шунга олиб келдики, республика атмосфера ҳавосига ташламалар-

нинг асосий қисми — тўртдан уч қисми — ҳозир иттифоқ аҳамиятидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда (жумладан, химия комплекси корхоналарига — 11 фоизи, металлургияда — 13, давлат газ концернида — 24, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги корхоналарида — 25 фоиздан кўпроғи).

Атроф муҳитга ишлаб чиқариш чиқиндиларининг ташланиши учун тўлов олинадиган бўлиши аҳволни яхши томонга ўзгартиришга хизмат қилиши керак. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ишини тубдан қайта қуриш тўғрисида»ги қарорига (1988 йил январь) мувофиқ «Табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик учун норматив тўловни белгилаш ва қўллаштирибниш тартиби» тасдиқланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ тўлов нормативларининг икки хили белгиланади:

— ифлослантирувчи моддалар ташламаларини йўл қўйиладиган (белгиланган лимитлар доирасида) даражаси учун (назарий жиҳатдан олганда улар регион табиий муҳитининг ассимиляция сиғимига мувофиқ келиши керак);

— ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг йўл қўйиладиган (белгиланган лимитларга нисбатан) даражасини оширганлик учун.

Атмосферага ва сув объектларига ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик, шунингдек ишлаб чиқариш қаттиқ чиқиндиларини жойлаштирганлик учун тўлов ундирилади. Йўл қўйиладиган ташламалар учун тегишли норматив тўловлар (улар массасининг бирлиги учун) корхонанинг мазкур территорияни иқтисодий ва социал ривожлантириш плани белгиланган ифлослантирувчи моддалар ташлаш миқдорига кўпайтирилади.

Ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган ташламаларини оширганлик учун тўлов нормативлари каррали миқдорда белгиланади — уларнинг миқдори ташламаларни белгиланган лимитларга қадар пасайтириш учун амалга ошириш зарур бўлган чиқимлардан ошиқ бўлмоғи керак. Бунинг устига, агар йўл қўйиладиган ташламалар учун тўлов корхона фойдаси ҳисобидан олинадиган бўлса, йўл қўйиладиган ташламалар нормасидан ошириб юборилса — коллективнинг хўжалик ҳисобидаги даромадидан ундирилиши керак.

Табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган ташламаларининг норматив даражасига босқичма-босқич эришиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ижрокомлари иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс планлари таркибида республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ва унинг жойлардаги органлари билан келишган ҳолда, идоравий мансублигидан қатъи назар, корхоналарга ифлослантирувчи моддаларни ташлашнинг планлаштирилаётган беш йиллик давр учун лимитларини (йилларга бўлиб) тасдиқлайди.

СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети «Табиий муҳитни ифлослантириш учун тўловларни белгилаш бўйича мувақкат методик тавсиялар»ни таклиф қилди. Экспериментал ҳисоб-китобларни амалга ошириб, ушбу тавсиялар республикамизнинг табиий-иқлим шароитида муайян тузатишга муҳтож деган хулосага келдим. Айни қуйидагилар зарур: регион иқтисодий ва социал ривожлантириш планларига киритиладиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари комплексини амалга оширишни аниқ-ойдин белгилаш; корхоналарнинг регионни иқтисодий ва социал ривожлантириш йиллик планида белгиланган лимит доирасида ташламалари массасини ва табиий муҳитнинг ассимиляция потенциалини ҳамда регион экологик-социал-иқтисодий системасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Бундан ташқари, корхона томонидан атроф муҳитга етказилаётган иқтисодий зарарни аниқлашда территориянинг экологик ҳолатидан келиб чиқиш керак. Шу мақсадда тузатиш (қаттиққўллик) коэффициентидан фойдаланиш лозим. Бу коэффициентдан, фикримча, у ёки бу территорияни экологик кулфат зонаси ёки фавкулодда ҳолат зонаси деб эълон қилинган ҳолда фойдаланиш мумкин. Жойнинг экологик ҳолати қанчалик ёмон бўлса, тузатиш коэффициенти шу қадар юқори бўлади. Бундай коэффициентни киритиш ва белгилаш ҳуқуқи эса, менинг фикримча, Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети маҳаллий органлари ва маҳаллий Советларга берилиши керак.

Ишончим комилки, табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик учун тўлов белгиланиши, биринчидан, корхоналарни ишлаб чиқаришнинг

экологик жиҳатдан зарарсиз технологиясига ўтишга ундайди, шу муносабат билан фан-техника тараққиёти натижаларини жорий қилиш ҳам тезлашади, иккинчидан, регионда пул маблағларининг муайян ҳажми — табиатни муҳофаза қилиш фонди шаклланади, бу эса бу соҳада ишлар кўламини кенгайтириш имконини беради.

СССР План давлат комитети ва СССР Молия министрлиги «Табиатни муҳофаза қилиш фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги муваққат типовой қоида»ни тасдиқлади. Унда банкнинг тегишли муассасаларида табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий фондларини ва улар негизида — табиатни муҳофаза қилиш республика ва умумиттифоқ Давлат фондларини шакллантириш учун махсус счетлар очиш тўғрисида гап боради. Бошқача айтганда, табиатни муҳофаза қилиш фондлари уч турини — маҳаллий, республика, умумиттифоқ фондларини — ташкил этиш кўзда тутилган ва уларни тузиш ҳамда улардан фойдаланиш принциплари баён этилган.

Бундай ҳужжатнинг пайдо бўлиши ғоят ўз вақтида бўлди. Тилга олинган типовой қоида бизда биринчи бор қабул қилингани ва бунинг устига у муваққат эканлиги кўрсатилгани учун республикамизда ана шунга ўхшаш ҳужжатни ишлаб чиқиш чоғида ҳисобга олиниши керак бўлган бир неча мулоҳаза ва таклифларни айтиб ўтмоқчиман.

Қабул қилинган типовой низомда табиатни муҳофаза қилиш фондларини территориал принципда шакллантириш, ундан фойдаланишни деталлаштиришни эса тармоқ принципи бўйича амалга ошириш кўзда тутилган. Бунинг устига фондларни шакллантиришнинг ҳам, тақсимлашнинг ҳам асосий функциялари бошқарувнинг марказий иттифоқ аппаратида жамланади. Бундан ташқари, марказ ўз зиммасига Давлат фонди маблағлари ҳисобига пул билан таъминлаш ва ишнинг экологик таълим ва аҳоли тарбиясини ташкил этиш; ўқув-методик ва оммавий табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари, кўргазмалари, конкурслари, кўрикларини ўтказиш; буюртма илмий-оммабоп ва ўқув-методик кинофильмларни тайёрлаш, экология мавзуида плакатлар, слайдлар, китоб, брошюра, тўпламларни нашр этиш; социологик тадқиқотлар сингари ғоят муҳим томонларини олади. Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақилликка ва кейинроқ — бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан, менимча, марказдан йўл-йўриқлар кутиб ўтирмай, республика ва область табиатни муҳофаза қилиш фондлари доирасида ана шу ғоят муҳим муаммоларнинг молиявий чиқимларини, маҳаллий хусусиятлар, шу жумладан, тил соҳасидаги хусусиятларни ҳисобга олиб ҳал этиш керак.

Типовой низомда санаб ўтилган йўналишлардан ташқари табиатни муҳофаза қилиш фондидан:

— экологик соф, чиқитсиз технология ва маҳсулотни яратишга доир илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳажмини кенгайтириш;

— атроф муҳит аҳволини, шу жумладан авиакосмик воситаларни қўллаган ҳолда назорат қилиш;

— ўлчаш аппаратурасини ишлаб чиқариш;

— экологик вазиятни тубдан ўзгартириш мақсадида мудофаа тармоқларининг интеллектуал ва ишлаб чиқариш потенциалини жалб қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Таклиф қилинаётган чора-тадбирлар регион экологик-социал-иқтисодий системаси уйғун ривожланишига, бинобарин, унда яшовчи кишилар турмуш шароитини яхшилашга ҳам ёрдам беради.

И. МАҚАТОВ

АТЕИСТИК ТАРБИЯНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК

Файласуфнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ижтимоий ва шахслараро муносабатларни демократиялаш ва инсонийлаштириш жараёни марксистик диншунослик ҳамда атеистик тарбия назариётчилари билан амалиётчилари олдига қатор муаммоларни қўйдики, улар чуқур идрок этишни ва қатъий тадбирлар кўришни талаб этади. Биринчи навбатда атеистик ишнинг илгари қарор топган бутун системасига — илмий-тадқиқот, маърифий-тарғибот, ташкилий-методик ишларга, уларнинг принциплари ва мезонларига, методологик ёндашувларига, ғоявий мазмуни ва шаклларига қайта баҳо бериш керак. Босиб ўтилган йўлни танқидий таҳлил этиш, олдинги ҳурфикрлилик ва атеизмнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олиш асосидагина бу иш мазмунини, уни олиб бориш воситаларини янгилаш ва бойитиш мумкин.

Атеистик ишдаги эски ва янги ёндашувлар, ёки нимадан воз кечиш кераг-у, нимани янгилаш зарур

Аввало идеология ходимлари бир қисмининг динга ва унга ишонувчиларга бир хилда салбий муносабатда бўлишларини, регионимизга татбиқан оладиган бўлсак — исломнинг тарихи, унинг жамиятдаги, миллий феноменнинг ривожланишидаги роли ва функциясига оид нигилистик йўл-йўриқларни бартараф этиш керак. Аҳоли диндорлигининг чинакам манзарасини, «оммадаги эътиқод ва диндорлик» (В. И. Ленин) объектив манбаларини аниқлаш талаб этилади. Бу ерда ишончли билимларсиз атеистик ишда «эътиқод ва диндорлик» манбаларига оқилона ёндашувни тушуниб, бинобарин, аниқлаб бўлмайди деган принципга амал қилиш керак. Дин табиатини, унинг ҳозирги босқичдаги социал роли ва функцияларини изоҳлашдаги умумий схема ҳамда категорияларни қайтадан идрок этиш ва конкретлаштириш керак бўлади. «Умуман» диннинг йўқлигини (чунки бу мавҳум тушунча), балки жамиятда унинг конкрет намоён бўлиши — ислом, христианлик, иудаизм ва бошқа динларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб, мазкур ижтимоий ва маънавий феноменни, унинг қайта тикланиш сабаблари манбалари ва механизмларини тушуниш ҳамда тушунтириб бериш керак.

Атеистик пропаганданинг дунёқарашга оид потенцияларини кучайтириш унинг мантиқий, интеллектуал мазмунини, сифат характеристикаларини ошириш, динни ва ленинча атеистик меросни баҳолашда тарихийлик принципларини тик-

лаш, Маркс, Энгельс, Ленининг айрим фикрларини жамиятшуносликка доир асарларимизда карор топган вулгар-догматик талкин этишдан, атеистик тарбияга партия, жамоат ташкилотларининг идеологик фаолиятидаги йўналишларнинг бошка шаклларига алокаси бўлмаган кандайдир универсал, ёшларнинг халк таълими системасидаги тарбиясининг алохида бир сохаси деб карашдан воз кечиш керак. Ва нихоят, ахолига янги оилавий-маиший маросимларни маъмурий методлар ёрдамида сингдиришга чек кўйиш, туб ерли халкларнинг миллий маданиятидаги хамма ижобий нарсаларни рағбатлантириш ва ёйиш керак.

Энди атеистик тарбияни кайта куришнинг айрим жихатларига батафсил тўхтаб ўтамиз. Гапни куйидаги саволга жавобдан бошлаймиз: диншунослик ва атеизмда хозир методологик ёндашувлар кандай бўлиши керак, нималардан воз кечишимиз, нималарни кайта идрок этишимиз, янгилашимиз керак?

Совет жамиятини кайта куриш ва демократиялаш нафакат динни, унинг ташкилотларини тушунишда, балки атеистик тарбия системасининг ўзини хам тушунишда янги имкониятлар очиб беради. Бунда атеистик тарбия реал вокеликка мувофик келиши, одамларнинг у ёки бу динга, уларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатлардаги ўрнига муносабатда социал-психологик ориентир бўлиб хизмат килиши керак.

Мамлакатимиздаги диний ташкилотларнинг мутлок кўпчилиги унинг ижтимоий тузумига душманлик билан карамайди, Совет хукуматининг ички ва ташки сиёсатини кўллаб-кувватлайди. Шу муносабат билан ўз вактида атеистлар олдига, жумладан ислом анъанавий равишда таркалиб келган регионларда бу динни бархам топтириш, таг-томири билан йўк килиш вазифасининг кўйилиши нореал бир вазифа эди деб хисоблаймиз. Аксинча, диннинг жонланиши юз берди, мусулмон рухонийлари фаоллашди, «мусулмон динининг софлигини», унинг «фундаментал кадриятларини» тиклаш учун янги диний харакатлар пайдо бўлди. Ижтимоий-фойдали мехнат билан банд бўлмаган ёки ўз ихтисоси бўйича иш топишга кўзи етмаган ёшлар ана шундай харакатлар учун асосан социал база бўлиб хизмат килмокда. Энг яхши социал тартиботларни излаш кўпгина диний гурухларнинг шаклланиши ва ишлаши учун маънавий, психологик рағбат бўлмокда.

Шундай килиб, фундаменталистик тенденциялар факат диний негиздагина пайдо бўлгани йўк, улар, диндорлар ва динсизларнинг долзарб социал, иктисодий, ахлокий муаммолар, шу жумладан миллий, хукукий, маънавий сохалардаги муаммолар бўйича турли талаб ва эхтиёжларини ифода этадилар. Мамлакатимиз диндорлари орасидаги фундаменталистик тенденциялар янги ходиса бўлиб, у марксизм-ленинизмнинг диний шаклларда намоён бўладиган социал норозилик тўғрисидаги коидасини принцип жихатдан тасдиклайди.

...Мамлакатимизда социализм курилиши даврида марксизм-ленинизмнинг асосий ғоя ва принципларидан четга чикиш, кўп йиллик турғунлик кишилар хаётининг хамма сохаларида салбий натижаларга олиб келди, уларда коммунизм идеалларига, унинг маънавий-ахлокий кадриятларига ишончсизликни туғдирди, улардан ихлосини кайтарди. Натижада уларнинг бошка идеалларга, шу жумладан диний идеалларга интилиши бошланди. Социализмнинг деформацияланиши халклар диний маданиятининг секуляризациясини (дунёвий маданиятга айланишини) секинлаштирди, бу муаммони хал этишни анча оркага суриб юборди. Шунинг учун хам бугун ислом хакида кайта тикланиши учун реал социал заминга эга бўлмаган, ўтмиш йилларнинг бир мероси сифатидагина гапирмаслик керак.

Ислом анъанавий равишда таркалиб келган республикалардаги атеистик ишнинг ахволини танкидий тахлил этиб, шуни таъкидлаш мумкинки, кўпгина идеологик, жамоат ташкилотлари ва муассасаларининг диндорликни дабдабали атеистик кампаниялар, хилма-хил оммавий тадбирлар ўтказиш йўли билан тез бартараф этишга интилишлари, объектив омилларни хисобга олмаслик, лекциялар микдори ортидан кувиш, хўжакўрсинчилик, бир хил кўрсаткичларни сунъий равишда пасайтириш, бошкаларини ошириш, учинчиларини бузиб кўрсатиш атеистик ишдаги асосий камчиликлардир.

Партия, идеология ходимлари динга хам, диндорларга хам эскича ёндашишлардан воз кечишлари, атеистик тарбияда кўлланиладиган, реал хаётдан узилиб колган ва ўз эътиборини кетказган категориялар, тушунчаларни кайта идрок этишлари керак. Масалан, «жанговар атеизм», «оммавий атеизм», «исломни таг-

томири билан йўқ қилиш», «дин — ўтмиш сарқити», «диний жаҳолатпарастлик» сингари сийқаси чиққан гаплар фақат зарар келтиради. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда илмий атеизмнинг, айниқса миллий тилларда, янги атамалари ва категорияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланиш керак, уларни ислом динига сиғинувчи аҳолига тушунарли, конструктив қилиш лозим. Табиийки, гап бу ерда атеистик пропагандани «йиғиштириб қўйиш» ҳақида эмас, балки унга замонавий тус бериш тўғрисида боряпти.

Ленинча атеистик меросни, биринчи навбатда партия ва давлатнинг динга, черковга (мачитга) ва диндорларга муносабатларининг энг асосий илмий принципларини объектив равишда кўриб чиқиш зарурати етилди. Бу ерда, менимча, 20—30-йилларда ва кейинги вақтларда мусулмон руҳонийлари, диндор мусулмонлар, ислом ибодатхоналарига нисбатан йўл қўйилган хатоларга тегишли изоҳлар бериш керак. Нима сабабдан мачитлар зўравонлик билан бузилган, араб тилидаги адабиётлар (шу жумладан ислом билан боғлиқ бўлмаганлари ҳам) йўқ қилинган, бунда диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларнинг ленинча принципларидан четга чиқишни нима билан оқлаганлар, булар учун ким жавоб беради? Бу саволлар жавобсиз қолмаслиги керак.

Атеистик тарбия назарияси ва амалиётини қайта қуриш ленинча атеистик меросга догматик ёндашувлардан, В. И. Лениннинг у ёки бу фикрини ҳозирги диний вазиятга, атеистик иш мазмуни ҳамда методикасига тушунмай-нетмай татбиқ этишлардан воз кечишни талаб этади, лекин афсуски, бундай ҳол ҳали ҳам учраб туради. Совет Шарқи ва Кавказ республикаларида, мамлакатнинг бошқа регионларида бўлгани каби, партия ва жамоат ташкилотлари кўпинча Лениннинг Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида айтган фикрларига ўринли ва ўринсиз амал қилаверадилар. Шарт-шароитлар, сиёсий вазият, диний бирлашмаларнинг социал ориентацияси ўзгарган, диндорларнинг ўзлари ҳам бошқача бўлиб қолди, лекин дин ва атеизм соҳасидаги идеологик, ҳуқуқий йўл-йўриқлар ўзгармасдан қолаверди. Жамиятни авторитар-бюрократик бошқарув, бунда фойдаланиладиган буйруқбозлик-маъмурий методлар у ёки бу диний масалалар бўйича бир марта ва бир умрга қабул қилинган кўрсатма ҳамда қарорлардан четга чиқмади.

Мана, масалан, коммунистларнинг диний маросимларда, шу жумладан қатнашмасликнинг иложи бўлмаган дафн маросимларидаги иштирокини олиб кўрайлик. Бу ерда, одатда, катъий бир талаб — коммунистга энг оғир жазо бериш талаби қўйиларди. Бундай қатъий тадбир-чоралар партия органларининг Ленин васиятларини изчил ва принципиал бажаришга интилаётганликларини намойиш қиларди. Бунда улар В. И. Лениннинг Е. М. Ярославский саволига 1919 йилнинг май ойида берган жавобини далил қилиб келтирадилар. У Лениндан, диний маросимларда иштирок этган коммунистларни партияда қолдириб бўладими деб сўраган эди. «Мен маросимларда қатнашганларни партиядан чиқариш тарафдориман» — В. И. Ленин ана шундай фикрда эди. Унинг бу фикри коммунист яшаган ва ишлаган реал шароитни, миллий ва конфессионал муҳитни ҳисобга олмасдан сўзсиз, қатъий тарзда қабул қилинганди. Ҳолбуки динга қарши пропаганда масаласи бўйича ВКП(б) МКнинг 1921 йил 9 августда қабул қилган қарорида (уни тайёрлашда В. И. Ленин бевосита қатнашган эди) киритилган қоидани атеистик ишнинг «жанговарлиги», «қатъийлиги» белгилаб, уни йўналтириб турган одамлар кейинчалик негадир унутиб юборишди ёки эътиборга олишмади. Мана ўша пункт: «3. Агар партияга янги кираётган аъзоларнинг ёки ҳозирги вақтда партия сафида бўлганларнинг иқтисодий, оилавий-маиший шароитлари черков билан алоқасини узмаганлар (масалан, деҳқонлар ва ишчиларнинг бир қисми) билан яқин алоқада бўлишга мажбур этса, агар мана шу тобелик туфайли ўша партия аъзолари айрим ҳолларда иккиланса ва у ёки бу черков маросимларини (масалан, никоҳ маросими) бажаришга мажбур бўлишса, чунки қишлоқда бусиз уйланиш қийин ёки умуман мумкин эмас, бошқалар билан бирга черков дафнларида (оила аъзоларини дафн этишда) қатнашса, ташкилот уларни кандидатликка қабул қилиши ва уларнинг тегишли аризаларидан кейин партия аъзолигига ўтказиши мумкин» (КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорларида. Политиздат, 1983, 9-нашри, 2-том, 444—445-бетлар).

Кўриниб турибдики, В. И. Ленин, партия ўша вактда диний масалаларни ҳал этишга диалектик ёндашганлар, конкрет вазиятни ҳисобга олганлар, ўзларининг ва бошкаларнинг хатоларини тузатганлар. Марксча-ленинча атеистик меросни таҳлил килар эканмиз, СССР тарихининг муайян даврларида нима ижобий роль ўйнаганини, нима бузиб талкин килинганини ва вульгарлаштирилганини, нима фақат фаразгина бўлиб колганини, ва ниҳоят энг муҳими, нима бугун ҳам амал килаётганини, ижобий аҳамиятини саклаб колаётганини фарклай олиш керак. Жанговар, фош этувчи оҳангдан, догматизмдан ва акидапарастликдан, марксизм-ленинизм классикларидан ўйламай-нетмай ва танкидий кўз билан карамасдан кўр-кўрона цитата келтиришдан воз кечиш вакти келди.

Менинг фикримча, жамиятшунослар, идеология ходимларининг энг муҳим вазифаси ленинча атеистик меросни тиклаш, КПССнинг дин, черков (мачит) ва диндорларга нисбатан чукур инсонпарварлик сиёсатини тушунтириб беришдан иборат. Дунёкарашда плюрализмни ва бошка фикрдаги кишиларга, диндорлар эътикодига ҳурматни, барча диний окимларга, гуруҳларга конунлар доирасида хайрихоҳ бўлишни карор топтириш диний-экстремистик кўринишлар, конфессионал токатсизликнинг социал-психологик ва ахлокий-ҳукукий негизларини йўкотишга олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан Кавказ ва Ўрта Осиёдаги эшон-муридлар ташкилотлари ва янги фундаменталистик окимларни легаллаштириш тўғрисидаги таклифимга яна бир бор кайтаман (Каралсин: И. А. Макатов. Новый подход необходим. — Наука и религия. 1988, № 8, с. 44). Эшон-муридлар гуруҳларини маҳаллий ҳукумат органлари аслини олганда тан олмайдилар. Ҳолбуки бу гуруҳлар ўз функцияларини ошкора равишда бажармокдалар. Ҳатто диний маросимлар тўғрисидаги эскириб колган конун ҳам секталар ва диний жамоаларнинг яшашини такикламаган эди. Менинг назаримда, диндорларнинг диний эҳтиёжларини кондиришда конун доирасидан четга чикмасликка тайёр турган ўша эшон-муридлар жамоаларига ёндашишни кайта кўриб чикишда айни шунга асосланиш керак. Бу экстремистик кайфиятдаги дин пешволарининг позициясини барбод этишга, шунингдек муридларни ижтимоий-маданий ва тарбиявий тадбирларга жалб килишга, улар билан ҳукумат ўртасида мулокот ўрнатишга ёрдам берарди. Ўйлаймизки, жойларда давлат, жамоат ва диний ташкилотлар ўртасида ўзаро самимий, ишончли муносабатлар ўрнатиш атеистик тарбиянинг обрў-эътиборини кўтаришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Атеистик тарбиянинг мазмуни ва унинг тематик йўналиши

Табиатни, теварак оламни, жамиятни, инсоният такдирини, унинг истикболини тушунтириб берувчи карашлар, ғоялар ва назарияларнинг бутун бир комплексини камраб олувчи марксча-ленинча таълимот атеистик тарбия мазмунининг илмий асосини ташкил этади, унинг стратегик йўналишини белгилайди. Атеизм пропагандаси позитив, инсон учун кадриятли характерда бўлиши, инсон динга мурожаат килишга мажбур бўлмаслиги учун унинг муҳим, ҳаётий талаб-эҳтиёжларини кондириши керак. Атеистик тарбияни илмий-материалистик ва диний-идеалистик фалсафий концепциялар ўртасидаги туб фаркларни тушунтириб беришга йўналтириш керак. Бу тушунтиришларни одамлар осон англаб олишлари керак, уларда кизикиш уйғотиб, билишга бўлган эҳтиёжларини кондириши керак. Марксизм классиклари, динни инсоннинг маънавий оламида *«илм асосида бартараф этиш тарихан изоҳланиши мумкин...»* (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 18-том, 578-бет) деб ҳисоблаганлар.

Ниҳоят, ҳар хил кутилмаган, баъзида мутлако тушунтириб бўлмайдиган, жумбокли вокеалар, ходисалар юз берадиган кундалик ҳаётда, атеистик тарбия инсонга уларнинг пайдо бўлишининг табиий сабабларини топишга, мантикан фикрлашга, пайдо бўлган шубҳаю гумонларни таҳлил этишга, уларни киёслашга, жавобни ўша вокеа ва ҳодисаларнинг ўзидан топишга ёрдамлашиши керак.

Маълумки, диний дунёкараш — ҳаётдан узилиб колган феномен эмас; у турмушнинг турли томонларини ўзича, идеалистик тарзда тушунтиради. Шу маънода

диннинг инсоннинг маънавий ва амалий ҳаётига таъсири комплекс характерда бўлади. Атеистик тарбия ҳам ана шундай комплекс характерда бўлиб, инсон турмушининг ҳамма томонларини қамраб олиши, изоҳлаб, асослаб бериши керак. Бу функцияни у, бу вазифага ўзини бағишлаган одам, ўзида сиёсий, табиий-илмий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик билимларни уйғун равишда мужассам этган тақдирдагина бажариши мумкин. Атеист интеллектуал (ақлий) жиҳатдан устун позицияда турсагина, ўз нуқтаи назарини, эътиқодини ва фикрлар плюрализмини профессионал асослаб бера олган тақдирдагина одамлар онгида илмий дунёқарашни қарор топтириш мумкин. Айни шу диний дунёқарашга онгли объектив муносабатни ишлаб чиқиш унинг табиатини ва жамият ҳаётидаги ролини нотанқидий тушунишни бартараф этиш жараёнидир.

Диний дунёқараш, тасаввур ва туйғулар ўзида инсоннинг муайян маънавий ориентацияларини мужассам этибгина қолмай, шунингдек унинг социал хулқ-атвори мотивларини ҳам шакллантиради, уни ўзича программалаштиради. Бу омил ҳозир мусулмон руҳонийлари, айниқса фундаменталистик йўналишга амал қилувчилар томонидан ислом қадриятларининг социал асосини кучайтириш ва диндорлар ҳамда қисман динсизларга таъсирини кучайтириш мақсадида кенг фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам атеистик тарбия фақат маърифат билан, илмий билимларни пропаганда қилиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Улар билан қайта қуришнинг социал-иқтисодий вазифаларини ҳал этиш ўртасида жонли алоқа ўрнатиш керак. У художўйлар билан динсизларнинг социал ва шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш, социал адолат, гражданлилик учун, қонунларни суиистеъмол қилиш, бузишларга қарши курашмоғи керак. Диний ваъзхонликлар, «муқаддас китоблар» ва ҳоказоларнинг мазмунига танқидий кўз билан қараш, бунда бир шартга — танқиднинг осойишта, илмий асосланган, далилланган бўлишига, одамларга ҳар хил ёрлиқлар ёпиштириш ва ҳақорат қилишлар бўлмаслигига амал қилиниши керак.

Бу ўринда яна бир бор В. И. Ленинга мурожаат қиламиз. Илмий, материалистик дунёқарашимиз туфайли, деган эди у, биз, социал-демократлар диний таълимотга терс қараймиз. Лекин айни бир вақтда, модомики «ҳар бир эътиқод зўрлик ёки алдамчилик йўли билан амалга оширилмас экан» (Қаралсин: В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 15-том, 180-бет) дин ишларидаги ҳар қандай чин эътиқодга жуда ҳурмат билан қарашимизни дарҳол тўппа-тўғри ва очиқ қилиб айтишни ўз бурчимиз, деб ҳисоблаймиз. Бу жуда муҳим, принципиал қоидани атеизмни пропаганда қилаётган идеологик ташкилотларга ҳам, диний уюшмаларга ҳам баб-баравар татбиқ этиш мумкин. Диний уюшмалар сўз эркинлиги ва демократиялаш шиори остида кўпинча одамларга диний йўл-йўриқларни мажбурлаб сингдирмоқчи бўлишади.

Менинг фикримча, атеистик тарбияни қайта қуриш учун қуйидагиларни қилиш керак.

Ҳуқуқ соҳасида. Виждон эркинлигининг ленинча принципларини сўзда эмас, амалда тиклаш, диний маросимлар тўғрисидаги қонунларга тўсиқсиз амал қилинишини таъминлаш керак. Одамларга очиқ айтиш керак: бундан буён бу қонунларни бузишга, диндорларга ўз диний эҳтиёжларини қондиришда тўсқинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мачитлар, черковлар, ибодатхоналарни очиш ёки ёпиш, тегишли диний адабиётларни нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилиш диндорлар ва улар барпо этган уюшмаларнинг иши бўлиши керак. Бўшаб ётган ёки омбор ўрнида фойдаланилаётган ибодатхоналар (қишлоқ йиғинида, меҳнаткашлар мажлисларида муҳокама қилиниб, маъқулланганидан кейин) ўз жона-жон ўлкалари тарихини ўрганиш, музейлар ташкил этиш, бошқача қилиб айтганда, диндорлар тушунган хайрли ишлар қилиш учун мактабларга берилиши керак. Ниҳоят «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида Қонун» қабул қилиниши билан СССРдаги черковлар, диндорлар ва диний жамоалар юридик мақомини пропаганда қилиш катта аҳамият касб этади.

Сиёсат соҳасида. Динни, руҳонийлар фаолиятини рад этиш ва фош қилишгагина асосланган «атеизм» одамларнинг атеистик пропагандага бўлган ишончига путур етказди, холос. Шунинг учун дунёқарашдаги қарама-қарши туришни диний ташкилотлар, аксарияти прогрессив позицияда турган, партия ва Совет ҳукуматининг қайта қуриш борасидаги тадбирларини қўллаб-қувватлаётган руҳонийларга

сиёсий адоват билан алмаштирмай, атеистик пропаганда сиёсий концепцияларимиз қайси принциплар, позициялар, қоидалар бўйича анъанавий ва янги мусулмон оқимлари фаолиятига тўғри келишини, қайсилари бўйича тўғри келмаслигини, нималарга қўшилишимизни ва уларнинг нималари бизнинг миллий ҳамда интернационал манфаатларимизга мувофиқ келишини, нималарда келиша олмаслигимизни бамайлихотир ва далиллар билан изоҳлашга йўналтирилиши керак. У ёки бу масалалар бўйича позициялар мувофиқ келгудай бўлса руҳонийларни ижтимоий тадбирларни биргаликда ўтказишга, жумладан тинчлик ўрнатишга қаратилган, хайрли масалаларни, теварак атрофни муҳофаза қилиш, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш муаммоларини, ҳуқуқни бузишларга, ичкиликбозликка, нашавандликка қарши кураш масалаларини ҳал этишга жалб қилиш керак.

Атеистик пропагандада марксизмнинг динга муносабати, Коммунистик партиянинг черков ва диндорларга муносабати, виждон эркинлиги ҳамда СССРда диний ташкилотлар тўғрисидаги янги Қонунга мувофиқ ленинча илмий-сиёсий, инсонпарварлик принципларини тиклаш масалаларига алоҳида ўрин ажратилиши керак.

Тарих ва маданият соҳасида. Ҳозирги вақтда ислом тарихи ва маданиятига қизиқиш, айниқса ёш авлодда ўсибгина қолмасдан, шунингдек диний билимларга, болаларга диний таълим беришга интилиш кучайди. Ўзбекистон ССРнинг Андижон ва Наманган вилоятларидаги диндор ота-оналар билан ўтказилган сўров натижалари шундан далолат беради. Уларнинг салкам 96 фоизи исломни умумтаълим мактабларида ўқитиш ўспиринларнинг маънавий оламига ижобий таъсир қилади деб ҳисоблайди, сўровда қатнашганларнинг 84 фоизи болаларни мачитлар қошида ўқитишни, бунинг учун уларда диний мактаб-мадрасалар очишни таклиф этди.

Мазкур территорияда тарқалган дин тўғрисидаги объектив тарихий билимларни пропаганда қилиш ҳам атеистик ишнинг таркибий қисмидир. Шу муносабат билан халқларнинг миллий тарихи ва маданиятини, уларда дин ҳамда атеизмнинг роли ва функциясини ўрганишни активлаштириш, бунинг учун диний манбалардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ислом, унинг келиб чиқиши, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Волгабўйи халқлари орасида тарқалиши тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни ҳужжатлар асосида, далил-исботлар билан объектив ва оммабоп қилиб тушунтириш керак.

Халқ таълими системаси, оммавий ахборот воситалари, менинг фикримча, ўқитишнинг диний шакллари табиатини, уларнинг болалар интеллектуал ривожланиши учун кутиш мумкин бўлган салбий оқибатларини тушунтириб беришлари керак. Дунёвий таълимнинг афзалликлари тўғрисида гапирар, чинакам миллий маънавий қадриятларни биринчи ўринга қўяр эканмиз, мактаб ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялашни янада такомиллаштириш, гражданлиликни, шахснинг ахлоқий маданиятини шакллантириш мақсадида диндорлар, динсизлар ва атеистларнинг ўзаро тушунишлари ҳамда биргаликда ҳаракат қилишларини йўлга қўйиш керак.

Ёш авлоднинг исломнинг ўтмиши ва бугунги кунига қизиқишини халқ таълимининг барча бўғинларида қондириш учун мусулмон динининг пайдо бўлиши ва тарқалишини, халқлар маданияти контекстида унинг табиатини факультатив тарзда ўрганишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Афтидан, регион халқларининг ислом, ҳурфикрлилик, атеизмга доир тарихини улар тараққиётининг объектив босқичлари сифатида холисона, вазминлик билан тушунтириш ислом анъанавий тарқалган жойларда атеистик тарбиянинг энг муҳим йўналиши бўлади.

Атеистик тарбия жараёнида тарихий бўлимларни пропаганда қилиш одамларнинг ўз миллий меросига, ўтмишнинг моддий-маънавий қадриятларига онгли муносабатда бўлишига ёрдам бериши керак. Ўрта Осиё регионига келганда, у Шарқ халқларининг «шодиёна ҳурфикрлилиги»га (Ф. Энгельс) таяниши керак, бундай ҳурфикрлилик дин тарғиб қилганидай ердан ташқарида эмас, балки ернинг ўзида юз бераётган у ёки бу воқеа, ҳодисаларга жавоб излаш, теваракатрофдаги ҳаётни билиш учун олиб борилган кескин курашда инсоннинг эркин, табиий ривожланишида асрлар давомида қарор топгандир. Зеро, ҳурфикрлиликнинг чинакам ижодкори халқ оммаси бўлган, тўғри, материалистик билимларнинг амалий қимматини у доимо ҳам тушуниб етмади. Лекин халқлар — моддий бойликларни яратувчилар бўлгани учун ҳам маданиятда ердаги ҳаёт бойлиги ва

гўзаллигини гавдалантиришга интилишди, улар бари бир ҳурфикрлилик ва атеизм позициясига ўтишди. Бу жараён миллатларнинг маънавий соҳасида мукаррар ва прогрессив жараён эди. Атеистик тарбия, шунингдек диний мутаассиблик, консерватив мусулмон руҳонийларига қарши чиққан ўтмишнинг илғор мутафаккирлари меросидан ҳам фойдаланиши керак. Шу мақсадда республика нашриётлари яқин йиллар ичидаёқ мазкур мавзуга доир қатор монографиялар ва оммабоп асарларни чоп этишни планлаштириши керак.

Маънавий-ахлоқий соҳада. Атеистик тарбияни конкрет инсонпарварлик фаолияти билан боғлаш атеистик тарбиянинг ленинча принципларини тиклашга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Дарҳақиқат, одамларга ғамхўрлик кўрсатилмаган, улар ахлоқсизликка, бағритошликка, социал адолатнинг бузилишига, алдамчиликка, риёкорликка, бюрократизмга ва бошқа салбий ходисаларга дуч келган жойда муваффақиятга умид боғламаса ҳам бўлади. Бинобарин, атеистлар инсонни, унинг манфаатларини ҳимоя қилишлари, атеистик билимларни пропаганда қилишни партиянинг жамиятни янгилашга қаратилган сиёсатини амалга ошириш билан қўшиб олиб боришлари керак.

Амалиётда қарор топган, лекин давр синовидан ўтолмаган ахлоқнинг социалистик ва диний нормаларини, маросимлар айрим турларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш сингари кўпгина нуқсонлардан қутулиш керак. Бу ерда гап дунёвий ва диний нарсаларни қориштириб юбориш тўғрисида эмас, балки атеистик пропагандада бундай қарама-қарши қўйиш ўз мақсадига эришмаслиги, балки унга бўлган ишончни йўқотишга олиб бориши ҳақида боряпти. Ўйлаймизки, одамларни жуда қимматга тушадиган никоҳ, суннат тўйлари, бир неча кунга чўзиладиган маъракалардан, қалин бериш, мозорларга маҳоватли мақбаралар қуришдан воз кечишга даъват этаётган ислом ислоҳотчиларини социалистик ахлоқ ва маросимларнинг душманлари деб билмаслик керак. Акс ҳолда бу нарса аҳолида бизнинг холислигимиз, адолатлилигимизга шубҳа туғдиради.

Менимча қадим замонлардан бери сақланиб келаётган урф-одатлар, маросим, таомилларга муносабатни ўзгартириш, айниқса уларда миллий ва диний жиҳатлар аниқланган пайтда уларни яна ҳам реалистик, холис баҳолаш керак. Ҳаёт шуни кўрсатадики, уларни қандайдир маданий феномендан (маънавий ёки моддий) ўйламай-нетмай чиқариб ташлаш ўша феноменнинг жуда жиддий ўзгариб кетишига олиб келиши мумкин. Маросимлар, урф-одатларни диний жиҳатлар, ислом символикасидан тозалашга уринилган пайтда бу билан ҳисоблашмасдан бўлмайди.

Бу ерда умуман халқ миллий маданиятидаги, жумладан унинг ахлоқ ва маросимга оид компонентларидаги миллий ва диний жиҳатларнинг ўзаро нисбати мезонлари масаласини қайтадан кўриб чиқиш талаб этилади. Менинг ишонишимча, маросимларни бажариш мотивларини аниқлашда маросимнинг ўзи эмас, балки одамлар унга сингдирадиган реал мазмун асосий мезон бўлиши керак. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, масалан, никоҳ, дафн, маърака, хатна (суннат), мушкулкушод, худойи сингари баъзи урф-одат, маросим ва таомиллар аҳолининг кўпчилиги учун шунчаки одатдаги ҳаёт нормасига айланиб қолган. Шу муносабат билан, айтайлик, дафн пайтида ислом маросимларининг қандайдир бир қисмига амал қиладиган ҳар бир одамни асл художўйлар қаторига қўшиб қўйиш тўғри бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам бундай урф-одат, маросимларни дунёвийларига алмаштириш вазифасини қўйиш жуда мушкул, ваҳоланки ўшалар ёрдамида ҳаётдан мусулмон маросимлари ва ахлоқини чиқариб ташлашга уриниб келишган. Маросимларга баҳо беришда, менинг назаримда, уларда намоён бўлаётган диний жиҳатлар, уларни инкор этишимиз ва айни бир вақтда улардаги дунёвий тенденцияларни рағбатлантиришимиз тўғрисида гапиришимиз керак бўлади. Масалан, суннатга ҳам худди шундай муносабатда бўлишимиз: унга ихтиёрий ва дунёвий характер бахш этишимиз лозим.

Бу айтилган гаплардан, коммунистлар, айниқса раҳбарлар жаноза ёки бошқа диний маросимларда бош-қош бўлишлари керак деган маъно келиб чиқмайди. Агар шундай ҳоллар юз берса, улар билан масаланинг моҳиятини ҳисобга олиб гаплашиш керак бўлади.

Унутилган ёки атайлаб эсдан чиқарилган жуда кўп чинакам халқ анъаналари, урф-одатлари, маросимлари, таомилларини тиклаш, шунингдек янги граждан-

ча маросимлар ва таомилларни сингдиришнинг волюнтаристик шаклларидан воз кечиш керак. Уларни пропаганда қилиш ахборот-тавсия характерида бўлиши, миллий ва маҳаллий урф-одатлардаги ворисликни ҳисобга олиши керак.

Атеистик тарбия методикаси ва уни ташкил этиш соҳасида. Атеистик иш тажрибасини қайта идрок этиш асосида сафсатабозлик, андозалар, мавҳум-назарий схемалардан, хато йўл-йўриқлардан, уни олиб боришнинг самарасиз шакл ва воситаларидан воз кечиш керак. Менимча, агитатор-атеистларни диндорларга бириктириб қўйиш ўзини оқламади. Нопрофессионал атеистик лекция, суҳбатлардан, одамнинг ўзининг тўғри хулосага келишига имкон бермайдиган панд-насиҳатлардан аллақачон воз кечиш керак. Атеистик чиқишлар концептуал характерда бўлиши, юракка бориб тегиши, тингловчида қизиқиш уйғотиши, уни очиқ, дилдан гаплашишга ундаши керак.

Менинг назаримда, айни шу атеистик тарбия методикаси турли нуқтаи назарлар, позицияларни эркин баён этиш, фикрлар алмашиш, қарама-қарши томонлар бир хил шароитда бўлган, бирдек ҳуқуққа эга бўлган тақдирда ўзининг ҳақлигини ҳалол, виждонан исботлашдан иборат бўлиши керак. Хуллас, «давра суҳбати»да мулоқот, баҳслар, мунозаралар клублари, диндорлар билан динсизлар, атеистлар ва руҳонийларнинг учрашувлари керак. Шу нуқтаи назардан олганда атеистик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш программасини қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Уларга фақат билим бериш эмас, шунингдек мунозара, мулоқот олиб бориш методикасини, риторик маданиятни, диндорлар билан тиллашиш маҳоратини ўргатиш талаб этилади. Бу ишга малакали олимларни, табииёт, техника, ижтимоий ва гуманитар фанлари соҳасидаги мутахассисларни, ёзувчилар, рассомлар, композиторларни жалб этиш керак. Бу ерда гап динга, одамлар жавоб излаб динга мурожаат қиладиган масалаларга илмий ёндашиш тўғрисида боряпти. Дин ислоҳотчилари, тикловчиларининг ислом, христианлик, иудаизм муаммоларига доир чиқишларининг бирортаси ҳам эътиборсиз қолдирилмаслиги, уларга илмий асосланган жавоб берилиши керак.

Одамлар, айниқса ўсмирлар, ёшлар теварак-атрофда юз бераётган у ёки бу воқеаларни таҳлил этишда, «сирли ҳодисаларни», шу жумладан уларнинг шахсий манфаатларига дахл этувчи ҳодисаларни тушуниб олишда, ўзларининг конфессионал ва дунёқарашга оид ҳуқуқларини билиш ҳамда уларни тўғри ҳимоя қилишда қийинчиликни ҳис этадилар.

Масалан, Жуна Давиташвилининг биоэнергетик феномени ёки А. Кашпировскийнинг психотерапевтик сеанслари тўғрисидаги у ёки бу маълумотни, маслаҳат, тушунтиришни қаерда ва қайси муассасада тезда олиш мумкин? Ҳар ҳолда, Ўзбекистонда бундай муассаса йўқ. Шунинг учун ҳам кўпинча турли миш-мишлардан, тасодифий маълумотлардан фойдаланишга ёки тўғри маслаҳат бериши, тушунтириши даргумон бўлган кишиларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Шу муносабат билан «Билим» жамиятининг республика ва область ташкилотлари қошида ахлоқий-психологик, маънавий-дунёқарашга оид ва юридик ёрдам кўрсатиш бўйича махсус «ишонч хизматлари» барпо этиш зарурати туғилади. Табиийки, бу «хизмат» энг юксак малакали турли мутахассисларнинг ёрдамидан фойдаланиши керак. Атеистик тарбия бутун системасининг потенциалини ошириш учун у ислом, унинг издошлари ва ҳоказолар тўғрисида жуда катта илмий маълумотга эга бўлиши, яъни реал шарт-шароитга таяниши, унинг эҳтиёжларига мувофиқ келиши керак. Бу ерда: дин билимисиз атеистик билим бўлмайди, усиз эса атеистик тарбия бўлмайди, деган қоидага амал қилиниши керак.

Афсуски, ҳозирги замон ислом руҳонийларининг идеологик, сиёсий ва ахлоқий позицияларини ва диндорлар маънавий оламининг ўзгариши характерини ҳисобга олувчи диншуносликка оид кўп масалалар ҳали ҳам ҳал этилганича йўқ. Илмий-атеистик тадқиқотлар тематикаси билан боғлиқ жиддий муаммолар бор. Ислом дунёқараши, диндор мусулмонларнинг бугунги янгилантирувчи ва тиклантирувчи ҳаракатларида юз бераётган жараёнлар чуқур таҳлил қилинган фундаментал асарлар ҳали ҳам яратилгани йўқ.

Дин соҳиби ва уни қайта тикловчи бўлган асосий сиймо — бугунги диндорни (бу ерда ислом мухлислари кўзда тутилмоқда) системали равишда тадқиқ этувчи фундаментал асарлар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур: у динга мурожаат қилиб, жумладан фундаменталистик йўналишдаги ҳаракатда иштирок этиш билан ўзи-

нинг қандай ҳаётий эҳтиёжларини қондиради. Бундай диншунослик маълумотларисиз атеистик тарбия худди илгаригидай юзаки, формал характерда бўлади. Тадқиқотлар ўтказиш учун илмий, совет ва жамоат ташкилотлари социологларининг куч-ҳаракатларини бирлаштириш, манфаатдор муассасаларни одамлар диний, атеистик, миллий ва интернационал онгининг аҳволи ҳамда ривожланиш динамикаси, уларнинг дунёқарашга оид позициялари ва кайфиятлари ҳақидаги маълумот билан муттасил ва ўз вақтида таъминлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Партия комитетлари, жамоат ташкилотлари фақат шу йўл билангина ўзларининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларини прогнозлашлари, атеистик тарбиянинг исломшунослик базасини, унинг илмий асосланганлигини кўтаришлари мумкин бўлади.

Атеистик ишнинг анчагина қисмини одамларга бадиий-эмоционал таъсир этишда катта имкониятларга эга бўлган маданий-маърифий муассасаларга, ижодий союзларга аста-секин ўтказиш зарур. Бу инсонпарварлик функцияларини амалга ошириш йўли — олимлар, ёзувчилар, шоирлар, драматурглар, рассомлар, композиторлар, кинематография арбобларини одамларнинг диний ҳис-туйғуларига боодоблик билан муносабатда бўлишни акс эттирувчи ҳаққоний, ҳаётий асарлар яратишга кенг жалб этишдир. Балки, атеистик бирлашмалар, уюшмаларнинг мустақил мақоми тўғрисида ўйлаб кўриш ўринли бўлар, бунинг учун эса район, шаҳар, область партия комитетлари қошидаги атеистик ишлар кенгашларини бекор қилиш керак. Менимча, атеистик тарбиянинг дунёқарашга оид, ахлоқий, умуммаданий, инсонпарварлик ва умуминсоний бой потенциалини очиб беришга тайёр турган олимлар ва амалиётчи-атеистлар ассоциациясини барпо этиш зарур бўлиб қолди.

Мамлакатимизда исломшуносларни тайёрлайдиган биронта ҳам олий ўқув юрти йўқ. Мавжуд университетларнинг кўпчилигида, шу жумладан Тошкент университетида, шарқ факультетларида исломшунослик бўйича курс ўқилмайди, ислом, илоҳиёт тарихи бўйича махсус лекциялар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Ўйлаймизки, бундай факультетлар қошида исломшунослик бўлимларини очиш зарур бўлиб қолди. Менимча, исломга доир ҳам монографик, ҳам илмий-оммабоп адабиётни нашр этишни янгилаш керак. Илгарилари динга, исломга фақат қарши ёзилган адабиётлар мавжуд эди, чет элдаги мафкуравий мухолифларимиз коммунистларнинг исломга, бинобарин, бутун мусулмон оламига «душманлигини» кўрсатиш учун улардан жуда қойилмақом фойдаланишарди. Шуни таъкидламоқчиманки, бу ерда гап исломни идеаллаштириш тўғрисида эмас, балки уни илмий изоҳлаш, унинг халқлар тарихидаги ролига оид объектив маълумотлар тарқатиш хусусида боряпти.

Шундай қилиб, атеистик тарбияни қайта қуриш концепцияси Ўрта Осиё регионида идеология иши бу муҳим йўналишининг жуда кўп жиҳатларига дахлдордир. Лекин, юқорида таъкидлаб ўтилган нарсаларнинг ўзи ҳам партия, идеология ва жамоат ташкилотларининг аҳолининг регионал, миллий ва конфессионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда атеистик тарбияни қайта қуриш, янгилаш ва такомиллаштириш бўйича фаолиятида улар учун бошланғич материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Б. ЛУНИН

БУРИЛИШ БОСҚИЧИДА

Тарихчининг ўй-фикрлари

БОШҚА ИЖТИМОИЙ фанлар каби тарих фанининг ҳаёт талабларидан, қайта қуриш назарияси ва амалиётидан орқада қолаётганлигини қайд этиш ҳаммага маълум ҳақиқатларни такрорлаш бўлур эди. Ана шу аҳволнинг конкрет сабабларини аниқлашга ҳамда тарих фани ҳозирги аҳволининг реал манзарасини беришга ҳамда Ўзбекистон тарихчилари ишининг бундан буёнги вазифаларини белгилашга уриниб кўриш муҳимроқдир. Бундай қилиш шунинг учун ҳам зарурки, тарихчиларнинг кўпчилиги кишиларнинг ўз мамлакати, республикаси, ўлкаси тарихий ўтмишини билишга жадал ва чиндан ҳам ёппасига авж олаётган қизиқишларига сўзда эмас, амалда жавоб беришга интилмоқдалар.

Бундай муносабатни кўрсатувчи мисоллар мавжуд. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институти ва олий ўқув юртлари олимларининг коллективи «Ўзбекистон ССР тарихи қадимий замонлардан то ҳозирги кунгача» номли саккиз жилдли тадқиқотни нашрга тайёрламоқдалар. Бу фундаментал асар тарих фанининг энг янги ютуқларини акс эттириши, Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин ўтмиши бир қатор энг муҳим босқичларини янада тўла ва холис ёритиши лозим.

«Ўзбеклар. Тарихий-этнографик тадқиқот» номли катта (3 китобдан иборат) асар нашрга тайёрлаб қўйилди. Бу китоблардан биринчиси ўзбек ва рус тилларида чиқариш учун нашриётга топширилди ҳам. Унда ўзбек халқининг этник тарихига ва хўжалик соҳасидаги машғулотларига оид масалалар ёритилади. «Ўзбекистон қайта қуриш йилларида» тўплами учун материаллар тайёрлаш давом этмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти республикада инқилобий ҳаракат ва социалистик қурилиш арбобларининг қувғин қилинган, репрессияга дучор этилган ва ноҳақ унутилган арбоблари ҳақидаги очерклар китобини чиқармоқда.

Тобора тез-тез ташкил этилиб турган «давра суҳбат»ларини маъқулласа арзийди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тарих институти Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё тарихига оид долзарб муаммолар бўйича мунтазам равишда регионал илмий баҳс-мунозараларни ўтказиб турибди. Уларда ёш ва кекса тарихчилар, бошқа республикаларнинг вакиллари, Москва ва Ленинград олимлари қатнашмоқдалар. Бундай мунозараларнинг «Тарих фанининг долзарб муаммолари» сериясида тезкорлик билан нашр этилаётган материалларидан кенг жамоатчилик баҳраманд бўлмоқда. «Ўрта Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошидаги миллий-озодлик ҳаракатларининг тарихи ва историографияси: якунлар, изланишлар, ўрганиш истиқболлари», «Ўзбекистондаги революцион-демократик туб ўзгартишлар», «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда янги иқтисодий сиёсат: назария, тарих, мулоҳазалар», «Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг 40—50-йиллардаги тарихи муаммолари», «Ўзбекистон ишчилар синфи ривожланишининг ҳозирги муаммолари (1987 йилги социологик тадқиқотлар материаллари бўйича)» тўпламлари ва бошқалар босмадан чиқди. «Ўрта Осиё халқлари маданий меросини ўрганиш муаммолари», «Ўрта Осиё ва Қозоғис-

---

ЛУНИН Борис Владимирович, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг бош илмий ходими, тарих фанлари доктори.

тонда Октябрь инқилоби: назария, муаммолар, ўрганиш тарихи», «Фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонишга Ўрта Осиё қўшган ҳиссани ўрганишга янгича ёндашувлар», «Ўрта Осиёнинг сўнгги феодал давр шаҳри», «Историографик мутолаалар» ва бошқа тўпламларни чиқариш мўлжалланган.

Тарих бўйича Республика проблема-координациялаш кенгашининг фаолияти жонланди. Унинг мажлисларида номзодлик ва докторлик диссертациялари тематикасини кўриб чиқиш тадқиқотларнинг мақсадли йўналишини аниқлашда диссертация ёқловчиларга кўмаклашади. Ҳеч қандай янгилиги бўлмаган, тарихий билимнинг бирон бир даражада ўсишига ёрдам бермайдиган майда-чуйда мавзули заявкалар қабул қилинмаётир. «Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ўзбекистондаги революцион-демократик туб ўзгартишлар» (Андижон), «Ўзбекистонда тарихий ўлкашуносликнинг ҳозирги аҳволи ва вазифалари» (Урганч) каби ва бошқа муаммолар бўйича Кенгашнинг сайёр илмий сессияларини ўтказиш таомилга кира бошлади. Республика ёш олимларининг вақти-вақти билан чақирилиб турган илмий конференциялари муваффақиятли ўтмоқдаки, бу уларнинг ижодий жиҳатдан ўсаётганлигини, мустақил тадқиқотларни амалга оширишга қодирлигини тасдиқлаб турибди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасидаги тарихчиларнинг Тошкент олий ўқув юртлари (В. И. Ленин номли давлат дорилфунуни, Низомий номли педагогика институти) тарих факультетларининг ўқитувчилари ва студентлари билан учрашувлари катта қизиқиш туғдирди.

Республика олий ўқув юртларини битириб чиққанларнинг тарих фани билан шуғулланаётганлиги ижобий натижалар бермоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тарих институти энг яхши асарлар бўйича конкурслар ўтказмоқда. Историография ва манбашуносликка оид тадқиқотлар авж олиб бормоқда.

Яқинда барпо этилган Ўзбекистон тарихчилари жамиятининг фаолиятини қўллаб-қувватласа арзийди. Унинг мухлислари ҳали кўп эмас, у тарихчилар, ўқитувчилар, ўлкашуносларни етарли даражада аъзо қилиб олганича йўқ. Аммо қилинаётган ишлардан умид катта. Масалан, «Социализмнинг марксча-ленинча концепцияси. Унинг ижодий ривожлантирилиши», «Қиёслама тарих методологиясининг муаммолари ва имкониятлари», «Ҳозирги жамиятда дин», «XXI аср бўсағасидаги диний тафаккур» каби ва бошқа масалалар фаоллар муҳокамасига қўйилди. Жамият илмий-ахборот характеридаги «Бюллетенлар»ни чиқаришга киришди.

Шундай қилиб, республика тарихчилари фаол ишламоқдалар, ўтмиш чиқиндиларини бартараф этишга қатъий бел боғлаганларки, бу қувончлидир. Айни чоқда шу нарса мутлақо равшанки, янгиланиш ва ривожланишнинг кенг йўлига чиқиш эндигина бошланди. Бу қонуний, албатта. Шахсга сиғиниш ва турғунлик даврлари ғоят катта ва оғир мерос қолдирди. Ўнлаб йиллар мобайнида тарих фани юқоридан туриб белгилаб қўйиладиган мафкуравий қонун-қоидаларнинг ҳамда совет жамиятининг аҳволини холисона, айниқса танқидий таҳлил этиш имкониятининг қатъий чекланишининг асири бўлиб келди. Китоб магазинлари ҳаётнинг ҳамма ҳодисаларининг қайта кўриб чиқилмайдиган тайёр талқинини изоҳлаш ва кенг ёйишдангина иборат бўлган иш билан шуғулланишга мажбур бўлган тарихчиларнинг кўпдан-кўп китоблари билан тўлиб кетган эди. Ижтимоий фанлардаги монополизм тарихчиларни расмий мафкуранинг «суянчиғи»га айлантирди. Ваҳоланки, Н. Г. Чернишевский сўзлари билан айтганда, тарихчилар «ўтмишни тасвирлаш»нигина эмас, балки «уни тушунтириб беришни, унинг ҳақида ҳукм чиқаришни» ҳам билишлари лозим.

Аммо «ҳукм»ни воқеаларнинг боришини конкрет таҳлил этиш ва уларга холис баҳо бериш эмас, балки Сталиндан тортиб то Сусловгача мафкура жабҳаси «доҳийлари» ва «назариётчилари»нинг хоҳиш-иродаси тақозо этар эди. Бунинг оқибатида совет кишилари ўнлаб йиллар мобайнида, образли қилиб айтганда, тарихий билимларга ташна бўлиб келган эдилар. Ўтмишнинг кўпдан-кўп жонли, мураккаб, зиддиятли, реал мавжуд ғоят муҳим воқеаларини юқоридан белгилаб берилган сийқа ва ғаразгўй, марксизм-ленинизмнинг сўнгги сўзи деб уқтирилган «концепциялар» назар-писанд қилмасди. Октябрдан кейинги даврда яшаган атоқли тарихий шахсларнинг номлари, уларнинг ишлари назардан четда қоларди.

Ғоялар курашининг бориши, турли хил дунёкарашларнинг тўқнашувлари ва яккама-якка олишувлари узил-кесил қилиб ҳамда қатъиян чеклаб ёритиларди. Тарих тасвирининг ранглари асосан қора ва қизил бўёқлардангина иборат эди.

Ҳозирги кунда олимлар «оқ доғлар» деб аталган нарсани бартараф этишга қанчалик кўп уринсалар, бу борадаги қилинадиган ишларнинг жуда катта ҳажмда эканлиги шунчалик яққол кўриниб бормоқда. Мамлакатимиз янги ва айникса энг янги тарихининг, шу жумладан Совет Шарқи тарихининг нафақат айрим саҳифалари, балки кўпинча бутун-бутун қатламлари ҳам қайта кўриб чиқишга ва қайта мушоҳада этишга муҳтождир.

Кези келганда айтиш керакки, «оқ доғлар» тушунчасининг ўзини аниқлаш лозим бўлади. Бундай «доғлар» у ёки бу масалани етарлича ўрганмасликнинг ёхуд унга оид зарур материаллар йўқлигининг оқибати эканлиги бир нарсаю, улар бир қатор муаммоларни атайлаб писанд қилмаслик, воқеликни кўра била туриб сохталаштириш натижасида юзага келиши бошқа бир гапдир.

Хўш, Ўзбекистонда тарих фанининг янада тез ва муваффақиятли ривожланишига нима халал бермоқда, биринчи навбатда қандай вазифаларни ҳал қилиш лозим бўлади?

Шуни қайд этиш керакки, қадимий ва ўрта аср тарихини ўрганиш соҳасида мунозарали масалалар мавжуд. Олимларнинг кўп йиллардан буён баҳслашиб келишига қарамай, масалан, Ўрта Осиёнинг ўзига хос шароитида қулдорлик муносабатларининг роли аниқ-равшан эмас. Зеро ўлкада эркин деҳқонлар ва ҳунармандлар ташкилотининг формаси сифатида қишлоқ жамоаси муҳим ўринни эгаллаган, шундай экан, илгари қабул қилинганидек, бутун аҳолини фақат қуллар ва қулдорларга бўлиш, чамаси, нотўғри бўлур эди. Шарқ Ренессанси (Уйғониш даври) муаммоси ҳамон ечилмай қолмоқда. У регионда мавжуд бўлганми ва айнан қачон мавжуд бўлган? Мавжуд бўлган бўлса, қай даражада мавжуд бўлган ва у тарихнинг бутун бир даврини характерлаб берганми ёки фақат пайдо бўла бошлагану шартли бир характердаги тушунчалигича қолаяптими?

Ўрта асрнинг сўнгги давридаги аграр муносабатлар системасини қўшимча равишда ўрганиш талаб этилади. Баъзи бир халқ ҳаракатларининг роли тўла-тўкис очиб берилмаган. Ўрта Осиёга татбиқан олиб, феодал муносабатларнинг емирилиши, таназзулини ўрганиш зарур. XVIII асрда — XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликларининг қолоқлик даражаси ҳақидаги масала баҳсли масала бўлиб қолмоқда. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар, шаҳарларнинг аҳамияти етарлича тадқиқ этилмаган.

Янги тарихда охиригача ўрганилмаган масалалар кўп. 1905—1907 йиллардаги революция воқеалари ўлка қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига айнан қай даражада таъсир кўрсатганлиги аниқ эмас. Меньшевиклар, эсерлар, кадетлар ва ҳоказолар партияларининг тарихини ва социал моҳиятини яхшироқ ёритиш лозим бўлади. Худди ана шунинг учун ҳам Октябрь арафасидаги Ўзбекистондаги вазият ва ижтимоий кучлар нисбати бир ёқлама талқин қилиб келинган Жадидизм каби ижтимоий ҳаракатни ва унинг турли босқичларини янада тўлароқ ва аниқроқ баҳолаш талаб этилади. Хива ва Қўқон хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги архивларининг жуда бой материаллари (ўн минглаб ҳужжатлар) ҳали кенг кўламда ўрганилаётгани йўқ. Ўзбекистоннинг ва бутун Ўрта Осиёнинг Россия таркибига қўшиб олиниши барча жиҳатларини ҳамда унинг оқибатларини чуқур ва ҳар тарафлама таҳлил этиш учун тарихчилар янада кўп куч-ғайрат кўрсатишлари лозим. Дарвоқе, ана шу муаммо юзасидан кейинги вақтларда бир-бирига зид нуқтаи назарлар баён этилмоқда. Бир қутбдан иккинчи қутбга ўтиб турилибдики, бу фан манфаатларига хизмат қилмайди.

Аммо совет жамияти тарихини тадқиқ этувчилар олдида ғоят кўп муҳим масалалар турибди, албатта. Октябрь инқилобини тайёрлаш, амалга ошириш ва уни оқибатларига оид масалалар бўйича баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Сталинчилик йиллари ва турғунлик даврида зўрлаб тиқиштирилган стандартлаштирилган, узил-кесил, сийқалаштирилган ва мажбурий таъриф доираси билан чекланган тасаввурлар ҳаққоний равишда танқид қилинмоқда. СССРнинг Октябргача ва Октябрдан кейинги тарихи бир қатор жиҳатларини янгича мушоҳада этишга ва янгича баҳолашга уринишлар кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон тарихчилари ана шу баҳс-мунозараларга кўпроқ фаоллик билан қўшилишлари керак.

Ҳозирги кунда мамлакатда ва чет элларда В. И. Ленинннг назарий ва амалий мероси теварагида баҳслашувлар тўлиб-тошиб ётибдики, бу табиийдир. Дунёни ларзага келтирган кўп воқеалар унинг номи билан боғлиқ. В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятини ҳалол ва холис ўрганаётган республика тарихчилари Ўрта Осиё халқлари тақдирига тааллуқли бўлган ушбу меросда тарихнинг энг муҳим даврларида қандай нарса ўзининг ижобий ролини ўйнади, нималар гипотеза бўлиб қолаверди ёки вақт ўтиши билан сохталаштирилди ва бузилди: нималар тарих синовига бардош беролмади ва аниқлашни ва ижодий ривожлантиришни талаб этади, нима ҳозирги кунда ҳам ҳамон ориентир бўлиб хизмат қилмоқда, деган саволга жавоб берилишига кўмаклашишлари керак.

Тарих ўзи билан бирга янги-янги фактларни ҳамда назарияни янада ривожлантиришни талаб қиладиган янги-янги тадқиқот усулларини олиб келиши ҳақидаги В. И. Ленинннг ўзи айтган сўзлар ана шу маънода долзарб янграйди. Тарих фани «фақат ўтмишни изоҳ қилиш маъносидагина эмас, балки келажакни қўрқмасдан олдиндан кўриш ва уни амалга ошириш йўлида дадил амалий фаолият кўрсатиш маъносида ҳам...» (Тўла асарлар тўплами, 26-том, 93-бет) масалалар қўйишга даъват этилган. Муҳими юзаки, енгил-елпи, ақидапарастликдан иборат мулоҳазаларга йўл қўймасликдир. Синчиклаб кўриб чиқилган, реал фактлар билан асосланган, қатъий илмий хулосалар зарур.

Шуни ҳам айтайликки, яқингинада тарихчилар, бошқа ихтисосларга мансуб жамиятшунослар республика матбуоти саҳифаларида Ленин меросини фаол тарғиб қилиб келдилар. Ҳозир эса очиқдан-очиқ жимжитлик ҳукм сурмоқда. Албатта, ҳозирги кунда энди бошқача ёндашув (цитаталар келтириш билан фикр юритиладиган ёндашув эмас, яхлит, аналитик ёндашув, ҳозирги замон билан узвий алоқадорлик, охири кўринмайдиган сафсатабозликдан воз кечиш) лозим. Аммо журнал ва газеталар энг осон йўлдан бораётганликлари билан муроса қилиб бўлмайди. Айниқса ленинизмнинг асос солувчи қоидаларини шубҳа остига олишга «сўл»дан ва «ўнг»дан уринишлар бўлаётган, Октябрнинг тарихий аҳамияти, социалистик мафкуранинг жозиба кучи суриштирмай-нетмай инкор этилаётган бир пайтда шундай қилинаяпти. Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг ҳужжатларида ҳаққоний равишда мана бундай деб таъкидланади: «Биз, социалистик ғоя аввал бошданоқ нотўғри эди, 1917 йил Октябри хато бўлган, деган даъвога қўшилмаймиз. Биз ўз тарихимизни йўққа чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиали саҳифалар кўп бўлди. Ахир, кекса авлодларнинг, ота-боболаримизнинг кураши ва меҳнатини инкор этиб бўладими? Улар ярим феодал ҳолидаги қолоқ мамлакатни ижтимоий ва илмий-техникавий жиҳатдан тараққий этган замонавий даражага кўтардилар. Бу аниқ-равшан далилни ҳеч ким рад қила олмайди.

Социалистик қурилишнинг кўпгина босқичларида кўпол хатолар ва бузилишларга йўл қўйилганини ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса шубҳа остига қўя олмайди... Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона, танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз».

Ўзбек халқининг ва Ўрта Осиё бошқа халқларининг тарихига қизиқиш республиканинг норасмий ташкилотлари орасида ҳам кучайиб бораётганлигини кўрмасликнинг иложи йўқ. Уларнинг таъсири остида бўлган ёшларнинг бир қисми яқин ўтмишнинг жадидизм, босмачилик каби ва бошқа воқеалари ҳақидаги, Темур сингари тарихий сиймолар ҳақидаги ўзига қарата айтилган ҳар бир сўзни чанқоқлик билан қабул этмоқда. Афсуски, ушбу масалалар бўйича ахборот манбалари ҳамма вақт ҳам ишонарли бўлавермайди, баъзан ҳатто ғаразгўй ва бир ёқлама бўлади. Шу муносабат билан мутахассис тарихчиларнинг Маданият уйлари ва бошқа ташкилотлар қошида тузилаётган тарих ихлосмандлари клублари иштирокчилари билан ҳозирги пайтда бўлиб турган мулоқотларини кутламоқ ва кенгайтирмоқ лозим. Насиҳатгўйликдан холи асосли ва билиб айтилган сўз фойдали ишга хизмат қилган бўлур эди.

Вақт кутмайди. Тарихга бўлган субъективистик, бир ёқлама, баъзан миллатчилик руҳи билан суғорилган қарашларга воқеалар жараёнини холис ёритувчи мутахассисларнинг асарлари қарама-қарши турмаса, ҳақиқатга тўғри келмайдиган тасаввурлар юзага келади. Ўрта денгиз қирғоқларидан тортиб то Марказий Осиёгача бўлган территорияни қамраб олган жуда катта империя барпо этган

Темур каби ёрқин ва ўзига хос тарихий сиймога бериладиган баҳога тааллуқли хулоса норасмий ташкилотлар ичида тарқалганлиги бунинг яққол мисолларидан биридир. Ташкилотчи, дипломат ва мағлубият нима эканлигини билмаган саркарда сифатидаги унинг улкан ва бешак қобилиятлари, мустаҳкам иродалилиги ҳаққоний равишда ҳамон диққат-эътиборни ўзига тортмоқда. «Темур ва темурийлар даври»га асос солган Ўрта Осиёдаги кучли марказлаштирилган давлатнинг қарор топиши ва ривожланиши унинг номи билан боғлиқдир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Наполеон ҳамда ўтмишдаги бошқа машҳур саркардалар ва сиёсий арбоблар билан бир қаторда жаҳон тарихига кирган Темур сиймосига бўлган муттасил қизиқиш тушунарлидир, албатта.

Шу билан бирга Темур шахсининг ҳаддан ортиқ идеаллаштиришга бўлган уринишларни ҳам, норасмий ташкилотлар айрим мафкурачиларининг унинг номини кўкларга кўтариб, ғоят катта кўламларда ишлаб чиқарувчи кучлар вайрон этилганлиги ҳамда жуда кўплаб одамлар қурбон бўлганлиги ҳақида гапирмасликка ёки шунчаки енгил-елпи гапиришга уринаётганликларини ҳам қайд этмоқ лозим. Очиқдан-очиқ истилочилик ва талончилик юришлари кўпгина Шарқ мамлакатлари ва бутун дунё халқлари хотирасида нохуш из қолдирди ҳамда Темурнинг улкан империяси социал негизлари заиф, омонат бўлишини, унинг қонуний тарзда тарихан тез емирилишини олдиндан белгилаб қўйди.

Кези келганда айтиш керакки, Темур ва унинг ворислари замонида Самарқанд, Шаҳрисабзда ва баъзи бир бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳунармандчилик, савдонинг юксалиши бутун Ўрта Осиё территориясига қай даражада ёйилганлиги тўғрисидаги масалага ҳали тарихчилар жавоб беришлари лозим бўлади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Хоразм воҳаси вайрона бўлган. Нисо ва Даҳистон вилоятида шаҳарлар камайиб кетган, уларнинг баъзи бирларида умуман ҳаёт сўнган. Ниҳоят, ўлканинг асосий аҳолиси бўлмиш кенг деҳқонлар оммасининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи қандай бўлган, бу аҳвол яхшиланганми ёки оғир ва ночор бўлиб қолаверганми? Бутун шароит ва вазиятни ҳисобга олишгина ўз муҳити ва замонининг фазилатларию нуқсонларини ўзида гавдалантирган ноёб Темур қиёфасининг жами қирраларини ҳаққоний ёритиш имконини беради. Афсуски, ушбу муаммо бўйича ҳанузгача ақалли қисқача холис очерк йўқ.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳар бирининг турмуши ўз миллий хусусиятларига эга бўлганлиги маълум ва шубҳасиздир. Бу табиий ва қонунийдир. Айни чоқда шундай бир фактни ҳам ҳамма эътироф этадики, бу халқларнинг кўп асрлик тарихида кўпинча бир-бири билан чатишиб кетган сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётда, хорижий истилочиларга ва «ўз» золимларига қарши озодлик ва мустақиллик учун курашда анча-мунча муштарак жиҳатлар ҳам бўлган. Тарихий тақдир муштараклигига ҳаётдаги табиий шарт-шароитлар яқинлиги ҳам кўмаклашган. Регион тарихи бўйича умумлашган асар яратиш зарурати аллақачон пайдо бўлди. Унинг ижтимоий-сиёсий, маърифий ва тарбиявий аҳамияти равшандир.

Яқингинада илмий жамоатчиликнинг ташаббуси ва СССР Фанлар академияси Тарих институтининг бошчилигида ана шундай тадқиқотни босмага тайёрлашга уриниб кўрилган эди. Бу ишда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг ўнлаб олимлари — археологлар, тарихчилар, этнографлар, санъатшунослар, адабиётшунослар, иқтисодчилар, файласуфлар иштирок этдилар. Тадқиқот тобора реал кўринишга эга бўла борди. Жуда билимдон мутахассисларнинг қаламига мансуб ўнлаб мақолалар, очерклар, обзорлар ёзилди. Мўлжалланган асарнинг тайёр боблари ва бўлимларининг дастлабки қўлёзма вариантларини муҳокама қилиш бошланган эди.

Хўш, нима бўлди? Шу заҳоти айрим тарихчилар ўртасида айнан қайси халқ қадимийроқ, айтайлик, фалсафий тафаккурни, бадиий сўзни, тасвирий санъат ва ҳоказоларни ривожлантиришда ким етакчи ўрин тутганлиги хусусида шиддатли баҳслар бошланиб кетди. Ана шу хилдаги масалаларнинг ҳаммаси юзасидан матн устида биргалашиб иш олиб бориш, зарур тузатишлар ва аниқликлар киритиш ҳамда, агар зарур бўлиб қолса, регион халқлари этногенезининг ва этник тарихининг айрим жиҳатлари етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатиб ўтиш йўли билан бир фикрга келиш мумкин ва лозим эди. Айниқса шунинг учун ҳамки, пировард

натижада, жаҳон тажрибаси далолат бериб турганидек, инсоният тарихида у ёки бу халқнинг ўрнини мазкур ҳолатлар белгиламайди.

Булар кўринишдан оддий ва равшан ҳақиқатга ўхшайди. Шундай бўлишига қарамай, юзага келган келишмовчиликлар ва бир-бирини таъна қилишлар оқибатида кўп томли асарнинг яратилиши жараёни қийинлашиб кетди ва у тўхтатиб қўйилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон Фанлар академиялари тарих институтлари директорларининг қайта қуриш шароитида тарихий тадқиқотларни регионлараро координациялаш муаммолари бўйича кенгашида (Олмаота, 1989 йил июнь) ушбу ишни қайта тиклаш истаги билдирилди. Аммо ҳануз иш жойидан қўзғалмади ва «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари тарихи»нинг яқин йилларда босилиб чиқишига энди умид боғлаб бўлмайди.

Шундай қилиб, аччиқ ва бешафқат ҳақиқат шундан иборатки, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон тарихчиларининг ўзлари орасида баъзан илм-фанни олға бостиришга кўмаклашмайдиган эски ва субъектив хато фикрларнинг оқибати ўзини кўрсатмоқда. Айниқса ҳозир, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги аҳволни яхшилаш лозим бўлиб турган бир пайтда Ўрта Осиё барча халқларининг манфаатларини кўзлаб, қийин бўлсада, бу ҳақда гапириш зарурдир. Бу ўринда, тарихий адабиётда «шартли қилиб айтганда, бир олмани «Беруний — сенга, Абу Али ибн Сино — менга» қабилида бўлиш, умуминсоний маданий мероснинг ажойиб тўқимасини тилка-пора қилиш ва унинг парчаларини ўз инига олиб кириб кетишга шошилиш» (Вопросы истории, 1989, № 5, 63-бет) га йўл қўйиб бўлмайди, деган фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ.

Яна бир жуда муҳим ва принципиал масала. Партиявий ишни тубдан қайта қуриш, партия органларини уларга хос бўлмаган бошқариш, фармойиш бериш функцияларидан катъиян халос этиш ҳозирги кун учун характерли жараёндир. КПСС XXVIII съезди қандай борганлиги ва унинг якунлари бунинг далилидир. Асосий иш партиянинг ғоявий-тарбиявий, сафарбар этувчилик ролига, соғлом, қайта қурувчи кучларни жипслаштиришга қаратилмоқда. Равшанки, бу фаолият гуманитар фанлар соҳасини, шу жумладан тарих фанини ҳам қамраб олиши лозим. Партия тарихчиларнинг тадқиқотчилик ишидаги ижодкорлик, изловчанлик негизини кучайтиришга, уни такомиллаштириш, эни ва бўйига ривожлантиришга, ўтмишни ва ҳозирги кунни маҳорат билан ва ишонарли қилиб, барча билимлар билан қуролланган ҳолда ёритиш қобилиятини кучайтиришга кўмаклашиши лозим.

Аммо партия ва унинг раҳбар органларининг маслаҳат ва тавсиялари тарихчилар томонидан маъқуллаб қабул қилиниши ва уларга ишда реал ҳамда амалий ёрдам кўрсатиши учун у ёки бу муаммолар бўйича компетентли ва мўътабар фикр-мулоҳазалар билан мазкур ҳуқуқни сўзда эмас, балки иш билан исботлаб бериш зарурки, буни мутахассис тарихчиларнинг муттасил иш олиб бораётган жамоатчи фаолларига таянилган тақдирдагина қилиш мумкин. Олимларга «конкрет кўрсатмалар»ни ҳамда бажарилиши шарт директиваларни «юқоридан туриб» тиқиштириш амалиётига қатъиян барҳам бериш керак. Бундай амалиётнинг оқибати шу бўлдики, Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатлар қадимий ва ўрта аср тарихи бўйича тадқиқотлар ҳамда олимларнинг ёш авлодларини тайёрлаш иши орқага суриб қўйилди. Янги ва энг янги тарих (шу жумладан совет жамияти тарихи) юқоридан «рухсат берилган» ва амалда тақиқланган, номақбул мавзуларга тақсимланиб келди. «Социал буюртма» тушунчасининг ўзи тарихчилар асарларининг йўналишини, уларнинг олдиндан белгилаб қўйилган схемаларга бўйсундирилишини белгилаб берарди.

Илмий муассасалар ишини кишилар асабини бузиб кўплаб текшира бериш ўтмишда қолиб кетиши керак, зеро бундай текширишлардан кейин «ғоявий нуқсонлар», «замонавийликдан чекиниш» ва ҳоказолар баҳонасида жазо беришлар бошланарди. Бунда фикрлар хилма-хиллиги ҳақида гап юритиш қаёқда дейсиз.

Республика тарихчиларига ижодий изланиш, ўз фикрига эга бўлиш, илмий баҳслар қилиш ҳуқуқини қайтариб бериш керак. Ваҳоланки, ханузгача ҳам бир кунлик «илмий-амалий» конференциялар чақириш амалиёти барҳам топмаганки, уларда бепарво ва толиққан тингловчиларнинг кўп соатларга чўзиладиган бардошига мўлжалланган ҳамда савол ва жавоблар учун, манфаатли тарзда фикр алмашувлар, илмий баҳслар учун ўрин қолдирмайдиган докладлар ва ахборотлар

кун тартибидан жуда катта ўрин олар эди. Бундай конференциялар охирлаб қолганда (залдагилар жуда камайиб кетарди) ҳали сўзга чиқмаган нотиқларга: «Илтимос, фақат қисқароқ бўлсин, чунки ҳамма чарчаган» деб мурожаат қилишлар одат бўлиб қолган. Бу хил тадбирларнинг «фойдали коэффициенти» қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Тарих фанининг энг муҳим масалаларини комплекс тарзда ишлаб чиқиш ҳамда умумлаштирувчи асарлар яратиш мақсадида турли ихтисосларга мансуб жамиятшунос олимларнинг — этнографлар, иқтисодчилар, социологлар, файласуфлар, адабиётшуносларнинг куч-ғайратини бирлаштириш зарурлиги ҳақида аллақачондан буён ва кўп маротаба гапирилади. Мисол учун, чуқур, холис ва ҳар тарафлама ўрганишга муҳтож бўлган жадидлар ҳаракатини олиб кўрайлик. Тарихчилар унинг сарчашмаларини, ривожланиш сабаблари, шароитлари ва хусусиятларини тадқиқ этишлари, файласуфлар — ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ушбу ҳодисасини, унинг идеологларининг дунёқарашини аналитик кўриб чиқишни амалга оширишлари, адабиётшунослар — ўз муҳитидан шоирлар, ёзувчилар, драматургларни етиштирган жадидизмнинг ижодий меросини ёритишлари мумкин бўлур эди. Ўзбекистон шароитида янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш тарихини ўрганганда тарихчилар билан иқтисодчиларнинг яқиндан ҳамкорлик қилиши ғоят фойдали бўлур эди. Ҳозирча буларнинг ҳаммаси эзгу истаклигича қолмоқда.

Совет Ўзбекистони ва бутун Ўрта Осиё тарихи бўйича жуда кенг, шу жумладан энг янги чет эл адабиётининг олимлар томонидан танқидий мушоҳада этилиши ҳам яхши аҳволда эмас. Яқингача совет историографларининг кўп бўлмаган ҳақиқатан аналитик асарлари билан бир қаторда китоб бозорида «Совет Шарқи халқлари тарихини буржуача сохталовчиларни ғазаб ва муросасизлик билан фош этувчи» юзаки ва қуруқ гапдан иборат асарлар тўлиб-тошиб ётар эди. Объектив баҳо бериш ўрнига хилма-хил ҳақоратдан иборат гапларнинг шунчаки оддий йиғиндиси («туҳматчилар, иғвогарлар», «антисоветчилар», «империализм малайлари» ва ҳоказо) ишлатиларди, айни чоқда «СССР барча халқларининг тарихда мисли кўрилмаган иқтисодий-маданий юксалиши ва гуллаб-яшнаши» ҳақида гувоҳлик берувчи «рад этиб бўлмайдиган» маълумотларга таяниларди.

Хўш, ҳозирги пайтда фан ва жамият манфаатлари Ўрта Осиё тарихи бўйича хорижий адабиётни ўрганувчи ва изоҳловчи тарихчи олимлардан нималарни талаб қилмоқда? Аслида уйдирма ва туҳматдан иборат гапларни у ёки бу муаммолар бўйича ўзининг, майли мунозарали бўлсада, концепциясини илгари сураётган советшуносларнинг эътибор ва мунозарага сазовор фикр-мулоҳазаларидан фарқ қила билиш маҳоратини талаб қилади. Тарихчилар ишончли манбалар негизида хато, нотўғри ва ғаразли гаплар ҳақида баҳслашиб ва уларни рад этиб, бу адабиётдан кўпинча тўғри ва фойдали бўлган барча нарсаларни олишлари, унинг мазмунида ётган анчагина аччиқ, лекин бешафқат ҳақиқатни идрок этишлари лозим. Ҳозирча чет эл историографиясини ёритиш ва баҳолашга бундай ёндашишни кўрмаймиз.

Воқелигимиз шундайки, ўтмишни очиқ-ойдин сохталаштириш баъзан матбуот саҳифаларида пайдо бўлаётганлиги ғалати бир нарса. Бунга бир мисол — Михаил Попов мақоласининг эълон қилинишидир («Фрунзевец» газетаси, 1989 йил, 15 июнь). Газетхон наздида мустамлакачилик режимининг ҳаддан ташқари идеаллаштирилган ва бўяб кўрсатилган атоқли ва тажрибакор арбоби, Туркистон генерал-губернатори қудратли Кауфманнинг (гўё «ҳужжатларга асосланган») қиёфаси пайдо бўлади. Мақола очиқдан-очиқ маддоҳлик характерида бўлиб, бунинг устига, буюк давлатчилик руҳи билан суғорилгандир. У, айтайлик, 1889 йилда эмас, балки 1989 йилда ёзилганлигига ишониш қийин.

Бунга, албатта, эътироз билдириш мумкин. Зеро ҳар бир тарихчи воқеалар моҳиятини ўзича, майли субъектив тарзда кўриш, майли мунозарали бўлса ҳам ўз фикрига эга бўлиш ҳуқуқига эга эмасми, ахир? Эга. Аммо масъулиятсизлик ва муболаға қилиш, очиқ-ошкора ёлғончилик, атайлаб фактларни аралаш-қуралаш қилиш орқали эмас. В. И. Лениннинг сўзларини эсга олайлик: «Фактлар, агар улар *бутунлигича,* бир-бирига *боғлаб* олинса, «ўжар нарсагина» эмас, балки шубҳасиз далил ҳам бўла оладиган нарсадир. Кичик фактлар, агар улар бутун

ҳолича, бир-бирига боғлаб олинмаса, агар улар бўлак-бўлак ва ўринсиз бўлса, худди фақат ўйинчоқ ёки ундан ҳам бадтар бир нарса бўлади... Бунинг ҳақиқатан пойдевор бўлиши учун бўлак-бўлак фактларни эмас, балки текшириладиган масалага оид фактларнинг *ҳеч бир истисносиз бутун мажмуини* олиш зарур...» (Тўла асарлар тўплами, 30-том, 404—405-бетлар).

М. Поповнинг мақоласи (худди шунингдек генерал Скобелевнинг Ўрта Осиёдаги фаолияти ҳақидаги идеаллаштирилган ва реал ҳақиқатга зид бўлган очерки ҳам) республика тарихчиларининг эътиборидан четда қолмади ва матбуот саҳифаларида ҳаққоний равишда салбий баҳо олди.

Кун тартибидан тушмаётган бошқа бир муҳим масала — Ўзбекистон тарихи бўйича оммавий илмий-оммабоп китоблар чиқаришни кўпайтиришдир. Айниқса ўзбек тилида бундай адабиётга талаб-эҳтиёж жуда катта. Ўқитувчилар, мактаб ўқувчилари, студентлар қўлида фундаментал йиғма асарлар, шунингдек Ўзбекистоннинг қадимий, ўрта аср, янги ва энг янги тарихи бўйича фаннинг энг сўнгги талабларига жавоб берадиган қўлланмалар ҳам йўқ. Уларни яратиш — қийинчиликларга дуч келадиган, вақт талаб қиладиган оғир ишдир. Аммо агар тарихчилар бу бўшлиқни тезда тўлдиришга қодир бўлмасалар, унда нима учун ўқувчиларни, мисол учун миллий-озодлик ва революцион ҳаракатлар, Октябрь инқилоби, индустриялаштириш, коллективлаштириш, маданий қурилиш, миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар ва бошқа шу каби республика тарихининг айрим, ҳал қилувчи масалалари бўйича ақалли қисқача очерклар битилган китобчалар билан таъминламаслик керак?

Вақтни бой бермасдан, афтидан, «Ўзбекистон тарихчиси кутубхоначаси» туркумидаги брошюраларни нашр қилишга киришиш, улар устида олиб бориладиган ишни қатъий илмий бўлгани ҳолда тушунарли ва аниқ-равшан баён этилишига эришиш лозим. Республика «Билим» жамияти, «Ёш гвардия» ва бошқа нашриётлар бу янги ишда муҳим роль ўйнай олган бўлур эдилар. Ҳозирча эса «Фан» нашриёти йўли билан 1991 йилда илмий-оммабоп адабиётлар (ўзбек тилида 54 номда) чиқариш планида Ўзбекистон тарихи бўйича китоблар ҳиссасига бор-йўғи 4 та китоб тўғри келади.

Қоғознинг танқислиги республикада янги журналлар чиқаришга тўсқинлик қилмоқда. Шундай бўлсада «Ўзбекистон тарихи» типидаги кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган нашрни чиқариш масаласи кўп йиллардан бери кўндаланг бўлиб турибди. У қатъий илмийликни баёнининг тушунарли бўлиши билан қўшиб олиб бориб, гуманитар билимларни пропаганда қилишда меҳнаткашларда ўтмишга ҳурмат руҳини тарбиялаб, замонлар жонли алоқасини сеза ва қадрлай билишларини шакллантириб, ўзбек халқининг ва республикадаги бошқа халқларнинг кўп асрлик тарихидаги барча энг яхши нарсалар билан фахрланиш туйғусини шакллантириб катта роль ўйнаган бўлур эди. Муаллифлар таркиби нафақат мутахассислар — тарихчилар, археологлар, этнографлардангина эмас, балки ҳаваскор ўлкашунослар, мактаб ўқитувчилари, коллекционерлардан ҳам иборат бўлиши мумкин.

«Вопросы истории» умумиттифоқ журнали мисоли ибратлидир. У ўз саҳифаларида унча маълум бўлмаган архив ҳужжатлари ва бошқа материалларни беради, совет жамияти тарихига, ноҳақ унутилган ўтмиш арбобларининг ҳаёти ва фаолиятига оид кескин ва мунозарали масалаларни ёритишга, замондошларнинг кундаликлари, хотиралари, гувоҳликларини эълон қилишга кўп эътибор бера бошлади. Бунинг натижаси тезда кўринди-қолди. Журналнинг тиражи 12 минг нусхадан 106 минг нусхага етди.

Республиканинг давлат тилини эълон қилиш батамом табиий равишда ўзбек халқининг ўз она тилида чоп этилаётган тарихий тадқиқотлар сони кўпайиб боришини тақозо этади. Бу, модомики, Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё тарихига бағишланган, шунингдек умумтарихий характерда бўлиб, кенг жамоатчиликни қизиқтирадиган асарлар ҳақида гап борганда, сўзсиз маъқулдир. Бу ўринда унутилиб юборилган, аммо сермаҳсул бўлган 20—30-йиллар амалиётини эсга олиш ўринлики, ўша пайтда атоқли рус ва совет шарқшуноси академик В. В. Бартольднинг «Туркистонда суғориш тарихи» (1926), «Мусулмонлар маданияти» (1927), «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» (1931) асарлари, шарқшунос В. С. Жуковскийнинг «Сўнгги уч юз йил мобайнида Россиянинг Бухоро ва Хива

билан алоқалари» (1923), профессор М. Е. Массоннинг Самарқанд тарихи бўйича китоблари (1926) ва бошқалар ўзбек тилида нашр этилган эди.

Ўзбек тилида тарихий асарлар чиқаришга келганда, бунга кенг йўл очиб, ўйлаймизки, ҳар бир айрим ҳолда масалани фаннинг умумий манфаатларидан ҳамда унинг умумиттифоқ ва жаҳон майдонига чиқиши истиқболидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилмоқ лозим. Озми-кўпми кенг китобхонлар оммасини қизиқтирадиган асарлар биринчи галда, шубҳасиз, ўзбек тилида чиқиши лозим (рус тилида ҳам чиқиши маъқул). Китобхонларнинг жуда чекланган доирасига мўлжалланган тор ихтисосий тадқиқотлар ҳақида гап борганда, бу бошқа масала. Чунончи, тош ва бронза асрлардаги қадимий тарихни ўрганувчи бир гуруҳ ўзбек археолог олимларининг иши Совет Иттифоқида ҳам, ундан ташқарида ҳам кенг кўламда эътироф этилмоқда. Лекин уларнинг қаламига ибтидоий жамият тарихи бўйича йиғма очерклар эмас, балки «Сополлитепа посёлкасидан топилган тош ва металл буюмлар эволюциясининг маҳаллий шохобчаларидан бирининг ривожланиш характери» ёки «Саҳродаги бронза даври маданиятларининг Сополлитепа маданиятининг керамик комплексларига таъсири ҳақида» каби махсус мавзулардаги мақолалар мансуб бўлса, уларни фақат ўзбек тилида нашр этиш бошқа тилдаги мутахассисларнинг улар билан танишиш имкониятини йўққа чиқарар ҳамда шу билан бу хилдаги материалларнинг кенг илмий оборотга кириши имкониятини чеклаб қўйган бўлур эди.

Шуни эслатиб ўтайликки, ахборот ва ҳужжатлар бўйича халқаро анжуман маълумотларига кўра, дунёда ижтимоий фанлар бўйича нашрлар 80 дан ортиқ тилда чиқади, шулардан 52 проценти — инглиз, 12 проценти — рус тилида. Бинобарин, рус тили Шарқдаги иттифоқдош республикалар илмий маҳсулотининг халқаро майдонга чиқишида воситачи сифатида каттагина ўрин тутади.

КПСС тарихи курси бўйича машғулотлар тўхтатилган ва XIX—XX асрлар сиёсий тарихи курси жорий этилган олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳозирги кунда жуда оғир аҳволда қолдилар. Ўқув қўлланмалари, батафсил программалар ва тегишли адабиёт йўқ, бинобарин, ўқитувчилар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Давлат кутубхонаси чиқариб турган тарих бўйича библиографик кўрсаткичларни чиқариш сустлашди. Босмага тайёрланган революциядан олдинги ва Октябрдан кейинги тарих бўйича ҳужжатли материаллар тўпламлари республика архивларида ортиқча юк бўлиб ётибди. Илгари маҳфийлаштирилган архив фондларидан нималар ва қай даражада очилганлиги ва тадқиқотчилар фойдаланиши мумкинлиги масаласида аниқлик йўқ.

Республика матбуоти саҳифаларида Ўзбекистоннинг кўзга кўринган ижтимоий-сиёсий арбоби Нуриддин Муҳиддиновнинг хотираларидан кейинги пайтда пайдо бўлган парчалар социалистик қурилиш фаол иштирокчиларининг, Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маданияти ходимларининг хотираларини мунтазам тўплаб боришни (вақтни бой бермасдан) таъминлаш қанчалик муҳим эканлигини эслатди. Сталиннинг ҳокимият тепасига келиши билан сунъий равишда тўхтатилган 20—30-йиллардаги Партия тарихи институтининг эзгу анъаналарини тикламоқ лозим. Ўз вақтида М. Н. Покровский тўғри айтганидек, тарихни фақат замондошларнинг хотираномаларига асосланган ҳолдагина ёзиш хато ва нотўғри бўлур эди, албатта, лекин айни чоқда бу ишга эсдалик адабиётлари жалб қилинмайдиган бўлса, мамлакатнинг Октябрдан кейинги тарихи кўп жонли белгиларидан, реал иш олиб борган кишилардан, муҳим тафсилотлардан, бир қанча кўркам ва бетакрор саҳифалардан маҳрум бўлган бўлинар эди.

Ўйлаймизки, тарихчи олимларнинг ҳозирги босқичдаги фаолиятининг аҳволи ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалари ҳақида кенг ва очиқ фикр алмашиш учун яқин орада уларнинг республика кенгашини чақириш зарурати етилди.

Тарихчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленуми қарорининг (1990 йил август) Марказий Комитет ҳузурида ижтимоий фанларни, шу жумладан тарих фанини қайта қуришни чуқурлаштиришга кўмаклаша оладиган Социал-сиёсий муаммолар институтини барпо этиш ҳақидаги таклифларни тайёрлашга оид қисмини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Унинг фаолиятининг бошланишиданоқ республика Фанлар академияси системасидаги гуманитар профилдаги барча институтлар билан ва олий ўқув юртларининг тегишли кафедралари билан мустаҳкам ижодий алоқалар ўрнатиш фойдали бўлади.

В. И. ЛЕНИННИНГ АГРАР МАСАЛА БОРАСИДАГИ ХУЛОСАСИНИ МУШОҲАДА ЭТИБ

В. И. Ленининнинг ижодий меросига догматик ёндашувдан воз кечилаётган бугунги кунимизда унинг кўпгина чуқур илмий қоидалари ноҳақ равишда иқтисодий адабиётимизнинг умумий қоидаларига айлантирилганлигини қайд этишга тўғри келади. Интенсивлашув хусусида тез-тез ишлатиладиган «...тасодифий, маҳаллий, онда-сонда юз берадиган ҳодиса эмас, балки барча цивилизацияли мамлакатлар учун *умумий* бўлган ҳодисадир» (Тўла асарлар тўплами, 27-том, 193-бет) деган фикр ҳам шулар жумласидандир. Масалан, ВАСХНИЛнинг мухбир аъзоси В. А. Добринин таҳрири остидаги «Қишлоқ хўжалигининг иқтисодиёти» ўқув қўлланмасида (М., «Колос», 1984, с. 165), «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодиёти, уни ташкил қилиш ва планлаштириш» китобида (М., Агропромиздат, 1987, с. 98) шундай ҳолни кўрамиз. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Ҳолбуки, агар тушириб қолдирилган сўзларни тикласак, текст мана бундай тус олади: «деҳқончиликнинг интенсивлашуви ва фермалардаги ернинг ўртача миқдорининг шу интенсивлашув туфайли содир бўлаётган камайиши...» (давоми юқорида келтирилди). Гап умуман интенсивлаш ҳақида эмас, балки деҳқончиликни интенсивлаш ҳамда унга боғлиқ бўлган фермаларда ер миқдорининг камайишидек ҳодиса тўғрисида бораётганлиги равшан бўлади. Ахир айнан ушбу ҳодиса В. И. Ленин томонидан ойдинлаштирилди ва АҚШ қишлоқ хўжалик цензлари маълумотларини махсус статистик ишлаб чиқиш базасида чуқур таҳлил қилинди.

Савол туғилади: нима учун В. И. Ленининнинг юқоридаги фикри одатда яримта ҳолда келтирилади? Агар В. И. Ленининнинг хулосасига шу тариқа янада универсаллик бағишлашга ва бу билан ўз ёндашуви ҳамда нуқтаи назарини мустаҳкамлашга уриниш яққол кўриниб турганлигига эътибор бермасак, унда бошқа сабабни ҳам кўриш мумкин— асосан ҳажм кўрсаткичларининг ўсишига мўлжалланган хўжалик амалиётимизнинг В. И. Ленин хулосасига «ҳамоҳанг эмаслиги». Ҳажм кўрсаткичлари ортидан қувиш экин майдонлари, чорванинг туёғи, маҳсулотлар харидини кўпайтириш бўйича қатъий топшириқлар бериш билан мустаҳкамланди. Бундай шароитда, хўжаликларда ишланадиган ерлар миқдорининг камайиши билан деҳқончиликни интенсивлаш боғлиқлиги тўғрисида эслатиш ўринсиз бўлмаслиги мумкин эмас эди.

В. И. Ленин тадқиқ қилган ҳолатнинг генезиси у таърифлаган хулосага зоҳиран мос келмаслиги ҳам жуда муҳим ҳолдир. Эҳтимол, унинг фикрлари муайян даражада таҳрир қилинишига ҳам шу нарса сабаб бўлгандир. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигининг янада ривожланиши муносабати билан ишланаётган ер майдони қисқариши тенденциясининг сақланиб қолиши ҳақидаги масала нафақат ўз-ўзидан, фактологик жиҳатдан, балки назарий-методологик жиҳатдан ҳам қизиқарлидир.

Гап шундаки, деҳқончиликда капитализм ривожланишининг илк босқичларида, у фермерлик, асосан деҳқон хўжалиги бағридан етишиб чиққан пайтда катта-катта районларни ўзлаштириш ҳануз давом этаётган мамлакатда ишлаб чиқаришни интенсивлаш муносабати билан ишланаётган майдонларнинг қисқариш тенденцияси фермаларда ва маҳаллий шаклда, районларда ернинг ўртача миқдори қисқариши шаклида намоён бўлади. Бутун мамлакат миқёсида бу тенденция қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини деҳқончилиги камроқ интенсивлашган ва ернинг миқдори бўйича фермалари йирикроқ бўлган янги районларга жойлаштириш билан боради. Ишлаб чиқариш шароитидаги регионал тавофутлар В. И. Ленин томонидан айрим, тарихан шаклланган иқтисодий-географик районлар бўйича интенсивлаш жараёнини таҳлил қилиш орқали ҳисобга олинарди.

Кейинчалик вазият жиддий равишда ўзгаради. Деҳқончиликда бошланғич капитал жамғариш ниҳоясига етади, ерларни ўзлаштириш тугалланади, ягона қишлоқ хўжалик бозори вужудга келади. Деҳқончиликни интенсивлаш базасида унда капитализмнинг ўсиши аграр соҳада ортиқча маҳсулот етиштиришга, майда ва ўртача фермаларнинг оммавий хонавайрон бўлишига, ишланаётган ер майдонларининг чекланишига олиб келади. 1951—1982 йиллардаги АҚШ қишлоқ хўжалик цензларининг

маълумотларига караганда, у ерда кишлок хўжалик ишлаб чикаришининг хажми 2 баравардан кўпрок ўсди, ўша давр ичида фермаларнинг сони эса 60 фоизга камайди. Айни замонда йирик капиталистик фермалар ва агросаноат бирлашмалари ривожланди. Чунончи, кўрсатилган даврда 500 дан 1000 акргача ва 1000 ва ундан кўп акрли ер майдони бўлган фермалар сони тегишли равишда 2,3 (51,5 мингдан 118,6 минггача) ва 8,2 (12,1 мингдан 98,9 минггача) баравар ўсди, шу вакт ичида майда ва ўртача фермаларнинг сони (хўжаликлар группаси бўйича) 1,1. дан 4 бараваргача камайди. Шунингдек агар 1969 йилдан бери киймати 40 минг долларгача бўлган кўчмас мулкка (ер ва иморатга) эга бўлган фермалар сони деярли 7 баравар камайган бўлса, кўчмас мулки 200 минг доллардан зиёдрокка бахоланаётган фермалар сони эса 4,6 баравар (194 мингдан 888 минггача) кўпайганлиги ибратлидир. 1979 — 1982 йиллардагина корпорациялар, кооперативлар ва бошка бирлашмаларга карашли фермалар сони 59,2 мингдан 73 минггача кўпайди.

Хўжаликлар микдори ва турларида, шунингдек уларнинг территориал жойлашишида шунга ўхшаш ўзгаришлар натижасида, фермаларда ернинг ўртача микдори ўсди: умумий майдон 1950 йилдан 1982 йилгача 216 акрдан 440 акрга, йиғим-терим майдони — 73 дан 180 акрга етди. Лекин, умуман олганда мамлакат бўйича ишланаётган ерлар майдони 1950 йилдаги 344 миллион акрдан 1964 йилда 287 миллион акрга ва 1969 йилда 273 миллион акрга камайди. Тўғри, кейинчалик жахон кишлок хўжалик бозорининг ғоятда юксак конъюнктураси туфайли АКШда ишланадиган ерлар майдони яна кўпая борди ва 1982 йилда 326,3 миллион акрга етди. Лекин фермерлар ерининг умумий майдонида унинг хиссаси 1/3 дан ошмайди.

Шундай килиб, биринчидан АКШда кишлок хўжалик ишлаб чикаришини интенсивлаш муносабати билан ишланаётган ернинг кискариш тенденцияси **бартараф этилмаяпти; у айрим хўжаликлардан бутун мамлакатга ёйилмокда, махаллий холдан умумий холга айланаяпти;** иккинчидан, АКШда кишлок хўжалик ишлаб чикаришни экстенсив кенгайтириш учун хали хам етарлича катта микёсда бўш жойлар мавжуд. Бинобарин, дехкончилик ривожланишининг асосан интенсивлаш йўли ернинг етишмаслиги билан эмас, балки хўжалик юритишнинг интенсив типи янада юксак иктисодий самарадорлиги билан шартланади. Ва нихоят, ахоли рўйхатларининг маълумотлари В. И. Лениннинг йирик капиталистик хўжаликлар ракобатининг сикуви остида майда фермалар йўколиб кетиши хакидаги хулосасининг тўғрилигини тўла тасдиклайди.

Шу муносабат билан киёсий иктисодий самарадорлик ва ўз-ўзини ривожлантиришга кобилиятни хисобга олишга эмас, балки майда хўжаликларнинг нисбатан фаровонлигига асосланувчи майда хўжаликларнинг баркарорлик назариясини тирилтиришга уринишларни асосли деб хисоблаш мумкин эмас. Ривожланган капиталистик мамлакатларнинг хаммасида майда хўжаликларнинг мавжуд бўлиши турли химоя килувчи чора-тадбирлар — субсидиялар, протекционизм, монополияга карши конунлар билан кўллаб-кувватлаб турилади. Бу нарса ижтимоий мувозанатни саклаб туриш, турғунлик, амр-фармойиш, зўравонлик элтувчи монополизмни заифлаштириш учун, яъни иктисодий эмас, балки социал мулохазалар асосида килинади.

Бу, албатта, «бошка» реалликдир. Лекин тилга олинган баъзи масалаларнинг аграр иктисодиётимизга бевосита дахли бор: иктисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омиллари нисбати, корхоналарнинг микёси, йирик ва майда хўжаликларнинг киёсий самарадорлиги тўғрисидаги масалалар шулар жумласидандир. Бугун биз учун мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари тўғрисидаги, янада аникроғи — колхозлар, совхозлар ва кайта тикланаётган шахсий хўжаликлар (ижарачи, фермерлик ёки дехкончилик ва бошкалар) нинг кейинги такдири тўғрисидаги масалалар алохида ахамият касб этди. Бу масалалардан баъзи бирларини кўриб чикамиз.

Мамлакатимиз кишлок хўжалигининг ривожланишида узок давом этган турғунлик — энди хамма эътироф этган факт. Махсулдорликнинг пастлиги, мехнат унумдорлигининг секин ўсиши, махсулот таннархининг юкорилиги бу хасталикнинг эскидан колган белгиларидир. Озик-овкатнинг улкан микёсларда импорти, хўжаликларнинг ўз-ўзини ривожлантириш кобилиятини йўкотганлиги хусусида якинда эълон килинган маълумотлар уларни тўлдирди. Чунончи, агар мамлакатда 1970 йили зарар кўрадиган 5 фоиз колхоз ва 22 фоиз совхоз бўлган бўлса, 1975 йилда — улар тегишли равишда 23 ва 51 фоиз, 1980 йилда эса — 53 ва 56 фоизга ошди. Кишлок хўжалик махсулотлари харид нархларининг оширилиши ва уларга турли хил устамалар жорий этилишигина бу жараённи тўхтатди. Кейинги йилларда зарар кўрадиган хўжаликлар хиссаси колхозлар ўртасида 9—13 фоиз, совхозларда 17—23 фоизгача камайди (албатта, буни маъкул микдор деб хисоблаш тўғри эмас).

Турғунликнинг сабаблари оз эмас. Бу — аграр сектордаги нотўғри планлаштириш хам, моддий-техника таъминотининг ёмонлиги хам, давлат капитал маблағларидан ўйламасдан фойдаланиш ва бошка кўп сабаблар хамдир. Уларнинг хаммаси маъму-

рий-буйрукбозлик системасига бориб тақаладики, бу ҳол деҳқонларга ёндашувдаги барча ўзгаришларга (иктисодиётга боғлиқ бўлмаган ҳолда мажбур этишдан эквивалент-ўрин қоплаш айирбошлашгача) қарамай хўжалик қарорларини қабул қилишда уларнинг қарамлигини сақлаб қолди. Шу билан бирга сўз нафақат колхоз ва совхозларнинг агросаноат бўйича бошқарув органлари ва шериклар билан муносабати тўғрисида, балки ўша буйрукбозлик иерархия асосида ташкил топган ички хўжалик муносабатлари ҳақида ҳам бораяпти. Колхозларни маъмурий системага шундоққина ўтказишнинг бевосита оқибати шундай бўлдики, кооператив негизда бўлиши керак бўлган хўжаликлар молиявий васийлик билан бирга давлатнинг доимий ҳомийлик қилиши объектига, колхозчилар эса — ишлаб чиқариш воситаларининг номигагина эгаси — буйрукларни шунчаки бажарувчиларга айланиб қолди. Буларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг мулкка, меҳнат ва ҳаётий қадриятларга бўлган муносабатини деформацияламаслиги мумкин эмасди. Шунинг учун мавжуд вазиятдан чиқиш йўлини фақат бошқарув структурасини қайта ташкил қилишдан ёки планлаштириш системасини, хўжалик механизмларини, нархларни ўзгартиришдан излаш керак эмас. Қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларининг бутун мажмуини қамраб оладиган чуқур аграр ислоҳот зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритиш шаклларини диверсификациялаш бўйича баъзи одимларни ҳам қараб чиқиш лозим.

Маълумки, иқтисодиётни жонлантириш йўлларини излаш хўжалик ҳисобининг турли шакллари, жумладан пудрат, ижара, кооперативлар, деҳқончилик хўжаликлари орқали ўтди. Бу бурилиш мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотнинг умумий оқимида ўтаяпти, бу ислоҳот илгаригилардан фарқ қилган ҳолда, мулкчилик муносабати, хўжалик юритиш шаклларида чуқур ўзгаришларни кўзда тутаяпти, янада муҳими, сиёсий системани қайта қуриш билан биргаликда амалга оширилаяпти. Бу ўзгартишларнинг асосий мазмуни — ишлаб чиқарувчини мулкчилик муносабатларига, мол-мулк ва меҳнат самараларини тасарруф қилишга киритишдан, унга ишлаб чиқариш субъектининг социал мақомини қайтаришдан иборатдир.

Бу хил ўзгартишларни тезлаштиришга хўжаликлар турли хил шакллари фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий негизларини барпо этиш хизмат қилади. Бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий хўжалик юритишга ёки кооперативларга бирлашишга тайёргарлигига келганда, бу масала ҳам етарлича ўрганилмаган. Асосан бошқарув структуралари вакиллари, хўжаликлар раҳбарларидан иборат ислоҳот мухолифларининг позицияси анча аниқ кўзга ташланади.

Мавжуд хўжалик юритиш системасини тубдан ўзгартиришга қарши асосий далил, бу — колхоз ва совхозлар ривожланишда ҳали ҳаммаси рўёбга чиқарилмаган каттагина потенциалга эгалиги хусусидаги фикрдир. Бунда йирик ишлаб чиқаришнинг афзалликлари назарда тутилади, бундай фикр эса мамлакатимиздаги илғор хўжаликларнинг ютуқлари ва юқори даражада тараққий этган давлатлар қишлоқ хўжалигида кузатилган ишлаб чиқаришни концентрациялаш, кооперациялаш ва умумлаштиришнинг ўсиши тўғрисидаги мисоллар билан мустаҳкамланади.

Бироқ ушбу тенденция капиталистик қишлоқ хўжалигида нафақат майда ишлаб чиқаришдан йирик ишлаб чиқаришга, балки бир вақтда аралаш иқтисодиёт томонга ҳам ҳаракатни билдиради. Шундай қилиб, бу далил кўпроқ хўжалик юритиш шаклларини диверсификациялашнинг фойдасига хизмат қилади, улардан қайси бирининг монополиясини абадийлаштиришни тақозо этмайди. Йирик ишлаб чиқаришда меҳнат тақсимоти ва ихтисослаштириш, ресурсларни асосий йўналишларга тўплаш имконияти билан боғлиқ ўзининг афзалликлари бор, албатта. Лекин, биринчидан, кўпчилик колхоз ва совхозларимиз ҳалигача йирик хўжаликларнинг туб хусусиятларини қўлга кирита олмадилар (меҳнат унумдорлигининг юқори ва ишлаб чиқариш харажатларининг паст бўлишига эришмадилар), фақат экстенсив параметрлар бўйича — ихтиёрларидаги ер майдонлари, ходимларнинг миқдори, чорва туёғи ва ҳоказолар бўйичагина шундайдирлар. Шу билан бирга аграр секторда йирик ишлаб чиқариш якка хўжаликларни кооперациялаш базасида ҳам бўлиши мумкин. Иккинчидан, йирик ишлаб чиқариш бошқа хўжаликлар сингари муайян хўжалик системаси доирасидан ташқари мавжуд бўлмайди. Шунинг учун колхоз ва совхозларнинг ривожланиш потенциалини йирик ишлаб чиқаришнинг кўриниб турган имкониятларидан чиқариб ташлаш мумкин эмас. У конкрет ишлаб чиқариш системасига хос бўлган ижтимоий ва хўжалик муносабатларининг бутун мажмуи билан аниқланади.

Шубҳасиз, колхоз ва совхозлар ишлаб чиқариши — хўжалик юритишнинг қотиб қолган шакллари эмас. Уларни ўзгартириш мумкин. Бироқ бунинг учун буйрукбозлик системасидан воз кечиш, горизонтал иқтисодий алоқалар билан алмаштирган ҳолда, колхоз ва совхозларни маъмурий ва бир ёқлама хўжалик қарамлигидан олиб чиқиш керак. Ўшанда хўжаликлар ичидаги бошқарувнинг бюрократик структураларини бузиш ҳам, хўжалик юритишнинг ҳамма шаклларини анча эркин ривожлантириш ҳам мумкин бўлади.

Бу жараён аслини олганда ҳали бошланмаган. Шунинг учун дастлабки кезларда ўзига хос «эркин хўжалик юритиш зонаси»ни тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Сурункали зарар кўрувчи колхоз ва совхозларни тарқатиб юбориб, улар базасида ижарачи, кооператив, деҳқонлар хўжаликларини тузиш бу йўналишдаги муҳим қадам, шунингдек мамлакатда молиявий ишларни соғломлаштириш учун зарур қадам бўлар эди. Шу билан бирга яна бир тайёрга айёрлик шаклини юзага келтирмаслик учун тарқатиб юборилаётган хўжаликларнинг мол-мулкини ўрин қоплаш асосида янги хўжаликларга ўтказиш керак, келиб тушаётган тўловлардан эса уларга қарз бериш учун фойдаланиш керак.

Шахсий хўжаликларнинг тикланиши ёлланма меҳнатнинг ўсиши мумкинлиги ва унинг шунчаки фаолиятни айирбошлашдан қўшимча қиймат олиш воситасига айланиши тўғрисидаги хавфни келтириб чиқаради. Ҳар ҳолда бозор шароитида иқтисодий ривожланишнинг мантиқи бундай имкониятни рад этмайди. Уни бошқа мамлакатларнинг тажрибаси, шу жумладан, қишлоқ хўжалигининг юксак даражада ривожланиши асосан «соф» меҳнат маҳсули деб кўрсатилувчи АҚШ ҳам рад этмайди. Лекин бу унчалик тўғри эмас. У ерда фермер хўжаликларининг 60 фоиздан зиёди ҳақиқатда ёлланма ишчи кучидан фойдаланмайди. Қолган деярли 40 фоизида бир миллион киши бир йилда 150 кун, 4 миллионга яқин киши эса бундан камроқ кун ёлланиб ишлайди. Бундай фермалар орасида 1—2 доимий ёлланма ишчи ва 4—5 вақтинчалик ва мавсумий ходимлар билан чегараланмайдиганлари ҳам оз эмаслиги тушунарлидир. Бу, биринчидан.

Иккинчидан, АҚШ кўпчилик фермер хўжаликларининг ёлланма ишчиларни ишлатишдан «тийилиши» маълум даражада бизнинг мамлакатимизда ҳали йўқ бўлган шароитлар билан ҳам шартланади. Бу — ишлаб чиқаришнинг ўсишини чеклашни мажбур қиладиган қишлоқ хўжалик бозорининг нисбатан балансланганлиги, ёллашга нисбатан меҳнатни эҳтиёт қиладиган технологияга кўпроқ маблағ қўйишни рағбатлантирадиган иш кучи баҳосининг юқорилиги, ишлаб чиқаришни рационаллаштириш имконини берадиган техникавий қуролланганликнинг эришилган даражаси. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорининг конъюнктураси ўзгариши билан ёллашнинг кўлами ҳам ўзгаради.

Бошқача айтганда, агар иқтисодий мулоҳазалардан келиб чиқилса, шу нарсани кўриш мумкинки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг камёблиги, иш кучининг нисбатан арзонлиги ва шахсий хўжаликни эркин ривожлантириш ишлаб чиқаришининг етарлича юқори техника даражасида эмаслиги ва бозор муносабатлари шароитида ёллаш фаолиятида муқаррар равишда чуқур ўзгаришлар юзага келади. Шунинг учун мамлакатимизда ёлланма иш кучини бошқаришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор ажратиш кераки, токи бу жараённинг ривожланишини иқтисодий мақсадга мувофиқ ва социал мақбул ўзанга йўналтириш мумкин бўлсин.

В. И. Лениннинг қишлоқ хўжалигини интенсивлаш масаласига доир хулосасини мушоҳада қилиш ана шундай мулоҳазаларга олиб келади. У ҳозирги қишлоғимиз муаммолари моҳиятини тушунишга ҳам, уларни ҳал этиш йўлларини топишга ҳам йўл кўрсатади. Фақат бунда ривожланиш шарт-шароитининг ўзгаришига мувофиқ «масаланинг қўйилишини ва текшириш усулларини жараён *формасининг* фарқига мувофиқ равишда ўзгартира билмоқ зарур» (В. И. Ленин, ТАТ, 27-том, 208-бет).

КИМ МЕН-ГИР,
Тошкент халқ хўжалиги институти статистика кафедрасининг катта ўқитувчиси.

ҚИШЛОҚДА ШАХСИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ

Қишлоқда турмуш шароитини яхшилаш — мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини юксалтириш, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг муҳим воситаси. Бунда уй-жой қурилиши ҳам катта роль ўйнайди. Уй-жойга эҳтиёж инсоннинг энг муҳим, табиий эҳтиёжларидан биридир. Шинам квартира ёки уй одамлар саломатлигини, ишлаб чиқаришдаги юқори самарадорликни, оила мустаҳкамлигини, бола тарбияси учун шароитлар қулайлигини кўп жиҳатдан белгилаши тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ф. Энгельс уй-жойга бўлган эҳтиёж қандай қондирилаётганлиги барча бошқа эҳтиёжлар қандай қондирилаётганлигининг мезони бўлиб хизмат қила олади, деб таъ-

кидлаганлиги бежиз эмас (Соч., т. 2, с. 302).

Реал воқелик шундан иборатки, умуман олганда мамлакатимизда еттинчи беш йилликдан бошлаб қишлоқ жойларда уй-жой қуриб фойдаланишга топширилиши мунтазам тарзда камайиб бормоқда: агар 1960 йилда у 50,6 миллион квадрат метрни ташкил этган бўлса, 1965 йилда — 36,9, 1970 йилда — 34,7, 1975 йилда — 33,6 миллион квадрат метрни ташкил этди. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, қишлоқда янги қурилишнинг анчагина қисми (30, баъзан 50 фоизга қадари ҳам) амалда уй-жой фондини кенгайтиришни эмас, балки эскириб ёки бошқа сабабларга кўра сафдан чиққан уй-жойни алмаштириш мақсадини кўзлайди. Бундай шароитда уй-жой қурилиши ҳажмларининг пасайганлиги ҳар томонлама бузилишга маҳкум бўлган фондни сақлаб қолишга мажбур этган эди.

Натижада ҳозирги вақтда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитида юзага келган кескин тафовутлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш йўлида жиддий ғов бўлмоқда. Хуллас, ҳар бир қишлоқ оиласини квартира ёки шахсий уй билан таъминлаш ҳамда қишлоқларнинг ободонлигини яхшилаш энг ошиғич вазифалардан бири бўлиб қолди. Уларни ҳал этарканмиз, дейди М. С. Горбачев КПСС МК март (1989 йил) Пленумида, «қишлоқ уйига, қишлоқ кўрғонига янгича назар ташлаш лозим. Аввало иморатларнинг катта-кичиклиги, уларнинг неча қават бўлиши ва архитектурасига нисбатан ҳар қандай чеклашлар олиб ташланиши зарур. Одамлар ўзлари хоҳлаганларича қураверишсин. Қишлоқ аҳолисининг кўпгина авлодлари учун истиқболни ўйлаб барпо этилган кўркам, сифатли, шинам уй ҳақиқатан ҳам қадрдон уй бўлиб қолади. Айни шундай уйлар қишлоқнинг қиёфасини ўзгартириб юборади».

Жумҳуриятимиз аҳолисининг 59,3 фоизи яшаётган республикамиз қишлоқ жойларида уй-жой масаласи қандай аҳволда? Аксарият деҳқон оилалари ўзларининг шахсий уйларида яшамоқдалар: Ўзбекистоннинг қишлоқ уй-жой фонди ҳозирги вақтда 134,8 миллион квадрат метрни ташкил этаётган бўлса, шундан 114,4 миллион квадрат метри шахсий мулкдир. Жумҳурият қишлоқларида кишиларнинг ҳар бирига ўрта ҳисобда 11,6 квадрат метр уй-жой тўғри келмоқда (умуман мамлакат бўйича ушбу кўрсаткич 17 квадрат метрдан юқоридир). Бироқ деҳқонларимиз уйларининг кўпчилиги шинам, қулай уй-жойлар тўғрисидаги тасаввурларга тўғри келмайди, бузиладиганлари ҳам оз эмас.

Ўзбекистон ССРнинг ҳозирги раҳбарияти вужудга келган аҳволдан жиддий ташвишда. Лекин жумҳурият уй-жой программаси ҳозирча жуда суст бажарилмоқда, бинобарин, аҳвол яхшиланганича йўқ. Шуни ҳам айтиш кераки, қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, 17 фоизи табиий газ ва атиги 50 фоизга яқини нормал ичимлик сув билан таъминланган. Шуниси тааажжублики, территорияларида кўплаб газ қазиб олинаётган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқларни газлаштиришга аслида ҳали киришилгани ҳам йўқ. Жумҳурият қишлоқ аҳолисининг соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, маданий, маиший объектлар ва ҳоказолар билан таъминланганлигида ҳам ҳали сезиларли силжишлар рўй бермади.

Ўзбекистон Компартияси МК XVIII пленумида (1989 йил ноябрь) қишлоқда ижтимоий соҳани дадил ва тез юксалтириш учун шошилинч чоралар кўриш зарурлиги қайд этилган эди. Жумҳурият ҳукумати республиканн ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1990 йилга мўлжалланган планини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш пайтида бу масалага алоҳида эътибор берди. Ижтимоий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаш, уй-жой қурилишини жадаллаштириш кўзда тутилган. Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 1990 йилда 145—150 минг уй ва квартира қуриш ҳамда салкам бир миллион кишининг уй-жой шароитини яхшилаш белгиланган.

Шахсий уйлар қуриш (шаҳар ва қишлоқларда) 1,4 баравар ошиши ва йилига 4,6 миллион квадрат метрни ташкил этиши керак. Шахсий уй қуришга ер ажратиб бериш ва томорқа ерларини кенгайтириш борасида конкрет ишлар қилинаётганлиги бу вазифани бажаришга интилиш борлигидан далолат берадики, бунинг учун 260 минг гектар ажратилган.

1989 йилда томорқаси бўлмаган 1 миллион 329 минг колхозчи ва совхоз ишчиси уни олиш истагини билдирди. 1990 йил биринчи январига келиб 1 миллион 253 минг шундай ариза қондирилган эди. Бугунга келиб, жумҳуриятимизда томорқа ерга муҳтож бўлган оилаларнинг деярли ҳаммаси шундай ер олди ва юз минглаб оилалар илгари олган ерларини кенгайтириб олдилар.

Шунинг кетидан шахсий уйлар қурилиши кескин ошиши керак. Афсуски, ссуда ва кредитлар олиш ва бинокорлик материаллари харид қилишдаги қийинчиликлар туфайли қурилиш секин бормоқда. 1989 йилда шахсий уй қурувчиларга кредит бериш учун ажратиладиган ресурслар умумий ҳажми 1,5 баравар оширилган ва 187 миллион сўмга етказилган бўлса-да, бу камлик қилди. 1990 йилда шахсий уй-жой қурилиши ҳажмлари ошишини ҳисобга олиб, Ўзбекистон раҳбарияти қўшимча равишда 650 миллион сўм ажратиш масаласини қўйди.

Жумҳуриятда фанера, ёғоч-тахтага бўл-

ган эҳтиёжнинг атиги ярми, шифер ва цементга бўлган эҳтиёжнинг 70—80 фоизигина қондирилаётганлиги ҳам ишга халақит беряпти. Шунга кўра Ўзбекистон ССРда бинокорлик материаллари ва уй жиҳозлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг 1991—1995 йилларга мўлжалланган программаси ишлаб чиқилган. Унда 50 тадан кўп номдаги бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кескин ошириш белгиланган. Жумладан, 1990—1991 йиллардаёқ цемент ишлаб чиқариш 280 минг тонна, сиртга ёпиштириладиган керамика плиткалари — 380 минг квадрат метр, линолеум — 2 миллион квадрат метр, ғишт — 480 миллион дона, оҳак — 44 минг тонна ошиши керак. XIII беш йиллик охирига бориб эса корхоналарнинг цемент ва оҳак ишлаб чиқарадиган кувватларини деярли 2 баравар, шифер, қум ва шағал, раковиналар, мойкалар, керамзит чиқарадиганларини — 1,5 баравар, линолеум ва бинокорлик гипси чиқарадиганларини — 3,9 баравар, ғишт, иморатнинг юзига ишлатиладиган плиткалар, бинокорликда ишлатиладиган санитария чинни буюмлари чиқарадиганларини — 1,7—1,8 баравар, қоплама плиткалар чиқарадиганларини — 2,8 баравар ошириш кўзда тутилган, бу эса маҳаллий бинокорлик материалларининг кўплаб хилларига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш, бошқа хиллари бўйича эса мавжуд танқисликни анча қисқартириш имконини беради.

Шуниси қувончлики, жумҳуриятимиз раҳбарияти амалга ошираётган ана шу чораларнинг ҳаммаси СССР Президентининг 1990 йил 19 майда чиқарган «Мамлакатда уй-жой муаммосини ҳал этишга янгича ёндашувлар ва уларни амалда рўёбга чиқариш чоралари тўғрисида»ги Фармони туфайли янги куч касб этмоқда. Унда шахсий уйлар қурилишида кескин бурилишга эришиш кераклиги гражданларнинг уй-жойли бўлиш конституцион ҳуқуқини таъминлаш принципларидан бири деб аталган. Фармонга кўра мазкур қурилиш муҳим давлат иши деб ҳисобланиши керак.

Шу нуқтаи назардан Фарғона водийсидаги бир қатор колхозлар ташаббусини кенг ёйса арзийди, улар ўз маблағларидан колхозчиларга уй қурилишига ссуда пули ажратиб бермоқдалар. Хоразм область ижроия комитети тажрибаси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин, у ёғоч-тахта тайёрлаш ва олиб кетиш тўғрисида Иркутск область ижроия комитети билан шартнома тузди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ёғоч-тахтага, металлга, цементга алмашишни ҳам кенг йўлга қўйиш лозим, айрим районлар ва хўжаликлар ҳозирдаёқ бу ишни муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Бухоро областимизда ҳам уй-жой муаммоси катта эътибор талаб қилади. «Уй-жой — 2000» программасига кўра бу ерда салкам 17,5 миллион квадрат метр, шу жумладан, марказлаштирилган капитал маблағ сарфлаш ҳисобига 9 миллион 762 минг, колхозлар маблағлари ҳисобига 1 миллион 14 минг, уй-жой қуриш кооперативлари ҳисобига 738 минг, шахсий уй қурилиши ҳисобига 5 миллион 897 минг, жамоат ташкилотлари ҳисобига 85 минг квадрат метр уй-жой қуриш белгиланган.

Афсуски, белгиланган планлар бажарилмаяпти: 1989 йилда 600 минг квадрат метр уй-жой ўрнига атиги 513,4 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Умумий ҳажмда шахсий уй-жой қурилиши улуши 62 фоизни ташкил этди. Бир қатор ташкилот ва корхоналар уй-жойларни фойдаланишга топшириш планларини бажармадилар, «Бухараводстрой» ва «Бухарарембод» бирлашмалари (52,5 ва 41,5 фоиз), Госкомводхозга қарашли 5-ихтисослашган кўчма механизациялашган колонна (41 фоиз) шулар жумласидандир. Бухоро области территориясида эндиликда ҳар йили 1986 йилдагидан 1,5 баравар кўп уй-жой қурилаётган бўлса-да, уй-жой муаммоси кескинлигича қолмоқда.

Ҳозирги кунда область қишлоқларида 174 минг оила яшамоқда. 1989 йилда шахсий уйлар қурилиши учун 20 мингдан ортиқ ер участкаси ажратиб берилди ва бир йилда мўлжаллангандан 10 минг квадрат метр кўпроқ уй-жой қурилди. Уйлар асосан бош планлар бўйича қурилмоқда, лекин ҳозирча областдаги 1226 та посёлканинг 786 тасидагина шундай планлар бор. Чунончи, Вобкент районидаги 178 та қишлоқнинг 48 тасида; Когон районидаги 147 та қишлоқнинг 21 тасида, Ғиждувон районидаги 268 та қишлоқнинг 35 тасида қурилиш бош план асосида олиб борилмоқда.

Свердлов райони барча қишлоқларида эса қурилиш бош планлари бор. Бу ерда шахсий уйлар қуриш борасида яхши тажриба тўпланган. 1988 йилда ер участкалари олишга навбатда турган 2057 кишидан 1624 нафари ер олди, 1989 йилда эса бу масала асосан ҳал бўлди. Районда шахсий уй қурувчиларни бинокорлик материаллари билан таъминлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги беш йиллик бошидан буён ўнта хўжалик ғишт заводлари қуриб олди, уларнинг ҳар бири йилига 3 миллион донадан ғишт ишлаб чиқармоқда. Район кишиларининг кучи билан Иркутск областида ёғоч тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Натижада 1989 йилда районда мўлжалланган 117 минг ўрнига 121 минг квадрат метр уй-жой қурилди, 1990 йилда бунга яна 167 минг квадрат метр қўшилади — ҳозирги кунда 2000 дан зиёд оила шахсий уй қурмоқда.

Афсуски, ушбу муҳим ишга ҳамма районларда ҳам шундай ёндашилаётгани йўқ. Умуман район бўйича бинокорлик матери-

алари билан атиги 30—50 фоиз таъминланяпти, дурадгорлик буюмлари, ғишт, цемент, ганч ва кўплаб бошқа материаллар жуда кам. Ваҳоланки, бу ерда 170 миллион дона ғишт, 71 минг тонна оҳак, 130 тонна гипс ишлаб чиқарса бўлади. Бундан ташқари, колхозлар ва совхозларда хом ғишт ишлаб чиқарадиган 30 та ва пишиқ ғишт тайёрлаб чиқарадиган 20 та цех ишлаб турибди.

Булар ҳозирги ва келгусидаги уй-жой қурилишига камлик қилиши сабабли бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга шу иш билан шуғуллана оладиган область саноат корхоналарини жалб этиш керак. Шағал, майдаланган тош, қурилишбоп қум, оҳак, ганч ва бошқа маҳаллий материаллардан яхшироқ фойдаланиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Терак ва толнинг маҳаллий навлари ўстирилса, ёғоч-тахта танқислигини камайтириш мумкин бўлади, ўтказилганидан 6—8 йил кейин улардан бинокорлик материали сифатида фойдаланиш мумкин. Қишлоқларнинг, айниқса тоғдаги ва тоғ этагидаги қишлоқларнинг аҳолиси бундай материалдан азалдан фойдаланиб келади. Ушбу тажрибани кенг ёйса арзийди.

Қишлоқда бир-биридан фарқлаб бўлмайдиган уйлар қуришдан воз кечиш пайти келмадими экан? Уйларни қураётганда табиий муҳитни ўша халқнинг маданий, меъморчилик, тарихий меросини, қолаверса, уй эгасининг дидини, хоҳишини албатта ҳисобга олиш керак, қишлоқдаги ҳар бир уй ўз бетакрор қиёфасига эга бўлишига интилиш зарур.

Шахсий уйлар қурилишини тезлаштириш учун ҳар бир колхоз ва совхозда қишлоқ аҳолисининг буюртмасига кўра уйни бошдан-оёқ қуриб, эгасига топширадиган махсус бригадаларни ташкил этса бўлади. Натижада ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кўпгина кишиларни иш билан таъминлаш мумкин бўлади. Жумҳуриятда бу борада муайян тажриба бор. Масалан, Хоразм область Боғот районидаги Наримонов номли колхозда 250 кишидан иборат ремонт-қурилиш бригадаси ташкил этилган. Унинг кучи билан умумий майдони олти минг квадрат метрдан ошадиган уйлардан ташқари Чорвадорлар уйи, 15 та дала шийпони, фельдшерлик-акушерлик пункти, қишлоқ даволаш амбулаторияси, 5 та мактаб, 6 та болалар боғчаси, Алоқа уйи, 4 та ҳаммом, 3 та кинотеатр, Маданият саройи, 12 минг ўринли стадион, бир қатор бошқа объектлар қурилди. Бу колхозда уй-жой муаммоси тўла ҳал этилган — ўрта ҳисобда бу ерда ҳар бир кишига 18 квадрат метр уй-жой тўғри келади. Колхознинг юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришаётганлиги ҳам шундан, у область ва республикадаги энг яхши хўжаликлардан биридир.

Бундай мисоллар шундан яққол далолат бериб турибдики, уй-жой муаммоси ҳал қилинган жойда, одамлар ҳақида оғизда эмас, амалда ғамхўрлик қилинаётган ерда меҳнат ҳам самарали бўлади. Бинобарин, қишлоқ хўжалигинингина эмас, балки умумий фаровонлигимизнинг юксалиши ҳам кўп жиҳатдан қишлоқда уй-жой муаммосининг ҳал этилишига боғлиқдир.

Ҳ. НАРЗУЛЛАЕВ,
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти социализм назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси.

ИШЛАМАЁТГАН КИШИЛАРНИ НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Олтмиш йил илгари, 20-йилларнинг охирларида мамлакатимизда ишсизлик бениҳоя кучайган эди. 1928 йилда меҳнат биржаси ишсизлик балосига учраган 1 миллион 365 минг кишини рўйхатга олди. Биринчи беш йиллик бошланиши билан уларнинг миқдори камая бошлади ва 1930 йилнинг охирига келиб бутунлай йўқолди. ВКП(б) МКнинг 1930 йил 20 октябрда қабул этилган «Халқ хўжалигини иш кучи билан планли таъминлаш ва кўнимсизликка қарши курашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу тўғрида хабар берди.

Маҳаллий миллатларга мансуб кўпчилик ишсизлар меҳнат биржалари ва рўйхатга олиш пунктларига мурожаат қилмаган, қишлоқ жойларида эса бундай ҳисоб умуман олиб борилмаган Ўзбекистонда 1929 йил февралида атиги 50,2 минг ишсиз рўйхатга олинган эди. Совет ҳокимияти уларга қўлидан келганича ёрдам берди — нафақалар тўлади, улар учун бепул ошхоналар, тунайдиган уйлар ташкил қилди.

Бугунги кунда вазият бутунлай бошқача: корхоналар эшикларининг олдида ишга таклиф қилувчи эълонларни кўрамиз. Ҳатто чет эл граждaнлари ишга таклиф қилинмоқда — мавжуд маълумотларга қараган-

да, мамлакатимизда тахминан 200 минг чет эллик, жумладан 80 мингдан зиёдроқ вьетнамлик меҳнат қилмоқда. Тўсатдан КПСС МК, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш, ишга жойлаштириш системасини такомиллаштириш ва меҳнаткашлар учун социал кафолатларни кучайтириш тўғрисида»ги қарори чиқди, унда хўжалик юритишнинг янги иқтисодий шакллари доимий иш жойи, меҳнат шартномаси ва ҳоказо тушунчаларни қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилади, деб сўз юритилган эди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига мувофиқ, 2000 йилгача СССР халқ хўжалигидан 15—17 миллион ходимнинг бўшаши кутиляпти.

Лекин прогнозларга қараганда ҳаёт илдамлаб кетди, бугунги кундаёқ Ўрта Осиё ва Кавказ ортида 5,9 миллион киши ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд эмас. Уларнинг 40 фоизга яқини — 30 ёшгача бўлган кишилардир. Республикамиз раҳбарлари бу муаммодан жиддий ташвишланмоқда ва уни ҳал этишнинг йўлларини кунт билан излаяптилар. Хусусан, ленинградликларнинг тажрибасига асосланиб Қўқон шаҳрининг корхоналари Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб кўп сменали иш тартибига ўтдилар. Бундан олдин жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилди: шаҳарда 60 агитация пункти ташкил қилинди, маҳалла комитетларининг 1,5 мингга яқин вакили ишламаётганларни аниқлаб, ҳамма кўча ва уйларни айланиб чиқдилар. Сменалилик коэффициентининг ошиши натижасида икки мингга яқин кишини ишга жойлаштиришга муваффақ бўлинди. Шунга қарамасдан бу ерда кўпчилик кишилар ҳали ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд эмас.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб бир миллиондан зиёд ишсиз бор. Эҳтимол, уларнинг бир қисми меҳнат қилишни хоҳламайдиган дангасалар, текинхўрлар, бир қисми — ёш болали аёллар бўлиши мумкин, лекин қолганлари эса меҳнат қилишга қобилиятли эркаклар ва аёллардир. Уларни қандай социал группага киритиш мумкин?

Маълумки, К. Маркс томорқага эга бўлмаган қишлоқ аҳолисини ишсизлар категориясига киритган эди. Бизда шундай одамлар ҳозирча расмий равишда ишсиз деб тан олинган эмас. Лекин бу масала кун тартибидан тушгани йўқ ва уни ҳал этиш керак. Зеро, ҳар куни республикадаги йирик шаҳарлар марказидаги яширин меҳнат бозорларини мардикорлар (қора ишчилар) тўлдиради, уларнинг меҳнатидан мавсумга ва тасодифий эҳтиёжларга қараб фойдаланилади.

Кишиларни ишга жойлаштириш масалалари билан шуғулланувчи маҳаллий ва республика органларининг фаолиятини шубҳа остига олмасдан, ўз фикримизни айтмоқчимиз.

Ишламаётганларнинг ҳақиқий сонини аниқламоқ учун кўп куч-ғайрат ва маблағ сарфланмоқда. Бу кишилар учун янги ишлаб чиқариш объектлари қуриляпти. Аммо ишсизлар сони нафақат камайяпти, балки ўсишда давом этмоқда. Бу ҳол республиканинг социал-иқтисодий муҳитига салбий таъсир қилмоқда, низоли вазиятларни, шу жумладан миллатлараро ихтилофларни келтириб чиқаряпти. Жиноятчилик учун замин бўлмоқда.

Бугун иш излаётган киши келгусида яхши яшашини ўйлаб ўзини овутиши даргумон. Улардан ишчи қўллар кескин етишмаётган мамлакатнинг бошқа регионларида оммавий фойдаланиш ғояси ўзини оқламади. Кўпчилик кўчиб борганлар янги жойлардаги меҳнат ва турмуш шароити ёмонлиги сабабли қайтиб келмоқдалар. Бундан ташқари, туб ерли миллатларга мансуб йигит ва қизлар туғилган жойларини жуда оғриниб тарк этадилар.

Вазиятдан чиқишнинг йўли борми? Бизнинг регионимизда ишсизлар категориясини расмий равишда тан олиш керак, деб ҳисоблаймиз. Маҳаллий ишга жойлаштириш органлари уларни рўйхатдан ўтказиши, ҳисобга қўйиши ва маълум муддат моддий жиҳатдан таъминлаб туриши керак. Агар бу нарса 20-йилларда мумкин бўлган бўлса, унда нима учун ҳозир мумкин эмас? Рўйхатга олинган ишсизлардан жумладан хусусий кишилар билан шартнома асосида у ёки бу ишни бажариш учун вақтинчалик бригадалар тузиш мумкин. Бундан ташқари маҳаллий Советлар ҳузурида ишсизликка қарши кураш бўйича комиссиялар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ушбу йўналишдаги ҳамма ишни битта қўлда тўплаш имконини берган бўларди.

Юқорида тилга олинганидек, сменалилик коэффициентини ошириш,— иш жойларини кўпайтиришнинг яхши йўли, албатта, лекин ишлаб чиқариш корхоналаримизнинг асбоб-ускуналари, одатда, эскирган ва қўшимча нагрузкани кўтара олмайди. Бинобарин, уларни модернизациялаш шу куннинг биринчи галдаги вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, бу нарса фақат Қўқонга 10 мингга яқин қўшимча иш жойларини беради. Кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти, тўла бўлмаган иш куни, касаначилик каби ижтимоий-фойдали меҳнат шаклларидан янада кўламли фойдаланиш керак.

Касални даволашдан кўра унинг олдини олиш яхшироқ деган ҳақиқатни хеч ким инкор этмайди. Ишсизлик муаммосини олганда, жамиятнинг анча кўп диққат-эътиборини умумий таълим мактабларининг би-

тирувчилари талаб қилади, деб ҳисоблаймиз. Реал аҳвол шундайки, улардан атиги ярмига яқини билим юртларига, техникумларга, олий ўқув юртларига ўқишга кирадилар ёки халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлашадилар. Қолганлари ҳар йили ишсизлар сафини янада тўлдиради. Кўпчилиги эса меҳнат қилишни хоҳламагани учун эмас, балки ҳатто бошланғич касб малакасига эга бўлмагани учун ишсизлар сафига қўшилишади. Зеро, республикамизнинг кўпчилик мактабларида турли ихтисосликлар асосларини ўргатиш учун шарт-шароит ҳали яратилмаган. Мактаб устахоналари ва кабинетлари йўқ ёки ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Кўпинча болаларни меҳнатга қатнаштириш расмиятчилик учун олиб борилади. У тез-тез территорияни, кабинетларни тозалаш ёки бошқа ишлардан, касб тайёргарлиги планида кўзда тутилмаган ишлардан иборат бўлмоқда.

Республика мактабларида меҳнат таълими аҳволини таҳлил қилишга берилмай, халқ таълимининг расмий органлари ва жамоатчилик эътиборини уни бутунлай қайта кўриб чиқиш зарурлигига қаратмоқчимиз. Зеро, агар ҳатто юқори синф ўқувчилари ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларига (ЎИК) қатнашсалар ва у ерда касб тайёргарлиги тўғрисида диплом олсалар ҳам, улардан жуда озчилиги мактабни битиргандан кейин ихтисосликлари бўйича ишлашга боришади.

Ҳунар-техника билим юртлари ҳам ҳаёт талабларидан шубҳасиз орқада қолмоқда. Республикада ҳозирги пайтда ишлаётган 460 ҳунар-техника билим юртидан кўпчилиги замонавий техникани эгаллайдиган ишчиларни тайёрлаш учун мослашмаган. Буларнинг ҳаммаси ҳам шунга олиб келмоқдаки, Ўзбекистонда бир миллион ишсиз бўлгани ҳолда саноатда — 12,2 минг, қурилишда — 16 минг, савдода, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида — 8 мингга яқин иш жойи бўш турибди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи ва иккинчи сессияси материалларида республика аҳолисининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этишга доир таклифлар каттагина ўрин олди (саноат, хусусан қайта ишлаш корхоналарининг, айниқса қишлоқларда қурилиши ва кенгайтирилиши ва бошқалар). Жойларда гарчи, секин бўлса ҳам лекин ҳунармандчилик саноати ва халқ майда ҳунармандчилиги, турли хил кооперативлар ривожланмоқда. Улар учун профессионал ходимларнинг етишмаслиги ривожланиш жараёнини тўхтатиб турибди. Бу ерда бизнинг назаримизда ўрта мактаблар ўз сўзини айтиши керак. Уларнинг ҳар бирида у ёки бу касбга мойил бўлган ўқувчилар топилади. Уларни 8-синфдан бошлаб алоҳида устозга — ўқувчиларга ўз маҳоратини ўргатадиган темирчи, дурадгор ёки бошқа устага бириктириб қўйиш мумкин бўлар эди. Бу ҳол меҳнат дарси машғулотлари ҳисобига шартнома билан расмийлаштирилиши керак.

Давр янги шароитда ишлашни ўрганишни қаттиқ туриб талаб қилмоқда. Ижтимоий ҳаётимизнинг янгиланиш жараёни ғалаба қозониши учун кишиларда ўзларига ишонч ҳосил қилмоғига ёрдам бериш, уларни иш билан таъминлаш керак. Бунинг учун ўз-ўзини бошқариш принциплари биринчи навбатда бевосита одамлар яшаётган ва ишлаётган, кўпинча ўзларининг эҳтиёжларини қондираётган жойларда кенгроқ ҳаракат қилиши зарур. Сўз маҳаллий Советларнинг фаолияти тўғрисида бормоқда. Хусусан, вазият уларнинг ишга жойлаштириш органлари ишини бутунлай қайта қуриш зарурлигини талаб қилмоқда. Бу идоралар ўзларига қарашли территориядаги ишсизларнинг аниқ сонини билиши ва улар билан улар ҳаётининг ҳамма масалалари юзасидан доимий алоқада бўлиши керак.

Ишлаб чиқаришнинг ёпилиши ёки ўзгариши муносабати билан иқтисодиётдаги структура силжишлари натижасида ишдан бўшатиб олинаётган ҳар бир ходимга давлат профессионал марказларида ушбу даврда ўртача ойлик маошини, узлуксиз иш стажини ва қонуний имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда қайта тайёрланиш имконияти берилиши керак. Қандайдир сабабларга кўра вақтинчалик ишламаётган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳуқуқий, иқтисодий ва социал чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Ишсизнинг мақомини, унинг нафақа, уй-жой, моддий ёрдам билан таъминланишини қўшиб ҳисоблагандa бир қатор кафолатларни олиш ҳуқуқини қонуний мустаҳкамлаш зарурлигини яна бир бор қайд қиламиз. Чамаси, бунинг учун умумдавлат страхование фондини барпо этиш керак.

Жамиятда инсоннинг роли унинг қобилияти, билим даражаси, малакаси, ишга муносабати билан белгиланиши керак. Хусусан, бизда амалга оширилаётган қайта қуриш ҳам ана шунга йўналтирилган. Давлат ва барча жамоат ташкилотларининг диққат марказида инсон, унинг ташвишлари ва эҳтиёжлари, шу билан бирга унинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг таъминланиши туриши керак.

И. СУЛАЙМОНОВ,
тарих фанлари номзоди, Қўқон педагогика институтининг сиртқи таълим бўйича проректори;

Ғ. ТОШПЎЛАТОВ,
тарих фанлари номзоди, шу институтнинг КПСС тарихи кафедраси катта ўқитувчиси.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Тошкентлик журналхон А. Абдушукуров редакцияга шундай деб ёзибди: «Мен Туркистонда миллий матбуотнинг қарор топишида Татаристон матбаачилари катта ёрдам кўрсатишган деб эшитдим. Шу ҳақда бирор нарса билмоқчи эдим».

БАЙНАЛМИЛАЛ ҲАМДЎСТЛИК ТАРИХИДАН

Совет ҳокимиятининг В. И. Ленин таклифи билан қабул қилинган дастлабки декретлари қаторида Матбуот тўғрисидаги декрет бўлган. «...Биз ҳар бир халқнинг мустақил ва эркин ривожланиши учун, ўз она тилида адабиёт яратиши ва тарқатиши учун ҳар томонлама ёрдам бермоқдамиз»,— деб ёзган эди Владимир Ильич (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 133-бет).

Туркистон АССРда Халқ хўжалиги кенгашининг 1918 йил 29 мартдаги «Ўлкадаги босмахоналар ва литографияларни национализация қилиш тўғрисида»ги декрети бу соҳадаги дастлабки қадам бўлди. «Туркистон ўлкасидаги барча босмахона, литографиялар,— дейилган эди унда,— миллий мулк деб эълон қилинади ҳамда ҳамма мол-мулки ва пуллари билан биргаликда уларни бошқариш ана шу корхоналарнинг ишчи ташкилотлари қўлига ўтади». 1918 йил май ойининг ўрталаридаёқ 20 нафар босмахона ва литография национализация қилинди. Ўлка матбаачиларининг ўша ойда бўлиб ўтган қурултойи босмахона корхоналарини национализация қилишни тезроқ ниҳоясига етказишга даъват этди.

1918 йил 17—25 майда Тошкентда Туркистон ўлкаси большевистик ташкилотларининг I қурултойи бўлиб ўтди, у РКП(б)нинг таркибий қисми сифатида Туркистон коммунистик партияси тузилганини эълон қилди. Унинг делегатлари бошқа масалалар қаторида Совет ҳокимиятининг Ўрта Осиёдаги асосий таянчи бўлган мусулмон пролетариати орасида ишлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишди. Қабул қилинган резолюцияда «партия тарғиботчиларининг мусулмон пролетариати орасида олиб борадиган ишида зарур таянч бўлган мусулмон тилида адабиёт нашр этишни» йўлга қўйиш тавсия этилди. «Ушбу вазифа амалга оширилгандагина мусулмон пролетариати интернационализм ғояларини ўзига сингдиради ҳамда халқаро пролетариатнинг буюк оиласига онгли равишда эл бўлади» (Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. Ташкент, Узбекистан, 1988, с. 12). Ўлка большевиклари ана шу қарорни бажара бориб, миллий матбуотни яратишга киришдилар. 1918 йил 21 июнда Тошкентда Ўрта Осиё халқлари тарихида биринчи марта «Иштирокиюн» («Коммунист») миллий газетаси пайдо бўлди.

Нашриёт ишини йўлга қўя оладиган, газета ва журналларни таҳрир этадиган кадрлар амалда йўқ эди. Қоғоз, бўёқлар, арабча ҳарфлар, босмахона жиҳозлари етишмасди. Туркистон Коммунистик партияси МҚ РКП(б) МҚ, РСФСР ХКСга, Петроград, Москва, Қозон губерния партия комитетларига мурожаат этиб, зудлик билан ёрдам кўрсатишларини сўради. 1919 йилнинг охиридаёқ ВСНХнинг қоғоз саноати бош бошқармасидан Туркkомиссия адресига 2 минг пуд матбаа қоғози келди. Қозонда эса ТКП МК Ўлка мусулмон бюроси ҳузуридаги маданий-маърифий бўлим учун кутубхона тузилди ҳамда у ерга тажрибали ношир, таржимонлар, босмахона ходимлари ишга юборилди.

1920 йил ноябрда олти нафар матбаачидан иборат комиссия тузилди. У Москва, Петроград, Қозонга 32 та босмахона, литография, муқова машиналари ва бошқа машиналар, 5 минг пуд қоғоз, 500 пуд русча ҳарфлар ва 1300 пуд арабча ҳарфларга буюртма берди. 1921 йилнинг баҳоридаёқ Қозондан 300 пуд ҳарф олинди. Бирмунча кейинроқ 5 та литография машинаси ва яна 200 пуд арабча ҳарф келди.

Илгари қолоқ бўлган халқларнинг маданий-маърифий муассасаларини, китоб нашр қилиш ишини ва вақтли матбуотини йўлга қўйишда интернационал ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ленинча ғоялар бир қатор партия съездлари қарорларида аксини топди. Чунончи, РКП(б) X съезди резолюцияси коммунистларни великорус халқларига мансуб бўлмаган меҳнаткашлар оммасининг илгарилаб кетган марказий Россияга етиб олишида ёрдам беришга, улар ўз юртларида матбуот, мактаб, театр, клуб ишини ва умуман она тилида маданий-маърифий муассасаларни барпо этишлари учун зарур бўлган ҳамма ишни қилишга даъват этди.

Бу ишда Туркистон меҳнаткашларига Татаристон пролетариати катта ёрдам кўрсатди. Бу ғоятда самарали бўлди, чунки татар тилини ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва уйғурлар тушунишар эди. Маданий анъаналарнинг муштараклиги ўлкада тарғибот-оммавий ишни олиб боришни енгиллаштирди.

1922 йилда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг илтимосига кўра Қозондан ҳарф терувчилар келишди, улар маҳаллий кадрларни тайёрлашда қатнашдилар. «Татаристон республикаси маркази бўлмиш Қозондан,— деб хабар қилинди 1922 йилнинг июлида «Туркестанская правда» газетасида,— Бухорога саккиз нафар мусулмон ҳарф терувчилари келишди. Ҳарф терувчиларнинг деярли бари кекса, тажрибали, иш кўзини биладиган босмахона саноати меҳнаткашларидир. Шу кунларда 400 пуд мусулмон ҳарфлари келади, улар етиб келиши биланоқ Бухорода нашриёт ишини бошлаб юбориш мумкин».

Туркистон ўлкасида вақтли матбуотни ва китоб нашрини ташкил этишда Октябрь революциясига

кадар шу ерда яшаб келган татарлар ҳам катта роль ўйнашди. Шулардан бири — Ҳ. З. Макаевдир. Скобелев шаҳрида (ҳозирги Фарғона) ўкитувчилик қилган Макаев 1917 йил мартда ўзбек тилида «Фарғона саҳифаси» газетасини чиқара бошлайди, унинг атиги 40 сони чиқди. 1918 йилда Совет ҳокимиятининг бошқа фаоллари каторида Ҳ. З. Макаев ўзбек тилида «Ишчилар қалқони» газетасини чиқаришни йўлга қўйди, у Ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари Наманган Советининг органи эди. 1921—1928 йилларда у Наманганда давлат босмахонасига мудирлик қилди.

Меҳнаткашларни сиёсий руҳда тарбиялаш мақсадида оммавий-тарғибот ва ташкилотчилик ишининг хилма-хил шакллари ва методларидан фойдаланилди. Шулардан бири 1919—1920 йилларда тарғибот-инструкторлик поездлари бўлди. 1919 йилда Шарқ халқлари коммунистик ташкилотлари Марказий бюроси ташаббуси билан «Қизил Шарқ» номи билан поезд ташкил этилди. Уни Туркистонга жўнатишга тайёрлаш муносабати билан РКП(б) Қозон губкомига Қозонда нашр этилган китоб ва брошюраларни ўзбек ва қирғиз тилларига таржима қилишга дарҳол киришиш таклиф этилди. 1920 йилнинг январи охирида «Қизил Шарқ» тўла жиҳозланди ва ўлкадаги туб ерли миллатлар тилларидаги адабиёт ва араб ҳарфлари билан таъминланди.

Сиёсий бўлим поезди босмахонаси ходимлари орасида татарлар кўп эди. Давлат нашриёти Қозон бўлимининг ходими Бакеев Тошкентга йўл олди. Қозон губернасининг Мамадиш шаҳридан агитпоезд газетасида ишламоқ учун М. Будаилов билан Ф. Султонбеков командировка қилинди. Ана шу газетага муҳаррирлик қилган таникли татар педагоги ва публицисти Шагид Аҳмадиев кейинчалик Туркистон республикаси маориф халқ комиссари қилиб тайинланди, сўнгра «Иштирокиюн» газетасига муҳаррирлик қилди.

Агитпоезд ходимлари Туркистонда нашриёт ишининг танг аҳволда эканлигини, мутахассисларга жуда муҳтожлигини, шарқ тилларида адабиётлар етишмаслигини ўз кўзлари билан кўрдилар. 1920 йил августида иккинчи сафарга чиқиш олдидан улар Туркистонда ишлаш учун мутахассислар жалб этиш, адабиёт, ҳарфлар, босмахона жиҳозлари харид қилиш мақсадида Волгабўйи ва Уралбўйининг кўпгина районларига бориб келдилар.

РКП(б) МК қарори билан ҳар ойда Туркистон АССРга миллий матбуотни ривожлантириш учун субсидия ажратиб турилди. Партия МК, В. И. Ленининг доимий ғамхўрлиги, бутун Совет давлатининг ёрдами билан бу ерда 1920 йил апрелидан 1921 апрелигача ўлкадаги туб ерли халқларнинг тилларида 483 номда газета, журналлар, китоблар, брошюралар, варақа ва плакатлар 2,7 миллион нусхада нашр этилди.

Бироқ, кейинги йилларда ҳам миллий тилларда адабиёт билан таъминлашда қийинчиликлар бўлди. Шу сабабли ТКП МК РКП(б) МКга қуйидаги илтимос билан мурожаат қилди: «Партия аъзоларининг жуда кўпчилиги (рус тилини билмайдиганлар. **Ҳ. Б.** ва **А. Р.**) марксистик ва ҳар қандай адабиётларсиз қолмоқда... Ҳолбуки татар тилида адабиёт олиниши билан масала ижобий ҳал бўлган бўлур эди: бу адабиёт эҳтиёжимизни анча қондирган бўлур эди. Татар тилини қирғиз, ўзбек, уйғур ва баъзи бошқа кишилар бемалол тушунадилар. Қирғиз ва ўзбекларга мансуб партия аъзолари бу адабиётни хусусий тартибда топишмоқда... ТКП МК тарғибот-ташвиқот бўлими Туркистон учун адабиётнинг бир қисмини татар тилида ажратишни сўрайди». Марказнинг тақсимотига мувофиқ Татаристон давлат нашриёти китоблар тиражининг бир қисмини Туркистон республикасига жўнатди. Бундан ташқари Қозон босмахоналарида Туркистон ва БХСР буюртмалари чоп этилди.

1924 йилдаёқ Туркистонда 46 газета ва 22 журнал нашр этилди, уларнинг анчагина қисми туб ерли аҳоли тилларида босилди. РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг ташаббуси билан мамлакат шарқидаги дастлабки нашриётлардан бири бўлган Туркистон давлат нашриёти Ўрта Осиё давлат нашриётига айлантирилди. РСФСР ҳукумати унинг харажатлари ярмини ўз зиммасига олганлиги халқлар дўстлигининг ёркин кўриниши бўлди. Тошкентдаги босмахона мактабида Бухоро ва Хоразм республикалари учун ҳарф терувчилар тайёрланди.

Ўз меҳнат фаолиятини литографияда бошлаган Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом ана шу ёрдамга юқори баҳо берган эди. У шундай деб ёзганди: «Ўзбеклар учун дастлабки босма китоблар Қозон дорилфунунининг босмахонасида нашр этилган. Хива билан Бухорода босмахонанинг биринчи ташкилотчиси Шогимардон абзи бўлган. Татар халқи Қозоғистон водийси орқали илғор рус маданиятини, илғор рус ижтимоий тафаккурини Ўзбекистонга олиб келган кўприк эди, десак хато бўлмайди... Абдулла Тўқай, Мажид Ғафурий, Фотих Амирхон, Олимжон Иброҳимов тили ўзбеклар билан қозоқларга яқин ва тушунарли эди... Татар халқи эса ўзбек халқига миллий ҳарф олиб келган воситачи бўлган».

Ҳ. БИЛОЛОВ,
Тошкент фармацевтика институти сиёсий тарих ва сиёсий иқтисод кафедрасининг муаллими.
А. РАСУЛОВ,
В. И. Ульянов (Ленин) номли Қозон давлат дорилфунуни аспиранти.

ЎТМИШНИНГ СОЦИАЛ УТОПИЯЛАРИ ВА ЗАМОНАМИЗ

ЯНГИ КИТОБЛАР орасида М. К. Ориповнинг тадкикоти* эътиборимни тортди. Уни катта кизикиш билан ўкиб чикиб, беихтиёр буюк немис файласуфи Гегелнинг бир хикматли сўзини эсладим: «Бу гумбаз остида хеч нарса янги эмас». Зеро, бу китобда сўз азалий муаммо — шахс ва жамиятни такомиллаштириш хусусида борар экан, бу муаммо, минг йиллар олдин бўлганидек, бугунги кунда замондошларимизни ҳам ҳаяжонлантирмокда.

Хозирги пайтда адолатли жамият барпо этиш моделлари фаол изланмокда, улар хар бир халкнинг маданий, социал-иктисодий, фалсафий, диний-ахлокий қадриятлари ва анъаналарини, унинг маънавий ҳаёти ўзига хослигини хисобга олиши керак. Бу жараён айникса Осиё ва Африка мамлакатларида миллий-озодлик ҳаракатининг мафкураси доирасида интенсив бормокда. Илмий жамоатчиликнинг Марксгача бўлган социалистик фикр тарихига кизикиши ошмокда, мустамлакачиликдан халос бўлган мамлакатларда утопик тафаккур тикланмокда. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий ҳаётнинг ўз вақтида К. Маркс «ишлаб чиқаришнинг осиёча услуби» деб атаган укладини чукур мушоҳада қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Афсуски, кўпгина фалсафий-этик системаларимиз ва социал-иктисодий моделларимиз аслини олганда Европоцентристик позициялардан туриб ишлаб чикилган, уларда Шарк халқларининг бой маънавий тажрибаси, уларнинг айникса фалсафий ва социал-сиёсий фикр соҳасида умуминсоний цивилизацияни ривожлантиришга кўшган жуда катта ҳиссаси эътибордан четда қолган. Ўз вақтида Гегель Шарк дунёсининг маданий ютуқларини умумжаҳон цивилизациясининг Осиёдан Европага қараб ҳаракатланган ривожланишида дастлабки босқич деб қараганлиги бежиз эмас.

М. Орипов китоби билан танишиш ана шундай фикр-мулоҳазаларга олиб келади. Бу тадкиқотнинг пайдо бўлиши менимча, гоятда ўз вақтида бўлди ва бир қадар симптоматик хусусият касб этди. Утопия негизида айни жамиятни яхшилашга, шахсни такомиллаштиришга қаратилган социал идеални излаш ётади. Утопист-мутафаккир хаёлида ёхуд халк фантазиясида (фольклор, диний таълимотлар) барпо этилган идеал дунё ижтимоий турмушнинг «азалий» негизлари сифатида қаралувчи ғояларнинг ўзига хос термаси тарзида майдонга чиқади. Бу дунёга нисбатан олганда реаллик такомиллашмаган, ўзгартиш лозим бўлган нарса деб фараз қилинади. Бошқача қилиб айтганда, утопия мавжуд воқеликнинг антиподи бўлиб майдонга чиқади ва кишилар катта гуруҳларининг социал жиҳатдан фаоллигини рағбатлантиради. Ана шунда муаллиф унинг ижтимоий ҳаракатлар тарихидаги социал-сафарбарлик ролини кўради (6—9-бетлар), бу эса, назаримда, ғоят қимматли тезисдир.

Бинобарин, мукаммал ижтимоий тузумнинг мавҳумий-назарий ифодаси бўлмиш утопия идеал дунёни конструкциялашнинг таянчи бўлиб қолаётган воқеликдан бутунлай ажралиб қолмайди. Тўқима, фантастик нарсанинг воқелик билан бирикуви туфайли нафақат идеал жамиятнинг манзараси чизилади, балки реал муносабатлар баҳоси ҳам ифодаланади ҳамда социал муаммоларни ҳал этиш йўлларини изланиш юз беради. Бу фикр китобнинг «Утопия ва утопик социализм масаласига доир» деб номланган биринчи бобида яққол ифодаланган. М. Қ. Орипов ўзининг алоҳида эътиборини «утопия», «утопик», «утопизм», «утопик социализм» тушунчаларини аниқлаштириш ва конкретлаштиришга доир ёндашувлар ҳамда мунозараларни мушоҳада қилиш ва таҳлил этишга, утопиянинг келиб чиқиш детерминантларини қараб чиқишга, уни ифода этишнинг турли шаклларини ва у томонидан бажариладиган социал-дунёқараш функцияларини очиб беришга қаратади.

Асарда «утопия» тушунчаси атрофдаги воқеликни идрок этиш ва унинг жамоат онгида келажакнинг идеал образи кўринишида инъикоси муайян усулига бўлган йўл-йўрикнинг ўзига хос шаклидан иборат эканлиги тўғрисидаги қоида асослаб берилади. «Утопик» тушунчаси социал идеални амалга оширишнинг ғайриилмий методлари, но-

* Арипов М. Қ. Социальная утопия как течение в общественно-философской мысли Средней Азии. Ташкент, «Фан», 1989, 103 с.

реал усул ва воситаларини қўшганда ўзида баҳоловчи ва субъектив жиҳатларни ифодалайди. Бу тушунча қандайдир фаразий, идеал нарса бўлиб, ўзида хаёлот элементларини ифодалайди. «Утопизм» тушунчаси нарсаларнинг шаклланган тартибини ўзгартириш ва йўқотишга йўналганликни, унинг доирасидан четга чиқишни ифодалайди. У ўзида социал танқид ва мавжуд укладни инкор этиш элементларини ифодалайди. Социал утопизм ҳар қандай ижтимоий-ўзгартирувчилик тенденциялари ва халқ ҳаракатларининг умумий характеристикаси сифатида майдонга чиқади. «Ана шундан,— деб хулоса қилади муаллиф,— антагонистик жамият шароитида халқ мафкурасини ифодалашнинг ўзига хос шаклини билдирувчи социал утопияларда асосан учта масала қўйилиши кўзга ташланади, яъни: социал кулфатнинг манбаи сифатида хусусий мулкни йўқ қилиш; мулкий ва социал тенглик; мукаммал социал ташкилотни барпо этиш» (16-бет).

М. Қ. Орипов томонидан утопия ва утопик социализм хусусидаги ижтимоий фикрнинг гарчи муайян тарихий алоқадорлик ва ғоявий ворислик мавжудлиги инкор этилмасада турли тартибдаги ва бир-биридан принципиал фарқланувчи ҳодисалар ҳақида илгари сурган қоидаси диққатга сазовордир. Илмий адабиётларда «утопия» ва «утопик социализм» кўпинча социалистик фикр ривожланишида тарихий босқичлар сифатида қараб чиқилаётгани алоқадорлик билан ворислик ўртасидаги чегараларни аниқлаш муҳим эканлигини асослайди, бу эса илмий социализмнинг ғоявий илдизларини жўнлаштиришга олиб келиши ва унинг ғоявий сарчашмаларини қадимги давр ва ўрта асрларнинг ғоят содда эгалитаристик таълимотлари билан боғлашга, социалистик жамиятдаги тоталитаризм ва шахсни баравварлаштириш илдизларини ўтмиш утопияларидан топишга уринаётганларга қўл келиши мумкин (17—18-бетлар).

Келтирилган далилларга қўшилмасдан бўлмайди, чунки буржуа мафкурачилари ўртасида марксизмни утопия, дин, эсхатология сифатида талқин қилиш кенг тарқалган. Масалан, Р. Фултон уни диний утопия деб ҳисоблаб, унга провиденциализм, пайғамбарлик хос деб билади, Р. Таккернинг фикрича эса, К. Маркс олим эмас, балки моралист ва диний арбобдир, унинг концепцияси христианлик системасига ўхшаш характерли хусусиятларга эга бўлган эсхатология шаклидан иборат.

Утопияни утопик социализм билан социалистик фикрнинг турли босқичлари сифатида бирлаштириш, бундан ташқари, анча қадимий постулат ва қарашларни янги даврда ишлаб чиқилган тасаввурларга қўшишдек яна бир номатлуб ҳолга олиб келади. Масалан, ҳозирги мусулмон мафкурачиларининг муайян доиралари социализм илдизларини исломнинг қадимий постулатларига ва илк мусулмон жамоасининг тартибларига тақашга интилиб, «социализм» тушунчасини ўтмишнинг турли утопик эгалитар таълимотлари билан боғламоқдалар.

Шу муносабат билан муаллифнинг утопия ғояси Томас Морнинг «Утопия» асари сарлавҳасидан келтириб чиқариладиган утопия тушунчасидек қадимийроқ эканлиги хусусидаги фикри ишонтирарлидир. Бунинг устига, утопия ғояси марксизмнинг ғоявий манбаларидан бири бўлмиш утопик социализмдан қадимийроқдир. М. Қ. Ориповнинг ана шу тезисни тасдиқловчи далил-исботларининг моҳияти қуйидаги қоидаларни асослашга хизмат қилади: утопия ва утопик социализм хронологик, пайдо бўлиш вақти бўйича, шунингдек социал идеални қўйиш, уни ифодалаш ва рўёбга чиқариш усуллари ҳамда методлари бўйича фарқланади — утопиянинг идеали ўтмишга, ибтидоий жамоа тузумига (инсониятнинг «олтин аср»ига) қайтишга йўналган бўлиб, утопик социализм эса келажакка интилади ҳамда мавжуд воқеликни бутунлай инкор этишга асосланган эмас, утопияларда кўпинча дин устун мавқени ишғол этади, утопик социализм эса рационалистик таълимот бўлиб, унда динга бўйсунувчи ўрин ажратилган; утопиялар халқ орасида социал зулм ва тенгсизликка қарши стихияли норозилик сифатида туғилган, улар асосчиларга эга эмас, уларнинг мазмуни афсоналар, фольклор, дин ва турли социал-сиёсий лойиҳаларда ифодаланган, утопик социализм эса шаклланган капиталистик муносабатларнинг маҳсулидир ва буюк утопист-социалистлар сиймосида ўз яратувчиларига эга (21—23-бетлар).

Тафовут мезонларидан келиб чиқиб, китоб муаллифи ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги мусулмон концепцияларини утопик социализмнинг бир тури деб эмас, балки диний утопиянинг шакллари деб ҳисоблайди. Гарчи ушбу қоида шак-шубҳасиз бўлмасада, бундай ёндашувда ўзига хос мантиқ бор: бугунги кунда ҳозирги социалистик ҳаракатни дастлабки ҳолатга қайтиш, илк исломнинг анъанавий тартиботларини тиклаш деб тасвирлашга уриниш кўзга ташланмоқда. Бу эса ўз навбатида Европада социалистик ҳаракатни гўё илк христианлик жамоасига, христиан эгалитаризмининг норма ва қадриятларига қайтиш деб тасаввур қилинганликка бир қадар уйғун келади. Шуни унутмаслик керакки, Ғарбий Европа утопик социализми, рус ва Шарқий Осиё утопик социализмидан фарқ қилиб, айни антиклерикал йўналганлиги ва очиқданочиқ ифодаланган рационализми билан характерланади.

Айни ҳар қандай социал ёки маънавий ҳодиса соф кўринишда бўлмаслиги сабабли

ҳар қандай тасниф ёки схема шартли ва нисбийдир. Лекин социал адолат, тенглик ва эркинлик буюк ғояси барча изланишларнинг бирлаштирувчи негизи бўлиб майдонга чиқмоқда. Айни шу идеаллар ижтимоий ривожланиш турли назарияларининг туғилишини рағбатлантиради. Улар, шунингдек ўрта аср Шарқ мутафаккирлари фалсафаси ва исломнинг ҳозирги концепциялари негизида ётади. Ўйлашимча, Африка ва Осиё мамлакатларида ишлаб чиқилаётган давлат моделлари, гарчи ўз ориентирларига кўра утопик элементларни ўз ичига олсада (истисносиз ўз социал-маданий қадриятлари ва анъаналарига таяниш, уларни жамият структурасига жорий этишга интилиш), улар кўпинча давлат сиёсати ва мафкурасининг ажралмас қисми сифатида майдонга чиқади.

Динга ва ўтмишнинг маънавий меросида шаклланган дунёвий социал-фалсафий таълимотларга таяниш миллий ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш чоғидаги ҳозирги мусулмон фикрининг характерли хусусиятидир. Унинг ана шу хусусияти китобнинг ўрта аср Шарқи икки атоқли мутафаккири — Абунаср ал Форобий ва Алишер Навоийнинг давлат-этик ва сиёсий концепциялари утопия контекстида қараб чиқилган бобларида айниқса ёрқин ифодаланган. Бизнингча, муаллиф томонидан учта энг муҳим вазифа бажарилган: ўтмишнинг маданий қадриятларидан фойдаланишда ворислик қараб чиқилади, уларнинг бугунги муаммоларни янада чуқур тушуниш ва мушоҳада қилишдаги аҳамияти таъкидланади, инсон уни, маънавий-ахлоқий жиҳатдан камолотга етказиш методлари ва усуллари хусусидаги масала контекстида кўриб чиқилади, инсон муаммосининг унинг учун муносиб турмуш шароитини барпо этиш зарурати ғояси билан алоқадорлиги изчил очиб берилади, яъни ўтмишда яшаган мутафаккирларнинг социал ва маънавий идеаллари ўртасидаги мустаҳкам алоқа кўрсатилади ва шу асосда улар инсонпарварлигининг моҳияти аниқланади.

Ўрта Осиё мутафаккирлари қарашларининг у ёки бу хилда талқини муаллифнинг компетентлилиги ва профессионал виждонига ҳавола. Вазифа китобхонлар эътиборини азалий муаммоларга — шахс ва жамиятни такомиллаштириш зарурлигига, бахтга эришиш йўлларини излашга, инсон ҳаётини адолатли ва хавфсиз қилишга жалб этишдан иборат бўлиб, бу нарса Шарқ мутафаккирлари социал фалсафасининг лейтмотивини ташкил этади. М. Қ. Орипов китобининг асосий руҳи ва мазмуни ҳам ана шундан иборат. Афсуски, кишилик цивилизациясининг келажагини белгилаш йўлларини муҳокама қилишда ҳозиргача истасак-истамасак Шарқ халқларининг маънавий қадриятларига европоцентризм нуқтаи назаридан туриб бир қадар менсимасдан қараш кўзга ташланади. Зотан, атом асридан неча юз йиллар аввал баён қилинган Қадимги Шарқнинг кўпгина ғоялари бугунги кунда актуал янграмоқда ва, бунинг устига, Ғарбий Европа фикрининг ютуқларига қараганда ҳақиқатга анча яқиндир.

Ақалли Форобий социал утопиясининг асосий мазмунини — оқил универсум, илоҳий бамаънилик ва гражданлик тузуми, кишилар жамияти ўртасида уйғунлик йўлларини излашни олиб кўрайлик. Бу ўз моҳиятига кўра фазога хос уйғунлик ва мутаносибликни ердаги ҳаётга ўринлашга, кишилик жамиятининг яшаш қоидаларини Олам борлиғи абадий қонунларидан олиб чиқишга уриниш эди. Оламни, инсонни ўраб олган муҳитни, унинг яшаш қонуниятларини ўрганиш структураси фазодан олинган идеал жамиятни барпо этишга йўл очиб бериши кераклиги фикри ана шундан келиб чиққан.

Аввал қадимги юнон фалсафасида (хусусан, Суқротда), сўнгроқ XVII асрда, Спиноза фалсафасида кўрилган фазовий тартибни антропологиялаш принципи ўз ичига кишилик цивилизацияси (жамият) ва табиатнинг (оламнинг) уйғунлиги, мавжудлиги инсон теварагидаги табиий муҳит қонуниятларига мувофиқ келувчи жамиятни барпо этиш ғоясини олади. Шу нарсада Форобий граждан ҳайвон (ҳайвони маданий), Навоий эса табиат гулзорининг марвариди деб атаган инсоннинг биосоциал мавжудот сифатидаги ҳақиқий моҳияти кўзга ташланади.

Инсонни коинотнинг гултожи деб юксалтирувчи ва бир вақтнинг ўзида унинг олам билан чамбарчас алоқадорлигини эътироф этувчи ушбу гуманистик ғоя бугунги кунда ғоят актуал жаранглаб, планетар тафаккур ёки ноосфера (В. И. Вернадскийга кўра) концепциясининг фалсафий-назарий негизидир. У инсониятнинг омон қолиши ва сақланиши манфаатлари йўлида ядро-экология кризиси шароитида умумий ҳамкорлик ғоясини олға сурган янги тафаккур билан ҳамоҳанг янграяпти. Ҳозир биз инсон ва табиатнинг бирлиги зарурлигини англаб етдик. Бугунги кунда «экология» деб аталган нарса ўрта аср мутафаккирларининг муаллиф томонидан таҳлил қилинган пантеистик концепцияларида (27—34, 78—83-бетлар) етарлича яққол кўрсатилган эди. Табиийки, улар ана шу терминдан фойдаланган эмаслар. Лекин Форобийнинг макромир (олам) фаолиятининг барча қонуниятлари акс этадиган микромир сифатидаги идеал жамият тўғрисидаги ғояси академик В. И. Вернадскийнинг биосферани оқилона бошқариш хусусидаги фикрига, унинг ноосфера назариясига кўп жиҳатдан ҳамоҳангдир. Фан-техника революцияси шароитида инсоният, ниҳоят, табиат — шунчаки фойдаланиш объекти эмаслигини тушуниб етди. Унга

оқилона муносабатда бўлиш зарурлигини англаш биринчи ўринга чиқди. Биосфера билан чамбарчас бирлик туйғуси шаклланмоқда. Кишилик цивилизацияси ва ижтимоий фикр ривожланишининг янги босқичида фан ўзининг сарчашмасига қайтмоқда, унинг бойлигидан янги ғоялар олмоқда.

Форобийнинг бахт-саодат ҳақидаги мулоҳазалари биз учун яқин ва тушунарлидир, олим айни унда киши ҳаётидаги олий неъмат ва асосий мақсадни кўрган эди. Субъектив тасаввурлар (бойлик, хузур-халоват, жисман саломатлик ва ҳоказолар) у ҳақда билимга элтувчи умумий негизга эга эмасдир. Инсоннинг яшашдан мақсади — таълим ва тарбия йўли, хайрли ҳаракатлар билан бахтга эришишдир. «Бахт-саодатга ҳолатларнинг мажмуи бўлган чоғда эришиш мумкин, бу эса барча гражданларнинг биргаликдаги куч-ҳаракатлари ва фаолиятларини талаб этади. Бунинг учун бахтга эришиш усуллари ва воситалари ўргатиладиган муайян социал ташкилот зарур» (35-бет). Бундай мулоҳазалар билан Форобий кишилар ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни ўрнатиш учун тегишли шароитлар бўладиган социал организмни такомиллаштириш зарурлигини исботлайди.

Идеал жамият раҳбарияти кишиларнинг бахтга эришиш йўлидаги биргаликдаги ҳаракатларини йўналтириб туради. Шу сабабли кишилар уларни яшаш ва бахтли бўлишга ўргатадиган, ўз ибрати билан уларни хайрли ишларга ундайдиган кишига, яъни фозиллар шаҳри — идеал давлатнинг Биринчи сардори сингари раҳбар-устозга муҳтождирлар. Ҳоким ва унинг аёнлари назарий билим (фалсафа) билан қуролланишлари, амалий фалсафа соҳасига (этика ва сиёсат) кирган, бахт-саодатга эриштириш учун амалий кўникмалар ва гражданларни ўқитиш ва тарбиялаш воситаларига эга бўлишлари керак. Бу фикрлар «қадимий»лигига қарамай ғоят долзарб янграмоқда.

Шундай қилиб, Форобий Арасту ва Афлотун учун характерли бўлган билим билан маънавий камолотнинг, интеллектуал ва маънавий жиҳатларнинг бирлиги ғоясини ривожлантиради. У маънавий камолотни билимсиз тасаввур этмайди. Хайрли ишлар билан қўшиб олиб борилмайдиган билим донoликка бошламайди, бахт-саодатга эришиш йўлини кўрсатмайди, аксинча, ёвузликни, социал сафсатани туғдиради, идеалнинг воқеликдан ажралиб қолишига, эълон қилинган олий принциплар билан жамиятнинг реал ғайриахлоқий ҳолати ўртасида жарлик бўлишига олиб келади.

Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий қадриятларга биринчи навбатда ҳокимлар ва ҳукмдорларни жалб этишга интилишлари бугунги кунда ҳаётнинг реал талабидир, зеро уларнинг турмуш тарзи ва кундалик хулқ-атвори эталон, намуна бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан М. Қ. Орипов сиёсат ва ахлоқнинг ўзаро нисбати масаласини муфассал қараб чиқади. У итальян Уйғониш даври арбоби Николо Макиавеллининг (1469—1527) сиёсий нигилизми ва ахлоққа зид фаолиятини асосли танқид қилади, у бугунги кунга ҳамоҳанг. Маълумки, у кишиларни хайрли ишларга ахлоқий камолотга интилиш эмас, балки ҳокимият кучига асосланган заруратгина олиб келади деб даъво қилиб, сиёсатнинг назарий таҳлилини ахлоқдан ажратган. Шу сабабли Макиавелли ҳукмдор ахлоқий сифатларни эгаллашга интилмаслигини, балки ўзини гўё уларни эгаллагандек тутиши кераклигини таклиф қилади: ваъдалар, ҳийла-найранг, маккорлик, шафқатсизлик ҳалолликка таянувчиларни енгади.

Макиавелли ҳукмдорга сиёсатда ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун ҳамма воситалардан (ёлғон, туҳмат, хиёнат, шафқатсизлик) фойдаланиб, оққўнгил кишиларни чиройли гаплар, ўқимишлилик, художўйлик, уларнинг беҳбудлиги тўғрисида сохта ғамхўрликлар билан маҳлиё қилишни тавсия қилади. Унинг маслаги — «мақсад воситаларни оқлайди», «ғолибларни суд қилмайдилар», «ахлоқий иккиюзламачилик». Китоб муаллифи макиавеллизмни сталинизмнинг XX аср истибдодининг сиёсати ва мафкурасидаги энг шафқатсиз, қонли ғайриахлоқлиликнинг ғоявий даракчисидир деб тўла асос билан ҳисоблайди.

Ўрта аср Шарқи мутафаккирларининг китобда баён қилинган социал-сиёсий ва ахлоқий қарашлари билан танишар эканмиз, ҳозирги кунда, жамиятни янгилаш ва қайта қуриш, янгича сталинизмни барҳам топтириш шароитида жамоатчиликни ҳаяжонлантираётган кўпгина муаммолар хусусида беихтиёр ўйга толамиз. Айни вақтда инсон руҳига хос хислатни, азалдан гўзаллик, мукаммаллик ва уйғунликни излаш хислатини ҳис этамиз.

М. ЛАЗАР,

**фалсафа фанлари доктори,
Ленинград гидрометеорология институти
марксизм-ленинизм кафедраси илмий социализм
секциясининг мудири.**

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» ЖУРНАЛХОНЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Янги йилдан бошлаб журналимизнинг йўналиши бир оз ўзгаради. У **назарий ва ижтимоий-сиёсий** журнал бўлади. Бу ҳол журналхонларнинг бир талай тоифаларини: партия фаоллари ва мафкура жабҳасининг жангчиларини ҳам, совет муассасалари ходимлари ва илмий-педагог кадрларни ҳам, хўжалик раҳбарлари, барча ижодий касблар арбоблари ва жамоат ташкилотлари ходимларини ҳам қизиқтира оладиган материаллар проблематикасини анча кенгайтириш имконини беради.

Журнал 1991 йилда республикамиз ҳаётининг барча томонларини янгилашнинг назарий ва амалий муаммоларига, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, бозор иқтисодиётига ўтишга, жамиятни демократиялаш ва унинг сиёсий системасини ислоҳ қилишга, социалистик ҳуқуқий давлат барпо этилишига, Коммунистик партиянинг омма билан алоқаси янги сифатининг шаклланиши, хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш, жамиятни маънавий поклаш масалаларига ҳамда бошқа кўплаб ҳаётий муҳим мавзуларга биринчи даражали эътибор бериш ниятидадир.

Қайта қуришнинг социалистик йўлни танлаган инсонпарвар, демократик жамият барпо этиш мақсадидан келиб чиқиб, журнал аввало жамиятимизнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг устун туриши принципини амалга ошириш учун собитқадамлик билан курашади.

Журнал саҳифалари етакчи сиёсий арбоблар, иқтисодчилар, социологлар, юристлар, тарихчилар, публицистлар, фан ва маданият, адабиёт ва санъат арбоблари, халқ хўжалиги ходимларига, революцион қайта қуриш ва янгилашнинг ижтимоий аҳамиятга молик, долзарб муаммоларини кўтариб чиқувчи ҳамда амалиётда ҳал этувчи барча кишиларга очиқдир.

Биз биргаликдаги куч-ҳаракат билан қуйидаги ғоят муҳим масалаларни ёритишга ҳаракат қиламиз:

— республикада хўжалик юритиш системаси фан-техника тараққиётини, янги технологияларни қабул қилиши, чиқимли принципга, исрофгарчилик, талафотларга барҳам бериши учун қандай бўлиши керак;

— қиймат қонунига таянган, хўжалик соҳасидаги амалий фаоллик учун қудратли стимуллар барпо этган ҳолда иқтисодий жараёнларни бошқаришни қандай ўрганиш мумкин;

— бозор иқтисодиёти шароитида йирик илмий-техника, умумдавлат социал ва экологик дастурларни амалга ошириш, фундаментал фан, маданиятни ривожлантиришни қандай қилиб бозор ихтиёрига бериб қўймаслик мумкин;

— хўжалик соҳасида маҳдудликка, шаклланган регионлараро иқтисодий алоқаларни емиришга, уларни натураллаштиришга доир кучайиб бораётган тенденцияларни қандай қилиб тўхтатиб қолиш мумкин;

— ерда хўжалик юритишнинг барча шакллари учун қандай қилиб тенг имкониятлар ўрнатиш мумкин;

— Советлар томонидан янги ҳокимият функциялари, ваколатлари ўзлаштирилиш жараёни иложи борича тезроқ бориши учун нима қилиш керак;

— қандай қилиб қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, республикада сиёсий ва социал барқарорлик даражасини кўтариш, қонунга зид ҳодисаларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини яратиш мумкин;

— қандай қилиб миллий уйғониш жараёнларини ҳар бир халқ ва умуман мамлакат манфаатларини кўзлаб бунёдкорлик ўзанига йўналтириш мумкин;

— омма онгидаги мафкуравий исканжалардан, ақидалар ва эскирган тасаввурлардан қандай қилиб халос бўлиш, ақл-идрокни озодликка чиқариш мумкин — зеро маънавий тикланиш ва ғоявий янгиланишсиз ҳеч қандай сиёсий, социал ва иқтисодий ўзгартиришларга эришиш мумкин эмас.

— ўз тарихимизни қандай қилиб англаб олишимиз мумкин, ўтмишимизга оид нима нарсалардан воз кечамиз, келажакка ўзимиз билан нималарни олишни хоҳламаймиз, нима нарсалардан воз кеча олмаймиз ва бунга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Марксча-ленинча таълимот методологиясининг бутун бойлигини, унинг дунёқараши ва қадрият йўл-йўриқларини очиб бериш — «Ўзбекистон коммунисти»нинг энг асосий вазифаси ва доимий ғамхўрлик соҳасидир. Редакция партия социализмни ленинча тушунишни тиклаш деганда нимани тушунишини тўғри талқин этишга ёрдам берувчи материалларни эълон қилишга алоҳида эътибор беради, зеро қайта қуриш — социализмнинг бир шаклидан бошқасига ўтиш эмас, балки социалистик ғоянинг замонамизга монанд шаклида тикланиши, социализмнинг доимо ривожланувчи ва ўз-ўзини янгиловчи жамият эканлиги хусусидаги ленинча тасаввурларни тиклашдир. Бу йил жорий этилган, редакцияга келаётган хатларга қараганда ижобий баҳо олган «Назария ва методология масалалари» рубрикаси журнал саҳифаларидан доимий ўрин олади. Журналхонларимиз илтимосига кўра очилган «Сиёсий суҳбатлар» рубрикаси остида ҳам янги йилда материаллар мунтазам бериб борилади.

Партия ички турмуши проблематикаси, ўзининг асосий функцияларини — назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилотчилик функцияларини амалга оширувчи сиёсий ташкилот сифатида партиянинг фаолияти журналда асосий ўринлардан бирини ишғол этади. Бундаги асосий мақсад — республика партия ташкилотларининг амалий фаолиятини, барча ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал этишга конструктив ёндашувларини чуқур таҳлил этиш ва уларга ҳар томонлама сиёсий баҳо бериш, иқтисодиёт, социал ва маънавий соҳаларни ривожлантириш масалаларини сиёсат чийриғидан ўтказиб қараб чиқиш ва, ўз навбатида, сиёсатни иқтисодиёт, жамиятнинг социал ва маънавий ҳаёти билан боғлашдир.

Журналда миллатлараро муносабатлар муаммолари янгиланиш мафкураси нуқтаи назаридан туриб ёритилади. Бу ишда редакция КПСС МКнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» ҳаракат дастурига таянади, бу билан унда умумий ёндашувлар, миллий муносабатларга «раҳбарлик қилиш» эмас, балки айни сиёсатнинг негизлари баён этилганлигини, у — юридик эмас, балки сиёсий ҳужжат эканлигини, у ҳаракатларнинг принципиал йўлини, узил-кесил ҳақиқат эканликка даъво қилмайдиган стратегияни белгилашини ёдда тутади. Материалларимиз масалани қўйиш тартибида миллий сиёсатнинг реал механизмларини очиб беради, ушбу соҳадаги кескин муаммоларни ҳал этишни, миллий, республика ва умумхалқ, умумдавлат манфаатларини чинакам уйғунлаштириш йўлларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Журналда фан, таълим, бутун маданиятда жамланган Ўзбекистоннинг интеллектуал, маънавий потенциалини активлаштиришга, ҳозирги социалистик шахснинг маънавий қиёфасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган материаллар каттагина ўринни ишғол этади. Олимлар, ёзувчилар, журналистлар, кинематографчилар ҳамда ижодий зиёлиларнинг бошқа отрядлари вакиллари маънавий соҳада юз бераётган жараёнлар ҳақида ҳикоя қиладилар, ундаги қайта қуриш йўллари хусусида ўз фикрлари билан ўртоқлашадилар.

Редакция «Инсон ва табиат», «Тарих саҳифалари», «Тўқсонинчи йиллар олами» бўлимлари учун мақола ва материалларни тайёрлашга доир ишни кучайтиришни режалаштирган. Биз журнал саҳифаларида мунозаралар, давра суҳбатлари ўтказилишини давом эттириб, уларнинг материалларини эълон қилиб борамиз — зеро ҳаёт бир талай назарий ва амалий муаммоларни олға сурмоқда, уларнинг ҳаммаси хусусида ҳам доимо ягона фикр мавжуд деб бўлмайди ва уларни ижобий тарзда ишлаб чиқиш ҳар томонлама муҳокамани тақозо этади. Актуал мавзулардаги мақола, хат, корреспонденция ва очерклар, акс садо материаллари ва таклифлар термалари, саволларга жавоблар, янги китобларга тақризлар, даврий нашрлар обзорлари, библиографик маълумотлар, редакциянинг

ўз ички ҳаёти ҳақида ахборот — буларнинг ҳаммаси, аввалари бўлганидек, журналхонларга тақдим этилади. Редакция материалларни беришнинг барча хилма-хил шаклларидан фойдаланиш ниятида.

Редакция журнал саҳифаларида изҳор этилган таклифлар Ўзбекистоннинг, бутун мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга энг кўп фойда келтиришидан манфаатдордир. У бу саҳифаларни революцион қайта қуриш ва янгиланишнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиқувчи кишиларнинг ҳаммасига тақдим этишини яна бир бор таъкидлаймиз.

Биз у ёки бу назарий ёхуд амалий масалани тушунишда ёрдам бериш, у ёки бу мавзуда материал эълон этиш илтимос қилинган кўплаб хатлар олмоқдамиз. Бундай илтимослардан бирортаси ҳам эътиборсиз қолдирилмайди.

Редакция сизнинг фикрингизга қулоқ солишни ўзининг энг биринчи бурчи деб ҳисоблайди. Бу эса сизнинг қизиқишларингизни ҳисобга олиш имконини беради, ўз ишини танқидий мушоҳада қилиш учун материал беради. Мана энди биз сиз, азиз журналхонларга илтимос билан мурожаат қилмоқдамиз. Материалларимиз ҳақида бизга ўз фикрингизни хабар қилинг: қандай материалларда қизиқарли муаммолар кўтариб чиқилган? Қандай материаллар мустақил билим олишда, амалий ишда, партия ва жамоат топшириқларини бажаришда сизга ёрдам кўрсатди? Журналнинг қандай бўлимлари сизда барқарор қизиқиш уйғотмоқда? Қандай мақола ва материалларни бўш деб биласиз? Шунингдек журнал саҳифаларида 1991 йилда нималарни ўқишни хоҳлашингиз, унда қандай масалаларни ёритишни мақбул деб билишингиз ҳақида ёзиб юборинг. Журнал мазмунини, материал сифатини яхшилаш учун сиз аниқ нималарни маслаҳат берасиз? Биз сизларнинг фикрларингиз, танқидий мулоҳазаларингиз, истакларингизни миннатдорчилик билан қабул қиламиз ва уларни ўз ишимизда ҳисобга оламиз.

«Ўзбекистон коммунисти» — республикада шундай кўринишдаги ягона журналдир. Журнал ўз ахбороти ва нуқтаи назари, ўз далил-исботлари ва шарҳлари, ўз муаллифларининг обрўси билан шахсий позицияни белгилашда, жамиятимизни янгилаш учун умумий курашда ўз хатти-ҳаракат йўлини ишлаб чиқишда Сизга ёрдам беради.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

Редакция адреси, 700000, Тошкент — П. «Правда» газетаси кўчаси, 41.
Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01, 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул котиб — 32-58-03, 33-60-42; масъул котиб ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: илмий социализм назарияси ва амалиёти — 32-58-65; тарих ва халқаро ҳаёт — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; иқтисодий ва социал сиёсат — 32-58-71; фан, маданият ва таълим 32-58-66; хатлар, ахборотлар, танқид ва библиография — 32-58-70;

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 4.10.1990 йил. Босишга рухсат этилди 25.10.1990 йил. Формати 70×108 1/16. Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,64. Шартли рангли варақалар 8,75. Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 32229. (Ўзбек тилида — 21669, рус тилида 10560.)
Буюртма № 4223. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

16

ЖУРНАЛХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Агар сиз республикамиз, мамлакат ва дунёнинг социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига доир муаммоларни чуқурроқ таҳлил қилишга интилсангиз;

агар сизни сиёсий ташкилот сифатида Ўзбекистон Компартиясининг кўп қиррали фаолияти қизиқтирса;

агар сиз ўз фикр доирангизни кенгайтиришга, таниқли партия, совет ва хўжалик ходимлари, социологлар, файласуфлар, иқтисодчилар, юристлар, тарихчилар, фан ва маданият, адабиёт ва санъат арбобларининг, республика ва мамлакатнинг жамиятни революцион қайта қуриш ва тубдан янгилаш йўлидаги тақдири ҳаяжонлантираётган барча кишиларнинг ғоялари ҳамда фикр-мулоҳазалари билан танишишга ўзингизда эҳтиёж сезсангиз;

агар сизда таълим жараёнида ўз билимларингизни чуқурлаштириш, назариянинг турли масалаларига доир мақолаларни мунтазам мутолаа қилиш зарурати пайдо бўлса;

агар сиз сиёсий ва иқтисодий прогнозлардан, илмий ва амалий мунозаралардан хабардор бўлишни, ўткир долзарб саволларга билимдон мутахассислардан жавоб олишни хоҳласангиз;

агар сиз республикамиз тарихини яхшироқ билишни, ўтмишнинг унчалик маълум бўлмаган фактлари, тарихий воқеаларга нисбатан янгича қарашлар билан танишишни хоҳласангиз, —

ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида чиқадиган «ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» журналига обуна бўлинг. Унга обуна барча алоқа ва «Союзпечать» бўлимлари томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 7 сўм 20 тийин.

Олти ойга — 3 сўм 60 тийин.

Уч ойга — 1 сўм 80 тийин.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

БУ СОНДА ЎҚИЙСИЗ:

КПСС МК Пленуми бозор муносабатларига ўтиш тўғрисида

●

Мусобақанинг ишлаб чиқаришдаги имкониятлари

●

Партиявий иш: ўйлаш ва изланиш

●

Маҳаллий Советларнинг вазифалари. Журналхон таклифи

●

«Жипслашишга нима халал беряпти!» мавзуидаги муҳокаманинг давоми

●

Социология: таҳлилни чуқурлаштирайлик. Суҳбат.

12 • 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 12
ДЕКАБРЬ
1990 йил

1921 йил февралидан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни нормаллаштириш, КПСС XXVIII съездининг сиёсий йўлини ўтказишда лоқайдликни ва иккиланишларни бартараф этиш — ўтиш даврида партиянинг, ҳар бир бошланғич ташкилотнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Ҳар бир коммунист партия ғояларини, Октябрь ғояларини дадил ва принципиал ҳимоя қилиши, социалистик олий мақсадларни, умумбашарий қадриятларни қатъият билан қўриқлаши керак.

КПСС МК Пленумининг 1990 йил 9 октябрдаги «Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида КПССнинг вазифалари тўғрисида»ги қароридан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1990 йил 8—9 октябрда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида КПССнинг вазифалари тўғрисида.

2. Ташкилий масалалар.

Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев кириш нутқи сўзлаб очди.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко маъруза қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети котиби А. С. Дзасоховнинг партия XXVIII съездидан кейин ўтган давр мобайнида КПСС Марказий Комитети Секретариатининг иши тўғрисидаги ахборотини ва КПСС Марказий Комитети котиби О. С. Шениннинг КПСС Марказий Комитетининг комиссиялари ва аппарати тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Пленум ишида КПСС Марказий Назорат Комиссиясининг аъзолари, шунингдек КПСС Марказий органлари таркибига кирмаган мухтор жумҳуриятлар, ўлка, вилоят ва округ партия комитетлари биринчи котиблари, КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари, олимлар, партия газеталари ва журналларининг муҳаррирлари, баъзи идоралар ва ташкилотларнинг намояндалари қатнашдилар.

Музокараларда Ярославль вилоят Рибинск моторсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби С. А. Калинин, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат дорилфунуни партия комитетининг котиби И. И. Мельников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко, Свердловск инженер-педагогика илмгоҳининг доценти Б. П. Гуселетов, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Камай, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм илмгоҳининг шўъба мудири, КПССдаги Демократик ҳаракат дастури ислоҳотчи коммунистлар секцияси ташкилот бюросининг аъзоси В. С. Липицкий, ТАСС бош директори Л. П. Кравченко, РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков, Доғистон АССРдаги Оржоникидзе номли жамоа хўжалигининг раиси М. А. Чартаев, СССР Олий Советининг аъзоси, ёзувчи Р. А. Медведев, Қозоғистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси У. Караманов, КПСС Марказий Комитетининг котиби, Ленинград вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. В. Гидаспов, Литва ССРдаги «Тверячюс» колхозининг тракторчиси А. К. Моркунас, Ўзбекистон Компартияси Хоразм вилоят комитетининг биринчи котиби Р. М. Худойберганова, П. С. Батурин номидаги Иваново химия заводининг аппаратчиси В. Я. Демин, СССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, Свердловск вилоят партия комитетининг биринчи котиби В. Д. Кадочников, Украина ССР Чернигов ишлаб чиқариш-савдо тўқимачилик-тикувчилик бирлашмасининг ип йигирувчиси Р. И. Савина, Горький қишлоқ хўжалиги илмгоҳининг доценти А. Н. Мальцев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг

биринчи котиби А. М. Масалиев, Бурятия жумҳурият партия комитетининг биринчи котиби Л. В. Потапов, Қалмиқ жумҳурият партия комитетининг котиби В. Х. Бамбаев, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг котиби, Эстония Компартияси Морской район комитетининг биринчи котиби А. А. Гусев, Украина ССР Полтава район йўл ремонт-қурилиш участкасининг ғишт терувчиси В. Т. Чуйков, СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети Бутуниттифоқ меҳнатни ташкил этиш илмий марказининг директори А. А. Пригарин, Киров вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. А. Осминин, Туркманистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Х. А. Аҳмедов, СССР металлургия вазири С. В. Колпаков, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат дорилфунуни иқтисодиёт факультети сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти А. В. Бузгалин, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Э. - А. А. Силлари, Ереван давлат дорилфунуни кафедрасининг мудири Ю. И. Мкртумян, Томск вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. А. Поморов, Тожикистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси И. Ҳаёев сўзга чиқдилар.

Пленумда тузилган Пленумнинг қарорларини тайёрлаш бўйича таҳрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов нутқ сўзлади.

Тушган таклифлар ва мулоҳазалар атрофлича кўриб чиқилиб, муҳокама қилингандан кейин шу масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленум «КПСС Марказий Комитетининг комиссиялари тўғрисида» ва «КПССнинг норматив-методик ҳужжатлари ҳақида»ги қарорларни ҳам қабул қилди.

Пировардида Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Шу билан Пленум ўз ишини тугаллади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1990 ЙИЛ 9 ОКТЯБРДАГИ ҚАРОРЛАРИ

МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТКАЗИШ БОРАСИДА КПССНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакатдаги аҳволни ва иктисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида партиянинг вазифаларини кўриб чикиб, мана шу ҳаётий муҳим масала юзасидан ўз фикрларини партия комитетларига, партия ташкилотларига, мамлакатнинг барча коммунистларига маълум килиш зарур, деб ҳисоблайди.

1. Жамиятда чукур сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар авж олиб кетди. Кенг демократия жараёни давом этмокда.

Бироқ янги, илғор усулларни қарор топтириш сиёсий ва иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган мураккаб шароитда амалга оширилмокда. Хўжалик алоқалари барбод бўлишининг занжирсимон жараёни давом этмокда, ишлаб чиқариш, миллий даромад ҳажми камаймокда. Мамлакатда такчиллик ҳукм сурмокда, чайковчилик кучаймокда, нарх-наво кўтарилиб бормокда. Миллатлараро низолар ва можароларнинг ўчоклари ўчмаяпти, жиноятчилик кўпайди. Ваҳшийлик ҳаракатлари кўпайиб бормокда, Советларга қарши ва миллатчилик машмашалари тўлкинида Лениннинг ҳайкаллари ағдариб ташланмокда, совет жангчиларининг кабрлари оёқ ости қилинмокда. Коммунистларни бадном ва қувғин килиш кучаймокда. Пленум бундай хатти-ҳаракатларнинг кескин пайини қиркишни ва давлатнинг тегишли ҳужжатлари кабул килинишини каттиқ талаб килади.

Пленум қатнашчилари коммунизмга қарши, миллатчи, айирмачи кучларнинг КПССни сиёсий турмушдан қисиб чиқариш, уни қонундан ташқари қилиб қўйиш йўлидаги уринишларга қарши норозилик билдирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Котибияти, партия комитетлари давлатни ва жамиятни инсонпарварлаштириш ва демократиялаш мақсадларига ёт бўлган бундай кирдикорларга ўз вактида муносиб баҳо ва зарба беришлари, коммунизмга қарши кайфиятлар билан, ҳаддидан ошган кучларнинг бузғунчилик хатти-ҳаракатлари билан курашни кучайтиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми сиёсий партиялар ҳақида Литвада қабул этилган Қонунни СССРнинг қонунларига ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлган ғайридемократик қонун деб билади.

2. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни нормаллаштириш КПСС XXVIII съездининг сиёсий йўлини ўтказишда лоқайдликни ва иккиланишларни бартараф этиш — ўтиш даврида партиянинг, ҳар бир бошланғич ташкилотнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Ҳар бир коммунист партия ғояларини, Октябрь ғояларини дадил ва принципиал ҳимоя қилиши, социалистик олий мақсадларни, умумбашарий қадриятларни қатъият билан қўриқлаши керак.

Мамлакатнинг барча чинакам демократик кучлари ҳамкорлиги ва ўзаро баҳамжиҳатлиги асосидагина аҳволни яхшилик сари ўзгартириш мумкинлигини Пленум алоҳида таъкидлайди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми барча ижтимоий ҳаракатларга, Ватанимизнинг ҳозирги куни ва келажагини азиз билувчи барча кишиларга мурожаат этиб, инсоний ва миллий тотувлик йўлида ўз куч-ғайратларини жипслаштиришга чақиради.

3. КПСС Марказий Комитети социалистик йўл доирасида, аввало одамларнинг турмушини яхшилаш, уларнинг ташаббуси ва амалий фаоллигига тўла эрк берилишини таъминлаш, юксак самарали меҳнат қилишга қизиқтирадиган пухта ва равшан омиллар ҳамда далил-исботларни яратиш бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий моҳияти деб билади.

Марказий Комитет Пленуми СССР Олий Кенгашининг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушини барқарорлаштириш тадбирлари, Президентга қўшимча ваколатлар бериш тўғрисидаги қарорларини қўллаб-қувватлайди.

Яқин вакт ичида истеъмол бозоридаги аҳволни ўзгартириш, энг зарур моллар такчил-

лигини бартараф қилиш — энг муҳим вазифадир. Халқ депутатлари Советларида, ижроия ҳокимияти идораларида ишлаб турган коммунистлар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш, етиштирилган ҳосилни тўла-тўкис йиғиштириб олишда амалий ёрдам бериш, транспортда, савдода тартиб ўрнатиш соҳасида зудлик билан чора-тадбирлар кўрилишини жадаллаштиришлари керак. КПСС Марказий Комитети хўжасизлик ва суиистеъмоллар учун барча лавозимдаги раҳбарларга нисбатан талабчанликни кучайтириш тарафдоридир. Пленум депутат коммунистларни халқ депутатлари Советларида КПССнинг сиёсий йўлини фаол ўтказишга, шу мақсадда партиянинг қонун қабул этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқидан самаралироқ фойдаланишга чақиради.

КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига КПСС Марказий Комитетининг доимий комиссиялари билан бирга мамлакатдаги ишларнинг аҳволини тезроқ барқарорлаштириш мақсадида коммунистларнинг, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ҳамда тарғиботчилик иши учун тавсиялар ишлаб чиқадиган ишчи гуруҳлар тузиш топширилсин.

КПСС Марказий Комитети хўжалик алоқаларини давом эттириш, шартномавий интизомга риоя этиш, бюджетнинг тақчиллигини бартараф этиш, пул муомаласини мустаҳкамлаш юзасидан ҳукумат идораларининг самарали ишлашларини талаб қилади. 1991 йилги режа ва бюджет энг ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга бўйсундирилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсат доимий комиссиясига СССР Олий Кенгашига белгиланган тартибда таклифлар киритиш учун мамлакатнинг 1991 йилги режаси ва бюджети лойиҳаларини ўрганиб чиқиш топширилсин.

КПСС Марказий Комитети ҳукуматни чайқовчиликка, ошиб бораётган жиноятчиликка, ҳаддидан ошганларнинг хатти-ҳаракатларига қарши курашиш юзасидан кескин чоралар кўришга чақиради.

4. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, кўп укладли иқтисодиёт, бозорга кўмаклашувчи соҳаларни шакллантириш тарафдоридир.

КПСС Марказий Комитети корхоналарни давлат ихтиёридан чиқаришнинг хилма-хил шаклларини қўллаб-қувватлаш билан бирга мулкчиликнинг жамоа шакллари устунлиги тарафдоридир.

Колхозларни, совхозларни, деҳқон ва шахсий хўжаликларни, кооперативлар ва уюшмаларни ривожлантириш учун тенг иқтисодий шароит яратиб қўйилиши лозим. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ерни хусусий мулк қилиб бериш ёки сотиш ғоясини қўллаб-қувватламайди.

5. Бозор муносабатларига ўтишнинг ижтимоий қиммати — принципиал масаладир. Пленум бозорга ўтишнинг барча иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатларини ҳар томонлама салмоқлаб ва чамалаб кўришни, мана шу бурилиш даври учун муқаррар бўлган қийинчиликларни имкони борича камайтиришни бениҳоя муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитети халқ депутатлари Советларининг, ҳукумат ва жойлардаги ижрочи ҳокимият идораларининг аҳолини иш билан тўла-тўкис таъминлашга, ишсизликнинг олдини олишнинг, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштиришнинг ягона давлат системасини барпо этишга қаратилган энг зарур чора-тадбирларини кўришларини талаб қилади. Жамият турмушида аёлларнинг аҳамиятини эътиборга олиб, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ ва тушунарли кафолатлари яратиб қўйилиши керак. Аҳолининг кам даромадли табақаларини, айниқса пенсионерлар, ногиронлар, ёшлар, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш зарур. Айниқса энг зарур молларнинг нархларини давлат йўли билан тартибга солиш чоралари, пулнинг қадрсизланишидан ҳимоя қиладиган тадбирлар зарур. Бу соҳада партия ташкилотлари ўз куч-ғайратларини касаба уюшмалари билан, бошқа жамоат тузилмалари билан бирлаштиришлари лозим.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсат, Хотин-қизлар ва оила масалалари, Ёшлар сиёсати комиссияларига тегишли қонун чиқариш ташаббуслари хусусидаги таклифларни ишлаб чиқишни топширади.

Партия маданиятнинг, маънавий турмуш бошқа соҳаларининг тижоратлашувига, илм-фан, таълим, маданият учун ажратиладиган маблағларнинг қисқартирилишига қарши чиқади.

6. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакат халқларининг мустақилликка ва ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш билан бирга мустақил давлатларнинг ягона иттифоқининг қатъий тарафдоридир, миллий-шовинистик ва айримачилик ҳаракатларини мутлақо қоралайди, бу ҳаракатлар миллатлараро можароларни кучайтиради ва иқтисодиётдаги оғир аҳволни ёмонлаштиради, давлатимизни барбод қилади.

Мана шундай шароитда янги Иттифоқ шартномаси асосларини ишлаб чиқиш ва уни келишиб олиш ишини пайсалга солиш жуда таҳликали оқибатларга олиб бориши мумкин.

Марказий Комитет Пленуми сифат жиҳатдан янги Иттифоқнинг ҳаётий муҳим негизи сифатида ягона Иттифоқ бозорини шакллантиришга жуда катта аҳамият беради. Муста-

қил жумҳуриятлар Иттифоқ билан бир қаторда бозор муносабатларини давлат йўли билан тартибга соладиган тенг ҳуқуқий субъектлар бўлишлари керак.

Пленум ягона умумиттифоқ пул, банк ва божхона системаси, келишиб олинган нарх белгилаш ва солиқ сиёсати тарафдоридир. Иттифоқнинг мудофаа қобилиятини, ташқи сиёсатини, давлат хавфсизлигини таъминлаш, энергетика, транспорт, экология муаммоларини комплекс ривожлантириш, илм-фан, таълим ва маданиятни ривожлантиришни мувофиқлаштириб туриш учун Иттифоқ маркази зарурдир.

7. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия комитетларини ва коммунистларни бозор муносабатларини амалий равишда ривожлантиришга фаол кўмаклашишга, бозор мамлакат ва жамиятни инқироздан олиб чиқиш йўли, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ходимларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан сунъий бегоналашувини тугатиш имкони эканини оммага изчиллик билан тушунтириб беришга чақиради.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, Котибиятига, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетларига, жумҳурият, ўлка ва вилоят партия комитетларига, барча партия ташкилотларига партия ўқув юртларидаги, партия тарғиботи ва ахборот воситаларидаги иқтисодий ўқишни ташкил этишни ва унинг мазмунини қайта қуришни топширади.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Мафкура комиссиясига бозор муносабатлари масалаларига оид партиявий тарғибот ва оммавий-сиёсий ишни ахборот билан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширишни топширади. Бозор иқтисодиётига оид материаллар тайёрланиб, даврий матбуотда эълон қилинсин, оммавий китобхон учун алоҳида рисолалар тарзида чиқарилсин. Жойлардаги тарғиботда ёрдам бериш учун олимлар ва амалиётчи ходимлар орасидан малакали мутахассислар юборилсин.

8. КПСС Марказий Комитетининг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш комиссиясига партиялилар оммасининг тўла ҳокимияти энг асосий шарти сифатида бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилсин. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари, жумҳурият, ўлка, вилоят, округ, шаҳар, район партия комитетлари ўзларининг амалий ишида, янги иқтисодий муносабатларни ва хўжалик юритиш усулларини қарор топтиришда коммунистларнинг амалий ташаббускорлигига таянсинлар, бу ишда олимлар ва мутахассислар билан фаол ҳамкорлик қилсинлар, партиянинг ақлу зиё имкониятларидан тўла-тўкис фойдалансинлар.

Пленум КПССнинг бошланғич ташкилотларига нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни, баъзи корхоналарда парткомларнинг фаолияти тақиқлаб қўйилишини қоралайди. КПСС Марказий Комитети совет қонунларининг бутун кучидан фойдаланиб, коммунистларни, партия фаолларини қатъият билан ҳимоя қилади.

9. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилиб, КПССнинг бозор иқтисодиётига ўтиш соҳасидаги сиёсатини холисона ва ҳалол ёритишга, жамиятда инсоний ва миллий иноқлик муҳитини, бунёдкорлик меҳнатига камарбасталикни, интизом ва тартибни вужудга келтиришга чақиради. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, Котибиятига партия матбуотини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш тадбирларини кўриб чиқиш топширилсин.

Пленум ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг мулкка эга бўлиш, молиявий-хўжалик фаолият ҳуқуқини сўзсиз қўллаб-қувватлайди ва КПССнинг мулкига ҳар қандай тажовузларни рад қилади.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакат коммунистларини, барча фуқароларини КПСС XXVIII съезди ишлаб чиққан социалистик йўл, байналмилалчилик, демократия ва инсонпарварлик ғоялари теварагида жипслашишга чақиради.

КПСС МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТИНИНГ ҚОМИССИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. ҚПСС Уставининг 29-параграфига мувофиқ КПСС Марказий Қомитети фаолиятининг асосий йўналишлари билан шуғулланувчи: мафкуравий; ижтимоий-сиёсий; ижтимоий-иқтисодий; ҚПССнинг аграр сиёсати; хотин-қизлар ва оила масалалари; ҚПССнинг миллий сиёсати; халқаро сиёсат муаммолари; бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янгилаш доимий комиссиялари тузилсин.

ҚПСС XXVIII съездида қабул этилган қарорларга мувофиқ КПСС Марказий Комитетининг фан, таълим ва маданият; ҚПССнинг ёшлар сиёсати масалалари; ҳарбий сиёсат комиссиялари тузилсин.

2. Комиссияларнинг шахсий таркиби ва уларнинг раҳбарлари тасдиқлансин. Комиссияларга КПСС Марказий Комитети аъзоларининг истагига биноан уларнинг бир комиссиядан иккинчисига ўтиш тўғрисидаги масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси фақат битта комиссияда бўлиши мумкинлигига асосланиб иш тутилсин.

3. Маслаҳатчилар КПСС Марказий Қомитети комиссияларининг тақдимига биноан КПСС Марказий Комитетининг Пленумида тасдиқланади, деб белгилаб қўйилсин.

4. КПСС Марказий Комитети комиссияларининг фаолияти хусусиятларини эътиборга олиб шу комиссиялар тўғрисидаги низомларга эга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. КПСС Марказий Комитетининг комиссияларига 1991 йилги иш режаларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш топширилсин. КПСС Марказий Комитетининг Қотибияти бу режаларни умумлаштириб, уларни КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат комиссиясининг аъзоларига, иттифокдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларига, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия комитетларига, ўлка, вилоят партия комитетларига юборсин.

КПССНИНГ НОРМАТИВ-МЕТОДИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига КПССнинг норматив-методик ҳужжатлари лойиҳаларини партия ташкилотларида, коммунистлар ўртасида кенг муҳокама қилишни уюштириш топширилсин.

Лойиҳалар партия матбуотида эълон қилинсин.

КПСС ПРОГРАММАСИ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН КПСС XXVIII СЪЕЗДИ КОМИССИЯСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТЛАРИГА, ФУҚАРОЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёнотини қабул қилди. Унда КПССнинг янги Программаси қабул этилгунга қадар коммунистлар, партия ташкилотлари ва партия органлари амал қилиши лозим бўлган ғоявий-назарий фикрлар ва сиёсий мақсадлар баён этилган. Айни вақтда съезд комиссия тузиб, унга КПССнинг бўлажак Программаси лойиҳасини ишлаб чиқишни ва уни 1991 йилнинг биринчи ярмида партияда муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилишни топширди. Умумпартия мунозараси тугагач, КПССнинг янги Дастури партиянинг Бутуниттифоқ конферециясида ёки съездида 1992 йилнинг биринчи ярмидан кечиктирмай кўриб чиқилиши лозим.

КПСС XXVIII съездида умумбашарий қадриятларга ва социалистик анъаналарга асосланган инсонпарвар, халқчил социализм жамиятига ўтиш партиянинг бош мақсади қилиб белгиланди. Мамлакат ҳал қилувчи ўзгаришларни бошламоқда, бу ўзгаришлар жамиятнинг йиллар ва ўн йилликлар мобайнидаги тараққиётини таъминлаб беради.

КПСС XXVIII съездининг КПСС Дастури лойиҳасини тайёрловчи комиссиясига Совет Иттифоқининг барча коммунистларига, фуқароларига мурожаат этиб, партиямизнинг бўлажак Дастурини яратишда манфаатдорлик билан фаол қатнашишни таклиф қилади.

Биз ишчи ва деҳқонларни, олимлар ва инженерларни, ўқитувчилар ва маданият арбобларини, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва ижодий уюшмаларнинг намояндаларини, муштарак ишга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр бўлган барча кишиларни мулоқотга ва ҳамкорликка чорлаймиз. Комиссия социалистик маслакдаги турли ҳаракатлар ва ташкилотлардан, мамлакат ичкариси ва ташқарисидаги жамоат ташкилотларидан тушадиган таклифларни миннатдорчилик билан қабул этади. Биз КПСС Программасини тайёрлашдек муҳим вазифани ҳал этиш ҳеч кимни бепарво қолдирмаслигига ишонамиз ва умид қиламиз.

Ўз таклифларингизни қуйидаги манзилга юборинг: Москва, Старая площадь, 4-уй, КПСС Марказий Комитети, КПСС Программаси лойиҳасини тайёрловчи комиссия.

«ИНСОН ВА СИЁСАТ»

Журналимиз янги, 1991 йилдан бошлаб ана шу номда чиқа бошлайди. Унинг йўналиши жиддий равишда ўзгаради. У энди Ўзбекистон Компартияси МКнинг назарий ва ижтимоий-сиёсий журнали бўлиб қолади. Бу эса журналхонларнинг кўпгина тоифаларини: партия активини ҳам, мафкура жабҳасининг жангчиларини ҳам, турли ижтимоий-сиёсий уюшмаларнинг мухлисларини ҳам, совет муассасаларининг ходимларини ҳам, илмий-педагог кадрларни ҳам, хўжалик раҳбарларини ҳам, барча ижодий касбларнинг вакилларини ҳам, жамоат ташкилотларининг ходимларини ҳам қизиқтириши мумкин бўлган материаллар проблематикасини анча кенгайтириш имконини беради.

Журналнинг йўналишига мувофиқ биз, табиийки, Ўзбекистон ҳаёти ҳамма томонларининг назарий ва амалий муаммоларига (журналимиз республиканинг бошқа барча нашрларидан айни шу ҳол билан принципиал жиҳатдан фарқланади), Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, бозор иқтисодиётига ўтишга, жамиятни демократиялашга, социалистик ҳуқуқий давлатни бунёд этишга, Коммунистик партиянинг омма билан, республикада пайдо бўлаётган ижтимоий-сиёсий уюшмалар билан янги сифатдаги алоқасининг шаклланиши муаммоларига, хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга, жамиятни маънавий поклаш ва бошқа кўпгина ҳаётий муҳим мавзуларга биринчи даражали аҳамият бериб борамиз.

Бунда биз илмий, сиёсий назария ҳаётни таҳлил этишнинг ғоятда самарали воситаси, амалий сиёсатнинг фундаментал негизи, айтиш мумкинки, стратегияси эканлигидан келиб чиқамиз. Сиёсий қарорнинг тўғрилиги фойдасига хизмат қилувчи энг теран далил-исботларни, шубҳасиз, реал ҳаётий жараёнларни айни назарий тадқиқ қилишдан топиш лозим.

Албатта, бугунги кунда ҳеч ким сиёсий тажрибанинг, ҳатто сиёсий интуициянинг аҳамиятини инкор эта олмайди. Лекин ҳар ҳолда эътироф этиш керакки, чуқур ва ҳар томонлама назарий асослашсиз сиёсий хатти-ҳаракат, одатда, англаб етилган стратегияга қараганда кўпроқ синовлар ва хатолар методига бўйсунади ва айни шу сабабли кўпгина хавфли экспромтлар юзага келишига олиб келади. Ҳаммамиз, мисол учун, СССР халқ депутатларининг съездлари, мамлакат Олий Совети сессиялари ишини диққат билан кузатар эканмиз, кўп муаммолар айни ўтиш даврининг социал назариясини ишлаб чиқишга бориб тақалишини кўрмай иложимиз йўқ. Мулкчиликнинг фундаментал иқтисодий-сиёсий ва сиёсий-ҳуқуқий масалаларидан тортиб то жамиятдаги ана шунга доир кайфиятларни ўрганишга қадар.

Журналимизнинг ўзига хослиги ҳам аввало шу ҳол билан изоҳланади. Назарий нашр сифатида у ғоятда чуқур ва қатъиян илмий бўлиши, ижтимоий-сиёсий нашр сифатида — энг кўп даражада конкрет, демократик, журналхонларнинг кенг доираси учун тушунарли бўлиши керак. Ана шу иккита қатъий талаб ҳар доим ҳам «туташуви» ва бу енгил кўчиши мумкин эмаслигини тушуниш қийин эмас. Биз суратли публицистик журнал каби ўқишли ва айни вақтда илмий рисола сингари қуруқ бўла олмаймиз.

Лекин журналимиз бошқа нашрлардан фақат шу жиҳатдан фарқ қилмайди. Асосийси — журнал материалларининг умумий манзарасида ўз доирамиз ва унга мувофиқ келувчи тусни топиб олишдир. У ялтироқ ҳам, мотамсаро ҳам бўлмаслиги керак. Бизнинг энг муҳим вазифамиз — ҳозирги ижтимоий жараёнларни,

ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини инқилобий йўсинда янгилаш ва қайта қуришнинг моҳияти ва мақсадларини чуқур назарий идрок этишда журналхонларга ёрдам беришдир. Ана шу мақсад учун аввало жамиятни янгилаш, гражданлар тотувлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида иқтисодий эркинлик ва давлат мустақиллигига эришиш, партиянинг ўзини қатъиян янгилаш билан боғлиқ конкрет проблематика фаолиятимизнинг устун йўналишларидир. Ҳозир энг муҳими шу.

Лекин биз учун журнал материали унда мафкуравий шиор ва чақириқлар кўп бўлганда эмас, балки у аввало инсоннинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлганда — хоҳ мулкчилик турларининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги, ҳуқуқий давлат, социал адолат ва иқтисодий самарадорлик, ички партия ва партияларaро муносабатлар муаммолари, хоҳ экология, мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш ва истеъмол бозорини барқарорлаштириш, таълимни ислоҳ қилиш ва ҳоказо муаммолар бўлсин — сиёсий материаллар ҳисобланади.

Бунда биз нимага амал қиламиз? Аввало ошкораликка, фикрлар хилма-хиллигига, аниқ-пухта ижтимоий позицияга. Редакция ҳаёт ўзининг барча зиддиятлари ва мураккабликлари билан ўртага қўяётган саволларнинг ҳаммасига бўладиган жавоблар ўзига олдиндан маълум деб кўрсатишга ҳаракат қилмайди. Биз бу жавобларни излаймиз, ёки ҳар ҳолда турли муаллифлар кўмагида излашга уринамиз. Ўзимизнинг сиёсий позициямизга эга бўлган ҳолда ҳеч қачон ўз фикримизни тиқиштирмаймиз.

Бошқача айтганда, қайта қуриш мақсадидан — бозор иқтисодиёти юксак ривожланган, инсон ҳаётида моддий ва маънавий жиҳатлар уйғунлашган ва кишиларга муносиб турмуш даражасини таъминлаган социалистик йўлни танловчи инсонпарвар, демократик жамиятни барпо этишдан келиб чиқиб, журнал жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари устунлиги принципини амалга ошириш учун изчил ва собитқадамлик билан курашади. Ўз материалларида у мақолаларни бериш, сиёсатшунослик, жамиятшунослик муаммоларининг кенг доирасини ёритиш шаклларининг, мамлакат ва республика партиявий ва партияларaро, давлат ҳамда давлатлараро, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий ҳаёти масалаларининг, Ўзбекистон ва унда яшовчи халқлар тарихининг, ҳозирги халқаро ҳаётнинг кўп қиррали жиҳатларининг бутун хилма-хиллигидан фойдаланади, етакчи сиёсий ходимлар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар, социологлар, юристлар, тарихчилар, публицистлар, фан ва маданият, адабиёт ва сиёсат арбобларига, халқ хўжалигининг амалиётчи ходимларига, ҳаётимизни қайта қуриш ва янгилаш йўлида унинг ижтимоий аҳамиятга молик, долзарб муаммоларини кўтариб чиқувчи ва амалда ҳал қилувчи ҳар бир кишига ўз саҳифаларидан ўрин беради.

Фақат биргаликдаги куч-ҳаракатлар билангина, мисол учун, назарий ва методологик характердаги қуйидаги энг муҳим масалаларни қараб чиқишимиз мумкин:

— фан-техника тараққиётидан, янги технологиялардан юз ўгирмаслик, чиқимли принципга, исрофгарчиликка, ўзини оқламайдиган талафотларга барҳам бериши учун республикада хўжалик юритиш системаси қандай бўлиши керак;

— умумиттифоқ бозори орқали қандай қилиб барча республикалар ва регионларни интеграцияловчи ягона иқтисодий маконни шакллантириш ва шу базада мустақил республикаларни янгиланган Иттифоқ доирасида ихтиёрий бирлашиши учун мустаҳкам иқтисодий негиз барпо этиш;

— қиймат қонунига таянган, хўжалик соҳасидаги амалий фаоллик, кишиларнинг омилкорлиги учун қудратли стимулларни барпо этган ҳолда иқтисодий жараёнларни бошқаришни қандай қилиб ўрганиш;

— бозор иқтисодиёти шароитида узоқ муддатларга мўлжалланган йирик илмий-техника дастурларини амалга оширишни, фундаментал фан, маданият, умумдавлат социал ва экологик дастурларни ривожлантиришни қандай қилиб бозор ихтиёрига бериб қўймаслик;

— хўжалик соҳасида ажралиб чиқишга, шаклланган регионлараро иқтисодий алоқаларни емиришга, уларни натураллаштиришга бўлган кучайиб бораётган тенденцияларни қандай қилиб тўхтатиб қолиш;

— ерда хўжалик юритишнинг барча шакллари учун тенг имкониятларни қандай қилиб қарор топтириш;

— янги ҳокимият органларининг қарор топиш жараёни, Советлар томонидан янги ҳокимият функциялари, ваколатлар ўзлаштирилиши тезроқ бориши учун нималар қилиш лозим;

— республикада қонунга риоя қилиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, сиёсий ва социал барқарорликнинг даражасини кўтариш, ғайриқонуний ҳодисаларга тоқатсизлик муҳитини қандай қилиб барпо этиш мумкин;

— республиканинг миллий тикланиши, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнларини республикада ва умуман мамлакатда яшовчи барча миллатларнинг манфаатлари йўлида қандай қилиб бунёдкорлик ўзанига йўналтириш мумкин;

— мафкуравий сиртмоқлардан, ақидалар ва омма олдидаги эскирган тасаввурлардан қандай қилиб қутулиш, ақл-идрокни асоратдан халос этиш мумкин. Зеро, маънавий тикланиш ва ғоявий янгиланишсиз, ақл-идрокдаги революциясиз сўзнинг кенг маъносида олганда ҳеч қандай сиёсий, социал ва иқтисодий туб ўзгартишлар қилиш мумкин эмас.

Ёки яна бир ғоят актуал масалани олиб кўрайлик: ўз тарихимизни қандай қилиб пухта тушуниб етмоғимиз мумкин? Бу нарса энг қийин, дардли ва шу билан бирга зарур соғломлаштириш жараёнларидан бири бўлиши мумкин. Биз ўз ўтмишимиздаги нималардан қатъиян воз кечамиз, нималарни келажакка ўзимиз билан олиб боришни истамаймиз, нималардан эса воз кеча олмаймиз ва воз кечишга ҳаққимиз йўқ. Бунда журналимизнинг позицияси қуйидагича.

Тарих устидан «суд»—«судья»ларнинг гражданлилиги ва ахлоқий бенуқсонлиги юқори даражада бўлишлигидан ташқари, яна чуқур профессионал кўникмани ҳам талаб қилувчи ғоятда мураккаб ва масъулиятли ишдир. Тарих кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибор марказига айланса яхши, лекин бунинг ҳам киши билмас хавфли жиҳатлари мавжуд.

Тарихий ўтмишимизни баҳолашда ҳозир ҳис-ҳаяжонларга кўп йўл қўйилмоқда. Агар Лениннинг инсоний ҳис-ҳаяжонларсиз ҳақиқатни инсоний излашлар бўлмайди, деган фикрини эслагудек бўлсак, буни тушуниш ва изоҳлаш мумкин. Лекин айни бир вақтда В. И. Ленин шундай деб доимо огоҳлантирар эди: илм-фан ва сиёсатда ҳис-ҳаяжонлар албатта ақл-идрок томонидан назорат қилиниши керак, акс ҳолда ҳис-ҳаяжондаги жўшқинлик бизни бутунлай бошқа томонга буриб юбориши мумкин. Бу фикр бугунги кунда ғоят долзарбдир! Бир олам ҳис-ҳаяжон реал, аниқ белгиланган тарихий фактларга қатъиян илмий баҳо бериш ва уларни объектив тадқиқ қилишнинг ўрнини боса олмайди. Бундай ҳис-ҳаяжонлар денгизида ғарқ бўлиш ҳеч гап эмас.

Очиқ айтиш керакки, кейинги вақтда кескин кучайган, баъзан тажовузкор тус олган турли хил сохталаштиришлар, бузиб кўрсатишлар янада кўпроқ хавфлидир. Улар қалбимизга — Октябрга, Ленинга қарши йўналтирилган. Гоҳида очиқдан-очиқ бадхоҳ, гоҳида ниқобланган бу хил хуружларни социалистик қадриятлар ва идеалларимизни кўпоришга, кишиларда уларга нисбатан ишончсизлик уйғотишга интилиш тақозо этган. Бу ўринда энг ишончли қудратимиз — ҳақиқатдир. Ҳақиқат эса тарихий ҳисоб бўйича — Октябрь ва социализм тарафида. Хуллас, тарихга ёндашувда редакция кўпроқ оқлаш ёки қоралашга интилмасликни ўзига қатъий дастуриламал қилиб олади. Бизнинг мустаҳкам қоидамиз: фақат ҳақиқат! Журнал ким томонидан қўлга киритилганидан, ким айтаётганидан, кимгадир ёқиши ёки ёқмаслигидан қатъи назар, ҳақиқатни изчил йўсинда ёқлайди.

Тарихий воқеаларга мурожаат қиларканмиз, биз Ватан ижтимоий фикрининг анъаналарини идрок этишга, жаҳон цивилизациясининг ривожланиши контекстида социалистик йўлни танлаш аҳамиятини чуқурроқ англашга, Октябрь революциясининг етилиши ва боришининг иложи борича янада тўлиқ манзарасини чизишга ҳаракат қиламиз, партия ва давлатга раҳбарлик қилишга дахлдор шахсларнинггина эмас, балки турли ижтимоий кучларнинг ҳам ҳақиқий ролини аниқлашга, социал тараққиёт қонунларини муайян тарихий шарт-шароитга боғлиқ ҳолда, бағоят аниқ илмий маълумотлар ва далил-исботли қоидалар асосида тушуниш ҳамда аниқлашга интиламиз.

Марксча-ленинча таълимот методологияси, дунёқараши ва қадрият йўл-йўриқларининг бутун бойлигини очиб бериш — журналимизнинг энг асосий вазифаси ва доимий юмушидир. Редакция партия социализмни ленинча тасаввур қилиш деганда нимани тушунишини тўғри талқин этишга ёрдам берувчи материалларни эълон қилишга алоҳида эътибор беради, зеро қайта қуриш — социализмнинг бир шаклидан бошқасига ўтиш жараёни эмас, балки социалистик ғоянинг замонамизга айнан монанд шаклида тикланиши, социализмнинг доимо ривожланувчи ва ўзини ўзи янгиловчи жамият эканлиги тўғрисидаги ленинча тасаввурларнинг тикланишидир. Шу йил жорий этилган, редакцияга келаётган хатларга қараганда, ижобий акс садо уйғотган «Назария ва методология масалалари» рубрикаси журнал саҳифаларидан доимий ўрин олади. Журналхонларимиз илтимосига биноан жорий этилаётган «Сиёсий суҳбатлар» рубрикаси остида ҳам янги йилдан бошлаб материаллар мунтазам бериб борилади.

Партия ички ҳаёти проблематикаси, партиянинг ўзининг асосий функцияларини — назарий, мафкуравий ва ташкилотчилик функцияларини рўёбга чиқарувчи сиёсий ташкилот сифатидаги фаолияти журнал саҳифаларида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бунда биз ўртага қўядиган асосий мақсад — республика партия ташкилотлари амалий фаолиятининг, барча ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал қилишга конструктив ёндашувларининг чуқур таҳлили ва ҳар томонлама сиёсий баҳоси, иқтисодиёт, социал ва маънавий соҳаларни сиёсий нуқтаи назар орқали қараб чиқиш ҳамда сиёсатни, ўз навбатида, иқтисодиёт, жамиятнинг социал ва маънавий ҳаёти билан боғлашдир.

Янги йилда биз Ўзбекистон Компартияси партия қарорларини қандай амалга ошираётганлигини ҳаққоний кўрсатишни ва уни холисона таҳлил қилишни кучайтириш ниятидамиз. Зеро, бугунги кунда бутун масала партия сиёсий ва иқтисодий тенглик шароитида сўзда эмас, балки амалда меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилишга қодирлигини, ўн йилликлар мобайнида яккаҳокимлик шароитида ҳукм суриб, бой берган ўз обрўсини тиклаш, миллионлаб кишилар онгида жамиятнинг чинакам пешқадами бўлишга қодир нуфузли куч сифатида ўзини қарор топтириш ниятидалигини исботлашга эриша олишига боғлиқ бўлиб қолди.

Бизни, очиқ айтиш керак, кўпгина партия комитетлари ва бошланғич ташкилотларнинг, сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари ва оддий коммунистларнинг КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди сиёсий йўлини ўтказишда яққол кўзга ташланаётган ва, назаримизда, янада чуқурлашиб бораётган пассивлиги, қандайдир сусайиб қолганлиги жуда ҳам ташвишлантиряпти. Агар журналхонларимиз бизга ёзган ўз хатларида республика партия ташкилотлари, айниқса бошланғич ташкилотлар ҳаётига доир типик вазиятларни танқидий ва муфассалроқ таҳлил қилсалар, жуда миннатдор бўлардик. Бугунги барча қийинчиликларга қарамай ташаббускорлик, дадиллик, конструктив ҳаракат қилаётган партия ташкилотларининг ҳам адресларини кутамиз. Айниқса улар барча даражадаги Советлар билан аҳилликда, республикадаги бошқа ижтимоий-сиёсий уюшмалар билан ҳамкорликда ишлаётган бўлсалар.

Илм-фанда, таълимда, бутун маданиятда жамланган Ўзбекистон интеллектуал, маънавий потенциалини активлаштиришга, маънавият, инсон ҳаётининг мазмуни муаммоларига бағишланган материаллар журналда каттагина ўрин ишғол этади. Турмушимизнинг ана шу ғоят муҳим соҳасига жўнлаштириб муносабатда бўлишга уринишлар, маълумки, жиддий талафотларга, умуминсоний қадриятлар деб аталувчи нарсаларнинг ҳаммасини амалда янгидан ўзлаштириш заруратига олиб келди. Олимлар, ёзувчилар, журналистлар, кинематографчилар ҳамда ижодкор зиёлилар бошқа отрядларининг вакиллари маънавий соҳада юз бераётган жараёнлар ҳақида ҳикоя қиладилар, унда қайта қуриш йўллари хусусидаги фикрларини баҳам кўрадилар.

Биз журналимизни республиканинг ижодкор зиёлилари мамлакатимиз миллатлари ва халқлари ўртасидаги алоқанинг сақланиб қолган озгина воситаларидан бири сифатида маданият ва санъатнинг барча турларини тиклаш учун жиддий кураш олиб борадиган ўзига хос минбарга айлантириш ниятидамиз. Конституцияга зид, маданиятга зид, группавий ва ғайриахлоқий нуқтаи назарларни истисно этганда, бу борадаги барча нуқтаи назарлар журналда эълон қилиниш ва баҳс мавзуи бўлиш ҳуқуқига эга деб биламиз. Бу маънода олганда ватанимиз

маданиятининг тарихий илдизларини кенг кўрсатиш зарурати шак-шубҳасиздир деб ҳисоблаймиз. Афсуски, кўп авлодларнинг аксарияти маданият тарихи масалаларида жуда чаласаводдир, ватанимиз кўп миллатли санъатининг сарчашмалари ҳақидаги билимларимиз узуқ-юлуқ, кўпинча тўғри эмас, бир-бирига боғланмаган. Мактаблар ва олий ўқув юртларида ватан мусиқаси, тарихи, тасвирий санъати ва ҳайкалтарошлиги, кино, архитектура ва адабиётининг тарихига доир равшан, мантиққа асосланган ва қизиқарли ёзилган шахслар ва ҳодисаларни ёритувчи курслар йўқ. Албатта, совет даврининг маданияти ва санъати тарихи, унинг энг яхши намуналари, чўққи бўлган ютуқлари ҳақида алоҳида сўзлаш керак.

Ишончимиз комилки, мунтазам ва изчил олиб бориладиган бу йўналиш журналимизнинг конструктив негизини кучайтиради, унга ватан маданиятининг шонли тарихи учун фахрланиш руҳида катта ватанпарварлик ва тарбиявий аҳамият бағишлайди.

Давр ҳаётимизнинг кўргиликларига янада кескинроқ муносабатда бўлиш эҳтиёжини тақозо этмоқда. Жамиятдаги демократик ва бошқа жараёнлар сиёсий таҳлили ҳамда шарҳланишининг сифатини ошириш зарурати ҳам ана шундан келиб чиқади. Сиёсатнинг ўзи журналда, фикримизча, маданият кўзгуси орқали қараб чиқилиши керак. Биз агар нормал жамият яратишни хоҳласак, агар нормал иқтисодий, илмий, техникавий ривожланишга ташна бўлсак, аввало маданиятни юксалтиришга доир кенг ва чуқур чоралар кўришимиз кераклигига журналхонларимизни ишонтиришимиз даркор.

Журналда миллий сиёсат, миллатлараро муносабатлар муаммолари янгиланиш мафкураси нуқтаи назаридан туриб ёритилади. Бунда редакция КПСС МКнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» Ҳаракат дастурига таянади, унда миллий муносабатларга доир «қўлланмалар» эмас, балки умумий ёндашувлар, айни сиёсатнинг негизлари баён қилинганини, у — юридик эмас, балки сиёсий ҳужжат эканлигини, у ҳаракатларнинг принципиал йўлини, узил-кесил ҳақиқатликка даъво қилмайдиган стратегияни белгилашини эсдан чиқармайди. Масала қўйиш тартибида бериладиган материалларимиз миллий сиёсатнинг реал механизмларини очиб беради, бу соҳадаги ўткир муаммоларни қандай ҳал этишни, миллий республика ва умумхалқ, умумдавлат манфаатларини чинакам уйғунлаштиришдаги конкрет йўлларни айтиб беришга ҳаракат қилади.

Зеро, жамиятимиз ривожланишининг реаллиги шундан иборатки, биз чуқур туб ўзгартишларни бошидан кечираётган кўп миллатли давлатда яшаяпмиз. Бундай шароитда республикаларнинг мустақиллигини ҳисобга олмасдан туриб тузиладиган ҳар қандай дастур барбод бўлишга маҳкумлиги мутлақо равшандир. Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги даври қатъиян марказлаштирилган иқтисодиёт ва унитар давлатдан мустақил республикалар иттифоқига — федератив давлатимизнинг янги бутунлигига ўтишдир ва шундай бўлиши керак. Бунда ҳақиқий децентрализация ҳамда республикалар мустақиллигини тан олишни барча давлат структуралари парчаланиши, иқтисодиёт ва жамиятдаги ўта тартибсизликдан ажратиб турувчи чегарани босиб ўтмаслик ғоят муҳимдир. Бу — умумий масъулиятимиздир.

Баъзан Иттифоқнинг тақдири ҳақида ташвишланиш керак эмас, уни мустаҳкам боғлайдиган ягона куч — бозор муносабатларидир деган фикрни эшитишга тўғри келади. Албатта, буни бутунлай инкор этиб бўлмайди. Лекин бундай фикрга қўшилиб ҳам бўлмаса керак. Бу борада одатда, битта далил келтирилади: давлатлар ўртасида Европа иқтисодий ҳамжамияти доирасида ўрнатилганидек, республикалар ўртасида ҳам шундай муносабатлар ўрнатсак, демак, биз ҳам улар каби яшаймиз.

Фикримизча, бу — жиддий янглишишдир. Бозорнинг ўзи реалликка айланган, ўз қонунлари бўйича нормал ишлай бошлаган тақдирдагина у бирлаштириши, боғлаши мумкин. Агар биз аллақачон бозор муносабатларида яшай бошлаганимизда эди, табиийки, мамлакатни бўлакларга ажратиб юбораётган ҳодисалар бунчалик авж олмаган бўлур эди. Лекин жамият жуда оғир ўтиш давридан ўтиши керак бўлади. У қанча вақт давом этиши — номаълум. Бозорга барча умидларни тикиб, унга ҳамду сано ўқишнинг ўзи кифоя қилмаслиги маълум. Ҳеч бўлмаганда совет кишиларининг икки-уч авлоди бозорни ўрганишидек оғир, сирли иш турибди, ҳамма бозорни ўрганиш учун саводсизликни тугатиш тўға-

ракларидан— дорилфунунларгача, ибтидоий муваффақиятсизликлардан — иқтисодий тараққиётнинг жаҳондаги параметрларигача бўлган йўлни ўтишга мажбур. Ана шу социал-психологик жиҳатдан кескин ўзгартириш ва мактаб бир вақтнинг ўзида, чамаси, жамиятнинг бозор иқтисодиёти йўлидаги ҳуқуқий, ташкилий қоидаларига қараганда кам даражада мураккаб бўлмайди. Журналимиз редакцияси буни чуқур англайди ва ўз ишини шу асосда олиб боради. Биз аминмизки, қайта қурилган ижтимоий-иқтисодий бинони барпо этишда ишлатиладиган асосий бинокорлик материали инсон материали эканлигини идеологлар ҳамда конструкторлар аниқ-пухта англашлари керак. Бу, муайян, ғоят қийин деформацияланадиган психика, социал психология, эътиқод, одатлар, анъаналар, билимлар, хоҳишларга эга бўлган кишилардир. Бозор иқтисодиётини «бозорбоп бўлмаган» киши материалидан қилиш мумкинмикин?!

Энди ҳаммамиз ҳам жамиятимизда жуда кескин сиёсий кураш бораётганини, унда эса нафақат ғоялар, балки эҳтирослар ҳам ғоят жўш уриши муқаррар эканлигини равшан тушуниб қолдик. Ҳам «сўлдан», ҳам «ўнгдан» айтилаётган сиёсий маданиятга риоя қилишга доир ҳеч қандай чақириқлар билан, бизнингча, бирор бир жиддий нарсага эришиб бўлмайди. Аввало шу сабаблики, узоқ йиллар давомида миқёслари ва кучи жиҳатидан мудҳиш бўлган, ўз олдига халқнинг сиёсий онгини бутунлай деформациялаш, билимларни афсоналар билан, онгли эътиқодни эса мутаассибларча эътиқод билан алмаштиришни мақсад қилиб қўйган таъсирга дучор бўлган жамиятда сиёсий маданият пайдо бўлиши мумкин эмас.

Аслида совет кишисини болалар боғчасидан то гражданлик дафн маросимигача кузатиб борадиган ялпи мафкуравий исканжа натижасида нафақат муайян сиёсий дунёқараш ва ахлоқий-этик тасаввурлар, балки шахснинг психологик типи ҳам шаклланди. Агар унчалик собитқадам ва онгли равишда бўлмасада, ҳар ҳолда тажриба йўли билан ўз вақтида танлаш вазиятини мўлжал қилмайдиган, ҳар доим ва ҳамма нарсада кўп вариантлиликдан бир хилдаликни, мунозарадан қатъий мулоҳазани, юмшоқликдан қаттиқликни афзал кўрадиган, «муроса» тушунчасининг ўзини деярли сўкиниш деб қабул қиладиган шахс тилини шакллантиришга асос солина бошланган эди. Машҳур «ҳамма нарсага шубҳа билан қара» ибораси амалда оммавий истеъмолдан олиниб, партия шинавандаларининг тумтароқли танқис жумласига айланди, тириклар сафидан қочганлиги сингари «кимки доимо равшан бўлса, у менимча, шунчаки аҳмоқдир» ибораси учун ҳам Маяковскийга мурувват қилинди.

Индивидуум билан коллектив, озчилик билан кўпчилик, шахс билан жамиятнинг ўзаро нисбати муаммоси айни муаммо сифатида ҳеч қачон юзага келмаслиги учун ҳамма иш қилинди. Болалар боғчасидан бошлабоқ онгга коллективнинг шубҳасиз устун эканлиги сингдирила борди. Журнал ушбу муаммога ғоят катта эътибор бериб боради. Биз, ниҳоят, ҳамманинг алоҳида шахсини ҳам, умуман халқни ҳам танлаш имкониятидан маҳрум қилишга бўлган ҳар қандай уринишлар жамиятнинг муқаррар равишда интеллектуал ва маънавий таназзулига олиб келишини тушуниш учун пайт етиб келди деб ҳисоблаймиз. Агар киши фикрларда эркин эмас экан, у хатти-ҳаракатларда ҳам эркин бўлмайди. Қандай ҳақиқат эканлигидан қатъи назар, уни индивидуал тарзда эгаллаган тақдирдагина у эътиқодга айланади. Шубҳалар синовидан ўтган эътиқодгина мустаҳкам ва ишончлидир. Фақат эътиқодгина исботлашларга муҳтож эмас ва шубҳаларга тоқат қилмайди. Лекин фақат динда мумкин бўлган нарса мафкура ва сиёсатда ҳалокат келтиради.

Шахснинг ҳокимият ғоясидан ёки ҳокимият ғоясининг шахсдан устунлиги ҳақидаги баҳс бугун ёхуд кеча туғилган эмас. Лекин дунё тарихи фақат мустақил шахсларнинг ҳокимияти чинакам мустақил давлатни ташкил этишини ишонарли қилиб кўрсатмоқда. Ҳокимият ғоясининг шахс мустақиллигиги ғоясидан устунлиги эса муқаррар равишда самодержавие ва тоталитаризм орқали анархияга олиб боради. Агар ҳуқуқий, маърифатли жамият барпо этиш ниятимиз жиддий бўлса, сиёсат негизига конкрет кишининг манфаатлари, шахснинг мустақиллиги қўйилиши керак. Бу масаладаги позициямиз ана шундай.

Редакция «Инсон ва табиат», «Социал устунликлар», «Фаннинг самарадорлиги», «Тўқсонинчи йиллар дунёси» ва бошқа рубрикалар учун мақола ва материаллар тайёрлашга доир ишни кучайтиришни режалаштирган. Биз журнал

саҳифаларида мунозаралар ўтказишни, давра суҳбатлари ташкил этиб, сўнгра уларнинг материалларини эълон қилишни давом эттирамиз — зеро ҳаёт бир талай назарий ва амалий муаммоларни олға сурмоқдаки, улар бўйича доим ҳам ягона фикр мавжуд эмас ҳамда уларни ижобий ишлаб чиқиш ҳар томонлама муҳокама қилишни талаб этади. Актуал мавзулардаги мақола, хат, корреспонденция ва очерклар, эсселар, сиёсий памфлет ва фельетонлар, акс-садо ва таклифлар подборкалари, саволларга жавоблар, янги китобларга тақризлар, даврий нашрлар обзорлари, библиографик маълумотлар, редакциянинг ички ҳаётига оид ахборот — буларнинг ҳаммаси янги йилда журналхонларга таклиф қилинади.

Журнал айниқса ёшлар орасидан турлича фикрловчи янги муаллифларни излашни, материаллар географиясини кенгайтиришни ғоят муҳим иш деб ҳисоблайди. Очиқ айтиш керакки, биз бугунги кунда фалсафа, социализмнинг сиёсий иқтисоди (шунчаки иқтисодиёти эмас), ҳуқуқий жамият назарияси, мафкура, яъни ғоялар мантиқи мавзуларида, маданий ижодиёт, социология, ҳозирги бошқарувнинг назарияси ва амалиёти соҳасига доир мақолаларни излашда анча қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Афсуски, партия ва совет ходимлари журналимиз саҳифаларида чиқишга унча иштиёқ билдирмайдилар. Лекин янгидан жалб этилувчи муаллифлар кўмагида ҳар ҳолда журналда жамиятимизнинг кечаги куни, бугунги ва эртаги куни хусусидаги ғоявий-назарий ва амалий-сиёсий суҳбатнинг янги марраларига чиқишга ишонамиз.

Биз у ёки бу назарий ёхуд амалий масалани таҳлил қилиш, у ёки бу мавзуда материал босиб чиқариш илтимос қилинган кўплаб хатларни олмоқдамиз. Бу илтимосларнинг бирортаси ҳам қаноатлантирилмай қолмайди.

Редакция журналхонлар изҳор этган таклифлар Ўзбекистон, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш учун энг кўп фойда келтиришидан чуқур манфаатдор. У журнал саҳифаларидан ижтимоий аҳамиятга молик, турмушимизнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиқишдан манфаатдор кишиларга ўрин беради, журналхонларининг фикрига қулоқ солишни ўзининг энг биринчи бурчи деб билади. Бу эса уларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш имконини беради, ўз ишини танқидий идрок этиш учун материал беради.

Мана энди, азиз журналхонларимиз, Сизларга илтимос билан мурожаат қилмоқдамиз. Материалларимиз ҳақидаги ўз фикрларингизни ёзиб юборинг: сизнинг назарингизда, уларнинг қайсиларида сизни муҳокама қилишга ундаган қизиқарли муаммолар кўтариб чиқилган? Қайси материаллар сизга мустақил билим олишда, амалий ишда, партия ва жамоат топшириқларини бажаришда ёрдам беради? Қайси мақола ва материаллар бўш чиқди ва нима учун?

Шунингдек ўз истакларингизни айтишингизни ҳам илтимос қиламиз: 1991 йилда журнал саҳифаларида нималарни ўқишни хоҳлардингиз? Унда қандай масалаларни ёритиш, қандай муаммоларни очиқ-ошкора муҳокама қилиш мақбул бўларди? Журнал мазмунини, материаллар сифатини яхшилаш учун сиз конкрет нималарни маслаҳат берган бўлардингиз? Сизнинг фикрларингиз, танқидий мулоҳазаларингиз, истакларингизни миннатдорлик билан қабул қиламиз ҳамда ўз ишимизда ҳисобга оламиз.

«Инсон ва сиёсат» журнали — республикамизда назарий ҳамда ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ягона журналдир. Ўз ахбороти ва нуқтаи назари билан, қандай масалаларга тааллуқли бўлмасин — хоҳ кўп миллатли республикамизда ҳаётни оптимал ташкил этиш ёки иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш, хоҳ кишиларнинг социал ҳимояланиши ёки гражданлик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш, хоҳ конкрет тарихий воқеалар ёки ижтимоий тараққиёт назарияси бўлсин — ўз далил-исботлари ва шарҳлари билан журнал Ўзбекистон Компартияси ва умуман республиканинг тактик ва стратегик мақсадларини белгилашга ўз ҳиссасини қўшишга интилади, ўз муаллифларининг нуфузи воситасида совет жамиятини янгилаш, маънавиятимизни шахсга сиғиниш ва турғунлик даври уюмларидан тозалаш учун умумий курашда ўз ҳаракат йўлини ишлаб чиқишда журналхонларга ёрдам беришга ҳаракат қилади.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ

М. ВОЕЙКОВ, М. АБДУРАСУЛОВ

МУСОБАҚАНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Нафақат «мусобақа замони ўтди, усиз ҳам иш юритса бўлади, қайта қуриш унга муҳтож эмас» қабилидаги фикр-мулоҳазаларнинг матбуотда тобора кўп учраётгани ва ҳатто ушбу муаммога бўлган доимий профессонал қизиқишимиз ҳам эмас, балки ташвиш, афсусланиш ва норозилик туйғуси қўлимизга қалам олишга мажбур этди. Зеро, қайта қуриш шароитида социалистик мусобақа феноменини танқид қилиш асосан бежавоб қолмоқда. Шунинг учун қуйидагини аниқлаш муҳим кўринади: марксизм-ленинизмга амал қилиб, социалистик мусобақага ишлаб чиқариш муносабатларининг бир қисми, инсон ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш мақсадида унинг ёрдами билан ўз маънавий ва жисмоний имкониятларини ишга соладиган усул, восита, метод деб қараш тўғрими?

Бу саволга жавоб бермай туриб, мусобақанинг кераклигига ва унинг потенциал имкониятлари мавжудлигига қатъий ишонч ҳосил қилиб бўлмайди.

ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА ТОМОНЛАРИНИ қамраб олар экан, қайта қуриш социалистик мусобақани ҳам четлаб ўта олмас эди. КПССнинг кейинги йиллардаги ҳужжатларида иқтисодий мусобақа, меҳнатдаги реал беллашувни кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги қоидалар илгари сурилган бўлиб, социализмни ҳаракатлантирувчи кучларни фаоллаштиришда бундай беллашувга асосий ўринлардан бири ажратилган. Муаммонинг бундай қўйилиши социалистик мусобақанинг кўплаб назариётчилари ва амалиётчиларини, хўжалик ходимларини довдиратиб қўйди: социалистик мусобақани иқтисодий мусобақа билан алмаштириш керакми? Ёки рақобатчилик жорий этилиши керакмикин? Социалистик мусобақа анъаналарини нима қиламиз? Шундай бўлсада, баъзи касаба союз фаоллари улар ўз коллективларида иқтисодий мусобақани жорий этиб бўлганлари ҳақида эълон қилишга шошилдилар (гарчи, улар бунинг ўзи нималигини тузукроқ билмасаларда). Саволлар кўп, у томондан бу томонга сакрашлар ҳам оз эмас. Буларнинг ҳаммасини тушуниб олишга ҳаракат қилиб кўрайлик-чи.

* * *

Социалистик мусобақа назарияси ва амалиётининг сарчашмаларида В. И. Ленин турган эди. У социалистик мусобақани янги тузум иқтисодиётини ташкил этишнинг ғоят муҳим методи деб тушунар ва социализм ғалаба қилиши учун уни айни иқтисодий соҳада йўлга қўйиш муҳимдир, деб ҳисоблар эди (қаралсин: Тўла асарлар тўплами, 36-том, 215-бет). В. И. Ленин ошкоралиқдан «алоҳида коммуналарнинг хўжалик соҳасидаги *иш якунларини таққослаб кўришга* ҳамма ҳам қизиқадиган ва бу иш якунларини ўрганадиган» (ў ш а ж о й д а, 217-бет) бўлишлари мақсадида фойдаланиш зарурлигини уқтирган эди. Бошқача айтганда, масалани ленинчасига қўйишдан мусобақани иқтисодий жиҳатдан аниқ-ойдин тушуниш келиб чиқадики, бу тушунча фақат маънавий-этик талқин-

---

ВОЕЙКОВ Михаил Илларионович, СССР Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг бош мутахассиси, иқтисод фанлари доктори; АБДУРАСУЛОВ Муҳаммад Тешаевич, Тошкент электротехника алоқа институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари доктори.

нинг ўзи билангина чегараланмайди. Бу қоида РКП (б)нинг 1920 йилда бўлиб ўтган IX съездида ҳам ўз ифодасини топган эди, унда мусобақа меҳнаткашлар оммасига ташвиқий-ғоявий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда меҳнат унумдорлигини юксалтиришда ғоят қудратли куч эканлиги таъкидланди.

Шундай қилиб, социалистик мусобақага унинг сарчашмаларида идеологик таъсир методи сифатида эмас, балки у билан бир қаторда қаралган. Яна шуни таъкидлашимиз керакки, В. И. Ленин ҳеч қаерда ва ҳеч қачон социалистик мусобақа билан комунистик шанбаликларга айнан бир нарса деб қараган эмас, ваҳоланки ҳозир ҳамма ерда шундай деб даъво қилинмоқда. Шанбаликлар янгичасига, моддий тақдирланишга кўз тутмай қилинган меҳнат намунаси эди. Мусобақа эса, В. И. Лениннинг фикрича, ғолибларнинг иш ҳақини ошириш, маданий ёки эстетик соҳалардаги неъматлардан ва қимматбаҳо нарсалардан кўпроқ баҳраманд қилиш ва бошқа шу каби йўллар билан дарҳол мукофотлашни талаб этади (ў ш а ж о й д а, 217-бет). Дарвоке, В. И. Лениннинг «Буюк почин» асари, айрим олимларимиз баъзида ёзганларидек, социалистик мусобақага эмас, балки бутунлай коммунистик шанбаликларга бағишланган. Унда ҳатто «мусобақа» деган сўзнинг ўзи йўқ. В. И. Ленин шанбаликлар билан мусобақани аниқ-равшан фарқлар эди, буни унинг асарларида кўриш осон. Бундай ёндашув РКП(б) съездининг мусобақа ва коммунистик шанбаликлар ажратиб кўрсатилган резолюциясида ҳам ўз аксини топган.

Бинобарин, Совет ҳокимиятининг тонготар даврида мусобақа меҳнатни ташкил қилишнинг бошқа формаларидан, шу жумладан коммунистик шанбаликлар ва оммага ғоявий-сиёсий таъсир кўрсатишдан фарқ қилувчи иқтисодий муносабат деб тасаввур қилинган. Мусобақа унинг натижасига қараб қатъий моддий оқибат: рағбатлантириш ёки жазолаш билан боғланган. Қўпол қилиб айтганда, иқтисодий мусобақа шиор учун эмас, балки сўм учун (ёки бошқа моддий қимматлар учун) бориши керак.

20-йилларнинг хўжалик юритиш амалиёти бундай мусобақани авж олдириш учун имкон бермади, кейинги йилларда хўжалик ҳисобининг сўниши ва бошқарувнинг иқтисодий методларига чек қўйиш эса мусобақанинг иқтисодий мазмунини борган сари йўққа чиқариб борди, унинг ўрнига маънавий мотивлар қарор топа борди. Иш шу даражагача бориб етдики, мусобақага фақат ватанпарвар ва онгли эканликларига даъват қилиш орқали меҳнаткашларга маънавий таъсир ўтказишнинг воситаси сифатидагина қараладиган бўлиб қолди. Иқтисодий мусобақа тўғрисидаги ленинча қоида аста-секин унутила бошлади.

30-йилларда мамлакатда шаклланган бошқарувнинг маъмурий усуллари мусобақанинг фақат бир томонини — ижтимоий-тарбиявий томонини қолдирди. Меҳнаткаш кишини яхши созланган иш жойи, хом ашё ва материаллар, етарлича маош, дуруст маиший шарт-шароит билан таъминлаш ўрнига, уни шиорлар, лекциялар, даъватлар билан рағбатлантира бошладилар. Мусобақани ташкил этиш «қани-қани» деган формуладангина иборат бўлиб қолди.

Шундай қилиб, социалистик мусобақанинг моҳиятини бемаънилаштириб, уни ихтиёрий ёки беихтиёр равишда бузиб талқин этдилар. Гарчи, дарҳол ва ҳамма томондан бўлмасада, бу борада кўп нарсага эришилди ҳам. 30-йилларнинг бошларини эсга олайлик. Стахановчилар ва дастлабки беш йилликларнинг бошқа зарбдорлари ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан ҳам ишчилар синфимизнинг, ҳам яхши ташкил этилган мусобақанинг қандай имкониятлари борлигини кўрсатдилар. Лекин, кейинчалик, айниқса, урушдан кейинги йилларда социалистик мусобақанинг ижобий ҳовури совий бошлади ва расмиятчилик билан хўжакўрсинчилик барқ уриб гуллаб-яшнади.

Бунинг асосий сабабларидан бири мусобақанинг хўжалик механизмидан ажралиб қолганлигида эди. Эришилган натижага қараб планлаштириш, ялпи маҳсулот чиқаришга йўналганлик, ишлаб чиқаришнинг чиқимли принципи меҳнат беллашувини ривожлантиришга ёрдам бермас эди. Аксинча, буларнинг ҳаммаси объектив равишда меҳнаткашларни пассивликка маҳкум этар, уларнинг фаолиятидаги ижодий мазмунни йўққа чиқарарди. Мусобақага ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишнинг соф идеологик воситаси сифатида муносабатда бўлинар, унга базисга эмас, балки устқурмага хос ҳодиса деб қараларди. Мусобақани ташкил этишнинг ленинча принциплари нима бўлди? Мусобақадошларга бир хил

шарт-шароит яратилиб берилмас экан, натижаларни таққослаш ҳақида гапириш мумкинми? Ошкоралик тажрибанинг моҳиятини очиб бермади, балки асосан шиорлар, сунъий тажрибаларни тарғиб қилиш билан кифояланди. Социалистик мажбуриятлар битта нусха асосида кўпайтирилар эди. Бир сўз билан айтганда, мусобақани хўжалик муаммоларини жонбозлик ёрдамида эмас, балки омманинг жонбозлиги ҳисобига иқтисодиётдан ташқарида ҳал этиш воситасига айлантирдилар. Мусобақани бундай ташкил этиш беллашувнинг тескариси бўлган текисчиликни сақлаш ва такрор ҳосил қилиш учун хизмат қилар эди.

Шундай савол туғилиши мумкин: социалистик мусобақа тўғрисидаги фан қаёққа қараётган эди? Энг аввало шуни қайд этишимиз кераккн, бу фан фақат 1971 йилдан кейингина, КПСС МҚнинг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг ўзини жиддий равишда кўрсатди. Тўғри, мусобақа муаммоларига доир айрим асарлар аввал ҳам чиққан эди, лекин фақат 1971 йилдан кейингина бу муаммолар бир қатор йирик илмий коллективларнинг тадқиқот предметига айланди.

Бугунги кунга келиб мусобақа ҳақидаги фан бутунлай шаклланган бўлмасада, ҳар ҳолда таркиб топди. Албатта, бу фанни танқид қилиш мумкин ва керак: ҳали ҳам анчагина бўш асарлар чиқмоқда, кўпгина тавсия ва методикалар мукаммалликдан йироқ, амалиётнинг ҳамма муҳим саволларига ҳам маъқул жавоблар берилмаган. Булар — бор гап. Лекин ижобий натижаларни кўрмаслик ҳам адолатдан эмас.

Булар қандай натижалар? Ҳеч бўлмаганда мусобақани меҳнат унумдорлигини оширишнинг фақат маънавий воситаси дебгина талқин қилишдан тўхтадиларку. Ҳозир деярли барча олимлар мусобақа — бу объектив ижтимоий муносабат, иқтисодий категория деб таъкидламоқдалар. Шунинг учун мусобақани ташкил этишга тобора кўпроқ моддий стимуллар киритилмоқда, сўм борган сари салмоқли роль ўйнамоқда. Илғор ишчи, мусобақа ғолибининг сўм кетидан «қувиш» қуролланган вақтга кўп бўлдими?

Илмий тадқиқотларнинг амалиётга қийинчилик билан, қандайдир истаристамас жорий қилинаётган натижалари ҳам бор. Масалан, мусобақа ташкил этилаётганда кўрсаткичларнинг иложи борича кам миқдоридан фойдаланиш кераклиги кўп тадқиқотларда исботланган. Бу илмий конференциялар ва кенгашларнинг тавсияларида қайд этилган. Хўш, амалиётчи? У масалдаги қулоғи гапда-ю оғзи чайнашда бўлган мушукка ўхшайди. Ушбу тавсияга амал қилаётган коллективлар жуда оз. Бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин: фан мусобақани сифат кўрсаткичларига йўналтиришни маслаҳат беради — амалиёт мусобақалашувчиларни миқдор кўрсаткичларини ошириб бажаришга йўналтиришда давом этмоқда; фан битта меҳнат коллективида энг оз миқдорда (1—2) ташаббус ва мусобақа шакллари бўлишининг тарафдори — амалиёт ҳамма нарсани қамраб олишга интилади.

Бугунги кунда, бизнинг назаримизда, назария энг аввало: мусобақанинг объектив негизлари борми, деган саволга жавоб бериши керак. Чунки, уни кимдир ўйлаб чиқарган ва еймоқда деган фикр мавжуд. Бизни мусобақадан, мажбуриятлардан, якунлар чиқаришдан, яхшилар ва ёмонларни аниқлашдан халос этсалар эди — тинч ва осойишта яшар эдик, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, шуни айтишни лозим топдикки, бундай ҳаёт онгли инсонлар учун тўғри келмайди. Иккинчидан эса, одамлар ва уларнинг коллективлари ўртасида мусобақа доим, ҳатто турғунлик вазиятида ҳам боради. Фақат бунда у осойишта, сокин, толиқмасдан яшаш учун боради.

Хуллас, биз истаймизми ёки йўқми, ишлаб чиқаришда мусобақа мавжуд, у ҳаракат қилмоқда ва у ёки бу томонга тортмоқда. Иқтисодий муносабат сифатида у ҳаракат қилишнинг объектив механизмига эга. Бу механизмнинг моҳияти — қандайдир моддий неъмат (маҳсулот) ишлаб чиқариш бўйича индивидуал меҳнатни унинг ижтимоий зарур миқдори билан, яъни жамият, харидорлар етарли деб биладиган, унинг учун ҳақ тўлашга тайёр бўлган меҳнат миқдори билан солиштириш, ўлчашдан иборатдир. Агар ишлаб чиқарувчи кўп меҳнат сарф қилса, зарар кўради, агар маҳсулотни харид нархидан арзонроқ қилиб тайёрлашга эришса, фойда олади.

Ишлаб чиқарувчи бўлмиш корхоналарни ишлаб чиқариш сарф-харажатла-

рининг даражаси бўйича таққослаш ва уларнинг яхшилари ҳамда ёмонларини аниқлаш доим олиб борилади. Илғор коллективларнинг намунаси объектив иқтисодий зарурат сифатида ўзига хос ўлчам — жамият нуқтаи назаридан мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш учун керак бўлган меҳнат сарфлари нормативини тузиш йўли билан бошқа коллективларга ўтказилади. Маълумки, бу норматив индивидуал ва ижтимоий меҳнат сарфлари ўртасидаги зиддиятни ҳал этиш йўли билан шакллантирилади. Айрим корхонада қандайдир маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат сарфлари, одатда, ижтимоий ўртача меҳнат сарфларига тўғри келмайди. Индивидуал меҳнат сарфлари ижтимоий нормадан оз бўлган корхоналар хўжаликни самаралироқ олиб бориш билан характерланади. Шунинг учун меҳнат сарфлари катта бўлган корхоналар уларни камайтиришга ҳаракат қилишга ёки бошқа маҳсулот чиқаришга ўтишга мажбурлар. Бу жараён ишлаб чиқариш самарадорлигини умумий ўстириш учун мусобақалашишнинг ўзгинасидир. У ишлаб чиқаришни хўжалик ҳисоби асосида ташкил этиш воситаси ёрдамида бутун корхоналарни қамраб олиб, объектив иқтисодий зарурат сифатида ҳаракат қилади.

Умуман қараганда бу механизм рақобатни эслатади. Тўғри, бу ерда генетик умумийлик мавжуд. Шуни назарда тутиш кераки, мусобақа механизми капиталистик рақобатгача ҳам бўлган, унинг даврида ҳам мавжуд эди ва ундан кейин ҳам бўлади. Шундай қилиб, рақобат мусобақанинг тарихан ўткинчи шаклидир. В. И. Ленин ана шу жиҳатни таъкидлаб ёзган эди: «Буржуа экономистлари, ҳар галгидек, капитализм жамиятига хос хусусиятлар масаласи билан мусобақани бошқача бир формада ташкил этиш масаласини аралаштириб юбордилар. Социалистлар мусобақанинг ўзига ҳеч қачон ҳужум қилган эмаслар, улар фақат рақобатга ҳужум қилганлар» (ТАТ, 36-том, 150-бет).

Афсуски, олимларимиз орасида мусобақани ахлоқий, маънавий категориядан бошқа нарса эмас деб қарайдиганлари ҳам, унда рақобатдан бўлак ҳеч нарсани тан олмайдиганлари ҳам бор. Масала моҳиятидан баравар узоқликда бўлган иккита қарама-қарши нуқтаи назар яққол кўриниб турибди. Иккала ҳолда ҳам мусобақа сифатида социалистик мусобақанинг узвийлиги узилади, унинг объектив асослари йўқотилади. Бизнингча, рақобат билан социалистик мусобақа ўртасидаги жиддий фарқни таъкидлаш билан бирга, улардаги умумийликни, айни бир хил объектив механизмни кўрмаслик мумкин эмас. Агар корхоналар хусусий бўлса, мусобақа рақобат шаклини олади. Давлат корхоналари эса иқтисодий беллашув тартибида ишлайдиларки, социализм шароитида у социалистик мусобақа системасининг бир қисмига айланади.

Шундай қилиб, умуман мусобақанинг, шу жумладан социалистик мусобақанинг механизми моҳияти ишлаб чиқаришнинг турли харажатлари, меҳнат сарфлари ва улар туфайли эришилган натижаларни таққослаш, ўлчашдан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси объектив зарурат туфайли ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларини яхшилар ва ёмонларга ажратади. Ва айни шундай табақаланиш юқори ташкилий ва самарали иқтисодиётга ўтишни таъминлайди. Бу амалда ижтимоий ишлаб чиқариш (индивидуал ва коллектив) қатнашчиларининг яхшилари имтиёзлар олишлари кераклигини, ёмонлари эса унинг доирасидан чиқариб юборилиши кераклигини билдиради. Бу борада турғунлик бўлиши мумкин эмас ва ҳар бир киши моддий фаровонлигининг жиддий ўсиши ёки камайиши ўз меҳнатининг натижалари билан бевосита боғлиқлигини англаши керак.

Социалистик мусобақани ташкил этишни қайта қуриш ҳам мана шу механизм асосида бориши керак. Назаримизда, унда учта асосий турни: социалистик корхоналарнинг иқтисодий мусобақасини, айрим меҳнаткашлар ва уларнинг бошланғич коллективлари ўртасидаги меҳнат мусобақасини ҳамда регионал мусобақани ажратиб кўрсатиш керак. Бир моҳият ва бир механизмга эга бўлгани ҳолда улар ташкилий шакллари, мақсад ва методлари бўйича жиддий фарқ қиладиларки, буни ишлаб чиқариш жараёни шартлайди. Зеро, ишлаб чиқариш жараёнининг иш жойи, корхона ва регионал доирасидаги ишлаб чиқариш-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий мазмуни сифат жиҳатидан хар хилдир.

Социалистик корхоналар ўртасидаги мусобақанинг ўзига хослиги шундан иборатки, унда айрим ишчилар ва уларнинг коллективлари эмас, балки бутун-бутун ишлаб чиқаришлар мусобақалашади. Бунда нафақат ишчиларнинг меҳнат-

га оид куч-харакатлари, шунингдек умуман корхона доирасида моддий, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш ҳам муҳимдир. Мусобақанинг бундай турида айрим ишчи ёки бригаданинг юксак унумли меҳнати ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига бевосита таъсир этмаслиги ҳам мумкин. Масалан, қандолат фабрикасининг цехларидан бири аъло сифатли конфетлар тайёрлади, аммо уларни ўрайдиган қоғоз йўқ — ўров цехи ёки қоғоз таъминоти бўлими топшириқни бажара олмади. Натижада бир цех яхши ишлаганига қарамай, маҳсулот охиригача тайёрланмагани учун омборда тураверади, умуман корхона эса фойда олмайди. Бинобарин, мусобақанинг бу тури энг аввало бутун корхона ишининг самарадор бўлишини тақозо этади ва таққослаш умуман ишлаб чиқариш эришган самарадорлик даражаси бўйича олиб борилади.

Айрим ишчилар ва уларнинг коллективлари ўртасида корхона ичидаги мусобақа бошқача ўзига хос хусусиятларга эга. У мусобақани ташкил этиш шаклларининг ўзи бўйича ҳам, социалистик мажбуриятлар ва шартномаларга киритилган кўрсаткичларнинг ранго-ранглиги билан ҳам ажралиб туради. Лекин мусобақа фақат иқтисодий кўрсаткичда акс этмайди. Бунда коллективдаги социал ва психологик муносабатлар ташкил топади ва акс этади, коллективчилик туйғуси рўёбга чиқади, ишчининг шахсий ютуқлари меҳнат муносабатларининг марказига қўйилади.

Социалистик мусобақанинг учинчи тури — районлар, шаҳарлар, областлар, республикалар ўртасидаги мусобақа — территориал планлаштириш ва хўжалик юритишга жиддий таъсир кўрсатади. Бундай мусобақада энг муҳими — регионнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари, асосий мақсади эса — унинг аҳолиси ҳаётий фаолиятини энг яхши тарзда таъминлашдир. Таққослаш учта компонент: одамларнинг иш билан бандлиги ва уларнинг меҳнат кўрсаткичлари, турмуш даражаси, социал инфраструктуранинг ривожланиши бўйича олиб борилади.

Ўйлаймизки, социалистик мусобақани ташкил этишнинг бутун системаси унинг айни мана шу учта турига асосланиши керак. Ҳар қандай мусобақанинг мухолифларига эса шуни эслатиб ўтмоқчимизки, хўжалик механизми иқтисодиётда ишлаб чиқарувчилар доим таққослаб борилгандагина яхши ишлайди. Бунинг устига доимий ҳаракат бўлиши, ҳамма нарса — техника, технологиялар, товарлар, корхоналар, цехлар, участкалар, бригадалар, айрим ишчилар янгиланиб туриши учун барча яхши нарсаларга кенг йўл очиш, барча ёмон нарсалар йўлини эса тўсиш керак. Мусобақа бундай тақсимлашнинг ҳаракатлантирувчи кучидир.

Хўжалик амалиётида ҳам, илмий тадқиқотларда ҳам яқин-яқингача энг катта эътибор айрим ишчилар ва уларнинг бошланғич коллективлари ўртасидаги меҳнат мусобақасини ривожлантириш масалаларига қаратилар эди. Иқтисодий мусобақада маҳсулотларини (сифат, арзонлик, истеъмол қилишнинг ўнғайлиги параметрлари бўйича) ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг даражасини таққослаш асосида турли корхоналарни солиштириш асосий жиҳатга айланади. Турли хил, тўғридан-тўғри таққослаб бўлмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги бўйича таққосланади. Бундай мусобақани ташкил этиш бутун хўжалик механизми ишлаши учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мисол учун, ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи сотишни кенг ривожлантириш тўғрисидаги масалани олиб кўрайлик. Керакли тарзда ташкил этилган иқтисодий мусобақасиз уни ҳал этиш мумкин эмас. Зеро, бундай савдонинг ўзи нимани англатади? Истеъмолчи ўзига маҳсулот етказиб берувчини молнинг нархи, сифати, таъминот шартлари ва бошқа мезонларга қараб танлайди. Лекин танлаш учун турли вариантлар, таклифлар бўлиши, таъминотчи иложи борича кўпроқ харидорларни оғдириб олишга интиладиган вазият юзага келиши лозим. Бошқача айтганда, таъминотчи корхоналар истеъмолчи учун ўзаро мусобақалашув ҳолатида бўлишлари керак. Бу, дарвоқе, хўжалик механизмини ислоҳ қилишнинг асосий масаласидир. Шу тариқа, улгуржи савдо иқтисодий мусобақанинг ўзи, аниқроғи, унинг оқибатидир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги даражаси бўйича ўзаро мусобақалашаётган корхоналарда шунга мос келадиган моддий стимул бўлиши керак. Ана шунда коллективлар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, кўпроқ истеъмолчиларга хизмат

кўрсатишдан манфаатдор бўладилар. Ана шунда халқ хўжалиги планларига корхоналарнинг энг самарали таклифлари киритилади, турли ишлаб чиқарувчилар ўртасида иқтисодий танлаш реал амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришнинг фақат энг яхши вариантлари танлаб олинганда юксак самарадорликка эришилади. Лекин ишлаб чиқарувчилар кўп ва самарали ишлаб чиқаришдан иқтисодий манфаатдор бўлган тақдирдагина уни излайдилар. Яъни, истеъмолчи учун таъминотчилар ўртасида кураш, мусобақа кетаётганда шундай бўлади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш корхоналар ўртасидаги иқтисодий мусобақанинг ривожланишига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Уни йўлга қўйиш бизда амалда ҳали бошлангани йўқ. Меҳнат мусобақасини ташкил этиш борасида эса қайта қуриш тўғрисида сўз юритса бўлади.

Қураётганда ёки қайта қураётганда эса нима бўлса ҳам бошлаб қўйилганидан, мавжуд яхши нарсалардан воз кечиш ақлдан эмас. Мусобақани ташкил этишда ҳам кўп фойдали жиҳатлар тўпланган. Лекин биз ундан ҳозирча тузукроқ фойдаланишни билмаймиз (ёки истамаймиз). Унинг асосида социалистик мусобақани илмий ташкил этишга нисбатан талаблар комплексини яратишга уриниб кўрайлик.

Энг аввало унга **мусобақани ташкил этишни ишлаб чиқариш самарадорлигига қатъий йўналтиришни** киритиш керак. Мусобақанинг ҳар қандай шакли мана шунга бевосита ёки билвосита хизмат қилиши керак. Масалан, агар хом ашё ва материалларни тежаш ёки харажатларни камайтириш учун мусобақа ташкил этилаётган бўлса, унда пировард натижада бу нарса ишлаб чиқариш умумий самарасини оширишга олиб келиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Зеро, тежамкорлик ўз ҳолича керак эмас — чунки тежамкорлик шу даражага бориб етиши мумкинки, тайёр маҳсулот унга қўл тегиши биланоқ сочилиб кетиши ҳеч гап эмас. Демак, иқтисод ва тежамкорлик мусобақаси маҳсулот сифатида ҳалокатли таъсир этмаслиги керак. Фақат мана шу икки жиҳатнинг уйғунлашувигина мусобақани ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтириш имконини беради.

Мусобақани ташкил этишнинг комплекслилигини таъминлаш яна бир талабдир. Бу долзарб масалани ҳали амалиётда ҳал қилишга эришилган эмас. Назарий жиҳатдан ҳам бу борада ҳаммаси унчалик равшан эмас. Муаммонинг моҳияти корхоналардаги барча починлар, ташаббуслар, мусобақани ташкил этиш шаклларини ягона системага келтиришдан иборатдир. Меҳнат коллективида кўплаб почин, ташаббусларни қамраб олиш учун ҳаракат қилинганда ва мусобақа кўп ҳолларда бир-бири билан ёмон мувофиқлаштирилган шаклларда олиб борилганда юзага келган бемаъни вазиятлар ҳақида матбуотда кўп маротаба таъкидланди. Шу муносабат билан баъзи мутахассислар корхоналар, меҳнат коллективлари қандайдир битта починдан, мусобақанинг битта шаклидан фойдаланишлари керак деб ҳисобламоқдалар. Бундай ёндашувни рад этмаган ҳолда уларнинг кўпроғидан ҳам фойдаланиш мумкин деб ўйлаймиз. Асосийси, бу почин ва формалар ягона системага келтирилиши — пировард маҳсулот, яъни корхона дарвозасидан чиқадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилиши лозим.

Назарий мураккаблик яна қуйидагидан иборат. Хўжалик алоқаларининг мураккаблашуви пировард натижалар кўплаб оралиқ бўғинларга, ички тармоқ ва тармоқлараро алоқаларни ташкил этишга боғлиқ бўлиб қолишига олиб келади. Бу эса хўжалик ходимлари ва мусобақа ташкилотчилари эътиборини бўлиб қўяди, асосий жиҳатлар кўпинча майда-чуйда нарсалар ичида йўқ бўлиб кетади. Майда йўналишлар бўйича мусобақаларнинг алоҳида шакллари бир-бирларини такрорлай бошлайди ёки бир-бирига қарама-қарши бўлиб қолади, умумий пировард натижа чапланиб кетади. Масалан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида умумий якун бўйича мусобақа билан бир қаторда пахта (ялпи) терими учун ҳам, молларни қишловдан олиб чиқиш учун ҳам ва бошқа хил мусобақалар олиб борилганда шундай бўлган эди.

Шуни таъкидлаш керакки, комплекс мусобақани ташкил этиш турли конкрет мақсад ҳамда вазифалар учун ўтказиладиган мусобақаларнинг алоҳида ва махсус турлари аҳамиятини ҳеч бир пасайтирмайди. Лекин мусобақанинг махсус турлари билан умумий иш якунлари бўйича мусобақалар ишлаб чиқаришнинг энг

кўп самарадорлигига эришишга қаратилган комплекс мусобақанинг ягона системасини ташкил этган ҳолда бир-бирлари билан маълум мувофиқликда бўлишлари керак. Починлар ва мусобақа шакллари миқдори кетидан қувиш эмас, балки бир-бирларини ягона системада мувофиқлаштириши мумкин бўлган миқдоридан фойдаланиш муҳим. Ўйлаймизки, бир ишчи мусобақанинг иккитадан (индивидуал ва коллектив) ортиқ шаклида қатнашмаслиги керак.

Кўрсаткичларнинг энг кам миқдори — мусобақани илмий ташкил этишга қўйиладиган кейинги талаб. Юқорида тилга олинганидек, мусобақа якунлари чиқариладиган кўрсаткичлар миқдорини қисқартириш зарурлиги назарий томондан исботланган ва кўплаб илмий-амалий конференциялар ва кенгашларнинг тавсияларида ёзилган. Бу ишда баъзи силжишлар кузатилмоқда. Масалан, Ўзбекистоннинг иқтисодий синов шароитига ўтказилган бир қатор корхоналарида мусобақа кўрсаткичларининг миқдори 15—22 тадан 9—13 тагача қисқартирилди. Жумладан, «Ташсельмаш» заводида уларнинг сони 28 тадан 12 тага келтирилди. Қабул қилинаётган социалистик мажбуриятларда ва уларнинг бажарилиши бўйича якунлар чиқарилаётганда, алоҳида эътибор энди маҳсулот етказиб бериш ва шартнома топшириқлари бажарилишига, меҳнат унумдорлиги суръатларининг ўсишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига, ресурсларни тежашга, ижтимоий ривожланиш масалалари ҳал этилишига қаратилмоқда. Мусобақанинг бундай йўналтирилганлиги унинг қатнашчиларида топширилган иш учун масъулият, коллективизм, хўжасизлик ва исрофгарчиликка нисбатан муросасиз бўлиш туйғуларини тарбиялашда унинг ролини ошириш имконини бермоқда.

Афсуски, республика корхоналарининг аксарияти аввалгидай мусобақанинг 20 тагача ва ундан ортиқ кўрсаткичларидан фойдаланишмоқда. Гап шундаки, кўрсаткичлар миқдорини ошириб, мусобақа ташкилотчилари корхона ишининг кўпроқ томонларини, меҳнат коллективлари иқтисодий ва ижтимоий фаолиятларининг кўпроқ жиҳатларини қамраб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин бунда якунлар чиқариш, ғолибларни аниқлаш қийинлашади, оқибатда ушбу ишга субъективизмнинг маълум элементлари киритилади, расмиятчилик кучаяди.

Ўйлаймизки, мусобақани муайян шаклларга бўлиш йўлидан бориш мумкин. Ҳар бир ташкилий форма энг кам миқдордаги кўрсаткичларга эга бўлиши мумкин (конкрет шаклдаги мусобақа қатнашчилари учун — 3—5 та). Агар корхоналар ва меҳнат коллективлари фаолиятларининг бошқа томонларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлса, мусобақани ташкил этишнинг кўрсаткичлари 3—5 тадан ошмайдиган қўшимча махсус шаклидан фойдаланиш лозим. Масалан, бригададаги индивидуал мусобақанинг асосий мезони — МҚК (меҳнатда қатнашиш коэффициенти). Уни сифат ва нормани бажариш кўрсаткичлари билан тўлдириш мумкин. Шундай қилиб, 3 та кўрсаткич. Бригадалар ўртасидаги мусобақада сифат, маром, ҳажм (план топшириқларини бажариш) дан фойдаланиш мумкин — бу ҳам 3 та кўрсаткич. Демак, мусобақанинг иккита шаклида ҳаммаси бўлиб, аслида коллективнинг «хўжалик томири»ни характерловчи 6 та кўрсаткич ишлатилмоқда. Бу — энг маъқул вариант, чунки, бирданига кўплаб кўрсаткичлар бўйича беллашилганда ғалабага қатъий ишониш қийин. Ишонч йўқми — истак, ижод ҳам бўлмайди. Мусобақанинг мақсади унинг шахсий имкониятларининг кучли томонлари ва манфаатларига тўла ёки асосан мос келганда инсон меҳнат беллашувига бажонидил киришади.

Қўлланиладиган барча шакллар (ҳар бири — кўрсаткичларнинг энг кам миқдори) ягона системага келтирилса, мусобақалашаётган меҳнат коллективлари тўғрисида етарлича тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга қодир бўлади. Шу билан бирга ҳар бир шаклдаги унча кўп бўлмаган кўрсаткичларни мусобақа якунлари чиқарилаётганда ҳисобга олиш қийин эмас.

Ишлаб чиқаришда мусобақани илмий ташкил этишга қўйиладиган яна бир муҳим талаблардан бири — бу фақат ғолибларни аниқлашгина эмас, балки **барча ўринларни мусобақа якунларига қараб тақсимлаш**дан иборат. Гап шундаки, меҳнат коллективида ҳеч ким охирги ўринда қолишни исташи даргумон. Ваҳоланки, мусобақанинг моҳияти нафақат илғорларни, шунингдек ёмон ишлаётганларни ҳам кўрсатишдан иборатдир. Бунда асосий нарса — меҳнаткашларнинг асосий қисмини ҳаракатга келтириш ва шахсий меҳнат ютуқларига мос равишда, мусобақалашувчилар сафида уларнинг ўрнини белгилашдир. Бу нарса катта

рағбатлантирувчи иқтисодий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлишига ишончимиз комил. Айтайлик, агар ишчи ўтган даврда эгаллаган 15-ўриндан 12-ўринга ўтса, буни ишдаги барча ўртоқлари кўришади ва унинг ўзи ҳаракатлари беҳуда кетмаганидан маълум даражада қониқиш ҳосил қилмаслиги мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида, унинг мусобақага қизиқишини ва ундаги фаоллигини оширади.

Мусобақа қатнашчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш — мусобақани илмий ташкил этишга қўйиладиган муҳим талабдир. Гарчи, бу муаммо ҳақида кўп гапирилган ва ёзилган бўлсада, у меҳнат коллективларида мусобақани ташкил этишни такомиллаштиришда энг йирик масала бўлиб қолмоқда. Бизнинг назаримизда, унда учта асосий томонни ажратиш мумкин.

Биринчидан, ишлаб чиқаришни хўжалик ҳисоби асосида рағбатлантириш билан социалистик мусобақа қатнашчиларини моддий мукофотлашнинг бирлиги. Ички завод мусобақасида ғолибларга мукофот пули тўлашнинг алоҳида моддаси мавжудлиги аслида мусобақалашувчиларни моддий тақдирлаш ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришнинг умумий системасидан ажралиб қолганлигидан далолат беради. Меҳнатни рағбатлантирувчи барча мукофотлаш системаларини мусобақа якунлари билан бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда мусобақа ғолибларига бериладиган мукофотлар миқдори ҳам кўпайишининг аҳамияти кам эмас. Масалан, цехда ўринлар мусобақалашаётган 30 та бригада ўртасида тақсимланса, асосий иш учун бериладиган мукофотлар эса мусобақада эгаллаган ўринга қараб тақсимланиши керак. Бунда мусобақа «ва» (иш **ва** мусобақа) орқали эмас, балки хўжалик ҳисоби муносабатларининг таркибий қисми сифатида қаралади, бу муносабатлар эса моҳиятига кўра батамом мусобақа руҳи билан йўғрилган.

Иккинчидан, социалистик мусобақа якунларига қараб моддий ва маънавий тақдирлашнинг бирлиги. Меҳнат коллективлари ёки айрим ишчилар эришган муайян ишлаб чиқариш натижалари маълум маънавий рағбатлантиришга (масалан, унвон ва мукофотлар беришдаги қатъий изчилликка) олиб келиши кераклиги назарда тутилмоқда. Бунинг оқибатида эса моддий тақдирлаш (пул мукофотларининг миқдори) ҳажми қатъий белгиланади. Бир томонлама — фақат маънавий ёки фақат моддий тақдирлаш, шунингдек турли корхоналарда мукофотлашдаги хилма-хиллик социалистик мусобақанинг самарадорлигини пасайтиради, унинг иқтисодий ва тарбиявий вазифаларини қарама-қарши қўяди.

Учинчидан, тақдирлашнинг табақаланиши. Гап моддий ва маънавий тақдирлашнинг қиймати эгалланган ўринга қараб аста-секин ортиши ҳақида бормоқда.

* * *

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришда мусобақани ташкил этиш фақат илғор хўжалик юритиш амалиётида аниқланган талабларнинг бутун комплексига жавоб берган тақдирдагина ҳақиқатан ҳам таъсирчан бўлиши мумкин. Бу талаблар, умуман олганда, маълум ва республика корхоналарида уларга у ёки бу даражада риоя қилинади. Лекин бу талаблар комплекс қўлланилганидагина етарли самара бериши мумкин. Ва фақат илмий ишлаб чиқилган тавсияларга таянишгина мусобақани жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг жиддий воситасига айлантириш имконини беради.

С. РИЗАЕВ

ПАРТИЯВИЙ ИШ: ЎЙЛАШ ВА ИЗЛАНИШ

Мамлакатдаги янги сиёсий вазият партия ва унинг барча органлари фаолияти олдига замонга мувофиқ талаблар қўймоқда. Ўзбекистон Компартияси XXII ҳамда КПСС XXVIII съездларидан кейин энди партия комитетлари обрўэътиборининг пасайишига, партиясизлар томонидан, кўпинча эса коммунистларнинг ўзлари томонидан уларга бўлган ишончнинг камайишига бундан буён йўл қўйиб бўлмаслиги айниқса сезила бошлади. 1989 ва 1990 йилларда халқ депутатларини сайлаш чоғида ана шу ҳолатнинг аломатлари айниқса яққол намоён бўлди. Кишиларга танлаш, очиқ-ошкора фикр айтиш ва ўз фикрини ҳимоя қилиш ҳуқуқи чиндан ҳам бериб қўйилган бир шароитда партия раҳбарларининг бир қисми халқ эътирофига сазовор бўла олмадилар. Ана шу ҳолатнинг сабабларини таг-тубигача тушуниб олиш ҳар бир партия комитети учун зарурдир. Аммо бунда муваффақиятни таҳлил этишни менсимаслик ҳам ярамайди — бундан ҳам сабоқ, лекин «плюс» аломатилик сабоқ олиш мумкин.

Чунончи, 1990 йил кўкламида бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Компартияси аҳолининг кучли мададига сазовор бўлдики, буни кўп мутахассис-сиёсатшунослар ҳам кутмаган эдилар. Бу энг аввало шунинг оқибатидирки, республика Компартияси ўзининг сайловолди дастурида иллат энг кескин бўлган нуқталарни фақат очиб ташладигина эмас, балки дарҳол, сайловлардан олдиноқ социал-иқтисодий характердаги тадбирларни изчиллик билан амалга ошира бошладики, улар оммавий ахборот воситаларининг ва ташвиқот-тарғибот фаолларининг фаолияти туфайли анча кенг кўламда маълум бўлган эди. Пахта экиладиган майдонларни қисқартириш оқибатида 260 минг гектар ерни қўшимча ажратиш ҳисобидан томорқа участкаларини икки баравар кўпайтириш ҳақидаги, шунингдек терилган пахта учун қўшимча ҳақни ҳамда пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини ошириш тўғрисидаги қарорлар ҳаммага маълум бўлди. Қуйи синфларда пулсиз нонушта, камқонлилик касалига мубтало бўлганларга, ҳомиладор аёлларга қўшимча бепул овқат беришни жорий этиш, шунингдек ногиронларни ва қарияларни интернат-уйларда боқишга кетадиган харажатларни кўпайтириш ва бошқа чора-тадбирлар ҳам ўз ролини ўйнади.

Шарқ календарига мувофиқ янги йил ҳисобланган «Наврўз» байрамининг қайта тикланиши зўр кўтаринкилик билан кутиб олинди. Марказий Комитетнинг ташаббуси билан унинг легаллаштирилиши, шунингдек «Мерос» давлат дастурининг яратилиши турли сиёсий шаллақиликларга катта зарба бўлиб тушди.

Хўш, кўринишдан ана шу ранго-ранг қарорларнинг умумий жиҳати нимада? Умумий жиҳати шундаки, улар жамоатчилик фикри чуқур ўрганилиши, меҳнаткашларнинг партия ва совет органларига ёзган хатлари, аризаларидаги илтимослар, таклифларнинг таҳлил этилиши натижасида қабул қилинган. Ана шулар Ўзбекистон Компартиясига ташаббусни ўз қўлида ушлаб қолиш, партия ташкилотлари позицияларининг заифлашувига йўл қўймаслик, уларнинг анча тушиб

РИЗАЕВ Саидакбар Ризаевич, Ўзбекистон КП Марказий Комитети идеология бўлими оммавий-сиёсий иш секторининг мудири, техника фанлари номзоди.

кетган обрў-эътиборини аста-секин тиклаш имконини берган омиллар қаторига киради.

Партия кадрларининг фаолияти, маълумки, муайян регион, меҳнат коллективининг конкрет иқтисодий, ижтимоий ва маънавий шароитларида амалга оширилади. Уларни ўрганишни, ижтимоий жараёнлар ва ҳолатларни характерлаб берувчи тенденциялар, зиддиятлар, сабабий-оқибат алоқадорликларини таҳлил этишни менсимаслик муқаррар равишда жиддий хатоларга, катта янглишувларга, ўзбошимчаликка, ақидапарастликка олиб келадики, бизнинг яқин ўтмишимиз бундан далолат бериб турибди. Социология фанининг ёрдамисиз ҳатто бир коллектив миқёсида ҳам чуқур ўйламасдан сиёсат юргазиб бўлмайди — буни ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Ана шунинг учун ҳам тобора кўп партия комитетлари ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишда, партия фаолиятининг услуб ва методларини такомиллаштириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш системасини яхшилаш учун хилма-хил тадқиқотлардан фойдаланмоқдалар. Бу борада турли тоифаларга мансуб меҳнаткашларнинг, партия, совет, хўжалик фаолларининг фикрини ўрганиш биринчи ўринга қўйилмоқда. Бунда жамоатчиликни қизиқтириб турган муаммоларни аниқлай билиш асосий мезондир. Социологик тадқиқотлар бошқа методлар билан бир қаторда партия комитетларига конкрет вилоят, шаҳар, район, коллективда содир бўлаётган ижтимоий ва мафкуравий жараёнларга татбиқан ижтимоий тараққиёт қонунларининг амал қилиш механизмини ўрганишга ёрдам беради. Бунинг оқибатида у ёки бу социал ҳодисаларнинг, масалан, коллективларда номатлуб вазиятлар юзага келишининг сабаблари ва шарт-шароитлари яққол кўрина бошлайдики, бу, ўз навбатида, меҳнат интизомини, ижтимоий тартибни мустаҳкамлаш, сиёсий-тарбиявий иш самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради. Шу тариқа партия комитетлари ишдаги асосий йўналишларни аниқроқ белгилаб оладилар, қўйилган мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини топадилар. Хуллас, социологик таҳлил ижтимоий ва мафкуравий жараёнларнинг моҳияти, уларнинг ривожланиш тенденциялари ҳақида объектив билим беради ҳамда бу билан партия фаолларини реал вазиятни тавсифловчи омиллар системаси билан қуроллантиради.

Қайта қуриш таъсирида совет кишилари ўз фикрларини очиқроқ айтадиган бўлиб қолдилар. Уларнинг мамлакат ичидаги сиёсий воқеаларга бўлган қизиқишлари ортмоқда. Бу ҳол меҳнаткашлар сиёсий маданиятининг ва ижтимоий активлигининг кучайиши учун қулай шароит яратади, лекин ушбу жараён ҳар ҳолда оддий тарзда кечмаётир, зиддиятли кечмоқда, зеро социализмни демократик янгилашга тўсқинлик қилувчи механизм ҳамон амал қилмоқда.

Шунинг учун ҳам халқ маънавий ҳаётида ҳодиса бўлмиш жамоатчилик фикрининг моҳиятини билмоқ муҳимдир. Хўш, унинг ўзи нима? Бу ижтимоий онгнинг алоҳида бир ҳолатидир, муайян социал гуруҳларнинг, социал жамоанинг жамият ҳаётидаги турли воқеаларга муносабати ифодаланадиган анча кенг тарқалган, интенсив ва стабил бўлган баҳо берувчи фикр-мулоҳазаларнинг жамидир.

Жамоатчилик фикрини шахсий фикрлар йиғиндиси деб ҳисоблаш ярамайди. Айни чоқда уларнинг алоқаларини узиб бўлмайди — шахсий фикр жамоат фикри пайдо бўлишининг дастлабки палласи бўлиб, у шахсий фикрлар кўпчилигидаги жами муштарак ва такрорланувчи жиҳатларни ўзида сақлаб қолади. Улар ўртасидаги ана шу диалектик алоқанинг бутуниси социологик методлар орқали шахсий фикрларни қайд этиш ва ана шу йўл билан жамоатчилик фикрини ўрганишга ўтиш имконини беради.

Кишиларнинг кайфияти, уларнинг содир бўлаётган воқеаларга муносабати ҳақидаги ҳар қандай ахборот жамиятни бошқаришни яхшилаш учун муҳимдир. Бинобарин, эндиликда буни партия органларида чуқур тушунмоқдаларки, натижада уларнинг иш услуби қайта қурилмоқда. Улар маъмурий-бюрократик зуғум қилишдан воз кечмоқдалар, раҳбарликнинг сиёсий методларини ўзлаштирмоқдаларки, бу бошқа ҳамма нарсалардан ташқари, кишилар билан алоқаларни мустаҳкамлашни, ижтимоий психологияни характерлаб берувчи нозик жиҳатларнинг ҳаммасини ҳисобга олишни тақозо этади.

Ҳозирги пайтда партия комитетлари регионни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини яхлит, чуқур ва ҳар тарафлама

ишлаб чиқишни, социал прогнозлашни мўлжалламоқдалар. Энг аввало худди ана шунда партия органининг меҳнаткашлар манфаатларининг ҳимоячиси сифатидаги роли ўз ифодасини топади. Шундай экан, у ўз ҳаракатларида биринчи навбатда жамоатчилик фикрига таяниши, уни билиши ва ўрганиши, ана шу мақсадда социологик хизматдан самарали фойдаланиши лозим.

Партия комитетига ҳаётни билиш, жамоатчиликнинг кайфиятини пайқаш, омманинг эҳтиёж ва талаблари ҳақида фикр юритиш имконини нима беради? Оммавий ахборот воситалари жуда кўп ва хилма-хил маълумотлар беради. Бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларидан олинадиган хабарлар ўйлаш-фикр юритиш учун озиқ беради. Шунингдек одамлар билан шахсан мулоқотда бўлиш ҳам, лекторлар, пропагандистларга бериладиган саволларни таҳлил этиш ҳам, гражданларнинг хатлари ва аризаларини ўрганиш ҳам партия комитетлари ходимлари учун ғоятда муҳимдир. Ана шулардан олинган социал ахборот нафақат мўл-кўл, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлибгина қолмай, ўз нозик жиҳатлари билан жуда бой бўлиб, эндигина пайдо бўлаётган тенденцияларни пайқаб олиш имконини беради. Шундай экан, Лениннинг одамлар орасида яшаш, омманинг кайфиятини билиш, улардан ўрганиш ҳақидаги талаби долзарблигича қолмоқда.

Вазифа ижтимоий ҳаёт жараёнларини чуқурроқ таҳлил этишни ўрганиб олиш, хилма-хил ишлар орасида асосий бўғинларни топиб, улар ёрдамида бутун занжирни торта билиш, қайта қуришнинг туб муаммоларини ҳал этишдан иборатдир. Партиявий раҳбарликнинг илмий савиясини ва самарадорлигини ошириш учун партия кадрлари муаммоларни муттасил равишда аниқлай билишлари зарурдир. Регион, коллектив иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги вазиятни ўрганиш, унга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил этиш етилган зиддиятларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур тадбирлар кўриш учун уларнинг келажакдаги оқибатларини олдиндан кўра билиш имконини беради. Муаммони ўзгариб туриши, ривожланишидаги ҳолатида тушунмоқ муҳимдир.

Қарор қабул қилинишидан аввал, у агар айниқса жуда кўп кишилар манфаатларига дахлдор бўлса, коммунистлар, бутун халқ билан маслаҳатлашиш натижасида ҳар тарафлама ўйлаб чиқилган бўлиши керак. Бунда ҳеч қандай шошмашошарликка, субъективизмга йўл қўйиб бўлмайди, чунки булар билиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Кабинетлардаги осойишталик шароитида бир ёқлама тарзда, халқ билан кенг кўламда маслаҳатлашмасдан туриб тайёрланган партия қарорларининг қисмати қандай бўлганлигини Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемасини тасдиқлаш мисолида кўриш мумкин. Унинг лойиҳаси республика Компартияси МК Бюросида 1987 йил охирида кўриб чиқилган эди. Ҳужжатнинг маҳаллий шароитлар ва анъаналардан бехабар муаллифлари бир қатор областлар, министрликлар, идораларни бирлаштириш эвазига бошқарув ходимларини максимал даражада қисқартишни таклиф этдилар. МК Бюроси айрим аъзоларининг ожизгина эътирозлари консерватизм ва қайта қуришни истамасликнинг кўриниши сифатида лойиҳа «ижодкорлари» томонидан жўшқин тарзда рад этилди.

Сўнгра Бош схеманинг лойиҳаси кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясига (1988 йил апрель) тақдим этилди, бунинг устига у матбуотда атиги бир ҳафта илгари эълон қилиниб, табиийки, республика аҳолиси томонидан муҳокама қилинишига илож ҳам йўқ эди. Сессияда Бош схеманинг айрим қоидаларини аниқлаш ва қиёмига етказиб ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида фикрлар айтилди. Бир қанча депутатлар Фарғона водийси областларини, шунингдек Бухоро ва Қашқадарё областларини бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигига шубҳа билдириб, буни аҳоли сонининг, ишлаб чиқаришнинг ҳажмлари, территорияларнинг кескин тарзда ошиши билан асосладиларки, бу, уларнинг фикрига кўра, ушбу регионларни бошқаришни қийинлаштириб қўяр эди. Тармоқ структурасини такомиллаштиришга тааллуқли таклифлар баён қилинди. Жумладан, сув хўжалиги ишларининг каттагина ҳажмларини ниҳоясига етказа олишлари учун Главсредазирсовхозстрой ва Госкомводстройни тугатишни 2—3 йилга қолдиришнинг жуда зарурлиги ҳақида, Бинокорлик материаллари саноати министрлигини республика учун сақлаб қолишнинг муҳимлиги ҳақида гапирилди.

Пировард натижада, тўлик ишлаб чикиш шарти билан лойиҳа маъкулланди. Амалда эса кўп эътирозлар ва фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинмай қолаверди.

1988 йилнинг август-сентябрида партия, совет органлари республика халк хўжалигини бошқариш ва маъмурий-территориал бўлинишни такомиллаштиришнинг Бош схемасини амалда рўёбга чиқаришга киришдилар. Қайта тузиш 4 та область, 20 шаҳар ва районларни бирлаштиришни кўзда тутди, иккита область партия комитети, 20 та шаҳар ва район партия комитетлари тугатилди. Ана шуларнинг жами кишиларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлиб, фикрлар тўқнашувига олиб келди, лекин баҳс-мунозаралар тушунтириш ва ишонтириш йўли билан тинчитилдики, бунинг учун областлар ва районларга МК Бюроси аъзолари, партия ва совет органларининг бошқа раҳбарлари бир неча бор бориб келдилар. Бирлашишга қарши бўлган кишиларнинг эътирозлари айрим районларда расмий ҳокимият органлари томонидан маҳаллийчилик, мансабпарастлик деб баҳоланди, уларни аҳоли ва меҳнат коллективларининг бир қисмини чалғитишда, ҳар хил митинглар ва йиғинларга сабабчи бўлишда, жамоат тартибини бузишда айбладилар. Бундай чиқишлар эса Андижон, Наманган, Фарғона областларида бўлди. Сирдарё областида кескин вазият юзага келдики, бу ерда уч кун давомида кўп кишилар иштирок этган митинглар ўтиб, уларда область марказининг тугатилишига қарши норозилик баён этилди. Бир қанча жойларда тўп-тўп кишилар транспорт ҳаракатини тўхтатишга уриндилар, иш ва машғулотларни тўхтатиб қўйиш ниятида меҳнат коллективлари ва ўқув юртларига тазйиқ кўрсатдилар, тартибсизликлар чиқармоқчи бўлдилар. Каттагина моддий зарар етказилди, жафо кўрганлар ҳам бўлди. Шуни эслатиб қўяйки, бу воқеалар 1988 йил сентябрида, нохуш Фарғона воқеаларидан бир йилча аввал бўлган эди. Назаримда, бунда муайян алоқадорлик бор. Ноҳақ қарорлар, уларни амалга оширишдаги қўшимча хатолар ушбу региондаги шундай ҳам оғир, низоли бўлган вазиятни кескинлаштириб юборди.

Мисол учун, Фарғона областининг бирлаштирилган Охунбобоев ва Ёзёвон районларининг маъмурий маркази қилиб бундай ҳолат учун инфраструктураси бўлмаган Лангар посёлкаси хато тарзда белгиланди. Кенг жамоатчилик, оқсоқоллар бундай асоссиз қарорга рози эмасликларини билдирдилар, область партия комитетининг биринчи секретаридан ўзлари билан учрашиб фикрларини эшитишни сўрадилар. Лекин уларнинг бу талаблари рад этилди, меҳнаткашларнинг қонуний талаблари эса обком бюросида экстремистик талаблар деб баҳоланди. Бундай ўзаро муносабат халқни ғижинтирди, салбий фикр уйғотди.

Ҳаёт қабул қилинган Бош схеманинг хато эканлигини тасдиқлади. 1989 йил охирида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми йўл қўйилган хатони тан олувчи бир қанча фармонлар қабул қилди.

Яна республика харитасида илгари тугатилган Жиззах области, ўнлаб районлар пайдо бўлди. Енгилтак модага берилиб ва оддий, соғлом фикрга зид улароқ ёппасига бирлаштириш кампанияси пайтида ғойиб бўлган бир қатор министрликлар, идоралар қайта тикланди. Ана шу алғов-далғовлар одамларнинг ҳайратига ва миш-мишлар тарқалишига олиб келди, низолар чиқишига сабаб бўлди, миллионлаб сўм пулларни исроф қилди, партия ва совет органларининг обрў-эътиборига зиён келтирди. Шу кунгача ҳам кишилар: нима сабабдан ана шу «тажриба ўтказиш»да айбдор бўлган кишилар жавобгарликка тортилмади, деб сўрашади. Ўйлаймизки, биз, ниҳоят, бу хилдаги хатолар ва мағлубиятлардан сабоқ чиқариб олишга ўрганишимиз керак.

Бундай сабоқлардан энг муҳими шуки, чамаси, партия кадрларига кишиларга яқинлик туйғусини, улар билан фақат хизмат юзасидангина мулоқотда бўлмаслик эҳтиёжини сингдирмоқ зарур. Партия ходими ҳамма вақт кишилар билан уларнинг ҳам қувончли, ҳам ташвишли кунларида бирга бўлиши, уларга ёрдам бера билиши лозим. Партия комитетларининг, кадрларнинг реал ҳаётдан ажралиб қолганлиги салбий ҳодисаларнинг сабабларидан бири бўлганлиги сир эмаску, ахир. Айрим раҳбарлар оддий коммунистлар билан, меҳнаткашлар билан муттасил мулоқотда бўлишдек партиявий анъанани унутдилар. Республикадаги кўпгина область, шаҳар ва район партия комитетларининг котиблари, программалаштирилган ягона сиёсий кунда қатнашишдан ташқари, кишилар ишлайдиган ва яшайдиган жойларда суҳбатлар ўтказиш, фикр алмашиш, турли масалалар

бўйича маслаҳатлашиб олиш учун улар билан онда-сонда учрашадилар. Ҳозир ҳам бу иш нормага тушди деб бўлмайди. Жойлардаги аҳволни маълумотномалар ва «сигналлар» асосида ўрганиш натижасида эса профессионал хислатлар йўқоладики, бу хислатлар орасида энг асосийси — кишилар билан очиқ-ошкора мулоқотда бўлиш, баҳс юритиш, уларни ишонтириш маҳоратидир. Марказий Комитет, область партия комитетлари ходимларининг командировкага боришлари кўпинча гастролга чиқиш тарзида бўлади, улар у ёки бу тадбирда иштирок этиш билангина чекланади. Кадрларнинг муайян қисми норасмий вазиятда, ишдан ташқари вақтда танишлар, қўшнилар билан, ўз микрорайони аҳолиси билан мулоқотда бўлишдан қочишини мутлақо нормал ҳол деб бўлмайди. Бу хилдаги ходимлар ўзи яшаб турган жойдаги жамоат тадбирларига, йиғинлар, шанбаликларга, қўшниларнинг тўй-ҳашамларига таклиф этилган бўлсаларда қатнашишни истамасликларини иш билан бандман деган сийқа баҳона билан яширадилар. Ана шуларнинг ҳаммаси жамоатчиликнинг номатлуб фикрини юзага келтиради, қўшилмаслик туфайли кишилар билан алоқалар ва демак, уларнинг позицияларига, содир бўлаётган воқеаларга муносабатларига таъсир кўрсатиш имконияти ҳам йўқолади.

Айникса партия ходими шуни унутмаслиги керакки, жамоатчилик фикри — кишиларга маънавий, ахлоқий таъсир кўрсатишнинг ғоят кучли воситаси, жуда нозик қуролдир. Ундан тўғри фойдалана билмоқ лозим. Халқда, баъзан сўз билан ҳам кишини жароҳатлаш мумкин, ноҳақ миш-мишлар эса кўнгилни вайрон этади, деган гап бор. Ана шунинг учун ҳам кишилар фикрига қулоқ солиш муҳимдир.

Собиқ раҳбарлардан бири бўлмиш В. Анишчевнинг республика Олий Совети сессиясидаги нутқи билан алоқадор бир воқеа эсга тушади. У пухта аниқламасдан, эҳтимол, текширилмаган маълумотларга асосланиб, бир машина ҳайдовчи ўз директорини ўлдирган таксопаркдаги фожиали воқеани эслатди. Нотиқ бу қотиллик таксопаркда янги автомашиналар ва ҳоказолар учун пул («ёғи чиққан бир сўм, уч сўмликлар») ундириш билан боғлиқ деб айтди. Шундай қилиб, унингча тамагир, нопок киши ўлдирилган деган хулоса келиб чиққан эди. Сессия материаллари эълон қилингандан кейин матбуотда ўлдирилган кишининг бева қолган хотини — қаҳрамон онанинг хати пайдо бўлдики, у нотиқнинг сўзидан норози эканлигини билдириб, аслида нима гап бўлганини аниқлашни ҳамда ва ўз эрининг покиза номини тиклашни талаб қилган.

Воқеани ўрганиш шуни кўрсатдики, шу аёлнинг эри, область партия комитетининг аъзоси таксопаркка яқинда ишга юборилган бўлиб, у қатъият билан тартиб ўрната бошлаган, юлғич ва тамагирларнинг коллективдаги хатти-ҳаракатларига чек қўйганки, улардан бири бунинг учун ундан ўчини олган. Область газетасида эълон қилинган суд очерки ҳалок бўлган киши ва унинг оиласи ҳақида партия комитети раҳбарининг юқорида тилга олинган менсимаслиги туфайли юзага келган салбий жамоатчилик фикрини бартараф этишга кўмаклашди.

Ҳаётнинг ўзи кўп мисоллар асосида шуни тасдиқлаб турибдики, жамоатчилик фикри — партиявий иш самаралими ва у тўғри йўлдан боряптими-йўқми эканлигини аниқловчи синов тошидир. Ҳозирги демократиялаштириш шароитида эса кишилар хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатишнинг психологик механизмларини эгаллаш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай билимни социал психология берадики, бу фан бошқа ҳамма нарсалардан ташқари, миллий психологияни, миллий характерни ҳисобга олиш, миллий туйғуларни ҳурматлаш, турли миллатлар кишиларининг шахсий ўзаро алоқаларини рағбатлантириш маҳоратини ҳосил қилишда кўмаклашади.

Ҳозирча шуни тан олиш керакки, марксча-ленинча назарияга ақидапарастлик билан ёндашув туфайли кишиларда илмий дунёқарашни шакллантириш жуда қониқарсиз аҳволда қолди. Айни чоқда оддий онг даражасида кишига таъсир кўрсатишнинг аҳамиятига ҳам етарлича эътибор берилмади. Дарвоқе, Коммунистик партияни сиқиб чиқаришга интилаётган буржуа пропагандасининг уринишлари ва мамлакатдаги антисоциалистик кучларнинг хатти-ҳаракатлари худди ана шунга қаратилган.

Демак, кишилар билан ишлашнинг, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг, аналитик-социологик тадқиқотларнинг, прогнозлашнинг конкрет тажрибаси ҳар бир партия комитети, унинг аппарати учун ғоят муҳим ва фойдалидир. Шу муно-

сабат билан ҳозирги кунда партия ишида тажриба олиб бормасдан туриб ҳеч нима қилиб бўлмаслигини кўрсатувчи бир қатор мисолларни келтирмоқчимиз.

Ўзбекистон Компартияси МҚ Бюросининг қайта қуришга раҳбарлик қилиш бўйича ҳисоботи қандай тайёрланганлиги эсга тушади. Тошкент олий партия мактабининг олимлари ва ўқитувчилар коллективи иштирокида анкеталар воситасида қарийб икки минг нафар бошланғич партия ташкилотларининг котиблари ва партия комитетларининг аъзолари, 276 нафар Ўзбекистон КП Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка номзодлар, Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг аъзолари фикри сўраб чиқилди. Бу тадбир партия ички демократиясини ривожлантириш, ошкоралик, иқтисодиёт ва социал соҳада қайта қуриш жараёнларига сиёсий раҳбарликнинг услуб ва методларини такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш юзасидан жуда кўп қизиқарли таклифлар олиш имконини берди. Сайлаб қўйиладиган партия органларининг ҳисоботлари тўпланган тажрибадан энг қимматли ва истиқболли жиҳатларни топиш ва уларни умумлаштиришга кўмаклашди.

Эндиликда шаҳар ва районлардаги ҳисобот-сайлов партия конференциялари олдидан партия, совет, хўжалик фаолларига анкеталар орқали саволлар бериш мунтазам равишда ўтказиб турилибди. Бундай тадқиқотлар кадрлар билан ишлашни яхшилаш учун алоҳида аҳамиятга эга. Шаҳар ва район партия комитетлари котибларининг, Советлар ижрокомлари раисларининг амалий ва шахсий хислатлари ҳақидаги фикрларни ўрганишга оид саволлар битилган варақаларда шундай саволлар борки, уларга берилган жавоблар у ёки бу ходимнинг билими, маҳорати, эгаллаб турган вазифасига қанчалик мувофиқлиги, амалий ишдаги обрў-эътибори ва ҳоказолар ҳақида етарлича чуқур хулосалар чиқариш имконини беради.

1990 йилда сайловга тайёргарлик кўрилаётган кунларда Тошкент область партия комитети қошидаги хўжалик ҳисобига асосланган социологик тадқиқотлар маркази негизида сайловчиларнинг бўлғуси ўз депутатлари ҳақидаги фикрларини ўрганишга ҳамда ана шунга мувофиқ халқ депутатининг қиёфасини аниқлашга муваффақ бўлинди. Ҳозир ҳар бир шаҳар ва районда тилга олинган марказнинг таянч пунктлари ташкил этилмоқда. Фарғона область партия комитети ҳам худди ана шундай қилишга ҳаракат қилмоқда.

Умуман олганда КПССда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг ягона системасини барпо этиш зарурати етилди. Бу система замонавий электрон-ҳисоблаш техникаси, компьютер ва телетайп алоқаси билан, анкеталовчилар шохобчалари, касбий тайёргарлиги бўлган кадрлар билан таъминланиши лозим. Ушбу фаолиятнинг мазмуни ва йўналишини тегишли партия комитетлари белгилаб берадилар.

КПСС МҚнинг кейинги йилларда ишлаб чиқилган бир қанча қарорларига мувофиқ ана шундай системани барпо этишга, социологик тадқиқотларнинг комплекслилиги ва натижадорлигини таъминлашга, социологиянинг ахборот базасини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кадрларнинг социал жиҳатдан тўғри йўл тутишларини кучайтириш учун меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий таълими курсларига социология ва социал психологиядан дарс беришни жорий этиш, марксизм-ленинизм университетларининг социология факультетларини фаол тарзда ривожлантириш кўзда тутилган. Демократиялаш жараёнларини чуқурлаштириш, ошкораликни, омманинг ижодий ташаббускорлиги ва социал-сиёсий фаоллигини ривожлантириш мақсадида жамоатчилик фикрини таҳлил этишга ва шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Партия комитетлари шунга таянишлари лозимки, социологик тадқиқотларнинг натижалари партиявий иш услуби, шакл ва методларини такомиллаштиришга фаол кўмаклашишга даъват этилган.

Ҳозирча эса жамоатчилик фикрининг қудратидан, унинг социал муносабатларни тартибга солиш қобилиятидан тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ, асло. Умумиттифоқ ва регионал бошқарув органлари ана шу қувватни масъулиятли сиёсий, иқтисодий, хўжалик қарорлари ва бошқа қарорларни қабул қилиш жараёнига реал тарзда жалб этиш ҳақида ҳамма вақт ҳам ғамхўрлик қилаётганликлари йўқ, ижтимоий муаммоларни бартараф этишда ошкораликка, меҳнаткашлар, аҳоли олдида ҳисоб бериб туриши лозим бўлган лавозимли шахслар ва муассаса-

ларни ошкора танқид қилишга тўсқинлик қилувчи сабабларни сусткашлик билан бартараф этмоқдалар.

Ҳозирги вақтда социологик тадқиқотлар натижаларини, кишилар айтадиган фикр-мулоҳазалар ва талабларни мунтазам равишда ва кенг кўламда маълум қилиш айниқса муҳимдир. Бирон-бир муаммони ўрганиш қанчалик яхши ўтказилса, хулосалар шунчалик тўла ва аниқроқ бўлади, демак, пировард вазифа шунчалик самарали ҳал этилади. 1989 йил кузида Хоразм область партия комитетларининг раҳбар кадрлар билан ишлаши социологик тадқиқот асосида ўрганилганлигини мисол тариқасида далил қилиб келтириш мумкин. Унинг олдига қўйилган энг муҳим мақсад кадрлар билан ишлашда янги шакл ва методлар, демократик асослар қандай жорий этилаётганлигини таҳлил қилиш эди. Мингдан ортиқ кишилар — область, шаҳар ва район партия комитетларининг инструкторлари, бўлим мудирлари ва уларнинг ўринбосарлари, котиблари билан анкета орқали савол-жавоб ўтказиш ана шундай восита бўлиб хизмат қилди. Социал-демографик маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларнинг каттагина сонини — 60 фоиздан ортиғини — 40 ёшгача бўлган кишилар ва 13,3 фоизини — 41 дан 45 ёшгача бўлган кишилар ташкил этди. Ана шу ёшда киши энг юқори ижодий куч-қувватга эга бўлади, янги, илғор ғояларни тезроқ идрок этадики, бу ҳол маълумот юқори бўлган тақдирда (сўраб чиқилган кишилар орасида олий маълумотлилар мутлақ кўпчиликдан иборат бўлган) қайта қуришнинг мураккаб шароитига муваффақият билан киришиш, замон руҳига мос иш услубини эгаллаш имконини беради. Шу нарса рамзийдирки, ана шу кишиларнинг кўпчилиги партиявий фаолият тажрибасини қайта қуриш авж олиб бораётган, партия ва жамоат ҳаётида қатъий туб ўзгартишлар амалга оширилаётган вазиятда ҳосил қилдилар.

Бошқача айтганда, саволга жавоб ёзганлар социал-демографик кўрсаткичлари характеристикасини таҳлил этиш сўралган кишиларнинг асосий қисми кадр иши борасидаги мавжуд аҳволга тўғри баҳо бера олади ва, бинобарин, экспертлар ролида чиқиш ҳуқуқига эга деб айтишга имкон берган. Хўш, уларнинг нуқтаи назаридан қаралганда бу қай тусда бўлади? Улардан 75,9 фоизи, қайта қуриш муносабати билан ушбу ишни ташкил этиш ва унинг мазмуни яхшиланди, деб таъкидлайди. 20 фоизи ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган деб қайд этади ва атиги 2,2 фоизи ишнинг ана шу участкасида аҳвол ёмонлашди, деб ҳисоблайди. Анкеталарни янада ўрганиб бориш шуни кўрсатдики, юқорида қайд этилган яхшиланиш энг аввало партия турмуши нормаларини турли даражада бузишга йўл қўйган ёки ўз вазифасини уддалай олмаган кишилардан покланиб олиш ҳисобига раҳбар кадрларнинг сифат таркибининг ўзгаришига тааллуқлидир. Янги кадрларнинг энг кўп оқимини халқ хўжалиги турли тармоқларининг юқори малакали мутахассислари ташкил этган. Иккинчи ўринда хўжалик органларида ташкилотчилик иши тажрибасига эга бўлган кишилар турадилар. Улардан кейин худди шундай тажрибани партия, совет органларида, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларида олган кишилар туради. Кадрлар сифат таркибининг ўзгариши билан бир вақтда улар яшариб ҳам борган, бу ҳол ҳам раҳбарлар фаолиятининг яхшиланишига таъсир кўрсатган.

Эндиликда кишиларни танлашда улардаги ҳозирги замон раҳбари моделини ҳосил қиладиган хислатларга кўпроқ эътибор берилади. Бу, масалан, ҳар қандай масалаларни ҳал этишга умумдавлат, умумпартиявий позициялардан ёндаша билиш; ошкораликка мойиллик; истиқболдаги муаммоларни кўра билиш қобилияти; жуда хилма-хил ҳодисаларни таҳлил этишга, уларга системали ёндашишга бўлган кўникма, одат; ўз вақтида ижобий ёки салбий фактларни кўра билиш қобилияти; оперативлик; коллегиалликка интилишдир.

Жавоб ёзганларнинг кўпчилиги раҳбарларнинг шахсий хислатларини уларнинг баҳоларига қараб қай тартибда жойлаштирганликлари ўзига эътиборни тортади. Муҳимлиги жиҳатдан биринчи ўринга улар ахлоқий хислатларни қўядилар ва шундан кейин: ишга ижодий ёндашиш, кишиларга эътибор билан қараш, одамшавандалик, ижтимоий активлик, ўз зиммасига масъулиятни ола билиш, ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлик, иродавий хислатлар, ижрочилик санаб ўтилади. Бошқача сўзлар билан айтганда, қайта қуришдан аввал тақчиллиги сезилган хислатлар биринчи ўринга қўйилади. Ва, бунинг аксича, илгарила-

ри ҳаммадан юқори қадрланган хислатлар (сўзини ўтказиш, ижрочилик) охирги ўринга қўйилади. Бу ҳозирги раҳбарларга баҳо беришда устун жиҳатларнинг ўрни анча ўзгарганлигини кўрсатиб турибди: энди кўпроқ эътибор ахлоқий ва ижодий негизларни кучайтиришга қаратилади.

Кундалик ишда ўз хислатларингизни рўёбга чиқара оляпсизми, деган саволга экспертларнинг ярмига яқини ижобий жавоб берган. Аммо анча-мунча қисми ҳамма вақт ҳам рўёбга чиқаравермаймиз, деб ҳисоблайди.

Парткомлар фаолиятидаги ижобий омил — кадрлар танлашда байналмилалчилик принципига амал қилишдир. Чунончи, сизнинг районингиз (шаҳрингиз) раҳбар кадрларининг миллий таркиби структураси унинг аҳолисининг худди шундай структурасига асосан мувофиқми, деган саволга сўралганларнинг 81,3 фоизи ҳа деб жавоб беришган.

Парткомларнинг раҳбар кадрлар билан ишлашда турли шакл ва методлардан фойдаланишлари даражасини аниқлаганда экспертларнинг ўрта ҳисобда 64,6 фоизи кадрларни ўрганиш, пастдан юқори кўтариш, ўқитиш, уларнинг фаолияти устидан назорат қилишнинг анкетада санаб ўтилган турларидан озмикўпми даражада фойдаланишини кўрсатганлар. Энг жадал тарзда фойдаланиладиганлари — ҳисоботлар ва ахборотларни эшитиш, характеристикаларни ошкора кўриб чиқиш, шахсий суҳбат ўтказиш, пастдан юқорига кўтаришдан аввал бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларида номзодларни муҳокама қилиш, айтилган фикрларни тўплаш ва ўзлаштириш, стажировка, кадрларга баҳо беришнинг социологик методларидан фойдаланиш, аттестация, пастдан юқорига кўтаришнинг конкурс системасидир.

Келтирилган кўрсаткичлар экспертлар қарийб ярми (49,3 фоизи) нинг раҳбар кадрлар билан район ва шаҳар партия комитетлари аппарати олиб бораётган ишга демократизмни жорий этишда катта иш қилинаётганлиги тўғрисидаги фикрига асосан мувофиқ келади. КПСС XXVIII съезди қарорларига, унинг Дастурий баёноти ҳамда партиянинг янги Уставига мувофиқ партияни ҳозирги вақтда аниқ мақсадни кўзлаб янгилаш ва демократиялаштириш зарур бўлиб турган бир пайтда бу айниқса муҳимдир.

Жавоб берувчиларнинг партия комитетларидаги турли кенгашларнинг зарурлигига берган баҳоси ўзига хосдир. Агар экспертларнинг 37,3 фоизи йиғилишлар, одатда, зарурдир ва ишчанлик билан ўтади, деб ҳисобласа, 52,7 фоизи кенгашларнинг кўпчилиги кам самарали ва амалда кераксизлигига қаттиқ ишонади.

Раҳбар кадрлар ҳаммадан кўпроқ қандай муаммолар юзасидан район ва шаҳар партия комитетларига мурожаат қилишлари ҳақидаги савол қизиқарлидир. Экспертлар бунда қуйидагиларни таъкидлаганлар: корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳаммадан кўпроқ хўжалик муаммоларини ҳал этиш учун мурожаат қиладилар, сўнгра кадрлар масаласи ва учинчи ўринда ғоявий-тарбиявий ишлар туради. Бу, шак-шубҳасизки, партия комитетлари ҳали асло сиёсий раҳбар органлар сифатида иш кўрмаётганликларидан далолат беради. Улар кўпинча корхоналарнинг турдош корхоналар, шериклар, таъминот ташкилотлари билан баҳсларини ҳал қилишга ҳам аралашиб турадилар.

Парткомлар фаолиятидаги эскича ёндашувларнинг такрорланишлари ҳақида гапирганда уларнинг бошланғич ташкилотларга раҳбарлик қилиш услуби ҳар ҳолда сезиларли даражада ўзгармоқда, деб айтмасликнинг иложи йўқ.

Сўраб чиқиш материалларида раҳбар кадрлар билан ишлашни қайта қуриш жараёнларининг айрим хусусиятлари кўзга ташланмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилдики, партия комитетлари раҳбарлари таркибининг янгиланиши асосан халқ хўжалиги турли тармоқларининг юксак малакали мутахассислари ҳамда хўжалик органларида ташкилотчилик иши тажрибасига эга бўлган кишиларнинг кўплаб келиши эвазига содир бўлаётганлиги қайд этилди. Аммо бу ҳол партия кадрлари таркибида гуманитар маълумотли кишилар сонининг кескин равишда камайишига олиб келиши мумкинки, бу технократик тафаккурнинг қарор топишига, хўжалик органлари ишини бажаришга интилишга, партия комитетларининг мафкуравий функциялари сусайишига олиб келади. Экспертлар Хоразм области парткомларидаги аҳволга баҳо беришда кўрсатиб ўтган камчиликларда худди шундай йўналиш ўзини кўрсатмаётганмикан? Хоразм парткомлари фаолиятида сиёсийтарбиявий ишнинг замон талабларига мувофиқ эмаслиги, пассивлик, жамоатчи-

лик фикрини ўрганиш ва шакллантиришга суст уриниш, меҳнаткашлар билан, айниқса ёшлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга унча интилмаслик, уларнинг эҳтиёжлари ва ташвишларини яхши билмаслик, маъмуриятчилик қилиш, кўпинча коммунистлар фикрини менсимаслик ва ҳоказолар кишини ташвишга солади.

Партия ходимларидан сўраб чиқиш шуни кўрсатдики, улар ўзларидан юқори лавозимдаги ҳамкасбларини ё умуман танқид қилмайдилар, ёки жуда камдан-кам танқид қиладилар. Ҳар тўрт кишидан фақат биттаси бунга журъат этади, қарийб ярми эса фақат ўзидан паст лавозимдаги ходимларни танқид қилади. Бундай, яширинчасига амалига таъзим қилиш, қўрқиш ва принципсизлик кўрсатиш раҳбарни ҳам, бўйсунувчи кишиларни ҳам нохуш оқибатларга олиб келади, жамият учун ҳам, партия учун ҳам кулфатга айланади. Бундай хулқ-атворни кўп кишилар партия комитетининг раҳбарига шахсан қарамликлари билан изоҳлайдилар. Ўзларининг социал-ҳуқуқий ҳимояланмаганликларини қайд этадилар. Биринчи ёки иккинчи котибнинг хоҳиш-иродаси билан ходимлар ҳеч қандай даъволар келтирилмасдан ёки ишнинг моҳияти жиҳатдан айбланмасдан туриб ишдан бўшатилганликлари ва ноҳақ, зўрма-зўраки чиқарилган қарорлар устидан шикоят қилиш мумкин бўлмаганлиги ҳақида мисоллар келтирадилар.

Партия кадрларини фақат танлаш ва пастдан юқорига кўтаришдагина эмас, балки ишдан бўшатишда ҳам демократик методлардан қатъиян фойдаланиш лозим деб ўйлайман. Ўзбекистон партия ташкилотларида партия ишига кўтарилаётганларнинг номзодларини меҳнат коллективларида, бошланғич ташкилотларда, партия комитетлари аппаратида муҳокама қилиш тажрибаси кўпайиб бормоқда, очиқ партия йиғилишларида характеристикалар тасдиқланмоқда. Бундай тарзда пастдан юқорига кўтарилганда ходим ўзини тавсия этган коллективнинг мадади ва назоратини ҳис этиб туради, ўзини кўпроқ дадил тутадиган бўлиб қолади. **Бинобарин, ходимни ишдан бўшатиш масаласи ҳам уни тавсия этган коллективнинг иштирокида кўриб чиқилиши мумкин ва лозим.**

Ҳозирги мураккаб даврда партия ходимининг обрў-эътиборини ҳам, руҳиятини ҳам кўтаришда партия матбуоти фаол ёрдам бериши мумкин. Ваҳоланки, партия ташкилотларининг фаолияти ҳақида, кишиларга яқин бўлган энг яхши партия ходимлари ҳақида чуқур, аналитик материаллар камдан-кам пайдо бўлади.

Ўйлаймизки, газета ва журналлар саҳифаларида раҳбар партия ходимларининг ўзлари ҳам мунтазам чиқиб туришини рағбатлантирмоқ лозим. Бу нарса иккиёқлама фойда келтиради. Бир томондан, муаллиф зиммасига кўриб чиқилаётган масаланинг назарияси ва амалиётини чуқурроқ ўрганиш, кузатувларни жамлаб бориш, таҳлил этиш, яъни ўзи устида муттасил ишлаш вазифасини юклайди. Иккинчи томондан, меҳнаткашлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг долзарб муаммолари бўйича раҳбарларнинг шахсий позициясини биладиган бўладилар.

Раҳбарнинг, коммунистнинг масъулияти, деган тушунча бор. Ажабланарлиси шундаки, биз бу ҳақда камроқ гапирадиган бўлиб қолдик, ваҳоланки, давр бу хислатни биринчи ўринга қўйишни талаб этади. Масъулият амалиётсиз бўлмайди, акс ҳолда у сафсатабозликка айланади. Бизда «ижтимоий буюртма»ни бажариб, ҳамма вақт ўткирроқ материални, «қизғин» фактни танлайдиганлар оз эмас. Аммо бунинг учун чуқур аналитик иш, юксак малака ва профессионализм ҳам зарур эмас. Лекин жойнинг ўзида конкрет малакали ёрдам кўрсатишга, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этишга, янгилик куртагини кўра билишга, уни кенг ёйишда расмиятчилик қилмасликка билим доираси, маҳорат ва қатъият етишмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги йилларда Қоракўл, Хонқа, Норин районлари, Қўқон шаҳар ва бошқа партия ташкилотлари бўйича, «Андижанирмаш» заводи, Шеробод районидаги В. Қодиров номли совхознинг ва бошқа бошланғич партия ташкилотлари бўйича қарорлар қабул қилди. Жойларда раҳбарликнинг сиёсий методларини барқарор этишда қизиқарли тажриба мавжуд. Барча қуйи партия ташкилотлари бу тажрибанинг умумлаштирилишига муҳтождирлар. Ана шунинг учун ҳам партия комитетларининг тадқиқотчилик, тажриба ўтказиш ишига, умуман партиявий фаолиятнинг интеллектуал савиясини оширишга бўлган эҳтиёж шу қадар каттадир.

ҚОММУНИСТЛАР ВА ПАРТИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА МАСЪУЛИЯТ

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ кайта куриш жараёнлари тўғрисидаги билимимизни чуқурлаштирди, жамиятдаги дардли нукталарга, зиддиятларга, қийинчиликларга объектив баҳо берди. 80-йилларнинг бошига келиб мамлакатимиз қанчалик жиддий танг аҳволга тушиб қолганлиги бизга анча аён бўлиб қолди. Ўша тангликдан ҳозир ҳам чиқолганимиз йўқ, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг баъзи бир жараёнлари эса яна ҳам кескинлашди. Бу ҳол истеъмол бозоридаги вазиятга, мамлакатнинг молиявий аҳволига, социал адолат муаммоларига, миллатлараро муносабатларга тегишлидир.

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон коммунистлари XXII съезди делегатлари партиянинг ўзидаги ишлар аҳволидан ташвишланиб гапирдилар. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги мураккаб ва зиддиятли сиёсий вазиятда одамларнинг ақли ва қалбини банд этган энг қизғин масалалардан бири — партиянинг жамиятдаги роли ва ўрни масаласи эканлигини таъкидладилар. КПСС МК октябрь (1990 йил) Пленуми қатнашчилари бу ҳақда янада кўпроқ ташвишланиб гапирдилар.

Партия бошига ёғилаётган кучли танқид — адолатли ва қораловчи, конструктив ва ҳалокатли, соғломлаштирувчи ва жароҳатловчи танқид уни ўз вазифаси ҳамда мақсадларини аниқ белгилаб олишга мажбур этяптики, юқорида кўрсатиб ўтилган Пленумнинг «Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида КПССнинг вазифалари тўғрисида»ги қарорида шундай қилинди.

Лекин қайта қуриш давомида ишлаб чиқилган ғояларнинг бутун бойлиги секин ўзлаштириляпти. Бошланғич партия ташкилотларининг анчагина қисми меҳнат коллективларидаги ишлар аҳволига таъсир кўрсатмаяпти. Қанчадан-қанча парткомлар тормозланиш инерциясини, раҳбарлар эса авторитарликка, андозаларга мойилликни қийинчилик билан бартараф этмоқдалар. Ҳа, бу бежиз эмас. Зеро, партия XXVIII съездида таъкидлаб ўтилганидек, КПСС неча ўн йилликлар давомида авторитар-бюрократик системага хизмат қилишга мослашиб қолган эди. Бу эса партия ичидаги муносабатларда, кадрлар танлашда жиддий деформацияларга, миллион-миллион коммунистларнинг ишлаб чиқилган қарорлардан аслида четлаштирилишига олиб келмаслиги мумкин эмасди, бу эса партия ташкилотларида лоқайдлик, ҳафсаласизлик ва пассивлик вазиятини юзага келтирди. Бу нарса қайта қуришдаги объектив қийинчиликлар билан қўшилиб ва уларни кўпайтириб, партия ташкилотлари, умуман бутун партия раҳбарлик қилиш қобилиятидан маҳрум бўлди, ўз позицияларини топширмоқда деган фикр-мулоҳазаларнинг бир-икки одамда эмас, балки кўпчиликда туғилишига олиб келяпти.

Бундай вазиятда кўпинча: КПСС ҳокимиятни бошқа партиялар билан бўлишишдан қўрқмайдими? деб сўрашади. У жамиятимиз асосий социал табақаларининг туб манфаатларини ифода қиладими? Партия ўзини ўзи янгилашга тайёрми? Коммунистларнинг ўзлари социализм қадриятларига ишончни йўқотиб қўйишмадимикин?

Мураккаб, бир хил жавоб бериш қийин бўлган саволлар. Уларга жавоб

бериш сиёсий авангард сифатида ўз позициясини мустаҳкамлашга интилаётган партия фаолиятини ҳисобга олишни, КПСС моҳиятини социал-сиёсий тартибот сифатида белгилашни ва партия ташкилотлари, коммунистлар кўп сонли армиясининг ўрни ҳамда ролини объектив таҳлил этишни талаб қилади.

КПСС аъзолари кўп партиялиликни, чинакам сиёсий плюрализмни ёқлаб чиқмоқдалар. Улар бу нарса турли фикрларни таққослаш учун катта имконият беришига, идора қилувчи партиянинг халқдан узилиб қолишига имкон бермаслигига, у элитар бўлиб қолмаслигига, лекин айни бир вақтда бу сиёсий пешқадам функциясидан ихтиёрий воз кечишини англатмаслигига ишонишади. Бу ролга даъвогарлик қилиш учун КПССда асос бор. Бугунги кунда унинг фундаментал дастурий қоидалари жамиятимиз кўпчилик социал табақаларининг манфаатларини ифода қилади. Тўғри, бу ерда икки жиҳатни эътиборга олиш керак бўлади. Биринчиси. Бизда 30-йилларда қарор топган, социалистик идеалга зид бўлган бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмурий системаси сўзда қабул қилинган партия қарорларига амал қилиб, аслида эса жамиятни номувофиқ ёки ҳатто бутунлай тескари натижаларга олиб келди. Шундай қилиб, партиянинг асосий дастурий талаблари ва принципиал қарорлари эмас, балки социалистик қурилишнинг ленинча асосларидан, социализмнинг ленинча концепциясидан четга чиқиш натижасида қўлланилган принципсиз методлар халққа қарши қаратилган эди.

Иккинчи жиҳат. Яқин-яқингача бизда «халқ» тушунчасига «жамият», «давлат» тушунчалари билан бир нарса деб қаралардн. Лекин халқ — бу одамлардир. Агар, улар ноз-неъматларни ишлаб чиқарувчи сифатида ишлаб чиқариш воситаларидан, «ижтимоий зот» сифатида сиёсатдан маҳрум этилган бўлса, «манфаатлар» тушунчаси эса анча мавҳум характер касб этган эди. У ҳаётда амалга оширилиш ўрнига кўпроқ тантанали равишда эълон қилиб келинди.

Биринчи навбатда партия ташкилотлари ва комитетларининг куч-ғайрати билан мамлакатда барча иқтисодий ҳамда сиёсий структураларни қайта қуриш иши бошлаб берилди. Аста-секин чинакам халқ ҳокимияти кучаймоқда. Лекин юз бераётган ижобий ўзгаришлар, партия сиёсатида ҳамма нарса бекам-кўст, тўғри, хатолар йўқ деган маънони англатмайди. Афсуски, хатолар бор. Бу ҳақда ошкора айтиш, расмий нуқтаи назардан фарқ қилувчи фикр-мулоҳазаларни бемалол баён этиш ҳам жамият учун катта бахтдир.

Босилмаётган мунозаралар, шу жумладан СССР Олий Советида, республикалар парламентларида, КПСС МК Пленумларидаги баҳслар, мунозаралар у ёки бу қарорлар ва қадамларнинг кўп вариантлари борлигидан, фикрларнинг чинакам тўқнашувидан далолат беради. Коммунистларнинг МК, биринчи секретарь, партия комитети бюросининг нуқтаи назарларига қисман ёки бутунлай тўғри келмайдиган нуқтаи назарлари олға сурилмоқда, қаттиқ туриб ҳимоя қилинмоқда.

Бу йўналишдаги йўлнинг ҳаммаси босиб ўтилгани йўқ, албатта, ўтмишдаги маъмурий-буйруқбозлик системасининг эскирган қоида ва усуллари юкидан ҳали тўла қутулганимизча йўқ. Йўналиш эса тўғри олинган: партияни, унинг ички ҳаётини демократиялаш.

Партия таклиф қилган концепциялар бугун халқнинг қаттиқ назоратидан, жамият манфаатларига мувофиқ келиш-келмаслиги борасида синовдан, партия комитетлари ва кадрлар эса етуклик, қайта қуриш ғояларига содиқлик имтиҳонидан ўтмоқдалар. Турли сиёсий бирлашмаларнинг бир мақсадга қаратилган интилишларининг шубҳасиз тарқоқлиги шароитида улар, одатда, партия комитетларининг ишларидаги нуқсон, камчилик ва хатоларга тезда муносабат билдирадилар. Партия комитетлари социологик тадқиқотлар материалларини ўрганишлари натижасида ҳам ижтимоий эҳтиёжлар тобора тезроқ аниқланмоқда. Коммунистик партия қўйилаётган талаб ва таклифларни ҳисобга олмоқда. Бу қандайдир мажбурий ёнбосишлар эмас, балки жамоатчилик фикрини табиий равишда объектив ҳисобга олишдир. Вақти-вақти билан анкета тарқатиш йўли орқали жамоатчилик фикрини билиш уни ўрганишнинг энг муҳим воситаларидан биридир.

Тошкент олий партия мактабининг социологик лабораторияси ҳам мана шу воситадан кенг фойдаланиб, партия ташкилоти фаолиятини ҳам қайта қуриш билан боғлиқ қатор муаммоларни аниқлади. Чунончи, Тошкент, Наманган, Қувасой ва Ленинск шаҳарларидаги йирик саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ишчилар синфи вакиллари ичидан сўраб чиқилганларнинг баҳолари

парткомлар диққат-эътиборини меҳнат коллективларида қайта қуриш суръатлари кўнгилдагидек эмаслиги фактига тортишга ёрдам берди. Сўраб чиқилганларнинг 75 дан 93 фоизгача қисми янгиланиш жараёнларининг сустлигини, секин кечаётганлигини таъкидлашган. Бундай аҳволни улар кўпроқ партия ташкилотлари фаолиятининг етарли даражада фаол эмаслиги, унинг бир мақсадга қаратилмаганлиги билан боғламоқдалар. Ўз фикрини билдирганлардан қарийб ярмисининг бунга ишончи комил. Сўраб чиқилганларнинг учтадан биттаси шаҳар (район), корхоналар партия ташкилотлари аслида ижтимоий воқеаларнинг охирида судралиб юришибди, дейишди.

Партия ташкилотларининг ролига берилган бундай характеристика КПСС XXVIII съездига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида бутун-бутун республикалар, областлар, мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари миқёсида улар ҳақида айтилган гапларга мос келади. Коммунистлар, вазиятни ҳали ўз қўлига ололганларича йўқ, зарур фаоллик кўрсатишмайди, кўпинча ўз меҳнат коллективларида етакчилик қилмайдилар. КПСС МК октябрь (1990 йил) Пленуми бу аҳволни тубдан ўзгартиришга даъват этди.

Коммунистларнинг пассивлиги кўп сабаблар билан изоҳланади. Бу ишда қийинчилик ҳам бор, кўпинча сўзсиз ижрочи ролидан ўз позициясининг тўғрилигига коллективнинг ҳар бир аъзосини ишонтира оладиган фаол, ижодий етакчи ролига психологик жиҳатдан ўтолмаслик ҳам кўзга ташланади. Оддий коммунистнинг характерига КПСС ижтимоий ҳаётимизда амалга ошираётган тадбирларининг тўғрилиги ва зарурлигига унинг қатъий ишончи шак-шубҳасиз таъсир этади. Бундай ишончнинг бўлиши учун ҳар бир партия аъзосининг ўзи сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ҳам мамлакат миқёсида, ҳам ҳар бир алоҳида корхонага татбиқан амалга ошириш мазмуни ва унинг механизмини яхши билиши керак.

Бу муаммоларни оддий коммунистлар қанчалик чуқур англашяпти? Партия аъзолари сиёсий ислоҳот моҳиятини яхши англади ва ўзлаштирди деган фикрни партиясизларнинг атиги 6,2 фоизи билдирди. Сўраб чиқилганларнинг 65,9 фоизи КПСС аъзоларининг билимини етарлича эмас, қисман деб баҳолашган. Коммунистларнинг иқтисодий ислоҳот мазмунини ва уни мамлакатда, республикада ва ўз корхоналарида амалга ошириш механизмини ўзлаштириш даражасига ҳам сўраб чиқилганлар худди ана шундай баҳо беришган.

Бу баҳолар объективми? Ҳа, бизнингча, объектив. Биринчидан, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳот узоқ вақт давомида аслида шунчаки тантанали равишда эълон қилиб келинган. Иккинчидан, эълон қилинган янгиликларни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаган эди.

Оддий коммунистлар билим даражасининг пастлиги белгиланган ислоҳотлар моҳиятини уларга аниқ етказиш вазифасини жуда ҳам муҳим қилиб қўяди. Бу биринчи навбатда суверен республикаларнинг сифат жиҳатдан янги Иттифоқининг ҳаётий муҳим асоси сифатида ягона бозорни шакллантиришга тегишлидир. Фақат ана шундагина КПССни янгилашнинг энг асосий ғояларидан бири — унинг фаолият марказини партиясизлар билан бевосита алоқада бўладиган бошланғич партия ташкилотларига кўчириш тўғрисидаги ғояни амалга ошириш мумкин бўлади. Афсуски, сўраб чиқиш натижалари бу ғояни амалга оширишга ҳали анча вақт борлигини кўрсатади.

«Оддий коммунистлар жамиятни қайта қуришни пропаганда қилишда ва унинг реал жараёнида иштирок этяптими?» деган саволга сўраб чиқилганларнинг 59,6 фоизи ижобий жавоб беришган, лекин улар (деярли 9/10 қисми) жуда кам деб таъкидлашган. Коммунистларнинг КПССнинг ҳозирги босқичдаги миллий масала бўйича ҳаракат дастурини пропаганда қилишдаги иштироки анча юқори характерланади. Миллатлараро муносабатлардаги юз берган кескинликни ҳисобга олиб, бу фактни энг ташвишли фактлар жумласига киритиш керак. Миллий тоқатсизликка қарши кураш масалаларидаги, аҳолини, айниқса коммунистларни интернационализм руҳида тарбиялаш ишидаги пассивлик кўп жиҳатдан партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг идеология ишини бўшаштириб юборганликлари билан изоҳланади. Натижада ҳамма эътибор жойларда социал-иқтисодий қийинчиликларга, гўё бунинг айбдори бўлган бошқа миллат кишиларини республикадан ташқарида ёки унинг ўзида қидиришга қаратилмоқ-

да. Шуни айтиш керакки, сиёсий сафсатабозликда расмий ва норасмий ташкилотларнинг функционерлари ҳавас қиладиган даражада эпчиллик кўрсатмоқдалар.

Анкета тарқатилган пайтда бир туркум саволлар партиясизларнинг оддий коммунистларнинг гражданлик ва маънавий-ахлоқий қиёфаси: уларнинг ўз вазифаларига муносабати, оиладаги хулқ-атвори, омма ўртасидаги обрў-эътибори тўғрисидаги фикрини аниқлашни мақсад қилиб қўйиганди.

Сўраб чиқилганларнинг атиги 6,8 фоизи деярли ҳамма коммунистлар ўз хизмат вазифасини бажаришда бошқаларга ибрат бўлишяпти деб ҳисоблашади. Сўраб чиқилганларнинг 88,2 фоизи «уларнинг ҳаммаси эмас»лигига ёки уларнинг озгина қисми шундай эканлигига ишончлари комил. Агар бу характеристикани, коммунистларнинг қанчаси ижодий, ташаббус кўрсатиб ишлайди? деган саволга партиясизларнинг берган жавоби билан солиштирсак, масала яна ҳам ойдинлашади, сўраб чиқилганларнинг 6,2 фоизи «аксар кўпчилиги», 26,1 фоизи «ярмидан кўпи», 57,8 фоизи эса «кам қисми ёки ҳатто арзимаган қисми» деб ўйлашади.

Оддий коммунистларнинг ахлоқи, оиладаги хулқ-атворига берилган баҳо уларнинг умумий портретини тўлдиради. Сўраб чиқилганларнинг 3,1 фоизи улар бу борада ибрат бўлишяпти, 42,9 фоизи «ҳаммаси эмас», 41 фоизи — уларнинг жуда оз қисмигина деб жавоб беришган. 13 фоизи жавоб беришга қийналишган.

Юз берган бу аҳволнинг сабабларидан анчасини айтиш мумкин, уларнинг кўплари субъектив характерга эга. Лекин барибир факт фактлигича қолади — коммунистлар партиясизлар орасида яхши томонлари билан ажралиб турмайди. Шунинг учун ҳам сўраб чиқилганлардан анча қисмининг (59,7 фоизи) қайта қуриш давомида коммунистлар обрў-эътибори у ёки бу даражада тушиб кетди деб ҳисоблашлари бежиз эмас.

Сўраб чиқилганларнинг 63,4 фоизи улар корхоналарининг партия ташкилотлари халқ ишончини оқламаган коммунистлардан у ёки бу йўсинда қутулаётганлигини ижобий омил деб таъкидлашмоқда. Сўраб чиқилганларнинг 29,8 фоизи бунга қарши фикрни билдирмоқдалар. Баъзилар партия ташкилотининг шу вазиятдаги позициясини аниқлай олмадилар.

Тўпланган фикрларни тадқиқ этилаётган корхоналар партия комитетлари, партия ташкилотлари бюролари ва маъмуриятининг ҳисобот маълумотлари билан таққослаш мақсадида 1989 йил статистикаси ўрганиб чиқилди, у оддий коммунистларнинг (1058 киши) ишлаб чиқариш топшириғини бажарганини, меҳнат ва партиявий интизомга амал қилганини характерлайди. Бешта корхонада ишлаб чиқариш топшириғини муттасил бажараётган коммунистлар 100 фоизни, бошқаларда — 99 дан 87 фоизгача ташкил этиши аниқланди. Иккита корхона коммунистлари йил давомида меҳнат интизомини бузганлиги учун бирон марта жазо олишмаган. Бошқаларида бундай интизомни бузувчилар 0,1 фоиздан 4,4 фоизгача бўлган. Икки корхона партия ташкилотларида КПСС сафидан ўчирилганлар йўқ, қолганларида — партиядан чиқарилганлар коммунистлар таркибининг 1 фоиздан 2,2 фоизгачасини ташкил этади. Худди шу давр ичида ҳамма корхоналарда КПСС аъзолиги ва аъзолигига кандидатликка қабул қилинганлар партия ташкилотлари умумий сонининг 1,2 фоиздан 8,4 фоизгачасини ташкил этади.

Бу фактлар шундан далолат берадики, коммунистларнинг ҳаммаси ҳам Устав талабларига жавоб беради ва партиясизлар учун ўрнак бўла олади, деб бўлмайди. Шундай бўлсада, партия обрў-эътиборининг тушиб кетганлигига қарамай партияга қабул қилинганлар ундан чиқарилганларга қараганда анча кўпчиликни ташкил этади.

Партиянинг қайта қуриш жараёнларининг стратегияси ва тактикаси масалаларидаги позициясини конкретлаштириш, шак-шубҳасиз, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар оммасининг жанговарлигига таъсир қилади.

Лекин барибир жуда кўп масалалар ҳали ҳам очиқ қолмоқда. Энг муҳими, қайта қуришнинг олдинги сафларида бориш нималигини партиянинг ҳамма аъзолари ҳам чуқур англаб олганлари йўқ. Партия ташкилотларининг ҳаммаси ҳам ишда меҳнаткашлар умиди ва ишончини оқлашяпти, деб бўлмайди. Ҳолбуки, айни шу бугун бурилиш босқичида иқтисодиёт бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилоти ўз позициясини

аник белгилаб олиши, мамлакатда ишлар аҳволини барқарорлаштиришга қўлидан келганича ҳаракат қилиши жуда муҳимдир. Зеро, партиянинг обрў-эътибори коммунистларнинг ишлари билан мустаҳкамланади — бу ерда масъулият икки томонлама бўлиши керак.

Давр ҳар бир коммунист олдига масъулиятли вазифани: жамиятни янгилаш йўлида сиёсий жангчи бўлиш вазифасини қўйди. Энди эски юк, эски тасаввурлар билан бир иш қилиб бўлмайди. Одатдаги структурани атиги жиндаккина янгилаб ёки эскича иш форма ва методларини наридан-бери ўзгартириб аввалги позицияларида қолишга умид боғлаганлар янглишишади. Фикрлаш ва ҳаракат консерватизмини озиқлантирувчи инерцияга берилиб воқеалар, ҳодисалар кетидан судралиб юриш мумкин эмас. Партия комитетлари ишга халақит бераётган тартибсизлик, масъулиятсизлик, гуруҳбозлик худбинлиги ва тайёрга айёрлик, меҳнаткашларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига лоқайдликни бартараф этишда, экстремистик кучларнинг бузғунчилик ҳаракатларига қарши курашда бошчилик қилишлари, бош-қош бўлишлари керак.

Афсуски, ҳамманинг кўзи олдида қўл учида ишлайдиган, бракка йўл қўювчи, ишга кеч келадиган, ичкиликбозлик қиладиган коммунистлар ҳали оз эмас. Шуни унутмаслик керакки, кўпинча конкрет коммунистларнинг ишга мана шундай муносабатда бўлишларига қараб, одамлар партия аъзолари, умуман бутун партия ҳақида фикр юритадилар.

Одамлар сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларига айниқса катта талаблар қўймоқда, зеро улар чинакам етакчи бўлишлари, партия сиёсатини, унинг жамиятни демократиялаш, инсонпарвар қилиш борасидаги йўл-йўриғини фаол амалга оширишлари керак.

Шуни унутмаслик керакки, сталинизм ва турғунлик даврининг ўлик меросидан муросасизларча воз кечиш, маъмурий-бюрократик системасининг қўрғонларини, қотиб қолган психологик андозаларни бартараф қилиш бугун ҳам жуда катта жасорат, ирода, қунт-матонат талаб қилади. Афсуски, баъзи бир коммунистларнинг кейинги вақтларда доимо, устма-уст юз бераётган муаммолар олдида қўллари ишга бормай қолди, ишончсизлик, пессимизм кайфиятлари устунлик қилиб қолди. Лекин КПСС МК октябрь (1990 йил) Пленуми қарорлари бутунлай бошқа йўлга — ҳаракат қилиш, курашиш, шу жумладан ғоявий, сиёсий курашиш йўлига йўналтирмоқда. Фақат халқ оммаси орасида фаол иш олиб бориш орқалигина ҳар бир коммунист ўз ўрнини топиб олиши, жангчи, пешқадам партия аъзосига хос бўлган чинакам фазилатларни намоён қилиши мумкин.

А. ГОЛОВАНОВ,
Политология ва бошқарув институти социология лабораториясининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори.

А. МИНИЧ,
лабораториянинг кичик илмий ходими.

ДЕМОКРАТИЯЛАШ —
ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Журналхонларимизнинг фикрлари, таклифлари, мулоҳазалари

Р. СИДДИҚОВ

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ барпо этиш концепцияси халқ ҳокимиятининг органлари сифатида барча даражалардаги Советларнинг роли ва аҳамияти беқиёс ошиб боришини тақозо этади. Агар Советлар омманинг хоҳиши ва манфаатларини тўлиқ ҳажмда ифодаламаса ҳамда ўз фаолиятида уларнинг орзу-умидларини моддийлаштирмаса, қайта қуриш, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қонуннинг устунлиги тантана қилмаслигини амалиёт кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда социалистик давлатчилик ва ўз-ўзини бошқариш негизи сифатида Советларнинг тўла ҳокимиятини тиклаш масаласи амалий мақсад сифатида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида ўртага қўйилган ва унинг «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида»ги резолюциясида ўз ифодасини топган эди. Бунда Советларни янгилашнинг асосий принципи таърифланди: «...Бирорта давлат, хўжалик ёки социал масала Советлардан ташқарида ҳал қилиниши мумкин эмас».

Ҳар қандай, шу жумладан иқтисодий, социал, миллий сиёсат ҳокимият органлари воситасида олиб борилиши кераклиги сабабли Советларнинг қонунчилик, бошқарув ва назорат қилиш функцияларини изчиллик билан мустаҳкамлаш, уларнинг ижроия органлари ва аппаратга нисбатан раҳбарлик мавқеини тиклаш зарурлиги ҳам шубҳа уйғотмайди. Бу, табиийки, ўз компетенциясига кирувчи барча масалаларда Советларнинг масъулиятини кескин оширишни ва улар мустақиллигини барча чоралар билан кенгайтиришни тақозо этади. Сўз давлат ишларини бошқариш системасида маҳаллий ҳокимият органларининг сифат жиҳатидан янги роли тўғрисида бормоқда.

Маҳаллий Советлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги Қонун халқ ҳокимияти пирамидасининг пойдеворидаги аҳволни тубдан ўзгартиради. Қуйи структуралар энди катта моддий ресурсларга эга бўлади, бинобарин, Советларнинг вазифаси улардан район ва шаҳарларни ривожлантириш манфаатлари йўлида иложи борича оқилона фойдаланишдан иборат бўлади. Бу — асосий вазифа, лекин Советларнинг иши янги қонунчилик базасида ва янги ташкилий шаклларда қурилиши, ижрокомлар аппарати структураси ва мавқеи тубдан ўзгариши ҳам жуда муҳим ҳолдир. Янги сифатда қарор топиш учун ҳокимият органларига муайян вақт керак, албатта. Лекин бугина эмас. Қатъиятлилик, компетентлилик, масъулиятлилик, халқнинг, биринчи навбатда коммунистлар,

---

СИДДИҚОВ Рустамжон Раимжонович, халқ депутатлари Наманган область Совети раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди.

партия комитетларининг мадади ҳам керак бўлади. Аввалги йиллар тажрибаси ана шундан далолат бермоқда.

Ўтмишга мурожаат қилар эканмиз, маҳаллий Советлар тўғрисидаги қонунчилик системаси асосан 1968—1972 йилларда шаклланганини кўрамиз, ўша пайтда қишлоқ, посёлка, район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ҳақидаги иттифоқ ва республика норматив ҳужжатлари қабул қилинган, сўнгра уларга депутатлар мақоми (1972 йил) ҳамда ўлка, область Советлари, автоном областлар Советларининг асосий ваколатлари тўғрисидаги қонунлар (1980 йил) қўшимча қилинган эди. Бу қонунчилик концепцияси КПСС XX съездининг қарорлари базасида, КПСС МҚнинг «Меҳнаткашлар депутатлари Советларининг фаолиятини яхшилаш ва уларнинг омма билан алоқаларини кучайтириш тўғрисида» (1957 йил), «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисида» (1967 йил) ва «Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советларининг ишини янада яхшилашга доир тадбирлар тўғрисида»ги (1971 йил) қарорлари базасида шаклланган ғоялардан озиқланган эди.

Лекин таркиб топган эски амалиёт кўп жиҳатдан янги қонунлардан кучли бўлиб чиқди, бу қонунлар Советлар фаолиятида расмиятчиликнинг кучайиб бориш тенденциясини бартараф эта олмади. Советларнинг ишига партия органлари аралашишда давом этаверди, бошқарувда аппарат-бюрократик методлар тазйиқи ҳукм сурарди, депутатлар конкрет социал-иқтисодий ечимларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришдек ғоят муҳим жараёндан четлашиб қолган эди.

Кўп йиллик тажриба маҳаллий Совет тўғрисидаги қонун ҳатто ижрокомларнинг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва котиблари учун дастуриламал бўлмаганини кўрсатди, улар ўзларининг кундалик бошқарув фаолиятларида унга амал ҳам қилмаганлар. Бу ҳол ҳар қандай қонунчиликнинг муваффақияти нафақат унинг юридик жиҳатдан пухталиги, балки уни қабул қиладиган ёки рад этадиган социал-иқтисодий муҳитнинг ҳолати билан таъминланишидан далолат беради. Қудратли маъмурий-буйруқбозлик системаси ўзига хос белгилари (йўл-йўриқларни, партия директивалари ва министрлик йўриқномаларини кутиш одати, тақиқлашга ружу қилиш, ташаббусларни маъқулламаслик, депутатлар корпусининг пассивлиги, бошқарувда тармоқ принципи, социал соҳага капитал маблағ сарфлашда қолдиқ принципининг ҳукмронлиги ва ҳоказолар) билан биргаликда қонун мазмуни билан амалий ҳаракатлар ўртасидаги узилишни янада чуқурлаштирди.

Кейинги 15 йил ичида Советларнинг ролини ошириш тўғрисида партия ва ҳукуматнинг 14 та қарори қабул қилинди, лекин уларнинг бирортаси бу органларни реал ҳокимият сари ярим қадам ҳам олға силжитмайди. Шундай қилиб, ҳаётнинг ўзи, конкрет амалиёт Советлар тўғрисидаги қонунчиликни тубдан яхшилаш вазифасини олға сурди. Таниқли совет ҳуқуқшунос олимлари унинг илмий концепциясини юридик ва ижтимоий-сиёсий матбуот саҳифаларида асослаб бердилар. Улар орасида юридик фанлар докторлари Г. В. Барабашев ва К. Ф. Шереметлар бор эди. Бу олимларнинг таклифлари, хусусан, Советларнинг хўжалик мустақиллиги, уларнинг моддий ва маънавий негизлари, ўз территорияларидаги социал-иқтисодий ривожланишга раҳбарлик қилишдаги ўзини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги СССР Қонунида мустаҳкамланди.

Юридик фанлар номзоди Н. Г. Старовойтов маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги умумиттифоқ қонунидан ташқари СССРдаги халқ депутатлари маҳаллий Советларининг асосий ваколатлари тўғрисида яна бир махсус қонунга эга бўлишни, шунингдек республикаларда халқ ҳокимиятининг ҳар бир бўғини ҳақида янада батафсил ҳуқуқий ҳужжатларни қабул этишни таклиф этади. Лекин, фикримизча, Советларнинг барча бўғинлари учун алоҳида қонунлар ишлаб чиқиш шарт эмас, маҳаллий ҳокимият органларининг асосий ваколатлари табақалаштирилган битта қонунга эга бўлган яхшироқ. Бунда Советларнинг ўзларига ўз фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини белгилаш ҳуқуқини бериш муҳимдир.

Юридик фанлар доктори Е. И. Кореневскаянинг фикри ҳам баҳслидир, у Совет президиумининг ваколатларини фақат ташкилий характердаги ваколатлардир, деб билади. Ўйлашимизча, президиумлар коллегиал депутатлик органлари

сифатида назорат қилиш-мувофиқлаштириш функцияларига ҳам эга бўлиши керак.

Шубҳасиз, шу йилнинг апрелида қабул қилинган СССРда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий негизлари тўғрисидаги Қонун совет давлатчилиги ва маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги босқични нишонлади. Умумий принципларни мустаҳкамларкан, у шу билан бирга иттифоқдош ва автоном республикаларнинг марказ томонидан кафолатланиши керак бўлган масалалардан ташқари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжаликни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишнинг шакл ва воситаларини ўзлари белгилашларига доир суверен ҳуқуқини таъминлайди. Аҳолига энг яқин территориал даражаларда ҳокимиятни тўла жамлашнинг заруратидан келиб чиқаркан, қонун маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг бошланғич территориал даражаси тушунчасини киритадики, қишлоқ Совети, посёлка ёки район, шаҳар ва шаҳардаги район шундай даража бўлиши мумкин. Бунда республика муайян шароит ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг бошқа даражаларини ҳам белгилашига йўл қўйилади.

Қонунда маҳаллий Советлар ваколатли ҳокимият органлари сифатида маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг асосий бўғини эканлиги қайд этилган. Улар ўз территорияларида унинг бутун системаси фаолиятини координация қиладилар, ўзларига бўйсунувчи органларни ташкил этадилар, уларнинг ваколатларини белгилайдилар, структура ва штатларни қарор топтирадилар. Бир томондан, ҳокимият бюджетини тўлдиришнинг аҳоли нормал турмуш шароитини кафолатловчи мустақил манбалари, бошқа томондан эса — катта даромад келтирувчи ўз хўжалиги ҳокимият мустақиллигининг иқтисодий негизи бўлиши керак.

Шу билан бирга ҳозирданоқ Қонуннинг камчиликлари кўзга ташланмоқдаки, бу нарса уни амалиёт реалликларига мувофиқ ҳолда такомиллаштиришга мажбур этади. Чунончи, бозор муносабатларига ўтиш, жамиятда сиёсий барқарорликка эришиш зарурлиги бир қатор қоидаларни қайта кўриб чиқишни талаб этади. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси юқори Советлар қуйи Советларга раҳбарлик қилади, ижрокомлар нафақат тегишли Советларга, балки улардан юқори турувчи ижрокомларга ва республика Президентига ҳам бўйсунади, деб қарор қилди.

Айтиш лозимки, умуман прогрессив бўлган ушбу ҳужжат бир қадар бир ёқламадир, у асосан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш принципларини, унинг моддий ва молиявий базасини таърифлашдан иборат бўлиб қолган. Унда маҳаллий Советлар турли бўғинларининг асосий табақалаштирилган ваколатлари акс этмаган, ўлка ва область Советларининг компетенциясига кирувчи нарсаларнинг бир қисмигина баён этилган. Бундан ташқари, Советлар раисларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида қоида эътибордан соқит бўлган.

Агар маҳаллий Советлар тўғрисидаги бошқа умумиттифоқ қонуни истисно этилишини ҳисобга олсак, бир қатор нормаларнинг йўқлиги Советларнинг тўла ҳокимиятлилиги механизмини рўёбга чиқаришни мураккаблаштиради. Binобарин, республика қонунларини ишлаб чиқиш чоғида буни эътиборда тутиш керак, у маҳаллий ўз-ўзини бошқариш системасининг ўзига хослигини иложи борича тўлиқроқ акс эттириши, тушунтирувчи ва тўлдирувчи идоравий норманависликка эҳтиёжни истисно этиш учун энг кўп миқдорда ҳуқуқий нормаларни жойлаштириши керак. Тегишли республика қонуни Советларнинг турли бўғинларига татбиқан олганда ваколатларнинг табақаланишини етарлича кенг баён этиши муҳимдир. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги умумиттифоқ қонунининг республикамизга татбиқан бошланғич позицияларини ҳисобга олганда, ана шу норматив ҳужжатнинг структураси, назаримда, қуйидаги бўлимларни ўз ичига олиши мумкин: 1) Умумий қоидалар, 2) Халқ депутатлари маҳаллий Советлари — маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг асосий бўғини, 3) Жамоатчилик асосидаги ўз-ўзини бошқариш органлари, 4) Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг иқтисодий негизи, 5) Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг молиявий негизи, 6) Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ваколатларини рўёбга чиқариш кафолатлари.

Ўз мулоҳазаларимнинг баҳссиз эмаслигига даъво қилмасдан, давлат ҳуқуқи

ва совет қурилиши соҳасидаги мутахассис сифатида, шунингдек амалиётчи ходим сифатида халқ депутатлари маҳаллий Советлари фаолияти ташкилий-ҳуқуқий механизмининг принципиал қоидаларини баён этишни истардим. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг иқтисодий ва молиявий негизи ҳақидаги норматив қоидаларнинг бутун концепциясини ишлаб чиқиш олимларнинг — хўжалик ҳуқуқи мутахассислари, иқтисодчи ва молиячиларнинг компетенциясидир. Ҳар ҳолда, фикримча, қонуннинг биринчи бўлимида маҳаллий Советларга сиёсий-юридик таъриф бериш, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ҳуқуқий нормалари ва тушунчаларини, принциплар системасини акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маҳаллий Советларни халқнинг ўз-ўзини бошқариши асосий бўғини сифатида эътироф этиб, қонунда унинг бошқа барча бўғинларини ҳам мустаҳкамлаш лозим эди. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: бевосита демократия тартиботлари (маҳаллий референдумлар, истиқоматгоҳлардаги аҳоли йиғинлари ва ҳоказо); жамоат ташкилотларининг территориал органлари; жамоатчиликнинг ташаббускор органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари; ушбу территорияда жойлашган давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларининг меҳнат коллективлари.

Меҳнат коллективларининг ўз-ўзини бошқариш ваколатлари, жамоат ва кооператив ташкилотларининг мақоми тегишли қонунлар, низом ва уставлар ёрдамида бошқариб турилади. Шу сабабли маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги республика қонунида юқорида тилга олинган тузилмалар фаолиятининг бевосита территорияни ривожлантириш ва аҳолининг социал эҳтиёжларини қондириш билан тўғридан-тўғри боғлиқ жиҳатларига эътиборни жамлаш мақсадга мувофиқдир.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари — маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг асосий «бўғини» бўлимида маҳаллий Советларнинг давлат органлари системасидаги ролига тааллуқли энг принципиал қоидалар, уларни ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари баён этилиши керак. Советлар ҳар бир бўғини компетенциясининг ҳажмини белгилашда унга ўз тасарруфидаги территорияга раҳбарлик қилиш бўйича энг кўп ваколатларни бериш асосий нарсадир.

Қонун ҳозир амалдаги республика қонунчилигига хос асосий камчиликдан — маҳаллий Советларнинг ваколатларини белгиловчи таърифларнинг ноконкретлиги, мужмаллигидан халос бўлиши керак. Айни шу нарса Советлар тўғрисидаги норматив ҳужжатлар таъсирчанлигининг сустлигини анча даражада шартлаган. Уларни қўллашнинг аввалги бутун амалиёти тавсифий характердаги нормалар самараси жуда оз бўлишидан далолат беради. Кўп ҳолларда уларни рўёбга чиқариш ваколатлари ва механизмининг аниқ ва конкрет мустаҳкамланиб қўйилмаганлиги қонунни тушунтирувчи, баъзида эса тўғриловчи идоравий ҳужжатларни эълон қилиш заруратига олиб келди.

Ҳолбуки, агар бир қатор ҳуқуқшунос олимлар изҳор этган «Совет қонун томонидан тақиқланмаган ҳамма нарсани қилиши мумкин» принципини асос қилиб оладиган бўлсак, ортиқча муфассаллаштиришга ҳам, тавсифий характердаги нормаларга ҳам зарурат қолмайди. Совет давлатга раҳбарликни амалга оширадиган соҳаларни белгилаш кифоя қилади. Қонун Советларнинг асосий ҳуқуқлари ва вазифаларини мустаҳкамловчи, уларни рўёбга чиқариш механизмини ва ижро кафолатини кўзда тутувчи конкрет нормалардангина иборат бўлиши лозим.

Маҳаллий Советлар компетенциясини қонун йўли билан бошқаришнинг муҳим йўналишларидан бири деб улар фаолиятининг реал имкониятларини ҳисобга олиб туриб, тасарруфдаги территорияни комплекс иқтисодий ва социал ривожлантиришдаги ваколатларини конкретлаштиришни эътироф этиш керак. Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳар бир бўғини ҳуқуқлар ва масъулият билан таъминланган ўз вазифалари, функциялари доирасига эга бўлиши лозим. Ўзбекистон ССРнинг маҳаллий Советларга доир аввалги қонунларида бундай аниқ чегараланиш аслида йўқлиги сабабли ҳам бу нарса муҳимдир.

Чунончи, Ўзбекистон ССРдаги қишлоқ Совети тўғрисида Қонун ушбу бўғиннинг бошқарув у ёки бу тармоғидаги компетенциясини тавсифлайди. Агар Ўзбекистон ССРдаги район Совети тўғрисида қонунга мурожаат қиладиган бўлсак, у райсоветнинг ана шу тармоқдаги (қишлоқ Советининг бу соҳадаги

фаолиятини ҳам ўз ичига олган) масъулиятини мустаҳкамлаганини кўрамиз. Ўз навбатида, область бўғини ҳам ушбу тармоқ учун, шу жумладан район ва қишлоқ Советлари йўли бўйича раҳбарлик қилиш ҳолати учун жавоб беради. Натижада Советларнинг ҳаммаси ва уларнинг ҳар бири алоҳида ҳамма нарса учун жавоб беради, яъни улар «ҳамма нарсага аралашади».

Мисол келтираман. Ўзбекистон ССРда халқ депутатлари посёлка Совети тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасида, шунингдек қишлоқ Совети тўғрисидаги 4-моддада шундай дейилган: «Совет ўз ваколатлари доирасида ўз территориясидаги комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлайди, ана шу территорияда жойлашган совхозлар, колхозлар ва бошқа кооператив ташкилотларнинг иши, юқори идораларга бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қонунларга риоя қилиши устидан назоратни амалга оширади, уларнинг ердан, сувдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолига социал-маданий, маиший ва бошқача хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини координациялайди ва назорат қилади» (Ведомости Верховного Совета Узбекской ССР, 1980, № 9, с. 109—110). Ушбу моддага мувофиқ посёлка, қишлоқ Советлари колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг докладларини тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади, зарур ҳолларда ўз таклифларини тегишли юқори оргнларга юборади. Ўзбекистон ССРда халқ депутатлари район Совети тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасида ҳам сўзма-сўз бир хил матн берилган, шаҳар, шаҳардаги район Совети тўғрисидаги Қонуннинг монанд моддасида эса фақат «колхоз ва совхозлар» сўзи киритилмаган. Агар Ўзбекистон ССРда халқ депутатлари область Совети тўғрисидаги Қонунга мурожаат қилсак, 6-моддада Советларнинг таклифларини қараб чиқиш муддатлари тўғрисидаги матнни кўрамизки, у ҳокимият қуйи органлари тўғрисидаги қонунларнинг тегишли моддаларига мазмунан ўхшашдир.

Шундай қилиб, аниқ таърифлашларнинг йўқлиги натижасида Советлар турли бўғинларининг компетенцияси чегараланмай қолган. Қишлоқ ёки посёлка Совети территориясида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, совхозлар бир вақтнинг ўзида бирор-бир район ва область Советларининг ҳам территориясидадир. Бу Советларнинг қайси бири ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаши ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиши кераклиги ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Уй-жой, коммунал, йўлсозлик ва социал-маданий қурилиш учун ажратиладиган маблағларни бирлаштириш ва улардан биргаликда фойдаланиш масаласида ҳам ана шу хил ноаниқлик мавжуд. Бу соҳада қонунлар моддаларининг матнлари мутлақо бир хилдир. Бундай система юқори Советларнинг қуйи Советлар ишига доимо аралашиши учун ҳуқуқий асос яратади, амалда на масъулиятни, на ташаббускорликни оширадиган, аксинча, ўз вазифаларига ўйламай-нетмай ва енгил-елпи муносабатни, маҳаллий Советлар компетенциясига дахлдор масалалар бўйича «юқори»дан доимо йўл-йўриқ кутишни туғдирадиган бениҳоя шошилтиришлар учун важ топиб беради.

Халқнинг ўз-ўзини бошқариши концепциясини рўёбга чиқариш шароитида бундай принцип иш бермаслиги равшан. Кўринишича, территориал социал-иқтисодий ривожланиш ва аҳолига хизмат кўрсатишга раҳбарлик қилишда асосий оғирлик район ва шаҳар Советлари зиммасида бўлиши керак. Айни шу бўғинда асосий моддий ва молиявий ресурсларни жамлаш, бунинг устига хўжалик ташаббусининг кафолатини таъминлаш лозим. Уларнинг компетенцияси ва масъулиятини область бўғинидан ажратиш область бўғини шаҳар ва район Советларининг функциялари доирасидан четда қолган фаолият турларидагина бевосита бошқарув ваколатларига эга эканлигини англатади. Бошқача қилиб айтганда, область ҳокимият органи фақат регионал тадбирларга — яъни, область давлатни бошқариш органлари, районлараро ишлаб чиқаришлар, область транспорти, коммуникациялар ва ҳоказоларга раҳбарлик қилишга — жавоб беради. Халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг, шунингдек юқорига бўйсунувчи корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини координациялаш функцияларини область Советига бериш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятнинг сиёсий системасида маҳаллий Советлар ролининг ошиши фақат

сессияларда қараб чиқиладиган масалалар доирасини кенгайтиришни талаб этади. Амалда бу маъмурий-территориал бўлиниш, ишлаб чиқариш ва социал-маданий аҳамиятга молик объектларни жойлаштириш муаммолари билан биргаликда дастурий аҳамиятдаги ва комплекс характердаги қарорларни қабул қилишни англатган бўлур эди.

Қонун аниқ белгилаб қўйиши керак: территорияни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ҳамма асосий масалалари Совет томонидан ҳал этилиши керак. Совет қандайдир конкрет жиҳатларни қараб чиқишни ўз ижроия органларига топшириши мумкин, лекин фақат махсус қарор қабул қилгандан сўнг.

Маҳаллий Советларнинг компетенциясини анчагина ошириш, ўз навбатида, область, шаҳар (областга бўйсунувчи) ва район Советларининг сессияларини икки ойда камида бир маротаба, шаҳар (районга бўйсунувчи), қишлоқ ва посёлка Советларининг сессияларини ҳар ойда чақириш тўғрисидаги қоидани қонун тартибида мустаҳкамлаб қўйишни тақозо этади. Зеро, амалда шундай бўляптики, Совет давлат ҳокимиятининг органи сифатида ўзини йилига фақат тўрт маротаба намоён эта олади. Унинг функцияларини яна аппарат бажаришига йўл қўйиш лозиммикан? Шу сабабли республика Олий Совети охирги сессиясининг шаҳар (район ва областга бўйсунувчи), посёлка, қишлоқ Советларининг раислари ушбу территорияда ижроия ва бошқарув ҳокимиятини якка ўзлари амалга оширишлари тўғрисидаги қарори мақсадга мувофиқдир.

Фикримча, республика қонунида маҳаллий Советлар ишининг ташкилий шаклларини батафсил баён этишга зарурат йўқ. Бунда Совет конкрет шароитни, ишлаб чиқариш профилини, регионнинг маданий ва тарихий хусусиятларини ҳисобга олиб туриб ўз фаолиятининг шаклларини ўзи белгилашидан келиб чиқиш керак. Лекин Совет ва унинг органлари функцияларини чегаралашнинг энг муҳим ва принципиал масалалари қонунда мустаҳкамланиши керак. Буни янги мақом касб этадиган ижрокомдек органга нисбатан қилиш айниқса муҳимдир.

Ҳаёт ишонтираётганидек, депутатлар корпусида ўз етакчилари, халқ вакилларини план, бюджет, маҳаллий дастурларни ва қурилишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш системасини ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш, гражданларнинг, меҳнат коллективлари ва кооперативларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг муҳим тадбирларни ишлаб чиқиш ижросини назорат қилиш сингари йўналишлар бўйича конкрет муаммоларни муфассал, амалда қараб чиқиш ва ҳал этишга яхшироқ йўналтира оладиган ташкилий марказлар бўлиши кераклиги Совет раиси ва унинг биринчи ўринбосари лавозимини жорий этишнинг асосий мақсадидир. Депутатларнинг ўзлари ҳамма масалалар бўйича қарорларни тайёрлаш устида ишлашлари, бу жараённи ижроия аппаратининг монополиясига айлантиришга имкон бермасликлари керак.

Советлар ишини ботинан ташкил этишнинг янги имкониятлари депутатларнинг бошқарув жараёнларида чинакамига, манфаатдор иштирок этишини тақозо этади. Айни улар жамоатчилик фикрини ҳисобга олиб туриб, нимани қаерда ва қачон қуришни, пулни қандай мақсадларга сарфлашни, маҳаллий хўжалик, хизмат кўрсатиш соҳасини қандай йўналишда ривожлантириш зарурлиги ва ҳоказоларни ҳал этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижрокомнинг вазифаси эса депутатлар ўйлаган нарсани қандай қилиб яхшироқ ижро этишдан иборат.

Реал амалиёт ижроия ҳокимияти анчагина мустаҳкамланишга муҳтожлигини кўрсатмоқда. Совет фақат қарорлар ишлаб чиқиб, уларнинг кейинги тақдири билан тамомила қизиқмаслиги, ижроия органи эса ғоят чекланган ваколатларга эга бўлишидек юзага келган аҳвол шунга олиб келдики, кўп территорияларда корхоналар, ташкилотлар, бутун аҳолининг нормал ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган энг оддий шарт-шароитлар таъминланмай келди. Россиянинг Нижний Новгород, Свердловск сингари бир қатор йирик шаҳарларида аҳоли бошланаётган кулфат олдида ёлғизланиб қолди: қақшатқич совуқ бошланди, кўп юзлаб ва ҳатто минглаб уйлар эса иссиқлик билан таъминланмаган. Ҳокимият органлари ички келишмовчиликлар ва чалкашликлар оқибатида Россиянинг қаттиқ қишига ўз вақтида тайёргарлик кўра олмадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессиясида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги республика Қонуни лойиҳаси муҳокама қилинаётганда икки ҳокимиятчиликни бартараф этиш мақсадида Совет президиуми ва унинг

ижрокомини бирлаштириш, ижроия органларининг аҳамиятини ошириш таклифи киритилди. Бундан буён, Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳолда халқ депутатлари Советлари ижрокомларининг раислари лавозимлари бўйича тегишли халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар ва район Совети раисининг биринчи ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси сессияда Совет раиси билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон ССР Президентининг тавсияси бўйича тайинланиши муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммаси ижроия ҳокимиятининг обрўси ва аҳамияти мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Маҳаллий Советнинг депутатлик ваколатларига эга бўлмаган давлат хизматчиларидан тузиладиган бошқарув органи бўлмиш ижрокоми мақомида бўладиган ўзгаришлар қонунда ўз аксини топиши лозим. Чамаси, ижроком ўзининг компетенциясига эга бўлиши керак. Совет ўзининг ижрокомига фавқулодда компетенциядан ташқари ўз компетенциясининг конкрет ваколатларини бериши қонунда кўзда тутилиши мақбул бўларди.

Раҳбарликнинг мазмуни ва методлари ижрокомлар, тармоқ бўлимлари ва бошқармаларнинг ҳозирги бўйсуниш системасида алоҳида ўзгаришлар қилишни талаб этади. Бизнинг нобаркарор жамиятимизда, бозор муносабатларига ўтиш шароитида бу масала чуқур ишлаб чиқилиши ва пухта ўйлаб кўрилиши лозим. Лекин ҳар ҳолда ўз мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Совет раисининг иккита ўринбосари бўлиши керак: бири депутатлар фаолияти, доимий комиссиялар, сессия ва ҳоказоларни ташкил этиш масалалари билан шуғулланиши керак, иккинчиси эса, бир вақтнинг ўзида ижроком раиси бўлиб, ўз эътиборини ижрочилик-фармойиш органлари ишига жамлаши мумкин. Ўшанда барча масалаларни ҳал этишда келишувчанлик, функцияларни аниқ тақсимлаш бўлади.

Шаҳар (областга бўйсунувчи) ва район Советларининг аппарати тўғрисида баъзи мулоҳазаларимни изҳор этишни хоҳлар эдим. Кейинги пайтда тўпланган тажриба шунга ишонч ҳосил қиладики, бундай Советлар учун махсус кам сонли аппарат бўлиши умуман шарт эмас. Чунки Совет аппаратининг бутун ташкилий фаолияти ижроком аппаратининг иши (канцелярия, ҳужжатларни босиб кўпайтириш ва тарқатиш, хўжалик хизмати кўрсатиш, сайловчиларнинг наказлари билан ишлаш ва ҳоказо) билан чамбарчас боғланиб кетган. Бу ерда, кўринишича, ижроком аппаратини, айникса ташкилий-совет иши бўлимини мустаҳкамлаш ҳамда шаҳар ва район Советлари аппаратидан воз кечиш яхшироқдир.

Янги Қонунда давлат ҳокимияти маҳаллий органининг фақат тегишли Советга бўйсунувчи бошлиғи сифатида Совет раисининг мақомини алоҳида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Менимча, у ушбу территориядаги Советлар бутун системасининг ишини мувофиқлаштириб туриши керак. Ҳозирча эса Совет раисининг роли асосан сессияни бошқаришдан иборат бўлиб қолган. Унга давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг юқори органлари Фармонлари, қарорларини, шунингдек Совет қарорларини ижро этиш учун фармойишлар чиқариш функцияларини бериш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Янги қонунда қуйидаги нормани қайд этиб қўйиш мақсадга мувофиқдир: маҳаллий Советларнинг улар ҳуқуқлари ва компетенцияси доирасида қабул қилинган қарорлари, кимга бўйсунишдан қатъи назар, барча корхоналар ва ташкилотлар томонидан ижро қилиниши учун мажбурийдир, уларни бажармаганлик учун эса Совет айбдор мансабдор шахсларни тегишли юқори идорага хабар қилиб туриб, ишдан четлаштиришга қадар интизомий жазо бериш ҳуқуқига эгадир; агар Советнинг фикрича, давлат бошқаруви юқори органларининг қарорлари унинг территориясини ривожлантириш манфаатларига зид бўлса ёки унинг ҳуқуқларини камситса, маҳаллий Советларга уларнинг қарорларини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилиши лозим.

Кўп партиялилик шароитида, шунингдек партия комитетлари билан халқ депутатлари Советларининг функциялари чегаралаб олиниши муносабати билан кадрлар сиёсатини ҳам янгича олиб бориш лозим. Партия комитетларининг кишн-

ларни Совет ишига тавсия қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик ташкилотларига кадрларни танлашда ҳал қилувчи сўзни айтишни Советларда қолдириш зарур. Бинобарин, ҳар бир маҳаллий ҳокимият органида Совет сессияси, ижроия комитет мажлисида кишилар сайланадиган, тасдиқланадиган, ҳамда тайинланадиган лавозимлар рўйхати бўлиши лозим, бу эса компетенцияли ходимларни тайёрлаш бўйича самарали чораларни амалга оширишга ёрдам берган бўлур эди. Бунда аппаратнинг қатъий ҳукм ўтказишига йўл қўйиб бўлмайди. Кадрлар корпусини шакллантириш кенг демократик, муқобиллилик негизида, жамоатчилик фикрини, шунингдек манфаатдор доимий комиссияларнинг хулосаларини албатта ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак.

Бундай тартиб СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига тегишли ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар киритилишини тақозо этади. Асосийси — маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги республика янги қонунида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг кадрлар сиёсати соҳасидаги, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларга нисбатан маҳаллий ҳокимият органларининг устунлигини таъминловчи ваколатларини мустаҳкамлаб қўйиш яхши бўлур эди.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг барча масалалари бўйича қонун йўл-йўриқлари аниқ системасини яратиш — чинакам демократик ҳуқуқий давлат шаклланишининг зарур элементларидан биридир. Бундай давлатда умуман қонуннинг эмас, балки кишилар манфаатларини, шахс ҳуқуқлари ва эркинлигини изчиллик билан қарор топтирувчи, ривожлантирувчи ва муҳофаза қилувчи қонуннинг ҳукмронлиги таъминланиши керак. Келгусида улар ҳақида яна бир ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш заруратига йўл қўймаслик учун маҳаллий Советларнинг роли аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Пировардида яна бир мулоҳазамни айтмоқчиман. Ҳозир РСФСР ўлка ва область Советларининг кўпгина ижрокомларида, бошқа иттифоқдош республикаларда ҳар ойда ахборот бюллетенлари нашр этилмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан ҳам у ҳар кварталда босиб чиқарилмоқда. Лекин унда маҳаллий Советлар ва улар органларининг ташкилий иш тажрибаси кам ёритилмоқда, консультатив ахборот характеридаги материаллар етарли эмас. Афсуски, бюллетеннинг ҳажми, даврийлиги ва тиражи унга республика Советларининг кўп қиррали фаолиятини тўлароқ қамраб олиш имконини бермаяпти. Фикримча, унинг базасида «Ўзбекистон халқ депутатлари Советлари» журналини ташкил этиш зарурати етилдики, у республика аҳолисининг тилларида совет қурилиши назарияси ва амалиётига, маҳаллий Советлар, уларнинг ижрочилик-фармойиш бериш органлари, доимий комиссиялар, депутатлар, ташаббускор жамоатчилик ташкилотларининг ижобий тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва ёйишга доир ойлик нашр бўлиб қолур эди.

«Жипслашишга нима халал беряпти?»
мавзуидаги муҳокамани давом эттирамиз

Ушбу мақолани журналхонлар ҳукмига ҳавола этаркан, редакция унда изҳор этилган фикр ва мулоҳазаларни қатъий деб ҳисобламайди. Энг муҳими — ҳар бир кишининг уларга нисбатан ўз позициясини белгилаб олишидир.

Б. МУСАЕВ

КЕЛАЖАК ҲАҚИДА ЎЙЛАЙЛИК

МАМЛАКАТНИНГ келажагига лоқайд бўлмаган ҳар бир кишини бугунги кунда: республикалар, марказ, регионларнинг, турли миллатга мансуб кишиларнинг бир-бирларига бўлган ўзаро даъволарини қандай бартараф этиш мумкин, деган савол қийнайди. Шуни айтиш керакки, фикр-мулоҳазаларимиз баҳо беришда борган сари пессимистик тус касб этмоқда, зеро жамиятда кескинликнинг янги ўчоқлари пайдо бўлмоқда, улар жараён характерига эга бўлиб, кишиларни тобора кўпроқ жалб этиб низоларни келтириб чиқармоқда.

Нимага шундай бўляпти? Биз қаёққа кетяпмиз? Ниҳоят, «давр ва ўзимиз ҳақида» ўйлашимиз, ҳар биримиз сўллар, ўнглар, антисемитлар, русофоблар, национал-экстремистлар, национал-популизм ва ҳоказоларга нисбатан ўз позициямизни танлаш муҳимлигини англаб олишимиз керак. Зеро, *«барча кишилар* учун ҳар бир киши ўзининг инсонлик табиатини эркин ривожлантириш, ўз яқинлари билан инсоний муносабатларда яшаш имконини оладиган ва ўз фаровон турмушининг зўравонлик билан хароб этилишидан қўрқмайдиган шарт-шароит» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 2, с. 554) барпо этилишига кафолат беришга қодир ҳуқуқий давлатни шакллантиришга доир интилишларимизнинг баҳоси, агар ҳар қандай кўринишдаги зўравонликка кўнсак, инсон қадр-қимматини (шу жумладан миллий қадр-қимматни) ҳақоратлашга зарба бермасак, қонунлар ва кишиларнинг ҳаёт кечириш нормалари бузилаётганини кўриб туриб, сукут сақласак, сариқ чақага арзимайди.

«Жипслашишга нима халал беряпти?» мавзуидаги аввалги мақолада (Ўзбекистон коммунисти, 1990, № 10) тилга олинган йўсинда суҳбатни давом эттириб, айни шу ҳақда ўз фикрларимни билдирмоқчи эдим. Ҳозир, назаримда, зиддиятлар шароитида яшашни ва уларни демократик воситалар ёрдамида ҳал этишни қандай қилиб ўрганиш мумкин, деган савол асосий савол бўлиб қолди. Агар адолатли, инсонпарвар жамиятга унга пешвоз бормасдан эришиб бўлмаслигига иқрор бўлсак, унинг принципларини қадам-бақадам, бугундан бошлаб қарор топтириш зарурлигини ҳам тан олишимиз керак. Дарҳақиқат астойдил ҳаракат қилмасдан соф натижани кўз олдимизга келтира оламизми? Афсуски, биз мамлакатимизда К. Маркс, В. И. Ленин таълимотига айнан монанд қилиб амалга оширилмаган олий идеалларни айблашдек аччиқ тажрибага аллақачон эгамиз. Улар диалектик таълимотининг безовта революцион руҳи айни бугунги кунда, ўз олдига ҳаётнинг барча соҳаларида адолат ва озодлик принциплари билан мустаҳкамланган инсоний муносабатлар ҳукмрон қиладиган жамиятни шакллантиришни қўйган қайта қуриш шароитида айниқса кескин намоён бўлаётганлиги бежиз

МУСАЕВ Баходир Фахриддинович, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети қошидаги хўжалик ҳисобига асосланган «Социолог» марказининг директори, фалсафа фанлари номзоди.

эмас. Принципларимиз яхшими, Қ. Маркс таълимотидаги зиддиятлар борми, хуллас, нима ҳақда ёзмасинлар, нима ҳақида сўзламасинлар, бир фикр шак-шубҳасиздир. Социализмнинг мақсади — кишиларга кишилик дунёсини, инсоний муносабатларни қайтариб беришдир (қаралсин: К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 1, с. 406). Ақалли шунинг учун ҳам социалистик ғояни кўз қорачиғимиздай асрашимиз зарур.

Ишонаманки, журналхон, мурожаатим Сизни лоқайд қолдирмайди ва региондаги мураккаб социал-сиёсий вазият хусусида ўйлашга ундайди. Менинг хулоса ва фикрларим 1989 йилнинг ноябри-декабри ва 1990 йилнинг марти-апрелида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига асосланган.

* * *

Иқтисодиёт, экология, социал-демографик вазиятнинг танглиги регионимиз муаммоларини ҳал қилишга илмий ёндашишни изланишда тезкорликни тақозо этади. Шу билан бирга ижтимоий жараёнлар ва уларни тартибга солиш борасида таклиф қилинаётган воситалар турли норасмий ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар томонидан ҳар хил талқин қилинаётганини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Норасмий уюшма ва ҳаракатларнинг манфаатларига бефарқ қараш ёки уларни эътиборга олмаслик, тушунишни, тил топишишни истамаслик социал кескинликни кучайтириши мумкин.

Илмий-ижодий зиёлилар, «Бирлик» ва «Интерсоюз» ҳаракатлари, мусулмон руҳонийлари, совет ва партия аппарати вакилларидан иборат экспертлар (жами 130 киши) фикрини сўраб чиқишда уларнинг қуйидаги муаммоларнинг актуаллик даражасини қандай белгилашини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган эди: иқтисодиётни маблағ билан таъминлаш ва уни бошқариш принциплари; инвестицияларнинг устун йўналиши; Озиқ-овқат программасини бажариш ва бозорни истеъмол молларига тўлдириш; уй-жой масаласи ва социал соҳани ривожлантириш; аҳолининг даромадлари; аҳолининг иш билан бандлиги, кўчиб юриши; миллий-маданий муаммоларнинг ҳал этилиши; низоларни бартараф этиш шакллари. Олинган натижалар Озиқ-овқат программасини бажариш ва бозорни истеъмол молларига тўлдириш, уй-жой масаласи ва социал соҳани ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлиги, аҳолининг даромадлари сингари йўналишларнинг долзарблиги ва устун аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Фикрларни ўрганиш регионал социал жараёнларни тўғри мушоҳада қилиш, кишиларнинг оммавий ва группавий онгида муаммоларни ҳал этиш воситалари тўғрисидаги устун жиҳатлар ва тасаввурлар борасида мавжуд зиддиятларни бартараф этиш учун принципиал аҳамиятга эга бўлган бир қатор хусусиятларни очиб боради.

Аввало шуни таъкидлаш кераки, кишиларнинг энг муҳим моддий эҳтиёжларининг қондирилмаслиги социал кескинликнинг асосий манбаларидан бири бўлгани учун ҳам бу вазифа сиёсий тус олади. Шунчаки тирикчилик, омон қолиш учун кураш ўзида қайта қуришга, социалистик ғояларга, меҳр-шафқат, дўстлик, биродарлик сингари умуминсоний қадриятларга нисбатан нигилизмнинг ўсиши хавфини кучайтиради. Меҳнаткаш инсонга ҳурмат унинг нафақат уй-жой, кийим-кечакка, муносиб шароитда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлиш гражданлик ҳуқуқини рўёбга чиқаришни, балки маънавий бойиш, ахлоқан такомиллашиш севинчини тотишни ҳам тақозо этади. Шаклланаётган ҳуқуқий давлат кўрсатадиган барча ғамхўрликлар марказида граждан ва «жамият барча аъзоларининг бир хил, инсонга муносиб ривожланишини» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 16. с. 248) таъминлаш имконини берадиган унинг турмуш шароити туриши керак.

Фақат ҳозиргина иқтисодий дастурларнинг социал йўналганлиги тегишли инвестиция сиёсати билан таъминланмоқда дея оламиз. Афсуски аввалларн буни амалда рўёбга чиқариш ўрнига кўпроқ сўзда эълон қилдик. Чунончи, Ўзбекистон аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ноишлаб чиқариш соҳасига капитал маблағ сарфлаш ҳажмининг кўрсаткичлари бўйича иттифоқ статистика жадвалида энг охирги ўринлардан бирини ишғол этади (иттифоқдаги ўртача даражанинг 62 фоизи). Регион аҳолисининг ўзини социал жиҳатдан камситилган деб билишининг сабаби ҳам шунда. Реал иқтисодий аҳвол, юз минглаб кишилар турмушининг

ночорлиги кескин норозиликларга айланиб кетадики, матбуот кўпинча буни миллий худбинлик деб кўрсатади. Ур-йиқитларни, албатта, ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди, лекин уларнинг сабабларини излаш зарур.

Ҳар ҳолда бугунги кунда Ўзбекистон ўша йиллардаги нотўғри сиёсатнинг аччиқ мевасини тотмоқда, яъни у даврда республикамизнинг миллий манфаатлари ва регионал хусусиятлари ҳисобга олинмасдан унинг иқтисодиётига марказлаштирилган тартибда жуда катта капитал маблағ жойлаштирилларди. Еримиз ориқлади, миллатнинг соғлиғи жисман ва ахлоқан олганда путурдан кетди. Қаерга назар ташламанг — ҳамма ерда: иқтисодиётда, социал соҳада етишмовчилик. Республика аҳолисининг қандай яшаётгани ҳақида шундай маълумотлар яққол тасаввур беради: СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси А. С. Гранбергнинг ҳисоб-китобларига қараганда, жон бошига 75 сўмдан кам даромад олувчилар ҳиссаси Ўрта Осиёда салкам 50 фоизни, РСФСРда эса (қиёслаш учун) 29 фоизни ташкил этмоқда. Буни социологик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди: Тошкент областида 1990 йил бошларида сўралган 1000 кишининг 60 фоизи уларнинг оилаларида киши бошига ойлик ўртача даромад 75 сўмдан ошмаслигини, ҳар уч кишидан биттаси камбағаллик чегарасида яшашини кўрсатди. Шу муносабат билан Ўрта Осиё ва Кавказортида гўё турмуш даражаси нисбатан юқори бўлиб, унга Россия ҳисобига эришилган деб даъво қилувчи олимлар, публицистлар ва ҳатто сиёсатчиларнинг мулоҳазалари камида беандишаликдан бошқа нарса эмас. Бундай асоссиз баёнотлар республика ичидаги миллатлараро муносабатларни кескинлаштиради, рус тилида сўзлашувчи маҳаллий аҳолига зарар етказади, холос, лекин вазиятни барқарорлаштиришга ҳеч ҳам ёрдам бермайди. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида айтилган ва ҳаммага маълум бўлиб қолган факт, яъни республика умумиттифоқ бюджетига салкам 9 миллиард сўмлик фойда келтириши, ўзи эса субвенция кўринишида 3,1 миллиард сўм олиши факти ибратлидир (қаралсин: Правда Востока, 1990, 29 март).

Кишиларнинг социал-сиёсий ориентациялари улар томонидан иқтисодиётдаги, истеъмол бозоридаги аҳволга берилган баҳо орқали шаклланишини унутмаслик муҳимдир. Омманинг бозор балансланмаганлиги, пул қадрсизланиб боришидан норозилиги тўплана бориб, социал кескинликни кучайтириши қонунийдир.

Бундай шароитда, деб таъкидланди Ўзбекистон Компартияси МК II пленумида (1990 йил август), душманлик ва тоқатсизликни алангалатаётган кишиларни зўравонликка ундаётган қора кучларга зарба бериш учун тайёр бўлиб туриш керак. Шу билан бирга, назаримда, кескинлик илдизларини мафкурадан холи қилиш, ёшларнинг кексаларни ҳурмат қилмаслиги ва шу сингарилардан излаш эмас, балки социал ва иқтисодий стагнациянинг манбалари, хато ва камчиликлар ҳақида фикр юритиш зарур. Бунда кишиларнинг фикрларини айниқса системали таҳлил ва унинг натижалари объективлигидан чуқур манфаатдорлик асосида ўрганиш кўп нарса бериши мумкин.

Вазиятни қўлга олиш оммага ўзининг «ўйин қоидалари»ни тиқиштириш эмас. Бутун моҳият шундан иборатки, ижтимоий кайфиятлар жўш уришидан доимо бохабар бўлиб бориш ва уларнинг динамикасини билиш асосида ўз вақтида қарорлар қабул қилиш лозим бўлади. Ўшанда расмий сиёсий структуралар, ижроия, хўжалик органлари номақбул социал ҳодисаларни бартараф этишда кечикмайдилар. Чунончи, ҳаётнинг ўзи, миллатлараро муносабатлар аҳволи, туб ерли бўлмаган миллатларга, аввало рус тилида сўзлашувчи аҳолига мансуб кишилардан КПСС МКга юборилаётган хатлар республика раҳбариятининг эътиборини Ўзбекистондан кўчиб кетувчиларнинг оқими кучайганлигини муқаррар келтириб чиқарган муаммоларга жалб этиши керакдек туюлган эди. Партия-совет аппарати ходимларидан экспертларнинг сўраб чиқиши ҳатто Фарғона воқеаларидан сўнг ярим йил ўтгач ҳам уларнинг бундай муаммоларни ҳал этишга нафақат тайёр эмасликларини, балки бу муаммоларга умуман лоқайд муносабатда эканликларини ҳам аниқлади. Сўраб чиқилганларнинг кўпчилиги кўчиб кетиш масаласини «унчалик муҳим эмас» деб ҳисобламоқда.

Сўраб чиқилган «Бирлик», «Интерсоюз» вакиллари, мусулмон руҳонийлари, илмий ва ижодий зиёлилар ҳам уни шунга ўхшаш тарзда баҳоладилар. Бунда туб ерли бўлмаган миллатларга мансуб кишиларнинг бошқа ерларга кўчиб кетишини

кўчиб келиш ёки уни чеклашларга караганда анча юкори баҳолаш тенденцияси кўзга ташланди. Бу бошка миллатларга мансуб кишиларга нисбатан муросасизликни билдирмайди, албатта. Ҳар ҳолда бунда муаммоларнинг бутун бир тугуни мавжуд бўлиб, уни иктисодиёт, сиёсат, маданиятдаги зиддиятларнинг ҳакикий сабабларини аниклаган, уларнинг манбаларини тарихдан ҳам ахтариб топган ҳолдагина ечиш мумкин. Бу билан кишилар позициясига таъсир кўрсатувчи омиллар аникланади. Бунинг учун ҳиссиётлар эмас, балки янги социал-сиёсий реалликларни шунга мувофик ҳолда тушунтира оладиган соғлом акл-идрок талаб килинади. Ҳолбуки, кўпгина сиёсий тартиботлар, ҳаммадан кўпрок эса — халк фронтлари, миллий ва ижтимоий ҳаракатлар кўринишидаги туғилиб келаётган сиёсий структуралар етти ўлчаш, ҳар томонлама таҳлил килиш етишмаслигидан азият чекмокдалар. Бунда ҳиссиётларга берилиш асосида конкрет карорлар кабул килишдек хавфли мойиллик равшан кўзга ташланади. Бунга миллий туйғулар, миллий ранж-аламлар, сохта ватанпарварлик, миллий популизм ёки миллий тикланиш ғоялари киритилади. Менинг тахминимча, кейинги ғоялар баъзиларнинг сиёсий жиҳатдан етилмаганлигига, омма онгида «куч синдроми» устун турган ҳолда бошкаларнинг сиёсий маданияти муайян йўналишда ривожланганлигига таянган ҳолда майда миллатлар таҳкирланишининг энг ёмон намуналарига олиб келиши мумкин. Миллий кескинликни юзага келтирувчи турли-туман конкрет вазиятлар бундай хавфнинг билвосита ифодасидир. Нима килиш керак?

Менимча, бу саволга жавоб беришдан олдин, миллий муносабатларнинг ҳозирги умумий ҳолатининг сабабларини излаш керак, улар жўшкинлиги, зиддиятлилиги, хилма-хиллиги ва олдиндан айтиб бўлмаслиги билан характерланади. Ушбу масалага бағишланган адабиётларни таҳлил этиш, мамлакатдаги миллий жараёнлар амалиётини мушоҳада этиш, миллий ҳаракатлар фаолияти ва дастурлари билан танишиш куйидаги жиҳатларни таъкидлаш имконини беради.

Биринчидан, миллий муносабатлар соҳасида илгари сурилаётган шиор ва талабларнинг сиёсий тус олаётганлиги шак-шубҳасиздир. Ҳозир ўз такдирини сиёсий, территориал, иктисодий жиҳатдан белгилаш, сиёсий карорларни кабул килишда этник ва миллий гуруҳлар ролини караб чикиш, турли даражадаги ҳокимият органлари фаолиятининг характерини ўзгартириш тўғрисида илгари киритилган таклифлар амалга оширилянти.

Иккинчидан, халкнинг маънавий-ахлокий ҳаёти юксалишининг ундовчи мотиви сифатида аввало миллий ўзлигини англаш идеалларига мойилликда ифодаланувчи психологик омил роли ошмокда. Ижтимоий жараёнлар окимида кўпрок миллий маданиятни, миллий урф-одатларни, миллий рамз-тимсолларни тиклашга даъват килинмокда.

Бирок демократияни эгаллашдаги дастлабки кадамларимиз оғир кечмокда. Буни тушуниш мумкин — ҳозир ҳам социал, ҳам миллатлараро муаммоларни ҳал этишнинг эски тартиб ва усуллари емирилмокда, ўзгартирилмокда. Баъзида ўзини аллакачон обрўсизлантирган шакл ва методлардан фойдаланишга рухсат берилмокда. Буни куйидаги фактлар билан исботлаш мумкин: мамлакатимизнинг бир катор регионларида сиёсий, идеологик тартиботлар миллатлараро низолардан чикиш йўлини топа олмаяптилар. Лекин бизга ҳозирги, шу жумладан миллий муаммоларни ҳам англаб етиш ўтмишнинг машъум «революцион» руҳи билан кўшилиб кетиши, унга карамлиги ҳаммадан кучлирок халакит бермокда. Биз уни ҳаётнинг барча соҳаларида экстремизм, конунларни назарга илмаслик, умуминсоний ахлокий нормаларни ҳурмат килмаслик, шафкатсизлик; зўравонлик кўринишида учратмокдамиз. Кундалик хулк-атворда, тафаккурда тазйик кўрсатиш ҳар хил муаммоларни ҳал этиш воситаси деб эътироф этилади, кўпчилик назарида зўравонлик — сиёсий таъсир кўрсатишнинг энг шак-шубҳасиз исбот-далили деб ҳисобланади.

Баъзи олимлар ўйлаганидек, ўтмиш — эътибор каратишга арзимайдиган «майда нарса» деб фикр юритиш ҳам, менинг фикримча, калтабинлик бўлур эди. Лекин наҳотки бугунги кунда сталинча миллий сиёсатнинг территориал бўлиниш, бутун-бутун халкларни кўчиришдаги хатолари ва зўравонлиги миллий муносабатлар соҳасини ларзага келтирмаётган бўлса? Секин ҳаракатга келувчи минага ўхшаган бу «майда нарсалар» айни шу ўтмишни англаш муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Миллатлараро муносабатлардаги ҳозирги кескинлик сабабларини мен учта гуруҳга ажратган бўлар эдим. Биринчи гуруҳга глобал характердаги омиллар (янги сиёсий ва иқтисодий тафаккурнинг таъсири, замонавий фан-техника тараққиёти таъсирида ижтимоий муносабатларнинг байналмилаллашуви); иккинчи гуруҳга — иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданиятнинг ҳозирги ҳолатини юзага келтирган конкрет социал-тарихий сабаблар; учинчи гуруҳга — ҳозирги миллатлараро жараёнлар боришининг ўзига хос регуляторлари кирадики, бу регуляторлар юқорида тилга олинган икки сабабга, яъни ижтимоий, группавий, индивидуал онгда мавжуд барча тажрибага тааллуқли нарсаларни ўзгартириш орқали ҳаракат қилади. Фикримча, иқтисодиёт, сиёсат, идеология, маданиятдаги чуқур зиддиятлар миллий соҳада ўзига хос ифодасини топди.

Юқорида айтилган гаплар илгарилари кенг тарқатилган байналмилалчилик шиорларидан ҳафсала пир бўлиши туфайли миллий ўзлигини англаш ўсишининг касалликлари, миллий экстремизм импульслари ва авжга чиқишлари муайян даражада қонуний бўлиб, бинобарин, уларни олдиндан айтиб бериш мумкин эди дейишга асос беради. Тадқиқотлар натижалари ҳам шуни кўрсатиб турибди. Чунончи, экспертлар — жамоат ташкилотларининг намояндалари — миллатлараро алоқаларни «ҳеч ҳам тартибга солиб туриш лозим эмас» деб ҳисоблайдилар. Бунинг устига, сўраб чиқилган «Бирлик» аъзолари асосан бир миллат вакилларидан коллективлар, болалар боғчалари ва мактаблар шакллантирилишини мақбул вариант деб жуда юқори баҳоладилар. Бу нарса уларнинг фикрича — республика территориясида асосий миллатни, унинг урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолишдагидек, миллий маданий муаммоларни ҳал этишнинг ҳам муҳим йўналишидир. Шундай қилиб, экспертлар бу тоифасининг онгида акси байналмилалчилик ориентацияси яққол кўриниб турибди.

Табиийки, эндиликда мажбурий «байналмилаллаштириш» андозаларидан воз кечиш пайти келди. Демократиялаш, ошкоралик миллатлараро муносабатларда юз бераётган чуқур жараёнларни жадаллаштирди, бу нарса ўз маданиятини сақлаб қолиш ва эркин ривожлантиришга қонуний интилиш, ўзининг тарихий тақдири ва манфаатларини англаш билан бир қаторда миллий ўз-ўзини англашда ҳаддан ошишлар ҳам юз бераётганлигини кўрсатди. Шу муносабат билан қайд этиш зарурки, сўраб чиқиш натижалари «Бирлик» томонидан барча миллий жиҳатларни бўрттиришга, илмий, ижодий зиёлилар, совет ходимлари томонидан эса — ўзбек халқининг миллий рамз-тимсоллари, урф-одат ва анъаналарига оширироқ баҳо беришга мойилликни кўрсатмоқда.

Ўзбек халқ календари саналари, туб ерли миллат маданияти билан боғлиқ исм ва номлар, рамз-тимсоллар Ўзбекистонда асосий деб ҳисобланиши факти республикада яшовчи бошқа халқларда ранжиш ва камситилиш туйғуларини уйғотмаслиги мумкин эмас. «Интерсоюз» вакилларининг бундай аҳволга паст баҳо бериши бежиз эмас.

Республика территориясида асосий, имтиёзли миллат йўқ, балки Ўзбекистонда туғилган ва вояга етган кишилар бор деб уқтирилувчи даъволарга берилган баҳоларда анча фарқлар мавжуд. Бу фикр «Бирлик»дан (0,48) ташқари барча жамоат ташкилотларида ўртачадан юқори балл олди. Жумладан, партия ходимлари баҳоси — 0,74, совет ходимлариники — 0,67, илмий ва ижодий зиёлиларники — 0,82.

Шундай бўлсада, фикримизча, туб ерли миллатларнинггина эмас, балки бошқаларнинг ҳам социал ва миллий ўзлигини англашини соғломлантириш масаласини ўртага қўйиш тўғри бўлади. Зеро миллий манманлик, тоқатсизлик, бошқаларни тушунишни хоҳламаслик туйғуси уларга ҳам хос эмасми? Сўз кундалик ҳаётимизнинг аҳоли турли миллий гуруҳлари анчагина қисми миллатлараро алоқа жараёнида энг оддий одоб-эҳтиромга эга эмаслигини намоён этувчи асосий соҳалари тўғрисида бормоқда. Баъзи сўралганларнинг улар бошқа миллат маданиятини билмасликлари, ўз халқини беҳурмат қилишларга дуч келаётганликларини эътироф этишлари ҳам бундан далолат беради. Ўзбекистонда яшовчи рус аҳолиси баъзи вакилларининг одобсизлик қилиши, ўзини устун деб билиши айниқса кишини ранжитади. Бу эса, биринчидан, туб ерли аҳолида байналмилалчилик руҳини шакллантиришга халал берувчи миллий таассубларнинг жонланишига ёрдам беради, иккинчидан, доимо халқларнинг социал ва миллий тенглигини

қарор топтиришга интилган миллат деб билиб келинган рус халқи обрўси ва кадр-кимматига жуда катта зарар келтиради. Тарих саҳифалари рус халқи оғир йилларда Ўрта Осиё халқларига улкан беғараз ёрдам кўрсатганлигини, Ленин йўлланмаси билан рус фани ва маданияти вакиллари дастлабки дорилфунунни барпо этганликларини эслатиб туради. Шу муносабат билан украин ёзувчиси Б. Олейник СССР ёзувчиларининг VIII съездида айтган сўзларни келтиришни хоҳлар эдим: «ўз она тилимиз ва маданиятимизни ҳимоя қилиш билан миллий маданиятларнинг гуллаб-яшнаши учун барча ишни қилган ва қилаётган чиндан улуғ рус халқининг шон-шарафи ва қадр-кимматини ҳимоя қилаётганимиз хусусида сўзлашга эҳтиёж бормикин».

Шу билан бирга этнос муайян қатламларининг онгида маъмурий-буйруқбозлик системаси зўравонлиги, сталинизм жиноятларини хато равишда русларга боғлаш ва айнан бир нарса деб билиш каттагина роль ўйнаётганини таъкидламасак, ҳақиқатдан кўз юмган бўлардик.

Сўраб чиқилганлар билан суҳбатлар, миллий муносабатлар муаммоларига доир жамоат фикрини сўраш чоғидаги кузатишлар этник андозалар, туб ерли миллат томонидан бошқа миллатларга нисбатан нотўғри фикрлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Бунинг сабабчиси аввало социал-иқтисодий сабаблар эканлиги шубҳасиздир. Шу муносабат билан социолог Қ. Мяло билан иқтисодчи П. Гончаровларнинг рус қишлоқларига ҳам, ўзбек қишлоқларига ҳам оммавий маданиятнинг энг бадтарин намуналарида «цивилизация» кириб келганлиги, у деҳқонлар яшаши табиий муҳити деформацияланиши, маданий-тарихий анъаналар чуқур емирилиши фонида унинг социал люмпенизацияланиши шароитида этник группа муайян қисмида ўзига хос психологик реакция — нативизмни туғдиргани хусусидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқ. Ўзининг анъанавий маданияти ва урф-одатлари ҳақида юзаки ёки ҳатто нотўғри тасаввурга эга бўлиш, агрессивлик ва ўзини ҳар қандай қилиб бўлсада «бошқалар»га қарши қўйишга интилиш унинг характерли белгиларидир (қаралсин: Новое время, 1989, № 37, 34-бет).

Буни этник гуруҳ ўзининг барча кулфатларида бошқа миллатларга мансуб кишиларни айбловчи варақалар мазмуни маълум даражада изоҳлаб беради. Бу, айтиш мумкинки, «ўз-ўзини юксалтирувчи» ёлғон ва хомхаёл, миллат манфаатлари, «руҳи»ни «ҳимоя» қилишга йўналтирилган ҳаракатларни идеологик таъминлашдир. Маълум воқеалар давомида фарғоналик люмпенлашган ёшларнинг оммавий вандализми «миллий» жараёнларнинг бундай оқими нимага олиб келишини кўрсатди.

Келажак ҳақида сўзлаганда, омманинг популистик кайфиятлари ривожланиши шароитида экстремистлар, миллатчилар, тоқатсиз ва масъулиятсиз радикаллар турли социал гуруҳларнинг ғоявий ажралиши ўсиб боришидан фойдаланиши, ўзининг ва бошқа халқларнинг «тенг ҳуқуқлиги» ғоясини «устунлик» шиорига айлантириб юбориш учун кишиларнинг норозилигини миллий муносабатлар ўзанига буриб юбориши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди.

Кескинлик ўчоқлари пайдо бўлганда низони ҳал этиш шаклларини танлаш муаммоси жуда катта роль ўйнайди. Масалан, Тбилиси, Фарғона, Ўшдаги воқеалар бошқарувчи ижроия органлари, совет ва партия органлари низонинг олдини олишда самарали воситаларни топишга тайёр эмаслигини, бунинг устига — боши берк вазиятдан чиқиш йўлини топишга қодир эмаслигини кўрсатди. Бир ҳолда (Тбилиси) танг паллада куч методларидан ўзини оқламаган даражада устун ҳолда фойдаланиш кўзга ташланди. Бошқа (Фарғона, Ўш) ҳолларда тамомила ўзгача вазиятларда «Тбилиси синдроми» иродани, соғлом идрокни фалаж қилди, партия ва совет аппаратини ҳаракатсизлантирди, бу эса, маълумки, оғир оқибатларга ҳам олиб келди. Бундай вазиятларда конструктив ечимлар социал-сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатлардан олганда бебаҳодир. Зеро, сўз кишиларнинг энг оддий ҳуқуқий, социал ҳимояланиши хусусида ҳам бормоқда. Шу нуқтаи назардан олганда СССР халқ депутатлари изҳор этган: нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва маъмурий органларнинг фаолияти, балки жамиятдаги зиддият ва кескинликни конструктив, жипслаштирувчи ўзанга ўз вақтида йўналтирувчи фаол, амалий сиёсий ташаббус ҳам жамиятнинг барқарорлигини сақлаб қолиши мумкин, деган фикр ибратлидир.

Низоларни бартараф этиш шаклларини танлаш хусусида жамоатчилик фик-

рини ўрганиш чоғида биз қуйидаги 5 вариантни таклиф этдик: асосан сиёсий шакллар (низо асосий иштирокчиларининг музокаралари, ўзаро муросага келишлари); асосан сиёсий ва куч ишлатиш шакллари (музокаралар, ўзаро муросага келишлар ва биргаликда ҳуқуқий, ҳарбий ва ҳоказо тазйиқ кўрсатиш); куч ишлатиш шакллари (ҳарбий ва ҳуқуқий, турли хилда тазйиқ ва қаршилик кўрсатиш: намойишлар, иш ташлашлар, митинглар, тартибсизликларни уюштириш, қамоққа олишлар, қўшин киритиш, қўшинга қаршилик кўрсатиш ва ҳоказо); иқтисодий шакллар (иқтисодиётни соғломлаштириш дастурини амалга ошириш, иқтисодий тазйиқ кўрсатиш); демократик шакллар (жамоат фикрини ўрганиш ва материалларни эълон этиш, қабул қилинаётган қарорлар бўйича референдумлар ўтказиш, барча социал-сиёсий ҳаракатлар ва уюшмаларни легаллаштириш, ўз фикрини айтиш эркинлиги, ахборот олиш имкониятига эга бўлиш ва ҳоказолар). Сўраб чиқилган кишилар — турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг вакиллари — сиёсий, демократик ва иқтисодий шаклларни, яъни ихтилофли вазиятларни ҳал этишнинг тинч воситаларини афзал кўрганлар.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси мени ижтимоий ва миллий ҳаракатларга нисбатан ва регионлаги ҳозирги социал-сиёсий вазиятни баҳолаш борасида қуйидаги хулосаларга олиб келди.

Биринчи. Кишиларнинг бир қисми Ўзбекистон муаммоларини ҳал этиш борасидаги ўз умидларини гражданлик ҳаракатлари билан боғлаётган бугунги кунда демократик жараёнларни тўхтатиб қолиш мумкин эмас.

Иккинчи. Янги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий структуралар туғилаётган ҳозирги кунда муносабатларни «биз» ва «улар» принципи бўйича қуриб бўлмайди. Асосийси — бир-бирини тўғри тушуниш ҳамда жамиятни бошқариш ва сиёсий қарорлар қабул қилишда тенг ҳуқуқли иштирок этиш учун шарт-шароит яратишдир.

Учинчи. Социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнининг чўзилиб кетиши, кишилар турмуш даражасининг пастлиги миллий ҳаракатлар раҳбарларининг нуфузини ошириб, расмий сиёсий структураларга бўлган ишончсизликни кучайтиради. Миллий ҳаракатларнинг штабларида парламент-демократик методлар йўқлиги ҳам ташвишимизни кучайтиради. Агар этник муҳитда юқорида тилга олинган нативизм, миллий ўзлигини англашда ҳаддидан ошишлар борлигини эътиборга олсак, бугунги кундаёқ омма онгида миллатчилик кўринишлари мустаҳкамланиб олиши хавфининг олдини қандай воситалар, социал механизмлар ёрдамида олиш, социал кескинлик (шу жумладан миллатлараро соҳада) ўсиши, зўравонликни мадҳ этишни тўхтатиш тўғрисида ўйлаш керак. Ўйлашимча, консенсус демократияси, зиддиятларни тинч йўл билан бартараф этиш учун кураш ҳозирги давр учун энг маъқул йўлдир.

Тўртинчи. Фикримча, деҳқонлар, ишчилар, зиёлилар, сиёсий «норасмий»лар раҳбарлари ва партия-совет аппарати муҳитидаги прогрессив кучлар интеграцияси ғояси катта потенциал имкониятларга эга. Бундай иттифоқ иқтисодиётни, социал муносабатларни модернизациялаш, ахлоқ ва баркамол шахсни тиклаш учун шарт-шароит яратиши мумкин. Ўзбекистоннинг табиий, маънавий бойликларини ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш учун турли ижтимоий кучларни жипслаштириш — шу куннинг вазифаси. Бунда, А. Разумов ҳақли равишда таъкидлаганидек, ҳеч бир банда Ҳақиқатнинг тўлиқ соҳиби эмаслигини унутмасак бўларди. Лекин ҳаммамиз биргаликда унинг сари ўз йўлимизни излашимиз мумкин ва шарт (қаралсин: Коммунист, 1990, № 9, 9-бет).

Бешинчи. Ишлаб чиқаришни структуравий ва технологик қайта қуришсиз регионда иқтисодий ривожланишдаги қолоқликни, муқаррар социал табақаланиш чуқурлашиб, турмуш даражаси пасайиб борадиган кишиларнинг социал аҳволидаги катта камчиликларни бартараф этиб бўлмайди.

Олтинчи. Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги экологик фалокат хавфи БМТга, ЮНЕСКОнинг эксперт ва мутахассисларига мурожаат қилиш муҳимлигини тақозо этади. Бугунги кунда келажак ҳақида ўйлашга ҳали кеч эмас, регион халқлари қадимий маданияти ютуқларини авлодлар учун сақлаб қолиш имконияти бор.

Еттинчи. Миллатлараро муносабатлар соҳасида муроса маданиятини тарбиялашга эътиборни қаратиш керак. Фикримча, қайта қуриш позицияларидан туриб «Шарқ кишиси», «Шарқ маданияти қадриятлари системаси ва бозор муноса-

батлари» ва ҳоказо типдаги муаммоларни чуқур идрок этган ҳолда ислом омилидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Биз бошбошдоқлик, шафқатсизлик, миллионлаб кишилар қалбидаги бесаранжомликни барҳам топтира оламизми? Ҳар бир кишига қаратилган бу савол чиндан ҳам ҳаммамиз учун тақдирни белгиловчи аҳамиятга эгадир. Бирликни, дўстликни тиклаш ва мустаҳкамлаш учун йўл топиш мақсадида мард, сабрли бўлиш ва тарихимиз, маданиятимиз илдизларига мурожаат қилишимиз керак. Акс ҳолда «миллатчилик апокалипсиси» тантана қилади ва биз келгуси авлодларнинг қарғишига қоламиз. Менимча, идеограммаларни тузишда, миллий ва гражданлик ҳаракатлари, маданий ассоциацияларнинг дастурларини шакллантиришда ва ҳоказоларда социологлар, файласуфлар, иқтисодчилар, этнографлар, сиёсатшунослар иштирок этишлари керак.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, эртанги кун ҳақида мулоҳаза юритганда бугунги сиёсий воқелик реалликларидан ажралиб қолмаслик, **келгуси чин ёки ёлғон амалиёт асоси** бўладиган фактларни назардан соқит қилмаслик ва уларни бир бутун ҳолида қараб чиқиш муҳимдир. Фаннинг, мисол учун, социология ёки сиёсатшуносликнинг вазифаси,— **чин амалиётни** тавсифлаш ва таҳлил қилишдек, ўз вазифалари ёрдамида регионал, умумиттифоқ, жаҳон миқёсида қайта қуриш жараёнлари, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши йўлининг қаерида турганлигимизни, бизга нима бўлаётганлиги ва биз объектив равишда нима сари бораётганимизни **тушунтиришга** интилишдан иборат.

Хусусан, ҳозирги босқичда жамоатчиликнинг озодлик ва мустақилликнинг турли жиҳатларига қизиқиши кўзга ташланади. Бунда социологик тадқиқотлар республикаларнинг ССР Иттифоқидан чиқишга қадар сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаш талабларига довур «миллий карта»ни, миллий-давлат проблематикасини кузир қилишга уринувчи кучларнинг фаоллашуви тенденцияси кўзга ташланганлигини кўрсатади. Чунончи, сўраб чиқилган «Бирлик» фаолларининг аксарияти (93,1 фоизи) ўз тақдирини ўзи сиёсий жиҳатдан тўла белгилаш тарафдоридир. «Халқ дипломатияси» сиёсий клуби аъзоларининг сўраб чиқилган қисми 59,2 фоизи, Тошкент вилоятида сўраб чиқилган партия аппарати ходимларининг ҳар ўнтасидан бири ҳам шу мулоҳазани қувватлайди. Кўринишича, миллий популизм ғояларини анчагина киши ёқлашини тан олиш керак бўлади. Назаримизда, бунга қуйидагилар имкон яратмоқда: миллий ҳаракатларнинг норасмий раҳбарлари ҳамда янгича типдаги сиёсий тафаккурга эга кадр ходимларининг ғоятда етишмаслиги; омма онгида «куч синдроми» устун туриши; кўпчиликда замонавий иқтисодий тафаккур ривожланмаганлиги; кишиларнинг турли ҳаёт соҳаларида ўз камбағаллик аҳволининг туб илдизларини билмаслиги. Агар, миллий зиёлиларнинг муайян қисми ўз халқи ҳақида ўйлаб, унинг эркинлик ва мустақиллик учун интилишини қўллаб-қувватлаб, сепаратизм йўлига кираётган бўлса, вазият чиндан ҳам драматик тус олмоқда. Шаклланган давлат-территориал структуралар шароитида ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашимиз фақат зўрлик ишлатиш орқали амалга ошиши шак-шубҳасиздир. Шу сабабли соғлом фикр ғалаба қилишига, вақти-соати келиб гражданлик сулҳи ва келишиш қадриятларини, интеграциялаш ғояларини унинг ўзининг ҳозирги шаклларида англашларига ишонаманки, М. С. Горбачевнинг совет маданияти арбоблари билан учрашувида ва КПСС МК октябрь (1990 йил) Пленумида бу ҳақда ишонч билан гапирилди.

Ва, ниҳоят, ижтимоий ҳаёт кўпгина соҳаларининг идеологиялаштирилиши шароитида, қандай ғайритабиий туюлмасин, идеологиянинг тақчиллиги кўзга ташланадики, буни айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Бу ҳол идеология ва идеологларнинг меҳнаткашларнинг хилма-хил манфаатларини бегонасирашида, юзага келаётган сиёсий кучларни бирлаштиришга ва уларни конструктив ўзанга солиб юборишга қодир эмаслигида кўринади. Агар коммунистлар партияси келиштириш партияси ролига даъво қилаётган бўлса, у социал-сиёсий амалиётнинг реалликлари тақозо этувчи заруратга кўра, бозор ўз ҳукмини айтишини кутиб ўтирмасдан, ўзининг мавжуд бутун маънавий, интеллектуал потенциалини ўз фаолиятидаги ҳали ҳам тугатилмаган андозаларни бартараф этишга қаратиши ва демократия бунёд этаётган муросага келиш мактабининг энг қобилиятли ўқувчиси бўлиб қолиши керак.

Долзарб мавзуда суҳбат

СОЦИОЛОГИЯ: ТАҲЛИЛНИ ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК

Газеталар, журналлар кейинги йилларда социологлар томонидан ўтказилаётган сўровларнинг натижаларини эълон қила бошлади. Бундай материаллар катта қизиқиш уйғотади, зеро улар аҳолининг жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларидаги ишлар аҳволига бўлган муносабатини ифодалайди. Бир талай саволлар ҳам туғилади: жамоат фикри социологиясининг ўзи қандай фан? Социологлар маълумотларни қандай қилиб қўлга киритадилар ва қайта ишлайдилар? Улар таҳлилининг натижаларидан амалиётда фойдаланиш нима беради?.. Редакция ана шу ва бошқа саволларга жавоб беришни илтимос қилиб, СССР Фанлар академиясининг совет социологик ассоциацияси қошидаги Тошкент Жамоат фикри хизматининг директори Владимир Владимирович Чернишевга мурожаат қилди. Унинг жавобларини эълон қилиш билан журналда «Жамоатчилик фикри кўзгусида» деб номланган янги рубрика очмоқдамиз. Тилга олинган Хизматдан ташқари, рубрикани олиб боришда журналхонларимиз ҳам фаол иштирок этадилар, деб умид қиламиз. Ушбу рубрикада кўтариб чиқиладиган муаммоларга доир саволларингизни, истак ва материалларингизни кутамиз.

— Ҳаммамиз мамлакатимизнинг ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун характерли бўлган қизғин мунозараларда жамоат фикрини тобора кўпроқ далил қилиб келтираётганликларига, ундан мадад излаётганликларига гувоҳмиз. Кўринишича, у реал кучга айланяпти.

— Афсуски, мамлакатимизда «жамоат фикри» атамаси бир неча ўнлаб йиллар мобайнида муқаррар равишда «бир овоздан», «якдиллик билан» сўзларига ҳамоҳанг бўлиб келди, бу билан эса орзу қилинган нарса воқелик деб кўрсатилди. Ҳақиқий жамоат фикри эса деярли ўрганилмай қолаверди. Ҳозир ҳатто олимлар ўртасида ҳам бу тушунчанинг ўзини қандай таърифлаш хусусида мунозаралар бораётгани бежиз эмас.

Авваллари бизда жамоат фикри — гражданларнинг партия ва совет органларига юборган хатлари, аризалари, мурожаатларидир, деган қараш мавжуд эди. Хатлар кўп бўлса — шунча яхши. Демак, жамоат фикрини ўрганмоқдамиз ва уни яхши биламиз. Кейинроқ гўё жамоат фикри — лекторлар, сиёсий маърузачилар, пропагандистларга бериладиган саволлардир, деган нуқтаи назар пайдо бўлди. Бир китобда митинг ва намойишлар, бошқасида — матбуотдаги чиқишлар жамоат фикри деб эълон қилинди. Таърифларда ҳатто миш-мишлар ва латифа, анекдотлар ҳам эътибордан четда қолмади. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Яна бир маротаба эслатмоқчиман, генетика ва кибернетика фанлари билан бир қаторда социологияни ҳам ҳеч иккиланмасдан Сталин репрессияларининг қурбонлари рўйхатига киритиш мумкин. Кўплаб тадқиқотчилар жисмонан ҳалок этилди, баъзилари муҳожир бўлишга мажбур бўлдилар. Масалан, 20-йиллар бошида мамлакатимизни тарк этган Питирим Сорокин АҚШда бутун дунёга машҳур халқаро социология мактабини барпо этган эди. 1937 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг натижалари ярим аср (!) мобайнида сир сақланиши факти мамлакатимиз аввалги раҳбарларининг жамият аҳволи ҳақидаги маълумотларга бўлган муносабатини яққол кўрсатади.

Ғайритабиий ҳол. Бир томондан — К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг социологик таҳлилга изчил муносабатини кўрамиз. Масалан, Ф. Энгельснинг «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» деган фундаментал асари социологик тадқиқот воситалари — анкета тарқатиш, суҳбатлар, интервьюлар, кузатишлар асосида тайёрланган. 1880 йилда К. Маркс ўзининг машҳур «Ишчилар учун анкета»сини босиб чиқарди. В. И. Ленин партия III съезди делегатлари учун анкета ишлаб чиқди. Хуллас, марксизм-ленинизм классиклари ҳодисаларни чуқур социологик таҳил қилишнинг бир талай ёрқин намуналарини бердилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ёндашуви жонли, ижодий эди, вазият, шароит, шу жумладан омма психологияси ўзгарган чоқда тезда қайта қурила олишга қодир.

Бошқа томондан, 30-йилларда марксизм-ленинизм ғоялари айнан эълон қилинганидек ҳаётга татбиқ этилган мамлакатда социология амалда тақиқлаб қўйилган эди, бу фаннинг аниқ маълумотлари Сталин гумашталарининг хушомадгўйларча «билимдонликлари» билан алмаштирилди. Натижада партия ва совет ходимлари қайтар алоқа тартибида ишлаш қобилиятини амалда йўқотдилар. Мамлакатнинг ҳақиқатан социалистик ривожланиши барҳам топганлиги муҳим сабабларидан бири ана шундан иборат, деб биламан.

— Яхшиямки, ҳозир социологияга бўлган муносабат ўзгарди.

— 1988 йилда КПСС МКнинг «Совет жамиятининг энг муҳим социал муаммоларини ҳал этишда марксча-ленинча социологиянинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан сўнг ижобий силжишлар кўзга ташланди. Лекин бу борада ривожланган капиталистик мамлакатлардан, аввало социологияга нисбатан тамомила бошқача муносабат шаклланган АҚШ, Франция, Англиядан қанчалик орқада қолганмиз! Жорж Гэллап ўзининг машҳур сўровларини 30-йиллар бошларида йўлга қўйган эди, ҳозир эса АҚШда жамоат фикрини ўрганувчи мингдан зиёд фирмалар мавжуд. Уларнинг куч-ғайрати туфайли америка жамияти иқтисодиёт, фан, маданиятнинг динамик ривожланишига чуқур таъсир кўрсатадиган даражага эриша олди. Зеро, социологлар нафақат жамиятдаги зиддиятлар, кескинликлар, ихтилофларни аниқлаб беради, балки турли манфаатларни оптимал бирлаштиришнинг йўлларини ҳам таклиф этадилар. Бу мамлакатнинг амалда барча раҳбарлари — фирма президентидан тортиб АҚШ президентигача — аппарат структурасида социологик хизмат бошқармасига эга эканлиги бежиз эмас. Психология доктори Жорж Гэллапнинг айни социологик тадқиқот методлари АҚШнинг Совет Иттифоқи олдидаги «бирдан-бир афзаллиги» бўлиб қолганлиги хусусидаги фикри ибратли эмасми?

Ҳозир агар мамлакатимизда воқеликни илмий социологик идрок этиш анъаналари сақланган тақдирда унинг ривожланиши қандай бўлиши хусусида кўп баҳслашиш мумкин. Ҳар ҳолда, социология «барча халқлар отаси»нинг йўли — ўн миллионлаб кишилар ҳаётига хавф солувчи мисли кўрилмаган телбалик эканлиги, «казарма» социализми мамлакат иқтисодиётини барбод қилиши, унинг интеллектуал ва маданий бойлигини, кишиларнинг ижодий меҳнатга интилишини бемаъниластириш тўғрисида огоҳлантирган бўлар эди.

Ҳатто Н. С. Хрущев даврида ва ундан кейин ҳам социологиянинг аҳволи деярли ўзгаргани йўқ. Жамиятимизда етилаётган ташвишли аломатларни сезишмади. Чунки социологик тадқиқот марказлари, улар учун малакали кадрлар йўқ эди. Натижада, академик Т. И. Заславская таъкидлаганидек, социологиянинг заиф ривожланганлиги қайта қуриш шароитида ҳам ижтимоий ривожланиш йўлидаги тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда (Правда, 1987, 6 февраль).

— Ватанимиз социологиясининг ривожланганлик даражаси ҳақида мулоҳаза юритиш учун асос бўладиган объектив маълумотлар борми?

— Мана, Т. И. Заславская ҳам келтириб ўтган маълумотларнинг баъзилари: СССРда битта «соф» социологик журнал чиқади, АҚШда эса социологик ассоциациянинг ўзигина ана шундай 8 та журнал нашр этади, уларнинг умумий миқдори бир неча ўнта. Агар биз 1989 йилда олий маълумотли профессионал социологлардан дастлабки юз нафарини тайёрлаган бўлсак АҚШда 260 социологик бўлим ҳар йили 6 минг мутахассис тайёрлайди, салкам 90 минг америкалик эса социологик билимлар асосларини ўрганади.

Лекин энг қайғулиси, қолоқлик ҳозир ҳам жуда кам одамни ташвишлантиряпти. Ҳар ҳолда, партия ва совет органлари фаолиятида социологияга нисбатан,

мен юқорида айтганимдек, ижобий ўзгаришлар эндигина сал кўзга ташланяпти. Бюро мажлисларига, пленумларга, сессияларга тайёрланиш, кадрлар билан ишлаш кўп ҳолларда эскичасига давом этмоқда... Очиғини айтиш керак, бошқарув аппарати социал психологиянинг асосларини суст эгаллаган, министрлик ва идоралар структураси қайтар алоқа механизми ишлашини кўзда тутмаган, кўпинча назорат-аналитик ва прогностик ишлар хўжакўрсинга қилинади. Ҳануз сақланиб қолаётган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик методлари кўпинча ўринсиз ва палапартиш хатти-ҳаракатларга олиб келяптики, улар кўп партия ходимлари, коммунистлар жамиятда жиддий сиёсий кураш етилаётганини ҳалигача тушуниб етмадилар ва унга тайёр эмасдилар. Зотан, ушбу курашдаги муваффақият ёки муваффақиятсизликлар кўп жиҳатдан жамоат фикрига таъсир кўрсатишга боғлиқдир.

— Хўш, социологнинг нуқтаи назаридан, курашда муваффақиятли иштирок этишга нима ёрдам беради?

— Бунинг учун, шак-шубҳасиз, кишиларнинг қизиқишлари, манфаатларини яхши билиш ва объектив аҳволини таҳлил қила билиш лозим. Бунда асосийси — жамоат фикрининг ҳолатига социал-сиёсий баҳо беришдир. Мамлакатимиздаги ҳозирги вазиятга татбиқан олганда, у социалистик ҳуқуқий давлат манфаатлари ва мақсадларига қай даражада мувофиқ келишини, турли ижтимоий кучлар у ёки бу воқеаларга, ҳодисаларга қандай муносабатда бўлишини аниқ тасаввур қилиш керак. Айни шу нарса социология учун тадқиқот соҳасидир. Унинг методлари омма онгини, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб муаммоларини аниқ ва тезда ўрганиш имконини беради.

— Социология бошқа ижтимоий фанлардан — ҳуқуқшунослик, тарих, сиёсий иқтисод ва ҳоказолардан нимаси билан фарқ қилади?

— Социологиянинг предметини социал муносабатлар ва тартиботлар, яъни ижтимоий тузумнинг туб негизи ташкил этиши билан. Социал муносабатларга ҳар томонлама таъриф бериш турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар ўртасида пайдо бўладиган зиддиятли тугунларни аниқлаш имконини беради, ҳокимият, таълим, партия, матбуот ва бошқа шу сингари социал тартиботлар фаолиятини таҳлил қилиш эса нафақат уларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнини белгилашга, балки уларнинг ривожланишини аниқ прогнозлашга ҳам қодирдир.

— Жамоат фикрининг социологияси нима дегани?

— Қисқача қилиб айтганда, у — жамият нима ҳақида ўйлаётгани, у атрофидаги воқеликнинг турли ҳодисалари ва фактларига қандай муносабатда бўлиши ҳақидаги фандир. Ахборот манбаи муайян кишилар бўлиши ушбу фанни фарқлаб турадиган хусусиятдир. Тадқиқот натижалари уларнинг фикрлари, ниятлари, манфаатлари, эҳтиёжлари, туйғуларини... жамланган кўринишда ифода этади.

— Бундай натижаларнинг ишончлилигига кафолат бериладими?

— Қизиқишлар, манфаатлар уларнинг структураси ва динамикасининг асл манзарасига эга бўлиш учун онгнинг бирламчи фактларини тадқиқ қилиш зарур. Уларни қайд этиш учун турли усул ва методлар мавжуд. Улар ичида энг кўп тарқалгани — оммавий сўраб чиқиш, анкета тарқатиш методи бўлиб, у махсус ишлаб чиқилган дастур асосида олиб борилади. Бунда ахборот тўплаш кишиларнинг муайян гуруҳларига саволлар билан мурожаат қилиш йўли билан амалга оширилади. Уларга жавоб бераркан, кишилар мушоҳада юритадилар, реал воқеалар, ҳодисаларга баҳо берадилар. Мутлақо объектив бўлган воқеалар, ҳодисалар эса фикр манбаини ташкил этади. Бинобарин, жамоат фикри объектив равишда мавжуд реал воқеликни акс эттиради.

— Ҳар бир кишининг ўз нияти бўлишига нима дейсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, ҳатто биргина фактнинг ўзи кишиларда жуда қарама-қарши фикрларни туғдириши мумкин. Французлар айтганидек, «юзта кишидан юз бир фикр чиқиши мумкин». Шу сабабли жамоат фикри атрофдаги воқеликка нисбатан норматив-баҳолаш характерига эга бўлган алоҳида турдаги фикрлар мажмуидир. Гарчи жамоат фикридаги объектив ва субъектив жиҳатларнинг ўзаро нисбати бир қарашда «соф» назарий вазифа бўлиб туюлсада, уни нотўғри ҳал этиш амалда хато хулосаларга олиб келиши мумкин. Масалан, бошқарув органлари қарор қабул қилаётганда нимага таянишлари керак — олимлар, мутахассислар (илмий онг вакиллари) хулосаларигами ёки жамоатчилик (одатий онг

вакиллари) хулосаларигами? Бу саволга одатда иккиланмасдан: фақат олимлар, экспертлар, ўз иши билимдонларининг фикрига қулоқ солиш керак, деб жавоб беришади.

Ҳа, бу шубҳасиздир. Мутахассис бўлмаганлар мураккаб, айникса илмий, техникавий муаммоларга баҳо беришда тез-тез янглишадилар ва бунинг устига ўзларининг енгил-елпи важларини ўжарлик билан ҳимоя қиладилар. Лекин уларнинг аксарияти хатолардан огоҳлантиришга, долзарб масалаларни ҳал этишда жамиятга ёрдам беришга астойдил интилади. Уларнинг фикрларига қулоқ солмасликни тўғри деб бўладими? Узоқни кўра биладиган сиёсатчи омманинг хоҳиш-иродасини эътиборсиз қолдирмайди. Демак, конкрет муаммоларни қатъий илмий билишни улар тўғрисидаги оддий тасаввурлар билан уйғунлаштириш йўлларини излаш зарур.

— Сизнинг Хизматингизда фикрларни ҳисобга олишнинг қандай механизми амал қилади?

— Биз ҳар бир фикрга фикрлар умумий системасининг бирламчи элементи сифатида қараймиз. Бу — принципиал жиҳатдир. Бундай ёндашиш туфайли фикрлар статистик хусусиятлар касб этади, биз ҳам у ёки бу масала бўйича (корхонада, район, шаҳар, область, республикада) мавжуд турли нуқтаи назарларни, қанча кишилар тегишли қарашларга эгалигини, уларнинг эътиқоди қанчалик барқарорлиги ва ҳоказоларни аниқ ҳисоблаб чиқа оламиз.

Буларнинг ҳаммаси нима учун керак? Энг муҳими шундаки, ҳар бир алоҳида фикрни муайян киши изҳор этади. У аниқ социологик таъриф: жинси, ёши, маълумоти, социал аҳволи, даромади, яшаш жойи ва ҳоказолар ёрдамида конкретлаштирилади. Шуни таъкидлаш жоизки, муайян кишини унинг аноним социологик паспорти (юқорида келтирилган ва бошқа социал-демографик маълумотлар рўйхатини социологлар «паспортичка» деб аташади) асосида амалда топиб бўлмайди. Бунга зарурат ҳам йўқ. Зеро, фан маълумотлар устида умумий қонуниятлар даражасида иш олиб боради, булар эса чинакам қизиқиш уйғотади.

Уларнинг конкрет ифодаловчилари — ўрганилаётган турли гуруҳлар аъзолари: оила, коллектив, бирлик, миллат ва ҳоказолар фаолиятига оид фикрлар мавжуд. Барча айрим фикрлар анкеталар, сўров варақлари, мусоҳаба ва суҳбатлар бланкаларида қайд этилади. Бу — кейинги таҳлил учун ҳужжатли негизлардан биридир.

Лекин бу мураккаб ишнинг шунчаки ташқи кўриниши холос. Мураккаб математик методлар ёрдамида ҳисоб-китоблар қилинади, социолог уларга мувофиқ ҳолда аҳолининг фақат муайян вакиллари фикрини ўрганади. Тадқиқот давомида аёллар, эркаклар, турли миллат, ёш, касб ва ҳоказоларга мансуб кишиларнинг қатъий белгиланган миқдори сўраб чиқилиши керак. Дарвоқе, бир ярим-икки минг кишини сўраб чиқиш асосида барча аҳолининг фикри ҳақида қандай қилиб хулоса чиқариш мумкинлигини ҳамма ҳам тушунавермайди. Лекин узум нордон ёки ширин, уруғли ёки уруғсиз эканини аниқлаш учун бутун бир бош узумни ейиш шарт эмас-ку, ахир. Ёки, ҳовлига қараб табиатнинг бир қисмини кўрган ҳолда, об-ҳаво ҳақида хулоса чиқарамиз-ку. Танлаб олиш методи етарлича аниқ ва ишончли, у кўп вақт ва маблағ талаб этмайди. Бемор қонининг бир неча томчисини анализ қилиш орқали унинг бутун қон системаси ҳолати ҳақида хулоса чиқарадиган шифокорга ўхшаб, социолог ҳам қатъий илмий ҳисоб-китобларга мувофиқ ишлаб, танлаб сўраб чиқиш ёрдамида умуман жамоат фикрини аниқлаши мумкин.

— Республикамиздаги жамоат фикрининг ҳолати ҳақида хулоса чиқариш учун ўзбекистонлик қанча кишидан сўраш лозим бўлади?

— Атиги 1700 кишидан. Ўзбекистон аҳолисининг демографик тузилишига мувофиқ 840 эркак ва 860 аёлдан сўраб чиқиш лозим. Сўраб чиқилувчилар орасида 1207 ўзбек, 140 рус, 80 тожик, 70 қозоқ, 40 татар, 36 қорақалпоқ ва бошқалар бўлиши керак. Аҳолининг таркибига мувофиқ бўлиши учун сўраб чиқилувчилар орасида 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Территориал омилларни ҳисобга олганда Андижон областидан 148, Қашқадарё областидан 137, Бухоро областидан 139, Самарқанд областидан 195 кишидан сўраб чиқиш лозим. Сўров пайтида эса жами бир неча ўнта социал-демографик параметрлар

ҳисобга олиниши керак. Бу етарлича мураккаб илмий-ташкилий вазифа бўлиб, унинг ҳамма босқичлари бекам-кўст бажарилиши шарт.

Ахборот тўплаш сифати, аввало социологлар (интервью олувчилар, анкета тарқатувчилар) билан сўраб чиқилувчилар ўртасида самимий муносабат ўрнатиш принципиал аҳамиятга эга. Сўраб чиқилувчилар (социологияда улар респондентлар дейилади) саволларни аниқ тушуниши ва муфассал ишонтирарли жавоб беришлари керак. Мулоқот сўраб чиқилувчи афзал кўрган тилда бўлиши шарт. Респондент ўзбекча жавоб бературиб, сўнгра русчага ўтиб кетган, ёхуд аксинча бўлувчи ҳоллар оз эмас.

Анкета йиғувини тугаллаб, ўз параметрларига кўра сўраб чиқилганлар контингентининг математик модели тўпланган маълумотлар мажмуидан фарқ қилиши-қилмаслигини аниқлаш зарур. Ҳар қандай четга чиқишларга йўл қўйиб бўлмайди. Агар, айтайлик, студентлардан кўпроқ киши сўралган бўлса, қилинган таҳлил ҳам якунда студентлар томон «оғади». Шу сабабли социологлардан тўпланган анкеталар бутун мажмуини пухта таҳлил этишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Тадқиқот технологияси олинган ахборотни электрон-ҳисоблаш машиналарига (ЭҲМ) солишни тақозо этади. Бу иш ҳам махсус ишлаб чиқилган математик программа бўйича қилинади. Масалан, детерминацион анализ методлари туфайли дисплей экранида сифат жиҳатдан янги билим пайдо бўлади. Электрон-ҳисоблаш техникаси у ёки бу социал бирлик учун қандай фикрлар хослигини, у ёки бу қарашлар учун социал база қандайлигини аниқлайди.

Шундай қилиб, тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш, социологик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш зарур босқичлар бўлиб, ахборот улардан ўта бориб, тугалланган кўриниш касб этади.

— Ўзбекистонда жамоат фикрини сўраш системаси барпо этилганлиги хусусида сўзлаш мумкинми?

— Афсуски, бу — келажакнинг иши. Бундай система амал қилиши учун республиканинг барча областларида таянч социология марказлари бўлиши керак, улар эса ҳозирча йўқ. Зотан, аҳолидан сўраб чиқиш «корхоналари» ягона методологик негизда иш олиб бориши керак. Бундан ташқари, юқори малакали мутахассислар зарур, уларни тайёрлашга мамлакатда энди киришилди.

— Лекин республикамизда социологик тадқиқотларни ташкил этиш муаммоларини амалий ҳал этишнинг қандайдир тажрибаси бордир?

— 1989 йил августида Ўзбекистон Компартиясининг Тошкентдаги Бектемир район комитети (илгариги Наримонов шаҳар партия комитети) қошида жамоат фикри хизматининг филиали барпо этилди. Райондаги бир қатор ташкилотларнинг социал-психологик тадқиқотлардан манфаатдорлиги бунга сабабчи бўлди. Партия комитети уларнинг тематикасини белгилашда ёрдам берди. Шартномалар тузилди, ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш ишига уч нафар мутахассис киришди. Улар ишининг баъзи бир якунларини чиқариш мумкин.

Ўтган бир йил ичида 15 та социологик тадқиқот ўтказилди: райондаги ижтимоий-сиёсий вазият ва миллатлараро муносабатларнинг ҳолати, партия ташкилотларининг пешқадамлик ролини ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари ва ҳоказолар таҳлил қилинди. Райком бюроси мажлисларига аналитик маълумотномалар тайёрлана бошлади. Масалан, район соғлиқни сақлаш бўлими фаолиятини қараб чиқиш арафасида социологлар бектимирликлардан уларга касалхоналар, поликлиникалар, дорихоналарда қандай хизмат кўрсатилаётгани билан қизиқдилар. Бундай тадқиқот материаллари билан танишиб чиққан бюро аъзолари, авваллари бўлганидек, маълумотнома тайёрловчи айрим аппарат ходимларининг эмас, балки юзлаб кишиларнинг фикрларидан хабардор бўлдилар. Бу эса, шубҳасиз, виждонан ишлашга, кишиларга инсоний муносабатни йўлга қўйишга, улар ишончини қозонишга ёрдам беради.

Хўжалик ҳисобидаги 1-автотранспорт корхонасида руҳий-эмоционал енгиллашиш кабинетининг очилиши социологларнинг Бектемир районидаги ишининг яна бир хайрли якуни бўлди. Кабинет видеомагнитофон, рангли ёритиш системаси, айланувчи креслолар, замонавий аппаратура билан жиҳозланди. Сеанслар илк бор ўзбек тилида ўтказила бошланди. Бунгача салкам бир йил АҚШда таҳсил олган, Жамоат фикри хизматининг психологи Жаҳонгир Мавлоний бу се-

ансларни олиб бормоқда. Унинг сеансларида ҳайдовчилар тамаки ва алкоголдан қутулиш хусусида маслаҳатлар оладилар, ўзаро муносабатлар маданиятини ўрганадилар, организмнинг рейслар олдидаги психологик характеристикасини яхшилайдилар...

Жамоат фикри хизмати филиали фаолиятининг якунлари Бектемир район партия комитети бюроси мажлисида қараб чиқилди. Талабчанлик билан муҳокама қилингач, у маъқулланди.

«Ўртача» тадқиқотни одатда 15—20 киши ўтказиши керак. Бектемир районида қандай қилиб уч киши ҳаммасини уддалаяпти? Гап шундаки, бевосита районнинг ўзида тадқикот дастурларини келишиб олиш, социал-демографик маълумотларни таржима қилиш, тўплаш ва тайёрлаш, интервью ва суҳбатлар бланкаларини кўпайтириш, анкета тарқатиш амалга оширилади. Сўнгра эса тадқиқот жараёнини демографлар, социологлар, психологлар, программа тузувчилар, аналитиклар Жамоат фикри хизматининг ўзида марказлаштирилган тартибда давом эттирадилар.

— Тадқиқотларни бундай ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан олганда фойдалими?

— Ҳа. Ҳар бир тадқиқот деярли икки баравар арзонга тушади. Бунинг устига буюртмачи ролидаги корхона ва ташкилотлар социологик тадқиқотларнинг зарур натижаларига, район партия комитети, район Совети президиуми, район ижрокоми эса аналитик материалларга эга бўладилар.

Фикримча, бундай ёндашиш яхши истиқболга эга. Хизматимиз Куйбишев, Октябрь районларида, Тошкентнинг бошқа районларида ўз бўлимларини ташкил этмоқда. Жамоат фикрини ўрганиш бўйича область марказларини ташкил этишнинг имкониятлари қидирилмоқда.

— Хизматингиз билан айрим меҳнат коллективлари ҳамкорлик қилиши мумкинми?

— Бундай ҳамкорлик бошланди ҳам. Мисол учун, Тошкентдаги «Средазгипроводхлопок» институти билан шартнома имзоланди. Бир йилга мўлжалланган иш режасига 20 дан ортиқ мавзу киритилган. Уларда маъмурият, партком, меҳнат коллективи кенгаши, профком, комсомол комитетининг таклифлари ҳисобга олинган.

Институтда социологик лаборатория ишлай бошлади. Бир ярим минг аъзолик коллективнинг конкрет шароити учун ишлаб чиқилган методика бўйича 400 га яқин ходимдан сўраб чиқилмоқда. Дастлабки социал-психологик тадқиқотлар кўпроқ ахборот-билиш характерида бўлди. Зеро, коллектив анкеталарга, сўров варақаларига, интервью ва суҳбат бланкаларига «кўникиши» керак эди. Ишга бўлган муносабат, дилкашлиги, руҳий зўриқиш омилларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Олинган ахборот институтдаги психологик вазиятни яхшилашга доир бутун бир туркум тадбирларни йўлга қўйиш имконини берди. Кейинги тадқиқотлар кўпроқ амалий тус касб эта борди. Сўровларнинг натижалари директор ҳузуридаги ишлаб чиқариш кенгашларида, партком мажлисларида, партия йиғилишларида кўрила бошланди. Социологик ахборот бошқарув қарорларини қабул қилишда таъсирчан омилга айланмоқда.

— Булар институтга қанчага тушмоқда?

— Бу ерда социологик тадқиқотларни ташкил этиш ҳам энг тежамкор ёндашувларга асосланган. Чунончи, СССР Фанлар академиясининг Социология институти бир тадқиқот қийматини 6—7 минг сўм деб белгиласа, бир қатор ташкилий-иқтисодий ечимлардан фойдаланиш натижасида «Средазгипроводхлопок» институтида бир тадқиқотнинг сарф-харажати атиги 1400 сўмни ташкил этди. Тўғри, ЭҲМ ва кўпайтириш сарфлари билан биргаликда бу сумма икки минг сўмга етади, лекин бу ҳолда ҳам у социологлар орасида ғоятда оз деб ҳисобланади.

— Тадқиқот қийматини бу қадар кескин камайтириш хўжалик ҳисоби шароитида ишлаётган Жамоат фикри хизматининг коллективи учун фойдалими?

— Айни шу сабабли ҳам фойдали. Зеро, буюртмачилар сифатли ва тезкор иши учун бунчалик арзон хақ оладиган социологларни яна бошқа жойдан топиши даргумон. Бу эса буюртмалар барқарор бўлишини таъминлайдики, биз бундан, шубҳасиз, манфаатдормиз.

Шу билан бирга социологик бўлинмаларни тузиш чоғида ўзига хос «коллек-

тивлаштириш» хавфидан огоҳлантирмоқчиман. Социологларнинг тадқиқотлари ғоят нозик иш бўлиб, астойдил, синчиклаб ишлашни талаб қилади. Унинг учун дипломли кадрлар, компьютерлар, транспорт, алоқа воситалари, кўпайтирувчи техника, зарур маблағ билан таъминлаш кифоя қилмайди. Социологлар коллективини оркестрга қиёс қилиш мумкин, ундаги ҳар бир чолғу сохта ўйнамаслиги шарт.

— Жамоат фикрини ўрганишнинг негизини нима ташкил этади?

— Тадқиқотчилар эътибори аввало унинг социал-иқтисодий жараёнларни бошқариш учун фойдаланса бўладиган конкрет йўналишларини тушунишга жамланиши керак. Бошқача айтганда, биринчи навбатда унинг амалий фойдасини ўйлаш керак, тадқиқотнинг бутун боришига муфассал таъсир кўрсатиши лозим. В. И. Ленин огоҳлантирганидек, «халқ англаган нарсани тўғри ифодалай олсаккина, биз бошқара олишимиз мумкин». Афсуски, мамлакатимиз бошқарув амалиётида сўнгги пайтда халқ англаган нарсани ҳисобга олмасдан устма-уст қарорлар қабул қилиш авж олди. Алкоголга қарши кампания бунга ёрқин мисол бўла олади, у мамлакатга ўнлаб миллиард сўмга тушди. Гап шундаки, эзгу мақсадга халқни ғазаблантирган методлар ёрдамида эришишга уринилди. Аввалига бу мақсадга эришиш борасидаги жамоат фикри ўрганилиб, сўнг шунга мувофиқ ҳаракат тактикаси ишлаб чиқилса бўлмасмиди? Шак-шубҳасиз, бу анча арзонга тушарди.

Бошқарувда жамоат фикрини эътиборга олмаслик хўжалик ва маданий қурилиш амалиётига ғоятда салбий таъсир кўрсатаётганига оид мисоллар республикамизда ҳам мавжуд. Хусусан, ўзбек оиласининг анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб қишлоқ жойларда кўп қаватли уйлар қуриш, «Наврўз»ни байрам қилишни тақиқлаш тўғрисидаги қарорлар шулар жумласидандир. Булар юзага келтирган деформацияларни тузатиш энди кўп куч ва ғайрат талаб этяпти.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича жуда масъулиятли қарорларни қабул қилишда ўтмишнинг ана шундай сабоқлари ҳисобга олинадими?

— Республика раҳбарлари аҳолининг бозор муносабатларига ўтишга тайёрлиги хусусида ташвишланмоқдалар ва бунга катта тайёргарлик кўриш зарурлигини айтмоқдалар. Бироқ бозорга ўтишнинг ғоят мураккаб муаммоларини социологик тадқиқ қилиш амалда олиб борилмаяпти. Ҳолбуки, улар бизни бу йўлда кутиб турган тўсиқлардан огоҳлантириши мумкин эди-ку.

Хизматимиз маълумотларига қараганда, масалан, Тошкент аҳолиси сўраб чиқилган қисмининг атиги 2,8 фоизи ўзини бўлғуси иқтисодий ўзгартишлар хусусида чуқур ва ҳар томонлама хабардор деб ҳисоблайди. Бу — реал факт, у билан ҳисоблашмасдан бўлмайди. Кишиларнинг тайёр эмаслиги иқтисодий ислоҳотни анча секинлатириши мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ тушунчаларни ҳали ҳамма маъқуллаётгани йўқ. Масалан, фойдага солиқ солиш (сўралганларнинг 69,9 фоизи томонидан), эркин нарх белгилаш (60,2 фоизи), пул ислоҳотини (55,6 фоизи) маъқуллашмаяпти.

Бозор муносабатларига ўтиш бўйича нафақат мамлакат, балки республика миқёсларида ҳам умумлаштирилган тадбирлар бўлмаслиги керак деб қатъий айта оламан. Иқтисодий шарт-шароити билан жиддий фарқланувчи Болтиқбўйи ва Ўрта Осиёда ислоҳотни бир хил тарзда ўтказиб бўлмайди. Айтайлик, индустриал Тошкент билан чўлқувар Қашқадарё областида амалга ошириладиган ўзгаришлар ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас. Бозор муносабатлари шароитида партия ва совет органларининг иши ҳам аввалгидек қолиши мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси у ёки бу шаҳар ва районларда яшовчи, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишловчи аҳоли турли қатламлари ҳамда гуруҳларининг фикрини аниқлаш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Жамоат фикрини ўрганиш хизматимиз бу йил ёзда ўтказган сўраб чиқишларнинг маълумотлари аҳолининг аксарияти бозор муносабатларини психологик жиҳатдан қабул қилмаётганини кўрсатди. Кишилар унда асосан номатлуб жиҳатларни кўрмоқдалар ва унинг келгусидаги мол танқчиллиги йўқолиши, меҳнат унумдорлиги ва шахснинг ижодий потенциали ўсиши билан боғлиқ ижобий натижаларини яхши тасаввур қилмаяптилар (ёхуд умуман тасаввур қилмаяптилар).

Мисол учун, тошкентлик респондентларнинг баҳоларини олиб кўрайлик: аҳоли кам таъминланган табақаларининг социал ҳимояланиши бўшашади — 47,8 фоиз, чайковчилик, бошбошдоқлик кучаяди — 39,2 фоиз, жиноятчилик оша-

ди — 32,5 фоиз, тадбиркор, ташаббускор ходимлар пайдо бўлади — 22,3 фоиз, пештахталарда яхши моллар кўпаяди — 18,7 фоиз, республика иқтисодиёти тубдан янгиланади — 18,1 фоиз.

Кўриб турибмизки, иқтисодий ислоҳотнинг энг муҳим мақсадларига эришилишига сўраб чиқилганларнинг энг кам қисми ишонмоқда.

— Бундан қандай хулоса чиқарасиз?

— Бозор муносабатлари элементларини жорий этишнинг оптимал суръати ҳамда изчиллигини белгилаш чоғида иқтисодий ҳисоб-китоблар омма онги даражаси билан боғланиши керак деб ҳисоблайман. Кўпчилик аҳоли (ҳеч бўлмаганда, унинг энг фаол, ишчан қисми) томонидан янги молия-кредит, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва социал сиёсат ўзлаштириб олингандан сўнггина босқичма-босқич олға бориши мумкин. Маълумки, бундай ишда ҳаддан ошмаслик керак. Шу сабабли бозорга шошилинч ўтиш, унинг босқичларидан сакраб ўтиш, фикримча, иқтисодиётни барбод этиши мумкин.

— Доим ҳам кўпчилик талаб қилганидек иш тутиш керакмикин?

— Халқ хоҳишига қараб иш тутиш — популизмнинг асосий талабларидан биридир. Лекин тарихдан маълумки, оммага тилёғламалик қилиш сиёсати пировардида ҳалокатга учраши муқаррар. Бунинг устига жамиятимиз, афсуски, шундай ҳолатдаки, бунда ҳар турли пухта ўйланмаган талаблар, ҳаётга истеъмолчилик муносабатининг салмоғи баъзан биринчи ўринга чиқиб қолади. Масалан, сир эмаски, бугунги кунда американлик, швед ёки японлар сингари яшашни, яъни шинам уй, автомобиль, маиший техника, шинам, чиройли мебель, яхши овқат, қулайликларга эга бўлишни хоҳламаган киши топилмаса керак. Лекин кишиларимиз ана шундай юксак унумли меҳнат қилиш ва жаҳон бозори даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёрмикин? Ҳолбуки Японияда «кероси» — меҳнатдан силласи қуриб вафот этиш анча кенг тарқалган. Бизда эса кишиларнинг кўпчилиги цивилизация неъматлари йўқлигидан мунтазам шикоят қилсада, четдан кузатувчи бўлиб тураверади, ҳамма айбни раҳбариятга юклаб, воқелигимизни яхшилашга доир амалий ҳаракат қилмайди.

Хуллас, кўпчиликнинг раъйига қараш ҳар доим ҳам шарт эмас, лекин унинг фикрини эшитиш, ҳисобга олиш — албатта зарур. Бошқарув органлари ўз идоравий манфаатлари доирасидан чиқувчи, лекин кишилар манфаатларига жавоб берувчи дадил қарорлар қабул қилишни ўрганиши керак.

Масалан, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг буюртмасига кўра Тошкетда қарийб 4 минг йўловчидан уларга хизмат кўрсатилиши, ҳаракат составининг иши борасида сўраб чиқилди. Маълумки, маршрутларда автобусларнинг етишмаслиги, автохўжаликлар томонидан уларнинг бутланмаслиги энг кескин муаммолардан биридир. Йўловчиларни ташишдаги кескинликни юмшатиш учун шаҳар кўчаларига қўшимча тарзда юзлаб автобус олиб чиқилиши кераклиги ҳисоблаб чиқилди. Бу янги автобусларни қаердан олиш мумкин? Лекин Жамоат фикри хизмати социологларининг ўша сўрови якунларига кўра пулнинг бир қисмини янги автобуслар сотиб олиш ва улардан фойдаланишга эмас, балки... пиёда юришни, велосипедлардан фойдаланишни тарғиб қилишга сарфлаш лозим деган хулосага келинди.

Гап шундаки, йўловчилар энг кўп бўладиган пайтларда автобусларда 30—50 фоиз кўп одам бўлади. Керакли.автобусни кутишга ўртача 15—20 минут кетади. Автобус бекатлари орасидаги масофа эса ўртача бир ярим километр келади. Ҳар тўрт-беш йўловчидан биттаси автобусда атиги 2—3 бекат юради, яъни автобусни кутишга кетган вақт ичида пиёда бориши мумкин бўлган масофани босиб ўтади, бунинг устига пиёда юриш саломатлик учун — кони фойда. Қисқаси, кишиларни бундай кутишлардан воз кечишга ишонтириш кўп жиҳатдан муаммонинг кескинлигига барҳам беради.

Кўриниб турибдики, социологлар ҳаётимизнинг актуал вазифаларини ҳал этишда турли вариантларни айтиб беришлари мумкин. Афсуски, кўп хўжалик ходимлари, раҳбарлар, бошқарув ходимлари ҳали ҳам серчиқим йўлни — ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техника базаси, маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришни афзал кўрмоқдалар. Иқтисодий фаолиятнинг социал сифати, унинг кишилар эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ривожланишнинг чуқур моҳиятига ва социал жиҳатдан аҳамиятли мақсадларга жавоб беришга қодирлиги эса —

буларнинг ҳаммаси, таассуфки, ҳозирча мамлакатимизнинг бошқарув методлари хазинасидан ўрин олмаган. Шу муносабат билан А. Яковлевнинг «Совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш» деган мақоласидан парча келтириш ўринли бўлади: «Мутахассис бўлмаган кишиларнинг таклифларига худбинларча муносабатда бўлишдан ҳам воз кечиш фойдалидир. Қайта қуриш миллионлаб совет кишиларининг сиёсий изланишини туғдирди. Муаммоларни ҳал этишнинг улар томонидан изҳор этилган таклифлари кўпинча ҳақиқатнинг чинакам олтин мағзи эканлиги, ёндашувларнинг янгилиги ва ўзига хослиги билан, инсониятга кутилмаган кашфиётлар доимо туҳфа қилганидек дунёни ўзига хос идрок этиши билан ажралиб туради» (Коммунист, 1987, № 8, 21—22-бетлар).

— Социологиянинг жамоат фикрини акс эттиришга ҳам, уни шакллантиришга ҳам даъват этилган матбуот билан ўзаро муносабатлари қандай?

— Аввало шундай фактни келтирмоқчиман: АҚШда 30-йилларда юз берган ғоят кучли иқтисодий танглик шароитида «Литерари дайджест» журнали жамоат фикрини ўргана бошлаган эди. Унинг тиражи бирдан жуда ошиб кетди, натижада журнал гуллаб-яшнади. Эндиликда Ғарбнинг бирорта оммавий ахборот воситаси ўз ўқувчиларини кўпайтирар экан, социология хизматлари билан ҳамиша яқиндан ҳамкорлик қилади.

Албатта, ҳамкорликда шакл эмас, балки моҳият муҳим. Ҳар бир нашрнинг ўз ўқувчилари доираси бор. «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталарини ёшлар, «Мухбир» журналини матбуот ходимлари, «Ўзбекистон коммунисти»ни партия активи, «Саодат»ни хотин-қизлар ўқийди ва ҳоказо. Янги шарт-шароитда редакция коллективлари нафақат ўз ўқувчиларини йўқотмасликдан, балки янги ўқувчиларни жалб этишдан ҳам ғоятда манфаатдордир. Бунда ўқувчилар билан қайтар алоқа катта ёрдам бериши мумкин. Редакцияга келадиган хатлар (зеро, улар — боғланмаган маълумотлардир) узоқ муддатли, пухта ўйланган ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш учун асосли, ишончли восита бўла олмайди.

Бунда ўз ўқувчилар доирасининг социал-демографик хусусиятларини, унинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини, нашр хусусидаги фикрларини тадқиқ этишгина ишончли таянч бўлиши мумкин. Агар матбуот органи бутун аҳоли учун ишлашни ўйласа, у жамиятнинг барча қатламлари, барча сиёсий кучлар манфаатларини уйғун равишда ҳисобга олиши керак (бизда ўзининг ақл бовар қилмайдиган тиражи билан Гиннеснинг рекордлар китобига кирган «Аргументы и факты» ҳафталиги ана шундай вазифани уддаламоқда). Кўпчилик нашрларнинг вазифаси эса муайян ўқувчилар доираси учун ахборотнинг зарур воситаси бўлишдан иборат. Лекин улар ҳар бирининг қизиқиш ва кайфиятларидаги асосий жиҳатни қандай қилиб аниқлаш мумкин? Жамоат фикрининг алоҳида моделларини барпо этиш бу вазифани ҳал этишга ёрдам беради. Гарчи бу ишда социолог компьютерлардан фойдалансада, фикрлар системасини қуриш нафақат етти ўлчанган, силлани қуритувчи меҳнатни, балки илмий, ижодий ёндашувни, интуицияни ҳам талаб этади. Бундай материал журналист мушоҳадаси учун қандай бой озиқ беришини тасаввур қилиб кўринг-а! Социологик модель — бу ўзига хос бир компас бўлиб, у жамоат фикри оқимларини аниқ белгилаш, муаммолар «салмоғи» ва уларнинг социал аҳамиятини аниқлаш имконини беради.

— Ҳозир бу компас нималарни кўрсатмоқда?

— Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: Жамоат фикри хизматимиз 1990 йилда сўраб чиққан респондентларнинг 70 фоиздан кўпроғи пропагандада, партия ва совет органлари фаолиятида инсонийлик етишмаслигини, 20,6 фоизи социализм идеалларига ишонч йўқолганини кўрсатди.

Ахборотга бўлган эҳтиёжлар қондирилиши структурасини аниқлаш мақсадида сўраб чиқилганлардан газеталарда, уларнинг фикрича, нима ҳақида «кўп», «етарли», «оз» ёзилаётгани хусусида жавоб бериш таклиф қилинди. Тошкентликлар «Сталин ва сталин даври жиноятларини фош этиш», «гиёҳвандлик, фоҳишалик, жиноятчилик», «мамлакатимиз ютуқлари» сингари мавзуларда ахборот ҳаддан ошиқ кўплигини кўрсатдилар. Улар аксинча «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», «давлат ва партия арбобларининг шахсий ҳаёти», «ҳозирги мактабдаги ишлар аҳволи», «оддий кишилар ҳаёти» масалалари бўйича ахборот етарли эмас деб ҳисоблайдилар.

«Ахборот танқислиги»ни юзага келтирган жиҳатлардан фойдаланиб ва улар воситасида асосий материални бериб, ўқувчилар доирасини сақлаб қолиш ҳамда уларга энг илғор ғояларни етказиш мумкинлигига ишонаман.

Жўшқин давримизда ижтимоий онгнинг тадрижий ривожланишини фундаментал ўрганишга асос солиш ғоятда муҳимдир. Хизматимиз ташаббуси билан 1989 ва 1990 йилларда ўтказилган қиёслама сўровларнинг маълумотлари (фоиз ҳисобида) тошкентликларнинг фикр-кайфиятлари қанчалик тез ўзгараётганидан далолат беради:

	1989 йил	1990 йил
Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш		
яхшиланмоқда	—	0,9
ёмонлашмоқда	89,4	83,0
ўзгармаган	8,7	13,3
жавоб бермади	1,9	2,8
Саноат маҳсулотлари билан таъминлаш		
яхшиланмоқда	—	1,4
ёмонлашмоқда	81,9	89,0
ўзгармаган	12,5	7,8
жавоб бермади	5,6	1,8
Касалхона, поликлиника, дорихоналар иши		
яхшиланмоқда	3,8	3,2
ёмонлашмоқда	45,6	50,0
ўзгармаган	34,4	36,7
жавоб бермади	16,2	10,1
Матбуот, радио, телевидение фаолияти		
яхшиланмоқда	64,4	64,7
ёмонлашмоқда	13,8	11,5
ўзгармаган	9,4	16,5
жавоб бермади	12,4	7,3
Милиция ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти		
яхшиланмоқда	6,2	3,2
ёмонлашмоқда	33,1	33,5
ўзгармаган	44,0	38,5
жавоб бермади	16,7	24,8
Атроф муҳитнинг ҳолати		
яхшиланмоқда	5,6	1,8
ёмонлашмоқда	58,1	71,6
ўзгармаган	16,9	18,3
жавоб бермади	19,4	8,3

Гарчи дастурда кўрсаткичлар анча кўп бўлсада, бу ерда атрофимиздаги воқеликнинг атиги олти соҳасига доир жамоат фикри кўрсаткичлари келтирилди. Лекин шуларнинг ўзидан ҳам жамият кечираётган танглик кишилар идрокида акс этаётганини кўриш мумкин. Жамоат фикрининг ниҳоятда хилма-хиллиги ҳам эътиборни тортади. Ушбу ҳолатда таҳлилнинг социологиямиз томонидан ҳали ўзлаштирилмаган теран йўналишлари яшириниб ётибдики, бу йўналишлар бошқарувнинг таъсирчан қарорларини ишлаб чиқишга олиб боради.

Амалиёт жамоат фикрининг фаолият кўрсатиш қонунларидан инсонпарвар, демократик социализм бунёд этиш йўлида моҳирона фойдаланиш учун кенг омма кайфиятини чуқур билиш, уларнинг турли ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабатини олдиндан кўра билиш нақадар муҳимлигига бизни тобора кўпроқ ишонтирмоқда.

Мусоҳабани «Ўзбекистон коммунисти» журнали редакциясининг иқтисодий ва социал сиёсат бўлими муҳаррири Т. ЛУКЬЯНОВА олиб борди.

А. БЕГМАТОВ

МЕҲНАТ СТИМУЛЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

ЖАМИЯТНИНГ ҳаётий фаолиятида шундай жиҳатлари мавжудки, уларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни ўстириш, халқнинг фаровонлигини ошириш учун муҳимдир. Стимуллар (рағбатлар) ҳам улар жумласига киради. Ҳам илғор, ҳам ривожланаётган мамлакатларда меҳнатга бўлган стимулларнинг ролини тадқиқ қилиш ана шундай хулоса учун асос бўлиб хизмат қилади. Агар илғор мамлакатларда юқори унумли меҳнат ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг таъсирчан стимулларини шакллантиришга катта эътибор берилса, ривожланаётган мамлакатларда (шу жумладан иқтисодий тангликни ўз бошидан кечираётган мамлакатларда) самарали стимуллар системасини барпо этишни назар-писанд қилмаслик номатлуб ҳодисаларнинг асосий сабабларидан бири бўлди.

Мамлакатимизда қарор топган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси иқтисодий рағбатлантиришни эътибордан соқит қилди, ўз моҳиятига мувофиқ келувчи усул: буйруқбозлик ёки команда бериш воситасида ҳаракат қилди. Иқтисодиёт тараққиётини таъминлашда ушбу системанинг ожизлигини англаш жамиятимизни халқ хўжалигини бошқаришнинг унинг гуллаб-яшнашига олиб келишига қодир бўлган шакллари ва механизмларига мурожаат қилишга мажбур этди. Шу сабабли турли даражалардаги Советларнинг сессияларида, илмий конференциялар ва симпозиумларда мамлакат иқтисодиётини танг ҳолатдан олиб чиқиш йўллари ва методларини муҳокама қилиш чоғида хўжалик юритиш иқтисодий методларининг имкониятлари ва, биринчи навбатда, унинг иқтисодий стимуллари қараб чиқилади.

Кишилар фаолиятини рағбатлантиришнинг муҳимлигини уқтириб, М. С. Горбачев олий ўқув юртлари ректорларининг 1990 йил май ойида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида шундай деб таъкидлади: «Тақсимотда тартиб ўрнатарканмиз, биз аввало жамиятимиз ҳаётининг барча соҳасида ижодий меҳнатни рағбатлантириш тўғрисида ўйлашимиз керак. Агар биз жуда яқин вақт ичида вазиятни шу жиҳатдан ўзгартирмас эканмиз, биз миллат сифатида сўна бошлаймиз, бунинг устига-устак, кишилар биздан қоча бошлайдилар, ҳозирданоқ улар кетмоқдалар» (Правда, 1990 йил 14 май). Иқтисодий тангликни бартараф этиш учун меҳнатни рағбатлантиришнинг самарали шаклларини излаш зарурлиги ҳақидаги таклифлар КПСС XXVIII съездида ҳам қайта-қайта изҳор этилди. Бинобарин, стимуллар ва рағбатлантириш муаммоси совет жамиятини қайта қуриш ва янгиланишнинг нафақат назарий, балки чинакам амалий, зарурий вазифаси ҳамдир. Ушбу масалани ҳар томонлама ўрганиш унга нисбатан тарихий ёндашувни қўллашни тақозо этади.

Жамиятнинг моддий неъматлар ишлаб чиқарувчиларга ва уларни бундай қилишга мажбур этувчиларга бўлиниши меҳнатни рағбатлантириш муаммоси-

БЕГМАТОВ Абдуллажон Сирожиддинович, фалсафа фанлари номзоди, Андижон давлат тиллар педагогика институти фалсафа кафедрасининг доценти.

нинг пайдо бўлишига олиб келди. Катта миқдорда маҳсулот ва тегишли фойда олишга интилиш мулкдор синфлар вакилларини бунга қандай қилиб эришиш мумкинлиги хусусида ўйлашга мажбур этди. Бунинг иложи тезда топилди ҳам, қулдорлик жамиятида қуллар сўзловчи меҳнат қуроллари дебгина ҳисоблангани учун улар қамчин ёрдамида силла қуригунча меҳнат қилишга «рағбатлантириларди» (дарвоке, «стимул» сўзининг келиб чиқишини таҳлил этиш унинг дастлаб «қистагич», «хипчин» маъносини билдирганини кўрсатади).

Моддий неъматларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш давомида мулкдор синфлар янги, янада таъсирчан стимулларни яратиш муаммосига тўқнаш келдилар. Улар энг бошидан моҳиятига кўра маъмурий, характери бўйича эса — салбий бўлгани учун қулдорлар ана шу мақсадда ишлаб чиқариш интизомини қаттиққўллик билан кучайтирдилар, уни бузувчиларни янада қаттиқроқ жазоладилар. Шундай қилиб, қулдорлик жамиятида меҳнатни рағбатлантиришни қулнинг жисмоний имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш деб тушуниларди, бу имкониятлар эса, албатта, чексиз эмас эди. Бу муқаррар равишда «қамчин» стимули имкониятларининг тугашига, меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келди; қулдорлик муносабатлари ўз ўрнини феодал муносабатларга бўшата бошлади.

Феодализмда меҳнатдан иқтисодий манфаатдорлик — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг қудратли стимули пайдо бўлди. Лекин иқтисодий стимулларга бўлган ҳақиқий мкёсли эҳтиёжлар капиталистик иқтисодий муносабатлар заминида туғилади: меҳнатни буйруқлар, жазолашлар, бошқа маъмурий методлар ёрдамида номатлуб рағбатлантиришдан бутунлай воз кечилади.

Ишчининг ишлаб чиқариш воситаларининг соҳибларидан ҳуқуқий мустақиллиги, корхоналар ва монополиялар ўртасидаги рақобат стимуллар ва рағбатлантиришни изланишга бўлган эҳтиёжни шакллантирди; бу эса иқтисодий воситалар орқали рағбатлантириш муаммосини назарий мушоҳада этишни зарур қилиб қўйди. Табиийки, иқтисодчилар ушбу вазифани ҳал этишга киришдилар.

Мамлакатимизда ана шу муаммони ишлаб чиқишга 60-йиллар ўртаси — 70-йиллар биринчи ярмида, яъни иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш даврида киришилди. Бир қатор қизиқарли тадқиқотлар пайдо бўлди. Муаммога файласуфлар томонидан қизиқишнинг йўқлиги ва ҳатто маънавий рағбатлантириш масалалари иқтисод фани доирасида қараб чиқилганлиги ушбу даврнинг характерли хусусияти бўлди. Агар илмий тадқиқот воқеликнинг айнан монанди бўлса, унинг ривожланиш мантиқи эса уни ўрганадиган тармоқ доирасидан чиқишга олиб келади. Бошқа томондан, у ёки бу муаммони идрок этишда жамият амалий эҳтиёжларининг ошиши уларни ишлаб чиқишга бошқа фанлар вакилларини ҳам жалб этиш имконини беради.

Муаллифнинг «стимул» нафақат иқтисодий, балки фалсафий категория эканлиги хусусидаги фикри аввало стимуллар ҳақиқатда эга бўлган характеристика ва хоссаларга асосланади. Афсуски, «стимул»ни фалсафий категория сифатида эътибордан соқит қилиш ҳатто шунда кўриндики, унга «фалсафа луғати», «фалсафадан қомусий луғат» ва «фалсафа қомуси»нинг бирорта нашрида жой топилмаган. Стимуллар фалсафага доир дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам йўқ, ҳатто К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларининг предмет кўрсаткичларида уни топа олмайсиз. Ғайритабиий вазият юзага келди: фалсафий ўрганиш объекти бўлиши керакдек туюлувчи маънавий стимулларни ҳам иқтисодчилар ўрганишмоқда. Маънавий стимуллар ҳамда уларнинг моддий стимуллар билан ўзаро алоқаси ҳақидаги асарларнинг аксарияти ҳам иқтисодчилар томонидан ва иқтисод фани нуқтаи назаридан туриб ёзилган.

Стимул ва рағбатлантириш муаммоларининг фалсафада ишлаб чиқилганлик даражасини ҳисобга олиб, уларнинг роли жамиятимизда ҳали тўлиқ идрок этилган эмас деб хулоса чиқариш мумкин. Ушбу муаммо бўйича фалсафий тадқиқотларнинг йўқлиги уларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга, стимулларнинг самарали системасини яратишга, кишиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида ўзаро алоқаси ва унинг оқибатларини ҳисобга олишга тўсқинлик қилади. Бинобарин, стимуллар муаммосини фалсафий идрок этиш — амалдаги стимуллар самарадорлигини ошириш ва янгиларини бунёд этишнинг зарур шартидир.

Дунёдаги обрўли иқтисодчиларнинг стимулларнинг ишламаслиги иқтисодиё-

тимиз танг аҳволга тушиб қолганлигининг асосий сабабларидан биридир, деб ҳисоблашлари бежиз эмас. Чунончи, америкалик машҳур иқтисодчи, Нобель мукофоти лауреати В. Леонтьев «Правда» мухбирлари билан суҳбатда таъкидлаганидек, «совет иқтисодиётидаги ишлар аҳволи кейинги вақтда нохуш эди. Кишиларнинг ҳаёти жуда оғир. Ривожланиш суръатлари секинлашган. Асосийси, стимуллар ишламаган».

Моддий ишлаб чиқариш ривожланишининг суръатлари ва характери стимулларнинг моҳияти ва функцияларини англаш ва улардан амалиётда фойдаланиш даражасига боғлиқ. А. И. Милюков стимулларнинг роли ҳақида шундай деб ёзади: «Социализмда маънавий тақдирлаш билан биргаликда моддий рағбатлантириш ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва унинг самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи марказий воситадир» (А. И. Милюков. Механизм стимулирования роста эффективности труда. М., «Экономика». 1977, с. 3). Бошқа бир муаллиф рағбатлантиришнинг моҳиятини субъектга моддий неъматлар берилишида деб билади: «...моддий неъматларни ходимнинг ихтиёрига бериб қўювчи, унинг меҳнатда фаоллигини оширишга ундовчи онгли собитқадам усуллар моддий ёки иқтисодий рағбатлантиришдир» (Б. М. Сейнароев. План и договор: материальное стимулирование. М., «Юридическая литература», 1989, с.36). Стимулларнинг яна бир таърифи эса бундай: «Моддий ва маънавий стимуллар — социализмда кишиларни меҳнатга жалб этишнинг, уларнинг меҳнатдаги фаоллигини оширишнинг шакллари, метод ва воситаларидир» (Политическая экономия. Словарь. М., 1983, с.224). Бунда, менимча, стимулларнинг ҳаракат қилиш соҳасини фақат социализм билан чеклаш тўғри эмас (улар, маълумки, бошқа ижтимоий формацияларда социализмдагига қараганда кўпинча муваффақиятлироқ қўлланилади). Ушбу таъриф ҳамда бошқа дефиницияларнинг аксарияти стимулларни асосан меҳнат соҳасига татбиқ этади.

Аслида эса стимуллар нафақат инсоннинг ҳаётий фаолияти соҳасида мавжуд. Масалан, жонли организмлардаги муайян жараёнлар уларга нисбатан бўлган ташқи таъсирлар натижасида рағбатлантирилади. Ҳатто анорганик дунёда бир жараёнлар иккинчилари томонидан рағбатлантирилишини кўриш мумкин. Масалан, табиатда платина, ванадий, темир оксидлари сингари кимёвий элементлар ва қўшилмалар мавжуд. Бу элементларнинг олтингугурт оксиди оксидланишига таъсир қилиши билан стимул эффектига эга бўлинади — муайян ҳароратларда платина, ванадий ва темир оксидлари ўзи унга киришмаган ҳолда бу реакцияни анча тезлаштиради. Кимёвий реакцияларнинг кўпчилиги катализаторлар, яъни рағбатлантириш таъсирига киришади.

Психик ҳолатлар ҳам стимулларга дучор бўлади; бунинг устига улар доимо, мисол учун, муайян фармакологик воситалар ёрдамида рағбатлантирувчи ёки руҳан туширувчи муайян ҳолатлар ва жараёнлар таъсири остида бўлади. Чунончи, алкоголь ва наркотиклар бош миянинг фаолиятига таъсир кўрсатади, бир марказларнинг тормозланиши ва бошқаларининг қўзғолишига имкон яратади. Ҳатто сўз ёрдамида кишининг руҳиятига рағбатлантирувчи ёки тескари таъсир кўрсатиш мумкин.

Табиатда, жамият ва инсон руҳиятида стимулларнинг мавжудлиги ушбу категория борлиқнинг умумий, объектив алоқаларини ифодалашини, шу сабабли ҳам унга фалсафий категорияларнинг барча хоссалари хослигини кўрсатмоқдаки, умумлаштиришнинг юксак даражадалиги ана шу хоссалардан биридир. «Стимул» категориясида ҳам нафақат воқеликнинг чекланган соҳасида юз берадиган, балки материяни ташкил этишнинг барча соҳаларида кузатиладиган жараёнлар умумлаштирилган. Таҳлил шуни кўрсатадики, ер юзида рағбатлантириш мумкин бўлмаган жараёнларнинг ўзи йўқ.

Фалсафий категорияларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, улар билиш босқичларидир, яъни муайян ҳодисанинг бошқа ҳодисалар системасида тутган ўрни ва аҳамиятини идрок қилиш ҳамда тушунтириш имконини беради. Шундай нуқтаи назардан олганда, стимуллар кишилик жамияти мавжудлигининг универсал характеристикаси ҳам бўлиб, у уни ташкил этишнинг турли даражаларида: индивидуал, гуруҳавий, синфий, халқ, миллат, умуман жамият даражасида таъсир кўрсатади.

Ушбу категориянинг методологик аҳамияти шундаки, уни фалсафий жиҳат-

дан идрок этиш умумназарий характердаги муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради, зеро уни сиёсий иқтисод, физиология, психология ва бошқа фанларда ишлаб чиқиш ана шу муаммоларга келиб тақалди. Стимулларни ўрганишга у ёки бу даражада дахлдор бўлган фанларда қуйидагича манзара юзага келган: сиёсий иқтисодда асосий эътибор моддий, иқтисодий стимулларнинг моҳиятини тадқиқ қилишга қаратилади; психологияда — индивиднинг стимулларга бўлган реакциясини ўрганишга, физиологияда бу реакцияларнинг моддий субстрати қараб чиқилади. Тадқиқотларнинг муайян даражасига қадар бўлган бундай тарқоқлик ижобий натижаларга олиб келиши мумкин эди, лекин пировардида шундай пайт келдики, энди кенг фалсафий умумлаштирмаларсиз бундан буён стимуллар муаммосини на умумий категория сифатида, на айрим конкрет фанлар доирасида ишлаб чиқиш мумкин. Буни сиёсий иқтисоддаги тадқиқотлар яққол кўрсатди: бунда юзага келган умумназарий муаммолар, шунингдек стимулларни амалиётда қўлланиш самарасининг пастлиги ушбу фан доирасидан ташқарида пайдо бўлган қийинчиликларни бартараф этиш зарурлигидан далолат бермоқда. Масалан, стимулларнинг умумий хоссаларини (уларнинг онтологик характеристикаси шунга киради), ушбу категориянинг фалсафий тушунчалар системасидаги ўрнини, стимулларнинг бу тушунчаси ва типологиясини тадқиқ қилишнинг методологик аҳамиятини аниқлаш. Вазифаларнинг бутун комплексини фалсафа билан табииётнинг мустаҳкам иттифоқидагина ҳал қилиш мумкин.

Реал воқеликда стимуллар ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муносабатларда ҳамда улар ўртасидаги муносабатлар сифатида мавжуд, яъни дунёдаги бирор ҳодиса ҳам ўз ҳолича стимул эмас, балки ўзини бошқа конкрет ҳодисаларга нисбатан стимул сифатида намоён этади. Масалан, XV аср охирида Эски Дунёда олтин энг самарадор ва кучли иқтисодий стимуллардан бири эди. Уни деб эзгу ва қабиҳ ишлар қилинарди. Лекин, маълумки, Колумб Американи кашф этганда, бу қитъа аҳолиси олтинни оддий металл деб билар эди. Бинобарин, олтин муайян муносабатлар натижасида ва ушбу муносабатларнинг намоён бўлиши сифатида рағбатлантирувчи функциялар касб этди. Муайян ҳароратларда темир оксидининг оксидланиш жараёнини жадаллаштирувчи платина ёки ванадий бошқа реакцияларга ана шундай таъсир кўрсатмайди. Улар ҳатто темирнинг оддий ҳароратларда оксидланиш жараёни учун стимул бўла олмайди. Бинобарин, стимуллар хоссаларини шакллантириш учун ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни стимулларга айлантириш имконини берувчи муайян шарт-шароит талаб қилинади. Конкрет шарт-шароит ҳисобга олинмаса, бу муносабатлар стимул бўлмай қолади.

Стимулларнинг иқтисод фанида қабул қилинган иш ҳақи, моддий тақдирлаш ва ҳоказо шаклларини оладиган бўлсак, улар ҳам ўз ҳолича стимул бўла олмайди. Биринчидан, ҳар қандай иш ҳақи меҳнатга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатавермайди. Масалан, дунёдаги меҳнат ресурслари ортиқча бўлган регионларда трансмиллий корпорациялар ходимларига тўланадиган паст даражадаги иш ҳақи ишлаб чиқаришнинг ўсишига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, лекин иш кучи тақчил бўлган мамлакатларда жойлашган ана шу ТМК корхоналарининг ўзида ана шу миқдорда тўланган иш ҳақи ундай таъсир кўрсатмайди, аксинча, тескари таъсир кўрсатади. Бинобарин, стимулларнинг ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар сифатидаги шаклланиши ва бу муносабатлар намоён бўлишининиг самарадорлиги конкрет шарт-шароитга боғлиқдир.

Стимулларни муносабатлар воситасида изоҳлаш — уни белгилашдаги аҳамияти катта бўлсада, барибир фақат дастлабки қадамдир. Кейинги қадам — стимулнинг турли типдаги муносабатлардаги ўрнини ва унинг субъектга ҳамда муносабатлар субъектига бўлган муносабатини аниқлашдир. Фалсафада ҳодисаларнинг анчагина миқдори «муносабат» категорияси орқали изоҳланади. Уларга онг, ниъикос, хосса, манфаат, эҳтиёж, асос ва бошқа тушунчаларни киритиш мумкин. Предметлар, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муносабатлар ўз интенсивлиги, йўналганлиги, характери, танланиши ва бошқа кўрсаткичлар билан ажралиб туради. Социал воқеликда дўстлик ва душманлик, эзгулик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, соддалик ва айёрлик сингари зид ҳолатлар ўз моҳиятига кўра кишилар ўртасидаги муносабатлардир.

Стимул субъект билан объект ўртасида муносабатларнинг мустақил шакли

сифатида эмас, балки субъект фаолияти негизида намоён бўлади. Фаолият ҳам ўзининг субъекти ва объектига эга, ўзининг келиб чиқиши ва характерига кўра улар ўртасидаги муносабатларнинг муайян турини ташкил этади. Фаолият субъектнинг эҳтиёжларини: моддий, биологик, маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида юзага келади. Унинг интенсивлиги ва характери бутунлай ва тамомила бу фаолиятни туғдирган эҳтиёжларнинг интенсивлиги ҳамда характери билан ва у йўналтириладиган объектнинг хоссалари билан белгиланади. Эҳтиёжларнинг ривожланиши, кучайиши фаолиятни рағбатлантиришга олиб келади.

Стимулларнинг инсон фаолияти билан алоқасини баъзи муаллифлар таъкидлаган. Масалан, Л. П. Буеванинг фикрича, «стимуллар — инсон фаолиятининг иқтисодий, социал-сиёсий ва бошқа соҳаларига киритилган ва фаолиятнинг ташқи қўзғатувчилари бўлиб майдонга чиқувчи турли объектив омиллардир» (Л. П. Буева. Личность и ее социальная деятельность. В кн. Очерк методологии познания социальных явлений.— М., 1970, с.202). Л. П. Буеванинг стимуллар кишининг фаолиятига киритилган деган таъкидига қўшиларканман, унинг қолган мулоҳазаларига (стимуллар — объектив омиллардир, улар — фаолиятнинг ташқи қўзғатувчиларидир) қўшилишим қийин. Гап шундаки, объектив омиллар объект ва субъектнинг муносабатларидан, шу жумладан субъектнинг хусусиятларидан ҳам мустақил ҳолда мавжуддир. Стимуллар эса субъект ҳолатининг хусусиятлари ва объектнинг хоссалари асосида пайдо бўлади. Стимулларнинг фаолият ташқи қўзғатувчилари сифатидаги характеристикасига келсак, амалиёт ички стимуллар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда, бунинг устига ташқи омиллар кўпинча ички қўзғатувчиларга айланиб, стимуллар бўлиб қолади.

Л. П. Буеванинг юқоридаги таърифини таҳлил қилиб, А. Қ. Қодиров уни «стимуллар табиатини кенгайтирилган ҳолда тушунишнинг, уларни инсон фаолиятининг объектив сабаблари билан бир нарса деб тушунишнинг типик мисоли» деб ҳисоблайди (А. К. Кадыров. Деятельность. Познание. Нравственный идеал.— Ташкент, «Фан», 1989, с. 57). Унинг фикрича, «мазмунига кўра «сабаб» ва «стимул» монанд келмайди, «сабаб» ахлоқий хулқ-атвор жараёнига нисбатан унинг гўё объектив детерминати бўлиб чиқадики, у тегишли шарт-шароитда муайян оқибатларни — ахлоқий хатти-ҳаракатларни туғдиради. Стимуллар эса сабабни жадаллаштирадиган, уни гўё ахлоқий ҳаракатга «яқинлаштирадиган», вақт бўйича уни амалга оширишдан олдин келувчи бир нарсадир. Шу маънода олганда реал сабаб билан ахлоқий ҳаракат ўртасида ахлоқий хулқ-атворга восита бўлувчи стимуллар ўрин олади» (ў ш а ж о й д а). Менимча, «сабаб» ва «стимул» турлича тартибдаги ҳолатлардир ва шу сабабли уларни таққослаш уларни чуқур идрок этиш учун сезиларли фойда келтирмайди. Уларнинг туташувига келсак, агар ҳатто А. Қ. Қодировнинг таърифидангина келиб чиқадиган бўлсак, стимуллар жадаллаштириш, «яқинлаштириш»нинг **сабабидир.** Бунда ҳам стимул билан сабаб ўртасида умумий жиҳат кўзга ташланади. «Стимул» объектив реалликлар сифатида мавжуд бўлган ҳодисалар билан жараёнлар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди, лекин фалсафий категория сифатида у абстракция натижасидир. «Ҳар қандай муносабат фақат абстракция йўли билангина баъзи бир алоҳида мужассамликка эга бўлиши мумкин» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 46, ч. 1. с. 84).

Стимуллар муаммоси у ёки бу даражада тилга олинадиган баъзи фалсафий асарларда уларга эҳтиёжлар билан, гоҳида — манфаатлар ва қадриятлар билан бир нарса деб қаралади. Чунончи, А. Г. Здравомыслов ўзининг «Эҳтиёжлар. Манфаатлар. Қадриятлар» китобини қуйидаги сўзлар билан бошлайди: «Ушбу китобда сўз киши фаолиятининг муҳим стимуллари — эҳтиёжлар, манфаатлар ва қадриятлар ҳақида боради» (А. Г. Здравомыслов. Потребность. Интересы. Ценности.— М., 1986, с. 3). Бундай қараш Г. Г. Дилигенскийда ҳам учрайди (қаралсин: Г. Г. Дилигенский. Проблемы теории человеческих потребностей.— Вопросы философии, 1976, № 9, с. 30). Сиёсий иқтисодда эҳтиёж ва стимул икки мустақил категория сифатида ишлаб чиқилади. Фалсафада уларга бир нарса деб қараш, фикримча, файласуфларнинг сиёсий иқтисоддан ажралиб қолганлиги натижасидир.

Эҳтиёжлар муносабатларнинг рағбатлантирувчи функцияси пайдо бўлиши

учун негиздир. Бу эса материя ташкил топишининг ҳам биологик, ҳам социал даражасига дахлдордир. Эҳтиёж индивиднинг бирор нарсани ўзлаштиришга эҳтиёжи билан характерланувчи ҳолати сифатида ўз соҳибини ҳаракатларга уйғотади ва мажбур этади. Фаолият шу тариқа шаклланади. Муҳтожлик қанчалик интенсив бўлса, фаолият шунчалик фаолроқ бўлади. Бунда эҳтиёжнинг стимул билан алоқаси намоён бўлади. Лекин фақат шу негиздагина уларга бир нарса деб қараш мумкин эмас. Фалсафий категорияларнинг мураккаб системаси — фаолият аниқловчилари — орқали эҳтиёжлар стимулларга ўтади.

Инсон организмида, умуман ҳар қандай биологик организмда эҳтиёжлар бир талай. Уларнинг ҳар бири бош мия қобиғининг муайян марказларида жойлашган. Марказий асаб системасида, бош мия қобиғида ушбу паллада организмнинг энг муҳим эҳтиёжини қондириш учун жавоб берадиган марказ доминанта бўлиб қолади, яъни доминантанинг ўзи динамик ҳам, организмда юз берадиган барча жараёнларнинг динамикасини акс эттиради ҳам. А. А. Ухтомскийнинг доминанта назарияси ушбу жараёнларнинг келиб чиқиши ва динамикасини тушунтираркан, бир томондан, эҳтиёжларнинг энг муҳим хусусиятларини, бошқа томондан — эҳтиёжларнинг стимулларга ўтишини тушунишга имкон беради.

Бундай ўтиш, хусусан, мотивларнинг шаклланиши орқали амалга ошириладн. Киши фаолияти мотивлари негизида доимо эҳтиёж ётади. Лекин илмий адабиётларда мотивларнинг эҳтиёжлар билан алоқасини инкор этиш фактлари учрамоқда. Чунончи, В. И. Селиванов таъкидлайди: «Атрофдаги оламнинг таъсири мавжуд эҳтиёжлар билан боғланмаган кўпгина мотивларни туғдиради. Илтимос, талаб, буйруқ, бошқа кишилардан ва атроф муҳитдаги предметлардан келиб чиқувчи турли таъсирлар... инсоннинг ўз эҳтиёжларидан ташқарида ёки ҳатто унга қарши ҳолда жавоб ҳаракатларини юзага келтиради» (Вопросы психологии, 1957, № 3, 11-бет). Эҳтиёжлар билан мотивлар ўртасида бирликнинг мавжудлиги зиддиятлар бўлишини ёки, аксинча: зиддиятлар — бирликнинг тескари томони эканлигини тақозо этади. В. И. Селивановнинг келтирилган фикрида кишиларнинг хатти-ҳаракатлари кишининг эҳтиёжлари ташқарисидаги ва ҳатто унга қарши хатти-ҳаракатлар эканлиги асосланади.

Муайян ҳаётий вазиятларда индивид ўз эҳтиёжларига қарама-қарши иш тутиши мумкин. В. И. Селиванов шундай бир мисол келтиради: бир одам бошқа кишининг илтимосига кўра ҳаракат қилиб, шундай ишга қўл урадики, бу унинг ўзига ҳам маъқул эмас, бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Бунда зиддият бўлиб туюлган нарса аслида хатти-ҳаракат мотиви билан алоҳида олинган эҳтиёж ўртасидаги зиддиятдир. Бир талай эҳтиёжлар мавжуд бўлганда, табиийки, улар ўртасида тафовут ҳам, зиддият ҳам юзага келади. Бир эҳтиёжга зид келувчи нарса бошқасига зид келиши шарт эмас.

Бунда шундай савол тугилади: нима учун индивид доим ҳам бошқа кишиларнинг илтимосларига асосан иш тутмайдию, мисолда келтирилганидек, ҳар ҳолда шундай иш тутди? Ёки, нима учун у ҳамма кишиларнинг эмас, балки фақат айрим шахсларнинг илтимосларини бажаради? Бу ерда биз киши ҳаракатларида танлаш намоён бўлишини кузатамиз. У одатда ўз истаклари ва эҳтиёжларига зид ҳолда, лекин бошқа шахснинг таъсирида (илтимоси ёки буйруғи бўйича) ҳаракат қилган ҳолларда унда, эҳтимол, унчалик мақбул бўлмаган, нуқул ана шу эҳтиёжлардан келиб чиқувчи ҳаракатлар қилишга ундовчи янги эҳтиёжлар пайдо бўлади. Сукротнинг гўнг солинган сават гўзалдир, зеро у фойдалидир, деган машҳур иборасида индивиднинг эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятни кўрамиз. Соф эстетик тасаввурлар ахлатга салбий баҳо беришни талаб этади, лекин унинг амалий хусусиятлари (ўғит сифатида) ижобий баҳо беришни тақозо этади. Бинобарин, бегоналарнинг илтимоси (буйруғи) бўйича ёки бошқача таъсири остида қилинган хатти-ҳаракатлар бутунлай номақбул бўлиши мумкин, лекин улар шу пайтда индивид учун фойдалидир, бу эса унинг ҳаракатларини рўёбга чиқаради, уларни рағбатлантиради.

Моддий эҳтиёжларга зид келувчи нарсалар маънавий эҳтиёжларга мувофиқ келиши мумкин ва аксинча. Бу диалектик зиддиятни ҳисобга олмасдан туриб кишиларнинг баъзан уларнинг хоҳишларига ва муайян эҳтиёжларга зид ҳолда амалга оширадиган хатти-ҳаракатларини изоҳлаш қийин. Индивиднинг баъзан унинг хоҳишларига ва эҳтиёжларига зид ҳам келувчи ташқи омиллар таъсирида

қилган хатти-ҳаракатига истисно эмас, балки кўпроқ қонуний бир ҳол деб қараш керак. Кишини фаолиятга ундовчи нарсаларнинг ҳаммаси унинг боши орқали ўтиши керак. Шу сабабли ташқи оламнинг кишига таъсири кўпинча унинг ҳаётий фаолиятини қўзғатувчи мотивлар, стимуллар бўлиб майдонга чиқади (қаралсин: К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 21, с. 290).

Стимул киши фаолиятининг яна бир аниқловчиси — манфаат билан чамбарчас ўзаро алоқададир. «Стимул» категориясининг нуқул иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилиши оқибатида унинг фақат моддий-иқтисодий компонентларигина тадқиқ этилди, унинг маънавий «таркибий қисмлари» эса иккинчи ўринга суриб қўйилди; биологик, психологик, физиологик ва социал стимулларнинг бутун бир комплекси эса умуман ўрганилмади ҳам. Стимулларнинг моҳияти тўғрисида ҳам моддий (соф иқтисодий) стимулларнинг хоссалари асосида хулосалар чиқарилди, бу эса бу хусусиятларни умуман стимулларнинг хоссалари сифатида талқин этишга олиб келди. Чунончи, иқтисодчиларнинг аксарияти стимулларни манфаатларни англаш (қаралсин: Экономические интересы в условиях развитого социалистического общества.— М., «Высшая школа», 1975, с. 13) ёки моддий манфаатдорлик (қаралсин: В. В. Радеев. Экономические интересы при социализме.— М., изд-во МГУ, 1971, с. 79) деб изоҳлаган. Бунинг устига стимулларни моддий манфаатдорлик билан бир нарса деб тушунган муаллифлар ҳам манфаатдорликни англаш моментини таъкидлаганлар. Ҳолбуки стимуллар умуман англанмаслиги мумкин. Масалан, биологик стимуллар одатда англанмайди. Шифокорлар бизга ёзиб берадиган дориларнинг кўпчилиги ҳам организмда муайян жараёнларни рағбатлантиради, лекин биз уларни англамаймиз. Ниҳоят, бир қатор моддий стимуллар англанмаслиги мумкин, ёки улар англанса ҳам стимуллар сифатида англанмайди.

Стимулларнинг хоссалари ҳақида бир-бирига монанд бўлмаган тасаввурлар ушбу категорияни ишлаб чиқишга файласуф ва иқтисодчилар турли ёндашувларининг натижасидир. Моддий-иқтисодий стимулларнинг хоссаларини изоҳлашда иқтисодчилар анча илгарилаб кетдилар, стимулларнинг моҳиятини фалсафий идрок этиш эса жуда орқада қолди. Стимулларнинг бошқа категориялар — киши фаолияти аниқлагичлари (эҳтиёжлар, манфаатлар, мотивлар, мақсадлар) билан ўзаро алоқадорлигини ўрганиш улар бу аниқлагичларнинг фаолиятга ўтишини таъминлашини кўрсатмоқда. Эҳтиёжлар, манфаатлар, мотивлар ва мақсадлар фақат стимуллар орқали ва стимулларга айланибгина ҳаракатга айланади. Бу эса ушбу муаммони илм-фан барча тармоқлари вакиллари томонидан назарий идрок этиш зарурлигини яна бир бор кўрсатади.

ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

БУГУНГИ КУНДА совет кишиларининг социал-сиёсий фаоллиги беқиёс юксалди, уларнинг ижтимоий онги «турғунлик уйқусидан» уйғонди. Меҳнаткашларнинг жамият ҳаётида фаол ва ҳамма ерда иштирок этиши омманинг, ҳар қайси алоҳида шахснинг сиёсий маданиятини ривожлантириб боради. Бу нарса демократиялаштириш жараёни, ошкораликнинг ривожланиши билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Инсон ҳуқуқларининг кенгайтирилишида, жамиятни ўзгартиришда ана шу омилларнинг аҳамияти бебаҳодир.

Жамиятда ошкоралик билан маданиятнинг, шунингдек улар натижаларининг ўзаро боғлиқлиги кўп даражада халқнинг амалий тажрибасига, унинг сиёсий анъаналарига боғлиқдир. Шу жиҳатдан олганда у инсоннинг маданий қадриятларни ўзлаштириш шарт-шароитларига, унинг ўзлигини рўёбга чиқара олиш қобилиятига ҳам таъсир қилади. Айни вақтда ошкораликнинг йўқлиги сиёсий маданиятни емиради, шахсий жиҳат билан ижтимоий жиҳатнинг уйғунлигини бузади, сиёсатга қизиқишни совутади ва одамни ундан бегоналаштиради.

Очиқдан-очиқ танқиднинг бунёдкорлик кучи, менинг назаримда, кишиларнинг улар танқид қилаётган муаммолар тўғрисида, содир бўлаётган сиёсий жараёнлар тўғрисида хабардорлик даражаси билан, шунингдек уларнинг билимдонлиги ва малакаси, шахсий, гуруҳга хос ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштира олиши қобилияти билан белгиланади. Бундан ташқари, танқиднинг самарадорлиги кўп даражада сиёсий системанинг ривожланиши, унинг маданиятга нисбатан бағри кенглик даражасига ҳам боғлиқ. Моҳиятан амалий танқид танқид қилувчининг ҳимоя этилишини таъминловчи муайян кафолатларга, ҳуқуқий нормаларга таяниши керак. Ўз навбатида, мулоҳазалар билдирадиган ва таклифлар билан чиқадиган ҳар бир киши мунозара, баҳслашув маданиятига риоя қилиши лозим. Акс ҳолда ҳамма нарса шахсий ўч олишга ёки тўдабозликка айланиб кетиши мумкин.

В. И. Ленин социалистик қурилиш жараёнида янгича муносабатлар ва принципларни қарор топтиришда сиёсий маданиятнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди. Сталинизм ва турғунлик йилларида социализм назарияси ва амалиёти жиддий бузилганлигига қарамай, ҳатто ўша даврларда ҳам сиёсий маданият кўплаб коммунистлар фаолиятида муҳим роль ўйнади. Шунинг учун яқин ўтмишимизни фақат қора бўёқлар билан тасвирлаш нотўғри бўлур эди: зеро совет жамияти ўша вақтда ҳам муайян муваффақиятлар қозонган эдики, бундан кўз юмиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, ўтмишимизнинг моҳияти бир хилда эмас. Унда ғалабалар билан муваффақиятсизликлар, кашфиётлар билан хатоликлар, нурли ва фожиали жиҳатлар, инқилобий ташаббускорлик, қаҳрамонона меҳнат билан қурбонлар, умид билан умидсизликлар қоришиб кетган. Лекин биз тарихимиздан воз кечолмаймиз. Жамият ва шахс сиёсий маданиятининг ривожи диалектикасини идрок этишда айни шундай методологик ёндашув зарур.

Яқин вақтларгача сиёсий маданият муаммолари жамиятшуносларимиз томонидан тўлиқ тадқиқ этилмай келди. «Сиёсий маданият» тушунчаси фақат эндигина «граждданлик» ҳуқуқини касб этмоқда, илмий-назарий муомалага киритилмоқда.

Сиёсий маданият, Лениннинг таъбирича,— омма ижодиётининг алоҳида тури бўлиб, у жамият моддий ва маънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларига кириб боради. Сиёсий маданиятни эгаллаш социал турмушга доир ҳар қандай масалага умуминсоний қадриятларнинг синфий манфаатлардан устунлигини ҳисобга олиб ёндашишни англатади. Сиёсий маданият нафақат жамият ҳаётининг ҳамма томонларини тубдан ўзгартириш борасидаги фаолиятнинг мақсадлари, воситалари, усулларини тўғри тушуниш, балки қайта қуришни амалга оширишда онгли равишда қатнашиш имконини ҳам беради. Сиёсий онгнинг ўсиши совет кишисининг ғоявий қатъият ва гражданлик етуклиги, социализмнинг маънавий-сиёсий принципларига содиқлик, ўз мамлакатининг соҳиби бўлиш туйғуси, социал фаоллик сингари шахсий фазилатларини, яъни сиёсий маданиятда мужассамланган жамики жиҳатларни рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш билан узвий боғлиқдир.

Бундан ташқари, сиёсий маданият шахснинг умуминсоний, шунингдек миллий маънавий қадриятларни, ўз халқи меросини чуқур ўзлаштиришини ҳам тақозо этади. Халқларимиз минг йиллар мобайнида тўплаган моддий ва маданий бойлик, агар партия ва совет раҳбарияти сиёсий жиҳатдан

саводсиз ва маънавий жиҳатдан қашшоқ кишилар қўлига тушиб қолса, қисқагина вақт ичида йўқ қилиниши ҳеч гап эмас. Тарихда бунга мисоллар оз эмас. Барчамиз Ўзбекистонда мафкура масалалари билан шуғулланувчи собиқ раҳбарларнинг халқ урф-одатларига, анъаналарига, хусусан Наврўз байрамига «муносабати»нинг шоҳиди бўлдик, бу ҳол эса халқ орасида норозилик кайфиятининг кучаювига олиб келди.

Сиёсий маданият ахлоқ, дин, санъат, фан, ҳуқуқий онг ва ҳоказолар билан бир қаторда ижтимоий онгнинг мустақил шаклларидан бири бўлмиш сиёсий онгда назарий-методологик жиҳатдан олганда мужассам ҳолда ўз ифодасини топади. Шахснинг сиёсий тафаккури унинг нафақат моддий маданиятнинг, балки маданиятнинг барча бошқа турлари ютуқларини ҳам пухта ўзлаштиришини тақозо этади. Кўпгина маънавий қадриятлар инсон сиёсий тафаккури шаклланиши ва такомиллашувида, унинг мутахассис ва раҳбар бўлиб етишувида катта роль ўйнайди.

Аҳоли орасида сиёсий билимларни кенг ёйиш сиёсий маданиятни шакллантириш учун муҳим аҳамиятга моликдир. Ҳар бир совет кишиси давлат сиёсатини тушунадиган ва олган билимларини амалда қўллана оладиган ҳолатда бўлиши керак. Бунинг учун, табиийки, мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш, бутун таълим ва тарбия системасини бугунги кун талабларига мувофиқ ҳолга келтириш лозим. Шу ўринда шуни эслаш ўринлики, турғунлик йилларида ҳам кўпгина партия ва совет раҳбарлари, гарчанд олий маълумотли мутахассисларни мумкин қадар кўп миқдорда тайёрлашга эътибор берган бўлсалар-да, олинаётган билимларнинг сифати кўпинча уларнинг назаридан четда қолиб келди. Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларидаги моддий-техник жиҳатдан ёмон жиҳозланганлик, молиявий таъминланишнинг пастлиги, фанни ривожлантиришга доир кўпгина муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги ҳам таълим савиясига салбий таъсир қилди.

Республиканинг область марказларида, кичик шаҳарларида тегишлича моддий-техника ва илмий-кадр базаси бўлмагани ҳолда олий ўқув юртларининг кўпдан-кўп филиаллари очилаверди. Бунинг натижасида улардаги лекция ва амалий машғулотларнинг кўпини малакаси етарли бўлмаган муаллимлар ўтказишди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай аҳвол студентлар таълимига салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Қисқаси, олий ўқув юртларининг ана шу филиалларини битириб чиққанлар, одатда, лозимича назарий тайёргарликка ва зарур сиёсий савияга эга бўлишмади.

Фарғона, Андижон, Бўка ва Паркентдаги воқеалар сиёсий маданиятни шакллантиришдаги салбий жиҳатларнинг яна бир кўриниши бўлдики, аввалига буларга фақат миллатлар орасидаги келишмовчиликлар негизида келиб чиққан ҳодисалар деб қаралди. Уларнинг социал-иқтисодий илдизларига эътибор берилмади. Паркент район партия комитетининг собиқ биринчи котиби ва бюро аъзолари вужудга келган сиёсий вазиятга тўғри баҳо беролмадилар. Оқибатда иш халқнинг милиция билан тўқнашувигача бориб етди, бир неча киши ҳалок бўлди, кўпгина намойишчилар яраланди. Бордию шошилинч чоралар кўрилмаганида, фожиа бутун районга ёйилиб кетган бўлур эди. Умуман олганда Фарғона, Андижон, Бўка ва Паркентдаги воқеалар айрим партия ва совет раҳбарлари сиёсий тўқнашувларни социал-сиёсий нуқтаи назардан теран мушоҳада этиш кўникмасига эга эмасликларини яна бир бор кўрсатди. КПСС МҚнинг 1989 йил сентябрь Пленумида Ўзбекистон Компартияси МҚ биринчи котиби И. А. Каримов таъкидлаганидек, Фарғона областидаги воқеалар аввало кўпгина партия, совет ходимларининг сиёсий жиҳатдан уқувсизлигини, улар фавқулодда вазиятларни олдиндан билиб, огоҳ бўлишга ноқобиллигини, воқеаларни бошқаришга қодир бўлмай қолганлигини кўрсатди.

Мураккаб қайта қуриш жараёни устида мушоҳада юритилар экан, В. И. Ленинга яна ва яна бир карра мурожаат қилади киши, зеро кўпгина мураккаб ижтимоий мушкулотларни билиш ва ҳал этиш методологиясини ундан топиш мумкин. У коммунист раҳбарлардан халқнинг, миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига зўр эътибор қилишни, ҳамма саволларга дангал жавоб беришни ҳаммадан кўра кўпроқ талаб қилар эди. «Очиқ сиёсат,— деб таъкидлаган эди В. И. Ленин,— энг яхши сиёсатдир. Принципиал сиёсат — энг амалий сиёсатдир. *Фақат* шундай сиёсат... омманинг ишонч ва ихлосини чинакам ва батамом қозона олади» (Тўла асарлар тўплами, 14-том, 335--336-бетлар).

Демократиялаштириш фақат социал-сиёсий ташаббуслар ранг-баранглигигагина эмас, балки турли норасмий уюшмаларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди. Норасмий уюшмаларнинг пайдо бўлиши тўпланиб қолган социал ва маънавий куч-қувват билан боғлиқдирки, хўжалик юритишнинг, ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг аввалги шакллари унинг рўёбга чиқишига имкон бермай келган эди. Норасмий уюшмаларнинг кўпчилиги учун долзарб социал, иқтисодий, экологик ва бошқа хил вазифаларни зудлик билан ҳал этишга интилиш хосдир. Республика партия ташкилоти норасмий уюшмаларнинг кўпгина талаблари тўғри эканлигини, уларнинг партия ҳаракат дастури билан ҳамоҳанг эканлигини тан олишга ўзида куч топиб, ўзининг сиёсий маданиятини намоён этди. Бу эса пахта яккаҳокимлиги, болалар ўлими, ишчилар синфи миллий отрядини шакллантириш, аҳолини иш билан, ер би-

лан таъминлаш, давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилиниши ва бошқа нарсалар билан боғлиқ муаммолар, гарчанд қисман бўлса-да, лекин ҳар ҳолда ижобий ҳал этилишига йўл очиб берди, бу эса, шубҳасиз, республикада социал ва мафкуравий вазиятнинг соғломланишига кўмаклашди.

Бироқ баъзи бир норасмий уюшмалар (масалан, «Самарқанд», «Сўғдиёна»), уларнинг айрим бошлиқлари амалий ва реалистик ғоя ва мақсадлар ўрнига диний ва миллатлараро адоватни қўзғайдиган ҳаракат дастурларини илгари сура бошладилар. Айни ана шундай ғоявий ва сиёсий жиҳатдан ночор, экстремистик кайфиятдаги тўдалар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисликни узиб бўлмаслигини, жамият ривожининг турли даврлари, босқичларини баланд девор билан бир-биридан ажратиб бўлмаслигини тушуниб етмаяптилар. Бундай сиёсатдонлар баъзан, балки, ўзлари истамаганлари ҳолда, қайта қуриш жараёни учун кераксиз, зарарли ишларни бошлаб берадилар. Бордию улар сиёсий жиҳатдан тажрибасиз раҳбарларнинг ишончини қозонгудек бўлсалар, улар номатлуб хатти-ҳаракатларининг оқибатлари анча оғирлашади.

Идеология, совет ва хўжалик ташкилотлари сиёсий вазиятни назорат қилмай қўйган бир вазиятда авантюристик кучларнинг қўли баланд келиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ижтимоий аҳамиятга молик ҳар бир ташаббусга ўз вақтида сиёсий баҳо бериш ҳозирги кунда асосий талаблардан биридир.

Ижтимоий-сиёсий вазиятдаги ижобий ўзгаришлар янгича сиёсий маданиятнинг шаклланишига ёрдам беради. Фақат бутун ҳаётни демократиялаштириш, халқнинг ўз-ўзини бошқаришининг ваколатли органи сифатида Советлар мақомининг тикланиши мамлакатни турғунлик ҳолатидан олиб чиқишга қодир эканлигини англаб етиш кейинги йиллардаги энг муҳим воқеа бўлди. Сайлов системасининг янгиланиши, жумладан, юқори ҳокимият органларида жамоат ташкилотлари ваколатининг таъминланиши принципиал жиҳатдан янги қоида ҳисобланади. Бу ташкилотлар кўп миқдордаги кишиларни ўз ичига олади, бинобарин, бу ташкилотлар уларга уюшган ҳамма кишиларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган ҳаракат дастурлари билан майдонга чиқишлари лозим.

Турли хил қарашларни таққослаш, таҳлил этиш ва муҳокама қилиш халқнинг сиёсий маданиятини оширишнинг таъсирчан воситасига айланмоқда. Бу нарса кўпгина ташкилотларнинг фаолиятларидаги камчиликларни очиш, уларни фаоллаштириш ва сафларини жипслаштириш, ташаббускор кучларни жалб этиш имконини беради. Ўз навбатида ижтимоий-сиёсий уюшмаларнинг юқори ҳокимият органларидаги ваколати совет сайлов системасининг ленинча принципларини қайта тиклашга ёрдамлашади.

Республикада мунозара клубларининг вужудга келганлиги ҳам кишиларнинг сиёсий фаоллиги ўсганлигидан далолат беради. Уларнинг ишида қатнашув шахснинг сиёсий билимини кенгайтиради, унга содир бўлаётган воқеаларни холис баҳолаш имконини беради.

Идеология муассасалари, хусусан комсомол мунозара клубларини ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Бироқ ҳозирга қадар комсомол комитетлари ёшларни тарбиялашнинг ана шу таъсирчан воситасига лоқайдлик билан қараб келмоқдалар. Масалан, Ўзбекистон ЛКСМ МҚ ҳузурида «Позиция» сиёсий клуби ишлаб турар эди. Бироқ унинг раҳбари А. Саидов бошқа ишга ўтиши биланоқ клуб ўз фаолиятини тўхтатиб қўйди. Республика телевидениесида, Тошкентдаги 4-ҳунар-техника билим юртида шу хилдаги клублар ташкил этилган эди, бироқ улар ҳам айрим раҳбарларнинг лоқайдлигига дуч келдилар.

Ҳолбуки, янгиланишнинг инқилобий жараёни бундай сиёсий мунозара клублари шохобчаларини бутун республика бўйлаб кенг ёйишни катъий тақозо этади. Менимча, ҳар қайси корхона, колхоз ва совхозларда, партия ва комсомол комитетлари ҳузурида уларни очиш мақсадга мувофиқдир. Уларда марксизм-ленинизм асосларини тарғиб қилиш билан бир қаторда халқларнинг тарихи, маданияти, уларнинг интернационал бирлиги муаммоларига, юридик ва сиёсий масалаларга доир баҳслар ўтказилларди; уларда турли тармоқларнинг етакчи мутахассислари, фан ва санъат арбоблари, ҳуқуқшунослар ва амалиётчи ходимлар, норасмий ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин бўлур эди.

Кишилар сиёсий фаоллигининг юксалиши ишлаб чиқаришни, давлатни, барча жамоат ишларини бошқаришда улар ижодий қатнашувининг ўзига хос кўрсаткичига айланади. Айни вақтда сиёсий маданиятнинг ўзи юқори унумли меҳнатда, халқ хўжалиги планларини бажариш учун курашда, ижтимоий-сиёсий фаолиятда фаол қатнашувда намоён бўлади. Агар киши меҳнатда ва жамоат ишида фаол эмас экан, унинг сиёсий маданияти юксак деб бўлмайди.

Вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий вазият ҳар бир кишидан ўз позициясини қайта кўриб чиқишни, барча умумхалқ ва умумдавлат ишларида манфаатдорлик билан иштирок этишини, мамлакат ва социализм тақдири учун шу қадар мураккаб ва муҳим бўлган даврда сиёсий масъулиятини оширишни талаб қилади.

П. ЧЎЛИЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. М. Мўминов номли Фалсафа ва ҳуқуқ институти маданият назарияси секторининг илмий ходими, фалсафа фанлари номзоди.

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ СИСТЕМАСИДА БОШҚАРУВ ТАЪЛИМИ

МАМЛАКАТДА амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсийислоҳотлар пировард натижада меҳнаткашларнинг мамлакатни бошқаришда реал иштирок этишини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни шакллантиришга имкон яратиб бериши керак. Шу сабабли гражданларнинг турли категорияларини бошқарув кўникмаларига ўргатишни ташкил этиш бошқа чоралар билан бирга муҳим чоралардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммони республика матлубот кооперацияси системаси мисолида қараб чиқайлик.

Ўзбекистон ССР матлубот кооперацияси шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ҳамда маданий-маиший турмуш шароитини юксалтиришга ёрдам беришга даъват этилган оммавий ижтимоий-хўжалик ташкилотидир. У 4,1 миллиондан ортиқ пайчини бирлаштиради, республика аҳолисининг салкам 60 фоизига хизмат кўрсатади ва уни бошқарувга жалб этиш шаклларидан бири ҳисобланади. Республиканинг асосан қишлоқ районлари ва кичик шаҳарларида яшовчи колхозчи, ишчи ва хизматчиларнинг кўнгилли кооператив уюшмалари матлубот кооперациясининг негизини ташкил этади.

Меҳнаткашларнинг матлубот кооперациясини бошқарувда иштирок этишини таъминлаш позициясидан туриб, уларнинг алоҳида бошқарув таълими амалга оширилиши керак бўлган қуйидаги категорияларини ажратиш мумкин: пайчилар; оммавий касблар ходимлари ҳамда кооператив ташкилотлари ва корхоналари бошқарув аппарати ходимлари; кооператив ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари. Қуйи (бошланғич) матлубот жамиятлари матлубот кооперациясининг асосий бўғинидир. Бинобарин, бу жамиятлар ишларини бошқаришда пайчиларнинг ҳал қилувчи роль ўйнаши республика матлубот кооперацияси ҳаётини демократиялашнинг асосий шартидир.

Афсуски, бюрократиянинг кучайиши, планни нима қилиб бўлсада бажариш амалиёти, қишлоқ меҳнаткашларига бошқарув таълимини беришнинг илмий асосланган системаси йўқлиги туфайли пайчилар кўпинча ўз матлубот жамиятларига раҳбарлик қилишдан четлаштириб қўйилганлар. Афтидан, ишни улар матлубот жамиятларининг низомларини чуқур ўрганишдан бошлашлари керак бўлади, бунинг учун, масалан, қишлоқдаги ўрта ва саккиз йиллик мактабларнинг ўқув планларига колхозлар, матлубот жамиятлари ва ҳоказоларни бошқариш асосларини киритиш лозим. Бу масалани ҳал қилмасдан туриб пайчиларнинг бошқарувда ғоят фаол бўлишларини таъминлаш қийин, чунки улар, анкета сўровининг натижалари кўрсатишича, ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалда билмайдилар. Бунинг устига, кооператив корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда ходимлари уларнинг фаолиятини назорат қила оладиган «билимдон» пайчилар бўлишидан доим ҳам манфаатдор бўлавермайдилар.

Пайчиларни бошқарувга тайёрлаш чоғида улар томонидан матлубот кооперациясидаги оммавий касблар вакиллари: сотувчилар, тайёрловчилар, ошпазлар, официантлар, кассирлар ва бошқалар иши устидан назоратнинг амалга оширилиши алоҳида эътиборни талаб этади. Пайчиларни бошқарув вазифаларини бажаришга тайёрлаш учёт ва ҳисобот, меҳнат коллективларини бошқариш асосларини, шунингдек ўз ҳуқуқ ва бурчларини ўрганишга асосланиши керак.

Бошқарувнинг кўпгина масалаларини билишнинг тегишли методларини ўзлаштирмасдан туриб ўрганиш мушкуллик туғдиради. Масалан, бошқарувнинг принциплари, функциялари, методларини шакллантириш ақлий фаолиятнинг абстракция, мавҳум нарсадан конкрет нарсага чиқиш, қиёслаш, умумлаштириш ва ҳоказо усулларидан фойдаланмасдан туриб амалга ошмайди. Халқ хўжалигининг социал-иқтисодий система сифатдаги фаолиятини ўрганиш самарадорлиги эса бевосита бошқарув жараёнлари ва ҳодисаларини билиб олишга қанчалик структуравий системали ёндашишга боғлиқдир. Афсуски, ҳозирги таълимда буларнинг ҳаммасига етарлича эътибор берилмайди, бу эса бошқарув ходимларининг тайёрланганлик даражасини жиддий равишда пасайтиради.

Олий ўқув юртлари ва техникумлар ўқув программалари мазмунининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар асосан талабаларни мамлакат халқ хўжалигини бошқариш асослари, унинг айрим тармоқлари ёки меҳнат коллективлари билан таништиришга, яъни умуман бошқарув функцияларини тушунтиришга қаратилган. Менимча, бошқарув фанларини ўқитишдаги тавсифийлик ва декларативликнинг асосий сабаби айни шунда. Мисол учун, кооператив техникумларнинг «Кооператив хўжаликни бошқариш асослари» курси ўқув программаси ва дарслигини олайлик. Унда назарий машғулотлар устун туради (савдо ташкилотчила-

рида улар 160 соатлик таълимнинг 130, товаршуносларда — 71 соатнинг 51, бухгалтер ва планлаштирувчиларда — 60 соатнинг 50 соатини ташкил этади). Ўқув-билиш фаолияти тегишли профессионал-бошқарув топшириқларини бажармасдан фақат материални ўрганишга қаратилган. Чунончи, «район матлубот жамиятлари иттифоқи ва район матлубот жамияти» темасида уларнинг матлубот кооперациясидаги роли ва ўрни, улар бошқарув аппарати структура бўлинмаларининг функциялари ва ҳоказолар баён этилади. Профессионал-бошқарув соҳасидаги тайёрланишга келсак (конкрет район матлубот жамиятлари иттифоқининг бошқарув аппаратини хўжалик фаолиятининг берилган параметрлари бўйича қуриш ва ҳоказо), у таълим жараёнидан ташқарида қолади. Натижада практика маҳалида битирувчилар корхона бошқарув аппаратининг иши мукаммал ташкил этилганми, уни қандай яхшилаш мумкин ва ҳоказо нарсаларни аниқлай олмайдилар. Чунончи, республика матлубот жамиятларининг район матлубот иттифоқига кирувчи 87 раисидан атиги 11 таси бундай масалаларни муваффақиятли бажарди. Албатта, бунда мутахассисларнинг ўз фаолиятларига қандайдир ижодий муносабати ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас.

Лекин ушбу курсга доир амалий машғулотларда ҳам одатда талабаларнинг ўзлари бажариши ўрнига кимлардир бажарган профессионал-бошқарув ишларининг натижалари билан танишишга кўпроқ эътибор берилади. Чунончи, «Меҳнат коллективларини бошқаришни ташкил этиш» темасига доир икки соатлик амалий машғулотда товаршунос-ташкилотчининг хизматга доир инструкцияларини ўрганиш кўзда тутилган, аслида эса битирувчи бундай инструкцияларни мустақил ишлаб чиқа олиши лозим. Яъни бошқарув раҳбар ва мутахассислар фаолиятининг етакчи тури сифатида нафақат ўрганиш, балки бажаришнинг ҳам предметига айланиши керак, бунинг учун ҳеч қандай моддий ва молиявий харажатлар талаб қилинмайди. Назаримда, олий ўқув юртлари ва техникумларда социал-бошқарув фанларини ўқитишдаги декларативлик ҳамда тавсифийликни бартараф этиш учун ҳал қилувчи шарт-шароит ана шундадир.

Ҳозирги вақтда олий ва ўрта бўғин мутахассислари бошқарув таълимининг мазмунини шакллантиришда аспектли ёндашув устун турибди. Бундай ёндашув принцип жиҳатидан мумкин, лекин у бир қатор жиддий камчиликларга эга. Улардан бири шуки, у бўлажак профессионал-бошқарув фаолиятини пухта ўрганишга имкон бермайди, темаларнинг бўлиниб кетишига олиб келади, бу темага оид билимлар эса имтиҳон ёки зачёт топширилгач, кўпинча унутиб юборилади. Шу сабабли кўпинча бир-бирини такрорлайдиган ва талабаларда биргина социал-бошқарув ҳодисасини турлича, баъзан зиддиятли тушунишни шакллантирадиган иқтисодиёт, таҳлил, планлаштириш, учёт ва назоратга доир кўпгина фанлар ўрнига социалистик иқтисодиётни бошқариш бўйича интегратив ўқув предметларини яратиш ғоятда зарур бўлиб турибди. Амалда ҳам бундай «хилма-хиллик» умуман олганда бошқарувнинг яхлит бўлган системасини сунъий равишда ажратиб юборади, чунки тилга олинган компонентлар унинг асосий функцияларидир. Ўйлашимча, ўзининг уч жиҳатида: ижтимоий муносабат, жараён ҳамда раҳбарлар фаолиятининг асосий кўриниши сифатида бир бутун бошқарув ўрганиш предмети бўлиб қолиши керак.

Историзм принципини амалга ошириш бошқарув тарихини олий ва ўрта бўғин мутахассислари бошқарув ходимларини тайёрлаш ўқув планларига киритишни тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, ҳозир устун турган бошқарув таълимига интуитив ва эмпирик ёндашувни илмий-педагогик ёндашув билан алмаштириш керак. Афсуски, республикамизда ишлаётган 14 педагогика фанлари доктори ва 611 номзодидан бирортаси ҳам ҳозирча бошқарув таълимининг мазмунини тадқиқ қилиш билан жиддий шуғулланмаган, бу ҳолни эса нормал ҳол деб бўлмайди.

Совет кишиларини демократия шароитида ишлашга тайёрлаш — ижтимоий фанларнинг асосий вазифаларидан биридир. Бунда педагогика координацияловчи роль ўйнаши керак, лекин, афсуски, уни кўпчилик ҳалигача фақат мактаб фани деб ҳисоблайди. Ғайритабиий аҳвол: оддий ўқитувчидан нафақат ўз ўқув предметини, балки таълим-тарбия жараёнининг мантиқи ва қонуниятини ҳам талаб қилувчи жамият аксар ҳолда дидактик жиҳатдан нолойиқ ўқув программалари ва дарсликларни тузувчи доцентлар, профессорлар ва халқ таълими бошқа ходимларидан эса шу нарсани талаб қилмайди. Мутахассисларни, шу жумладан бошқарув ходимларини ҳам тайёрлаш сифатини ошириш йўлидаги тўсиқлар ана шулар эмасми?

И. ОЛЛОЁРОВ,

Тошкент кооператив техникуми экспериментал дидактика лабораториясининг мудири, педагогика фанлари номзоди.

МУНОЗАРА ДАЛИЛ-ИСБОТЛИ БЎЛСИН

Мамлакатдаги мафкуравий вазиятнинг характерли хусусияти шундан иборатки, дин ҳамда диний ташкилотларнинг жамиятдаги аҳволига нисбатан бўлган қарашлар ўзгармоқда, бунда илдиз отган андоза ва ақидалар емирилмоқда, умуминсоний қадриятларнинг қадрига етилмоқда. Давлат билан диний ташкилотлар муносабатлари соҳасида юз бераётган ўзгаришларни кенг жамоатчилик доиралари асосан маъқулламоқда. Шу билан бирга бундай ўзгаришлар атеистларнинг муайян қисмида кўпинча таажжубланишга сабаб бўлмоқда, зотан улар буларда дин ва диний ташкилотларга ялтоқлик қилинаётганини, аввалги принципиал мавқелардан чекинишни ва ҳатто қандайдир «олий» конъюнктуравий-сиёсий мулоҳазалар туфайли илмий-атеистик ишни йиғиштириб қўйиш белгиларини кўрмоқдалар. Бунда узил-кесил равшанлик бўлиши лозим: динни давлатдан ажратиш тўғрисидаги Декрет борасида ўтмишда мавжуд бўлган бузишларни бартараф этиш чекиниш эмас, балки дин масаласида принципиал ленинча йўлни тиклашдир.

Кейинги йилларда СССРда юз берган ўзгаришлар гражданлик жамияти ўзининг давлат билан мулоқотида борган сари жаҳон цивилизациясининг амалиёти билан кўпроқ ўзаро боғланадиган позицияларни эгаллаб бораётганини кўрсатмоқда. Дин ва диний ташкилотларнинг янги имкониятлари ва янги роли ана шундан келиб чиқади. Бинобарин, динни таг-томири билан тугатиш эмас, аҳоли баъзи бир қисмининг «диний янглишишлари»га «чидаб туриш» эмас, балки ҳар бир гражданнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилиш зарур. Бундай тенденциялар мулоҳазаларда бир ёқламалилик, чўрт кесишдан воз кечишни тақозо этади.

Шуни таъкидлаш керакки, диннинг жамиятдаги аҳволига баҳо беришда гоҳида хорижий исломшунослар, шу жумладан «совет исломи» бўйича мутахассислар ҳам кўпроқ холислик кўрсатганлар. Шу муносабат билан советолог-исломшуносларнинг асарларига муносабатни қайта кўриб чиқиш ғоят актуал вазифа бўлиб турибди. Уларнинг назария ва концепцияларига баҳо беришда андоза ва қолиплардан воз кечиш, уларга нисбатан илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш, ғоят жўн усулдан — мухолифларимизни сохталаштириш, алдамчилик, бузиб кўрсатишларда айбланишдан бутунлай воз кечиш лозим.

Ғарб советологияси ва тарғиботи КПСС ва Совет давлатининг мамлакатда динга нисбатан олиб бораётган сиёсатига ғоятда қизиқмоқда. Диний масалаларга бағишланган материалларда СССРдаги ислом ва мусулмонлар аҳволига каттагина ўрин ажратилади. Совет тартиби, деб таъкидлайди американинг нуфузли «Таймс» газетаси, «исломга қарши йўналтирилган расмий тарғиботга амалда барҳам берди... Ҳозир мусулмонларга бўлган муносабат, бошқа динлар вакилларига бўлган муносабат сингари, «янгича тафаккур»нинг асосий кўрсаткичларидан биридир».

Шу муносабат билан СССРда ислом анъанавий тарқалган минтақа республикаларининг иқтисодиёти, тарихи, маданиятини ёритишга ихтисослашаётган советологик исломшуносликка тўхталмоқчиман.

Объективлик ҳаққи шуни эътироф этиш керакки, ғарблик тадқиқотчилар Совет Шарқи республикаларининг ҳозирги аҳволидан яхши хабардордирлар. Мисол учун, советолог-исломшунослар 80-йилларнинг бошларидаёқ СССРда ислом фундаментализми пайдо бўлганини таъкидлаган эдилар. Бизнинг олимларимиз эса сукут сақладилар ёки ушбу ҳодиса фақат чегарадош мусулмон мамлакатларигагина хос деб даъво қилдилар. Бу ҳол шунга олиб келдики, биз юзага келаётган вазиятга тайёр бўлмадик. Олимларимиз ислом фундаментализмини ўрганишга эндигина киришдилар. Олдинда катта ва машаққатли иш турибди. Менимча, советолог-исломшуносларнинг кўпгина қимматли материал мавжуд бўлган асарларини эътибор билан ўрганиш лозим. Бунда уларни танқидий таҳлил қилиб, таклиф қилинаётган назарияларнинг позитив мазмунини ажратиб олиш муҳимдир. Албатта, бу асарларнинг барчасини объектив деб бўлмайди, улар орасида ғаразли, ғайриилмий нуқтаи назарлар ёритилганлари ҳам бир талай. Буни ҳам ҳисобга олиш керак.

Ижтимоий ҳаётнинг кўпгина параметрларига доир хилма-хил талқинлар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади, зеро ижтимоий-иқтисодий системаларнинг, тарихий тажриба ва анъаналарнинг тафовут қилиши сақланиб қолмоқда. Бинобарин, турли фалсафий қарашлар ва ғояларнинг кураши муқаррардир, лекин энди у ҳозиргача Ғарбдаги баъзи бир консерватив тарғибот марказлари ҳамда советологияни танқид қилишга ихтисослашган кўплаб олимларимиз қилиб келаётганига қараганда янгича, янада юксак даражада олиб борилади. Мафкуранинг ҳаётийлиги у расмий, давлат аппарати ёрдамида ўрнатиладиган ва қўллаб-қувватланадиган мафкура эканлиги билан эмас, аҳолини бошқача дунёқарашлар билан танишишга йўл қўймаслик билан эмас, балки жаҳон ривожланишининг реалликлари, тараққиёт эҳтиёжларига муво-

фик равишда белгиланиши борган сари очиқ-ойдин бўлиб бормоқда.

Ислом фундаментализми тузилмалари Ўзбекистон, Тожикистон территориясида мавжуд. Гарчи кейинги вақтда ўзларини борган сари кўпроқ даражада фаолроқ кўрсатаётган бўлсада, улар ҳалигача кам ўрганилган. Бу ҳаракат тарафдорларини «тикловчилар»— соф ислом курашчилари деб аташ аниқроқ бўлади. У хорижда илк ислом фундаментал принципларининг тикланиши ғоялари таъсирида юзага келган. Рўйхатга олинган дин руҳонийларига кескин салбий муносабатда бўлиш унинг характерли хусусиятидир. Кўпгина советолог-исломшунослар «тикловчилар»нинг ижтимоий ҳаракати энг кўп «сиёсий потенциал»га эга ва ҳозирги ҳукуматга нисбатан «энг жиддий, оппозицион куч»га айланиши, муайян шарт-шароитда янги-янги ихтилофли вазиятлар туғдириши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Ғарблик исломшунослар концепцияларининг кўпчилиги аввало қайта қуришга қадар диний эътиқод соҳасида мавжуд бўлган реал воқелик билан боғлиқлигини ҳам эътироф этишимиз керак. Илгари биз уларнинг ҳар қандай қоидаларини, хусусан, «параллел», «яширин» ислом мавжудлиги хусусидаги фикрни рад этардик. Бугунги кунда бу нарсанинг фаолият кўрсатаётганини бутунлай очиқ-ойдин тан олиш лозим.

Советолог-исломшунослар назарияларининг СССРдаги ислом ва мусулмонлар аҳволи ҳалигача баъзан ғаразли, ғайриилмий ёритилаётган жиҳатларига тўхтаб ўтирмайман. Атайлаб шундай қиляпман, зеро кўп жиҳатлар бўйича туташувнинг муштарак нуқталарини излашимиз зарур.

Ҳозир бизга СССР тўғрисидаги, хусусан, ислом тўғрисидаги номарксистик тасаввурларнинг илгарига қараганда янада чуқур, янада ишонтирарли таҳлили зарур. Ушбу тасаввурларга баҳо беришда бизнинг позицияларимизга қўшилмаслик ва совет сиёсатини танқид қилишнинг ўзи энди антикоммунизм ва антисоветизмнинг намоён бўлиши деб қараб чиқилиши мумкин эмаслигини тушуниш муҳим бошланғич нуқта бўлиши керак. Зеро нокоммунизм, носоветизм антикоммунизм ва антисоветизм билан айнан бир нарса эмас. Коммунистларга шубҳали принципларни, номатлуб интилишлар ва ёмон хислатларни ёпиштириш антикоммунизмни фарқлаб турувчи хусусиятдир. Мухолиф сенинг эътиқодингга ўтади деб умидвор бўлиб, бошқаларга ўз системанг ҳақидаги фикрни тиқиштириш керак эмас. Мафкура соҳасидаги ўзаро кураш шиорлар ва концепцияларнинг олишувигина эмас. У — реал ҳаётни, социал тараққиёт йўлидан ҳаракатни амалга ошириш қобилиятини қиёслашдир. Назарий қарашлар билан амалиётнинг мувофиқ эмаслиги аён бўлиб қолса, ўзаро танқид ҳам тамомила қонуний ҳолдир. Лекин у ҳамкорликни истисно этмайди, бунинг устига, унга ёрдам беришга даъват этилган.

Янгича сиёсий тафаккур шароитида сўз марксча-ленинча мафкура билан бошқа мафкуралар ўртасидаги бундан буёнги ўзаро муносабатлар тўғрисида бориши керак. Социализмни янгилаш, умуминсоний устун жиҳатларни қарор топтириш жараёнлари мафкура соҳасидаги анъанавий мухолифликни бартараф этиш учун шарт-шароит яратади. Гарчи бу ерда қарши кураш сақланиб қолсада, унинг шакллари турли дунёқараш позициялари вакилларининг мулоқоти ва илмий баҳси «психологик уруш» наъраларидан фарқ қилиш даражасида кескин бўлмаслиги мумкин.

Мафкуравий кураш муаммоларига бағишланган китоблар, брошюра ва мақолалар яқин ўтмишда андоза ва қолипларни ясаган ҳамда кўпайтирган, лекин реал муаммо ва зиддиятларни четлаб ўтган. Марксистик танқид принципларининг қадрсизланиши кўп жиҳатдан умуман олганда марксизмга қизиқишнинг пасайишига сабаб бўлди.

Энди қуруқ инкор этиш ўрнини советологиянинг назарий аҳамиятга эга йўналишлари бўйича асос-далилли мунозара олиб боришнинг зарурлигини тушуниш олмоқда. Айни баҳс бизни мафкуравий курашнинг янги даражасига кўтаради. Мунозараларда ўз эътиқодимиз ва қадриятларимизни сақлаб қолган ҳолда конструктив негизни излаш, муайян этикага риоя қилиш, ўзимизнинг бегуноҳ эканлигимизга қаттиқ ишончдан, бошқа томонни албатта бадниятли деб қарашга уринишлардан воз кечиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Таниқли советолог С. Коэн «Совет тажрибасини қайта мушоҳада қиларканмиз» деган китобида шундай деб таъкидлайди: «Совуқ уруш» советологияда шу маънода из қолдирдики, илмий таҳлил ўрнига у асосан АҚШ ҳукуматининг жорий сиёсий вазифаларига хизмат кўрсатишга, маъмуриятнинг халқаро майдондаги хатти-ҳаракатларини тўғридан-тўғри мустаҳкамлашга киришиб кетди. СССРга тааллуқли эски концепцияларнинг кўпчилиги, масалан, Совет Иттифоқида ҳеч қачон ҳеч нарса ўзгармаслиги, у доимо америкаликлар гўё ўн йиллар олдин билганидек қотиб қолган жамият бўлиб қолавериши хусусидаги тасаввурлар совет жамиятидаги ҳаммамиз учун яққол бўлиб кўринган ўзгаришлар томонидан улоқтириб ташланди. Антисовет андоза ва қолиплар емирила бошлади. Мен учун ва менинг авлодим учун СССРга нисбатан ўсиб бораётган қизиқишга бўлган эски жавобларимиз тўсатдан бемаъни бўлиб қолди».

Қайта қуриш очиб берган ошкоралик мудофаачилик, кутиб туриш тактикасига мойил бизнинг жамиятшуносларни ҳам довдиратиб қўйди, уларнинг кўпчилиги ҳозиргача

гангиб турганлиги, партия, совет органлари ва мафкура муассасаларидан фармойишлар кутаётгани ғоятда ибратли ҳолдир.

Мамлакатда советологияга нисбатан кескин бурилиш юз берди. Бу фан намояндалари совет матбуоти, телевидение ва радиосига интервьюлар беришмоқда. Уларнинг китоблари махфийлик белгиси ва чекланишларсиз нашр этилмоқда. Яқин-яқингина ашаддий антисоветчилар деб ҳисоблаб келинган З. Бжезинский ва Ж. Кеннан мақолаларини марказий газеталар босиб чиқаради (Правда, 1989, 11 сентябрь; 1990, 9 январь) деб бир неча йил аввал ким ўйлай оларди! Ёки бошқа мисол. Англиянинг «Гардиан» газетаси 1989 йил 4 июлда ёзди: «Совет Иттифоқи диндорларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги суҳбат учун диний эркинликлар муаммолари борасидаги тўртта энг кучли танқидчини Москвага таклиф қилди. Таклиф АПН томонидан юборилган, унда иложи бўлса Кестон-колледж бош директори Майкл Бурдо ва унинг учта ҳамкасбининг 10 кун муддатга келиши сўралган. Колледж Шарқий Европа мамлакатлари диний ҳаётини ўрганиш билан шуғулланади ва илгари «сохтагўйлиги» учун бир неча маротаба ҳужумларга дучор бўлган».

Табиийки, советологик концепциялар ғоялар курашида муайян роль ўйнайди ва Ғарб оммавий тарғибот органлари мамлакатимизнинг зулматдан иборат салбий қиёфасини яратиш учун қай даражада фойдаланишларига қараб социализмга қарши «психологик уруш»да иштирок этади. Бундан ташқари, бир қатор советологлар матбуот, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда сўзга чиқиб, шу хил андозали мафкуралаштирилган тасаввурларнинг шаклланишига ёрдам берадилар. Таъкидлаш ўринлики, ташқаридан изҳор этилаётган аналитик фикрга қулоқ солмаётган жамият амалда ўз-ўзини билишнинг муҳим қўшимча воситасидан маҳрум бўлади.

Афсуски, мамлакатимизда узоқ вақт мобайнида турли буржуа ғоявий-назарий ишланмалари қониқарсиз тарзда ўрганиб келинди. Оригинал адабиётларни қўлга киритиш қийинлиги, Ғарбдаги тадқиқот марказлари билан алоқа чекланганлиги, хорижий тилларни қаноатланарли билмаслик, материалларнинг махфийлаштириб қўйилганлиги бунга халақит берди.

Қайта қуриш жараёни бошлангунча совет олимлари асосан расмий нуқтаи назарга монанд фикрловчи ёки унга яқин турган хорижий ҳамкасблар билан алоқа қилганлар. Агар бизга қарши фикрловчиларнинг асарларидан цитаталар келтириладиган бўлса, фақат «нoилож эътироф қилиш» мақсадида шундай қилинган. Лекин бу нарса советологлар ҳар қандай асарининг элементидир, ахир. Бусиз мамлакатшунос мутахассиснинг позициясини тасаввур қилиб бўлмайди. «Эътирофлар» билан бир вақтда бизнинг кўпгина ақида ва тасаввурларимизга зид келувчи нуқтаи назарлар баён этилган. Ғарб тарғиботининг материалларида «мақбул келувчи» ғоялар топилмаган тақдирда ҳамма нарса мажбурий тартибда асоссиз даъволар ёрдамида рад этилган. Гарчи айрим қайтариқлар ҳали ҳам мавжуд бўлсада, буларнинг ҳаммаси ўтмишда қолиб кетди. Хусусан, баъзи бир жамиятшунослар ўз умрини тугатган андозалардан халос бўла олмаяптилар, советологларнинг асарларини янги сиёсий тафаккур нуқтаи назаридан туриб мушоҳада қила олмаяптилар ва улар билан асос-далил келтириб мунозарага кириша олмаяптилар. Нима учун бизнинг позициямизни қабул қилмайдиган кишини эътибор бериб ва осойишта тинглаш мумкин эмас? Ушбу фикр ҳеч бўлмаганда унинг мамлакати муайян доиралари кайфиятини ифода этгани учун ҳам шундай қилиш лозим-ку. Зеро рози бўлмаслик тингламаслик, баҳслашмаслик керак деган гап эмас-ку.

Тарғибот ишида кўп нарса ўзгарди. Аввало унга фикрлар хилма-хиллиги киритилди. Кишилар турли позицияларни таққослашлари ва аниқлашлари, мулоҳаза юритишлари мумкин. Лекин бу йўналишда ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Масалан, моҳияти «салбий» ва «ижобий» функцияларнинг бирлигидан иборат бўлган конструктив йўналишни танқид қилиш лозим. Зеро, унинг вазифаси нафақат турли-туман уйдирмаларни рад этишдан иборат, балки у нотўғри талқин этилаётган жиҳатларни позитив акс эттириши ҳам керак.

Советологик концепциялар илмий танқидининг пойдеворини ғоявий мухолифлар билан мунозара қилишнинг ленинча принциплари ташкил этиши керак. Конкрет-тарихий ёндашув энг муҳим методологик талабдир. Танқид объектини танлашга келсак, В. И. Ленин аввало энг қалтис назариялар устида тўхталган, бунда у ё айрим муаллифларнинг асарларини, ёхуд умуман ғоявий йўналишни таҳлил қилган. Танқидда рационал жиҳатнинг эмоционал жиҳатдан шак-шубҳасиз устун туриши ҳам жуда катта аҳамиятга эга. В. И. Ленин ғоявий мухолифларнинг қарашларини холис ифодалашга чақирган, бу эса танқид ҳалол бўлишининг, демак, самарадорлигининг ҳам зарур шартидир. Ниҳоят, қарашлардаги зиддиятлардан фойдаланиш (имманент танқид методи) яна бир ғоят муҳим ленинча усулдир.

Ижтимоий тузумдаги тафовутлар тинчлик йўлида мулоқот учун тўсиқ бўлиб хизмат қилмаслигини тушуниш мафкуравий таъсирнинг аввалги концепцияларини, шакл ва методларини қайта қараб чиқиш чоғида ғоят муҳим мезон ҳисобланади.

К. ИНОЯТОВ,
тарих фанлари номзоди, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали директорининг ўринбосари.

Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси партқўмининг котиби А. Я. Ғаниев редакцияга йўллаган хатида жумладан шундай деб ёзади: «Мамлакатимизда янги ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши муносабати билан бошқа мамлакатларда сиёсий партияларнинг қонуний йўли билан расмийлаштирилиши жараёни тўғрисида маълумот берсангиз».

Журналхонимизнинг илтимосини бажарамиз.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР: ҚОНУНИЙ ЙЎЛ БИЛАН РАСМИЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ

XIX АСРНИНГ иккинчи ярмидаёқ буржуа мамлакатларида сиёсий партияларни юридик қонунийлаштириш кўзга ташланади, тегишли қонун ҳужжатлари пайдо бўла бошлади. Масалан, 1878 йилда Германияда социалистларга қарши фавқулодда қонун деб аталмиш қонун қабул қилинди (1890 йилда бекор қилинган). АҚШда XIX ва XX асрлар чегарасида айрим штатларда партияларнинг сайловларда қатнашиши масалалари регламентга солинган эди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида 17 штатда ана шундай қарорлар мавжуд эди, деярли барча штатларнинг сайлов қонунлари эса у ёки бу тарзда партиялар фаолиятини тартибга солиб турарди.

Бу қонунлар иккинчи жаҳон урушидан кейин кенг қулоч ёйди*. Сиёсий партиялар тўғрисидаги низомлар Италия (1947 йил), Франция (1958 йил), Швеция (1974 йилги бошқариш шакли тўғрисидаги ҳужжат), Греция (1975 йил), Португалия (1976 йил), Испания (1978 йил), Никарагуа (1987 йил), Бразилия (1988 йил) ва бошқа баъзи мамлакатларнинг конституцияларига киритилди. Бунда энг янги конституциялар, одатда, анча кенг қарорларни ўз ичига оларди. Чунончи, Швецияни бошқариш шакли тўғрисидаги Ҳужжатда унинг уч параграфи партияларга, Испания Конституциясида — тўрт моддаси, Бразилия Конституциясида — олти моддаси, Португалия Конституциясида — ўн моддаси партияларга бағишланган. Бундан ташқари, бир қатор давлатларда махсус норматив ҳужжатлар партиялар фаолиятининг айрим жиҳатларига бевосита дахлдордир.

Аслида ҳамма мамлакатларда қонунларда партияларнинг сайлов жараёнидаги иштирокига оид қарорлар бор. АҚШдаги штатларнинг қонунлари алоҳида бир қизиқиш уйғотади, зеро улар партияларнинг ташкил топиши, рўйхатга олиниши, мақоми, ички структурасини батафсил регламентга солиб туради. Мексикада бу хилдаги масалаларни 1977 йилнинг 27 декабрида қабул қилинган сиёсий ташкилотлар ва сайлов жараёни тўғрисидаги Федерал қонун тартибга солиб туради.

Партияларни қонуний расмийлаштириш нуқтаи назаридан олганда ҳамма мамлакатларни уч катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчисига партияларнинг ташкил топиши умуман ҳуқуқ йўли билан тартибга солинмайдиган мамлакатлар киради. Унда партияларнинг барпо этилиши гражданларнинг шахсий иши сифатида талқин қилиниб, эркин бирлашиши асосида амалга оширилади; партия ўзини мавжуд деб эълон қилганлиги учун ҳам ўша партия бор деб ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, ўтмиш асрнинг бу хилдаги либерал анъаналарига амал қилаётган мамлакатлар аста-секин камайиб бормоқда. Ҳолбуки Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия сингари капиталистик давлатлар ана шундай давлатлар жумласига киради.

Иккинчи гуруҳга шундай мамлакатлар кирадики, уларнинг қонунлари партияларнинг бирон-бир давлат органида расмий рўйхатдан ўтказилишини талаб қилмайди. Шу билан бирга ташкилот бундай мақомга компетентли органларга қатъий белгиланган ҳужжатларни топширгандан кейингина эга бўлади. Бундай тартиб, жумладан, ГФР ва Австрияда мавжуд. ГФРда партиялар Федерал сайлов комиссияга ўз дастури,

* Қатор ҳолларда урушдан кейинги қонунлар илк давр низоми тусини олди. Масалан, Веймар республикаси парламентининг фракциялар тўғрисидаги қонуни (гарчи ўша даврда улар фақат партиялар билан боғланмаган бўлса ҳам) айрим ўзгаришлар билан ГФРда қайта тикланди.

устави ва бошқаруви тўғрисидаги маълумотларни (Партиялар тўғрисидаги қонун 6-параграфининг 3-абзаци) топширишлари шарт, комиссия эса сайловда қатнашиш учун кўрсатилган номзодлар ва номзодлар рўйхатларига рухсат бериш масаласини ҳал этишда ҳар бир алоҳида олинган партиянинг ана шундай хислатларга эгалигини (Федерал сайлов қонунининг 18-параграфи) текширишга ҳақлидир. Австриянинг партиялар тўғрисидаги Қонунига мувофиқ «ички ишлар министрлигига уставини тақдим этиш билан сиёсий партия юридик шахс мақомига эга бўлади».

Ҳуқуқий ҳужжатларида партияларнинг турли давлат органларида албатта рўйхатдан ўтказилиши кўзда тутилган мамлакатлар учинчи гуруҳини ташкил этади. Булар маъмурий органлар бўлиши мумкин: Испания, Италия, Францияда — ички ишлар министрликлари, Бельгия ва Нидерландияда — адлия министрликлари, АҚШнинг қатор штатларида — тегишли штатларнинг давлат секретарлари. Баъзи бир мамлакатларда партияларни рўйхатга олиш суд органлари зиммасига юклатилган: Португалияда — Олий суд раисига, Бразилияда — Олий сайлов судига. Кўпгина мамлакатларда партиялар сайлов ўтказиш учун тузиладиган органлар томонидан рўйхатга олинади: Мексикада — Федерал сайлов комиссияси, Ҳиндистонда—Сайлов комиссияси; Швецияда сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 2-параграфига мувофиқ ҳукумат қайси муассаса марказий сайлов органи бўлишини (ҳозирги вақтда — бош солиқ бошқармаси ана шундай муассасадир) аниқлайди. Никарагуадаги партияларни рўйхатга олиш масаласини ҳал қиладиган орган — сиёсий партияларнинг Миллий кенгаши бўлиб (бундай орган дунёда бошқа йўқ), унда давлат ва партия органлари вакиллари тенг миқдорда иштирок этишади.

Кўпчилик мамлакатларда партияларни ташкил этиш учун давлатдан олдиндан рухсат олинмайди. Шу билан бирга расман легал ишлаш учун улар аниқ қайд этилган расмий ва моддий талабларга жавоб беришлари керак. Расмий талаблар ўз номига, эмблема, шунингдек айрим ҳужжатларга эга бўлишини тақозо этади. Аслини олганда, барча давлатларнинг қонунлари янги партиянинг партиянинг номи мавжудлариникидан фарқ қилишини, эмблемаларида давлат ва диний рамзларга ўхшашлик бўлмаслигини шарт этиб қўяди. Баъзида бу талабларга ғоят ўзига хос талаблар ҳам қўшилади. Чунончи, Бразилиянинг партиялар тўғрисидаги Узвий қонунида, ташкилотнинг номида албатта «партия» сўзи бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган; Миссури (АҚШ) штатининг сайлов қонунида партиянинг номи беш сўздан ошмаслиги қонуний мустаҳкамлаб қўйилган; ГФРнинг партиялар тўғрисидаги Қонунида партиянинг расмий номидан фойдаланиш тартиби ва унинг территориал ташкилотларига киритилиши мумкин бўлган қўшимчалар анча батафсил бошқариб турилади.

Ҳужжатларга келсак, бу жиҳатдан Швеция истиснодир. Бу ерда партияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ёзма тарзда илтимос қилишнинг ўзи кифоя. Кўпчилик мамлакатларда эса ҳужжатларни топшириш мажбурий ҳисобланади. Португалиянинг партиялар тўғрисидаги Декрет-қонуни бўйича программа ва устав ана шундай ҳужжат ҳисобланади. Бразилиянинг Узвий қонунига мувофиқ бунга яна манифест, Никарагуанинг Қонунига биноан — нотариал идора тасдиқлаган дастур, устав, принциплар партиянинг мол-мулки ҳақидаги ҳужжат ҳам қўшилади. Ҳиндистонда партиялар рўйхатдан ўтаётганларида сайловлар бўйича олий комиссарга ўз сиёсий принциплари, мақсад ва вазифалари тўғрисида қатор маълумотлар, шунингдек ҳаракатнинг конкрет дастурини жўнатишади.

Баъзи давлатларда маълум миқдордаги гражданларнинг қўллаб-қувватлаши талаб этилади. Масалан, Швецияда риксдагга сайлов пайтида партияларни рўйхатдан ўтказиш учун камида 1,5 минг сайловчилар имзоси, ўз-ўзини бошқарувнинг маҳаллий органларига эса даражасига қараб 100 ва 50 сайловчи имзоси талаб этилади. АҚШда 20 штат қонуни имзоларнинг мутлақ сонини белгилайдики, партия мақомини олиш учун ўша имзоларни тўплаш керак: бу рақам 1,5 минг билан 25 минг ўртасида ўзгариб туради.

Ҳиндистонда сиёсий фаолият билан камида беш йил шуғулланган ва умумиллий сайловларда (умумҳиндистон мақомини олади) ёки штатдаги сайловларда (регион мақомини олади) 4 фоиз овоз тўплаган партиягина рўйхатдан ўтказилади. Регионал партия сифатида тўрт штатда рўйхатдан ўтказилган партия ўз-ўзидан умумҳиндистон мақомини олади.

Қатор федератив давлатларда (ГФР, АҚШ, Ҳиндистон ва бошқалар) партиялар ҳам умуммиллий, шунингдек ҳам федерациянинг алоҳида субъектлари даражасида иш кўрувчи партиялар бўлиши мумкин. Бразилия қонунлари фақат умуммиллий партияларнигина тан олади; Мексика қонунлари федератив бирлик даражасида партиялар тузиш тўғрисида ҳеч нима демайди. Австриянинг партиялар тўғрисидаги Қонуни турли даражадаги партияларнинг бўлишлиги тўғрисидаги масалани умуман қўймайди. Шу билан бирга мазкур Қонуннинг анчагина қисми унинг федерал кенгашдаги фаолияти ёки унга сайловлар билан боғлиқ партияларни маблағ билан таъминлашга бағишлангандир. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, қонун чиқарувчиларни биринчи навбатда умумфедерал даражада иш кўрувчи партиялар қизиқтирган.

Одатда, қонун партиялар, жумладан миллатига, жинсига ёки иркига (Бразилияда яна қайси синфга мансублигига ҳам) қараб партияга қабул қилиш ёки ундан чиқаришга йўл қўймайдиган демократик принциплар асосида тузилишини мажбур этади. Шунингдек партия турмушининг асосий масалалари партия ҳамма аъзолари ёки ҳамма партия аъзоларининг вакиллари йиғилишида ҳал этилиши керак, зеро у асосий партия ҳужжатларини, раҳбарият составини, маблағ билан таъминлаш манбаларини ва пул маблағларини сарфлаш тўғрисидаги маълумотларни доимо эълон қилиб бориши зарур. Мавжуд тузумни зўравонлик билан ағдаришга, ҳарбийлашган ва ярим ҳарбий ташкилотларни барпо этишга даъват қилиш тақиқланади.

Бундан ташқари, Италия ва Португалия конституцияларида фашистик ташкилотларнинг бўлишига йўл қўймаслик олдиндан писанда қилинади. Бу мамлакатларда мазкур қоидаларни ривожлантириш учун тегишли қонунлар: Италияда — 1952 йил 20 июнда фашистик партияларни тақиқлаш тўғрисида Қонун (1975 йилда тўлдирилди). Португалияда 1978 йил 6 октябрда фашистик ташкилотларни тақиқлаш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Никарагуанинг партиялар тўғрисидаги Қонунига мувофиқ сомосачи ёки шунга ўхшаш тузумни тиклашга интилаётган партиялар тақиқланади. Лекин, маълумки, ўта ўнг кучлар бу демократик қарорларни четлаб ўтиш йўлларини кидирадилар. Масалан, Италия социал ҳаракат неофашистик партияси Италияда легаллашишга мувофиқ бўлиб, анча мустаҳкам позицияни эгаллаб турибди.

Айрим мамлакатларда партиялар фаолиятини тақиқлаб қўйиш (ГФР, Франция, Испания, Португалия, Бразилия, Никарагуа ва бошқалар) мумкинлиги кўзда тутилган. Уларнинг кўпчилигида бу ҳақда тегишли суд органи томонидан қарор қабул қилинади. Никарагуа бундан истиснодир, бу ерда бундай қарорни сиёсий партияларнинг Миллий кенгаши қабул қилади, тўғри, ундан норози бўлиб, Олий судга шикоят аризаси ёзилиши мумкин. Қонунларни, жамоат тартиби ва одоб-ахлоқни бузиш давлат тартиботларини кўпориш, одатда, тақиқлаш учун асос бўлади.

Сиёсий партияларнинг функцияларига катта эътибор берилади. АҚШ қонунлари уларнинг аслини олганда бир функциясини — сайлов жараёнида қатнашиш функциясини тан олади. Кўпчилик мамлакатларда эса уларнинг фаолияти учун анча кенг имкониятлар яратиб берилади. Партиялар тўғрисида қонунлар бор мамлакатларда, уларнинг функциялари, одатда, қонунда анча батафсил белгиланиб берилган (кўпинча конституцион қоидаларни ривожлантириш орқали). Агар бу функциялар таърифининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни мустаҳкамлаб қўйиш воситаларига тўхталиб ўтирилмаса, уларнинг аслида ҳамма давлатлар учун бир хил бўлган қиладиган ишларнинг тахминий рўйхатини бериш мумкин: ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида халқнинг сиёсий хоҳиш-иродасини шакллантиришда иштирок этиш, жумладан, жамоатчилик фикрини яратишга, парламент ва ҳукуматнинг сиёсий фаолиятига таъсир кўрсатиш; сайлаб қўйиладиган давлат лавозимларига номзодлар кўрсатишда қатнашиш; халқ билан давлат органлари ўртасидаги алоқани қўллаб-қувватлашга ёрдам бериш; граждонлик туйғусини тарбиялашда иштирок этиш; сиёсий таълимни ривожлантириш; гражданларни фаол сиёсий ҳаётга жалб этишга кўмаклашиш.

Партиялар ўз функцияларини муваффақиятли адо этишлари учун қонун уларга анча кенг ҳуқуқ ва ваколатлар беради, одатда уларнинг юридик шахс эканлигини эътироф этади. Кўпчилик мамлакатларда улар сайлаб қўйиладиган давлат лавозимларига номзодлар кўрсатиш, ўз босма нашрларини тарқатиш, митинглар, намойишлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Сайлов кампаниялари давомида партиялар давлат оммавий ахборот воситаларида ҳам фойдаланадилар. Тўғри, бу ишда камситишлар ҳам бўлиб туради, яъни оппозициядаги партиялар (уларнинг қаторига одатда коммунистлар ҳам киради) чиқишлар учун етарлича қулай шарт-шароитга ёки вақтга эга бўлмаган ҳоллар ҳам бўлади. Қонун партиялар учун ҳукумат ва давлат маъмуриятини танқид қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйган.

Парламентдаги партиялар энг катта имкониятларга эга. Улар парламентнинг (ёки унинг палаталари) ялпи мажлисларида қатнашибгина қолмай, шунингдек ўз вакилларини пропорционал вакиллик принциплари асосида шаклланадиган парламент ва айрим бошқа давлат органларига ҳам юборади. Қатор мамлакатларда бундай партиялар сайловлар орасидаги даврда ҳам давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдалана оладилар. Уларга ажратилган эфир вақти парламентдаги ўринлар сонига қараб тақсимланади. Шу муносабат билан сайловда олдиндан мўлжаллаб қўйилганидан кўра кам овоз олган партияларни парламентдаги ўринларни тақсимлашда иштирок этишга имкон бермайдиган ҳар хил тўсиқлар ниҳоятда нодемократикдир (ГФР ва Бразилияда бундай тўсиқ овозларнинг 5 фоизини, Швецияда — 4 фоизини, Мексикада — 1,5 фоизини белгилаб берган). Португалия Конституциясида парламент мандатларини тақсимлашда қатнашишга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай чеклашлар очиқдан-очиқ тақиқлаб қўйилган. Бу ерда партиялар парламент гуруҳларини (фракцияларини) ташкил этишлари мумкин, уларнинг ихтиёрига махсус бинолар,

шунингдек маъмурий-техник персонал бериб қўйилади.

Камсонли партиялар бундай тўсиқларни коалициялар тузиш йўли билан бартараф этиш имкониятига эга. Аслини олганда ҳамма мамлакатларда бундай жараён ҳеч нима билан чеклаб қўйилмаган. Бразилия бу борада бирдан-бир истисно бўлиб, бу ерда умумфедерал парламент, штатлар парламентларига ва муниципиал ассамблеяларга сайловларда коалициялар тузиш тақиқлаб қўйилган.

Ҳамма ерда партиялар ўзларини ўзлари тарқатиб юбориш, қўшилиш, бўлиниш, ёшлар, хотин-қизлар учун ва бошқа ташкилотларни барпо этиш ҳуқуқига эга. Мамлакатларнинг кўпчилигида улар давлат томонидан маблағ билан таъминланиш ҳуқуқига эга. Грецияда бу имконият ҳатто конституцияда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Маблағ билан таъминлаш бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Билвосита деганда давлат оммавий ахборот воситаларида бепул чиқиш, партия фракцияларига махсус биноларнинг бепул берилиши, партия мол-мулкига солиқ борасида имтиёзлар берилиши ёки солиқлардан тўла-тўкис озод қилиниши (Португалияда бундай имтиёзлар партияларнинг умумий сайловларда сўзсиз қатнашиши ва бутун мамлакатда партиянинг камида 100 мингта овоз олиши билан боғлиқдир), почта орқали жўнатишларнинг бепуллиги тушунилади.

Сиёсий партияларнинг давлат томонидан тўғридан-тўғри маблағ билан таъминланиши, яъни давлат бюджети томонидан ажратиладиган маблағ асосида барпо этиладиган махсус фонддан пул маблағларининг уларнинг ихтиёрига ўтказилиши тобора кенг ёйилмоқда. Расман бу нарса сайловларда иштирок этганлиги учун кетган сарф-харажатларни қоплаш маъносида киритилган. Лекин қонун бу маблағларни сарфлашда партияларни ҳеч ҳам чекламайди, улар бу маблағлардан ўз билганича фойдаланадилар.

Давлат томонидан тўғридан-тўғри маблағ билан таъминлаш шароитида йирик партиялар кўпроқ имтиёзга эга бўлишади. Чунончи, АҚШда 1974 йилдаги Қонун бўйича тегадиган ҳамма маблағга фақат Демократик партия ва Республика партиясигина умид боғлаши мумкин, умуман субсидия олиш учун президент сайловларида камида 5 фоиз овозга эга бўлиш керак. Парламентда вакиллари бўлган партиялар-гина давлат томонидан маблағ билан таъминланиш ҳуқуқига эга. Давлат маблағларини тақсимлашнинг икки асосий воситаси мавжуд: буларнинг бири сайловларда олган овозлар сонига (ГФР, Италия, Австрия, АҚШ), иккинчиси парламентдаги мандатлар (Дания, Швеция, Финляндия, Франция, Бразилия) миқдорига боғлиқдир. Аралаш система ҳам (Буюк Британия, Испания) қўлланилмоқда. Бунда айрим мамлакатларда дотациянинг бир қисми (Бразилияда умумий миқдорнинг 10 фоизи. Италияда 15 фоизи) парламентдаги ҳамма партиялар ўртасида баб-баравар тақсимланади. Сайлов натижаларига мувофиқ олинадиган дотациялардан ташқари баъзида (Австрия, Италия, Испания) парламентдаги партия фракциялари ихтиёрига махсус пул миқдори ажратилади. Шу билан бирга давлатга мажбурий молия ҳисоботи топшириш жорий этилган, бу ҳатто давлат тўғридан-тўғри маблағ билан таъминламайдиган ҳолда ҳам қўлланилади. Чет элдан пул олиш тақиқланган.

Партиялар ташкилий структурасининг қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши партиялар фаолиятининг қонуний расмийлаштирилишининг яна бир белгисидир. Партиялар тўғрисида умумий характердаги қонунлар бўлган деярли ҳамма мамлакатларда, шунингдек АҚШда штатларнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида уларнинг ташкилий тузилиши, структураси, партия органларининг состави ва уларнинг ўзаро муносабатлари аниқ тартибга солиб турилади. Фақат Австрия, Никарагуа, Португалиянинг партиялар тўғрисидаги қонунларидагина уларнинг органлари қандай бўлиши, мажлисларнинг даврийлиги ва уларнинг қандай составда ўтиши тўғрисида ҳеч қандай очиқдан-очиқ кўрсатма йўқ. Ички структуранинг демократик принциплар асосида қурилиши кераклигигина таъкидлаб ўтилган.

Шундай қилиб, партиялар тўғрисидаги қонунлар ғоят хилма-хил бўлиб, ҳамон ўзгариб турибди. Лекин кўпчилик давлатларда унинг тадрижий ривожланишида ўхшаш тенденциялар кўзга ташланади.

Д. РАҲМОНОВ,
тарих фанлари номзоди.

ЭКОЛОГИЯ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда аҳоли ҳаётий фаолиятининг ижтимоий-иктисодий ва экологик шароитларини тубдан яхшилаш катта аҳамиятга эга. Кўрилаётган китобда* бу масалалар муфассал таҳлил қилинган. Унинг актуаллиги фан-техника ютукларидан кенг фойдаланиш, фан ва техника тараққиётининг бош бунёдкори ва олий мақсади сифатида инсон ролининг ошиб бориши, «инсон — техника — табиат» системасида ўзаро боғлиқ, етарлича ўрганилмаган муаммолар комплекси юзага келганлиги билан шартланади.

Муаллиф инсон хасталиги ва саломатлиги ижтимоий-иқтисодий детерминациясининг марксча-ленинча концепциясини тадқиқ қилади. Бунда Ўрта Осиё аҳолиси саломатлигини қайта тиклаш, турмуш тарзи, ижтимоий, экологик, эргономик ва демографик омилларнинг ушбу жараёнга таъсир этиш муаммолари китобда марказий ўринни эгаллайди. Бу омиллар муаллиф томонидан инсон ҳаётий фаолиятининг асосий жараёнлари рўй берадиган ташқи фон сифатида эмас, балки унинг турмушидаги ғоят муҳим компонентлардан бири, унинг ижодий, ўзгартирувчи ишининг объекти ва натижаси сифатида тақдим этилади. Шунга мос равишда инсоннинг ҳаётий фаолияти, унинг саломатлиги ва касалланиши ўзгармайдиган, олдиндан белгилаб қўйилган нарсалар деб эмас, балки конкрет-тарихий шаклланган иқтисодий, ижтимоий-экологик ва биогенетик вазиятнинг оқибати сифатида қаралади.

Бемордаги патологик оғишлар аниқланган босқичдаёқ, деб таъкидлайди Ю. Шодиметов, унинг турмуш ва меҳнат шароитининг таҳлили касалланиш сабабларини аниқлаш ва даволаш усулларини танлаш учун қимматли материал беради. Ўзбекистон аҳолиси анча қисмининг турмуш даражаси пастлиги ва ҳалокатли тус олаётган экологик вазият кўплаб касалликлар, умрнинг қисқариши, болалар ўлимининг кўпайиши ва бошка фалокатларнинг асосий сабабларидан бири бўлмоқда.

Жамиятни инсонпарварлаштириш, «инсон — ижтимоий тараққиётнинг мақсади ва воситаси» формуласини амалда рўёбга чиқариш энг аввало соғлиқни сақлаш органлари, медицина фанидан шифокорлар иш савиясини оширишни талаб этади. Врачнинг меҳнатини, деб тўғри қайд этади Ю. Шодиметов, шундай фаолият жумласига киритиш керакки, у ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмаса ҳам, барибир у нормал ва самарали ишлаши учун зарур замин яратади, чунки инсон саломатлигининг яхши бўлиши уни юксак унумли меҳнат қилишига ёрдам беради ва айни вақтда шахснинг уйғун камол топиши учун замин яратади.

КПССнинг социал программасида аҳолини ялпи диспансеризация қилиш, эрта диагностика қўйишга ўтиш ва касалликни ўз вақтида даволашга катта аҳамият берилган. Шу муносабат билан инсоннинг иқлим шароитига кўникиш муаммолари ва иссиқ иқлим шароитида патологик оғишларнинг ўзига хос хусусиятларини комплекс ўрганиш Совет Шарқи республикалари учун асосий вазифалардан бири бўлиб қолди. Муаллиф шуни таъкидлайдики, жазирама ҳарорат қишлоқ хўжалигини химиялаштириш, мураккаб ландшафтли шароит, овқатланишнинг ўзига хослиги билан биргаликда қоннинг морфологик манзарасида чуқур силжишлар келтириб чиқармоқда, унинг физиологик функцияларини сезиларли тарзда ўзгартирмоқда (28-бетга қаранг). Шуни айтиш керакки, пахта яккаҳокимлиги республикада ўрмон ва боғларнинг, яъни соғлом экология муҳим омилларининг кескин қисқаришига олиб келди.

Китобда мамлакат, айниқса Ўрта Осиё региони аҳолиси саломатлигининг экологик, руҳий, физиологик-морфологик миқдорий ва сифат параметрларининг ёмонлашувига олиб келган турғунлик даври салбий кўринишлари сабаблари ва оқибатларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили берилган. Унда оналар ва болалар ўлими ошишининг умумий сабабларини очиб бериш билан бирга, бунга ўзига хос демографик жараёнлар динамикаси олиб келганлиги ҳам биринчи бор аниқ кўрсатиб берилади. Бунда уларнинг инсон фаолиятининг ижтимоий-экологик ва медик-гигиена жиҳатлари билан, мамлакатимиз турли регионлари аҳолисининг иқлим-география, миллий, этнографик хусуси-

* Ю. Шадиметов. Человек: социально-экологические аспекты здоровья. — Ташкент, «Узбекистан», 1990, 240 с.

ятлари, турмуш тарзи ва турмуш маданияти билан диалектик жиҳатдан мураккаб ўзаро боғлиқлилиги очиб берилади.

Фан-техника тараққиётининг ижтимоий-экологик ва медик-гигиена оқибатларини характерлар экан, Ю. Шодиметов, «инсон — жамият — табиат» системасида инсон ҳаётий фаолиятидаги ижтимоий ва биологик ўзаро таъсир этишнинг тўртта даражасини: регионал, тармоқ, корхона ёки меҳнат коллективи ва иш жойини ажратиб кўрсатади. Бу ҳамма даражаларнинг ҳал қилувчи ижтимоий омили меҳнатдир, зеро инсон организми сарфланган ақлий ёки жисмоний энергиянинг сифати ва миқдоридан у ёки бу йўсинда таъсирланади.

Бу жиҳатдан биосферага антропоген таъсир динамикаси Ўрта Осиёда кейинги 15 йилда бир неча марта кўпайди, бу эса (соф иқтисодий сабаблар билан бир қаторда) меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигига замонавий технология, бошқа фан-техника янгиликларидан фойдаланиш жиддий таъсир кўрсатади. Тақриз қилинаётган китоб муаллифи томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё республикалари корхоналарида фан ва техника ютуқларини жорий этиш борасида муайян ишлар қилинганига қарамай, меҳнат шароитлари зарарли участкаларда банд кишилар сони ўсмоқда. Шу муносабат билан муаллиф фан-техника тараққиёти меҳнатни экологиялаштириш жараёнига, одамлар турмуши ва дам олишларига қандай таъсир этаётганини рўйи-рост кўрсатиши керак эди.

Китобда ортиқча жисмоний нагрузка меҳнат унумдорлиги пасайишининг сабаббири деган маълум факт асослаб берилади. Шунинг учун, ҳозирги замон фан-техника революцияси шароитида инсоннинг ижтимоий-биологик ва экологик имкониятларини оптималлаштириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Технологик жараёнларнинг психик-физиологик ва социалгигиена параметрлари муаммоси бугунги кунда айниқса актуалдир. Техника хавфсизлигига талаб ошди, унга риоя қилмаслик ҳатто кичик механизацияни жорий этишда ҳам кўплаб ишлаб чиқариш жароҳатларига, баъзида ўлим билан тугайдиган фалокатларга олиб келади. Аёллар ўз организмларига тўғри келмайдиган оғир жисмоний иш бажарадиган участкаларда бунга алоҳида эътибор бериш керак. Меҳнат шароитини яхшилаш ва соғломлаштиришнинг кўплаб йўллари мавжуд. Бу ҳақда китобда батафсил гапирилади, лекин муаллиф организмнинг Ўрта Осиёнинг ўзига хос иқлим шароитидаги атроф муҳит билан ўзаро муносабатини тушунишга асосланган гигиена нормаларини жорий этишга етарлича эътибор бермайди.

Ю. Шодиметов соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-экологик омилларини батафсил очиб беради. У меҳнат гигиенаси, турмуш ва дам олиш, шахслараро муносабатлар, экология маданияти, ўз организмини зарур физиологик ҳолатда ушлаб туришни билиш ва бошқа томонларни ўз ичига олувчи соғлом турмуш тарзини белгиловчи ўз мезонларини келтиради.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш — инсон, ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаш, меҳнат, турмуш ва дам олишнинг ижтимоий гигиена соҳасини илмий асосда ташкил этишнинг жуда муҳим муаммосидир. Ўйлаймизки, медицина фанининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсири ҳали етарли эмас, аҳолининг санитария-гигиена маданияти паст. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, санитария ва гигиена комплекс тарбиялаш жараёнининг бир қисмига айланиши керак, одамларни меҳнат, дам олиш ва турмуш режимига чинакамига ўргатиш зарур (92-бетга қаранг). Бу ўзига хос хусусиятларга эга бўлган Ўрта Осиё региони учун айниқса муҳимдир. Аҳолининг санитария-гигиена маданиятини кўтариш учун ҳар қандай имкониятлардан фойдаланиш керак, маълумки, усиз умуман маданиятнинг ўзи йўқ.

Турмуш тарзини интернационаллаштириш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг зарур шартидир. Бошқа халқ ва элатлар турмуш тарзидаги барча яхши жиҳатларни ўзлаштириш, ўз халқининг прогрессив анъаналари, удумлари, турмуш хусусиятларини авайлаб сақлаш ва кўпайтириш лозим, шу билан бирга эскириб қолган барча нарсадан қатъий воз кечиш керак, зеро миллатнинг тарихан шаклланган руҳий тузилиши, миллий онги, маданияти, тили, анъаналари, турмуши ва бошқалар турмуш тарзига, у орқали эса соғлиққа катта таъсир кўрсатади, деб асосли равишда таъкидлайди Ю. Шодиметов. Китобда бугунги Совет Шарқи миллатларининг асрий анъаналарини ўзига сингдирган меҳнаткашларнинг янги турмуши халқнинг ғоявий-маънавий сифатлари, унинг турмуш ва фикрлаш тарзини шакллантиради ҳамда такомиллаштиради деган фикр ана шу нуқтаи назардан баён қилинади.

Маълумки, аҳолининг табиий ўсиши юқорилиги Ўзбекистонга хос хусусиятлардан биридир. У, айтайлик, Украина ва Болтикбўйидагидан ўн марта юқорики, қатор муаммолар ва уларнинг ижтимоий оқибатлари шу билан боғлиқдир. Турмушда кўплаб қулай шарт-шароитларнинг йўқлиги, иқлимнинг иссиқ ва қуруқлиги, тоза ичимлик сувнинг тақчиллиги, атроф муҳитнинг ифлосланганлиги туфайли рўй бераётган демографик жараёнлар одамлар ҳаётий фаолиятининг ижтимоий-экологик шароитлари ёмонлашувига олиб келмоқда. Болалар ўли-

минипг юқорилиги алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Ўзбекистонда туғилаётган 1000 нафар боладан 47 нафари бир ёшга етмасдан нобуд бўлмоқда, бу умуман мамлакатдагидан деярли икки баробар кўп (128-бетга каранг). Шу муносабат билан тақриз қилинаётган китобда шу нарса диққатга сазоворки, унда касалланиш ва ўлим, айникса болалар ўлими ортишининг умумий ва ўзига хос қонуниятлари ва сабаблари кўрсатилган ва Ўрта Осиёнинг регионал хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўллари белгилаб берилган.

Юзага келган вазият оилани кўпайтиришни планлаштириш зарурлиги ҳақида яна бир бор ўйлашга мажбур қилади. Бундай ўткир ижтимоий-психологик ва маънавий муаммони қўйишнинг ўзи мунозаратадабдир. Олимлар 29 дан 39 ёшгача бўлган аёллар группасида туғишни чеклаб қўйиш оналар ўлимини тахминан 11 фоиз қисқартириши мумкинлигини ҳисоблаб чиқишган. Лекин, деб тўғри таъкидлайди Ю. Шодиметов, Ўрта Осиё шароитида оилани планлаштириш пропагандасини боадаблик билан олиб бориш керак, миллий туйғулар, этник хусусият ва анъаналарга тушуниб муносабатда бўлиш лозим (137-бетга каранг).

Аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатувчи омиллар каторига экологик вазият ҳам киради. Одамларнинг табиатга фаол бостириб киришлари шундай муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, аср бошида уларни хеч ким ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган. Инсон ва унинг фаолияти учун янада янги имкониятлар очар экан, фан-техника революцияси, шу билан бирга бир катор глобал зиддиятлар келтириб чиқармоқда. Инсон насли ва сайёрадаги бутун жонзот тирик қолишининг ўзи тобора кўп даражада соғлом экологик муҳитга боғлиқ бўлиб колмоқда. Худди шунинг учун экологик ва табиий офат районларига (Ўрта Осиёнинг кўплаб районлари ҳам улар каторига киради) фавкулодда ёрдам бериш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантиришнинг самарали воситаларини яратиш зарур.

Шу муносабат билан ўзгартишларни иктисодий, гигиеник ва ижтимоий-экологик прогноз қилишни такомиллаштириш, табиатни муҳофаза этиш ва қайта тиклаш зарурлиги борасида монографияда илгари сурилган фикрни қўллаб-қувватлаш керак. Регионимизда катта илмий ва фан-техника потенциали мавжудлигини, илмий марказлар ва давлат муассасаларида тўпланган эмпирик материални ҳисобга олиб, бутун Ўрта Осиё кўламида экологик прогнозлаштиришнинг моделини ишлаб чиқиш мумкин ва зарур. Бу, ўз навбатида, янги ёндашувлар, экологик вазият келтириб чиқараётган мураккаб муаммоларни комплекс ҳал қилишнинг конкрет йўллари ва методларини илмий ишлаб чиқишни талаб этади.

Замонавий ишлаб чиқариш табиий муҳит учун тобора оғир юк бўлиб тушмоқда. Бу борада экологик жиҳатдан тоза, инсон ва табиат учун зарарсиз янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, табиатга антропоген таъсир этишнинг регионал экологик мониторингини ташкил қилиш, фан-техника тараққиётининг эҳтимолдаги салбий оқибатларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Инсон яшайдиган муҳит, табиатни муҳофаза қилишга яқин ўтмишдаги технократик ёндашув (шу жумладан Ўрта Осиё регионида ҳам) турмуш шароитининг ёмонлашувига олиб келдики, бу аҳолининг соғлиғига таъсир этмаслиги мумкин эмасди, деб таъкидлаганида муаллиф ҳақ. Шунинг учун экологик фикрлашни тубдан қайта қуриш, совет кишисининг экологик маданиятини шакллантириш бугунги кунда жуда ҳам муҳим.

Тақриз қилинаётган китобнинг юқорида айтиб ўтилган камчиликларидан ташқари бошқа нуксонларини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Масалан, муаллифнинг фан-техника революциясининг салбий оқибатлари ортиб бораяпти деган фикрига қўшилиш қийин. Зеро фан-техника революцияси маълум параметрларда нафақат экологияни ёмонлаштиради, балки уни сифат жиҳатдан яхшилаш учун реал шарт-шароитлар яратади. Ўрта Осиё регионидаги турмуш, анъаналар, удумларнинг консерватив томонларига барҳам бериш муҳимлигини таъкидлар экан, Ю. Шодиметов халқ медицинаси тўплаган тажрибани авайлаб сақлаш, қайта тиклаш ва ривожлантириш зарурлиги ҳақида ҳеч нима демайди. Ҳамон ўша ижтимоий-гигиенанинг анъанавий концепциясига эргашиш ҳам муаллифнинг фикрини бўғади ва хулосаларини кўп жиҳатдан камбағаллаштиради.

Умуман олганда Ю. Шодиметов тадкикоти назарий фикр-мулоҳазаларни моҳирона танланган эмпирик материал билан муваффақиятли равишда уйғунлаштиради, унинг анчагина қисми илмий оборотга биринчи марта киритилмоқда. Китоб ўйлашга ва табиатни соғломлаштириш, инсон соғлиғини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашда баҳоли кудрат иштирок этишга мажбур қилади.

М. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

В. НИКИТЧЕНКО,
фалсафа фанлари доктори.

З. АБДУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди.

ЖУРНАЛДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар ўртасида янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, бозор иқтисодиётига, хилма-хил мулкчилик шаклларига ўтилиши шароитида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш масаласи ўртага янгича қилиб қўйилмоқда. Шу муносабат билан Г. Сахаров ва А. Чайко томонидан «Регионал хўжалик ҳисоби шароитида экология муаммоларини ҳал этиш» мақоласида («Ўзбекистон коммунисти», 1990, 6-сон) «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш» мажмуа лойиҳасида Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақилликка ўтиш концепцияси ишлаб чиқилганлигини ўз вақтида қилинган ва фойдали иш дейиш мумкин.

Мазкур лойиҳа муаллифлари республика халқ хўжалигини бошқаришни баҳолашнинг асосий мезонлари қаторига ҳақли равишда «аҳоли соғлиғининг аҳволи ва атроф муҳитнинг сифати»ни (1-бандга қаралсин) киритадилар. Гарчи таърифнинг ўзи, менимча, редакциянинг аниқлаб-беришини тақозо этсада, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланишни бошқариш территориал принципининг идоравий бошқарув принципидан устунлиги (3-банд) эътироф этилишини ҳам қўллаб-қувватлайман. Бу — республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги шароитида экологик муаммоларни ҳал қилишга ёндашувдаги асосий жиҳатлардир.

Шу билан бирга қараб чиқилаётган лойиҳанинг ҳамма бандлари ҳам шубҳасиз тўғри деб бўлмайди. Чунончи, 2-бандда шундай деб ёзилган: «Ўзбекистон ССР табиий ресурслари мулк ҳуқуқи сифатида унинг барча гражданларига тегишли ҳамда муайян қийматга эга». Сиёсий иқтисодда табиий ресурслар деганда табиий муҳитнинг бир қисми тушунилиб, у ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. Атроф муҳитнинг компоненти унга инсон меҳнати сарфланиб, муайян қийматга эга бўлгандан сўнггина табиий ресурсга айланади. Бинобарин, табиий ресурс муайян қийматга эгалиги хусусидаги қоида юридик жиҳатдан мустаҳкамлашни талаб этмайди. Шу сабабли 2-банднинг биринчи жумласини, менимча, қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ бўларди: «Ўзбекистон ССРнинг табиий ресурслари унинг халқининг мулкидир».

Ана шу банднинг ўзида табиий ресурсларни ижарага бериш, яъни уларни ҳақи тўланадиган муддатли эгаликка ва шартнома асосида фойдаланишга бериш тўғрисида гапирилади. Гарчи ижара тушунчаси тегишли ҳақ тўлашни тақозо этсада, шунга қарамай табиий ресурслардан бепул фойдаланишдек қарор топган амалиёт ҳамда шу негизда шаклланган психологик андоза муносабати билан бундан буён табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш пулли бўлишини алоҳида таъкидлаш керак бўлади (Ер тўғрисидаги иттифоқ қонунчилиги Асосларига ўхшаб).

Табиат ресурсларидан пулли фойдаланиш системасининг жорий этилиши экология соҳасида бошқарувнинг маъмурий методларидан асосан иқтисодий методларига ўтилганини билдиради. Табиий ресурслар учун олинадиган тўловлар: табиий ресурслардан рационал фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришга; табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнатнинг ижтимоий зарур сарфларини маҳсулот нархида янада тўлиқроқ ҳисобга олишни ва бу сарф-харажатлар ўрнини қоплашни таъминлашга; табиий ресурс потенциалини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш бўйича хўжалик фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказишнинг иқтисодий шарт-шароитини барпо этишга; оширилган сифатли ресурслардан фойдаланиш чоғида ҳосил бўладиган рента даромадларини олиб қўйиш ва шу билан корхоналар хўжалик фаолиятининг шарт-шароитини бараварлаштиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштиришни рағбатлантиришга, маҳаллий, республика ва иттифоқ бюджетларининг маблағини шакллантиришга даъват этилган. СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги етакчи мутахассислар иштирокида атроф муҳитни ифлослантирганлик ва ер, сув, ўрмон, минерал-хом ашё ва табиий рекреацион ресурслардан, шунингдек ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан фойдаланганлик учун тўловларни белгилаш борасида аллақачон методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муҳокама қилинаётган лойиҳанинг 2-бандида корхоналар, қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва кооперативлар ижара муносабатларининг субъектлари сифатида тилга олинган. Менинг фикримча, бу рўйхатни кенгайтириш керак: табиий ресурсларни давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассаса ва ташкилотларига, СССР гражданларига, қўшма корхоналарга, совет ва чет эллик юридик шахслар иштирок этувчи халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, ажнабий юридик шахслар ва гражданларга ижарага берилиши мумкин.

Ўша бандда шундай деб ёзилган: «Улардан (табиий ресурслардан — А. А.) фойдаланганлик учун ҳақ Ўзбекистон ССР Давлат банкига «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан рационал фойдаланиш» шахсий счётига келиб тушади». Ижара ҳақи мулкдор билан ижарачи ўртасида эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилаётган мол-мулк, бу ўринда — табиий ресурслар бобида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалашини эслатмоқчиман. Лекин агар табиий ресурсларнинг эгаси халқ депутатлари Советлари қиёфасидаги халқ бўладиган бўлса, бу ҳолда тегишли Советлардан табиий ресурсларни ижарага олаётган ватанимиз ва чет эл юридик шахслари ҳамда гражданлари ижара ҳақи кўринишида шартномада белгиланган пул суммасини айни Советларга тўламоғи керак. Шундай қилиб, бу маблағлар Советлар бюджетига келиб тушиши ва унинг даромад олиш манбаларидан бири бўлиб қолиши керак. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ижара тўғрисидаги қонун Асосларида ижарага олинган мол-мулкни (табиий ресурсларни) субарендага бериш мумкинлиги кўзда тутилган. Бу ҳолда ижара ҳақи ҳам тегишли халқ депутатлари Советларининг бюджетларида жамланади.

Лойиҳада табиий ресурслар учун тўлов тариқасида олинган маблағлар улар олинган жойдаги атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун сарфланади, деб таъкидланган. Лекин ана шу ҳужжатнинг 7-бандига мувофиқ, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги районлараро вазифаларни ҳал этиш область даражасидаги бошқарув органлари зиммасига, областлараро вазифалар эса — республика даражасидаги бошқарув органлари зиммасига юклатилади. Бундай функцияларни бажариш учун область ва республика органлари маблағларнинг зарур ҳажмига эга бўлиши керак. Шу сабабли табиий ресурслар учун тўловлар суммасини территориал ва ундан юқоридаги бюджетлар ўртасида қатъий нормативлар асосида тақсимлашни кўзда тутиш лозим.

«Рўёбга чиқарилиши атроф табиий муҳит сифатига салбий таъсир кўрсатадиган иттифоқ лойиҳаларига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика лойиҳаларига эса маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари «вето» қўйиш ҳуқуқига эгадир», — дейилган 4-банддан қандай лойиҳалар ҳақида сўз бораётганини билиш қийин. Зеро, бу ерда агар қонун ҳужжатлари ҳақида сўз бораётган бўлса, фақат Ўзбекистон ССР Олий Совети уларни бевосита бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки ҳақиқий эмас деб эълон қилиш ҳуқуқига эга.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолатини назорат этиш иттифоқ ва республика табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетларининг асосий функцияларидан биридир. Шу муносабат билан муҳокама қилинаётган лойиҳанинг 5-бандини қуйидаги таҳрирда таклиф қиламан: «Республика табиатни муҳофаза қилиш комитети айрим зарарли ингредиентларга регионал экологик стандартлар (ПДК) ўрнатиш (ихтисослаштирилган медицина ташкилотлари билан биргаликда) ва уларга риоя қилинишини назорат қилиш ҳуқуқига эгадир».

Ниҳоят, муҳокама қилинаётган ҳужжатда, фикримча, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш соҳасида ССР Иттифоқи, иттифоқдош республикалар (Ўзбекистон ССР), маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг компетенциясини белгилаш керак. Районлараро ва областлараро вазифалар билан бир қаторда (7-банд) республикалараро ва халқаро аҳамиятга молик экологик муаммоларни ҳал этиш йўлларини ҳам белгилаб олиш зарур (мисол учун, Амударё ва Сирдарёнинг сув ресурсларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан рационал фойдаланиш, Орол денгизи районида экологик мувозанатни бир маромда сақлаш ва ҳоказо). Менинг фикримча, улар республикалар ўртасида тузиладиган шартномаларда ўз аксини топиши ёки иттифоқ даражасида қараб чиқилиши мумкин.

А. АЛЕКСАНДРОВА,
СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг Бутуниттифоқ атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ва ахборот маркази катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди.

1990 йилда «Ўзбекистон коммунисти» журналида босилган мақола ва материаллар кўрсаткичи

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVIII СЪЕЗДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съездининг резолюциялари

БОШ ВА РЕДАКЦИОН МАҚОЛАЛАР

МАҚОЛАЛАР

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ

ПАРТИЯ ҚУРИЛИШИ

САНАЛАР, ЮБИЛЕЙЛАР, ВОҚЕАЛАР

ТАРИХ САҲИФАЛАРИ

ТЎҚСОНИНЧИ ЙИЛЛАРДАГИ ДУНЁ

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

ЖУРНАЛХОНЛАРИМИЗНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ. АХБОРОТ

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01, 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул котиб — 32-58-03, 33-60-42; масъул котиб ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: илмий социализм назарияси ва амалиёти — 32-58-65; тарих ва халқаро ҳаёт — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; иқтисодий ва социал сиёсат — 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; хатлар, ахборотлар, танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 2.11.1990 йил. Босишга рухсат этилди 20.11.1990 йил. Формати 70×108 1/16.
Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4
Шартли рангли варақлар 8,6. Нашриёт ҳисоб листи 9,8.
Тиражи 32209 (ўзбек тилида 21649, рус тилида 10560). Буюртма № 4391. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ЖУРНАЛХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ИНСОН ВА СИЁСАТ»га

1991 йил учун обуна давом этмоқда

Янги йилдан журналимиз ана шу номда чиқа бошлайди.

Агар сиз республикамиз, мамлакат ва дунёнинг социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига доир муаммоларни чуқурроқ таҳлил қилишга интилсангиз;

агар сизни сиёсий ташкилот сифатида Ўзбекистон Компартиясининг кўп қиррали фаолияти қизиқтирса;

агар сиз ўз фикр доирангизни кенгайтиришга, таниқли партия, совет ва хўжалик ходимлари, социологлар, файласуфлар, иқтисодчилар, юристлар, тарихчилар, фан ва маданият, адабиёт ва санъат арбобларининг, республика ва мамлакатнинг жамиятни революцион қайта қуриш ва тубдан янгилаш йўлидаги тақдири ҳаяжонлантираётган барча кишиларнинг ғоялари ҳамда фикр-мулоҳазалари билан танишишга ўзингизда эҳтиёж сезсангиз;

агар сизда таълим жараёнида ўз билимларингизни чуқурлаштириш, назариянинг турли масалаларига доир мақолаларни мунтазам мутолаа қилиш зарурати пайдо бўлса;

агар сиз сиёсий ва иқтисодий прогнозлардан, илмий ва амалий мунозаралардан хабардор бўлишни, ўткир долзарб саволларга билимдон мутахассислардан жавоб олишни хоҳласангиз;

агар сиз республикамиз тарихини яхшироқ билишни, ўтмишнинг унчалик маълум бўлмаган фактлари, тарихий воқеаларга нисбатан янгича қарашлар билан танишишни хоҳласангиз, —

ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида чиқадиган «ИНСОН ВА СИЁСАТ» журналига обуна бўлинг. Унга обуна барча алоқа ва «Союзпечать» бўлимлари томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 7 сўм 20 тийин.

Олти ойга — 3 сўм 60 тийин.

Уч ойга — 1 сўм 80 тийин.


HECKMAN
BINDERY, INC.
Bound-To-Please®
SEPT 03